

Мундарижа

1. Донишмандларнинг саволлари.
2. Илоҳийлик ва илоҳий хизмат.
3. Кришна - Худои Таолонинг намоён бўлган барча киёфаларининг манбаи.
4. Шри Нараданинг пайдо бўлиши.
5. Нараданинг Вйасадевага "Шримад-бхагаватам" бўйича насиҳат бериши.
6. Нараданинг Вйасадева билан суҳбати.
7. Дрона ўғлининг жазоланиши.
8. Парикшитнинг асраб қолиниши ва малика Кунтидевининг илтижолари.
9. Парвардигор Кришна олдида Бҳишмадеванинг бу дунёни тарк этиши.
10. Кришнанинг Дваракага кетиши.
11. Худо Шахси Кришнанинг Дваракага кириб келиши.
12. Император Парикшитнинг туғилиши.
13. Дхритараштранинг тарки дунё қилиши.
14. Худо Шахси Кришнанинг бу дунёни тарк этиши.
15. Пандавларнинг бу дунёни ўз вақтида тарк этиши.
16. Парикшитнинг Кали даври тимсолига дуч келиши.
17. Калининг жазоланиши ва авф этилиши.
18. Браҳман ўғлининг Маҳараж Парикшитни дуои бад қилиши.
19. Шукадева Госвамининг пайдо бўлиши.

"Шримад-Бхагаватам" Биринчи қўшиқ "Яратиш"

Биринчи боб. Донишмандларнинг саволлари

1. Эй Худойим, бутун борликни қамраб олган Парвардигор, Васудеванинг ўғли, Шри Кришна, мен эҳтиром билан Сенинг олдинда бош эгаман. Мен Парвардигор Шри Кришнани муруқба қиламан, чунки У - Мутлақ Ҳақиқат ва мавжуд бутун борлиқнинг яратилиш, ривожланиш ва емирилиш сабабларининг бошланғич сабабчисидир. У барча мавжудотни бевосита ва билвосита англаб турадиган, бутунлай мустақил бўлган Зотдир. Ундан ўзга ҳеч қандай сабабчи мавжуд эмас. Ҳақиқат илмини биринчи тирик мавжудот - Браҳма қалбига айнан Унинг Ўзи жойлаб қўйган. Худди оловда акс этадиган сув тасвири ёки сувда акс этадиган куруклик тасвири инсоннинг фикрини чалғитгани сингари, ҳатто буюк донишмандлар ва фаришталарни ҳам Унинг ўзи алдаб-адаштириб қўйибди. Моддий табиатнинг уч гунасининг ўзаро мутаносиб равишдаги фаолияти натижасида вақтинча мавжуд бўлган бу моддий борлик, аслида ҳақиқий бўлмаса ҳам, фақат Унинг каромати билангина ҳақиқийдек туюлади. Шунинг учун ҳам мен Унга - моддий дунёнинг алдамчи кўринишларидан ҳамиша пок бўлган, Ўзининг илоҳий даргоҳида мангу мавжуд бўлган Худо Шахси Шри Кришнани муруқба қиламан. Мен Уни муруқба қиламан, чунки У Мутлақ Ҳақиқатдир.

2. Моддий мақсадларга эришиш ниятида қилинадиган ҳар қандай диний фаолиятни бутунлай рад этган ҳолда, ушбу "Бхагавата-пурана", қалблари беғубор-пок, мукаммал содикларгина англаб ета оладиган энг олий ҳақиқатдан хабар беради. Энг олий ҳақиқат - бу алдамчи борликдан фарқли ўларок, бутун тирик мавжудот бахти-саодати учун ҳақиқатан ҳам мавжуддир. Ана шу ҳақиқат инсонни ҳаётдаги мавжуд уч турли азоб-уқубатларнинг барчасидан халос этади. Парвардигорни тўла англаб етиш учун, буюк донишманд Вйасадева ўзининг руҳий камолотга етган даврида ёзган, мана шу "Бхагавата-пурана" бутунлай кифоя. Шундай экан, қандайдир бошқа битикларнинг нима кераги бор? Бу илм, камтарин ҳолда, диққат билан "Бхагаватам" хабарини тинглай бошлаган кишининг қалбида дарҳол Олий Худо Шахсини намоён қилади. 3. Эй мўътабар ва муҳтарам зотлар, орзулар дарахтига ўхшаган ведалар адабиётининг етилиб пишган меваси бўлмиш "Шримад-Бхагаватам" шарбатидан тоғиб кўринглар. Гарчи, Унинг мазали шарбати барчага, - ҳатто озод руҳларга ҳам, аввалданок лаззатли бўлса ҳам, Шри Шукадева Госвами оғзидан айтилгани сабабли, у яна ҳам ширинроқ бўлди.

4. Кунларнинг бирида Худо Шахсини ва Унинг содикларини мамнун қилиш ниятида, минг йиллик қурбонлик маросимини ўтказиш учун, кўплаб буюк донишмандлар Шаунака бошчилигида Наимишаранья ўрмонидаги муқаддас жойга тўпландилар. 5. Бир куни улар ўзларининг эрталабки ибодатларини тамомлаб, қурбонлик оловини ёқдилар ва Шрила Сута Госвамини фахрий ўриндиққа ўтказиб, хурмат-эҳтиром билан унга ушбу саволларни бера бошладилар. 6. Донишмандлар шундай дедилар: - Эй хурматли Сута Госвами, сен барча гуноҳлардан бутунлай поксан. Сен диний фаолиятни ўргатувчи барча ёзувларни, шунингдек, барча Пураналар ва тарихий воқеаларни биласан, чунки уларни ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида ўргангансан ва ўзинг ҳам уларни бошқаларга ўргатгансан. 7. Эй Сута Госвами, ведаларни билувчи энг кекса ведантист-олим сифатида сен, Худо Шахсининг тимсоли бўлган Вйасадева таълимоти билан танишсан. Моддий ва илоҳий илмларнинг барча соҳаларини биладиган бошқа донишмандларнинг таълимотларини ҳам ўргангансан. 8. Камтаринлигинг туфайли руҳий устозларинг, одобли шогирд қабул қилиши мумкин бўлган барча илмларни сенга инъом этганлар. Шунинг учун, улар ўргатган илмларнинг барчасини сен бизларга баён этишга қодирсан. 9. Шу боис, эй узок умр кўришга дуо олган зот, бизга осон қилиб тушунтириб бер-чи, ҳаётда инсон учун энг олий ва мутлақ бахт-саодат нимадан иборат? 10. Эй донишманд, ҳозирги темир асри бўлган Кали юга даврида одамларнинг умри қисқа. Улар миждов, ялқов, гафлат ботқоғига ботган, омадсиз ва бунинг устига доимо ҳавотирдалар. 11. Муқаддас ёзувлар жуда кўп ва уларнинг ҳар бири инсонга турли хил вазифаларни юклайди. Уларни тушуниш учун, бу муқаддас ёзувларни кўп йиллар давомида ўрганиб чиқиш керак. Шунинг учун, эй донишманд, барча тирик мавжудотлар бахт-саодати учун бизларга уларнинг асл моҳиятини тушунтириб бер. Шундай насиҳатлар инсонлар қалбини тўла қаноатлантира олади. 12. Эй Сута Госвами, Худонинг марҳамати сенга ёр бўлсин! Худонинг Олий Шахси нима учун Васудеванинг ўғли сифатида Девақидан туғилганини сен биласан. 13. Эй Сута Госвами, биз Ху-

до Шахси ва У намоён бўлган киёфалар тўғрисида билишни истаймиз. Бизларга аввал ўтган устоз-ачарийаларнинг илмларини ўргат, чунки бу илмларни баён этган ва тинглаган инсон Худонинг даргоҳида ҳақиқий бахт-саодатга эришади. 14. Ўлиб-тирилишлар гирдобига тушиб қолган тирик мавжудотлар, ҳатто онгсиз равишда, билмасдан, ваҳиманинг ўзи ҳам кўрқадиган Кришнанинг муқаддас номини тилга олган заҳоти озодликка чиқишлари мумкин. 15. Эй Сута, муқаддас Ганга суви узоқ вақт мобайнида фойдаланилсагина, инсонни қилган гуноҳлари оқибатидан поклай олади, аммо Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойини ўзларига ягона нажот макони қилиб олган буюк авлиёлар, учратган одамнинг қалбини шу заҳотиёқ, бир зумда барча гуноҳлардан поклай оладилар. 16. Бу адоватли даврнинг иллатларидан халос бўлишга интилаётган қайси инсон Парвардигор номига айтилган ҳамду-саноларни тинглашни истамайди? 17. Худо Шахси Ўзининг илоҳий ҳатти-ҳаракатларида улўғвор ва меҳрибондир. Нарада Муни сингари буюк донишманд авлиёлар Унинг илоҳий кароматларини доимо олқишлайдилар. Биз улар тўғрисида тинглашни истаймиз. Шунинг учун бизга Худои Таоло Ўзининг турли киёфаларида кўрсатган кароматлари ҳақида гапириб бер. 18. Эй донишманд, Худои Таолонинг турли киёфаларда кўрсатган илоҳий кароматлари ҳақида бизга гапириб бер. Барчага саодат келтирувчи Худо Шахси, Олий Ҳукмдорнинг бу ўйин ва эрмаклари Унинг ички қувватлари ёрдамида бажарилади. 19. Мадҳия ва илтижоларда, ҳамду-саноларда олқишланадиган Худо Шахсининг илоҳий ўйинлари ҳақида тинглашдан биз ҳеч қачон чарчамаймиз. Қалбида Худо Шахси билан бўлган илоҳий муносабатдан лаззатланиш туйғусини ривожлантирган кишилар Унинг ўйинлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаб ҳамиша, ҳар лаҳзада ором оладилар. 20. Худо Шахси, Шри Кришна, бу дунёга Баларама билан бирга инсон киёфасида келдилар ва жуда кўп ғайритабиий ишлар қилдилар. 21. Кали даври кириб келганини яхши англаган ҳолда, бизлар Худонинг илоҳий фаолияти ҳақида узоқ вақт тинглаш ва шу тарзда қурбонлик маросимини ўтказиш учун бу муқаддас жойда тўпландик. 22. Эй саховатли зот, инсонни барча яхши фазилатлардан маҳрум қилувчи, тасодифларга тўла Кали даври уммонини сузиб ўтишни истаганлар жойлашган кеманинг дарғаси қилиб танлашимиз учун, Худонинг Ўзи сени бизнинг олдимизга юборган, деб ўйлаймиз. 23. Бизга айт-чи, Мутлақ Ҳақиқат - барча сеҳрли қудратлар султони, Шри Кришна Ўз даргоҳига кетгандан сўнг, диний қонун-қоидалар эндиликда кимнинг паноҳидан нажот топди?

Иккинчи боб.

Илоҳийлик ва илоҳий хизмат

1. Ромаҳаршананинг ўғли, Уграшрава, браҳманларнинг мукамал саволларидан мамнун бўлиб, уларга миннатдорчилик билдирди ва уларнинг саволларига жавоб беришга киришди.

2. Шри Сута Госвами шундай деди: Ҳар бир инсоннинг қалбига йўл топа оладиган буюк донишманд (Шукадева Госвами) олдида мен эҳтиром билан бош эгаман. У олий табақаларга мўлжалланган муқаддас зуннор тақиш ва маҳсус маросим ўтказиш

ёрдамида покланмай туриб, бу дунё ишларини тарк этиб, таркидунёлик (саннийаса) қилиб яшаш учун уйини ташлаб кетаётганида, ўғлидан айрилиш дардидан кўрққан отаси, Вйасадева, “Ҳой, ўғлим!” - дея, хитоб қилганича қолаверди. Аммо, аламзада отанинг бу хитобига жавобан, фақат, худди шундай ҳижрон азобидан қолган дарахтларгина акс садо бердилар, холос. 3. Барча донишмандларнинг устози ва Вйасадеванинг ўғли (Шукадева) олдида мен чуқур эҳтиром билан бош эгаман. Моддий борлиқнинг зулмат ботқоғидан халос бўлишга интилаётган, адашган худосизларга нисбатан чуқур ҳамдардлик туйғуси билан, у Ведалар илмини ўз ҳаёти тажрибасида ўрганиб, уларнинг асосий мазмунига мана шу бебаҳо қўшимчаларни баён қилди. 4. Энг буюк саодат сари ягона йўл бўлган бу “Шримад-Бхагаватам”ни ўқишдан олдин Худо шахси Нарайанага, инсонларнинг энг аълоси Нара-Нарайана Ришига, илмлар маъбуди Биби-Сарасватига, ва муаллиф Шрила Вйасадевага чуқур эҳтиром билан таъзим қилиш лозим. 5. Эй донишмандлар, сизлар жуда тўғри саволлар бердингиз. Сизларнинг саволларингиз Худо Шахси Кришнага тегишли ва шу сабабли бутун оламга бахт-саодат келтиради. Фақат шундай саволларгина инсон қалбини тўла қаноатлантириши мумкин. 6. Инсонни Худо Шахсига муҳаббат билан холис хизмат қилиш даражасига эриштирадиган фаолиятгина энг олий фаолият (дхарма)дир. Рухни тўла қаноатлантириш учун бундай хизмат узлуксиз ва холис бўлиши керак. 7. Худо Шахси, Шри Кришнага ихлос билан холис хизмат қилиб юрган инсон шу заҳотиёқ бесабаб илмга эга бўлади ва бу ўткинчи дунёга бўлган боғланиш туйғусидан халос бўлади. 8. Агар Худо Шахсига қизиқиш уйғотмаса, инсоннинг бу ҳаётида қилаётган ишларининг барчаси бефойдадир. 9. Худои Таолонинг инсонлар учун белгилаб қўйган ҳар қандай вазифаларини бажариш - руҳ(жон)ни бутунлай озодликка чиқаришдан бошқа ҳеч қандай мақсадни кўзламайди. Бу вазифаларни ҳеч қачон моддий манфаат кўзлаб бажармаслик керак. Бундан ташқари, донишмандларнинг фикрича, шундай буюк фаолият билан машғул одам, ҳаётдаги моддий ютуқларидан ҳеч қачон ҳиссиётининг талабларини янада юксакроқ даражада қондириш учун фойдаланмаслиги керак. 10. Инсон ҳаётда ҳиссиётининг талабларини қондириш учун яшамаслиги керак, фақат соғлом ҳаёт билан яшаш, яъни ҳиссиётларнинг талабини тананинг ҳаётини таъминлаш учун етарли миқдордагина қондириш лозим. Чунки инсоннинг асосий вазифаси - Мутлақ Ҳақиқат тўғрисида саволлар беришдир. Ҳаётда унинг бошқа ҳеч қандай мақсади бўлмаслиги керак. 11. Мутлақ Ҳақиқатни таниган, илоҳий илм эгалари ўша ягона моҳиятни Брахман, Параматма ёки Бхагаван деб атайдилар. 12. Илм ва таркидунёлик билан қуролланган жиддий ва тиришқоқ шогирд ёки донишманд бу Мутлақ Ҳақиқатни, Ведаларда ёзилганидек Унга садоқат билан холис хизмат қилиш ёрдамида англаб олади. 13. Шунинг учун, эй иккибор тўғилганлар аълоси, инсоннинг ҳаётда ўз табақаси ва ҳаёт тарзига мувофиқ белгиланган бурчини холис бажариб яшаш натижасида эриша оладиган энг юксак мукофот - Худои Таолонинг розилигидир. 14. Шунинг учун, жиддий равишда, диққат билан, ҳамиша Худо Шахси ҳақидаги ҳикояларни тинглаш, Уни улўғлаш, эслаш, содиқларнинг нажоткори бўлган Худои Таолога сажда қилиш, сиғиниш керак. 15. Донишманд кишилар

қилган ишлари оқибати(тақдир, карма)нинг чигал тугунини ҳамиша Худони эслаб юриш ёрдамида, қилич билан кесгандай, чопиб ташлайдилар. Шундай экан, Худо Шахси ҳақидаги хабарга хайрихоҳ бўладиган киши топилармикан? 16. Эй иккибор туғилган донишмандлар, барча иллатлардан бутунлай пок бўлган содиқларга хизмат қилиш - буюк бахтдир. Уларга хизмат қилиш туфайли инсон ўз қалбида Худо Шахси Васудева хабарларини тинглашга мойиллик уйғотади. 17. Агар тўғри тингласалар ва такрорласалар, Худои Таоло Кришнанинг хабарлари хайру-саховатга тўла. Инсоннинг қалбида Худонинг каломини, Унинг илоҳий қароматлари ҳақидаги илмни тинглашга иштиёқ уйғонганида, унинг юрагидаги мавжуд Худо Шахси(Параматма) - Ўзига интилаётган бу содиқнинг қалбини моддий лаззатларга интилиш иллатидан поқлайди. 18. "Шримад-Бхагаватам"ни мунтазам ўрганиш ёки соф содиқларга хизмат қилиш шарофати билан инсоннинг қалби барча хавотирлардан халос бўлади. Ана шунда, унинг қалбида илоҳий мадҳияларда улуғланувчи Худо Шахсига муҳаббат билан холис хизмат қилиш истаги мустаҳкам ва мангу бўлиб қолади. 19. Инсон қалбида Худои Таолога садоқат билан холис хизмат қилиш мустаҳкам жой олиши биланоқ, ғафлат ва хирсий гуналар таъсирининг оқибатлари бўлмиш эхтирос, истак ва нафс(хирс) унинг қалбини тарк этади. Шунда содиқ соф эзгулик гунасида мустаҳкам қарор топади ва тўла бахтиёрлик ҳолатига эришади. 20. Шундай қилиб, Худо Шахсига содиқ хизмат қилиш билан ақли жонланган ва соф эзгулик гунасида яшашга эришган киши, ҳар қандай моддий алоқалардан озод бўлиб, Худо Шахси тўғрисида ижобий илмга эга бўлади. 21. Инсоннинг қалби барча чигаллик ва шубҳаю-гумонлардан шу тарзда покланади. Рух - тананинг хўжайини эканини англаб етган заҳоти, инсоннинг қармали фаолиятининг оқибатлари(тақдир) занжири узилиб кетади. 22. Шунинг учун, азалдан, илоҳий илм соҳиби бўлган донишмандлар, чуқур лаззат билан Худо Шахси, Кришнага садоқатли хизмат қилиш билан шуғулланидилар, чунки бундай холис хизмат қилиш руҳни жонлантириб, қалбларга ором беради. 23. Худонинг Илоҳий Шахси моддий табиатнинг уч гунаси: хирс, эзгулик ва ғафлат билан билвосита боғлиқ. Ва фақат моддий борлиқни яратиш, мавжудлигини таъминлаб туриш ва яқсон қилиш учунгина У уч сифат - Брахма, Вишну ва Шива қиёфасига қиради. Бу уч қиёфадан эзгулик сифатининг тимсоли бўлмиш Вишну инсонга энг олий саодат ато этади.

24. Ўтин - бу шакли ўзгарган ернинг ўзидир, аммо, тутун ҳўл ўтиндан яхшироқ. Олов ундан ҳам яхшироқ, чунки олов ёрдамида(қурбонлик қилиб) энг олий илм шарофатига эришиш мумкин. Шунингдек, хирс(раджас) гунаси, ғафлат(тамас)дан кўра яхшироқ, аммо эзгулик(саттва) гунаси ундан ҳам яхши, чунки, эзгулик ёрдамида инсон Муғлақ Ҳақиқатни англаб олиши мумкин. 25. Азалдан барча буюк донишмандлар Худо Шахсига хизмат қилганлар, чунки Худои Таоло моддий табиатнинг уч гунаси таъсиридан озод, улардан устун туради. Улар моддий тутқунликдан халос бўлиш ва шу билан бирга, энг юксак бахтга эришиш учун Худо Шахсига сиғинганлар. Шундай буюк донишмандлар изидан борган ҳар қандай киши ҳам моддий олам тутқунлигидан озод бўлишга муносиб инсондир. 26. Озодликка чиқиш учун жиддий интилаётган киши, ҳеч

кимга ҳасад қилмайди ва ҳаммани хурмат қилади. Сиғиниш учун фаришталарнинг ёқимсиз ва даҳшатли қиёфаларини рад этади ва фақат Худованд Вишну ва Унинг тўла бутун бўлақларининг мафтун этувчи қиёфаларига сажда қилади. 27. Ҳирс ва ғафлат гунаси таъсири остидаги одамларнинг нияти аёллар, мол-дунё, бошқалар устидан ҳукмронлик қилиш ва бола-чақага эга бўлиш каби моддий манфаатлар бўлгани учун, улар ўтган авлодларига, моддий оламда ҳукмронлик қилаётган бошқа жонзотларга ва фаришталарга сиғинадилар. 28-29. Муқаддас ёзувларнинг тасдиқлашича, англашнинг энг олий мавзуи - Худо Шахси, Шри Кришна. Қурбонлик қилишдан мақсад - Худони рози қилиш. Йоганинг мақсади - Худони билиш. Барча тирик мавжудотларни қилган ишларининг натижаси билан, охир-оқибатда Унинг Ўзи мукофотлайди. У - олий илмдир, ва барча машаққатли риёзатлар Унга эришиш учунгина чекилади. Дин(дхарма) - Худои Таолога, Худо Шахсига садоқат(ихлос) билан холис хизмат қилишдир. У - ҳаётнинг олий мазмуни - мақсадидир.

30. Моддий борлиқнинг яратилиши аввалида, Худонинг бу Муғлақ Шахси, Васудева, Илоҳийлигича қолган ҳолда, Ўзининг ички қуввати ёрдамида сабаб ва оқибат қувватларини яратди. 31. Моддий борлиқнинг асосини яратгач, Парвардигор(Васудева) Ўзи кўпайиб, моддий борлиқ ичига кирди. Гарчи У, табиатнинг моддий гуналари ичида мужассам бўлган ҳолда, яратилган мавжудотларнинг биридай бўлиб туюлса ҳам, Ўзининг илоҳий ҳолатда эканини ҳамиша тўла англаб туради. 32. Худди олов азалдан дарахт ичида мавжуд бўлгани сингари, Худо Шахси ҳам, Олий Рух шаклида бутун борлиқ ичида мавжуд, ва шу боис, гарчи У - Ягона Муғлақ Ҳақиқат бўлса ҳам, хилма-хил шаклга эгадай бўлиб туюлади. 33. Олий Рух, моддий табиат гуналари таъсири остидаги мавжудотлар танасига қиради, ва нозик моддий акл ёрдамида, уларни бу гуналар таъсири оқибатидан лаззатланишга ундайди. 34. Бутун олам ҳукмдори, Худо Шахси фаришталар, одамлар ва куйи табақадаги мавжудотлар яшаётган барча сайёраларнинг мавжудлигини шу тарзда таъминлаб туради. Соф эзгулик гунаси таъсири остидаги инсонларни Ўзининг даргоҳига чорлаш учун У турли қиёфаларга кириб бу дунёда, Ўзининг ўйинларини намоён этади.

Учинчи боб.

Кришна - Худои Таолонинг намоён бўлган барча қиёфаларининг манбаидир

1. Сута Госвами шундай деди: - Моддий оламини яратишдан аввал Худо Шахсининг Ўзи пурушанинг фазовий қиёфасига кирди ва моддий борлиқни ташкил этувчи барча унсурларини яратди. Шундай қилиб, биринчи навбатда, моддий коинотни яратиш мақсадида, моддий фаолиятни ташкил этувчи 16 та бошланғич унсур яратилди. 2. Пурушанинг экспансияси Коинот сувларида ётади, Унинг киндигидаги кўлмақдан нилуфар гули ўсиб чиқади. Ана шу нилуфар гулидан Коинотдаги барча бунёдкорлар сардори Брахма пайдо бўлади. 3. Коинотдаги барча сайёралар тузуми пурушанинг баҳайбат танасида жойлашган. Аммо У, яратилган моддий унсурлар билан ҳеч қандай умумийликка эга эмас. Унинг танаси абадий бўлиб, руҳий оламда мангу

мавжудлигича қолаверади. 4. Содиқлар мукаммал кўзлари билан пурушанинг минглаб хайратомуз оёқ, кўл, сон ва сиймоларга эга бўлган илохий киёфасини тасаввур қила оладилар. Бу тана минглаб бош, кулок, кўз ва бурунларга эга. У минглаб тож, гулчамбарлар ва ялтираган сирғалар билан безанган. 5. Бу киёфа (Махавишну, пурушанинг иккинчи намоён бўлиши) - Худонинг Коинотдаги хилма-хил киёфаларининг туганмас манбаи ва уруғидир. Бу киёфанинг бўлак ва бўлакчаларидан фаришталар, одамлар ва бошқа турли хил мавжудотлар яратилади.

6. Энг аввало, Браҳманинг тўрт уйланмаган ўғли - кумарлар пайдо бўлди. Улар Мутлақ Ҳақиқатни англаш ниятида жинсий алоқани бутунлай рад этиб, машаққатли риёзатларга берилдилар. 7. Барча қурбонликларнинг олий лаззатланувчиси, Худо Шахси тўнғиз киёфасида пайдо бўлди (иккинчи киёфаси) ва Ерга мурувват кўрсатиб уни Коинот сувларининг чуқур қаъридан юқорига кўтариб чиқди. 8. Риши даврида Худо Шахси фаришталар орасида буюк донишманд Деварши Нарада киёфасида, учинчи бор пайдо бўлди. У Ведаларнинг содиқ хизмат қилишга тегишли ва инсонни Худога садоқат билан холис хизмат қилишга илҳомлантирувчи бўлимларини тўплади. 9. Худо Шахси тўртинчи гал шоҳ Дҳарма хотинидан эгизак ўғиллар Нара ва Нарайана киёфасида дунёга келди. У Ўз ҳиссиётини жиловлаш ниятида, ибрат олса арзийдиган машаққатли риёзатларга берилди. 10. Бешинчи киёфаси - мукаммал мавжудотларнинг аълоси - Тангри Капила. У Асури Браҳманга моддий борлиқнинг таркибий қисмларини ўргатди ва илохий (метафизика)лик илмини тушунтириб берди, чунки вақт ўтиши билан бу илм йўқолиб кетган эди. 11. Пурушанинг олтинчи киёфаси донишманд Атрининг ўғли эди. У, Анасуйанинг Худои Таолонинг келишини тилаб қилган илтижоларини инобатга олиб, унинг фарзанди кўринишида дунёга келди. У Аларка, Прахлада ва бошқалар (Йаду, Хаихайа)га илохий таълимотни ўргатди. 12. Худо Шахсининг еттинчи киёфаси Пражапати Ручи ва унинг хотини Акутининг ўғли Йажна киёфасида дунёга келди. Унинг ҳукмронлиги Свайамбхува Манунинг алмашиш даврига тўғри келди. Унга фаришталар ёрдам бердилар, улар орасида Ўзининг ўғли Йама ҳам бор эди. 13. Унинг саккизинчи киёфаси - шоҳ Набха ва унинг хотини Мерудевининг ўғли шаҳзода Ришабха эди. Худои Таолонинг ана шу киёфада келиб, инсонларни камолотга эриштириш учун бериб кетган кўрсатмаларига, ҳамма эъозлайдиган, ҳиссиётларини жиловлай оладиган кишилар риоя қиладилар. 14. Эй браҳманлар, донишмандларнинг илтижоларини инобатга олиб Ўзининг тўққизинчи келишида Худо Шахси шоҳ (Притху) танасида намоён бўлди ва хилма-хил неъматлар олиш ниятида Ерга ишлов берди. Унинг шарофати билан Ер жуда кўркам ва хушманзара тус олди. 15. Чакшуша Ману даврининг ниҳоясида сув тошқини бўлиб, бутун жаҳон сув остида қолганида, Худо Шахси (Матся) балиқ киёфасига кирди ва Вайвасвата Манунинг кемасини сув юзида тутиб туриб, уни ҳалокатдан қутқарди. 16. Ўн биринчи келишида Худо Шахси (Курма) тошбақа киёфасига кирди. Унинг зирҳи, океанни чайиш учун фаришталар ва иблислар куракча (пишқак) сифатида қўллаган Мандарачала тоғи учун таянч вазифасини бажарганди. 17. Ўн иккинчи келишида Худо Шахси Дханвантара киёфасида пайдо бўлди, ўн учинчи

келишида эса - жозибадор аёл (Махини) киёфасида, хусни-жамоли билан иблис (худосиз)ларни Ўзига мафтун этиб, мангулик шарбатини фаришталарга ичирди. 18. Ўн тўртинчи келишида Худо Шахси Нрисимха киёфасида пайдо бўлди ва ёғоч майдалаётган дурадгор сингари, панжалари билан иблис Хираньякашипунинг мегиндай қудратли танасини иккига бўлиб ташлади. 19. Ўн бешинчи келишида Худо Шахси пакана-браҳман (Вамана) киёфасига кириб, Бали Маҳараж уюштираётган қурбонлик маросимида ташриф буюрди. Аслида бугун уч олам салтанатини қайтариб олишни ният қилиб, Бали Маҳараждан уч қадам ташлагудек ер парчасини садақа қилишни сўради. 20. Қшатрийлар браҳманларнинг кўрсатмаларига амал қилмай кўйганларидан ғзаби келиб, Ўзининг ўн олтинчи келишида Худо Шахси (Бхригувати, Парашурама киёфасида) ҳукмрон табақа (қшатрий)ларни (уч бор етти мартадан) 21 марта яксон қилди. 21. Худо Шахсининг навбатдаги ўн еттинчи киёфаси - Шри Вйасадева, Парашара Муни ва унинг хотини Сатйаватиларнинг ўғли кўринишида дунёга келди. Одамларнинг пировард кўпчилиги чуқур тафаккурга эга эмасликларини кўриб, У ягона Ведани бир неча бўлақларга бўлди. 22. Ўн саккизинчи келишида Худо Шахси шоҳ Рама киёфасида пайдо бўлди. Ўз ишлари билан фаришталарни мамнун қилиш ниятида, ақл бовар қилмайдиган қудратини намоён қилди: Ҳинд океанини жиловлади, кейин океаннинг нариги қирғоғида яшаётган иблис шоҳ Раванни ўлдирди. 23. Ўн тўққизинчи ва йигирманчи келишларида Худо Шахси Вришни хонадонида (Йадулар қабиласида) Баларама ва Кришна киёфасида пайдо бўлди. Ўз ташрифи билан У бу оламни оғир азобдан қутқарди. 24. Кейин Кали-юга бошида, диндорларга душманлик кўзи билан қарайдиганларни қалғитиш учун Худо Шахси, Гайа вилоятида, Айжананинг ўғли Худованд Будда сифатида пайдо бўлади. 25. Кейин, икки юга ораллигида Худо Шахси, Калки-аватара киёфасида Вишну Йашининг ўғли бўлиб дунёга келади. У пайтда дунёдаги барча ҳукмдорлар қароқчиларга айланадилар.

26. Эй браҳманлар, Худо Шахсининг кўринишлари, киёфалари, туганмас булоқдан оқиб чиқаётган ирмоқлар сингари бениҳоядир. 27. Барча донишмандришилар, Ману, алоҳида қудратга эга бўлган Манунинг авлодлари ва фаришталар Худо Шахсининг тўла бутун бўлақлари ёки тўла бутун бўлагининг бўлақларини намоён этади. Пражапатилар ҳам шундай. 28. Кўрсатиб ўтилган киёфаларнинг барчаси Худо Шахсининг тўлиқ бўлаги, ёки Худо Шахсининг тўлиқ бўлагининг бўлақларидир. Аммо, Худо Шахси Кришна - Худонинг бошланғич, азалий Олий Шахсидир. Улар худосизлар томонидан бузғунчиликлар авж олганда ҳар хил сайёраларда пайдо бўладилар. Худо Шахси такводорларни ҳимоя қилиш ниятида бу оламга ташриф буюради. 29. Худо Шахсининг сирли намоён бўлишлари тарихини эргалаб ва кенқурун диққат ва садоқат билан такрорлаган киши барча азоб-уқубатлардан озод бўлади. 30. "Худо Шахси моддий оламда Вират-рупа, фазовий киёфасида пайдо бўлади" деган тушунча - ҳаёлий тушунчадир. Ундан мақсад - чуқур тафаккурга эга бўлмаган кишилар онгида "Худонинг киёфаси бор" деган фикр уйғонишига имконият яратишдир. Аслида Худо Шахсининг моддий киёфаси йўқ. Бу киёфаларнинг барчасида У илоҳийлигича қолади. 31. Булут ва чанг ҳавога кўтарилади, аммо мулоҳазасиз

кишилар осмон булут, хаво чанг деб айтишади. Худди шунингдек, улар ўзларининг моддий тана билан боғлиқ бўлган тасаввурларини рух билан боғлайдилар. 32. Шахнинг моддий, кўпол қиёфаси - моддий тушунчаси билан бирга, унинг нафис тушунчаси (концепцияси) мавжуд. Унга биноан шахс(жон) - ташки чегарага эга эмас, кўринмас, эшитилмас ва намоён бўлмаган. Тирик мавжудот(рух)нинг моддий қиёфаси унинг рухий қиёфасидан, нафис танасидан фарқ қилади, акс ҳолда у такрор ва такрор туғила олмас эди. 33. Инсон ўз-ўзини, рухий ўзлигини англаш жараёнида, ўзининг на кўпол, на нафис танаси унинг соф "ўзлиги"(жон)га ҳеч қандай алоқадор эмаслигини тушунади, шунда у ўзини ҳам, Худо Шахсини ҳам кўра олади. 34. Алдамчи қувват таслим бўлиб, тирик мавжудот Худонинг марҳамати билан тўла илмга эга бўлган заҳотиёқ, ўзини англаб етади ва ўзининг бутун улувворлигини англаб олади. 35. Ҳатто ведавий ёзувларда ҳам излаб топилмайдиган, туғилмаган ва ҳаракат қилмайдиган - шахс(рух)нинг туғилиши ва фаолиятини илми кишилар мана шундай тасвирлайдилар. У - қалбдаги Худо, Парвардигордир. 36. Фаолияти ҳамиша бенуқсон бўлган Худои Таоло олти ҳиссиётнинг тўла хўжайини ва олти фазилатнинг комил эгасидир. У бутун борлиқни яратади, мавжудлигини таъминлаб туради ва яқсон қилади, аммо бу ишлар Унинг Ўзига таъсир қилмайди. У ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд ва ҳамиша мустақил. 37. Илми саёз кишилар, саҳнадаги актёр сингари ўйнаётган Худо Шахсининг қиёфалари, номлари ва фаолиятининг илоҳий табиатини англашга қодир эмаслар. Худо Шахсини улар на ўзларининг ақл юргизишларида, на ўз нутқларида ифодалай олмайдилар. 38. Кўлида арава-нинг ғилдирагини ушлаб турган Худо Шахси Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига гумонсиз, мунтазам ва муҳаббат билан холис хизмат қилаётган кишиларгина, бутун борлиқни яратувчи Худои Таолонинг тўла шухрати, қудрати ва илоҳийлигини англашга қодирдирлар. 39. Бу дунёда фақат мана шундай саволларга жавоб излаган кишиларгина зафар қозонадилар. Чунки бундай саволлар барча оламлар султони, Худо Шахсига нисбатан лаззатли илоҳий муҳаббат уйғотади ва туғилиб-ўлишларнинг даҳшатли такрорланишидан бутунлай озод этади. 40. Бу "Шримад-Бхагаватам" Худонинг бадий қиёфаси, тимсолидир. У Худонинг навбатдаги кўриниши бўлган, Шрила Вйасадева томонидан нозил қилинган. Унинг максади - бутун инсониятга бахт-саодат келтиришдир. У комил қилиб берилган. Уни ўрганиш инсонга омад келтиради ва роҳат бағишлайди. 41. Барча ведавий ёзувлар ва коинот тарихининг мағзини (қаймоғини) олиб, Шри Вйасадева "Бхагаватам"ни ўзлигини тўла англаган руҳлар ичида энг мўътабар зот бўлган ўғлига ўргатди. 42. Вйасадеванинг ўғли, Шукадева Госвами "Бхагаватам"ни ўз навбатида, Ганга қирғоғида донишмандлар қуршовида туз тотмай, ўз ажалини кутиб ўтирган буюк шоҳ Парикшитга ўргатди. 43. Қуёш сингари порлаб, ёғду таратаётган бу "Бхагавата-пурана", Худо Шахси Кришна дин, илм ва шу қабилар билан бирга Ўз даргоҳига кетгандан сўнг дарҳол пайдо бўлди. Бу Пурана Кали даврининг ғафлат ботқоғида кўриш қобилиятини йўқотган инсониятга ёруғлик олиб келди. 44. Эй олим брахманлар, Шукадева Госвами (шоҳ Парикшит олдида) "Бхагаватам"ни ўқиганида, мен уни диққат билан тингладим, бу буюк ва қудратли донишманднинг марҳамати билан

"Бхагаватам"ни ўргандим. Энди мен шу ерда эшитганларимни қандай тушунган бўлсам, шундайлигича сизларга етказишга ҳаракат қиламан".

Тўртинчи боб Шри Нараданинг пайдо бўлиши

1. Бу гапларни эшитиб, буюк қурбонлик маросимини ўтказаятган донишмандларга раҳбарлик қилаётган, кекса олим Шаунака Муни Сута Госвамига табрик сўзлари билан мурожаат қилди. 2. Шаунака риши шундай деди: -"О Сута Госвами, муқаддас битикларни гапириб бера оладиганлар ичида энг омадлиси ва мўътабари сенсан. Буюк ва қудратли донишманд Шукадева Госвами гапириб берган "Шримад-Бхагаватам" хушхабарини марҳамат қилиб бизга гапириб бер. 3. Бу воқеа қачон, қаерда бўлган ва унинг рўй беришига нима сабаб бўлган? Буюк донишманд Кришна - Дваипайана Вйасада бу асарни ёзишга илҳом қаердан пайдо бўлган? 4. Унинг(Вйасадеванинг) ўғли чуқур тафаккурли, ягона Худо Шахсига эътиқод қилувчи, буюк содик ва монист эди. У моддий фаолиятга нисбатан илоҳий бўлган ҳолда, бошқаларга буни сездирмас, ўзини ғофил одамдай тутиб юрарди. 5. Ўғлининг орқасидан изма-из бораётган Шрила Вйасадева сувда яланғоч чўмилаётган қизлар ёнидан ўтиб бораётганида, гарчи Шрила Вйасадева яланғоч бўлмаса ҳам, улар либоси билан таналарини ёпиб олдилар. Аммо, уларнинг олдида ўғли ўтаётганида, қизлар ундан танасини бекитмадилар. Донишманд улардан нимага бундай қилганларининг сабабини сўради. Бунга жавобан қизлар айтишдики, унинг ўғли - қалби пок, эркак ва аёлни бир-биридан ажратмайди, Вйасадева эса бунга эътибор беради.

6. Куру ва Жангала вилоятлари бўйлаб узок саёҳатдан кейин Хастинапур(ҳозирги Дехли)га соқов, телбага ўхшаб кириб келганида, шаҳар аҳолиси уни (Вйасанинг ўғли, Шрила Шукадевани) қандай таниб қолишди? 7. Қандай қилиб шоҳ Парикшит шу буюк донишмандни учратди ва унинг оғзидан, ўзида Ведаларнинг илоҳий моҳиятини мужассам қилган бу муқаддас, буюк қўшиқ(Бхагаватам)ни эшитишга муяссар бўлди? 8. Одатда у(Шукадева Госвами) оилали кишилар эшиги олдида, сигир соғиш учунгина етарли вақтга, фақат шу хонадонга саодат келтириш, уни поклаш учунгина тўхтарди. 9. Абхиманйунинг ўғли(Махараджа Парикшит) буюк, комил содиклардан ҳисобланади, унинг туғилиши ва қилган ишлари хайратланарли. Унинг кўрсатган фаолияти ҳақида бизга гапириб бер. 10. У буюк шаҳаншоҳ бўлиб, отасидан мерос қолган салатанатнинг барча бойликларига эгалик қиларди. У ўзининг улуввор ишлари билан Пандулар хонадонининг шухратини янада ошириб юрарди. Нима учун у ҳамма нарсадан воз кечди ва ажали етгунча риёзат чекиш учун Ганга қирғоғига йўл олди? 11. У шунчалик буюк қудратга эга эдики, душманлари ўзлари келиб унинг оёғига йиқилардилар. Ўзларининг осойишталигини таъминлаш учун улар бойликларини унга топширардилар. У ёш, навқирон, шоҳона бойликларининг ниҳояси йўқ эди. Нима сабабдан у буларнинг барчасидан, ҳатто жонидан ҳам воз кечишни ихтиёр этди? 12. Худои Таолонинг ишига содик кишилар фақат бошқаларнинг равнақи, бахт-саодати учун яшайдилар. Улар ўзларининг шахсий манфаатлари учун яшамайди-

лар. Албатта, хукмдор(Парикшит) дунёвий бойликларга кизикмасди, лекин қандай қилиб у, бошқалар учун ишончли паноҳ бўлиб турган ўзининг ўткинчи танасидан воз кечди? 13. Бизга маълумки, сен Ведаларнинг баъзи бўлимларидан бошқа барча илохий илмларни эгаллагансан, ва шу боис, сен бизларнинг саволларимизга аниқ жавоб бера оласан.

14. Сута Госвами шундай деди: - Иккинчи давр учинчи даврга ўтган вақтда Васунинг қизи Сатйавати Парашара Мунига буюк ўғил(Вйасадева)ни туғиб берди. 15. Бир куни, куёш кўтарилганда у(Вйасадева) Сарасвати дарёси сувида чўмилиб поклангандан сўнг, фикрини бир жойга жамлаш учун, хилват жойда ўтириб, чуқур мууроқабага ғарқ бўлди. 16. Келажакни олдиндан кўра билувчи буюк донишманд Вйасадева одамлар бу даврга келиб ўзларининг диний тоат-ибодатларини бажармай қўйишларини сезган эди. Ер юзидаги бундай ҳолат, вақт ўтиши билан пайдо бўладиган кўринмас кучлар таъсири остида, турли даврларда юз беради. 17-18. Тўлиқ илмга эга бўлган буюк донишманд илохий назари ёрдамида, эзгулик гунасининг таъсири камайиши сабабли барча моддий бойликлар завол топишини олдиндан кўрди. Шунингдек у, иймон-эътиқодсиз кишиларнинг умри қисқариб кетишини ва эзгу ишлар қилмагани сабабли улар ҳамиша хавотирда яшашини биларди. Шунинг учун у, барча табақа ва тоифадаги кишиларга қандай ёрдам бериш мумкинлигини ўйлаб чуқур ўйга толди. 19. Ведаларда кўрсатилган қурбонликлар - инсонларнинг фаолиятини поклаш мумкин бўлган восита эканини англаб, бу жараёни соддалаштириш мақсадида, у ягона Ведани одамлар орасида кенг тарғибот қилиш учун тўрт қисмга бўлди. 20. Азалий илм манбаи бўлган Ведаларнинг тўрт қисми алоҳида асарларга ажратилди, Пураналарда ёзилган тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг баёни бешинчи Веда ҳисобланди. 21. Ведалар тўрт қисмга бўлингандан сўнг, Паила Риши "Риг-веда"ни ўргатувчи устоз, Джаймини - "Сама-веда"ни - ўргатувчи устоз бўлди. Ваишампайана "Йаджур-ведани" энг чуқур биладиган олим сифатида шуҳрат қозонди. 22. "Атхарва-веда" Суманта Муни, Ангирасага топширилди, у бунга бутун умрини бағишлади. Менинг отам Ромахаршанага - Пурана ва тарихий воқеалар топширилди. 23. Бу олим донишмандлар ўзларига ишониб топширилган Ведаларни ўз навбатида шогирдларига, шогирдларининг шогирдларига, уларнинг шогирдларига ўргатдилар. Шу тарзда Ведаларни ўрганувчиларнинг муайян мактаблари - парампара юзга келди.

24. Шундай қилиб, қалби ғафлат ботғоғига ботган кишиларга ҳамдардлик ҳисси билан тўлган буюк донишманд Вйасадева, Ведаларни, ҳатто чуқур тафаккурга эга бўлмаган кишилар ҳам тушуна оладиган шаклда инсониятга тақдим этди. 25. Бошқаларининг дардига ҳамдард бўлиш ниятида буюк донишманд, мана шу йўл инсонларнинг ҳаётида энг олий мақсадга эришишларига имкон беради, деган қарорга келди. Ва шунинг учун у, аёллар, шудра(ишчи табақа)лар ва иккибор туғилганларнинг дўстлари учун мўлжалланган буюк тарихий асар "Маҳобҳарат"ни ёзди.

26. Эй иккибор туғилган браҳманлар, гарчи у бугун инсоният саодати учун шунча меҳнат қилган бўлса ҳам, барибир кўнгли таскин топмаганди. 27. Қалбининг нимага таскин топмаётгани сабабини излаб, диннинг асл

маъносини тушунган бу донишманд, Сарасвати дарёси кирғоғида чуқур мулоҳазага чўмди: 28. "Мен шогирдликнинг барча машаққатли қасамларига амал қилиб Ведаларга, рухий устозимга ва қурбонлик меҳробига сажда қилдим. Барча қоидаларга риоя қилган ҳолда, шогирдлар силсила(сулола)сининг аҳамиятини кўрсатиб "Маҳобҳарат" асарини ёздим. Уни ўқиб ҳатто аёллар, шудралар ва бошқалар(иккибор туғилганларнинг дўстлари) ҳам ибодат(дин) йўлига киришлари мумкин. 30. Гарчи мен, Ведаларнинг қонун-қоидаларига биноан, бахтиёр бўлиш учун инсонга зарур бўлган барча нарсаларга эга бўлсам ҳам, нимагадир кўнглим тўлмаяпти. 31. Бунинг сабаби - Бегуноҳ Худо Шахсини ҳам, мукаммал зотларни ҳам ўзига жалб этувчи Худо Шахси(Худо)га садоқат билан ҳолис хизмат қилишни яққол ажратиб кўрсатмаганим бўлса керак."

32. Эслатиб ўтганимиздек, Сарасвати кирғоғидаги кулбасида, ғам босиб, чуқур мулоҳазага берилиб ўтирганида, Кришна-Двайпайана Вйасанинг олдига Нарада кириб келди. 33. Кугилмаганда Нараданинг пайдо бўлишини "яхшилиқ аломати" деб билган Шри Вйасадева, худди борлиқни яратган Браҳмага қилса арзийдиган тавозе ва эҳтиром билан унинг олдида бош эгди.

Бешинчи боб.

Нараданинг Вйасадевага

"Шримад Бхагаватам"дан насихат бериши.

1. Сута Госвами шундай деди: "Қўлида *вина* асбоби-ни ушлаган фаришталарнинг донишманди (Нарада) ўрнашиб ўтириб олгач, юзида табассум билан, браҳманлар донишмандига(Вйасадевага) юзланди. 2. Нарада шундай деди: - "Ўзликни англашнинг мавзунинг сифатида ўзингни тана ва ақлга таққослаш билан ўзингдан мамнунмисан, эй Парашара ўғли! 3. Сен илмнинг барча соҳаларини ўргандинг ва мукаммал илмга эга бўлдинг. Ведаларнинг барча йўллари батафсил тушунтирилган ажойиб асар, буюк "Маҳобҳарат"ни яратганингга ҳеч ким шубҳа қилмайди. 4. Сен Мутлак Браҳманни таърифлаб, ундан келиб чиқадиган барча илмларни батафсил баён қилдинг. Шунга қарамай ишингдан кўнглинг тўлмай, нимага шунчалик азоб чекапсан, азизим?"

5. Шри Вйасадева шундай деди: - "Мен ҳақимда айтганларининг барчаси аини ҳақиқатдир, лекин шунга қарамай барибир хавотирдаман. Шунинг учун, мени ташвишга солаётган нарсанинг асосий сабабини тушунтириб беришингни сендан илтимос қиламан, негаки сенинг илминг бекиёс, чунки сен ўзи пайдо бўлган (моддий ота-онаси бўлмаган Браҳма)нинг авлодидансан. 6. Эй ҳожам! Сенга барча сирлар аён, чунки сен моддий оламни яратувчи ва йўқ қилувчи, рухий оламнинг манбаи, моддий табиат гуналари таъсиридан озод бўлган (трансцендент) илохий Худои Таолонинг азалий, Олий Шахсига сиғинасан. 7. Эй саҳоватли зот, сен куёш мисоли бутун уч олам бўйлаб ҳамма ерда сайр қилиб юрасан ва ҳаво сингари ҳар кимнинг қалбига йўл топа оласан. Шу сифатинг билан сен барча нарсада мужассам бўлган Олий Рухга баробарсан. Шунинг учун, илтимос, барча қоидаларга амал қилиб, барча қасамларимни бажариб илоҳиётга бугунлай ғарқ

бўлганимга карамай, менга нима етишмаётганини ай-тиб бер".

8. Шри Нарада шундай деди: -"Сен Худо шахсининг улуғвор ва бегубор шухратини шарафламадинг. Худои Таолонинг илоҳий хиссиётларини каноатлангирмайдиган фалсафа - бефойда сафсатадир. 9. Эй буюк донишманд, гарчи диний маросимлардан бошлаб тўрт қонун-қонидани батафсил таърифлаб берган бўлсанг ҳам, Сен Олий Шахс, Вйасадеванинг улуғворлигини таърифламадинг. 10. Ёлғиз ўзи бутун борлиқни муқаддас қилишга қодир бўлган Худои Таолонинг улуғворлигини таърифламайдиган сўзлар, муқаддас авлиёларнинг фикрича, қарғалар маконидаги овозлар била баробардир. Рухий камолотга эришган шахслар бундан ҳеч қандай лаззат топмайдилар, чунки улар ҳаминиша илоҳий олам мушоҳадаси билан машғулдилар. 11. Аммо, шухрати бениҳоя Худо Шахсининг номлари, шухрати, қиёфалари ва қароматларининг улуғворлигини таърифлаб олқишладан иборат бўлган асар, ҳатто шаклан мукамал бўлмаса ҳам, адашган инсониятнинг ғафлат ботғоғига боған ҳаётда кескин бурилиш яшаш учун хизмат қилади. Бундай илоҳий асарларни виждони пок кишилар тинглайдилар, шарафлайдилар ва уларнинг кўрсатмаларига амал қилиб яшайдилар. 12. Худои Таоло ҳақида тушунча бўлмаган, ўз-ўзини англаш тўғрисидаги таълимот, ҳатто таркибда дунёвийликдан ҳеч нарса бўлмаса ҳам, ҳақиқий инсонни ўзига жалб қилмайди. Шундай экан, агар оқибатда Худо Шахсига садоқат билан холис хизмат қилиш йўлига олиб келмайдиган бўлса, табиатан ўткинчи ва бошдан-оёқ азоб-уқубатга тўла бўлган(кармали) дунёвий фаолиятдан нима фойда?

13. Эй Вйасадева, сенинг дунёқарашинг мукамал, шон-шухратинг бенуксон, ва сен ҳақиқатгўй бўлган ҳолда қасамларингда мустаҳкамсан! Шунинг учун ҳам, сен оддий одамларни моддий тутқунликдан озод қилиш учун Худо Шахсининг илоҳий фаолияти ҳақида мулоҳаза юритиб, уни таърифлаб беришга қодирсан. 14. Худои Таолодан ажралган ҳолда таърифланса, шаклига кўра ҳар-хил қиёфалари, номлари ва оқибатлари бўлган нарсаларнинг барчаси, худди бўш қолган қайиқни шамол чайқатгани сингари, инсон ақлини шунчаки чалғитади, холос. 15. Аслида, лаззат олиш учун интилиш, табиий ҳолда, одамларнинг қонида бор нарса, сен эса улардаги ана шу интилишни дин никоби билан қўллаб-қувватлаяпсан. Бу номаъқул, мантқиққа зид ишдир. Сенинг насиҳатларинг асосида, дин никоби остида улар ҳиссий лаззатларга берилиб кетадилар ва тез орада барча таъқиқланган нарсаларни умуман унутиб юборадилар. 16. Олий Худо Шахси бениҳоядир. Моддий бахт-саодатга эришиш ниятида бажариладиган ҳар қандай фаолиятни тарк этган кишигина руҳий кадриятлар тўғрисидаги илми эгаллашга муносиб инсондир. Шунинг учун, эй саховатли зот, ўзларининг моддий тутқунликда эканлиги сабабли азоб чекаётган одамларга илоҳий ўзлигини англаш йўлини кўрсатиб, сен, Олий Худо Шахсининг илоҳий фаолиятини таърифлашинг керак. 17. Худога садоқат билан холис хизмат қилиш ниятида дунёвий фаолиятдан воз кечган, аммо ҳали камолотга эришмаган киши баъзан адашиши мумкин. Аммо, шунда ҳам у ҳеч нарса йўқотмайди. Аксинча Худо Шахсига холис хизмат қилиш билан машғул бўлмаган киши, ҳатто ҳаётдаги ўз бурчини тўла бажарса ҳам тақдиридаги(карма)дан бошқа ҳеч нарсага

эришмайди. 18. Ҳақиқий тафаккур эгалари ва фалсафага мойил кишилар бу моддий оламнинг энг олий сайёраси(Брахмолока)дан, то энг қуйи (Патала) сайёрасигача кезиб чиққанда ҳам эришиб бўлмайдиган, буюк мақсад сари интилишлари лозим. Тақдирга ёзилган ҳиссий лаззатланишлар бахти эса, худди бизнинг истагимизга қарши, қутилмаган азоб-уқубатлар сингари, белгиланган вақтда ўзидан-ўзи келаверади. 19. Азизим Вйаса, Худо Шахси Кришнанинг содиқ хизматкори баъзан адашса ҳам, шубҳасиз, у бошқа(дунёвий ишларга берилган) кишилар сингари, бу моддий оламда яшамайди. Чунки, Худонинг нилуфар қадамлари пойининг лаззатини бир бор тотиб кўрган киши, бу роҳатбахш лаззатни такрор ва такрор кўмсашдан бошқа ҳеч нарса билан машғул бўла олмайди. 20. Олий Худо Шахси, Худонинг Ўзи бу мавжуд борлиқдан фарқ қилмайди, айни пайтда, У бу коинотдан ташқарида. Бутун борлик Худо Шахсидан таралган, Унинг Ўзида жойлашган ва замон охирида яна Унинг Ўзига ғарқ бўлади. Буларнинг ҳаммаси сенга маълум, мен эса шунчаки эслатиб ўтдим, холос. 21. Эй саховатли зот, сен Олий Рух, Худо шахсини англай олишга қодир бўлган комил тафаккур соҳибсан, чунки ўзинг ҳам Худо Шахсининг намоён бўлган тўла бутун қисмисан. Гарчи сен туғилмаган зот бўлсанг ҳам, бутун инсониятнинг бахти-саодати учун ер юзида пайдо бўлдинг. Шунинг учун, Олий Худо шахси, Шри Кришнанинг ўйинларини иложи борича батафсилроқ таърифлаб бер. 22. Мўътабар донишмандларнинг аниқ хулосасига кўра, риёзат чекиш, Ведаларни ўрганиш, қурбонлик маросимларини ўтказиш, ҳамду санолар ўқиш ва хайр-саховат кўрсатиш каби амаллардан иборат бўлган илм олиш жараёнининг пировард мақсади улуғвор қўшиқларда мадҳ этилган илоҳий Худои Таолони таърифлашда ўзининг энг олий даражасига етади. 23. Эй мўътабар донишманд, олдинги даврда мен ведавий қоидаларга амал қилиб яшовчи браҳманлар хизматини қилиб юрган бир чўри аёлнинг ўғли эдим. Тўрт ой давом этадиган ёмғир мавсуми давомида браҳманлар биз билан яшаганида, уларнинг хизматини қилиб юрдим. 24. Гарчи бу донишмандлар табиатан дунёвий ишларга боғланмаган бўлсалар ҳам, ўзларининг бесабаб марҳамати туфайли мени дуо қилиб, оқ фотиҳа беришди. Мен ҳали ёш бола бўлсам ҳам, ўзимни тута биладиган, ўйинга берилмаган эдим. Бундан ташқари, мен одобли ва керагидан ортиқ гапирмас эдим. 25. Атиги бир мартагина, уларнинг руҳсати билан, улардан қолган овқат(сарқит, прасад)ни едим. Шунинг шарофати билан қалбим покланди, ва шу пайтдан бошлаб шу илоҳиёт кишиларининг табиати мени ўзига жалб қила бошлади. 26. Эй Вйасадева, ана шу буюк ведантистларнинг шарофати билан, уларга ҳамсуҳбат бўлиб, Худо Шахси Кришнанинг мафтункор ўйинлари ҳақидаги ҳикояларни тинглашга муяссар бўлдим. Мен уларни диққат билан тинглардим ва мендаги уларни тинглашга бўлган иштиёқим кун сайин ўсиб борарди.

27. Эй донишманд, ўзимдаги Худо Шахсига бўлган иштиёқни сезишим биланоқ, Худо Шахси ҳақидаги ҳикояларни жиддий тинглай бошладим. Худо Шахсига бўлган иштиёқим орта бориши билан, ўзимнинг адашиб юрганимни, ғафлат босиб, ўзимни бу ўткинчи моддий тана(парда) ва ақлга қиёслаб юрганимни, аслида Худо Шахси ҳам, мен ҳам руҳий, илоҳий зотлар эканимизни англаб етдим. 28. Йилнинг икки фасли - ёмғир ва куз

мавсумида мен Худо Шахси Харининг беғубор шарафини бетиним олқишловчи бу буюк зотлар - донишмандларнинг суҳбатидан бахраманд бўлдим. Қалбимда Худо Шахсига садоқат билан холис хизмат қилиш чашмаси оқа бошлаганида гафлат ва хирс гуналари таъсиридан халос бўлдим. 29. Бу донишмандларга жуда боғланиб қолдим. Мен ўзимни итоаткор, мискин тутардим, ва уларга хизмат қилиш шарофати билан барча гуноҳлардан озод бўлдим. Мен уларга чин қалбимдан ишонардим. Ҳиссиётимни назорат қилиш билан бирга уларнинг кўрсатмаларига сўзсиз амал қилардим. 30. Мусибат чекаётган жонзотларга ҳамдари ва меҳрибон бўлган бу бхактиведанталар кетиш олдидан менга Худо Шахсининг Ўзи ўргатадиган энг нодир илмни ўргатиб кетдилар. 31. Ана шу нодир илм ёрдамида бутун борликни яратувчи, мавжудлигини таъминлаб турувчи ва яксон қилувчи Худо Шахси, Шри Кришнанинг кудрати қандай ҳаракат қилиши менга аён бўлди. Буни англаб етган инсон Унинг даргоҳига қайтиб бориши ва Унинг Ўзи билан дийдор кўришиши мумкин. 32. Эй брахман Вйасадева, мўътабар донишмандларнинг қилган хулосаларига кўра, инсонни барча ташвиш ва азоб-уқубатлардан халос этадиган энг яхши йўл - бутун фаолиятини Олий Худо Шахси, Шри Кришнага садоқат билан холис хизмат қилишга бағишлашдир. 33. Эй мўътабар зот, ахир, хасталикка сабаб бўлган нарсанинг ўзи, агар дори сифатида қўлланилса хасталикдан кутулишга олиб келмайдими? 34. Худди шунингдек, агар инсон ўзининг бутун фаолиятини Худога холис хизмат қилишга бағишласа, унинг бу дунёда мангу тутқун бўлишига сабаб бўлган фаолиятининг ўзи, энди унинг тақдир дарахти илдизига болта уради. 35. Инсоннинг ҳаётида Худонинг розилиги учун қилган ҳар қандай фаолияти бхакти-йога, ёки, Худога илоҳий муҳаббат билан садоқатли хизмат қилиш деб аталади. Илм дегани эса бунга ёрдам берувчи восита бўлиб хизмат қилади. 36. Олий Худо Шахси, Шри Кришнанинг кўрсатмалари асосида ўзининг бурчини бажарар экан, инсон ҳамшиша Уни, Унинг номларини, сифатларини эслаб юради. 37. Шундай экан, Васудевага, Унинг тўлиқ намоён бўлган кўринишлари - Прадйумна, Анирудҳа ва Санкаршаналарга ҳамду-санолар айтиб олқишлайлик. 38. Олий Худо Шахси - Вишнунинг моддий шаклга эга бўлмаган илоҳий товуш киёфасига сиғинувчи киши ҳақиқатни кўра билган инсондир. 39. Эй брахман, шундай қилиб Олий Худо Шахси, Кришна аввало менга Ведаларнинг нодир бўлимларида баён этилган Худо Шахси ҳақидаги илоҳий илмни, кейин, илоҳий бойликни ва ниҳоят Унинг Ўзига муҳаббат билан хизмат қилиш бахтини ато этди. 40. Шунинг учун, марҳамат қилиб, Ведаларни ҳар томонлама ўрганганинг натижасида билиб олганинг, бениҳоя кудрат соҳиби Худо Шахсининг қилган ишларини ҳар томонлама таърифлаб ёз. Шунда сенинг бу асаринг барча буюк олимларнинг талабини ҳам қаноатлантиради, ва айна пайтда, бу дунёда азоб чекаётган кўплаб оддий одамларнинг мушкулани ҳам енгиллаштиради. Ҳақиқатан ҳам, азоб уқубатлардан кутулишнинг бошқа йўли йўқ".

25.10.2002

Олтинчи боб.

Нараданинг Вйасадева билан суҳбати

1. Суга Госвами шундай деди: - Эй брахманлар, Шри Нараданинг туғилиши ва қилган ишларини тинглар экан, Сатйаватининг ўғли, Худои Таолонинг тўла кўриниши бўлган Вйасадева ундан сўрай бошлади. 2. Шри Вйасадева шундай деди: -"Ҳозирги ҳаётинг бошланмасдан олдин, сенга илоҳий илм ўргатган донишмандлар кетгандан кейин нима ишлар қилдинг? 3. Эй брахманнинг ўғли, фотиҳа олгандан сўнг, қолган умринг қандай ўтди, вақти келиб кексайганингдан кейин, ҳозирги танангга қандай эга бўлдинг? 4. Эй буюк донишманд, вақт ўтиши билан замон ҳамма нарсани емириб яксон қилади. Брахманинг ҳозирги куни бошланмасдан аввал бўлиб ўтган бу воқеалар, шунча вақт ўтганига қарамай, қандай қилиб сенинг хотирангга аниқ сақланиб қолган?

5. Шри Нарада шундай деб жавоб берди: - Менга илоҳиёт илмини ўргатган донишмандлар ўз йўлларида давом этдилар, мен эса, қолган ҳаётимни шундай ўтказдим. 6. Мен чўри аёлнинг ёлғиз фарзанди эдим. Яккаю-ёлғиз арзандасидан бошқа овунчоғи бўлмаганидан, у ўзининг бутун меҳр-муҳаббатини менга берган эди. 7. У менинг ҳаётимни барча зарур нарсалар билан таъминлашни истарди, аммо ўзи бировга қарам бўлгани учун ноилож, қўлидан ҳеч нарса келмасди. Дунёдаги барча мавжудот, масхарабоз қўлидаги қўғирчоқлар сингари, бутунлай Олий Шахс-Худонинг назорати остида ҳаракат қилади. 8. Беш ёшга тўлганимда, брахманлар мактабида яшардим. Бутунлай онамнинг меҳрига боғланиб қолган ва дунёнинг бошқа жойларидан умуман беҳабар эдим. 9. Кунларнинг бирида, онам бечора, кечкурун сигир соққани уйдан чиққанида, фалакнинг гардиши билан оёғини захарли илон чақиб олди ва у оламдан ўтди. 10. Мен бу ҳодисани, Ўзининг содиқларига ҳамиша яхшиликнигина раво кўрадиган Худои Таолонинг менга кўрсатган алоҳида марҳамати, деб қабул қилдим ва шундай фикру-хаёллар билан шимолга қараб йўл олдим. 11. Кўркама пойтахтлардан, шаҳару-қишлоқлардан, чорвачилик фермалари ёнидан, шахаталару-водийлардан, шудгору-гулзорлардан, боғлару-бутазорлардан ўтдим. 12. Мен олтин, кумуш, мис конларидан, сармаст асалариларнинг ғувиллашлари ва сайроқи кушлар овозига тўла боғу-роғлардан, фаришталар маконидаги сингари ажойиб нилуфар гуллари ўсиб ётган қўллардан ўтдим. 13. Ёлғиз ўзим бамбук, қамиш ўсиб ётган бутазорлардан ўтдим, одам ўтиши қийин бўлган ғорлар, ичида илон, бойўғли ва чиябўрилар ивирсиб юрган қалин ўрмонлар орқали ўтдим. 14. Шу аҳволда узок юргандан сўнг, ниҳоят очлик ва ташналикдан чарчаб, мадорим кетиб, бутунлай ҳолдан тойдим. Шунинг учун дарё ирмоғида чўмилиб, тўйиб сув ичдим. Дарёнинг зилол суви ҳордигимни чиқариб, танамга роҳат бағишлади. 15. Кейин хилват ўрмонда, баниан дарахти соясида, озод руҳлар ўргатганидек, тафаккурим ёрдамида, қалбимда мавжуд бўлган Олий Рухни мушоҳада қила бошладим.

16. Худо Шахсига бўлган илоҳий муҳаббатим таъсиридан ўзгача тус олган тафаккуримни бир жойга тўплаб, Худо Шахсининг нилуфар кадамлари пойида мужассам қилишим билан, Шри Кришна қалбим кўзгусида дархол пайдо бўлди. 17. Эй Вйасадева, бу чексиз бахт туйғусидан бутун вужудим ҳаяжонга тушиб, яйраб кетдим. Илоҳий лаззат уммонига ғарқ бўлиб, мен

на ўзимни, на Худо Шахсини кўрмай қолдим. 19. Худо Шахсининг илоҳий киёфаси инсон кўнглидаги барча истақларини қаноатлантириб, ҳаёлида пайдо бўлган барча гумонларини тарқатиб юборади. Ана шу киёфа бирдан кўзимдан ғойиб бўлиши билан, энг қадрли нарчасини йўқотган кишидай, ўрнимдан ирғиб турдим. 19. Худо Шахсининг бу илоҳий киёфасини яна кўришни истардим, аммо, тафаккуримни қалбимда тўплашга ҳаракат қилишимга ва Уни қайта кўришни каттиқ уринишимга қарамай, Худои Таоло сира кўринмасди. 20. Менинг бу хилват жойда мушоҳадага берилиб, Ўзига шунча интилаётганимни кўриб, барча моддий таърифлашларга нисбатан илоҳий бўлган Худонинг Олий Шахси менинг мусибатимни енгиллатиш учун ёқимли овоз билан жуда муҳим гапларни айта бошлади.

21. "Эй Нарада, сен бу ҳаётингда Мени бошқа кўра олмайсан. Содик хизмат қилишда камолотга эришмаган ва моддий нуқсонлардан бутунлай халос бўлмаган инсон Мени кўра олиши амри маҳол. 22. Эй саховатли зот, Мен сенга бир бор кўриниш бердим. У ҳам бўлса, сендаги Менга бўлган интилишни кучайтириш учун эди, холос. Чунки, сен Менга қанчалик шижоат билан интилсанг, барча моддий истақлардан шунчалик узокроқ бўласан. 23. Агар инсон Мутлақ Ҳақиқатга астиги бир неча кун мобайнида хизмат қилса, унинг тафаккури чуқурлашиб, фикру-хаёли Менда мужассам бўлади. Кейинроқ у азоб-укубатга тўла бу моддий оламни тарк этиб, илоҳий оламда Менинг мангу ҳамроҳимга айланади. 24. Менга садоқатли хизмат қилиш билан банд бўлган тафаккур ҳеч қачон хазон бўлмайди. Менинг марҳаматим билан сенинг хотиранг, ҳатто бутун олам яқсон қилиниб, қайта яралганда ҳам ўзгармай қолаверади".

25. Шу сўзларни айтиб, товушда мужассам бўлган ва кўзга кўринмас, ғаройиб, олий ҳукмдор жим бўлди. Унинг бу марҳаматидан беҳад миннатдор бўлиб, мен эҳтиром билан Унга таъзим қилдим. 26. Шундан кейин мен, бу моддий оламнинг шарт-шароитларига эътибор бермасдан, Худо Шахсига ҳамду санолар айтиб, Унинг муқаддас номини тинмасдан шарафлаб куйлай бошладим. Худо Шахсининг илоҳий ўйинларини эслаб, ана шундай олқишлаб юришнинг шарофати жуда катта. Шундай аҳволда, ҳаётимдан тўла мамнун бўлиб, ҳеч кимга ҳасад қилмасдан, камтарин ҳолда бутун ер юзи бўйлаб айланиб юрдим. 27. Шундай қилиб, эй брахман Вйасадева, дунёвий нарсалардан бутунлай кўнгил узган ҳолда, вақти-соати келганда, Кришна ҳақидаги ўйларга бутунлай ғарқ бўлиб, яшин сингари, порлоқ нур ҳамроҳ бўлган ўз ажалимни қарши олдим. 28. Худонинг олий Шахсининг мангу ҳамроҳига лойиқ руҳий танага эга бўлгач, беш моддий унсурдан таркиб топган ўткинчи танамдан озод бўлдим. Тақдиримдаги олдинги фаолиятларим оқибати(карма) тамом бўлди. 29. Юга охирида, бутун борлиқни ташкил қилган унсурлар билан бирга Брахма охират сувларида ястаниб ётган Худо шахси Нарайана танасига кира бошлади. Мен ҳам Унинг нафаси билан бирга Нарайана танасига кирдим. 30. Орадан Қуёш ҳисоби билан 4.300.000.000 йил ўтгандан кейин, Худонинг амри билан яна яратишни бошлаш учун Брахма уйғонганида, Худо Шахсининг илоҳий танасидан барча риши(донишмандлар): Мари-чи, Ангира, Атри ва бошқалар чиқа бошладилар. Улар билан бирга мен ҳам дунёга келдим. 31. Шундан бери,

қудратли Худо Шахси Вишнунинг марҳамати билан ҳеч қандай тўсиқларсиз бутун илоҳий олам ва моддий борлиқнинг барча уч олами бўйлаб сайр қилиб юраман. Худо Шахсига холис хизмат қилишни узлуксиз давом эттираётганим шарофати билан ана шундай имкониятга эга бўлдим. 32. Илоҳий наволар таратувчи Худо Шахси, Кришнанинг Ўзи менга совға қилган мана шу вина(музыка асбоби)да куйлар чалиб, Худои Таоло шарафини мадҳ этувчи хабарлар тарқатиб кезиб юраман. 33. Олий Худо Шахсининг шухрати ва илоҳий фаолияти ҳақидаги хабарлар дилларга ором беради. Унинг муқаддас фаолиятини шарафлаб куйлай бошлашим билан, Шри Кришна шу заҳотиёқ қалбим тўрида пайдо бўлади. 35. Мен ўз ҳаётимда шунга амин бўлдимки, ҳиссиётларини лаззат берувчи нарсалар билан бирлаштиришга интилиб, тиним билмай юрган кишилар, бу азобдан, бундай ғафлат ботқоғидан халос бўлишда энг самарали восита бўлган Худо Шахсининг илоҳий кароматларини, бетиним шарафлаб куйлаш ёрдамида қутулишлари мумкин. 35. Ўткинчи дунёвий орзулар ва ҳирсий эҳтирослар ташвишидан йога усули ёрдамида, ҳиссиётларни назорат қилиш билан қутулиш мумкин, албатта, аммо руҳ(жон)ни қаноатлантириш учун бунинг ўзи кифоя қилмайди, чунки руҳни фақат Худо Шахсига холис хизмат қилиш билангина қаноатлантириш мумкин. 36. Эй Вйасадева, сен барча гуноҳлардан поксан. Сенинг илтимосингга кўра мен ўзимнинг туғилишимни ва руҳий ўзлимни англаш учун нималар қилганимни гапириб бердим. Бу нарсалар сенга ҳам ўзлингни англаб, қалбинг ором олишига ёрдам беради".

37. Сута Госвами шундай деди: "Вйасадевага шу гапларни айтиб, Шрила Нарада Муни уни тарк этди ва ўзининг вина асбобида куйлар чалиб, ўзи лозим топган тарафга йўл олди. 38. Шрила Нарада Мунига шонушарафлар бўлсин! Чунки у дунёдаги барча азоб чекаётган мавжудотларни эзуликка илҳомлантириб, Худои Таолонинг кароматларини шарафлаб куйлаб юради ва ўзи ҳам бундан чексиз лаззат олади.

Еттинчи боб.

Дронанинг ўғлини жазолаш

1. Донишманд Шаунака шундай деди: Эй Сута, илоҳий қудрат соҳиби бўлган буюк донишманд Вйасадева Нарада Мунининг насиҳатларини тинглаб бўлиб, Нарада Муни кетгандан кейин нима ишлар қилди?

2. Сута Госвами шундай жавоб берди: Ведалар билан бевоҳита боғлиқ бўлган муқаддас Сарасвати дарёсининг ғарбий қирғоғида, донишмандларни илоҳий фаолиятга илҳомлантирувчи Шамйапраша деган хилват жойда мушоҳадага берилиш учун мўлжалланган бир кулба турибди. 3. Шрила Вйасадева, сувда чўмилиб, поклангандан кейин, ўзининг дарахтлар орасидаги шу кулбасида, чуқур мушоҳадага берилиш учун ўрнашиб ўтириб олди. 4. Шу тарзда у ўз тафаккурини, таркибида дунёвийликдан асар ҳам бўлмаган холис хизмат қилиш жараёни(бхакти-йога) билан бутунлай машғул қилиб, фикрини бир жойга тўплади. Шунда у Худои Таолонинг мутлақ Шахсини ва бутунлай Унинг ҳукми остида бўлган Унинг ташки қувватини кўрди. 5. Гарчи, тирик мавжудот моддий табиатнинг уч гунасига нисбатан трансцендент(илоҳий) ҳолатда бўлса ҳам, ана шу ташқи қувват таъсири остида, ўзини моддий табиатнинг

маҳсули деб ҳисоблайди, ва шу боис моддий азоб-уқубатлар гирдобиди кун кечиради. 6. Худо Шахсига холис хизмат қилиш жараёни, тирик мавжудотни, унинг табиатига хос бўлмаган, барча моддий азоб-уқубатлардан бевосита халос этиши мумкин. Лекин кўпчилик одамлар бунни билмайдилар. Шунинг учун донишманд Вйасадева Олий Ҳақиқат билан боғлиқ бўлган ушбу ведавий асарни яратди. 7. Ведавий асарларни тинглаган кишида шу захотиёқ, қалбидаги мусибат, ғафлат ва кўркүв туйғуларидан озод этувчи Олий Худо Шахси, Шри Кришнага муҳаббат билан холис хизмат қилиш иштиёқи пайдо бўлади. 8. Шримад-Бхагаватам”ни ёзиб, текшириб чиққандан кейин буюк донишманд Вйасадева уни ўзлигини англаш йўлидан бораётган ўғли Шукадева Госвамига айтиб берди.

9. Шри Шаунака яна савол берди: Шри Шукадева Госвами рухий ўзлигини англаш йўлидан бораётган бўлса, демек у қалби қаноат топган инсон бўлган. Шунга қарамай, нечук у шундай катта асарни ўрганиш ташвишини ўз зиммасига олди?"

10. Сута Госвами шундай жавоб берди: "Барча(қалблари рухий ўзлигидан ором топган) атмарамалар, айниқса ҳақиқий ўзлигини англашга эришган зотлар, барча дунёвий иллатлардан аллақачон халос бўлганига қарамай, Худои Таолога садоқат билан бенуксон, соф, холис хизмат қилишни истайдилар. Бу демек, Худо Шахси илоҳий фазилатларга эга бўлгани учун ҳаммани, хатто озодликка эришган руҳларни ҳам ўзига жалб этади. 11. Шрила Вйасадеванинг ўғли Шрила Шукадева Госвами илоҳий қудрат соҳиби бўлибгина қолмасдан, Худонинг содиқ хизматкорларига жуда азиз зот эди. У бу буюк асарни кунт билан ўрганишга киришди. 12. Энди сизларга Худо Шахси Шри Кришна ҳақида, донишманд шоҳ Парикшитнинг тўғилиши, қилган ишлари ва озодликка чиқиши ҳақида, шунингдек Пандузодаларнинг қандай тарки дунё қилгани ҳақида гапириб бераман.

13-14. Курукшетра майдонида иккала қўшин - Кауравлар ва Пандуларнинг қўшинлари барбод бўлиб, ҳалок бўлганлар ўзларига лойиқ жазо олгандан сўнг, Дхритараштранинг ўғли(Дурёодхон) Бҳимасенанинг гурзи зарбалари дастидан қовурғаси синиб, оғриқдан "ох" тортиб йиқилганида, Дронаचारйанинг ўғли(Ашваттхама) Драупадининг уйкуда ётган беш ўғлининг каллаларини таналаридан жудо қилиб, "хўжайиним хурсанд бўлади", деган аҳмоқона ўй билан, уларни ўлжа сифатида Дурйодхоннинг олдига келтириб ташлади. Аммо, Дурйодхон унинг бу қабиҳ ишидан хурсанд бўлмади, аксинча уни қоралади. 15. Ўғилларининг ваҳшиёна ўлдирилганини эшитган, Пандуларнинг беш фарзандининг онаси, Драупадининг кўзлари бу оғир мусибатдан жикка ёшга тўлди. Шундай мусибатли онларда унга далда бериб, Аржун шундай деди: 16. "Эй покдомон аёл, сенинг бу кўз ёшларингни мен, Гандива камоним билан, (ўғилларининг қотили)браҳманнинг калласини танасидан жудо қилиб, оёғинг остига келтириб ташлаш билан тўхтатаман. Ўғилларинг танасини олов ёқиб дафн қилгандан сўнг, унинг бошини оёқ ости қилиб чўмилишинг ва покланишинг мумкин".

17. Жилвдори ва яқин дўсти, бегуноҳ Худои Таоло йўл кўрсатаётган Аржун Ўзининг суюкли хотинини шундай сўзлар билан овутди ва жанг либосини кийиб, кўлига дахшатли қуролни олди. Жанг аравасига ми-

ниб, ўзига жанг қилиш илмини ўргатган устозининг ўғли Ашваттхамани таъқиб қила бошлади. 18. Шахзодаларнинг қотили Ашваттхама, шиддат билан яқинлашаётган Аржунни кўриб, жонини сақлаб қолиш ниятида, дахшат ичида Тангри Шивадан қочган Тангри Браҳма сингари, жон ҳолатда қоча бошлади. 19. Отларининг чопавериб ҳолдан тойганини кўрган браҳманнинг ўғли: "Энди энг дахшатли қурол-браҳмастрани ишлатишдан бошқа чорам қолмади"- деган қарорга келди.

20. Ҳаёти хавф остида қолган Ашваттхама, ўзига сув сепаб покланди ва фикрини бир жойга тўплаб, гарчи уни қандай тўхтатиш йўлини билмаса ҳам, браҳмастрани ишга соладиган мантраларни ўқий бошлади. 21. Бир зумда чор атрофни кўзни камаштирувчи нур камраб олди. У шунчалик дахшатли эдики, ҳаёти хавф остида қолганини сезган Аржун Худованд Шри Кришнага юзланди.

22. Аржун шундай деди: "Эй Кришна, Сен қудратли Худои Таолосан. Сенинг қудратинг бениҳоя, содиқ хизматкорларинг қалбидан кўркүв хиссини фақат Ўзинг кетказишга қодирсан. Моддий азоб-уқубатлар гирдобига тушган ҳар бир инсон, озод бўлиш йўлини фақат Сендангина топа олади. 23. Сен - Ўзини бутун борлик бўйлаб таратган ва моддий қувватларга нисбатан илоҳий бўлган Парвардигорнинг азалий Шахсисан. Илоҳий қудратинг ёрдамида Сен моддий қувватнинг таъсирини бартараф этдинг. Сен, илоҳий илмга эга бўлган ҳолда ҳамиша илоҳий лаззат оғушидасан. 24. Гарчи моддий қувват таъсири чегарасидан йироқда бўлсанг ҳам, барибир, моддий қувват таъсири остида адашган жон(руҳ)ларнинг саодати учун озодликка чиқишининг, (дҳарма, артха, кама, мокиша) тўрт қоидасига амал қиласан. 25. Бу дунёнинг оғирини енгил қилиш ва дўстларингга, айниқса, ихтиёрини бутунлай Сенга топириб, фақат Сени ўйлаб юрадиган содиқ хизматкорларингга бахт-саодат келтириш учун Сен турли қиёфаларда бу дунёга келасан. 26. Эй Худолар Худоси, бутун атрофни қуршаб олган, дахшатли бу нур қаердан келяпти? Мен хайронман.

27. Олий шахс, Кришна шундай деди: "Мен сенга айтсам, бунга сабабчи зот - Дронанинг ўғли. У браҳмастрани ҳаракатга келтирадиган мантраларни ўқиди, аммо бу қуролни қандай тўхтатишни билмайди. У муқаррар бўлган ўлим дахшати остида, ноиложликдан шундай қилди. 28. Эй Аржун, бу қуролга фақат бошқа браҳмастрагина бас кела олади. Сен ҳарбий илми мукамал биласан, шу боис, бу қуролнинг кучини ўз қуролинг кучи билан қайтар!"

29. Шри Сута Госвами шундай деди: Худои Таолонинг бу сўзларидан кейин, Аржун покланиш учун кўлига сув олди ва Шри Кришна атрофини айланиб ўтиб, душман қуролига қарши ўз браҳмастрасини ишга солди. 30. Икки браҳмастрадан таралаётган нурлар қўшилганда, куёш доираси сингари катта ўтли шар бутун коинотни, осмону-фалакни қоплади. 31. Браҳмастралардан таралаётган чидаб бўлмас иссиқлик таъсиридан бутун уч олам аҳолиси ташвишга тушди. Уларнинг хотирасига замон охирида бутун борликни яқсон қилувчи самвартака олови келди. 32. Бутун коинот аҳолиси ташвишга тушганини ва сайёраларга хавф туғилганини кўриб, Аржун, Шри Кришнанинг хоҳиши билан икки браҳмастрани ҳам орқага қайтарди. 33. Кўзлари ғазаб ўтида икки қизил шар сингари порлаёт-

ган Аржун Гаутама ўғлини эпчиллик билан тутиб олди ва худди хайвонни боғлагандай, аркон билан унинг оёқ-қўлини боғлаб ташлади. 34. Оёқ-қўли боғланган Ашваттхамани ҳарбий лагерга олиб кетаётганларида, нилуфар кўзли Шри Кришна, Худо шахси, ғазабга минган Аржунга юзланиб шундай деди:

35. - Эй Аржун, бу брахманнинг қариндоши (*брахмабандху*)га раҳминг келмасин! Уни озод қилиш керак эмас, чунки у ухлаб ётган ёш болаларингни ўлдирди. 36. Дин қоидаларини биладиган киши душманини тўсатдан, ёки маст ҳолида, ухлаётганида, таслим бўлганида ёки жанг аравасидан ажралиб қолганида ўлдирмайди. У ёш болаларни аёлларни, ақлдан озган ёки нажот сўраган кишини ҳам ўлдирмайди. 37. Ўз ҳаётини бошқалар ҳаёти эвазига таъминлаб юрган нобакор ва зolim киши ўзининг манфаати учун қатл қилиниши лозим, акс ҳолда ўз қилмишлари туфайли яна ҳам тубанроқ зулматга гирифторм бўлади. 38. Бундан ташқари, сен Драупадига, ўғилларинг қотилининг калласини келтираман, деб ваъда берганингни Ўзим эшитдим. 39. Бу одам сенинг оила аъзоларингни ваҳшийларча ўлдирди. Шу қилмиши билан у хўжайинининг ҳам норозилигига сабаб бўлди. У оиласининг ёниб кул бўлган қолдиғи, холос. Уни дарҳол ўлдир!"

40. Сута Госвами шундай деди: "Аржуннинг тақводорлигини синаб кўриш ниятида Кришна уни Дроначарйанинг ўғлини ўлдиришга ундаса ҳам, буюк зот Аржун, гарчи Ашваттхамани унинг оила аъзоларини ваҳшийларча ўлдирган бўлса ҳам, бу ишга қўл ургиси келмади. 41. Аржун ўзининг яқин дўсти ва жиловдори (Шри Кришна) билан лагерга етиб келганларидан кейин, қотилнинг тақдирини ҳал этиш ихтиёрини, ҳалок бўлган ўғилларининг жабрини тортаётган севимли хотинига топширди.

42. Шри Сута Госвами деди: Драупадининг кўзи хайвон сингари қўл-оёғи боғланган Ашваттхаманга тушди. У ўзининг қилган ваҳшийлигидан пушаймон бўлиб, жим турарди. Табиатан кўнгилчан, очиқ кўнгил ва раҳмдил Драупади унга брахманларга хос ҳурмат эҳтиром кўрсатди. 43. Оёқ-қўллари аркон билан боғлаб қўйилган Ашваттхамани кўриш унга жуда оғир эди. Тақводор аёл бўлгани учун у шундай деди:

-Унинг оёқ-қўлини ечинглар, ахир у брахман, бизга руҳий устоз бўладику! 44. Дроначарйанинг шарофати билан сен камондан ўқ отиш санъатини ва ҳарбий қуроллардан фойдаланишнинг нодир сирларини ўргандинг. 45. Ўғли тирик экан, демак ҳали у (Дроначарйа) тирик ҳисобланади. Унинг хотини Крипи ўғли тирик бўлгани учун *самти* маросимини ўтказмади. 46. Эй омадли ва диний қоидаларни билувчи зот, ҳамиша эъзозланиб келган бу обрўли ва мўътабар оилага мусибат келтириш сенга ярашмайди. 47. Эй соҳибим, Дроначарйанинг хотинини ҳам, мен сингари мусибатга гирифторм қилма. Мен ҳалок бўлган ўғилларим дардида ёнапман. Унинг ҳам мендай охунола чекишига йўл қўйма! 48. Агар ҳукмрон шоҳ авлодига мансуб одам ҳиссиётини жиловлай олмай, брахманларни ҳақорат қилса, ёки унинг ғазабини келтирса, брахманларнинг нафрат олови шоҳ хонадонининг барча аъзоларини ёндириб кул қилади ва барчага кулфат келтиради.

49. Сута Госвами шундай деди: - Эй брахманлар, шоҳ Юдхиштхира маликанинг дин қоидаларига асос-

ланган, раҳмдиллик ва меҳрибонлик билан айтилган самимий, мақтовга лойиқ гапларини тўла маъқуллади. 50. Накула, Сахадера, Сатяки, Аржун, Худо шахси - Девакининг ўғли, Шри Кришна, аёллар ва бошқалар яқдиллик билан шоҳни маъқулладилар. 51. Аммо Бҳимасена уларга қўшилмади ва ғазаб ўтида, уйкуда ётган болаларни ваҳшийларча ўлдирган, шу иши билан на ўзига, на хўжайинига нафи тегмаган бу жиноятчининг пешонасига қатл қилиш лозимлигини айтди. 52. Чатурбхуджа (Тўртқўллик) Худо Шахси, Бҳимани, Драупадини ва бошқаларни тинглаб бўлиб, Ўзининг яқин дўсти Аржуннинг кўзига қаради ва табассум билан гап бошлади:

53-54. - Брахманнинг дўстини ўлдириш мумкин эмас, аммо тажовузкор-қотил албатта ўлдирилиши керак. Бу кўрсатмаларнинг ҳаммаси муқаддас ёзувларда кўрсатилган. Сен уларга мувофиқ иш тутишинг, шу билан бирга хотининга берган ваъданг устидан чиқшинг, Бҳимасенани ва Мени мамнун қилишинг керак.

55. Аржун Худо Шахсининг қарама-қарши кўрсатмалар бериш билан нимани назарда тутаётганини аввалига тушунмади, кейин Ашваттхаманинг бошидан сочини ва қимматбаҳо тошни кесиб ташлади. 56. Бегуноҳ болаларни ўлдиргани сабабли у (Ашваттхамани)нинг танасидан таралаётган нур йўқолган, энди бўлса, бошидаги қимматбаҳо тошдан айрилиб, у ўзининг брахманлик қудратидан ҳам маҳрум бўлган эди. 57. Бошидаги сочини қирқиш, бойлигидан маҳрум қилиш, уйдан ҳайдаб юбориш - буларнинг барчаси брахманнинг қариндошига қўллаш мумкин бўлган жазолардир. Қатл қилиш булар жумласига кирмайди. 58. Кейин ғуссага ботган Пандузодалар Драупади билан бирга ўз жигарларининг тобуллари устида дафн маросимини ўтказдилар.

Саккизинчи боб.

Парикшитнинг асраб қолиниши ва
Малика Кунтининг илтижолари

1. Сута Госвами шундай деди: - Кейин Драупади ва Пандавлар марҳум қариндошларига сув қурбонлик қилиш (*шраддха*) маросимини ўтказиш учун муқаддас Ганга томон йўл олдилар. Аёллар олдинда боришарди. 2. Ҳалок бўлган барча яқинларига аза тутиб, Ганга сувидан қурбонлик қилишгач, Худои Таолонинг нилуфар қадамлари пойидаги гардлар аралашиб муқаддас бўлган Ганга сувида ювиниб покландилар. 3. Курулар шоҳи Махараж Юдхиштхира укалари билан, Дхритараштра, Гандхари, Кунти ва Драупади ҳаммаси чуқур қайғуда эдилар. Худо Шахси Кришна ҳам улар билан бирга эди. 4. Ҳамма нарсага қодир Худонинг яратган муқаррар қонунлари олдида тирик мавжудотлар ноилож эканлиги асосида Шри Кришна ва бошқа донишмандлар уларни овутишга уриндилар. 5. Маккор Дурйодхон ва унинг ҳамтовоклари, ҳеч кимни ўзига душман деб билмайдиган Йудхиштхиранинг салтанатини айёрлик билан тортиб олдилар. Аммо, Худои Таолонинг амри билан адолат қайта тикланиб, Дурйодхон ва унинг ҳамроҳлари ўлимга маҳкум бўлдилар. Ўз ажалини тезлаштириб, малика Драупадининг сочларига қўполлик билан қўл урганлар ҳам ҳалокатга учрадилар. 6. Худо Шахси, Кришна Махараж Юдхиштхира билан барча қонун-

қоидаларга амал қилиб уч марта ашвамедха-яжна(от курбонлик қилиш) маросими ўтказишга ундади. Бу курбонлик шарофати билан Юдхитхиранинг доврўғи, ана шундай юз курбонлик маросимини ўтказган Индра-ники сингари бутун уч оламга таралди. 7. Шри Кришна жўнашга ҳозирланди. Шрила Вйасадева раҳбарлигида барча браҳманлар Унга чуқур эҳтиром кўрсатдилар. У ҳам браҳманларга жавобан илтифот кўрсатди ва олдига Пандузодаларни чақирди. 8. Дваракага жўнаш учун У аравага чиқаётиб, даҳшат ичида Унинг олдига чоғиб келаётган Утгарага кўзи тушди.

9. Утгара яқин келиб шундай деди: -"Эй Худолар Худоси, Эй Парвардигор! Сен барча сеҳргарлар ичида энг улўғисан. Сендан илтижо қилиб сўрайман, мени кутқар! Қарама-қаршилиқларга тўла бу дунёда Сендан бошқа ҳеч ким мени ажал домидан кутқариб қолмайди. 10. Эй Худойим, Сен ҳамма нарсага қодирсан! Оловдек темир пайкон шиддат билан менга яқинлашяпти. Эй Худойим, агар Сен шуни хоҳласанг, майли, бу пайкон мени ёқиб кул қилсин, аммо, ҳали туғилмаган фарзандимнинг нобуд бўлишига йўл қўйма! Мендан Ўз марҳаматингни аяма, эй Худойим, о Кришна!"

11. Сута Госвами шундай деди: -Утгарани хотиржам тинглаб бўлгандан сўнг, Ўзининг содиқ хизматкорларига ҳаммаша раҳнамолик қилувчи Шри Кришна, Дронаचारйанинг ўғли Ашваттхама, Пандуларнинг охириги зурёди бўлмиш Утгаранинг ҳали туғилмаган фарзандини йўқ қилиш ниятида браҳмастрани ишга солганини дарров пайқади. 12. Эй донишмандлар аълоси, олов уфуриб, яқинлашиб келаётган браҳмастрани кўрган беш Пандавнинг ҳар бири, ўз қуролига ёпишди. 13. Ихтиёрларини бутунлай Унинг Ўзига топширган соф содиқлари қанчалик хавф остида қолганини кўрган қудратли Худои Таоло, Шри Кришна, уларни ҳимоя қилиш учун дарров сударшана чакрасини олди. 14. Бутун сеҳр қудратининг ҳукмдори, Шри Кришна Параматма шаклида ҳар кимнинг қалбида ҳам мавжуд. Шунинг учун Куруларнинг охириги зурёдини кутқариб қолиш учун, У Утгаранинг қорнидаги фарзандини шахсий қуввати билан ўраб олди.

15. Эй Шаунака, Ашваттхама юборган қудратли браҳмастрани на тўхтатишининг, на қайтариб юборишининг иложи йўқ эди. Унга қарши келадиган куч йўқлигига қарамай, Вишнунинг қудратига дуч келиб, у ўз кучини йўқотди. 16. Эй Браҳманлар, буни сирли ва бегуноҳ Худо Шахсининг алоҳида кўрсатган мўъжизаси деб ўйламанглар. Гарчи, У туғилмаган бўлса ҳам, Ўзининг илоҳий қуввати ёрдамида бутун моддий оламнинг мавжудлигини таъминлаб туради ва вақти келганда яқсон қилади. 17. Браҳмастранинг ажал келтирувчи тажовузидан халос бўлган Худонинг соф содиқлари: Кунти, унинг беш фарзанди ва Драупади Худо Шахси, Шри Кришна уйига жўнашидан олдин, Унга илтижо қила бошладилар.

18. Шримати Кунтидеви шундай деди: - Эй Кришна, мен Сенинг олдинда эҳтиром билан бош эгаман, чунки Сен - Худонинг азалий шахсисан, ва бу дунёнинг ишлари ҳеч қачон Сенга таъсир қилмайди. Сен моддий оламнинг ҳам ичкарасида, ҳам ташқарисида мавжудсан, ва барибир ҳеч кимга кўринмас бўлиб қолаверасан. 19. Моддий ҳиссиётларга сезилмайдиган, бенуксон ўзгармас қудрат бўлган ҳолда, Сен адаштирувчи қувват пардаси билан яшириниб олгансан. Худди саҳнада

қиефасини ўзгартирадиган актёр сингари, Сен ҳам, ғофил, нодонлар кўзига кўринмас бўлиб қолаверасан. 20. Модда(тана)нинг (рух)жондан фарқ қилишини англаш шарофати билан покланган илоҳий зотлар ва теран фикрли донишмандлар қалбига холис хизмат қилишнинг илоҳий илмини етказиш учун Ўзинг бу дунёга ташриф буюрасан. Шундай экан, биз аёллар Сени муқаммал англаб олиш учун нима қилишимиз керак?

21. Шу боис мен, Васудеванинг ўғли, Девакининг қувончи, Нанда ва Вриндаван подачиларининг эркаси бўлиб, сигирлару-кўнгиларга қувонч келтирувчи Худои Таоло олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман. 22. Эй Парвардигор, мен Сенинг олдинда эҳтиром билан бош эгаман. Сенинг киндигинг нилуфар гулини эслатади, Ўзинг ҳаммаша нилуфар гулларидан гулчамбар осиб юрасан. Нигоҳинг худди нилуфар гули сингари дилни яйратади, қадамларинг пойида нилуфар изи бор. 23. Эй Хришикеша, ҳиссиётлар султони ва Худолар Худоси! Сен зolim шох Камса узоқ вақт зиндонбанд қилиб қўйган онангни кутқариб олдинг. Шунингдек, менинг ва фарзандларимнинг бошига кетма-кет келган азоб-укубатлардан бизларни кутқариб қолдинг. 24. Азизим Кришна, Сен бизларни заҳарланган ширинликдан, одамхўр ялмоғиз-жодугарлардан, маккор душманлар йиғинида шарманда бўлишдан, узлат чекиб юрганимизда ўрмондаги хавфу-хатарлардан ва буюк жангчилар иштирок этаётган жанг майдонида ҳалокатга учрашдан асраб қолдинг. Ҳозир эса, Сен бизларни Ашваттхаманинг даҳшатли қуролидан асраб қолдинг. 25. Майли, бошимизга бундай мусибатлар такрор ва такрор тушаверсин, бизлар Сенинг дийдорингни такрор ва такрор кўриш бахтига муяссар бўлаверайлик, чунки, Сенинг дийдорингни кўриш - ўлиб-тирилишлар уммонидан озод бўлиш демакдир. 26. Эй Парвардигор, моддий орзу-истаклардан бутунлай озод бўлган инсонгина Сенга осон эриша олади. Аммо, ўзининг яшаш шароитини яхшилаш ниятида мол-дунё учун, илм олиш, чиройли бўлиш учун елиб-югуриб юрганлар Сенга ихлос билан илтижо қила олмайдилар. 27. Эй, моддий жиҳатдан қашшоқ бўлганларнинг бойлиги, мен Сенинг олдинда бош эгаман. Моддий табиат гуналари фаолиятига ва уларнинг таъсирига Сенинг ҳеч қандай алоқанг йўқ. Сен Ўз-Ўзингдан лаззат оласан ва шу боис Сенинг қалбинг ҳаммаша осойишта, лаззатда. Сен ягона, ёлғиз Парвардигорга сиғинувчиларнинг Худосисан. 28. Эй Парвардигор, мен Сени на аввали, на охири бўлмаган, ҳамма нарсени қамраб олувчи, Олий Ҳукмрон - Мангу Замон деб биламан. Сен барчани Ўз марҳаматингдан бир хилда баҳраманд этасан, ва Сен ҳаммага баробарсан. Тирик мавжудотлар орасида бўладиган можаролар эса, фақат ижтимоий муносабатлар сабабли келиб чиқади. 29. Эй Парвардигор, Сенинг илоҳий ҳатти-ҳаракатларингни ҳеч ким англаб етмайди, оддий инсонлар қиладиган ҳатти-ҳаракатлар сингари, улар ҳар кимни адаштириб қўяди. Сен ҳеч кимга алоҳида муруват ҳам кўрсатмайсан ва нафрат билан ҳам қарамайсан. Одамларга фақат шундай бўлиб туюлади, холос. 30. Эй бутун коинот руҳи(жони), Сен ҳаракатсиз бўлган ҳолда ҳаракат қиласан, Туғилмаган ва ҳаёт манбаи бўлган ҳолда туғиласан. Буни кўрган киши албатта ҳайратга тушиб, адашиб қолади. Сен Ўзинг бу дунёга ташриф буюриб, ҳайвонлар, одамлар, донишмандлар ва сув ҳайвонлари орасида пайдо бўласан. Ҳақиқатан ҳам бу ҳол ҳар кимни ҳам эсанкиратиб қўяди. 31. Азизим

Кришна, Сен шўхлик қилганинда Яшода Сени арқон билан боғлаб қўймоқчи эди. Шунда кўрққаниндан кўзларинг жикка ёшга тўлди, ва бу ёшлар киприкларингдаги бўёқларни ювиб кетди. Гарчи, ҳатто даҳшатнинг ўзи Сендан кўрқадиган бўлса ҳам, Сен кўрқиб кетганинг. Бу ҳолат мени умуман гангитиб қўйди. 32. Бировлар (Туғилмайдиган зот) Худои Таоло такводор шоҳларнинг шон-шуҳратини овоза қилиш учун туғилади, дейишади, бошқалар - Ўзининг энг яқин содиқларидан бири бўлган Йадулар шоҳини қувонтириш учун туғилади, дейди. Сен уларнинг хонадониди худди, Малайи тоғларида сандал дарахти пайдо бўлгандек, жунёга келасан.

33. Бошқа бировлар эса, Сени Васудева ва Девакининг илтижоларини инobatга олиб, уларнинг ўғли бўлиб туғилган дейдилар. Албатта Сен туғилмайдиган Зотсан, аммо, уларни хурсанд қилиш учун ва фаришталарга душманлик қилиб юрганларни ҳалокатга маҳкум этиш учун туғилгансан. 34. Яна бировлар эса, бу дунё, худди денгиздаги кўп юк ортилган қайик сингари, азобукубатларга тўлиб кетди, ва ўғлинг Брахма Сенга илтижо қилган, шунинг учун Сени бу дунёнинг мусибатини энгиллатиш ниятида келган дейишади. 35. Тўртинчи бировлари Сени, моддий дунёнинг азоб-укубатларига мубтало бўлган тирик мавжудотлар озодликка чиқиши учун тинглаш, эслаш, сажда қилиш ва бошқалардан таркиб топган Худои Таолога холис хизмат қилиш жараёнини қайта тиклаш учун пайдо бўлган, деб фараз қиладилар. 36. Эй Кришна, илоҳий кароматларинг ҳақида мунтазам тинглаш ва такрорлаш билан Сени шарафлаб юрган ёки бошқалар шундай қилганида лаззат олиб юрган одамлар, шубҳа йўқки, ўлиб-тирилишлар чангалидан халос этувчи Сенинг нилуфар кадамларинг пойини тасаввур қила оладилар. 37. Эй Парвардигор, барча вазифаларни Сен Ўзинг адо этдинг. Бугун эса, Сенинг марҳаматингдан умидвор бўлиб, ўз ихтиёримизни бутунлай Сенга топширганимизга қарамай, барча шоҳлар бизга душман бўлиб, Сендан ўзга ҳимоя қиладиган зот бўлмаган пайтда, наҳотки бизларни ташлаб кетсанг? 38. Худди, жоң тарк этганида, тана ҳалокатга учрагани сингари, бизнинг бутун фаолиятимиз, обрўйимиз, Пандулар ва Йадаваланнинг ўзлари ҳам, агар Сен Ўзингнинг илоҳий нигоҳингни ташламасанг ҳалок бўламиз. 39. Эй Гададҳара, ҳозир бизнинг салтанатимиз Сенинг пойи кадамларинг излари билан безангани учун ундаги ҳамма нарса кўзни камаштиргудек жилваланиб турибди, аммо Сен бизни тарк этгандан сўнг у сўлиб қолади. 40. Бу шаҳар ва қишлоқларнинг барчаси ҳар томонлама гуллаб-яшнапти, чунки, далаларда ўт-ўланлар барқ уриб ўсяпти, дарахтлар ҳосили мўл, дарёлар тошқин, тоғлар бойликка тўла, океан марваридларга бой. Буларниг барчаси уларга Сенинг илоҳий назаринг тушиб тургани шарофати билан шундай бўляпти. 41. Шунинг учун, эй бутун борлиқ ҳукмдори, бутун оламнинг илоҳий қиёфаси ва жони бўлган Зот, туғишганларим Пандулар ва Вришниларга бўлган мендаги боғланиш ришталарини узиб ташла! 42. Эй Парвардигор Мадху, худди ҳеч қандай тўсиққа учрамай денгизга қараб оқаётган муқаддас Ганга сингари, ҳеч кимга боғланиб қолмасдан, мен ҳам фақат Сенинг Ўзинга интилиб яшашни истайман. 43. О Кришна, Аржуннинг дўсти, Вришни қабиласининг йўлбошчиси, Сен бу сайёрани ташвишга солиб келган барча сиёсий гуруҳларга қирон

келтирдинг. Сенинг жасоратинг ҳеч қачон сўнмайди. Сен ҳамшиша Ўзингнинг илоҳий даргоҳингдасан, бу дунёга сизиларнинг, браҳманларнинг ва такводор, солих инсонларнинг мусибатларини камайтириш учун ташриф буюрасан. Сен барча сеҳрли кучлар султони ва бутун оламнинг руҳий устозисан. Сен қудрати бениҳоя Худо Шахсисан, мен Сенинг олдинда эҳтиром билан бош эгаман.

44. Сута Госвами шундай деди: -"Малика Кунтидеванинг чуқур маъноли гаплар билан олқишлаб, айтган илтижоларини тинглаб, Парвардигор майин табассум қилди. Унинг табассуми ҳам сеҳр кучи сингари жозибадор эди. 45. Шримати Кунтидевининг илтижоларини тинглаб бўлгач, Парвардигор Ҳастинапур саройи ичкарисига кириб, қолган аёлларга Ўзининг жўнаб кетаётганидан хабар берди. Аммо, йўл тараддудини кўраётганида, Юдхиштхира, меҳр билан илтижо қилиб, Уни тўхтатиб қолди. 46. Шоҳ Юдхиштхирани чекаётган азобидан ҳеч нарса - на Вйаса бошлиқ буюк донишмандларнинг насиҳатлари, на инсон қила олмайдиган ишларни қилувчи Худо Шахси Кришнанинг Ўзи ва на тарихий воқеалардан келтирилган мисоллар овуға олмасди. 47. Дўстларининг урушдаги ҳалокати туфайли тушқунликка тушган шоҳ Юдхиштхира, Дҳарманинг ўғли, худди бу дунё ишларига боғланиб қолган оддий одамдай мусибатга тушганди. Эй донишмандлар, бу дунёга боғланиб қолгани сабабли адашган шоҳ ўзича шундай хитоб қилди:

48. - Эҳ шўрпешона! Қанчалик гуноҳга ботдим-а! Гафлатга ботган бу одамга қаранглар! Аслида бошқаларга хизмат қилиши лозим бўлган бу моддий тана қанчадан-қанча душман қўшинларини тор-мор қилди! 49. Мен кўплаб ёш болаларни, браҳманларни, яхши одамларни, ота-оналарни, қариндошу-устозларни ўлдирдим. Агар яна миллион йиллар яшасам ҳам, шу гуноҳларим учун тайёрлаб қўйилган дўзах азобидан қутула олмайман. 50. Ўз фуқароларини ҳимоя қилиш учун, адолат билан жазо қўллаб ўлдирётган шоҳни гуноҳкор деб бўлмайди. Аммо, бу менга тегишли эмас. 51. Мен душманлик уруғини экиб, кўплаб дўстларимни ва аёлларни ўлдирдим. Бу гуноҳларни ҳеч қандай дунёвий савоб ишлар билан ювиб бўлмайди. 52. Худди ҳаром сувни ҳаром нарса билан тозалаб, шароб солинган идишни шароб билан ювиб, тозалаб бўлмаганидек, одамларни ўлдириш гуноҳини ҳам ҳайвонларни қурбонлик қилиб ювиб бўлмайди.

Тўққизинчи боб.

Шри Кришнанинг олдида

Бҳишмадеванинг бу дунёни тарк этиши

1. Сута Госвами шундай деди: Курукшетрада ўзининг шунча одамларини қурбон қилганидан даҳшатга тушиб, Махараж Юдхиштхира жанг майдони томон йўл олди. У ерда бу дунёни тарк этишга ҳозирланиб, пайконлар устида буюк Бҳишмадева ётарди. 2. Юдхиштхиранинг укалари ҳам олтин такинчоқлар билан безанган чиройли отлар қўшилган ажойиб араваларида унга эргашдилар. Оға-инилар билан бирга Вйаса, Дхаумйа каби донишмандлар ҳам бор эди. 3. Эй браҳманлар ичида донишманд зот, Худои Таоло, Шри Кришна ҳам Аржуннинг аравасига чиқиб,

уларга эргашди. Шох Юдхитхиранинг бундай тантана билан бориши, худди хамрохлари(гухьякалар) куршовида бораётган Кувера сингари жуда улўввор кўринар эди. 4. Бхишманинг самодан тушган фариштадек савлат тўкиб ётганини кўриб, Пандавлар шоҳи Юдхитхира, укалари ва Шри Кришна унга эхтиром билан таъзим қилдилар. 5. Бхаратлар хонадонининг бобокалонини кўриш учун бу ерга коинотнинг барча буюк зотлари - фаришталар орасидаги донишмандлар, брахманлар ва шоҳлар - соф эзгулик гунаси таъсири остида бўлган барча буюк зотлар тўпланган эди. 6-7. Бу ерда: Парвата Муни, Нарада, Дхаумйа, Вйаса(Худонинг кўриниши), Брихадашва, Бхарадваджа ва Парашурама ўз шогирдлари билан, Васиштха, Индрапрамада, Прита, Гритсамада, Асита, Какшиван, Гаугама, Атри, Каушика ва Сударшаналар ҳозир эдилар. 8. Шулар билан бирга Шукрадева Госвами ва Кашйапа, Ангираса ва бошқалар сингари покдомон зотлар шогирдлари билан бирга келган эди. 9. Саккиз Васу ичида энг аълоси бўлмиш Бхишмадева, диний қонун-қоидаларни замон ва макон шароитига мувофиқ қандай қўллаш лозимлигини мукамал билгани учун тўпланган улўввор донишмандларнинг барчасини одоб билан бош эгиб қарши олди. 10. Худо Шахси, Шри Кришна ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд, шундай бўлса ҳам, ташки қуввати ёрдамида У Ўзининг илоҳий киёфасини намоён этади. Ана шу Парвардигор Бхишманинг олдида ўтирар эди. Бхишма Унинг қанчалик улўвворлигидан хабардор эди, шу боис Унга муносиб эхтиром кўрсатиб бош эгди. 11. Махараж Пандунинг ўғиллари ўлим тўшагида ётган боболари Бхишма олдида меҳр-муҳаббат билан тиз чўкиб ўтирдилар. Уларни Бхишма чин юракдан олқишлади ва қалби меҳрга тўлиб, кўзлари ёшланди.

12. Бхишмадева шундай деди: - Сизлар ҳақиқий диний одоблар тимсоли бўлган буюк зотнинг фарзандлари бўлганингиз учунгина бошингизга шунча азоб-укубатлар тушди. Шунча мусибатлардан кейин, сизлар тирик қолмаган бўлардинглар, лекин сизларни брахманлар, диний қоидалар ва Худои Таолонинг Ўзи асраб қолди. 13. Келиним Кунти эса, буюк саркарда Пандунинг вафотидан кейин, қўлида егим болалари билан бева қолиб, кўп азоб чеқди. Сизлар улғайгандан кейин, у энди сизларнинг ҳатти-ҳаракатларингиздан азоб чека бошлади. 14. Ўйлайманки, буларнинг ҳаммаси, худди булутларни ҳар ёққа олиб юрувчи шамол сингари, бутун борлиқдаги ҳар бир мавжудотни бошқариб турувчи Замона зайли билан рўй беряпти. 15. Э-воҳ, тақдирнинг муқаррар кароматлари кишини бунча ҳайратга солмаса! Тақдир муқаррардир - акс ҳолда, дин раҳнамоси бўлган фариштанинг ўғли, шох Юдхитхира, буюк гурзибон Бхишма, кудратли, сеҳрли камон соҳиби Аржун, ва Пандавларга очикдан-очик мурувват кўрсатиб юрган Парвардигорнинг Ўзи сизлар билан бирга бўла туриб, бошингизга шунча мусибатлар тушганини қандай изоҳлаш мумкин. 16. Эй шаҳаншоҳ, Худо Шахси Шри Кришнанинг, Худои Таолонинг ишларини ҳеч ким олдиндан била олмайди. Шунча уришишларига қарамай ҳатто буюк донишмандлар ҳам Унинг ишларидан ҳайратга тушадилар. 17. Шунинг учун, эй Бхаратлар ичида аълоси(Юдхитхира), буларнинг барчаси Худонинг амри билан бўлиб турган ишлардир. Худонинг ишларини олдиндан билиб бўлмаслигини тан олган ҳолда, сен Унинг амрини ба-

жаришинг лозим. Азизим, сен энди буюк салтанатга ҳукмронсан, шу боис ҳимоясиз қолган аҳолига ғамхўрлик қилишинг керак.

18. Мана шу Шри Кришна - англаш қийин бўлган Худои Таолонинг азалий Олий Шахсидир. У азалий Нарайана, олий лаззатланувчи шахсидир. У худди бизларга ўхшаб Вришни қабиласи орасида яшаб, бизларни Ўзининг қувватлари ёрдамида адаштириб қўйибди. 19. Эй шаҳаншоҳ, Тангри Шива, фаришталар орасидаги донишманд Нарада ва Худонинг киёфаларидан бири бўлган Капила Унинг улўвворлиги ҳақида тўла илмга эга зотлардир. Улар бу илмни Унинг Ўзидан бевосита ўрганганлар. 20. Эй шаҳаншоҳ, ғофиллигинг туфайли, амаки-оғам, яқин дўстим, энг яхши маслаҳатчим, элчи ва шу каби яқин кишиларимдан бири, деб юрган мана шу Зот - Худонинг Олий Шахси, Шри Кришнадир. 21. Худонинг мутлақ Шахси бўлган ҳолда У ҳар кимнинг қалбида ҳам мавжуд. У ҳар бир мавжудотга бирдек меҳрибон ва сохта ўзликнинг ҳар хил қарама-қаршиликларидан озод. Шу боис, Унинг барча ҳатти-ҳаракатлари дунёвий иллатлардан пок. У ҳамшиша хотиржам, осойишталигича қолаверади. 22. Аммо, барчага бирдек меҳрибон бўлишига қарамай, Унинг содиқ хизматкори бўлганим учун, ҳаётим ниҳоясига етганда, мендан Ўз марҳаматини аямай ҳозир У кўз олдимда пайдо бўлиб турибди. 23. Содиқ хизматкорнинг самимий садоқати, мушоҳадаси, муқаддас номларни шарафлаб қуйлагани шарофати билан ҳаёлида пайдо бўладиган Худои Таоло, у моддий танасини ташлаб кетаётган пайтда, уни гуноҳлари оқибатида қул бўлиб қолишдан озод этади. 24. Тонг шафағи сингари қизғиш кўзлари порлаб, чиройли безанган нилуфарсимон сиймосида табассум ўйнаб турган тўрт қўллик Худойим, мен бу дунёни тарк этиб кетгунга қадар шу ерда кутиб турсин!"

25. Сута Госвами шундай деди: "Бхишмадеванинг қайғули гапираётганини кўриб, Махаража Юдхитхира тўпланган барча буюк донишмандлар олдида, унга ҳар хил диний вазифаларни бажаришинг йўл-йўриқлари, қонун-қоидалари тўғрисида савол берди. 26. Юдхитхиранинг саволига жавобан Бхишмадева аввало, ҳар бир шахснинг сифатлари асосида, барча табақа ва ижтимоий синфларнинг жамиятдаги ўрнини белгилаб берди. Кейин, навбат билан икки нуқтаи-назардан - боғланмаслик ёрдамида қарши туриш ва боғланиш ёрдамида ҳамкорлик қилиш йўлларини тушунтирди. 27. Кейин у навбат билан хайр-саховатли ишларни, шоҳнинг амалий фаолиятини, инсонни озодликка чиқарувчи фаолиятни таърифлаб берди. Сўнгра у аввалига қисқача, кейинроқ аёлларнинг ва содиқларнинг вазифаларини батафсил тушунтириб берди. 28. У инсоният тарихидан ҳар хил мисоллар келтириб, ҳар бир табақа ва синф аъзоларининг вазифаларини гапириб берди, чунки у ҳақиқат илмини тўлиқ биларди. 29. Бхишмадева инсонларнинг вазифаларини тушунтириб бергунча қуёш шимолий ярим шар томонга ўтди. Ўз хоҳиши билан танасини тарк этадиган сеҳргарлар куннинг ана шундай ҳолатини танлайдилар. 30. Шунда, минглаб мавзуларда насихатлар қилган, ҳикояларининг минглаб маъноларини тушунтириб берган, минглаб жанг майдонларида жанг қилган ва минглаб одамларни ҳимоя қилган бу буюк инсон жим қолди ва ўзининг катта очилган кўзлари нигоҳини, олдида сариқ ялтирок либосда савлат тўкиб турган, тўрт қўллик Худо Шахси,

Шри Кришнага тикди. 31. Шри Кришнага караб туриб, соф мушоҳада ёрдамида у моддий ҳаётга хос бўлган барча ташвишлардан озод бўлди ва танасидаги пайконлар келтираётган оғриқ азобидан қутулди. Шундай қилиб, унинг тана аъзоларининг ташқи фаолияти тўхтади. Танасини тарк этар экан, у барча тирик мавжудотлар ҳукмдори - Шри Кришнага илоҳий илтижо билан мурожаат қилди.

32. Бҳишмадева шундай деди: - Менинг шунча вақтдан бери ҳар хил ўйлар ва ташвишлар билан банд бўлиб келган фикру-хаёлим, орзу-ҳавасларим ва ҳистуйғуларим энди бутунлай Парвардигор Шри Кришнада ғарқ бўлсин. У ҳамшиша Ўзидан мамнун, аммо, гарчи бу моддий оламни Ўзи яратган бўлса ҳам, содиқларининг йўлбошчиси сифатида, баъзан, моддий оламга ташриф буюриб, бундан илоҳий лаззат олади. 33. Шри Кришна - Аржуннинг яқин дўсти. У бу ерга ранги кўк тамала дарахтини эслатувчи Ўзининг илоҳий танасида пайдо бўлди. Унинг танаси бутун уч олам аҳолисини ўзига жалб этади. Илоё, бутун диққат-эътиборим Унинг ёғду таратаётган сариқ либосида ва сандал пастаси билан ҳар хил нақшлар қўйилган нилуфарсимон сиймосида жам бўлсин, қилган ишларим натижасидан лаззатланиш истаги мени бутунлай тарк этсин! 34. Жанг майдонида Парвардигор Кришнанинг тўзғиган қора сочлари отлар туёғидан кўтарилган чанг дастидан кулранг тусга кирган, зўриққанидан Унинг юзини тер босган, буниги устига менинг ўткир пайконларимдан олган жароҳатлари ҳам қўшилганди. Ўзининг ана шундай кўринишидан У илоҳий лаззат оларди. Менинг ақлу-хаёлим ана шу Шри Кришнада мужассам бўлсин!

35. Дўстининг буйруғига бўйсуниб, Шри Кришна аравасини жанг майдонининг ўртасига олиб чиқиб, Дурийдохон ва Аржун қўшинларининг ўртасида тўхтатди. Ана шу пайтда У Ўзининг илоҳий нигоҳини ташлаб, душман қўшини сафида турганларнинг умрларига яқун ясади. У буни шунчаки, бир нигоҳини ташлаш билан амалга оширди. Менинг ақлу-хаёлим Кришнанинг ана шу киёфасида мужассам бўлсин! 36. Аржун жанг майдонида турган жангчиларни кўздан кечирганида, тафаккури ғафлат ботқоғига ботгандек бўлди, аммо, Парвардигор илоҳий илм("Бхагавад Гита")ни ўргатиб, уни бу ғафлат ботқоғидан халос этди. Шу Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи мени ҳамшиша ўзига жалб этсин. 37. Менинг истагимни бажариш учун, берган ваъдасини ҳам бузиб, У аравадан тушди ва худди, филни ўлдириш учун ташланаётган арслон сингари, арава ғилдирагини олиб мен томонга югурди. Шошганидан ҳатто устидаги либос ҳам тушиб кетган эди. 38. Ана шу Парвардигор, Шри Кришна, озодликка чиқарувчи Худои Таоло менинг охириги ниятим бўлиб қолсин! Жанг майдонида, худди пайконларим етказган жароҳатлардан жаҳли чиққандек, У менга ҳамла қилди. Унинг қалқони синган, танаси жароҳатлардан оқаётган қонга бўялган эди. 39. Ажалим келганда мени фақат ана шу Худо Шахси, Шри Кришна Ўзига жалб этсин! Мен ақлу-хаёлимни ўнг қўлида камчи, чап қўлида отлар тизгинини ушлаб, қандай қилиб бўлса ҳам дўстининг аравасини ҳимоя қилишни ўйлаб турган, Аржуннинг жиловдори - Шри Кришнада мужассам қиламан. Уни Курукшетра жанггоҳида кўрганларнинг ҳаммаси, ўлганларидан кейин ўзларининг азалий илоҳий ҳолатларига қайтдилар. 40. Менинг ақлу-хаёлим шу Парвардигор Шри Кришнада мужассам

бўлсин. Унинг меҳр тўла хатти-ҳаракатлари ва нигоҳлари Враджабхуми қизларини мафтун этди. (Рак пайтида Кришна йўқолиб қолгандан кейин) Қизлар Парвардигор қилган ҳаракатларга тақлид қилиб ўйнай бошладилар. 41. Махараджа уюштирган раджасуя-яджна(от қурбонлик қилиш) маросимида бугун дунё донишманд-олимлари ва шоҳлар тўпландилар. Шу буюк маросим пайтида тўпланганларнинг барчаси, Олий Худо Шахси сифатида Шри Кришнага сажда қилдилар. Мен ҳам шу ерда бор эдим ва Парвардигорда ақлу-хаёлимни мужассам қилиш учун шу воқеаларни эслаяпман. 42. Энди чуқур тафаккур билан Уни - кўз олдимда турган ягона Худои Таоло, Шри Кришнани мушоҳада қила оламан, чунки мен Унинг ҳар кимнинг, ҳатто изчил фикрловчи файласуфларнинг қалбида ҳам мавжудлигини англаб, карама-қаршилиқлар ҳақидаги хато тушунчалардан юқори кўтарилдим. У ҳамманинг қалбида мавжуд. Куёшни ҳар тарафдан ҳар хил кўриш мумкин, аммо у ягонадир.

43. Сута Госвами шундай деди: Шундай қилиб Бҳишмадева ўзининг бутун фаолияти, ақли, нутқи ва нигоҳи билан Олий Рухга, Шри Кришнага, Олий Худо Шахсига ғарқ бўлди. У жим қолди ва нафас олишдан тўхтади. 44. Бҳишмадеванинг ниҳояси йўқ Мутлак Ҳақиқатнинг мангу даргоҳига ғарқ бўлганини билиб, тўпланганларнинг барчаси, кеч киргандаги қушлар сингари, жим қолдилар. 45. Кейин унинг шарафига одамлар ва фаришталар бонг ура бошладилар, тақводор шоҳлар унга чуқур эҳтиром кўрсата бошладилар. Осмондан гуллар ёмғири ёғилди. 46. Эй Бхригу авлоди(Шаунака), Бҳишмадеванинг жасадини дафн этиш маросимини ўтказиб, Махараджа Юдхиштхира бир зум қайғуга чўкди. 47. Шунда, барча буюк донишмандлар, нодир ведавий ҳамду-санолар билан шу ерда иштирок этаётган Шри Кришнани олқишладилар. Шундан сўнг, уларнинг барчаси, қалбларида Худо Шахси Кришнани сақлаган ҳолда, ўз даргоҳларига қайтдилар.

48. Кейин, Махараджа Юдхиштхира Шри Кришна ҳамроҳлигида Хастинапур пойтахтига йўл олди ва тоғасини, бутунлай риёзатга берилган холаси Гандхарини овутди. 49. Шундан сўнг, буюк тақводор шоҳ Махараж Юдхиштхира тоғаси маъқуллаган ва Шри Кришна қўллаб-қувватлаган қонун ва қоидаларга қаттиқ амал қилган ҳолда салтанатни бошқара бошлади.

Ўнинчи боб.

Кришнанинг Дваракага жўнаб кетиши

1. Шаунака Муни шундай деб сўради: - Тақводор одамлар аълоси бўлган Махараж Юдхиштхира, ота-мерос бўлиб қолган салтанатини тортиб олмоқчи бўлган душманларини яқсон қилгандан сўнг, укалари билан бирга давлатни қандай бошқарди? Аминманки, у салтанат бойлигидан фақат лаззатланиш ва роҳат-фароғатда яшаш учун фойдаланмаган?

2. Сута Госвами шундай деди: - Худди, ўт кетган бамбук(қамиш)зор сингари, ғазаб оловида ёниб қул бўлган Курулар салтанатини қайта тиклаганидан ва уни Махараж Юдхиштхирага қайтариб берганидан бутун олам посбони ва Худонинг Олий Шахси, Шри Кришна жуда мамнун эди. 3. Донишманд Бҳишмадеванинг ва беғуноҳ Шри Кришнанинг маслаҳатларидан кейин

Маҳараж Юдхитхиранинг калбидаги ўқинч ва гумонлари бутунлай тарқаб кетди, шунинг учун у, салтанатдаги мукаммал илм талаб қиладиган ишларни бажаришга киришди. У энди бугун еру-денгизларга ҳукмронлик қилар, укалари эса, унга ёрдам берардилар. 4. Маҳараж Юдхитхира оламга ҳукмронлик қилган пайтда осмондан мўл-кўл ёмғир ёғар, она-ер эса, турли неъматларни инсонлар эҳтиёжига бемалол етарли миқдорда етказиб берарди. Сигирлар қувнок, уларнинг елинлари сугга тўлиб, яйловларни сут билан ҳўллаб юришарди. 5. Дарёлару-денгизлар, тоғу-адирлар, ўрмонлар, ўсимликлар ва доривор гиёҳлар ҳар мавсумда шоҳга мўл-кўл инъомлар келтирарди. 6. Шоҳнинг душманлари бўлмагани учун, тана ва ақл, иссиқ ва совуқ келтирадиган азоб-укубатлар тирик мавжудотларни сира безовта қилмасди. 7. Қариндошларини овутиш ва синглиси Субҳадрани қувонтириш учун Шри Хари, Худо Шахси Шри Кришна Ҳастинапурда бир неча ой қолиб кетди. 8. Кейин, шоҳдан руҳсат сўраб, унинг розилигини олгач, Маҳараж Юдхитхирага эҳтиром билан таъзим қилди, шоҳ эса Уни бағрига босди. Шундан сўнг бошқалар билан кучоклашиб хайрлашгандан сўнг, уларнинг таъзимларини қабул қилиб, Шри Кришна жўнаш учун аравасига чикди. 9-10. Ана шу пайтда: Субҳадра, Драупади, Кунти, Уттара, Гандҳари, Дхритараштра, Йўйутсу, Крипачарйа, Накула, Саҳадева, Бҳимасена, Дҳаумйа ва Сатйаватилар барчасининг кайфияти бузилиб, ҳушидан кетишларига оз қолди. Чунки улар учун Худо Шахси Кришна билан ажралиш жуда оғир эди. 11-12. Дунёвий одамларнинг бемаъни сўхбатларини тарк этган ва Худонинг соф содиқлари билан бўлган сўхбатлардан Олий Худо Шахсини англаб етган доно, заковатли кишилар, Худо Шахсининг шарофатлари ҳақида атиги бир марта эшитсалар, Унинг илоҳий кароматлари ҳақидаги сўхбатларсиз бир зум яшай олмайдилар. Шундай экан, Худонинг Ўзи билан бирга сирлашиб, юзма-юз учрашиб, бирга сўхбат куриб юрган, ухлаб, овқатланиб, ҳамиша ёнма-ён юрган Пандавлар У билан бўладиган айрилиқ, ҳижрон азобига қандай чидасин? 13. Уларнинг қалблари Шри Кришнага бўлган муҳаббат оловида эриб кетганди. Улар кўзларини юммасдан Кришнага тикилар ва паршон ҳолда ўзларини кўйишга жой тополмасдилар. 15. Кришнадан хавотирланиб, кўзлари тўла ёш билан, Унинг барча қариндошлари саройдан ташқарига чикдилар. Улар кўз ёшларини зўрга тийиб турардилар. Чунки хайрлашиш пайтида тўкилган кўз ёшлар бахтсизлик олиб келишидан кўрқардилар.

15. Худо Шахси Ҳастинапур саройини тарк этаётганида, Унинг шарафига ҳар хил барабан овозлари янгради: мриданга, дҳала, награлар, дхундхуралар, дундубҳилар - ҳар хил най-сурнайлар, вина, гамукҳа ва бҳериларда кўйлар чалинди. 16. Худо Шахсини кўриб қолишни астойдил истаган Куру хонадони аёллари сарой томига чикдилар ва уялиб-тортиниб, Унга муҳаббатларини изҳор этиб, гул ирғитдилар. 17. Шунда, Худо Шахсининг яқин дўсти, уйқусини енган Аржун, дастаси кимматбаҳо тошлар билан, ўзи марварид тақинчоқлар билан безатилган соябонни юкори кўтарди. 18. Уддҳава ва Сатйаки Худо Шахсини чиройли безатилган елпиғичлар билан елпий бошладилар. Гуллардан тўшалган поёндози устида ўтириб олган Худо Шахси, Шри Кришна жўнашга ишора қилди.

19. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда эшитилаётган Кришна шарафига ўкилаётган дуолар, ҳамду санолар Унга тегишлидек ҳам, Унга тегишли эмасдек ҳам туюларди. Чунки бу дуоларнинг ҳаммаси, айти пайтда инсон киёфасида намоён бўлиб, Ўз вазифаларини бажараётган ягона Ҳақиқат, Худо Шахсининг Ўзига қаратилган эди. 20. Нодир кўшиқларда шарафлаб куйланувчи Худо Шахсининг илоҳий сифатлари ҳақидаги ўй-фикрларга берилган Ҳастинапур аёллари, уй томларида туриб, У тўғрисида гапира бошладилар. Уларнинг айтаётган гаплари хатто Ведавий мадҳиялардан ҳам ширинроқ эди.

21. - Мана У, Худонинг Олий Шахси, биз Уни қандай эсласак шундайлигича кўз олдимизда турибди. Табиат гуналари яратилмасдан олдин Унинг Ўзи мавжуд эди, ва замон охирида барча тирик жонлар, худди уйқуга кетгандек, ўзларининг ҳаракатдан тўхтаган барча қувватларини яна Унинг Ўзида жамлайдилар, чунки У Олий Худо Шахси. 22. Худо Шахси, Ўзининг ажралмас бўлаклари бўлмиш тирик мавжудотларга қайтадан номлар ва шакллар бериш ниятида, уларни моддий табиат гуналари ҳукмига ҳавола қилди. Унинг кудрати билангина моддий табиат яна яратиш кучига эга бўлди. 23. Бу Ўша - буюк содиқлар, холис хизмат қилишнинг қонун-қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда, моддий онг ботқоғидан бутунлай пок бўлган хиссиётларини ва ҳаётини тўла назорат қилиш ёрдамида, илоҳий киёфасини англашга эришадиган Худои Таолонинг Ўзи. Инсоннинг ўз ҳаётини поклаши учун ягона йўл ана шудир. 24. Эй дугоналар, ана - буюк содиқ хизматкорлари ведалар адабиётининг нодир қисмларида сирли кароматларини мадҳ этган Худои Таолонинг Ўзи. У ёлғиз Ўзи моддий оламни яратади, мавжудлигини таъминлаб туради ва вақти келганда яна йўқотиб юборади, лекин бу фаолият Унинг Ўзига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. 25. Ҳайвонлар сингари табиатнинг қуйи, пастки гуналари таъсири остида яшайдиган ёвуз ҳукмдорлар қачон пайдо бўлса, Худои Таоло илоҳий киёфасида келиб, Олий Ҳақиқатни, Ўзининг олий Ҳукмронлигини намойиш этади ва содиқларига алоҳида мурувват кўрсатади, замон ва макон талабларига биноан ҳар хил киёфаларда турли хил ғаройиб кароматлар намойиш этади. 26. Фаровонлик фариштасининг рафикаси, барча тирик мавжудотларнинг олий ҳукмдори Шри Кришна тугилган, ва ёшлигида ўсиб-улгайган Матхура тупроғи қанчалик саховатли! Шоҳ Ядава хонадонининг шухрати қанчалар улуғ! 27. Жаннат сайёраларининг шухратини сўндириб, Дварака шаҳри Ер сайёрасининг шухратини кўкларга кўтаргани хайратланарли эмасми! Дварака аҳолиси, барча тирик мавжудотларнинг Олий Руҳи(Кришна)нинг ўзларига ташлаган нигоҳини, меҳрибон сиймосини ҳамиша кўриб юрадилар. У нигоҳини ташлаб уларни Ўз марҳаматидан баҳраманд қилади. 28. Эй дугоналар, У уйланган аёлларнинг қанчалик бахтли эканини бир ўйлаб кўринг! Улар Худо Шахсининг лаблари лаззатидан баҳраманд бўлиб юришлари учун, олдинги ҳаётларида қанчалик риёзатлар чекиши, қурбонликлар қилиши, Худои Таолога сиғиниш йўлида қанчалик камолотга эришиши лозим эди. Ҳатто, Вражабҳуми қизлари ҳам, бундай бахтни кўз олдига келтириши биланоқ, эс-ҳушини йўқотиб кўядилар. 29. Прадумна, Самба, Амба ва бошқалар ана шу аёлларнинг болалари. Худо Шахси *свайамвара* маросимларида қатнашиб, Шишупалага ўхшаган кўплаб кудратли шахзодалар

устидан ғалаба қозониб, Рукмини, Сатйабхама, Жамбавати ва бошқа аёлларни куч билан олиб кетди. У бошқа аёлларни ҳам, Бхамасура ва унинг минглаб хизматкорларини ўлдирганида, куч билан тортиб олган эди. Ана шу аёлларнинг барчаси энди шон-шухрат қозондилар. 30. Ҳеч кимдан ортиқ покликка эга бўлмаса ҳам, бу аёлларнинг довуғи бугун оламга кетди. Уларнинг эри, нилуфар кўзли Худо Шахси ҳеч қачон уларни уйларида ёлғиз қолдирмайди. Қимматбаҳо совғалар билан ҳамиша уларнинг қалбларини қувонтириб юради".

31. Пойтахт Ҳастинапур аёллари ўзаро суҳбатларида Худо Шахсини ана шундай олқишлар эдилар. Уларнинг чин кўнгилдан айтаётган бу олқишларини Парвардигор табассум билан қабул қилди ва нигоҳини ташлаб, уларни хурсанд қилгандан сўнг, шаҳарни тарк этди. 32. Маҳараж Йудхиштхира, гарчи ҳеч кимни ўзига душман деб билмаса ҳам, Худо Шахсига бўлган чуқур мухаббати туфайли, ҳар эҳтимолга қарши, иблисларнинг душмани бўлмиш Худои Таоло Кришнани кузатиб бориш учун отлиқлар, филлар, аравалар ва пиёдалардан иборат қуролланган тўрт гуруҳни тайинлади. 33. Шри Кришнага бўлган чуқур мухаббат таъсири остида, Куррулар хонадонидаги Пандавлар Уни кузатиб, анча ергача бирга бордилар. Келгуси ҳижрон азобини ўйлаб, уларнинг ҳаёллари паришон эди. Аммо Худои Таоло уларни уйларига қайтишга кўндирди ва Ўзи, яқин ҳамроҳлари билан Дваракага қараб йўлини давом этдирди. 34-35. Эй Шаунака, кейин Худои Таоло Куружангала, Панчала, Шурасена ерлари бўйлаб, Ямуна қирғоғида жойлашган Брахмаварта, Курукшетра, Матсйа, Сарасвати воҳалари, чўллар ва сувсиз адирлардан ўтди, Саувира ва Абхира вилоятига кириб келди. Шу ерда ғарбга бурилиб, ниҳоят Дваракага етиб келди. 36. Худо Шахси ана шу вилоятлардан ўтаётганида, ерлик аҳоли Уни чуқур эҳтиром билан кутиб олар, Унга таъзим қилиб, ҳар хил совға-саломлар тақдим этарди. У қаерда бўлмасин, кун боггандан кейин, кечки ибодат маросимини ўтказиш учун албатта тўхтарди".

Ўн биринчи боб Худо Шахси Кришнанинг Дваракага кириб келиши

1. Сута Госвами шундай деди: - Анартлар давлати(Дварака) деб аталмиш гуллаб яшнаётган воҳа чегараларига етиб боргач, Ўзининг келганидан дарак бериш учун, Худои Таоло омад келтирувчи сурини чалиб юборди. Унинг жарангдор овози аҳолининг ғам босган кўнгилларини қувончга тўлдирди. 2. Худо Шахси Кришнанинг қўлидаги оппоқ сур, Унинг илоҳий лаблари тегишидан қизариб кетгандек эди. Унинг бу ҳолати худди кизил нилуфар гуллари орасида ўйнаётган окқушни эслатарди. 3. Моддий оламда ҳатто даҳшатнинг ўзи қўрқадиган бу товушни эшитган Дварака аҳолиси, барча содикларнинг ҳимоячиси бўлган Худои Таолони кўриш учун шошилди. 4-5. Бутунлай мамнун ва ҳеч нарсага муҳтож бўлмаган, қудрати ёрдамида барча зарур нарсалар билан бошқаларни таъминлаб турувчи Худои Таолони шаҳарликлар, ҳар хил тухфаю-эхсонлар билан кутиб олдилар. Уларнинг

бу ҳадялари қуёшга шамчирок эҳсон қилишдай гап эди. Шаҳарликлар худди меҳрибон оталарини кутиб олаётган болалардек қувончга тўлиб, табрик сўзларини айта бошладилар.

6. Шаҳарликлар шундай дедилар: -"Эй Худои Таоло, барча фаришталар, шу жумладан Брахма, тўрт Кумар, ҳатто осмон фариштаси ҳам Сенга сиғинадилар. Хаётида энг юксак, ҳақиқий бахтга эришишга бел боғлаганлар Сенга эришгач, кўнгиллари таскин топиб, ором оладилар. Сен - илоҳий Олий Худо Шахсисан, ва Сенга замона зайли таъсир қилмайди. 7. Эй бугун борлиқни яратган Худои Таоло, Сен - бизнинг онамиз, ғамхўримиз, устозимиз ва сиғинадиган Илоҳимизнинг Ўзисан. Сенга эргашиб, биз ҳамиша, ҳар ишда зафар қозонганмиз. Шу боис марҳаматингни бундан кейин ҳам биздан аямаслигингни Сендан илтижо қиламиз. 8. Қанчалик омадлимизки, яна шахсан Ўзининг ҳимоянг остидамиз, Сен ҳатто жаннатдаги сайёраларга ҳам камдан кам ташриф буюрасан. Энди Сенинг кулиб турган юзларингга ва меҳр билан нигоҳ ташлаётган кўзларингга қараб, Сенинг, марҳамат нури ёғилиб турган илоҳий дийдорингга яна маҳлиё бўла оламиз. 9. Эй нилуфар кўзли Парвардигор, ҳар гал дўстларинг ва қариндошларинг билан учрашиш учун Матхурага, Вриндаванга ёки Ҳастинапурга кетганингда, Сенсиз ўтган ҳар бир лаҳза миллион йиллардай узок бўлиб туюлади. Эй бегуноҳ Худо Шахси, шунда бизларнинг кўзларимиз, худди нури сўнган қуёшдек, бефойда бўлиб қолади. 10. Эй Худойим, агар ҳамиша уйингдан йироқда бўлсанг, биз Сенинг мафтункор дийдорингни, барча азоб-укубатлардан халос этувчи, майин табассумингни кўра олмаймиз. Сени кўрмай биз қандай яшай оламиз?

Ўзининг фуқароларию-содикларига меҳрибон бўлган Худои Таоло Кришна, уларнинг самимий олқишларини тинглаб бўлиб, Дваракага кирди ва уларга илоҳий нигоҳини ташлаб миннатдорчилигини билдирди. 11. Нағалока пойтахти Бхогаватини ҳимоя қилаётган нағалар сингари, Дваракани ҳам, куч қудратда Шри Кришнадан қолишмайдиган Бҳоджа, Мадху, Дашарха, Арха, Кукура, Андхака ва бошқалар ҳимоя қилишарди. 12. Дваракапури шаҳри йилнинг турли фаслларида етиладиган меваларга тўла эди. Бу ерда роҳибларнинг қулбалари, боғлар, гулзорлар, усти нилуфар гуллари билан қопланган сув тўла ҳовузлар ва сўлим хиёбонлар бор эди. 13. Худо Шахсининг келиши шарафига шаҳар дарвозалари, ҳовли эшиклари ва гулчамбарлар осилган кўча бўйидаги аркалар шодлик белгиси бўлган банан дарахтлари ва манго гуллари билан безатилган эди. Кўчаларга осиб қўйилган байроқлару-гулчамбарлар, шиорлар-у ҳар хил белгилар қуёш нурини тўсиб, соя салқин муҳит яратган эди. 14. Каттаюкич кўчалар, бозорлар ва истироҳат жойлари чиннидек тозаланиб, муаттар ҳид таратувчи сув сепилган, Худои Таоло келиши шарафига ҳамма ерга мевалар, гуллар ва бошоқли донлар сочилган эди. 15. Ҳар бир ҳовли эшиги олдида омад келтирадиган нарсалар: катик, мева-чева, шакарқамиш, сув тўла кўзачалар, сиғиниш анжомлари бўлган дуд ва шамчироклар териб қўйилган эди. 16-17. Қалбларига азиз бўлган Кришнанинг Дваракадҳамага яқинлашаётганини эшитган заҳоти, олийҳиммат Васудева, Акрура, Уграсена, Бала-рама, Прадйумна, Чарудешна, Жамбаватининг ўғли Самба, қувончга тўлиб, ким овқатини, ким уйқусини

чала қолдириб, ўринларидан сакраб турдилар. 18. Гул олиб кетаётган брахманлар билан бирга улар ҳам Ўз араваларида Худо Шахсига пешвоз чиқишга шошилдилар. Улардан олдинда омад нишонаси бўлмиш филлар борарди. Ҳар тарафдан сур ва шохлар овози, ведавий мадхиялар эшитиларди. Шахар аҳолиси ўзларининг меҳр тўла эҳтиросларини ана шундай изҳор этардилар. 19. Айни пайтда кўплаб фоҳиша аёллар ҳам ўз фаэтонларида шу ёққа шошилдилар. Улар Худои Таоло дийдорини кўриш иштиёқида ёнар ва юзлари ажойиб исирғалар билан безатилган бўлиб, гўзаллигини кўз-кўз қилиб турар эди. 20. Драматурглар, хонандаю раққосалар, тарихчилар ва олимлар, зиёлиларнинг барчаси, Худо Шахсининг ғайритабий ишларидан илҳомланиб, Унинг шарафини куйлашга ўз ҳиссаларини кўшдилар. Бу олқишларнинг ниҳояси кўринмасди.

21. Шри Кришна уларга яқинлашди ва дўстлари, қариндошлари, ҳамшаҳарлари ва кутиб олишга, олқишлаб шарафлашга келганларнинг барчасига мартабаларига яраша ҳурмат-эҳтиром кўрсатди. 22. Қудратли Худои Таоло тўпланганларнинг барчасига бош эгиб, улар билан табрик сўзлари алмашиб, кучоклашиб, қўл қисишиб, нигоҳ ташлаб, табассум қилиб, ваъдалар бериб, ва ҳатто энг ношуд инсонларни ҳам марҳаматидан баҳраманд этиб, ҳар бир одам билан салом-алик қилиб чиқди. 23. Кейин Худо Шахси кекса қариндошлари, мадорсиз брахманлар ва уларнинг аёллари ҳамроҳлигида шаҳарга кирди. Улар барчаси Уни дуо қилиб, олқишладилар. Бошқалар ҳам Худои Таолони олқишлардилар. 24. Шри Кришна шаҳарнинг бош кўчаларидан ўтаётганида, Двараканинг обрўли хонадонлари аёллари Шри Кришнани кўриш учун сарой томига кўтарилдилар. Улар учун бу энг катта шодиёна эди. 25. Дварака аҳолиси, барча гўзалликлар манбаи бўлмиш Худои Таолони ҳаммиша кўриб юришга ўрганиб қолишган, аммо, барибир улар Унинг дийдорига қараб тўймасдилар. 26. Худои Таолонинг кўкси - омад фариштасининг макони. Унинг ойдек юзи - ҳаммиша гўзаллик изловчи нигоҳлар учун шарбат тўла пиёла. Унинг қўллари - ҳукмрон фаришталарнинг истироҳат макони, нилуфар қадамлари пойи эса, - Худои Таолонинг Ўзидан бошқа ҳеч кимни, ҳеч қачон олқишламайдиган, шарафлаб куйламайдиган соф содиқ хизматкорларининг нажот даргоҳидир. 27. Худои Таоло Дварака йўлларида ўтиб бораркан, оқ соябон Унинг бошини қуёш иссиғидан ҳимоя қиларди. Оппоқ ҳарир елпиғичлар ҳавода ёй шаклини чизиб, Уни елпир, йўл устига эса гуллардан поёндоз тўшалганди. Сарик либос ва гулчамбарлар орасида У, худди, бир вақтнинг ўзида қуёш, ой, яшин ва камалак ўраб олган қора булутни эслатарди. 28. Худои Таоло отасининг уйига кирганида барча оналари Уни бағирларига босдилар, Кришна эса уларнинг қадамлари пойига бош эгиб, эҳтиром кўрсатди. Туккан онаси Деваки уларга бош эди. 29. Оналар ўғлини бағрига босиб, тиззаларига ўтказдилар. Қайнок меҳрлари туфайли уларнинг кўкси сугга тўлди. Қалблари севинчга тўлиб, кўз ёшлари Худо Шахсига томарди. 30. Кейин Худои Таоло гўзалликда тенги йўқ саройларига кирди. Уларда Унинг ўн олти мингдан кўпроқ хотинлари яшарди. 31. Шри Кришнанинг рафиқалари узок жудоликдан сўнг эрини яна уйларида кўриб, қалблари қувончга тўлди. Улар мушоҳададан тўхтаб, сапчиб ўринларидан турдилар. Одатга кўра

улар юзларини бекитиб, уялганларидан атрофга алангладилар. 32. Уларнинг қалб туғёнлари шу қадар кучли эди. Иболи маликалар Худои Таолони аввало қалблари тўрида бағрига босдилар. Кейин улар Уни нигоҳлари билан кучдилар, сўнгра Уни кучиш учун фарзандларини юбордилар (фарзандларининг кучгани ўзлари кучган билан баробар эди). Аммо, эй Бхригунинг устози, гарчи улар туйғуларини жиловлашга қанчалик уринсалар ҳам, кўзларидан севинч ёшлари тинмай оқарди. 33. Гарчи, Худои Таоло Шри Кришна ҳаммиша улар билан бирга ва уларнинг олдида ҳеч ким бўлмаса ҳам, уларга Худо Шахсининг пойи қадамлари ҳаммиша ўзгариб тургандек туюларди. Омад фариштаси табиатига кўра бетиним ва ўзгарувчан, ҳатто у ҳам Худо Шахсининг қадамлари пойидан ажралгиси келмайди. Шундай экан, шу қадамлар пойидан нажот топган қайси аёл уларни тарк эта оларди? 35. Ерга қулфат келтириб турган ҳукмдорларни яқсон қилгандан кейин Худои Таолонинг қалби таскин топган эди. Ана шу ҳукмдорлар ўзларининг ҳарбий кучлари, от ва филлари, жанг аравалари ва кўшинларини кўз-кўз қилиб гердайишарди. Худои Таоло шахсан Ўзи жангда қатнашмади. У қудратли шохлар орасига шунчаки низо солиб қўйди холос, ва улар ўзаро тўкнашдилар. У худди, ўрмондаги бамбукларни бир-бирига ишқалаб, ёнғин чиқишига сабаб бўлувчи шамолга ўхшарди. 35. Худонинг Олий Шахси, Шри Кришна бесабаб марҳамати билан, ички қуввати ёрдамида бу сайёрада пайдо бўлди ва муносиб аёллар даврасида, худди дунёвий оддий одамлардек роҳатланиб яшарди. 36. Маликаларнинг иболи табассумлари ва сирли нигоҳлари пок ва жозибали эди. Улар севги фариштаси Купидонни ҳам ром қилиб, алам билан камонини улоқтириб ташлатишга қодир эдилар, ҳатто вазмин Шива ҳам уларнинг мафтункор латофатининг қурбони бўлиши мумкин эди. Лекин, ўзларининг ана шундай сеҳрли нигоҳларию гўзалликларига қарамай, улар Худои Таолонинг ҳис-туйғуларини кўзгата олмасдилар. 37. Моддий дунё ботқоғига ботиб қолган ғофил одамлар Худои Таолони ўзларига ўхшаган одамлардан бири деб ҳисоблайдилар. Ғофилликлари сабабли улар бу дунёнинг ишлари Худои Таолога таъсир қилади, деб ўйлайдилар, аслида, Худои Таоло бу моддий дунёга мутлақо боғланмаган. 38. Худои Таолонинг илоҳийлиги мана шунда: ҳатто бу дунёда аралашиб юрса ҳам, Унга моддий табиат сифатлари таъсир қилмайди. Ихтиёрини Худои Таолога топшириб, Ундан нажот топган содиклар ҳам моддий табиат сифатлари таъсиридан қутуладилар. 39. Бу қалби пок, содда ва нозик табиат аёллар ҳақиқатан севимли эри, Худои Таоло Шри Кришна, бизларга бўйсунди ва айтганларимизга амал қилади, деб ўйлардилар. Худди худобехабар атеистлар Худо Шахсининг олий ҳукмрон эканини тушунмагани сингари, улар эрларининг қанчалик улуғворлигини тасаввур ҳам қилолмасдилар.

Ўн иккинчи боб.

Император Парикшитнинг туғилиши

1. Донишманд Шаунака шундай деди: - Маҳараж Парикшитнинг онаси Уттаранинг қорнидаги чақалоқ Ашваттхама юборган даҳшатли ва енгилмас қурол-браҳмастранинг домига тушиб қолган эди. Аммо, Худои Таолонинг Ўзи Маҳараж Парикшитни қутқариб

қолди. 2. Донгдор император, чуқур тафаккур эгаси ва буюк содиқ Парикшит қандай дунёга келди? Дунёни қандай тарк этди ва кейинги ҳаётида нимага эришди? 3. Эй Шукрадева Госвами, илохий илм сирларини ўргатган шу зот(Маҳараж Парикшит)ни биз ҳаммамиз жуда эъзозлаймиз, у ҳақида кўпроқ тинглашни истаймиз. Марҳамат қилиб, шу ҳақда бизга гапириб бер.

5. Шри Сута Госвами шундай деди: - Йўдхитхира салтанатни бошқарган пайтда ҳаммага бир хил муносабатда бўларди. У иш тутишида отасига ўхшаб кетар, ҳеч нарсага интилмас, ҳиссиёти талабларини қондириш истагидан озод инсон эди. Шу боис, ҳаммиша Худои Таоло Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қиларди. 5. Маҳараж Юдхитхиранинг шон-шухратининг, бойлигининг, ўтказган қурбонлик маросимларининг, маликасининг, забардаст укаларининг, бутун Ер юзига таралган салтанатининг, қилган эзгу ишларининг доврўғи ҳатто жаннатий сайёраларга ҳам бориб етганди. 6. Эй браҳманлар, унинг мол-дунёси шу қадар кўп эдики, ҳатто жаннатдагилар ҳам унга ҳавас қилишарди. Аммо, у ҳаммиша Олий ҳукмдор Худои Таолога ҳолис хизмат қилиш билан машғул бўлгани учун, бошқа нарса уни қизиқтирмасди. 7. Эй Бҳригунинг ўғли (Шаунака), бўлғуси буюк жангчи Парикшит онаси Уттаранинг қорнида ётганида, (Ашваттхама юборган) браҳмастранинг бардош бериб бўлмайдиган иссиғидан қийналаётиб, Худои Таолонинг яқинлашиб келаётганини кўрди. 8. Худо Шахсининг бўйи атиги бош бармоқчалик, аммо, Ўзи бутунлай илохий эди. Худои Таолонинг қорамтир гўзал танасини сариқ либос беркитиб турар, бошидаги тожи олтиндек ярқирарди. Чақалоқ Уни шу қиёфада эслаб қолди. 9. Парвардигор жуда гўзал эди. Унинг тўрт қўли бўлиб, сирғалари олтиндек ярқирар, кўзлари ғазаб ўтидан қондек қизарган эди. У тобора яқинлашар, атрофида эса гурзиси тинмай айланиб турарди. 10. Браҳмастрадан таралаётган куйдирувчи ёғдуни Худои Таоло худди шабнам томчисини қуритган куёш сингари, тарқатиб юборди. Чақалоқ Худои Таолонинг кимлигини англашга тиришиб, Уни кузатиб турди. 11. Чақалоқ кўздан кечириб турганида, Олий Худо Шахси, ҳар бир мавжудотнинг Олий руҳи, такводорлар ҳимоячиси - бутун борлиқни қамраб олган ва, на замон, на макон билан чекланмаган Худои Таоло кўздан ғойиб бўлди. 12. Кейин, осмону-фалакда юлдузлар бирин-кетин шарофатли жойларни эгаллаб, шарофат келтирувчи аломатлар пайдо бўлиб, жасорат кўрсатишда Пандунинг ўзига тенглашадиган, Пандунинг меросхўри Парикшит дунёга келди. 13. Маҳараж Парикшитнинг дунёга келганидан қувониб, шоҳ Юдхитхира одатдагидек поклаш маросимини ўтказди. Дҳаумйя ва Крипа бошчилигида донишманд браҳманлар шарофатли мадҳиялар тиловат қилдилар. 14. Хайр-саховатни каерда, қачон, қандай қилиш кераклигини яхши биладиган шоҳ, фарзанд туғилиши муносабати билан браҳманларга олтин, қишлоқлар, филлар, ерлар, отлар ва ғаллалар эҳсон қилди. 15. Шоҳнинг саховатидан мамнун бўлган донишманд-браҳманлар унга Пуру авлодининг раҳбарига юзлангандек мурожаат қилдилар ва бу фарзанднинг шубҳасиз Пурулар хонадонининг асл меросхўри бўлишини айтдилар.

16. Браҳманлар шундай дедилар: - Ҳар ерда мавжуд ва қудрати чексиз Худои Таоло Вишну чексиз муруват кўрсатиб, мана шу беғуноҳ фарзанднинг ҳаётини сақлаб

қолди. Чақалоқ ғайритабиий қурол тажовузига тушиб қолиб, ҳалокатга маҳкум бўлган пайтда Худои Таоло уни ажал домидан қутқарди. 17. Шу боис, бу фарзанд бутун дунёга "Худои Таолонинг Ўзи ҳимоя қилган инсон" сифатида танилади. Эй инсонларнинг энг бахтлиси, шубҳа йўқки, бу фарзанд, барча яхши сифатларга эга бўлган барқамол содиқ бўлиб етишади.

18. Покдомон шоҳ(Юдхитхира) шундай савол берди: -Эй буюк зотлар, буюк шоҳ авлодининг бошқа намоёндалари сингари, бу фарзанд ҳам авлиё-шоҳлардан бўладими? Унинг номи саховатли, қилган ишларининг доврўғи ҳам, шу қадар буюк бўладими?

19. Донишманд браҳманлар жавоб бердилар: - Эй Притханинг ўғли, бу фарзанд, Манунинг ўғли Икшваку сингари, дунёга келган бутун мавжудотни қўллаб-қувватлайди. Браҳманлик қоидаларига риоя қилиш ва, айниқса, сўзига содиқ қолишда у Маҳараж Дашаратханинг ўғли - Худо Шахси Рамага ўхшаган бўлади. 20. Бу бола саховат билан кўллаб ҳайр-эҳсонлар қилади ва Ушинари давлатидаги донги кетган шоҳ Шиби сингари, нажот излаган барчани ўз ҳимоясига олади. Маҳараж Душианганинг ўғли Бҳарата сингари, ўз хонадонининг шухратига шухрат қўшади. 21. Буюк қамонбозлар ичида у Аржундан қолишмайдиган бўлади, олов каби қудратли, океан сингари енгилмас бўлади. 22. Бу фарзанд арслондек кучли, Ҳимолай тоғидек ишончли паноҳ макони бўлиб етишади. У она Ер каби чидамли, ота-оналари сингари сабртоқатли бўлади. 23. Вазминликда у бобоси Йўдхитхира ва Браҳмага ўхшаган бўлади. Қайлас тоғи султони Шива сингари сахийлик қилиб, кўксида ҳатто омад фаришталари паноҳ топган Худои Таоло Нарайана каби, ҳаммага ҳомийлик қиладиган бўлади. 24. У Худои Таоло Шри Кришна изидан бориб, деярли Унинг Ўзига тенглашади. Улуғворликда У шоҳ Рангидевадан қолишмайди, такводорликда эса, Маҳараж Яятига ўхшаган бўлади. 25. Бу фарзанд Бали Маҳараж сингари чидамли ва Праҳлада Маҳараж сингари, Худои Таоло Кришнанинг изчил содиқларидан бўлади, кўп марта *ашвамедҳа* қурбонлик маросимини ўтказди ва барча ҳатти-ҳаракатларида кекса ва тажрибали донишмандлардан ўрнак олади. 26. Донишманд сифатли шахзодаларга ота бўлади. Оламнинг осойишталиги ва диний қоидаларни ҳимоя қилиш учун у бузғунчи ва ғаламисларнинг таъзирини беради. 27. Браҳман ўғлининг қарғишига учраганини, тез кунда учар илон чақишидан ҳалок бўлишини эшитган заҳоти, у барча моддий боғланишлардан халос бўлади ва ихтиёрини Худога бутунлай топшириб, Ундан нажот топади. 28. Буюк донишманд, Вйасадевининг ўғлидан ҳақиқий ўзликни англаш илмини ўрганиб, у барча дунёвий ишлар ва боғланишларни тарк этади ва бежавотир ҳолатга эришади.

29. Мунажжимлар ва башоратчилар, фарзанднинг туғилиш маросимида Йўдхитхирага боланинг келажакини шундай башорат қилдилар. Кейин, улар қимматбаҳо совғалардан хурсанд бўлиб, уйларида кетдилар. 30. Шундай қилиб, бу фарзанд оламга Парикшит("Синовчи") номи билан донг таратиши башорат қилинган эди. Ҳаётини ажал домидан қутқариб қолган Зотни излаб, у ўзига учраган ҳар бир одамни синчиклаб синаб кўрарди. Шу тарзда у, умр бўйи У(Кришна)ни эслаб, излаб юради. 31. Мехрибон ва ғамхўр оила аъзолари даврасида шахзода Парикшит янги туғилган ойдек

кун сайин улғая борди. 32. Шу пайтларда шох Юдхитхира, қариндошлари билан бўлган жангда содир қилган гуноҳларидан покланиш ниятида *ашвамедха* маросимини ўтказишга қарор қилди. Аммо, хазинасида тушаётган солиқ ва тўловлардан бошқа даромади бўлмаганидан, маросим учун етарли маблағ йўқ эди. 33. Шохнинг эзгу ниятини тушунган укалари, бегуноҳ Худои Таоло, Шри Кришнанинг маслаҳати билан шимол тарафга бориб (шох Марутта қолдирган хазинадан), етарли маблағ топиб келдилар. 34. Ана шу хазина ҳисобидан шох уч марта ашвамедха маросимини ўтказишга етадиган маблағга эга бўлди. Шундай қилиб, Курукшетра жангидан кейин қалбини гўлгула босиб юрган шох Юдхитхира, қурбонлик маросимини ижро этиб, Худои Таоло Харини рози қилди. 35. Маросимга таклиф қилинган Худо Шахси, Шри Кришна, маросимни ҳақиқий тажрибали брахманлар ўтказишнинг назорат қилди. Шундан кейин, қариндошларини мамнун қилиш учун Худои Таоло бу ерда яна бир неча ой қолиб кетди.

36. Эй Шаунака, кейин Худои Таоло, шох Юдхитхира, Драупади ва бошқа қариндошлари билан хайрлашиб, Аржун ва Йадулар хонадонининг бошқа аъзолари ҳамроҳлигида Дваракага йўл олди.

Ўн учинчи боб.

Дхритараштранинг таркидунё қилиши

1. Шри Сута Госвами шундай деди: - Видура, муқаддас зиёратгоҳларни айланиб юриб, донишманд Майтреядан рух(жон)нинг (инсон ўлгандан кейин) қаерга бориши ҳақидаги илмни ўрганиб ва Ҳастинапурга қайтиб келди. У бу илм сирларини ўзи истаган даражада эгаллаган эди. 2. Видура Майтрея Мунига ҳар турли саволлар бериб, Худо Шахси Кришнага муҳаббат билан илоҳий хизмат қилишда барқарорликка эришгандан сўнг, унга савол беришдан тўхтади. 3-4. Видуранинг қайтиб келаётганини эшитган бутун сарой аҳли - Маҳараж Юдхитхира, унинг укалари, Дхритараштра, Сатйаки, Санджайа, Крипачарйа, Кунти, Гандҳари, Драупади, Субҳадра, Утгара, Крипи ва Кауравларнинг бошқа аёллари, ўғиллари билан бирга, жуда хурсанд бўлиб унга пешвоз чиқдилар. Улар худди узоқ уйқудан уйғонгандай бўлиб, сергак тортдилар. 5. Қувончга тўлиб, ҳаётга қайта келгандек Унга яқинлашдилар. Бир-бирларига таъзим қилиб, кучоқлашиб кўришдилар. 6. Шунча ташвишларни ва узоқ ҳижрон азобини бошидан кечиргандан кейин, уларнинг қалби шодликка тўлиб, кўзларидан қувонч ёшлари оқарди. Шох Юдхитхира Видурани барча қондаларга риюя қилиб қарши олди. 7. Ажойиб меҳмондорликдан сўнг, Видура дам олди, кейин шох унга яхши ўриндиқдан жой кўрсатиб, савол бера бошлади. Қолганлар ҳам уларнинг суҳбатини тингларди.

8. Маҳараж Юдхитхира шундай деди: - Тоғажон, ҳамиша бизларни, онамизни ҳар хил офатлардан қутқариб юрганинг эсингдами? Худди, полапонларини қаноти остида асрайдиган қушдай сенинг кўрсатган алоҳида меҳрибонлигинг бизларни заҳарланишдан, ёнғинда қолиб кетишдан қутқариб қолганди. 9. Узоқ жойларда саёҳат қилиб нималарни бошингдан кечирдинг, қандай тирикчилик қилдинг? Қайси муқаддас жойларда бўлдинг ва қаерларда Худого хизмат

қилдинг? 10. Эй ҳожам, Худонинг сенга ўхшаган содик хизматкорлари муқаддас жойлар тимсолидирлар. Сен қалбингда ҳамиша Худо шахсини олиб юрасан, шу боис, қадаминг етган жойнинг ҳаммасини саждагоҳга айлантирасан. 11. Тоға, Дваракага ҳам кирган бўлсанг керак. Бу муқаддас жойда бизнинг дўстларимиз, биродарларимиз, ва ҳамиша Худои Таоло Шри Кришнага хизмат қилиш билан банд бўлган Йаду хонадонининг авлодлари яшайди. Балки уларни кўргандирсан ёки улар ҳақида эшитгандирсан. Улар уйларида яхши юрибдиларми?

12. Маҳараж Юдхитхиранинг саволларига жавобан Маҳатма Видура бошидан кечирганларини биринкетин гапириб берди, аммо, Ядулар хонадонининг нобуд бўлгани ҳақида индамади. 13. Бошқаларга меҳрибон бўлган Маҳатма Видура учун Пандавларнинг мусибатга тушишини кўриш жуда оғир эди. У бениҳоя нохуш бўлган бундай хабарни уларга айтмади, бинобарин, мусибат ўзидан ўзи етиб келаверади. 14. Шундай қилиб, барча қариндошлари авлиё одамдек ҳурмат қиладиган Маҳатма Видура фақат оғаси (Дхритараштра)нинг ҳаётига таъсир қилиш ва шу билан бирга қолганларни ҳам қувонтириш учунгина бироз вақтга шу ерда қолди. 15. Мандавья Муни қарғишига учраган Видура Ерда шудра танасида ҳаёт кечирар экан, унинг Ямараж (Азроил)лик вазифасини Арйама бажариб, гуноҳкорларни жазолаб турарди. 16. Салтанатни қўлига оладиган ва хонадонининг шарофатли урф-одатларини давом эттиришга қодир бўлган невараси туғилганининг гувоҳи бўлган Маҳараж Юдхитхира укалари - оддий халқнинг тажрибали ҳукмдорлари билан бирга чексиз бойлик лаззатидан роҳатланиб яшарди. 17. Шафқатсиз вақт(замон), фикру-ҳаёли дунёвий ишларга ғарк бўлган ва оилавий ишларга қаттиқ боғланиб қолган одамларни гафлатда қолдириб, уларнинг ҳаётини барбод қилади.

18. Маҳатма Видура бунга яхши биларди, шу боис Дхритараштрага шундай мурожаат қилди: - Эй шох, тезда бу ерни тарк эт! Ҳеч иккиланиб ўтирма! Қалбинг хавотирга тўлганини сезмаяпсанми? 9. Бу даҳшатли ҳолатни ўзгартириш моддий дунёда ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Эй ҳожам, мангу Замон(вақт) киёфасидаги Худои Таоло (Қала) барчамизга яқинлашиб келяпти. 20. Ана шу шафқатсиз замон, қала ҳукми остида бўлганларнинг барчаси, ўзлари учун энг азиз, қадрли бўлган ҳаёт(жон)ларидан жудо бўладилар; бойлик, обрў, уйи, оиласи, бола-чақаси каби нарсаларини-ку айтмаса ҳам бўлади. 21. Сенинг отанг, ошноларинг ва фарзандларинг барчаси ўлиб кетдилар. Ўзингнинг ҳам умринг охирлаб қолди, тананг ишга яроқсиз, ўзинг бегона уйда яшаяпсан. 22. Туғилганингдан кўзинг кўр эди, энди эса қулоғинг ҳам чала эшитади. Хотиранг пасайиб, ақлинг ҳам жойида эмас. Тишларинг тушай деб қолган, бағринг касал, ўзинг тинмай йўталасан. 23. Э-воҳ, тирик жонзотнинг ҳали ажали етмаслигига бўлган ишончи, ҳаётдан умиди нақадар кучли! Сен бу ерда худди итдек кун кечириб, Бҳима берган ювиндилар билан кун кўриб юрибсан. 24. Ор-номусингни шу қадар йўқотгансанки, ҳатто бир пайтлар ўзинг заҳар бериб, ўтда ёкиб ўлдирмоқчи бўлган одамларинг бераётган садакага зор бўлиб яшаяпсан. Бунинг устига уларнинг хотинини шарманда қилган ва салтанатини, бойлигини тортиб олган эдинг. 25. Сен ўлишни истамай, ор-номусингни қурбон қилиб, яшаш учун қанчалик тиришганинг билан бу ҳасис та-

нанг барибир албатта кексайиб қолади, эскирган кийим сингари титилиб кетади. 26. Бу дунёнинг ишларини тарк этиб, номаълум, хилват жойга кетиб, ўзининг кексайиб, яроқсиз бўлиб қолган танасини тарк этган кишини қалби кенг, вазмин, жиддий одам дейдилар. 27. Ўзи ёки бировнинг ёрдами билан ақли уйғониб, бу дунёнинг ёлғончи ва арзимаслигини англаб етган ва шунинг учун, қалбида мавжуд бўлган Худо Шахсига ихтиёрини топшириб, уйини тарк этган киши, инсонларнинг ичида энг аълосидир. 28. Шунинг учун, ҳозироқ шимолга жўна, қариндошларингга ҳеч нарса дема, чунки, кўп ўтмай, одамларни барча яхши фазилатларидан маҳрум қиладиган замонлар келади.

29. Шундай қилиб, ҳақиқий илм(*пражна*) таъсири остида чуқур ишонч ҳосил қилган Аджамидҳа авлодидан бўлган Маҳараж Дхритараштра, оила ва қариндошларига бўлган боғланиш ришталарини узиб ташлаб, укаси Видура кўрсатган, озодликка чиқиш йўлига кириш учун, қатъий қарор билан уйини тарк этди. 30. Рақибдан яхши зарба олган жангчидек сергак тортиб, эрининг таркидунё қилганларнинг шодлиги бўлган Ҳимолой тарафга йўл олганини кўриб, Кандагар шоҳи Субаланинг қизи, покдомон ва фаросатли аёл Гандҳари ҳам унга эргашди.

31. Ҳали душмани бу дунёга келмаган Маҳараж Юдхитҳира эрталабки - сажда қилиш, Қуёш Худосига олов ёқиб қурбонлик қилиш, браҳманларга эҳтиром билдириш ва уларга дон, сугир, ер ва олтин эҳсон қилиш каби вазифаларини бажариб бўлиб, кексаларга ҳурмат билдириш учун саройга кирди. Аммо у ердан на тоғаси (Дхритараштра)ни, на холаси(Субала қизи)ни топа олмади. 32. Бундан қаттиқ хавотирга тушиб, Маҳараж Юдхитҳира шу ерда турган Санджайдан сўради: - Эй Санджай, бизнинг кўзи ожиз, кекса тоғамиз қаерда? 33. Менинг меҳрибон тоғам Видура, ўғилларига аза туғиб, кўзидан ёши тинмай юрган она-жоним Гандҳари қани? Тоғам Дхритараштра ҳам ўғиллари ҳалокатидан чуқур қайғуда эди. Мен албатта, жуда ношукр одамман. У менинг ҳақоратларимни кўнглига оғир олиб, хотини билан бирга Гангада чўкиб ўлган бўлса ажаб эмас? 34. Бизлар кичкина пайтимизда, отам Панду ўлгандан сўнг, шу икки тоғам бизларни ҳар турли офатлардан ҳимоя қилиб юрарди. Улар ҳамиша бизларга меҳрибон эдилар. Улар бу ердан қаерга кетишлари мумкин?

35. Сута Госвами шундай деди: Хўжайинини йўқотиб, уларга ачиниб, қаттиқ азоб чекаётган Санджайанинг қалби тўлқинланиб, Маҳараж Юдхитҳирага аниқ жавоб бера олмай қолди. 36. Тафаккурининг кучи билан ақлини йиғиб олди ва кўз ёшларини артиб, хўжайини Дхритараштранинг қадамлари пойини ўйлаб, у Маҳараж Юдхитҳирага жавоб бера бошлади.

37. Санджайа шундай деди: Эй Куру хонадони авлоди, азизим, тоғанг ва Гандҳарининг қарорларидан бе-хабарман. Эй шоҳ, бу буюк зотлар мени алдадилар.

38. Санжайа шу гапларни айтаётганида, тамбурини кўлига олиб, Худонинг қудратли содиғи Нарада пайдо бўлди. Маҳараж Юдхитҳира ва укалари ўринларидан туриб, бош эгиб одоб билан уни кутиб олишди. 39. Маҳараж Юдхитҳира шундай деди: Эй муқаддас инсон, тоғаларимнинг қаерга кетганини билмай турибман. Барча фарзандларидан ажралиб, азоб чекаётган холамини ҳам тополмаяпман. 40. Сен худди чексиз денгиздаги

катта кема дарғаси сингари, бизларни ниятимизга етказ оласан.

Бу гапларни эшитиб, Худонинг донишманд содиқлари ичида энг улуғи бўлган Деваарши Нарада сўзини бошлади. 41. Шри Нарада шундай деди: Эй саховатли шоҳ, ҳеч нарасдан ташвишланма, чунки, ҳамма нарса Худои Таолонинг амри билан бўлади. Шу сабабли, ишончли ҳимоя остида бўлиш учун барча тирик мавжудотлар ва уларнинг йўлбошчилари Худои Таолога сифнадилар. Фақат Худонинг Ўзигина тирик мавжудотларни бир-бири билан учраштиради ёки бир биридан ажратади. 42. Худди бўйнига ип боғланган сугир сингари, одамлар ҳам, муқаддас китобларнинг ҳар хил қонун-қоидалари билан боғланиб, Худои Шахсининг кўрсатмаларига амал қилишга мажбурдилар.

43. Ёш бола ўйинчоқларни ўйнаб, уларни бир ерга тўплагани ёки ҳар тарафга сочиб ташлагани сингари, Худои Таолонинг Олий ҳукми ҳам одамларни бир-бири билан учратади ёки ажратиб юборади. 44. Эй шоҳ, сен рух(жон)ни мангу, моддий танани эса ўткинчи, деб ҳисобласанг ҳам, ёки, уларнинг барчаси шахсиз Мутлақ Ҳақиқат ичида жойлашган деб ҳисобласанг ҳам, ёки, буларнинг барчаси модда ва рухнинг тушуниб бўлмайдиган бирикмаси, деб ҳисобласанг ҳам, ҳижрон - ўткинчи, сохта боғланиш туйғусининг оқибати, холос.

45. Шунинг учун, ҳақиқий ўзлигини билмаслигини оқибатида пайдо бўлган барча ташвишларингни унут! Сен, "у бечоралар менсиз қандай кун кечираркин", деб ўйлаётган бўлсанг керак? 46. Беш моддий унсурдан таркиб топган бу моддий танани мангу замон(кала), фаолият(карма) ва моддий табиат сифат(гуна)лари бошқариб туради. Ҳар бир одам ўзи шундай илоннинг оғзида турган бўлса, қандай қилиб у бошқаларни ҳимоя қила оларди? 47. Қўлсиз одам, қўли бор киши олдида, оёғи йўқ мавжудот, тўрт оёқлилар олдида ожиз. Ожизлар кучиларининг ўлжасидир. Умумий қонун шундай: бир тирик мавжудот бошқа тирик мавжудотга емиш бўлади.

48. Шунинг учун, эй шоҳ, фикру-хаёлингни Олий Худо Шахсида жамла. У ёлғиз ва ягонадир. У Ўзининг турли қувватлари ёрдамида намоён бўлиб, ҳар бир мавжудотнинг ҳам ичида, ҳам ташқарисида мавжуддир. 49. Олий Худо Шахси, Шри Кришна, ҳозир Ер юзига ҳасадгўйларни йўқ қилиш учун бешафқат замон(кала-рупа) қиёфасида келган. 50. Худои Таоло фаршталарга ёрдам бериш учун барча зарур ишларни қилиб бўлди, энди қолганларни кутяпти. Сиз Пандавлар, Худо Шахси шу ердалигида Уни кутиб туришларингиз мумкин. 51. Эй шоҳ, тоғанг Дхритараштра, укаси Видура ва хотини Гандҳари буюк донишмандларнинг кулбалари жойлашган, Ҳимолой тоғининг жанубий этакларига йўл олдилар. 52. Бу жой Саптасрота (еттига бўлинган) деб аталади, чунки, шу ерда муқаддас Ганга дарёси, етти буюк донишмандни мамнун қилиш учун етти иромққа бўлинган эди. 53. Энди, Саптасрота қирғоғида Дхритараштра кунига уч марта - эрталаб, кун ўртасида, кечқурун чўмилиб покланиб, қурбонлик олови ёқиб, овқат ўрнида фақат сув ичиб, аштанга-йога билан машғул бўляпти. Бу машғулот инсоннинг ҳиссиётини ва ақлини тўла назорат қилишига ёрдам беради ва уни бу дунё ҳақидаги ўйлардан халос этади.

54. Йогаларнинг ўтириш ҳолат(*асана*)ларини ўрганган ва нафасини бошқара биладиган киши ҳиссиётларини Худо Шахсига жамлай олади ва шунда у моддий табиатнинг - эзулик, хирс ва ғафлат гуналари таъсирига

берилмайдиган бўлади. 55. Дхритараштра ўзининг соф "ўзлиги"ни тафаккури билан бирлаштириши ва кейин, тирик мавжудотнинг Олий Браҳман билан сифат жиҳатдан бир хил эканлигини билган ҳолда, Олий Зот билан қўшилиши лозим бўлади. Чекланган бу моддий осмондан чиққандан кейин у Рухий даргоҳга эришади. 56. У ҳиссиётининг барча фаолиятини, ҳатто ташқи фаолиятини ҳам тўхтатиши, моддий табиат гуналари таъсири остидаги ҳиссиётининг ўзаро фаолияти таъсирига берилмайдиган ҳолатга эришиши керак. Ўзининг барча дунёвий ишларини тарк этиб, бу йўлдаги қаршиликларни енгиб, у ўз мақсадига интилишда қатъий барқарорликка эришиди. 57. Эй шоҳ, у танасини беш кундан кейин тарк этиши ва танаси кулга айланиши эҳтимолга яқинроқ. 58. Эрининг қамиш чайла билан бирга, сеҳр кучи билан чақирилган оловда ёнаётганини кўриб, унинг фаросатли хотини ҳам бутун фикрини жамлаб, қатъият билан шу олов ичига киради. 59. Бир вақтнинг ўзида ҳам қувонч, ҳам мусибат туйғуларига берилган Видура бу муқаддас жойни тарк этади.

60. Шу гапларни айтиб бўлиб, буюк донишманд Нарада вина асбобини кўтариб, самога кўтарилди. Йудҳиштҳира эса унинг насиҳатларини қалбининг тўрига жойлаб, барча ташвиш ва мусибатлардан озод бўлди.

Ўн тўртинчи боб

Худои Таоло Кришнанинг бу дунёни тарк этиши

1. Шри Сута Госвами шундай деди: - Шри Кришна-ни ва бошқа дўстларини кўриш, Худои Таолонинг бундан кейинги режаларини билиш ниятида Аржуна Дваракага йўл олди. 2. Орадан бир неча ой ўтди, аммо Аржундан сира дарак йўқ эди. Айни пайтда Маҳараж Юдҳиштҳира бахтсизлик келишидан дарак берувчи ёмон аломатларни сеза бошлади. 3. У мангу замон ўз йўналишини ўзгартирганини англади - бу даҳшатли эди. Йил фаслларининг алмашиш тартиби ўзгарди. Одамлар жуда очкўз, жоҳил ва ёлғончи бўлиб кетдилар. Нопок йўллар билан тирикчилик қила бошладилар. 4. Кўзбўямачилик, ёлғон гапириш инсонлар орасидаги муносабатларга путур етказиб, ҳатто дўстларнинг орасига ҳам низо сола бошлади. Оилада ота-она, фарзандлар, ака-укалар бир-бирларини тушунмай қолдилар. Ҳатто эр билан хотин ўртасидаги муносабатлар ҳам чигаллашиб, жанжаллар кўпая бошлади. 5. Вақт ўтиши билан одамлар очкўзлик, жоҳиллик, манманлик каби иллатларга қўникиб қолдилар. Бундай нохуш аломатларни сезиб, Маҳараж Юдҳиштҳира укасига юзланди.

6. Маҳараж Юдҳиштҳира Бҳимасенага шундай деди: - Дўстларимиз билан учрашсин ва Худои Таоло Шри Кришнанинг кейинги режалари ҳақида билиб келсин деб, Аржунни Дваракага жўнатган эдим. 7. Кетганига етти ой бўлди, аммо у ҳалигача қайтиб келмаяпти. Унга нима бўлганини билмайман. 8. Деварши Нарада айтганидек, Худои Таоло Ўзининг ердаги ўйинларини тамомлаётгани йўқмикан, ишқилиб? Наҳотки ўша вақт етиб келган бўлса? 9. Фақат Худонинг марҳамати, шафоати билан бизлар бундай шоҳона бойликларга, яхши аёлларга, фаровон ҳаётга, фарзандларга, бошқалар усидан ҳукмронлик қилишга эришидик, душманларимиз

ни енгиш ва кейинги ҳаётда ўзларимизга олий даргоҳдан жой ҳозирлашга муваффақ бўлдик. Шуларнинг барчасига Унинг бизларга бўлган бесабаб марҳамати туфайлигина эришидик. 10. Эй арслондай кучли зот, атрофинга қара, олдимизда ақлимизни чалғитиб, осмону фалак, ер танамизга кўп азоб-уқубат келтирадиган даврлар кутиб турибди. 11. Чап томоним, чап оёғим, кўлим, кўзим тинмай учяпти. Даҳшат босиб, юрагим қаттиқ уряпти. Буларнинг ҳаммаси бирор қор ҳол рўй беришининг аломатларидир. 12. Эй Бҳима, чиябўрининг чиқаётган қуёшга қараб увиллашини ва итнинг эса, тап тортмасдан менга ақиллашини кўр. 13. Бҳимасена, эй одамлар ичида арслони, энди сигирлар сингари фойдали ҳайвонлар чап томонимдан ўтяптилар. Эшак каби паст ҳайвонлар эса атрофимни айланиб ўтяптилар. Отларим эса, мени кўрганда йиғлаётганга ўхшайдилар. 14. Қара! Мана бу кабутар - ажал хабарчисига ўхшайди. Бойўғлилар ва уларнинг рақиби қарғаларнинг ёқимсиз овозларидан юрагим сиқилиб кетяпти. Улар худди бутун оламни зимистонга айлантиришни истаётганга ўхшайдилар. 15. Осмонни тўлдириб юборган тутунга қара! Еру-тоғлар титраётгандек бўляпти. Қара, беғубор осмонда момақалдирок гумбурлаб, яшин чақнаяпти. 16. Ҳар тарафдан чанг-тўзон кўтариб, атрофни зимистонга айлантириб, кучли шамол эсяпти. Булутлар ҳар тарафга қонли бахтсизликлар келтиряпти. 17. Қуёшнинг нури сўняпти, юлдузлар худди бир нарсани таллашиб-тортишаётганга ўхшайди. Аросатда қолган жониворлар ёнғинда қолиб, қий-чув солаётгандек бўляпти. 18. Дарёлар, ирмоқлар, ҳовузлардаги сувлар ва одамларнинг ақлу-хаёллари тўлқинланиб нотинч бўлиб кетган. Ҳатто ёғлар ҳам оловда ёнмаяпти. Қандай замонлар бўляпти ўзи? Нималар бўляпти? 19. Сигирлар сут бермай, бузоқлари эса, оналарини эммай қўйдилар. Уларнинг кўзлари тўла ёш, турган жойларида йиғляптилар. Ўтлоқларнинг аҳволи ҳўкизларни қувонтирмай қўйди. 20. Эҳромлардаги илоҳлар ҳасрат чекиб, терлаб-пишиб йиғлаётгандек бўляпти. Улар худди кетиб қолишга ҳозирланаётгандай туюляпти. Шаҳару-қишлоқлардан, боғу-далалардан, роҳиблар кулбасидан файз кетиб, бахтсиз ҳолга келиб қолгандай. Қандай бахтсизликларга дучор бўлишимизни мен билмайман. 21. Ўйлайманки, ерда рўй бераётган бу мудҳиш воқеалар бутун олам учун қандайдир бир қатта жудолик бўлганидан дарак берапти. Ер сайёраси Худо Шаҳсининг нилуфар кадамлари пойини кўтариб юриш бахтига мушарраф бўлган эди. Аммо бу аломатлар, энди шу бахтиёр замонлар орқада қолганидан дарак берапти.

22. Эй браҳман Шаунака, Маҳараж Юдҳиштҳира Ер юзида пайдо бўлаётган бу мудҳиш аломатларни кўриб, чуқур ўйга толиб ўтирганида, Йадавалар шаҳри(Дварака)дан Аржун қайтиб келди. 23. У келиб, шоҳнинг оёғига бош қўйганида, шоҳ Аржуннинг чуқур қайғуга ботганини кўрди. Унинг боши эгилган, нилуфар кўзларида ёш милтирарди. 24. Қалбини тимдалаётган аламдан ранги оқариб кетган Аржунни кўрган шоҳ, донишманд Нараданинг гапларини эслади, ва дўстлари олдида унга мурожаат қилди.

25. Маҳараж Юдҳиштҳира шундай деди: - Укажон, дўстларимиз, қариндошларимиз: Мадҳу, Бҳоджа, Архи, Сатваталар, Андҳакалар ва Йадулар хонадонидагилар яхши юрибдиларми? 26. Ҳурматли бобом Шурасена яхши юрибдими? Тоғам Васудева ва унинг укалари ях-

шимилар? 27. Унинг Деваки бошлиқ етти хотини бир-бирларига опа-сингил бўлади. Уларнинг барчаси, ўғиллари, келинлари яхшимилар? 28-29. Золим Камсанинг отаси Уграсена ҳали тирикми? Унинг укаси-чи? Хридика ва унинг ўғли Критаварма яхши юрибдиларми? Акрура, Жайанта, Гада, Сарана ва Шатруджитлар яхши юрибдиларми? Содикларнинг ҳимоячиси Худои Таоло Баларама қандай юрибди? 30. Вришни хонадонидан чиққан буюк саркарда Прадйумна яхши юрибдими? У бахтиёрми? Худои Таолонинг тўлиқ намоён бўлган қиёфаси Анируддха қувноқ юрибдими? 31. Худои Таоло Шри Кришнанинг ўғиллари: Сушена, Чарудешна, Жамбаватанинг ўғли - Самба, Ршабха ва уларнинг болалари яхши юрибдиларми? 32-33. Худои Таоло Баларама ва Кришна озод рухларнинг бошқа йўлбошчилари бўлган ҳамроҳлари Шругадевага, Уддхавага, Нандага, Сунандага ва бошқаларга раҳнамолик қилади. Уларнинг ишлари қалай? Бизларга мангу дўстлик ришталари билан боғланган дўстларимиз бизларни эслайдиларми? 34. Сигирларга қувонч бағишлаб, браҳманларга ва ҳис-туйғуларга лаззат берувчи, Ўзининг содикларидан марҳаматини аямайдиган Олий Худо Шахси, Шри Кришна Дваракапури шаҳрида дўстлари билан тақводор одамлар даврасида роҳатланиб юрибдими? 35-36. Олий лаззатланувчи азалий Худо Шахси ва мангу Худои Таоло Ананта - Баларама, бутун борлиқнинг фаровонлиги, равнақи ва ҳимояси учун Ўадулар хонадони уммонида яшайди. Шу боис Худонинг қудратли қўллари паноҳи остидаги Ўадулар қабиласи худди жаннатда яшаётганлар сингари ҳаёт лаззатини суряптилар. 37. Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойига холис хизмат қилиш билан, Сатйабхама бошлиқ Дварака маликалари, Худои Таолони фаришталар оламини забт этишга ундадилар. Натижада маликалар, фақат жаннатлар подшоҳининг аёлларигина фойдалана оладиган нарсалар билан лаззатлана бошладилар. 38. Худои Таоло Шри Кришнанинг ҳимояси остидаги Ўадулар хонадонининг буюк қаҳрамонлари ҳеч қачон, ҳеч нарсадан қўрқмайдилар. Шунинг учун ҳам улар, энг яхши фаришталаргагина муносиб бўлган, аммо улардан тортиб олинган Судхарма мажлислар залига бемалол кириб юрадилар. 39. Аржун, укажон, ўзининг соғлигинг яхшими! Нур таратиб турувчи юзларинг ранги ўчгандай кўринади? Ёки Дваракада, сенга ҳеч ким эътибор бермадимми, ва қаровсиз ҳолда кўп қолиб кетганинг учун шундай бўлдимми? 40. Балки, сенга биров душманларча тажовуз қилгандир? Ёки, биров сендан садақа сўраганда беролмай қолдингми, ёки бировга берган ваъдангинг устидан чиколмай қолдингми? 41. Сен ҳимояга муҳтож бўлган зотлар: браҳманларни, сигирларни, болаларни, аёлларни ва хасталарни ҳамини ҳимоя қиласан. Балки улар сендан нажот кутганда уларни ҳимоя қилолмай қолгандирсан? 42. Ёки зоти паст аёл билан ҳамсуҳбат бўлдингми, ёки муносиб аёлнинг қўнглини топа олмадингми? Ёки йўлда ўзинга тенг ёки сендан паст турувчи рақибдан мағлуб бўлдингми? 43. Ёки бўлмаса, сен билан бирга овқатланишга муносиб бўлган қариялар ва болаларга овқат бера олмай қолдингми? Уларни таклиф қилмасдан ўзинг овқатланиб, гуноҳ қилиб қўйдингми? Қандайдир кечирилмас гуноҳ иш қилиб қўймадингми, ўзи? 44. Ёки, энг яқин дўстинг Худои Таоло Шри Кришнадан айрилиб қолиб, азоб чекапасанми? Азизим

Аржун, сендаги бу тушқунликка мен бошқа сабаб топа олмаяпман.

Ўн бешинчи боб.

Пандавларнинг ўз вақтида кетиши

1. Сута Госвами шундай деди: - Худои Таоло Кришнанинг машҳур дўсти Аржун, Кришнадан айрилиб қолгани сабабли чуқур қайғуда эди, шунинг учун уни Маҳараж Юдхитхиранинг гумонлари қизиқтирмасди. 2. Аржуннинг оғзи ва нилуфар баргидай юраги оғир мусибатдан қақшаётган, шу боис унинг танаси ҳам сўлиб қолган эди. Худои Таолони эслаб, у акасининг саволларига жавобан зўрға гап бошлади. 3. У кўзларини куйдириб оқётган мусибат ёшларини зўрға тўхтатиб турарди. У Парвардигор Кришнани бошқа кўролмагани учун қаттиқ қайғулар ва Унга бўлган меҳр-муҳаббати тобора кучаяётганини сезарди. 4. Парвардигор Кришнани эслаб, Унинг ўзига қилган яхшиликларини, меҳр тўла муносабатларини, жиловдорлик қилиб, аравасини бошқариб юрганларини эслаб, оғир хўрсиниб, Аржун гапира бошлади.

5. Аржун шундай деди: - Эй шох, мени Ўзининг энг яқин дўсти деб билган Олий Худо Шахси, Хари бизи ташлаб кетди. Шунинг учун, мен бир пайтлар ҳатто фаришталарни ҳам ҳайратга солган қудратимдан жудо бўлдим. 6. Мен ҳозиргина Ундан жудо бўлдим. Ундан айрилиш, ҳатто бир лаҳза бўлса ҳам, - худди танадан жон чиққани сингари, одамга бутун борлиқни кўримсиз ва бўм-бўш қилиб кўрсатади. 7. Фақат Унинг қудрати ва марҳамати туфайли, мен шох Друпани саройида свайамвара маросимига тўпланган, қалби эҳтиросга тўла шахзодалар устидан ғалаба қозонган эдим. Камондан ўқ узиб, балиқ шаклидаги нишоннинг кўзидан уриб, Драупадининг билагини қўлга киритган эдим. 8. У ёнимда бўлгани учун, осмон шоҳи Индрадевани ва унинг ёнидаги фаришталарни мағлуб қилиб, олов худосига Қҳандава ўрмонини яқсон қилиш имконини яратиб бергандим. Фақат Унинг марҳамати билан иблис Майа Қҳандава ўрмонидаги ёнғиндан қутулиб қолганди. Натижада бизлар меъморлик бобида мўъжиза бўлган мажлислар саройига эга бўлгандик. Шу саройда ўтказилган Раджасуя маросимида барча шахзодалар тўпланиб, сенга солиқ тўлагандилар. 9. Фақат Унинг марҳамати билан ўн минг фил қучига эга бўлган уканг, қадамлари пойига кўплаб шохлар сажда қилиб юрган Жарасандҳани ўлдиришга муваффақ бўлганди. Ана шу шохларни Жарасандҳа Маҳабхаирава-йаджна маросимида қурбон қилиш учун олиб келган эди, аммо уканг уларни ўлимдан қутқариб қолди. Кейинроқ улар сенга катта совғалар инъом этгандилар. 10. Буюк Раджасуя маросими учун атайлаб чиройли ўрилган хотинининг сочларини тўзғитишга журъат қилган золимларнинг барча хотинларининг сочларини тўзғитган ҳам Унинг Ўзи эди. Шунда у ёш тўла кўзлари билан Худо Шахси Кришнанинг оёқларига йиқилганди. 11. Бадарғаликда юрган пайтимизда, ҳамини ўзининг ўн минг шоғирди билан бирга овқатланадиган Дурваса Муни, душманларимиз билан бирга, бизни қийин аҳволга солиб қўймоқчи бўлди. Шунда У озгина овқат қолдиғини еб, бизларни бу фалокатдан қутқариб қолганди. Кришнанинг овқат егани туфайли, шу пайтда дарёда

чўмилаётган барча донишмандлар ўзларини тўк хис қилдилар. Шунда бугун уч олам аҳли ҳам қаноат ҳосил қилганди. 12. Фақат Унинг таъсири остида жанг қилиб, мен Тангри Шивани ва унинг хотини Ҳимолой қизини лол қолдирган эдим. Шунда у(Тангри Шива) мамнун бўлиб, ўзининг қуролини менга совға қилганди. Бошқа фаришталар ҳам менга ўз қуролларини ҳадя қилган эдилар. Ундан ташқари мен, мана шу ҳозирги танамда жаннатга кўтарилгандим, у ерда менга жуда катта хурмат-эҳтиром кўрсатгандилар. 13. Жаннатда бир неча кун меҳмон бўлганимда, барча фаришталар, ҳатто жаннат шоҳи Индрадева ҳам, иблис Ниватакавачани ўлдиришимни илтимос қилиб, Гандива камони ушлаган қўлларимдан нажот сўраган эдилар. Эй Аджамидхи авлодининг султони, Худои Таолонинг ёрдами билан ана шундай қудратга эга бўлиб юргандим, энди эса, Ундан айрилиб қолдим. 14. Куруларнинг ҳарбий қудрати, худди ичида енгилмас зотлар яшаб юрган чексиз Океанга ўхшарди, ва шу боис ҳам уни енгилмасди. Аммо Худои Таолонинг дўстлиги шарофати билан, мен шу океанни жанг аравада ўтириб, кечиб ўтишга муваффақ бўлгандим. Фақат Унинг марҳамати билан мен (Вират жангида)ўғирланган сугирларни қайтаришга ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган кўплаб шоҳона тожларни ўлжа қилишга эришгандим. 15. Жанг майдонида Бҳишма, Карна, Дрона, Шалйя ва бошқалар раҳбарлигида Курулар тузган катта ҳарбий қўшинининг ҳар бир жангчисини, фикрлаш қобилиятидан маҳрум қилиб, жанговор руҳини тушириб, айнан Кришна уларнинг умрини қисқартирган эди. Бу қўшин ҳарбий санъатнинг барча қоидаларига амал қилинган ҳолда тузилган, ва жангда ғалабага эришиш учун шунинг ўзи кифоя эди, аммо У (Парвардигор Шри Кришна) қўшин олдига рўпара чиқиб ҳаммасини барбод қилди. 16. Барча буюк саркардалар, шу жумладан Бҳишма, Дрона, Карна, Бҳуришрава, Сушарма, Шалйя, Жайадратҳа ва Бахликалар ўзларининг енгилмас қуроллари билан менга ташландилар. Аммо У(Парвардигор Кришна)нинг марҳамати билан жангда ҳатто бошимдан бир тола соч ҳам тушмади. Худди шунга ўхшаб, Тангри Нарасимҳадеванинг буюк содиқ хизматкори Прахлада Маҳаражга ҳам, унга қарши иблислар ишлатган қуролларнинг бирортаси таъсир қилмаган эди. 17. Фақат Унинг марҳамати билан, ҳолдан тойган отларимга сув излаш учун аравадан тушганимда, душманларим ўлдириш имкониятини бой бергандилар. Барча азоб-уқубатлардан халос бўлиш учун, энг яхши инсонлар Худога сифиниб хизмат қиладилар, мен эса хурматсизлик қилиб, Уни ўзимга аравақаш қилиб олишга журъат этдим. 18. Эй шоҳ, Унинг ҳазиллари ва юзида табассум билан қиладиган самимий сўхбатлари жуда оромбахш эди. У менга: - Эй Притҳанинг ўғли, эй дўстим, эй Куру хонадонининг ўғли! - деб мурожаат қиларди. Унинг ана шундай самимий муносабатларини эсласам, қалбим туғёнга келди. 19. Бизлар кўпинча бирга дам олиб, бирга ўтирар, бирга сайр қилиб, бирга яшардик. У кўрсатган қахрамонликларини кўз-кўз қилиб мактанганида, қандайдир бир озгина нотўғри жойини сезиб қолсам, Унга: - Ҳа дўстим, Сен жуда тўғри айтаяпсан! - деб киноя қилардим. Ўзининг улўворлиги камситилган шундай пайтларда ҳам, У, Олий Рух бўлган ҳолда, худди отаси - боласини ёки дўст дўстини кечиргани сингари, менинг гуноҳларимни кечириб, шундай ҳазил гап-

ларимга чидаб юрарди. 20. Эй ҳукмдор, ҳозир мен ҳаммадан ҳам азизроқ бўлган ана шу дўстим - Олий Худо Шахсидан айрилиб қолдим, шу боис ҳозир қалбим бўм-бўшдек туюляпти. Кришна ёнимда бўлмагани учун, Унинг хотинларига кўриқчилик қилаётганимда, бир гала подачи худосизлар хужум қилиб, мени мағлуб қилишди. 21. Қўлимда одатдагидек Гандива камони, ўша отлар қўшилган жанг аравам, олдида барча шоҳлар тиз чўкадиган ўша Аржун бўлсам ҳам, ёнимда Парвардигор Кришнанинг йўқлиги туфайли буларнинг барчаси ўз қудратини йўқотиб, арзимас нарсага айланиб қолганди. Энди буларни қўллаш - худди кулга ёғ куйгандек, сеҳрли таёқча билан олтин топгандек, ёки нобоп ерга уруғ сепгандек бемаъни, бефойда иш. 22-23. Эй шоҳ, Дваракадаги дўстларимиз ва қариндошларимиз тўғрисида гапирадиган бўлсам, уларнинг барчаси браҳманларнинг қарғишига учрадилар. Натижада ачиган гуручдан қилинган шароб ичиб, маст ҳолларида, бир-бирларини танимасдан, калтаклашиб ўзлари ўзларини ўлдирдилар. Тўрт-беш кишидан бошқа бугун қабиланинг барчаси ҳалок бўлган. 24. Аслида бу ишларнинг барчаси Худо Шахси, Парвардигорнинг хоҳиши билан рўй берди. Фақат Худонинг амри билангина одамлар баъзан бир-бирларини ўлдирдилар, баъзан ҳимоя қиладилар. 25-26. Эй шоҳ, худди океанда катта ва кучли ҳайвонлар кичик ва ожизларини егани сингари, Худои Таоло ҳам, Ернинг оғирини енгиллатиш учун, катта ва кучли Ядавларни кичик ва ожиз Ядавларни ўлдиришга ундади. 27. Ҳозир ҳаёлимни фақат Худои Таоло(Говинда)нинг менга берган насиҳатлари жалб этяпти, чунки, улар ҳар қандай оғир ҳолатда ҳам инсон қалбини хотиржам қилишга қодир бўлган кўрсатмалар билан тўлиб тошган.

28. Сута Госвами шундай деди: - Шундай қилиб, дўстона яқин муносабатлари туфайли Худои Таоло берган насиҳатлар ҳақида фикр юритиб, ва Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойини муроқаба қилиб, Аржун ақлини ҳар қандай дунёвий иллатлардан поклади. 29. Худои Таоло Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойини узлуксиз эслаб юриш унинг садоқатини мустаҳкамлади, натижада ҳаёли барча кераксиз, ўткинчи нарсалар ҳақидаги ўйлардан бутунлай покланди. 30. Худо Шахсининг қилган ишлари ва Унинг ҳозир йўқлиги туфайли Аржун Худои Таолонинг берган маслаҳатларини унутгандек кўринарди. Аслида Аржун уларни унутмагани учун ҳозир ўз хиссиётини тўла назорат қилишга эришган эди. 31. Қалбидаги руҳий бойлиги туфайли, қарама-қаршиликларга тўла моддий дунёга хос бўлган барча шубҳаю-гумонлар унга бегона эди. Шундай қилиб у моддий табиатнинг уч гунаси таъсирларидан халос бўлди ва ўзининг илоҳий ўзлигига ғарқ бўлди. Энди унга ўлиб-тирилишлар уммони кўрқинчли эмас эди, чунки у ўзининг моддий киёфасини тарк этган эди. 32. Шри Кришнанинг Ўз даргоҳига қайтиб кетганини эшитиб, Йаду хонадони аъзоларининг ҳам, Ерда намоён бўлиб, қиладиган ишлари ниҳоясига етганини англаб етган Маҳараж Юдхиштхира мангу уйига, Худои Таоло ҳузурига қайтишга қарор қилди. 33. Йадулар хонадонининг ҳалок бўлгани ва Худои Таоло Кришнанинг кетгани ҳақидаги Аржуннинг гапларини эшитиб қолган Кунти, ақлу-ҳаёлини жамлаб, Худонинг илоҳий Шахсига хизмат қилишга ғарқ бўлди ва шу тарзда моддий ҳаёт ке-

чиришдан халос бўлди. 34. Туғилмаган Олий Зот, Парвардигор Шри Кришна Йадулар қабиласига мансуб одамларни таналарини тарк этишга мажбур қилиб, жахонни мусибатдан кутқарди. Унинг бу иши, худди танага кирган тиконни бошқа бир тикон билан олгандек бўлди, ваҳоланки, бу ишни қилаётган киши учун тиконларнинг иккови ҳам баробардир. 35. Олий Худо Шахси, Ернинг оғирини энгил қилиш учун Ўзи намоён қилган танасини тарк этди. Худди сахнадаги сеҳргардек у бир танани ташлаб, бошқа танага кириверади, масалан, У балиқ танасида ҳам намоён бўлган. 36. Худо Шахси Кришна Ўзининг илоҳий танасида Ер сайёрасини тарк этган кундан бошлаб, ўзини тўла намоён қила бошлаган Кали, ҳақиқий илмга эга бўлмаган ғофил инсонларга яшаш учун оғир шароитлар туғдириш учун, бутунлай намоён бўла бошлади. 37. Давлатда, шаҳарларда, хонадонларда ва айрим одамлар орасида очкўзлик, бўхтон, судхўрлик ва зўравонлик каби иллатларнинг кенг тарқалиши билан маълум бўлган Кали даврининг одамларга қандай таъсир қилишини Маҳараж Юдхитхира яхши биларди. Шунинг учун у уйини тарк этишга хозирланди ва шунга лойиқ равишда кийимини ўзгартирди. 38. Кейин у денгизлар билан ўралган бутун ер юзининг хукмдори ва император сифатида, пойтахт Ҳастинапурда, ҳар тарафдан ўзига тенг бўлган ва етарли таълим олган неварасини тахтга ўтказди. 39. Кейин у Анирудҳанинг ўғли(Шри Кришнанинг невараси) Ваяжани Шурасенанинг шоҳи қилиб Матхура тахтига ўтказди. Шундан сўнг Маҳараж Юдхитхира *пражапатйа* қурбонлик маросимини ўтказди ва оилавий ҳаётни тарк этиш ниятида қалбига олов жойлади. 40. Маҳараж Юдхитхира либосларини, камарини ва шоҳона тақинчоқларини ечиб ташлади ва бу дунёдаги ҳар қандай нарсага бутунлай бефарқ бўлиб қолди. 41. Кейин у сезги аъзоларининг барчасини ақли билан, ақлу-хаёлини тириклиги(ҳаёт кучи) билан, ҳаёт кучини - нафаси билан, ўзлигини - беш унсурдан таркиб топган танаси билан, ва ниҳоят танасини ажал билан бирлаштирди. Шунда у, соф руҳ(жон) сифатида ҳаёт тўғрисидаги моддий тушунчадан озод бўлди. 42. Шу тарзда у, беш унсурдан таркиб топган танасини моддий табиатнинг уч гунасига ғарқ қилиб, уларни ягона ғофилликка солди, бу ғафлатни эса - ўзининг ҳақиқий "ўзлиги"га, ҳар қандай ҳолатда ҳам йўқолмайдиган Браҳманга жойлади. 43. Шундан кейин Маҳараж Юдхитхира эски жулдур кийимларни кийиб, овқат ейишни тарк этди, сочларини тўзғитиб, сукут сақлашга қасам ичди. Шундан кейин у ақлдан озган ёки маълум иши бўлмаган телба одамга ўхшаб юрди. У укаларидан бутунлай таъмасини узиб, қулоғи қар одамдек, ҳеч нарсага эътибор бермай қўйди. 44. Кейин у, Худо Шахси ҳақидаги ўйлар билан бира тўла машғул бўлиш ниятида, ўзидан олдинги ўтган авлодларидан ва буюк инсонлардан ўрнак олиб, шимолга йўл олди. Қаерга борса ҳам у шу тарзда кун кечириб юрди. 45. Маҳараж Юдхитхиранинг укалари бутун дунёга Кали даври аллақачон кириб келганини, ва мамлакат аҳолиси худосиз фаолиятнинг таъсирига берилаётганини сездилар. Шунинг учун улар акасида ўрнак олиб, унинг йўлидан боришга қарор қилишди. 46. Улар дхарма(дин) қонунларининг барча кўрсатмаларига амал қилардилар ва натижада, Парвардигор Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига эришиш - инсон ҳаётининг энг олий мақсади, деган тўғри хулосага келдилар. 47-48. Шу тар-

зда, ҳамиша садоқат билан Худо Шахсини эслаб юриб, ўзларининг онгини покладилар ва Олий Нарайана, Худои Таоло Шри Кришна хукмронлик қилаётган илоҳий даргоҳга эришдилар. Бу даргоҳга эришиш - ҳеч нарсага чалғимасдан ҳамиша фақат Олий Худо Шахсини мувоқабат қиладиган зотларгагина насиб этади. Голока Вриндавана номи билан машхур бўлган Парвардигор Шри Кришнанинг бу даргоҳига, моддий дунё ташвишларига ғарқ бўлган дунёвий одамлар эриша олмайдилар. Аммо, Пандавлар, онгидаги барча дунёвий тушунчалардан бутунлай покланиб, ўз таналарида қолган ҳолида шу даргоҳга эришдилар. 49. Видура зиёратгоҳларни айланиб юриб, танасини Прабхасада қолдирди. У ҳамиша Кришна ҳақида мушоҳада қилиб юргани туфайли, Питрилокага бориб, яна ўзининг олдинги лавозимини эгаллади. 50. Драупади эрларининг уни ташлаб, уйдан чиқиб кетаётганларини кўрди. У Худои Таоло Васудева, Шри Кришнани яхши биларди. У ҳам, Субҳадра ҳам Кришна ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб, эрлари эришган натижага эришдилар. 51. Пандузодаларнинг, ҳаётнинг олий мақсади бўлмиш - Худонинг даргоҳига қайтиш учун бу дунёни тарк этганлари ҳақидаги бу ҳикоя - саҳоватли ва илоҳий, пок ҳикоядир. Шунинг учун, бу ҳикояни садоқат ва ишонч, чуқур иймон билан тинглаган ҳар бир киши, шубҳасиз, Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш имкониятига эришади, яъни, ҳаётида энг юксак камолотга эришади.

Ўн олтинчи боб.

Парикшитнинг Кали даврига дуч келиши

1. Сута Госвами шундай деди: - Эй браҳмандонишмандлар, шундан сўнг Маҳараж Парикшит иккибор туғилган браҳманлар ичида энг аълоларининг насиҳати билан, Худо Шахсининг буюк содиқ хизматкори сифатида оламга хукмронлик қила бошлади. У туғилганида авлиёлар башорат қилганидек, эзгу сифатларини намоён қилиб, дунёни бошқара бошлади. 2. Шоҳ Парикшит Уттара шоҳининг қизига уйланиб, тўрт фарзанд кўрди. Унинг тўнғич ўғли Маҳараж Жанамеджайа эди. 3. Крипачарйани ўзига руҳий устоз қилиб танлаб, Маҳараж Парикшит Ганга қирғоғида уч марта от қурбон қилиш маросими(Ашвамедха) ўтказди. Маросимга тўпланганларнинг ҳар бири муносиб инъом-эҳсон олдилар. Шу қурбонлик маросимларида катнашган оддий одамлар ҳам фаришталарни кўришга муваффақ бўлдилар. 4. Кунларнинг бирида, Маҳараж Парикшит дунёни забт этиш учун отланганида, шоҳона либослар кийган, аммо шудрадан ҳам паст табақадан бўлган Кали-юга хукмдорини учратиб қолди. У сигир ва хўкизнинг оёқларини уриб, мажруҳ қилиб турганди. Қилмишига лойиқ жазо бериш учун шоҳ уни дарҳол ҳибсга олди.

5. Шаунака Риши савол берди: - Нимага Маҳараж Парикшит уни фақат жазолаб қўйди. Ахир у, ўзи шудрадан ҳам паст бўлишига қарамай, шоҳона либос кийиб олган, сигирни оёғи билан тепган эдику? Агар бу ходисалар Парвардигор Шри Кришна билан боғлиқ бўлса, унинг барча тафсилотини бизларга гапириб бер. 6. Худонинг содиқлари Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойидаги асал лаззатидан баҳраманд бўлишга ўрганиб қолганлар. Ундан бошқа ўткинчи, бемаъни гапларни тинглаб, инсон умри учун берилган

кимматли, нодир вақтимизни бекорга сарфлашнинг нима кераги бор? 7. Эй Сута Госвами, одамлар орасида ажал тузоғидан қутулиб, мангу ҳаётга эришишни истайдиган инсонлар бор. Улар ажал фариштаси Йамаражга илтижо қилиб, ажалдан қутулмоқчи бўладилар. 8. Ҳар бир тирик мавжудотни ўлимга маҳкум этувчи Йамараж(Азроил) ёнимизда бўлган пайтда ҳеч ким ажал билан юзма-юз келмайди. Буюк донишмандлар Худо Шахсининг вакили бўлмиш ажал худосини таклиф қилдилар. Унинг ҳукми остида бўлган тирик мавжудотлар Худо Шахсининг илоҳий фаолияти ҳақидаги ҳикоялар шаклидаги ушбу мангулик шарбатидан фойдаланиб, ажал тузоғидан қутулишлари керак. 9. Фаросатсиз, дангаса одамлар, умри шунчалик қисқа бўлишига қарамай, тунларини уйқу билан бекор ўтказадилар, кундузлари эса, маъно-максади бўлмаган фаолият билан машғул бўладилар.

10. Сута Госвами шундай деди: - Маҳараж Парикшит Курулар империясига ҳукмронлик қилган пайтда унинг салтанатига ҳам Кали даврининг аломатлари кириб кела бошлади. У бундан хабар топгач, бу яхшиликдан нишона эмаслигини сизди. Аммо, бу ҳол унга жанг қилиш имконияти берарди. У қўлига камонини олиб, жанг қилиш учун сафарга ҳозирланди. 11. Маҳараж Парикшит учқур отлар қўшилган жанг аравасига чиқди. Унинг байроғида арслон тасвири бор эди. Жанг аравалари, отлиқлар, филлар ва пиёда аскарлардан иборат катта қўшин билан у дунёнинг тўрт тарафини забт этиш учун пойтахтни тарк этди. 12. Маҳараж Парикшит Ер юзининг ҳаммасини - Бҳадрашавани, Кетумалани, Бҳаратани, шимолий Куру давлатини, Кимпуруша ва бошқа ерларни забт этиб, уларнинг ҳукмдорларига солиқ солди. 13-15. Шоҳ қаерга бормасин, ҳамма ерда Худонинг буюк содиқлари бўлган ота-боболарининг довуғи ҳақида, Парвардигор Шри Кришнаниннг кўрсатган ажойиб қахрамонликлари ҳақида эшитарди. У қандай қилиб Парвардигор ўзини Ашваттхаманиннг дахшатли курули таъсиридан сақлаб қолганини ҳам эшитди. Одамлар шунингдек, Вришни ва Притха хонадони аъзоларининг бир-бирларига жуда иноқликлари ҳақида ҳам кўп гапиришардилар. Бунинг сабаби, Притха хонадонидегиларнинг Парвардигор Кешавага жуда боғланиб қолганлигида эди. Шоҳ одамларнинг ўз авлодларини шунчалик ҳурмат билан тилга олиб, уларни олқишлаётганларидан хурсанд ва мамнун эли. У сахийлик билан уларга турли совғалар инъом этарди. 6. Маҳараж Парикшит, бутун олам сиғинадиган Парвардигор Кришна(Вишну), итоаткор Пандавларнинг хоҳишига қараб гоҳо аравакаш сифатида, гоҳ элчи сифатида, гоҳ қоровул сифатида, гоҳо мажлисида раислик қилиб, ёши кичик сифатида ҳурмат кўрсатиб, уларга дўстона хизмат қилганини эшитди. Бу гаплардан Маҳараж Парикшитнинг қалбида Худо Шахсининг нилуфар кадамларига нисбатан яна ҳам кучлироқ садоқат юзага келди. 17. Энди мен сизларни Маҳараж Парикшитнинг, вақтининг авлодларининг қилган ишлари ҳақидаги хикояларни тинглаш билан ўтказиб юрган пайтларида бўлиб ўтган воқеалар билан таништираман.

18. Диний қоидалар тимсоли бўлган Дҳарма, ҳўкиз қиёфасида айланиб юриб, сигир қиёфасидаги Ернинг тимсолини учратиб қолди. У худди боласини йўқотган она сингари мусибат чекарди. Унинг қўзлари тўла ёш, танаси сўлгин эди. Дҳарма унга шундай саволлар билан мурожаат қилди. 19. Дҳарма шундай деди: - Эй

ҳурматли зот, аҳволинг яхшими? Бошингга не мусибат тушди, юзларинг қорайган? Балки, бирор ички хасталик дардидан ёки узоқ юрган қариндошингни қайғуриб қийналаётгандирсан? 20. Мен уч оёғимдан жудо бўлдим ва энди биргина оёғимда зўрға турибман. Балки менинг аҳволимга ачинаётгандирсан? Ёки бундан кейин бешафқат қонхўрларнинг сени аёвсиз қийнашларидан кўрқиб ташвишланаяпсанми? Ёки, ҳозирги даврда одамлар қурбонлик маросимларини ўтказмай қўйганлари сабабли, фаришталарнинг қурбонликлардан оладиган улушларидан айрилиб қолганига ачиниб қийналяпсанми? Ёки, очарчилик ва қурғоқчилик азобидан қийналаётган тирик жониворларнинг аҳволига ачинапсанми? 21. Балки сен виждонсиз эрлари ташлаб кетган бахтиқаро аёллар ва болаларнинг аҳволига ачинаётгандирсан? Балки сен диний қонун-қоидаларга амал қилмайдиган браҳманларнинг илм фариштасига ҳукмронлик қилаётганларидан қийналаётгандирсан? Ёки, браҳманларнинг иймонсиз ҳукмдорлар паноҳи остига кириб олганларидан азобланаётгандирсан? 22. Кали даври таъсирида адашган ҳозирги ҳукмдорлар давлат ишларини ўлда-жўлда бажарадилар. Ёки, ана шу чалкашлиқлар сени ташвишга соляптими? Ҳозирги одамлар овқатланиш, ухлаш, жинсий алоқа қилиш каби ишларнинг қонун-қоидаларига амал қилмай қўйган ва бундай ишларни ҳоҳлаган жойда, ҳоҳлаган пайтда қилиб кетаверадилар. Ана шуларни кўриб ғамгинмисан? 23. Эй она Ер, Олий Худо Шахси, Хари сениннг ана шу мусибатингни енгиллаштириш учун Шри Кришна қиёфасида Ерга ташриф буюрди. Унинг бу ердаги барча хатти-ҳаракатлари, қароматлари илоҳий ва улар инсонларга озодликка чиқиш йўлини кўрсатади. Балки ҳозир Худо Шахсининг ана шу қароматлари ҳақида, уларнинг ниҳоясига етгани ҳақида ўйлаётгандирсан. 24. Эй она (Ер), сен - барча бойликлар маконисан. Сени шу аҳволга солган қийинчиликлар сабабини айтиб бер. Сениннг бахтингга ҳатто фаришталар ҳам ҳавас қилишарди, аммо, ҳатто энг қудратли зотларни ҳам тиз чўктирувчи шафқатсиз Замон сениннг ҳам бахтингни куч билан тортиб олганга ўхшайди.

25. (Сигир қиёфасидаги)Ер илоҳи (ҳўкиз қиёфасидаги)диний қонунлар тимсоли(Дҳарма)га шундай жавоб берди: - Эй Дҳарма сениннг барча саволларингга жавоб беришга ҳаракат қиламан. Бир пайтлар сен ҳам тўрт оёғингда мустаҳкам туриб, бутун оламнинг бахтига бахт қўшиб юрган эдинг. 26-30. Худо Шахси Ўзидан Барча ҳислатларни мужассам қилган: 1)ҳақиқатгўйлик, 2)поклик, 3)бошқалар дардига ҳамдард бўлиш, 4)жаҳлини юта билиш, 5)Ўзидан ҳаммиша мамнун бўлиш, 6)тўғрилиқ, 7)соғлом ақл, 8)ҳиссиётини бошқара билиш, 9)маъсулиятли бўлиш, 10)эҳтиросга берилмаслик, 11)сабр-тоқатлиқ, 12)вазминлиқ, 13)содиқлик, 14)илм, 15) ҳиссий лаззатланиш истагидан озод бўлиш, 16) устиворлик, 17) олийжаноблик, 18)Ўз таъсирини бошқаларга ўтказиб билиш, 19)ҳамма нарсага кодирлик, 20)Ўз бурчини бажариш, 21)тўла мустақиллик, 22)моҳирлик, 23)барча гўзалликларга эга бўлиш, 24)барқарорлик, 25)бағрикенглиқ, 26)топқирлик, 27)олийҳимматлиқ, 28)улуғворлик, 29)қатъият, 30)илмда мукамаллик, 31)бурчини виждонан холис бажариш, 32)барча лаззатларга эга бўлиш, 33)қувноқлик, 34)турғунлик, 35)садоқат, 36)шухрат, 37)эътиқод, 38)камтаринлик, 39)Худо шахси сифатида мавжудлик, 40) мангулик ва

хамиша Ўзига хос бўлган бошқа илоҳий сифатлар ҳам Унда мужжасам. Барча эзулик ва гўзаллик манбаи бўлмиш Худо Шахси, Шри Кришна Ер сайёрасидаги эрмакларини ниҳоясига этказди. Унинг йўқлигидан фойдаланиб, Кали даври ўз таъсирини ҳамма ерда ўтказиб борапти, ана шундай ҳолатдаги яшаш шароитларини кўриш мен учун жуда оғир. 31. Эй фаришталар аълоси, мен ўзимнинг, сенинг, шунингдек, бошқа фаришталарнинг, донишмандларнинг, Питрилока аҳолисининг, Парвардигорнинг содиқларининг ва инсонлар жамиятида *варна* ва *ашрама* тизими қоидаларига амал қилувчи барча инсонларнинг аҳволига ачинганимдан қийналаман.

32-33. Биргина эзу нигоҳига етишиш иштиёқида Брахма сингари фаришталар Худо шахсига кунига бир неча бор сизиниб юрган омад фариштаси - Лакшми, ўзининг нилуфар гулшанини тарк этиб, Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойига хизмат қила бошлади. Мен алоҳида кудратга эга эдим, бутун уч оламда мендан омадлороқ зот йўқ эди, чунки танам Худо Шахси қадамлари пойидаги байроқча, яшин, фил қамчиси ва нилуфар гуллари билан безанган эди. Аммо, ўзимнинг қанчалик омадли эканимни англаб етган пайтимда Худо Шахси мени тарк этди. 34. Эй дин тимсоли, худосиз хукмдорлар тўплаган кераксиз ҳарбий кўшинлар мени азобга солаётган эди, Худо Шахсининг марҳамати билан улардан халос бўлдим. Сен ҳам қийналганингдан оёғингда зўрға турар эдинг. Шунинг учун Ўзининг ички қуввати ёрдамида Йадулар хонадонидан пайдо бўлиб, У сенга ҳам ёрдам берди. 35. Менга айтчи, Олий Худо Шахси билан айрилиш дардига ким ҳам бардош бера оларди? Ўзининг меҳр тўла ширин табассуми билан, илиқ нигоҳи билан, самимий мурожаатлари билан У Сатйабхама сингари севгилиларининг ғазабларини ва жиддийликларини бир пасда тарқатиб юбора оларди. У менинг(Ернинг) устимда юрганида, Унинг қадамлари пойидаги чанг уммонида ботиб, лаззатдан тик бўладиган туклар сингари, майсаларга кўмилардим. 36. Ер ва дин тимсоли ана шундай суҳбатлашиб турганларида, шарққа оқаётган Сарасвати дарёси қирғоғига авлиё-шоҳ Парикшит етиб келди.

Ўн еттинчи боб.

Калининг жазоланиши ва авф этилиши

1. Сута Госвами шундай деди: - Маҳараж Парикшит у ерга бориб караса, паст табақага мансуб шудра, шохона кийимларни кийиб, ҳўкиз ва сигирни, худди уларнинг эгаси йўқдек, калтак билан дўппослаяпти. 2. Ҳўкиз нилуфар гулидек оппоқ эди. У бир оёғида зўрға туриб, калтаклаётган шудрадан кўрққанидан калтираб, сийиб юборган эди. 3. Гарчи сигир диннинг асоси бўлган ҳолда инсонларга фойда келтирадиган бўлса ҳам, уни бахти қаро қилиб, бузоғидан айирдилар. Шудра унинг оёғига урарди. Сигирнинг кўзларидан ёш оқар, ҳолдан тойган, ожиз, қорни очганидан даладан озгина бўлса ҳам майса егиси келарди. 4. Камон ва пайконлар билан қуролланиб, олтиндан куйилган аравада ўтирган Маҳараж Парикшит ун(шудра)га гулдурас овозда мурожаат қилди.

- 5. Ҳой, сен кимсан? Кучли одамга ўхшайсану, аммо менинг ҳимоям остидаги бечораларни ўлдиришга журъат этибсан? Устингдаги либосинг билан ўзингни

шоҳлардай кўрсатяпсан, аммо қилаётган ишларинг иккибор туғилган қшатрийларнинг қиладиган ишига ўхшамайди. 6. Эй ярамас, бу яқин орада Парвардигор Кришна ва Гандива камони сохиби Аржун кўринмагани учун, беозор сигирга озор беришга журъат этдингми? Бу бегуноҳ жониворларга хилват жойда озор берганинг учун, жиноятчи сифатида ўлимга маҳкумсан!

7. Кейин у ҳўкиздан сўради: - Сен кимсан? Нилуфардай оппоқ оддий ҳўкизмисан ёки бирор фариштамисан? Уч оёғингдан маҳрум бўлибсан, энди биргина оёғингда зўрға юрибсан. Балки ҳўкиз қиёфасига кирган, бизларга қулфат келтирувчи фариштадирсан? 8. Курулар хонадони авлодига мансуб шоҳлар қўли остида мустаҳкам ҳимояланган салтанатда, сен каби кўзларига ёш олиб, азоб чекаётган зотни биринчи бор кўриб турибман. Шу пайтгача ер юзида ҳали ҳеч ким шоҳлар зулмидан ҳеч қачон кўз ёши тўқққан эмас. 9. Эй Сурабҳининг ўғли, энди хафа бўлишингга ҳожат йўқ. Бу пасткаш шудрадан кўрқма. Эй сигир Она, токи мен тирик эканман, бундай золимларнинг жазосини берман, кўз ёши тўқишингга ҳожат йўқ. Ҳаммаси яхши бўлиб кетади. 10-11. Эй покдомон зот, агар салтанатидаги ярамаслар тирик мавжудотларга озор бериб, уларни даҳшатга солсалар, шоҳнинг обрўси кетиб, умри камайди ва кейинги ҳаётида яхши танага эга бўла олмайдди. Шубҳа йўқки, шоҳнинг биринчи вазифаси азоб чекаётганларнинг дардини енгиллатишдир. Шунинг учун мен, бошқа жониворларга озор бераётган бу пасткаш золимни, унинг зўравонлиги учун жазолаб ўлдиришим керак.

12. У ҳўкизга қайта-қайта мурожаат қилиб, сўради: - Эй Сурабҳининг ўғли, ким сенинг уч оёғингни мажруҳ қилди? Олий Худо Шахси, Шри Кришна яратган қонунларга амал қиладиган шоҳлар юртида сен каби бахтиқаро бўлган ҳеч ким йўқ. 13. Эй ҳўкиз, сен бегуноҳ ва ҳақиқатгўй зотсан, шу боис мен сенга фаровонлик тиламан. Айтчи, Притҳи ўғилларининг яхши номларига иснод келтириб, ким сени ярадор қилди? 14. Бегуноҳ тирик жониворларга озор берган одам, қаерда ва ким бўлишидан қатъий назар, мендан кўркиши керак. Виждонсиз золимларнинг таъсирини берган одам тақводорларга яхшилик қилган бўлади. 15. Беозор жонзотларнинг жонига озор бериб, жиноят қилувчи ҳар қандай сурбетни, ҳатто у башанг кийиниб олган фаришта бўлса ҳам, ўзим яқсон қиламан. 16. Тўғри йўлдаги одамларни ҳамиша ва ҳар ерда ҳимоя қилиш ва алоҳида зарурат бўлмай туриб, муқаддас китобларда берилган кўрсатмаларни бузадиган бузғунчиларни жазолаш - хукмрон бўлиб турган шоҳнинг энг олий вазифасидир.

17. Дин тимсоли шундай деди: - Сенинг айтган гапларинг Пандавлар авлоди намоёнчасига муносиб гаплардир. Садоқатли Пандузодаларнинг илоҳий сифатларига мафтун бўлган Парвардигор Шри Кришна уларнинг элчиси вазифасини бажарган эди. 18. Эй инсонлар ичида улўғи, бизларнинг бу мусибатимизга сабабчи бўлган ярамасни аниқ кўрсатиш жуда кийин, чунки ҳар турли назариётчи-файласуфларнинг қарама-қарши хулосалари таъсирида бизнинг ақлимиз адашган. 19. Ҳар қандай қарама-қаршиликларни рад этувчи баъзи файласуфлар хулосасига кўра, тирик мавжудотнинг тақдиридаги бахт ва бахтсизлик унинг ўзига боғлиқ. Бошқа бирларининг айтишига кўра, бахт ва бахтсизликлар илоҳий кучлар таъсирида рўй беради. Учинчи-

лари эса, улар одамнинг қилган ишларига боғлиқ дейдилар. Худосиз дунёвий кишилар эса, буларнинг бари табиатдан, дейдилар. 20. Яна шундай донишмандлар ҳам борки, уларнинг фикрича, инсон(тирик мавжудот) тақдиридаги бахтсизликларнинг сабабини фалсафий фикр юритишлар ёрдамида аниқлаш, ёки тасаввур қилиш, ёки сўзлар билан тушунтиришнинг иложи йўқ. Эй шоҳлар ичида донишманд зот, шуларнинг барчасини тафаккуринг ёрдамида ўйлаб кўриб, ўзинг чиқарган хулосани баён эт.

21. Сута Госвами шундай деди: - Эй брахманлар ичида энг аъло зотлар, дин тимсолининг гапларидан ҳукмдор Парикшит жуда мамнун бўлди ва ҳеч иккиланмасдан унга тўғри жавоб берди.

22. Шоҳ шундай деди: - Эй хўкиз киёфасига кирган зот! Сен ҳақиқатан ҳам диний қонунларни мукамал биласан ва сенинг гапларинг уларга тўла мос келади. Ана шу қонунга асосан, Худонинг қонунларига хилоф равишда гуноҳ содир қилган кишига бериладиган жазо, шу гуноҳкорни кўрсатган одамга ҳам қўлланилади. Сен ҳақиқатан ҳам дин тимсолининг ўзисан. 23. Шундай хулоса қилиш мумкинки, Худонинг қудрати чексиз, Уни фикр юритиш ёрдами билан ҳам, гапга чечанлик ёрдами билан ҳам англаб, ёки таърифлашнинг иложи йўқ. 24. Сатйя-юга даврида 1)риёзат, 2)поклик, 3)рахмдиллик ва 4)ростгўйлик қоидалари туфайли сен тўрт оёғингда мустаҳкам турган эдинг. Аммо энди, манманлик, аёлларга эҳтирос ва ичкиликбозлик кўринишида намоён бўлган худосизликнинг кенг авж олиши натижасида сенинг уч оёғинг синган(риёзат, поклик ва рахмдиллик). 25. Ҳозир сен ростгўйлик кўринишидаги ёлғиз оёғингда турибсан, ва зўра ҳаракат қила оласан. Аммо, кўзбўямачилик таъсирида ривожланиб бораётган, келишмовчиликлар тимсоли(Кали) сенинг шу оёғингни ҳам синдириш ниятида. 26. Ернинг бу оғир дардини Худо шахси ва бошқалар анча енгиллатган эдилар. Худо шахси Ўзини бу ерда намоён қилганида, Унинг омад келтирувчи қадамлари пойининг излари шарофати билан ҳамма ерда фаровон ҳаёт ҳукм сурарди. 27. Аммо ҳозир, бахтга қарши Худои Таоло уни ташлаб кетгани туфайли, кўзларида ёш билан келажакдан хавотирланиб турибди. Чунки, эндиликда, ўзларини ҳукмрон деб санайдиган паст табақадаги одамлар ундан фойдаланиб лаззатланидилар.

28. Якка ўзи минглаб душманлари билан жанг қилишга қодир Маҳараж Парикшит шундай гаплар билан Ерни ва дин тимсолини овуғди. Шундан кейин у, худосизликка сабабчи бўлган Кали тимсолини ўлдириш учун ўткир қиличини қўлига олди. 29. Кали тимсоли шоҳнинг уни ўлдирмоқчи эканини англаган заҳоти устидаги шоҳона кийимларини ечиб ташлади ва шоҳнинг марҳаматидан умидвор бўлиб, даҳшат ичида унинг олдида бошини эгди. 30. Олдида бош эгганларни авф этишга қодир бўлган ва шуҳрати асрлар оша олқишланса арзийдиган Маҳараж Парикшит ачинарли аҳволда бош эгиб турган, адашган Калини ўлдирмади. Унга ҳамдардлик билан табассум қилиб, гуноҳини кечирди, чунки, у бахтсизларга нисбатан жуда меҳрибон эди. 31. Кейин шоҳ унга шундай деди: - Бизга машхур бобомиз Аржуннинг сифатлари мерос қолган, сен бош эгиб таслим бўлиб, бош эгиб турган экансан, энди ҳаётингдан хавотир олмасанг ҳам бўлади. Аммо, менинг салтанатимда сенга ўрин йўқ, чунки сен худосиз-

лар югурдагисан. 32. Агар (худосизлик)Кали тимсолига "Худонинг одами", яъни ҳукмдор сифатида ҳаракат қилишга имкон берилса, давлатда очкўзлик, бузғунчилик, ўғирлик, қўполлик, сотқинлик, бахтсизлик, судхўрлик, душманлик ва манманлик каби худосизлик иллатлари авж олиб кетади. 33. Шунинг учун, эй худосизликнинг дўсти, сен, покдомон одамлар ҳаққонийлик билан диний қонунлар асосида Худои Таолони рози қилиш учун қурбонлик қиладиган ерларда қолишга муносиб эмассан. 34. Қурбонлик(сиғиниш) маросимларининг барчаси, ҳатто улар баъзи бир фааришталарга атаб ўтказилаётган бўлса ҳам, Олий Худо Шахсига сиғиниш усулларидир, чунки Парвардигор - ҳар бир жонзотнинг Олий Рухи ва, худди ҳаво сингари ҳар бир жонзотнинг ичида ҳам, ташқарисида ҳам мавжуддир. Оқибат натижада барча сиғинувчиларга турли яхшилик-саодатларни айнан Унинг Ўзи ато этади.

35. Шри Сута Госвами деди: - Маҳараж Парикшитнинг буйруғини эшитиб, Кали даҳшатдан титраб кетди. Олдида Азроил сингари ўлдиришга тайёр турган шоҳни кўриб, Кали унга шундай сўзлар билан мурожаат қилди: 36. - Эй Олий Ҳазрат, буйруғинг билан қаерда яшасам ҳам, ҳамма ерда кўз олдимда камон ва пайқонлар билан қуролланиб олган сени кўриб юраман. 37. Шунинг учун, эй дин посбонларининг сардори, илтижо қиламан, сенинг ҳимоянг остида яшашим учун, менга яшаш учун жой кўрсат!

38. Сута Госвами шундай деди: - Калининг илтижосини инobatга олиб, Маҳараж Парикшит унга қимор ўйнайдиганлар, ароқ ичувчилар, фоҳишабозлар ва ҳайвонларни ўлдирадиганлар орасида яшашга рухсат берди. 39. Калининг тимсоли шоҳдан яна бирор жойни кўрсатишни сўради ва унга жавобан шоҳ унга олтин бор жойда яшашга ҳам рухсат берди, чунки олтин бор жойда кўзбўямачилик, мастлик, хирсий эҳтирослар, ҳасад ва душманлик каби иллатлар авж олади. 40. Шундай қилиб, Кали тимсолига Уттаранинг ўғли Маҳараж Парикшитнинг кўрсатмасига биноан ана шу жойларда яшаш рухсат этилди. 41. Шунинг учун, инсоний ҳаётида баркамолликка ва фаровонликка интилувчи одамлар, айниқса ҳукмдорлар, художўй одамлар, жамоат арбоблари, брахман ва саннийасилар юқорида кўрсатилган худосизлик амаллари(қиморбозлик, ичкилик, фоҳишабозлик, ҳайвонларни ўлдириш) билан ҳеч қачон шугўлланмасликлари керак. 42. Кейин шоҳ дин тимсоли бўлмиш хўкизнинг уч оёғини ўрнига қўйди ва ўзининг хайрли ишлари билан Ернинг ҳолатини анча яхшилади. 43-44. Ўрмонга кетиш олдидан Маҳараж Юдхитхира Ҳастинапур давлатини бошқаришни ишониб топшириб кетган, инсонлар ичида энг бахтлиси, ҳукмдор Маҳараж Парикшит шу тарзда оламни бошқара бошлади, чунки у Курулар сулоласининг шарафли фазилатларини ўзида мужассам қилган буюк зот эди. 45. Абхиманйунинг ўғли Маҳараж Парикшит давлатни бошқаришда шунчалик тажрибага эгаки, унинг шарофати билан сизлар мана шундай қурбонлик маросимини ўтказиш имкониятига эга бўлдинглар.

Ўн саккизинчи боб

Брахманнинг ўғли Маҳараж Парикшитни дуои бад қилади

1. Шри Сута Госвами шундай деди: - Илоҳий кароматлари хайратли Худои Таоло, Шри Кришнанинг марҳамати билан Маҳараж Парикшит онасининг корнида пайтида, Дронанинг ўғли юборган даҳшатли курул таъсирида куйиб кетишдан омон қолганди. 2. Бундан ташқари, Маҳараж Парикшит онгли равишда Худого ўз ихтиёрини топширган одам эди, шу боис, уни брахманнинг ўғли қарғаб, учар илон чақиб ўлдиришини айтганида, ўзини йўқотиб қўймади. 3. Аксинча, барча яқин қариндошларини тарк этиб, Вйасанинг ўғлига шогирд бўлиб, унга ўз ихтиёрини топширди, ва натижада Худои Таолони англаб етиш имкониятига эга бўлди. 4. Чунки, хаётини ведавий мадҳияларда куйланадиган Худои Таоло ҳақидаги илоҳий ҳикояларни тинглашга бағишлаган ва Худои Таолонинг нилуфар қадамлари пойини ҳамиша эслаб юрадиган одамлар, ҳатто умрининг энг сўнгги дақиқаларида ҳам, хаёт ҳақидаги нотўғри тасаввурлар тузоғига тушиб қолмайдилар. 5. Жаҳонда Абҳиманйунинг буюк ва қудратли ўғли хукмрон бўлиб турар экан, Кали тимсоли (Худосизлик) ривожлана олмайди. 6. Худои Таоло, Шри Кришна Ер сайёрасини тарк этган кун, Худосиз фаолиятнинг барча турини қўллаб қувватловчи Кали шу заҳотиёқ бу дунёда намоён бўлди. 7. Маҳараж Парикшит, гулларнинг фақат нектарини йиғувчи асалари сингари тадбирли киши эди. У ҳозир ҳукм сураётган Кали даврида, эзгу ишлар дарров ўз натижасини беришини, гуноҳ ишлар эса, натижа бериши учун уларни тўла содир қилиш кераклигини тушунар эди. Шунинг учун, у Кали тимсолига нафрат туйғуси билан қарамади. 8. Маҳараж Парикшит тушунар эдики, фаросатсиз одамлар Кали даври тимсолини жуда қудратли деб ўйлашлари мумкин, аммо ўзини тута биладиган, такводор кишилар учун унинг ҳеч қандай кўрқинчли жойи йўқ. Шох арслондек қудратли эди, у фаросатсиз, энгил табиатли одамларга ачинарди. 9. Эй донишмандлар, сизларнинг саволларингизга жавобан мен одил шох Маҳараж Парикшит тарихининг Худо Шаҳси Кришнага тегишли бўлган жойларининг барчасини гапириб бердим. 10. Ҳаётда тўла баркамолликка эришишни истаган кишилар, илоҳий кароматлари хайратли Худои Таолонинг сифатлари ва фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсани камтарин ҳолда тинглашлари лозим.

11. Донишмандлар шундай дедилар: - Эй ҳурматли Сута Госвами! Умринг узок бўлсин, Парвардигор Шри Кришнанинг кароматларини ажойиб таърифлаётганинг учун сенга тасанно! Бундай ҳикоялар биз сингари ғофил бандалар учун мангулик шарбатидир. 12. Бизлар қурбонлик маросимини ўтказишга киришиб, қурбонлик гулханига ўт қўйдик, аммо, қилаётган ишларимиз мукамал эмаслиги туфайли, унинг натижаси қандай бўлиши ҳали бизга номаълум. Қурбонлик тутундан танамиз қорайиб кетди, лекин, сен улашаётган Худои Таоло, Говинданинг нилуфар қадамлари пойи шарбатидан, ҳақиқатан ҳам лаззат оляпмиз. 13. Худонинг содиқ хизматкори билан бўлган бир лаҳзалик сўхбат қадрини, ўлиб кетадиган одамлар учун мўлжалланган, ҳар хил моддий бойлик, фаровонлик кўринишидаги дунёвий бахт у ёқда турсин, ҳатто жаннатга эришиш, ёки моддий тутқунликдан озодликка чиқиш бахти билан ҳам тенглаб бўлмайди. 14. Худои Таоло, Кришна(Говинда) - барча буюк зотларнинг нажот маконидир, Унинг илоҳий сифатларини ҳатто Тангри Брахма ва Тангри Шива сингари қудратли сеҳргарлар ҳам тўла таърифлай

олмайдилар. Ана шу шарбат лаззатини бир марта тотиб кўрган фаросатли киши Парвардигор ҳақидаги илоҳий ҳикояларни тинглашни тарк эта олармикан? 15. Эй Сута Госвами, Сен - Худо Шаҳсининг ҳамма нарсадан хабардор бўлган содиқларидансан, чунки, Худо Шаҳси - сен сизинадиган ягона Зотдир. Илтимос, бизга Худо Шаҳсининг, барча моддий тасаввурлардан устун турадиган кароматлари ҳақида гапириб бер, биз сендан шулар ҳақида эшитишни жуда истаймиз. 16. Эй Сута Госвами! Бизларга, ҳаёли озодликка чиқишда мужассам бўлган Маҳараж Парикшитни, кушлар шоҳи Гаруданинг паноҳ макони бўлиши Худонинг нилуфар қадамлари пойига эриштирган Худои Таоло ҳақидаги ҳикояларни гапириб бер. Уларни шох Парикшитга Вйасанинг ўғли(Шукадева Госвами) гапириб берган эди. 17. Бизларга Бениҳоя Зот ҳақида гапириб бер, чунки бундай ҳикоялар инсон қалбини поклайди ва шу боис ҳамма нарсадан устун туради. Шу ҳикоялар Маҳараж Парикшитга гапириб берилган эди. Улар Худонинг содиқларига жуда қадрли, чунки уларда Худого садоқат билан хизмат қилиш(бхакти-його) ҳақида гапирилади.

18. Шри Сута Госвами шундай деди: - Эй Парвардигор! Гарчи биз аралаш табақада дунёга келган бўлсак ҳам, мукамал илмга эга буюк инсонларга хизмат қилганимиз ва уларнинг изидан борганимиз туфайли энг юксак даражага эришдик. Ҳатто шундай буюк руҳлар билан ҳамсўхбат бўлишнинг ўзи ҳам кишини, паст табақада туғилиш билан боғлиқ бўлган барча иллатлардан халос этади. 19. Шундай экан, шундай буюк содиқлар раҳбарлиги остида, чексиз қудрат соҳиби бўлган Худо Шаҳсининг муқаддас номларини мунтазам куйлаб юрганлар ҳақида нима ҳам дейиш мумкин? Қудрати чексиз ва хислатлари илоҳий бўлган Олий Худо Шаҳси Ананта(Бениҳоя) деб аталади. 20. У(Худо Шаҳси)нинг бениҳоялиги ва ҳеч ким Унга тенглаша ололмаслиги маълум. Демак, ҳеч ким Уни аниқ таърифлай олмайди. Буюк фаришталар ҳар хил илтижолар билан омад фариштасининг эътиборини қозона олмай юрадилар, аммо шу омад фариштаси, гарчи Худои Таоло бун ҳоҳламаса ҳам, Унга кечаю-кундуз парвона бўлиб хизмат қилади. 21. Худои Таоло, Шри Кришнадан бошқа ким ҳам Олий Худо Шаҳси деб аталишга муносиб бўла оларди? Брахмаджи, чуқур ҳурмат юзасидан Тангри Шивага совға қилиш ниятида, Худо Шаҳсининг қадамлари пойидан оқаётган сувни тўплади. Ана шу сув(Ганга) бутун коинотни, шу жумладан Тангри Шивани ҳам поклайди. 22. Ўзлигини англаган ва Худои Таоло Шри Кришнага боғланган кишилар, бу ўткинчи дунёга, шу жумладан моддий тана ва нафис ақл-ҳаёлга боғланганлик ришталарини биратўла узиб ташлаб, тирик мавжудотларга озор бермасликка ва таркидунёликка олиб келувчи руҳий камолотга эришиш ниятида, риёзат чекиш учун узлатга биратўла чекинишга қодирдирлар. 23. Эй, куёш сингари пок ва қудратли донишмандлар, мен сизларга, олган илмларим имкониятига қараб, Вишнунинг илоҳий ўйинларини таърифлаб беришга ҳаракат қиламан. Кушлар ўз имкониятига яраша, осмонга, маълум баландликка юқори кўтарилла оладилар, шунингдек, Худонинг содиқлари ҳам, Парвардигорни қанчалик англаб етган бўлсалар, шу даражада таърифлай оладилар.

24-25. Кунларнинг бирида, камон ва ўқ-ёйлар билан ўрмонда ов қилиб юрган Маҳараж Парикшит, кийик кетидан узок юриб, жуда чарчади. У қаттиқ чанқгани

ва очикканини сизди. Сув излаб, буюк донишманд Шамика Риши кулбасига кириб, уни кўзлари юмилган, жим ўтирган ҳолатда учратди. 26. Донишманд нафас олишини, ақлу-ҳаёлини, тафаккурини ва сезги органларини моддий фаолиятдан тўхтатиб, бу ҳаётнинг уч ҳолати(сергаклик, уйқу, беҳушлик)дан юқори кўтарилиб, сифат жиҳатдан Олий Ҳақиқатга тенг бўлган илоҳий ҳолатда ўтирарди. 27. Муроқабага берилган донишманд устига кийик терисини ташлаб олган, узун қалин сочлари бутун елкасини тўлдириб турарди. Чанқоқдан оғзи қуруқшаб кетган шоҳ ундан ичишга сув сўради. 28. Ўзига муносиб ҳурмат билан ўтиришга жой кўрсатмагани, ичишга сув таклиф қилмагани ва яхши сўзлар билан қабул қилмаганидан, шоҳ ичида "мени писанд қилмаяпти шекилли", деб ўйлади ва бундан қаттиқ жаҳли чиқди.

29. Эй браҳманлар! Фалакнинг гардиши билан оч ва чанқаган шоҳнинг донишманд-браҳманга нисбатан бўлган нафрати ва ғазаби чексиз кучайиб кетди. 30. Қаттиқ хафа бўлган шоҳ кетаётиб, камони билан ерда ётган ўлик илонни кўтариб олди ва донишманднинг елкасига ташлади. Шундан сўнг у саройига йўл олди. 31. Қайтаётиб шоҳ шундай ўйга толди: "Ҳақиқатан ҳам донишманд ҳиссиёти ва кўзларини юмиб, мушоҳадага берилган эдими, ёки, ўзидан паст табақадаги кшатрийни қабул қилмаслик учун, атайлаб шундай ўтирганмиди?" Шундай фикрлар унга тинчлик бермасди.

32. Донишманднинг, браҳманнинг ўғли сифатида жуда қудратли бўлган фарзанди бор эди. Болалар билан ўйнаб юрганида, шоҳ отасини ҳақоратлаб кетганидан хабар топди ва шу заҳотиёқ шоҳни қарғади. 33. (Шринги деди:) - Ҳой, худди қарға ва қоровул итларга ўхшаб, хизматкорлар учун белгиланган қоидаларга риоя қилмасдан, хўжайиниига нисбатан гуноҳ ишлар қиладиган ҳукмдорнинг гуноҳига бир қаранглар! 34. Шоҳ хонадони аъзоларини ҳақиқатан ҳам қоровул итлар деб аташади, ва уларнинг жойи эшик олдида. Унинг уйга кириб, хўжайини товоғидан овқатлантиришни талаб қилишга нима ҳаққи бор. 35. Худои Таоло, Парвардигор Шри Кришна кетгандан сўнг, бизнинг ҳимоячимиз йўқлигидан фойдаланган бу ярамаслар ҳаддидан ошиб кетдилар. Шунинг учун бу ишни ўзим қўлга оламан ва уларнинг таъзирини берман. Сизлар эса, ҳали менинг қудратим кучига гувоҳ бўласизлар.

36. Бирга ўйнаётган ўртоқларига шундай деб, донишманднинг ўғли, кўзлари ғазабдан ёниб, Каушика дарёси сувида покланди ва яшиндай қудратли бўлган ушбу сўзларни айтди: 37. -"Илоё, бугундан санаганда етти кундан сўнг, авлодининг энг ярамаси(Маҳараж Парикшит)ни учар илон чақиб ўлдирсин, чунки у, отамни ҳақорат қилиш билан одоб қондасини бузди!"

38. Кейин, кулбага кириб, отасининг елкасидаги илонни кўриб, алаmidан хўнграб йиғлаб юборди. 39. Эй браҳманлар, Ангира Муни хонадонида дунёга келган донишманд, ўғлининг йиғлаган овозини эшитиб, секин кўзини очди ва елкасидаги илонга кўзи тушди. 40. Ўлик илонни олиб ташлаб, ўғлидан нимага йиғлаётганини, ким хафа қилганини сўради. Унга жавобан ўғли бўлиб ўтган воқеани гапириб берди. 41. Гарчи, одамлар ичида энг аълоси бўлгани учун, шоҳни ҳеч бир ишда қоралаш мумкин эмаслигини билса ҳам, отаси ўғлидан шоҳни дуои бад қилгани ҳақида эшитди.

Донишманд ўғлининг бу ишини маъқулламади, аксинча, афсуслана бошлади: -Э-воҳ! Менинг ўғлим қанчалик катта гуноҳ иш қилиб қўйибди! Арзимаган хатолик учун шоҳга шунчалик қаттиқ жазо қўллабди! 42. Эй ўғлим! Ҳали сенинг ақлинг тўлиқ эмас, шу боис сен шоҳ - одамлар ичида энг аълоси эканини, унинг амалда Худо Шаҳсига тенг эканини тушунмайсан. Унга ҳеч қачон оддий одамлардек муомала қилмаслик керак. Шоҳнинг энгилмас қудрати остида мамлакат аҳолиси фаровон яшайди. 43. Азиз ўғлим! Шоҳлик тизими Худои Таоло амрининг тимсолидир. Шоҳлик тизими барбод бўлса, бутун олам ўғриларга тўлиб кетади. Улар худди, подадан қочган кўзичоқларга ташланган бўрилардек, ҳимоясиз қолган фуқароларга ташланадилар. 44. Шоҳлик тизимининг емирилиши ва фуқароларнинг мол-дунёлари ўғри ва судхўрлар томонидан талон-тарож қилиниши жамиятда жуда катта тартибсизликларга олиб келади. Одамлар бир-бирларини уриб, ўлдира бошлайдилар, ҳайвонлар ва аёлларни ўғирлай бошлайдилар. Шу гуноҳларнинг барчасига биз айбдор бўламиз. 45. Ана шундай пайтда одамларнинг кўпчилиги муқаддас китобларнинг кўрсатмаларини, ҳар бир табақа ва синфларнинг вазифаларини инкор қилиб, тўғри йўлдан адаша бошлайдилар. Уларни фақат мол-дунё, ҳиссий лаззатларга интилиш кўпроқ қизиқтира бошлайди. Натжидада ер юзи итлар ва маймунлар сингари ҳаёт кечирадиган одамларга тўлиб кетади. 46. Маҳараж Парикшит - иймонли, тақводор шоҳ. Унинг шухрати бутун оламга таралган ва у - Олий Худо Шаҳсининг комил содиғи. У шоҳ хонадонининг авлиёси ва бир неча бор от қурбонлик қилиш маросимини ўтказган зот. Агар шундай шоҳ чарчаган ва ҳолдан тойиб, чанқаган бўлса, бунинг учун уни дуои бад қилишнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ эди.

47. Кейин донишманд Худого илтижо қилиб, ҳали ёш, ақли паст ўғли, паст табақада бўлгани учун ҳимоя қилиниши лозим бўлган, бегуноҳ одамни қарғаб, катта гуноҳ қилганини кечиришини сўради. 48. Худонинг содик хизматкорлари шу қадар сабр-тоқатли бўладиларки, ҳатто уларни хўрласалар, алдаб кетсалар, қарғасалар, озор берсалар, таҳқирласалар ва ҳатто ўлдирсалар ҳам, ҳеч қачон ўзлари учун қасос олмайдилар. 49. Донишманд шу тарзда ўғли содир қилган гуноҳдан жуда афсусда эди. У шоҳнинг ҳурматсизлик қилганига эътибор ҳам бермаган эди. 50. Рухий одамлар, одатда, моддий ҳаётнинг қарама-қаршилиқларига, ҳатто уни бошқалар шунга жалб қилсалар ҳам, бундан ташвишланмайдилар. Улар бу дунёнинг ишларидан лаззат ҳам олмайдилар, чунки улар илоҳий фаолиятга ғарк бўлганлар.

Ўн тўққизинчи боб

Шукадева Госвамининг пайдо бўлиши

1. Шри Сута Госвами шундай деди: - Саройга қайтаётиб, шоҳ бегуноҳ ва қудратли браҳманга нисбатан қилган иши жуда ваҳший ва ярамас иш эканлигини ҳис қилди. Шунинг учун у жуда аламзада, ғамгин эди. 2. -"Мен Худои Таолонинг кўрсатмаларига хилоф иш қилдим, шунинг учун, шубҳасиз, кўп ўтмай катта бир балога гирифторм бўлсам керак. Энди менинг ягона ис-тагим - ана шу бало тезроқ келса эди, бошқа гуноҳ

қилмаган бўлардим. 3. Мен брахманлар ҳаёти қоидаларига амал қилмаганим, сигирларни химоя қилмаганим ва Худони англаб яшамаганим учун ғафлатдаман ва ҳаётим гуноҳларга тўла. Шундай экан, бундан кейин, шундай гуноҳ ишлар қилолмаслигим учун майли, бутун салтанатим, қудратим ва бойлигим брахманнинг ғазаб ўтида ёниб кул бўлсин!" 4. У шундай афсус-надоматлар чекаётган пайтида, брахманнинг ўғлининг қарғиши туфайли (етти кундан сўнг) учар илон чақиб ўлдириши ҳақидаги хабар етиб келди. Шоҳ буни жуда яхши хабар деб қабул қилди, чунки, ажал хабари унга бу дунё ишларидан юз ўгиришга ёрдам берарди. 5. Маҳараж Парикшит Ганга қирғоғига бориб, Худои Таоло Кришнани англаш жараёни билан машғул бўлиш учун, қулай жойга ўрнашиб ўтирди. У ўзликни англашнинг бошқа барча усулларини рад этди, чунки Кришнага муҳаббат билан илоҳий хизмат қилиш - бошқа барча усуллардан устун турувчи энг юксак усул. 6. Бу дарё суви - Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойидаги чанглари ва туласи барглари билан аралашган энг шарофатли сувдир. Шунинг учун бу сув бутун уч оламни ҳам ичкарасидан, ҳам ташқарасидан, ҳатто Тангри Шива ва бошқа фаришталарни ҳам поклаб туради. Шундай экан, ўлимга маҳкум бўлган ҳар бир зот мана шу дарё сувидан нажот излаши керак. 7. Шундай қилиб, Пандавларнинг муносиб намоёндаси, шоҳ Парикшит, то ажали келгунча риёзат чекиб, рўза тутишга, ёлғиз Ўзи озодликка чиқаришга қодир бўлган Худои Таоло Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига ихтиёрини бутунлай топшириш учун Ганга қирғоғида кўзгалмай, риёзатга берилишга жазм қилди. Ўзининг бу дунёдаги барча ташвишу-боғланишларидан халос бўлиб, донишмандларча қасам ичди. 8. Айни пайтда, ташрифи билан ҳар қандай жойни поклаб, муқаддас саждагоҳга айлангиришга қодир барча буюк донишманд ва олимлар ўз шогирдлари ҳамроҳлигида, зиёрат қилиш баҳонаси билан ана шу ерга тўпландилар. 9-10. Дунёнинг турли бурчакларидан Атри, Чйавана, Шарадван, Ариштанеми, Бҳригу, Васиштха, Парашара, Вишвамित्रа, Ангира, Парашурама, Утатҳайа, Индрапрамада, Идҳмаваху, Медҳатитҳи, Девала, Арштишена, Бҳарадваджа, Гаутама, Пиппалада, Майтрейя, Аурва, Каваша, Кумбҳайони, Двайпайана каби олим-донишмандлар ва буюк Нарада пайдо бўлди. 11. У ерга бошқа кўплаб авлиё фаришталар, шоҳлар ва донишмандлар сулоласидан, арунадайамалар деб аталувчи ҳукмдорлар ҳам тўпландилар. Улар тўпланиб бўлгандан сўнг, барчасини шоҳ Парикшит чуқур таъзим билан қабул қилди. 12. Барча донишмандлар ўрнашиб ўтириб олгандан сўнг, шоҳ, улар олдида қўл қовуштириб турган ҳолда, то ажали етгунча рўза тутиб, риёзат чекишга жазм қилганини айтди.

14. Омадли шоҳ шундай деди: - Буюк зотларнинг марҳаматига эришган барча шоҳлар ичида энг миннатдори мен бўламан. Одатда сиз донишмандлар ҳукмдорларни, иложи борича узоқроқ ташлаш керак бўлган "ахлат" деб ҳисоблайсизлар. 14. Олий Худо Шахси, ҳар икки олам ҳукмдори бўлмиш Парвардигор марҳамат кўрсатиб, брахманнинг қарғиши қиёфасида мени мағлуб этди. Оилавий ҳаётга жуда боғланиб қолганлигим учун, мени қутқариш ниятида Худои Таоло шу қиёфада келди. Қўрқанимданок мен бу дунё ишларини дарҳол тарк этдим. 15. Эй брахманлар, энди мени, ихтиёрини бутунлай Худого топширган жон деб

ҳисобланглар. Худо Шахсининг вакили бўлган Ганга дарёси ҳам менга шундай муносабатда бўлсин, чунки мен, Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойини аллақачон қалбимга жойлаб олдим. Энди учар илонми, брахман юборган бошқа бирор махлукми, ҳозирок келиб, чақиб ўлдираверсин. Менинг эндиги ягона истагим - сизларнинг барчангиз Худои Таоло Вишнунинг илоҳий ишларини шарафлаб қуйлашда давом этсангизлар бас. 16. Эй брахманлар, барчангизга эҳтиром билан таъзим қилган ҳолда, шуни илтижо қиламанки, агар бу моддий оламда яна туғилиш тақдиримда бўлса, келгуси ҳаётимда Худо Шахси Кришнани ҳамиша эслаб юриш, Унинг содиклари билан бирга бўлиш ва барча тирик мавжудотларга меҳрибон, дўстона муносабатда бўлиш менга насиб этишини истардим.

17. Ўзини тўла англаган ҳолда Маҳараж Парикшит илдилари шарққа қараган майсалардан тўшалган ўриндикқа ўтирди. У Ганга дарёсининг жанубий қирғоғида, шимолга қараб ўтирди. Бундан анча олдин у салтанатни бошқариш тизгинини ўғлига топширган эди. 18. Шундай қилиб, шоҳ Маҳараж Парикшит ажали етгунча рўза тутиб, риёзат чекиш учун қулай ўтириб олди. Юқори сайёралардаги барча фаришталар унинг бу ишига ҳамду санолар айтиб, ноғораларини гумбурлатиб, ерга гуллар ёмғирини ёғдирдилар. 19. Тўпланган барча донишмандлар Маҳараж Парикшитнинг бу қарорини тантана билан қабул қилиб, "жуда яхши" деб маъқулладилар. Донишмандлар табиатан оддий инсонларга яхшилиқ қилишга мойилдилар, чунки, улар ҳам Худо Шахси эга бўлган қуч-қудратга эга. Улар Худонинг содиғи Маҳараж Парикшитни кўриб қувондилар ва унга шундай сўзлар билан мурожаат қилдилар:

20. - Парвардигор Шри Кришнанинг Ўзига содик бўлган Панду шоҳларининг ичида энг аълоси бўлган эй шаҳаншоҳ! Сенинг, Худои Таоло билан мангу бирга бўлиш ниятида, кўплаб шоҳларнинг тожлари билан безатилган тахтингдан воз кечишингнинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ. 21. Худои Таолонинг энг буюк содиғи Маҳараж Парикшит моддий азоб уқубатлардан бутунлай холи бўлган Олий Даргоҳга қайтиб боргунга қадар биз ҳам шу ерда кутиб турамиз!.

22. Айни ҳақиқат бўлгани учун, буюк донишмандларнинг барча айтганлари чуқур маънога эга бўлиб, чиройли ифода этилган ва кулоққа ёқимли эди. Бу гапларни эшитиб, Худои Таоло, Шри Кришнанинг илоҳий кароматлари ҳақида ҳикоялар тинглашни ният қилиб, Маҳараж Парикшит буюк донишмандларга мурожаат қилди.

23. Шоҳ деди: - Эй буюк донишмандлар, менга марҳамат кўрсатиб дунёнинг турли бурчакларидан бу ерга тўпландигизлар. Ҳар бирингиз, бу уч оламдан юқори(Сатйалока)да турувчи олий илм тимсолига баробарсизлар. Шунинг учун, табиатан бошқаларга яхшилиқ қилишга мойилсизлар. Сизларнинг на бу ҳаётда, на келгуси ҳаётингизда бундан бошқа мақсадингиз йўқ. 24. Эй мўътабар брахманлар, энди сизлардан ўзимнинг энг зарур вазифаларим тўғрисида сўрамоқчиман. Илтимос, яхшилаб ўйлаб туриб менга айтинглар: қандай шароитда бўлишидан қатъий назар, инсоннинг, айниқса ажали яқин қолган инсоннинг бу ҳаётдаги вазифаси, бурчи нимадан иборат?

25. Шу пайтда, ер юзи бўйлаб, бу дунё ишларига бепарво, ўзидан бутунлай мамнун ҳолда, сайр қилиб юрган Вйасанинг ўғли шу ерда пайдо бўлди.

Кўринишидан унинг қайси табақа ёки синфга мансублигини билиб бўлмасди. Уни болалар ва аёллар ўраб олган, ҳеч ким эътибор бермайдиган даражада эди. 26. Вйасанинг ўғли ўн олти ёшда эди. Унинг қўл-оёқлари, панжалари, тиззаю-елкалари, пешонаси ва танасининг бошқа аъзолари мукаммал ривожланган, қатта кўзлари чиройли, бурни ва қулоқлари баланд жойлашган эди. Унинг сиймоси жуда мафтункор, ажойиб бўйни эса сурни эслатарди. 27. Кўкраги кенг ва қабарик бўлиб, мускуллари бўртиб турарди. Қорнини чиройли чизиклар ва ўйик киндиги безаб турарди. Қўллари узун ва қоп-қора сочлари юзларига тушиб турар, ўзи яланғоч бўлиб, танасининг ранги Худо Шахси Кришнаники сингари(қорамтир) эди. 28. Қорамтир танасидан ўсмирларга хос гўзаллик барқ уриб турар эди. Унинг забардаст гавдаси ва ёқимли табассуми аёлларни ўзига ром этарди. Гарчи улуғворлигини яширишга уринаётган бўлса ҳам, бу ерга тўпланган донишмандларнинг зехни ўткир эди, шу боис улар дарров ўринларидан туриб, уни қарши олдилар.

29. "Вишнурата"(ҳамиша Вишну ҳимояси остида) номи билан ҳам машҳур бўлган Маҳараж Парикшит асосий меҳмон Шукадева Госвамини қарши олиб, унинг олдида бош эгди. Шундан кейин уни ўраб олган ғофил аёллар ва болалар Шрила Шукадевадан узоқлашдилар. Ҳамма унга эҳтиром кўрсатиб, қарши олди, Шукадева Госвами эса, баланд фахрий ўриндикка ўтирди. 30. Худди ойни ўраб олган юлдузлар сингари, Шукадева Госвамини муқаддас донишмандлар ва фаришталар ўраб олишди. У жуда ажойиб ва улуғвор кўринар ва ҳамма унга эҳтиром билан ҳурмат кўрсатарди. 31. Донишманд Шри Шукадева Госвами ўриндикка бемалол ўрнашиб ўтириб олди. У чуқур тафаккурга эга донишманд, ва ҳар қандай саволга дарров жавоб беришга тайёр эди. Буюк содиқ Маҳараж Парикшит унга яқин бориб, эҳтиром билан бош эгиб, қўлларини қовуштириб ширин сўзлар билан мурожаат қилди.

32. Омадли шоҳ Парикшит шундай деди: - Эй браҳман, сен ташрифинг билан бу ерни саждагоҳга айлантириб, бизларни гуноҳларимиздан покладинг. Бунинг учун менга муруват кўрсатиб, азиз меҳмоним сифатида, шунчаки ташриф буорганингни ўзи кифоя. Фақат сенинг марҳаматинг туфайлигина, биз ночор ҳукмдорлар, буюк содиққа хизмат қилиш бахтига эга бўлдик. 33. Бизлар шунчаки сени эсга олсак, муқаддас оёқларингни ювсак, уйимиздан жой кўрсатсак, хонадонимиз шу заҳотиёк барча гуноҳлардан покланади. 34. Эй муборак зот! Эй буюк сеҳргар! Худди Худо Шахси бор жойда Унинг душмани туролмагани сингари, инсонни қилган барча гуноҳларидан халос этиш учун, сенинг шу ерда пайдо бўлганингни ўзи кифоя. 35. Фақат амакиларини шод қилиш учунгина, Пандузодаларга жуда азиз бўлган Худои Таоло, Шри Кришна менга ҳам, худди уларнинг биридек муомала қиляпти. 36. Акс ҳолда(агар Худо Шахси Кришна юбормаса), оддий одамлар танимайдиган аҳволда, ажали етиб турган мендай одамнинг кўзларига кўринмай, дунёнинг ҳар ерида сайр этиб юрган одам, ўз хоҳишинг билан бу ерга келармидинг? 37. Сен буюк авлиё ва содиқларнинг руҳий устозисан. Шу боис сендан илтижо қиламан:

- менга, ҳар бир инсонни, айниқса ажал ёқасида турган одамни энг юксак мақсадга олиб борувчи йўлни кўрсат! 38. Инсон нима ҳақда тинглаши, кимни шарафлаши, кимни эслаши ва кимга сиғиниши, нима иш-

лар қилиши кераклигини тушунтириб бер! 39. Эй кудратли браҳман, эшитишимча сен оилали одамлар эшиги олдида фақат сигир соғишга етгудек вақтгагина тўхтар эмишсан?

40. Шри Сута Госвами шундай деди: - Шоҳ шундай ширин сўзлар билан донишмандга савол бера бошлади. Унинг гапларини тинглаб, барча диний қонунқоидаларни мукаммал билувчи буюк ва кудратли инсон, Вйасанинг ўғли шоҳга жавоб бера бошлади.

ШРИМАД БҲАГАВАТАМ

Иккинчи қўшиқ

“САМОВИЙ НАМОЁНЛИК”

Худони англаш йўлидаги биринчи қадам.

* Худо шахси - инсон қалбида.

* Холис хизмат қилиш: инсон қалбидаги ўзгариш.

* Яратиш жараёни.

* Барча сабаблар сабабчиси.

* Пуруша суктанинг тасдиқлаши.

*Худо шахсининг мунтазам намоён қиладиган қиёфалари ва уларнинг алоҳида вазифалари.

* Шоҳ Парикшитнинг саволлари.

* Шукадева Госвамининг берган жавоблари.

* "Бхагаватам" барча саволларга жавоб беради.

Биринчи боб

Худони англаш йўлидаги биринчи қадам

Муножот:

ом намо бхагавате васудевайа

“Эй Худойим, ҳамма нарсани қамраб олган эй Олий Шахс, мен Сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан таъзим қиламан”.

1. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - Ҳурматли шоҳ, сен берган саволлар ҳар қандай таҳсинга лойиқдир, чунки, улар ҳар бир инсонга бахт-саодат келтиради. Уларга бериладиган жавобларни тинглаш - инсон тинглаши лозим бўлган нарсалар ичида энг муҳими эканлигини барча илоҳиёт кишилари тан оладилар. 2. Эй ҳукмдор, бу дунёда тирикчилик ботқоғига ботиб қолган кишилар буюк ҳақиқат илми билан кизикмайдилар, шу боис улар муҳокама қилиш учун жамият ҳаёти билан боғлиқ бўлган кўплаб муаммоларни ўзлари излаб топадилар. 3. Оилавий ҳаётга боғланиб қолган шундай ҳасадгўй одамлар тунларини ухлаш ёки жинсий алоқа билан, кундузини эса, мол-дунё тўплаш ёки оила аъзоларининг ҳар хил ташвишлари билан овора бўлиб ўтказадилар. Уларнинг бутун умри ана шундай ўткинчи нарсалар билан маъносиз ўтиб кетади. 4. Атма-маттва(руҳий илм, ҳақиқат илми)дан маҳрум бўлган одамлар, инсон ҳаётининг ҳақиқий муаммолари устида бош қотирмайдилар, чунки улар танаси, болачақаси ва хотини каби ўткинчи нарсаларга жуда

боғланиб қолганлар. Узок умри давомида шунча тажрибага эга бўлишига қарамай, улар ажалнинг муқаррарлигини англай олмайдилар.

4. Эй шох Бхарата авлоди, бу дунёнинг барча азоб-укубатларидан қутулишни истаган киши, Худои Таоло ҳақидаги ҳикояларни тинглаши, Уни доимо эслаб юриши ва Унга - ҳамду санолар айтиши лозим. У - Олий Руҳ ва бутун олам ҳукмдори, барча азоб-укубатлардан халос этувчи Парвардигор, Худо Шахсидир. 6. Модда ва руҳнинг табиатини ўрганиш ёки, сеҳр кучига эга бўлиш ёки, ҳаётдаги ўзининг вазифаларини мукамал бажариш натижасида инсон ҳаётда эришиши мумкин бўлган қамолотнинг энг юксак поғона - умрининг охирги нафасида Олий Шахс - Худони эслашдир. 7. Эй шох Парикшит, Худои Таолонинг улуғворлигини таърифлаш, энг аввало, белгиланган қонун-қоидалар ва таъқиқлашлар чегарасидан юқори кўтарилган энг буюк илоҳиёт қишиларигагина лаззат бағишлайди. 8. Барча ведавий битикларни тўлдирувчи ва кадр-қиммати бўйича ведавий битикларнинг ҳаммасидан устун турувчи бу буюк асар - "Шримад-Бхагаватам"ни Двапараюганинг охирида отам Шрила Двайпайана Вйасадевадан тинглаб, ўрганган эдим. 9. Эй муқаддас шох, мен бутунлай илоҳийлик(руҳий ҳаёт)га ғарқ бўлиб кун кечирар эдим, аммо шунда ҳам, илм нури билан тўлган кўшиқларда, мадҳияларда олқишланадиган Худои Таолонинг кароматлари ҳақидаги бу ҳикоя мени ўзига мафтун этди. 10. Худои Таоло Шри Кришнанинг энг самимий содиқларидан бири бўлганинг учун, бу "Шримад-Бхагаватам"ни сенга ҳикоя қилиб бермоқчиман. "Шримад-Бхагаватам"ни самимий ҳолда, кунт билан тинглаган киши, қалбида инсонни озодликка чиқарувчи Худои Таолога нисбатан ўзгармас иймон-эътиқод ҳосил қилади.

11. Эй шох, буюк донишманд-солиҳлардан ўрнак олиб, Худонинг муқаддас номларини бетиним зикр қилиб юриш барчани, - дунёвий орзу-ҳаваслардан воз кечган одамни ҳам, орзу-ҳавасларини рўёбга чиқаришга уриниб юрганларни ҳам ва ҳатто, илоҳий илмга эга бўлган ҳолда, қалбида тўла мамнуният ҳосил қилган кишини ҳам - барча гумон ва кўрқувларан халос этиб, ҳаётда муваффақиятга эриштиради. 12. Шунча йил яшаса ҳам, яшашдан мақсад нималигини тушунмасдан умри бемаъни ўтаётган одамнинг, узок умр кўришининг не маъноси бор? Ундан кўра, тўла маънога эга, мазмунли бир лаҳзагина умр кўрган афзал, чунки, ана шундай мазмунли яшаган бир лаҳзадан яшашнинг олий мақсадини излаш бошланади. 13. Муқаддас шох Қхатванга, бир лаҳзагина умри қолганини билгандан сўнг, дунёвий ишларни бутунлай тарк этиб, Олий халоскор, Худои Таоло хузуридан паноҳ топган эди. 14. Эй Маҳараж Парикшит, сенинг атиги етти кун умринг қолган, аммо қолган умринг давомида кейинги ҳаётингда яхшироқ даражага эришиш учун зарур бўлган барча маросимларни ўтказиб улгурасан. 15. Инсон умрининг охирги нафасида ажалдан кўркиш туйғусидан бутунлай халос бўлиши лозим. Аммо бунинг учун, моддий тана ва у билан боғлиқ бўлган барча нарсаларга боғланиш тугунини ечиб ташлаш, моддий танага тегишли бўлган барча орзу-истаклардан халос бўлиш керак. 16. Инсон уйини тарк этиши ва ҳистуйғуларини жиловлашга киришиши лозим. Муқаддас жойга бориб, мунтазам равишда ювиниши(покланиши) ва барча қоидаларга мувофиқ покланган ҳалол

ўриндиқда ёлғиз ўтириб олиши керак. 17. Шундай ҳолатда бутун ўй-фикрини илоҳий о-у-м бўғинида мужассам қилиши, нафасини бошқариб, ақли ҳамиша мана шу илоҳий товушда бўлишини назорат қилиши лозим. 18. Ақл шу йўл билан илоҳийлаша борган сайин, ақлни ҳиссий фаолиятдан тўхтатиб, бутун ҳиссиётини етук тафаккур(идрок) назорати остига олиши керак. Дунёвий фаолият билан машғул бўлган инсон ақлини шу тарзда Худо Шахсига хизмат қилиш билан машғул қилиб, уни илоҳий онг билан тўлдириши мумкин. 19. Кейин Вишнунинг қиёфасини хаёлан кўз олдига келтириб, Унинг илоҳий танасининг айрим қисмларини муроқаба, (тасаввур) қила бошлаш керак. Шу тариқа, ҳиссиётни чалғитувчи барча нарсалардан ақлни тийиб туриш мумкин. Ҳаёлда ҳеч қандай бошқа фикрлар қолмаслиги керак. Вишну, Олий Худо Шахси, Олий Ҳақиқатнинг Ўзи бўлгани учун инсоннинг ақлу-хаёли фақат Унинг Ўзидангина таскин топиб ором олади. 20. Моддий табиатнинг эҳтирос гунаси инсон ақлини ҳамиша безовта қилади, ғафлат гунаси эса уни адаштиради. Аммо, Худои Таоло Вишнуга юзланиб, Унинг марҳамати билан, бу гуналар келтирган барча иллатлардан покланиб, уларнинг таъсиридан халос бўлиш ва мангу фароғатга эришиш мумкин. 21. Эй шох, пок Парвардигорнинг, Худои Таолонинг қиёфасини шу тарзда ҳаёлда сақлаш ва Унинг шу шахсий кўринишини ҳамиша эслаб юриш билан, Унинг бевосита раҳбарлиги остида, Худои Таолога ихлос билан садоқатли хизмат қилиш даражасига жуда тез эришиш мумкин.

22. Савол беришда давом этиб, шох Парикшит шундай деди: - Эй браҳман, ҳаёлни қандай қилиб, нимада жамлаш зарурлигини, юракни барча иллатлардан поклаш учун, уни шу ҳолатда қандай ушлаб туриш мумкинлигини батафсил тушунтириб бер!

23. Шуқадева Госвами жавоб бера бошлади: - Муайян ҳолатда ўрнашиб ўтириб олгандан сўнг, йога усули ёрдамида нафас олишини бошқариб, йог, ақлу-хаёлини ва ҳиссиётини назорат қилиб, тафаккур кучи билан ақлини Худо Шахсининг (вират-рупа деб аталадиган) моддий куватида мужассам қилиши лозим. 24. Ҳиссиётимиз орқали атрофимизда кўриб, сезиб турган бутун борлиқ Мутлақ Ҳақиқатнинг танаси ҳисобланади. Унда моддий (вақт)Замон - ўтмиш, ҳозир ва қелажақ шаклида намоён бўлади. 25. Вират-рупа назариясининг моҳияти - Худо Шахсининг баҳайбат фазовий қиёфасидир. Худои Таолонинг бу қиёфаси моддий унсурлардан иборат етти қобик билан ўралган Қоинот ичида жойлашган. 26. Шуни тушунган киши Патала деб аталадиган сайёралар тизими ана шу фазовий қиёфанинг қадамлари пойини, Расатала деган тизим эса - оёқ панжаларини, тўпикларини эса, Махатала тизими ташкил қилишини, Талатала тизими эса Унинг қўймучи эканини англай олади. 27. Сутала сайёралари тизими Худо Шахси қиёфасининг тиззаларидир. Витала ва Атала тизимлари эса - Унинг сонлари. Унинг жинсий аъзолари Махатала тизимидир, фазовий бўшлиқ эса, Унинг қорнини ташкил қилади. 28. Азалий Шахснинг фазовий қиёфасининг кўксини нур сочувчи сайёралар, бўйини - Махар сайёралари, оғзини - Жанас сайёралари, пешонасини - Тапас сайёралар тизими ташкил қилади. Олий сайёралар тизими бўлган Сатйалока - минглаб қалласи бор бўлган Зот қиёфасининг қалласидир. 29. Индра бошлиқ фаришталар - Унинг қўллари. Оламнинг ўн тарафи - Унинг қулоқлари. Моддий товуш

- Унинг эшитиш қобилияти. Икки Ашвини Кумар - Унинг бурун тешиклари, моддий ҳидлар эса, Унинг хид билиш қобилиятидир. Ёниб турган олов - Парвардигорнинг оғзи. 30. Коинот горизонти(уфк) Унинг кўз жойлари ва Қуёш эса, Унинг кўзи тимсолидир. Унинг киприклари - тун ва кун, Унинг қошларини кўзғатиши - Брахма ва бошқа буюк шахслар даргоҳидир. Унинг танглайи - сув фариштаси Варуна, бутун борлиқнинг мағзи, моҳияти эса, - Унинг тилидир. 31. Ведавий мадҳиялар - Худо Шахсининг мияси, Унинг жағлари - ажал худоси, гуноҳкорларни азоблайдиган Ямараж(Азроил)дир. Муҳаббат санъати - Унинг тишларидир, бу алдагучи моддий кувват(Майя) эса,- Унинг табассумидир. Биз кўриб турган бу моддий борлиқ - Унинг бизга ташлаб турган нигоҳидир. 32. Камтаринлик - Худо Шахсининг юкори лабидир, эҳтиросли интилиш эса - Унинг ияги, (ҳақиқий)дин - Унинг кўкраги, динсизлик эса - Унинг елкасидир. Моддий оламдаги барча тирик мавжудотларни яратувчи Брахма - Худо Шахсининг жинсий аъзосидир, Митра-Варуналар эса - Унинг икки моятидир. Океан - Унинг бели, тоғ ва адирлар - Унинг гавдасидир. 33. Эй шох, дарёлар Худонинг қон томирларидир. Дарахтлар Унинг баҳайбат танасининг туклари, қудратли шамол - Унинг нафасидир. Ўтаётган замон Унинг ҳаракати, Унинг ишлари эса - моддий табиатнинг уч гунаси(сифати)нинг ўзаро муносабатларидир. 34. Эй Курулар аълоси, намлик келтирувчи булутлар - Худо Шахси бошидаги сочлардир, тонг ва оқшом - Унинг либоси, моддий борлиқнинг яратиш сабаби - Унинг тафаккури, Унинг ақли - барча ўзгаришлар манбаи бўлган Ойдир. 35. Донишмандларнинг фикрича, модданинг асоси бўлган махат-тагтва - ҳамма ерда мавжуд бўлган Худо Шахсининг онги, Рудрадева эса - Унинг Ўзлиги. От, эшак, туя ва фил - Унинг тирноқлари, барча ёввойи ҳайвонлар ва тўрт оёқлилар Унинг белида жойлашган. 36. Турли-туман қушлар - Унинг тенгсиз нозик дидининг намоён бўлишидир. Инсоният бобокалони Ману эса - Унинг тафаккури тимсолидир, инсоният эса - Унинг даргоҳидир. Инсонлар қиёфасидаги жаннат аҳолиси бўлган гандҳарвалар, видйадҳаралар, чараналар ва фаришталар - Худонинг Ўзига хос бўлган мусиқий туйғунинг намоён бўлишидир, ашаддий иблислар эса, Унинг тенгсиз жасоратини намоён этади. 37. Брахманлар - Вират-пурушанинг юзи, кшатрийлар - Унинг қўллари, Вайшьялар - Унинг сони, шудралар Унинг оёғи остида, қадамлари пойидирлар. Бу дунёда одамлар сиғинадиган барча фаришталар Унинг ҳукми остида, шунинг учун, ҳар бир инсоннинг бурчи - қўлидан келганча Худои Таолони рози қилиш, мамнун қилиш учун қурбонлик қилишдир.

38. Мен сенга Худо Шахсининг моддий унсурлардан таркиб топган фазовий қиёфасини таърифлаб бердим. Ҳақиқатан ҳам озодликка интилаётган киши ақлини Худо Шахсининг мана шу қиёфасида мужассам қилади, чунки, бу моддий оламда ана шу қиёфадан ўзга бирон нарса мавжуд эмас. 39. Инсон ақлини, худди, тушида ўзини ҳар турли қиёфаларда кўрадиган оддий одам сингари, Ўзини ҳар хил қиёфаларда намоён этадиган Худонинг Олий Шахсида мужассам қилиши керак. Ақлу-хаёлни фақат Унда, лаззатга тўла Мутлак Ҳақиқатда мужассам қилиш керак. Бундай қилмаган одам, ҳақиқий йўлдан адашиб, тобора тубанроқ ҳаётларга мубтало бўлаверади.

Иккинчи боб

Худо Шахси инсон қалбида

1. Шри Шукрадева Госвами шундай деди: - Ҳали бу борлиқ яратилмасдан олдин, Тангри Брахма *вират-рупани* мушоҳада қилиб Олий Худо Шахсини мамнун қилгач, аввалги азалий онгини қайта тиклаган эди. Шундай қилиб у, коинот аввал қандай бўлса, шундай ҳолда яратиш имкониятига эга бўлди. 2. Ведавий мантралар шундай тузилганки, улар инсон тафаккурини жаннат сингари арзимас нарсалар билан чалғитиб, уларни адаштириб қўяди. Моддий дунёдаги ҳаёт шароитларига мослашиб, боғланиб, адашган руҳ(жон)лар ана шу алдамчи жаннатий лаззатларни орзу қилиб, бахтга эришишдан умидвор бўлиб юрадилар. Аммо, аслида улар ҳатто жаннатда ҳам ҳақиқий бахтга эриша олмайдилар. 3. Шунинг учун илмли киши, фақат атама-лар олами бўлган бу ўткинчи дунёда яшар экан, тирикчилик учун энг зарур бўлган талабларнигина қондириб яшаш билан чекланиши лозим. Ўз ҳаёти тажрибасида, кераксиз нарсаларга интилиш - фақат машаққатли ва бемаъни машғулот эканига ишонч ҳосил қилиб, умрини бекор ўтказмаслиги лозим. 4. Ер юзиде шунча текис жойлар турганида, ухлаш учун мослама(диван, кроват)ларни яратишнинг не кераги бор? Бошни қўйиб ухлаш учун қўллар турганида ёстиқ излаб овора бўлишга не ҳожат? Сув ичиш учун инсоннинг ҳовучи бор экан, маҳсус идишларни ўйлаб топишнинг, ишлаб чиқаришнинг не ҳожати бор? Танани бекитиш учун шунча табиий нарсалар турганда, бошқа сунъий кийим-кечак излаб овора бўлишнинг нима кераги бор? 5. Кийиниш учун эски кийимлар ҳам етарли эмасми? Фақат бошқаларга хизмат қилиш учунгина яшаётган дарахтлар мева бермай қўйдими? Дарёлар қуриб, чанқаганларга сув бермай қўйдими? Яшашга яроқли ғорларнинг оғзи кўмилиб қолдими, ёки Худои Таоло ўз ихтиёрларини бутунлай Унга топширган кишиларга ғамхўрлик қилмай қўйдими? Нега бўлмаса олим ва до-нишмандлар, оғир меҳнат қилиб топган мол-дунёси билан гердаядиган кишилар олдида хушомадгўйлик қила бошладилар? 6. Шуни англаб етган инсон қалбида мавжуд бўлган қудратли Худои Таолога хизмат қилиши керак. У ҳамма нарсага қодир бўлган, мангу ва бениҳоя Худои Таолонинг Олий Шахси, ва шу боис, Худои Таоло - ҳаётнинг энг олий мақсадидир. Унга сиғиниш натижасидагина инсон бу моддий дунё шарт-шароитларига тутқун бўлиб яшашдан озод бўлиши мумкин. 7. Энг ашаддий дунёпарастлардан бошқа, атрофидаги одамларнинг ўз қилмишлари (кармаси) туфайли азоб-уқубатлар гирдобига ботиб ётганини қўрабила туриб, қайси бир инсон илоҳий нарсалар устида фикр юритишдан бош тортади. 8. Баъзи бировлар фикрини қалбида жойлашган, кўринишидан катталиги бир қаричдан катта бўлмаган Худо Шахсида жамлайдилар. Ўзининг тўрт қўлида У нилуфар гулини, арава ғилдирагини, сур ва гурзи ушлаб турибди. 9. Унинг лабларида шодлик акс этиб турибди, чўзинчок кўзлари нилуфар гулбаргини эслатади, кадамба гули рангидаги сарғиш либоси эса, қимматбаҳо дурлар билан безатилган. Унинг тилло тақинчоқлари ўзидан нур таратиб турувчи дурлар билан безатилган. Унинг бошида ялтироқ

тож, қулоқларига эса - сирға тақилган. 10. Унинг нилуфар кадамлари пойи буюк сеҳргарларнинг нилуфарсимон юраклари тўридан жой олган. Кўксида чиройли бузоқча тасвири солинган қимматбаҳо Каустубха тақинчоғи, кўкраги эса, бошқа тақинчоқлар билан безалган. Унинг кўкраги янги узилган гуллардан тизилган гулчамбарларга тўла. 11. Белида, нақшли қилиб тўқилган камар, бармоқларида қимматбаҳо тошлар қўйилган узуклар. Унинг билаклари, оёқларидаги тақинчоқлари, анвои атир-мойлар билан мойланган кўкимтир сочлари ва қулиб турган чиройли юзи кўзларни қувонтиради. 12. Ўз эрмакларида намоён бўлган Худо Шахсининг олийжаноблиги, ўтли нигоҳлари ва табассум ўйнаб турган сиймоси Унинг бениҳоя меҳрибонлигидан далолат беради. Шунинг учун, ақлини Худо Шахси мушоҳадаси билан банд қилишга қодир бўлган вақтида инсон ўз диққат-эътиборини Унинг мана шу илоҳий қиёфасида мужассам қилиши лозим.

13. Муроқаба қилишни Худо Шахсининг нилуфар кадамлари пойидан бошлаш ва аста-секин Унинг қулиб турган сиймосига кўтарилиш керак. Муроқаба жараёнида диққат-эътиборни аввало Унинг нилуфар кадамлари пойида, кейин, болдирида, сонларида, шу тарзда аста-секин юқори кўтариб бориши керак. Инсоннинг ақли Худо Шахси танасининг турли хил қисмларида қанчалик кўпроқ мужассам бўлса, унинг тафаккури шунчалик покланиб боради. 14. Бу дунёда яшаётган одам то ўз бурчини бажариб бўлиб, қалбида, нигоҳи бугун илоҳий ва моддий оламларни қамраб олган Олий Худо Шахсига садоқат билан хизмат қилишга интилиш истаги ривожлангунга қадар Худо Шахсининг фазовий қиёфасини мушоҳада қилиб юриши лозим. 15. Эй шох, инсонлар учун яратилган бу сайёрани тарк этиш учун йог, қулай пайтнинг келишини кутиши ёки қулайроқ хилват жойга жойлашинининг ҳожати йўқ. Қулай ўтириб олиб, ақлини мувозанатга келтириши, ҳаёт нафасини назорат қилган ҳолда, ҳиссиётини ақлига бўйсундириши лозим. 16. Кейин, соф тафаккури ёрдамида йог, ўз ақлини тирик мавжудот (ҳақиқий ўзлиги)га, тирик мавжудотни эса - Олий Рухга киритиши керак. Натижада, тўла қаноат топган тирик мавжудот(ўзлик, рух) энг юксак фароғатга эришади ва бошқа ҳар қандай фаолиятни тарк этади.

17. "лабдохопананти" деб айтиладиган мана шу илоҳий ҳолатга, ҳатто барча тирик мавжудотларнинг тақдирини ҳал қиладиган фаришталарга ҳам таъсирини ўтказиб юрган бешафқат замон, вақт ҳам таъсир қилмайди. Бу ҳолатга моддий табиатнинг эзгулик, ҳирс ва ғафлат гуналари ҳам таъсир қилмайди, унда сохта ўзлик ҳам, моддий сабаблар уммони ҳам, моддий табиат ҳам йўқ. 18. Илоҳиёт кишилари ўзларини Худо билан боғлиқ бўлмаган нарсалардан йироқ тутишга интиладилар, чунки улар, ҳамма нарса Худои Таоло, Вишну билан боғлиқ бўлган юксак ҳолатнинг ҳақиқатан ҳам мавжудлигини англаб етганлар. Шу боис, ўз ихтиёрини Худо Шахсининг амри билан тўла мослаган содиқ ҳаётда ҳеч қандай муаммолар содир қилмайди, ва Худои Таолони қалбига жойлаб, Унинг нилуфар кадамлари пойига сажда қилади. 19. Илмий хулосаларга таянган ҳолда, инсон Мутлақ Ҳақиқатни тўла англаб олиши ва шу туфайли ўзининг барча дунёвий орзу-ҳавасларидан покланиши керак. Шу ҳолатга эришгандан сўнг, товони билан орқа ҳаво тешигини бекитиб,

ҳаёт нафасини аста-секин, танасидаги асосий олти марказ бўйлаб юқорига кўтара бориши керак.

20. Муроқаба жараёни давомида йог, тафаккури ёрдамида керакли нукталарни топиб, аста-секин ҳаёт нафасини киндигидан юрагига, кейин кўкрагига ва танглайга кўтариши лозим. 21. Кейин йог, ҳаёт нафаси чиқадиган етти йўлнинг барчасини бекитиб, ҳаёт нафасини қошлари ўртасида жамлаши ва диққатини ҳаётининг энг олий мақсадида - ўз уйига, Худонинг ҳузурига қайтишга жамлаши керак. Ҳар турли дунёвий лаззатларнинг барчасидан халос бўлган йог, бу дунё билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсаларни унутиб, ўзининг ҳаёт нафасини бошининг юқори қисмида жамлаб Худо Шахси ҳузурига йўл олиши керак. 22. Эй шох, агар йогнинг қалбида моддий лаззатларнинг нозик турлари бўлмиш - олий сайёра (Брахмалока)га эришиш, камолотнинг саккиз турини эгаллаш, коинотда вайхайасалар билан сайр қилиш ёки борлиқнинг миллионлаган сайёраларининг бирортасида яшаш каби истаги қолган бўлса, - у ўзининг шу моддий ақли ва истакларини ҳам ўзи билан бирга олиб кетади. 23. Илоҳиёт кишилари ўзларининг руҳий танасини ўйлайдилар, шу сабабли ўзининг холис хизмати, риёзатлари, сеҳр кучлари ва илоҳий илмлари туфайли бу моддий олам бўйлаб ҳам ва унинг ташқарисида ҳам бемалол айланиб, сайр қилиб юраверадилар. Ўз фаолиятининг маҳсулидан лаззатланиш ниятида ишлаб, ҳаракат қилаётган дунёвий кишилар эса, эркин сайр қилишнинг ана шундай имкониятларидан маҳрумдирлар.

24. Эй шох, сеҳргар йог, ёғду таратиб турувчи Сусумна орқали Сомон Йўлидан ўтиб, энг юқори сайёра(Брахмалока)га етиб борганида, у аввало олов фариштасининг сайёраси-Вайшванарага тушади. Бу ерда у (барча моддий қусурларидан) бугунлай покланади ва Худо Шахси, Харига юзма-юз рўпара бўлиш учун Шишумара доирасига киради. 25. Шишумарани (Гарбходакашайи) Вишнунинг киндиги деб аташади ва унинг атрофига бугун коинот жамланган. Фақат комил йог ана шу Шишумара доирасидан чиқиб, Бхригу ва бошқа соф авлиё содиқлар 4.300.000.000 куёш йилига тенг бўлган узоқ умр давомида ҳаёт лаззатини сурадиган Махарлока сайёрасига ета олади. Шу сайёрага ҳатто илоҳий даражага етган авлиёлар ҳам сажда қиладилар. 26. Моддий олам (Брахманиннг умри охирида) тўла яқсон бўлганида Анантаниннг оғзидан(коинот қаъридан) олов отилиб чиқади. Коинотдаги барча сайёраларининг ёниб кул бўлаётганини кўрган йог, буюк соф содиқларнинг ҳаво кемаларига ўтириб, Сатйялокага йўл олади. Сатйялокада ҳаёт 15.480.000.000.000 йил давом этади. 27. Ана шу Сатйялока сайёрасида - ташвиш, қариллик, ўлим каби нарсалар мавжуд эмас, у ердагилар азоб нималигини билмайдилар, чунки уларни ҳеч нарса ташвишга солмайди. Фақат ахён-ахёнда, улар моддий оламда қаттиқ азоб-уқубатлар чекиб, Худои Таолога холис хизмат қилиш нималигини билмай қийналиб юрган одамларга нисбатан ҳамдардлик туйғусидан ачиниб, қайғурадилар, холос.

28. Сатйялокага тушган содиқ, ўзининг нозик танасида, моддий тана таркиб топган унсурлар ичига кўркмасдан кириш қобилиятига эга бўлади. Шундай қилиб, у бирин кетин, ер, сув, олов, ёруғлик, ҳаво, қатламларидан ўтади ва ниҳоят само(эфир) қатламига эришади. 29. Шундай қилиб, йог (содиқ) хиссиётни жалб қиладиган нарсалардан: хиддан(хидлаш ёрдами-

да), таъмдан (таъм билиш ёрдамида), кўринувчи нарсалардан (кўриш ёрдамида), сезилувчи нарсалардан (сезиш ёрдамида), эшитиладиган нарсалардан (эшитиш ёрдамида) ва ҳиссий органлардан (моддий фаолият ёрдамида) биратўла қутулади. 30. Кўпол ва нозик қатламлардан ўтиб, йог ўзлик қатлами(доираси)га киради. Ана шу ҳолатда у моддий табиатнинг (ғафлат ва хирс) гуналари таъсиридан халос бўлади ва эзгуликдаги ҳақиқий ўзлигига эга бўлади. Кейин у ўзлигини махат-тагтвага қўшади ва соф руҳий ўзлигини англаб етади. 31. Фақат, соф руҳий ҳолатига қайтган, покланган соф руҳ(жон)гина Худо Шахси билан юзма-юз учраша олади ва бундан чексиз лаззат олиб, тўла осойишталикка эришади. Ўзининг қачонлардир йўқотган аввалги комил содиқлик ҳолатига эришган ана шундай руҳ(жон)ни бу ўткинчи моддий ҳаётда ҳеч нарса ўзига ром эта олмайди ва у энди ҳеч қачон моддий ҳаётга қайтиб келмайди.

32. Эй жасур Маҳараж Парикшит, сенинг мукамал саволларингга жавоб тариқасида айтганларимнинг ҳаммаси мангу ҳақиқатдир ва Ведалар таълимотига тўла мос келади. Бу ҳақда Худои Таоло Шри Кришнанинг Ўзи, қилган хизматидан мамнун бўлиб, Брахмага айтиб берган эди. 33. Моддий оламда сарсон бўлиб юрганларнинг тутқунликдан озодликка чиқиш учун Худои Таоло Шри Кришнага холис хизмат қилишдан яхшироқ йўл йўқ. 34. Буюк шахс бўлган Брахма Ведаларни уч марта кунт билан ўрганиб чикди ва уларни чуқур ўрганиб шу хулосага келдики, ҳақиқий диннинг энг юксак поғонаси - Худои Таолога, Олий Худо Шахси Шри Кришнага боғланишдир. 35. Худои Таоло Шри Кришна шахсий руҳ (жон) билан бирга ҳар бир тирик мавжудот ичида (қалбида) ҳам мавжуддир. Бунга тафаккур кучи ва кўриш қобилияти ёрдамида ишонч ҳосил қилиш мумкин. 36. Шунинг учун, эй шох, ҳар бир инсон ҳар ерда, ҳар доим Худои Таоло ҳақидаги ҳикояларни тинглаб юриши, Уни эслаб, шарафлаб, олқишлаб юриши жуда муҳим. 37. Содиқ хизматкорларнинг севгилиси бўлган Худои Таоло Шри Кришнанинг ширин насиҳатларидан лаззатланиб юрган одамлар, “яшашдан мақсад ҳиссий лаззатланишдир” деган юзаки, ногўғри тушунчалардан озод бўлиб, ўзларининг ҳақиқий макони - Худо Шахсининг даргоҳига, Унинг нулуфар қадамлари пойига қайтиб борадилар.

Учинчи боб

Холис хизмат қилиш: инсон қалбидаги ўзгариш

1. Шри Шукрадева Госвами шундай деди: - Эй Маҳараж Парикшит, сен ажали яқин қолган одам нима қилиши кераклиги ҳақида сўрадинг. Мен эса жавоб бердим. 2-7. (Худо Шахсидан таралувчи нур) Брахмажйотига қўшилиб кетишни хоҳлаганлар ведалар билимдони(Тангри Брахмага ёки донишманд авлиё Брихаспати)га сиғиниши керак; жинсий кувватини оширишни истаганлар осмон шоҳи Индрага сиғиниши керак; ўзидан яхши фарзанд қолдиришни истаганлар буюк бобокалонлар Пражапатиларга сиғиниши керак; ҳамиша ўзига омад кулиб боқишни истаганлар бу моддий дунёни бошқариб турган Дургадавега сиғинишлари керак. Бошқаларга ҳукмрон бўлишни орзу

қилиб юрганлар оловга, кўпрок мол-дунё орттиришни истаганлар эса, Васуга сиғинишлари керак. Буюк қахрамонлик кўрсатишни истаганлар Тангри Шиванинг тимсоли Рудрага сиғинишлари керак; мўл-кўл ғалла жамғаришни истаганлар Адитига, жаннатга тушишни истаганлар эса - унинг ўғилларига сиғиниши керак; Ер юзидан бирор салтанатни бошқаришни истаганлар Вишвадевага, одамлар орасида шуҳрат қозонишни истаганлар эса, Садхйа фариштасига сиғинишлари керак. Узок умр кўришни истаганлар Ашвини-Кумарларга, забардаст тана соҳиби бўлишни истаганлар Ерга сиғинишлари керак. Жамиятда мустақкам обрў қозонишни истаганлар бир вақтнинг ўзидан ҳам Ерга, ҳам уфққа сиғинишлари керак; Чиройли бўлишни истаганлар - гандҳарвалар яшайдиган сайёранинг гўзал аҳолисига сиғиниши, яхши хотинга эга бўлишни истаганлар эса, жаннатдаги фоҳиша-апасарлар ва Урвашиларга сиғиниши керак. Бошқаларга ҳукмрон бўлишни истаганлар, олам султони Тангри Брахмага, катта шон-шуҳратга эришишни истаганлар Худо Шахсига, бадавлат бўлишни истаганлар - фаришта Варунага сиғинишлари керак. Ўқимишли олим бўлишни истаганлар Тангри Шивага, оиласида тотувлик ва фаровонлик бўлишни истаганлар эса, унинг фаросатли хотини Ума фариштасига сиғиниши керак. 8. Рухий камолот сари интилаётган киши Худои Таоло Вишнуга, ёки Унинг содиқ хизматкорига, ўз авлодини хавфу хатардан сақлаб, наслу-насабини давом эттиришни истаганлар ҳар хил фаришталарга сиғиниши керак. 9. Катта давлат ёки салтанатни бошқаришни истаганлар Мануга, душманлари устидан ғалаба қозонишни истаганлар иблисларга, ҳиссий лаззатларга берилишни истаганлар - Ойга сиғинишлари керак. Қалбида ҳеч қандай дунёвий орзу қолмаган кишилар Худонинг Олий Шахсига сиғиниши керак.

10. Юксак тафаккур эгаси бўлган киши, - қалби дунёвий орзу-ҳавасларга тўлиб-тошганми, ёки ҳеч қандай орзу-истаги қолмаганми, ёки озодликка чиқишга интиляптими - ҳар қандай ҳолатда ҳам тўла мутлақ бутун бўлмиш Худои Таолонинг Ўзига сиғиниши керак. 11. Ҳар хил фаришталарга сиғиниб юрган кишилар, фақат Худо Шахсининг соф содиқлари билан дўстлашиш ша-рофати билангина қалбида, юксак ва мукамал бахт - Олий Худо Шахсига ўз-ўзидан боғланиш туйғусини, истагини ривожлантириши мумкин. 12. Олий Худо Шахси, Хари ҳақидаги илоҳий илм моддий табиат гуналари таъсири денгизида пайдо бўлаётган ўпқон ва тўлқинларни камайтиради. Ҳар қандай моддий боғланишлардан холи бўлган бу илм руҳга роҳат бағишлайди ва табиатан илоҳий бўлгани учун, барча мўътабар зотлар уни маъқуллайди. Шундай экан, бу илмга эътиборсиз, ҳайрихоҳ одам топилармикан?

13. Шаунака шундай деди: - Вйасадеванинг ўғли Шрила Шукрадева Госвами ҳар томонлама етук илмга эга бўлган, шоиртабиат инсон эди. Маҳараж Парикшит ундан яна нималар ҳақида сўради? 14. Эй донишманд Суга Госвами, гапиришда давом эт, бизлар сени кўпрок тинглаш иштиёқидамиз. Бундан ташқари, Худои Таоло Хари ҳақидаги ҳикоялар фақат Унинг содиқлари орасида муҳокама қилиниши шарт. 15. Пандавларнинг невараси, Маҳараж Парикшит ёшлигиданоқ Худо Шахсининг содиқ хизматкори эди. Ҳатто ўзининг болалигида, ўйинчоқ ўйнаб юрганида ҳам, оиласидаги илоҳларга сиғиниб юрган катталарга тақлид қилиб, Худои Таоло

Шри Кришнага сиғинишга интиларди. 16. Вйасадеванинг ўғли, Шукадева Госвами илохий илми тўла эгаллаган ва Васудеванинг ўғли, Худои Таоло Шри Кришнанинг буюк содиқларидан бири эди. Шунинг учун, у билан Маҳараж Парикшит, файласуфлар олқишлайдиган ва буюк содиқлар бирга тўпланиб, шарафлаб қуйлайдиган Худои Таоло Шри Кришна билан боғлиқ бўлган мавзуларни муҳокама қилган бўлишлари керак. 17. Қуёш ҳар чиқиб богтан сайин, бутун умрини, эзгулик уммони бўлган Худо Шахси ҳақидаги ҳикояларни муҳокама қилишга бағишлаган кишилардан бошқа, ҳар бир одамнинг умрини камайтириб бораверади. 18. Дарахтлар яшамайдиларми? Темирчининг босқони нафас олмайди? Атрофимиздаги ҳайвонлар овқатланиб, бола-чақа қилмайдиларми? 19. Ит, чўчка, туя ва эшакларга ўхшаган одамлар, барча азобуқубатлардан халос этувчи Худои Таоло Шри Кришнанинг илохий ўйинлари ҳақидаги ҳикояларни ҳеч қачон тинглаб кўрмаган одамларни кўкларга кўтариб олқишлайдилар. 20. Худо Шахсининг кўрсатган ҳайратли кароматларидаги жасоратини таърифловчи ҳикояларни эшитмаган, Худои Таоло шарафига ҳамдусаноларни бор овози билан қуйламаган одамнинг қулоқлари - илоннинг инидан, тили эса - қурбақанинг тилидан фарқ қилмайди. 21. Инсоннинг боши, ҳатто қимматбаҳо салла ўралган бўлса ҳам, агар озодлик ҳада этувчи Худои Таоло олдида эгилмаса, шунчаки кераксиз оғир юқдир. Қўллар эса, ҳатто қимматбаҳо билагузуклар, тақинчоклар тақилган бўлса ҳам, агар Худо Шахси Харига хизмат қилмаса, мурданинг қўлларидан фарқ қилмайди. 22. Худо Шахси Вишнунинг тасвирларига боқмайдиган кўзлар - товус патидаги кўзлардан, (Худони эслатадиган) муқаддас жойларга олиб бормайдиган оёқлар эса, қуруқ ёғоч устунлардан фарқ қилмайди. 23. Бошига Худонинг соф содиқлари оёғидаги чанглар тегмаган киши ўлик мурдадан фарқ қилмайди. Худои Таолонинг қадамлари пойидан олинган туласи барглари ҳидидан ҳидлаб кўрмаган одам, нафас олиб юрганига қарамай, мурда ҳисобланади. 24. Худо Шахсининг муқаддас номларини диққат билан зикр қилганида қалби лаззат олмайдиган, кўзлари жикқа ёшга тўлмайдиган, сочлари тикка бўлиб, бадани титраб кетмайдиган одамнинг юраги тошдан ҳам қаттиқ ҳисобланади.

25. Эй Сута Госвами, сенинг гапларинг ақлимизга, дилимизга ором берапти. Маҳараж Парикшитнинг берган саволларига Худонинг буюк содиғи, илохий илм соҳиби Шукадева Госвами қандай жавоб берганини бизларга гапириб бер.

Тўртинчи боб

Оламни яратиш жараёни

1. Сута Госвами шундай деди: - Фақат рух(жон)нинг табиати ҳақидаги гапларни гапириб берган Шукадева Госвамининг айтганларини тинглаб, Уттаранинг ўғли Маҳараж Парикшит бутун фикру-хаёлини оқилона равишда Худои Таоло Шри Кришнада мужассам қилди. 2. Бутун қалби билан Худои Таоло Шри Кришнага интилган ҳолда, Маҳараж Парикшит кўнглидаги танаси, хотини, болалари, саройи, ҳайвонлари, хазинаси, дўстлари, қариндошлари ва гуллаб-яшнаётган салтанана-

тига бўлган қаттиқ боғланиш ришталарини узиб ташлашга муваффақ бўлди. 3-4. Эй буюк донишмандлар, ҳаёли ҳамиша Худои Таоло Шри Кришна ҳақидаги ўйлар билан банд бўлган ва ажалнинг муқаррар эканлигини англаб етган буюк зот Маҳараж Парикшит, барча дунёвий ишларни - диннинг равнақи, иқтисодий тараққиёт ва ҳиссий лаззатланиш учун қилинадиган ишларнинг барчасини тарк этди. Шундай қилиб, унинг тафаккури Шри Кришнага бўлган табиий муҳаббат туйғусида мустаҳкам ўрнашиб олди ва Шукадева Госвамига, худди сизлар ҳозир менга бераётган саволларни берди.

5. Маҳараж Парикшит шундай деди: - Эй донишманд браҳман, сен ҳар қандай дунёвий иллатлардан пок бўлганинг учун сенга ҳамма нарса аён, шу боис, сенинг айтганларингнинг барчаси айти ҳақиқатдир. Менга Худо Шахси ҳақида гапириб бераётганинг туфайли, сенинг гапларинг қалбимдаги ғафлат зулматини аста-секин ёритяпти. 6. Сендан илтимос, Худои Таоло Ўзининг англаш мушкул бўлган қувватлари ёрдамида, ҳатто буюк фаришталар ҳам англаб ета олмайдиган бу моддий оламни қандай қилиб яратганини менга тушунтириб бер. 7. Олий Худо Шахси, Ўз фаолиятида ҳар хил қувватларини ва киёфа(экспансия)ларини, намоён бўлган борлиқнинг мавжудлигини таъминлаш ва кейин уни йўқотиш учун, қай тарзда ишлатади? 8. Эй донишманд браҳман, ҳақиқатан ҳам Худои Таолонинг илохий кароматлари ҳайратли ва англаш жуда мушкулдек туюлади, чунки, жуда кўп буюк донишмандлар шунчалик уринишларига қарамай, уларни англаб ета олмаганлар. 10. Олий Худо Шахси ҳамиша ягона, У моддий табиат гуналарини бошқараётганида ҳам, Ўзини кўплаб киёфаларга кўпайтирганида ҳам, табиат гуналарининг фаолиятини бошқариш учун Ўзини кетма-кет, турли киёфаларда намоён этганида ҳам, ягоналигича қолаверади. 10. Марҳамат қилиб менинг ана шу гумонларимнинг барчасини тарқатиб юбор, чунки сен ведавий битикларни тўлиқ билган ва илоҳиёт табиатини тўла тушунган зот бўлибгина қолмай, Худо Шахсининг буюк содиқларидан бирисан, шу боис Худои Таолонинг Ўзи сингари қудратлисан.

11. Сута Госвами шундай деди: - Шоҳ Худои Таолонинг бунёдкорлик қудрати ҳақида гапириб беришни илтимос қилгандан сўнг, Шукадева Госвами ҳиссиёт султони(Шри Кришна) билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсани тартиб билан бирин-кетин эсига олди ва батафсил жавоб бера бошлади.

12. Шукадева Госвами шундай деди: - Моддий оламни яратиш учун Ўзини табиатнинг уч гунаси шаклида намоён этган Худонинг Олий Шахси, Шри Кришна олдида эҳтиром билан бош эгаман. У ҳар бир танада мавжуд бўлган тўла бутун Зотдир ва Унинг кароматларини тушуниб, англаб ниҳоясига етиб бўлмайди. 13. Моддий мавжудликнинг ва руҳий ҳақиқатнинг комил шаклидаги Зот, такводор ва содиқларни азобуқубатлардан халос этувчи ва иблис ниятли атеист-худосизларни жазоловчи Худои Таоло олдида такрор ва такрор бош эгаман. Руҳий камолотнинг энг юқори поғонасига кўтарилган илоҳиёт кишиларни улар интилаётган мақсадга эришиш бахти билан муқофотлайдиган Зот - Унинг Ўзидир. 14. Йаду хонадонининг сардори, - содиқ бўлмаганларнинг эришиши қийин бўлган Худои Таоло олдида мен эҳтиром билан бош эгаман. Худои Таоло - ҳам руҳий, ҳам моддий оламнинг олий

лаззатланувчисидир, аммо У Ўзи рухий оламдаги мангу илоҳий даргоҳида ҳамisha лаззатланиб яшайди. Унинг тенги йўқ, чунки Унинг илоҳий бойликларининг ниҳояси йўқ. 15. Бутун мавжудотга меҳрибон бўлган Худои Таоло Шри Кришна олдида мен чуқур эҳтиром билан бош эгаман, чунки, Уни эслаш, шарафлаш, мушоҳада қилиш, У ҳақида ҳикоялар гапириш ва тинглаш, Унга сиғиниш ва илтижолар қилиш шарофати билан инсон ўзининг қилган барча гуноҳлари оқибатидан покланади. 16. Мен такрор ва такрор чуқур эҳтиром билан Худои Таоло Шри Кришна олдида бош эгаман. Унинг нилуфар қадамлари пойига ихтиёрини топширган донишмандлар ҳозирги ва келгуси ҳаётларига боғланиш туйғусидан халос бўлиб, ҳеч қийналмасдан рухий мавжудлик ҳолатига эришадилар. 17. Меҳрибон Худои Таоло Шри Кришна олдида мен такрор ва такрор эҳтиром билан бош эгаман, чунки, ҳатто саховат кўрсатишда донг таратган буюк донишмандлар ҳам, шухратли зотлар ҳам, буюк файласуф ва сеҳргарлар ҳам, ведавий ҳамду-саноларни чиройли ўқийдиган зотлар ҳам, муқаддас китобларда кўрсатилган қонун-қоидаларга қатъий амал қилиб яшаётган риёзатчи зотлар ҳам ўткир заковатларини, сифатларини, эзгу фазилатларини, талантларини Худого садоқатли хизмат қилишда ишлатмасалар, умрида ҳеч қандай муваффақиятга эриша олмайдилар. 18. Киратлар, хуналар, андралар, пулиндалар, пулкашалар, абхиралар, шумбхалар, йаванлар, кхас қабиласи аъзолари ва ҳатто бошдан-оёқ гуноҳга ботганлар ҳам, Худои Таолонинг бениҳоя қудрати, Унинг содиқларининг марҳамати билан барча гуноҳлари оқибатидан поклана оладилар. Мен Унинг олдида эҳтиром билан чуқур таъзим қиламан. 19. У - ўзлигини англаган барча рух(жон)ларнинг Олий руҳи ва Олий Худо Шахсидир. У - Ведалар, муқаддас китоблар ва барча риёзатлар тимсолидир. Тангри Браҳма, Шива ва ҳеч қандай дунёвий орзу-ҳаваслари бўлмаган зотларнинг барчаси Унга сиғинадилар. Шундай эҳтиром ва ҳаяжон билан эъзозланадиган Олий Мутлақ Ҳақиқат мендан рози бўлсин!

20. Барча содиқлари ҳурмат қиладиган, Йадулар сулоласидаги шоҳларнинг ҳимоячиси ва шухрати, барча омад фаришталарининг рафиқаси, турли қурбонликларнинг ягона эгаси ва барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдори, тафаккур султони, барча моддий ва рухий сайёраларнинг ҳақиқий эгаси бўлган, Ер юзидаги энг олий ҳукмронлик ва баркамоллик тимсоли бўлмиш Худои Таоло Шри Кришна мендан Ўз марҳаматини аямасин! 21. Фақат Унинг Ўзи, Худои Таоло Шри Кришна, тирик мавжудотни бу моддий ҳаёт асирлигидан озодликка чиқара олади. Мўътабар зотлардан ўрнак олиб, Унинг нилуфар қадамлари пойини тинмай эслаб юриш шарофати билан содиқ транс(жазава) ҳолатига кириб, Мутлақ Ҳақиқатни бевоcита кўзининг олдида келтиради. Сафсатабоз файласуфлар эса, Худо Шахсини ўзлари қандай тасвирда кўргилари келса, шундай қиёфада тасаввур қиладилар. Ана шу Худои Таолонинг Ўзи мендан рози бўлсин! 22. Моддий олам яралишининг азалида Браҳманинг қалбида туриб, унинг фаол илмини тўлдирган ва унга Ўзи ва борлик ҳақида комил илм берган, Браҳманинг оғзидан дунёга келгандек бўлиб туюлган ана шу Худои Таоло мендан рози бўлсин! 23. Коинот ичига кириб, моддий унсурлардан таркиб топган таналарга ҳаёт бағишлайдиган ва Ўзининг пуруша тимсолида тирик

мавжудотни, тирик мавжудотни моддий табиат гуналарининг намоён бўлувчи ўн олти хил таъсирига бўйсунмишга мажбур қилувчи Олий Худо Шахси айтаётдиган гапларимни қулоқларга ёқимли қилсин! 24. Ведавий битикларни яратган, Васудеванинг тимсоли бўлмиш Шрила Вйасадева олдида мен чуқур эҳтиром билан бош эгаман. Худо Шахсининг соф содиқлари Унинг нилуфарсимон оғзидан чиқаётган илоҳий илмлар шарбатидан лаззатланадилар.

25. Эй ҳурматли шох, Нараданинг берган саволларига жавоб бера туриб, биринчи тирик мавжудот Браҳма, туғилганидан ведавий илмларни эгаллаган ўғлига Худо Шахсидан ўрганган илмни сўзма-сўз аниқ такрорлаб берди.

Бешинчи боб.

Барча сабаблар сабабчиси.

1. Шри Нарада Муни Браҳмадан шундай деб сўради: - Эй фаришталар сардори, барча тирик мавжудотларнинг биринчи туғилган яратувчиси, сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан бош эгаман. Олий руҳ ва шахсий руҳ ҳақидаги ҳақиқатни англаб етишга имкон берадиган илоҳий илмни менга ўргатишингни илтимос қиламан. 2. Эй ота, намоён бўлган борлиқнинг сифатларини менга аниқ қилиб таърифлаб бер. У нимада намоён бўлган? У қандай яратилади, мавжудлиги қандай таъминланиб туради ва булар кимнинг назорати остида рўй беради? 3. Эй ҳурматли ота, бу илм сенга маълум, чунки сен, бу оламда аввал яратилган, келажакда яратиладиган, ҳозир яратилаётган ва мавжуд бўлган ҳамма нарсани, худди ёнғоқ ушлаган кишидек, қўлингда ушлаб турибсан. 4. Эй ота, сен бу илмни қаердан ўргангансан? Сенга ҳавондорлик қилаётган Зот ким? Ўз фаолиятингда сен кимга бўйсунасан? Сенинг асл ҳолатинг қандай? Барча мавжудотларни моддий унсурлардан қудратинг билан ёлғиз ўзинг яратганмисан? 5. Ажойиб маҳорат билан ўзидан уясини тўқиб чиқадиган ўргимчак сингари, сен ҳам туганмас қудратинг билан, ўзга бирор зотнинг ёрдамсиз бутун борлиқни яратасан. 6. Атамаларига, белгиларига, сифатларига, хислатларига қараб бизлар билган зотларнинг барчаси, ҳоҳ бизлардан юқори зот бўлсин, ҳоҳ паст ёки бизга тенг, ҳоҳ мангу ёки ўткинчи зот бўлсин, - барчасини сен ўзинг яратгансан, эй улуғ зот. 7. Аммо, сенинг қанчалик тиришқоклик билан қаттиқ риёзатга берилаётганингни кўриб, яратиш қобилиятинг қанчалик буюк бўлмасин, сендан ҳам қудратлироқ Зот бўлиши керак, деган хулосага келишга мажбурмиз. 8. Эй ота, сен ҳамма нарсани биласан ва ҳамманинг ҳукмдорисан. Шунинг учун, илтимос, менинг саволларимга жавоб бер, токи, сенинг шогирдинг сифатида мен уларни англаб, тушуниб олай.

9. Тангри Браҳма шундай деди: - Эй ўғлим Нарада, бу саволларинг билан сен барчага буюк марҳамат кўрсатдинг, чунки, бу саволлар мени қудратли Худо Шахсининг улуғворлиги ҳақида фикр юритишга ундади. 10. Мен ҳақимда сенинг айтганларингнинг барчаси аини ҳақиқат, чунки, инсон олий ҳақиқат бўлмиш Худои Таолони англаб етмас экан, менинг хайратли ишларимни кўриб, алданиб юраверади. 11. Худди куёш чикқандан кейингина ой, осмон, барча сайёралар ярқираб кўрина бошлагани сингари, мен ҳам, Худои

Таоло Ўзининг ёғдуси(брахмажйоти) билан бу мавжуд оламни яратгандан сўнггина уни барпо эта бошлайман.

12. Мен Худои Таоло, Худо Шахси Шри Кришна олдида эҳтиром билан бош эгаман ва Уни, - энгилмас кудрати билан одамларни мени олий хукмдор деб танишга мажбур этадиган буюк Зотни мушоҳада қиламан.

13. Уялганидан, Худо Шахсининг алдамчи қуввати ўзининг устиворлигига даъво қилмайди, аммо, у адаштириб қўйган зотлар “мен” “меники” деган тушунчаларга ғарк бўлиб, ҳамиша бемаъни гапларни гапириб юрадилар.

14. Бутун борлиқ таркиб топган беш унсур, шу унсурларнинг мангу вақт таъсири остидаги ўзаро муносабатлари, тирик мавжудотларнинг табиати, интуиция (муроқаб) - буларнинг барчаси, Худо Шахси, Васудеванинг ажралмас бўлакларидир, уларнинг ҳақиқий кадр-қиймати ҳам ана шунда.

15. Ведавий(муқаддас) битикларни Худои Таолонинг Ўзи яратган ва улар Унинг Ўзи учун мўлжалланган. Фаришталар Унинг тана аъзолари сифатида Унга хизмат қилиш учун яратилган, турли туман сайёралар ҳам Унинг Ўзи учун яратилган, ҳар хил қурбонлик маросимлари ҳам, фақат Уни рози қилиш учун ўтказилади.

16. Мушоҳада қилиш ва сеҳргарликнинг барча турлари Нарайанани, Шри Кришнани, Худони англаш йўлларидир. Барча риёзатларнинг мақсади - Унга эришишдир. Нарайананинг дийдорини бир лаҳзагина қўриш ниятида донишмандлар илоҳий илмни эгаллашга интиладилар, ва ниҳоят озодликка эришиш - Нарайананинг мангу салтанатига кириш демакдир.

17. Фақат Худои Таоло илҳомлантиргани сабабли, ҳамма ерда мавжуд Олий Рух назорати остида, мен У(Нарайана)нинг яратган нарсаларини намоён этаман. Мени ҳам Унинг Ўзи яратган.

18. Олий Худо Шахси - соф рух шаклида, У барча моддий сифатларга нисбатан илоҳий, аммо яратиш, моддий оламни мавжудлигини таъминлаш ва яқсон қилиш учун У Ўзининг ташки қуввати ёрдамида моддий табиатнинг - эзгулик, хирс ва ғафлат гуналари қиёфасига киради.

19. Кейин, модда, илм ва фаолият кўринишидаги моддий табиатнинг ана шу гуналари, аслида табиати илоҳий бўлган мангу тирик мавжудотни сабаб ва оқибатлар занжири билан ўраб олади ва қилган ишларига жавоб беришга мажбур қилади.

20. Эй брахман Нарада, табиатнинг шу уч гунаси, тирик мавжудотнинг моддий ҳиссиётларига, Олий назоратчининг, илоҳий Худо Шахсининг ҳамма ерда мавжудлигини сезишга имкон бермайди, шунга қарамай У ҳаммани, шу жумладан мени ҳам бошқариб туради.

21. Шундай қилиб, Барча қувватлар эгаси Худои Таоло, кудрати билан мангу замон(вақт)ни, барча тирик мавжудотларнинг тақдирини ва ўзларнинг яратилишига сабаб бўлган шахсий табиатларини барпо этади. Кейин эса, тўла мустақил ҳолда, уларнинг ҳаммасини ютиб юборади.

22. Худо Шахси Ўзини биринчи пурӯша(Кара-нарнавашайи Вишну) қиёфасида намоён этгандан сўнг, моддий дунёни яратиш асоси(мажмуи) - махат-таттва пайдо бўлади, ундан кейин замон(вақт) ўзини намоён этади, кейин эса, табиатнинг уч сифати(гунаси) пайдо бўлади. Табиат - фаолиятга айланган уч сифатнинг намоён бўлишидир.

23. Моддий фаолият махат-таттванинг уйғониши натижасида юзага келади. Биринчи навбатда эзгулик ва хирс гуналари ўзгара бошлайди, кейин ғафлат гунасининг фаолияти натижасида модда ва модда ҳақидаги илм, шунингдек, моддий илмий фаолиятининг ҳар хил кўринишлари пайдо

бўлади.

24. Шу тарзда моддий ўзлик(эго) уч сифатга - эзгулик, хирс ва ғафлат гуналарига айланади ва, моддани ривожлантирадиган қувват шаклида, моддий борлиқ ҳақидаги илм шаклида, моддий фаолиятни бошқарувчи тафаккур сифатида ўзини намоён этади. Эй Нарада, сен бу нарсаларни тушуниб олишга қодирсан.

25. Сохта ўзликнинг зудмати қаъридан беш моддий унсурнинг биринчиси бўлган осмон пайдо бўлади. Унинг нозик шакли - товушдир. Товуш осмон билан, худди кўзнинг кўраётган нарса билан боғланиши сингари боғланган.

26-29. Осмон сифатини ўзгартириб, сезилиш қобилияти мавжуд бўлган ҳавога айланади. Осмон сингари ҳаво ҳам, товушга тўлган, шунингдек, ҳаво ҳаётнинг асосий белгилари - ҳиссий сезгилар, ақл кучи ва моддий кучни ўзида мужассам этган. Вақт ўтиши билан, ривожланиш жараёнида ҳаво оловга айланади. Олов, товуш ўтказиш ва сезилиш сифатларини сақлаган ҳолда, шакл сифатига ҳам эга бўлади. Олов, ўз навбатида, ўзгариб, сувга айланади, сув олдинги сифатларни ўзида сақлаган ҳолда, намлик ва тамга ҳам эга бўлади. Олдинги унсурлар сингари сув шакл, сезилиш ва товушни ўзида мужассам қилиш сифатларига эга. Сув ўзгариб, ерга айланади. Ер ўзидан олдинги унсурларнинг сифатлари - там, сезилиш, товуш, шакл сифатлари билан бирга ҳид сифатига ҳам эга.

30. Ақл ва тананинг фаолиятини бошқарувчи ўн фаришта: Дунё тарафларининг фариштаси, ҳаво фариштаси, Қуёш фариштаси, Пражапати Дакшининг отаси, Ашвини кумарлар, олов фариштаси, осмон фариштаси, жаннатдагилар сиғинадиган Худо, Адитийларнинг энг асосийси ва Браҳма эзгулик гунасида пайдо бўлиб, ўзларини намоён этади.

31. Бундан кейинги ўзгаришлар(трансформация) давомида хирс гунаси сезиш органлари: қулоқ, тери, бурун, кўзлар, тил, оғиз, қўллар, жинсий органлар, оёқлар ва чиқариш органларини, шунингдек тафаккур ва ҳаётгий қувватини келтириб чиқаради.

32. Эй Нарада, илоҳиётчилар аълоси, ана шу пайдо бўлган қисмлар ҳаммаси бирикмагунча тирик мавжудотнинг танаси шаклланмайди.

33. Шундай қилиб, Худо Шахсининг қуввати шу таркибий унсурларнинг барчасини бирлаштиргандан сўнг, яратишнинг бирламчи ва иккиламчи сабаблари таъсири остида олам пайдо бўлади.

34. Узоқ даврлар мобайнида бутун олам сув(Сабаблар уммони)да ғарк бўлиб ётган эди. Ҳар бирининг ичига кириб, Худои Таоло уларга ҳаёт бахш этди.

35. Сабаблар уммонида ястаниб ётган ҳолида, Худои Таоло (Маха-Вишну) айни пайтнинг ўзида, Ўзидан чиқиб кўпайган Хиранийгарбха қиёфаларида, ҳар бир коинот ичига кирди ва минглаб қўл, оёқ, оғиз, калла ва бошқа аъзоларга эга бўлган вират-рупа кўринишини олди.

36. Буюк файласуфлар борлиқдаги мавжуд барча сайёралар тизими Худои Таоло танасининг айрим қисмлари эканини тасаввур эта оладилар.

37. Унинг оғзи - брахманлардир, қўллари - кшатрийлар, бели - вайшйалар, шудралар эса, Унинг оёқларидан пайдо бўладилар.

38. Ер сайёрасигача бўлган барча қуйи сайёралар тизими Унинг оёқларида жойлашган. Бхуварлокадан бошланган ўрта сайёралар Унинг киндигида жойлашган. Буюк донишмандлар ва авлиёлар, фаришталар яшайдиган сайёралар тизими Худои Таолонинг кўкрагида жойлашган.

39. Худо Шахсининг кўкраги ва бўйни оралиғида Жаналока ва Таполока сайёралар тизими жойлашган. Олий сайёралар

тизими Сатйалока эса, Худои Таолонинг фазовий кўринишининг бошида жойлашган. Аммо руҳий сайёралар хамиша, мангу мавжуд.

40-41. Азиз ўғлим Нарада, мавжуд ўн тўрт сайёралар тизимидан еттитаси куйи тизимлардир. Улардан биринчиси, Атала, Худо Шахсининг белида жойлашган, иккинчиси (Витала) - Унинг сониди, учинчиси (Сугала) - тиззасида, тўртинчиси (Талатала) - Унинг болдирида, бешинчиси (Махатала) - тўпигида, олтинчиси (Расатала) - оёқ панжаларининг устки қисмида, еттинчиси (Патала) эса - Унинг товонида жойлашган. Шу тарзда Худои Таолонинг фазовий вираат қиёфаси ўз ичига барча сайёралар тизимини олади. 42. Бошқа тассавурларга кўра борлиқдаги барча сайёралар тизимлари уч қисмга бўлинади: Худо Шахсининг оёғида жойлашган сайёралар тизими (то Ергача) пастки сайёралар; қорнида жойлашган сайёралар - ўрта сайёралар; кўкрагидан то бошигача бўлган сайёралар (сваргалока) - олий сайёралар тизимлари деб юритилади.

Олтинчи боб

Пуруша суктанинг тасдиқлаши

1. Тангри Браҳма шундай деди: - Вирут-пуруша (Худои Таолонинг фазовий кўриниши)нинг оғзи - товуш манбаидир, уни бошқарадиган илоҳ эса - Оловдир. Унинг териси ва бошқа олти қават қобиғи - ведавий ҳамду-санолар манбаидир. Унинг тили, турли туман озиқ-овқат ва ширинлик моддаларини яратади, улардан фаришталар, ўтган авлодлар ва одамлар озиқланадилар. 2. Унинг икки бурун тешиги бизнинг ҳаёт нафасимизни ва ҳар қандай тирик мавжудотларнинг ҳаёт нафасларини яратади, Унинг хид билиш қобилияти Ашвини-кумар фаришталарини ва доривор гиёҳларнинг барча турини яратади. Унинг нафасидан эса, турли хил муаттар ҳидлар пайдо бўлади. 3. Унинг кўзлари - турли хилдаги қиёфа ва шакллар манбаидир. Унинг кўз қорачиқлари куёш ва жаннатий сайёраларга ўхшайди. Унинг қулоқлари оламнинг ҳар бир жойидан чиқаётган товушларни эшитиши ва ўзида ведаларнинг ҳаммасини мужассам қилган. Унинг эшитиш қобилияти эса, осмонни ва товушларнинг ҳар хил турларини яратади. 4. Унинг танасининг усти - бутун мавжудотнинг фаолият кўрсатиши учун ҳамма имкониятлар яратилган макондир. Унинг териси худди, эсаётган шамол сингари сезишнинг ҳамма турларини яратади ва барча қурбонлик маросимларини ўтказиш жойи ҳисобланади. 5. Унинг танасидаги туклари наботот оламининг барчасини, энг аввало қурбонлик маросимида ишлатиладиган дарахтларни яратади. Унинг бошидаги сочи ва юзидаги туклари булутлар маконидир, тирноқларидан тошлар, темир рудалари ва электр қуввати пайдо бўлади. 6. Худои Таолонинг қўлларидан буюк фаришталар ва оддий одамларнинг бошқа йўлбошчи ва ҳимоячилари пайдо бўлади.

7. Худои Таолонинг қадамлари - олий, куйи ва жаннатий сайёраларнинг ва шунингдек, бизга зарур бўлган барча нарсаларнинг нажот маконидир. Унинг нилуфар қадамлари пойи бизларни барча хавфу-хатарлардан ҳимоя қилади. 8. Унинг жинсий аъзоларидан сув, ҳар хил уруғлар, насл қолдириш аъзолари, ёмғир ва насл-насаблар пайдо бўлади. Унинг жинсий аъзолари - насл

қолдириш билан боғлиқ бўлган азоблар эвазига бериладиган лаззат маконидир. 9. Эй Нарада, Худо Шахсининг (ахлат) чиқариш аъзоси - ажал Худоси Митранинг яшаш маконидир. Унинг йўғон ичаги ва чиқариш жойи - ғазаб, ҳар хил бахтсизликлар, ажал, дўзах ва шу каби мусибатлар маконидир. 10. Худо Шахсининг елкаси - ҳар хил афсус надоматлар, ғофиллик ва маънавиятсизлик маконидир. Унинг қон томирларидан катта ва кичик дарёлар пайдо бўлади, Унинг суякларидан эса, баланд тоғ қоялари пайдо бўлади. 11. Худо Шахсининг шахсиз қиёфаси - буюк океанлар маконидир, мавжуд моддий олам емирилганда барча тирик мавжудотлар Унинг қорнида нажот топадилар. Унинг юраги - тирик мавжудотларнинг нозик таналари (ақл, тафаккур, эго)нинг маконидир. Чуқур тафаккурга эга бўлган зотлар буларнинг ҳаммасини биладилар. 12. Мана шу буюк шахсининг онги - мангу дин (дхарма) қоидаларининг, шунингдек, менинг, сенинг ва уйланмасликка қасам ичган тўрт Кумар (Санака, Санатана, Санат ва Санандана)нинг нажот маконидир. Унинг онгидан мангу ҳақиқат ва илоҳий илм ҳам жой олган. 13-16. Худо Шахсининг фазовий қиёфаси бутун борлиқни ўз ичига қамраб олган: унинг таркибига мен, сен, Бхава (Шива) ва сандан аввал туғилган барча донишмандлар, фаришталар, иблислар, нагалар, одамлар, паррандалар, ҳайвонлар, шунингдек коинотдаги барча мавжуд нарсалар: сайёралар, юлдузлар, астероидлар, ҳар хил ёритгичлар, яшин, момоқалдиروқлар киради. Унга ҳар хил сайёралар тизимидаги барча тирик мавжудотлар - гандҳарвалар, апсарлар, йакшалар, ракшаслар, бхуганлар, урагалар, пашулар, питалар, сиддхалар, видийадхаралар, чараналар ва тирик мавжудотларнинг бошқа турлари, шу жумладан қушлар, ҳайвонлар, дарахтлар шунингдек ўтмишдаги, ҳозирги ва келажакдаги барча тирик мавжудотлар киради. Аммо, Унинг Ўзи буларнинг барчасига нисбатан бутунлай илоҳий бўлган ҳолда ва Ўзининг йигирма сантиметрдан ошмайдиган мангу қиёфасида мангу мавжуддир. 17. Куёш ўз нурлари билан бутун коинотни ҳам ичидан, ҳам ташқарисидан ёритиб туради. Худди шунингдек, Олий Худо Шахси, фазовий қиёфага кирган ҳолда, бутун борлиқни ҳам ичидан, ҳам ташқарисидан қувватларни тутиб туради. 18. Олий Худо Шахси мангулик ва жасурлик устидан ҳам ҳукмрондир, У моддий оламдаги ўлимга ва карма (оқибат) келтирувчи фаолиятга нисбатан илоҳийдир. Шунинг учун, эй браҳман Нарада, Худои Таоло таърифининг ниҳояси йўқ. 19. Билсанг, барча тирик мавжудотлар Олий Худо Шахси қудратининг тўртдан бир қисми бўлган моддий оламда яшайдилар, ва У барча моддий бойликларнинг манбаидир. Мангулик, жасурлик ва кексалик ва касалликлар келтирувчи азоблардан холи бўлган жой - Худои Таоло, Шри Кришнанинг даргоҳидир, у коинотдаги сайёраларнинг уч тизими ва барча қатламлардан ташқарида жойлашган.

20. Худо Шахси қудратининг тўртдан уч бўлагини эгаллаган руҳий олам моддий оламдан ташқарида жойлашган ва у даргоҳ қайта туғилишдан озод бўлган руҳлар яшати учун мўлжалланган. Оилавий ҳаётга боғланиб қолган ва жинсий ҳаётни тарк этиш қасамига амал қилмайдиганлар мавжуд уч моддий олам ичра яшашга маҳкум. 21. Қувватларининг кучи билан Худои Таоло Ўзининг мутлак (абсолют) ҳукмини ҳар қандай фаолиятга, - моддий оламга ҳукмронлик қилиш ниятида

килинадиган фаолиятга ҳам, Худога холис хизмат қилиш жараёнидаги фаолиятга ҳам ўтказиб туради. Ҳар қандай ҳолатда ҳам У ҳақиқий илмнинг ҳам, ғофилликнинг ҳам олий ҳукмдори бўлиб қолаверади. 22. Худо Шахси барча шарсимон коинотларни, шунингдек, барча моддий унсурлардан, сифатлардан ва хиссиётлардан таркиб топган Ўзининг фазовий қиёфасини ҳам Ўзи яратади. Аммо, ўз нурлари ва хароратидан бўлак турувчи қуёш сингари, У ҳам, Ўзи яратган ана шу моддий нарсалардан бўлак ҳолда мавжуддир. 23. Мен Олий Шахс(Маха-Вишну) қорнидан ўсиб чиққан нилуфар гулидан дунёга келганимда, қурбонлик маросими ўтказиш учун буюк Худои Таолонинг тана аъзоларидан бошқа, ҳеч нарса йўқ эди. 24. Қурбонлик маросими ўтказиш учун маълум анжомлар керак бўлади: гуллар, япроқлар, қуриган майсалар, олов ёқиш учун эҳром ва белгиланган фасл(бахор). 25. Ундан ташқари ҳар хил қурбонлик анжомлари: дон, сариёғ, асал, олгин, ер, сув, "Риг-веда", "Йаджур-веда", "Сама-веда" ва тўрт руҳоний ҳам бўлиши керак. 26. Шу билан бирга, маълум мақсадни кўзлаб, аниқ тартибда, муқаддас китобларда берилган кўрсатмалар асосида, ҳар хил мадҳиялар ўқиб, ҳар хил нарсаларни қурбонлик келтириб, фаришталарнинг номларини чақириш лозим. 27. Мен қурбонлик маросимини ўтказишга зарур нарсаларни тўплаш учун Худои Таолонинг тана қисмларидан фойдаланишга мажбур бўлдим. Фаришталарнинг номларини такрорлаш билан аста-секин олий мақсадга - Худо Шахси Вишнуга етишдим ва қурбонлик маросимини охирига етказишга, Ундан олган нарсаларимни ўрнига қўйишга муваффақ бўлдим. 28. Шундай қилиб мен, қурбонликлардан лаззат олувчи Олий Худо Шахсининг танасининг бўлақларидан қурбонлик учун зарур бўлган ҳамма нарсани яратдим, кейин эса, Худои Таолони рози қилиш учун қурбонлик ўтказдим. 29. Эй ўғлим, шундан сўнг, намоён бўлган ва бўлмаган пуруша(шахс)ларни рози қилиш учун, барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдорлари бўлган сенинг тўққиз оғанг қурбонлик маросимларини ўтказдилар. 30. Кейин Худои Таолони рози қилиш учун, инсоният бобокалони Ману, инсоният авлодлари, буюк донишмандлар, ведавий илм билимдонлари, даитилар ва одамлар қурбонлик маросимларини ўтказдилар.

31. Шу тарзда, мавжуд бутун борлиқ Унинг бениҳоя қудратлари чегарасида намоён бўлади. Унинг Ўзи тўла бутун бўлса ҳам, бу қудратларга боғлиқ бўлмаган ҳолда уларни қабул қилади ва У моддий сифатларга нисбатан (боғланмаган)илоҳийдир. 32. Унинг амри билан мен яратаман, Тангри Шива йўқ қилади, Ўзи эса, мангу Худо Шахси, Вишну қиёфасида борлиқнинг мавжудлигини таъминлаб туради. У - мана шу уч қувватнинг қудратли ҳукмдоридир. 33. Эй ўғлим, мен сенинг барча саволларингга жавоб бердим. (Ҳоҳ руҳий, ҳоҳ моддий оламдаги барча сабаб ва оқибатлар) Оламдаги ҳамма нарсалар Худои Таолонинг ҳукми остида эканига сенинг қалбингда ҳеч қандай шубҳа қолмаслиги керак. 34. Эй Нарада, мен Олий Худо Шахси, Харининг нилуфар қадамлари пойига маҳкам ёпишиб олганман, шу боис мен айтган нарсалар ҳали ҳеч қачон нотўғри бўлган эмас. Ҳеч нарса ва ҳеч қачон менинг ақлимни ўзига жалб этмаган, хиссиётим эса, ўткинчи моддий нарсаларга боғланиш билан булганмаган. 35. Гарчи мени, шогирдлар силсиласи орқали бериладиган ведавий илмларни мукаммал эгаллаган буюк Брахма деб

атасалар ҳам, гарчи, барча риёзатлар орқали ўтган бўлсам ҳам, ўзимни англаб, барча сеҳр илмларини эгаллаган бўлсам ҳам, ва гарчи буни менинг олдимда тиз чўкиб, тирик мавжудотларнинг буюк бобокалонлари тан олган бўлсалар ҳам, мен барибир Уни, дунёга келишимга сабаб бўлган Худо Шахсини англаб етишга қодир эмасман. 36. Шунинг учун, қўлимдан келадигани - Унинг нилуфар қадамлари пойига ўз ихтиёримни топшириш, чунки, ана шундай садоқатгина бетиним ўлиб-тирилишлар олиб келадиган азоб-укубатлардан халос этади. Худо Шахсига содиқлик, садоқат ҳар тарафдан шарофатли ва тўла бахтиёрлик лаззатидан бахраманд бўлиш имконини беради. Ҳатто осмон ўзининг кенглигини таърифлашга ожизлик қилади. Ҳатто Худои Таолонинг Ўзи ҳам Ўзининг ниҳоясини билмаса, бошқа тирик мавжудотлар ҳақида нима дейиш мумкин. 37. Руҳий(илоҳий) бахт чегарасини на Тангри Шива, на сен, на мен, аниқлай олмаймиз, бошқа фаришталар уни қаердан билсинлар? Бизларнинг ҳаммамиз Худои Таолонинг алдамчи ташқи қуввати таъсири остида адашган ҳолатда бўлганимиз туфайли, ҳар биримиз ўз қобилиятларимизга яраша, фақат мана шу намоён бўлган борлиқнигина кўра оламиз. 38. Гарчи, Худони охиригача англаб етишга қодир бўлмасак ҳам, Унинг намоён қилган қиёфалари ва қилган ишларини олқишлаб, Олий Худо Шахси олдида эҳтиром билан бош эгайлик. 39. Олий Худо Шахси, Шри Кришна, Ўзи туғилмаган бўлган ҳолда, Ўзининг тўла қисми ва биринчи қиёфаси бўлган Маха Вишну қиёфасига кириб, намоён бўлган коинотни яратади. Ҳар ҳолда яратиш Унинг ичида рўй беради, моддий унсурлар ҳам, мавжуд олам ҳам Унинг Ўзидан фарқ қилмайди. Маълум вақт ичида моддий оламнинг мавжудлигини таъминлаб туриб, кейин уни яна Ўз ичига қайтаради. 40-41. Олий Худо Шахси покдир, чунки, моддий оламнинг ҳеч қандай қусурлари, иллатлари Унга таъсир қилмайди. У - тўла ва мукаммал илм тимсоли, Мутлақ Ҳақиқатдир. У бутун борлиқни Ўзи қамраб олган, Унинг на аввали, на охири мавжуд эмас, ва ҳеч ким Унга тенг бўла олмайди. Эй буюк донишманд Нарада, фақат барча моддий орзу-истаклардан бутунлай пок бўлган ва тўла хотиржам(осойишта) ҳолатга эришган буюк донишмандларгина Уни англай оладилар. Бемаъни фикрлашлар ҳамма нарсани фақат чалкаштириб юборади, холос ва Худои Таоло бизнинг кўзимиздан ғойиб бўлади.

42. Каранарнаваший Вишну Худои Таоло Шахсининг биринчи қиёфасидир. У мангу вақтнинг, фазонинг, сабаб ва оқибатнинг, ақлнинг, моддий унсурларнинг, моддий эго(ўзлик)нинг, табиат сифат(гуна)ларининг, хиссиётларнинг, Худо Шахсининг фазовий кўринишининг, Гарбходакашайи Вишнунинг, шунингдек барча кўзгалувчи ва кўзгалмас тирик мавжудотларнинг эгасидир. 43-45. Мен(Брахма), Тангри Шива, Тангри Вишну, тирик мавжудотларнинг буюк бобокалонлари(Дакша, Пражапати ва бошқалар), сизлар(Нарада ва Кумарлар), Индра ва Чандра сингари жаннат фаришталари; гандҳарвалар, видйадҳаралар яшайдиган ва Чараналока сайёраларининг ҳукмдорлари; йакшалар, рақшаслар ва урагаларнинг ҳукмдорлари, буюк донишмандлар, буюк иблислар, буюк худосизлар, фазода сайр қилувчиларнинг энг улуғлари, шунингдек, ўликлар, арвоқлар, ажиналар, жинлар, кушмандалар, баҳайбат денгиз махлуқлари, баҳайбат қуш ва ҳайвонлар - бир сўз билан айтганда

ғайритабиий қудратга, зийрак тафаккурга, ҳайратланарли даражада ривожланган сезиш органларига, кучга, гўзалликка, камтаринликка, бойликка, шон-шарафга эга бўлган, ҳар хил киёфалардаги ва киёфага эга бўлмаган тирик мавжудотлар Худо Шахсининг кўриниши ёки Ҳақиқатнинг бир бўлаги бўлиб кўриниши мумкин, аммо аслида ундай эмас. Уларнинг ҳар бири - Худо Шахсининг илоҳий қудратининг кичик бир заррачаси, холос. 46. Эй Нарада, энди мен сенга дила-аватаралар деб аталадиган Худо Шахсининг илоҳий киёфаларини таърифлаб бераман. Уларнинг ишлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш инсон қалбини тўпланган барча дунёвий иллатлардан халос этади. Ана шундай ўйинлар ҳақидаги ҳикоялар инсон қалбини қувонтириб, жонларга ором беради, ва шу боис мен уларни ҳамшиша қалбим тўрида асрайман.

Еттинчи боб.

Худо Шахсининг мунтазам намоён қиладиган киёфалари ва уларнинг алоҳида вазифалари

1. Тангри Браҳма шундай деди: - Бениҳоя қудратга эга бўлган Худои Таоло, Гарбходака деб аталадиган чексиз коинот қаърида ётган Ер сайёрасини кўтариб чиқиш учун, (вепрь) Тўнғиз киёфасига кирганида, Унинг рўпарасида биринчи иблис (Хиранйакша) ҳозир бўлди, Худо Шахси ўткир кураклари ёрдамида уни ёриб ўлдирди. 2. Аввало Пражапати ва унинг хотини Акутининг фарзанди бўлиб Суйажна дунёга келди, кейин, Суйажна ва унинг хотини Дакшинанинг фарзандлари сифатида Суйама бошлиқ фаришталар туғилдилар. Индрадеванинг вазифасини бажара туриб, Суйажна коинотдаги барча уч(олий, ўрта ва қуйи) турли сайёралар тизимидаги мусибатларни енгиллаштирди. Унинг ана шу жасорати учун инсониятнинг буюк бобокалони Свайамбхува Ману Унга "Хари" номини берди. 3. Кейин Худои Таоло браҳман-донишманд Кардама ва унинг хотини Девахутининг фарзанди Капила киёфасида пайдо бўлди. Худои Таоло билан бирга Унинг тўққиз опаси ҳам туғилди. У онасига руҳий ўзликни англаш илмини ўргатди ва натижада онаси шу ҳаётининг ўзидаёқ моддий табиат гуналари таъсиридан бутунлай покланиб, Капила ўргатган йўл билан озодликка эришди. 4. Буюк донишманд Атри Худои Таолодан фарзанд тилаб илтижо қилди, Худои Таоло унинг илтижоларидан мамнун бўлиб, унинг ўғли (Атрининг ўғли Датта, Даттагрея) бўлиб дунёга келишга ваъда берди. Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойи шарофати билан кўплаб Йаду, Хайхайи ва бошқаларнинг қалблари гуноҳлардан шу қадар покландики, улар - ҳам моддий, ҳам руҳий олам бахтиёрлигига эришдилар. 5. Турли хил сайёралар тизимини яратиш ниятида мен узлатда қаттиқ риёзатлар чекдим, шунда мендан мамнун бўлган Худои Таоло тўрт Сан(Санака, Санаткумар, Санандана ва Санатана) киёфасида намоён бўлди. Олдинги яратиш давридаги коинот емирилганида илоҳий(руҳий) илм ҳам йўқолиб кетган эди, аммо, ана шу тўрт Сан илоҳий илмни шундай мохирлик билан баён этдиларки, уларни тинглаган донишмандлар Ҳақиқат илмини дарров эгаллаб олдилар. 6. Ўзининг риёзат чекиш бобида қанчалик улуғвор эканлигини намоён қилиш учун Худои Таоло Дакшининг қизи - Мурти ва унинг эри Дхарманинг эгизак

фарзандлари Нара ва Нарайана киёфаларида дунёга келди. Гўзаллик фариштаси Купидон атрофидаги сохибжамол фаришталар Унинг ақлини чалғитиб, риёзатларини бузишга мажбур қилишга уриниб кўрдилар, аммо Худои Таолонинг танасидан бирин-кетин, худди ўзлари сингари кўплаб сохибжамол фаришталар чиқаётганини кўриб, ҳайратга тушдилар. 7. Тангри Шива сингари матонатли зотлар ўзларининг ғазаб тўла нигоҳлари ёрдамида эхтиросларини зўрлик билан бошишлари мумкин, аммо ғазабини ичига юта олмайдилар. Ана шундай ғазаб олови Худои Таоло қалбига бутунлай ёт, чунки У бундай туйғулардан устун туради. Шундай экан, Унинг ақлида эхтирос қаердан ҳам пайдо бўларди?

8. Шоҳнинг хузурида унинг иккинчи хотинидан эшитган аччиқ гапларидан хафа бўлган шахзода Дхрува, ҳали ёш бўлишига қарамай ўрмонга кетиб, қаттиқ риёзат чека бошлади. Унинг илтижоларидан мамнун бўлган Худо Шахси унга Дхрува сайёрасини тухфа қилди. Ана шу сайёрага ундан юқори ва паст сайёраларда яшайдиган буюк донишмандлар сиғинадилар. 9. Маҳараж Вена тақводорлик йўлидан четга чиқиб кетгани учун браҳманлар дуои бад қилиб, унинг бошига қарғиш оловини ёғдирдилар. Ана шу қарғиш шоҳ Венанинг барча савоб ишлари-ю мол-дунёсини хазон қилиб, ўзини дўзахга мубтало қилди. Шунда бесабаб марҳамати билан Худои Таоло Ер юзига унинг ўғли Притху киёфасида келиб, қарғишга учраган шоҳ Венани дўзах азобидан қутқарди ва Ер юзига ишлов бериб, уни ҳар хил озиқ-овқатлар ундириб-ўстиришга мажбур қилди. 10. Кейин Худои Таоло шоҳ Набхининг хотини Судевининг фарзанди Ришабхадева киёфасида бўлиб дунёга келди. Ақлини мувозанатга келтириш учун У моддий йога усули билан шуғулланди. Бу усул ҳам озодликка чиқишнинг мукамал йўли ҳисобланади, унинг ёрдамида инсон руҳий ўзлигига ғарқ бўлиб, тўла осойишталикка эришади. 11. Мен(Браҳма) қурбонлик маросими ўтказаятган пайтимда Худои Таоло Хайагри-ва киёфасида намоён бўлди. У - қурбонлик тимсолидир, Унинг танаси олтин рангида эди. У Ведаларнинг ҳам тимсоли бўлиб, барча фаришталарнинг Олий Руҳидир. У нафас олганида бурунларидан ведавий мадҳияларнинг қулоққа ёқимли овозлари эшитиларди. 12. Ҳозирги яратиш даври ниҳоясига етганида, Сатйаврата номли бўлғуси Вайвасвата Ману Худо Шахсининг балиқ(Матся) киёфасига кириб, Ер ва шу каби сайёралардаги тирик мавжудотларга Унинг қандай нажот берганини кўради. Ҳар гал давр ниҳоясига етганида, чексиз сув тошқинини кўриб, мен даҳшатга тушаман, барча ведалар оғзимдан тушиб кетади. Шунда ана шу чексиз сувлардан лаззат оладиган Худои Таоло уларни қутқариб қолади.

13. Кейин азалий Худои Таоло фаришталар ва иблислар океанни чайиш учун (пишкак) сифатида қўлланаётган Мандара тоғининг таянчи вазифасини бажариш учун Тошбақа(Курма) киёфасида намоён бўлди. Улар мангулик шарбатини олиш ниятида Мандара тоғи билан сут уммон(океан)ини чайқаятган эдилар. Тоғ чайқалганида мудраб ётган Худои Таолонинг елкасини қашиб, Унга лаззат бағишлади. 14. У фаришталарни қамраб олган даҳшатни тарқатиш учун Присимхадева киёфасида дунёга келди. Гурзиси билан Ўзига ташланган иблислар шоҳи(Хиранякашипу)ни ўлдирди. Ҳазаб ўтида қошларини чимириб, Худои Таоло

ло дахшатли курак тишлари чикиб турган оғзини очди ва иблисни тиззасига олиб, панжалари билан титиб ташлади. 15. Кунларнинг бирида, дарёда чўмилаётганида филлар сардорига ўздан кучлироқ бўлган тимсоҳ ҳамла қилди ва уни чидаб бўлмас кийноққа солди. Хартуми билан нилуфар гулгунчасини олиб, фил Худои Таолога нола қилди: -"Эй азалий лаззатланувчи Зот, эй бутун олам Хукмдори, Худо Шахси! Эй саждагоҳ сингари пок бўлган нажот манбаи! Фақат Сенинг муқаддас номларинггина зикр этишга арзийди, уларни такрорлаш билан бутун мавжудот гуноҳлардан покланади!" 16. Филнинг илтижоларини эшитган Худои Таоло унинг қаттиқ азобга дучор бўлганини, зудлик билан ёрдам бериш кераклигини тушунди. Шу заҳотиёқ чакрасини қўлига олиб, қушлар шоҳи Гаруданинг елкасида филнинг ёнида ҳозир бўлди. Қуроли билан У тимсоҳнинг оғзини тимдалаб ташлади ва филни хартумидан кўтариб озодликка чиқарди.

17. Худои Таоло моддий табиатнинг барча гуналарига нисбатан илоҳийдир, аммо барибир Ўзининг фазилатлари билан Адитининг барча ўғилларининг шухратини сўндирди. Худои Таоло Адитининг кенжа ўғли(Вамана) киёфасида дунёга келиб, коинотнинг барча сайёралари устидан ҳатлаб ўтди, демак, У - Олий Худо Шахсидир. Уч қадам қатталигидаги ер парчасини сўраш баҳонаси билан, Худои Таоло Бали Маҳаражнинг бутун салтанатини тортиб олди. Худо Шахси бунинг учун шохдан рухсат сўради, чунки, қанчалик қудратга эга бўлишидан қатъий назар, эгасининг рухсатисиз ҳеч ким бировнинг молига эгалик қила олмайди. 18. Гарчи руҳий устози берган ваъдасини бажармасликни буюрган бўлса ҳам, Худои Таолонинг оёғи пойидан оқаётган(Ганга) сувида покланиб, Бали Маҳараж ваъдасининг устидан чиқишдан бошқа нарсани ўйламади. Худои Таоло учинчи қадамни қаерга қўйишини сўраганида, шоҳ Унга ўзининг бошини кўрсатди. Ана шундай инсон Худои Таолони рози қилиш учун, ҳатто ўзи қўлга киритган жаннатнинг тахтини ҳам аямайди.

19. Эй Нарادا, Хамсаватара киёфасида намоён бўлган Олий Худо Шахси сенга Худо ва Унга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш ҳақидаги илмни ўргатди. У сенинг чуқур муҳаббат билан хизмат қилаётганингдан мамнун бўлган эди. Шунингдек, У сенга Худого садоқат билан хизмат қилиш илмини ҳам ўргатган эди. Бу илмни фақат ўз ихтиёрини Худои Таоло Васудевага бутунлай топширган инсонларгина англаб етишга қодир бўладилар. 20. Ману киёфасига кириб, Худои Таоло Ману хонадонининг авлодларидан бири бўлди, Ўзининг қудратли халқа(чакра)си ёрдамида зolim шохлар устидан ғалаба қозониб, уларни Ўзига бўйсундирди. Унинг чексиз салтанатининг, давлатни бошқаришининг шухрати бутун оламга таралиб, коинотнинг энг олий сайёраси - Сатйалокагача етиб борди. 21. Ўзининг Дханвантара киёфасида Худои Таоло мангу хасталикка учраган барча тирик мавжудотларнинг дардига малҳам бўлди. Унинг шарофати билан фаришталар узок умр кўриш имкониятига эга бўлдилар. Шу боис инсону-фаришталар Худо Шахсини ҳамиша олқишлайдилар. Шунингдек, У қурбонликлардан ўз улушини белгилаб, бутун жаҳонда тиббиёт илмига асос солди. 22. Дўзах ўтига дучор бўлишни истаб юрган, қшатрийлар деб аталмиш хукмдорлар Мутлақ Ҳақиқатга етказувчи йўлдан адашган вақтда, Худои

Таоло Парашурама киёфасида пайдо бўлди ва чипқон сингари Ернинг танасига ёпишиб олган шу шохларни яқсон қилди. Ўзининг ўткир қиличи билан У қшатрийлар авлодини уч бор етти мартадан яқсон қилди.

23. Бу коинотда яшаётган тирик мавжудотларга чексиз марҳаматини кўрсатиб, Худо Шахси Ўзининг тўла кўринишлари билан бирга Маҳараж Икшваку наслида пайдо бўлди ва ички қуввати бўлган Ситанинг рафиқаси бўлди. Отаси Маҳараж Дашаратҳанинг амри билан, рафиқаси ва укаси ҳамроҳлигида ўрмонда бир неча йил узлатда бўлди. Буюк моддий қудрат соҳиби бўлган ўн бошли иблис Равана Худои Таолони қаттиқ ҳақорат қилишга журъат этди ва натижада ҳалокатга учради. 24. Худои Таоло Рамачандра яқин дўсти(Сита)дан ажралгач, хижрон ўтида ёниб, душмани(Раван) шаҳрига ғазаб билан нигоҳ ташлади. Унинг ғазаб билан ёниб турган кўзлари (жаннатнинг кулини кўкка совуришга жазм қилган) Харининг кўзларини эслатарди. Буюк океан дахшат ичида титраб, Худои Таолони ўтказиб юборди, чунки сувда яшаётган балик, илон, тимсоҳ ва ақуалар Худои Таолонинг ғазабли нигоҳи ҳароратига бардош беролмай қолган эдилар. 25. Равана билан жанг қилаётганида, Индра минган филнинг хартуми Раваннинг кўксига урилиб чил-парчин бўлиб кетди ва ҳар тарафга сочилиб кетган бўлақлар бутун оламни ёритди. Ўзининг бу жасоратидан мағрурланиб кетган Равана, бутун оламни забт этганига ишонч ҳосил қилиб, жанг қилаётган қўшинлар олдида гердайиб юра бошлади. Аммо, шунда Худои Таоло Рамачандранинг камон овози жаранглаб, Раваннинг шодлик тўла кулгиси бирданига тўхтаб қолди ва у жонидан жудо бўлди. 26. Худосиз шохлар тўплаган ҳарбий қўшинлар азобидан бутун жаҳон мусибатга тушганида, Худои Таоло, Шри Кришна ва Унинг тўлиқ бутун киёфаси(Баларама) оламининг дардини енгиллатиш учун бу дунёда намоён бўлдилар. Шунда Худои Таоло Ўзининг қоп-қора сочили азалий мангу киёфасида дунёга келган ва илоҳий қудратини намоён қилиш учун жуда кўп ғайриоддий қахрамонликлар кўрсатганди. Худо Шахсининг улўворлигини ҳеч ким охиригача англаб ета олмайди.

27. Шри Кришнанинг Олий Худо Шахси эканлигига заррача шубҳа йўқ, акс ҳолда У ҳали чақалоқ бўлишига қарамай, баҳайбат иблис Пуганани ўлдира олган, уч ойлик бола пайтида оёғи билан аравани ағдарган ёки, оёғига боғланган ҳовонча билан айланиб юриб, ҳовлида ўсиб турган осмонўпар икки қатта Аржун дарахтини илдизи билан бирга кўпориб олган бўлармиди? Ана шундай қахрамонликларни амалга оширишга Худои Таолонинг Ўздан бошқа ҳеч ким қодир эмас. 28. Кейин, подачи болалар ва улар бокиб юрган сигирлар Ямунанинг заҳарланган сувидан ичиб, заҳарланганларида, Худои Таоло меҳрибон нигоҳини ташлаб, уларни ажал домидан қутқарди ва худди ўйнаётган бола сингари дарёга сакраб, сувда яшириниб ётган, оғзидан заҳар томаётган қатта илон - Калияни ўлдирди. Ана шундай қахрамонликларни Худо Шахсидан бошқа ким қила олади? 29. Шу куни тунда, Вражабҳуми аҳолиси қаттиқ ухлаб ётганида, ўрмонга ёнғин кетди. Ваджа аҳолиси муқаррар ажал домига тушиб қолган эди, аммо Худои Таоло Баларама билан бирга, шунчаки ёнғинга кўзларини тикиб, ўтни ўчирдилар. Худои Таолонинг қилган ғайритабиий ишлари ана шундай. 30. (Шри Кришнанинг онаси Яшода)

Подачи аёл ўглининг қўлларини аркон билан боғлаб қўймоқчи бўлди, аммо ҳар қанча уринса ҳам, ҳар гал унинг қўлидаги аркон калталиқ қилиб қолаверарди, охири у бунга қўлини силтаб қўя қолди. Шунда Шри Кришна оғзини очди, боласининг оғзига қараган онаси у ерда бутун коинотни кўрди. Бу мўъжизадан онасининг қалбига ғулгула тушди, аммо у бу мўъжизани англаб етмай, унга ўзича маъно бериб қўя қолди. 31. Шри Кришна отаси Нанда Маҳаражни Варуна фариштасининг дахшатли даргоҳидан қутқарди ва Майанинг ўғли ғор ичига қамаб қўйганида, подачи болаларни у ердан озодликка чиқарди. Бундан ташқари, Вриндаван аҳолисига, улар кун бўйи бетиним ишлаб чарчаб, кечаси қаттиқ уйкуга кетганларида рухий оламнинг энг баланд сайёрасига эришиш имкониятини яратиб берди. Бу ишларнинг ҳаммаси илохий мўъжизалардир ва улар Шри Кришнанинг ҳақиқатан ҳам Олий Худо Шахси эканлигига заррача шубҳа қолдирмайди. 32. Шри Кришнанинг гапига кириб, Вриндаван подачилари осмон шоҳи Индра фариштасига қурбонлик қилмай қўйганларида, Враджа деб аталган жойнинг ҳамма жойига етти кун тинмай ёмғир ёғиб, ҳамма ёқни сув босиб кетиш ҳавфи туғилди. Ҳали етти ёшга энди тўлган бўлишига қарамай, Шри Кришна Враджа аҳолисига Ўзининг бесабаб марҳаматини кўрсатиб, бир қўли билан Говардхана тоғини (етти кун) кўтариб турди. У ана шундай қилиб подачи ва чорва молларини тинимсиз ёғаётган ёмғирдан сақлаб қолди.

33. Худо Шахси Ўзининг ширин куйлари билан Вриндаван аёлларининг эҳтиросларини уйғотиб, Вриндаван ўрмонларида ишқий ўйинларга берилганида, жаннат хазиначиси(Кувера)нинг бадавлат издошларидан бири бўлмиш Шанкхачуда деган иблис уларни ўғирлаб кетди. Худо Шахси унинг бошини танасидан жудо қилди. 34-35. Праламба, Дхенука, Бака, Кеши, Аришта, Чанура, Муштика, Камса, Йавана, Наракасуро ва Паундрака деган иблислар, Кувалайапида деган фил, Шалвага ўхшаган ҳарбий қўмондонлар, Двивида ва Балвала деган маймунлар, Дантавакра, етти хўкиз, Шамбара, Видуратха ва Рукми, шунингдек Камбоджа, Матсйа, Куру, Сриджайа ва Кекайя каби буюк жангчилар Худои Таоло Харининг шахсан Ўзи(Шри Кришна) билан ёки, Баладева, Аржун, Бхима номидан ҳаракат қилаётган Худои Таоло билан қаттиқ жанг қиладилар. Ана шу иблислар ҳалок бўлганидан кейин эса, Худо Шахсининг Вайкунтҳадаги даргоҳига ёки шахсиз брахмадждйотига қирадилар. 36. Худо Шахси, Сатйаватининг ўғли(Вйасадева) киёфасида намоён бўлиб, Ўзи яратган Ведавий битикларни, тафаккури ривожланмаган, умрлари қисқа бўлган одамлар тушуниб олиши учун жуда қийин деган хулосага келди ва ана шу битикларни ҳозирги(Кали) даврига мослаб, ҳар хил бўлақларга бўлади. 37. Ведалар илмини мукамал эгаллаб олган атеистлар, буюк олим Майа ясаган ҳаво кемаларида учиб юриб, коинотнинг турли сайёраларидаги аҳолини кириб ташлаётганида, Худои Таоло уларнинг ақлларини ҳайратда қолдириб, чиройли либосларга ўранган Будда киёфасида, азалий диний коидалар(дхарма)га яқин бўлган қонун-коидаларни тарғибот қилади. 38. Кейин, Кали юга охирида, ҳатто тақводор авлиё саналган кишилар хонадонларида ҳам, уч олий табақага тегишли хонадонларда ҳам Худо ҳақидаги гаплар умуман айтилмай қолганида, ҳокимиятни бошқариш сайлов орқали танланадиган

ғофил шудра ёки ундан ҳам пастроқ табақадаги одамлар қўлига ўтиб, қурбонлик маросимини қандай ўтказиш лозимлигини биладиган ҳеч ким қолмаганида Худои Таоло олий ҳукмрон - одил жазоловчи (Калка)сифатида намоён бўлади.

39. Риёзат, мен(Брахма) ва зурёд қолдирувчи буюк донишмандлар - Пражапатилар яратиш азалидан мавжуд. Кейинроқ, борлиқнинг мавжудлигини таъминлаш жараёнида Худои Таоло Вишну, бошқариш ҳукуқи берилган фаришталар ва ҳар хил сайёраларнинг ҳукмдорлари фаолият кўрсатадилар. 40. Вишнунинг улғуворлигини ким ҳам таърифлай оларди? Агар бу ишга коинотдаги барча атомлар сонини биладиган олим қўл урса, ҳатто у ҳам уддасидан чиқолмаган бўларди. Ахир, Ўзининг Тривикрама киёфасида, коинотнинг барча сайёралар тизимини уч қадамда босиб ўтиб, оёғи коинотнинг энг олий сайёраси - моддий табиатнинг уч гунаси таъсир қилмайдиган Сатйалокага осонликча етган ҳам Худои Таолонинг Ўзику! Ана шу ҳодиса барчани эсанкиратиб қўйган эди. 41. Менинг ўзим ҳам, сенгача туғилган буюк донишмандлар ҳам, Худо Шахсини охиригача англаб ета олмаймиз. Шундай экан, биздан кейин туғилганлар ҳақида нима ҳам дейиш мумкин? Ҳатто Худо Шахсининг биринчи намоён бўлган киёфаси -Шеша ҳам, гарчи минг оғзи билан Худои Таолонинг сифатларини бетиним таърифлаётган бўлишига қарамай, бу илмнинг охирига ета олмаяпти. 42. Аммо, Олий Худо Шахсига холис хизмат қилишга ўзини бутунлай бахшида қилган ва шу туфайли Худо Шахсининг алоҳида марҳаматига сазовор бўлган одам, гафлат уммонини кечиб ўтиб, Худои Таолога эриша олади. Лекин, охир-оқибатда иту-бўриларга ем бўлиб кетадиган ўзининг ўткинчи танасига боғланиб қолган кишилар бунга қодир эмаслар.

43-45. Эй Нарада, Худо Шахсининг англаб бўлмас қувватларининг ниҳояси йўқ, аммо бизлар Унга ихтиёримизни бутунлай топшириб қўйган зот(рух)лар бўлганимиз учун, Унинг йогамайя қувватлари ёрдамида қандай фаолият кўрсатиши бизга аён. Худо Шахсининг қувватлари ҳақидаги имлни қудратли Шива, Прахлада. Свайамбхува Ману, унинг хотини Шатарупа, ўғил ва қизлари(Прияврата, Уттапанада, Акути, Девахути ва Прасути), Прачинабархи, Рибху, Анга(Венанинг отаси), Маҳараж Дхрува, Икшваку, Аила, Мучукунда, Маҳараж Жанака, Гадҳи, Рагху, Амбариша, Сагара, Гайа, Нахуша, Мандхата, Аларка, Шатадханве, Ану, Рангидева, Бхишма, Бали, Амурттарайа, Дилипа, Саубхари, Уттанка, Шиби, Девала, Пиппалада, Сарасвата, Уддхава, Парашара, Бхуришена, Вибхишана, Хануман, Шукадева Госвами, Аржун, Ариштишена, Видура, Шрутадева ва бошқалар ҳам биладилар. 46. Худо Шахсига ўз ихтиёрини бутунлай топширган зотлар, ҳатто улар гуноҳкор осийлар - аёллар, шудралар, тоғликлар ва сибирлик(чукча)лар, ва ҳатто қушлару-ҳайвонлар тоифасидан бўлсалар ҳам, - агар, Худога садоқатли хизмат қилиш йўлида, Унинг соф содиқларига ўзларини топшириб, уларнинг изидан борсалар, Худо ҳақидаги илмни эгаллаши ва бу алдамчи қувват таъсиридан озод бўлишлари мумкин. 47. Худо Шахсини Мутлақ Браҳман кўринишида англаган инсон чексиз лаззатга эришади, бу лаззатга ҳеч қандай қайғу таъсир қилмайди. Бу албатта, олий лаззатланувчи бўлган Худои Таолонинг олий кўринишидир. У ҳамиша хотиржам ва беташвиш. У моддадан фарқ қилган ҳолда, му-

каммал онг тимсолидир. Моддий қарама-қаршилиқларга эга бўлмаган ҳолда У мутлақо пок, барча сабаб ва оқибатларнинг азалий, олий сабабидир. Унда, натижасидан лаззатланиш ниятида қилинадиган кубонликларга ўрин йўқ, ва ташқи алдамчи қувват таъсирини Унга ўтказа олмайди. 48. Ана шундай илоҳий ҳолатга эришган киши учун, ақлини сунъий равишда назорат қилишга уринишнинг, фалсафий изланишларга берилишнинг ҳамда гьяна ва йогалар сингари чуқур муруқабага берилишнинг ҳожати йўқ. Худди, осмон шоҳи Индранинг қудуқ қазиб сув излашига ҳожат бўлмагани сингари, бундай (Худони англаган) инсонга ҳам, бу ишларнинг мутлақо кераги йўқ. 49. Худои Таоло барча бахт-саодатларнинг олий эгасидир, чунки, тирик мавжудотни моддий(хаётий) ва руҳий хаётида қилган барча ишларнинг натижаси билан айнан Унинг Ўзи мукофотлайди. Демак, У - энг олий саодатманддир. Ҳар бир тирик жон - аджа, туғилмаган, мангу мавжуд тирик мавжудотдир, шунинг учун ҳатто моддий тана ўлгандан сўнг ҳам, тана ичидаги мавжуд хаво сингари, тирик мавжудотнинг ўзи мавжуд бўлиб қолаверади.

50. Ўғлим, мен сенга бу намоён борлиқни яратувчи Олий Худо Шахсини қисқача таърифлаб бердим. Бу моддий ва руҳий олам мавжудлигининг Худои Таоло Харидан бошқа ҳеч қандай сабаби йўқ. 51. Эй Нарада, Худо ҳақидаги илм бўлган "Шримад-Бхагаватам"ни менга Олий Худо Шахсининг Ўзи қисқача қилиб айтиб берган эди. Менга очилган ана шу илм Худо Шахсининг турли-туман қувватларининг барчасини ўз ичига олган. Сен эса, энди бу илмни батафсил баён эт. 52. Қатъий қарорга келиб, Худо ҳақидаги бу илмни шундай баён қилгинки, уни ўрганган инсон Худои Таоло Харига илоҳий хизмат қилиш йўлига кирсин. Худои Таоло - энг буюк бахт-саодат, барча қувватларнинг манбаи ва маркази, барча тирик мавжудотларнинг олий руҳидир. 53. Худо Шахсининг ҳар хил қувватлари билан боғлиқ бўлган фаолиятларини Олий Худо Шахсининг кўрсатмалари асосида таърифлаш, тасвирлаш ва тинглаш керак. Мунтазам равишда садоқат ва ҳаяжон билан шундай қилиб юрган киши албатта Худо Шахсининг ташқи алдамчи қуввати таъсиридан қутулиб, озодликка эришади.

Саккизинчи боб.

Шоҳ Парикшитнинг саволлари.

1. Шоҳ Парикшит Шукадева Госвамидан сўради: - Нарада Мунининг гапларини тинглашга муяссар бўлиш, худди Тангри Браҳмани тинглаш сингари буюк бахтдир. У қандай қилиб, моддий сифатларга эга бўлмаган Худо Шахсининг илоҳий сифатларини таърифлади, унинг ҳикоясини кимлар тинглаган эди? 2. Мен ҳақиқатни билишни истайман. Ҳеч қандай шубҳа йўқки, ажойиб қувватлар соҳиби бўлган Худои Таоло ҳақидаги ҳикоялар, қайси сайёрада яшашидан қатъий назар, ҳар қандай тирик мавжудот учун бахт-саодат келтиради. 3. Эй бахтиёр зот, Шукадева Госвами, мен бутун ақлу-хаёлимни Олий Рух, Худои Таоло Шри

Кришнада мужассам қилишим ва барча моддий сифатлардан халос бўлиб, бу танани тарк этишим учун "Шримад Бхагаватам"ни ҳикоя қилишда давом эт. 4. Ҳамиша "Шримад-Бхагаватам"ни тинглаб, унда нима ҳақида гап бораётганини англашга интилиб юрган кишиларнинг қалбида тез орада Худои Таоло, Шри Кришна Ўзини намоён этади. 5. Олий Рух, Худо Шахси Шри Кришнанинг товуш шаклидаги қиёфаси ("Шримад Бхагаватам"), ҳақиқий ўзлигини англаган содиқ инсоннинг юрагига кириб, унинг муҳаббат ғунчасида жойлашади ва қалбини дунёвий иллатлар - эҳтирос, ғазаб ва ўткинчи орзу-хаваслардан поқлайди. У худди дарёлардаги лойқа сувни поқлаб, мусаффо қилувчи куз ёмғирига ўхшайди. 6. Худо Шахсига садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида бир марта қалбини поқлаган соф содиқ хизматкор Худо Шахси Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойини ҳеч қачон тарк этмайди, чунки, Унинг қадамлари пойида у ўзини худди, узок сафардан кейин уйига етиб келган кишидек, тўла бахтиёр ҳис этади. 7. Эй донишманд-браҳман, табиатан илоҳий бўлган руҳ(жон) моддий танадан фарқ қилади. У бу танага қандай эга бўлади? Бунга бирор сабаб борми, ёки бу бир тасодифми? Сен бу саволларга жавоб бера оласан, шу боис, илтимос менга тушунтириб бер. 8. Киндигидан нилуфар гули ўсиб чиқадиган Олий Худо Шахси Ўзининг қудратига ва ўлчамларига мос равишда баҳайбат танага эга бўлса, Унинг танаси бошқа тирик мавжудотларнинг танасидан нимаси билан фарқ қилади? 9. Моддий танадан эмас, балки илоҳий Худо Шахсининг киндигидан чиққан нилуфар гулидан дунёга келган Браҳма - моддий оламдаги барча мавжудотларнинг яратувчисидир. Худо Шахсининг қиёфасини Браҳма фақат Худонинг марҳамати билангина кўришга муяссар бўлди. 10. Худо Шахси, Ўзининг Параматма шаклида қандай қилиб барча тирик мавжудотлар қалбидан жой олган, нимага барча қувватлар эгасига Ўзининг ташқи қуввати таъсир қилмайди? 11. Эй олим браҳман, ўзларининг ҳукмдорлари билан бирга барча сайёралар тизими, Худо Шахсининг вират-пуруша кўринишидаги танасининг ҳар хил жойларида жойлашган, дейилган эди. Мен барча сайёралар Худо Шахси (вират-пуруша)танасининг ичида жойлашган деб ҳам эшитганман. Аслида улар қаерда жойлашган? Шуларнинг ҳаммасини менга тушунтириб бер. 12. Коинот яратилгандан то емирилишига қадар қанча вақт ўтади, унинг мавжудлик даври қанча вақт давом этади? Ўтмиш, ҳозир ва келажак тушунчаларида ўзини намоён қилувчи Вақт(Замон)нинг табиати ҳақида гапириб бер. Ҳар хил сайёралардаги фаришталарнинг, одамларнинг ва бошқа тирик мавжудотларнинг умрларининг узунлиги қанча, улар қандай белгиланади? 13. Эй пок браҳманлар аълоси, биз вақтнинг узун ва қисқа бўлақларини қандай ҳис қиламиз, азалдан яратилиш пайтида пайдо бўлган сабаб ва оқибат занжири қанча вақт давом этади? 14. Тирик мавжудотнинг ҳар хил моддий табиат гуналари таъсири остида қилган ишларининг оқибатлари(кармаси) қай тарзда тўпланиб боради ва улар орзу-истақлардан халос бўлмаган тирик мавжудотга қандай таъсир қилади ва уни гоҳ фаришталар маконида, гоҳ энг қуйи ҳаёт шароитларида яшашга қандай мубтало этади? Бу жараён қандай қонуният асосида бошқарилади?

15. Эй браҳманлар аълоси, коинотдаги мавжуд нарсалар қандай яратилган, оламнинг тўрт тарафи қандай

пайдо бўлди, осмон, сайёралар, юлдузлар, тоғлар, дарёлар, денгизлар, ороллар ва уларда яшаётган турлитуман тирик мавжудотлар қандай пайдо бўлдилар? 16. Коинотнинг ички ўлчамларини, ва унинг сиртини ўраб турган қатламларнинг ўлчамларини тушунтириб бер. Буюк зотларнинг, жамиятдаги ҳар бир табақа ва ҳаёт тарзига оид кишиларнинг вазифалари ва сифатларини таърифлаб бер. 17. Бу борлиқнинг мавжудлик даврида бирин-кетин алмашиб турадиган даврларни, уларнинг давом этиш вақтини тушунтириб бер. Худо Шахсининг ҳар хил даврларда келадиган қиёфаларининг вазифалари ҳақида гапириб бер. 18. Жамиятдаги мавжуд барча динларни бирлаштириб турган нарса нима эканини, жамиятнинг барча аъзолари бажаришлари лозим бўлган диний қоидалар ҳақида гапириб бер. Жамият қай тарзда табақаларга бўлинади ва кимлар шоҳлар(хукмрон синф) табақасига киради. Бошига мушибат тушганлар диний қонунларнинг қайсиларига амал қилишлари керак?

19. Борлиқни ташкил этган унсурларни, уларнинг қанчалигини, қандай ривожланишини, шунингдек, Худога садоқатли хизмат қилиш йўлларини, сеҳр кучини кучайтирадиган усулларни тушунтириб бер. 20. Буюк сеҳргарлар қандай қилиб турли кудратга эга бўладилар, охир-оқибатда улар нимага эришадилар? Камолотга эришган сеҳргар қандай қилиб ўзининг нафис танасини ташлаб, ундан чиқиб кета олади? Муқаддас ведавий китобларнинг, шу жумладан, тарихий асарлар ва Пураналарнинг асосий мазмуни нимадан иборат? 21. Тирик мавжудотлар қандай пайдо бўлади, уларнинг мавжудлигини ким таъминлаб туради, улар қандай йўқ бўлиб кетадилар? Худога холис хизмат қилиш жараёнида қандай амаллар ёрдам беради-ю, нималар халақит беради? Ведавий урф-одатлар, (диний) маросимлар нима ўзи, ведавий маросимларга қўшимча кўрсатмалар қандай? Худонинг қонунларига амал қилиш, иктисодий ривожланиш ва ҳиссий лаззатларга берилиш йўлидан бораётган кишиларнинг қилиши керак бўлган бурч-вазифалари нимадан иборат? 22. Аввал Худо Шахсининг танаси ичига қириб қолган тирик мавжудотлар қай тарзда бу дунёга келадилар, бу оламдаги худосизлар қаердан пайдо бўлади? Моддий дунёнинг шарт-шароитлари тузоғига тушиб қолмаган тирик мавжудотлар қандай ҳолатда бўладилар?

23. Бутунлай мустақил бўлган Олий Худо Шахси, Шри Кришна Ўзининг ички қуввати ёрдамида эрмак, ўйинларидан мангу лаззатланиб юради. Мавжуд борлиқни йўқотиш пайти келганда У ўйинларини ташқи қуввати ҳукмига ҳавола этади ва Ўзи бу жараёни фақат кузатиб туради. 24. Худо Шахсининг вакили бўлган эй буюк донишманд, қизиққанмдан мен сенга берган ва ҳали бериб улгурмаган саволларимга жавоб бериб менинг қизиқишимни қаноатлантиришингни сўрайман. Мен ихтиёримни бутунлай сенга топшираман. 25. Эй буюк донишманд, сен биринчи тирик мавжудот бўлмиш Брахма билан бир қаторда турасан, бошқалар эса, ўзларидан олдинги донишманд файласуфлар ўрнатиб кетган урф-одатларгагина амал қиладилар. 26. Эй ўқимишли браҳман, гарчи мен (рўза тутиб) риёзат чекаётган бўлсам ҳам, сенинг нутқинг уммонидан дарё каби оқаётган, Худо Шахсининг асалдек ширин хабарларидан лаззатланаётганим шарофати билан менинг куч-қудратим ҳечам камаймаяпти.

27. Сута Госвами шундай деди: - Шукадева Госвами Маҳараж Парикшитнинг тўпланган содиқларга Худои Таоло Шри Кришна ҳақида гапириб беришини илтимос қилганидан жуда мамнун бўлди. 28. Маҳараж Парикшитнинг саволларига жавоб берар экан, у Худо Шахсининг ҳақидаги илмни биринчи бор Худо Шахсининг Ўзи, биринчи тирик мавжудот Брахмага ўргатганини айтди. "Шримад Бхагаватам" - бу Ведаларга асосланган ҳолда уларга қўшимча қилиб ёзилган асардир. 29. У шоҳ Парикшит берган саволларга жавоб беришга ҳозирланди. Маҳараж Парикшит Пандавлар наслининг энг яхши вакили эди, ва шу боис у жавоб беришга қодир кишига мукамал саволлар беришни биларди.

Тўққизинчи боб

Шукадева Госвамининг Худо Шахсининг насихатларига асосланиб берган жавоблари

1. Шукадева Госвами шундай деди: - Эй шоҳ, агар Олий Худо Шахсининг амри шундай бўлмаганида соф онгга эга бўлган покиза руҳий тирик мавжудот моддий тана билан боғланиб юрган бўлармиди? Бу боғланиш худди, ўзининг танаси қандай ҳаракат қилаётганини тушида кўриб турган одамнинг уйқусини эслатади. 2. Алдамчи қувват таъсирига тушиб қолган тирик мавжудот унга Худо Шахсининг ташқи қуввати яратиб берган турли хил қиёфаларда пайдо бўлади. Танага қамалган рух(жон) моддий табиат гуналаридан лаззатланиб, "мен" ва "меники" деган тушунчалар билан алданиб юраверади. 3. Тирик мавжудот ўзининг улғувор руҳий ҳолатига қайтиб, моддий қувват ва макон таъсир қилмайдиган илоҳий мавжудлик ҳолатига эришиб, лаззат ола бошлаган заҳотиёк, ўзининг ("мен, "меники" сингари) ҳаёт ҳақидаги ўткинчи ва нотўғри тушунчаларини, тасаввурларини тарк этади ва ўзининг пок беғубор руҳий табиатини намоён эта бошлайди.

4. Эй шоҳ, Брахмининг бхакти-йогада чеккан самимий риёзатларидан мамнун бўлган Олий Худо Шахси унга Ўзининг мангу илоҳий қиёфасини намоён қилди. Моддий олам шароитига тушиб қолган тирик мавжудотнинг покланишидан асосий мақсад мана шунда(Худо Шахсининг дийдорига эришишда). 5. Бу моддий оламнинг ҳукмдори ва биринчи руҳий устози Тангри Брахма, ўзи ўтирган нилуфар гулининг қаерда ўсиб турганини аниқлай олмади. Моддий оламни яратиш ҳақида ўйлар экан, бу фаолиятни нимадан бошлашни ҳам, уни қандай амалга оширишни ҳам аниқлай олмади. 6. Брахма сув устида ана шулар ҳақида ўйлаб ўтирганида ёнгинасида кимдир икки бўғинли сўзни икки бор айтганини эшитди. Уларнинг бири спарша алифбесининг ўн олтинчи(**та**), иккинчиси эса йигирма биринчи(**па**) ҳарфлари эди. Бу икки ҳарф бирикканида ҳосил бўлган бўғин(**та-па**) (тапа ибораси "риёзат" деган маънони англатади)таркидунё қилган зотларнинг ягона бойлиги бўлиб хизмат қилади. 7. Бу товушни эшитиб Брахма овознинг эгасини топиш ниятида ҳар тарафга аланглади, аммо ҳеч кимни тополмагач, нилуфар гулидаги ўз жойида ўтиришни афзал кўрди ва номаълум товуш орқали олган кўрсатмаси асосида бутун фикри риёзат чекиш билан машғул бўлди.

8. Тангри Брахма фаришталар ҳисоби бўйича минг йил риёзат чекди. У самодан келадиган овознинг

илоҳий товушлигини тан олди ва шунга асосан ўзининг хиссиёти ва ақлини назорат қилиб, риёзатга берилди. Энг буюк риёзатчи деган шухратга у ана шундай эга бўлган эди. 9. Брахманинг чеккан риёзати Худои Таолони жуда мамнун қилди. Шунинг эвазига Худо Шахсининг кўз олдида энг олий сайёра, Ўз даргоҳи - Вайкунтхани намоён қилди. Ўзлигини англаган ва ўткинчи, алдамчи дунёнинг барча азоб-укубатларидан, ташвишларидан қутулган зотлар Худо Шахсининг ана шу даргоҳига сиғинадилар. 10. Худо Шахсининг бу даргоҳига моддий табиатнинг хирс ва эзгулик гуналари таъсир қилмайди. У ердаги мавжуд бўлган соф эзгулик гунасини табиатнинг паст гуналари ҳеч қачон булғай олмайди. Бу даргоҳда хатто вақт ҳам ўз ҳукмини ўтказолмайди. Бу илоҳий даргоҳда алдамчи, ташки қувватга ўрин йўқ. У ерда яшаётган иблислар ҳам, фаришталар ҳам, содиқ хизматкорлар сифатида Худо Шахсиги сиғинадилар. 11. Вайкунтҳада яшайдиганлар танасидан зангори тусдаги ёғду таралиб туради. Уларнинг коматлари чиройли ва кўзлари нилуфар гулбаргини эслатади. Уларнинг барчаси қимматбаҳо ва жилваланиб турувчи тақинчоқлар билан безанган тўрт қўллик, навқирон ёшлар. 12. Баъзиларининг танаси дуружавоҳирлардай ярқираб туради, улар бошларини нилуфар гулларидан қилинган гулчамбар билан безаб, кулоқларига сирғалар тақиб олган. 13. Вайкунтҳа сайёралари осмонда ёғду сочиб турган ажойиб ҳаво кемалари айланиб юради. Улар Худо Шахсининг буюк содиқ хизматкорлари бўлмиш махатмаларнинг кемаларидир. Уларда сайр қилиб, учиб юрган аёлларнинг нозик таналарининг илоҳий ранги уларни яшин сингари жозибали қилиб кўрсатади. Ана шу манзара, худди яшин чакнаб турган булут тўла осмонни элатади. 14. Илоҳий тана соҳиби бўлган омад фариштаси Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойига муҳаббат билан хизмат қилади, ва баҳор даракчиси бўлган асаларилардан илҳомланиб, ўзининг ҳамроҳлари билан чексиз лаззат оғушида Худо Шахсига хизмат қилиш билан бирга, Унинг саҳоват тўла кароматларини бетиним улуғлаб шарафлайди.

15. Тангри Брахма Вайкунтҳада барча содиқларнинг ҳукмдори, омад фариштасининг рафикаси, барча қурбонликларнинг эгаси, бутун оламнинг Ҳукмдори - Худо Шахсини кўрди. Унга Худо Шахсининг энг яқин ҳамроҳлари, энг яхши хизматкорлар - Нанда, Сунанда, Прабала ва Арханалар хизмат қиларди. 16. Олий Худо Шахси, Ўзининг севимли хизматкорлари олдида эҳтиром билан бош эгди. Унинг завққа тўла дийдори кўнгиларни ўзига мафтун этарди. Унинг қирмизи юзи енгил табассум билан кулиб турарди. У сариқ либос кийиб олган, бошида чиройли тож, кулоқларида сирға бор эди. Унинг тўрт қўли бўлиб, кўкси омад фариштасининг чизиқлари билан безанган эди. 17. У тахтиравонида савлат тўкиб ўтирар, атрофини тўрт, ўн олти ва беш хил қувватлари ўраб олган эди. У ерда Унинг олти фазилати, шунингдек ўзгариб турувчи табиатга эга бўлган қувватлари ҳам бор эди. У Ўзининг даргоҳида лаззатланиб яшаётган ҳақиқий Олий Ҳукмдорнинг Ўзи эди. 18. Олий Худо Шахсини, Унинг бутун улуғворлик ҳолатида кўришга муяссар бўлган Тангри Брахманинг юраги шодликка тўлиб кетди. Қалбини тўлдирган илоҳий муҳаббат туйғуси таъсиридан унинг кўзлари жикқа ёшга тўлди, ва у Худои Таолонинг оёқларига йиқилди. Камолотнинг энг олий чўққисига эришган

тирик мавжудот(парамахамса) ларнинг борадиган йўли ана шундай.

19. Олдида турган Брахмани кўрган Худои Таоло, уни тирик мавжудотларни яратишга ва ўз амри билан уларни бошқаришга муносиб зот деб тан олди. Брахмадан жуда мамнун бўлиб, Худо Шахсининг кўлини қисди, ва енгил табассум билан унга гапира бошлади. 20. Брахмага Худо Шахси шундай деди: - Ўзида ведаларни мужассам қилган эй Брахма, моддий оламни яратишни ниёт қилиб, шунча узоқ вақт чеккан риёзатингдан мен жуда мамнунман. Қалбаки йоғларнинг мени рози қилишлари жуда қийин. 21. Ҳар бир ишда сенга омад ёр бўлсин, эй Брахма, Мендан ҳоҳлаган тилагингни тила. агар билсанг, риёзат чекишдан эришиладиган энг олий мукофот - Мени юзма-юз кўриш имкониятидир. 22. Донишмандликнинг камолоти - Менинг даргоҳларимни бевосита кўра олиш имкониятига эга бўлишдир. Сен ана шундай имкониятга Менинг кўрсатмаларимга сўзсиз амад қилиб, қаттиқ риёзатлар чекканинг шарофати билан эришдинг. 23. Эй бегуноҳ Брахма, бурчинг нималигини билмай хайрон бўлиб турганинда сенга риёзат чекишни буюрган Мен эдим. Ана шундай риёзат - Менинг танижонимдир, шу боис у Мендан фарқ қилмайди. 24. Риёзат кучи билан Мен коинотни яратаман, риёзат кучи билан Мен унинг мавжудлигини таъминлаб тураман, риёзат кучи билан уни қайтадан ютиб юбораман. Риёзат ҳар қандай қудратнинг туганмас манбаидир.

25. Тангри Брахма шундай деди: - Эй Олий Шахс, Сен бутун борлиқнинг олий ҳукмдори сифатида барча тирик мавжудотларнинг юрагида ҳам мавжудсан. Олий тафаккур соҳиби бўлганинг учун уларнинг барча орзу-истакларидан хабардорсан. 26. Шунга қарамай, эй Парвардигор, Сендан илтижо қиламан, менинг истагимни бажариб, айтчи, Ўзинг илоҳий қиёфада бўлган ҳолда, қандай қилиб, ҳеч қачон табиатингга хос бўлмаган моддий қиёфада намоён бўласан? 27. Қандай қилиб, ҳар хил қувватлар Сендан пайдо бўлади ва бир-бирлари билан, хилма-хил равишда ўзаро бириқиб, моддий оламни яратади, унинг мавжудлигини таъминлаб туради, яқсон қилади? 28. Эй барча қувватлар султони, менга уларнинг табиатини фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиб бер. Сен худди, ўзининг қуввати билан ўзини ўраб олувчи ўргимчак сингари, эрмак қилиб фаолият кўрсатасан, қароринг ўзгармас. 29. Мен Олий Худо Шахсининг Ўзидан илм олиб, тирик мавжудотларни яратишда фаолиятим натижаларига ўралашиб қолмасдан, Сенинг қўлингдаги қурол бўлиб ҳаракат қилишим учун, марҳамат қилиб менга шуларни тушунтириб бер. 30. Эй Худо Шахси, эй туғилмаган зот, Сен худди дўстинг ўрнида қўлимни қисдинг. Мен ҳар хил тирик мавжудотларни яратиб Сенга хизмат қиламан. Ўз бурчимни бажаришда менга ҳеч нарса халақит бера олмайди. Мен фақат бир нарсани тилайман - бу яратиш фаолияти қалбимда манманлик туйғусини уйғотиб, ўзимни Худо деб санашга мажбур қилмасин!

31. Олий Худо Шахси шундай деди: - Муқаддас китобларда Мен ҳақимда берилган илм - илоҳий илмдир, бу илмни фақат Менга садоқат билан холис ҳизмат қилиш жараёнидагина англаб етиш мумкин. Мен шу жараённинг таркибий қисмлари ҳақида сенга гапириб бераман, сен эса Мендан эшитганларингга сўзсиз амал қилишга ҳаракат қил. 32. Қалбингдаги Худои Таоло ҳақидаги мудраб ётган илм уйғонсин ва бесабаб

марҳаматим шарофати билан сенга Менинг мангу ҳақиқий қиёфам, илоҳий борлигим, сифатларим, рангларим ва кўрсатган кароматларим аён бўлсин. 33. Эй Браҳма, оламда Мендан бошқа ҳеч нарса бўлмаган пайтда Мен - Худои Таоло, Худо Шахси мавжуд эдим. У вақтда оламнинг яратилишига сабаб бўлган моддий табиат ҳам йўқ эди. Ҳозир сен кўриб турган нарсаларнинг ҳаммаси - Мен, Худои Таоломан, бутун олам емирилгандан кейин қоладиган ҳам Мен, Худои Таоло бўламан. 34. Эй Браҳма, Мен билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, қандайдир қийматга арзигулик бўлиб кўринган нарса ҳақиқий эмас, сароб, рўёдир. Билсанг у Менинг алдамчи қувватим, зулматдаги нурнинг акси, холос. 35. Эй Браҳма, борлиқ таркиб топган бирламчи унсурлар ҳам коинот ичида, айна пайтда коинот ичида эмаслиги сингари, Мен ҳам мавжуд яралган борлиқ ичида мавжудман, айна пайтда ундан ташқарида ҳам мавжудман. Олий Мутлақ Ҳақиқатни, Худони излаган одам, ҳар ерда, ҳамиша, ҳар қандай ҳолатда, ҳар турли йўллар билан, қандай қилиб бўлса ҳам, ўз мақсадига етишгунча изланишда давом этиши лозим. 37. Эй Браҳма, ма-на шу хулосада фикрингни жамлаб, ҳамиша унга амал қил, шунда борлиқ бутунлай емирилган пайтда ҳам, қисман емирилганда ҳам, манманлик туйғуси сенга ёндошмайди.

38. Шукадева Госвами Маҳараж Парикшитга юзла-ниб шундай деди: - Ўзининг илоҳий қиёфасини барча тирик мавжудотларнинг яратувчиси Браҳмага намоён қилган Олий Худо Шахси, Хари унга шу кўрсатмаларни бериб, кўздан ғойиб бўлди. 39. Содикларига илоҳий лаззат бағишлайдиган Олий Худо Шахси, Хари ғойиб бўлгач, Браҳма кўлларини илтижо билан қовуштириб, борлиқни аввал қандай бўлса, шундай ҳолатда, тирик мавжудотлар билан тўлдириб, коинотни бунёд қила бошлади. 40. Барча тирик мавжудотларнинг бобокалони ва тақводорликнинг отаси Тангри Браҳма, шу тарзда ўзига ва барча тирик мавжудотларга саодат тилаб, белгиланган қонун-қоидаларга амал қила бошлади. 41. Браҳма наслининг барча авлодлари ичида энг суюқлиси бўлган Нарада, ҳамиша отасига хизмат қилишга тайёр. У одоблиқ, камтарлиқ ва вазминлиқ тимсоли бўлган ҳолда, отасининг кўрсатмаларига сўзсиз амал қилади. 42. Эй шох, Нарада отасидан барча қувватлар эгаси Вишнунинг қувватлари ҳақида тўлиқ илм олишни истаганида у Нарадан жуда мамнун бўлди, чунки у буюқ содиқ ва билимдон донишмандлардан эди. 43. Отаси, коинотнинг бобокалони Браҳманинг мамнун бўлганини билиб, буюқ донишманд Нарада, худди сен ҳозир менга бераётган саволларни, отасидан сўрай бошлади. 44. Нараданинг саволларига жавоб бера туриб, Браҳма унга Олий Худо Шахсининг Ўзи ўргатган, ўн фаң ҳақида маълумот берувчи, Ведаларга қўшимча бўлган "Шримад Бхагаватам"ни ўргатди.

45. Эй шох, буюқ донишманд Нарада ўз навбатида "Шримад Бхагаватам"ни, Сарасвати дарёси қирғоғида Худога холис хизмат қилиш лаззатига фарқ бўлиб, Мутлақ Ҳақиқат, Олий Худо Шахсини мушоҳада қилиб ўтирган, бениҳоя қудратга эга донишманд Вйасадевага ўргатди. 46. Эй шох, юқоридаги тўрт шеърни сенга ўргатиш жараёнида мен сенинг, "қандай қилиб Худо Шахсининг баҳайбат қиёфасидан бутун борлиқ яралган?" - деган саволингга ва бошқа саволларингга ҳам жавоб бераман.

Ўнинчи боб.

“Бхагаватам” барча саволларга жавоб беради.

1. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - “Шримад Бхагаватам” таълимоти ўн мавзунни ёритади. Бу илм -1) Оламнинг яратилиши; 2) Иккиламчи яратиш; 3) Сайёралар тизими; 4) Худо Шахсининг ҳомийлиги; 5) Яратишни ҳаракатга келтирувчи куч; 6) Мануларнинг алмашиши; 7) Худо ҳақидаги илм; 8) Худонинг даргоҳига қайтиш; 9) Озодликка чиқиш ва 10) Мутлақ ҳақиқат ҳақида маълумот беради.

2. Суммум бонум(мавжудлик, мутлақ ҳақиқат, мажмуа)нинг илоҳий табиатга эга эканини алоҳида кўрсатиб ўтиш учун, бошқа мавзулар ведаларнинг хулосаси ёрдамида ёки, бевосита тушунтириш ёрдамида, ёки буюқ донишмандларнинг қисқача тушунтиришлари ёрдамида баён этилади. 3. Модда таркиб топган ўн олти унсурни яратиш *сарга* деб аталади. Бу ўн олти нарса: беш унсур(олов, сув, ер, ҳаво, осмон)дан, товуш, шакл, там, хид, тери орқали сезиладиган нарсалар, шунингдек, кўзлар, кулоқлар, бурун, тил, тери ва ақлдан иборат. Моддий табиатнинг бундан кейинги ўзаро фаолияти - *висарга* деб аталади. 4. Худо Шахси яратиб қўйган қонун-қоидаларга амал қилиб яшаётган тирик мавжудотлар тўғри йўлдаги зотлардир. Шунда улар Олий Худо Шахсининг ҳомийлиги остида фароғатда ҳаёт кечирадилар. Ману ва унинг қонунлари одамларнинг ҳаётини тўғри йўлга солиш учун мавжуддир. Ҳар қандай фаолиятни вужудга келтирадиган куч - шу фаолиятнинг натижасидан лаززатланиш истагидир. 5. Худо Ҳақидаги илм Худо шахсининг намоён бўлган қиёфалари ва уларнинг кўрсатган кароматларини, шунингдек Унинг буюқ содиқ хизматкорларининг қилган ишларини таърифлайди. 6. Тирик мавжудот, табиатига хос бўлган шартланганликка мойиллиги билан биргалликда сирли уйқуда ётган Маха-Вишну(нинг борлиги)га қовушганида, бу жараёни борлиқнинг емирилиши(охир замон) деб атайдилар. Тирик мавжудотнинг, мунтазам алмашиб турадиган қўпол ва нозик таналарини ташлаб, ўзининг ўзгармас мангу қиёфасига қайтишини - озодликка чиқиш деб атайдилар. 7. Моддий оламнинг азалий манбаи, унинг макони ва емирилиш сабабчиси - Худои Таоло, Уни Олий Зот, ёки, Олий Рух деб атайдилар. У - бутун борлиқнинг Олий манбаи, Мутлақ Ҳақиқатдир. 8. Сезиш органларига эга бўлган ҳар бир алоҳида шахсни адхйатма, ҳиссиётларни бошқариб турувчи яқка илоҳни эса - адхйадайвика дейдилар. Кўзимизга кўринадиган турли туман қиёфалар адхйбхаутика деб аталади.

9. Тирик мавжудотларнинг юқорида кўрсатилган уч тури ҳам бир-бирига боғлиқ. Агар уларнинг бирортаси мавжуд бўлмаса, бошқаларини сезиб бўлмайди. Аммо, Худои Таоло, Олий Худо Шахси уларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб туради, чунки у ҳеч кимга боғлиқ эмас, мутлақо мустақилдир. Шунинг учун У бутун борлиқнинг охирига нажот маконидир. 10. Худо Шахсининг биринчи пуруша-аватаралари пайдо бўладиган жой - Сабаблар уммони(океани)дан чиққан Маха-Вишну(Худо Шахсининг фазовий қиёфаси) коинотларни бир-биридан ажратиб, Ўзи яратган илоҳий уммон(Гарбходака) сувларида ястаниб ётиш ниятида,

уларнинг ҳар бирининг ичига кирди. 11. Худои Таоло шахсиятсиз эмас, У шубҳасиз нара, алоҳида шахсдир. Шунинг учун, Олий Нара яратган илоҳий сувларни *нара* деб атайдилар, шу сувда ястаниб ётган Унинг ўзини - Нарайана дейдилар. 12. Шунини аниқ билиш лозимки, моддий олам таркиб топган унсурларнинг барчасини, фаолиятни, табиат гуналарини, тирик мавжудотларнинг ҳаммасини Худои Таоло, Ўз марҳамати билан, улардан лаззатланиш учун яратган, ва буларнинг барчаси Унинг эътиборидан четда қолган заҳотиёқ йўқликка, мавҳумликка равона бўлади. 13. Сеҳрли уйқу тўшагида ястаниб ётган ҳолда Худои Таоло Ўзидан турли-туман тирик мавжудотларни барпо этиш, яратиш учун ташқи қуввати ёрдамида олтин рангли уруғ тимсолини яратди.

14. Энди мендан Олий Ҳукмдорнинг ташқи қуввати алоҳида, тўла бутун(Худо Шахси)дан қандай қилиб, юқорида айтилган уч турли кўриниш - ҳукмрон зотларни, бўйсунувчи зотларни, ва моддий таналарни намоён қилиши ҳақида эшит. 15. Намоён бўлган Маҳа-Вишнунинг илоҳий танасидаги осмондан хиссиётларнинг қуввати, ақл кучи, жисмоний(ҳаракат) кучи ва шунингдек умумий ҳаёт қувватининг манбаи намоён бўлади. 16. Худди шохнинг мулозимлари хамиша ҳукмлари билан бирга юргани сингари, барча тирик мавжудотлар ҳам, умумий ҳаёт қуввати ҳаракатда бўлган вақтдагина ҳаракат қилишга қодир бўладилар, умумий ҳаёт қуввати ҳаракатдан тўхтаган заҳотиёқ барча тирик мавжудотларнинг ҳаёт фаолияти тўхтайдди. 17. Вират-пуруша уйғотган ҳаёт қуввати очлик ва чанқоқликни яратди, овқатланиш ва чанқоғини босиш истаги юзага келганда Унинг оғзи очилди. 18. Унинг оғзидан танглай пайдо бўлди. Ундан сўнг тил пайдо бўлди, кейин тил лаззатланиши учун ҳар хил таъмлар пайдо бўлди. 19. Худо Шахси гапиришни истаганида Унинг оғзидан овоз пайдо бўлди. Кейин Унинг оғзидан оловни бошқарувчи фаришта бунёд бўлди. Аммо, У сув устида ётганида буларнинг барчаси ҳаракатсиз ҳолатда эди. 20. Кейин, олий Пурушада ҳидлаш истаги туғилганда бурун тешиклари ва нафас олиш, ҳид билиш қобилияти ва ҳар хил ҳидлар пайдо бўлди. Шулар билан бирга, ҳидларни олиб юрадиган ҳавони бошқариб турувчи фаришта пайдо бўлди. 21. Яратилган борлиқ қоронғу зулматга ғарқ бўлган эди, Худои Таоло Ўзини ва Ўзи яратган борлиқни кўришни истаганида кўзлар, нур таратувчи Куёш фариштаси, кўриш қобилияти ва кўринадиган нарсалар пайдо бўлди. 22. Буюк донишмандларда илм олиш истаги пайдо бўлганида қулоқлар, эшитиш қобилияти, эшитишни бошқарувчи фаришта ва эшитиладиган нарсалар пайдо бўлди. Буюк донишмандлар Рух ҳақида тинглашни истадилар.

23. Модданинг юмшоқлик, қаттиқлик, иссиқ-совуқлик, оғирлик, энгиллик сифатларини сезиш истаги пайдо бўлганда тери, терининг сезиш қобилияти, теридаги тешикчалар, туклар, ва уларни(дарахтларни) бошқарувчи фаришталар пайдо бўлди. Терининг ҳар икки тарафида сезиш қобилиятига маъсул ҳаво қатлами мавжуд. 24. У(Олий Шахс) ҳар хил фаолият билан шуғулланишни ихтиёр этганида икки қўл, билан кучи, жаннат фариштаси Индра, шунингдек ана шу фаришта ва қўллар ёрдамида бажариладиган фаолият пайдо бўлди. 25. Кейин У юришни истади, шунда Унинг оёқлари, оёқларидан уларни бошқарувчи фаришта Вишну пайдо бўлди. Унинг бевосита назорати остида

турли тоифадаги одамлар ўзлари учун белгиланган қурбонлик маросимини ўтказадилар. 26. Шундан сўнг, шахвоний эҳтиросдан лаззатланиш, зурёд қолдириш ва жаннатий лаззат мазасини билиш учун Худои Таоло жинсий аъзоларни яратди. Шунда туғиш органлари ва уларни бошқарувчи илоҳ - Пражапати пайдо бўлди. Шахвоний эҳтирос лаззатини берувчи органлар ва уларни бошқарувчи илоҳни Худо Шахсининг жинсий органлари назорати қилиб туради. 27. Кейин, У еган нарсаларининг қолдиқларини чиқариб ташлашни истаганида, чиқариш органи - йўғон ичак, шунингдек шу органни бошқарувчи илоҳ пайдо бўлди. Бу илоҳ ана шу орган фаолиятига ва ундан чиқадиган нарсаларга маъсулдир.

28. Кейин У бир танадан иккинчи танага ўтишни истади, шунда киндик, чиқиш нафаси(апана) ва ажал пайдо бўлди. Киндик - бу ажал ва ажралиш кучи жойлашадиган макон. 29. Унинг еб-ичгиси келганида қорин, ошқозон ва артериялар пайдо бўлди. Уларнинг озикланиш манбаи - дарё ва денгизлардир. 30. Худо Шахсида Ўзининг қувватининг қандай ҳаракатга келишини фикрлаш истаги юзага келганда ақлнинг жойи бўлган юрак, ақл, ой, шижоат ва истак пайдо бўлди. 31. Тана таркиб топган етти қисм: тана устидаги юпка қатлам, тери, эт, қон, ёғ, суюқ мияси ва суюқ - буларнинг барчаси ер, сув ва оловдан ясалган, ҳаёт нафаси эса, - осмон, сув ва ҳаводан таркиб топган. 32. Сезги органлари моддий табиат гуналарига боғланган, табиат гуналарини эса, сохта ўзлик барпо этган. Ақл - ҳар турли моддий дунёга хос бўлган ташвиш(азоб ва лаззат)лар манбаидир, тафаккур эса, - ақлнинг таҳлил қилиш ва фикрлаш қобилиятидир. 33. Буларнинг барчаси қўпол моддий қиёфа ва шаклларни, - мен сенга тушунтирган сайёралар ва бошқа мавжудотларни ташкил этади. Бу шакл ва қиёфалар Худо Шахсининг ташқи намоёнлигининг пардаларидир. 34. Булардан(қўпол, моддий борлиқдан) ташқарида энг нозик шакллардан ҳам нозик илоҳий олам мавжуд. Унинг на аввали, на ўртаси, ва на охири бўлмайди, шунинг учун уни на сўз билан таърифлашнинг, на ақл билан англашнинг иложи йўқ, ва руҳий олам моддий сифатларга эга эмас. 35. Худо Шахсини мукамал англаб етган Унинг соф содиқлари мен сенга ҳозиргина таърифлаб берган қиёфаларидан бирортасини ҳам тан олмайдилар.

36. Худои Таоло Ўзини илоҳий номлар, сифатлар, ҳатти-ҳаракатлар, муҳит ва илоҳий ранг-барангликка эга бўлган илоҳий қиёфада намоён этади. Аммо, Унинг бу фаолияти, гарчи У бу фаолият билан машғул бўлиб тургандек туюлса ҳам, Ўзига ҳеч қандай таъсир қилмайди. 37-40. Эй шох, билсанг, Олий Худо Шахси барча тирик мавжудотларни уларнинг олдинги ҳаётида қилган ишлари оқибати(карма) асосида яратади. Бу қонун барча тирик мавжудотларга тегишли - Браҳма ва унинг ўғиллари, кетма-кет алмашилиб турадиган инсоният бобокалонлари(Манулар), ҳар хил фаришталар(Индра, Чандра, ва б.), Бхригу, Вйаса ва Васиштха сингари буюк донишмандлар, Питрилока ва Сиддхалока аҳолиси, чараналар, гандхарвалар, видьадхаралар, асурлар, йакшалар, киннарлар, парилар, илонлар, маймунсимон кимпурушалар, арвоҳлар, ажиналар, ёввойи ҳайвонлар, қушлар, уй ҳайвонлари, судралиб юривчилар, тоғлар, турғун ва ҳаракатланувчи жонзотлар, уруғдан, эмбриондан, тухумдан, тердан пайдо бўладиган, сувда, ҳавода ва қуруқликда яшайдиган,

бахт ва бахтсизликда ёки бахт ва мусибат аралаш ҳаёт кечирадиган барча тирик жонзотларга тегишлидир.

41. Мавжуд барча тирик мавжудотлар(фаришталар, одамлар ва дўзах аҳолиси) моддий табиатнинг ҳар хил гуналари - эзгулик, ҳирс ва ғафлат гуналари таъсири остида ҳаёт кечирадилар. Аммо, бу гуналарнинг ҳар бири бошқа икки гуна билан аралашиб, учга бўлинади, шу боис ҳар бир тирик мавжудот, ана шу уч гуна таъсири остида ўзига хос ягона фазилатларни ҳосил қилади. 42. Худо Шахси моддий оламни яратгандан сўнг, Унинг мавжудлигини таъминлаб туради ва Ўзининг ҳар хил кўринишларида моддий оламга, фаришталар, инсонлар ва ундан ҳам пастроқ танага эга бўлган тирик мавжудотларни Ўз даргоҳига чорлаш учун келиб туради. 43. Кейин, Калпа ниҳоясида, Худо Шахсининг Ўзи оламни яқсон қилувчи Рудра киёфасида, булутларни тарқатиб юборадиган шамол сингари, моддий оламни бутунлай яқсон қилади. 44. Буюк илоҳиёт кишилари Олий Худо Шахсининг фаолиятини ана шундай таърифлайдилар, аммо Унинг соф содиқ хизматкорлари моддий борликдан ташқарида бўлган Унинг улуғвор илоҳий даргоҳларини кўриш имкониятига эга бўладилар.

45. Худо Шахсининг Ўзи моддий оламни яратиш билан ҳам, уни яқсон қилиш билан ҳам шуғулланмайди. Фақат, худосизларнинг "бу моддий оламни табиат яратди", - деган нотўғри тушунчасини инкор этиш учунгина Ведалар Унинг Ўзи бу ишларни қилади, деб таърифлайдилар. 46. Бу ерда қисқача таърифланган яратиш ва яқсон қилиш жараёни Брахманинг бир куни давомида юз берадиган қонундир. Ичида моддий кувват таралиб турган, махатларнинг яратиши ҳам ана шу қонунга амал қилади. 47. Эй шоҳ, вақти келганда мен сенга вақтни, уни қўпол ва нозик кўринишларида қандай ўлчамлари борлигини, уларнинг бир-биридан фарқини тушунтириб бераман. Ҳозир эса, мен сенга Падма-калпани таърифлаб бераман.

48. Сута Госвамийнинг оламнинг яратилиши ҳақидаги ҳикоясини тинглаб бўлгач, Шаунака Риши ундан Видура тўғрисида сўради. Аввал Сута Госвами Видуранинг, ажралиши жуда оғир бўлган ўз қариндошларидан воз кечиб, уйини ташлаб чиқиб кетганини айтиб ўтган эди.

49-50. Шаунака Риши шундай деди: - Марҳамат қилиб бизларга Видуранинг Майтрея билан қилган илоҳий суҳбатларида нималар ҳақида гапиришганларини айтиб бер. Видура Майтреядан нималар ҳақида сўради, у нима деб жавоб берди? Видуранинг нима сабабдан оила аъзоларини ташлаб кетганини, яна нима учун саройга қайтиб келганини ҳам гапириб бер. Унинг зиёратгоҳларда нималар қилганини ҳам гапириб бер.

51. Шри Сута Госвами шундай деди: - Энди мен сизларга буюк донишманднинг шоҳ Парикшит саволларига нима жевоб берганини гапириб бераман. Марҳамат қилиб унинг жавобларини диққат билан тингланглар!

Шримад Бхагаватам Учинчи кўшиқ

Видуранинг саволлари* Худо Шахси Шри Кришнани эслаш* Худо Шахсининг Вриндавандан ташқаридаги ўйинлари* Видуранинг Майтрея билан учрашуви* Видуранинг Майтрея билан суҳбати* Фазовий киёфанинг яратилиши* Видура савол беришда давом этади * Гарбходакашайи Вишну Танасидан Брахманинг пайдо бўлиши* Яратиш қудратини тилаб Брахманинг қилган илтижолари* Яратиш босқичлари * Кумарлар ва бошқаларнинг дунёга келиши* Худо Шахсининг Вараха(тўнғиз) кўринишида пайдо бўлиши * Дитининг бемаҳал ҳомиладор бўлиши * Худонинг даргоҳи * Донишмандлар қарғишига учраган Вайкунтҳанинг икки дарвозабони, Жай ва Виджай * Хиранийакшанинг бутун оламни забт этиши * Тўнғиз киёфасидаги Худо Шахси(Вараха)нинг Иблис Хиранийакша билан жанг қилиши * Иблис Хиранийакшанинг ҳалокати * Майтреянинг Видура билан суҳбати * Ману ва Кардама Мунининг суҳбати * Кардама Мунининг Девахутига уйланиши* Девахутининг нолишлари * Кардама Мунининг таркидунё қилиши * Холис хизмат қилишнинг улуғворлиги* Моддий табиатнинг аввали * Моддий табиатни англаб етиш* Холис хизмат қилиш билан шуғулланиш жараёни бўйича Худо Шахси Капиланинг насиҳатлари * Худо Шахси Капиланинг содиқ хизмат қилиш жараёнини таърифлаши * Моддий(кармали) фаолият келтирадиган оқибатлар таърифи* Тирик мавжудотнинг сарсон-саргардонлиги ҳақида * Кармали фаолият чангали* Капиланинг кароматлари*

Биринчи боб Видуранинг саволлари

1. Шукадева Госвами шундай деди: - Ўзининг бадавлат хонадонини тарк этиб, буюк содиқ Видура ўрмонга йўл олди ва у ерда Ҳазрат Майтрея Ришига саволлар бериб, ундан рухий таълим олди. 2. Пандулар хонадони ҳақида яна нималар дейиш мумкин? Парвардигори Олам, Шри Кришнанинг Ўзи сизларга маслаҳатчи бўлган эди. У сизларнинг хонадонга худди Ўзининг уйига киргандай кирар, Дурйодхоннинг уйини эса четлаб ўтарди.

3. Шоҳ Шукадева Госвамидан сўради: - Покдомон Видура билан Майтрея Муни ҳазратлари қаерда ва қачон учрашиб ҳамсуҳбат бўлдилар? Марҳамат қилиб бизга шу ҳақда гапириб бер. 4. Покдомон Видура Худо Шахсининг соф содиқларидан бўлган буюк зотлардан эди. Шу боис унинг Ҳазрат Майтрея Ришига берган саволлари шубҳасиз чуқур маъноли, буюк донишмандларнинг таҳсинларига сазовор бўлган илоҳий саволлардир.

5. Шри Сута Госвами шундай деди: - Шоҳнинг саволлари чуқур илмга эга бўлган буюк донишманд Шукадева Госвамига жуда хуш келди. Унга жавобан донишманд: "Менинг гапларимга диққат билан қулоқ сол!" - дея гап бошлади.

6. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - Виждонсиз фарзандларини келажакда фаровон ҳаёт билан таъминлашни гуноҳкорона ният қилган шоҳ Дхрита-

раштра жиянлари - етим Пандавларни похолдан килинган саройга қамаб, ўт бериб ўлдирмоқчи бўлди. 7. Одил шоҳ Юдхитхиранинг хотини Драупадининг кўзидан оқаётган ёшлари кўксига сурилган қизил кункумани юваётганига қарамай, ўғли Духшасан уни сочидан судраб келаётганида, шоҳ Дхритараштра унга ҳеч қандай қаршилиқ билдирмади. 8. Ҳаётида ҳеч қимни ўзига душман деб билмайдиган Юдхитхира қимор ўйинида қаллоб ва маккор рақибларига ютқазиб қўйди. Шунга қарамай, берган ваъдасига вафо қилиб, ўрмонга йўл олди. Узлат вақти тугаб, ўрмондан қайтган Юдхитхира ўзининг ҳаққоний салтанатини қайтариб беришини сўраганида, ғафлат ботқоғига ботган Дхритараштра унинг илтимосини рад этди. 9. Аржун бутун оламнинг руҳий устози бўлган Худои Таоло, Шри Кришнани (Курулар) мажлисига йўллади. Худо Шахсининг (у ерда) айтган гаплари (Бҳишма ва унга ўхшаган) бировларга асалдек лаззатли эди, аммо аввал қилган савоб ишларининг натижаси охириги мисқолигача сарф бўлган бошқа бировлар эса, Унинг гапларига заррача ҳам эътибор бермадилар. Шоҳ(Дхритараштра ёки Дурёдхон) Шри Кришнанинг гапларини писанд қилмади. 10. Акаси маслаҳат сўраш учун Видурани олдига чақирганида, Видура унга жуда тўғри маслаҳат берган эди. Унинг маслаҳатлари ҳаммага маълум ва уларни барча донишманд давлат арбоблари юқори баҳолагандилар.

11. (Видура шундай деганди:) - Ҳеч қандай душмани бўлмаган ва сенинг барча азобларингга сабот билан бардош берган Юдхитхиранинг ҳаққоний салтанатини қайтариб бериш керак. У укалари билан бирга сендан шуни талаб қиляпти. Уларнинг орасида қасос олиш илинжида қутурган илондай нафас олаётган даҳшатли Бҳима ҳам бор. Сен ундан қўрқмайсанми? 12. Олий Худо Шахси, Шри Кришна Притханинг ўғилларини ўзига қариндош деб билади, жаҳондаги барча ҳукмдорлар Шри Кришна тарафида. Ҳозир Шри Кришна ўз уйида - кўплаб ҳукмдору султонларни ишғол қилган Яду хонадонининг даврасида юриб, уларга раҳбарлик қиляпти. 13. Сен барча иллатлар тимсоли бўлган Дурёдхонни, унинг Шри Кришнага нисбатан душманларча муносабатда бўлишига қарамай "беғуноҳ фарзандим" деб юрибсан. Худои Таоло Кришнанинг душманини қўллаб-қувватласанг сен барча савоб ишларинг натижасидан маҳрум бўласан. Бундай оғир юқдан ўзингни дарров халос эт. Шунда ўзингнинг бутун уруғ-авлодингга саховат олиб келасан!

14. Муносиб кишиларнинг барчаси "беғуноҳ" деб тан олган Видуранинг гапларини эшитган Дурёдхоннинг ғазабдан юзлари қизариб, лаби титраб Видурани ҳақоратлай бошлади. Унинг укалари, Карна ва тоғаси Шакуни ҳам Дурёдхон билан бирга эди.

15. - Бу чўриздани бу ерга қим чақирди? Овқат бериб, тарбиялаган одамларга сотқинлик қилиб, бу икки-юзламачи душманамиз фойдасига ишляпти. Уни саройдан ҳайдаб чиқаринг ва олаётган нафасидан бошқа ҳамма нарсадан маҳрум қилинг!

16. Юрагига шундай ачиқ сўзлар ўқи қадалган Видура, ўзининг камонини ҳам эшик олдида қолдириб, акасининг саройини тарк этди. У бу воқеадан ҳеч қандай тушқунликка тушмади, чунки у Худонинг иродаси билан бўладиган ишлардан ҳеч қим қочиб қутула олмаслигини яхши биларди. 17. Ўзининг такводорлиги шарофати билан Видура саховатли Куру хонадониди

дунёга келганди. У Ҳастинапурни тарк этиб, Худо Шахсининг нилуфар қадамжолари бўлган муқаддас жойларни зиёрат қилишга отланди. Савобли ишларини кўпайтириш учун Худонинг минглаб илоҳлари турган муқаддас эҳромларни айланди. 18. Ёлғиз саёҳат қилиб, у бутун фикру-хаёлини Шри Кришнада мужассам қилиб юрди. Айодхйа, Дварака, Матхура ва бошқа муқаддас жойларга ташриф буюрди. У беғубор осмонли, тоғубоғлари, дарё ва кўллари соф мусаффо, Худо Шахсининг мафтункор қиёфалари беэаб турган сўлим жойларда бўлди. Унинг зиёрати шундай ўта бошлади.

19. Ўзининг бу дарбадарликларида у фақат Худои Таоло Харини рози қилишнигина ўйларди. У ҳеч қимдан, ҳеч нарса таъма қилмас ва барча ишларни ихлос билан, виждонан, ҳалол қиларди. У жулдур кийимларда, соч-соқолини парваришламай, тақир ерда ётиб юрган бўлса ҳам, муқаддас жойлардаги сувларда чўмилиб ҳар куни покланарди. Кўп қариндошлари бундай аҳволда уни таний олмасдилар. 20. Бхаратаваршанинг барча муқаддас жойларини зиёрат қилиб, у ниҳоят Прабхасакшетрага етиб борди. Бу пайтга келиб, оламни қудратли армияси ёрдамида бутун жаҳонни ягона байроқ остига бирлаштирган Маҳараж Юдхитхира бошқарарди. 21. Бамбукларнинг бир-бирига ишқаланишидан пайдо бўлган ёнғин ўрмонда ҳамма нарсани ёқиб кул қилгани сингари, унинг барча қариндошлари ҳам, ловуллаган жаҳолат оловининг қурбони бўлгани ҳақидаги хабар Прабхаса деган муқаддас жойда Видурага етиб борди. Шундан сўнг у ғарбга, муқаддас Сарасвати дарёси бўйларига йўл олди.

22. Сарасвати дарёси соҳилида ўн битта муқаддас саждагоҳ мавжуд: Трита, Ушана, Ману, Притху, Агни, Асита, Ваю, Судаса, Го, Гуха, Шрадххедева. Видура зарур бўлган маросимларни ўтқазиб, шу жойларнинг барчасини зиёрат қилди. 23. Бундан ташқари, у жойларда Олий Шахс - Вишнунинг турли қиёфалари шарафига қурилган бошқа эҳромлар ҳам бор эди. Буюк донишмандлар ва фаришталар қурган бу эҳромларнинг ҳар бирини, одамларга Худои Таоло, Шри Кришнани эслатиб, Худонинг ҳар хил қиёфадаги Илоҳлар беэаб турарди. 24. Шунингдек у Куружангала деб аталадиган ғарбий Ҳиндистон ва гуллаб яшнаётган Сурат, Саувира ва Матсья вилоятларини ҳам зиёрат қилди. Ниҳоят у Ямуна қирғоқларига етиб борди ва у ерда Худои Таоло Шри Кришнанинг буюк содиқ хизматкори Уддхава билан учрашди. 25. Қалби муҳаббат ва шодликка тўлган Видура қачонлардир Брихаспатининг энг аъло шогирдларидан бири бўлган ва Худо Шахси Шри Кришнанинг ажралмас ҳамроҳи(Уддхава)ни бағрига босди. Кейин у Уддхавадан Худои Таоло Шри Кришнанинг оиласи ҳақида гапириб беришни сўради.

26. - Худои Таолонинг азалий шахслари ҳақида гапириб бер! Улар Браҳманинг илтижоларини инобатга олиб, Ер юзидида намоён бўлиб, барчага фаровонлик келтирдилар. Шурасена хонадониди Улар соғ омон юрибдиларми? 27. Куру хонадонининг дўсти, бизга қуёв бўлмиш Васудеванинг аҳволлари яхшими? Унинг саховати чексиз. У сингилларига отадек меҳрибон ва хотинларининг қўнглини топа билади.

28. Эй Уддхава, олдинги ҳаётида Купидон қиёфасида бўлган, Ядулар қўшинининг қўмондони Прадьюмна яхши юрибдими? Холис хизмати билан браҳманларнинг ҳурматини қозониб, уларнинг дуо-илтижолари эвазига Рукмини уни Кришнадан туккан

эди. 29. Эй дўстим, Сатватлар, Вришнилар, Бходжа ва Дашархалар шоҳи Уграсенанинг аҳволлари яхшими? Сургунга кетаётиб у салтанатидан батамом умидини узган эди, аммо Худои Таоло Шри Кришна уни яна тахтига қайта тиклади. 30. Эй мартабали зот, куйиб кўйгандек отаси - Худо Шахсига ўхшайдиган Самбанинг ишлари яхшими? Олдинги ҳаётида у Тангри Шиванинг хотинидан Карттикея номи билан туғилган эди. Бу ҳаётида эса, Шри Кришна хотинларининг ичида энг саховатлиси Джамбаватининг ўғли бўлди. 31. Ююджанининг ишлари жойидами? Ҳарбий санъат сирларини у Аржундан ўрганиб илоҳий мартабага эришган эди. Бундай мартабага ҳатто таркидунё қилган улуғ инсонлар ичида аълосининг ҳам эришиши амри маҳол. 32. Швапхалканинг ўғли Акруранинг ишлари жойидами? У ўз ихтиёрини Худого топширган покдомон зотлардан биридир. Бир куни у илоҳий муҳаббат жазавасида ақлухушини йўқотиб, йўлда Худо Шахси Шри Кришнанинг оёқ излари тушган чанг устига ўзини ташлаган эди.

33. Ўзида барча турдаги қурбонлик жараёнларининг мақсадини мужассам қилган "Веда"лар сингари, Бходжа шоҳи Деваканинг кизи ҳам, фаришталарнинг онасига ўхшаб, қорнида Олий Худо Шахсини олиб юрди. Ана шу Девакининг ишлари жойидами? 34. Аннирудханинг Рҳамма ишлари жойидами? У соф солиҳларнинг барча истакларини амалга оширади ва уни азалдан "Риг-веда"нинг манбаи, ақл-хаёлни яратувчи, Худо Шахси Вишнунинг тўла намоён бўлган тўртинчи қиёфаси деб тан олганлар. 35. Эй чуқур мулоҳазали инсон, у ердаги бошқа зотлар қандай кун кечиряптилар, Худои Таоло Шри Кришнада ўз руҳларини кўрувчи ва шу боис Унинг насиҳатларига сўзсиз амал қилувчи Хридика, Чарудешна, Гада ва Сатябхаманинг ишлари яхшими? 36. Яна айтчи, шаҳаншоҳ Юдхитхира ўз салтанатини Худонинг қонун-қоидалари асосида бошқаряптими, ўзи ҳам шу қонунларга амал қиладими? Бир вақтлар Дурйодхон Юдхитхирага нисбатан ҳасад ўтида ёнарди, чунки Шри Кришна ва Аржуннинг кўллари уни шу қадар мустаҳкам ҳимоя қилар эдики, гўё бу кўллар унинг ўзининг кўллари эди. 37. Кобра илони сингари енгилмас Бҳима шунча вақтдан бери ичига ютиб келаётган ғазаб оловини ниҳоят бу ярамаслар бошига ёғдирдими? У ўз гурзисини ўйнатиб жанг майдонига чиққанида тўпланган барча жангчилар даҳшатга тушардилар. 38. Гандива номли камон эгаси Аржуннинг ишлари яхшими? Жанг аравасида жанг қилиш бобида у душманлари устидан ҳамшиша ғалаба қозониши билан машхур. Бир куни овчи қиёфасида унинг олдида пайдо бўлган ва танимасдан унга ўқлар ёмғирини ёғдирган Аржундан ҳатто Тангри Шива ҳам мамнун бўлган эди.

39. Катта акалари соясида яшаётган эгизакларнинг аҳволи яхшими? Бир пайтлар Гаруда, момақалдирик шоҳи Индранинг оғзидан шарбатни олиб кетгани сингари, душмани Дурйодхоннинг кўлидан ўзларининг қонуний салтанатини тортиб олган Притханинг ўғиллари шу эгизакларни худди кўз қорачиғини асрайдиган киприклардек ҳимоя қиладилар. 40. Эй хожа, Притха(Кунти) яхши яшаяптими? У етим қолган шу ўғилларини ўйлабгина тирик қолганди. Агар улар бўлмаса, у иккинчи камон билан оламнинг тўрт тарафини забт эта оладиган буюк саркарда, шаҳаншоҳ Пандудан айрилиш азобига бардош беролмасди. 41. Эй олийжаноб инсон, марҳум укасига қарши чиқаётган

(Дхритараштра)нинг аҳволига ич-ичимдан қайғуришдан бошқа иложим йўқ. Мен ҳамшиша унга чин қалбимдан яхшилик тилардим, аммо у ўғилларининг гапига кириб, мени уйдан ҳайдаб чиқарди. 42. Шунча вақт пинҳона юрт айланиб юргандан кейин, буларнинг мен учун ҳеч ажабланарли жойи қолмади. Оддий одамнинг ишларига ўхшаб кетадиган Худои Таолонинг ишлари кўпларни ҳайратга солади, аммо Унинг марҳамати билан менга Унинг улуғворлиги, бепоелиги аён бўлди ва шу боис ўзимни тўла бахтиёр деб биламан.

43. Ғурбатдагиларга дарҳол ёрдамга келишга тайёр ва бутун борлиқ устидан ҳукмрон эканлигига қарамай, гарчи, Куруларнинг қилмаган гуноҳи қолмаган ва уч хил манманликнинг (бойлиги, илми, ҳукми) таъсирида бошқа подшоҳлар ҳам ҳарбий юришлари билан ер юзининг ҳаловатини бузаётганини кўриб турган бўлса ҳам, У (Шри Кришна) Куру хонадонини бирданига яқсон қилмади. 44. Ўзидан бошқаларни писанд қилмайдиган димоғдорларни яқсон қилиш учун Худои Таоло Шри Кришна бу моддий оламда Ўзини намоён қилади. Унинг қилган ишлари илоҳий ва бу ишларни У фақат инсонларнинг ғафлат босган кўзларини очиш учунгина қилади. Моддий гуналарга нисбатан мутлақо илоҳий бўлган Худо Шахси, Ерда намоён бўлар экан, бошқа нимани ҳам ният қилиши мумкин? 45. Шундай экан, эй дўстим, муқаддас жойларда шарафланадиган Худои Таолога ҳамду санолар айт. У туғилмаган, барибир Ўзига содиқ бўлган ҳукмронларга марҳамат кўрсатиш учун Ер юзида пайдо бўлади. Фақат улар учунгина Яду хонадонининг солиҳ инсонлари ичида пайдо бўлди.

Иккинчи боб.

Худо Шахси Шри Кришнани эслаш

1. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - Видура буюк содиқ Уддхавадан унинг қалбига энг яқин Зот(Худо Шахси Шри Кришна) ҳақида гапириб беришни сўраганида, Уни эслаш натижасида қалбида пайдо бўлган чуқур ҳаяжон остида у Видурага дарров жавоб бера олмади. 2. У(Уддхава)ни ҳали беш яшар болалик пайтидаёқ, Худои Таоло Шри Кришнага садоқатли хизмат қилиш шунчалик ўзига ром этган эдики, ҳатто онаси нонуштага чақирганида, овқатланишдан ҳам бош тортарди. 3. Уддхава Худо Шахсига шу тарзда узлуксиз хизмат қилар, ҳатто кексайганида ҳам бутун қалби билан Унга боғланиб қолганди. Видура Худо Шахси ҳақида гапириб беришни сўраганида, беихтиёр унинг эсига Шри Кришна билан боғлиқ бўлган воқеалар келди. 4. У анча вақтгача ҳаракатсиз жим қолди. У Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойи ҳақидаги ширин ўйларга берилиб, тобора авж олаётган садоқат лаззатига фарқ бўлганди. 5. Чуқур жазава ҳолатига тушган ва кўзларидан ҳижрон ёшлари шашқатор оқаётган Уддхаванинг танасидаги бу илоҳий ўзгаришларни кўрган Видура Унинг Худо Шахсини бениҳоя чексиз муҳаббат билан севишини англади. 6. Анча вақтдан кейин Уддхава Худои Таоло даргоҳидан бу дунёга қайтиб кўз ёшларини артди. Унинг ҳаёлида ўтмиш таассуротлари жонланиб лаззатли руҳий ҳолатда Видуранинг саволларига жавоб бера бошлади.

7. Шри Уддхава шундай деди: - Азизим Видур бу дунёнинг порлоқ қуёши - Худои Таоло, Шри Кришна Ўз даргоҳига йўл олди ва замона зайли қиёфасидаги

дахшатли илон уйимизни домига тортиб кетди. Аҳволимизни сенга яна қандай тушунтирсам бўлади. 8. Барча сайёралари билан бирга бу мавжуд олам бахтиқароларнинг бахтиқаросидир. Аммо, Ядавалар хонадони аъзолари ундан ҳам бахтсизроқ, чунки улар бир замонлар ойнинг нима эканини англай олмаган балиқлар сингари, Шри Кришна - Худонинг олий Шахси эканини тушуна олмадилар. 9. Ядавалар Худонинг тажрибали содиқларидан бўлиб, инсоний урф-одатларни яхши билишарди, бунинг устига улар хамиша Худо Шахсига ҳамроҳ бўлиб, Унинг барча ишларида иштирок этиб юрардилар. Шунда ҳам улар Унинг тимсолида фақат ҳамма ерда мавжуд бўлган ягона Хукмдорнигина кўра олдидилар, холос.

10. Худои Таолонинг алдамчи қуввати - майа таъсиридаги кишиларнинг мулоҳазалари ўзларини Худо Шахсига бутунлай топширган содиқлар онгига пугур еткази олмади. 11. Бутун оламга Ўзининг мангу киёфасини намойиш этган Парвардигор Шри Кришна, зарур риёзатлар чекмагани учун Унинг тимсолида Олий Худо Шахсини кўра олмаганларнинг кўзи олдидан ғойиб бўлиб, Ўз даргоҳига кетди. 12. Худои Таоло Ўзининг ички қуввати - йога-майа ёрдамида бу ўткинчи дунёда Ўз шахсини намойиш этди. Бу ерга У Ўзининг ўйинлари учун мос келадиған мангу киёфасида ташриф буюрганди. Худо Шахсининг ўйинлари барчани, ҳатто ўзининг сифатлари билан мағрурланиб юрганларни ҳам, Вайкунтҳанинг Хукмдори киёфасидаги Худо Шахсининг Ўзини ҳам ҳайратга солди. Шунинг учун ҳам У(Шри Кришна)нинг илоҳий танаси барча безакларнинг безагидир.

13. Махараж Юдхитҳира уюштирган раджасуя-ягья(қурбонлик маросими) атрофида олий, ўрта ва куйи сайёралар тизимидаги барча фаришталар тўпландилар. Худо Шахси Шри Кришнанинг мислсиз гўзаллигини кўриб, улар Шри Кришнанинг танаси - инсонларни яратган "Тангри Браҳманинг энг мукамал мавжудоти" деб баҳоладилар. 14. Шри Кришна билан бирга ўйнаган пайтларида кулиб, ҳазиллашиб, нигоҳ алмашиб юрган Ваджа қизлари ҳар гал Шри Кришна уларни ташлаб кетганида оғир қайғуга чўмардилар. Унинг орқасидан узоқ тикилиб қолар, кейин узоқ вақтгача қилаётган ишларини давом эттира олмай мажолсиз ўтириб қолишарди. 15. Ҳам илоҳий, ҳам моддий олам султони, марҳамат уммони Шри Кришна туғилмаган, аммо Унинг тинчликсевар содиқлари билан моддий табиат гуналари таъсирига берилган одамлар орасида низо пайдо бўлганида, У дарров олов каби шу ерда пайдо бўлади. У билан бирга бу дунёга махат-таттва ҳам ташриф буюради.

16. Худо Шахси Шри Кришна ҳақида ўйлаганимда - туғилмаган бўлган ҳолда Васудева қамалган зиндонда туғилгани, отаси паноҳидан маҳрум бўлиб Ваджага келгани, душманлардан кўркиб Ўзини оддий одам киёфасида кўрсатганлари ва чексиз қудратга эгаллигига қарамай Магхурадан қочиб кетгани ҳақидаги ўйлар таъсиридан ҳайратга тушиб, ақлим адашиб, қийналиб озор чекаман. 17. Шоҳ Камсадан кўркиб уйдан узоқда юрганлари сабабли, Улар(Шри Кришна ва Шри Бала-рама) ота-оналари пойи қадамига хизмат қила олмаганлари учун Шри Кришна улардан кечирим сўради: - "Онажон! Отажон! - деди У, - фарзандлик бурчимизни бажара олмаганимиз учун Бизларни кечиринг!" Худо Шахсининг шунга ўхшаган ишларидан қалбим ларзага

келади. 18. Унинг нилуфар қадамлари пойидаги ғубор ҳидининг лаззатидан бирор марта тотиб кўрган киши Унинг хуш бўй атрини ҳеч қачон эсидан чиқара олмайди. Қошини бир чимириши билан Шри Кришна Ер юзини азобга солиб келаётганларнинг барчасини яксон қилди.

19. Худо Шахси Шри Кришнадан нафратланишига қарамай, Чеда шоҳи(Шишупала) сенинг кўз олдинда йоганинг энг юксак даражасига эришганди. Ҳатто ҳақиқий йогалар ҳам бундай олий даражага эришишни орзу қилиб, турли машқлар бажариш билан овора. Кришна билан ажралишнинг ҳижрон азобини тортишга ким ҳам бардош бера оларди? 20. Курукшетра жангтоҳидаги жангчилар Аржуннинг пайконлари остида покланганига шубҳа йўқ. Улар Шри Кришнанинг кўзларни қувонтирувчи нилуфарсимон сиймосини кўриб, Худои Таолонинг даргоҳига эришдилар. 21. Худо Шахси Шри Кришна - намоён бўлган уч бирлик (уч оламнинг, уч гунанинг, уч пуруша)нинг хукмдори ва барча сифату бойликларнинг мустақил олий эгасидир. Бутун Борлиқнинг тартибини сақлаб турувчи миллионлаган хукмдорлар Унга сажда қиладилар ва тожини Унинг оёқларига теккизиб ҳадя эҳсон қиладилар. 22. Шундай экан, эй Видур, содиқ хизматкори бўлган бизлар У(Шри Кришна)нинг тахтада ўтирган шоҳ Уграсена олдида туриб: -"Эй хукмдор, нима содир бўлганини гапириб беришимга рухсат беринг!"- деб турганини қалбимиз ларзага келмасдан қандай эслай оламиз?

23. Кўкрагига заҳар суртиб келиб, Олий Худо Шахсини ўлдириш ниятида, Унинг оғзига кўксини тутган зolim алвасти -Путанага оналик мартабасини берган Худо Шахси Шри Кришнадан ҳам олийҳимматроқ зот бормикан? 24. Ўйлайманки, Худого нафрат кўзи билан қарайдиган иблислар Унинг содиқ хизматкорларидан ҳам омадироқ, чунки, Худо Шахси ҳақида ёмон фикрларга ғарқ бўлиб, У билан жанг қилаётганларида улар Таркшья(Кашьяпа)нинг ўғли Гаруданинг елкасида ўтириб, кўлида Ўзининг дахшатли халқасини тутган Худо Шахсини кўз олдларида яққол кўрадилар. 25. Ер юзига шарофат ато этишини сўраган Браҳманинг илтижоларини инобатга олиб, Олий Худо Шахси, Худои Таоло Шри Кришна Бҳоджа зиндонда Васудева ва Девакининг фарзанди киёфасига кирди. 26. Шундан сўнг Камсадан кўрканидан отаси Уни Нанда Махаражнинг яйловига олиб борди. Тутаб турганида анча вақтгача кўздан ғойиб бўлиб турган олов сингари У акаси Баладева билан у ёқда ўн бир йил яшади. 27. Болалигида подачи болалар ва бузоқлар ҳамроҳлигида Худо Шахси Ямуна дарёси қирғоғида, сайроқи кушлар овозига тўла қалин ўрмонларда сайр қилиб юрарди. 28. Фақат Вриндаван аҳолисигина Худо Шахсининг болалик ўйинлари лаззатидан баҳраманд бўлиш имкониятига эга эди. Худди оддий болалардек У баъзан йиғлаб хархаша қилар, баъзан қикирлаб куларди. Ўзининг шу ўйинларида У жажжи арслон боласига ўхшаб кетарди.

29. Чиройли бузоқларни яйловга олиб кетаётиб, бахт ва фаровонлик манбаи Худо Шахси Ўзининг мангу ҳамроҳлари бўлган подачи болаларнинг қалбларини қувончга тўлдириб сурнайини чаларди. 30. Худо Шахси Шри Кришнани ўлдириш учун Бҳоджа шоҳи Камса Унинг олдига ҳар турли киёфага қира оладиган буюк сеҳргару-жодугарларни бирин кетин юбора бошлади, аммо Худо Шахси Ўз ўйинлари давомида уларни, худди ёш бола ўйинчоқларни синдиргани сингари осонлик

билан ўлдирар эди. 31. Судралиб юрвчилар шоҳи, Каля, Ямуна дарёси сувини захарлаганида Вриндаван аҳолиси нима қилишни билмай танг аҳволда қолдилар. Худо Шахси шу захотиёқ дарёга тушиб, илонлар султонининг таъзирини берди ва уни хайдаб юборди. Қирғоққа чиқиб сигирларни дарёдан суғорди. Буни кўрганларнинг барчаси дарё суви яна аввалгидай тоза ва ширин бўлиб қолганига амин бўлдилар. 32. Худо Шахси Шри Кришна Нанда Махаражнинг жуда катта бойлигини сигирларга сажда қилиш учун ишлатмоқчи ва айна пайтда осмон шоҳи Индранинг адабини бериб қўймоқчи бўлди. Шу ниятда У отасидан донишманд браҳманлар ёрдамида "го" - ўтлоқ ва сигирларга сиғиниш маросимини ўтказишни сўради. 33. Эй донишманд Видура, обрўси тўкилган Индра Вриндаванга кучли жала куйдирди ва Враджа(сигирлар макони) аҳолиси ноилж аҳволда қолди. Аммо, марҳамат уммони бўлган Худо Шахси Шри Кришна Говардхана тепалигини ўйинчоқ соябондек кўтариб, соябон қилиб турди ва уларни бу азобдан халос этди. 34. Йилнинг куз фасли кириши билан Худо Шахси ёш қизлар даврасида лаззатланиб роҳат оларди. Кришна сурнайининг сеҳрли оҳанглари уларнинг қалбларига ором бериб, тўлин ой ёритиб турган куз окшомида ўрмон узра тараларди.

Учинчи боб

Худо Шахсининг Вриндавандан ташқаридаги ўйинлари

1. Шри Уддхава шундай деди: - Кейин Худо Шахси Шри Кришна билан Баладева Матхурага йўл олдилар. У ерда ота-онасини хурсанд қилиш ниятида, душманларининг бошлиғи Камсани тахтада ўтирган жойидан тортиб олиб ўлдирди ва жасадини ерда судраб юрдилар. 2. Ведалар илмини тўлиқ ўрганиш учун Худо Шахсига бу илмини руҳий устози Сандипани Мунидан биргина марта эшитишнинг ўзи кифоя эди. Устозининг ўлган ўғлини Ямалокадан қайтариб бериб, У устозини мамнун қилди. 3. Шоҳ Бҳишмакининг қизи Рукминининг гўзаллиги ва хуш хулқига ошиқ бўлган кўшлаб буюк шахзодалар унга эришиш ниятида куёв танлаш маросимига тўпландилар. Аммо, Парвардигор Шри Кришна тўпланганларнинг боши узра юриб, ҳаққоний равишда Ўзига тегишли бўлган Рукминини, худди фаришталар орасидан мангулик шарбатини олиб кетган Гаруда сингари, ўлжа қилиб олиб кетди.

4. Етти қутурган ҳўкизни жиловлаб, очик курашда ғолиб чиққан Парвардигор малика Нагнажитининг қўлларига эга бўлди. У ғолиб чиққанига қарамай рақиблари малика қўлига даъвогарлик қила бошладилар. Шунда Парвардигор билан улар орасида жанг бошланди. Ҳар турли қуроллар соҳиби бўлган Парвардигор рақибларининг бирларини ярадор қилиб, баъзи бирларини ҳалок қилди, Ўзи эса соппа-соғ қолди. 5. Худди оддий эрлардек, хотинининг кўнглини овлаш учун У хотинига жаннатдан "Париджата" гулдарактини олиб тушди. Аммо, осмон шоҳи Индра хотинларининг гапига кириб, Худои Таоло билан жанг қилиш ниятида Унинг орқасидан югурди. 6. Дхаритри(Ер)нинг ўғли Наракасура бутун осмонни босиб олмоқчи бўлди. Шу нияти учун Худои Таоло уни ўлдирди, аммо онасининг илтижоларини инобатга олиб,

Наракасуранинг салтанатини унинг ўғлига қайтариб берди, Ўзи эса иблис саройига кирди. 7. Гурбатдагиларга ҳамиша меҳрибон бўлган Худо Шахсини кўрган захоти, Наракасуранинг саройида камалиб захмат чекаётган маликалар Унга пешвоз чиқдилар. Улар Худо Шахсига қувончга тўла, уялчан, шу билан бирга умидвор нигоҳ ташлаб, Ундан ўзларини хотинликка олишни илтимос қилдилар. 8. Худо Шахси ҳар бир маликани алоҳида саройга жойлаштирди ва Ўзи бир неча қиёфага кириб, уларнинг ҳар бирига муносиб куёв бўлди. Кейин Ўзининг ички қуввати ёрдамида уларнинг ҳар бири билан алоҳида никоҳдан ўтиб, зарур бўлган маросимларни ўтказди. 9. Илохий шахсини турли хил кўринишларда намоён қилиш ниятида Худо Шахси ҳар бир хотинидан ўнтадан ўғил кўрди. Ҳамма ўғиллари Унинг Ўзи сингари барча эзгу файласуф азилатларга эга эди.

10. Калявана, Шалва ва шоҳ Магадхилар Матхурага бостириб кирдилар, аммо уларнинг қўшинлари шаҳарни ўраб олганларида, хизматкорларининг доврўғини оламга таратиш учун, Худо Шахси атайлаб бу қўшинларни Ўзи яксон қилиб ўтирмади. 11. Шамбара, Двивида, Бана, Мура, Балвала ва бошқа баъзи иблисларни Унинг Ўзи яксон қилди, баъзиларини эса, Унинг амри билан (Шри Баладева ва)бошқалар ўлдирдилар. 12. Кейин, эй Видура, Худои Таолонинг амри билан Курукшетрада барча шоҳлар - душман тарафидагилар ҳам, сенинг жиянларинг томонида жанг қилаётганлар ҳам ҳалок бўлдилар. Бу шоҳларнинг кучқудрати шу қадар кўп эдики, жанг майдонидан ўтганларида, уларнинг оёқлари остида ҳатто Ер ларзага келарди. 13. Карна, Духшасан ва Саубалаларнинг аҳмоқона маслаҳатларига учиб, адашган Дурйодхон бутун молу-давлатидан маҳрум бўлди ва охир оқибатда бу дунёдан бевақт кўз юмди. Оёқлари мажруҳ бўлиб, қудратли Дурйодхон ва унинг тарафдорларининг ер узра чил-парчин бўлиб ётиши Худо Шахсини ҳечам қувонтирмади.

14. (Курукшетра жангидан кейин Худо Шахси шундай деди:) -"Ўн саккиз қўшинни яксон қилиб, Дрона, Бҳишма, Аржун ва Бҳималар Ер юзини азобдан қутқаришда Менга ёрдам бердилар. Аммо, қарасам, Ўзимнинг хонадоним - Ядулар хонадони ҳали ҳам аввалгидек қудратли ва Ер юзига яна ҳам оғирроқ азоб келтириши мумкин. 15. Ичилган *мадху* асали таъсиридан маст бўлиб, кўзлари асалдек қизарган ядулар бир-бирлари билан ўзаро жанжаллашаганина ер юзини тарк этадилар. Уларни йўқотишнинг бундан бошқа иложи йўқ. Мен ер сайёрасини тарк этган куни ана шундай ҳодиса рўй беради".

16. Шундай мулоҳазалар билан эзгулик қоидалари асосида ҳукмронлик қилиш намунасини кўрсатиш учун Махараж Юдҳиштҳирани бутун Ер юзига ҳукмдор қилиб тайинлади. 17. Буюк қаҳрамон Абҳиманюдан хотини Уттара қорнида қолган Пурунинг охири авлоди, Дронанинг ўғли юборган браҳмастра ўтида куйиб кетаётганида Худо Шахси уни қутқариб қолди. 18. Дҳарманинг ўғли(Юдҳиштҳира)ни Худо Шахси уч марта от қурбонлик қилиш маросимини ўтказишга ундади. Ҳамиша Худои Таоло Шри Кришнанинг амрига бўйсунадиган шоҳ Юдҳиштҳира шундай қилиб, укалари ёрдамида Ерни ҳимоя қилди ва унинг неъматларидан лаззатланиб яшади. 19. Айна пайтда Худо Шахси Дваракада ведавий жамият қонунларига тўла риоя қилган

холда ҳаёт нашъасини сурарди. Санкхья фалсафаси кўрсатмаларига биноан, мукамал илм асосида яшар ва Ўзининг ҳаётида боғланмаслик қоидасига амал қиларди. 20. Дваракада яшаганида У фаровонлик фаришталарнинг қароргоҳи бўлган Ўзининг илоҳий тана-сида эди. Худо Шахсининг чиройли юзида ҳамиша та-бассум ўйнар, Унинг одоби намунали, сўзлари ширин эди. 21. Худо Шахси Ўзининг бу дунёдаги, шунингдек бошқа оламларда ўтказган, айниқса Яду Хонадони аъзолари орасида ўтказган ўйинларидан лаззат оларди. Тунлари дам олиш пайтларида эса, У хотинлари даврасида оилавий турмуш лаззатини сурарди. 22. Худо Шахси шу тарзда кўп йиллар оилавий ҳаёт кечирди. Аммо, Ўзининг Ерадаги ҳаётининг охирида У жинсий ҳаётни бутунлай тарк этди.

23. Ҳар бир тирик мавжудотни қандайдир олий куч бошқариб туради ва унинг оладиган ҳиссий лаззатлари ҳам мана шу олий куч амри остида бўлади. Шу боис, Парвардигор Кришнанинги илоҳий ҳиссиётларининг бу оламдаги фаолиятига фақат холис хизмат қилиш билан Унга содиқ бўлган одамларгина ишониши мумкин. 24. Бир куни Яду ва Бходжа қабилалари ўз ҳатти-ҳаракатлари билан буюк донишмандларнинг ғазабини келтирдилар. Худонинг амри билан донишмандлар уларни дуои бад қилдилар. 25. Бир неча ой ўтгандан сўнг, аслида фаришталар зотидан бўлган Вришни, Бходжа ва Андхакининг Кришна адаштирган авлодлари Прабхасага равона бўлдилар, Худо Шахсига мангу содиқ хизматкор бўлганлари эса, Дваракада қолдилар. 26. У ерга боргандан сўнг, сувда покланиб, улар авлодларини, фаришталарни ва буюк донишмандларни эслаб, уларга шу муқаддас дарё сувидан садақа(эхсон) қилдилар. Кейин улар брахманларга кўплаб сигирлар улашдилар. 27. Семиз боқилган сигирлардан ташқари брахманларга олтин, кўрпа-тўшак, кийим-бош, тери, отлар, филлар, қизлар ва ўзларини боқишга бемалол етадиган ерлар ҳам инъом этдилар. 28. Кейин, уларни аввало Худо Шахсига тақдим этилган ажойиб таомлар билан меҳмон қилиб, уларнинг оёқларига йиқилиб, таъзим қилдилар. Уларнинг бутун ҳаёти намунали одоб-ахлоқ асосида, сигир ва брахманларни ардоқлаш билан ўтарди.

Тўртинчи боб.

Видуранинги Майтрея билан учрашуви.

1. Кейин уларнинг барчаси(Вришни ва Бходжа қабиласи) брахманларнинг руҳсати билан табаррук овқат қолдиғи(прасад)дан еб, ачиган гуручдан қилинган шаробдан ичдилар. Май таъсиридан маст бўлиб, бир-бирларини юракларни қон қиладиган гаплар билан сўка бошладилар. 2. Куёш ботаётганида, шахзодаларнинг бошлари гангиб, аклидан озиб, худди бамбук таёқларининг бир-бирига ишқаланиши ёнғинга сабаб бўлиб, ўрмоннинг кулини кўкка совургани каби, улар ҳам бир-бирларини яқсон қилдилар. 3. Ўзининг ички қуввати ёрдамида (Ўз қабиласининг) ҳалокатини олдиндан билган Олий Худо Шахси, Шри Кришна Сарасвати дарёси бўйига йўл олди, дарёдан тўйиб сув ичиб дарахт соясига ўтирди. 4. Ўз ихтиёрини бутунлай Унга топширган кишини Парвардигор барча балолардан халос этади. Шу боис, Ўз қабиласини Ер юзидан

йўқотишга қарор қилгандан сўнг, У менинг Бадари-кашрамга жўнашимни буюрди. 5. Аммо, Унинг нияти менга маълум бўлса ҳам, эй Видура, орқасидан бора-вердим, чунки мен учун Хўжайинимнинг қадамлари пойидан жудо бўлиш жуда оғир эди. 6. Унинг орқасидан бориб хўжайиним ва халоскорим(Парвардигор Шри Кришна)ни чуқур ўйга толган холда ўтирганини кўрдим. Ўзи фаровонлик фаришталарнинг раҳнамоси бўлган холда, У Сарасвати дарёси соҳилидан Ўзига паноҳ топганди. 7. Худо Шахсининг қорамтир мангу танаси лаззат ва илмга тўла, бениҳоя гўзал. Янги чиқаётган куёш сингари порлаган кўзлари ҳамиша фароғатда. Устидаги сариқ либоси, тўрт қўли ва бошқа аломатларидан мен Унинг Олий Худо Шахси эканлигини дарров таниб олдим. 8. Худо Шахси ўнг оёғининг нилуфар пойи қадамини чап оёғи устига қўйиб, ёш банан дарахтига суянган холда ўтирарди. Шундай ўтирган холда, оилавий ҳаётнинг барча қулайликлардан воз кечганига қарамай У бутунлай мамнун эди.

9. Айни пайтда, буюк донишманд Кришна Двайпаяна Вьясанинги ўртоғи ва ҳамроҳи, Худо Шахсининг буюк содиқ хизматкори Майтрея оламни сайр қилиб юриб, бахтли тасодиф билан айнан шу ерга келиб қолганди. 10. Ун(Худо Шахси)га қаттиқ боғланиб қолган Майтрея Муни энгашиб Худо Шахсининг гапларига кулоқ соларди. Табассум билан менга юзланиб, Худо Шахси ўтиришга руҳсат берди ва шундай деди:

11. - Эй Васу, сенинги ҳаёлингдан ўтаётган фикрларнинг ҳаммаси Менга аён, шу боис, Васу ва моддий оламни яратишга маъсул бўлган бошқа фаришталар қурбонлик маросими ўтказаятганида сен нимани орзу қилганиниги биламан. Шунда Мен билан ҳамсухбат бўлишни орзу қилган эдинг. Бошқалар учун деярли мумкин бўлмаган шу имкониятни Мен сенга бугун ато этаман. 12. Эй мўтабар инсон, ҳозирги ҳаётинг - сен бу дунёда яшаётган ҳаётларнинг энг аълоси ва энг сўнггиси бўлади, чунки шу ҳаётингда сенга Менинги энг олий марҳаматим ато этилган. Энди сен шартланган тирик мавжудотлар қароргоҳи бўлган бу оламини тарк этишинг ва Менинги илоҳий даргоҳим, Вайкунтхага йўл олишинг мумкин. Сенинги жуда омадинг келди: узлуксиз соф содиқ хизматинг туфайли сен мана шу кимсасиз жойда Мен билан учрашиш бахтига сазовор бўлдинг. 13. Эй Уддхава, жуда қадим замонда, оламини яратиш пайтида, киндигимдан чиққан нилуфар гули устида ўтирган Брахмага Мен Ўзимнинг илоҳий улуғворлигим ҳақида гапириб бергандим. Буюк донишмандлар Менинги ана шу айтганларимни "Шримад-Бхагаватам" деб атадилар".

14. Уддхава шундай деди: - Эй Видура, ҳаётимнинг ҳар бир дақиқасида менга марҳамат кўрсатиб келган Олий Худо Шахси, Шри Кришна чуқур муҳаббат билан менга гапира бошлаганида, қалбим туғёнидан анча вақтгача Унга ҳеч нарса деб жавоб бера олмай турдим. Танамдаги туклар тикка бўлиб, эгим жимирлаб кетганди. Кейин, кўз ёшларимни артиб, қўлларимни ковуштириб, шундай дедим: 15. - Эй Парвардигор, Сенинги нилуфар қадамларинг пойига илоҳий муҳаббат билан холис хизмат қилиб юрган содиқ хизматкорларинг бу дунёдаги мавжуд тўрт мақсад: такводорлик, фаровон турмуш, ҳиссий лаззатлар ва озодликка чиқишга осон эришадилар. Мен эса, эй улуғ Зот, Сенинги нилуфар қадамларинг пойига муҳаббат билан

хизмат қилишни буларнинг барчасидан устун қўяман. 16. Эй Худойим, ҳар қандай истаклардан пок бўла туриб, Сен дунёвий фаолият билан шуғулланаётганини; туғилмаган ҳолда туғилганини; ҳатто енгилмас замонга ҳам ҳукмрон бўлган ҳолда, душманларингдан кўриқиб саройга бекиниб олганларини; Ўзинг лаззат манбаи бўлган ҳолда, оила куриб аёлларинг даврасида лаззат олаётганини кўрганларида, ҳатто буюк донишмандлар ҳам шубҳаланиб қоладилар.

17. Эй Худо Шахси, мангу ва бўлинмас, тўла бутун бўлганинг учун замон Сенга ҳукмронлик қилолмайди, Сенинг мукамал илминг эса бениҳоядир. Сен Ўзинг мустақил равишда ҳар қандай қарорга кела оласан, аммо ҳеч қачон бундай ҳолатга тушмайдиган бўлсанг ҳам, ҳаёлинг паришон бўлгандек, мендан маслаҳат сўраяпсан. Сенинг бу ҳатти-ҳаракатинг мени ҳайратга соляпти. 18. Эй Худо Шахси, агар мени муносиб деб ҳисобласанг, илтимос, бир вақтлар Брахмажигга ўргатган, Сенинг даргоҳингга етишиш учун зарур бўлган илоҳий илми менга ҳам ўргат.

19. Олий Худо Шахсига қалбим тўрида авайлаб асраб келаётган ниятимни изҳор этганимда, нилуфар кўзли Парвардигор менга Ўзининг илоҳий (Ўзлиги)қиёфасини таърифлаб берди. 20. Шундай қилиб устозим Худои Таолодан ўзликни англашнинг йўлини билиб олдим. Кейин Унинг атрофини айланиб тавоф этиб, ҳижрон азоби остида бу ерга келдим. 21. Азизим Видура, Худо Шахси висолдан маҳрум бўлиш азобидан ақлдан озишимга оз қолди: Унинг амрини бажариш билан қалбимдаги ҳижрон азобини енгиллатиш учун мен ҳозир Ҳимолай тоғидаги Бадарикашрамга кетяпман. 22. У муқаддас даргоҳ - Бадарикашрамда Худои Таоло донишмандлар Нара ва Нараяна кўринишида намоён бўлиб, қалбининг ардоғи бўлган барча тирик жонотларга саодат келтириш учун азалдан қаттиқ риёзатларга берилиб яшайдилар.

23. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - Ўзининг дўст-ёрлари ва қариндош-уруғларининг ҳалок бўлганини Уддхавадан эшитган Видура чуқур қайғуга тушганида, олган илоҳий илми уни бу аламга бардош беришига ёрдам берди. 24. Барча содиқларнинг йўлбошчиси, Худо Шахсининг алоҳида ишончига сазовор бўлган Уддхава кетишга ҳозирланганида, Видура унга чуқур меҳр-муҳаббат билан мурожаат қилди.

25. Видура шундай деди: - Эй Уддхава, Худо Шахси, Вишнунинг содиқ хизматкорлари фақат бошқаларга хизмат қилиш ниятидагина бутун жаҳонни кезиб юрадилар. Агар сен Худо Шахсининг Ўзи ўргатган илоҳий ўзликни англаш илмини менга ўргатсанг жуда яхши бўларди.

26. Шри Уддхава шундай деб жавоб берди: - Сал нарироқда буюк донишманд Майтрея Муни яшайди. Илоҳий илм олиш учун одамлар одатда унга сифинадилар. Илоҳий илми унга Худо Шахсининг Ўзи бу дунёни тарк этишдан аввал очиб берган. Сен унга шогирд бўлишинг мумкин.

27. Шукадева Госвами шундай деди: - Эй шох, Ямуна дарёси қирғоғида Видура билан Худо Шахсининг илоҳий номлари, шон-шухрати, сифатлари ҳақида суҳбатлашиб анча вақт ўтказгандан сўнг, Уддхава яна чуқур қайғуга чўмди. Бу тун Уддхава учун бир зумда ўтиб кетди. Эрта тонгда эса у Видура билан хайрлашиб ўз йўлига кетди.

28. Шох деди: - Бутун уч олам Худоси Шри Кришна Ўзининг Ер сайёрасидаги ўйинларини ниҳоясига етказди. Вришни ва Бҳоджа қабиласининг намоёндалари бўлган буюк жангчилар бу оламни тарк этдилар. Нима сабабдан Уддхава ҳам улар билан кетмай бу ерда қолди?

29. Шукадева Госвами шундай деди: - Эй шох, брахманларнинг дуои-бад қилиши бир баҳона холос, аслида бунга сабаб Худои Таолонинг хоҳиши, олий ҳукми эди. Ўзининг жуда кўпайиб кетган хонадони аъзоларини ер юзидан Ўз даргоҳига жўнатгандан кейин, Ўзи ҳам Ер сайёрасини тарк этмоқчи бўлди. Худо Шахси ўйланиб шундай қарор қилганди: 30. "Моддий оламни тарк этар эканман, ўйланиб қарасам, содиқ хизматкорларим ичида энг аълоси ва Ўзим ҳақимдаги илми ишониб топширса бўладиган ягона инсон - Уддхава экан. 31. Моддий табиат гуналари таъсирига ҳеч қачон берилмаслиги сабабли Уддхава ҳар томонлама Мендан қолишмайди. Шундай экан, у бу моддий оламда қолсин ва одамларга Худои Таоло ҳақидаги нодир илми етказсин!".

32. Барча (муқаддас)ведавий илмлар манбаи, бутун уч оламни руҳий устози - Олий Худо Шахсидан шундай кўрсатмаларни олган Уддхаванинг йўлга тушиб, муқаддас Бадарикашрам тупроғига етиб боргани ва Худо Шахсини рози қилиш учун илоҳий риёзатга берилганини Шукадева Госвами шохга гапириб берди. 33. Видура Уддхавадан Парвардигор Шри Кришна, Олий Руҳнинг бу ўткинчи дунёда пайдо бўлиши ва уни тарк этиши ҳақида ҳам эшитди. Барча донишмандлар ана шу сирли илмдан воқиф бўлишга интиладилар. 34. Худо Шахсига чуқур иймон билан хизмат қилмайдиганлар Унинг бу ўткинчи дунёда турли қиёфаларда намоён бўлиб қиладиган ажойиб кароматларини англай олиши жуда қийин. Худо Шахсининг кўрсатган илоҳий кароматлари хайвонсифат кишиларнинг ақлларини чалғитиб, жаҳлини чиқаради. 35. Бу дунёни тарк этаётган Худо Шахси Шри Кришна уни эслганини эшитган Видуранинг қалби туғёнга келиб йиғлаб юборди. 36. Ямуна қирғоғида бир неча кун бўлгандан сўнг ўзини тўла англаган зот - Видура буюк донишманд Майтреяни излаб Ганга қирғоғига йўл олди.

Бешинчи боб

Видуранинг Майтрея билан суҳбати

1. Шукадева Госвами шундай деди: - Шундай қилиб, Худо Шахсига содиқ хизмат қилишда камолотга эришган Куру авлодининг буюк намоёндаси Видура илоҳий Ганга дарёси бошланган жой(Хардвар)га етиб келди. Бу ерда бениҳоя чексиз илмга эга бўлган буюк донишманд Майтрея Муни яшарди. Ҳамиша илоҳий лаззат оғушида юрадиган олийжаноб Видура унга мурожаат қилди.

2. Видура шундай деди: - Эй буюк донишманд, бу ўткинчи дунёда ҳамма бахтга интилиб, ҳар турли оқибат келтирадиган(кармали) фаолият билан машғул бўлиб яшайди. Аммо ҳеч ким бахтга интилишдан ҳам тўхтамайди, қийинчиликлардан ҳам қутулмайди. Аксинча, бундай фаолият фақат янги-янги қийинчиликларга олиб келаверади, холос. Шунинг учун ўз марҳаматини биздан аямай, тушунтириб берчи, инсон ҳақиқий бахтга эришиши учун ҳаётда қандай яшаши керак? 3. Эй ҳукмдорим, инсонларни чин

қалби билан севадиган буюк зотлар Худонинг амрига бўйсуннишни истамайдиган осий бандаларга ачинганларидан, жаҳон бўйлаб Олий Худо Шахси ҳақидаги хабарни уларга етказиб юрадилар. 4. Шу боис сендан ўтиниб сўрайман: эй буюк донишманд, ҳар бир тирик қалбида мавжуд бўлган Худои Таоло марҳамат кўрсатиб, қалбимда Мутлақ Ҳақиқат илмини очиб бериши учун, Унга садоқат билан холис хизмат қилишнинг илоҳий илмини менга ўргат. Қадимий ведаларнинг муқаддас битикларида баён этилган бу илмдан фақат Худо Шахсига садоқат билан холис хизмат қилиш жараёнида покланган кишиларгина бахраманд бўлиши мумкин. 5. Эй буюк донишманд, илтимос, ҳар қандай орзу-ҳаваслардан холи, мутлақо мустақил, барча қувватлар ҳукмдори ва бугун уч олам Парвардигори бўлган Худои Таоло бу дунёда қандай намоён бўлишини ва мукамал қонунлар асосида бу мавжуд оламни яратиб, унинг мавжудлигини қандай таъминлаб туришини тушунтириб бер! 6. У осмон шаклида ястаниб ётган Ўзининг юрагига кириб жойлашади. Бугун борлиқни мана шу маконга жойлаб, Ўзини ҳар бир тирик мавжудот қалбига таратади. Ўзининг мавжудлигини таъминлаб туриши учун Унинг ҳеч қандай ташвиши йўқ, чунки У бугун борлиқ ҳукмдори ва барча сеҳрли қувватлар соҳибидир. Ўзининг шу сифати билан У бошқа тирик мавжудотлардан ажралиб туради. 7. Худо Шахсининг икки бор туғилган(браҳман)лар, сигирлар ва фаришталарнинг саодатини ўйлаб, Ўзининг турли қиёфаларида кўрсатган кароматлари ҳақида ҳам менга гапириб бер. Гарчи Унинг илоҳий ишлари ҳақида бизлар тинмасдан тинглаб юрсак ҳам, барибир бизнинг ақлимиз ҳамиша уларга чанқоқ. 8. Барча сайёраларни ва уларнинг маконларини яратгандан сўнг, ҳукмдорлар Ҳукмдори бу сайёраларда ҳар хил тирик мавжудотларни, уларнинг аввалги фаолиятлари оқибатида моддий табиат гуналарининг кўрсатаётган таъсирига биноан бунёд этиб, уларга ҳукмрон қилиб, ҳар хил шоху-ҳукмдорларни яратди. 9. Эй браҳманлар аълоси, менга яна, оламни яратган пок Парвардигор Нараянанинг қандай қилиб турли хил сифатларни, фаолият турларини, тирик мавжудотларнинг сон-саноксиз номларини, қиёфа ва шакллари яратганини гапириб бер. 10. Эй ҳукмдор, олий ва қўйи табақага оид одамлар ҳақида мен Вьясадевадан бир неча бор эшитганман, бундай дунёвий мавзулар ва улар келтирадиган лаззатлар аллақачон менинг жонимга теккан. Бу ҳикоялар қалбимга таскин бера олмади, чунки улар инсонга Худо Шахси, Шри Кришнанинг қилган ишлари ҳақидаги ҳикоялар каби лаззат бера олмайди. 11. Нилуфар қадамлари пойи барча зиёратгоҳларнинг маркази бўлмиш, барча буюк донишмандлар ва солиҳ инсонлар сиғинадиган Худои Таоло ҳақидаги ҳикоялардан тўйиб тингламаган кишининг қалби қандай қилиб таскин топсин? Бу ҳикоялар инсон қулоғига чалиниши биланок, унинг қалбидаги оилавий боғланишлар тугунини ечиб юборади. 12. Сенинг дўстинг, Кришна Двайпаяна Вьяса ўзининг буюк "Маҳобҳорат" асарида Худои Таолонинг илоҳий фазилатларини таърифлаб берган. Аслида "Маҳобҳорат"нинг мақсади - оддий одамларнинг дунёвий адабиётларни ўқишга бўлган қизиқишларидан фойдаланиб, уларнинг диққатини Кришна-катха("Бхагавад-Гита")га жалб этишдир.

13. Қалбида Парвардигор, Шри Кришна ҳақида мунтазам тинглашга иштиёқ туғилган кишида бошқа

барча нарсаларга бўлган қизиқиш аста-секин сусайиб боради. Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойини ҳамиша эслаб юриб, бундай илоҳий лаззатни тоғиб кўрган солиҳ инсон бу дунёнинг барча азоб-уқубатларидан дарров халос бўлади. 14. Эй донишманд, ўзлари ачинарли аҳволда бўлишларига қарамай баъзи одамлар, қилган гуноҳлари туфайли илоҳиёт(Худо) ҳақидаги ҳикояларга қизиқмайдиган ва шу боис "Маҳобҳорат"("Бхагавад-Гита")нинг мақсадини тушунмайдиган одамларга ачинадилар. Улар турли фалсафий мулоҳазалар билан банд бўлиб, инсон ҳаётининг ўзлари ўйлаб топган энг олий мақсадига интилиб, ҳар хил маросимларни ўтказиб юришларига қарамай, аёвсиз вақт уларнинг нодир умрларини ўпқондек ўз домига тортаётганини кўриб, мен ҳам уларга ачинаман. 15. Эй Майтрея, эй барча бечораларнинг дўсти, фақат Парвардигорнинг буюклиги ҳақидаги ҳикояларгина ер юзининг бугун аҳолисига саодат келтиради. Шунинг учун, фақат гулларнинг шарбатинигина терувчи асалари сингари, оламдаги мавжуд барча ҳикояларнинг мағзи бўлган - Худо Шахси ҳақидаги ҳикоялардан гапириб бер. 16. Моддий оламда намоён бўлган қиёфалари бу фазовий борлиқни яратиш ва мавжудлигини таъминлаб туриш учун етарли кудратга эга бўлган Олий Ҳукмдорнинг қилган илоҳий, ғайритабиий ишларини шарафлаб гапир! 17. Шукадева Госвами шундай деди: - Бугун инсониятнинг саодатини кўзловчи буюк донишманд Майтрея муни Видурага хурмат эҳтиром кўрсатиб қарши олгандан кейин ҳикоясини бошлади.

18. Шри Майтрея деди: - Эй Видура, сенга шон-шарафлар бўлсин! Бугун дунёга, шу жумладан менинг ўзимга ҳам чексиз марҳамат кўрсатиб, сен энг олий саодат ҳақида савол бердинг, чунки сенинг ақлу-ҳаёлинг ҳамиша Илоҳиёт(Худо) ҳақидаги ўйлар билан банд. 19. Эй Видура, сенинг ҳеч иккиланмасдан Худо Шахсига тўла иймон келтиришининг ҳеч ажабланарли жойи йўқ, чунки сен Вьясадева зурёдисан. 20. Мандавья Мунининг қарғиши оқибатида ерда туғилганиниги биламан. Аввал сен ўликлар диёрининг султони, шох Ямараж(Азроил) бўлгансан. Сатьяватининг ўғли Вьясадева сени акасининг канизаги қорнида дунёга келтирганди. 21. Эй хурматли зот, Сен Олий Худо Шахсининг мангу ҳамроҳларидан бирисан. Ўзининг мангу даргоҳига йўл олишдан олдин, сенга етказишим учун, Худо Шахси менга зарур кўрсатмалар берган эди. 22. Шунинг учун сенга Олий Худо Шахсининг қилган ишлари ҳақида гапириб бераман. Уларда Худо Шахси бу дунёни маълум тартибда яратиш, мавжудлигини таъминлаб туриш ва яқсон қилиш учун Ўзининг илоҳий кудратини намоён қилади.

23. Моддий оламни яратишдан аввал фақат Худои Таоло, барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдори Худо Шахси мавжуд эди, Ундан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Фақат Худои Таолонинг иродаси, амри билангина бу олам пайдо бўлади ва қайтиб яна Унинг Ўзида мужассам бўлади. Ана шу Олий Рухнинг сифатлари Унинг хилма хил номларида ўз ифодасини топган. 24. Шунда бугун борлиқнинг ягона ҳукмдори бўлмиш Худои Таоло ягона кузатувчи эди. У пайтда моддий коинот ҳали мавжуд эмас, Худо Шахси Ўзининг тўлиқ ва ажралган қисмлари бўлмаганидан Ўзини номукамал сезарди. Унинг ички қуввати намоён бўлган, аммо ташқи, моддий қуввати ҳали уйкуга чўмган ҳолда эди. 25. Худо Шахси - кузатувчидир, У кузатаётган ташқи қувват эса,

бир вақтнинг ўзида моддий борлиқнинг ҳам сабабчиси, ҳам оқибати бўлиб иш бажаради. Эй бахтли Видура, Худои Таолонинг ташқи қувватини майя деб атайдилар ва фақат унинг шарофати билангина мавжуд коинот пайдо бўлади. 26. Худо Шахсининг тўлиқ намоён бўлган қиёфаси, Олий тирик мавжудот бўлмиш - илохий пуруша, уч гуна(сифат)дан таркиб топган моддий табиатни уруғлантиради. Шундай қилиб мангу вақт таъсирида тирик мавжудотлар дунёга келадилар. 27. Кейин, вақт ўтиши билан махат-таттва деб аталувчи, моддий унсурларнинг мажмуаси мавжудлик ҳолатига ўтади. Соф эзгуликдан иборат бўлган Худои Таоло махат-таттвани Ўзининг рухий танасидаги мавжуд коинотни яратиш уруғлари билан уруғлантиради. 28. Ундан сўнг махат-таттва, яратиладиган барча зотлар манбаи сифатида турли хил шаклларни ажрата бошлайди. Махат-таттва ғафлат гунасининг устивор таъсири остида сохта ўзликни юзага келтиради. Махат-таттва Олий Худо Шахсининг тўлиқ намоён бўлган кўринишидир ва у яратиш қонунларини ва яратиш вақтини мукаммал билади. 29. Махат-таттва ёки, буюк оқибат қонуни сохта ўзликка айланади, сохта ўзлик уч кўринишда - сабаб, оқибат ва фаолият кўрсатувчи шаклда намоён бўлади. Унинг заминидан моддий унсурлар, қўпол хиссиётлар ва ҳаёлий таассуротлар ётади. Сохта ўзлик уч хил кўринишда - эзгулик, эҳтирос ва ғафлат сифатларида намоён бўлади.

30. Эзгулик гунаси билан ҳамкорликда сохта ўзлик аклга айланади. Мавжуд оламни бошқариб турган фаришталарнинг барчаси ана шу жараён натижасида - сохта ўзлик ва эзгулик гунасининг ҳамкорлиги натижасида юзага келади. 31. Хиссиётлар эҳтирос гунаси ва сохта ўзлик бирикишидан ҳосил бўлади. Шундай қилиб, фалсафий илм ва оқибат келтирувчи фаолият энг аввало эҳтирос гунасининг маҳсулидир. 32. Осмон товушдан пайдо бўлади. Товуш эса сохта ўзликнинг ғафлат гунаси билан ҳамкорлиги натижасида пайдо бўлади. Бошқача қилиб айтганда, осмон - Олий Рухнинг намоён бўлган кўриниши, тимсолидир. 33. Кейин Худо Шахси мангу замон ва ташқи қувват аралашган осмонга нигоҳ ташлади. Ана шундай қилиб осмонни тўлдирган ҳавони яратадиган сезги юзага келди. 34. Чексиз қудратга эга бўлган ҳаво, осмон билан бирикиб хиссиётлар сеза оладиган қиёфа-шаклларни пайдо қилди. Шаклни сезиш эса - оламни ёритувчи нурга, электр қувватига айланди. 35. Электр қуввати ҳавони тўлдирди. Ҳавога Худои Таолонинг нигоҳи тушганда, электр қуввати мангу замон ва ташқи қувват билан бирикиб сув ва таъмни юзага келтирди. 36. Худои Таоло электр қувватидан пайдо бўлган сувга назар ташлади. Шунда, мангу замон ва ташқи қувват билан бириккан сув ерга айланди. Ернинг асосий хусусияти унда ҳиднинг мавжудлигидир. 37. Эй олийжаноб зот, барча олий ва қуйи сифатлардан таркиб топган осмондан то ергача бўлган моддий унсурларнинг барчаси фақат Худои Таолонинг нигоҳи тушсагина пайдо бўлади. 38. Юқорида айтилган моддий унсурларни бошқариб турувчи фаришталарнинг барчаси алоҳида ваколатга эга ва Худо Шахси Вишнунинг кўриниш(экспансия)ларидир. Фаришталарнинг таналари - мангу замон(вақт) ва ташқи қувватдан таркиб топган, уларнинг ўзлари эса, Худои Таолонинг ажралмаган бўлакчаларидир. Уларга коинот фаолиятининг турли соҳаларини бошқариш буюрилган эди, аммо

ўз вазифаларини бажара олмай, улар Худо Шахсига ажойиб илтижолар билан мурожаат қилдилар.

39. Фаришталар шундай илтижо қилдилар: - Эй Худо Шахси, Сенинг нилуфар қадамларинг пойи - ихтиёрини бугунлай Сенга топширган зот(рух)ларни моддий дунёнинг барча мусибатларидан тўсиб турувчи соябонга ўхшайди. Унинг соясидан паноҳ топган донишмандлар моддий мусибатлар азобидан халос бўладилар. Шу боис бизлар Сенинг нилуфар қадамларинг пойига бош эгамиз. 40. Эй Ота, эй Парвардигор, эй Олий Худо Шахси бу моддий оламда барча тирик мавжудотлар уч турли азобга мубтало бўлганлар, шу боис улар бахтли бўла олмайдилар. Бу ўткинчи дунёдан бахт излаб, уни тополмай қийналган зотлар Сенинг илмга тўла нилуфар қадамларинг пойидан паноҳ топадилар, шу боис бизлар ҳам унинг соясига интиламиз. 41. Худои Таолонинг нилуфар пойи қадамлари барча саждагоҳлар мужассам бўлган жой ҳисобланади. Ақли тиниқ буюк донишмандлар "Веда"лар қанотида Сенинг нилуфардек гўзал дийдорингга интиладилар. Улардан баъзилари, муқаддас сувлари инсонни барча гуноҳлари оқибатидан халос этувчи, дарёларнинг энг аълоси(Ганга)дан нажот топиб, Сенинг нилуфар қадамларинг пойига ўзларини топшириш учун ҳар қандай имкониятдан фойдаландилар. 42. Ўз ихтиёрини Сенга топшириб, ихлос билан Сенинг нилуфар пойи қадамларинг ҳақидаги ҳикояларни тинглаб, уларни ўз қалбига жо қилган кишилар шу заҳотиёқ илохий илмга эга бўладилар. Ҳар қандай боғланишлардан пок бўлган бундай инсонларнинг қалби фароғатга эришади. Шу боис биз ҳам Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан нажот топишга интиламиз.

43. Эй Худо Шахси, бу моддий коинотни яратиш, мавжудлигини таъминлаш ва яқсон қилиш учун бу дунёда Ўзингни намоён қиласан. Шунинг учун биз барчамиз солиҳ бандаларга ўчмас хотира ва жасорат бахш этувчи Сенинг нилуфар қадамларинг паноҳидан нажот истаймиз. 44. Эй Худо Шахси, ўзларининг ўткинчи таналари ва қариндошларига боғланиб қолган, "мен", "меники" деган ҳаёт ҳақида ноғўғри тасаввурлар, хом-хаёллар билан юрган одамлар, гарчи қалбларида мавжуд бўлса ҳам, Сенинг нилуфар қадамларинг пойини кўриш имкониятидан маҳрумдирлар. Бизлар эса, Ўзингнинг нилуфар қадамларинг пойидан нажот беришингни Сендан илтижо қилиб сўраймиз. 45. Эй Парвардигор, ташқи, моддий фаолият ботқоғига ботиб Сени тан олмайдиган, қалб кўзлари кўр бўлган одамлар Сенинг нилуфар қадамларинг пойини кўра олмайдилар. Аммо, ягона максади Сенинг кароматларинг ҳақидаги ҳикояларни тинглаб илохий лаззат олиш бўлган соф содиқ хизматкорларинг, ҳамиша улар(нилуфар қадамларинг пойи)ни қалбларида кўриб юрадилар. 46. Эй Парвардигор, Сенга холис хизмат қилишга жиддий киришган киши Сенинг илохий ишларинг ҳақидаги ҳикояларни тинглаш лаззатини тотиш билан холис хизмат қилишнинг энг юксак даражасига кўтарилади, илм ва таркидунёликнинг чуқур маъносини англаб етади ва мангу руҳий даргоҳ Вайкунтхалокага эришади.

47. Илохий ўзлигини англаш жараёнида ҳаловатга эришган, илми ва қудратига суяниб табиат гуналари таъсирини енгилга эришганлар ҳам Сенинг вужудингга кирадилар, аммо улар бу даражага кўп қийинчиликлар билан эришадилар. Сенинг содиқ хизматкоринг эса, бу даражага ҳеч қандай қийинчиликларсиз, Сенга шунчаки

ихлос билан холис хизмат қилиш орқали (Вайкунтхалокага) эришади. 48. Шунинг учун, эй азалий Шахс, бизлар Сенинг ва фақат Сенинг ҳукминг остидамыз. Барчамизни Сен Ўзинг яратгансан, аммо ҳар биримиз табиат гуналарининг ҳар хил таъсири остида туғилганимиз сабабли бизларнинг ҳаракатларимизда мутаносиблик йўқ. Моддий олам яралгандан сўнг бизлар Сенга илоҳий лаззат бағишлаш учун фаолиятимизни ҳамжихатликда бажара олмадик. 49. Эй туғилмаган Зот, бизлар билан бирга дунёдаги бошқа тирик мавжудотлар бу дунёда беташвиш яшашлари, зарур нарсаларга осон эришишлари учун, мавжуддон ва бошқа маҳсулотларни Сенга қандай эхсон қилишлари кераклигини тушунтириб бер. 50. Сен барча фаришталар ва турли тоифага мансуб тирик мавжудотларнинг отаси, азалий Шахссан, шу сабабдан Сен ўзгармас ва энг қадимий Зотсан. Эй Парвардигор, Сен учун ҳеч бир зот манба бўлолмайди ва Сендан улуғроқ ҳеч ким йўқ. Ўзида барча тирик мавжудотларни мужассам этган ташқи қувватингни уруғлантирган ҳам Ўзингсан, аммо Ўзинг туғилмагансан.

51. Эй Олий Рух, мужассам фазовий қувват - махат-таттвадан яралган биринчи зотлар бўлганимиз учун бизларга қандай ҳаракат қилишимиз кераклигини кўрсат. Бу яралган борлиқнинг турли соҳаларида Сенга хизмат қила олишимиз учун, Ўз марҳаматинг билан бизга Ўзингнинг мукамал илминг билан бирга етарли қувват ҳам ато эт!

Олтинчи боб

Фазовий қиёфанинг яратилиши

1. Майтрея Риши шундай деди: - Шундай қилиб Худои Таоло, махат-таттвани ташкил этувчи қувватларининг фаолиятидаги номутаносиблик натижа-сида оламни яратиш жараёни тўхтаб қолганини эшитди. 2. Шунда қудратли Худои Таоло, борлиқнинг ҳар хил моддаларини ўзаро боғловчи ташқи қуввати - Қали фариштаси билан бирга, бир вақтнинг ўзида, йигирма уч моддий ўнсур ичига кирди. 3. Шундан кейин, худди уйқудан уйғонган кишининг дарров ишга киришиб кетгани сингари, барча тирик мавжудотлар жонланиб турли хил фаолият билан машғул бўлдилар. 4. Худонинг амри билан йигирма уч модда ҳаракатга келгач, Худо Шахсининг фазовий қиёфаси - вишва-рупа пайдо бўлди. 5. Ўзининг бутун тўла қисми кўринишида Худо Шахси борлиқни ташкил этувчи моддалар ичига кирганида, улар бир-бирлари билан бирикдилар ва мавжуд барча кўзгалувчан ҳамда кўзгалмас зотларни, барча сайёралар тизимини ўз ичига қамраб олувчи баҳайбат қиёфани ташкил этди. 6. Хиранмайя деб аталувчи ҳайбатли вират-пуруша, самовий минг йил мобайнида коинот сувларида ястаниб ётди, барча тирик мавжудотлар Унда мужассам бўлган эди. 7. Ҳайбатли вират-рупа шаклини олган махат-таттванинг мужассам қуввати Ўзини тирик мавжудотларнинг онгига, ҳаётий фаолиятига, ва ўзини танаси билан қиёслаш(ғафлат, танасини ўзи деб тушуниш, эго)га бўлди. Улар эса навбатда онг - бирга, фаолият - ўнга, англаш эса учга бўлинди. 8. Худо Шахсининг ҳайбатли фазовий қиёфаси - бу Олий Рухнинг биринчи қиёфаси ва Унинг тўла намоён бўлишидир. Бу қиёфа сон-саноксиз тирик мавжудот-

ларнинг руҳидир ва ўз ривожланишида бутун борлик Унда мужассам бўлган. 9. Худо Шахсининг ҳайбатли фазовий қиёфаси уч, ўн, ва бир аспект(кўриниш) билан акс этган. У - тана, ақл ва ҳиссиётдир(уч); У - ҳаёт қувватининг ўн турдаги ҳаракатини бошқарувчи кучдир(10); Ва У - мана шу куч манбаи бўлган бир юракдир. 10. Худои Таоло - моддий коинотни яратиш буюрилган барча фаришталарнинг Олий Рухидир. Уларнинг илтижоларини инобатга олиб, бироз иккиланиб тургандан сўнг, Худои Таоло Ўзининг самовий қиёфасини намоён этди. Бу билан У фаришталарга Ўзини англаш имконини берди.

11. Худо Шахси, ҳайбатли фазовий қиёфасини намоён қилгандан сўнг, дунёга турли хил фаришталарни яратиб, Ўзини турли хил бўлақларга бўлгани ҳақида эшит. 12. Агни, яъни олов - Унинг оғзидан чиққан пайтда коинотнинг барча ҳукмдорлари унда ўзларининг белгиланган жойларини эгалладилар. Оловнинг қуввати тирик мавжудотга ўз фикрини сўз билан ифодалаш, гапириш имконини беради. 13. Ундан сўнг, фазовий қиёфанинг танглайи шакллангач, унга коинотдаги барча сувлар қудратининг ҳукмдори Варуна кирди. Шундай қилиб тирик мавжудотлар тили билан таъм сезиш қобилиятига эга бўлдилар. 14. Худо Шахсининг икки бурун тешиклари шаклланганида, уларда белгиланган жойларни эгизак - Ашвини Кумарлар эгалладилар: Натижада тирик мавжудотлар хидларни ажратиш қобилиятига эга бўлишди. 15. Кейин Худо Шахсининг фазовий қиёфасининг икки кўзи шаклланди. Улардан кўриш қобилияти билан бирга ёруғлик ҳукмдори Куёш жой олди. Шундай қилиб тирик мавжудотлар шаклларни кўриш қобилиятига эга бўлдилар. 16. Фазовий қиёфанинг, ажралиб чиқиб, териси юзага келганида унга сезиш қобилияти билан бирга шамол фариштаси Анила кирди. Шу тарзда тирик мавжудотлар сезиш қобилиятига эга бўлдилар. 17. Фазовий қиёфанинг кулоқлари пайдо бўлганида, уларга эшитиш қобилияти билан бирга, дунёнинг тўрт тарафига маъсул фаришталар кирдилар. Натижада тирик мавжудотлар эшитиш ва эшитганларига амал қилиш имкониятига эга бўлдилар. 18. Тери пайдо бўлганида маълум вазифалар билан бирга у ерга, сезиш фаришталари кирдилар. Натижада тирик мавжудотларда тери орқали қичиш ва ёқимли сезгиларни ҳис этиш қобилияти пайдо бўлди. 19. Фазовий қиёфанинг жинсий аъзолари ажралиб чиқиб пайдо бўлганида, уларга уруғлантириш қобилияти билан бирга, коинотнинг биринчи тирик мавжудоти Пражапати кирди. Шу туфайли тирик мавжудотлар жинсий алоқадан лаззатланиш имкониятига эга бўлдилар. 20. Кейин бу қиёфада йўғон ичак пайдо бўлди. Унга чиқариш аъзоларининг қобилиятлари билан бирга, уларни бошқарувчи Митра фариштаси кирди. Натижада тирик мавжудотлар ахлат ва сийдик чиқариш қобилиятига эга бўлдилар.

21. Ажралиб чиқиб, фазовий қиёфанинг қўллари вужудга келганида, уларга осмон фариштаси Индра кирди. Натижада тирик мавжудотлар ишлаш қобилиятига эга бўлди. 22. Кейин, ажралиб чиқиб, фазовий қиёфанинг оёқлари пайдо бўлди ва унга ҳаракат қилиш қобилияти билан бирга Вишну деган фаришта кирди. Натижада тирик мавжудотлар ҳаракатланиши ва кўзлаган жойига етиш имкониятига эга бўлдилар. 23. Ажралиб чиқиб, фазовий қиёфанинг идроки(тафаккури) пайдо бўлганида, унга англаш қобилияти билан бирга

Ведалар эгаси Браҳма кирди. Шу тарзда тирик мавжудотлар бу дунё нарсаларини ўргана олиш қобилиятига эга бўлдилар. 24. Кейин ажралиб чиқиб, фазовий киёфанинг юраги пайдо бўлди ва унга хаёл суриш қобилияти билан бирга Ой фариштаси кирди. Шу тарзда тирик мавжудот хаёл суриш, фикрлаш қобилиятига эга бўлди. 25. Кейин, ажралиб чиқиб, фазовий киёфанинг моддий ўзлиги пайдо бўлди, у ерга фаолият кўрсатиш қобилияти билан бирга сохта ўзлик(эго) фариштаси Рудра кирди. Натижада тирик мавжудотлар маълум ният билан иш қилиш қобилиятига эга бўлдилар. 26. Кейин ажралиб чиқиб, Худои Таоло, фазовий киёфасининг тафаккури пайдо бўлганда, унга фикрлаш қобилияти билан бирга мужассам қувватга маъсул бўлган махат-таттва кирди. Натижада тирик мавжудот чуккур илм эгаллаш қобилиятига эга бўлди. 27. Кейин, фазовий киёфанинг бошидан жаннатий сайёралар пайдо бўлди, оёқларидан Ер тоифасидаги, қорнидан эса осмон пайдо бўлди. Бу сайёраларни моддий табиат гуналарининг кўрсатаётган таъсирига биноан ҳар хил фаришталар ва бошқа тирик мавжудотлар эгалладилар.

28. Эзгулик гунасида бўлган ва шунга хос ажойиб фазилатларга эга бўлган тирик мавжудотлар - фаришталар жаннатий сайёраларда яшайдилар. Эҳтирос гунаси таъсири остида бўлган зот - инсонлар эса, ўзларига яқин мавжудотлар билан бирга Ер сайёрасида яшайдилар. 29. Рудранинг атрофидаги ҳамроҳлари - моддий табиатнинг учинчи - ғафлат гунаси таъсири остидаги тирик мавжудотлардир. Улар Ер ва жаннат оралиғидаги сайёраларда яшайдилар.

30. Эй Курулар хонадони сардори, ведалар заковати Худои Таолонинг фазовий киёфасининг оғзидан пайдо бўлди. Ведавий илмларни эгаллаш қобилиятига эга кишиларни браҳманлар дейилади: Улар ҳақли равишда жамиятдаги бошқа тоифадаги кишиларнинг тарбиячиси ва рухий устозлари вазифасини бажарадилар. 31. Кейин, вират-рупанинг қўлларидан ҳимоялаш қобилияти пайдо бўлди, ва у билан бирга қшатрийлар дунёга келди. Улар жамиятни ўғри ва қароқчилардан ҳимоя қиладилар. 32. Инсоният тирикчилигининг асоси бўлган ғалла етиштириш ва уни тирик мавжудот(праджа)лар орасида тақсимлаш - Худои Таолонинг фазовий киёфасининг сонларидан пайдо бўлди. Жамиятда ишлаб чиқариш ва тақсимот билан банд бўлган савдогар ва ер эгалари бўлган кишиларни вайшьялар дейдилар. 33. Диний урф одатларни охирига етказиш мақсадида Худо шахсининг оёғидан хизмат қилиш пайдо бўлди. Худо Шахсининг оёқлари - шудраларнинг макони, улар Худо Шахсини ўз хизматлари билан рози қиладилар.

34. Жамиятнинг барча табақалари, ўзларининг вазифалари ва яшаш шароитлари билан бирга Худои Таолондан пайдо бўлганлар, шунинг учун ҳаётнинг бу шартланган тузоғидан қутулиш ва рухий ўзлигини англаш учун ҳар бир инсон устоз қабул қилиши ва унинг раҳбарлиги остида Худои Таолога сажда қилиши лозим. 35. Эй Видура, Худои Таолонинг ички қуввати яратган бу фазовий киёфанинг фаолияти ва қудратини, илоҳий вақтини ўлчаш ва таърифлаш кимнинг ҳам қўлидан келарди? 36. Худо Шахсига чин қалбимдан ҳамду санолар айтиш ниятида, гарчи бунга кодир бўлмасам ҳам, сенга рухий устозимдан эшитган ва тушунган нарсаларимнинг барчасини гапириб бераман.

Акс ҳолда, менга ато этилган тилу-забон ифлослигича қолаверган бўларди.

37. Олий саодатпаноҳ, Худои Таолонинг ишлари ва улўғворлиги ҳақидаги суҳбатлар - инсониятнинг энг қимматли бойлигидир. Буюк донишмандлар ўз асарларида Унинг ишларини шундай мукаммал таърифлаганларки, уларга қулоқ солган пайтимиздагина қулоқларимиз ўз вазифасини аниқ адо этган бўлади. 38. Азиз ўғлим, қаттиқ риёзат ва мууроқабада самовий ҳисоб бўйича минг йил ўтирган коинотнинг биринчи шоири Браҳма, Олий Рухнинг улўғворлигининг поёни йўқлигини англаб етди. 39. Худо Шахсининг мўъжизавий қудрати ҳатто сеҳргарларни ҳам ҳайратга солади. Агар, Ўзига тўла бутун Худо Шахсининг Ўзи ҳам Ўз қудратининг поёнини билмаса, бошқалар уни қаердан билсин?! 40. Нутқ, ақл ва ўзлик уларни бошқарадиган фаришталар билан бирга Худо Шахсини тўла англашга эриша олмадилар. Шу боис, бизларнинг Унинг олдида камтарлик билан бош эгишдан бошқа чорамиз йўқ.

Еттинчи боб.

Видура савол беришда давом этади.

1. Шри Шукадева Госвами деди: - Эй шоҳ, буюк донишманд Майтрея гапириб бўлгач, ўз илми билан машғул Двайпаяна Вьясанинг ўғли Видура унга эҳтиром билан куйидаги саволларни берди.

2. Шри Видура деди: - Эй буюк браҳман, агар Олий Худо Шахси, Худои Таоло рухий тўла бутун ва ҳамиша ўзгармас Зот бўлса, унда У моддий табиат гуналари ва уларнинг фаолияти билан қандай боғланган? Агар булар барчаси Унинг ўйинлари бўлса, унда қандай қилиб, Ўзи ўзгармас бўлатуриб, У моддий табиат сифатларидан маҳрум бўлган ҳолда, Ўзининг ишларини, сифатларини намоён этади? 3. Болалар бир-бирлари билан мазза қилиб ўйнайдилар ёки ҳар хил эрмак ва ўйинларга машғул бўлиб вақтини ўтказадилар. Бу ишларга уларни уларнинг истак-ҳоҳишлари ундайди. Аммо Худо Шахсида бунга ўхшаган ҳоҳишлар пайдо бўлмайди, чунки У ҳамиша мамнун ва ҳеч нарсага боғланмаган. 4. Моддий табиатнинг уч гунасида ташкил топган Ўзининг мавжуд қуввати ёрдамида Худои Таоло бу коинотни яратди. Шу қувват ёрдамида У бутун борлиқ ҳаётини таъминлаб туради ва бу жараёни яна бошидан бошлаш учун, мавжуд борлиқни яқсон қилади. 5. Пок руҳ соф онгдан иборат, ва шу боис руҳ бу соф онгни ҳеч қачон йўқотмайди. На замон, на ўйку ва на турли шароитлар руҳни онгдан маҳрум этолмайди. Шундай экан, қандай қилиб руҳ ғафлат ботқоғига тушиб қолади? 6. Худои Таоло Олий Рух шаклида ҳар бир тирик мавжудот қалбида жойлашган. Шундай экан, нимага тирик мавжудотларнинг қилган ишлари ўзларига азоб-уқубат ва мусибат келтиради? 7. Эй буюк донишманд, ғофиллигим туфайли чекаётган азобларим ақлу-хушимни олиб қўйди, шунинг учун менинг барча гумонларимни тарқатиб юборишингни сендан ўтиниб сўрайман".

8. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - Эй(ҳар нарсага қизиқувчи)шоҳ, зукко Видуранинг берган саволларидан Майтрея Муни хайратга тушгандек бўлди, аммо бироздан сўнг унинг саволларига дадиллик билан

жавоб бера бошлади, чунки у Кришна онгига тўла эга, Худони тўла англаб етган шахс эди.

9. Шри Майтрея шундай деди: - Баъзи адашган олимларнинг "Олий Брахман, Худо Шахси - майя(алданиш) таъсирига берилган, шу билан бир вақтнинг ўзида, У ҳеч нарсага боғланмаган" деган таълимоти ҳеч қандай мантиққа тўғри келмайди. 10. Тирик мавжудот бу дунёда бегона нарсани ўзига қиёслгани учунгина азоб чекади. Худди туш кўраётганида одамнинг боши танасидан жудо бўлаётгани унинг хавотирга тушишига асос бўлмагани сингари, тирик мавжудотнинг ҳам, хаётда ташвишланишига ҳеч қандай асос йўқ. 11. Сувга тушиб турган ойнинг акс тавсири четдан қараган кишига, худди сувнинг ўзидай тўлқинланиб кўринади. Худди шунингдек, модда(тана) ичидаги рух ҳам моддий сифатларга эгадек туюлади. 12. Аммо, Худо Шахси, Васудеванинг марҳамати билан таркидунё қилиб, ўзини Худои Таолога садоқат билан холис хизмат қилишга бағишлаган киши илохий ўзлигини хато тушуниб юрган тасаввурдан аста-секин кутула боради. 13. Тирик мавжудотнинг хиссиёти, унинг бутун фаолиятини назорат қилиб турувчи Олий Рух, Олий Худо Шахсида мужассам бўлиб, ундан каноат ҳосил қилганида, худди уйқудан уйғонгандек, тирик мавжудот барча азоб-уқубатлардан халос бўлади. 14. Олий Худо Шахси, Шри Кришнанинг илохий номларини такрорлаш ва Унинг қиёфалари, фаолиятини таърифловчи ҳикояларни тинглаш шарофати билан киши чексиз азоблардан қутулиши мумкин. Шундай экан, қалбларида Худои Таоло пойи қадамларининг муаттар гардларига хизмат қилиш иштиёқи туғилган кишилар ҳақида нима ҳам дейиш мумкин.

115. Видура шундай деди: - Эй донишманд ҳожам, сенинг ишонarli қилиб айтган гапларинг менинг Худои Таоло ва тирик мавжудотлар ҳақидаги барча гумонларимни тарқатиб юборди. Энди бу нарсаларга ақлим етади. 16. Эй билимдон донишманд, сен менга ўзим кутгандай ажойиб тушунчалар бердинг. Тирик мавжудотнинг бу дунёдаги азобларига сабаб - Худо Шахсининг ташки қувватининг таъсиридан ўзга ҳеч нарса эмас. 17. Бу ўткинчи дунёдаги хаётда фақат энг нодон-аҳмоқлар ва ақл-идрок талабларини бажаришдан устун турувчи, илохий поғонага кўтарилган донишманд(парамахамса)ларгина бахтиёр яшайдилар. Фикрлаш қобилиятига кўра ана шу даражалар оралиғида бўлган одамларнинг барчаси азоб-уқубатга гирифтордирлар. 18. Эй ҳожам, сенинг олдинда чексиз қарздорман, чунки сенинг шарофатинг билан мен бу моддий оламнинг ёлғончи, ўткинчи эканлигини англадим. Сенинг пойи қадамларингга хизмат қилиб, адашишларимдан халос бўлишимга ишончим комил. 19. Рухий устозининг қадамлари пойига хизмат қилиш билан инсон Худои Таолога хизмат қилишнинг илохий лаззатли ҳолатига эришади. Иблис Мадҳунинг ашаддий душмани - Худои Таолога садоқатли холис хизмат қилиш шарофати билан моддий дунёдаги азоб-уқубатларнинг барчасидан қутулиш мумкин. 20. Риёзат чекишга мойил бўлмаган кишиларнинг, Худо йўлида, Вайкунтха сайёрасига элтувчи йўлдан бораётган Худонинг соф содиқларига хизмат қилиш имкониятига эга бўлишлари амри маҳол. Соф содиқлар фаришталарнинг Олий Худоси, барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдори бўлмиш Худои Таолога бетиним ҳамду санолар айтади-

лар. 21. Моддий қувват мажмуаси - махат-таттвани яратиб, унинг ёрдамида хиссиёт органлари ва хисларга эга бўлган фазовий қиёфа(вират-рупа)ни бунёд этгандан сўнг, Худои Таоло унинг ичида Ўзи мужассам бўлди. 22. Сабаблар уммонида ястаниб ётган пуруша қиёфасини моддий борлиқнинг бошланғич манбаи дейдилар. Ўзида, юзасидаги тирик мавжудотлари билан бирга барча сайёраларни мужассам этган бу вират-рупанинг минглаб қўл-оёқлари бор. 23. "Худо Шахсининг самовий қиёфаси, Унинг ҳиссий органлари, хиссиёт манбалари ва ўн турдаги ҳаёт нафаси - ҳаётий қувватнинг уч тури билан бирикади",- деб айтган эдинг. Энди менга бу тоифа бирикмаларнинг кучи ҳақида гапириб бер!

24. Фарзандлар, неvara ва бошқа қариндошлардаги қувват ҳаётнинг турли хил ва турли шаклларида бутун коинот бўйлаб таралган. 25. Пражапатилар ва фаришталарнинг сардори Брахма қандай қилиб турли давр ҳукмдорлари - Мануларни дунёга келтиришга қарор қилди. Шу Манулар ва уларнинг авлодлари ҳақида гапириб бер. 26. Эй Митранинг фарзанди, Ердан юқорида ва пастда жойлашган сайёралар, шунингдек Ерсимон сайёралар ҳақида, уларнинг ўлчамлари ҳақида гапириб бер. 27. Паст табақадаги тирик мавжудотлар ҳақида, одамлар, фаришталар ҳақида, онасининг қорнидан, тердан дунёга келадиганлар, икки бор туғиладиганлар(қушлар, тухумдан чиқадиганлар) ҳақида, уларнинг келиб-чиқишлари, турлари ҳақида гапириб бер. 28. Моддий табиат гуналарининг оламни яратадиган, мавжудлигини таъминлаб турадиган ва яксон қиладиган қиёфалари(Брахма, Вишну ва Махешвара) тўғрисида, Олий Худо Шахсининг намоён бўладиган қиёфалари ва қилган ишлари ҳақида гапириб бер.

29. Инсонлар жамиятидаги тўрт хил яшаш тарзи (варн) ва тўрт табақа (ашрам), уларга мансуб одамларнинг асосий белгилари, турмуш тарзи, шунингдек уларнинг ўз хиссиётлари ва ақлини жиловлай олиш даражалари ҳақида, бу дунёда буюк донишмандлар ва Ведавий илм, унинг бўлаклари қандай пайдо бўлгани ҳақида гапириб бер. 30. Ҳожам, қурбонлик турлари ва шакллари ҳақида, сеҳрли йога усуллари, таҳлилий илм олиш усули, холис хизмат қилиш ва бунда риоя қилинадиган қоидалар ҳақида гапириб бер. 31. Ашаддий худосизларнинг камчилик ва нуқсонлари, ҳар хил гуналар таъсири остидаги ҳайвонларнинг ўзаро бирикишининг оқибатлари ҳақида, ўз фаолияти ва табиат гуналари таъсири остида уларнинг бир турдан иккинчи турга ўтиши, уларнинг ривожланиш эволюцияси ҳақида гапириб бер. 32. Бир бирига зид бўлмаган мақсадда қилинадиган диний фаолият, моддий раvнақ, хиссиёт талабларини қондириш ва озодликка чиқиш йўлидаги фаолиятлар ҳақида, ўз ҳаётини таъминлашнинг турли йўллари ва шастра(муқаддас битик)ларда ёзилган қонун-қоидаларга риоя қилиш йўллари ҳақида гапириб бер.

33. Аждодларга сиғиниш қоидалари ҳақида, Питрилоканинг яратилиши, коинотнинг турли сайёраларидаги вақт ўлчамлари, сайёраларнинг фазода жойлашиш тартиби ҳақида гапириб бер. 34. Хайр-эҳсон қилиш, риёзат чекиш ва қудуқ қазииш инсонга қандай шарофат келтириши ҳақида, уйдан йироқдагиларнинг қандай яшаши, қийин аҳволга тушган кишининг нималарга риоя қилиши лозимлиги ҳақида гапириб бер. 35. Эй бегуноҳ

зот, барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдори бўлган Худои Таоло, Олий Худо Шахси барча динларнинг ва тақводорликда ҳаёт кечиришга тайёрланаётганларнинг отасидир. Шу Худои Таолони қандай қилиб бутунлай рози қилиш мумкинлиги ҳақида гапириб бер. 36. Эй брахманлар аълоси, руҳий устозлар ғафлат ботқоғига ботган бечора одамлардан марҳаматини аямайдилар. Улар ўз издошлари, шогирдлари ва ўғилларига марҳамат кўрсатиб, улар ҳатто сўрамаса ҳам, уларга барча илм сирларини очиб берадилар. 37. Моддий олам таркиб топган моддалар неча бор яксон қилинади ва бунда, уйкуга чўмган Худои Таолога хизмат қилиш учун кимлар тирик(мавжуд ҳолда) қоладилар? 38. Олий Худо Шахси ва тирик мавжудотларнинг асл ҳолати қандай? Уларнинг табиати-чи? Ведалар илмининг алоҳида аҳамияти нимадан иборат, руҳий устоз ва шогирдларнинг нима кераги бор? 39. Бу илмининг манбаини бизларга Худои Таолонинг бегуноҳ содиқ хизматкорлари кўрсатган. Шундай экан, уларнинг ёрдамисиз садоқатли хизмат қилиш ёки таркидунё қилиш илмини эгаллаб бўлармикан? 40. Мен Олий Худо Шахси, Харининг эрмаклари, кароматлари ҳақида тинглаш учун сенга бу саволларни бераман. Сен ҳар бир тирик мавжудотнинг дўстисан, шу боис ташқи қувват таъсирида кўзлари ҳақиқатни кўрмай қолган барча одамларнинг саодати учун шуларни гапириб бер. 41. Эй бегуноҳ зот, сенинг жавобларинг барчамизни моддий азоб-уқубатлардан халос этади. Инсонларга кўрсатган бу марҳаматингни Ведаларда кўрсатилган қурбонликлар қилиш, риёзат чекиш ва хайр-эҳсонлар қилишлар билан тенглаб бўлмайди.

42. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - Видуранинг саволларидан мамнун бўлиб, Худои Таоло ҳақида гапириб беришга ҳамиша тайёр бўлган донишмандлар сардори, унга Пураналарда келтирилган ҳикояларни гапириб бера бошлади. Худои Таолонинг илоҳий ишлари ҳақида гапиришдан у ҳамиша илоҳий лаззат оларди.

Саккизинчи боб

Гарбходакашайи Вишнунинг Танасидан Брахманинг пайдо бўлиши

1. Майтрея Муни шундай деди: - Шох Пуру авлодининг барчаси Худои Таолонинг содиқ хизматкорлари бўлгани учун Худонинг соф содиқларига хизмат қилишга муносиб зотлардир. Сен ҳам шулар авлодидансан ва сенинг шарофатинг билан Худои Таолонинг илоҳий ўйинлари ҳамиша янги янги маъноларга тўлиб боради. 2. Арзимаган ҳиссий лаззат олиш ниятида ўзларини оғир азоб-уқубатларга гирифтор қилиб юрган одамларга ачинганидан, Худои Таоло буюк донишмандларга “Бхагавата Пурана”ни айтиб берган. Парвардигорнинг Ўзи айтган шу илмни сенга ўргатишга изн бер. 3. Илоҳий донишмандлар сардори Санат-Кумар, бошқа буюк донишмандлар ҳамкорлигида Худои Таоло Васудева ҳақидаги ҳақиқатни билиш ниятида айнан шу саволлар билан, коинот қаърида ётган Худованд Санкаршанага мурожаат қилган эди. 4. У пайтда Худованд

Санкаршана Худои Таоло ҳақидаги мулоҳазаларга берилиб ётган эди. Худои Таолони донишмандлар Васудева деб тилга оладилар. Буюк донишмандларнинг камолот чўққисига эришишларига ёрдам бериш ниятида Худованд Санкаршана уйқудаги нилуфарсимон кўзларини очди.

5. Коинот қаърига донишмандлар Ганга дарёси орқали тушган, шу боис уларнинг сочлари хали нам эди. Улар илонлар шохининг қизлари муносиб куёв топиш ниятида сиғиниб, қурбонлик қиладиган Худованднинг пойи қадамларига бош эгдилар. 6. Худои Таолонинг илоҳий ўйинлари ҳақида кўп ҳикоялар эшитган Санат-Кумар бошлиқ Кумарлар Худованд Санкаршанага чин юракдан, меҳр-муҳаббатга тўла ҳамдусанолар айта бошладилар. Уларни тинглар экан Худованд Санкаршана минглаган бошларини охиста кўтарди. Унинг бошларини безаб турган гавхар тошларидан таралаётган ёғду бутун атрофни ажойиб нурга тўлдирди. 7. Худованд Санкаршана таркидунё қилиб яшашга аҳд қилган Санат-Кумарга бу илм("Шримад Бхагаватам")ни тушунтириб берди. Ўз навбатида Санат-Кумар “Шримад Бхагаватам”ни худди шундай аҳд қилган Санкхьяна Мунига, унинг илтимосига биноан гапириб берган. 8. Буюк донишманд Санкхьяна Муни барча илоҳий зотлар сардори эди. Руҳий устозим Парашара ва Брихаспати у(Санкхьяна Муни)нинг “Шримад Бхагаватам”да келтирилган Худои Таоло ҳақидаги ҳикояларини тинглашга мушарраф бўлганлар. 9. Буюк донишманд Парашара донишманд Пуластьянинг маслаҳати билан Пураналарнинг аълоси бўлган "Шримад Бхагаватам"ни менга айтиб берди. Эй ўғлим, энди мен ҳам эшитганларимни сенга айтиб бераман, чунки сен иймон ва садоқат билан менга эргашяпсан.

10. Бутун уч олам сувга ғарк бўлган пайтда буюк аждархо Ананта устида Ўзининг илоҳий ўриндиғида ястаниб ётган Гарбходакашайи Вишнудан бошқа ҳеч зот мавжуд эмасди. У ички қувватига ғарк бўлган ҳолда мудраётгандай туюлар, ташқи қуввати эса ҳаракатсиз эди. Аммо Худо Шахсининг кўзлари бутунлай юмилган эмасди. 11. Ўтинда яширинган оловнинг қудрати сингари, Худои Таоло сув тошқинида кўмилиб ётар, Унинг танасида нафис таналарда мужассам бўлган тирик мавжудотлар мужассам эди. У, қала деб аталувчи, ўз-ўзидан намоён бўлувчи қувватига ғарк бўлган ҳолда ором олиб ётарди. 12. Худои Таоло ички қувватига ғарк бўлиб тўрт минг давр давомида ором олди. Ташқи қувватида эса, У худди сув тошқинида ухлаб ётгандек туюларди. Ўзларининг кармали фаолиятларини давом эттиришлари учун тирик мавжудотлар Кала-шакти таъсири остида дунёга кела бошлаганида Худои Таоло илоҳий танасининг кўкимтир тусга кирганини кўрди.

13. Моддий эхтирос гунаси Худои Таолонинг диққат марказида бўлган яратишнинг нафис кўринишини ҳаракатга келтирди ва уни Худо Шахси танасидан чиқишга мажбур қилди. 14. Тирик мавжудотларнинг кармали фаолиятларини ўзида мужассам қилган нилуфар гули шаклидаги бу қиёфа Худо Шахси танасидан чиқиб, куёш каби бутун атрофни нурга тўлдирди ва бепоён тошқин сувини қуритди. 15. Худои Таоло Вишну шу нилуфар гулининг ичига Олий Рух қиёфасида кирди ва унга моддий табиатнинг барча гуналарини жойлади. Шундан сўнг ана шу нилуфар гулида ведавий илмларни намоён этувчи зот(Брахма) пайдо бўлди. Бизлар уни

“Ўзи туғилган”(аджа) деб атаймиз. 16. Нилуфар ғунчасида ўтирган Брахма ён атрофида ҳеч нарсани кўра олмай, ҳар тарафга аланглаб, бугун коинотни айланиб чиқди. Шунда дунёнинг тўрт тарафига мос равишда унинг тўрт калласи пайдо бўлди. 17. Нилуфар гулида ўтирган биринчи фаришта на борликни, на нилуфарни, на ўзини англай олмасди. Давр охирида кучли шамол туриб, катта тўлқинлар пайдо бўлди ва нилуфар гули тебрана бошлади. 18. Тангри Брахмани ғафлат босиб, ўйга чўмди: - "Мен кимман ўзи? Қаердан бу нилуфар гулига келиб қолдим? Нилуфар қаерда ўсапти? Пастда нимадир бўлиши керак, ва у албатта сув остида бўлса керак?" 19. Шуларни ўйлаб, Тангри Брахма нилуфар гулининг танаси бўйлаб сув остига шўнғиди. Аммо гул танасида ҳам, Вишнунинг киндигига яқинлашиб ҳам, нилуфарнинг илдизини топа олмади. 20. Эй Видура, ўзининг пайдо бўлиш сабабларини излаш билан Брахманинг умри охирига қолди. Ҳаёт чегараларини Вишну кўлидаги мангулик чархпалаги аниқлайди. Ана шу чархпалак тирик мавжудотлар қалбига кўркув солади, ажалдан кўркиш туйғуси ҳам ана шулардан биридир. 21. Шунда у(Брахма) ниятига етолмай, изланишдан тўхтаб гул ғунчасига қайтиб келди. Шу ерда ўтирган ҳолда, нафас олишини назорати остига олиб, барча моддий нарсалардан воз кечиб, бутун фикру-хаёлини Худо Шахсида мужассам қилди. 22. Ана шундай мулоҳазада юз минг йил ўтиргандан сўнг Брахма етарлича илмга эга бўлди ва қалбида Худо Шахсини кўрди. Шу пайтгача қанча уринмасин у бунга эришолмаганди. 23. У сув юзидаги нилуфар гулига ўхшаган оппоқ катта ўриндик - Шеша-наганинг танасини кўрди. Унинг устида Худо Шахси ором оларди. Шеша-нага қалпоғидаги гавҳар марваридлардан таралаётган нур зулматга чўмган бутун атрофни ёритиб турарди. 24. Худо Шахсининг илоҳий танасининг жилоси олдида марварид тоғининг жилоси хиралашиб қоларди. Кечкурун марварид тоғи, ботаётган қуёш шуъласи аксида яна ҳам ажойиб манзара беради. Аммо, ҳатто шундай ажойиб манзара ҳам, Худои Таолонинг устидаги сариқ либоснинг жилоси олдида хира бўлиб кўринарди. Худои Таолонинг бошидаги дурлар билан безатилган тож марварид тоғидаги олтин чўққининг ярқирашини сўндирарди. Шаршара, ўт-ўлан ва гуллар билан безанган тоғ қояларининг гўзаллиги Худои Таолонинг танаси, қўл-оёқлари ва уларни безаб турган гулчамбар, туласи барглари, гавҳарлар жилоси олдида арзимас нарса бўлиб қоларди. 25. Худои Таолонинг бепоян илоҳий танаси сайёраларнинг уч - олий, ўрта ва пастки - тизимини ўз ичига олганди. Гавҳар тошлар билан безанган Худои Таоло ажойиб, хилма-хил илоҳий нур таратиб турган чиройли либосларга бурканган эди.

26. Худо Шахси Ўзининг нилуфар қадамлари пойни бироз кўтариб Брахмага кўрсатди. Унинг нилуфар пойни қадамлари - ҳар қандай моддий истаклардан пок, холис хизмат қилиш эвазига эришиладиган барча саодатлар манбаидир. Худои Таоло Ўзига ихлос билан холис садокатли хизмат қилиб сиғинаётганларга шу саодатни инъом этади. Унинг қўл ва оёқларидаги ойсимон тирноқлари таратаётган бениҳоя гўзал илоҳий ёғду эндигина очилаётган гулни эслатарди. 27. У Ўз содиқларининг хизматини мамнуният билан қабул қилди ва барча ғам-ташвишлардан озод этиб, жозибали табассум билан уларни шод этди. Исирға билан безанган Худои Таолонинг сиймоси ажойиб нур таратиб ту-

рар, қошу-бурунлари бенуксон эди. Буларнинг барчаси биргаликда Унинг сиймосини бениҳоя гўзал қилиб кўрсатарди. 28. Азизим Видура, Худо Шахсининг белидаги қимматбаҳо тошлар билан безатилган камар Унинг сонларини ёпиб турган кадамба гули яроғини эслатувчи шафран рангли матони тутиб турарди. Кўксини Шриватса белгиси ва бебаҳо маржон тақинчок безаб турарди. 29. Анвойи гулларга бурканган сандал дарахти сингари, Худо Шахси дур-у гавҳарлар билан безанган эди. У ўзини ўзи таъминловчи дарахт, борлиқдаги барча мавжудот султони эди. Худди сандал дарахти шохаларини ўраб олган илонлар сингари, Унинг танасини Анантадеванинг қалпоқлари ёпиб турарди. 30. Тоғ каби буюк Худои Таоло барча кўзгалувчан ва кўзғалмас тирик мавжудотлар қароргоҳидир. У аждарларнинг дўстидир, чунки Ананта-дева Унинг энг яқин дўсти. Устида Ананта-наганинг минглаб бошлари соябон бўлиб турган Худои Таоло минглаб олтин қояли тоғни эслатарди. Тоғ қоялари маржон тошларга тўла бўлганидек, Худои Таолонинг илоҳий танаси ҳам бошидан оёғигача қимматбаҳо тошлар билан безанган эди. Кўксини Каустубха маржони безаган Худои Таолонинг танаси, худди ахён-ахёнда денгиз сувлари остида қоладиган қоялардек, вақти-вақти билан сув тошқинида кўмилиб кетарди. 31. Улуғвор Худои Таолога кўзи тушган Брахма Унинг - Хари, Худои Таоло эканини англади. Худо Шахсининг кўксидаги ажойиб гулчамбар Уни Ведавий ҳамдусанолар билан олқишлаётганини эшитди. Уни жанговор Сударшана халқаси ҳимоя қилар, на қуёш, на ой, на ҳаво, на олов Унга ҳатто яқинлаша олмасди.

32. Худо Шахсини кўриб, коинот ҳаётининг султони Брахма бутун борлиққа кўз ташлади. Унинг кўзи олдида Худои Таоло Вишну киндигидаги кўлмак, унда ўсаётган нилуфар гули, осмон-фалакни босган сув тошқини намоён бўлди. 33. (Бу ажойиб манзарани кўрган) Эҳтирос гунаси таъсири остидаги Тангри Брахмада оламни яратиш истаги пайдо бўлди. Олий Худо Шахси, Худои Таоло кўрсатган яратишнинг **беш сабабини** кўриб, Брахма ақлу-хаёлини яратиш жараёнида мужассам қилган ҳолда, Худои Таоло олдида чуқур эҳтиром билан, Унга илтижо қила бошлади.

Тўққизинчи боб Яратиш қудратини тилаб Брахманинг қилган илтижолари

1. Тангри Брахма шундай деди: - Эй Парвардигор, шунча йил риёзат чекиб, мана бугун ниҳоят Сени танидим. Моддий тана чангалига тушган тирик мавжудотлар ҳақиқатан ҳам бахтсиздирлар, чунки улар Сенинг Шахсингни англаб етиш имкониятидан маҳрум. Эй Парвардигор, бу дунёда биз билишимиз дозим бўлган ягона зот - Сен Ўзингсан, чунки Сендан ўзга буюқроқ зот мавжуд эмас. Кўринишидан Сендан улуғроқ бўлиб туюлган ҳар қандай зот аслида Мутлақ Ҳақиқат эмас. Моддани яратиш қудратини намоён қила туриб, Сен бутун борлиқ устидан ҳукмрон эканлигингни исботлайсан. 2. Мен кўриб турган бу қиёфа ҳеч қачон моддийлик ботқоғига ботмайди. Бу қиёфа Худои Таолонинг содиқ хизматкорларига марҳамат кўрсатиш ниятида ички қуввати сифатида бу дунёда пайдо бўлди. Сенинг бу

киёфанг - бошқа барча киёфаларнинг манбаидир. Мен ҳам Сенинг ана шу тананг киндигида ўсган нилуфар гулидан дунёга келганман.

3. Эй Парвардигор, мангу роҳат ва илмга тўла Сенинг бу киёфангдан улғворроқ киёфа мавжуд эмас. Сенинг ички қувватинг ҳеч қачон камаймайди. Рухий оламни ёритиб турган Браҳман шаклидаги шахсиятсиз кўринишингда тасодифий ўзгаришларга ўрин йўқ. Мен ихтиёримни бутунлай Сенга топшираман, чунки моддий тана ва ҳиссиётим билан қанча фахрлансам ҳам, аслида моддий олам яратилишининг сабабчиси - Сен Ўзингсан. Гарчи моддий оламнинг сабабчиси бўлсанг ҳам, Сенга моддий табиат таъсир қилмайди. 4. Эй Худойим, Худо Шахсининг бошқа илоҳий кўринишлари сингари, бу киёфангда ҳам бутун оламга нажот бахш этасан. Сенга содиқ кишилар муроқабга қиладиган бу шахсий киёфангни намоён этиб турибсанки, мен Сенинг олдинда эҳтиром билан бош эгаман. Тақдир жаҳаннамдан жой ҳозирлаб қўйган кишилар Сенинг шахсий киёфангни тан олмайдилар, чунки улар моддий, ўткинчи нарсаларга боғланиб қолганлар. 5. Эй Худойим, Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан таралаётган ведавий ҳамду-саноларнинг ширин товушларини жон қулоқлари билан эшитиб лаззатланаётган кишилар Сенга чин муҳаббат ва садоқат билан хизмат қила бошлайдилар, Сен ҳам уларнинг нилуфар қалбларини ҳеч қачон тарк этмайсан. 6. Бу дунёда ҳаёт ташвишларига боғланиб қолган кишилар ҳамиша хавотирда яшайдилар. Уларнинг қалблари ўз танаси, бойлиги, дўстлари, оила аъзоларининг ташвишида, ҳар хил орзу-ҳавас ва истаклар билан тўлган. улар нафсининг тузоғига илиниб, “мен” ва “меники” деган ўткинчи тушунчаларга таяниб, ҳар хил режалар тузиб умр ўтказадилар. Уларнинг бу азобу-ташвишлари токи, улар Сенинг қадамларинг пойидан нажот топмагунча адо бўлмайди.

7. Эй Худойим, Сенинг илоҳий ишларингни шарафлаб қуйлаш ва улар ҳақида тинглашдан бош тортиб, шундай саодатдан юз ўгирган кишилар, ҳақиқатан ҳам тақдир ақд ва бахтдан маҳрум қилган инсонлардир. Ўткинчи, арзимас ҳиссий лаззатлардан “баҳраманд” бўлиш учун улар ҳеч нарсадан тап тортмай, гуноҳи азимлар ботқоғига фарқ бўлганлар. 8. Эй ҳар нарсага қодир Парвардигор! Эй Худойим! Бу бахти қаро зотлар ҳамиша очлигу-ташналик, касаллик, кишнинг совуғи-ю - саратоннинг иссиғи, ёмғиру-қор ва бошқа азоблар дастидан, ҳамда ҳиссиётлар туғени ва ғазаб-эҳтирослар таъсиридан азобланиб юрадилар. Бу жонзотларга раҳмим келиб, ачинганимдан юрагим хира тортади. 9. Эй Парвардигор, аслида табиатан абადий бўлган рух учун моддий азоб уқубатлар бегонадир. Аммо, ўзининг моддий танаси ҳиссий лаззатлар учунгина яратилган деб ҳисоблайдиган тирик мавжудот, Сенинг ташқи қувватинг таъсири остида, моддий азоб-уқубатлардан кутула олмайди. 10. Ундай кишилар кундузлари оғир, зерикарли меҳнат билан ўзларини ва ҳиссиётларини чарчатадилар, тунлари эса, ҳаёлларида пайдо бўлган тасавурлари уларга тинчлик бермай, уйкусини қочиради. Уларнинг турли-туман режаларини илоҳий қудрат бирин-кетин чиппака чиқаради. Ҳатто буюк донишмандлар ҳам, агар Сенинг илоҳий ишларинг ҳақида тинглашдан бош тортсалар, бу моддий оламда туғилиб-ўлишлар чархпалагидан кутула олмайдилар. 11. Эй Худо Шахси, содиқларинг Сен ҳақингдаги ҳикояларни тинглаганларида Сени қулоқлари билан

кўрадилар. Тинглаш жараёнида шундай содиқларнинг қалби покланади ва уларнинг пок қалбида Ўзинг пайдо бўласан. Чексиз марҳаматинг билан Сен уларнинг қалбларида мана шу, ўзлари ҳамиша муроқабга қилиб юрган мангу, илоҳий киёфангда пайдо бўласан. 12. Қалбларида кўплаб моддий истаклари қолган, аммо Сенга турли-туман нарсалар тақдим қилиб, дабдаба билан сифинаётган фаришталар Сени мамнун этолмайди. Ўзингнинг беسابаб марҳаматинг туфайли Сен Олий Рух кўринишида ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжудсан ва уларга ҳамиша яхшилиқни раво кўрасан, аммо Сенга содиқ бўлмаганлар Сенга етиша олмайдилар.

13. Аммо, Сенинг розилигинг учун, натижалари Сенга холис эҳсон сифатида қилинаётган хайрли, савоб ишлар - ведавий(муқаддас) урф-одатларга риоя қилиш, хайр-эҳсон қилиш, риёзат, илоҳий хизматлар - агар бу ишлар, Сени рози қилишнинг бир тури деб бажарилса, ҳеч қачон бекор кетмайди. 14. Ички қуввати яратган мангу киёфаси Уни бошқа барча тирик мавжудотлардан ажратиб турган азалий илоҳий Худои Таоло олдида эҳтиром билан бош эгаман. Унинг киёфасиз, шахсиятсиз кўриниши ўзининг руҳий моҳиятини англаган кишиларнинг тафаккури олдида намоён бўлади. Ўзининг эрмаклари билан лаззатланиб, бу моддий оламни яратиб, мавжудлигини таъминлаб ва яна яксон қиладиган Зот олдида чуқур таъзим қиламан. 15. Киёфалари, сифатлари ва кароматлари англаб бўлмайдиган илоҳий равишда бу дунёнинг шакллари, сифатларини ва фаолиятини яратувчи зотнинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ излайман. Бу ҳаётдан кўз юмаётиб, ўзи англамаган ҳолда Унинг илоҳий, муқаддас номини тилга олган киши, шу заҳотиёқ кўплаб умрлари давомида қилган гуноҳларининг барчасидан озод бўлиб, Унинг даргоҳига эришади. 16. Сайёралар тизими дарахтининг илдизи - Сен Ўзингсан. Бу дарахт мен, Шива ва Сенинг Ўзингдан иборат уч илоҳдан таркиб топган танаси билан моддий табиат узра ўсиб чиққан. Бизлар бу оламни яратиш, мавжудлигини таъминлаб туриш ва яксон қилишга жавобгармиз, бизлардан эса, турли хил шохалар ўсиб таралади. Шу боис бу моддий олам дарахтининг илдизи бўлган Сенинг олдинда мен эҳтиром билан бош эгаман. 17. Кўпинча одамлар ҳаётда умуман бемаъни ишлар билан банд бўладилар. Одамларнинг қилишлари керак бўлган, ўзларига фойдали ишларни Сен Ўзинг белгилаб қўйгансан, аммо улар Сенинг насиҳатларингга амал қилмайдилар. Токи, инсонлар ўзларининг бемаъни фаолиятларини тарк этмас экан, яшаш учун курашиб тузган режаларининг барчаси барбод бўлаверади. Шу боис, олдида мангу замон фаолият кўрсатаётган Зот - Сенинг олдинда бош эгаман. 18. Эй меҳрибон Парвардигор, Сен бетиним (вақт)Замонсан, барча қурбонликлардан лаззат оласан, Сенинг олдинда эҳтиром билан бош эгаман. Мен барча сайёралар ҳукмдориман ва икки парардха йил давомида мавжуд турувчи даргоҳда яшайман: ҳақиқий ўзлимни англаб олиш учун минг йиллаб риёзат чекдим, аммо барибир чуқур эҳтиром билан Сенинг олдинда бош эгаман. 19. Ўзингнинг илоҳий эрмакларингни кўрсатиш учун Ўз хоҳишинг билан турли тирик мавжудотлар киёфасига кириб, ҳайвонлар, инсонлар ва фаришталар орасида пайдо бўласан. Моддийлик иллоти Сенга таъсир қилмайди. Бу дунёда Сен фақат диний кўрсатмалар шаклида Ўзинг белгилаб қўйган қоидалар асосида, Ўз

бурчингни бажариш учун пайдо бўласан. Ўзини бу дунёда намоён қилиш учун ҳар турли қиёфаларга кирувчи Сенинг олдинда эхтиром билан бош эгаман. 20. Ширин уйқуга чўмган эй Худойим, Сен тошқин сув устида ором олясан, атрофингни дахшатли тўлқинлар ўраб олган. Теран тафаккурга эга руҳларга уйқунг қанчалик лаззатли эканини кўрсатиш учун Аждарҳо танасидан тўшалган ўриндиқда ором олиб ётибсан. Бу пайтда бутун коинотдаги сайёралар Сенинг тананга нажот топган. 21. Эй менинг Саждагоҳим, Сенинг марҳаматинг билан оламни яратиш учун, мен нилуфар киндигинг даргоҳидан дунёга келдим. Сен бежавотир ором уйқусида ётганингда коинотнинг барча сайёралари Сенинг илоҳий тананга мужассам эдилар. Энди уйқунг тугагач, кўзларинг тонгдаги нилуфар гуллари сингари чиройли бўлиб очилди. 22. Мехрибон Худойим менадан Ўз марҳаматини аямасин! Барча тирик жонларнинг ягона дўсти ва кадрони - Худои Таоло! Ўзининг илоҳий олти сифати ёрдамида У бу дунёдаги барча мавжудотларнинг ҳаётини таъминлаб, уларга олий бахтга эришиш имконини яратиб беради. Худои Таоло Ўз марҳаматини аямай, аввалгидек яна бир бор оламни яратиш имконини берувчи ўзлимни англаш қобилиятини ато этсин, чунки мен ҳам Худо Шахсига азиз бўлган, Унга ўзини тўла топширган руҳлардан бириман.

23. Худои Таоло ихтиёрларини бутунлай Унга топширган руҳларнинг мангу саодатмандидир. Ўз ниятларини У ички қуввати бўлган равнақ фариштаси Рама ёрдамида амалга оширади. Ундан фақат, менга оламни яратиш имконини бериб, Ўзига хизмат қилишга изн беришини ва бу фаолиятнинг менга салбий таъсир кўрсатмаслигини илтижо қиламан, чунки фақат Унинг марҳамати билангина мен манманлик иллатидан қутула оламан ва ўзимни “яратувчи” деб ҳисобламайман. 24. Худо Шахси қувватларининг сон-саногі йўқ, Тошқин сувлари устида ётганида Унинг киндиги кўлмагидан нилуфар гули ўсиб чиқади. Ана шу нилуфар гулида мен - коинотнинг барча қувватлари тўпланган бошланғич нуқта сифатида пайдо бўламан. Ҳозир мен моддий коинот қиёфасига кираётган Унинг ҳар хил қувватларини намоён қиляпман. Шу боис, моддий фаолият билан машғул бўла туриб, Худо Шахсидан, ведавий ҳамду санолар товушидан четга чиқиб кетмаслигимни илтижо қиламан. 25. Энг қадимий Олий тирик мавжудот бўлмиш Худои Таолонинг марҳамати чексиз. Нилуфар сингари чиройли кўзларини очиб, менга табассум билан марҳамат кўрсатишини интизор бўлиб кутяпман. Ўзининг кўрсатмалари билан бизнинг гумонларимизни тарқатиб, У бутун коинотга ҳаёт бағишлайди.

26. Донишманд Майтрея шундай деди: - О Видура, ўзининг бу дунёга келишига сабаб бўлган Худои Таолони кўришга муяссар бўлган Брахма, бутун ақлзаковати-ю илҳомини ишга солиб, Парвардигорга илтижо қила бошлади. Илтижо қилиб бўлгандан сўнг, худди, ўзини англаш ва мушоҳададан, риёзатдан чарчагандек жим бўлиб қолди. 27-28. Сув тошқинида қолган коинотни кўриб, Брахманинг ташвишга тушганини кўрган Худои Таоло унинг турли сайёралар тизимини яратишга шошилаётганини тушунди. Унинг ниятини англаган Парвардигор мантиска тўла гапларни айтиб, Брахманинг қалбидаги шубҳаю-гумонларини тарқатиб юборди.

29. Олий Худо Шахси шундай деди: - Эй, ведавий илмлар соҳиби бўлган Брахма, коинотни қандай яратсам экан, деб ташвишга тушишнинг ҳолати йўқ. Менадан сўраган нарсаларингнинг барчасини аллақачон сенга ато этганман. 30. О Брахма, риёзат ва мураккаб билан машғул бўл, эгаллаган илмларингга амал қил, шунда Менинг марҳаматимдан баҳраманд бўласан. Шунда сен ҳамма нарсани англаб оласан, чунки сенинг қалбингда илм ўз-ўзидан очилади. 31. О Брахма, коинотни яратгандан сўнг, Менга садоқатли хизмат қилиш билан бутунлай машғул бўлганингда қалбингда Мени кўрасан. Шунда коинотнинг ҳар бир ерида Менинг мавжудлигимни, сенинг ўзинг ҳам, бутун борлиқ ва барча тирик мавжудотлар Менда мужассам эканини кўрасан. 32. Ўтинда яширинган олов сингари Менинг ҳар бир тирик мавжудот қалбида жойлашганимни, бутун борлиққа таралиб турганимни кўрасан. Ана шу илоҳий манзарани кўрганингда сен ҳар хил гумон ва адашишларнинг барчасидан дарҳол озод бўласан. 33. Ўзингни кўпол ва нафис моддий таналарга қиёслашни бас қилганингда ва ҳиссиётнинг моддий табиат гуналари таъсирдан бутунлай озод бўлганида Мен билан ҳамсухбат бўлиб, ўзингнинг соф асл ҳолатингни англаб оласан ва соф онга эга бўласан. 34. Коинот аҳолисини беҳад кўпайтириш билан Менга ҳар хил йўллар билан хизмат қилишни ният қилганинг учун Мен сенга барча имкониятларни яратиб бераман ва сенга бўлган марҳаматим кундан кунга орта боради. 35. Сен донишмандларнинг энг биринчисан ва ҳаёлинг ҳаммиша Менда мужассам бўлгани учун ҳатто сон-саноксиз авлодни бунёд этганингда ҳам эхтирос гунаси сенга таъсир ўтказа олмайди. 36. Гарчи шартланган руҳларнинг Мени англашлари қийин бўлса ҳам, сен бутун Менга эришдинг, чунки Менинг танамда моддийликдан асарр ҳам йўқлигини, масалан, беш кўпол ва уч нафис моддалар йўқлигини билиб олдинг. 37. Ўзинг пайдо бўлган нилугар гулининг қаерда ўсаётганини излаб, сен ҳатто унинг танасига ҳам кирдинг, аммо у ердан ҳам ҳеч нарса тополмадинг. Ана шунда Мен сенинг қалбингда Ўз қиёфамни намоён қёлдим. 38. О Брахма, Менинг илоҳий ишларимга ҳамду-санолар айтиб, Мени англаш ниятида сенинг қилган илтижоларинг, чеккан риёзатларинг ва сендаги Менга бўлган бенуқсон иймон - буларнинг барчаси Менинг марҳаматим туфайлидир. 39. Худосизларга моддийдек туюлган Менинг илоҳий сифатларимни таърифлашингдан Мен жуда миннатдорман, ва шу боис Сенинг барча истакларингни бажо келтираман: - Қалбингдаги барча ниятларинг амалга ошиб, бутун коинот сайёраларини ўз фаолиятинг билан мунаввар қил! 40. Брахманинг илтижолари сингари, Менга сажда қилиб, ихлос билан самимий илтижо қилган кишини Энг барча истакларини шу заҳотиёқ бажо келтираман. Чунки Мен истакларни бажарувчи Худои Таоломан. 41. Илоҳий илмга эга кишиларнинг фикрича, одатдаги барча эзгу ишларнинг, риёзатларинг, қурбонлик қилиш, хайр-эҳсон қилиш, сеҳрли йога билан шуғулланишу - мушоҳада қилишинг олий мақсади - Мени рози қилишдир. 42. Мен - ҳар бир тирик мавжудотнинг Олий Рухиман. Тирик мавжудот учун энг қадрли зот ва унинг Олий ҳукмдори - Мен бўламан. Фақат адашганлари туфайли инсонлар ўзларининг тана ва ақлу-хаёлига боғланиб қолганлар, аслида улар фақат Менга боғланишлари керак. 43. Менинг насиҳатларимга амал қилиб, энди сен аввалгидек, Мен-

дан олган тананг ва ведаларнинг мутлақ илми ёрдамида тирик мавжудотларни дунёга келтиришинг мумкин.

44. Донишманд Майтрея шундай деди: - Оламни яратувчи Брахмага, коинотни яратишни буюриб, унга Нараяна қиёфасини намоён қилган Худо Шахси кўздан ғойиб бўлди.

Ўнинчи боб Яратиш босқичлари

1. Шри Видура шундай деди: - Эй улуғ зот, Олий Худо Шахси кўздан ғойиб бўлгандан сўнг Брахма ўзининг танаси ва хаёлидан турли хил тирик мавжудотларни қандай яратди? 2. Сенга ҳамма нарса аён, шу боис менинг саволларимга жавоб бериб, гумон ва шубҳаларимни тарқатиб юбор.

3. Сута Госвами шундай деди: - Эй Бхригу фарзанди, Видуранинг саволларидан донишманд Майтрея ғоят мамнун бўлди. Бутун ҳақиқат илми унинг қалбида жойлашган, шу боис у Видуранинг саволларига биринкетин жавоб бера бошлади.

4. Донишманд Майтрея шундай деб жавоб берди: - О Видура, Худои Таолонинг кўрсатмаси билан Брахма самовий юз йил мобайнида Худо Шахсига холис хизмат қилиб, риёзат чекди. 5. Кейин Брахма, мангу вақт уйғотган шамол таъсирида сувда пайдо бўлган тўлқинлар устидаги нилуфар гули тебрана бошлаганини кўрди. 6. Чеккан риёзатлари эвазига ўзликни англашнинг илоҳий илмини эгаллаган ва етарли қудратга эга бўлган Брахма шамолнинг ҳаммасини, у билан бирга сувни ҳам ичига сибириб юборди. 7. Ўзи ўтирган нилуфар гулининг бутун коинот майдонини эгаллаб турганини кўрган Брахма, ундаги мавжуд сайёраларни қандай бунёд этиш устида бош қотира бошлади. 8. Худо Шахсига хизмат қилиш билан машғул бўлган Брахма бутун борлиққа ястаниб ётган нилуфар гули ичига кирди ва уни аввало уч оламга, кейин 14 қатламга ажратди.

9. Тангри Брахма оламдаги энг улуғвор шахсдир, чунки у илоҳий илмнинг энг юқори чўққисини эгаллаб, Худои Таолога садоқатли хизмат қилиш билан машғул. Турли хил тирик мавжудотларни жойлаш ниятида у сайёраларнинг ўн тўрт тизимини яратди.

10. Видура шундай деди: - Эй буюк донишманд, хожам, ажойиб ишлар қилувчи (Худои Таоло)нинг қиёфаларидан бири бўлган мангу вақт ҳақида, унинг сифат ва белгилари ҳақида батафсил гапириб бер".

11. Майтрея шундай деди: - Мангу вақт - моддий табиат гуналарининг ўзаро ҳаракатининг бошланғич сабабчисидир. Мангу вақт - ўзгармас ва чексиз, у Худо Шахсининг моддий оламда Ўз ўйинларини намоён этиш қуроли, воситасидир. 12. Кала(замон, вақт) - Худои Таолонинг намоён бўлмаган шахсиятсиз қиёфаси бўлиб, (Худонинг моддий қуввати сифатидаги) моддий оламни Худо Шахсининг Ўзидан ажратиб туради. Моддий борлиқ Худои Таолонинг намоён бўлган (объектив)кўриниши бўлиб, у Вишнунинг ана шу моддий қуввати(Кала) назорати остида фаолият кўрсатади. 13. Моддий коинот ҳозир қандай мавжуд бўлса, аввал ҳам шундай эди ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолади. 14. Моддий табиат гуналарининг ўзаро фаолияти натижасида рўй берадиган яралишдан ташқари, бунёд этишнинг тўққиз тури мавжуд. Емирилиш уч хил; 1- мангу

вақт таъсири остида, 2 - моддий унсурлар таъсири остида, 3 - тирик мавжудотларнинг фаолияти таъсири остида.

15. Яралишнинг тўққиз босқичидан биринчисида махат-таттва - моддий унсурлар мажмуи яратилади, унда Худои Таоло иштирокида моддий табиат гуналари ўзаро ҳаракат қиладилар. Иккинчи босқичда сохта ўзлик(эго) пайдо бўлади ва унда моддий унсурлар, моддий илм ва моддий фаолият шаклланади. 16. Учинчи босқичда хиссиёт сезадиган нарсалар яратилади, улар ўз навбатида моддий нарсаларни юзага келтиради. Тўртинчи босқичда илм ва ҳаракат қилиш қобилияти пайдо бўлади. 17. Бешинчи босқичда ақлни барпо этган эзгулик гунаси моддий оламни бошқарувчи фаришталарни яратади. Олтинчи босқичда ғофиллик зулмати пайдо бўлади. Бу зулмат тирик мавжудотни қамраб олади ва тирик мавжудот унинг таъсирида адашиб, ногўғри ҳаракат қила бошлайди. 18. Яратишнинг бу босқичлари Худои Таолонинг ташқи қуввати амалга оширадиган ишлардир. Энди мен сенга яратиш учун Худои Таолоники сингари етук тафаккурга эга ва эҳгирос гунаси тимсоли бўлган Брахма амалга оширадиган яратишнинг иккинчи босқичини гапириб берман. 19. Яратишнинг еттинчи босқичида олти турдаги кўзғалмас тирик мавжудотлар бунёд этилади: 1. - гулламайдиган мевали дарахтлар; 2. - меваси пишгунча умр кўрадиган дарахт ва ўсимликлар; 3. - ўралиб ўсадиган; 4. - ёйилиб ўсадиган; 5. -танаси найсимон; 6. - гуллаб мева берувчи дарахтлар. 20. Кўзғалмас дарахт ва ўсимликларнинг барчаси озиқ излаб юқорига ўсадилар. Уларда онг белгилари сезилмайди, улар фақат оғриқни сезиш қобилиятига эга. Улар бир неча тур ва кўринишларда мавжуд.

21. Саккизинчи босқичда ҳаётнинг қуйи шакллари яратилади. Улар йигирма саккиз даражага бўлинади. Уларнинг барчаси ғафлат ботқоғига ботган, ақлсиз ҳолатдаги зотлардир. Истаган нарсаларини улар ҳидига қараб билиб оладилар, аммо уларда хотира йўқ. 22. Эй покдомон Видура, қуйи тур деб аталадиган сигир, эчки, кўтос, қора антилопа, чўчка, гавайя, кийик, қўй ва туя қўш туёқлилар синфига мансубдир. 23. От, хачир, эшак, гаура(кийик), бизон, шарабха, ёввойи сигир - якка туёқлиларга мансуб. Энди бештирноқли ҳайвонлар ҳақида эшит. 24. Ит, шоғол, йўлбарс, тулки, мушук, куён, саджару, арслон, маймун, фил, тошбақа, тимсоҳ, госапа ва шу қабиларнинг панжалари беш тирноқли. Уларни панча-накха - бештирноқлилар деб аташади.

25. Цапля, гриф, лайлак, бургут, бхаса, бхаллаука, товус, оққуш, сараса, чакравака, қарға, укки ва шу сингари мавжудотлар қушлар синфига мансуб.

26. Ягона турга мансуб бўлиб, еган овқатини ошқозонида сақлайдиган Одамни яратиш тўққизинчи босқичда амалга оширилади. Одамлар асосан хирс гунаси таъсири остида бўладилар. Улар ҳаммиша энг қийин, азоб-укубатли фаолият билан машғул, аммо барибир ўзларини бахтиёр деб ҳисоблайдилар.

27. Эй покдомон Видура, яратишнинг охириги уч босқичи ва фаришталарни яратиш - ваикрита деб аталади(ўнинчи босқич). Бу босқичлар аввалги(пракрит) табиий босқичлардан фарқ қилади. Кумарлар дунёга ҳар хил босқичда ҳам келаверадилар. 28-29. Навбатдаги босқичда саккиз турдаги тирик мавжудотлар яратилади, улар фаришталар тоифасига мансуб: 1. - фаришталар; 2. -ажодлар; 3. -иблислар(шайтонлар); 4.

-пари(гандхарва, апсар)лар; 5. -якша ва ракшаслар; 6. - сиддхи, чарана, видьядхаралар; 7. -бхута, прета, ва арвоҳлар; 8. -киннар(ғайритабиий инсон)лар ва хоказо. Буларнинг барчасини Брахма яратади.

30. Энди мен сенга Ману авлоди ҳақида гапириб бераман. Ҳар бир калпа аввалида Худои Таоло ато этган қудрат ёрдамида (Худо Шахсининг эхтирос гунасига маъсул қиёфаси) Брахма иштиёқ билан оламни қайтадан яратади.

Ўн биринчи боб Вақтнинг турли ўлчамлари

1. Моддий оламнинг энг майда, бўлинмас, алоҳида тана ҳосил қилмайдиган заррачаси - атомдир. Атом кўзга кўринмайди, оламдаги барча шакл-қиёфалар бузилганда ҳам атом бузилмасдан, ўз ҳолича қолади. Ҳар қандай моддий тана - атомларнинг ҳар хил бирикмасидир, аммо инсон одатда унинг табиатини нотўғри тушунади. 2. Атом - намоён бўлган борлиқнинг энг кичик заррачасидир. Моддий таналарга бирикмаган, соф ҳолдаги атомлар "чексиз бирлик" деб аталади. Моддий таналарнинг тури, шакллари кўп, аммо атомлар - таналардан таркиб топган бутун борлиқнинг асосидир. 3. Вақтни, атомлардан ташкил топган таналарнинг ҳаракатига боғлаб ҳисоблаш мумкин. Вақт - бу моддий оламда кўзга кўринмас ҳам, моддий таналар ҳаракатини бошқариб турувчи Худои Таоло Харининг қувватидир. 4. "Атомар вақт" - атом эгаллаган макон билан боғлиқдир. Намоён бўлмаган атомлар мажмуасини ўз ичига олган вақт - "буюк вақт" деб аталади.

5. Вақт бирлиги: Икки атом бирикиб қўшалок атом ҳосил қилади; уч қўшалок атом бир гексаатом ҳосил қилади. Дераза тиркишидан тушиб турган қуёш нурида гексаатомларни кўриш мумкин. Уларнинг юқорига, осмонга кўтарилаётгани кўзга яққол кўринади. 6. Уч трасарена қўшилишига кетадиган вақт - трути дейилади. 100 трути 1 ведхага тенг, 3 ведха 1 лавага тенг. (трасарена-бу уч гексаатом қўшилмаси). 7. Уч лава 1 нимешани, 3 нимеша 1 кшанани, 5 кшана 1 каштхани, 15 каштха - 1 лагхани ташкил қилади. (1 лагха - 2 минутга тенг). 8. 15 лагха бир надикага, ёки дандага тенг. 2 данда бир мухургани, 6 ёки 7 данда одамлар ҳисоби бўйича кун ёки туннинг чорагини ташкил қилади. 9. 1 надика(данда)ни ўлчаш идиши мисдан қилинган бўлиб, 6 пал(366гр) оғирликда бўлиши керак. Унда оғирлиги 4 мош ва узунлиги 4 бармоқ олтин бурғи билан тешиқ тешиш керак. Бу идиш сувга солинганда, идиш тўлгунча кетган вақт 1 данда деб олинади. 10. Инсоннинг бир куни 4 праҳара, ёки ямага тенг, унинг туни ҳам шунча чўзилади. 15 кун ва тун ярим ой бўлади. Ҳар ой - бири ёруғ, бири қоронғу икки яримдан иборат.

11. Ойнинг икки ярми Пита сайёралари тизимида бир суткага тенг. Йилнинг бир фасли 2 ой, 6 ойда қуёш жанубдан шимолга тўлиқ ўтиб бўлади. 12. Қуёшнинг икки бор тўлиқ ўтиши - фаришталарнинг сайёрасидаги бир суткага, ёки инсонларнинг бир йилига тенг. Инсонларнинг яшаш муддати **100 йилга** тенг. 13. Ой каби таъсир кўрсатувчи барча сайёралар, юлдузлар ва коинотдаги атомлар ўз орбиталари бўйича, Худои Таолонинг мангу вақт(Кала) тимсолидаги иродасига бўйсуниб ҳаракат қиладилар. 14. Осмондаги Қуёш, Ой ва юлдузлар орбитасининг 5 хил номи бор: ҳар бир сай-

ёра ўзининг самватсарасига эга. (самватсара-орбитада айланиш вақти). 15. Қуёш ўзининг туганмас манбаидан саховат билан нур ва иссиқлик таратиб, коинотдаги барча мавжудот ҳаётини таъминлаб туради. Тирик мавжудотларнинг бу моддий, алдамчи, ўткинчи нарсаларга боғланиб қолишдан ҳалос этиш ва уларга мангу руҳий оламга йўл кўрсатиш учун Қуёш уларнинг умрини қисқартиради. Ҳар беш йилда бир бор, унга муайян қоидалар асосида эхтиром билан сажда қилиб қурбонлик қилиш лозим.

16. Видура шундай деди: - Питрилокадагиларнинг, жаннатдагиларнинг, инсонларнинг умрларини айтдинг. Энди менга калпа қонуни таъсир қилмайдиган буюк донишманд зотларнинг умри қанчалигини айт. 17. Эй илохий қудрат соҳиби, Олий Худо Шахсининг вакили бўлмиш вақтнинг ўтиш йўли сенга маълум. Ўзлигини англаган руҳ сифатида сен сеҳрли нигоҳинг билан ҳамма нарсани яққол кўра оласан.

18. Майтрея шундай жавоб берди: -Тўрт давр **Сатья-юга**, **Трета-юга**, **Двапара-юга** ва **Кали-юга** деб аталади. Уларнинг умумий вақти фаришталарнинг саноғи бўйича 12000 йилга тенг. 19. Фаришталар ҳисоби билан Сатья-юга 4800 йил, Трета-юга 3600йил, Двапара-юга 2400йил, Кали-юга 1200йил. (Фаришталарнинг бир йили инсонларнинг 360 йилига тенг).

20. Бир даврнинг бошқа даврга ўтиш вақти фаришталарнинг бир неча юз йилига тенг. Астрономлар бу вақтни юга-сандхья, ёки икки давр оралиғи деб атайдилар. Ана шу пайтда турли туман диний маросимлар ўтказилади. 21. **Сатья югада** одамлар Худои Таоло белгилаб қўйган қонун-қоидаларига тўла амал қиладилар. Кейинги даврларда диний қонунларнинг таъсири пасайиб худосизлик авж олиб боради. 22. Сайёраларнинг уч тизими(Сварга, Мартъя, Патала)дан ташқарида жойлашган Брахма сайёрасидаги бир кун, ҳар бири тўрт югадан иборат бўлган минг давр давом этади. Брахма уйқу ҳолатида бўладиган тун ҳам шунча вақт давом этади. 23. Тун ўтиб, тонг отгандан сўнг Брахма бу оламни қайтадан яратади. Бу уч олам мавжуд бўлиб турган даврда уларда 14 Ману(инсон зотини таркатадиган аждод, Одам ато) алмашинади.

24. Ҳар бир **Ману** 4 даврдан иборат **71 йил яшайди**. (фаришталар ҳисоби билан 852000йил). 25. Манунинг ҳаёти тугагач, унинг ўрнини бошқаси эгаллайди. Ҳар бир Ману авлоди коинотнинг турли сайёраларига ҳукмрон бўлади. Индра сингари фаришталар, 7 донишманд, гандхарвалар сингари Худои Таолонинг содиқ хизматкорлари Ману билан бир вақтда бу дунёга келадилар. 26. Брахманинг кундуз куни давомида рўй берадиган яратиш жараёнида сайёраларнинг уч(Сварга, Мартъя, Патала) тизими, мунтазам яратилиб, бузилиб, яқсон бўлиб туради. Уларда яшайдиган тирик мавжудотлар(хайвонлар, одамлар, фаришталар, питалар) ўз фаолиятлари натижа(карма)лари асосида ўлиб-тирилаверадилар.

27. Ҳар бир Манунинг бошқариш даврида Худои Таоло турли қиёфаларда бу моддий оламга ташриф буюради. Ўзининг илохий қудратини намоён этиб, Худои Таоло шу тарзда оламнинг мавжудлигини таъминлаб туради. 28. Брахманинг кундузи тугаганида ғафлат гунасининг арзимас бўлаги таъсири остида бутун борлиқ тун зулматига ғарқ бўлади. Мангу вақт(Кала)нинг иродаси билан сон-саноксиз тирик

мавжудотлар йўқолиб, бутун оламда мавҳумлик(йўқлик) ҳукм суради. 29. Брахмининг туни киргач, бутун уч олам кўринмас бўлиб қолади. Ой ва куёш нур сочмай кўяди. 30. Санкаршана оғзидан уфураётган олов ҳамма нарсани яксон қилади. Бутун уч оламни ютиб бораётган оловнинг иссиғига чидамай буюк донишмандлар(Бхригу ва Махарлока аҳолиси) Джаналокага кўтариладилар. 31. Оламнинг емирилиши денгиз ва океанларнинг ўз қирғоқларидан чиқиши билан бошланади. Кучли бўрон туриб денгизда катта тўлқинлар пайдо бўлади ва бир пасда бутун уч олам сув остида қолади. 32. Худои Таоло бутун олам тошқини сувларида ястаниб ётган Ананта устида ором олади, Джаналока сайёралар тизими аҳолиси қўл қовуштириб, ўз илтижоларида Худои Таолога ҳамду сано ўқийдилар. 33. Шундай қилиб, ҳар бир тирик мавжудотнинг, ҳатто Брахмининг ҳам, умри тинимсиз қисқара боради. Ҳар бир тирик мавжудот ўз сайёрасидаги муайян вақт бирлиги билан 100 йил умр кўради. 34. Брахмининг ҳаёти иккига - биринчи ва иккинчи яримга бўлинади. Брахмининг ярим умри ўтди, ҳозир унинг ҳаётининг иккинчи ярми ўтди. 35. Брахма умрининг биринчи ярми Брахма-калпада бошланди. Бу калпада Тангри Брахма дунёга келди. У билан бирга ведалар пайдо бўлди. 36. Брахма-калпадан кейин Падма-калпа келади. Унда Худои Таоло Хари киндигидаги қўлмақда бутун коинотни ўзида мужассам қилган нилуфар гули ўсиб чиқади. 37. Брахма умрининг иккинчи ярмидаги биринчи даврни Вараха-калпа деб ҳам аташади, чунки бу даврда Худои Таоло Вепрь(Тўнғиз) киёфасида пайдо бўлади.

38. Брахмининг иккинчи ярим умрининг умумий узунлиги Олий Худои Таолонинг вақт бирлиги бўйича 1 нимеша - бир лаҳзага тенг, холос. Худо Шахси ўзгармас, чексиз ва бутун оламдаги барча сабабларнинг сабабчиси дир. 39. Мангу вақт(Кала) атомдан тортиб, то шунча узоқ яшайдиган Брахмагача бўлган зотларга ҳукмронлик қилади, аммо барибир у Худои Таолонинг ҳукми остида ҳаракат қилади. Вақт ўз ҳукмини фақат ўзини моддий танасига киёслайдиган зотларгагина ўтказиди, ҳатто улар Сатъялока каби олий сайёраларда яшасалар ҳам. 40. Ҳиссиёт сеза оладиган моддий оламнинг диаметри 6000 000 000 километрга тенг. Бу **олам** 8 модданинги қўшилиши ва 16 бошланғич унсурдан иборат бўлиб, коинотнинг ичи ва ташқарисини ташкил қилувчи моддаларнинг намоён бўлиши дир. 41. Ҳар бир қатлам олдингисидан 10 марта қалинроқ ва моддий унсурлардан ташкил топган. Бирга тўпланган коинотлар атомлар тўпланими эслатади.

42. Шу боис Олий Худо Шахси, Шри Кришнани барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси дейишади. Вишнунинг илоҳий даргоҳи мангудир ва бунга ҳеч шубҳа бўлиши мумкин эмас. Шунингдек бу даргоҳ бутун борлиқнинг манбаи Маха-Вишнунинг ҳам қароргоҳи дир.

Ўн иккинчи боб Кумарлар ва бошқаларнинг дунёга келиши

1. Шри Майтрея шундай деди: - Эй донишманд Видура, мен сенга мангу вақт(Кала) тимсолидаги Олий

Худо Шахсининг улуғворлиги ҳақида гапириб бердим. Энди мендан ведавий илмлар манбаи - Брахма яратган мавжудотлар ҳақида эшит. 2. Аввало Брахма ғафлатнинг алданиш, ўлим даҳшати, (нийтига етолмасликдан келиб чиқадиган)ғазаб, сохта эғалик ҳисси, ҳақиқий руҳий ўзлигини унутиш ёки ўзини "тана" деб ҳисоблаш каби кўринишларни, сифатларни яратди. 3. Бу нарсаларни яратишни гуноҳ иш деб ҳисоблаб, Брахма ўз ишидан афсусланди ва покланиш учун Худои Таолони эслаб, муҳофаза қила бошлади. Кейин яратишнинг навбатдаги босқичига ўтди.

4. Брахма тўрт буюк донишманд: Санака, Сананда, Санатана ва Санат-кумарларни яратди. Уларнинг ҳеч бири моддий фаолият билан шуғулланишни истамадилар. Улар буюк шахслар эди. 5. Ўғиллари дунёга келгандан сўнг, Брахма уларга шундай деди: -“Эй фарзандларим, энди сизлар зурёд қолдиришларингиз керак!” Аммо улар Худои Таолога содик зотлар бўлгани учун ҳаётда озодликка интилишдан бошқа ниятлари йўқ эди ва шу боис отасининг амрини рад этдилар. 6. Фарзандларининг амрига бўйсунмай, кўрсатган бу ҳурматсизлигидан Брахмининг ғазаби келди, лекин ғазабини босишга ҳаракат қилди. 7. Қанча уринмасин Брахма ғазабини боса олмади. Унинг ғазаби кўк-қизил рангли зурёд кўринишида қошлари орасидан отилиб чиқди.(**кўк** - ғафлат, **қизил** - эҳтирос ранги). 8. Бола дунёга келган заҳоти қичқира бошлади: -“Эй тақдир ҳукмдори ва бутун оламнинг устози, менинг исмиمنى ва яшаш жойимни кўрсат!”

9. Нилуфар гулидан пайдо бўлган Брахма болани ширин сўзлар билан юпатиб, шундай деди: “Йиғлама! Мен сенинг истагингни албатта бажараман. 10. Эй фаришталар ҳукмдори, шунчалик даҳшатли овоз билан қаттиқ йиғлаганинг учун одамлар сени "Рудра" деб чақирадилар. 11. Сен яшайдиган жойларни белгилаб қўйдим, улар: юрак, ҳиссиётлар, ҳаёт нафаси, осмон, ҳаво, олов, сув, ер, куёш, ой ва риёзат дир. 12. Сенинг яна ўн бир номинг бўлади: Манью, Ману, Махинаса, Махан, Шива, Ритадхваджа, Уграрета, Бхава, Кала, Вамадева, Дхритаврата. 13. Сенинг 11 хотининг, Рудрани бўлади. Улар: Дхи, Дхрити, Расала, Ума, Ниют, Сарпи, Ила, Амбика, Иравати, Свадха и Дикша. 14. Сен тирик мавжудотларнинг ҳукмдорларидан бири бўлганинг учун, шу исмларинг ва хотинларинг билан бирга яшаш жойларингни эгаллаб, ўзингдан кўплаб авлод қолдир!”

15. Танаси кўк-қизил тусли, қудратли Рудра устозидан олган кўрсатмасига биноан дунёда кўплаб авлодлар яратди. Уларнинг барчаси киёфаси, қудрати ва хулқи билан худди ўзига ўхшарди. 16. Рудранинг ўғиллари, неварая бошқа авлодлари бирга тўпланиб оламни ютиб юборишга шайландилар. Бунга кўриб, барча тирик мавжудотларнинг отаси(Брахма) кўрқиб кетди.

17. - Эй фаришталар аёлоси, энди бундай махлуқларни дунёга келтирма. Кўзларидан ўт сочиб, улар атрофдаги ҳамма нарсани қуритдилар, ҳатто менга тажовуз қилишга журъат қиялдилар. 18. Риёзат чекиш билан машғул бўлганинг яхши. Риёзат барча тирик мавжудотларга саодат келтиради ва сенинг ўзингни ҳам бахтиёр этади. Фақат риёзатинг туфайлигина сен оламни аввал қандай бўлса шундайлигича ярата оласан. 19. Ҳар бир тирик мавжудот ўзининг қалбида мавжуд бўлган, айна пайтда ҳиссиёти сеза олмайдиган Худои

Таолога, фақат риёзат чекиш билангина яқинлашиш мумкин!

20. Майтрея шундай деди: - Брахманинг илтимосини эшитган Рудра, отасининг атрофини айланиб ўтди. Бу таклифдан розилигини билдириб, ўрмонга йўл олиб, у ерда қаттиқ риёзатга берилди. 21. Брахма, зурёд қолдириш ниятида Худои Таолонинг қудрати билан яна ўнта ўғил фарзанд яратди. 22. Маричи, Атри, Ангира, Пуластья, Пулаха, Крату, Бхригу, Васиштха ва Дакша шу тарзда дунёга келдилар. Ўнинчи ўғил Нарада бўлди. 23. Нарада Брахманинг илоҳий тафаккурдан, Васиштха нафасидан, Дакша қўлидаги катта бармоғидан, Бхригу терисидан, Крату - қўлидан бунёд бўлди. 24. Пуластья Брахманинг қулоғидан, Ангира - унинг оғзидан, Атри - кўзидан, Маричи - хаёлидан, Пулаха эса, унинг киндигидан пайдо бўлди.

25. Диний қоидалар Брахманинг ўнг кўрагидан пайдо бўлди, у ерда Худои Таоло Нараяна жойлашган. Динсизлик(адхарма) унинг елкасидан пайдо бўлди. Ўлимдан кўрқиб, дахшат тирик мавжудотга унинг елкасидан келади. 26. Истак ва эҳтирос Брахманинг юрагидан, ғазаб туйғуси унинг қошлари ўртасидан, очкўзлик лабларидан, сўз - оғзидан, океан - жинсий аъзосидан, барча ярамас, гуноҳ ишлар - йўғон ичагидан пайдо бўлди. 27. Девахутининг эри, донишманд Кардама Муни Брахманинг соясидан пайдо бўлди. Барча тирик мавжудотлар Брахманинг танасидан, ёки хаёлидан бунёд бўлганлар. 28. Эй Видура, Брахманинг Вак деган қизи ҳам бўлган деб эшитганман. У қизи, ўзи ўйламаган ҳолда, Брахмада ўзига нисбатан хирсий, шахвоний эҳтирос туйғусини уйғотган. 29. Отасининг бундай гуноҳ ишга қўл ураётганини кўрган ўғиллари - Маричи бошлиқ буюк донишмандлар унга шундай мушоаа қилганлар:

30. - Эй ота, сен хаёлингга келтирган гуноҳ ишни ҳеч ким, ҳатто сенинг ўзинг ҳам, олдинги калпаларда ҳеч қачон қилмагансан, бундай гуноҳи азимга келажакда ҳам ҳеч ким қўл ура олмайди. Сен бутун коинотда энг қудратли зотсан. Қандай қилиб сенинг хаёлингга ўз қизинг билан қўшилиш фикри келиб қолди ва сен нега ақлингни жиловлаб ололмагансан? 31. Гарчи сен оламда энг қудратли зот бўлсанг ҳам, бундай гуноҳ иш сенга обрў келтирмайди, чунки оддий одамлар руҳий камолот йўлида сендан ўрнак оладилар!

32. Ўзи Ўзида мавжуд бўла туриб, нури билан бу моддий оламни яратган Худои Таоло олдида чуқур эҳтиром билан бош эгамиз. Барча тирик мавжудотларнинг саодати учун муқаддас қонунларни Унинг Ўзи асрасин. 33. Ўғиллари - Пражапатиларнинг гапларини эшитиб, Брахма уяланидан танасини тарк этди. Бу тана қора туман бўлиб, дунёнинг ҳар тарафига таралиб кетди. 34. Бир куни Брахма оламни худди олдингисидай қилиб яратиш ҳақида хаёл суриб ўтирганида унинг тўрт оғзидан тўрт Веда пайдо бўлди. Ана шу Ведалар барча илмларнинг манбаидир.

35. Кейин қурбонлик жараёнининг тўрт таркибий қисми пайдо бўлди: 1- қурбонлик маросимини ўтказувчи; 2- эҳсонни тақдим қилувчи; 3- олов; 4- ведаларга қўшимча қилиб ёзилган маросим жараёни. Шу билан бирга ҳақиқий диннинг тўрт асосий қоидаси, таянчи пайдо бўлди: 1- ростгўйлик, 2 - риёзат, 3 - раҳмдиллик, 4 - поқлик.

36. Видура шундай деди: - Ягона бойлиги риёзат бўлган эй буюк донишманд, Брахма ўзининг оғзидан

чиққан ведавий илмларни қандай қилиб, кимнинг ёрдамида бутун оламга таратди?

37. Майтрея унга жавобан деди: - Олдига қараган юзидан бошлаб Брахманинг тўрт оғзидан бирин кетин тўрт веда - "Риг", "Яджур", "Сама" ва "Атхарва" ведалар чикди. Кейин, шу пайтгача ҳеч қачон қуйланмаган ведавий мадҳиялар, маросимлар, илоҳий фаолиятнинг турли кўринишлари пайдо бўлди. 38. Брахма ведавий илмнинг таркибий қисмлари бўлган тиббиёт, ҳарбий санъат, мусиқа ва архитектурани яратди. 39. Кейин, ўтган тарихий давр, ҳозирги замон ва келажак аён бўлган Брахманинг оғзидан бешинчи веда - пураналар ва тарихий саналар чикди. 40. Олов ёқиб қилинадиган қурбонлик маросимларининг барчаси(шодаши, уктха, пуриши, агништама, антарйама, атиратра, ваджанейя ва госава) Брахманинг шарққа қараган оғзидан чикди.

41. Илм, хайр-эҳсон қилиш, риёзат, ҳақиқатга интилиш - диннинг тўрт устуни ҳисобланади. Ана шу сифатларга эришишда инсонга ёрдам бериш учун жамиятда 4 табақа(варна) ва 4 (ашрам)ҳаёт тарзи мавжуд. Улар одамларнинг фаолияти ва қобилияти асосида тuzилган. Буларнинг барчасини Брахма яратди. 42. Кейин Брахма фотиҳа олиш маросимини яратди. Бу маросимда шогирдлар муқаддас зуннор(чилвир) оладилар, ведаларни ўрганиб, камида бир йил бажариш лозим бўлган қоидаларни ҳам билиб оладилар: 1)- жинсий ҳаётни тарк этганлар амал қилиши керак бўлган қоидалар; 2)- ведаларда кўрсатилган қоидалар; 3)- оилали кишиларнинг вазифалари; 4)- садақа сўрамасдан, фақат ташландиқ дон билан яшаш қоидалари.

43. Оилавий ишларни тарк этиб яшаш(ванапрастха)нинг 4 босқичи мавжуд: - ваикханаса, - валакхилия, - аудумбара, пхенапа. Санньясаннинг ҳам 4 поғонаси мавжуд: - кутичака, - бахвада, - хамса, - нишкрыйа.

44. Мантиқ илми, ҳаётнинг ведаларда белгиланган уч мақсади, тартиб ва қонунлар, одоб-ахлоқ қоидалари, бхуха, бхуха ва сваха мадҳиялари - буларнинг барчаси Брахманинг оғзидан чиққан. Омқара(оум) пранаваси эса унинг юрагидан чиққан. 45. Қудратли Пражапатиининг танасидаги туклардан шеърят санъати пайдо бўлган. Асосий ведавий мадҳия - "гайатри" - унинг терисидан, триштуп - гўштидан, ануштуп - венасидан, жагати - тирик мавжудотлар ҳукмдорининг суяқларидан пайдо бўлган. 46. Панкти санъати(ғазалхонлик) Брахманинг суюк миясидан дунёга келган. Брихати санъати эса унинг нафасидан яралган. 47. Брахманинг руҳи ундош ҳарфларга, танаси унли, ҳиссиёти тиш орасидан чиқадиган ҳарфлар(шипяших)га жо бўлди. Ҳиссиётининг фаолияти эса, егитта мусиқа ноталарига айланди. 48. Брахма, илоҳий товуш манбаи сифатида бу дунёда Худои Таолонинг вакилидир, шу боис у намоёнлик ва мавҳумлик тушунчаларидан устун туради. Брахма ўзида Мутлақ Ҳақиқатнинг тўла қиёфасини намоён қилган ва хилма-хил қувватлар билан таъминланган. 49. Кейин Брахма бошқа танага эга бўлди ва яратиш жараёнини давом эттирди. 50. Эй Куру ўғли, дунёда шунча қудратли донишмандларни яратганига қарамай, жаҳон аҳолиси кўпаймаётганини кўриб, Брахма аҳоли сонини кўпайтиришни ўйлай бошлади. 51. "Менинг шунча уринишимга қарамай, дунё аҳолиси жуда кам. Бунда тақдир тақозосидан бошқа сабаб бўлиши мумкин эмас!" 52. Шундай ўйларга берилиб,

ғайри-табиий кучлар мушоҳадасига берилган Брахманинг танасидан икки қиёфа пайдо бўлди. Уларни ҳозиргача Брахманинг таналари деб атайдилар. 53. Дунёга келиши биланоқ бу икки тирик мавжудот бири бири билан жинсий алоқага киришдилар. 54. Эркак танасидаги зот Сваямбхува номини олди, аёлни эса, Шатарупа, яъни "буюк рух -Манунинг хотини" деб атайдилар.

55. Диний қоидалар асосида ҳаёт кечириб, улар аста-секин дунё аҳолисини кўпайтирдилар. 56. Эй Бхарат ўғли, вақти келиб Ману ва Шатарупанинг 5 боласи - 2 ўғил(Прияврата ва Уттапана) ва уч қизи(Акути, Девахути ва Прасути) дунёга келди. 57. Ману катта қизи Акутини донишманд Ручига, ўртанчаси Девахутини - Кардама Мунига, кичик қизи Прасутини Дакшага берди. Улардан ҳозир оламда яшаётган барча тирик мавжудотлар дунёга келган.

Ўн учинчи боб

Худо Шахсининг Вараҳа(тўнғиз) кўринишида пайдо бўлиши

1. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - Эй шох, Донишманд Майтреядан бу хикояларни тинглаган Видура, ундан Худои Таоло ҳақида гапиришни давом эттиришни илтимос қилди, чунки у Худо тўғрисида тинглашни ҳамма нарсадан ҳам яхши кўрарди. 2. Видура шундай деб савол берди: - Эй буюк донишманд, Брахманинг суюкли ўғли Сваямбхува севимли хотинга эга бўлгандан кейин нима қилди? 3. Эй покдомон зот, барча шохларнинг биринчи ҳукмдори(Ману) Худои Таоло Харининг буюк содиқларидан эди. Шунинг учун унинг улуғвор фазилатлари ва фаолияти ҳақидаги хикоялар ҳар қандай таҳсинга сазовордир. Илтимос, менга шулар ҳақида гапириб бер. Мен сенинг айтганларингни тинглашга муштокман. 4. Узоқ вақт руҳий устози раҳбарлиги остида юрган одамлар Худои Таолонинг соф содиқларининг фазилатлари ва кўрсатган кароматлари ҳақида соф содиқлар оғзидан ихлос билан тинглашлари дозим. Худонинг соф содиқлари қалбининг тўрида ҳаммиша Худои Таолони - содиқларини озодликка чиқарувчи Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини эслаб юрадилар".

5. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - Олий Худо Шахси, Шри Кришна Ўзининг нилуфар қадамлари пойини мамнуният билан Видуранинг тиззалари устига кўйди, чунки Видура ўзининг камтаринлиги ва беозорлиги билан ажралиб турарди. Видуранинг гапларини эшитган донишманд Майтрея ниҳоятда хурсанд бўлди ва илҳоми жўш уриб ўз ҳикоясини давом этди.

6. Видурага қараб Майтрея шундай деди: - Инсоният бобокалони Ману ва унинг хотини дунёга келгандан сўнг, улар қўлларини қовуштириб ведавий илмлар билмдони Брахма олдида бош эгиб, шундай дедилар:

7. -"Сен - барча тирик мавжудотларнинг отаси ва уларнинг мавжудлигини таъминловчи Раззоқсан, чунки уларнинг барчасини ўзинг дунёга келтиргансан. Бизларнинг сенга қандай хизмат қилишимизни кўрсат. 8. Эй ҳурматга лойиқ зот, бизларга қўлимиздан келадиган шундай вазифа буюр-ки, уни бажариш ёрдамида бу ҳаётимизда зафар қозонайлик ва кейинги ҳаётимизда камолот чўққисига эришайлик!

9. Тангри Брахма шундай деди: - Эй азиз ўғлим, эй ҳукмдор, мен жуда миннатдорман, шу боис сендан ва хотинингдан дуои-фотиҳаларимни аямайман. Сен бутун қалбинг билан менга ўз ихтиёрингни бердинг ва кўрсатмаларимни сўзсиз бажаришга тайёр турибсан. 10. Эй қаҳрамон, сенинг бу ишинг фарзанднинг отага бўлган муносабатига ибрат бўла олади. сендан ўрнак олиб, кичиклар катталарни ҳурмат қилишлари керак. Қалбида ҳасад оловини сўндирган ва етарли ақлга эга бўлган киши отасининг насиҳатларига жон деб кулоқ солади ва унинг айтганларини бажариш учун бутун кучкудратини аямайди. 11. Отангнинг айтганларини қилишга тайёр турганинг учун сендан илтимосим шуки, хотининг билан худди ўзинг сингари фарзандларга эга бўлинглар. Худои Таолога садоқат билан халис хизмат қилиш қонун-қоидалари асосида оламга ҳукмронлик қил, қурбонлик маросимлари ўтказиб, Худои Таолога сиғин.

12. Эй шох, агар моддий оламдаги барча жониворларни химоя қилсанг, менга жуда катта ёрдам берган бўлардинг. Барча тирик мавжудотларнинг ишончли химоячиси эканингни кўрган Худои Таоло, барча ҳиссиётлар Ҳукмдори, сендан албатта мамнун бўлган бўларди. 13. Олий Худо Шахси, Жанардана(Кришна) – барча қурбонликлар ҳада этиладиган Зотдир. Агар У мамнун бўлмаса, тирик мавжудотнинг камолотга эришиш учун қилган барча ҳаракатлари бефойда, зое кетади. У – Олий руҳдир, шунинг учун Уни рози қилишга интилмайдиган кишилар аслида ўзларига зиён етказадилар.

14. Шри Ману шундай деди: -Барча гуноҳлардан фориғ этувчи эй қудратли ҳукмдор, мен бутунлай сенинг амрингга бўйсунаман. Энди мен яшайдиган жойимни, шунингдек мен дунёга келтирадиган тирик мавжудотлар яшайдиган жойларни кўрсат. 15. Эй фаришталар ҳукмдори, сендан илтимос, буюк уммон қаърида ётган Ерни юқорига кўтар, чунки Ер барча тирик мавжудотлар маконидир. Бунинг учун сенинг ҳаракатинг ва Худонинг марҳамати зарур!

16. Шри Майтрея деди: - Ернинг тошқин уммон сувлари остида ғарқ бўлганини кўриб, Брахма уни қандай кўтариш ҳақида узоқ ўйга чўмди. 17. Брахма ўйга толди: - Мен коинотни яратгунча Ер тошқин уммон суви остига ғарқ бўлиб, кўздан йўқолибди. Оламни яратишда иштирок этаётган бизлар нима ҳам қила олардик? Қўлимиздан келадигани фақат насиҳат сўраб қудратли Парвардигорга илтижо қилишдир.

18. Эй бегуноҳ Видур, Брахма шундай ҳаёлларга берилиб турганида, қутилмаганда унинг бурун тешигидан кичкинагина тўнғиз пайдо бўлди. Унинг катталиги бош бармоқнинг бўғиничалик ҳам келмасди. 19. Эй Бхарат авлоди, Брахма уни кўздан кечиришга уринаётганида, Тўнғиз осмонга кўтарилиб, сеҳрли равишда баҳайбат филдай бўлиб каттайди. 20. Осмонда муаллақ турган тўнғизнинг баҳайбат қиёфасини кўриб Брахма ва Маричи бошлиқ буюк браҳманлар, шунингдек Курмарлар ва Ману, ўзларича ҳар хил таҳминларга бориб, бир-бирлари билан баҳслаша бошладилар.

21. - Бу ерга тўнғиз қиёфасига кирган ғайритабиий бир Зот келганга ўхшайди. Фақат шуниси хайратланарлики, У менинг бурнимдан чиқди. 22. Аввалига бу тўнғиз бармоқ учидан ҳам кичик эди, аммо кўз очиб юмгунча У қоядек каттайиб кетганига ақлим

хайрон. Нахотки бу Зот Худои Таолонинг Ўзи, Вишну бўлса!?

23. Брахма ва унинг ўғиллари бу Зотнинг кимлигини билолмай бахслашиб турганларида Худонинг Олий Шахси, Вишну худди баланд тоғлардай, гулдурос овозда қаттиқ наъра тортиб юборди. 24. Ҳар нарсага қодир Парвардигор Кришна баланд овозда, бутун оламга яшин овозидай гулдуросли наъра тортиб, Брахма ва бошқа улуғвор брахманларнинг қалбини қувончга тўлдирди. 25. Жаналока, Тапалока ва Сатйалокада яшайдиган буюк тафаккур эгалари ва донишмандлар тўнғиз қиёфасидаги Худо Шахсининг гулдурос овозини - Худои Таолонинг оғзидан чиққан марҳаматли товушни эшитганларида, уч Ведаларда тўпланган саховатли мантралардан қироат қилиб, илтижо қила бошладилар. 26. Буюк содиқларининг илтижоларига жавобан У яна бир бор наъра тортиди ва худди роҳатланиб яйраётган фил сингари сувга кирди. Ведаларда битилган ҳамдусанолар Олий Худони шарафлайдилар, шу боис У содиқларининг илтижоларини Ўзига қаратилган деб тушунди. 27. Сувга тушиб Ерни қутқаришдан олдин, тўнғиз қиёфасидаги Худо Шахси осмонга кўтарилди. У қуйруғини ўйнатиб, ёлини силкитди, Унинг кўзларидан ёғду таралиб турарди. Ўзининг туёқлари ва ярқираган оппоқ кураклари билан У осмондаги булуғларни тарқатиб юборди. 28. У - моддий борлиққа нисбатан илоҳий бўлган Худои Таоло, Вишнунинг Ўзи эди, аммо Унинг танаси ҳозир тўнғизники сингари бўлгани учун, У Ерни ҳидига қараб излай бошлади. Унинг кураклари даҳшатли, нигоҳлари эса Унга илтижо қилаётган солих-брахманларга тикилган эди. У шу ҳолатда сувга кирди. 29. Худди қатта тоғ қоясидек баҳайбат Парвардигор, Тўнғиз қиёфасида танаси билан океанни иккига бўлиб сувга шўнғиди. Сув сатҳида, худди илтижо қилаётган океаннинг осмонга кўтарилган икки қўли сингари икки қатта тўлқин пайдо бўлди: -“Эй, барча қурбонликлар эгаси, Худо Шахси, менга раҳм қил, мени иккига бўлиб ташлама! Сендан илтижо қиламан, мени қутқар!” 30. Сувга Ўзининг камон ўқларидек ўткир туёқлари билан шўнғиб, Тўнғиз-Худо тубсиз океаннинг тубига етди. У ерда, худди олам яратилишидан олдин тургандай ётган, барча тирик мавжудотларнинг макони бўлган Ер сайёрасини кўрди ва уни кўтариб олди. 31. Тўнғиз-Худо осонлик билан Ерни Ўзининг куракларига устига қўйиб, бутун улуғворлиги билан сув устида пайдо бўлди. Кейин, худди Сударшана-чакра сингари ғазаб ўтида ёниб, гарчи Худо Шахсининг ҳамласини қайтармоққа уринган бўлса ҳам, бир пасда иблис(Хиранякша)ни ўлдирди. 32. Тўнғиз қиёфасидаги Парвардигор иблисни тўғридан тўғри сувнинг устида, худди арслон филни ўлдиргани сингари ўлдириб ташлади. Худо Шахсининг тили ва чаккалари унинг қонига бўялди, - фил ҳам ерни кураган пайтида ана шундай қонга бўялади. 33. Кейин, худди ўйнаётган фил сингари, Худои Таоло Ерни Ўзининг оппоқ куракларига ўтказди. Унинг танаси тамала дарахтини эслатувчи кўкимтир ранга кирди. Буни кўрган Брахма бошлиқ донишмандлар олдиларида Худои Таолонинг Ўзи, Олий Худо Шахси турганига тўла ишондилар ва Унинг олдида чуқур эҳтиром билан бош эгдилар.

34. Чуқур эҳтиром билан буюк донишмандлар илтижо қилдилар: - Эй барча қурбонликларнинг энгилмас султони, Сенга шарафлар бўлсин! Сенга ҳамиша зафар ёр бўлсин! Сен барча ведалар тимсоли бўлган қиёфада

оламни кезиб юрасан, Сенинг тананг тешиқларида буюк океанлар яширинган. Маълум мақсад билан Сен ҳозир тўнғиз қиёфасига кирдинг. 35. Эй Худо Шахси, Сенинг қиёфанга қурбонлик маросими ўтказиб синадилар, аммо гуноҳкорлар уни кўришга қодир эмаслар. Барча ведавий мадҳиялар(Гаятри ва бошқалар) Сенинг теринг билан боғлиқ. Сенинг танангдаги туклар - куша майсаларидир, кўзларингда муқаддас сигирнинг сариеғи, тўрт оёғинг эса гуноҳкор(кармали) фаолиятнинг тўрт тури тимсолидир.

36. Эй Худо Шахси, Сенинг тилинг - қурбонлик қўйиладиган идиш, бурунларинг эса - яна шундай идишлардир, Сенинг қорнингда тановул қилинадиган қурбонлик таоми, ва яна бир қурбонлик идиши Сенинг кулоқларингдир. Сенинг оғзинг - Брахманинг қурбонлик таоми, томоғинг - сома қурбонлик таоми, Сен чайнайдиган нарсаларнинг барчаси агни-хотра деб аталади. 37. Бундан ташқари, эй Парвардигор, Сенинг такрор-такрор келишларинг - барча бағишлов фотиҳалари тимсолидир. Сенинг бўйинларинг уч хил орзу-ниятлар манбаи, Сенинг курак тишларинг - руҳий бағишлов фотиҳасининг натижаси ва барча орзуларнинг рўёбга чиқишидир. Сенинг тилинг - бағишловгача бўлган фаолият тимсоли, қалланг - қурбонлик олови ва ҳар турли олов тимсоли, Сенинг ҳаёт кучларинг эса - барча истаклар мажмуасидир. 38. Эй Худо Шахси, Сенинг уруғинг - сома шарбатини қурбонлик қилиш маросимидир. Сенинг бўйи бастинг - эрталаб ўтказиладиган маросимлардир. Сенинг теринг ва сезишинг - агништом қурбонлигининг етти хил нарсаларидир. Сенинг тананг мучаллари ўн икки кун давомида ўтказиладиган бошқа барча қурбонлик маросимлари тимсолидир. Шундай қилиб, Сен барча қурбонликлар мақсадисан, ва фақат қурбонлик маросими ўтказганларгина Сенинг марҳаматингдан умидвор бўладилар. 39. Эй Парвардигор, Сен - Олий Худо Шахсисан, ва барча тирик мавжудотлар бутун оламни қамраб олувчи илтижолар билан, ведавий мадҳияларни қуйлаб, қурбонлик маросимларини ўтказиб Сенга синадилар. Биз Сенинг олдинда эҳтиром билан бош эгамиз. Фақат ҳар турли кўринар ва кўринмас моддий иллатлардан пок бўлган соф ақл ёрдамидагина Сени англай олиш мумкин. Барчага холис хизмат қилиш илмини очиб берадиган олий руҳий устоз бўлган Сенинг олдинда биз барчамиз чуқур эҳтиром билан сажда қиламиз.

40. Эй Ерни кўтариб олган Зот, Ер ўзининг ҳар хил тоғлари билан Сенинг куракларинг устида, худди сувдан чиқаётган фил юлиб олган нилуфар гули, япроқлари билан фил оғзида тургандек, чиройли ўрнашиб турибди. 41. Эй Парвардигор, қудратли куракларинг учи билан Ерни кўтариб олганинда, Сенинг илоҳий тананг худди паға-паға булуғларга бурканган тоғ қоясидек чиройли тусга кирганди. 42. Эй Парвардигор, ўзида макон топган, қўзғалувчан ва қўзғалмас барча тирик мавжудотларга паноҳ бўлиш учун Ер Сенинг хотининг тимсоли бўлди, Сен эса Олий Ота вазифасини зиммангга олдинг. Биз чуқур эҳтиром билан Сенинг олдинда ва Она Ер олдида бош эгамиз. Сен худди руҳоний арани тахтаси устида қурбонлик олови ёқкани сингари Ўз қудратингдан Она Ерга берасан.

43. Сендан, Олий Худо Шахсидан ўзга ким ҳам Ерни океан қаъридан кўтара оларди? Аммо Сен учун бунинг ҳеч қандай ажабланарли жойи йўқ, чунки Сен бутун борлиқни яратиш пайтида бундан ҳам ҳайратлироқ

мўъжизалар кўрсатгансан. Қувватинг ёрдамида Сен мана шу ажойиб борлиқни яратиб қўйибсан. 44. Эй Парвардигор, биз коинотнинг энг олийжаноб сайёралари бўлмиш - Жана-, Тапа-, ва Сатйа-локада яшаймиз, аммо силкинганингда Сенинг ёлларингдан сачраган сув томчилари ҳатто бизларни ҳам гуноҳлардан поклади. 45. Эй Парвардигор, Сенинг ғаройиб қароматларинг ҳақиқатан ҳам бениҳоядир ва уларнинг ниҳоясини топишга уринган ҳар бир одамга "бефаросат" тамғасини босиш керак. Моддий дунёда яшаётган ҳар бир одам кудратли сеҳр кучлари таъсири остида яшайди. Сендан илтижо қилиб ўтиниб сўраймиз, мана шу шароитга тушиб қолган шартланган руҳлардан Ўз марҳаматингни аяма!

46. Донишманд Майтрея шундай деди: - Буюк донишманд ва илоҳиёт кишиларининг қилган илтижоларини тинглаб бўлиб, Худои Таоло Ерга Ўзининг муборақ туёқларини теккизиб, уни сув устига қўйди. 47. Олий Худо Шахси, барча тирик мавжудотларнинг нажоткори Парвардигор Вишну, шундай қилиб Ерни океан қаъридан юқори кўтариб сув устига қўйди ва Ўз даргоҳига йўл олди. 48. Олқишлашга муносиб бўлган Тўнғиз қиёфасидаги Парвардигор ҳақидаги бу ҳикояни имон ва эътиқод билан гапириб берган кишининг қалбидан жой олган Парвардигор ундан жуда мамнун бўлади. 49. Худо Шахсини рози қила олган одам ҳамма нарсага эришган ҳисобланади. Илоҳий даражага кўтарилган киши бошқа барча муваффақиятларнинг арзимас ютуқлар эканини англайди. Ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлган Парвардигорнинг Ўзи Унга илоҳий муҳаббат билан холис хизмат қилиб юрган одамни камолот чўққисига кўтариб қўяди. 50. Ана шундай олий мақсад сари, фақат ўзларининг инсон эканини унутган кишилардан бошқа, ким ҳам интилмайдими, дейсиз? Инсонни барча моддий азоб-укубатлардан халос этишга қодир бўлган Худои Таолонинг қилган ишлари ҳақидаги ҳикоялар лаззатини тинглашни ким ҳам рад этарди?

Ўн тўртинчи боб

Дитининг бемаҳалда ҳомиладор бўлиши

1. Шукадева Госвами шундай деди: - Тарқидунё қилиб яшашга аҳд қилган Видура буюк донишманд Майтреядан Вараха(Тўнғиз) қиёфасидаги Парвардигор ҳақида ҳикояни тинглагандан сўнг, қўлларини қовуштириб Худо Шахсининг қилган бошқа ишлари ҳақида гапириб беришни Майтреядан илтимос қила бошлади, чунки у(Видура)нинг қалби ҳали ҳам қаноат топмаган эди.

2. Шри Видура шундай деди: - Эй буюк донишмандлар аълоси, шогирдлар силсиласи орқали авлоддан авлодга ўтиб келаётган хабарларга қараганда, қурбонлик маросимининг тимсоли бўлган Худои Таоло(Вараха) дунёдаги биринчи иблис Хиранйакшани ўлдирган. 3. Эй браҳман, Худои Таоло Ер шарини эрмак учун океан қаъридан кўтариб чиққанида рўй берган, тўнғиз қиёфасидаги Парвардигор-Вараха билан иблислар шоҳи орасида бўлиб ўтган бу олишувга нима сабаб бўлган эди? 4. Бу ҳодисанинг тафсилотини билиш иштиёқида кўнглим тинчимаяпти, Худои Таолонинг Вараха қиёфасида пайдо бўлиши ҳақида сенинг айтганларингдан қаноатланмаяпман. Шунинг учун сендан ил-

тимос, гапиришда давом эт. Сенинг гапларингни қалби ишончга тўла, иймони бутун солиҳ инсон эшитяпти.

5. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Эй жангчи, сенинг саволинг солиҳ инсонга хос бўлган саволдир, чунки мендан Худои Таолонинг намоён бўлиши ҳақида сўраяпсан. Ўлиб-тирилишлар чархпалагида ўлимга маҳкум бўлган одамларни биргина Унинг Ўзи ҳалокатдан қутқаришга қодир. 6. Шоҳ Уттананаданинг ўғли(Дхрува) донишманд(Нарада Муни) оғзидан Парвардигор ҳақидаги ҳикояни тинглаб, Олий Худо Шахсига эришди ва ажалнинг бошига оёқ қўйиб, Худонинг даргоҳига кирганди. 7. Парвардигор-Вараха ва иблис Хиранйакша ўртасида бўлиб ўтган жанг ҳақидаги ҳикояни мен қадим замонда, фаришталарнинг саволларига жавоб бераётган фаришталар сардори Браҳмадан эшитган эдим.

8. Кунларнинг бирида кечкурун, Дакшанинг қизи Дити, хирсий эҳтирос оловида ўртаниб, эри - Маричининг ўғли Кашйападан - фарзанд дунёга келтириш учун қовушишни илтимос қилди. 9. Кун ботаётган бу пайтда, тили қурбонлик оловининг тимсоли бўлган Худованд Вишнуга қурбонлик қилиш маросимини тугатган донишманд муроқабага берилиб ўтирарди. 10. Унинг олдига келиб, соҳибжамол Дити эрига қалбидаги ниятини изҳор этди: - Эй донишманд, севги фариштаси камони билан, худди банан дарахтига ташланаётган қутурган фил сингари, вужудимни тимдалаяпти. 11. Шу боис, ўз марҳаматингни аяма, менга раҳминг келсин! Мен фарзанд доғида ўртанаяпман. Бошқа хотинларинг бахтини кўриб жуда қийналиб кетяпман. Менга кўрсатган бу марҳаматингдан кейин хурсанд бўласан. 12. Бу ҳаётда эри ардоқлаган аёлни ҳамма ҳурмат қилади, эр бўлган киши ўзининг фарзандлари билан обрў қозонади, чунки сенинг зимманга жаҳон аҳолисини кўпайтириш юклатилган. 13. Бир пайтлар, чексиз мол-дунёга эга бўлган ва қизларини жонидан ҳам ортиқ севадиган отамиз Дакша, ҳар биримизни алоҳида олдига чақириб, кимга эрга тегишни хоҳлашимизни сўраган эди. 14. Бизларнинг ниятимизни билгандан сўнг, отамиз Дакша ўн уч қизини сенга хотинликка берганди. Шундан бери сенга садоқат билан хизмат қилиб келамиз. 15. Эй нилуфар кўзли зот, илтимос, истагимни бажариб, дуо қил. Мусибатга тушган киши нажот сўраб буюк шахсга мурожаат қилса, унинг илтижоси жавобсиз қолмаслиги керак!

16. Эй қахрамон(Видур), Маричининг ўғли(Кашьяпа), эҳтирос оловида ўртанаётган ва шу боис бахтиқаро бўлиб, тинмай гапираётган Дитини майин сўзлар билан овута бошлади: 17. - Эй шўрлик аёл, сенинг истагингни дарҳол бажо келтираман, чунки сен мен учун озодликка чиқиш йўлидаги уч хил(диний фаолият, иқтисодий раванқ ва ҳиссиёт талабларини қондириш) камолот манбаидирсан. 18. Худди катта кема устида чексиз океанни сузиб ўтиш осон бўлгани сингари, бу моддий дунёнинг азоб-укубатлар уммонини ҳам поқдомон хотин билан бирга енгиб ўтиш мумкин. 19. Эй эҳтиромга лойиқ зот, аёл зоти эрига шунчалик катта фойда келтирадики, уни эрининг "энг яхши ярми" деб атайдилар, чунки у эрига иймон шартларини бажаришда ёрдам беради. Хўжалик ишларини хотинига топшириб, эркак киши ҳеч нарсадан хавотирланмай, ўзининг диний вазифаларини бажараверади. 20. Катта қўшин қўмондони ҳеч қийналмасдан босмачий ўлтўсарлар ҳамласини бартараф қилади. Худди шундай, хотинининг ҳимояси остида бўлган киши ҳам, ўз

хиссиётининг барча тажовуларини осонлик билан бар-
тараф қилади. Бу тажовулар олдида бошқа ашрам(ҳаёт
тарзларининг) вакиллари чорасиз, ноилождирлар. 21.
Эй хонадонимиз маликаси, сен қилаётган ишларни биз-
лар бажаришдан ожизмиз, ва сенинг бу хизматларинг
қарзини биз ҳеч қачон, ҳатто бутун умр бўйи хизмат
қилиб, яна ўлгандан кейин хизмат қилишда давом этсак
ҳам уза олмаймиз. Бу қарздан қутулишнинг иложи йўқ,
бунга ҳатто ўз хотинларининг сифатларини таъриф-
лашдан чарчамаётганлар ҳам қодир эмаслар. 22. Гарчи
мен сенинг хизматингни муносиб тақдирлай олмасам
ҳам, сенинг истагингни дарҳол бажо келтираман ва
сенга фарзанд ато этаман. Лекин, ҳеч ким менга айб
қўёлмасликлари учун, сен бир оз сабр қилиб туришинг
керак. 23. Ҳозир фарзанд кўриш ниятида кўшилиш
учун энг ноқулай пайт, чунки айнан ҳозир, ер юзида
арвоҳлар ҳукмдорининг ажралмас ҳамроҳлари бўлмиш
жин-ажиналар айланиб юрадиган пайт. 24. Хўкизга
миниб олган арвоҳлар ҳукмдори - Тангри Шива, ўз
манфаатларини кўзлаб унинг атрофига тўпланган ажи-
налар даврасида жаҳон бўйлаб кезиб юрибди. 25. Тан-
гри Шиванинг танаси қизғиш рангда, тоза, фақат кул
сепилган. Дафн оловидан кўтарилган кул унинг сочла-
рига ўтириб қолган. У - сенинг эрингнинг кичик укаси,
оламни уч кўзи билан кўради. 26. Гарчи барча тирик
мавжудотлар у билан боғланган бўлса ҳам, Тангри Ши-
ва ҳеч кимни ўзига қариндош деб ҳисобламайди. У ҳеч
кимга ёмон кўз билан ҳам қарамайди, ҳеч кимни ўзига
яқин ҳам тутмайди. Биз эҳтиром билан унинг қолдирган
овқатига сажда қиламиз ва ундан қолган сарқитни та-
новул қилишга қасам ичганмиз. 17. Бу моддий оламда
ҳеч бир инсон Тангри Шива билан тенглаша олмайди
ёки ундан устун бўлолмайди. Унинг бенуқсон хулқи-
одоби ғофилик зулматидан халос бўлишга интилаётган
барча буюк руҳларга намуна бўла олади. Шунга
қарамай Худои Таолонинг содиқ хизматкорларига
озодлик келтириш учун у иблислар либосини кийиб
олган. 28. Бахтсиз нодонлар у қалби билан ҳамиша
муруқабага ғарқ бўлиб юрганидан беҳабардирлар ва шу
боис унинг устидан куладилар. Бундай аҳмоқлар фақат,
эртага итларга ем бўладиган таналарини эҳтиёт қилиб
парваришлайдилар - ҳар хил қимматбаҳо нарсалар,
гулчамбарлар билан безайдилар, анвойи ҳидлар тара-
тувчи мойлар суртадилар. 29. Браҳма ва бошқа фариш-
талар ҳам Тангри Шива қиладиган барча маросимларни
ўтказадилар. У моддий оламнинг яратилишига сабаб
бўлган моддий қувватнинг ҳукмдоридир. У – буюк
шахс, шу боис унинг иблисларга ўхшаб кун кечирishi
шунчаки (чалғитиш), ролга киришдир, холос.

30. Майтрея шундай деди: - Дити эрининг гапини
эшитди, аммо севги фариштаси таъсири остида
эҳтиросига бардош бера олмади. Худди ор-номусини
йўқотган фоҳишадек буюк донишманд-браҳманнинг
кийимига ёпишди. 31. Хотинининг ниятини англаган
донишманд ман қилинган ишни содир қилишга мажбур
бўлди, ва тақдирга тан бериб хилват жойда хотини би-
лан қўшилди. 32. Шундан сўнг браҳман сувда чўмилиб
поклангач, бутун фикрини мангу ёғдуда жамлаб, ичи-
дан муқаддас Гаятри мадҳиясини зикр қилиб, жим
муруқабага ғарқ бўлди. 33. Эй Бҳарат авлоди, кейин
Дити эрининг олдига бориб, қилган гуноҳи учун уялган-
нидан бошини егиб, унга шундай деди.

34. Соҳибжамол Дити деди: - Эй азиз браҳман, сен-
дан ўтиниб сўрайман, барча тирик мавжудотларнинг

ҳукмдори Тангри Шива унга нисбатан қилган оғир
гуноҳим учун қорнимдаги фарзандимни нобуд
қилмаслиги учун бирор чора кўр. 35. Мен ғзаби келган
буюк фаришта, Тангри Шива олдида эҳтиром билан
бош эгаман. Унинг ғзабини жуда осон келтириш мум-
кин, аммо шу билан бирга у инсоннинг барча моддий
истакларини рўёбга чиқаради. У барча тирик мавжу-
дотларнинг раҳнамози ва улардан марҳаматини аямай-
ди, лекин ғзаби келганда уни ҳақоратлаган одамни бир
зумда жазолаши мумкин. 36. Мен унинг шафоатидан
умидворман, ҳар ҳолда у менга куёв - синглим Сати-
нинг эри бўлади-ку. Унга барча аёллар сажда
қиладилар. У барча яхши фазилатлар соҳиби ва аёл-
ларнинг гуноҳларини кечира олади, ахир ҳатто ёввойи
хайвонларни овлайдиган овчилар ҳам аёлларга раҳм
қиладилар-ку!

37. Майтрея шундай деди: - Шунда донишманд
Кашйапа қилган гуноҳи оқибатидан кўрқиб дағ-дағ
қалтираётган хотинига муружаат қилиб гапира бошла-
ди. У(Дити) эрини кечки ибодатидан тўхташиб, ўз бур-
чини адо этишига халақит берганини тушунарди, лекин
хотини дунёга келиши керак бўлган фарзандларининг
келажагини ўйлаб бу ишга қўл урган эди.

38. Донишманд Кашйапа шундай деди: - Сенинг
ақлинг шошиб, фарзанд кўришга жуда нобоп вақт тан-
лаганинг, гапларимга кулоқ солмай, фаришталарни
ҳақорат қилганинг учун ҳозир шароит жуда қалтис
ҳолга келди. 39. Эй хоҳишидан қайтмайдиган аёл, се-
нинг қорнингдан икки нобакор фарзанд туғилади. Эй
бахтиқаро зот, бу болалар бутун уч олам аҳолисига чек-
сиз мусибатлар келтиради. 40. Улар ҳеч қандай айби
бўлмаган тирик мавжудотларни ўлдирди, аёлларга
азоб беради ва буюк донишмандлар қалбини ғзаб
ўтида ёндиради. 41. Шунда Худои Таоло, барча тирик
мавжудотларга ғамхўрлик қилувчи бутун оламнинг
эгаси бўлган Парвардигор бу оламга ташриф буюриб,
худди Индра яшинлари билан тоғ қояларини яксон
қилгани сингари уларни ўлдирди.

42. Дити жавоб бериб деди: - Ўзининг Сударшана
чакрасини отиб Худои Таоло, меҳрибон Худонинг Ўзи
фарзандларимни Ўз қўллари билан ўлдирса қандай ях-
ши. Эй азиз ҳожам, улар Худонинг солиҳ
браҳманларининг қарғиши сабабли ҳалок бўлмасалар
бас. 43. Браҳманнинг қарғишига учраган ва бошқа ти-
рик мавжудотларга дахшат келтирадиган одамлардан
ҳамма, ҳатто унинг қариндошлари ва дўзахдагилар ҳам
жирканадилар.

44-45. Донишманд Кашйапа шундай деди: - Сен
бўлиб ўтган ишдан пушаймон бўлиб, тавба-тазарру
қилиб турган экансан демак, сенинг Худои Таолога
бўлган эътиқодинг кучли ва тўғри фикрдасан, бундан
ташқари Тангри Шивани ва мени севар экансан, шу
боис, ўғилларингдан бири(Хираньякашипу)нинг фарзанди(Прахлада)
Худонинг буюк содиқ хизматкори бўлиб
етишади. Унинг шухрати Худо Шахсининг довуғи
сингари бутун дунёга таралади. 46. Унинг изидан бо-
риб, ҳалол одамлар худди олтин ўтда тоблангани син-
гари, ундаги тинчликсевар ва барчага меҳрибон бўлиш
каби фазилатларни ўзларида ривожлантиришга инти-
ладилар. 47. Уни барча тирик мавжудотлар яхши
кўрадилар, чунки бутун олам ҳукмдори, Худои Таоло
бутун фикру-хаёли фақат Худо Шахсида мужассам
бўлган солиҳ инсондан ҳамиша мамнундир. 48. Худо-
нинг солиҳ бандалари ичида энг аълоси бўлган бу ин-

сон чуқур тафаккур соҳиби бўлиб, чексиз обрў-эътибор қозонади ва барча буюк рухлардан улуғ бўлади. Садоқатли хизмат қилишнинг энг юксак поғонасига кўтарилиб, илоҳий жазави ҳолатига тушади ва моддий оламни тарк этиб Худонинг илоҳий даргоҳига эришади.

49. У ҳалоллик тимсоли ва барча эзгу ҳислатлар манбаи бўлади: унинг бирорта душмани бўлмайди; ўзгаларнинг бахтини кўриб бирга қувонади ва мусибат онларида улар билан бирга азоб чекади. Худди ёзнинг жазирама қуёши ўрнига ой ўзининг салқин нури билан келгани сингари, у бутун оламни мусибатдан халос этади. 50. Ҳар ерда - ҳам қалбида, ҳам ташқарида сенинг бу неваранг, рафиқаси гўзал равнақ фариштаси бўлган Худои Таолони кўриб юради. Солиҳ инсон Худои Таолони қайси киёфада кўришни истаса, Парвардигор ана шундай киёфада намоён бўлади, Унинг сиймосини ҳамиша ажойиб исирғалар бебаб туради.

51. Донишманд Майтрея шундай деди: - Невараси Худои Шахсининг буюк солиҳларидан бўлишини, ўғиллари эса, Кришна қўлидан ажал топишини эшитган Дити жуда қувонди.

Ўн бешинчи боб Худонинг даргоҳи

1. Шри Майтрея ҳикоясини давом эттирди: - Азизим Видура, донишманд Кашйапанинг хотини Дити, қорнидаги фарзандлари фаришталарга жуда кўп мусибатлар келтиришини биларди. Шу боис, тирик мавжудотлар учун кўплаб азоб-уқубатлар манбаи бўладиган Кашйапа Мунининг бу қудратли зурёдини қорнида роса юз йил олиб юрди. 2. Дитининг узоқ чўзилган ҳомиладорлиги дастидан бутун олам сайёраларининг қуёш ва ой нурларидан маҳрум бўлди, бундан хавотирга тушган фаришталар бутун оламни яратган Браҳмадан сўрадилар: - Нимага бутун оламни қоронғу зулмат қамраб олди?

3. Олийжаноб фаришталар шундай дедилар: - Эй буюк зот, сирини сенга маълум бўлган, аммо бизларни ваҳимага солаётган бу зулматга қара. Сендан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди, чунки сенга замон ҳукми таъсир қилмайди. 4. Эй фаришталар ҳукмдори, бутун олам посбони, фаришталар ичида гавҳари, моддий ва руҳий оламда яшайдиган барча тирик мавжудотларнинг қалбидаги ўй-фикрлар сенга аён. 5. Азалий қудрат ва илм соҳиби бўлган сенинг олдинда эҳтиром билан таъзим қиламиз. Худои Таолонинг Ўзи ҳирс гунасини сенинг ҳукмингга ҳавола қилиб қўйган. Намоён бўлмаган манбадан бу дунёга келишининг ташқи қувватнинг ўзи таъминлаган. Шу боис, такрор ва такрор сенга эҳтиром билан таъзим қиламиз.

6. Эй ҳукмдор, бу сайёраларнинг барчаси сенда муҷассам ва барча тирик мавжудотларнинг ҳаммаси сен туфайли дунёга келган. Шундай қилиб, бу қоинотнинг яралиш сабабчиси сенсан ва ҳамиша сени ўйлаб муруқаб қилиб юрган ҳар бир одам Худои Таолога садоқат билан ҳолис хизмат қилиш ҳуқуқига эга бўлади. 7. Нафас олиш жараёнини бошқариб, ақлини ва ҳиссиётини жиловлаб, сеҳрли йоғда камолот чўққисига эришган одам моддий дунёда ҳеч қачон мағлубиятга учрамайди. Бунинг учун улар фақат сендан миннатдор бўлишлари керак, чунки йоғда камолотга

эришиб улар сенинг марҳаматингга сазовор бўлдилар. 8. Барча тирик мавжудотларнинг ҳаётини тартибга солиб турувчи ведавий қонун-қоидалар, худди ҳўкиз ҳайдаётган одамнинг, бошқариш осон бўлиши учун, ҳўкизнинг бурнидан ўтказиб олган ипга ўхшайди. Муқаддас китобларда ёзилган қонунларни бузган одам ҳеч қачон жазосиз қолмайди. Бизга ведаларни эҳсон қилган ва тирик мавжудотларнинг йўлбошчиси бўлган сенинг олдинда биз эҳтиром билан таъзим қиламиз!

9. Фаришталар Браҳмага илтижо қила бошладилар: - Илтимос, биздан марҳаматингни дариг тутма, бизни бу мусибатлардан қутқар. Бутун оламни қоплаб олган зулмат дастидан бутун фаолиятимиз тўхтаб қоляпти. 10. Ҳаддан ташқари кўп ташланган ўтин оловни ўчиргани сингари, Дити қорнида ривожланган Кашйапа зурёди бутун оламни зулмат қоплашига сабаб бўляпти.

11. Шри Майтрея шундай деди: - Уларнинг илтижоларидан мамнун бўлган, фақат илоҳий товуш ёрдамидагина эришса бўладиган Тангри Браҳма уларни овута бошлади. 12. Тангри Браҳма шундай деди: - Сизлардан анча олдин менинг ақлимдан тўрт ўғлим: Санака, Санатана, Санандана ва Санат-кумар дунёга келган эди. Баъзан улар бу моддий ва руҳий олам бўйлаб ҳеч қандай маълум-мақсадларсиз айланиб юрадилар. 13. Бутун оламни айланиб, сайр қилиб улар бир куни руҳий олам чегарасига бориб қолдилар, чунки улар моддийлик иллатидан пок эдилар. Руҳий оламда "Вайкунтха" деб аталмиш руҳий сайёралар сузиб юради. 14. Вайкунтха сайёраларидаги аҳолининг барчаси ташқи кўринишидан Худои Шахсига ўхшайдилар. Уларнинг барчаси ҳиссий лаззатланишларга бефарқ бўлиб Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиб юрадилар. 15. Вайкунтха сайёраларида Олий Худои Шахси, - фақат ведавий битиклар ёрдамидагина эришса бўладиган азалий Шахсининг Ўзи яшайди. Ҳеч қандай иллат билан булганмаган, ғафлат ва ҳирс сифатлари аралашмаган соф эзгуликка тўла Худои Таолонинг Ўзи содиқ хизматкорларининг руҳий оламга эришишларига ёрдам беради. 16. Вайкунтха сайёраларида олийжаноб ўрмонлар ўсади, уларда ўсаётган дарахтларнинг ҳар бири - орзулар дарахтидир. Йилнинг ҳар фаслида бу дарахтлар мева ва гулларга тўлиб туради, чунки Вайкунтха сайёраларида ҳамма нарса шахс сифатига эга. 17. Вайкунтхада яшайдиганлар рафиқалари билан бирга ҳаво кемаларида сайр қилиб, Худои Таолонинг гард юкмайдиган олийжаноб фазилатларини ва қароматларини шарафлаб юрадилар. Худои Шахсини шарафлаш билан банд бўлган ҳолларида улар, ҳатто анвойи ҳидлар таратиб, асал оғирлигидан ергача эгилиб, барқ уриб очилган мадҳава гулларини ҳам пайқамай қоладилар. 18. Каптар ва какку, турна ва чакравака, оккуш, тўти, сулгун ва товуслар Худои Шахсига ҳамдусанолар айтаётган арилар подшоҳининг жарангдор овозини эшитиб, жим бўлиб қоладилар. 19. Гарчи мандара, кунда, курабака, утпала, чампака, арна, пуннага, нагакешара, бакула, лайло, ва париджата дарахтлари илоҳий, анвойи ҳид таратувчи гўнчаларини чиройли очиб турган бўлсалар ҳам, Туласи дарахтининг қилган риёзатларини ҳамиша эслаб юрадилар, чунки, Худои Таоло Ўзини унинг баргларида қилинган чамбараклар билан бебаб, унга алоҳида эҳтиром кўрсатаётганининг гувоҳи бўладилар. 20. Вайкунтха аҳолиси лазурит, зумрад ва олгиндан ясалган ҳаво кемаларида сайр қилади. Ҳатто ўзларининг бўлик сонли, майин табассум билан

қараб турган сарвқомат аёллари олдида ҳам улар эхтирос таъсирига берилмай, уларнинг махлиё этувчи гўзалликларига учмай, бефарқ қоладилар. 21. Вайкунтха сайёраларидаги аёллар гўзалликда худди равнақ фариштаси сингари соҳибжамол. Илохий гўзаллик соҳиби бўлган ҳолларида улар нилуфар гуллари билан ўйнаб юрадилар. Юрганларида оёқларидаги кўнғирокчалари жаранглайди. Баъзан улар, Худо Шахсининг марҳаматига эришиш ниятида олтин карнизлар билан безатилган мрамор устунларнинг чанглари артиб юрадилар. 22. Минглаб равнақ фаришталари гулларга тўла чаманзорда Худога сажда қиладилар ва ёқут тошлар тўшалган илохий ҳовузлар бўйида Унга туласи барглари тақдим этадилар. Худога сиғинаётиб, улар сув юзида ўзларининг чиройли юзларининг аксини кўрадилар. Худонинг бўсаларидан кейин уларнинг юзлари янада гўзалроқ бўлиб кўринади. 23. Афсуски, бахтиқаро одамлар Вайкунтха сайёраларининг таърифларини муҳокама қилиш ўрнига инсон қулоғини ифлослаб, ақлини пасайтирадиган бўлмағур, фисқу-фасод гаплар билан машғулдилар. Вайкунтха сайёралари ҳақидаги ҳикояларни тинглашдан юз ўгириб, моддий дунёнинг ўткинчи гапларига берилган кишилар гафлат оламининг энг қуйи маконларидан ўзларига жой ҳозирлайдилар.

24. Тангри Браҳма шундай деди: - Азиз фаришталар, ҳаётга инсон бўлиб келиш шу қадар нодир кадр-қийматга эга-ки, ҳатто биз фаришталар ҳам, инсон бўлиб туғилишни орзу қиламиз, чунки Худои Таоло яратган қонунлар маъноси(дин)ни тўлиқ эгаллаб, мукамал илмга эга бўлиш қобилияти(имконияти) фақат инсонларга ато этилган. Агар инсон танасига эга бўлган тирик мавжудот Олий Худо Шахсининг табиатини англаб, Унинг даргоҳига эриша олмаसा, демак, у Худои Таолонинг ташқи қувватининг жуда қаттиқ таъсирига берилган. 25. Худо Шахсига айтилган ҳамду-саноларни эшитганларида таналари жазва таъсирида ўзгариб кетадиган, нафас олишлари тезлашиб, тер босадиган кишилар, агар ҳатто ҳеч қачон умрларида муруқабба қилмаган ва ҳеч қандай риёзат чекмаган бўлсалар ҳам, Худонинг даргоҳига кирадилар. Худонинг даргоҳи моддий сайёралардан юқорида жойлашган, Унинг даргоҳига эришишни ҳатто Браҳма ва бошқа фаришталар ҳам орзу қиладилар. 26. Шундай қилиб, донишмандлар Санака, Санандана, Санатана ва Санаткумарлар сеҳрли йога ёрдамида, юқорида таърифланган, руҳий оламда жойлашган Вайкунтхага етиб борганларида таърифлаб бўлмайдиган даражадаги лаззат оғушига ғарқ бўлдилар. Улар, руҳий олам - Вайкунтханиннг энг яхши солиҳлари бошқараётган ажойиб безатилган ҳаво кемаларидан таралаётган нурафшон ёғдулардан чароғон бўлиб турганини, у даргоҳда Олий Худо Шахси ҳукмронлик қилаётганининг гувоҳи бўлдилар. 27. Донишмандлар чиройли безатилган нақшинкор устунларига эътибор бермай Вайкунтха-пури(Худонинг даргоҳи)нинг олти дарвозасидан ўтиб, еттинчи дарвозасига етиб келдилар. Бу ерда улар гўзал либосларга ўранган, бриллиант ва бошқа қимматбаҳо дурлар билан безанган гурзи билан қуролланган, юзларидан нур таратиб турган, қулоқларига исирғалар тақиб, бошларига совут кийган икки навқирон зотга дуч келдилар. 28. Уларнинг тўрт қўли ўртасидаги кўксида янги гуллардан қилинган гулчамбар осилган, ундан таралаётган анвойи ҳиддан маст

бўлган асаларилар уларнинг атрофида айланиб юрарди. Уларнинг чимирилган қошлари, қизарган кўзлари-ю, норози ҳолда олаётган нафаслари таъсирдан кенгайган бурунлари уларнинг асабийлашаётганларидан далолат бериб турарди.

29. Санака бошлиқ буюк донишмандлар йўлларида учраган дарвозаларнинг барчасини тап тортмасдан очиб келаётган эдилар. Уларга “меники” ва “бегона” деган тушунчалар ёт эди. Қалблари амрига бўйсуниб, ҳеч нарсани ўйламастан улар, худди олтидан қилиниб, бриллиантлар билан безатилган олдинги олти дарвозадан кирганлари сингари еттинчи дарвозага ҳам кирдилар. 30. Ягона либослари ҳаво бўлган, гарчи коинотдаги барча тирик мавжудотлардан кекса бўлишига ва бу вақтга келиб, ўзларининг руҳий табиатларини англаб етганларига қарамай, улар кўринишларидан худди беш яшар болаларга ўхшарди. Аммо, одоби Худои Таолога ёқмаган дарвозабонлар донишмандларни кўрганларида, гарчи донишмандлар бундай муомалага лойиқ ҳаракат қилмаган бўлса ҳам, Кумарларнинг юксак обрўларига эътибор бермай, найзаларини кеса кўйиб, уларнинг йўлини тўсдилар. 31. Вайкунтханиннг барча илохий аҳолиси кўзи олдида, энг катта обрўга эга Кумарларни Шри Харининг икки бош кўриқчиси тўхтатганида, ўзларининг сеvimли ҳукмдорлари Шри Хари, Худо Шахсини кўришга интизор бўлиб, шиддат билан бораётган Кумарларнинг кўзлари ғазаб ўтидан қизариб кетди.

32. Донишмандлар шундай дедилар: - Гарчи бевосита Парвардигорнинг Ўзига хизмат қилиб юрган бўлсалар ҳам, Вайкунтха даргоҳига мос келмайдиган тушунчалар асосида яшаб юрган, булар қандай зотлар ўзи? Бундай улуғ мартабали зотлар Худои Таоло эга бўлган фазилатларга эга бўлишлари керак. Улар қандай қилиб Вайкунтхага тушиб қолганлар? Худонинг даргоҳига душман зоти кириб қолиши мумкинми? Лекин, Худои Таолонинг душмани йўқ. Унга ким ҳам душман бўла оларди? Аслида бу икки зот бошқаларни ҳам ўзлари сингари гуноҳкор деб ҳисоблайдиган ўзбилармон гуноҳкорлар бўлса керак? 33. Вайкунтха аҳолиси билан Худо Шахси ўртасида, худди моддий оламдаги катта ва кичик сайёралар орасидаги сингари ўзаро мутаносиблик, ўзаро ҳамжиҳатлик ҳукм суради. Шундай экан, бу даргоҳда ташвиш аломатлари қаердан пайдо бўлди? Бу икки зот худди Вайкунтха аҳолисига ўхшаб кийинган, аммо уларнинг ақлида қарама-қарши фикрлар қаердан пайдо бўлди? 34. Шунинг учун, бу икки нобакорни қандай жазога маҳкум этишни келишиб олайлик. Биз улар учун шундай жазо топайликки, оқибатда бу жазо уларнинг ўзига ҳақиқий саодат келтирадиган бўлсин. Вайкунтха даргоҳида қарама-қарши фикрларга бориб, улар ўзларини нопок қилиб, ҳаромладилар. Шу боис уларга бу ерда жой йўқ, улар ҳар бир тирик мавжудот уч хил душман(истак, ғазаб ва очкўзлик, нафс) билан курашиб яшайдиган моддий оламга равона бўлишлари лозим!

35. Парвардигорнинг содиқ хизматкорларидан бўлган Вайкунтха посбонлари, албатта, браҳманлар ўзларини дуои бад қилаётганини кўриб, даҳшатга тушдилар. Браҳманларнинг қарғишидан уларни ҳеч қандай қурол қутқариб қололмаслигини билиб, ўзларини уларнинг оёғи остига ташладилар.

36. Донишмандларнинг қарғишини эшитиб, посбонлар шундай дедилар: - Сиздай хурматли донишманд-

ларга ҳурматсизлик қилганимиз учун бизларни жазолаб жуда тўғри иш қилдингиз. Аммо бизларнинг тавба қилаётганимизни кўриб, раҳм қилишингизни илтижо қиламиз. Моддий оламга тушганимиздан кейин бизлар, тирик мавжудотни Худои Таолони унутишга мажбур қиладиган шайтон васвасасига тушиб қолмайдиган бўлайлик. 37. Киндигидан нилуфар гули пайдо бўлгани учун "Падманабха" номини олган, ҳалол, тақводор одамларнинг саодатманди бўлган Худои Таоло шу заҳотиёқ хизматкорлари буюк авлиёларни ҳақорат қилганидан хабар топди. Рафиқаси, равнақ фариштаси билан У воқеа содир бўлган жойда ҳозир бўлди. Таркидунё қилганлар ва буюк донишмандлар ўзларига нажот макони қилиб олган нилуфар қадамлари Парвардигорни бу ерга бошлаб келганди. 38. Санака бошлиқ донишмандлар шу вақтгача фақат ўз қалбларида, чуқур илоҳий жазави пайтларидагина кўриб келган Олий Худо Шаҳси, Вишну, энди кўзлари олдида шахсан пайдо бўлганининг гувоҳи бўлдилар. Худо Шаҳси, чамаралар билан елпиб, устида соябон ушлаб турган яқин ҳамроҳлари билан бирга уларнинг олдида яқинлашди. Елпигичлар Унинг боши узра икки чиройли оккуш сингари чиройли парвоз этар, улар кўтарган майин шабада таъсирида соябонга осилган жавохирлар худди, тўлин ой кечаси кумушсимон ой нурида кўринаётган заррин томчилардек ёки шамол таъсиридан муз устида пайдо бўладиган сув томчиларидек жилваланиб кўринарди. 39. Худо Шаҳси туганмас лаззат манбаидир. Ўзининг саҳоватга тўла ташрифи билан У ҳар бир тирик мавжудотга бахт олиб келади, Унинг кенг кўкраклари эса, бутун борлиқнинг гултожи бўлган руҳий оламнинг нақши бўлмиш равнақ фариштасининг маконидир. Шунинг учун барчага, худди Худои Таолонинг Ўзи бутун руҳий оламни гўзаллик ва саодат билан тўлдирётгандек бўлиб кўринди. 40. Унинг бўлиқ сонларини ялтироқ сариқ матодан қилинган камар ўраб турар, атрофида визиллаб арилар айланиб юрган янги узилган гуллардан қилинган гулчамбар Унинг кўксини безаб турарди. Унинг чиройли билаклари билагузуклар билан безанганди; бир қўлини У Гаруданинг елкасига қўйган, иккинчисиди эса нилуфар гулини ушлаб турарди. 41. Худои Таолонинг сиймосини қулоқларига осилган тимсоҳ кўринишидаги яшиндай ярқираган исирғалар безаб, Унинг юзига ғаройиб бир тус бериб турарди. У чиройли бурунли, бошида нур таратиб турувчи қимматбаҳо дурулар билан безатилган тожи бор эди. Унинг тўрт забардаст қўл ўртасидаги кўксиди ажойиб тақинчоқ тақилган, бўйнида эса қимматбаҳо Каустубха гавҳари ярқираб турарди. 42. Содик хизматкорларининг тафаккури билан бир неча бор кучайтирилган Нарайананинг жозибадор гўзаллиги ниҳоятда мафтункор эди. Унинг латофати олдида, ҳатто ўзининг бенуқсон гўзаллиги билан фахрланадиган равнақ фариштаси ҳам жим бўлиб қоларди. Эй фаришталар, Кумарларнинг олдида шахсан пайдо бўлган Худо Шаҳсига мен, Тангри Шива, ва сизларнинг барчангиз сажда қиламиз. Худо Шаҳсининг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатиб турган донишмандлар Унинг нилуфар қадамлари пойига қувонч билан сажда қилдилар. 43. Донишмандлар Худо Шаҳсининг нилуфар оёқларининг бармоқлари устида ётган Туласи барглариининг енгил шабада олиб келган анвойи ҳидларини сезганларида, гарчи улар шу пайтгача шахсиятсиз Браҳман тушунчасига қаттиқ боғланиб қолган бўлсалар ҳам, қалбида,

хаёлида рўй берган ажойиб бир роҳатбахш ўзгаришни ҳис қилдилар. 44. Худо Шаҳсининг ажойиб сиймоси уларнинг хотираларига ҳаворанг нилуфар гулини келтирди, Унинг майин табассуми эса, янги очилган ясмин гул гунчасини эслатарди. Унинг сиймосини кўрган донишмандлар чексиз лаззатга эришдилар, ва Худо Шаҳсининг гўзал сиймосига махлиё бўлишда давом этиб, ўз нигоҳларини Унинг, тирноқлари рубин сингари гўзал нилуфар қадамлари пойига ташладилар. Нигоҳларини Худо Шаҳсининг илоҳий танасидан узмаган ҳолда, ниҳоят улар Парвардигорнинг қиёфасини кўз олдида келтириб мураккабга ғарқ бўлдилар. 45. Сехргар-йоглар чуқур лаззат олиб мураккаб қиладиган Худои Таолонинг қиёфаси шундай кўринишда. Бу қиёфа шунчаки хаёлан пайдо қилинадиган қиёфа эмас, унинг ҳақиқий эканлигини буюк йогларнинг барчаси тасдиқлайдилар. Худо Шаҳси, бирор тирик мавжудот эга бўла олмайдиган мукамалликнинг барча саккиз турининг тўла соҳибидир (ҳаводан енгил, атомдан кичик, тоғдан катта, истаган нарчасини ола билиш, бошқаларни бошқара олиш, ва х.)

46. Кумарлар шундай дедилар: - Эй севимли Парвардигор, гарчи Сен ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлсанг ҳам, ярамас ва фосиқ одамлар Сени кўришга қодир эмаслар. Бизларнинг олдимизда пайдо бўлиб, Ўз марҳаматинг билан бизга отамиз Браҳмадан Сен ҳақингда эшитганларимизнинг ҳақиқат эканлигига иймон келтиришимизга имкон бердинг. 47. Сен - илоҳий қиёфасини соф эзгулик гунасида намоён этувчи Мутлақ Ҳақиқат, Олий Худо Шаҳси эканинг бизга маълум. Сенинг бу илоҳий ва мангу шахсий қиёфангга фақат Ўзингнинг марҳаматинг билан англаб етиш мумкин. Ўз марҳаматингни эса, Сен, садоқат билан халис хизмат қилиш йўлидан адашмай бораётган содиқларга, Худого бўлган садоқати шарофати билан қалблари покланган буюк донишмандларга ато этасан. 48. Одамлар ичида ҳаётни тўғри тушунишга қодир бўлган энг етук ва доно инсонларгина, шарафлаб ҳикоя қилишга ва тинглашга лойиқ бўлган Худои Таолонинг шарофатли кароматлари ва ўйинлари ҳақидаги ҳикояларни тинглайдилар. 49. Эй Парвардигор, бизлар ҳар қандай дўзахда туғилишга тайёрмиз, фақат бизнинг қалбимиз ва ақлу-хаёлимиз Сенинг нилуфар қадамларинг пойига бетиним хизмат қилсалар бас. Бизнинг тилларимизни, Сенинг қадамларинг пойига тақдим этилганида яна ҳам гўзалроқ бўладиган туласи барглари сингари, фақат Сенинг кароматларинг ҳақидаги ҳикоялар безасин. Қулоқларимизга Сенинг илоҳий сифатларингни қуйловчи мадҳиялар шарбати бетиним қуюлсин. 50. Шунинг учун бизлар, эй Парвардигор, Ўз марҳаматинг билан намоён қилган мангу шахсий қиёфанг олдида чуқур эҳтиром билан бош эгамиз. Моддий табиат гуналари билан чекланган бахтиқаро одамлар, ақл ва кўзларимизга мана шундай чуқур лаззат келтирган Сенинг олий мангу илоҳий қиёфангни кўриш имкониятдан маҳрумдирлар.

Ўн олтинчи боб

**Донишмандлар қарғишига учраган
Вайкунтҳанинг икки дарвозабони,
Жай ва Виджай**

1. Тангри Брахма шундай деди: - Донишмандларнинг айтган ҳамду-саноларидан миннатдор бўлиб, макони Худонинг даргоҳи Вайкунтха бўлган қудратли Парвардигор уларга гапира бошлади.

2. Олий Худо Шахси шундай деди: - Менинг хизматкорларим Жай ва Виджайнинг сизларни қаттиқ ҳақорат қилгани уларнинг Менга нисбатан эътиборсиз бўлганлари оқибатидир. 3. Эй буюк донишмандлар, Менга содиқ бўлган сиздек зотлар уларга тайинлаган жазога Мен ҳам розиман. 4. Мен учун брахмандан ҳам азизроқ одам йўқ, Менинг назаримда брахман ҳаммадан ҳам устун туради. Яқин ҳамроҳларимнинг сизларга нисбатан кўрсатган ҳурматсизликлари аслида Менга тегишли, чунки улар Менинг хизматкорларим бўлади. Аслида сизларни ҳақорат қилган Мен Ўзим деб ҳисоблайман ва шу боис, бўлиб ўтган ишлар учун сизлардан Мени кечиришларингизни илтимос қиламан. 5. Худди тананинг бирор жойида пайдо бўлган иллат(пес касали) бутун танани ҳаром қилгани сингари, хизматкорнинг гуноҳини ҳам одатда одамлар хўжайиннинг бўйнига қўядилар. 6. Дунёдаги ҳар қандай тирик мавжудот, ҳатто ҳаром итларнинг гўштини еб юрган чандал ҳам, Менинг муқаддас номларим, Менга айтилган ҳамду-санолар овозида чўмилиши биланок гуноҳларидан покланади. Энди сизлар Мени англаб етдинглар, шунинг учун агар сизларга бирор заҳмат етказгудек бўлса, Мен ҳатто Ўз қўлларимни ҳам ҳеч иккиланмай чопиб ташлайман.

7. Худои Таоло сўзида давом этди: - Мен содиқ хизматкорларимнинг хизматкориман, фақат шунинг шарофати билан нилуфар қадамларим пойи шу қадар муқаддасдирки, улар тирик мавжудотни барча гуноҳларидан бир зумда поклашга қодир. Одобим шу қадар жозибали-ки, равнақ фариштаси, гарчи Мен унга мутлақо хайрихоҳ бўлсам ҳам, ҳеч қачон Мендан ажралгиси келмайди. Бошқалар эса, унинг бир томчи марҳаматидан умидвор бўлиб, унинг гўзаллигини кўкларга кўтариб олқишлаб, ҳар хил қасамлар ичадилар. 8. Қурбонлик маросими пайтида, оғизларимдан бири бўлган қурбонлик оловига ташланган ҳадялар, сарийёғ устидаги сузиб юрган, ҳамиша прасадам билангина қаноатланиб, фаолиятларининг барча натижаларини Менга бағишлаб юрган брахманларнинг лаблари теккан таомлар сингари Менга лаззат бағишлай олмайди. 9. Мен - Ўзимнинг ҳамма ерни қамраб олган ички қувватимнинг ҳукмдориман, Ганга сувлари эса,- Менинг оёқларим ювилган сув. Ганганинг суви бутун уч оламни, шу жумладан уларни бошида олиб юрган Тангри Шивани ҳам поклаб муборак этади. Агар, ҳатто Менинг Ўзим ҳам вайшнавлар гарди пойини тавоф этиб, бошимга суриб юрган бўлсам, ким ҳам Мендан ўрнак олишдан бош тортарди? 10. Брахманлар, сигирлар ва ҳимоясиз зотлар Менинг танамни ташкил этадилар. Қилган гуноҳлари сабабли ақлдан озган одамлар гина уларни Мендан фарқ қилади деб ҳисоблайдилар. Шундай одамлар худди кутурган илонга ўхшайдилар, ва осийларга жазо берувчи Ямараж(Азроил)нинг элчилари, худди лочинлардек, уларни ғазаб билан янчиб-титкилаб ташлайдилар.

11. Аммо, ҳамиша брахманларни эъзозлайдиган, ҳатто уларнинг танбех ва койишларини ҳам қалби қувончга тўлиб, нилуфар юзларида табассум билан қабул қиладиган одамлар Менинг қалбимни ўзига ром этадилар. Улар брахманларни худди (Мен)Худонинг

ўрнида кўриб ҳурмат қиладилар, уларни худди, жаҳли чиққан отасини овуғаётган ўғилдай, ёки Мен ҳозир сизларни овуғаётгандек, меҳр-муҳаббатга тўла сўзлар билан олқишлаб, кўнгиллари кўтаришга тиришадилар. 12. Сизларга бундай нолойиқ муносабат билдириб бу хизматкорларим, хўжайинларининг хоҳишини англамай, ҳаддидан ошиб кетдилар. Шунинг учун, марҳаматингизни Мендан аямаслигингизни ўтиниб сўрайман. Илтимос, улар гуноҳларини ювиб бўлганидан кейин, яна Менинг олдимга келсинлар ва бу даргоҳимдан узоқ вақт йўқолиб кетмасинлар.

13. Брахма давом этди: - Қалбларини ғазаб илони аччиқ чаққанига қарамай, донишмандларнинг қалби уларга худди ведавий мадҳиялар окимидек ёғилаётган Худо Шахсининг чиройли ва ёрқин гапларини тинглаб тўймасдилар. 14. Худо Шахсининг ажойиб, чуқур маънога эга бўлган гапларининг моҳиятини охиригача англаб етиш уларга осон эмасди. Уни диққат билан тинглаб, донишмандлар Унинг сўзларининг маъноси устида фикр юритишдан тўхтамадилар. Аммо, ҳатто Худо Шахсини тинглаб туриб ҳам, улар Унинг нима қилмоқчи эканини тушуна олмадилар. 15. Ва барибир, Уни кўрган тўрт донишманд-брахман чексиз ҳаяжонга тушиди, бундан таналари лаззат оғушида титраб кетди. Кейин улар, Ўзининг ички қуввати, йогамаёна ёрдамида уларга Олий Шахсининг чексиз ажойиблигини намоён этган Худои Таолога мурожаат қилдилар.

16. Донишмандлар шундай дедилар: - Эй Парвардигор, Сенинг биздан нима истаётганингни англаёлмаяпмиз. Сен - бутун борлиқнинг ҳукмдорисан, ва шунга қарамай, худди биз Сенга бирор хизмат қилгандек, бизни кўкларга кўтариб олқишляяпсан. 17. Эй Парвардигор, Сен – брахманлар маданиятининг ҳукмдорисан. Брахманларнинг юксак мартабаларини ҳурмат қилиш билан Сен бошқаларга ўрнак кўрсатяпсан. Аслида барча фаришталарнинг ва брахманларнинг ҳам сиғинадиган олий илоҳи - Сен Ўзингсан. 18. Сен - барча тирик мавжудотларнинг мангу фаолиятининг манбаисан, ва Худои Таолонинг ҳар хил қиёфаларига кириб, Сен ҳамиша диний қонуларни ҳимоя қиласан. Сен - диний қоидаларнинг олий мақсадисан, ва биз Сени ниҳоясиз ва мангу ўзгармас деб ҳисоблаймиз. 19. Худонинг марҳамати билан сеҳргарлар ва илоҳиёт одамлари барча моддий истаклардан халос бўлиб, ғафлат уммонини кечиб ўтадилар. Шунинг учун Худои Таолонинг Ўзи ҳеч қандай тирик мавжудотнинг марҳаматига муҳтож эмас. 20. Одамлар равнақ фариштаси - Лакшмининг гарди пойларини бошига суртадилар, у эса маълум пайтда Сен билан учрашувни интизор бўлиб кутади ва улуғ марҳаматингга сазовор бўлган содиқлардан бири Сенинг қадамларинг пойига қўйган, янги Туласи баргларидан қилинган гулчамбар устида учиб юрган асарилар шохининг даргоҳида мангу макон топишни орзу қилади.

21. Эй Парвардигор, Сен Ўзининг содиқ хизматкорларинг ишларига жуда қаттиқ боғланиб қолгансан, аммо Сенга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилаётган равнақ фаришталарига нисбатан бутунлай хайрихоҳсан. Брахманлар ўтган йўлдаги чанг қандай қилиб Сени поклаши мумкин ва кўксингда жило таратиб турган Шриватса белгиси қандай қилиб Сенинг улуғворлигинг ва фароғатинг манбаи бўлиши мумкин? 22. Эй Парвардигор, Сен ҳақиқий дин тимсолисан. Шунинг учун, Сен уч юганинг ҳар бирида моддий оламда пайдо бўласан ва

кўзгалувчан ва кўзгалмас тирик мавжудотлар яшаётган коинотни ҳимоя қиласан. Сендан шуни илтижо қиламизки, бизларга соф эзгуликдан таркиб топган ва барча шафоатлар уммони бўлган қиёфангни намоён этиб, фаришталар ва иккибор туғилганлар саодатини ўйлаб, раджас ва тамас таъсирларини бартараф эт!

23. Эй Олий Шахс, Сен иккибор туғилганларнинг энг яхшиларини Ўзинг ҳимоя қиласан. Агар Сен улар олдида бош эгиб, ҳамду-санолар айтиб, ҳурмат қилмаганинга, Сенинг ҳукминг остида бўлиб, Ўзингдан ўрнак оладиган одамлар Худого сиғинишнинг саодатли йўлини унутиб юборган бўлардилар. 24. Эй азиз Парвардигор, эзгулик манбаи бўлган ҳолда Сен эзгулик йўлини бутунлай йўқолиб кетишдан ҳимоя қиласан. Бутун инсоният саодатини ўйлаб, қудратли қувватинг ёрдамида зулмни, ёвузликни бартараф этиб турасан. Сен - барча уч олам эгаси ва бутун борлиқнинг посбонисан. Шунинг учун, бу қадар камтаринлигинг Сенинг қудратингга ҳеч қандай раҳна сололмайди. Аксинча, бундай камтаринликни намоён этиб, Сен ундан илоҳий лаззат оласан. 25. Эй Худои Таоло, икки бегуноҳ руҳга ёки бизларга Ўзинг қандай жазони лозим топсанг, биз сўзсиз уни қабул қиламиз. Ҳеч қандай гуноҳи бўлмаган бу икки зотни дуои бад қилганимизни тан оламиз.

26. Худои Таоло шундай жавоб берди: - Эй браҳманлар, билинларки, уларга сиз белгилаган жазони аввалдан Мен Ўзим белгилаб қўйган эдим, шунинг учун улар моддий оламга тушиб иблислар хонадониди туғиладилар. Аммо, уларнинг бутун ўй-фикрлари Менда мужассам бўлади, ғазаб оловида кучайиб борадиган шу фикр-ўйлари уларни Мен билан маҳкам боғлаб туради ва уларнинг Менинг даргоҳимга тезроқ қайтиб келишларига ёрдам беради.

27. Тангри Браҳма шундай деди: - Донишмандлар Олий Худо Шахси, ҳамиша ўзидан нур таратиб турувчи Вайкунтха сайёрасида яшайдиган Вайкунтха Хукмдори билан учрашиб, бу илоҳий даргоҳни тарк этдилар. 28. Донишмандлар Худои Таоло атрофини айланиб ўтдилар, Унга сажда қилиб, вайшнавларда кўрган илоҳий ҳислатлардан чексиз ҳайратга тушиб бу ердан узоқлашдилар.

29. Кейин, хизматкорлари Жай ва Вижайга юзланиб, Худои Таоло шундай деди: - Бу ерни тарк этинглар ва ҳеч нарсадан кўрқманглар. Сизларга шоншарафлар ва ҳамду-санолар бўлсин! Мен браҳманларнинг дуои-бадларини қайтаришим мумкин эди, аммо бундай қилмайман. Аксинча, Мен уларни тўла қўллаб-қувватлайман. 30. Сизларнинг Вайкунтхани тарк этишларингизни равақ фариштаси Лакшми айтган эди. Кунларнинг бирида у Менинг даргоҳимдан чиқиб, кейин орқага қайтганида, сизлар уни то Мен уйқудан уйғонмагунча ичкарига киритмаганингиз сабабли у сизлардан хафа бўлган экан.

31. Худо Шахси Вайкунтхада яшовчи икки зот, Жай ва Вижайни ишонтириб шундай деди: - Ғазаб алангасида сеҳрли йога билан шуғулланиб, сизлар браҳманларга нисбатан қилган гуноҳларингиздан фориг бўласизлар ва тез орада яна Менинг олдимга келасизлар!

32. Вайкунтха дарвозабонларига шу сўзларни айтиб, илоҳий кемалар учиб юрган, салтанати, бойлиги ва ажойиботлари бутун борлиқнинг мўъжизаларини ортда қолдирадиган Парвардигор Ўзининг даргоҳига қайтди. 33. Аини пайтда фаришталар аълоси бўлган, гўзаллиги

ва улуғворлиги браҳманларнинг қарғиши туфайли сўна бошлаган икки дарвозабон Худонинг даргоҳи Вайкунтхани тарк этиб, моддий оламга тушдилар. 34. Ҳашаматли ҳаво кемаларида ўтирган фаришталар, Жай ва Виджайнинг Вайкунтхадан қувилганининг гувоҳи бўлиб, уларни аламли хўрсиниш, ачиниш билан кузатиб қолдилар.

35. Тангри Браҳма шундай деди: - Вайкунтханинг бу икки бош посбони, Худои Таолонинг хизматкорлари, Кашйяпа Мунининг уруғи билан Дитининг ҳомиласига кирдилар. 36. Ана шу эгизак (асур)иблисларнинг қудрати сизларни ташвишга соляпти, чунки бу қудрат сизларнинг ҳукмдорлигингизга раҳна соляпти. Аммо мен сизларга ҳеч қандай ёрдам бера олмаيمان, чунки буларнинг ҳаммаси Худонинг амри билан бўляпти. 37. Азиз ўғилларим, Худои Таоло моддий оламнинг уч гунасини бошқаради ва унинг яралиши, мавжудлигини таъминлаш ва емирилиши учун маъсулдир. Унинг яратувчи ғаройиб қуввати бўлган "йогамайма"ни ҳатто йога илмини мукамал эгаллаган одам ҳам англай олмайдди. Бизларни фақат барча тирик мавжудотлар ичида энг қадимгиси бўлган Худои Таолонинг Ўзигина қутқара олади. Бўлиб ўтган ишларни муҳокама қилиш билан биз нимага ҳам эришардик.

Ўн еттинчи боб

Хиранйякшанинг бутун оламни забт этиши

1. Шри Майтрея шундай деди: - Вишнудан туғилган Браҳма олий сайёраларда яшовчи фаришталарга, бутун оламни қамраб олган зулматнинг сабабини тушунтириб бергандан сўнг, уларнинг қалбидаги даҳшат тўйғуси тарқалиб, хотиржам бўлиб ўз сайёраларига қайтдилар. 2. Қорнидаги бўлғуси фарзандлари фаришталарга катта мусибатлар олиб келишини покдомон Дити яхши биларди. Эри бир пайтлар унга бу ҳақда башорат қилган эди. Юз йил хомилдор бўлиб юргандан кейин, у икки эгизак ўғил туғди. 3. Бу икки иблис дунёга келган заҳоти, жаннат ва ер сайёраларида, шунингдек бутун коинотдаги сайёралар орасида даҳшатли табiiй офатлар рўй бера бошлади. 4. Ер юзидаги тоғлар зилзила дастидан титрар, бутун сайёра олов ичида қолгандай эди. Бўлғуси нохушлиқдан дарак бериб осмонда Сатурн ва бошқа бехосият сайёралар, кометалар кўринди, яшин ва метеорлар осмонда чакнаб турарди. 5. Ҳамма ерда қудратли дарахтларни илдизлари билан қўпоровчи шиддатли изғирин шамоллар тинмасди. Бўронлар уларнинг қўшини, чанг-тўзон булутлари эса - жанговор байроқлари эди. 6. Осмондаги нур сочиб турган оюқуёшни кўрғошиндай қалин булутлар тўсиб қўйганди, булутлар орасида гулдурос овоз билан яшин чакнарди. Бутун олам коп-қоронғу зулмат ичида қолганди. 7. Юзида баҳайбат тўлқинлар кўтарилган океан худди оғир дардга учрагандай қаттиқ инграрди, ундаги ҳайвонотлар орасида парокандалик ҳукм суларди. Қутурган дарё ва қўллар ҳам, тошиб, қирғоқларидан чиқиб кетган, уларни безаб турган нилуфар гуллари эса сўлиб қолганди. 8. Қуёш ва Ой тутилганда уларнинг атрофини туманли пардалар қайта-қайта ўраб оларди. Момақалдирос овозлари ҳатто ҳаво очиқ пайтда ҳам эшитилиб турарди, тоғлардаги ғорлардан эса, чопайган аравалар овозини эслатувчи товушлар келарди.

9. Қишлоқ кўчаларида оғизларидан ўт пуркаб, она-чиябўрилар хосиятсиз увиллар, уларга бошқа чиябўри ва бойўғлилар жўр бўларди. 10. Ҳар ер-ҳар ерда бошларини кўкка кўтариб итлар увиллар, уларнинг увиллашлари гоҳида кўшиқ, гоҳида йиғи овозини эслатарди. 11. Эй Видура, ҳар ер, ҳар ерда ёқимсиз ханграган ва ерни ўзларининг қаттиқ туёқлари билан тепкилаб юрган ёввойи эшаклар тўдаси изгиб юрарди. 12. Уларнинг ҳайқириқларидан чўчиган қушлар ҳазин чинқириб уяларидан кўтарилар, оғилхона ва ўрмондаги сигиру-хўкизлар эса, даҳшатга тушганидан сийиб-сичиб юборардилар. 13. Даҳшатга тушган сигирларнинг елинидан сут ўрнига қон томар, булутлардан ерга иринг ёғар, эҳромларда турган илоҳларнинг кўзларидан ёш оқарди, дарахтлар эса, ҳатто шамолсиз кунлари ҳам ерга қуларди. 14. Марс ва Сатурн сингари беҳосият сайёралар тобора ёрқинлашиб, (Меркурий, Юпитер ва Венера сингари) саховатли сайёраларни, шунингдек, баъзи ой тушадиган ерлар(лунние дома)ни тўсиб қўйганди. Сайёралар худди тескари айланаётгандай, ва бир-бирлари билан рақобатлашаётгандай бўлиб кўринарди. 15. Хосиятсиз замонлар яқинлашаётганидан дарак берувчи мана шу ва бошқа кўплаб аломатларни кўриб, Жай ва Виджайнинг самодан тушиб, Дитининг ўғиллари қиёфасида дунёга келишидан хабардор бўлган Браҳманинг тўрт донишманд ўғлидан бошқа, коинотнинг бутун аҳолиси чексиз даҳшатга тушганди.

16. Қадим замонларда дунёга келган бу икки иблис туғилганлариданоқ ўзларининг ғайритабиий баҳайбат таналари билан ажралиб турарди, уларнинг пўлатдан қуйилгандек метин таналари худди икки катта тоғ қояларидек улғая бошлади. 17. Иблислар шу қадар баланд ўсдиларки, бошидаги тожлари худди осмонга тегиб тургандай кўринарди. Улар танаси билан уфқни тўсиб қўйган, ерда юрганида эса, улар ташлаган ҳар бир қадамидан Ер ларзага келарди. Уларнинг қўлида билагузуклар ялтирар, бўйларини тик чўзганларида, чиройли белбоғ боғланган гавдалари билан куёшни тўсиб кўярди. 18. Барча тирик мавжудотларнинг бобокалони Пражапати, ўзининг эгизак ўғилларига исм қўйди: ерга биринчи туғилганини Хиранийакша деб, биринчи бўлиб Дити ҳомиласига тушганини эса – Хиранийакашипу деб атади. 19. Унинг катта ўғли Хиранийакашипу ўлишдан кўрқмасди, чунки, Тангри Браҳмадан дуо олгандан кейин, "бутун уч оламда мени ўлдиришга қодир бўлган тирик мавжудот йўқ", деб ҳисобларди. Қудратли дуо олгани сабабли, у жуда гердаиб кетган ва ўзига бутун уч оламни бўйсундириб олган эди.

20. Хиранийакашипунинг укаси Хиранийакша ҳар бир ишда акасининг қўнглини овлашга интиларди. Елкаси-га гурзисини олиб, Хиранийакашипуни мамнун қилиш учун ҳар қандай душман билан олишишга тайёр ҳолда, у бутун оламни айланиб чиқди. 21. Хиранийакша ўзининг жиловланмаган хулқи билан ажралиб турарди. Унинг товонларида, юрганида жаранглаб турадиган олтин балдоқлар ярқирар, кўксини эса, катта гулчамбар безаб турганди. У елкасида баҳайбат гурзи олиб юрарди. 22. Ақли ва танасининг қудрати, шунингдек олган дуолари Хиранийакшани жуда жиззаки ва димоғдор қилиб юборганди. У жаҳонда ўзини ўлдиришга ҳеч ким қодир эмаслигига ишончи қомил эди, ва бутун борлиқда бу иблисни тўхтатишга қодир қудрат йўқдай туюларди. Шунинг учун, Хиранийакшани кўрган заҳоти барча фаришталар даҳшатдан титраб, худди Гарудадан

яширинган илонлар сингари, ҳар ким ҳар ёққа яшириндилар. 23. Авваллари ҳукмронлигидан боши гангиган Индра ва бошқа фаришталарни тополмасдан, Дайтйаларнинг сардори, уларнинг барчаси ўзининг қудратидан кўрқиб тум-тарақай бўлганини тушунди, кўксидан жарангдор ҳайқириқ янгради. 24. Жаннат сайёраларидан қайтиб келиб, ҳордиқ чиқариш учун қудратли иблис, худди қутурган фил сингари, ғувиллаётган океан қаърига тушди. 25. У сув тагига тушганида денгиздаги барча жониворлар - Варунанинг сон-саноксиз қўшини - даҳшат ичида ундан яшириндилар. Шундай қилиб, бирор марта хужум қилмай Хиранийакша бутун оламга ўзининг доврўгини таратди. 26. Океан қаърида дуч келган катта-катта тўлқинларни янчиб, Хиранийакша, то Варунанинг пойтахти, Вибхаварига етиб келганча бир неча йил кезиб юрди.

27. Вибхавари - денгизда яшовчиларнинг ҳукмдори Варунанинг даргоҳидир. Коинотнинг асосан иблислар яшайдиган пастки қатламлари унинг ҳукми остида. У ерда Хиранийакша, итоаткор хизматкордек Варунанинг оёғига йиқилди, ва унинг устидан қулмоқчи бўлиб, истехзо билан шундай деди: - Мен билан жангга кир, эй Олий Худо! 28. Сен - бутун бир сайёранинг ҳукмдорисан, ва сенинг шуҳратинг бутун дунёга таралган. Ўзига бино қўйган димоғдорларни забт этиб, барча Дайтйа ва Данаваларни ўзингга бўйсундириб, бир пайтлар сен Худои Таоло шарафига Раджасяя қурбонлик маросимини ўтказган эдинг!

29. Димоғдорлиги чегара билмаган бу рақибни ўзининг устидан қулаётганини кўриб, ҳамманинг хурматига сазовор бўлган сув ҳукмдорининг ғазаби қайнади, аммо у тафаккурининг кучи билан ғазабини босиб, унга жавобан шундай деди: - Эй дўстим, биз аллақачон жанг қилишни тарк этганмиз, чунки бундай ишлар учун анча кексайиб қолдик. 30. Сенинг жангда қанчалик эпчил эканингни кўриб, энг кекса тирик мавжудот Худои Таоло, Вишнудан бошқа сенга тенг келадиган муносиб рақибни мен билмайман. Шунинг учун, эй асурлар сардори, ҳатто сендек жасур қаҳрамонлар ҳам тасанно айтадиган ана шу Зотга мурожаат қил!

31. Варуна давом этди: - У билан учрашганинда сен ўзининг бундай димоғдорлигиндан дарров халос бўласан. Жанг майдонида мағлуб бўлиб, атрофини итлар тўдаси ўраб, мангу уйкуга равона бўласан. Худо Шахси бу оламга Вараха ва бошқа кўринишдаги қиёфаларида, фақат сен сингари иблисларни яқсон қилиш ва Ўзининг такводор содиқ хизматкорларига марҳамат кўрсатиш учун келади.

Ўн саккизинчи боб

Тўнғиз қиёфасидаги Худо Шахси(Вараха)нинг Иблис Хиранийакша билан жанг қилиши

1. Майтрея давом этди: - Мағрур ва димоғдор Дайтйа Варунанинг айтаётган гапларига эътибор ҳам бермади. Эй Видура, Олий Худо Шахсининг қаердалигини Нарададан билиб олгандан сўнг, у денгиз уммонига шошилди. 2. Тўнғиз қиёфасига кириб, қувватли куракларида Ерни кўтараётган қудратли Худо Шахсини учратди. Унинг порлаб турган қизғиш кўзларининг нигоҳи остида Хиранийакшанинг жозибадорлиги сўниб қолди. -

"Ҳой ер ва сувда яшовчи махлук!" - деб хайқирди иблис.

3. Худо Шахсига мурожаат қилиб, иблис шундай деди: - Менга кулоқ сол, эй Тўнғиз қиёфасига кирган фаришталар аълоси. Ер сайёрасига ҳомийлик қилиш бизнинг, куйи сайёраларда яшайдиганларнинг вазифаси. Сен уни менинг кўз олдимда, ҳеч қандай жазосиз ўғирлаб кета олмайсан! 4. Эй ярамас, душманларимиз бизнинг бошимизга ҳалокат олиб келиш учун Сени ўстирдилар, ва Сен кўзга кўринмаган ҳолда шунча иблисларни яксон қилдинг. Эй аҳмоқ, Сенинг қудратинг сири - сеҳргарлигингда, аммо мен барча авлодларимни шод қилиш учун Сени ўлдириб, бугун Сенинг ишларингга чек кўяман!

5. Иблис давом этди: - Мен ирғитган гурзи каллангани янчиб, ўлик мурданг ерга кулаганида, ҳадялар қилиб, қурбонликлар ўтказиб, Сенга содиқ хизмат қилиб юрган фаришта ва донишмандлар ҳам, худди илдири қирқилган дарахтдай ҳаётдан кўз юмадилар!

6. Гарчи, иблиснинг бу аччиқ гаплари Худои Таолонинг кўнглига оғир ботган бўлса ҳам, У бунга чидаб турарди. Аммо, куракларидagi Ернинг даҳшатдан титраётганини кўриб, Худои Таоло сувдан чиқди. Тимсоҳ ҳамла қилган фил ҳам ўзининг жуфти билан худди шундай шошилиб сувдан чиқади. 7. Олтинранг сочли, катта курак тишлари бўртиб турган иблис сувдан чиққан Худо Шахсининг изидан кува бошлади. Бу билан у фил ортидан югараётган тимсоҳни эслатарди. Иблис гулдурос овоз билан хайқирди: - Жангга чақирган зотни жавобсиз қолдириб, қочиб қолгани уялмайсанми? Ҳақиқатан ҳам уятсиз махлуклар андишасиз бўладилар!

8. Худои Таоло Ерни сув устига қўйди ва Ўз қудратини намоён этиб, унга сув устида туриш хусусиятини берди. Рақиб бу ишларни кузатиб турар, коинот яратувчиси Браҳма Худо Шахсига ҳамду санолар ўқий бошлади, айна пайтда бошқа фаришталар Унга гуллар ёмғирини ёғдирди. 9. Қимматбаҳо тақинчок ва билагузуклар тақиб олган, олтин қурол аслаҳалар билан қуролланган иблис ўзининг баҳайбат гурзисини ўйнатиб Худо Шахсига ташланди. Худо Шахси иблиснинг оғзидан ёғилаётган аччиқ киноя ва ҳақоратларини чидам билан тинглади. Ниҳоят, иблиснинг сўзларини жавобсиз қолдирмаслик учун, бутун тирик мавжудотларни даҳшатга солувчи ғазабини намоён этди.

10. Худо Шахси шундай деб жавоб берди: - Ҳа, ҳамшиша қалин ўрмонда яшаб юриб, сенга ўхшаган овчи итлар билан дуч келишни орзиқиб кутамиз. Сенинг дўқ-пўписаларинг ажал домидан кутулган зотларни кўрқита олмайди, чунки сен ўзинг ҳали ажал қонунлари чангалидасан. 11. Ҳеч тортинмасдан, ҳақиқатан ҳам Расатала аҳолиси ҳимояси остида бўлган(Ер)ни олиб кетдик. Сендай қудратли рақибнинг нафрат ўтига дучор бўлган эканман, баҳайбат гурзиларинг ҳамласини гарданимга қабул қилишга мажбурман, лекин Мен сувда туравераман, чунки оёқ кўядиган бошқа жой йўқ. 12. Сен сонсаноксиз пиёда аскарлар кўмондони сифатида донг таратгансан, шу боис Бизнинг устимиздан ғалаба қозониш учун қўлингдан келган барча чораларни дарров қўлла. Ўзингнинг бемаъни гапларингга барҳам бер-да, қариндошларингни хавотирдан халос этиб Бизни ўлдир. Одам қанчалик мағрурланмасин, агар у берган сўзининг устидан чиқа олмаса, унга обрўли одамлар орасида жой йўқ!

13. Шри Майтрея шундай деди: - Худо Шахсининг айтган бу гапларини эшитиб, иблиснинг нафрати кўзгади ва кутурган кобра илонидек ғазабдан титраб кетди. 14. Саросима ва ғазабдан титраб, иблис шиддат билан Худо Шахсига ташланди ва Унга ўзининг қудратли гурзисини ўқталди. 15. Лекин Худои Таоло салгина тисарилиб, тўғри кўксига қаратилган бу ҳамлага чап бериб қолди. Камолотга етган йог ҳам ажал чангалидан шундай осон кутулади. 16. Бундан Худо Шахсининг жуда ғазаби қайнади ва нафрат ўтида тишларини қаттиқ қисиб олиб, гурзисини кўтариб яна ҳужумга ўтган рақибга ташланди. 17. Худо Шахси рақибининг ўнг қоғоғини мўлжалга олиб, гурзиси билан ҳамла қилди, аммо моҳир жангчи бўлган иблис, гурзиси билан ҳужумни қайтариб, ўзини ҳимоя қилди. 18. Иблис Хираниақша ва Худо Шахси шундай қилиб бир-бирларига ўзларининг хайбатли гурзилари билан ҳужум қила бошладилар, - ғазаби қайнаб улар бир-бирларидан устун келишга уринарди. 19. Икки рақиб ўртасидаги жанг тобора шиддатли тус олиб борар, ҳеч қайсиси рақибидан қолишмасди. Бир-бирларига ўтқир гурзилари билан берган зарбалардан уларнинг таналари жароҳатга тўлиб кетди. Жароҳатлардан оқаётган қон ҳиди уларнинг ғазабини яна ҳам кучайтирарди. Рақибидан устун келишга уриниб, улар бир-бирига қарши ҳар хил усулларни қўлларди. Уларнинг яккама-якка олишуви сигир учун тортишиб бир-бири билан олишаётган икки қудратли хўкизнинг ўзаро жангини эслатарди.

20. Эй Куру авлоди, оламга ҳукмронлик қилиш учун, иблис билан тўнғиз қиёфасига кирган Худо Шахси ўртасида бўлаётган жангни ўз кўзи билан кўриш ниятида, оламдаги барча фаришталарнинг энг мустақили Браҳма, ўзининг ҳамроҳлари билан бирга жанг бўлаётган жойга етиб келди. 21. Жанг бўлаётган жойга келиб, кўп минглаб донишманд ва илоҳиёт кишиларининг сардори Браҳма бу ерда, ҳатто дунёда бирор жонзот бас кела олмайдиган, жуда ғаройиб қудратга эга иблисни учратди. Шунда Браҳма биринчи бор тўнғиз қиёфасига кирган Нарайанага мурожаат қилди.

22-23. Тангри Браҳма шундай деди: - Эй азиз Парвардигор, бу иблис худди бир иллат сингари, фаришталарга, браҳманларга, қалблари пок ва ҳамшиша Сенинг нилуфар қадамларинг пойига сиғинадиган бегуноҳ одамларга ва сигирларга тинчлик бермайди. Уларни таъқиб қилиб, тинчлик бермай ҳамшиша ташвишга солиб юради. У мендан дуои фотиҳа олгандан бери, ўзига муносиб рақиб ахтариб бутун оламни остин-устун қилиб юрган иблисга айланди.

24. Тангри Браҳма давом этди: - Эй азиз Парвардигор, сеҳрли қилиқлари билан шуҳрат қозонган ва манманлиги, жиззакилиги, димоғдорлиги билан ажралиб турадиган, илондек заҳарли бу иблис билан ўйин қилиб ўтиришдан нима фойда? 25. Эй Худойим, бизга маълумки, Сен бегуноҳ Зотсан. Унинг қуввати кучайиб, яна устунлик қила бошлаши мумкин бўлган "иблислар вақти"ни кутиб ўтирмай, бу виждонсиз иблисни ўлдир. Ички қувватингни ишга солиб уни яксон қилиш - Сен учун ҳеч гап эмас. 26. Эй Парвардигор, сал ўтмай бутун атрофни қоронғу тун қоплайди. Сен - барча руҳларнинг Олий Рухисан, шунинг учун Сендан илтимос, фаришталар ғалаба наъшасидан баҳраманд бўлишлари учун бу иблисни ўлдир. 27. Абхиджит деб

аталадиган ва душман устидан ғалаба қилиш учун энг қулай ҳисобланган вақт кун ўртасида бошланган эди ва ҳозир ниҳоясига етди. Шунинг учун Сендан илтижо қиламан, дўстларинг бахти учун бу дахшатли душманни тезроқ яқсон қил. 28. Бахтимизга бу иблиснинг ўзи Сени излаб топди. Унинг ажали муқаррар. Шундай экан, жасоратингни намоён этиб, бу олишувда уни ўлдир, токи бутун уч олам узра яна тинчлик ҳукм сурсин!

Ўн тўққизинчи боб Иблис Хиранийакшанинг ҳалокати

1. Шри Майтрея шундай деди: - Ҳеч қандай гуноҳкор ниятни кўзламаган Оламни яратувчининг асалдек ширин гапларини тинглаб Худои Таоло хурсанд бўлиб кулиб юборди ва Брахманинг илтижоларини инobatга олиб, унга меҳр тўла нигоҳини ташлади. 2. Брахманинг бурун тешигидан дунёга келган Худо Шахси сакраб, гурзиси билан рақиби - олдида бежавотир ҳар тарафга юраётган иблис Хиранийакшанинг тўғри оғзини мўлжалга олиб ҳамла қилди. 3. Аммо, рақибининг қарши зарбасидан Ўзининг гурзиси қўлидан чиқиб, бутун атрофни ёритиб, айланиб пастга шўнғий бошлади. Бу ҳақиқатан ҳам ҳайратланарли манзара эди, чунки Унинг гурзисидан ажойиб ёғду тараларди. 4. Гарчи Хиранийакша, қуролсиз қолган рақибига ҳеч қандай тўсқинсиз ҳамла қилиш имконига эга бўлсада, иблис, яккама-якка олишув қонунларини ҳурмат қилган ҳолда, бу имкониятдан фойдаланмади. Бу иши билан Худо Шахсининг бадтар ғазабини келтирди. 5. Худои Таолонинг гурзиси ерга тушиб, жангни кузатаётган фаришта ва ришиларнинг гуруҳидан ташвишли овозлар эшитилганда, Парвардигор, иблиснинг адолат қонунларини ҳурмат қилишига тан бериб, Ўзининг Сударшана халқасини чақирди. 6. Худо Шахсининг қўлида гир айланаётган халқа пайдо бўлиб, У Дитининг ноқобил ўғли Хиранийакша бўлиб туғилган Вайкунтҳанинг бош дарвозабонига яқинлашганида, ҳар тарафдан ҳаво кемаларидан туриб, жангни томоша қилаётганларнинг ҳайратга тўла ҳайқириқлари эшитила бошлади. Худои Таолонинг ҳақиқий табиатидан беҳабар ҳолда, улар кичкира бошладилар: - "Сенга зафар ёр бўлсин! Бу золимни тезроқ яқсон қил!" У билан шунча ўйнаганинг етар!"

7. Чиройли кўзлари нилуфар гулининг япроқларини эслатувчи Худо Шахсининг Сударшана билан қуролланиб, олдида турганини кўрган иблис нафратланиб, саросимага тушиб қолди. У худди заҳарли илондек пишқириб овоз чиқара бошлади ва ноилож тангликка тушиб, лабини тишлай бошлади. 8. Ўзининг дахшатга солувчи курак тишларини кўрсатиб, иблис Худо Шахсига, худди Уни ёқиб кулга айлантirmoқчи бўлгандай қараб қўйди. Кейин ҳавога сакраб, "Сенинг кунинг битди!" - деган ҳайқириқ билан Худо Шахсига гурзиси билан ҳамла қилди.

9. Эй покдомон Видура, қурбонлик эҳромига келтирилган барча эҳсонлардан лаззатланувчи Худо Шахси Вараха, рақибининг кўзи олдида, қуюндай шиддат билан яқинлашиб келаётган гурзини чап оёғининг учи билан тепиб юборди. 10. Кейин Худои Таоло шундай деди: - Агар Мени мағлуб қилишни шунчалик истасанг, қуролингни кўтариб олди яна бир бор уриниб кўр!

Бу таклифни эшитган иблис яна қаттиқ ҳайқириб, Худо Шахсига ўзининг қудратли гурзисини отди. 11. Ўзига яқинлашаётган гурзини кўрган Худои Таоло, жойидан жилмади ва уни худди, илонларни осонлик билан тутиб оладиган қушлар шоҳи Гаруда сингари тутиб қолди. 12. Кулгига қолган қаҳрамон, буюк иблис, шармандалик азобини тоғиб кўрди. У энди ўзининг кучига аввалгидай ишонмай қўйганди, ва Худонинг унга узатган гурзисини қўлига олишдан бош тортди. 13. Бу гал у оловдек чакнаб турган санчқисини қўлига олиб, барча қурбонликлар эгаси бўлган Худо Шахсига қараб отди. Баъзан нобақор одамлар ҳам, худди шундай қилиб, фақат тақводор браҳманга озор бериш учунгина риёзат чекадилар. 14. Ўзининг бор кучини тўплаб иблис санчқисини Худои Таолога отди, санчки ўзидан таралаётган ёғду билан бутун осмонни ёритиб юборди. Аммо, Парвардигор Ўзининг ўткир Сударшана халқаси билан, бир пайтлар Гаруданинг қанотларини кесиб ташлаган Индра сингари, унинг санчқисини тилка-пора қилди. 15. Парвардигор унинг санчқисини янчиб ташлаганидан Хиранийакша бениҳоя ғазабланди. У Худо Шахсига ташланди ва баланд овоз билан ҳайқириб, метиндек мушти билан Шриватса белгиси билан безанган Парвардигорнинг нақ кўксига зарба туширди ва дарров кўздан ғойиб бўлди.

16. Эй Видур, дунёда биринчи тўнғиз киёфасига кирган Худои Таоло иблиснинг зарбасидан ҳатто кимир этмади. У худди гуллардан қилинган супурги билан урилган фил сингари, ҳеч нарса бўлмагандек турарди. 17. Шунда иблис йога-майянинг ҳукмдори бўлган Худо Шахсини чалғитиш ниятида ўзининг сеҳргарлик маҳоратини ишга солмоқчи бўлди. Буни кўриб одамлар хавотирга тушиб, "охир-замон яқинлашди шекилли" деб ўйлаб қолдилар. 18. Бирдан кучли бўрон турди. Иблис кўтарган чанг ва сел дастидан бутун атрофни зулмат қоплади. Ҳар тарафдан, худди биров отаётгандек катта-катта тошлар кела бошлади. 19. Осмон ёритгичларини тўсиб, қора булутлар осмонни қоплади. Чақмоқ чакнаб, момақалдиқроқ гумбурлади. Осмондан ерга соч ва суяклар тушиб, йиринг, қон ва ахлат ёға бошлади. 20. Эй бегуноҳ Видура, тоғлар ўзидан худди барча қурол турларини чиқараётгандек эди. Қаердандир сочлари тўзғиган ва қўлларига санчки ушлаган яланғоч иблис аёллар пайдо бўлдилар. 21. Филлару-араваларга минган, пиёда ва отлиқ яқша ва рақашлар тўдаси бутун атрофни заҳарли ва хавфли овозлари билан тўлдириб юбордилар. 22. Шунда барча қурбонликлар билан лаззатланувчи Худо Шахси Ўзининг севимли Сударшана халқасини отди; унга иблиснинг бу сеҳрли найрангларини бартараф этиш ҳеч гап эмасди. 23. Айни шу пайтда, Хиранийакшанинг онаси Дитининг қалби бирдан ларзага келди. У эри Кашйапанинг айтган гапларини эслади ва унинг кўксидан қон оқа бошлади. 24. Сеҳр найрангларидан асар ҳам қолмаганини кўрган иблис яна Худо Шахси, Кешава олдида пайдо бўлди ва ғазабдан фиғони чиқиб, Уни қучоғига қисиб, янчиб ташламоқчи бўлди. Аммо, ҳайратга тушиб, ҳар гал Худо Шахси қучоғидан ташқарида қолаётганини кўрарди. 25. Шунда иблис Худо Шахсини ўзининг метиндек муштли билан дўппослай бошлади, аммо Худо Шахси, Адхоқшаджа, худди бир пайтлар Марутлар ҳукмдори Индранинг иблис Вритрани урганидек, унинг қулоғининг тагига бир мушт туширди.

26. Гарчи енгилмас Худои Таоло иблисни шунчаки енгилгина зарба билан урган бўлса ҳам, Унинг зарбасидан иблис ҳавода бир неча бор ўмбалок ошди. Кўзлари хонасидан чиқиб, оёқ ва қўллари синиб кетган, сочлари тўзғиб, ўзи худди, бўронда томири билан бирга кўпорилган дарахт сингари, нафас олишдан тўхтаб, ерга жонсиз қулаб тушди. 27. Яксон бўлган иблиснинг теварагига тўпланган Ажда, Браҳма ва бошқалар унинг ерда узалиб ётган танасини кўрдилар. Иблис лабларини тишлаб ётар, оғзидан даҳшатли курак тишлари чиқиб турарди. Ҳали унинг қизил юзига мурдаларга хос бўладиган оқлик таралиб улгурмаганди. Браҳма ҳавас билан шундай хитоб қилди: - "Мана шундай шарафли ўлимга яна ким ҳам мушарраф бўларкин!?"

28. Браҳма давом этди: - У Худо Шахсининг олдинги оёқлари зарбидан ҳалок бўлди. Алдамчи моддий таналаридан ҳалос бўлишга бел боғлаган буюк йогалар узлатга чекиниб, сеҳрли муроқабга билан шуғулланиб, ана шу оёқларга интиладилар. Дитининг ўғиллари ичида энг аълоси Унинг гўзал сиймосини кўзи билан яққол кўриб турган ҳолда, бу ўткинчи дунёни тарк этди!

29. Худои Таолонинг бу икки хизматкорини иблислар хонадонидида туғилишга донишмандларнинг қарғиши маҳкум этганди. Ана шундай бир неча бор туғилишлардан кейин, улар яна ўзларининг аввалги ҳолатларига қайтадилар. 30. Худои Таолога юзланиб, фаришталар шундай дедилар: - Эй Парвардигор, биз нилуфар қадамларинг олдида такрор ва такрор бош эгамиз! Сен - барча қурбонликлар ҳукмдорисан. Оламнинг мавжудлигини таъминлаш учун Сен соф эзгулик тимсоли бўлган тўнғиз қиёфасига кирдинг. Бизнинг бахтимизга бутун уч оламга шунча мусибатлар олиб келган бу иблисни ўлдирдинг, ва биз - ихтиёрларини бутунлай Сенга топширган содиқ хизматкорларинг - Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан нажот топдик.

31. Шри Майтрея давом этди: - Иблис Хираньякшани ўлдиргандан сўнг, чексиз қудрат соҳиби бўлган Худонинг Олий Шахси Хари, тўнғизларнинг бобокалони, ҳаёт худди байрамлардагидек ҳамиша бегубор бўлган Ўзининг даргоҳига қайтди. Браҳма бошлиқ барча фаришталар илтижо қилиб Худои Таолони олқишладилар.

32. Майтрея давом этди: - Эй Видур, мен сенга Худои Таолонинг тўнғиз қиёфасида келиб, буюк жангда мислсиз қудратга эга бўлган иблисни, худди ўйинчоқдек осонгина ўлдиргани ҳақида, руҳий устозимдан эшитганларимни ҳеч ўзгартирмай гапириб бердим.

33. Шри Сута Госвами давом этди: - Эй ҳурматли браҳман, у мўътабар манба - донишманд Каушарава (Майтрея)дан эшитган Олий Худо Шахси ҳақидаги бу ҳикоя, Худои Таолонинг буюк содиқ хизматкори Кшатта(Видура)га илоҳий лаззат бағишлади. Буни тинглашдан у жуда манун бўлган эди. 34. Такводор инсон ҳатто, шуҳрати сўнмас бўлган Худои Таолонинг содиқ хизматкорлари қилган ишлар ҳақида тинглаб ҳам илоҳий лаззат оладиган бўлгандан кейин, кўкси шриватса белгиси билан безанган Худо Шахсининг Ўзи ҳақидаги ҳикоялар ҳақида нима ҳам дея олардик. 35. Тимсоҳ чангалига тушиб қолиб, бутун фикру-хаёлини Унинг нилуфар қадамлари пойига жамлаганида, Худои Таоло филлар шоҳини ўлимдан қутқарган эди. Фақат Унинг ҳомийлигидан, химоясидангина умидвор бўлган соф содиқлар учун Худои Таолони рози қилиш осон, аммо,

гуноҳкор бандаларнинг Унинг марҳаматидан баҳраманд бўлишларининг деярли иложи йўқ. 37. Эй браҳманлар, оламни қутқариш учун, Худои Таолонинг тўнғиз қиёфасига кириб, иблис Хираньякшани ўлдиргани ҳақидаги ҳикояни лаззат билан тинглаган, ёки бошқаларга гапириб берган ҳар бир одам, агар у ҳатто браҳманни ўлдиришдек энг катта гуноҳ содир қилган бўлса ҳам, шу заҳотиёқ ўзининг барча гуноҳларидан фориг бўлади. 38. Бу муқаддас ҳикоя тингловчиларга эзгулик, бахт-саодат, шон-шуҳрат, узок умр ва истаган барча орзуларининг рўёбга чиқиш ша-рофатини ато этади. Жанг майдонида жангчининг барча муҳим аъзоларига куч-қувват ато этади. Бу ҳикояни умрининг охирги дамларида тинглаган киши эса, ази-зим Шаунака, Худои Таолонинг мангу даргоҳига эри-шади.

Йигирманчи боб

Майтреянинг Видура билан суҳбати

1. Шри Шаунака шундай деди: - Эй Сута Госвами, Ер сайёраси ўз орбитасидан жой олгандан сўнг, авлодларига озодликка чиқиш йўлини кўрсатиш учун Сва-ямбхува Ману нима ишлар қилди?

2. Кейин Шаунака Риши, оғаси ўғли билан бирга Худонинг амрини бажаришга монелик қилиб, ҳар хил қилиқлар қилгани учун акасининг уйини тарк этган Худонинг буюк содиқ хизматкори ва дўсти Видура ҳақида сўради. 3. Ведавйаса танасидан дунёга келган Видура отаси сингари буюк эди, шунинг учун у Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топиб, бутун қалби билан Кришнага боғланган ва Унинг содиқ хизматкорларини ҳурмат қиладиган зот эди. 4. Муқаддас зиёратгоҳларни айланиб, покланиш шарофати билан Видур ҳаётда ҳар қандай хавотирдан ҳалос бўлган эди. У ниҳоят Хардварга етиб келди. Бу ерда Видура руҳий илмнинг барча сир-синаотларини эгаллаган буюк донишмандни учратиб унга ўзининг саволларини берганди. Шунинг учун Шаунака Риши Сута Госвамига шундай савол берди: - "Видура Майтреяга яна қандай саволлар берди?"

5. Шаунака Сута Госвамидан Видура ва Майтрея ўртасидаги суҳбат қандай ўтганини сўради: - Видура Майтреядан Худои Таолонинг бенуксон қароматлари ҳақида кўп ҳикоялар тинглаган бўлса керак. Ана шундай ҳикояларни тинглаш - Ганга сувларида чўмилиш билан баробар, чунки бу ҳикоялар инсонни барча гуноҳлардан поклайди. 6. Эй сута Госвами, сенга зафар ёр бўлғай! Бизларга Худои Таолонинг улуғвор ва шарофатли фаолияти ҳақида гапириб бер. Парвардигорнинг эрмаклари ҳақидаги лаззатли ҳикоялар қайси бир солиҳ инсонни зериктирарди?

7. Наимишаранья ўрмонида тўпланган буюк донишмандларнинг илтимосини эшитиб Ромахаршанининг ўғли - фикру хаёли Худо Шахсининг илоҳий эрмакларига ғарқ бўлган Сута Госвами шундай деди: - Барчангиз ҳозир мен гапириб берадиган ҳикояларга диққат билан кулоқ солинг!

8. Сута Госвами давом этди: - Бхарат авлоди Видура, Ўзининг илоҳий қуввати ёрдамида тўнғиз қиёфасига кириб, эрмак учун Ерни Гарбходака уммони қаъридан олиб чиққан, кейин иблис Хираньякшани осонлик билан ўлдирган Худои Таоло ҳақидаги ҳикоядан тааж-

жубга тушди. Бу хикояни тинглаб, Видура донишмандга шундай сўзлар билан мурожаат қилди.

9. Видура шундай деди: - Эй авлиё донишманд, бизларга номаълум нарсалар сенга аён бўлгани учун, Браҳма тирик мавжудотларнинг бобокалони Пражапатиларни яратгандан кейин, бошқа тирик мавжудотларни қандай яратганини менга гапириб бер!

10. Видура яна шундай савол берди: - Браҳманинг кўрсатмаларига амал қилиб, Пражапатилар тирик мавжудотларни қандай яратдилар, уларнинг зурёдлари намоён бўлган бутун борлиққа қандай тарқалдилар? 11. Улар бу ишларни хотинлари билан биргаликда қилганлари ростми ёки мустақил ҳолда фақат ўзлари ҳаракат қилдиларми? Балки, барча Пражапатилар биргалашиб зурёд қолдиргандилар?

12. Майтрея шундай деди: - Тирик мавжудотларнинг намоён бўлмаган(мавҳум) фаолияти, Маха-Вишну(Худои Таоло) ва замон(вақт) кучи моддий табиатнинг уч гунасида таркиб топган бирлик мувозанатини бузиб юборганида, моддий унсурларнинг мажмуаси - махат-таттва юзага келди. 13. Тирик мавжудотларнинг (тақдир)кармаси ҳаракатга келтирган махат-таттва табиатига кўра раджас(эхтирос) гунаси таъсирида бўлгани учун, уч киёфада мавжуд бўладиган сохта ўзликни яратди. Ўз навбатида, сохта ўзликдан беш унсурдан таркиб топган бир неча гуруҳлар пайдо бўлди. 14. Ҳар бир унсур алоҳида ўзи моддий оламини ярата олмаслиги туфайли, улар Худои Таолонинг қуввати билан бирикдилар ва ярқираган тухумсимон танани вужудга келтирдилар. 15. Мана шу тухумсимон тана минг йилдан кўпроқ вақт ҳеч қандай ҳаёт белгиларини намоён қилмай "Сабаблар уммони" қаърида ётди. Шундан сўнг, Худои Таоло Гарбходакашайа Вишну киёфасида унинг ичига кирди. 16. Худо Шахси, Гарбходакашайи Вишнунинг киндигидан минг куёш сингари порлаб, ёғду сочиб турган нилуфар гули ўсиб чиқди. Мана шу нилуфар гулида (ўзларининг кармаси) тутқунлигида бўлган барча тирик мавжудотлар жойлашган эди. Нилуфар гулидан биринчи дунёга келган мавжудот - қудратли Браҳма бўлди.

17. Худонинг Олий Шахси, Гарбходака уммони сувларида ётган Худои Таоло Браҳманинг қалбига кириб, унга тафаккур ато этди. Шундан кейин Браҳма борлиқни аввал қандай бўлса, шундай ҳолатда ярата бошлади. 18. Браҳма яратишни ўзининг соясидан ҳар бир шартланган руҳни ўраб оладиган фофиллик(ғафлат) қатламларини юзага келтиришдан бошлади. Бундай қатламлар бешта: *тамисра, андха-тамисра, тамас, моха* ва *маха-моха*. 19. Жирканганидан сесканиб кетган Браҳма, ғафлат гунасида таркиб топган танасини тарк этди. Фурсатдан фойдаланиб, якша ва рақшаслар, тун қоронгулиги киёфасига кирган ана шу танага эгалик қилиш ниятида ташландилар. Тун - очлик ва чанқоқлик манбаидир. 20. Очлик ва чанқоқлик азобидан қийналган якша ва рақшаслар ейиш ниятида Браҳмага ташландилар: "Аяма!", "Ямла!", "Е уни!" - деб қичқиришарди улар. 21. Кўркиб кетган Браҳма, фаришталар сардори, уларга илтижо қила бошлади: -"Мени еманглар, аксинча ҳимоя қилинглар. Мендан пайдо бўлгансизлар, шунинг учун менга фарзанд бўласизлар. Бундан буён сизларни яқшалар ва рақшаслар деб атайдилар!"

22. Кейин Браҳма эзгулик нури билан чараклаб турган фаришталарни яратди. У фаришталарнинг олдига

ўзининг ярқираган кундузги киёфасини ташлади, фаришталар шодлик билан уни эгаллаб олдилар. 23. Кейин Тангри Браҳманинг куймучи(ягодиц)дан шахвоний эхтирослари жуда кучли бўлган иблислар пайдо бўлди. Шахвоний хирслари хуружга дош беролмай, улар кўшилишни ният қилиб Браҳмага яқинлашдилар. 24. Ҳурматли Браҳма аввалига уларнинг бу аҳмоқлигидан кулди, аммо уятсиз иблисларнинг ўзига жуда яқин келаётганини кўриб, кўрққанидан даҳшатга тушиб қоча бошлади. 25. У Худои Таолонинг, нилуфар кадамлари пойидан нажот излаган содиқларини барча ташвишлардан ҳамиша халос этадиган ва барча саодатлардан баҳраманд этувчи Парвардигорнинг олдига йўл олди. Ўзининг содиқларига бўлган меҳр муҳаббати юзасидан Худои Таоло уларнинг олдида сон саноксиз илохий киёфаларда намоён бўлади.

26. Парвардигорга яқинлашиб, Браҳма Унга шундай сўзлар билан мурожаат қилди: - Эй Худо Шахси, Сенинг амринг билан ўзим яратган бу гуноҳкор, осий иблислардан мени ҳимоя қил. Шахвоний хирс таъсирида улар менга ташланяптилар. 27. Эй Худойим, қийналаётганларни барча азоблардан халос этишга ва нилуфар кадамларинг пойига ҳеч қачон бош эгмайдиганларни азоб-укубатларга гирифтор этувчи ягона Зот - Сен Ўзингсан. 28. Бутун мавжудотларнинг қалбидаги фикрларидан хабардор бўлган Худои Таоло Браҳманинг қанчалик қийин аҳволда қолганини дарҳол англади ва унга: -"Бу нопок танангни тарк эт!" - деди. Худо Шахсининг кўрсатмаси билан Браҳма танасини тарк этди.

29. Браҳма ташалаган тана тирик мавжудотларда эхтирос туйғусини кучайтирадиган кун ва туннинг алмашиш пайти, кечқурунги ғира-шира(сумерки) киёфасига кирди. Табиатан хирсий эхтироси кучли, хирс гунаси таъсири остида бўлган асураларнинг кўзларига, ана шу ғира-шира чиройли қиз бўлиб кўринди. Унинг нилуфар сингари майин оёқларига кўнғирокчалар осилган, кўзлари сармастликдан чакнагандай эди; сонлари ҳарир, шаффоф мато билан ўралган, белига ярқироқ белбоғ ўралган эди. 30. Унинг кўкраклари юқори кўтарилган ва бир-бирига шунчалик яқин бўлиб, орасида қилча жой қолмаганди. Чиройли бурни, гавҳар тишлари ва лабларида ўйнаган жозибали табассуми билан бу соҳибжамол қиз иблисларга мафтункор ва маккорона нигоҳини ташлади. 31. Қоп-қора узун сочлари уни жуда ёқимли, дилбар кўрсатар, ўзи ясама нозу-карашма қилиб сочлари билан юзини чала тўсиб олганди. Бу гўзал қизни кўриб асурлар эхтирос алангасида бутунлай гангиб қолдилар.

32. Бу қандай гўзаллик! - ҳайрагланиб хитоб қилди асурлар. - Қандай нодир, нозик ибод! У қанчалик ёш ва дилбар! Бизларнинг эхтирос билан қараб турганимизни кўриб туриб ҳам, худди ўзида эхтиросдан асар ҳам йўқдек, бамайлихотир ўтиб кетяпти!

33. Кўзларига аёл киёфасида кўринган кечки ғира-шира ҳақида ўзаро шундай гаплашиб, асурлар уни эхтиром билан қарши олиб, мурожаат қила бошладилар: 34. - Эй ажойиб қиз, кимсан? Кимнинг хотини ёки қизисан, ва қандай ниятда бу ерларга келиб қолдинг? Шундай ҳам бахтиқаро бўлган бизларни нега сен ҳам ўзингнинг тенгсиз гўзаллигинг билан қийнаяпсан? 35. Эй соҳибжамол, ким бўлсанг ҳам сени ўзларимизнинг орамизда кўришдан хурсандмиз. Копток ўйнашинг билан кузатиб турганларнинг барчасининг ақлини лол

қолдирдинг. 36. Эй латофатли гўзал, сакраётган коптогингни сен қайта-қайта ураётганингда оёқларинг ҳам бир жойда турмайди. Бўлик кўкракларинг оғирлигидан оёқларинг дарров чарчаб, чакнаган кўзларинг сўниб қоляпти. Тўзгиган сочларингни ўриб ол!

37. Ақлини йўқотган асуралар кечкурунги ғираширани чиройли жозибатор қиз деб ўйлаб, очкўзлик билан унга ташландилар. 38. Маъноли кулиб қўйиб буюк Браҳма, гўё ўзидан лаззатланаётган ана шу гўзалликдан минглаб гандҳарва ва апсарларни яратди. 39. Кейин Браҳма қалбига азиз, Ой нуридан бўлган порлаган тана(қиёфа)сини тарк этди. Бу танани дарҳол Вишнавасу ва бошқа гандҳарвалар эгалладилар. 40. Шундан кейин буюк Браҳма ўзининг дангасалигидан призрак(арвоҳ) ва ёвуз руҳларни яратди. Лекин, уларни яланғоч ва сочлари тўзгиган ҳолда кўриб кўзларини юмиб олди. 41. Ёвуз руҳ ва арвоҳлар барча тирик мавжудотларнинг яратувчиси Браҳма тарк этган, унинг эснашидан таркиб топган танасини эгаллаб олдилар. Бу танани одам кечаси ухлаганида, оғзидан сув оқиб ухлаган пайтдаги уйқу деб ҳам атайдилар. Ёвуз руҳлар ва арвоҳлар нопоқ юрган кишиларга ташланадилар, руҳ ва арвоҳлар эгаллаган ана шундай одамларни "ақлдан озган"лар деб айтадилар.

42. Қалбида истаклар тўлиб ётганини ва куч-қудрати ичига сиғмай бораётганини сезиб, барча тирик мавжудотларнинг яратувчиси, хурматли Браҳма ўзининг кўринмас қиёфасидан минглаб садхйяларни ва питаларни яратди. Улар унинг киндигидан пайдо бўлдилар. 43. Питалар ўзлари пайдо бўлган кўзга кўринмас танани эгалладилар. Айнан мана шу кўринмас тана орқали мохир руҳонийлар шрадха қурбонлик маросими пайтида(ўлганларнинг арвоҳи қиёфасидаги) пита ва садхйяларга эҳсонлар юборадилар. 44. Кейин Тангри Браҳма кўзга кўринмайдиган бўла олиш қобилятидан сиддха ва видйядхараларни яратди ва уларга ўзининг "Антардхана" деб аталган ажойиб қиёфасини берди.

45. Бир куни тирик мавжудотларнинг яратувчиси Браҳма, ўзининг сувдаги аксини кўриб ҳайратга тушди ва ана шу аксидан кимпуруша ва киннарларни яратди. 46. Кимпуруша ва киннарлар Тангри Браҳма тарк этган унинг сувдаги акс қиёфасини эгалладилар. Шунинг учун, ҳар куни тонгда улар ўзларининг рафиқалари билан Браҳманинг кароматларини дунёга таратиб, уни олқишлаб, шарафлайдилар.

47. Бир куни Браҳма бутун танаси билан узала тушиб ётар, дунёни қайта яратиш иши жуда секин бораётганидан ташвишда эди. У руҳий тушқунлик ҳолатида бўлган ўзининг шу танасини ҳам тарк этди. 48. Эй хурматли Видура, Браҳманинг танасидан тушган сочлари илонларга айланиб, унинг танасидан илон ва аждарҳолар чиқа бошладилар. 49. Кунларнинг бирида ўзи пайдо бўлган, коинотдаги биринчи тирик мавжудот Браҳма, ўзини ҳаётда кўзлаган мақсадига эришгандек ҳис қилди. Шунда у ақлидан Мануларни яратди. Уларнинг вазифаси бутун борлиқнинг равнақ топишини, гуллаб-яшнашини таъминлаш бўлди. 50. Ўзини тутта олишга қодир бўлган яратувчи Браҳма уларга ўзининг инсон кўринишидаги қиёфасини совға қилди. Мануни кўриб, ундан аввал пайдо бўлган фаришталар, гандҳарвалар ва бошқалар Браҳмани олқишлаб, маҳоратига тасанно айта бошладилар. 51. Улар унга шундай илтижо қилдилар: - Эй оламни яратувчи зот, бизларнинг қалбимиз қувончга тўлди; сен яратган зот

ҳар қандай тахсинларга муносибдир. Инсонни дунёга келтириш билан сен барча маросим ва удумлар, урф одатлар учун ишончли асос яратдинг, шу боис, энди ҳар биримизга қурбонлик эҳромига келтирилган эҳсонларнинг маълум улуши насиб этади.

52. Туғилмаган Браҳма қаттиқ риёзатларга берилиб, Худо Шахсига сиғиниш маросимларини ўтказиб, муроқаба санъатини эгаллаб, ўзининг бутун фикрухаёлини холис хизмат қилишда мужассам қилиб, эҳгироти ва ҳиссиётларини жиловлаб олгандан кейин, буюк донишмандларни яратди. Улар Браҳманинг севикли ўғиллари бўлдилар. 53. Бу ўғилларининг ҳар бирига Браҳма ўз танасининг чуқур муроқаба қилишга, фикрини мужассам қила олишга, ғайритабиий қудратга, риёзатга, руҳий илмга ва таркидунёликка қодир бўлган бир қисмини берди.

Йигирма биринчи боб Ману ва Кардама Мунининг суҳбати

1. Видура шундай деди: - Сваямбхува Манунинг уруғ-авлоди катта обрўга эга эди. Эй хурматли донишманд, унинг бир-бирлари билан кўшилиб кўпайиб ер юзига тарқалган авлодлари ҳақида гапириб бер. 2. Сваямбхува Манунинг икки буюк ўғли - Прияврата ва Уттананада, етти оролдан иборат бўлган бутун Ер юзига, дин қоидаларига тўла амал қилган ҳолда ҳукмронлик қилдилар. 3. Эй муқаддас браҳман, эй бегуноҳ зот, унинг Девахути деган қизи мавжуд тирик мавжудотларнинг ҳукмдори донишманд Кардама Мунига эрга чиққанини айтган эдинг. 4. Сеҳр илмининг саккиз турини эгаллаган шу маликадан буюк донишманд йог неча фарзанд кўрди. Менга шулар ҳақида гапириб бер. Мен сендан шулар ҳақида билиб олишни истайман. 5. Эй табаррук донишманд, менга хурматли Ручи ва Браҳманинг ўғли Дакшаларнинг Сваямбхува Манунинг бошқа қизларига уйланиб, ер юзига қандай авлодлар қолдириб кетганларини гапириб бер!

6. Буюк донишманд Майтрея жавоб бера бошлади: - Браҳма Кардама Мунига фарзандлар дунёга келтириб, олам аҳолисини кўпайтиришни буюрганида, хурматли Кардама Муни Сарасвати дарёсининг қирғоғига бориб ўн минг йил давомида қаттиқ риёзатларга берилди. 7. Риёзат чекиш билан бирга "самадхи" ҳолатида Худои Таолога холис хизмат қилиш билан машғул бўлиб, ниҳоят Кардама Муни Худонинг марҳаматига эришди. Наҳот истаганлардан Худои Таоло ҳеч қачон Ўз марҳаматини аямайди. 8. Кейин, Сатъя-югада, нилуфар кўзли Парвардигор, Кардама Мунининг хизматларидан мамнун бўлиб, унинг олдига келди ва унга Ўзининг илоҳий қиёфасини намоён қилди. Бу қиёфани фақат Ведалар ёрдамидагина англаб олиш мумкин. 9. Кардама Муни Худони, моддийлик иллатидан мутлақо пок бўлган Худои Таолони яққол кўриб турарди. Худо Шахси унинг олдида Ўзининг мангу азалий қиёфасида намоён бўлганди. Унинг оппоқ нилуфар ва сувда ўсадиган лайло гулларидан қилинган гулчамбар билан безалган танаси куёшдек порларди. Худо Шахси оппоқ, ҳарир ипак либосга ўранган, Унинг чиройли сиймосини коп-кора ялтироқ тўлқинсимон сочлари ўраб турарди. 10. Тож ва исирғалар билан безаниб, У уч қўлида Ўзининг белгилари: сур, халқа ва гурзисини ушлаб турар, тўртинчи қўлида эса, оқ лайло гулини ушлаб ту-

рарди. Худо Шахси юзида барча содиқларнинг қалбини ром қиладиган бахтиёр табассум билан Кардамага қараб турарди. 11. Кўксида олтинранг чизиги ва бўйнида машхур Каустубха гавҳар тоши билан Ўзининг нилуфар қадамлари пойини Гаруданинг елкасига қўйиб, У хавода муаллақ турарди. 12. Кардама Муни Худои Таолонинг шахсий кўринишини англаб етганида, қалбида чуқур лаззат ҳис қилди, чунки айни шу пайтда унинг барча илоҳий истаклари тўла рўёбга чиққан эди. Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойига эҳтиром билан сажда қилиш учун у ерга узала тушиб таъзим қилди. Унинг қалби Худога нисбатан бўлган муҳаббат туйғуси билан тўла эди. У қўлларини қовуштириб ўзининг самимий илтижолари билан Унинг қулоқларига лаззат бағишлади.

13. Буюк донишманд Кардама шундай деди: - Эй пок Парвардигор, кўзларим мукамалликка эришиб, ҳозир ўзларининг ҳақиқий вазифасини адо этишга мурассар бўлдилар, чунки мен Сени - бутун борлиқнинг манбаини кўряпман. Буюк йогалар Сенинг бу илоҳий киёфангни кўриш имкониятига жуда кўп умрларини чуқур мураккабда ўтказганларидан кейингина эришадилар. 14. Сенинг нилуфар қадамларинг пойи - моддий оламнинг гафлат уммонини кечиб ўтишга қодир бўлган кема вазифасини бажаради. Фақат, Худонинг алдамчи қуввати аклини ўғирлаган ғофил мавжудотларгина, ҳатто дўзахда чириётган энг пасткаш мавжудотлар ҳам эриша оладиган, арзимас ва ўткинчи лаззатларга эришиш ниятида мана шу қадамлар пойига сиғинадилар. Эй Парвардигор, аммо Сен ҳатто ана шундай одамлардан ҳам марҳаматингни аямайсан. 15. Шунинг учун мен ҳам, одоб-ахлоқи менга яқин бўлган, сигир сингари, оилавий турмушда барча истакларни амалга оширадиган ва ҳирсий эҳтиросимни қондирадиган қизга уйланиш ниятида, бутун борлиқнинг манбаи бўлган нилуфар қадамларинг пойидан нажот истайман, чунки Сен орзулар дарахтига ўхшайсан.

16. Эй Худо Шахси барча тирик мавжудотларнинг аввали ва ҳукмдори - Сен Ўзингсан. Сенинг амринг билан тутқунликдаги барча тирик мавжудотлар, худди арқон билан боғлангандек, ҳамиша ўз истакларини қондириш билан банд. Улар билан бирга мен ҳам, эй дин тимсоли, Сенга - Мангу Замонга эҳсонлар тақдим қиламан. 17. Бу машаққатли дунёвий фаолиятни тарк этган ва дунёвийликка берилиб, ҳайвонлар сингари ҳаёт кечираётганлар билан алоқаларини узган зотлар, Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан паноҳ топиб, бир-бирлари билан бўладиган суҳбатларда Сенинг сифатларинг ва кароматларинг лаззатидан баҳраманд бўладиганлар - моддий таналарининг эҳтиёжларини қондириш заруратидан халос бўладилар. 18. Сенинг уч гупчак(ступица)ли ғилдирагинг емирилмас Браҳманиннг ўқи атрофида айланиб туради. Унинг ўн уч кегайи(спица) бор, уч юз олтимиш бўлаги ва олти гардиш(обод)и мавжуд. Унинг юзида эса, сон саноксиз япроқлар ўйилган. Катта тезликда айланаётган бу ғилдиракнинг (замона зайлининг) ҳаракати, гарчи бутун оламнинг мавжудлик умрини, вақтини камайтира борса ҳам, Худонинг содиқлари умрига ўз таъсирини умуман ўтказмайд. 19. Эй Худойим, бутун борлиқни ягона Сен Ўзинг яратгансан. Эй Худонинг Олий Шахси, худди уясини аввало ўз қудрати билан қурадиган ва кейин яна ичига тортиб оладиган ўргимчак сингари, Сен ҳам, борлиқни яратиш учун ав-

вало уларни яратасан, мавжудлигини таъминлаб турасан, кейин эса йога-майя қувватинг назорат қилиб турадиган Ўз қувватларинг ёрдамида уларни яна Ўзингга қамраб оласан. 20. Эй азиз Парвардигор, бу кўпол ва нафис унсурлардан таркиб топган борлиқни Сен Ўзинг учун эмас, балки бизларга ўз ҳиссиётимиз талабларини қондириш имкониятини бериш учун намоён қиласан. Сен бугун бизнинг кўз олдимизда, туласи баргларида қилинган гулчамбар билан безанган Ўзингнинг мангу киёфангда намоён бўлган экансан, бизларга Сенинг бесабаб марҳаматинг ёғилсин! 21. Мен Сенинг энг ишончли нажот макони бўлган нилуфар қадамларинг пойига такрор ва такрор бош эгаман, чунки Сен дунёдаги энг ожиз зотлардан Ўз марҳаматингни аямайсан. Барча тирик мавжудотларга Сени англаш ва шу тўғрисида, уларга кармали фаолиятга боғланиб қолишдан халос бўлиш имкониятини ато этиш учун Сен Ўз қувватинг ёрдамида бу моддий оламларни яратдинг!

22. Майтрея давом этди: - Бундай самимий олқишларни тинглаб, Гаруданинг елкасида, чиройли нур таратиб турган Парвардигор Вишну шарбатдек ширин сўзлар билан жавоб бера бошлади. У донишмандга нигоҳини ташлаганида қошлари сал кўтарилиб, юзида майин табассум пайдо бўлди.

23. Олий Худо Шахси шундай деди: - Ниятингдан хабардор бўлганим учун, сен шунча вақтдан бери ақлу-ҳиссиётингни жиловлаб, Менга сиғиниш орқали эришишни истаган нарсангни тайёрлаб қўйганман!

24. Худо Шахси давом этди: - Эй хурматли донишманд, о риши, эй барча тирик мавжудотларнинг сардори, билиб қўйки, Менга садоқат билан холис хизмат қилиб, сиғиниб юрганлар, айниқса сенга ўхшаб, бор нарсаларнинг ҳаммасини, ўз ихтиёрларини Менга бутунлай топширган одамлар ҳеч қачон афсус қилиб, пушаймон бўлмайдилар. 25. Тангри Браҳманиннг ўғли, ўзининг такводорлиги билан донг таратган шаҳаншоҳ Сваямхува Ману - Браҳмавартада яшайди ва шу ерда туриб етти океан ўраб турган бутун Ер юзига ҳукмронлик қилади. 26. Эй браҳман, яна бир кундан кейин, ана шу машхур, диний маросимлар билағони бўлган шаҳаншоҳ, рафиқаси Шатарупа билан бирга, сен билан учрашиш учун бу ерга келади. 27. Унинг кўзлари қора, вояга етган чиройли қизи бор. У никоҳ ёшига етган, энг яхши одоб-ахлоқ ва барча яхши ҳислатлар соҳибасидир. Ана шу қиз ҳам ўзига муносиб куёв ахтариб юрибди. Унинг ота-онаси сенинг олдинга шу қизини сенга унаштириш учун келадилар, чунки қизига бу дунёда сендан муносиброқ одам йўқ. 28. Ана шу малика, айнан сен шунча вақтлардан бери қалбинг тўрида орзу қилиб юрган қиз бўлади. Тез орада у сенин хогининг бўлади ва сенга қалбинг истагандай хизмат қилади. 29. Сенинг зурёдингдан у тўққиз қиз фарзанд кўради ва бу қизлар вақти келиб буюк донишмандларга эрга чиқиб, жуда кўп авлодлар қолдирадилар. 30. Менин амримни ихлос билан бажариб ва ўзининг барча ҳаракатларинг маҳсулини Менга бағишлаб, сен қалбингни бутунлай поклаб оласан ва охир оқибатда Менин даргоҳимга қайтасан. 31. Барча тирик мавжудотларга меҳрибон бўлиб, сен руҳий ўзлигингни англаб оласан. Бошқаларга жасорат йўлини кўрсатиб, сен ўзинг ҳам, бутун борлиқ ҳам Менда мурассар эканини, Мен эса сенин қалбингда эканини билиб оласан. 32. Эй буюк донишманд, хотининг сенга тўққиз қиз туғиб бергандан кейин, Менин Ўзим,

Ўзимнинг тўлиқ бутун қиёфамда унинг қорнидан дунёга келиб, унга олий қонун-қоидаларни таҳлил қилувчи фалсафий таълимотни тушунтириб бераман!

33. Майтрея давом этди: - Кардама Мунига шулар ҳақида хабар бериб, ҳиссиётлари фақат Кришна онги билан тўла зотларгагина Ўзини намоён қилувчи Парвардигор, Сарасвати дарёси ўраб олган Бинду-саровара кўли қирғоқларини тарк этди. 34. Донишманднинг кўзи олдида Худои Таоло Вайкунтхага олиб борадиган, озодликка эришган барча буюк зотлар олқишлайдиган йўл билан узоклашди. Донишманд Худо Шахсини олиб кетган Гаруданинг қанотларидан чиқаётган, "Самаведа"нинг асосини ташкил қиладиган мадҳияларга кулоқ солиб жойидан жилмай турарди. 35. Худо Шахси кетгандан кейин, буюк донишманд Кардама Худои Таоло айтган вақт келишини кутиб, Бинду-саровара кўли бўйида қолди. 36. Айна пайтда Сваямхува Ману ва унинг хотини олтидан нақшлар битилган аравага чикдилар. Унга қизини ҳам ўтказиб, ер юзини айланиш учун йўлга чиқдилар.

37. Эй Видура, донишманд ўзининг риёзатларини, ибодатларини тугатган пайтда улар ҳам етиб келдилар. Бу айнан Худои Таоло башорат қилган вақт эди. 38-39. Сарасвати дарёси қуйиладиган Бинду-саровара кўли ёқасига кўплаб донишмандлар тўпланадилар. Унинг муқаддас сувлари шунчаки шифобахш бўлибгина қолмай, шарбатдек ширин ҳам. Бу кўлни "Бинду-саровара" деб атайдилар, чунки, унинг сувига Ўзидан нажот истаган донишмандга ҳамдардлик ҳисси жўш урганида Худонинг кўз ёшлари томган. 40. Кўл бўйида саҳоватли дарахт ва йил бўйи гуллаб мева берадиган буталар ўсиб туради. Ана шу дарахтлар соясида ҳалол, пок ҳайвонлар тирикчилик қилади. Дарахт шохларида эса, ўрмонни ўзларининг майин қуйлари билан тўлдирган чиройли қушлар ин қурган. Кўл бўйида қалин соя солиб ўсиб ётган ўрмон кўлни яна ҳам чиройлироқ қилиб кўрсатади. 41. Кўл атрофидаги ҳаво, яйраб, эркин учаётган қушларнинг сайроқи овозлари-ю маст асалариларнинг ғувиллашлари билан тўла. Бутазорларда мағрур тустовуқлар яйраб рақсга тушар ва қувноқ каккулар шодон кукулашарди. 42-43. Бинду-саровара кўли ёқасида кадамба, чампака, ашока, каранджа, бакула, асана, кунда, мандара, кутаджа ва манго дарахтининг ёш ниҳоллари гуллаб туради. Кўл қирғоқларидан карандава ўрдақларининг, плав, оққуш, скоп, турна, чакравак, чакор ва бошқа сувда сузадиган қушларнинг қулоққа ёқимли овозлари эшитилиб турарди. 44. Унинг атрофидаги ўрмонда ланалар, тўнгиз, диқобраз, гаваи, фил, бабуин, йўлбарс, маймун, мангуста ва мускус кийиклари яшайди. 45-47. Шундай муқаддас жойга қадам босиб, Кардама Мунига яқинлашар экан, жаҳоннинг биринчи шаҳаншоҳи Сваямбхува Ману ва унинг қизининг кўзи чайласида ўтирган донишмандга тушди. У эндиgina сарийё қуйиб, қурбонлик оловини мамнун қилган эди. Кардаманинг танасидан порлоқ ёғду нур таралиб турар, гарчи донишманд узок вақтлардан бери каттиқ риёзат чекаётган бўлса ҳам, ҳолдан тойган кўринмасди, чунки Худои Таоло Ўзининг ажойиб кўзлари билан қиё боқиб, унга майин нигоҳини ташлаган ва ой каби ёқимли сўзлари шарбатидан баҳраманд қилган эди. Донишманднинг бўйи баланд, катта кўзлари нилуфар гул-баргини эслатарди, тўзиган жингалак узун сочлари елкасига тушиб турарди. У эски жулдур кийимларга кийинган эди.

Унинг яқинига бориб, Сваямбхува Ману унинг танаси, худди ишлов берилмаган қимматбаҳо гавҳар сингари бироз кир эканини кўрди.

48. Шохнинг ўзи унинг кулбасига ташриф буюриб, олдида эҳтиром билан тиз чўкиб турганини кўриб, донишманд ўрнидан туриб, уни кутиб олди, дуо қилиб, муносиб ҳурмат кўрсатиб қабул қилди. 49. Донишманднинг ҳурмат эҳтиромларини қабул қилиб, шох ўриндиққа ўтириб сукут сақлади. Шунда Кардама Парвардигорнинг айтган насихатларини эслади ва шохга юзланиб, ўзининг қулоққа лаззат бағишловчи овози билан гапира бошлади. 50. - Эй ҳукмдор, албатта сенинг бу саёҳатингдан мақсадинг - тақводорларни ҳимоя қилиш ва осий иблисларни яқсон қилиш эканига шубҳа йўқ, чунки сен Шри Харининг ҳимоялаш қувватининг тимсолисан. 51. Зарурият туғилганда сен (7 фаришта)Қуёш худосининг, Ой фариштагининг, олов фариштаси Агнининг, осмон ҳукмдори Индранинг, шамол фариштаси Ваюнинг, гуноҳкорларни жазоловчи фаришта Ямаражнинг, диний қонунлар ҳимоячиси Дхарманинг ва сув фариштаси Варунанинг вазифасини бажарасан. Мен сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан бош эгаман, чунки сен Худо Шахси, Вишнунинг Ўзисан! 52-54. Агар сен, кўриниши қонунбузарларни дахшатга солувчи, қимматбаҳо тошлар билан безатилган енгилмас жанг араванга ўтирмаганинда, агар сенинг камонингдаги таранг тортилган ипнинг товуши шу қадар кўрқинчли бўлмаганида, ва агар сен қуёшдай порлаб, оёқлари остида ер зир титрайдиган сонсаноксиз лашқаринг билан жаҳонни айланиб турмаганинда, қаллоблар ва ярамаслар Парвардигорнинг Ўзи яратган барча ахлоқ-одоб қоидаларини менсимай қўйган бўлардилар. 55. Агар сен оламнинг ҳолати ҳақида қайғуришдан тўхтасанг, дунёда қонунсизлик ҳукм сурган бўларди, зеро пуддан, мол-дунёдан бошқа нарсага қизикмайдиган одамларни бошқариб бўлмай қолади. Бу нопок одамлар ҳужумга ўтадилар ва бутун олам жаҳаннам қаърига қулаган бўларди. 56. Лекин, буларнинг ҳаммасига қарамай, эй шарафли ҳукмдор, қандай мақсад сени менинг олдимга олиб келди? Сенинг истагинг қандай бўлишидан қатъий назар, биз ҳеч сўзсиз уни бажарамиз.

Йигирма иккинчи боб

Кардама Мунининг Девахутига уйланиши

1. Шри Майтрея шундай деди: - Императорнинг чексиз фазилатлари ва кароматларига таҳсинлар айтиб, донишманд бироз жим бўлди. Шунда ўзини бироз ноқулай сезган император гапира бошлади.

2. Ману шундай деб жавоб берди: - Ведалар, муқаддас китоблар илмини оламга ёйиш учун Ведалар тимсоли бўлган Тангри Браҳма ўз сиймосидан сизларни - ҳиссий лаззатларга хайрихоҳ, сеҳр кучи ва илмга эга бўлган, риёзатга берилган браҳманларни яратди. 3. Браҳманларни ҳимоя қилиш учун минг қўл, минг оёқли Олий Зот қўлларидан биз - кшатрийларни яратди. Шунинг учун браҳманларни -Худои Таолонинг қалби, кшатрийларни эса, - Унинг қўллари деб атайдилар. 4. Шу тарзда браҳман ва кшатрийлар бир-бирини ва ўзларини ҳимоя қиладилар, бир вақтнинг ўзида ҳам сабаб, ҳам оқибатнинг ўзи бўлган, шунда ҳам, мангу

ўзгармас бўлиб қоладиган Худои Таоло эса, уларни бир-бирларига меҳрибон бўлишга ундаш билан уларни химоя қилади.

5. Эй ҳожам, мен сени учратишим билан барча шубҳаю-гумонлардан халос бўлдим, чунки сен, ўз марҳаматинг билан фуқароларини химоя қилишни ният қилган шоҳнинг вазифаси нимадан иборат эканини тушунтириб бердинг. 6. Сен билан учрашиш имкониятини ўзим учун катта бахт деб ҳисоблайман, чунки, ўзининг ақли ва ҳиссиётини жиловлаб олмаган кишининг сен билан учрашиш имкониятига эга бўлиши амри маҳол. Сенинг нилуфар қадамларинг пойининг саҳоватли чанглари бошимга сурта олганимдан беҳад бахтиёрман. 7. Омадим келиб, сендан кўп насиҳатлар олишга, шу билан бирга катта марҳаматингга муваффақ бўлдим. Сенинг пок сўзларингни тинглаш имкониятини берган Худои Таолога чексиз ҳамду санолар бўлсин.

8. Эй буюк донишманд, марҳамат қилиб камтарин кулингнинг илтимосига кулоқ сол, чунки қизимга бўлган боғланишим менга сира тинчлик бермаяпти. 9. Қизим - Прияврата ва Уттанападанинг синглиси бўлади. Ҳозир қизим одоб-ахлоқи, ёши, қиладиган ишлари ўзига мос келадиган куёв излаяпти. 10. Донишманд Нарададан сенинг улуғворлигинг, билимдонлигинг, гўзаллигинг, навқиронлигинг ва бошқа ҳислатларинг ҳақида эшитгандан бери у бошқа ҳеч кимни ўйламай кўйди. 11. Шунинг учун, эй брахманлар аълоси, менинг қизимни қабул эт, мен чуқур ишонч билан уни сенга топшираман; бунинг устига у ҳар томонлама сенинг хотининг бўлишга ва хонадонинг ташвишларини ўз гарданига олишга муносиб деб ҳисоблайман. 12. Ҳиссий лаззатга берилганлар у ёқда турсин, ҳатто барча боғланишлардан халос бўлган киши ҳам ўз-ўзидан қўлга кираётган саодатни кайтармаслиги керак. 13. Ўз ўзидан қўлга кираётган нарсани рад этган, кейин эса, бахил одамлардан садақа сўраб юрадиган киши ҳурмат эътибордан қолади ва одамлар уни менсимай, ундан ҳазар қила бошлайдилар.

14. Сваямбхува Ману давом этди: - Эй донишманд, сенинг уйланмоқчи бўлиб юрганингни эшитгандим. Шундай экан, сенга таклиф қилаётган қизимнинг қўлини қабул қил, билишимча сен ҳали умрбод бўйдоқ ўтишга(брахмачаряликка) қасам ичмагансан.

15. Буюк донишманд шундай жавоб берди: - Шубҳасиз, мен уйланмоқчиман, қизинг эса, эрга тегмаган ва ҳеч кимга унаштирилмаган. Шунинг учун, бизлар ведавий никоҳ маросимини ўтказиб, оила қуришимиз мумкин. 16. Қизингнинг оила қуриш тўғрисидаги нияти муқаддас ведаларнинг никоҳ маросимида покланиб амалга ошсин. Унинг қўлларини ким ҳам рад эта оларди? Унинг порлаган гўзаллиги, ўзининг нурафшон жилолари билан ҳатто тақиб олган безакларини ҳам лол қолдирыпти. 17. Айтишларига караганда, сенинг қизинг сарой томида копток ўйнаб юрганини кўрган буюк гандҳарва Вишвавасу ҳайратга тушиб, гангиб қолганидан ҳаво кемасидан пастга кулаб тушган. Қизинг ҳақиқатан ҳам гўзал эди: унинг оёқларидаги қўнғироқчалар майин жиринглар, кўзлари учаётган копток изидан тинмай ҳаракат қиларди. 18. Сваямбхува Манунинг қизи, Уттанападанинг синглиси бўлган, инсониятнинг гўзал бўлагининг нақши бўлган шундай қиздан қайси бир онгли киши бош тортарди? Равнақ фариштасининг саҳоватли қадамларига ҳеч қачон бош эгмаган киши, ҳатто уни кўришга ҳам муяс-

сар бўла олмайди, аммо у ўзи менинг олдимга келиб, мендан унга уйланишимни илтимос қиляпти.

19. Шунинг учун, мен бу покдомон қизни шундай шарт билан хотинликка оламан: у билан фарзанд кўрганимиздан кейин, инсониятнинг энг комил намоёндаларидан ўрнак олиб, ўзимни бутунлай Худои Таолога ҳолис хизмат қилишга бағишлайман. Бошқаларга ҳасад ва нафрат ҳиссидан бутунлай пок бўлган садоқатли хизмат қилиш ҳақида менга Худованд Вишнунинг Ўзи гапириб берган. 20. Худонинг Олий Шаҳси, бу гўзал борлиқни яратган ва унинг мавжудлиги ва яқсон бўлишига сабаб бўлувчи Парвардигор - мен учун энг ишонарли манба. У - дунёни барча тирик мавжудотларга тўлдириш мақсадида яратилган ҳамма Пражапати-ларнинг манбаидир.

21. Шри Майтрея шундай деди: - Эй буюк жангчи Видура, шу гапларни айтиб, хаёли киндигидан нилуфар гули ўсиб чиққан Худованд Вишну ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлган донишманд Кардама жим қолди. Унинг сукутга чўкиб ўтиришидаги майин табассум ўйнаган сиймоси, буюк донишманд ҳақидаги ўйларга берилган Девахутини ўзига ром эта бошлади. 22. Маликанинг ҳам розилигини олиб, Девахутининг қарори қатъийлигига иқрор бўлган шаҳаншоҳ хурсанд бўлиб қизини, унинг ўзидай ҳалол, қалби пок донишмандга топширди. 23. Малика Шатарупа одатга кўра ёш келин-куёвларга меҳр билан қимматбаҳо совғаларни топширди. Келин-куёвлар сеп сифатида зар тақинчоқлар, кийим ва рўзғор буюмларини олдилар. 24. Девахутини муносиб одамга эрга бериб ва шу билан унинг тақдири учун жавобгарликдан қутулиб, яқинлашаётган айрилиқ азобини сезган Сваямбхува Ману севимли қизини бағрига босди.

25. Қизидан ажралиш ҳақидаги ўйлар шаҳаншоҳ учун жуда оғир эди. Унинг кўзларидан Девахутининг бошига шашқатор ёш тўкиларди. "Она қизим!" - пичирларди шаҳаншоҳ. 26-27. Буюк донишманддан кетиш учун рухсат олгандан кейин, шаҳаншоҳ ва унинг рафиқаси жанг аравасига ўтириб, ҳамроҳлари билан салтанат пойтахтига йўл олдилар. Йўл-йўлакай императорнинг кўзи такводорлар учун жуда азиз бўлган Сарасвати дарёсининг сўлим қирғоқларида жойлашган осойишта донишмандларнинг шиная кулбаларига тушди.

28. Шоҳнинг келадиганини эшитиб, уни кўшиқлар, ҳамду санолар ва мусиқа асбобларида куйлар чалиш билан олқишлаш учун фуқаролар Брахмаварта дарвозасига йўл олдилар. 29-30. Бойликлари билан донг таратган бу шаҳар, бир пайтлар Тўнғиз киёфасида намоён бўлганида Худои Таоло Вишнунинг ёли тушган жой бўлгани учун "Бархишмати" деган ном олган эди. Худои Таоло сувдан чиқиб силкинганида ана шу ёл(соч) толаси ерга тушган ва мангу яшил бўлиб турадиган куша ва каша майсаларига айланган эди; буюк донишмандлар Худои Таолонинг, маросим ўтказишга халақит бераётган иблислар устидан ғалаба қозонганидан сўнг, бу майсалардан Худои Таоло Вишнуга сиғиниш маросимларини ўтказишда фойдаландилар.

31. Ерга куша ва каша майсаларини тўшаб, Ману Худои Таолога, марҳамати эвазига Ер юзига ҳукмрон бўлган Парвардигорга сажда қила бошлади. 32. Аввал яшаган Бархишмати шаҳрига кириб, Ману ўзининг саройига кирди. Саройда ҳукм сураётган муҳитнинг ўзиёқ инсонни моддий ҳаётнинг барча уч хил изтиробларидан

халос этарди. 33. Император Сваямбхува Ману хотини ва фукарolari билан бирга ҳаёт лаззатини суриб, дин қонунларидан четга чиқмай, ҳаётда барча орзу-ниятларига етиб яшарди. Унинг оромбахш ҳаётига диний қонунларга зид бўлган бирон нарса раҳна сололмасди. Самовий машшоқлар рафикалари билан бирга императорнинг дахлсиз шухратини қуйлашар, ва у ҳар кўни эргалаб қалбига жуда яқин бўлган Парвардигор кўрсатган кароматлар ҳақидаги ҳикояларни тингларди. 34. Сваямбхува Ману покдомон, тақводор шоҳлардан эди. Гарчи у моддий лаззатларга ғарқ бўлган бўлса ҳам, моддий ҳаёт ботқоғига ботиб кетмаган эди, чунки у моддий лаззатлардан Кришна онгига тўла муҳитда баҳра оларди. 35. Бир манвантарага тенг умри аста-секин охирлаб бораётганига қарамай у умрини бекор яшамаган эди, чунки Худои Таолонинг кароматларини бетиним шарафлаб олқишлар, улар ҳақида ҳикоялар тинглаб, фикр юртгарди. 36. У ўзининг ҳар бири тўрт югадан иборат 71 цикл умрини Васудева ҳақида бетиним ҳаёл суриш билан, ўзининг бутун ҳаракатларини Худои Таолога бағишлаб ўтказди. Шу тарзда у ҳаётнинг уч хил мақсадидан юқори кўтарилди.

37. Шунинг учун, эй Видура, ҳаётини Худога садоқат билан ҳолис хизмат қилишга бағишлаган ва Парвардигор Кришнанинг ишончли ҳимояси остида бўлган кишилар қандай қилиб - тана, ақл, табиат, бошқа одамлар ва тирик мавжудотлар томонидан келадиган изтироблар домига тушиши мумкин? 38. Донишмандларнинг саволларига жавоб бера туриб, у(Сваямбхува Ману) барча тирик мавжудотларга раҳми келганидан барча варна ашрамларга мансуб кишиларнинг бажаришлари лозим бўлган диний қоидаларни, уларнинг вазифаларини гапириб берди. 39. Мен сенга жаҳоннинг биринчи императори Сваямбхува Манунинг ҳайратомуз сифатлари ҳақида гапириб бердим, чунки унинг кўрсатган кароматлари ҳар қандай олқишга сазовордир. Энди эса, мендан унинг қизи Девахутининг бахтли тақдири ҳақида эшит.

Йигирма учинчи боб Девахутанинг нолишлари

1. Майтрея давом этди: - Ота-онаси жўнаб кетганларидан сўнг, покдомон Девахути донишмандга чуқур муҳаббат ва садоқат билан, кўнглидаги барча ниятларини олдиндан сезиб, худди Тангри Шиванинг рафикаси Бхавани эрига хизмат қилгандай, ихлос билан хизмат қила бошлади. 2. О Видура, эрига хизмат қила туриб, Девахути у билан жуда яқин муносабатда бўлар, айна пайтда эрини жуда ҳурмат қилар ва севар, жуда мулоим, ширин сўзлар билан унинг кўнглини топарди. 3. Оқилона ва одоб билан хизмат қилиб у эҳтирос, ғурур, ҳасад, очкўзлик, гуноҳ ва манманлик туйғуларидан халос бўлиб, қудратли эрининг чуқур ҳурматиغا сазовор бўлди. 4-5. Манунинг қизи, эрига бўлган чексиз садоқати туфайли, "эрини тақдирнинг ўзидан ҳам қудратлироқ" деб биларди. Шунинг учун, у эридан энг ғаройиб мўъжизалар кутарди. Узоқ йиллар унга хизмат қилиб, ўзининг диний вазифаларини мукамал бажариб, Девахути заифлашиб, кўримсиз ҳолга

келиб қолди. Унинг аҳволига кўзи тушиб, барча самовий донишмандларнинг энг улўғвори Кардаманинг Девахутига раҳми келиб кетди ва муҳаббат туйғусидан титраган овоз билан унга гапира бошлади.

6. Кардама Муни шундай деди: - Эй Сваямбхува Манунинг бокира қизи, сендан жуда миннатдорман, чунки сен менга чуқур муҳаббат ва садоқат билан хизмат қиялсан. Тутқунликдаги шартданган зотлар ўзларининг танасини қанчалик қайғуришларини билганим учун, мени деб, сен танангни бутунлай эсдан чиқарганидан ҳайратга тушяпман.

7. Кардама Муни давом этди: - Мен диний қоидаларга амал қилиб яшаганим - риёзатларим, муроқабага берилиб, ҳамиша Кришна онги билан яшаганим учун Худои Таоло мендан Ўз марҳаматини аямади. Гарчи сен ҳали, ҳар қандай изтироб ва кўрқувлардан халос этувчи шундай марҳаматга сазовор бўлмасанг ҳам, менга қилган садоқатли хизматларинг эвазига, сенга ҳам ана шу дуоларни тортиқ қиламан. Уларга назар сол. Уларнинг қанчалик гўзал эканини кўра олишинг учун сенга илоҳий назар ҳам ато этаман.

8. Кардама Муни давом этди: - Парвардигорнинг марҳаматидан лаззатланишдан бошқа лаззатларнинг нима кераги бор? Худованд Вишну, қошларининг бир ҳаракати билан моддий ютуқларнинг барчасини йўққа чиқариб юборади. Эринга бўлган садоқатинг эвазига сен илоҳий тухфаларга эга бўлдинг ва энди сен, ҳатто моддий бойлиги ва обрўлари билан мағрурланиб юрадиганлар ҳам камдан кам эриша оладиган лаззатлар билан роҳатланиб яшай оласан!

9. Илоҳий илмнинг барча соҳаларини мукамал биладиган эрининг гаплари бокира Девахутининг қалбини қувончга тўлдирди. Майин табассум билан эрига ибולי нигоҳ ташлаб, у секин гапира бошлади. Қалбини тўлдирган чуқур муҳаббат ва истиҳола туйғусидан унинг овози титрарди.

10. Шри Девахути шундай деди: - Азизим, эй браҳманлар аълоси, сен тўла баркамолликка эришган зот эканингни биламан. Илоҳий қувват - йогамайянинг паноҳига кириб, сен барча сеҳр қудратларига эга бўлдинг. Лекин бир пайтлар менга ваъда берган эдинг, ҳозир мен билан қўшилиб шу ваъдангнинг устидан чиқишинг керак, чунки, фарзанд - шавкатли эри бор бўлган покдомон аёлнинг энг улўғ бойлигидир.

11. Девахути давом этди: - Ҳожам, мен кучли эҳтирос домига тушиб, сени қаттиқ истаяпман. Шунинг учун эҳтиросим қонмай, кўримсиз бўлиб қолган танам сенга муносиб ҳолга келиши учун, муқаддас китобларга асосан нима қилиш зарур бўлса, ўзинг бажар. Ўзларимизга лойиқ бир бошпана ҳақида ўйлаб кўришни ҳам сендан илтимос қиламан.

12. Майтрея давом этди: - О Видура, суюкли хотинини мамнун қилиш ниятида Кардама Муни сеҳр кучидан фойдаланиб, кўз очиб юмгунча, амрига бўйсуниб, ҳавода уча оладиган самовий қаср барпо қилди. 13. Бу қаср нур таратувчи тошлардан қилинган, қимматбаҳо тошлар билан безатилган устунлардан иборат ва ҳар қандай орзуларни рўёбга чиқарувчи қаср эди. Бу қошона хоналарига ҳар хил уй жиҳозлари қўйилган, омборлари эса, ўз-ўзидан кўпайиб борадиган хазиналарга тўла эди. 14-15. Кардаманинг қасрида ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарса муҳайё бўлиб, йил бўйи у ерда ғаройиб, ёқимли муҳит сақланиб турарди. Қасрнинг ҳар бир хонаси турли байроқчалар, ипак матолар ва чирой-

ли гиламлар билан безатилган эди. Қаср ажойиб гуллардан қилинган гулчамбарлар билан безатилган бўлиб, уларнинг атрофида маст асаларилар ғувиллаб айланиб юрарди. Сарой деворлари эса, ипак ва зигир толасидан қилинган дарпардалар ва бошқа чиройли матолар билан қопланган эди.

16. Саройнинг гўзаллиги кишини ҳайратга соларди. Етти қаватнинг ҳар бирида кроватлар, бўш ўриндиқлар, ёнбошлаш учун ёстиқлар ва еллиғичлар қўйилганди. 17. Қаср деворига чизилган тасвирлар уни яна ҳам чиройлироқ қилиб кўрсатарди. Сарой хоналарининг поллари зумрад тошларидан терилган ва ҳар ер, ҳар ерда денгиз тошларидан қилинган супачалар қурилганди. 18. Саройнинг гўзалликда тенги йўқ эди. Унинг дарвозалари коралллардан, кириш эшиклари эса, бриллиант тошлар билан безатилганди. Саройнинг сапфирдан қилинган гумбазларини олтин туғлар безаб турарди. 19. Саройнинг бриллиант деворларидаги нодир рубин тошлари кўз қорачиғидай ярқирарди. Хоналарни соф олтиндан қилинган арка ва балдахинлар безаб турарди. 20. Сарой ичида тирик оққуш ва кабуларларни, шунингдек тирикларига жуда ўхшаш қилиб ясалгани учун, тириклари ўзлари сингари тирик деб, теварагини айланиб юрадиган сунъий кабулар ва оққушларни учратиш мумкин эди. Қушларнинг овози саройнинг ҳамма ерида эшитилиб турарди. 21. Саройда ҳар хил ўйин ва эрмаклар учун майдончалар, дам олиш, ухлаш хоналар, шунингдек ички ва ташқи ҳовлилар мавжуд эди. 22. Бу ҳашаматли саройни кўрган Девахутининг ғамгин бўлганини кўриб, Кардама Муни унинг қалбида қандай хаёллар айланаётганини дарров сезди, чунки у инсонлар қалбидаги сирларни била оларди. Унга юзланиб донишманд шундай деди:

23. - Азизим Девахути, мен сенинг юзингдаги хавотирни кўриб турибман. Сен аввало Худованд Вишнунинг Ўзи яратган ва инсоннинг ҳар қандай тилагини амалга оширувчи Бинду-саровара кўлида чўмилиб ол ва ундан кейин мана шу самовий қасрга кир!

24. Нилуфар кўзли Девахути эрининг амрини бажарди. Жулдур кийимларда, ўзининг тўзиган сочлари билан у жуда кўримсиз эди. 25. Унинг танаси қалин кир қатлами билан қопланган, кўкси ўзининг аввалги рангини йўқотган эди. Шундай қилиб у муқаддас Сарасвати дарёси сувларидан тўлган кўлга кирди. 26. Кўл тубида у шоҳона қасрни, унинг ичида эса, худди нилуфар гулларидай анвойи ҳидлар таратиб турган ёш қизларга кўзи тушди. 27. Уни кўриб, қизлар дарҳол ўринларидан турдилар ва кўлларини қовуштириб: - "Бизлар сенинг канизақларингмиз. Амрингизга мунтазирмиз!"- дедилар.

28. Қизлар чуқур эҳтиром билан Девахутининг кўлларидан тутиб ювинтирдилар, танасига қимматбаҳо атир ва мойлар суртдилар. Кейин унга топ-тоза ҳарир либос кийинтирдилар. 29. Шундан сўнг қизлар унга ўзидан нур таратиб турувчи қимматбаҳо тошлардан қилинган тақинчоқлар тақди. Кейин энг нодир сифатларга эга бўлган танкис таомлар ва маст қилувчи ширин *асавам* ичимлигини келтирдилар. 30. Кейин Девахути ойнага қараб ўзининг аксини кўрди. Унинг танаси мутлақо тоза ва гулчамбар билан безанган эди. Покиза либосларга ўраниб танасига саховатли тилака белгиларини қўйиб олган Девахутига қизлар эҳтиром билан хизмат қиларди. 31. Девахутининг боши ва танаси яхшилаб ювилиб, қимматбаҳо тақинчоқлар билан безан-

ган эди. Унинг кўксига маржон осилган чиройли тақинчоқ тақилган, билакларида билагузуклар, оёқларида олтин кўнғирокчалар жирингларди. 32. Девахутининг белида қимматбаҳо тошлар билан безатилган олтин камар ярқираб турарди, бўйнига нодир жавохирдан қилинган маржон тақилган, танаси анвойи ҳид таратувчи упалар билан мойланган эди. 33. Унинг юзи ажойиб нур таратиб турар, тишлари оппоқ ялтироқ, қошлари эса чиройли эгилган эди. Девахутининг намлланган чиройли кўзларининг гўзаллиги ҳатто нилуфар гул ғунчасининг гўзаллигини ҳам лол қолдирарди, юзларини эса қоп-қора тўлқинсимон сочлари ўраб турарди.

34. Девахути қалбига азиз бўлган донишмандларнинг аълоси, буюк зот, эри Кардама Мунини эслаши биланок, ўзининг барча канизақлари билан унинг олдида пайдо бўлди. 35. Ўзини эрининг ёнида шунча канизақлари билан бирга пайдо бўлганини, эри кўрсатган бу сеҳрли мўъжизаларни кўриб у ҳайратга тушди. 36-37. Ювиниб чиққанидан сўнг, покиза ва порлаб турган Девахутини кўриб, донишманд Кардама унинг ўзининг ўша хотини эканини зўрға таниди. Шоҳнинг қизи, маликага унинг аввалги гўзаллиги қайтиб келган эди. Ажойиб либослар кийган, ўзига ром қилувчи сийналари билан, у ўзининг амрига маҳтал бўлиб турган канизақ-гандҳарвалар даврасида турарди. Эй душманлар ғолиби, хотинига яна ҳам меҳри тошиб, донишманд Девахутини қасрга таклиф қилди. 38. Гарчи донишманд канизақ-гандҳарвалар хизмат қилиб юрган ўзининг хотинининг гўзаллигига мафтун бўлса ҳам, у ўзини тута билишини, улғуворлик фазилагини йўқотмаганди. Ўзининг самовий қасрида Кардама Муни ва унинг хотини худди юлдузлар тўла осмонда, нурларидан тунлари кўллардаги сувда ўсувчи лайло гуллари барқ уриб очиладиган тўлин ойдек порлаб турарди.

39. Мана шу самовий қасрда у Меру тоғининг ён бағрида ястаниб ётган сўлим водийга йўл олди. Бу ердаги майин эсиб турадиган, кишининг эҳтиросини уйғотувчи ёқимли шабада водийни яна ҳам гўзал қилиб кўрсатарди. Фаришталарнинг хазинабони Кувера ҳам мана шу ерда сидхаларнинг олқишлари остида минглаб чиройли аёллар даврасида лаззатланиб дам олади. Кардама Муни ҳам хотини ва ёш гўзал қизлар билан шу ерга келди ва улар узоқ йиллар давомида шу ерда ҳаёт лаззатини сурдилар. 40. Хотинидан мамнун бўлиб, Кардама Муни ўзининг самовий қасрида фақат Меру тоғи бағрида эмас, балки Вайшрамхака, Сураана, Нандана, Пушпадрака ва Чайтрататхья боғларида, шунингдек Манаса-саровара кўли бўйларида ҳам роҳатланиб дам олди. 41. Шу тарзда у, худди шамол сингари, ҳеч қандай тўсиққа учрамасдан бир сайёрадан бошқа сайёрага сайр қилиб юрарди. Амрига бўйсуниб осмонда истаган томонга учиб юрадиган ажойиб, нур таратиб турган, самовий қасрида сайр қилиб юриши билан у, ҳатто фаришталардан ҳам буюкроқ эди. 42. Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топган, қатъий иймон, ишончга эга киши, ҳамма нарсага қодир бўлади. Инсонни бу моддий оламда ҳар қадамда учраб турадиган хатарлардан халос этувчи Ганга ва бошқа муқаддас дарёлар Худои Таолонинг оёқлари остидан оқиб чиқади. 43. Хотинига бу шарсимон қоинотни ва унинг ичидаги ҳамма нарсаларни кўрсатиб бўлиб, буюк йог Кардама Муни яна ўз қулбасига қайтиб келди. 44. Уйига қайтиб келгач, ўзи билан

яқинлик қилишни истаган хотини, Манунинг кизи Девахутини мамнун қилиш учун Кардама Муни тўққиз қиёфага кирди. Шу тарзда у, хотини билан ўзи учун бир лахзадек ўтиб кетган узоқ йиллар давомида лаззатланди.

45. Бу самовий қасрда Девахути эри билан эхтирос уйғотувчи хашаматли юмшоқ ўриндиқ-тўшақларда ётар, ва вақтнинг қанчалик тез ўтаётганини сезмасди. 46. Эхтиросга берилган эр-хотинлар сеҳр қудрати ёрдамида лаззатланар экан, орадаги юз йил уларга бир лахзадек ўтиб кетди. 47. Қудратли Кардама Муни ҳар қандай тирик мавжудотнинг қалбидаги ўйларини билар ва барча орзуларини рўёбга чиқара оларди. Рухнинг табиатини англаб етгандан сўнг, у хотинини ўз танасининг ярми деб биларди. Ўзини тўққиз қиёфада намоён қилиб, донишманд тўққиз марта ўз уруғини Девахути қорнига жойлади. 48. Девахути шу кунгидек нодир гўзалликка эга бўлган ва қизил нилуфар гулидек хид таратиб турган тўққиз қиз туғди. 49. Девахути эрининг уйдан кетишга ҳозирланаётганини кўриб қулиб турарди, аммо қалби ташвишда, қаттиқ изтироб чекаётган эди. 50. Девахути тирноқлари нур таратиб турган оёғи билан ер чизиб, маюс турарди. Бошини эгиб, кўзидаги ёшларини зўрға тутиб, сеҳрли овози билан у секин гапира бошлади.

51. Шри Девахути деди: - Эй ҳожам, сен барча ваъдаларингни бажардинг, лекин сен менга ҳаётда кўркувсиз яшаш учун жасорат ҳам тухфа қилишинг керак, чунки мен бутунлай ўзимни сенинг ихтиёрингга топширган жонман. 52. Эй ҳурматли браҳман, қизларингнинг ҳар қайси ўзларига муносиб эр топиб, янги уйларига кетиб қоладилар. Аммо, санъаси бўлиб, сен ҳам уйдан кетганингдан кейин мени ким овунтиради? 53. Шу пайтгача бизлар фақат моддий лаззатга берилиб, Худони англашга интилмай умримизни бекорга ўтказдик. 54. Сенинг илоҳий ҳолатдаги зот эканингга ҳеч шубҳаланмай, мен ҳиссиётим интилган нарсаларга боғланиб, сени қаттиқ севганман. Нима бўлгандаям, бизларнинг ана шу яқинлигимиз менга барча кўркувлардан халос бўлишимга ёрдам берсин. 55. Ҳиссиётининг талабини қондириш ҳақидаги суҳбатлар одамларни тутқунликка мубтало қилади. Аммо, гарчи одам ким билан ҳамсуҳбат бўлаётганини билмаса ҳам, табаррук, авлиё одам билан бўлган суҳбат инсонни озодликка олиб чиқади. 56. Агар одамнинг машғул бўлиб юрган фаолияти уни ҳақиқий дин йўлига олиб келмаса, унинг амал қилаётган диний вазифалари унинг қалбида таркидунёлик ҳиссини ривожлантирмаса, қалбидаги таркидунёлик туйғуси инсонни Худои Таолога садоқатли хизмат қилиш йўлига олиб келмаса, гарчи нафас олиб юрган бўлса ҳам, ундай одам аслида ўлик одамдир. 57. Эй ҳожам, албатта мен шу вақтгача Худои Таолонинг алдамчи қуввати таъсири остида юрган эдим, чунки, моддий тутқунликдан озодликка чиқара оладиган сендек одам билан ҳамсуҳбат бўлиш имкониятига эга бўлиб ҳам, озодликка чиқишга интилмадим.

Йигирма тўртинчи боб Кардама Мунининг таркидунё қилиши

1. Худо Шахси Вишнунинг айтганларини эслаб, Сваямбхува Мунининг шарафли кизи, хотини Девахутининг ҳокисорлик билан айтган илтимосига шундай жавоб берди.

2. Донишманд шундай деди: - Пушаймон бўлма, эй малика. Сен ҳар қанча мақтовга лойиқ зотсан. Худо Шахсининг Ўзи тез кунлар ичида сенинг ўғлинг бўлиб туғилади. 3. Сен муқаддас қасам ичгансан, ва Парвардигор Ўзининг марҳаматидан сени албатта баҳраманд қилади. Шунинг учун, ҳиссиётларингни жиловлаб олиб, диний маросимларни ўтказиб, риёзат чекиб ва саховат билан хайр-эхсонлар қилиб, қатъий ишонч билан Худои Таолога сажда қилишинг керак. 4. Сен сиғинадиган Парвардигор, менинг номим шуҳратини бутун оламга ёяди. У Сенинг ўғлинг бўлиб, Браҳман(Худо) ҳақидаги илмни сенга ўргатиб, қалбингда чигал бўлиб ётган барча гафлат тугунларини ечади.

5. Шри Майтрея шундай деди: - Девахути Пражапатиларнинг бири бўлган эри Кардаманинг берган насиҳатларини чуқур эхтиром билан тинглади. Эй буюк донишманд, унинг насиҳатига амал қилиб, ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам мавжуд бўлган Худои Таолога сиғина бошлади. 6. Кўп йил ўтгандан кейин Худо Шахси, иблис Мадхунинг ғолиби Мадхусудана, Кардаманинг уруғига кириб, худди қурбонлик маросими пайтида ўтинлардан олов пайдо бўлгани сингари, Девахутининг ҳомиласида пайдо бўлди. 7. Худои Таоло Ерга ташриф буюрганида ёмғирли булутлар қиёфасига кирган фаришталар самовий мусиқа асбобларида куйлар чалдилар. Жаннатий машшоқлар, гандҳарвалар Унинг улуғворлигини шарафлаб куйладилар, самовий раққосалар, апсарлар эса, яйраб рақсга тушдилар. 8. Худои Таоло ерда пайдо бўлганида осмондаги фаришталар Ер юзини чаман гулларга тўлдирдилар. Бутун Ер юзига, барча сув ҳавзалари ва бутун тирик мавжудотлар олами сокинлик, осойишталикка ғарқ бўлдилар. 9. Коинотдаги биринчи тирик мавжудот Браҳма, Маричи ва бошқа донишмандлар ҳамроҳлигида Кардама Мунининг Сарасвати дарёси сувлари билан ўралган хонадони жойлашган маконга йўл олди.

10. Майтрея давом этди: - Эй душманларга қирон келтирувчи зот, илм олишда умуман мустақил бўлган Браҳма, Олий Худо Шахси, Ўзининг соф мавжудлик қудрати ёрдамида инсониятга тўлиқ илмни ўргатиш учун Девахутининг ҳомиласида пайдо бўлганини англаб етганди. 11. Бутун вужуди яйраётган Браҳма, Худои Таоло Ўзининг ушбу кўринишида кўрсатиши керак бўлган кароматларга чин юракдан олқишлар айтди, кейин Кардама ва Девахутига юзланди.

12. Тангри Браҳма шундай деди: - Ўғлим Кардама, менинг насиҳатимга астойдил қулоқ солиб, уни муносиб диққат билан қабул қилиб, сен менга катта ҳурмат кўрсатдинг. Кўрсатмаларимни сидқидилдан бажариш билан сен мени мамнун қилиб эъзозладдинг. 13. Фарзандлар отасига худди мана шундай хизмат қилишлари керак. Отаси ёки руҳий устозининг буйруғини эшитган заҳоти ҳурмат ва эхтиром билан "Хўп бўлади!" деб жавоб бериши лозим.

14. Кейин Тангри Браҳма Кардама Мунининг тўққиз қизининг фазилатларини олқишлай бошлади. У шундай деди: - Сенинг хипча белли қизларинг шубҳасиз покдомон зотлардир. Аминманки, улар жуда кўп авлодларга ҳаёт бағишлаб, бу коинотнинг аҳоли сонини

кўпайтирадилар. 15. Шунинг учун, қизларингнинг қобилиятлари ва мойилликларини эътиборга олган холда, шу бугуноқ уларни энг яхши донишмандларга хотинликка бер. Бу билан сенинг доврўгинг бутун оламга таралсин. 16. Эй Кардама, Худонинг Олий Шахси, азалий Худои Таоло, Ўзининг ички қуввати воситасида ерда намоён бўлгани менга маълум. У барча тирик мавжудотларнинг истакларини бажаради. Ҳозир У Капила Муни кўринишида намоён бўлди. 17. Сочлари олтинранг, кўзлари нилуфар гулбарглари эслатувчи, нилуфар белгиси бор нилуфар пойқадамлари билан одамларга сеҳр илмини, муқаддас китобларда келтирилган ҳақиқат илмини ҳаётда қандай қўллаш кераклигини ўргатиб, уларнинг қалбига жуда маҳкам ўрнашиб олган моддий оламда хукмронлик қилиш истакларидан халос этади.

18. Кейин Тангри Браҳма Девахутига юзланди: - Эй Манунинг қизи, иблис Катйабхуни ўлдирган Худои Таоло, Худо Шахси ҳозир сенинг қорнингда жойлашган. У қалбингдаги барча гумон ва ғафлат тугунларини ечиб ташлайди, кейин эса бутун дунёни айланиб чиқади. 19. Сенинг ўглинг руҳий баркамолликка эришган барча зотларнинг сардори бўлади. Уни барча ачарйялар ва ҳақиқат илмининг маърифатпарварлари тан оладилар. Одамлар орасида у Капила номи билан машхур бўлади. Сенинг ҳомилангдан дунёга келиб, у сенга мангу шуҳрат келтиради.

20. Шри Майтрея шундай деди: - Кардама Муни ва унинг хотини Девахутига шу гапларни айтиб, коинотнинг яратувчиси, баъзида одамлар "Хамса" деб ҳам атайдиган Тангри Браҳма, ўзининг оққуш-кемасига чиқди ва тўрт Кумар ва Нарада билан бирга, сайёраларнинг уч тизимида энг олий сайёра бўлган ўзининг даргоҳига қараб йўл олди. 21. Эй Видура, Браҳма кетгандан кейин, Кардама Муни унинг амрини бажариб, қизларини тўққиз донишмандга эрга берди. Уларнинг авлодлари бутун ер юзига таралди.

22-23. Кардама муни қизи Калани Маричига, Анасьяни – донишманд Атрига берди. Шраддхани - Ангирага, Хавирбхани – Пуластьяга берди. Қизи Гатини у донишманд Пулахага, покдомон Крияни – донишманд Кратага, Кхъятани - Бхригу мунига, Арундхатини эса Васиштха Мунига берди. 24. Қурбонлик маросимларини муваффақиятли ўтказишга ёрдам берадиган қизи Шантини Атхарвага хотинликка берди. Шу тарзда у браҳманларнинг аълоларини уйлантириб, улар ҳали уйда пайтда уларга ва хотинларига меҳрибонлик билан хизмат қилди. 25. Уйланганларидан кейин донишмандлар Кардама билан хайрлашдилар ва шод бўлиб ўз масканларига қайтдилар, эй Видура. 26. Фаришталар сардори Вишну, Худованднинг Ўзи ерда намоён бўлганини тушуниб етгандан кейин Кардама Муни, Худои Таоло билан ёлғиз қолиб, Унинг олдида яқин борди ва таъзим билан шундай деди.

27. Кардама Муни шундай деди: - Ниҳоят шунча қилган гуноҳлари туфайли бу моддий оламнинг қоронгу зулматида изтироб чекаётган руҳлар коинотга хукмронлик қилаётган фаришталарни мамнун қила олишга эришдилар. 28. Жуда кўп умрлардан кейин камолотга эришган йоглар узлатга чекинадилар ва Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойини кўриш ниятида бутун фикру-заковатларини бир жойга мужассам қилиб, муроқабага ғарқ бўладилар. 29. Аммо ана шу Худои Таолонинг Ўзи, Худо Шахси биздай оддий хонадон

эгаларининг нуқсонларига қарамай, содиқ хизматкорларини қўллаб-қувватлаш учун уларнинг хонадоида пайдо бўлади.

30. Кардама Муни шундай деди: - Эй Худойим, Сен ҳамиша Ўзининг содиқларинг обрўсини ўйлаб юрасан, шунинг учун Сен ҳозир менинг уйимда, берган ваъдангнинг устидан чиқиш ва одамлар орасида ҳақиқий илмни тарғибот қилиш учун пайдо бўлдинг. 31. Эй Парвардигор, Сенинг моддий тананг йўқ, шунга қарамай Сен сон-саноксиз таналарга эгасан. У таналар Сенинг ҳақиқий, илоҳий, содиқларингга қувонч бағишловчи руҳий таналарингдир. 32. Эй Худойим, Сенинг нилуфар қадамларинг пойига Мутлак Ҳақиқатни англашга интиладиган буюк донишмандлар сажда қилса арзийди. Сен - бутун бойлик ва таркидунёликнинг, илоҳий шон-шуҳратнинг, илмининг, куч ва гўзалликнинг манбаи ва марказисан, шу боис мен ҳам Сенинг нилуфар қадамларинг пойига бош эгаман. 33. Мен Худонинг Олий Шахсига, илоҳий ва Ўз қудратида мустақил бўлган, Капила қиёфасида намоён бўлган Худои Таолога бутунлай ўз ихтиёримни топшираман; Мен Унга – барча унсурлар мажмуининг ва қудратли замоннинг хукмдорига, моддий табиатнинг уч гунаси хукми остида бўлган барча коинотларнинг мавжудлигини сақлаб турган, олам емирилганида бутун коинотни Ўз ичига оладиган, ҳамма нарсадан бохабар Худои Таолога ўз ихтиёримни топшираман. 34. Бугун мен барча тирик мавжудотларнинг хукмдори бўлган Сенинг Ўзингга мурожаат қилишга қарор қилдим. Сен мени оталик вазифаларини бажаришдан озод қилганинг ва ҳамма ниятларимга етказганинг учун, қолган умримни қаландар-зоҳид бўлиб яшамокчиман. Оилавий ҳаётни тарк этиб, ҳеч нарса ҳақида қайғурмасдан ва ҳамиша қалбим тўрида Сени эслаб, дунё кезиб юраман.

35. Худо Шахси Капила шундай деди: - Менинг Ўзим айтган ёки муқаддас китобларда ёзилган ҳар бир сўзим моддий дунёда яшайдиган ҳар бир одам учун қонундир. Эй донишманд, бир пайтлар Мен сенинг ўглинг бўлишга ваъда берган эдим. Энди шу сўзимнинг устидан чиқиш учун Ер юзида намоён бўлдим. 36. Мен одамларга "санкхья" фалсафасини ўргатиш учун бу дунёга келдим. Бемаъни моддий истаклардан қутулишга интилаётганларнинг фикрига кўра, бу фалсафа руҳий юксалиш жараёнида муҳим аҳамиятга эга. 37. Ўзликини англашнинг бу машаққатли йўлини вақт ўтиши билан одамлар унутиб юборган. Билсанг, шу фалсафани қайтадан нозил қилиш ва уни одамларга тушунтириш учун Мен Капила сифатида дунёга келдим. 38. Энди эса, Менинг рухсатим билан хоҳлаган тарафинга кетавер ва бундан буён бутун фаолиятингни Менга бағишла. Менга сажда қил, ва шунда сен бешафқат ажални енгиб, мангу ҳаётга эришасан. 39. Сенинг юксак заковатинг ўз қалбингда ҳам, ҳар бир тирик мавжудот қалбида ҳам мавжуд порлоқ Рух бўлган Мени кўриб юриш имконини беради. Шу тариқа сен мангу ҳаётга эришиб, ҳар қандай изтироб ва кўрқинчлардан халос бўласан. 40. Шунингдек, мангу лаззатга тўла руҳий ҳаёт эшикларини очувчи бу илмни онамга ҳам ўргатаман. У камолотга эришади, ҳақиқий ўзлигини англаб, қилган гуноҳ ишларининг оқибатларидан бутунлай халос бўлади. Гуноҳлари оқибатидан халос бўлиб покланиб, у ҳар қандай моддий ташвишлардан қутулади.

41. Шри Майтрея шундай деди: - Ўғли Капиланинг гапларини тинглаб, инсоният бобоклонларидан бири бўлган Кардама Муни Унинг атрофини айланиб ўтди ва кўнгли тўк бўлиб ўрмонга йўл олди. 42. Ўзининг бутун вақтини Худонинг Олий Шахси ҳақидаги ўйларга сарфлаш ва Ундан нажот топиш учун Кардама Муни гапирмасликка, сукут сақлашга қасам ичди. Олов ва бошпана изламасдан, саньясиларга хос ҳаёт кечириб, у дунёни ёлғиз кезиб юрди. 43. Кардама Муни, ақлини моддий табиатнинг уч гунасини яратган ва Ўзи уларнинг таъсири остига тушмайдиган, бу дунёнинг сабаб ва оқибатларидан устун турувчи Парабрахманда мужжасам қилди. Худонинг Олий Шахсига фақат садоқат билан, узлуксиз, ҳолис хизмат қилиш жараёнидагина эришиш мумкин. 44. Шу тарзда у аста-секин, тирик мавжудотни ўзини моддий танага қиёслашга мажбур қилувчи ҳаёт тутқунлигидан озод бўлди ва моддий боғланишлардан покланди. Қалби осойишта ва мамнуният оғушида бўлиб, барча тирик мавжудотларга бирдай муносабатда бўлиб, бу дунёнинг қарама-қаршиликларига эътибор бермай, ҳақиқий "ўзлиги"ни кўриш қобилиятига эга бўлди. Унинг ақли ҳамиша ҳақиқий ўзлигига қаратилган, шамолсиз кундаги денгиздай осойишта эди. 45. Шу тарзда у шартланган ҳаёт тутқунлигидан халос бўлди ва ҳар бир тирик мавжудот қалбида ҳам мавжуд ва ҳар нарсадан хабардор бўлган Олий Рух, Худо Шахси Васудевага илоҳий муҳаббат билан ҳолис хизмат қилишда ўзлигини топди. 46. У Худои Таолонинг ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжудлигини, барча тирик мавжудотлар Унда мужжасамлигини кўрди. Худои Таоло - бутун борлиқнинг Олий Рухидир. 47. Ҳақоратлашдан пок садоқатли хизмат қилиш билан машғул бўлиб, Кардама Муни ҳасад ва ҳавас туйғуларидан покланди, барча тирик мавжудотларга бирдай муносабатда бўлишни ўрганди ва ниҳоят Худонинг даргоҳига олиб борувчи равон йўлга чиқиб олди.

Йигирма бешинчи боб.

Парвардигорга садоқатли хизмат қилишнинг улуғворлиги

1. Шри Шаунака шундай деди: - Худонинг Олий Шахси аслида тўғилмаган, "аджа" бўлса ҳам, Ўзининг ички қуввати ёрдамида Капила Муни қиёфасида дунёга келди. Бутун инсониятнинг манфаатини кўзлаб, У одамларга илоҳий илм сирларини очиш учун бу оламда пайдо бўлди.

2. Шри Шаунака давом этди: - Дунёда Худои Таолонинг Ўзидан кўпроқ илмга эга бўлган бирор зот мавжуд эмас. Сигинишга Ундан муносиброқ ҳеч ким йўқ. Йога санъатини Ундан мукамалроқ биладиган ҳеч зот йўқ. Шунинг учун Уни "Ведалар ҳукмдори" деб атайдилар ва Парвардигор ҳақидаги ҳикоялар тингловчиларнинг қалбига чексиз ҳақиқий лаззат бағишлайди. 3. Сендан илтимос, бизларга Худои Таолонинг - Ўзининг истакларида, хошиш-иродасида тўла мустақил бўлган, барча ҳаракатларини ички қуввати ёрдамида амалга оширадиган Парвардигорнинг барча кароматлари ва эрмақларини батафсил гапириб бер!

4. Шри Сута Госвами шундай деди: - Қудратли до-нишманд Майтрея Вьсадеванинг дўсти эди. Видуранинг илоҳий илмга оид саволларидан мамнун бўлиб,

илҳомланиб кетган Майтрея уларга жавоб бера бошлади.

5. Майтрея шундай деди: - Кардама муни ўрмонга кетгандан кейин, Парвардигор Капила, онаси Деваху-тини мамнун қилиш учун Бинду-саровара кўлининг кирғоғида қолди. 6. Кунларнинг бирида, онасига Мутлақ Ҳақиқатнинг олий кўринишини намоён қилишга қодир бўлган Капила, Девахутининг олдида ўтирганида, онаси Браҳманинг айтганларини эслади ва фурсатдан фойдаланиб, ўғлига куйидаги саволларни берди.

7. Девахути шундай деди: - Эй Парвардигор, моддий хиссиётларнинг адо бўлмас истаклари мени бутунлай ҳолдан тойдирди, ғафлат ботқоғига ботиб қолишимнинг сабабчиси шулардир. 8. Фақат Сенинг ёрдаминг билангина мен ғофилликнинг бу коронғу зулматидан ёруғликка чиқа оламан, чунки Сен - шунча умрлар яшаганимдан кейин, Ўзининг марҳаматинг билан эришган илоҳий кўзларимсан. 9. Сен - Худонинг Олий Шахси, барча тирик мавжудотларнинг манбаи ва Олий Ҳукмдорисан. Сен қуёш сингари, бу дунёга коинотни қоплаб олган ғофиллик зулматини Ўз илминг нури билан тарқатиб юбориш учун келгансан. 10. Эй Худойим! Ўз марҳаматингни намоён этиб, мени барча гумонлардан халос қил. Сохта ўзлик таъсири остида мен майя, алданиш чангалига тушиб қолдим, ўзимни танага қиёслаб, танам билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсани "ўзимники" деб ҳисоблай бошладим.

11. Девахути давом этди: - Мен Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан нажот излайман, чунки нажот бера оладиган ёлғиз Сен Ўзингсан. Сен - моддий мавжудлик дарахтини чопиб ташлашга қодир бўлган ягона болтасан. Шунинг учун мен, илоҳиёт кишиларининг энг улуғи бўлган Сенинг олдинда бош эгаман ва Сендан илтимос қиламан, менга эркак ва аёлнинг, шунингдек модда ва руҳнинг ўзаро муносабатларининг табиатини тушунтириб бер!

12. Майтрея шундай деди: - Онасининг руҳнинг илоҳий табиатини англашга бўлган пок орзусини англаган Худо Шахси, унинг берган саволлари учун, унга ҳаёлан ташаккур билдирди ва юзида табассум билан ҳақиқий ўзлигини англашга интиладиган илоҳиёт кишиларининг борадиган йўли ҳақида гапира бошлади.

13. Худои Таоло, Худонинг Олий Шахси шундай деди: - Алоҳида шахс бўлган - руҳга, тирик мавжудотга энг улуғ саодат келтирувчи ва унга моддий оламнинг барча изтироблари, азоб-уқубатларидан кутулишда ёрдам берадиган йога усули – йоганинг энг олий тизимидир. 14. Эй покдомон она, Мен сенга бир пайтл р буюк донишмандларга гапириб берган энг қадимий йога тизимини таърифлаб бераман. Бу йога ҳар томонлама саховатли ва фойдалидир. 15. Тирик мавжудотнинг онги моддий табиатнинг уч гунаси таъсирига ғарқ бўлган ҳолати - унинг "тутқунликдаги ҳолати" деб аталади. Аммо, унинг онги Худонинг Олий Шахсида мужжасам бўлганида, тирик мавжудот озод бўлади. 16. Инсон ўзини тана("мен")га ва танага тегишли бўлган нарсаларга қиёслаши("меники")нинг натижаси бўлган эхтирос ва очкўзликдан халос бўлганида унинг ақли покланади. Онгининг ана шундай пок ҳолатида тургун, мустаҳкам бўлгандан кейин, у моддий бахт ва мусибатлардан юқори кўтарилади. 17. Шунда руҳ ўзининг бу моддий дунёга нисбатан илоҳий эканини ва мангу порлоқ эканини кўради. Ана шунда у, ўзи кичкина

рухий заррача бўлгани билан ҳамиша ўзгармай, бўлинмай қолишини англаб етади.

18. Содик хизмат қилиш билан машғул бўлиб, илмга эришган, моддий нарсаларга боғланишни тарк этган ва шу тарзда ўзини англаб етган киши ҳар бир нарсанинг ҳақиқий ҳолатини кўради. Шундай одам моддий борлиққа нисбатан хайрихоҳ, боғланишсиз бўлиб қолади ва моддий табиатнинг унга кўрсатадиган таъсири сусайиб кетади. 19. Худои Таолога садоқат билан холис хизмат қилмай туриб ҳеч бир йог рухий ўзликни англашнинг юқори поғонасига кўтарила олмайди, чунки Худога садоқат билан холис хизмат қилиш - камолотга элтувчи ягона йўлдир. 20. Ҳақиқат илмига эга бўлган ҳар бир кишига маълумки, моддий лаззатларга боғланганлик рухий жон(рух)ни моддий дунёда қулликка мубтало қилади. Лекин, тирик мавжудотнинг онгидаги шундай боғланиш туйғуси рухий ўзлигини англаган солиҳ одамлар билан ҳамсуҳбат бўлишга нисбатан пайдо бўлса, унинг олдида озодликка чиқиш эшиклари очилади.

21. Авлиё одам(садху) - сабр-тоқатли ва меҳрибон, раҳмдилдир, у барча тирик мавжудотларнинг дўсти. Ҳаётда унинг душмани йўқ, у ҳамиша осойишта ва муқаддас китоб(шастра)ларнинг кўрсатмаларига изчил амал қилади ва барча эзгу ҳислатлар соҳибидир. 22. Садху Худо Шахсига садоқат билан холис хизмат қилишда турғун, қатъий, ўзгармасдир. Худо учун у, хоҳ қариндошлик, хоҳ дўстлик ришталари бўлсин, дунёдаги ҳамма нарсадан воз кечади. 23. Ҳамиша Мен, яъни Худонинг Олий Шахси ҳақидаги ҳикояларни тинглаб ва Менинг шухратимни қуйлаб юриб, садху ҳеч қачон моддий изтиробларга дучор бўлмайди, чунки унинг ақлу-хаёли ҳамиша Менинг кароматларим ва эрмакларим ҳақидаги ўйлар билан банд. 24. Эй она, эй покдомон аёл, сенга барча моддий боғланишлардан пок бўлган буюк солиҳ инсонларнинг сифатларини таърифлаб бердим. Сен ана шундай муқаддас инсонлар билан ҳамсуҳбат бўлишга интилишинг керак, чунки фақат шундай инсонларга боғланишгина сени моддий боғланганишларнинг ҳалокатли таъсиридан қутқара олади. 25. Солиҳ инсонлар даврасида Худои Таолонинг эрмак ва кароматларини муҳокама қилиш қулоқларга лаззат ва қалбларга ором бағишлайди. Ўз вақтини шундай суҳбатларга сарфлаган киши озодликка элтувчи йўлдан илдам ҳаракат қилади, озодликка эришгач эса, унинг Парвардигорга бўлган боғланиши яна ҳам кучаяди. Ҳақиқий садоқат шу тарзда пайдо бўлади ва Худога садоқат билан хизмат қилиш шундан бошланади.

26. Худои Таолога хизмат қилиш ва солиҳлар даврасида суҳбатларга машғул бўлиб, инсоннинг нафақат ердаги, ҳатто жаннатдаги лаззатларга бўлган қизиқиши ҳам йўқолиб кетади, чунки ундай одамнинг ақли ҳамиша прнинг кароматлари ҳақидаги ўйлар билан банд бўлади. Кришнани, Худони англаш усули - сеҳр қудратини ривожлантиришнинг энг осон йўлидир; садоқатли хизмат қилишда қатъий, жиддий машғул бўлган киши ақлини бошқара билиш қобилиятига эга бўлади. 27. Моддий табиатнинг гуналарига хизмат қилишни тарк этиб, қалбида Кришна онгини ривожлантириб, илм ва таркидунёликка эга бўлиб, ақлини Худо Шахсига садоқат билан хизмат қилишда мужассам қилиш имконини берадиган йога билан машғул бўлиб, инсон ҳозирги ҳаётидаёқ Менга эришади, чунки Мен Худонинг Олий Шахси, Мутлақ Ҳақиқатман!

28. Худо Шахсининг насиҳатларини тинглаб, Девахути савол берди: -Сенинг нилуфар қадамларинг пойига садоқат билан хизмат қилиш имкониятига тез ва осон эришиш учун мен садоқатли хизмат қилишнинг қайси тури билан машғул бўлишим керак? 29. Сенинг айтишинг бўйича, сеҳрли йога усули Худонинг Олий Шахсига эришиш ва моддий тутқунликдан қутулиш учун керак экан. Илтимос, менга ана шу йога усулининг маъносини тушунтириб бер. Ана шу нодир илмга эришиш йўллари қандай, улар нечта? 30. Азиз ўғлим Капила, мен шунчаки бир аёлман. Ақлим заиф, шу боис Мутлақ Ҳақиқатни англаб етишим жуда қийин. Аммо, Сен Ўзинг менга Ҳақиқат ҳақида гапириб берсанг, ҳатто аёл бўлсам ҳам, Уни англаб оламан ва илоҳий бахтга эришаман.

31. Шри Майтрея шундай деди: - Онасининг илтимосини эшитиб, Капиладева унинг ниятини англади. Ўзи унинг қорнидан дунёга келганини англаган ҳолда, Капиладева Девахутига нисбатан меҳрибонлик қилиб, унга садоқатли хизмат қилиш ва сеҳрли йога илмларини мужассамлаштирувчи санхья фалсафасини гапириб берди.

32. Худо Шахси Капила шундай деди: - Ҳиссиётлар ҳар хил фаришталарнинг тимсоли, вакили бўлиб, табиатан улар Ведавий кўрсатмалар бўйича ҳаракат қиладилар. Худди ҳиссиётлар фаришталар тимсоли бўлгани сингари, инсоннинг ақли ҳам Худо Шахсининг тимсолидир. Хизмат қилишга мойиллик азалдан ақлнинг табиатига хос ҳислатдир, ва ана шу мойилликдан Худо Шахсига холис хизмат қилишда фойдаланиш - озодликка эришишдан ҳар томонлама афзалдир. 33. Худди ошқозонимизда ёнаётган ҳазм қилиш олови еган овқатимизни ёндириб юборгани сингари, бхакти, яъни Худога садоқат билан холис хизмат қилиш ҳам, ҳеч қандай қўшимча ҳаракатларсиз инсоннинг нафис танасини ёқиб юборади. 34. Менга садоқатли хизмат қилишдангина лаззат оладиган ва ҳамиша Менинг нилуфар қадамларим пойига хизмат қилиб юрадиган соф содикнинг қалбида ҳеч қачон Менга қўшилиб кетиш истаги пайдо бўлмайди. У холис хизмат қилиш йўлидан оғишмай бораверади ва Менинг эрмакларим ва кароматларимни бетиним шарафлаб юради. 35. Эй азиз она, содик хизматкорларим Менинг, энди чиқаётган қуёш рангли кўзларимни, қулиб турган юзимни ҳамиша кўзи билан кўриб юрадилар. Улар Менинг барча орзуларни рўёбга чиқарувчи кўплаб илоҳий қиёфаларимга меҳр-муҳаббат билан назар соладилар ва Менга қулоққа лаззат берувчи илтижолар билан мурожаат қилдилар. 36. Худои Таолонинг жозибали қиёфасини, қулиб турган юзини кўриб, ширин гапларини тинглаб, солиҳ инсон, атрофидаги нарсаларни умуман унутиб юборади. Унинг холис хизмат қилиш билан банд бўлган ҳиссиётлари бошқа ҳар қандай фаолиятни тарк этади. Шу тарзда у ўзи истамаган ҳолда, ҳеч қийналмасдан озодликка эришади.

37. Мен ҳақимдаги фикр-хаёлларга ғарқ бўлиб, содик ҳатто Сатьялока сингари олий сайёраларда мавжуд бўлган роҳат ва лаззатларга ҳам интилмай кўяди. Сеҳрли йога усулида эришиладиган моддий қобилиятлар уни ўзига жалб қила олмайди, у ҳатто Худонинг даргоҳига бориш учун ҳам интилмайди. Аммо, ўзи ҳам билмаган ҳолда, содик ҳозирги ҳаётидаёқ барча лаззатлардан ором олиб яшай бошлайди.

38. Худо Шахси давом этди: - Эй мухтарам она, шундай илохий бойликка эришган содиқлар ҳеч қачон ундан ажралиб қолмайдилар, чунки бу бойликларга на қурол, на вақт таъсир қилмайди. Содиқлар Мени ўзларига дўст, қариндош, ўғил, насиҳатгўй, халоскор ва олий Худо деб билганлари учун, эгаллаган бойликлари билан мангу лаззатландилар. 39-40. Менга, ҳар ерда мавжуд бўлган бутун оламнинг Худоси, Парвардигорга садоқатли хизмат қилиш қарориди қатъий, мустаҳкам турганлар жаннатга тушиш ёки бу дунёда бахтга эришиш ҳақидаги орзуларини унутиб юборадилар ва молдунё, бола-чақа, оила ва бошқа шу сингари моддий тана билан боғлиқ бўлган истакларидан воз кечадилар. Менинг марҳаматим билан ана шундай руҳ туғилиш ва ўлишлардан устун бўлган рухий оламга кўтарилади.

41. Тирик мавжудот то Мендан нажот топгунга қадар, бу чексиз туғилиб-ўлишларнинг бешафқат даҳшатидан қутула олмайди, чунки, Худонинг Олий Шахси, бутун борлиқнинг азалий яратувчиси ва барча жонзотларнинг олий Руҳи, қудратли Худои Таоло - Мен бўламан. 42. Бутун борлиқнинг ҳукмдори бўлган Менинг олдимда қўрққани сабабли шамол эсиб туради, Менинг олдимда титраб Қуёш порлайди ва булуғлар ҳукмдори, Индра Менинг олдимда даҳшатга тушиб, ерга ёмғир юборади. Мендан қўрққанидан олов ловуллайтиди, фақат Мендан қўрққани учун, ажал ҳар ерда ўз улушини тўплаб дунё кезиб юради. 43. Илохий илм ва таркидунёлик билан қуролланиб, йогалар Менга ҳолис хизмат қилиш билан машғул бўладилар, бу уларга мангу саодат келтиради. Шундай йоглар Менинг нилуфар қадамларим пойидан нажот топадилар, ва бутун борлиқнинг Худоси Мен бўлганим учун улар қўрқмас, жасур бўлиб, қалбида эзгу фазилатларни ривожлантириб, Худонинг даргоҳига киришга муносиб бўладилар. 44. Шунинг учун фикрлари Худои Таоло ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлган инсонлар ўзларининг бутун кучларини садоқат билан хизмат қилишга сарфлайдилар. Ҳаётда энг юксак камолотга эришишнинг ягона йўли ана шундай.

Йигирма олтинчи боб Моддий табиатнинг аввали

1. Худо шахси Капила давом этди: - Эй азиз она, Мен ҳозир сенга Мутлақ Ҳақиқатнинг ҳар хил кўринишларини таърифлаб бераман. Уларни англаб етган киши моддий табиат гуналари таъсиридан озод бўлади. 2. Илм - ўзликни англашнинг энг олий даражасидир. Ҳозир Мен сенга моддий оламга боғланиш ришталари тугунини узиб ташлайдиган ана шу илми баён қилиб бераман. 3. Худонинг Олий Шахси - бошланиш нуқтаси бўлмаган Олий Руҳдир. Худо Шахси моддий табиат гуналарига нисбатан илохийдир ва У моддий оламдан ташқарида жойлашган. Бутун борлиқ Ундан таралиб турган порлоқ нурдан, ёғду(брахмаджйоти)дан жой олган, ана шу порлоқ нур Унинг ҳамма ерда мавжудлигини ҳис қилиш имконини беради. 4. Буюқларнинг буюги, Худонинг Олий Шахси эрмак учун моддий табиатнинг уч гунаси яратган ва Вишну билан боғланган нафис моддий қувват ичига кирди. 5. Уч гуна томонидан кўплаб кўриниш ва шаклларга бўлинган моддий табиат тирик мавжудотларнинг ҳар хил турла-

рини яратади, ва тирик мавжудот буларни кўриб алданиб қолади. Бу алданишнинг манбаи – илми қоплаб олувчи алдамчи қувватнинг бир кўринишидир. 6. Ўзининг асл ҳолати(табиати)ни унутган илохий тирик мавжудот моддий қувватни ўзининг фаолият кўрсатадиган(яшайдиган) жойи деб ўйлайди, ва ана шу ноғўғри хулосадан келиб чиқиб, барча ҳаракатларни "ўзим бажараяпман" деб ўйлайди. 7. Моддий онг тирик мавжудотнинг бу оламда яшаётган, моддий қувват белгилаб қўйган шартланган ҳаётининг сабабчисидир. Гарчи илохий, рухий жонзот(руҳ)нинг моддий фаолиятга ҳеч қандай алоқаси бўлмаса ҳам, моддий қувватнинг таъсирига берилиб, у шартланган ҳаёт чангалига тушиб қолади. 8. Шартланган тирик мавжудотдаги моддий тананинг, танадаги хиссий органларнинг ва уларни бошқарувчи фаришталарнинг пайдо бўлишининг сабабчиси моддий табиатдир. Мукамал илмга эга одамларнинг барчасига бу ҳақиқат маълум. Ҳаётда бошидан кечириётган барча лаззат ва изтиробларининг сабабчиси эса, табиатан рухий бўлган тирик мавжудотнинг ўзидир!

9. Девахути шундай деди: - Эй Худо Шахси, Олий Шахснинг сифатлари ва Худои Таолонинг қувватлари ҳақида гапириб бер, чунки Худо ва Унинг қувватлари - намоён бўлган ва намоён бўлмаган оламларнинг азалий сабабларидир".

10. Худонинг Олий Шахси шундай деди: - "Намоён бўлмаган, уч гунанинг мангу мавжуд бирикмаси модданинг намоён бўлган ҳолатининг сабабчисидир ва у "прадхана" деб аталади. Намоён бўлган ҳолатида у "пракрити" деб аталади. 11. Беш кўпол ва беш нафис(латиф) моддий унсур, тўрт ички туйғу, беш қабул қилувчи(познаюших-сезувчи) ва беш ҳаракат қилувчи хиссиётларнинг бирикмаси "прадхана" деб аталади. 12. Беш кўпол унсур – ер, сув, олов, ҳаво ва эфир. Булардан ташқари бешта нафис унсур ҳам мавжуд: хид, таъм, ранг, тегиш(касание) ва товуш. 13. Сезувчи ва ҳаракат қилувчи органлар ҳаммаси ўнта: эшитиш органи, таъм билиш органи, терининг сезиш органи(осязание), кўриш органи, ҳид билиш органи ва фаол гапириш органи, ҳаракат органлари, шунингдек, тирик мавжудотнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, урчиб кўпайиш ва ахлат чиқариш органлари. 14. Ички нафис туйғулар тўрт кўринишда намоён бўлади: ақл(хаёл), тафаккур, эго(ўзлик) ва нопок онг кўринишларида. Уларнинг ҳар бирининг бажарадиган вазифаларига қараб уларни бир-биридан ажрата олиш мумкин, чунки уларнинг ҳар бири ўзини алоҳида намоён қилади ва ҳар хил маълум хусусиятларга эга. 15. Буларнинг ҳаммаси сифатларга эга Браҳман деб аталади. Вақт(замон) деб аталадиган боғловчи восита борлиқнинг йигирма бешинчи унсури деб ҳисобланади.

16. Моддий табиат билан қўшилиб шартланган ва алданиб қолган руҳ учун Худои Таолонинг ҳукмронлиги Замон кўринишида намоён бўлади. Замон сохта ўзлик таъсири остига тушиб қолган руҳга ажал кўрқинчини яратади. 17. Эй мухтарам она, эй Сваямбхунинг кизи, аввал айтганимдек, Замон – бу намоён бўлмаган табиатнинг уйғониши натижасида юзага келган Худо Шахсининг намоён бўлган қиёфасидир. 18. Ўзининг қувватлари ёрдамида Худои Таоло унсурларнинг ичида Олий Руҳ сифатида ва уларнинг ташқарисида мангу вақт кўринишида мавжуд бўлган ҳолда, ҳар хил моддий унсурларни бир-бирлари

билан бириктиради. 19. Худои Таоло Ўзининг ички қуввати ёрдамида моддий табиатни уруғлантиргандан сўнг, моддий табиат мужассам бўлган космик тафаккурни яратади, у Хиранмайя деб аталади. Бу жараён шартланган рухларнинг карма оқибат(тақдир)лари ҳаракатга келтирган моддий табиат ичида рўй беради. 20. Ана шу ранг-барангликни яратгандан кейин, бугун борликнинг негизи, ўзида барча коинотларни мужассам қилган ва ҳеч қачон йўқолмайдиган, ярқираган махат-таттва, ўзининг ёғдуси билан моддий оламнинг, емирилиш пайтида ўзини тўсиб қўядиган зулмат қоронғулигини қамраб олади. 21. Шунда махат-таттванинг ичида Худо Шахси онгининг тиник, беғубор ҳолатининг тимсоли бўлган эзгулик гунаси намоён бўлади. Буни одатда "васудева" ёки онг деб атайдилар.

22. Бу кўринишлар махат-таттва юзага келгандан кейин бир вақтда пайдо бўлди. Сув ўзининг ер билан аралашмаган асл ҳолида тоза, ширин ва беғубор бўлгани сингари соф, булганмаган онг ҳам сокин, беғубор ва бир жойда мужассам бўлади. 23-24. Махат-таттва Худо Шахсининг шахсий қувватидан яралади. Моддий(сохта) ўзлик(эго) махат-таттвдан пайдо бўлади. Моддий эго энг аввало уч турли сифатга эга бўлган яратувчи қувватларга эга: эзгулик, ҳирс ва ғофиллик сифатларига. Моддий эгонинг мана шу уч кўриниши ақлини, сезги органларини, ҳаракат қилиш органларини ва кўпол моддий унсурларни яратади. 25. Моддий унсурларнинг, ҳиссиётнинг ва ақлнинг манбаи бўлган уч кўринишдаги сохта ўзлик, аханкара улардан фарқ қилмайди, чунки уларнинг сабабчисидир. Аханкарани Санкаршана деб атайдилар, У мингбошли аждар киёфасидаги Худованд Анантадир. 26. Мана шу аханкара, сохта ўзлик, ўзини "фаолият кўрсатувчи", фаолият кўрсатувчи "восита" ва унинг "натижа"си сифатида намоён қилади. Бунда сохта ўзлик эзгулик, ҳирс ва ғофиллик гуналаридан қайси гуна таъсири остида ҳаракат қилишига қараб осойишта, фаол ва пассив ҳолатда бўлиши мумкин.

27. Эзгулик гунаси таъсири остидаги сохта ўзлик ҳам ўз навбатида (трансформация) ҳолатини ўзгартириши натижасида ақл пайдо бўлади, ақл яратган фикрлар ва киёфалар эса, бизларнинг орзу-истакларимизни шакллантиради. 28. Тирик мавжудотнинг ақлини Худованд Анируддха, яъни "ҳиссиётлар ҳукмдори" деб ҳам аташади. Унинг кўкимтир-қора танази кузда очиладиган нилуфар гулини эслагани, ва йогалар йўлидан бораётганлар аста-секин Уни англаб олади.

29. Эй покдомон аёл, сохта ўзликнинг ҳирс гунаси таъсири остида ўзгариши тафаккурнинг пайдо бўлишига олиб келади. Тафаккурнинг вазифаси тирик мавжудот сезган нарсаларнинг табиатини аниқлаш ва унинг ҳиссиётларига ёрдам беришдир. 30. Ҳар хил вазифаларни бажарувчи гумонлар, адашишлар, аниқ таассуротлар, хотира ва уйқу, тафаккурга хос белгилардир. 31. Ҳирс гунасидаги сохта ўзлик(эгоизм) икки хил ҳиссиёт пайдо қилади: сезувчи ва ҳаракат қилувчи. Ҳаракат қилувчи ҳиссиётлар ҳаёт қуввати билан, сезувчи ҳиссиётлар эса, тафаккур билан боғланган. 32. Худои Таолонинг жинсий қуввати ғофиллик гунаси таъсири остидаги сохта ўзликни ҳаракатга келтирганида, табиатан нозик бўлган товуш(эшитиш объекти) пайдо бўлади, ундан эса эфир ва эшитиш органи пайдо бўлади. 33. Ҳақиқий илм соҳиби бўлган донишмандлар

товушни бирор нарса ҳақида "таассурот ҳосил қилувчи", кўзимизга кўринмай турган гапирувчининг мавжудлигини билдирувчи ва эфирнинг нозик кўриниши бўлган субстанция деб аниқлайдилар. 34. Эфирнинг вазифаси ва белгилари шундан иборатки, у барча тирик мавжудотларнинг ички ва ташқи мавжудлик масканидир, яъни ҳаёт нафасининг, ҳиссиётнинг ва ақлнинг фаолият кўрсатиш майдонидир. 35. Товушни пайдо қилган эфирдан вақт таъсири остида ўзгариши натижасида табиатан нозик бўлган терининг сезиш(осязания) объекти(касания), ундан эса, ҳаво ва сезиш органи пайдо бўлади.

36. Қаттиқлик ва юмшоқлик, иссиқ ва совуқ сингари белгилар ҳавонинг нозик кўриниши бўлган (осязание) терининг сезиш ёрдамида қабул қилинадиган сезгилардир. 37. Ҳаво барча сезиш органларининг ҳаракатини, аралашини ва нормал ҳолатда фаолият кўрсатишини таъминлайди. Шунингдек у товуш объектларига яқинлашиш ва ҳиссиётларнинг бошқа объектларининг жойларини ўзгартириш имконини яратади. 38. Ҳавонинг сезиш туйғулари билан ўзаро ҳаракати натижасида тирик мавжудот ўзи учун Тақдир яратиб қўйган турли хил таналардан бирига эга бўлади. Бу таналар ривожланиб оловни келтириб чиқаради, ва кўз рангларни ажратиб уларни кўра бошлайди.

39. Эй азиз она, шакл - ўлчамлари, сифатлари ва алоҳидалиги, ягоналиги(индивидуальность) билан белгиланади. Оловнинг шакли ундан чиқаётган ёғду ёрдамида қабул қилинади. 40. Олов таратаётган ёғдуси билан, овқатни қайнатиши ва ҳазм қилиши, қиздириш, буғлантириш, очлик ва чанқоқлик пайдо қилиши, уларни қониқтириш қобилиятлари билан белгиланади. 41. Олий ҳукмга бўйсунган ҳолда олов кўриш ҳисси билан қўшилиб табиатан нозик бўлган таъм билиш объектини ҳосил қилади. Ана шу таъмдан сув, шунингдек таъмни сезадиган орган – тил пайдо бўлади. 42. Ҳар хил унсурлар билан бирикиб, азалдан бир хил(единий) ягона бўлган таъм ҳар хил кўринишларга киради ва боғловчи, ширин, аччиқ, ачиган ва шўр сифатларига эга бўлади. 43. Сув бошқа унсурларни хўллаш, ҳар хил унсурларнинг аралашини ёрдам бериш, мамнуният ҳиссини уйғотиш, ҳаётни таъминлаш, нарсаларни юмшатиш, иссиқни тушириш, ҳавзаларни бетиним тўлғазиш ва тозалаш, чанқоқни босиш қобилиятларига эга. 44. Олий Зот амрига бўйсуниб, сув таъм билан бирикади ва ҳиднинг нозик унсурини юзага келтиради. Натижада ер ва ҳид билиш органи пайдо бўлади. Биз бу орган ёрдамида ерга мансуб бўлган ҳар хил ҳидларни сезамиз. 45. Ягона ҳид бошқа унсурларнинг унга қай даражада қўшилганига қараб, ҳар хил кўринишларда намоён бўлади: аралаш, қўланса, ёқимли, кучли, кучсиз, ачиган ва ҳоказо. 46. Ернинг хусусиятлари Олий Брахманнинг кўринишларини яратишда, уй қуришда, сув сақланадиган кўзалар тайёрлашда ва бошқа ишларда намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда ер - қолган бошқа барча унсурларнинг макон топган жойидир. 47. Товушни қабул қиладиган ҳиссиёт (слуҳ) эшитиш деб аталади. Тегиш(касание)ни сезиш - терининг сезиши(осязание) деб аталади. 48. Оловга хос бўлган белги - киёфани ҳис қилиб, қабул қиладиган ҳиссиёт (зрение) кўриш деб аталади. Сувга хос бўлган таъмни сезиш туйғуси (вкус) - таъм билиш деб аталади. Ерга хос бўлган хусусият – ҳидни сезадиган туйғуни ҳид билиш(обоняние) деб аталади. 50. Мана шу унсурларнинг

барчаси соф ҳолида мавжуд бўлган пайтда Худои Таоло, бутун борлиқнинг манбаи бўлган Худо Шахси замон, фаолият ва моддий табиатнинг гуналари билан бирга, етти унсурдан таркиб топган моддий қувватнинг мужассам шакли билан тўлган коинот ичига кирди. 51. Худо Шахсининг амри билан ҳаракатга келиб, бири-бири билан бириккан етти принципдан, тафаккурга эга бўлмаган тухум пайдо бўлди, ўз навбатида ундан Космик Мавжудот пайдо бўлди. 52. Мана шу космик тухумни, яъни тухумсимон кўринишдаги борлиқ "моддий қувватнинг намоён бўлиши" деб аталади. Бири-биридан қалин бўлган сув, ҳаво, олов, осмон, эго ва махат-гатта қобиклари коинотни ўраб туради. Ҳар бир қобик олдингисидан ўн баробар қалинроқ, энг охириги, сиртки қобик прадханадан иборат. Ана шу тухумсимон коинотнинг ичида Худои Таоло Харининг фазовий қиёфаси жойлашган, ва планеталарнинг ўн тўрт тизими Унинг танасининг аъзоларидир.

53. Худонинг Олий Шахси, вира-пуруша, сувда ётган мана шу олтин тухум ичига кирди ва уни кўплаган бўлақларга бўлиб ташлади. 54. Аввало Унинг оғзи пайдо бўлди, кейин нутқ органи ва у билан бирга мана шу органи бошқарувчи олов фариштаси пайдо бўлди. Кейин Унинг икки бурун тешиги, уларнинг ичида эса ҳаёт нафаси - прана билан бирга ҳид сезиш ҳисси пайдо бўлди. 55. Ҳид сезиш туйғуси билан бирга уни бошқарувчи шамол фариштаси пайдо бўлди. Кейин фазовий қиёфанинг икки кўзи, кўзлар билан бирга кўриш қобилияти пайдо бўлди. Кўриш(зрение) билан бирга уни бошқарувчи Куёш фариштаси пайдо бўлди. Шундан сўнг фазовий қиёфанинг икки қулоғи, уларда эшитиш қобилияти(слух), унинг ичида эса Диг-девати – олам тарафларини бошқарувчи фаришта пайдо бўлди. 56. Кейин, Худо Шахсининг фазовий қиёфаси, вира-пуруша терини яратди, унда сочлар, соқол мўйловлар ўсиб чиқди. Шундан сўнг барча майсалар ва доривор ўсимликлар пайдо бўлди, кейин фазовий қиёфанинг жинсий органлари пайдо бўлди.

57. Шундан сўнг уруғ(насл қолдириш хусусияти) ва сувларга ҳукмронлик қилувчи фаришта пайдо бўлди. Шундан сўнг йўғон ичак, кейин ахлат чиқариш қобилияти ва олдида бутун коинот титраб турадиган Ажал фариштаси пайдо бўлди. 58. Кейин Худои Таолонинг фазовий қиёфасида икки қўл, улар билан бирга нарсаларни ушлаш қобилияти, фаришта Индра пайдо бўлди. Кейин фазовий қиёфанинг оёқлари ўсиб чиқди ва улар билан бирга ҳаракатланиш хусусияти пайдо бўлди. Кейин Худо Шахси Вишну пайдо бўлди. 59. Шундан сўнг фазовий танада веналар ва қизил таначалар, яъни қон пайдо бўлди. Улар билан бирга дарёлар(веналарни бошқарувчи фаришта), фазовий қиёфанинг қорни пайдо бўлди. 60. Кейин коинотда очлик ва чанқоқлик туйғуси пайдо бўлди, улар билан бирга океанлар пайдо бўлди. Кейин фазовий қиёфанинг юраги пайдо бўлди, кейин унда ақл юзага келди. 61. Ундан кейин дунёда Ой пайдо бўлди. Кейин тафаккур(заковат, фаросат) пайдо бўлди, кейин Тангри Браҳма пайдо бўлди. Ундан сўнг сохта ўзлик(эго), кейин Тангри Шива, ундан сўнг онг ва уни бошқарувчи илоҳ пайдо бўлди. 62. Дунёга келганларидан сўнг, ҳар хил ҳиссиёт органларини бошқарувчи фаришталар ва илоҳлар ўзларини дунёга келтирган Зотни уйғотмоқчи бўлдилар. Аммо, бунинг уддасидан чиқа олмаганларидан сўнг, Уни уйқудан уйғотиш учун бирин-кетин Ви-

рат-пурушанинг танаси ичига кирдилар. 63. Олов фариштаси нутқ органи билан бирга вира-пурушанинг оғзига кирди, лекин Уни уйғота олмади. Шамол фариштаси ҳид билиш хусусияти билан бирга Унинг бурун тешиқларига кирди, аммо вира-пуруша шунда ҳам уйғонишни истамади. 64. Куёш фариштаси кўриш хусусияти билан бирга вира-пурушанинг кўзига кирди, вира-пуруша уйқусида давом этаверди. Ундан сўнг дунёнинг тарафларини бошқарувчи илоҳ эшитиш қобилияти билан Унинг қулоқларига кирди, лекин У шунда ҳам уйғонмади. 65. Тери, доривор ўсимликлар ва бошқа майсаларни бошқарувчи илоҳлар, терини қопловчи соч ва туклар билан бирга вира-пурушанинг терисига кирдилар, шунда ҳам Космик мавжудот уйғонишни истамади. Сувларга ҳукмронлик қилувчи илоҳ уруғлар билан бирга Унинг жинсий органига кирди, аммо вира-пуруша уйқусида давом этарди. 66. Ажал фариштаси ахлат чиқариш қобилияти билан бирга Унинг йўғон ичагига кирди, аммо барибир вира-пурушани фаолиятга уйғота олмади. Фаришта Индра ушлаб туриш ва ташлаш хусусияти билан бирга Унинг қўлларига кирди, аммо вира-пуруша уйқусида давом этаверди. 67. Тангри Вишну ҳаракат қилиш қобилияти билан бирга Унинг товонларига кирди, лекин шунда ҳам вира-пуруша уйғонишни истамади. Дарёлар қон ва қон айланиш хусусияти билан бирга Унинг томирларига кирди, аммо Космик мавжудот ҳатто қимирламади ҳам. 68. Океан очлик ва чанқоқлик билан бирга Унинг қорнига кирди, шунда ҳам космик мавжудот уйғонишни истамади. Ой фариштаси ақл билан бирга Унинг юрагига кирди, лекин у ҳам вира-пурушани уйғота олмади. 69. Браҳма тафаккур билан бирга Унинг қалбига кирди, лекин у ҳам космик мавжудотни уйғота олмади. Тангри Рудра ҳам эго билан бирга Космик Мавжудотнинг қалбига кирди, лекин У ҳатто қимир этмади. 70. Аммо, ички ҳукмдор, онгни бошқарувчи илоҳ, руҳ тафаккур(рассудок) билан бирга Унинг қалбига кирганида Космик мавжудот шу заҳотиёқ Сабаблар уммони сувларидан юқори кўтарилиб, уйғонди.

71. Инсон ухлаганида унинг моддий нарсаларидан бирортаси ҳам – на ҳаёт қуввати, на ҳис қилувчи ва ҳаракатланувчи ҳиссиётлари, на ақли ва на тафаккури - уни уйқудан уйғотишга қодир эмас. Унга уйқудан уйғонишга фақат Олий Рух ёрдам бера олади. 72. Шундай қилиб, Худога садоқатли холис хизмат қилиш билан бутунлай машғул бўлиб, инсон қалбида Худои Таолога нисбатан садоқат, моддий оламга нисбатан таркидунёлик ҳиссини ривожлантириши лозим. Бир вақтнинг ўзида ҳам ўзининг қалбида, ҳам ундан ташқарида мавжуд бўлган Олий Рухда ақлини мужассам қилиш учун инсон руҳий илмга эга бўлиши керак.

Йигирма еттинчи боб Моддий табиатни англаб етиш

1. Худо Шахси, Капила хикоя қилишда давом этди: - Табиатан ўзгармас бўлган тирик мавжудот эгаллик(хўжайинлик) қилиш туйғусидан халос бўлганида, моддий табиат гуналари таъсири остидан чиқади ва гарчи ҳали ўзининг моддий танаси ичида турган бўлса ҳам, куёш ҳаминша ўзининг сувдаги соясидан узоқда қолгани сингари, табиат гуналарининг ўзаро фаолияти-

да иштирок қилмайди. 2. Руҳ моддий табиатнинг алдамчи қуввати ва сохта ўзлик таъсири остига тушиб қолганида, ўзини моддий танага қиёслаб, моддий фаолиятга бутунлай берилиб кетади ва аслида сохта ўзлик таъсири остида қилаётган меҳнатларининг барча натижаларини ҳақиқатан ҳам "ўзиники" деб ҳисоблай бошлайди. 3. Шу тарзда, моддий табиат гуналари таъсири остида шартланиб қолган руҳ, ҳар хил олий ва қуйи ҳаёт шаклларида, бир танадан иккинчи танага кўчиб юраверади. То моддий фаолиятни тарк этмагунча, у мана шундай ҳолатда қолишга, шу ҳолати билан қаноатланишга мажбур бўлади, чунки унинг фаолияти нопоклигича қолаверади. 4. Аслини олганда, тирик мавжудот моддий оламга нисбатан илоҳийдир, аммо моддий табиат устидан хукмронлик қилиш истаги уни бу моддий мавжудликни тарк этиш имкониятидан маҳрум қилади, ва у худди тушидаги сингари, ҳар хил изтиробларни бошидан кечиришга мажбур. 5. Ҳар бир шартланган руҳнинг вазифаси – ҳар қандай моддий боғланишларни тарк этиб, ҳиссий лаззатларга боғланиб қолган нопок онгини Худо Шахсига ҳолис хизмат қилиш билан машғул қилишдир. Шундагина тирик мавжудот ўзининг ақлини ва онгини тўла бошқара олади. 6. Йога ёрдамида ақли ва ҳиссиётларини жиловлаб олиб, чуқур иймонга эга бўлиши, Менга ҳамду-санолар айтиб, Мен ҳақимдаги ҳикояларни тинглаб, инсон Менга ихлос билан холис хизмат қилиш даражасига кўтарилиши керак. 7. Садоқатли хизмат қилиш билан машғул бўлган киши барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўлиши, ҳеч кимни ўзига душман деб билмаслиги ва ҳеч кимга қаттиқ боғланиб қолмаслиги керак. У ҳамиша поклигини сақлаши, камгап бўлиши ва меҳнатининг барча маҳсулини Худои Таолога қурбон қилиб, ўзининг мангу бурчини адо қилиши лозим. 8. Солиҳ инсон қаттиқ қийинчиликларсиз, ўз ўзидан келадиган даромад билан қаноатланиши, керагидан ортиқ нарса истеймол қилмаслиги керак. У хилват жойда жойлашиши, ҳамиша фикрини бир жойга тўплаб, қалби осойишта, барчага дўст, раҳмдил бўлиб, ўзининг ҳақиқий ўзлигини англаган ҳолатда бўлиши керак.

9. Руҳ ва модда ҳақидаги илмни эгаллаб, солиҳ инсон шу илм асосида ўзининг дунёқарашини уйғунлаштириши керак. У ўзини моддий танаси билан кўр-кўрона қиёсламаслиги ва танаси билан боғлиқ бўлган нарсаларга боғланиб қолмаслиги лозим. 10. Солиҳ инсон моддий онгининг барча сатҳларидан илоҳий даражага кўтарилиши, борлиқ ҳақидаги барча тахминий "илм"лардан четланиши лозим. Шу тарзда, сохта ўзликдан қутулган ҳолда, у ўзининг ҳақиқий ўзлигини – руҳи, жонини, худди осмонда чарақлаётган қуёшни кўргандек яққол кўриши керак. 11. Озодликка эришган руҳ илоҳий Худо Шахсини, акс тасвир сифатида, ҳатто сохта ўзликда ҳам мавжуд бўлган Худонинг Муғлақ Шахсини англай олади. Худои Таоло бутун борлиқнинг мавжудлик сабабининг асосидир ва бутун борлиқ таркибига киради. У – муғлақ, ягона Парвардигор, алдамчи қувватнинг кўзларидир. 12. Гарчи қуёшнинг ўзи осмонда бўлса ҳам, унинг сувдаги аксини ва ана шу акс-тасвир нурларининг девордаги жилосини кўриб ҳам, қуёшнинг мавжудлигини ҳис қилиш мумкин. Худои Таолонинг, Худо Шахсининг мавжудлигини ҳам шу тарзда англаб олиш мумкин. 13. Шу тариқа, ўзлигини англаган руҳ, аввало уч кўринишдаги эго(ўзлик)да, кейин танада, ҳиссиётларида ва ақлида

акс этиб намоён бўлади. 14. Гарчи солиҳ инсон(содик хизматкор) беш моддий унсурга, моддий лаззатланиш объектларига, моддий ҳиссиётларга, моддий ақл ва тафаккурга ғарқ бўлгандай туюлса ҳам, уни "ғафлат уйқусидан уйғонган ва сохта ўзликдан халос бўлган" деб ҳисоблаш керак. 15. Тирик мавжудот ҳақиқий кузатувчини яққол сезиш қобилиятига эга, аммо қаттиқ уйқуга кетганида унинг эгоси(ўзлиги) йўқолгани(эсидан чиққани) учун, у адашганидан ўзлигини йўқотгандек ҳис қилади. Унинг бу ҳолати, худди катта бойлигини йўқотган одамнинг "энди тамоm бўлдим!" деб изтироб чекаётганига ўхшайди. 16. Илоҳий илмга эга бўлган инсон ҳақиқий ўзлиги("мен")ни англаб етганида, сохта ўзлик таъсирга берилиб, ўзининг ҳозирги тушиб қолган ҳолати унинг ўзига яққол намоён бўлади.

17. Шри Девахути яна савол берди: - Эй азиз браҳман, моддий табиат шартланган руҳни ўзининг чангалидан озод қилиб юборишининг имкони борми? Улар бир-бирларига мангу боғланган бўлса, уларни қандай қилиб бир-биридан ажратиш мумкин? 18. Худди ернинг ҳиди ердан ажралган ҳолда, сувнинг таъми сувсиз мавжуд бўла олмасини сингари, тафаккур ҳам онгдан ажралган ҳолда мавжуд бўла олмайди-ку. 19. Тирик мавжудот, барча ҳаракатларнинг пассив бажарувчиси бўлган руҳ, ўзини боғлаб олган моддий табиат таъсири остига тушиб қолган бўлса, у қандай озодликка чиқа олади? 20. Гарчи инсон борлиқ ҳақидаги фикрларга берилиб, бироз вақтга ўзининг моддий тутқунликдаги ачинарли ҳолатидан халос бўлгани билан, у яна шу тутқунликка мубтало бўлади, чунки тутқунликнинг асл сабаби, илдизи ҳали йўқолиб кетгани йўқ-ку?

21. Парвардигор, Худо Шахси шундай деб жавоб берди: -Агар инсон Менга садоқатли хизмат қилиш билан жиддий шуғулланса, узоқ вақт, Мен ҳақимдаги ҳикояларни мунтазам тинглаб юрса, Менинг айтган гапларимга амал қилиб юрса, у албатта озодликка эришади. Шу тарзда, муқаддас китобларда ўзи учун белгиланган вазифаларини адо этиб юрган киши қилаётган ишларининг (карма) оқибатидан бутунлай халос бўлади ва моддийлик ботқоғидан озодликка чиқади. 22. Садоқатли хизмат қилиш билан жиддий, қатъият билан, мукаммал илмга асосланиб, илоҳий нуктаи-назарга эга бўлиб шуғулланиш керак. Содик ҳар қандай моддий нарсалардан сўзсиз воз кечиши, риёзатга берилиши ва ҳақиқий ўзлигига ғарқ бўлиши учун (сеҳрли) йога билан шуғулланиши керак. 23. Моддий табиат гуналарининг таъсири остига тушиб қолган тирик мавжудот, худди олов ичига тушиб қолгандай ҳолатда бўлади. Аммо, оловни келтириб чиқарган таёқчалар ҳам шу оловда ёниб кетгани сингари, садоқатли хизмат қилиш ёрдамида жиддий машғул бўлиб, у бу таъсир чангалидан халос бўлиши мумкин. 24. Моддий табиат устидан хукмронлик қилиш истагининг бемаъни, эришиб бўлмайдиган орзу эканлигини англаб етиб ва ундан воз кечиб, тирик мавжудот озодликка эришади ва ўзининг тўла улғворлигида намоён бўлади. 25. Тирик мавжудот ухлаётганида унинг онги жуда хиралашган бўлади, ва у ҳар хил тушларни кўради. Аммо, уйғонганида у ўзининг равшан онгига эга бўлади ва тушида кўрганларига жиддий эътибор бермай кўяди. 26. Шунга ўхшаб, мукаммал илмга эга бўлган руҳга моддий табиат ҳеч қандай зарар етказа олмайди. Шундай руҳ, ҳатто моддий фаолият билан машғул бўлиб юрса ҳам, унга

Мутлақ Ҳақиқатнинг асл табиати маълум ва шу боис унинг ақлу-хаёли ҳамиша Худои Таолода мужассам бўлади. 27. Инсон узоқ йиллар ва кўп умрлар давомида садоқатли холис хизмат қилиш билан машғул бўлганида ва ҳақиқий ўзлигини англашга интилиб яшганида моддий сайёраларнинг бирортасидаги, ҳатто Брахмаलोка деб аталадиган энг олий сайёрадаги ҳаётдан лаззатланиш истаги ҳам уни тарк этади. 28-29. Менинг бениҳоя, бесабаб марҳаматим туфайли содиқ хизматкорим ҳақиқий ўзлигини англаб олади ва, ҳар қандай гумонлардан халос бўлиб, ўзига тайёрлаб қўйилган, соф лаззатланиш кувватим ҳукмронлиги остида бўлган даргоҳга шиддат билан яқинлашиб боради. Мана шу – ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳаётда интилиши лозим бўлган энг олий максад ва камолотнинг энг буюк чўққисидир. Моддий танасини тарк этгандан кейин сеҳргар-содиқ(Менинг содиқ хизматкорим) илохий даргоҳга эришади ва бу моддий оламга ҳеч қачон қайтиб келмайди. 30. Йога билан шуғулланиш жараёнининг қўшимча(иккинчи даражали), ташқи энергиянинг кўринишлари бўлган натижалари(ҳар хил сеҳрли, мўъжизавий қобилиятлар) мукамал йогнинг диққат эътиборини тортмайдиган бўлганида, унинг йўлидаги барча қаршиликлар исиз йўқолиб, у Менга эришади, ва натижада ўлим(ажал) унга ўз ҳукмини ўтказа олмайди.

Йигирма саккизинчи боб.

Садоқатли хизмат қилиш жараёни ҳақида Худо Шахси Капиланинг онасига берган насихатлари

1. Худонинг Олий Шахси шундай деди: - Эй азиз онажон, эй малика, энди Мен инсонга ўзининг ақлини жиловлаб, бир жойда мужассам қилиш имкониятини берадиган йога машғулотни ҳақида гапириб бераман. У билан шуғулланган кишининг қалби кувончга тўлиб юради ва Мутлақ Ҳақиқатга эришишга олиб келадиган йўлдан адашмай олға боради. 2. Инсон муқаддас китобларда белгиланган ўзининг вазифаларини имкони борича виждонан бажаришга интилиши ва ўзгаларнинг вазифасини бажаришга қўл урмаслиги лозим. У Худонинг марҳамати билан эришган нарсаларига қаноат қилиши ва руҳий устозининг нилуфар қадамлари пойига таъзим қилиши керак. 3. Киши дунёвий, диний ақида ва маросимларни ўтказишни тарк этиши ва ўзининг бутун диққат-эътиборини озодликка олиб чикувчи илохий жараёнга қаратиши керак. Камолотнинг олий чўққисига эришиш учун у кам овқатланиши ва ёлғиз ҳаёт кечириши лозим. 4. Йог бошқа тирик мавжудотларга озор бермаслиги ва ўғирлик қилмаслиги, у тўғри сўзли бўлиши, фақат ҳаёт учун энг зарур бўлган нарсалар билан қаноатланиши, жинсий ҳаётни тарк этиши, риёзат чекиши, тозалликка риоя қилиши, Ведаларни ўрганиши ва Худо Шахсининг қиёфаси(мурти, арча-виграха, Илох)га сажда қилиши керак. 5. Йог (бекорчи, бемаъни гапларни гапирмасликка) сукут сақлашга қасам ичиши керак. Ҳар хил ҳолатларда ўтириб ақлининг тиниқ(осойишта)лигига эришиши, кейин нафаси ва ҳаёт нафасини бошқаришни, ҳиссиётини жалб қиладиган нарсалардан ўзини узоқ тутиши ва шу тарзда ақлини қалбида мужас-

сам қилишни ўрганиши лозим. 6. Ҳаёт нафасини танада айланиб турадиган олти нуқталаридан бирига йўналтириб, ўзининг фикру-хаёлини Худо Шахсининг илохий ўйинларида мужассам қилиб, йог ақлининг самадхи ҳолатига эришади. 7. Ҳамиша моддий лаззатларга интиладиган, булганган ва жиловланмаган ақлини мана шу усул билан, ёки муқаддас китобларда келтирилган бошқа йўллар ёрдамида ўзига бўйсундириши ва Худо Шахси ҳақидаги ўй-мулоҳазаларга ғарқ бўлиши лозим. 8. Ақлини жиловлаб ва асаналарни бажаришга ўрганиб, йог хилват, муқаддас жойга бориши, у ерда тўшак тўшаб, қулай ҳолатда ўтириб олиши, қоматини тик тутиб, нафас олиш машқларини бажаришга киришиши лозим. 9. Ҳаёт нафаси айланиб юрадиган каналларни тозалаш учун йог қуйидагича нафас олиши лозим: аввал жуда чуқур нафас олиши, нафасини анча вақт ичида сақлаб туриши, кейин нафасини чиқариши керак. Буни тескари тартибда ҳам қилиш мумкин: нафасни тўла чиқариш, анча вақт нафас олмай туриш ва кейин нафас олиш. Бу ақлининг осойишта бўлишига, унинг ташқи таъсирларга берилмаслигига ёрдам беради. 10. Шундай нафас олиш машқларини бажариб юрадиган йоглар, оловга қўйилган олтиннинг бошқа ҳар хил нарсалардан дарров тозалангани сингари, ҳаёлида кечадиган ҳар хил ташвиш ва безовталиклардан тезда халос бўладилар. 11. Пранаяма билан машғул бўлиб, киши танасини нопокликлардан тозалайди, ақлини бир жойда тўплаш ёрдамида эса, қилган барча гуноҳларининг оқибатларидан покланади. Ҳиссиётларини жиловлаб олиб, у ўзининг моддий олам билан бўлган алоқаларини узади, Худо Шахсига муроқабат қилиш билан эса, уч хилдаги моддий боғланишларидан қутулади. 12. Йога машғулотни ёрдамида инсон ақлини бутунлай поклаганида, кўзларини ярим юмган ҳолда, нигоҳини бурнининг охири(кўзлари ўртаси)га тикиши ва Худо Шахси қиёфасини ҳаёлида кўз олдига келтириши лозим.

13. Парвардигорнинг нилуфарсимон сиймоси нурафшон, кувончли ёғду таратиб туради. Худо Шахсининг кўзлари нилуфар гулбарги сингари, қизғишранг, танаси эса қорамтир, ҳаворанг нилуфар кўринишида. Уч қўлида У сур, халқа ва гурзи ушлаб туради. 14. Унинг бели нилуфар гулининг чанглари сингари сариқ, ялтироқ мато билан ўралган, кўксига оқ соч толаларидан ясалган Шриватса белгиси, бўйнига эса, қимматбаҳо Каустубха гавҳар маржони осилган. 15. Худо Шахсининг бўйнига қимматбаҳо марварид тақинчоқ ва ажойиб ўрмон гулларидан қилинган гулчамбар осилган. Гулчамбар атрофида, унинг хушбўй ҳидидан маст бўлган асаларилар галаси айланиб, гувиллаб юради, бошида чиройли тожи бор, билакларига, қўлларига билагузуклар осилган.

16. Бели ва сонларига белбоғлар осилган Худо Шахси Ўз содиғининг қалб нилуфаридан жой олган. Унинг мафтункор гўзаллиги ва осойишта сиймоси нигоҳларни кувонтиради ва Уни кўриб турган содиқларнинг қалбини яйратади. 17. Худои Таоло ҳамиша мафтункор гўзал ва коинотдаги сон-саноксиз сайёраларнинг бутун аҳолиси Унга сажда қиладди. У ҳамиша навқирон ва содиқ хизматкорларидан ҳеч қачон Ўз марҳаматини аямайди. 18. Унинг ўчмас шон-шуҳратини ҳамма ерда шарафлаб қўйлайдилар, чунки Унинг бу шуҳрати содиқларни улуғлайди. Шунинг учун содиқ Парвардигорни ва Унинг содиқларини муроқабат, мушоҳада

килиши керак. У ўзининг фикру хаёлини бутунлай Худо Шахсининг мангу қиёфасида жамлаши ва акли барқарор осойишталикка эришгунга қадар мууроқабага берилиши зарур. 19. Садоқатли хизмат қилиш жараёнига ғарқ бўлган йог шу тарзда Худо Шахсининг қандай туришини, ҳаракат қилишини ёки ўз қалбидан қандай жой олганини яққол кўради, чунки Худо Шахсининг қиладиган эрмаклари ҳамиша мафтункор гўзалликка ва хайратга солувчи сифатларга тўла. 20. Худо Шахсининг мангу қиёфасига мууроқаба қила туриб, йог бирдан Унинг танасининг ҳамма қисмларига нигоҳ ташламаслиги, бинобарин ўз аклини уларнинг ҳар бирида алоҳида мужассам қилиши зарур. 21. Энг аввало содиқ ўз аклини Унинг яшин, (санчки)стрекала, байроқча ва нилуфар белгилари безаб турган нилуфар қадамлари пойида жам қилиши лозим. Унинг марваридсимон тирноқларидан таралаётган, кўринишидан ойни эслатувчи ёғду инсон қалбини қамраб олган зулмат пардасини ёритиб, ойдинлаштириб юборади. 22. Бир пайтлар Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойини ювган сувдан оқиб келаётган муқаддас Гангани боши узра қабул қилиб, ҳатто марҳаматли Тангри Шива покланади. Худо Шахсининг пойи қадамлари, мууроқабага берилган содиқнинг хаёли(акли)да пайдо бўладиган гуноҳлар тоғини яқсон қилиш учун яратилган яшинга ўхшайди. Шунинг учун йог узок вақт давомида Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойига мууроқаба қилиши зарур. 23. Йог равнақ фариштасининг, барча фаришталар сигинадиган ва фаришталар сардори Браҳманинг онаси бўлган Лакшмининг кўрсатган кароматларини қалбида жо қилиб олиши лозим. Равнақ фариштаси ҳамиша Худо Шахсига завқ билан хизмат қилиб, Унинг оёқ ва сонларини силаш билан машғул.

24. Кейин йог аклини барча қувватлар манбаи бўлган Худо Шахсининг сонларида жамлаши керак. Гаруданинг елкасида ўтирганида, Худо Шахсининг ҳаворанг сонлари жуда чиройли кўринишга эга. Худо Шахсининг юмалоқ сонлари, тўпиқларигача тушиб турадиган қимматбаҳо ипак либоси устидан белбоғ билан боғланган. 25. Шундан сўнг йог Худо Шахсининг қорни ўртасидаги ойсимон киндигини мууроқаба қилиши керак. Бутун коинотнинг асоси ҳисобланган Унинг киндигидан нилуфар гули ўсиб чиқади, ана шу нилуфар гулида барча сайёралар тизими мужассам бўлган. Мана шу нилуфар гули, яралган тирик мавжудотлар ичида энг биринчи бўлган Тангри Браҳманинг маконидир. Ундан кейин йог ўз фикрини Худо Шахсининг кўксидagi сутдек оппоқ зумрад тақинчоқ-маржондан таралаётган нурлар ёғдусида икки сеҳрли зумрадга ўхшаб турган икки кўкрагига жамлаши керак. 26. Кейин йог Маха Лакшмининг макони бўлган Худо Шахсининг кўксини мууроқаба қилиши керак. Худо Шахсининг кўкси - хаёл ва кўзлар учун чексиз илоҳий лаззатлар манбаидир. Шундан сўнг йог хаёлини бутун борлиқ сажда қиладиган Худо Шахсининг бўйнида мужассам қилиши керак. Унинг бўйнининг гўзаллиги осилиб турган Каустубҳа тошини яна ҳам жозибалироқ қилиб кўрсатади. 27. Кейин йог фикру хаёлини Унинг тўрт қўлида мужассам қилиши керак. Унинг қўллари моддий табиат фаолиятининг турли соҳаларига маъсул бўлган фаришталарнинг қудрат манбаидир. Кейин у, Мандара тоғи айланавериб, ялтироқ ҳолатга келтирган, Унинг ялтироқ тақинчоқларини мууроқаба қилиши керак. Кейин йог ўзининг хаёлий назарини Худо Шахси-

нинг кўзни қамаштиргувчи, минг кегайли халқаси - Сударшана Чакрага, шунингдек, Унинг нилуфарсимон қўлларида оққушдай ярқираб турган сурига мууроқаба қилиши керак. 28. Кейин йог Худо Шахсига жуда азиз бўлган гурзиси - Каумодакига мууроқаба қилиши керак. Бу гурзи Худо Шахси билан мангу рақобатда бўлган иблисларни яқсон қилади ва шу боис уларнинг қонига бўялган. Шунингдек йог ўз фикрини Худо Шахсининг бўйнига осилган, атрофида майин гўнғиллаб қора қовоғарилар учиб юрган гулчамбарда ва Унга хизмат қилиш билан бутунлай банд бўлган тирик мавжудотларнинг тимсоли бўлган гавҳар тақинчоқда жамлаши керак. 29. Кейин йог фикру-хаёлини Худо Шахсининг нилуфарсимон сиймосида мужассам қилиши керак. Худо Шахси содиқларига бўлган чексиз марҳамати ва ҳамдардлиги туфайли, дунёда ҳар хил кўринишларда намоён бўлади. Худо Шахсининг чиройли кўринишдаги бурни, бегубор пок юзлари Унинг кулоқларида осилиб, тебраниб турган тимсоҳ шаклидаги, нур таратиб турадиган исирғаларининг ёғдусидан ярқираб туради. 30. Кейин йог нигоҳини хаёлан Худо Шахсининг қоп-қора тўлқин-тўлқин сочлар ўраб турган, нилуфарсимон кўзли юзида ва ўйноқи қошларида мужассам қилади. Худо Шахси сиймосининг латофати олдида, ҳатто атрофида асаларилар тўдаси маст бўлиб айланиб юрган ва икки балиқ айланиб, ўйнаб турган нилуфар гулининг гўзаллиги ҳам сўниб, ўз жилосини йўқотгандек бўлади.

31. Йоглар чўқур ишонч ва садоқат билан, Худо Шахсининг ўзларига тез-тез ташлаб турадиган, ҳамдардлик ҳисси билан тўла меҳрли нигоҳларини илғаб олишлари лозим, чунки ана шу нигоҳлар солиҳларнинг бу моддий оламдаги уч турли мусибатлардан тортаётган қаттиқ изтиробларини енгиллаштиради. Унинг майин табассум билан бокқан кўзларининг латофатини ҳеч қандай сўзлар билан таърифлаб бўлмайди. 32. Шунингдек йог Худо Шахси Шри Харининг марҳамат тўла табассумига мууроқаба қилиши керак. Худо Шахсининг ана шу табассуми чидамсиз азоб-укубатларга дучор бўлган зотларнинг кўзларидан тўкилган ёшлар уммонини, Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига бош қўйган заҳоти қуригиб юборишга қодир. Бундан ташқари йог, Худо Шахсининг чиройли эгилган қошларига мууроқаба қилиши лозим. Унинг ички қуввати мана шу қошларни муҳаббат фариштасини ром қилиш ва ундан буюк донишмандларни ҳимоя қилиш учун яратиб қўйган. 33. Муҳаббатга тўла садоқат билан йог, қалбининг тўрида Худованд Вишнунинг табассумига мууроқаба қилиши керак. Вишнунинг табассуми шу қадар жозибадорки, унга мууроқаба қилишнинг ҳеч қийини йўқ. Олий Худо Шахси кулганида Унинг унчалик катта бўлмаган, жасмин гулининг гўнчаларини эслатувчи, қизил лабларидан таралаётган шаффоф нур акс этиб турган оппоқ тишлари кўриниб туради. Ана шундай ҳолатни мууроқаба қилган йог ўз аклини бошқа ҳеч нарсага чалғитмаслиги керак. 34. Шу йўлдан борар экан, йог қалбида аста-секин Худонинг Олий Шахсига нисбатан соф муҳаббатни ривожлантира боради. Йог шу тарзда садоқатли хизмат қилишда маълум даражага эришганида қалбини тўлдираётган лаззат оғушида танасидаги туклари ҳурпайиб кетади, кўзларидан эса Худо Шахсига бўлган чексиз муҳаббат туйғуси туфайли пайдо бўладиган севинч ёшлари тинмай қуйила бошлайди. Вақт ўтиши билан, худди балиқ тутиш учун қармоқ ишлатадиган балиқчи сингари, шу пайтгача

Худо Шахсини ўзига жалб қилиш учун ҳар хил фаолият билан машғул бўлган йогнинг ақли ҳам, ҳар қандай моддий фаолият билан шуғулланишни тарк этади. 35. Моддийлик ғуборларидан бутунлай покланиб, моддий нарсалардан биратўла юз ўгириб, тирик мавжудотнинг ақли ҳам, худди шамолсиз жойдаги шамчирокнинг шуъласидай покланади. Ана шундай ҳолатда унинг ақли Олий Худо Шахсининг ақли билан қўшилади, ва ўзаро фаолият билан машғул бўлган моддий табиат гуналарининг таъсиридан халос бўлган тирик мавжудот, ўзининг Худо Шахси билан бирлигини англаб етади. 36. Шу тарзда, энг юксак илоҳий поғонага эришган ақл моддий фаолиятдан бутунлай узоқлашади ва моддий бахт ва мусибат ўз таъсирини кўрсата олмайдиган ўзининг азалий ҳақиқий улўғворлигига эришади. Ана шу пайтда йог ўзининг Худонинг Олий Шахси билан бўлган муносабатларини англаб етади. У шу пайтгача ҳаётида ўзи билан боғлаб келган шодлик ва мусибатларининг, уларнинг ҳар хил бирикмаларининг ҳақиқий сабабчиси - аслида ғафлат гунаси таъсирида пайдо бўлган сохта ўзлик эканини англаб етади.

37. Ўзлигини англаб етган руҳ ўзининг ҳақиқий "ўзлиги" "Мен"ини топиши натижасида, худди кийинган ёки яланғоч эканини билмайдиган маст одам сингари, моддий танаси қандай ҳаракат қилаётганига эътибор бермай кўяди. 38. Озодликка эришган йогнинг танасини, шунингдек унинг ҳиссиётларини Худо Шахсининг Ўзи назорат қила бошлайди. Унинг танаси карма-сига биноан тақдирига ёзилган барча нарсалар амалга ошмагунча яшаб, ҳаракат қилади. Ўзининг азалий ҳолатига қайтиб, йогнинг энг юксак чўққиси ҳисобланадиган самадҳи ҳолатига эришган озод содик моддий танасини ўзиники деб ҳисоблашни бас қилади. Танасининг ҳаракатига, у худди уйқудан турган кишининг тушида кўрган нарсаларга қарагандай, эътиборсиз қарай бошлайди. 39. Оиласи ва мол-дунёсига қаттиқ боғланганлиги сабабли инсон фарзандлари ва бойлигини "ўзиники" деб ҳисоблайди, танасига бўлган боғланиши эса, уни моддий танасини ҳам "ўзиники" деб ўйлашга мажбур қилади. Худди оддий инсон бойлиги ва оила аъзолари унинг ўзидан фарқ қилишини англаб етгани сингари, озодликка эришган руҳ ҳам, ўзининг моддий танадан фарқ қилишини англаб етишга қодир. 40. Ёнаётган олов, гарчи барчаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ягона манба - ёнаётган ўтиндан чиқаётган бўлса ҳам, оловнинг тилларидан, учқунлардан ва тутундан фарқ қилади. 41. Парвардигор, "парам браҳма" деб аталадиган Худонинг Олий Шахси кузатувчи вазифасини бажаради. У алоҳида тирик мавжудот - ҳиссиётлар, беш унсур ва онг билан боғланган (жива)тирик мавжудотдан фарқ қилади. 42. Йог бутун борлиқда ягона руҳни кўриши керак, чунки бутун борлиқда, ҳар хил кўринишларда намоён бўлаётган Худо Шахсининг қувватларидан бошқа ҳеч нарса мавжуд эмас. Шу тарзда содик барча тирик мавжудотларнинг ягона табиатини кўра билиши керак. Ана шундай нуқтаи-назар Олий Рухни англаш деб аталади. 43. Худди турли ўтинлар ҳар хил ёнгани сингари, моддий табиат гуналарининг ҳар хил бирикмалари таъсири остига тушган, аслида пок руҳий табиатга эга жонзот ҳам ўзини ҳар хил таналарда ҳар хил намоён этади. 44. Шу тарзда йог, ўзини моддий коинотдаги сабаб ва оқибатлар шаклида кўрсатаётгани сабабли енгиш жуда

кийин бўлган қудратли майя (алданиш) таъсиридан устун келиб, ҳақиқий ўзлигини англаб етади.

Йигирма тўққизинчи боб. Худо Шахси Капиланинг садоқатли хизмат қилиш жараёнини таърифлаши.

1-2. Девахути шундай деди: - Эй Худойим, Сен менга моддий қувватнинг мужассам кўриниши ва руҳнинг сифатларини санхя фалсафаси асосида илмий жиҳатдан таърифлаб бердинг. Илтимос, энди барча фалсафий тизимларнинг гултожи ҳисобланган Худого садоқатли хизмат қилиш йўли ҳақида гапириб бер. 3. Эй Худо Шахси, марҳамат қилиб менга ва барча инсониятга туғилиб-ўлишлар чархпалаги ҳақида гапириб бер, чунки, туғилиш ва ўлиш жараёнидаги изтироблар ҳақида тинглаб, бизлар моддий фаолиятдан юз ўгиришга қодир бўла оламиз. 4. Илтимос, шунингдек Сенинг намоён бўлган кўринишларингдан бири бўлган мангу вақт(замон) ҳақида гапириб бер, унинг таъсири остида оддий инсонлар савобли, саховатли ишлар билан машғул бўладилар. 5. Эй Худо Шахси, худди куёш сингари, Сен тирик мавжудотларни қамраб олган шартланган ҳаёт зулматини ёритиб юборасан. Уларнинг тафаккур кўзларини ғафлат пардаси қоплаб олган, ва шу боис улар Сенинг нилуфар қадамларинг пойидаги паноҳдан махрум бўлиб, ғофиллик зулматида мангу уйқуга ғарқ бўлганлар. Ғофил ва адашган ҳолда ўткинчи моддий фаолият ва унинг оқибатлари уммонига ғарқ бўлганлари сабабли улар шунчалик ҳолдан тойган кўринадилар.

6. Шри Майтрея шундай деди: - Эй Курулар аълоси, ажойиб онасининг инсонларга бўлган чуқур ҳамдардлик туйғуси билан айтган гапларидан мамнун бўлиб, буюк донишманд Капила, унинг саволларига жавоб бера бошлади.

7. Худо Шахси Капила шундай деди: - Эй покдомон аёл, садоқатли хизмат қилиш билан машғул одамнинг сифатларига қараб Худого хизмат қилиш ҳар хил кўринишларга эга бўлиши мумкин. 8. Золим, ҳасадгўй, мағрур, тажовузкор ва эгоист(қизғанч, худбин, мунофик) кишининг қиладиган хизмати ғафлат гунасидаги холис хизмат ҳисобланади. 9. Моддий лаззатлар, бойлик, шон-шуҳрат кўринишидаги муқофотлар таъма қилиб, эҳромдаги Илоҳга сиғинувчи худбин кишининг хизмати ҳирс гунасидаги холис хизмат ҳисобланади. 10. Карма келтирувчи моддий фаолият оқибатларидан кутулиш учун, ўз хизматининг маҳсулини Парвардигорга эҳсон қилиб, Худонинг Олий Шахсига сиғинадиган содикнинг хизмати эзгулик гунаси таъсири остида бўлади.

11-12. Соф садоқат билан хизмат қилиш шу нарсада намоён бўладики, содикнинг қалбида, ҳар бир тирик мавжудот қалбида ҳам мавжуд бўлган Худо Шахсининг илоҳий номларининг товушини ва Унинг илоҳий сифатларини таърифловчи хикояларни тинглашга бўлган иштиёқ мунтазам қучайиб боради. Худди Ганга сувлари ўз-ўзидан океанга оқаётгани сингари, содикнинг бундай фаолиятдан олаётган лаззати, уни бу йўлдаги барча моддий тўсиқлардан олиб ўтиб, тўғри Худонинг Олий Шахсига яқинлаштиради. 13. Соф содик хизматкор ҳатто унга Худои Таолонинг Ўзи тақлиф қилса ҳам,

салоқя, саришли, самипя, сарупя ва экатва сингари озодликнинг барча кўринишларини рад этади. 14. Аввал айтганимдек, бхакти-йоганинг энг юқори поғонасига кўтарилган содиқ хизматкор, моддий табиат гуналарининг таъсиридан бутунлай халос бўлади ва шахсан Парвардигорнинг Ўзи жойлашган илоҳий, руҳий оламга эришади. 15. Содиқ хизматкор шастраларда кўрсатилган ўзининг муқаддас вазифаларини холис, ҳеч нарса таъма қилмасдан бажариши лозим. У заруратсиз зўравонликка, тажовузкорликка йўл қўймай, ҳамиша Худо Шахсига холис хизмат қилиш билан банд бўлиши лозим. 16. Содиқ хизматкор мунтазам равишда эҳромга бориши, Менинг тасвир(қиёфа, илох)ларимга меҳр билан боқиши, нилуфар қадамларим пойига қўлларини қўйиши, Менга сиғиниш анжомларини таклиф қилиши ва илтижо билан мурожаат қилиши лозим. У бу дунёга, эзгулик гунаси келтириб чиқарган таркидунёлик туйғуси билан қараши ва барча тирик мавжудотларнинг ягона руҳий табиатга эга эканини (кўриши) англаши лозим.

17. Садоқатли хизмат қилиш билан мнтазам шугулланган ҳолда, соф содиқ хизматкор ҳаётда ўзининг руҳий устозига ва бошқа ачаряларга чуқур эҳтиром кўрсатиши керак. У мазлум(руҳий билими ўзидан пастрок)ларга ҳамдард бўлиши ва ўзига баробар бўлганлар билан дўстона муносабатда бўлиши керак. У қилаётган ҳар бир ишини муқаддас китобларда келтирилган қонун-қоидалар асосида бажариши ва ҳиссиётларини ҳамиша назорат қилиб юриши лозим. 18. Содиқ фақат руҳий мавзуларда бўладиган суҳбатларни тинглаши лозим ва ҳамиша Худо Шахсининг муқаддас номларини зикр қилиб юриши керак. Одамларга нисбатан у ҳамиша одил, ростгўй, ҳаққоний, тўғри сўз ва содда бўлиши керак. Гарчи содиқ киши ҳеч кимга душманлик кўзи билан қарамаса ва барчага ўзини дўст тутса ҳам, у руҳий юксалишнинг пастки поғоналарида турган кишилар даврасидан четроқ юриши керак. 19. Ўзида ана шундай илоҳий сифатларни ривожлантирган ва шу тарзда онгини поклаган киши Менинг номимни ва Менинг илоҳий кароматларимни шарафловчи ҳикояларни тинглаб, уларнинг ҳақиқатан ҳам қизиқарли эканини ҳис қила бошлайди. 20. Худди эсаётган шамол бирор манбадан чиқаётган анвойи хидни дархол сезиш органларига етказгани сингари, Худо Шахсига садоқатли хизмат қилиш билан банд бўлган кишининг ақли ҳам, ҳамма ерда мавжуд бўлган Олий Рухга эришади. 21. Мен Олий Рух кўринишида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам мавжудман. Агар инсон ҳар ерда мавжуд бўлган Олий Рухни тан олмасдан Унга эҳтиром билдирмаса-ю, лекин эҳромдаги Илоҳга сажда қиладиган бўлса, унинг қилаётган барча ишлари Худога сиғиниш эмас, шунчаки таклид қилиш, яъни акидапарастликдан ўзга ҳеч нарса эмас. 22. Эҳромга бориб, у ерда Илоҳга сиғинадиган, аммо Худонинг Ўзи Параматма кўринишида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам мавжудлигини билмайдиган киши - ғофил инсондир ва унинг қилаётган ишлари қурбонлик эҳсонларини (оловга эмас) кулга ташлаётган кишининг ишига ўхшайди. 23. Эҳромга келиб, Менга сажда қиладиган, аммо айни пайтда бошқа тирик мавжудотларнинг таналарига душманлик ва ҳасад билан қарайдиган киши - худбин, разил одамдир. Бошқаларга нисбатан мавжуд бўлган

ҳасад унинг ўзини уйқудан ва қалбининг осойишталигидан маҳрум қилади.

24. Эй покдомон аёл, Мен ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд эканимни билмайдиган инсон, гарчи у барча қоидаларга амал қилиб, зарур бўлган ҳамма нарсаларни Менга эҳромда инъом қилиб сажда қилса ҳам, Мени рози, мамнун эта олмайди. 25. Буюрилган вазифаларини бажара туриб, содиқ хизматкор Илоҳга, яъни Худо Шахсининг қиёфасига, то ўзининг қалбида, шунингдек бошқа тирик мавжудотларнинг ҳам қалбида Менинг мавжудлигимни ҳис қилгунга қадар, сиғиниши керак. 26. Худди ажалнинг куйдирувчи олови сингари, Мен ҳам, ўзининг ҳаёт ҳақидаги эгоцентрик(худбинларча) тасаввуридан келиб чиқиб, ўзи билан бошқа тирик мавжудотлар ўртасида озгина бўлса ҳам чегара, фарқ қўядиган кишиларнинг қалбини даҳшат азобидан титрашга мажбур қиламан. 27. Саховат билан хайр-эҳсонлар улашиб, бошқа барча тирик мавжудотларга ҳурмат билан, дўстона муносабатда бўлиб, уларнинг руҳий жиҳатдан тенглигини тан олиб, солиҳ инсон Мени, ҳар бир тирик мавжудот қалбида, унинг Олий Рухи кўринишида мавжуд бўлган Худо Шахсини рози қилади ва Менинг марҳаматимга эришади. 28. Эй ҳурматли зот, тирик мавжудотлар жонсиз нарсалардан устун туради, тирик мавжудотлар ичида эса, ҳаёт аломатларини намоён қиладиган зотлар, тириклик аломатларини кўрсатмайдиган бошқаларидан устун туради. Ривожланган онг эгалари эса, улардан ҳам устунроқ туради. Ҳиссий сезгиларига юксак ривожланган қобилият ато этилган тирик мавжудотлар эса улардан ҳам устунроқ туради. 29. Сезги органларига эга бўлган тирик мавжудотлар ичида, таъм билиш ҳисси ривожланганлари фақат танаси билан сезиш қобилиятига эгаларидан устун туради. Хид билиш қобилиятига эгалари эса, улардан устун туради, товушни сезиш қобилиятига эгалари эса улардан ҳам устунроқ. 30. Эшитадиган тирик мавжудотлардан - ҳар хил қиёфаларни ажрата биладиган(кўра оладиган) мавжудотлар устун, улардан эса, пастки ва юқори тишлар ато этилган зотлар устун, улардан эса, кўп оёқ ато этилган зотлар устун. Улардан тўрт оёққа эга тирик мавжудотлар устун туради, улардан ҳам устунроқда инсонлар туради.

31. Инсонлар орасида, одамларнинг сифат(табиат)лари ва машғулотлари асосида табақаларга бўлинган жамиятга мансуб бўлганлари бошқа одамлардан устун туради. Бундай жамиятдаги одамлар ичида эса, браҳманлар - зиёли одамлар бошқалардан устун турадилар. Браҳманларнинг ичида эса Ведаларни биладиганлари аёло, Ведаларни ўрганганлардан эса, уларнинг асл, якуний маъносини англаб етганлари устун турадилар. 32. Ведаларнинг мазмуни ва мақсадини биладиган браҳмандан инсонни барча гумонлардан халос эта оладиган зот устун туради, браҳманлик қоидаларига изчил, тўла риоя қилувчи инсон эса, ундан ҳам устун туради. Барча моддий иллатлардан покланган зот ундан ҳам устунроқ турадилар. Эвазига ҳеч қандай мукофот таъма қилмасдан Худога садоқат билан хизмат қиладиган Худонинг содиқ хизматкори - вайшнав эса улардан ҳам устун туради.

33. Шунинг учун, ўз манфаатларини Менинг манфаатимдан ажратмайдиган, ўзининг бутун ишларини ва ҳатто ҳаётини ҳам, Менга бағишлаган, Менга садоқат билан хизмат қилишни бир лаҳза ҳам қанда

қилмайдиган кишидан ҳам улўғроқ инсон йўқ деб ўйлайман. 34. Камолотга эришган содиқ хизматкор ҳар бир тирик мавжудотни ҳурмат қилади, чунки у Худонинг Олий Шахси, ҳар бир тирик мавжудотнинг ичига кирганига ва уларнинг қалбида уларнинг ҳукмдори ва Олий руҳ кўринишида мавжуд эканига аниқ ишонади. 35. Эй Манунинг қизи, сеҳрли йога ва содиқ хизмат қилиш қодаларини ўз ҳаётида ана шундай қўллаётган содиқ хизматкор, ўзининг садоқатли ҳолис хизматининг шарофати билан Худои Таолонинг даргоҳига эришади. 36. Алоҳида руҳ эришиши лозим бўлган ана шу пуруша - Браҳман ва Параматма деб ҳам аталувчи Худонинг Олий Шахсидир. Худо Шахси - асосий илоҳий шахсидир, ва Унинг барча қилган ишлари руҳий, илоҳий табиатга эга. 37. Дунёдаги барча нарсаларни ўзгартириб турувчи замон(вақт) - Худонинг Олий Шахсининг яна бир кўринишидир. Вақт ҳам Худонинг Олий Шахси эканини тушунмайдиган одам ҳамиша унинг олдида даҳшатга тушади. 38. Худо Шахси Вишну, барча қурбонликлар билан лаззатланувчи Худои Таоло, ана шу замон тимсоли ва барча ҳукмдорлар ҳукмдоридир. У барча тирик мавжудотларнинг қалбига қиради ва уларнинг ҳаётларини таъминлаб туради, шу билан бирга, бир мавжудотнинг бошқа бир мавжудотни йўқ қилишига ҳам сабабчи бўлади. 39. Худонинг Олий Шахси ҳеч бир тирик мавжудотга боғланган эмас, Унинг на дўсти, на душмани мавжуд эмас. Аммо У, инсонларнинг қалбида туриб, ҳамиша Уни эслаб юрадиган одамлар ҳаётини бошқариб туради, Уни унутганларни эса ҳалокатга олиб келади. 40. Олий Худо Шахсидан кўрққанидан шамол эсади, даҳшат ичида Қуёш ўз орбитаси бўйлаб айланиб юради, ёмғир ёғади ва минглаб самовий сайёралар нур сочиб турадилар. 41. Худои Таоло олдида даҳшатдан дарахтлар, гуллар майсалар ва ўсимликлар ўз вақтида гулларга бурканадилар ва мева берадилар. 42. Худодан кўрққанидан дарёлар оқади, океан ўз қирғоқларидан чиқмай туради. Ундан кўрққанидан олов ёнади ва шунча тоғлари билан Ер сайёраси ҳам, коинот қаърига қуламай ўзининг орбитасида туради. 43. Худои Таолонинг амри билан осмон, космик фазога ҳар хил тирик мавжудотлар билан тўла қўшлаган сайёраларни ўз ичига сиғдириш имконини беради. Етти қобиқ билан қопланган коинотнинг танаси Худои Таолонинг амрига биноан ўсиб кенгайиб боради. 44. Моддий табиат гуналарига маъсул фаришталар Худо Шахси олдида кўрққанларидан коинотни яратади, мавжудлигини таъминлаб туради ва яқсон қилади: моддий оламдаги жонли ва жонсиз мавжудотларнинг барчаси уларнинг ҳукми остидадирлар. 45. Мангу вақт(замон)нинг на аввали, на ниҳояси мавжуд эмас. У бу моддий олам - ғафлат зиндонининг яратувчиси бўлган Худо Шахсининг вакилидир. Замон намоён бўлган моддий олам ҳалокатининг сабабчисидир, у бир тирик мавжудотни иккинчи бир тирик мавжудот қорнидан дунёга келишга мажбур қилиб, яратиш вази-фасини бажаради ва ҳатто ажал фариштаси - Ямаражни ҳам ўлдириб, коинотни яқсон қилиб юборади.

Ўтгизинчи боб

Моддий(кармали) фаолият келтирадиган оқибатлар

1. Худонинг Олий Шахси давом этди: - Худди шамол суриб кетаётган булутлар тўдаси шамолнинг кудратидан беҳабар бўлгани сингари, моддий онг таъсири остида кармали фаолият билан машғул киши ҳам, уни ўз домида олиб юрган замон(вақт)нинг кудратини англаб етмайди. 2. Дунёвий кишининг алдамчи бахтга эришиш мақсадида, қаттиқ қийинчиликлар ва машаққат билан эришган нарсаларининг барчасини, замон кўринишидаги Худои Таоло бутунлай йўққа чиқаради. Буни кўриб шартланган руҳ қаттиқ қийналиб, мусибатга тушади. 3. Ақлидан адашган дунёвий киши танаси ва танаси билан боғлиқ бўлган уй-жой, бойлик каби, ўзи боғланиб қолган нарсаларнинг барчаси ўткинчи, алдамчи матолар эканини ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмайди. Фақат ўзининг ғофиллиги сабабли у буларнинг барчаси мангу мавжудлигича қолади, деб ўйлайди. 4. Тирик мавжудот қандай ҳаёт шаклида туғилишидан қатъий назар, эга бўлган танасига хос бўлган маълум лаззатларга эга бўлади ва шундай шартланган ҳолатда бўлганидан ҳеч қачон афсусланмайди. 5. Шартланган, алданган тирик мавжудот ҳаётда ўзи эга бўлган тана шароитида яшашдан тўла мамнун бўлиб юраверади. Илмини қоплаб олган алдамчи қувват таъсири остида адашгани сабабли, у ҳатто дўзах азобида яшаётган бўлса ҳам, танасини тарк этгиси келмайди, чунки ҳатто дўзахда юриб ҳам у "лаззатланияпман" деб ўйлайди. 6. Яшаётган ҳолатидан, ҳаётдан мамнунлигининг асосий сабабчиси - унинг қалбидан чуқур жой олган танаси, хотини, уйи, болалари, уй ҳайвонлари, мол-дунёси ва дўстларига бўлган қаттиқ боғланганлик туйғусидир. Уларнинг даврасида шартланган руҳ ўзини камолотга эришган, бахтиёр деб ҳисоблайди.

7. Ана шундай нодон одамни ҳамиша ҳар хил ташвишлар безовта қилади, аммо барибир у амалга ошмайдиган орзу-истаклар ортидан қувиб, бир гуноҳ кетидан иккинчи гуноҳга қўл уриб, ҳаётда "яқинларим" ва "қариндошларим" деб ҳисоблайдиган одамларининг ҳаётини таъминлашга ҳаракат қилиб яшайди. 8. Бутун қалби ва ҳиссиётини у ўзини тузоғига илдирган аёлга бахшида қилади. Унинг кучоғига кириб, танҳо суҳбат қурган дамлари билан лаззатланади, жажжи болаларининг ширин гаплари эса уни ҳаяжонга солади. 9. Оила ришталарига қаттиқ боғланиб қолган шундай оилали киши сохта муносабатлар ва иккиюзламачилиқ ҳукм сурган оила аъзолари даврасида кун кечиради. 10. Пул топиш учун, у ҳар қадамда бошқаларга зиён келтиради. Топган пулининг барчасини оила аъзоларига сарфлайди, ўзи эса, оғир ишлаб топган пулига сотиб олинган нарсаларнинг арзимаган қисмидан фойдаланади. Умрининг охирида эса, ҳаром-ҳариш йўллар билан шунча пул топиб, ғамхўрлик қилган яқин одамлари сабабли дўзахга равона бўлади. 11. Омади келмай, ишлари юришмай қолганида, у ишларини ўнглаб олишга қайта-қайта уринади. Лекин барча уринишлари бекор кетиб, ишлари бутунлай тўхтаганида, очофат нафсини тўйғазиш учун бегоналар мулкига қўз олайтира бошлайди. 12. Оиласини боқишга зўр бериб уринаётган шундай омадсиз одам энг ачинарли ҳолатдаги одамдир. У ҳамиша ўзининг омади келмаётганидан афсусланиб яшайди, шундай фикрлар уни қаттиқ изтиробга солади. 13. Оиласини боқиш қўлидан келмаётганини кўриб, худди, хасис дехқон қариган ва ишга ярамай қолган хўкизни боқишдан бош тортгани сингари, хотини ва

болалари энди уни аввалгидай хурмат қилмай қўядилар. 14. Аммо, аҳмоқ ота эндиликда, бир вақтлар ўзи таъминлаб турган оила аъзоларининг боқимандасига айланиб қолганига қарамай, оилавий ҳаётга бўлган боғланишини тарк этгиси келмайди. Қарилги сабабли ачинарли аҳволга тушиб қолган шундай одам, энди муқаррар ажалини кутиб олишга ҳозирлана бошлайди. 15. Шу тарзда у, худди уй ҳайвони сингари, уйдагилар ташлаган сарқит овқат билан кун кечира бошлайди. Овқат ҳазм бўлмаслиги, иштаҳа йўқлиги сингари, ҳар турли касалликлардан изтироб чекиб, кунига атиги бир ҳовуч овқат ейди ва вақт ўтиши билан у ишга яроқсиз мажруҳга айланиб қолади. 16. Ажал талвасасида, ичидан чиқаётган ҳаво босими остида унинг кўзлари хонасидан чиқиб кетади, ҳаво йўллари эса балғам билан тўлади. Нафас олиши қийинлашади, ҳар нафас олганида унинг томоғидан ажал талвасасида "гхура-гхура" деган товушлар чиқади. 17. Ажалнинг бешафқат чанғалига тушиб, дод-фарёд қилаётган қариндошлари ва дўстлари қуршовида жон талвасасида ўлим тўшагида ётади. Уларга гапиришни истади, аммо гапира олмайди, чунки энди у шафқатсиз замон ҳукми билан ажали етган ҳолатда бўлади. 18. Шундай қилиб, умр бўйи оиласига ғамхўрлик қилган ва ўз нафси(ҳиссиёти)нинг қурбони, қули бўлиб яшаган одам, фиғон чекаётган қариндошлари қуршовида қолиб, қаттиқ алам ичида танасини тарк этади. 19. Ажали етган гуноҳкор одам ўлими олдидан, кўзларига қон тўлиб турган ажал фариштасининг даҳшатли қеифадаги элчиларини яққол кўради ва даҳшатга тушиб, қўрққанидан сийиб-сичиб юборади. 20. Худди миршаблар қонунбузарни жазолаш учун ушлаб кетганлари сингари, Ямадуталар ҳам, бутун умрини фақат нафси(ҳиссиёти)нинг талабларини қондириш билан ўтказган гуноҳкор кишини арқон билан боғлаб олиб кетадилар. Улар унинг бўйнига қаттиқ арқон боғлайдилар ва чидаб бўлмас азобга маҳкум этиш учун, гуноҳкорнинг нафис танасини алоҳида маҳсус парда билан қоплайдилар. 21. Ямаражнинг хизматкорлари уни йўл бўйи қийнаб борадилар, у эса, даҳшат ичида уларнинг қўлида титраб-қалтираб боради. Йўл бўйи итлар ҳамла қилиб, тишлайди, у эса ҳаётида қилган гуноҳларини бирин-кетин эслай бошлайди. Буларнинг барчаси уни чексиз изтиробга солади. 22. Гуноҳкорни жазирама куёш остида кизиган қум устидан олиб ўтадилар, ён-атрофидаги ўрмонлар эса, ловуллаб ёниб ётган бўлади. У оғриқ азобидан юролмаб қолганида эса, Ямаражнинг хизматкорлари елкасига қамчи билан уриб, қистайдилар. У очлик ва чанқоқ азобидан қаттиқ қийналади, аммо ичишга сув топа олмайди, дам олишга на бирор соя ёки пана жой топа олмайди. 23. Ямараж ҳузурига олиб борадиган йўлда сарсон бўлиб, у баъзан чарчаганидан йиқилиб, ҳушидан кетиб қолади, ҳар гал уни ўрнидан туришга мажбур қиладилар. Шу тарзда у Ямаражнинг ҳузурига боради ва унга жавоб бера бошлайди. 24. Икки-уч лаҳзада у тўқсон тўққиз минг йоджан масофани босиб ўтади. Уни шу заҳотиёқ, қилган гуноҳлари сабабли кутиб турган изтироблар билан қийнай бошлайдилар. 25. Уни ёниб турган ўт устига ўтказадилар, олов унинг бутун вужудини қуйдира бошлайди. Баъзан уни ўзининг этини ейишга мажбур қиладилар, баъзида эса унинг танасини бошқалар ғажий бошлайди. 26. Дўзахда яшайдиган ит ва калхатлар унинг ичак-чавағини юлиб оладилар, аммо унинг

ўзи изтироб ичида буларнинг барчасини кузатиб туради, яъни ўлиб кетмайди. Илонлар, чаён ва бошқа нарсалар қаттиқ азоб бериб уни чақиб, тишлай бошлайди. 27. Кейин филлар бирин-кетин унинг танасини бўлақларга бўла бошлайди. Уни жарликка ташлаб юборадилар, сувда ғарқ қиладилар ёки қоронғи ғор ичига қамаб қўядилар. 28. Умр бўйи айшу-ишратга муккасидан кетган эркак ва аёллар Тамисра, Андха-тамисра ва Раурава деган дўзахларда қаттиқ азоб ва қийноққа солинадилар.

29. Худо Шахси Капила давом этди: - Эй азиз она, баъзилар айтадиларки, мана шу сайёранинг ўзида ҳам жаннатдагидек ёки дўзахдагидек яшаш мумкин, чунки баъзан инсон ҳатто ҳозирги ҳаётининг ўзида ҳам дўзах азобини тортишга мажбур бўлади. 30. Танасини тарк этгандан сўнг, ўзи ва оиласини боқиш ниятида гуноҳ ишларга қўл урган киши ўзини ҳам, оила аъзоларини ҳам дўзах азобига мубтало этади. 31. Танасини тарк этгандан сўнг, у дўзахнинг энг қоронғи жойларига равона бўлади, бошқа тирик мавжудотларнинг азоб-уқубатлари, изтироблари эвазига топилган пуллари эса "йўл харажатлари"ни кўтаради. 32. Шу тарзда Худои Таолонинг амрига биноан оиланинг отаси дўзахга равона бўлади ва қилган гуноҳлари туфайли, бутун молудунёсидан айрилган киши сингари изтироб чека бошлайди. 33. Шундай қилиб, оиласи ва қариндошларини таъминлаш ниятида гуноҳ ишлардан ҳазар қилмайдиган киши, ўзини дўзахлар ичида энг ёмон жой бўлган Андха-Тамисра деган жойда яшашга маҳкум қилади. 34. Дўзахдаги барча азоблардан қутулган ва инсон танасигача бўлган барча паст турдаги таналарда ҳаёт кечириб ўтган тирик мавжудот шу тарзда барча гуноҳлари учун жазо олиб бўлгандан кейин, Ер сайёрасида инсон танасида қайта туғилади.

Ўттиз биринчи боб Тирик мавжудотнинг сарсон-саргардонлиги ҳақида

1. Худонинг Олий Шахси шундай деди: - Худои Таолонинг назорати остида, ўз фаолиятининг натижаларига қараб **руҳ**, яъни тирик мавжудот эркакнинг уруғлиги ичига қиради ва у билан бирга, маълум шаклдаги танага эга бўлиш учун она қорнига қиради. 2. Биринчи навбатда уруғлик онанинг жинсий уруғлиги билан қўшилади, ва беш тун ўтгандан кейин она уруғлигининг парчаланиши натижасида ундан пуфакча ҳосил бўлади. Ўн кун ўтгандан кейин хомила олча шаклига келади, шундан кейин у аста-секин тухум ёки тана шаклига айланади. 3. Биринчи ой мобайнида хомиланинг калласи, иккинчи ой охирига бориб эса қўллари, оёқлари ва танасининг бошқа қисмлари шаклланади. Учинчи ой охирига бориб унинг оёқ ва қўлларининг бармоқлари, тирноқлари, тана туклари, суяклари ва териси, шунингдек жинсий аъзолари ва танасидаги бошқа тешиқлар: кўзлари, бурун тешиқлари, қулоқлари ва ахлат чиқариш органлари пайдо бўлади.

4. Жинсий алоқадан кейинги тўрт ой мобайнида тана таркиб топган асосий етти унсур узил-кесил шаклланиб бўлади: лимфа*, қон, гўшт, ёғ, суяк, суяк мияси(костний мозг) ва уруғлик. Бешинчи ой охирига келиб

тирик мавжудот очлик ва чанқоқлик туйғуларини сеза бошлайди, олти ой ўтгандан кейин эса, сув қобиғи(амнион) билан ўралган ҳомила она қорнининг ўнг тарафига ўтиб олади. 5. Онанинг еган овқати ва ичган ичимликларидан озикланаётган ҳомила ичидаги жонзот аста-секин каттая боради. Бу вақтнинг ичида у ҳар хил қурғ ва ҳашаротларнинг макони бўлган, ахлат ва сийдикка тўла она қорнида кун кечиради. 6. Она қорнидаги оч қуртлар ҳомиланинг майин танасини кетма-кет чақа бошлаганида тирик мавжудот чидаб бўлмайдиган изтиробларга мубтало бўлади. Ана шундай дахшатли ҳолатда қолган тирик мавжудот баъзида хушидан кетиб қолади. 7. Онаси аччиқ ёки ўткир, жуда шўр ёки ачиган овқат еганида қорнидаги боласи чидамсиз азобдан изтиробга тушиб, чидамай буралиб ётади. 8. Сув қобиғи ичида, ичаклар орасида қисилиб, ҳомиладаги жонзот она қорнининг ўнг ёки чап қисмида, калласи қорнига қисилиб, бўйни ва елкаси эгилган ҳолда букланиб ётади. 9. Қафасга тушган қуш сингари, эркин ҳаракат қилишдан маҳрум бўлган чақалоқ она қорнида қисилиб, қамалиб ётади. Ана шу вақтда, агар омади келса, у ўзининг олдинги юз ҳаёти давомида қилган ишларини эслайди ва бу эслаш унга қаттиқ азобга сола бошлайди. У шундай ҳолатда хотиржам қола олармиди? 10. Она қорнига тушган кундан етти ой ўтгандан кейин, энди онги ривожланган чақалоқ (тўлғоқ пайтида) она организмидаги ҳаво оқимларининг ўзига кўрсатаётган таъсирини сеза бошлайди. Ана шу оқимлар босими остида, у бу ифлос қориндан чиқадиган қуртлар сингари инграниб товланади. 11. Мана шундай дахшатли ҳолатга тушиб қолган, моддий унсурларнинг етти қобиғи билан ўралган тирик мавжудот, қўлларини қовуштириб, уни шундай аҳволга солиб қўйган Худои Таолоига илтижо қила бошлайди.

12. Инсоннинг руҳи, чақалоқ шундай дейди: - Ўзининг сон-саноксиз мангу қиёфаларида бу оламда намоён бўлиб, ерда юрадиган Худои Таолонинг нилуфар қадамлари пойидан ўзимга нажот истайман. Мен фақат Ундан ўзимга паноҳ излайман, чунки мени барча кўрқинч ва дахшатлардан фақат Унинг Ўзигина қутқара олади ва қилган гуноҳларим эвазига мени мана шундай яшаш шароитига фақат Унинг Ўзи қамаб қўйган. 13. Мен, аслида пок руҳ(жон)ман, лекин ўзимнинг қилган ишларим натижасига боғланиб қолиб, ҳозир она қорнида изтироб чекапман, бу ерга мени алданиш(майя) қамаб қўйибди. Чуқур эҳтиром билан, мен билан бирга мана шу ерда мавжуд бўлган, аммо ҳамиша пок ва ўзгармай қоладиган Зот олдида бош эгаман. У бениҳоя, аммо тавба-тазарру қилаётган одам қалбининг тўрида Унинг ҳақиқатан ҳам мавжудлигини сезиши мумкин. Мен ана шу Зотга чуқур эҳтиромимни билдираман! 14. Беш унсурдан таркиб топган моддий танага эга бўлиб, мен Худои Таолодан ажралиб қолган эдим. Ҳозир ҳиссиётларим ва сифатларим, менинг асл руҳий табиатимга хос бўлган ўзининг ҳақиқий вазифаларини бажармаяптилар. Аммо Худонинг Олий Шаҳси, моддий табиат ва ва тирик мавжудотларга нисбатан илоҳий ҳолатда, Унинг меники сингари моддий танаси йўқ, ва У ҳамиша комил руҳий сифатларга тўла, шу сабабли мен Унинг олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман!

15. Инсоннинг руҳи(жон)и давом этади: - Тирик мавжудот моддий табиат ҳукми остида, туғилиб-ўлишлар чархпалагида сарсон-саргардон бўлиб, тирик-

чилик қилиш учун ҳамиша азоб-укубатга тўла кураш олиб боради. Унинг ана шундай шартланган ҳаёт сиртмоғига илиниб қолишининг сабаби - унинг Худои Таоло билан ўз муносабатларини эсидан чиқариб қўйганидир. Шундай экан, Худонинг Ўзи марҳамат кўрсатмаса, тирик мавжудот Худого садокат билан холис илоҳий хизмат қилиш йўлига яна қайта оладими? 16. Хоҳ кўзғалувчан, хоҳ кўзғалмас бўлсин, барча тирик мавжудотларни Параматма кўринишида Худонинг Шаҳсининг Ўзи бошқариб туради. Параматма Худонинг намоён бўлган экспансиясидир. Худо Шаҳси замон(вақт)нинг барча уч қисмида: ўтмиш, ҳозир ва келажакда мавжуд, - шу боис шартланган руҳлар Унинг назорати остида ҳар хил фаолият билан машғул бўладилар. Моддий ҳаётда мавжуд бўлган уч турдаги азоб-укубатлардан халос бўлишни истаган киши ўз ихтиёрини бутунлай Унга топшириши лозим!

17. Она қорнидаги қон, сийдик ва чиқиндилар орасида, ошқозонида ёнаётган овқат ҳазм қилувчи олов тафтидан иссиқда пишиб-қизариб, бу ачинарли аҳволдан тезроқ қутулишга тиришаётган тирик мавжудот, ойу-қунларни санаб вақт ўткази ва Худодан илтижо қилади: - "Эй Худойим, мен бахтиқаро жон, бу қамокдан қачон озодликка чиқаман? 18. Эй Худо Шаҳси, гарчи эндигина ўн ойлик бўлсам ҳам, Сенинг бесабаб марҳаматинг туфайли менинг ғафлат босган онгим уйқудан уйғонди. Адашган барча зотларнинг дўсти бўлган Сенинг кўрсатган бу бесабаб марҳаматинг қарзидан мен ҳеч қачон тўла қутула олмайман, шу боис қўлларимни қовуштириб, чин қалбимдан Сенга илтижо қилишдан ўзга чорам йўқ! 19. Бошқа турдаги таналарга эга бўлган тирик мавжудотлар атроф-муҳитни фақат туғма инстинкт орқали қабул қиладилар: улар фақат мазкур турдаги тана ҳиссиёти учун ёқимли ва ёқимсиз бўлган нарсаларни ажрата оладилар. Мен эса, ўзининг ҳиссиётларини жиловлай оладиган ва ҳаётда ўзининг бурчини англашга қодир бўлган танага эга бўлдим, шу боис, мен Худои Таоло олдида чуқур эҳтиром билан таъзим қиламан. Унинг марҳамати билан мен шундай танага, шу билан бирга ҳам ўз қалбимда, ҳам ундан ташқарида Уни кўра олиш қобилиятига эга бўлдим. 20. Шунинг учун, эй Худо Шаҳси, ҳозир шунчалик дахшатли шароитда бўлишимга қарамай, яна моддий ҳаётнинг зулмат босган чуқур ботқоғига ботиб қолмаслигим учун, мен она қорнидан чиқишни истамайман. Чақалоқ дунёга келиши биланоқ Сенинг ташқи қувватинг - майя-дева чангалига тушиб қолади ва туғилиб-ўлишларнинг мангу чархпалагидан чиқиш йўлини тополмай, алданиб, яна ўзини ўткинчи моддий танага қиёслай бошлайди. 21. Шунинг учун, ўзимни қўлга олиб, менга дўст бўлган соф руҳий онг ёрдамида бу ғафлат ботқоғидан қутулишга ҳаракат қиламан. Худо Шаҳси Вишнунинг нилуфар қадамлари пойини ҳамиша эсимда сақлаган ҳолда, бу ўлиб-тирилишлар чархпалагидан чиқиб кетаман ва она қорнига такрор ва такрор тушиш азобидан озод бўламан!"

22. Худо Шаҳси Капила давом этди: - Она қорнидаги ўн ойлик чақалоқ, ана шулар ҳақида Худого илтижо қилади, аммо у Худо Шаҳсини шарафлаётганида, туғишга ёрдам берадиган ҳаво оқимлари унинг бошини ерга қаратиб, куч билан она қорнидан итариб чиқариб юборади. Шу тарзда инсон дунёга келади. 23. Тўсатдан келган ҳаво оқимлари уни она қорнидан чиқишга мажбур қилади. У қаттиқ изтироб ичида, боши

пастга қараб, нафас ололмасдан ва қаттиқ оғриқдан хушидан кетган ҳолда дунёга келади. 24. Қон ва бошқа ифлос нарсаларга булганган чақалоқ ерга тушади, ва ахлат ичидаги курт сингари, чиқиндилар ичида кимирлай бошлайди. У қалбидаги олий(илохий) илми эсидан чиқариб, майя қуршовига тушиб, қаттиқ чинқариб йиғлай бошлайди. 25. Чақалоқ дунёга келгандан кейин, унинг нима истаётганини тушуна олмайдиган одамлар қўлига тушиб қолади ва шу одамлар уни парваришлай бошлайди. Унга ўзи истамаган нарсаларни бера бошлайдилар, ноилож чақалоқ эса, ҳатто уларни рад эта олмайди ҳам. 26. Тердан намланган ва микробларга тўла ўриндикда ётиб, бечора чақалоқ, ўтириш, туриш ёки жойни алмашиш у ёқда турсин, ҳатто танасининг кичиган жойларини ҳам қаший олмайди. 27. Худди катта куртни кичик куртлар чаққани сингари, унинг нозик танасини пашша, чивин, бурга ва бошқа хашаротлар чақа бошлайди, ва илмидан маҳрум бўлган чақалоқ изтироб чекиб, аччиқ-аччиқ йиғлай бошлайди. 28. Ана шундай азоб укубатларда унинг болалиги ўтади. У ўсмирлик даврига етади, аммо бу билан унинг азоблари тамом бўлмайди. Уни энди чексиз орзу-истаклар қийнай бошлайди, уларга эришолмаганида эса, ғофиллиги сабабли у қаттиқ изтироб чекади ёки ғазабланиб қийналади. 29. Танаси билан бирга тирик мавжудотнинг ғурури, манманлиги ҳам ўса бошлайди. Рух учун ҳалоқат келтирувчи ғурур, манманлик ва ғазаб туйғуларини ривожлантирирар экан, инсон худди ўзи сингари, эҳтирос домига тушиб қолган одамларга нисбатан душманлик қила бошлайди. 30. Ғофиллиги туфайли тирик мавжудот беш моддий унсурдан таркиб топган танани ўзига қиёслаб, уни "ўзим" деб билади. Ана шу сохта тасаввурлар уни ўткинчи нарсаларни ўзиники деб ҳисоблашга мажбур қилади, натижада у ғафлат ботқоғига яна ҳам чуқурроқ бота бошлайди. 31. Ғофиллик ва кармали фаолият қопқонига тушиб қолган кишининг ҳамиша ҳамроҳи ва барча ташвишларнинг манбаи бўлган моддий танаси учун, инсон ҳар хил ишлар қилишга мажбур бўлади. Шу ишлар эса, уни моддий оламда такрор ва такрор туғилиш ва ўлишларга мажбур қилаверади. 32. Шунинг учун, агар инсон ҳиссий лаззатларга берилган, айшу-ишратлар излаб юрган ёки нафси кетидан қувиб юрган одамлар таъсирига берилиб кетиб, ҳаётда гуноҳ ишлар йўлига кириб кетса, у яна дўзах азобига мубтало бўлади. 33. У ҳалоллик ва ҳакқонийлик, ростгўйлик, адолат туйғуларини йўқотади, раҳмдиллик, меҳр-оқибат, уйғун фикрлаш, уялиш, ор-номус, сабр-тоқат туйғусидан обрў-эътибордан, руҳий тафаккурдан маҳрум бўлади, ақли ва ҳиссиётини жиловлаш қобилияти сусаяди, омад ундан юз ўгиради ва бошқа барча яхши фазилатларини йўқотади.

34. Солиҳ инсон, Худонинг содиқ хизматкори, ўзининг руҳий табиати ҳақида ҳеч нарса билмайдиган, ўргатилган итга ўхшаб хотинининг гапидан чиқмайдиган нодон, аҳмоқ кишилар билан ҳамсуҳбат бўлмаслиги керак. 35. Аёлларга ёки аёлларга ўч бўлган кишилар билан ҳамсуҳбат бўлишга боғланиш ҳиссидан бошқа ҳеч нарса одамнинг кўзини кўр қилиб қўйишга ва ўзига ром қилиб олишга қодир эмас. 36. Ўзининг қизини кўрган Браҳма, унинг гўзаллигига маҳлиё бўлиб, ор-номусни эсидан чиқариб, қизи кийик қиёфасига кирганида, у ҳам кийик қиёфасида унинг изидан югурган эди. 37. Браҳма яратган барча тирик

мавжудотлар - одамлар, фаришталар ва ҳайвонлар орасида, донишманд Нараянадан бошқа ҳеч ким аёл қиёфасидаги майя макрларига бардош бера олмайди. 38. Энди сен аёл қиёфасига кирган Менинг қувватим - майянинг қанчалик қудратли эканини англаб олдинг. Аёл ўзининг бир нигоҳи билан, бутун оламни забт қилган ҳукмдорларни ва буюк жангчиларни ҳам ўз ҳукмига бўйсундиришга қодир. 39. Йоғада камолотга эришишни истаган, Менга хизмат қилиб ўзининг руҳий табиатини англаб етган киши ҳеч қачон гўзал аёл билан ҳамсуҳбат бўлмаслиги керак. Худонинг содиқ хизматкори учун бундай аёл – дўзахга олиб борувчи эшик экани муқаддас китобларда ёзилган. 40. Худои Таоло яратган аёл - майя, алдамчи қувватнинг вакили, тимсолидир, ва ана шу майя билан ҳамсуҳбат бўлиб, унинг хизматини қабул қилган одам, худди йўлида ташландик ва устига ўтлар ўсиб ётган қудуқ учраган киши сингари, ҳалоқат йўлидан тўғри бораётганини англаб олиши керак. 41. Олдинги ҳаётида аёлга боғланиб қолган тирик мавжудот кейинги ҳаётида аёл танасига эга бўлади ва эркак кўринишидаги майяга - ўзининг эрига "мени бахтиёр қилади, бола-чақа, уй-жой қилиб беради ва бошқа моддий лаззатлар келтиради" - деган ниятда аҳмоқона, айёр кўзлари билан сузилиб қарайди. 42. Худди кийикни ҳалоқат қилиш учун қопқонга туширишга чорлайдиган овчининг алдамчи товуши сингари, аёлни ҳам - ўзининг эрини, уйини ва болаларини, дўзах ўтига чорлайдиган "ташқи қувватининг тузоғи" деб тушуниши керак. 43. Ўзининг танасига боғланиб қолган, моддий тасаввурга эга тирик мавжудот фаолиятининг натижалари оқибатида бир сайёрадан иккинчи сайёрага кўчиб юради. Шу тарзда у кармали фаолияти тузоғига тушиб қолади ва ҳаётма ҳаёт унинг оқибатларидан лаззатланиб яшайди. 44. Тирик мавжудотнинг кармали фаолияти, унинг муайян моддий ақл ва ҳиссиёт органларига эга бўлган кейинги танасини белгилайди. Ўзининг кармали фаолиятининг ҳозирги танасига мос келадиган оқибатларини бошидан кечириб бўлгандан кейин, тирик мавжудот танасини алмаштиришга мажбур бўлади, мана шу ҳолатни "ўлим" деб атайдилар. У ўзининг карма фаолиятининг кейинги босқичи оқибатларини ола бошлаганида эса, янги танага киради ва буни туғилиш деб атайдилар. 45-46. Кўриш қобилиятини бошқарувчи аъзоларнинг касаллиги натижасида кўзлар ранг ва шаклларни ажрата олмай қолади ва кўзнинг, яъни кўриш қобилиятининг эгаси бўлган тирик мавжудот кўр бўлиб қолади. Худди шунга ўхшаш, моддий тана, яъни тирик мавжудотга атроф муҳитни сезиш, қабул қилишда ёрдам берувчи механизмнинг сезиш қобилиятини йўқотган ҳолати ўлим деб аталади. Тирик мавжудотнинг ўзини яна моддий тана билан қиёслаб бошлаган пайти эса, туғилиш деб аталади. 47. Шунинг учун, ўлимдан кўрқинишнинг ҳам, ўткинчи моддий танани руҳга қиёслаш орқали нажот топишга интилишнинг ёки тананинг талабларини бажариб, ҳар хил лаззатларга берилиб яшашнинг ҳам ҳолати йўқ. Ўзининг ҳақиқий табиатини англаб етгандан кейин инсон барча боғланишлардан халос бўлиши ва ҳаётда ҳеч адашмай, энг олий мақсадни кўзлаб яшаши керак. 48. Ҳамма нарсанинг асл табиатини кўра олишни ўрганиб, Худои Таолога садоқат билан холис хизмат қилиш орқали руҳий қувватга эга бўлиб, моддий дунёнинг ўткинчи, алдамчи нарсаларига алданишни тарк этиб, ўзининг

тафаккурига таяниб, инсон моддий танасини ўткинчи дунё ихтиёрига топшириши керак. Шунда у моддий боғланишларнинг барчасини тарк эта олади.

Ўттиз иккинчи боб Кармали фаолият чангали

1. Худо Шахси шундай деди: - Оилавий ҳаёт кечираётган киши моддий манфаат кўриш учун диний урф-одатларга, ақидаларга амал қилади. Шу тарзда у иктисодий фаровонликка эришиб ҳиссиётининг лаззатланишга бўлган эҳтиёжларини қондиради. Бу ҳолат кетма-кет такрорланаверади. 2. Ҳиссиёти талабларини қондиришга боғланиб қолган шундай одамлар Худога садоқат билан холис хизмат қилиш имкониятидан махрум бўладилар. Шу сабабли, гарчи улар ҳар хил қурбонлик маросимларини ўтказсалар ва фаришталарни, ўтган аждодларини рози қилиш учун тантанали равишда ҳар хил қасамлар ичса ҳам, уларнинг қалбида Худои Таолони, Кришнани англашга ва Унга садоқат билан холис хизмат қилишга интилиш туйғуси пайдо бўлмайди. 3. Моддий лаззатланиш ниятида ўтган аждодларига ва фаришталарга сиғиниб юрган Худосиз(материалистлар)лар, Ой сайёрасига етишиб, у ерда лаззатли сома шарбатини ичишга муваффақ бўладилар. Аммо, кейин яна шу сайёрага, Ерга қайтиб келадилар. 4. Худонинг Олий Шахси, Хари Ўзининг илоҳий ўриндиғи - аждар Ананта-Шеша устига ором олиш учун чикқанида, худосизлар яшайдиган барча сайёралар, шу жумладан Ой сайёрасини ҳам ўз ичига олган жаннатий сайёралар ҳам, яксон бўлиб, мавжудлик ҳолатидан мавҳумлик ҳолатига ўтадилар. 5. Онги пок, заковатли кишилар Худо Шахси - Кришнани англаб яшашдан тўла қаноат, мамнуният ҳосил қиладилар. Моддий табиат гуналари таъсирдан озод бўлиб, ҳаётда улар ҳиссий лаззат олиш ниятида эмас, балки ўзларининг Худо олдидаги бурчини адо этиш ниятида ўз вазифаларини холис бажарадилар. 6. Ўзлари учун белгиланган вазифаларни бажараётиб, уларнинг натijasига боғланиб қолмаган, сохта ўзлик ёки эгалик қилиш туйғуси бўлмаган киши онгини бутунлай поклайди ва ўзининг асл табиий ҳолатига қайтади. Шу тарзда моддий дунёдаги вазифаларини адо этиб, у ҳеч қийналмай Худои Таоло салтанатига, Худонинг даргоҳига эришади. 7. Нурафшон йўл билан бориб, озодликка чиққан руҳлар Худонинг Мутлақ Шахси, Кришнага эришадилар. Худои Таоло моддий ва руҳий оламнинг ҳукмдори, уларнинг пайдо бўлишининг ва мавжудлигининг азалий, олий сабабчидир. 8. Худо Шахсининг экспансияси бўлган Хираньягарбхага сиғинувчилар моддий оламда икки парардха вақт ўтганча, яъни Тангри Брахма ўладиган пайтгача қоладилар. 9. Моддий табиатнинг икки парардха билан чекланган фаолият кўрсатиш вақти тугаганида, Тангри Брахма ер, сув, ҳаво, олов, эфир, ақл, эго ва бошқа пардалар билан қопланган моддий коинотни йиғиштириб олади ва Худонинг даргоҳига қайтади. 10. Нафас олиш машқлари ва мураккаб қилиш ёрдамида моддий нарсаларни тарк этган йоглар Ердан жуда олисда жойлашган Брахмолокага, Брахманинг сайёрасига эришадилар. Моддий танасини тарк этиб, улар Тангри Брахма танасига қирадилар ва Брахма озодликка эришиб, Худонинг Олий Шахси, Олий Брахманга қайтиб борганида, бу

йоглар ҳам, у билан бирга Худо Шахси салтанатига эришадилар.

11. Шунинг учун, эй азиз она, Худо Шахсига садоқатли хизмат қилиш йўлидан бориб, ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигорнинг паноҳига кир. 12-15. Эй она, Худога сиғинишда ҳар хил шахсий манфаатларни кўзлайдиган кишилар ҳам бор. Аммо, ҳатто Тангри Брахма сингари фаришталар, Санат Кумар каби буюк донишмандлар, Маричи сингари авлиёлар ҳам яратишининг янги босқичи бошланганида моддий оламга қайтишга мажбур бўладилар. Моддий табиат гуналари яна ўзаро муносабатга қира бошлаганида, моддий оламни яратувчи ва бутун ведавий илмлар мужассам бўлган манба - Тангри Брахма, руҳий илмни ва йога тизимини тарқатувчи буюк донишмандлар Замон амрига бўйсуниб моддий оламга яна қайтиб келадилар. Карма оқибатларини келтириб чиқармайдиган фаолият билан машғул бўлиб, улар озодликка эришадилар ва пурушанинг биринчи намоён бўлган танасига қирадилар, аммо моддий оламни яратиш пайтида, улар яна бу моддий оламга қайтадилар ва аввал ўзлари эга бўлган қиёфаларда, ўзлари аввал эгаллаган ҳолатни эгаллайдилар. 16. Моддий оламга қаттиқ боғланиб қолган кишилар ўзларига юклатилган вазифаларни чуқур иймон билан жуда пухта бажарадилар. Ўз меҳнатининг натижасидан роҳатланиш ниятида улар кун сайин ҳамма вазифаларини пухта бажарадилар. 17. Хирс гунаси таъсири остида бўлган бундай кишилар ҳамиша таҳлика остида юрадилар ва жиловланмаган ҳиссиётлари уларни ҳамма вақт ҳиссий лаззатларни излаб топишга мажбур қилади. Улар ўтган аждодларига сиғинадилар ва оиласининг, қабила ёки мамлакатининг моддий фаровонлиги учун куну-тун меҳнат қиладилар. 18. Шундай одамларни *траи-варгика* деб атайдилар, чунки уларнинг фикру-хаёллари ривожланишнинг уч йўлида мужассам бўлган. Уларни шартланган руҳларни озодликка чиқаришга қодир бўлган Худои Таоло қизиқтирмайди. Парвардигорнинг илоҳий улуғворлиги таърифланиб олқишлангани сабабли, бизнинг диққатимизни ўзига жалб қилувчи Худо Шахсининг кароматлари ҳақидаги ҳикоялар уларни қизиқтирмайди. 19. Худои Таолонинг олий ҳукми билан ана шундай одамларга дуои бад тамғаси урилган. Худонинг Олий Шахси кўрсатган кароматлар ҳақидаги лаззатли ҳикоялардан юз ўгирганлари сабабли уларни ҳар хил сассиқ ахлатлар билан озикланадиган чўчкаларга тенглайдилар. Худои Таолонинг илоҳий кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ўрнига, улар худосизларнинг гуноҳларга тўла фаолиятлари ҳақидаги ҳикояларни тинглайдилар.

20. Шундай одамлар Куёш йўлининг жанубида жойлашган Питрилока сайёрасига тушиш имкониятига эга бўладилар. Лекин, анча вақт ўтгандан кейин, улар яна шу сайёра(Ер)га қайтиб келадилар ва ўзларининг **аввалги** оиласида туғиладилар, яна аввалги кармали фаолияти билан машғул бўладилар, - уларнинг туғилишдан ажалигача бўлган бутун умри ана шундай ишлар билан ўтади. 21. Ўзларининг савоб ишлари натижалари тугагандан кейин, тақдир тақозоси билан улар худди, катта лавозимни эгаллаб турган кишининг бирдан энг тубан аҳволга тушиб қолгани сингари, яна мана шу сайёрага тушадилар. 22. Эй она, шунинг учун Мен сенга Худонинг Олий Шахси паноҳи остига киришни маслаҳат бераман, чунки Худо Шахсининг нилуфар қадамлари

пойи барча учун муқаддас жой ҳисобланади. Унга чуқур муҳаббат ва садоқат билан сажда қил, шунда сен садоқатли хизмат қилишнинг илоҳий поғонасига эришасан. 23. Кришнани, Худои Таолони англаган ҳолда Унга садоқатли хизмат қилиш билан машғул бўлиб, тирик мавжудот аста-секин илмга, таркидунёликка эришади ва ўзини англаб етади. 24. Мукамалликка эришган содиқнинг ақли, ҳиссиётлари ёрдамида қилинадиган фаолиятда мувозанатга, хотиржамликка эришади ва натижада содиқ лаззат келтирадиган ёки жаҳлни чиқарадиган нарсаларга нисбатан илоҳий муносабатда бўлади. 25. Соф содиқнинг илоҳий тафаккури унга бу дунёга нисбатан боғланмаслик ҳолатида бўлиш ва ўзининг моддий оламга нисбатан илоҳий эканини тушуниш имконини беради. У яхши ва ёмон нарсалар орасида фарқ сезмайдиган ҳолатга эришиб, сифат жиҳатдан Олий Худо билан бир бўлган руҳий табиатини ҳис қила бошлайди. 26. Худо Шахси мутлақ илоҳий илмдан ўзга нарса эмас, лекин Уни англаш усулларига қараб, У ҳар хил кўринишда намоён бўлиши мумкин: шахсиз Браҳман кўринишида, Худонинг Олий Шахси ёки пуруша-аватара кўринишларида. 27. Барча йогларнинг интиладиган энг олий мақсади моддий оламни бутунлай тарк этиш ҳолатидир. Бундай ҳолатга йогнинг ҳар хил усулларини машқ қилиб эришиш мумкин. 28. Илоҳийликни рад этувчи одамлар эса, Олий Мутлақ Ҳақиқатни ҳиссиётлари билан оламни ўрганиш жараёнида сезадилар. Уларнинг мукамал бўлмаган ҳиссиётлари ёрдамида оламни ўрганишлари "бутун борлиқ нисбий тузилган" деган тасаввурга олиб келади. 29. Мужассам қувват, махат-таттвдан Мен сохта ўзликини, моддий табиатнинг уч гунасини, беш моддий унсурни, шахсий(алоҳида) онгни, ўн бир ҳиссиётни ва моддий танани яратдим. Худди шундай бутун коинот ҳам Худонинг Олий Шахсидан пайдо бўлади. 30. Худо Шахсига чуқур иймон ва садоқат билан холис хизмат қилаётган, барча моддий нарсаларни тарк этган ва Худо ҳақидаги ўйлар билан банд бўлган кишигина мана шу мукамал илмга эга бўлади. Шундай одам моддий қувват(майя) таъсиридан озод бўлади. 31. Эй ҳурматли зот, Мен сенга Мутлақ Ҳақиқатга эришиш йўлини таърифлаб бердим, бу йўлдан борган киши модда ва руҳнинг табиати, улар ўзаро қандай муносабатда экани ҳақида ҳақиқий илмга мукамал эга бўлади. 32. Ҳақиқатни фалсафий фикрлаш йўли билан излашнинг энг юқори поғонаси - Худонинг Олий Шахсини англаб етиш ҳисобланади. Худо Шахсини англаб етган киши моддий табиат гуналари таъсиридан халос бўлганида Худо Шахсига садоқат билан холис хизмат қилиш поғонасига кўтарилади. Холис хизмат қилиш билан машғулми ёки ҳақиқатни фалсафий излаш йўлидан борадими инсон ягона мақсадга – Худонинг Олий Шахсини англашга эришиши лозим. 33. Бир нарсанинг ўзини ҳар хил ҳиссиётлар турлича қабул қилади, чунки улар турли сифатларга эга. Шунга ўхшаш, Парвардигор, Худои Таоло ягона, аммо муқаддас китобларнинг ҳар хил кўрсатмаларига амал қиладиган ҳар турли одамлар Уни ҳар хил кўринишда қабул қиладилар. 34-36. Тартибга солинган кармали фаолият билан машғул бўлиб, қурбонлик маросимларини ўтказиб, хайр-эҳсон тарқатиб, риёзат чекиб ва ҳар хил муқаддас китобларни ўрганиб, фалсафий изланишларга берилиб, ақл ва ҳиссиётини жиловлаб, таркидунёлик ҳолатида кун кечириб ва белгиланган вазифаларни бажариб, йога

машғулотининг ҳар хил турлари ва бхакти-йога билан шуғулланиб, боғланиш ва таркидунёликни ривожлантиришга олиб келадиган садоқатли хизмат қилиш билан машғул бўлиб, ўзликни англаш илмини эгаллаб ва барча моддий нарсаларни тарк этиб, ўзликни англашнинг ҳар хил усулларини мукамал эгаллаган инсон Олий Худони моддий ва руҳий оламда намоён бўладиган асл ҳолида англаб етади.

37. Эй азиз она, Мен сенга Худога садоқатли хизмат қилиш йўли ва унинг жамиятда намоён бўладиган тўрт кўриниши ҳақида гапириб бердим. Мен сенга мангу вақтнинг, гарчи тирик мавжудотлар унинг ўтиб бораётганини сезмасалар ҳам, Замон қай тарзда уларни ҳамиша таъқиб қилиб юриши ҳақида ҳам гапириб бердим. 38. Ўзларининг асл табиатларини унутиб, ғафлат босган фаолиятнинг қайси тури билан машғулликларига қараб, тирик мавжудотлар яшайдиган моддий тирикликнинг жуда кўп кўринишлари мавжуд. Эй она, тафаккурини унутиш пардаси қоплаб олган ҳар қандай одам келажакда уни қандай ҳаёт кутиб турганини кўра билиш қобилиятдан махрум бўлади.

39. Худо Шахси Капила давом этди: - Бу илмга пасткаш ва ҳасадгўй, иймон-эътиқодсиз(агностик), шунингдек ғофил ва нопок одамлар эриша олмайдилар. Бу илм эшиги иккиюзламачи ва вақтинчалик эга бўлган мол-дунёси билан ғурурланадиган махмадона, манман кишилар учун ҳам берк. 40. Бу илмни очкўз, қизганч ва оиласига қаттиқ боғланиб қолган одамларга, Худони тан олмайдиган ва Худонинг Олий Шахсига ва Унинг содиқларига душманлик, ҳасад кўзи билан қарайдиганларга ҳам айтиш мумкин эмас. 41. Бу илмни Худо Шахсига садоқат билан холис хизмат қилиш йўлига шубҳасиз, чуқур ишонадиган, руҳий устозини ҳурмат қиладиган, ҳасад қилмайдиган, барча тирик мавжудотларга раҳмдил бўлган, Худога иймон ва садоқат билан хизмат қилишга тайёр бўлган одамларгагина ўргатиш керак. 42. Руҳий устоз бу илмни Худонинг Олий Шахсини ҳамма нарсадан устун кўядиган, ҳеч кимга ҳасад қилмайдиган, моддий ғуборлардан бутунлай покланган ва Худо шахсини, Кришнани англаш билан боғлиқ бўлмаган барча нарсаларни тарк этган кишиларга ўргатиши лозим. 43. Мени муҳаббат ва садоқат билан бирор марта эсига олган, ўйлаган киши, илоҳий кароматларим ҳақидаги ҳикояларни тинглаган ва бошқаларга қайта гапириб берган киши албатта ўзининг мангу уйига, Худои Таоло Кришнанинг даргоҳига эришади.

Ўттиз учинчи боб.

Капиланинг кароматлари

1. Шри Майтрея шундай деди: - Худо Шахси Капиланинг онаси, Кардама Мунининг рафикаси Девахути ўғлининг насиҳатларини тинглаб бўлганида, соф онгини қоплаб олган ғофиллик пардаси бутунлай йўқолиб кетди ва у Худога садоқат билан холис хизмат қилиш таълимини эгаллаб, илоҳий илмга эга бўлди. У тирик мавжудот учун озодликка чиқиш йўлини очиб берувчи санхья фалсафасининг асосларини тушунтириб берган Худои Таоло олдида таъзим қилди ва ўзининг илтижо-дуолари билан Унинг кулоқларига ором берди.

2. Девахути шундай деди: - Брахмани - "туғилмаган зот" деб атайдилар, чунки у, Коинот қаъридаги океан сувларида ором олиб ётганида Сенинг қорнингдан ўсиб чиққан нилуфар гули ғунчасидан пайдо бўлган эди. Аммо, ҳатто Брахма ҳам, фақат Сени муруқоба қилишгагина қодир эди, эй танаси сон-саноксиз коинотлар манбаи бўлган Парвардигор. 3. Эй Худойим, гарчи Сен Ўзинг ҳеч иш қилмасанг ҳам, Ўз қувватларингни бу моддий оламнинг пайдо бўлиш, мавжудлик ва яқсон бўлиш сабабчиси бўлган моддий табиат гуналарининг ўзаро муносабатлари жараёнига киритиб қўясан. Эй Парвардигор, режаларингни Сен Ўзинг ҳаётга татбиқ этасан, ва барча тирик мавжудотлар учун Сен Худонинг Олий Шахсисан. Сен улар учун бу моддий оламни яратасан, гарчи Сен Ўзинг ягона бўлсанг ҳам, Сенинг сон-саноксиз қувватларинг ҳар хил кўринишларда намоён бўлаверади. Бу ҳол мен учун ҳамшиша жумбоқ бўлиб қолади. 4. Сен - Худонинг Олий Шахсисан, лекин шунда ҳам менинг қорнимдан дунёга келдинг. Эй Худо Шахси, Ўзининг қорнида бутун борлиқни сақлаб турган Худои Таолонинг бу дунёга шундай келиши ҳеч ақлга сиғадими? "Ҳа, бўлиши мумкин!" деб жавоб бераман мен, чунки охир замон келганида Сен Ўзинг чақалоқ қиёфасига кириб, баньян дарахти япроғи устида нилуфарсимон оёқларинг бармоғини сўриб, ўйнаб ётасан. 5. Эй Парвардигор, адашган инсонларни гуноҳга ботган фаолиятдан тўхтатиш ва уларга солиқ инсонлар бўлиб, озодликка чиқиш йўлини кўрсатадиган илми ўргатиш учун Сен мана шу қиёфага киргансан. Сенинг насиҳатларингга муҳтож бўлган, адашган осий одамларни қайғуриб, Ўз хоҳишинг билан тўнғиз ва бошқа қиёфаларга кириб, бу моддий оламга келасан. Ҳозир ҳам Сен бу дунёга, содиқ хизматкорларингга илоҳий илм ўргатиш учун келгансан.

6. Ҳатто ит гўштини ейдиган ҳароми оиласида туғилган одам ҳам, бир марта чин ихлос билан Худо Шахсининг муқаддас номини зикр қилса, ёки Худо Шахсининг улуғворлигини куйласа, Унинг эрмаклари, кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тингласа, Унинг олдида сажда қилса ёки шунчаки Уни эслаб юрса, шу заҳотиёқ ведавий қурбонлик маросими ўтказиш хуқуқига эга бўлади. Шундай экан, Худонинг Олий Шахсини бевосита кўриб юрганлар ҳақида нима ҳам дейиш мумкин? 7. Сенинг муқаддас номларингни мунтазам зикр қилиб юрган инсонларга шон-шарафлар бўлсин! Ҳатто ит гўшти ейдиган ҳаромилар оиласида дунёга келган бўлсалар ҳам, уларни хурмат билан эъзозлаш керак. Сенинг муқаддас номингни зикр қилиб юрган одамлар, шубҳасиз, аллақачон барча қурбонлик маросимларини ўтказган, риёзатлар чекиб, арийларга хос барча эзгу ҳислатларга эга бўлган, деб ҳисобланади. Сенинг муқаддас номларингни зикр қилиш имкониятига эга бўлиш учун, улар муқаддас саждагоҳлар ёнидаги дарёлар сувида чўмилишлари, Ведаларни мукамал ўрганишлари ва муқаддас китобларда келтирилган барча вазифаларни адо этишлари зарур эди. 8. Эй Худойим, Сен - Капила номини олган Парвардигор Вишнунинг Ўзисан, Олий Брахман, Худонинг Олий Шахси ҳам - Сен Ўзингсан. Ақл ва ҳиссиётларини жиловлаб олган буюк авлиё ва донишмандлар Сени муруқоба қиладилар, чунки фақат Сенинг марҳаматинг билангина тирик мавжудот моддий табиатнинг уч гунаси таъсиридан халос бўла олади.

Моддий оламнинг яқсон бўлиши жараёнида Ведалар фақат Сенинг Ўзингдангина паноҳ топадилар.

9. Севимли онасининг гапларидан мамнун бўлган Худо Шахси Капила, хотиржам ва улуғвор оҳангда гап бошлади. 10. Худои Таоло, Худо Шахси шундай деди:

- Эй азиз она, Мен сенга тушунтириб берган ўзликни англаш йўли жуда осон йўл. Сен бемалол ана шу йўлдан боришинг ва тез вақт ичида, ҳозирги ҳаётингнинг ўзидаёқ руҳий озодликка эришишинг мумкин. 11. Эй азиз она, ҳақиқатан ҳам руҳий ҳаёт кечираётган кишилар сенга берган насиҳатларимга бекамукўст риоя қиладилар. Агар сен ҳам ўзликни англашнинг ана шу йўлидан борсанг ва белгиланган вазифаларнинг барчасини тўлиқ бажариб юрсанг, бу моддий ҳаётга хос бўлган кўрқинч ва ташвишларнинг ҳаммасидан халос бўлишга ва охир-окибатда Менинг даргоҳимга эришишга ишончинг комил бўлсин. Аммо садоқатли хизмат қилиш йўли ҳақида ҳеч нарса билмайдиган одамларга туғилиб-ўлишлар чархпалагидан халос бўлиш насиб этмайди.

12. Шри Майтрея шундай деди: - Севимли онасига насиҳатларини изҳор этиш билан Ўз бурчини адо этган Худонинг Олий Шахси, Капила ундан ижозат сўраб, уйини тарк этди.

13. Ўғлининг насиҳатларига амал қилиб, ўз хонадомида қолган Девахути бхакти-йога билан шуғуллана бошлади. Гуллар билан шу қадар ажойиб безатилгани сабабли "Сарасвати дарёсининг гултожи" деб ном олган Кардама Мунининг уйида у самадҳи ҳолатига эришди. 14. У кунига уч марта дарёда чўмилиб, поклана бошлади, натижада қоп-қора тўлқинсимон сочлари вақт ўтиши билан қулранг тусга кирди. Риёзатга берилган Девахути жулдур кийимларда эди. 15. Йога билан шуғулланиш ва риёзатлар ёрдамида Пражапатилардан бири бўлмиш Кардама Муни сеҳр бобида шу қадар қудратга эга бўлган эдики, унинг саройидаги дабдаба ва ҳашаматли бойликларга ҳатто коинот бўйлаб ҳаво кемаларида сайр қилиб юрадиган зотлар ҳам ҳавас қилардилар. 16. Кардама Мунининг уйи гўзаллиги ва бойлиги билан кишини ҳайратга соларди. Чойшаб ва тўшақлар сутнинг кўпиги сингари оппоқ эди. Ўриндик ва ётадиган жиҳозлар фил суягидан қилинган ва зарҳал ипдан гул тўқилган матолар билан ўралган, олтин ўриндикларда эса, пардек юмшоқ ёстиклар қўйилган эди. 17. Сарой деворлари энг яхши мрамрдан қилинган бўлиб, қимматбаҳо тошлар билан безатилган эди. Кечкурунлари сарой хоналарида шамчироклар ёқишга ҳожат қолмасди, чунки шу тошлардан таралаётган ёғду сарой ичини равшан қилиб турарди. Ҳовлидаги аёлларнинг барчаси бошдан оёқ қимматбаҳо тақинчоқлар билан безанган эдилар. 18. Саройнинг асосий биноси анвойи атир таратиб турувчи гуллар ва серҳосил меваларининг оғирлигидан шохлари эгилиб турган баланд дарахтлар ўсиб ётган ғаройиб боғлар билан ўралган эди. Дарахтларда сайроки қушлар ўтирар, уларнинг хонишлари сармаст асалариларнинг ёқимли гувиллашлари билан қўшилиб, бу боғларда бетакрор оромбахш манзара пайдо қилга эди. 19. Нилуфар гулларига қўмилган қўл сувида чўмилиш учун Девахути бу бокка кириб келганида, самовий фаришталарнинг маликалари, гандхарвалар Кадама Мунининг оилавий турмушини шарафлаб қўшиқ куйлашарди. Девахутининг буюк эри Кардама унга ҳамшиша ғамхўрлик қиларди. 20. Гарчи унинг мана шу ҳолати ҳар томонла-

ма ажойиб бўлса ҳам, ҳузур ҳаловатда, ҳатто жаннат аҳолисининг ҳам ҳавасини келтириб яшаётган покдомон Девахути, ҳеч иккиланмасдан ўзининг мана шу роҳатланиб яшаётган турмушини тарк этди. Уни фақат буюк ўғли Капиланинг ёнида йўқлигигина маюслантирарди. 21. Девахутининг эри санньяси ҳаёт тарзини қабул қилиб уйини тарк этганди, энди эса уни ёлғиз ўғли Капила ҳам тарк этди. Гарчи Девахутига тириклик ва ўлишнинг барча сирлари аён ва қалби шишадек пок бўлса ҳам, у худди бузоғи ўлган сигир сингари изтироб чекарди.

22. Эй Видура, ўғли, Худонинг Олий Шахси, Капиладева ҳақида бетиним ўйлаш билан у ўзининг бойликка тўла уйига бўлган боғланишларидан тез вақт ичида бутунлай халос бўлди. 23. Девахути ҳамиша юзидан табассум аримайдиган Худо шахси, ўғли Капиладеванинг ҳар жиҳатдан мукамал бўлган насихатларини диққат билан тинглаганидан кейин ҳамиша Худои Таолога, Унинг Вишну қиёфасида муруқаба қила бошлади. 24-25. Садоқатли хизмат қилишга бутун диққатини жалб қилиб, Девахути кунларини шу тарзда ўтказа бошлади. Барча моддий нарсалардан воз кечиб, у энг зарур бўлган нарсалар билангина қаноатланарди. Мутлақ Ҳақиқатни англаб етиш билан Девахути мукамал илмга эга бўлди, қалби покланиб, ўзи Худонинг Олий Шахсини муруқаба қилишга ғарқ бўлди. Шу тарзда у моддий табиат гуналари келтириб чиқарадиган барча адашишлардан халос бўлди. 26. Унинг ақли Худои Таоло ҳақидаги ўйлар билан банд бўлиб, шахсиятсиз Браҳман ҳақидаги илм унга ўз-ўзидан аён бўлди. Браҳманни англаган руҳ сифатида Девахути, ҳаёт ҳақида моддий тасавурларга эга кишиларга хос бўлган сохта қиёслашлардан озод бўлди. Шу тарзда у барча моддий азоб-укубатлардан халос бўлиб илоҳий лаззатдан баҳраманд бўла бошлади. 27. Ҳамиша транс ҳолатида бўлиб ва тирик мавжудотни моддий табиатнинг уч гунаси ғарқ қиладиган алданиш тузоғидан кутулган Девахути, худди тушида кўрган таналарини унутган киши сингари, ўзининг моддий танасини унутиб юборди. 28. Девахутининг танасини унинг эри яратган самовий канизаклар парвариш қиларди, унинг ақли ҳамиша мутлақо осойишта бўлгани учун у ҳеч, озиб тўзмаган ва худди тутун билан қопланган оловга ўхшарди. 29. Ҳамиша Худо Шахси ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб, у вақт ўтиши билан сочлари тўзғиб кийимлари тартибсиз ҳолга келганини ҳам сезмади.

30. Азизим Видура, Капиланинг насихатларига амал қилиб Девахути тез орада моддийлик қамалидан халос бўлди ва кийинчиликсиз Олий руҳ кўринишидаги Худонинг Олий Шахсига эришди. 31. Эй Видура, Девахути мукамалликка эришган жой, шундан бери коинотдаги энг муқаддас жойлардан бири ҳисобланади. Бутун уч оламда бу жойни "Сиддхапада" деб айтадилар. 32. Азизим Видура, унинг танаси таркиб топган моддий унсурлар сувга айланиб, шундан бери энг муқаддас ҳисобланадиган дарё сувларига қўшилиб кетди. Шу дарёда чўмилган ҳар бир киши ҳам мукамалликка эришади. Шунинг учун, камолотга интилувчиларнинг барчаси унинг сувларида чўмилиш учун у ерга борадилар. 33. Ҳурматли Видура, онасидан ижозат олиб, буюк донишманд Капила, Худонинг Олий Шахси отасининг уйини тарк этди ва шимолий-шарқ тарафга йўл олди. 34. У шимол тарафга бораётганида самовий машшоқларнинг барчаси - чараналар ва гандҳарвалар,

шунингдек буюк донишмандлар ва жаннатдаги аёллар, апсарлар Унга илтижо қилиб, ҳар хил иззат-икром кўрсатдилар. Океан Унга инъомлар ҳадя қилиб яшайдиган макон билан сийлади. 35. Транс ҳолатига эришган Капила Муни бутун уч оламдаги шартланган руҳларни кутқариш ниятида ҳозир ҳам шу ерда, ва Унга барча ачарьялар, буюк устозлар ва санкхья фаласафасини тарғибот қилувчи олимлар сажда қиладилар. 36. Эй ўғлим, сен савол бердинг, мен эса саволларингга жавоб бердим. Эй бегуноҳ зот, Капиладева, Унинг онаси ва уларнинг кароматлари ҳақидаги ҳикоялар ҳақиқатан ҳам энг пок ҳикоялардир. 37. Капиладева ва унинг онаси ҳақидаги ҳикоялар шу қадар мўътабарки, уларни тинглаган ёки ўқиган ҳар қандай инсон Гаруданинг елкасида ўтирадиган Худои Таолонинг содиқ хизматкорига айланади ва Худо Шахсига илоҳий муҳаббат ва садоқат билан холис хизмат қилиш учун Худонинг Олий Шахси даргоҳига эришади.

16.07.2002

"Шримад-Бхагаватам" Тўртинчи қўшиқ

1. Ману кизларининг шажараси. 2. Дакшанинг Тангри Шивани дуои-бад қилиши. 3. Тангри Шиванинг Сати билан суҳбати. 4. Сати танасини тарк этади. 5. Дакша ўтказган қурбонлик маросимининг ниҳояси. 6. Браҳманинг Тангри Шивани овутиши. 7. Дакшанинг қурбонлик маросимини ниҳоясига етказиши. 8. Дҳрува Махараж уйини тарк этиб ўрмонга жўнаши. 9. Дҳрува Махаражнинг уйига қайтиши. 10. Дҳрува Махаражнинг яқшалар билан жанг қилиши. 11. Сваямбхува Манунинг Дҳрува Махаражга берган насихатлари. 12. Дҳрува Махаражнинг Парвардигор даргоҳига қайтиши. 13. Дҳрува Махаражнинг авлоди. 14. Шоҳ Вена тарихи. 15. Махараж Притхунинг туғилиши ва тахтга ўтириши. 16. Санъаткорларнинг шоҳ Притхуни олқишлашлари. 17. Махараж Притхунинг Ердан ғазаблангани. 18. Махараж Притхунинг Ерни соғиши. 19. Шоҳ Притхунинг

юз марта ашвамедха маросими ўтказиши. 20. Махараж Притхунинг қурбонлик майдончасида Парвардигор Вишнунинг пайдо бўлиши. 21. Махараж Притхунинг насиҳатлари. 22. Махараж Притхунинг тўрт Кумар билан учрашгани. 23. Махараж Притхунинг Худонинг даргоҳига қайтиши. 24. Тангри Шива куйлаган қўшиқ. 25. Шоҳ Пуранжананинг сифатлари. 26. Шоҳ Пуранжананинг овга кетгани ва маликанинг жаҳли чиққани. 27. Чандавегининг шоҳ Пуранжана шахрига хужум қилиши ва Калаканыянинг табиати. 28. Пуранжананинг кейинги ҳаётида аёл бўлиб туғилиши. 29. Нараданинг шоҳ Прачинабарҳи билан суҳбати. 30. Прачеталарнинг кароматлари. 31. Нараданинг Прачеталарга қилган насиҳатлари.

Биринчи боб.

Ману қизларининг шажараси

1. Шри Майтрея шундай деди: Сваямбхува Ману хотини Шатарупадан уч қиз кўрди, улар Акути, Девахути ва Прасутилар эди. 2. Акутининг икки оғаси бор эди, шунга қарамай, шоҳ Сваямбхува Ману хотини Шатарупа билан бамаслаҳат, ундан туғиладиган ўғил фарзандни ўзи асраб олиш шарти билан Акутини Пражапати Ручига хотинликка берди. 3. Тирик мавжудотларнинг бобокалонларидан бири бўлиш вазифаси юклатилган, буюк брахманлик қудратига эга бўлган Ручи хотини Акутидан бир ўғил ва бир қиз кўрди. 4. Акутидан туғилган ўғил фарзанд Олий Худо Шахсининг намоён бўлган қиёфаси эди. Уни Парвардигор Вишнунинг номларидан бири бўлган ном билан "Ягйя" деб атадилар. Қиз фарзанд эса Парвардигор Вишнунинг мангу рафиқаси бўлган раванак фариштаси Лакшмининг намоён бўлган қиёфаларидан бири эди. Қувончга тўлган Сваямбхува Ману Ягйя деб исм қўйилган ёқимтой чақалокни уйига олиб келди, унинг куёви Ручи эса, қизи Дакшинани ўзига олиб қолди. 6. Анча вақт ўтгандан кейин барча қурбонлик маросимларининг Хукмдори, Ягйя Худо Шахсига турмушга чиқишни орзу қилиб юрган Дакшинани Ўзина хотинликка олди. Хотинидан ғоят мамнун бўлиб, Ягйя унга ўн икки фарзанд совға қилди.

7. Ягйя ва Дакшиналарнинг никоҳидан пайдо бўлган ўн икки фарзандга Тоша, Пратоша, Сантоша, Бхадра, Шанти, Идаспати, Идхма, Кави, Вибуху, Свахна, Судева ва Рочана деб исм қўйдилар. 8. Сваямбхува хукмдорлик қилган даврда уларнинг барчаси "Тушитлар" деган ном билан донг таратиб, буюк фаришталар бўлиб етишдилар. Маричи етти донишманднинг хукмдори эди, Ягйя эса фаришталар шоҳи Индранинг вазифасини бажарди. 9. Сваямбхуванинг икки ўғли, Прияврата ва Уттананада жуда қудратли шоҳлар бўлиб етишдилар, уларнинг фарзандлари ва неваралари эса, у хукмдорлик қилган даврда бугун уч оламга тарқалдилар.

10. Эй ўғлим, Сваямбхува Ману ўзининг энг суюкли қизи Девахутини Кардама Мунига хотинликка берди. Мен сенга Девахути ва Кардама Муни ҳақида гапириб берганим, сен улар ҳақида деярли ҳамма нарсдан хабардорсан. 11. Ўзининг учинчи қизи, Прасутини Сваямбхува Ману Брахманинг ўғли Дакшага берди, у ҳам тирик мавжудотларнинг бобокалонларидан бири эди. Дакшанинг уруғ-аймоқлари бутун уч оламга

тарқалдилар. 12. Сен Кардама Мунининг тўққиз донишмандга турмушга берилган тўққиз қизи ҳақида эшитган эдинг. Энди мен сенга улардан тарқалган авлодлар ҳақида гапириб бераман. Менинг айтганларимга кулоқ сол.

13. Маричининг рафиқаси бўлган Кардама Мунининг қизи Кала, икки фарзанд кўрди, уларни Кашйапа ва Пурнима деб атадилар. Уларнинг уруғ-аймоқлари бугун уч оламга тарқалдилар. 14. Азизим Видура, Маричи ва Калининг икки ўғлидан бири, Пурнима уч фарзанд кўрди: Вираджа, Вишвага ва Девакуйя. Девакуйя Худо Шахсининг нилуфар қадамларини ювган сув(қиёфасида) эди, ва кейин жаннат сайёраларида оқадиган Гангага айланди. 15. Атри Мунининг хотини Анасуя оламга донг таратган уч ўғил туғди: Сома, Дататрея ва Дурваса. Улар Тангри Вишну, Тангри Шива ва Тангри Брахманинг тўлиқ бўлмаган қиёфа(аватара)лари эди. Сома Тангри Брахманинг тўлиқ бўлмаган қиёфаси(тимсоли) эди, Дататрея - Тангри Вишнунинг, Дурваса Муни эса - Тангри Шиванинг кўриниши эди.

16. Майтреяни диққат билан тинглаб туриб, Видура шундай савол берди: - Ҳурматли устоз, қандай қилиб бугун борлиқни яратувчи, мавжудлигини таъминлаб турувчи ва яқсон қилувчи уч илоҳ – Брахма, Вишну ва Шива Атри Мунининг хотинидан дунёга келдилар?

17. Майтрея шундай жавоб берди: - Тангри Брахма Атри Мунига Анасуяга уйланиб насл қолдиришни буюрганида, Атри Муни хотини билан Рикша тоғи этагида жойлашган водийга йўл олиб, у ерда қаттиқ риёзатга берилди. 18. Шу водийдан Нирвиндха дарёси оқиб ўтади. Унинг қирғоқларида кўплаб ашока дарахтлари ва палаша гулларига бурканган бутазорлар ўсиб ётибди, яқин атрофдан шаршара овози эшитилиб туради. Эрухотин мана шу хушманзара жойга етиб келдилар. 19. Бу ерда йога усулида нафас олиш машқларини бажариб, буюк донишманд ақл-ҳаёлини ва (моддий оламга) боғланишларини (нафсини) жиловлаб олди. У бир оёғида турар ва фақат ҳаво билан озиқланарди. У шундай ҳолатда юз йил турди. 20. У риёзат чекиб, шундай ҳаёл сурарди: "Бутун борлиқнинг хукмдори, менинг нажоткорим бўлган Парвардигор менга марҳамат кўрсатиб Ўзига ўхшаган ўғил фарзанд ато этса эди".

21. Атри Муни шундай қаттиқ риёзат чекиб турганида, шуғулланаётган нафас олиш машқларининг ша-рофати билан унинг калласидан ёрқин олов чакнади, ва шу оловни уч оламнинг уч олий илоҳи кўриб қолдилар. 22. Жаннат сайёраларида яшовчи самовий парилар, гандҳарвалар, сиддҳалар, видядҳаралар ва нагалар ҳамроҳлигида уч илоҳ ўзининг қаттиқ риёзатлари билан шуҳрат қозонган буюк донишманд Атри Муни даргоҳига тушиб, унинг кулбасига кирдилар. 23. Донишманд бир оёқда турарди, аммо осмону-фалақдан тушиб келган бу уч илоҳни кўриши билан у шод-хуррам бўлиб, гарчи қийналиб бўлсада, бир оёқда турган ҳолида уларга яқинлашди. 24. У ҳўкиз, оққуш ва Гарудага миниб олган ва қўлларида барабан, куша майсаси ва халқа ушлаб олган уч Илоҳга ҳамду-санолар айтиб, илтижо қила бошлади. Уларнинг оёқларига худди қулаган ҳасса сингари йиқилиб эҳтиром кўрсатди. 25. Бу уч Илоҳ ўзларининг марҳамат тўла нигоҳларини ўзига тикиб турганини кўриб, Атри Риши жуда қувониб кетди. Улардан таралаётган ёғдудан кўзлари қамашиб, бир лаҳзага кўзларини юмди. 26-27. Аммо, Илоҳлар

аллақачон унинг қалбини ўзига ром этгани туфайли, ўзини қўлга олиб, қўлларини қовуштириб, бугун олам ҳукмдорларига самимий илтижолар қила бошлади.

Буюк донишманд Атри шундай деди: - Эй Тангри Браҳма, Тангри Вишну ва Тангри Шива, моддий табиатнинг уч гунасини қўлларингизга олиб, сизлар бу уч танада намоён бўлдинглар. Яралишнинг янги босқичи бошланган заҳоти коинотни яратиш, мавжудлигини таъминлаш ва яқсон қилиш учун сизлар ҳар гал шундай қиласизлар. Мен сизларнинг олдингизда чуқур эҳтиром билан бош эгаман ва илтимос қиламан: - мен ўз илтижоларимда сизларнинг қайси бирингизга мурожаат қилган эдим? 28. Худо Шахсига ўхшаган фарзанд тилаб, мен Худои Таолога, ягона Парвардигорга илтижо қилган ва фақат шу ҳақда ўйлаган эдим. Гарчи У Зотга инсон ўз онгининг ёрдами билан эриша олмаса ҳам, сизлар менинг олдимда пайдо бўлдинглар. Сизларнинг пайдо бўлишингиз мени саросимага солиб қўйди, сизларнинг бу ерга нима мақсадда келганингизни билсам бўладими?

29. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Атри Мунининг гапларини тинглаб, уч илоҳ майин қулиб қўйдилар ва донишмандга мулоим жавоб бердилар.

30. Уч илоҳ Атри Мунига шундай деди: - Эй азиз браҳман, сенинг қароринг жуда қатъий, шу боис ҳамма нарса сен истагандек бўлади. Биз учовимиз сен ҳаёлингизда илтижо қилган зотлармиз, шунинг учун ҳам бу ерга келдик. 31. Сен уч фарзанд кўрасан, улар бизларнинг қудратимизнинг тимсоли бўладилар, биз сенинг бахтли бўлишингни истаймиз, шу боис бу фарзандларнинг сени бугун дунёга машхур қиладилар. 32. Атри Мунига шундай дуо-фотиҳаларини бериб, уч илоҳ - Браҳма, Вишну ва Махешвара эр-хотиннинг кўзидан ғойиб бўлди. 33. Анча вақт ўтгандан кейин Атри Муни ва унинг рафиқасидан Браҳманинг тимсоли бўлган Ой фариштаси, Вишнунинг тимсоли бўлган буюк сеҳргар Дататрея ва Шанкара(Тангри Шива)нинг тимсоли бўлган Дурваса туғилди. Энди мен сенга Ангирининг кўплаган уруғ-аймоқлари ҳақида гапириб бераман.

34. Ангиранинг хотини Шраддха тўрт қиз туғди, уларни Синивали, Каху, Рака ва Анумати деб атадилар. 35. Тўрт қиздан бошқа унинг икки ўғли ҳам бор эди. Уларнинг бирининг оти Утатхйя эди, иккинчиси ўзининг олимлиги билан шуҳрат қозонган Брихаспати эди. 36. Пуластйя хотини Хавирбхудан Агастйя деган фарзанд кўрди, у кейинги ҳаётида Дахрагни бўлиб туғилди. Агастйядан бошқа Пуластйянинг буюк риёзатчи Вишрава деган ўғли ҳам бор эди. 37. Вишраванинг икки хотини бор эди. Унинг биринчи хотини Идавида яқшаларнинг ҳукмдори бўлган Куверани туғди, Кешини деган иккинчи хотини эса, уч фарзанд кўрди, улар Равана, Кумбхакарна ва Вибхишана эдилар. 38. Донишманд Пулаханинг хотини Гати уч ўғил туғди, улар - Кармашрештха, Варияна ва Сахишналар эди. Улар ҳаммаси буюк донишмандлар эди. 39. Кратунинг хотини Крия Валакхийялар деб ном олган олтмиш минг донишмандларни дунёга келтирди. Бу донишмандлар илоҳий илмларни чуқур эгаллаган эдилар ва шу боис уларнинг таналаридан илоҳий нур таралиб турарди. 40. Буюк донишманд Васиштха, баъзан Арундхати деб ҳам аташадиган хотини Урджидан етти фарзанд кўрди. Уларнинг биринчиси Читракету деган донишманд эди, бу фарзандларнинг барчаси ўзларининг такводорлиги

ва донишмандлиги билан шуҳрат қозондилар. 41. Бу донишмандлар: Читракету, Сурочи, Вираджа, Митра, Улбана, Васубхридйяна ва Дйюманлар эди. Васиштха бошқа хотинидан ҳам бир неча муносиб фарзандлар кўрди. 42. Донишманд Атхарванинг хотини Читти, буюк "Дахйячча" қасамини ичиб, Ашвашира деган ўғил туғди. Энди мен сенга донишманд Бхригунинг уруғ-аймоғи ҳақида гапириб бераман.

43. Донишманд Бхригуга ҳамшиша омад ёр эди. Кхйяти деган хотинидан у Дхату ва Видхату деган икки ўғил ва Шри деган бир қиз кўрди. Шри Олий Худо Шахсига ўз ихтиёрини бутунлай топширган зот эди. 44. Донишманд Мерунинг Аяти ва Нияти деган икки қизи бўлиб, донишманд уларни Дхата ва Видхатага хотинликка берди. Аяти ва Нияти Мриканда ва Прана деган икки фарзанд кўрдилар. 45. Мрикандадан Маркандея Муни туғилди, Пранадан эса - донишманд Ведашира туғилди. Кави номи билан ҳам маълум бўлган Ушана(Шукрачарйя) Ведаширанинг ўғли бўлади. Шундай қилиб, Кави ҳам Бхригунинг авлодларидан биридир.

46-47. Эй Видур, бу донишмандларнинг ва Кардама Муни қизларининг уруғ-аймоқлари шу тариқа бугун оламга таралдилар. Бу ҳикояни иймон билан тинглаган киши қилган барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлади. Манунинг Прасути деган иккинчи қизи Браҳманинг Дакша деган ўғлига турмушга чиқди. 48. Дакша хотини Прасутидан чиройли, нилуфар кўзли ўн олти қиз кўрди. Улардан ўн учини у Дхармага, биттасини Агнига турмушга берди. 49-52. Қолган қизларидан биттаси Питрилокага юборилган эди, у ерда ҳозир ҳам у ҳеч қандай мусибат кўрмай яшайти. Бошқа қизи гуноҳкорларни бу моддий олам тутқунлигидан халос этувчи Тангри Шивага хотинликка берилган эди. Дхармага хотин бўлган Дакшанинг ўн уч қизи қуйидагилар: Шраддха, Майтри, Дая, Шанти, Тушти, Пушти, Крия, Уннати, Буддхи, Медха, Титикша, Хри ва Мурти. Дакшанинг бу ўн уч қизи ўн уч ўғил туғди. Шраддханинг ўғли - Шубха, Майтрининг ўғли - Прасада, Даяники - Абхай, Шантиники - Сукха, Туштиники - Муда, Пуштиники - Смая, Крияники - Йога, Уннатиники - Дарпа, Уддханики - Артха, Медханики - Смрити, Титикшаники - Кшема, Хриники - Прашрая. Барча эзгу фазилатлар эгаси бўлган Мурти, Олий Худо Шахси, Шри Нара-Нараянани туғди.

53. Нара-Нараяна туғилган кунда бугун борлиқ ўз ўзидан шод-хуррам эди. Барча тирик мавжудотларнинг ақлу-хаёли лаззат ва осойишталик оғушида эди, табиатдаги ҳамма нарса - осмон, тоғ ва дарёлар бениҳоя гўзал манзара кашф этган эди. 54-55. Жаннат сайёраларида машшоқлар мусиқа чалиб ерга гуллар ёмғирини ёғдираётган эди. Ором оғушидаги донишмандлар ведавий ҳамду-санолар ўқир, самовий зотлар - гандҳарва ва киннарлар кўшиқ айтар, жаннатдаги пари-пайкарлар рақсга тушарди. Мана шуларга ўхшаган жуда кўп саодатли, шарофат келтирувчи аломатлар Нара-Нараянанинг туғилиши билан бирга намоён бўлди. Улар дунёга келган пайтда Браҳма бошлиқ буюк фаришталар ҳам Парвардигорга чуқур эҳтиром билан илтижо қила бошладилар.

56. Фаришталар шундай дедилар: - Биз илоҳий Парвардигор олдида чуқур эҳтиром билан бош эгамиз. У ўзининг ташқи қуввати вазифасини бажарувчи бу моддий оламни яратган. Худди ҳаво ва булутлар осмонда жойлашгани сингари, бу моддий коинот ҳам Унинг

Ўзида мужассам. Ана шу Парвардигор ҳозир Дхарманинг уйида Нара-Нараяна Риши қиёфасида намоён бўлди. 57. Табаррук "Веда"лар таълимотини ўрганиш туфайли англаш мумкин бўлган, ва Ўзи яратган бу оламда барча бахтсизликларга барҳам бериш ниятида, тинчлик ва фаровонлик олиб келган ана шу Парвардигордан Ўзининг марҳаматли нигоҳини биздан аямаслигини илтижо қиламиз. Унинг ҳамдардлик туйғуси билан тўла биргина нигоҳи равнақ фариштасининг макони бўлган нилуфар гулининг чиройини ғафлатда қолдиради.

58. Майтрея шундай деди: - Эй Видура, шундай илтижолар билан фаришталар Нара-Нараяна қиёфасида пайдо бўлган Худои Таолони шарафладилар. Парвардигор уларга Ўзининг меҳр тўла нигоҳини ташлаб Гандхамадана тоғига йўл олди. 59. Оламининг мусибатини енгиллатиш учун, Кришнанинг тўлиқ бўлмаган тимсоли Нара-Нараяна Риши биз яшаётган даврда Ядавлар ва Курулар хонадонида Кришна ва Арджуна қиёфасида пайдо бўлдилар. 60. Олов фариштаси хотини Сваҳадан уч фарзанд кўрди - Павака, Павамана ва Шучи. Курбонлик оловига келтириладиган эҳсонлар уларнинг озикларидир. 61. Агни ва Сваҳанинг уч ўғли қирқ беш фарзандни дунёга келтирдилар, кейинчалик улар ҳам олов фаришталари бўлдилар. Шундай қилиб, умуман олганда, ота ва боболарини ҳам ҳисоблаганда қирқ тўққизта олов фариштаси мавжуд. 62. Оловнинг мана шу қирқ тўққиз фариштаси шахсиятсиз-браҳманлар ўтказадиган ведавий маросимлар пайтида курбонлик оловига келтириладиган эҳсонлар билан лаззатландилар. 63. Агнишватгалар, Бархиадалар, Саумйялар ва Аджйяпалар - питалар ҳисобланади. Улар сагниклар ва нирагникларга бўлинади. Бу питаларнинг барчаси Дакшанинг қизи Свадхага уйланган. 64. Питаларга хотинликка берилган Свадха, Ваюна ва Дхарини деган икки қиз туғди, улар шахсиятсиз Худога эътиқод қилиб, ҳам илоҳий ҳам ведавий илмни эгалладилар.

65. Дакшанинг ўн олтинчи қизи, Сати, Тангри Шивага турмушга чиқди. Эрига ҳамшиша садоқат билан хизмат қилган бўлса ҳам, у бефарзанд эди. 66. Бунга Сатининг отаси Дакша сабабчи бўлди, гарчи ҳеч нарсада айби бўлмаса ҳам, у ҳамшиша Тангри Шивани ҳақорат қиларди. Шу сабабли Сати ўзининг сеҳр кучидан фойдаланиб, ҳали балоғат ёшига етмасданок танасини тарк этишга мажбур бўлди.

Иккинчи боб Дакшанинг Тангри Шивани дуои бад қилиши

1. Видура шундай деб савол берди: - Ўзининг қизига шунчалик меҳр қўйган бўлсада, Дакша нима сабабдан фидойи саодатмандларнинг энг аълоси бўлган Тангри Шивага душманларча муносабатда бўлган? Нима учун у ўзининг қизи Сатига нисбатан хайрихоҳ эди. 2. Бутун оламининг руҳий устози бўлган Тангри Шива ҳеч бир тирик мавжудотга душман кўзи билан қарамайди. У ҳамшиша ўзидан мамнун ва мулоим, чунки у фаришталар ичида энг қудратли зотдир. Қандай қилиб Дакшанинг қалбида шундай улғувор ва обрўли зотга нисбатан нафрат туйғуси пайдо бўлган? 3. Ҳурматли Майтрея, ҳаётдан кўз юмиш - ҳамшиша жуда мушкул иш.

Марҳамат қилиб менга тушунтириб бер-чи, нима сабабдан қайнота ва куёв шу даражада қаттиқ жанжаллашиб қолганларки, натижада буюк фаришта Сати ўз жонига қасд қилишга мажбур бўлган?

4. Донишманд Майтрея шундай жавоб берди: - Қадим ўтмишда бутун борлиқ ҳукмдорлари буюк курбонлик маросими ўтказишга қарор қилгандилар. Шу маросимга барча буюк донишмандлар, файласуфлар, фаришталар ва олов худолари шогирдлари ва издошлари билан бирга ташриф буюрдилар. 5. Маросимга Пражапатиларнинг ҳукмдори Дакша кириб келганида унинг танасидан таралаётган куёш нуридек кучли ёғду бутун атрофни ёритиб юборди, ва маросимига тўпланганларнинг барчасининг шуҳрати унинг олдида сўниб қолди. 6. Унинг танасидан таралаётган нурдан хайратга тушиб, Тангри Браҳма ва Тангри Шивадан бошқа олов худолари ва курбонлик қатнашчиларининг барчаси Дакшага ҳурмат билдириб ўринларидан турдилар. 7. Мажлисни бошқараётган Тангри Браҳма, барча одоб қоидаларига биноан Дакшага ҳурмат билдириб қарши олди, Дакша ҳам Тангри Браҳмага таъзим бажо келтириб, унинг кўрсатмаси билан жойига ўтирди. 8. Аммо, жойига ўтиришдан олдин, Дакша Тангри Шиванинг ўрнидан турмаганини, ўзига ҳеч қандай ҳурмат кўрсатмаганини пайқаб қолди. Бу ҳолат унга қаттиқ таъсир қилди. Унинг обдон жаҳли чиқиб, Тангри Шивани ҳақоратлай бошлади:

9. - Эй донишмандлар, браҳманлар ва олов худолари, илтимос, қулоқ солинглар: мен одобли кишининг ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақида гапирмоқчиман. Сизларни ишонтириб айтаманки, мен бу гапларни газабим келганидан ёки ғофиллигим сабабли айтаётганим йўқ. 10. Шива ҳозир ўзининг оламини бошқарувчи деган буюк номига иснод келтирди ва одобли кишилар амал қиладиган барча қоидаларни оёқ ости қилди. У ор-номусини бутунлай йўқотган, шу боис ўзини қандай тутиш кераклигини ҳам билмайди. 11. Курбонлик олови ва браҳманлар олдида у менинг қизимга уйланди, шу билан менинг мартабам униқидан улғувроқ эканини тан олди. Ҳеч бир нарсада Гаятридан қолишмайдиган қизимга уйлангач, у ўзини адолатли кишилардай қилиб кўрсатишга уринди. 12. Маймунниқига ўхшаган кўзлари билан, менинг кўзлари кийикникидек чиройли қизимга уйланиб олиб, энди мени ҳурмат қилиб ўрнидан туришни ва яхши гаплар билан қарши олишни ҳам ўзига эп қўрмади. 13. Ҳеч қандай одоб қоидаларини тан олмайдиган бу ғофил зотга қизимни беришга менда ҳеч қандай истак йўқ эди. У ўзининг озодалиги билан ҳам бошқалардан ажралиб турмайди, чунки ҳеч қандай поклик қоидаларига амал қилмайди, шунга қарамай барибир мен қизимни унга турмушга беришга рози бўлдим. Мен буни ўз хоҳиширодамга қарши, худди "Веда"лар таълимотини шудраларга ўргатишга мажбур бўлган киши сингари қилдим. 14-15. У мзористон сингари нопок жойларда яшайди, ва унга ҳар ерда иблис ва арвоҳлар ҳамроҳ бўлиб юради. У ҳамшиша яланғоч юради, худди телбалардек гоҳида қаҳ-қаҳа отиб кулади, гоҳида эса, ўзидан ўзи дод-вой солиб йиғлайди. У мурдалар ёқилганда қолган кулларни танасига суртиб юради, ахён-ахёнда ювинади ва жасадларнинг суяк ва каллаларидан қилинган чамбарак осиб юради. Шунинг учун унинг фақат номигина Шива, яъни "барча зотларга раҳмдил", аслида у - ёввойи ва зolim махлуқ. У - ғафлат ботқоғига ботган

аҳмоқ-нодонларнинг ҳукмдори, улар уни кўкларга кўтариб, олқишлаб, унга сифинадилар. 16. Унинг ана шундай ифлослигига ва қалби нопоклигига қарамай, Тангри Браҳманинг илтимоси билан мен унга покдомон кизимни турмушга беришга рози бўлгандим.

17. Донишманд Майтрея давом этди: - Худди ўзининг устидан кулаётгандек Тангри Шиванинг қимир этмай ўтирганини кўриб, Дакша кўлларини ва оғзини ювди, ва шундай гаплар билан уни дуои бад қилди: 18. - "Қурбонлик маросимида ҳар бир фариштаннинг ўз улуши бор, аммо, фаришталарнинг энг ярамаси бўлган Тангри Шива бугундан бошлаб ўзининг ана шу улушидан маҳрум бўлади".

19. Майтрея давом этди: - Азизим Видура, барча йиғилганларнинг илтимосларига қарамай, ғазабни қайнаган Дакша, Тангри Шивани дуои бад қилди ва мажлисни тарк этиб уйига қайтди. 20. Тангри Шиванинг дуои-бад қилинганини англаб, Шиванинг ишончли хизматкорларидан бири Нандишвара тутоқиб кетди. Унинг кўзлари қонга тўлди ва у Дакшани ва Дакшанинг ҳақоратларини бамайлихотир тинглаб ўтирган, унинг Шивани дуои-бад қилишига қаршилик қилмаган шу ердаги браҳманларнинг барчасини дуои-бад қилишга ҳозирланди.

21. - Дакшани буюк зот ҳисоблаб, нафрат туйғуси остида Тангри Шивага нисбатан ҳурматсизлик қиладиган одамлар ақлсиз одамлардир. Шундай одамлар фақат бу дунёдаги қарама-қаршиликларнигина кўра билишлари билан илохий илмдан маҳрум бўладилар. 22. Ўзини тақводор кўрсатишга уринаётган, аммо моддий бахтга ва ана шу бахтни ваъда қилувчи Ведаларнинг юзаки, нотўғри талқинларига боғланиб қолган оилавий кишининг ҳаёти унинг қолган ақлини ҳам ўғирлайди ва уни бу дунё ишларига боғлаб қўяди. Шундай ишлар унинг ҳаётининг ягона мазмунига айланиб қолади. 23. Дакшанинг онги бутунлай ўзининг шахсий танасида мужассам. У *вишну-пада* ёки *вишнугати* ҳақидаги илми умуман эсидан чиқарган ва фақат моддий лаззатларга боғланиб қолган, шунинг учун кўп ўтмай унинг калласи ўрнида эчкининг калласи пайдо бўлади. 24. Моддий билимлари ва ақлларининг моддийликка мойиллиги ўзларини худди ўлик моддалардек ғофил қилиб қўйган кишилар дунёвий(кармали) ишларга берилиб кетганлар. Бу одамлар онгли равишда Тангри Шивани ҳақорат қилдилар. Шунинг учун улар туғилиб-ўлишлар чархпалагида мангу қолсинлар! 25. Ведаларнинг жимжимадор сўзлари ва сахий ваъдаларига учган ва натижада ақлларини йўқотиб қўйган, Тангри Шивага душман кўзи билан қарайдиган зотлар бу дунё ишларига мангу боғланиб қолсинлар! 26. Бу браҳманлар фақат тирикчилик учун пул топиш ниятида риёзат чекадилар, илм ўрганадилар. Улар ҳаром ва ҳалолнинг фарқини билмай қолсинлар ва фақат ўз таналарининг лаззатлантириш учун тиланчилик, гадойдлик қилиб пул топсинлар!

27. Нандишвара насабли браҳманларни ана шундай дуои бад қилгандан кейин, донишманд Бхригу бунга жавобан Тангри Шиванинг издошларини браҳманларнинг қудратли қарғишига дучор этди: 28. - "Тангри Шивани рози қилиш учун қандайдир қасам ичган ва Тангри Шивага тақлид қилган кишилар атеистларга айланиб, шастраларнинг илохий кўрсатмаларини бузишга мубтало бўлсинлар! 29. Тангри Шивага сифинишга онт ичганлар шунчалик

ақлсизларки, ўзларининг сочларини ўстириб, унга тақлид қилмоқчи бўладилар. Тангри Шивага сифинишда фотиҳа олиб улар маст қилувчи нарсалар ичиб, гўшт истеъмол қилиб бошласинлар!"

30. Бхригу Муни давом этди: - Сен Ведаларни ва ведавий қоидаларга амал қиладиган браҳманларни ҳақорат қиляпсан. Бундан чиқди сен аллақачон атеизмга амал қиляпсан. 31. Ведаларда инсон ҳаётини тартибга солувчи ҳар хил қонун-қоидалар мавжуд, уларга амал қилиш инсонга ижобий таъсир кўрсатиб, унинг рухий юксалишига ёрдам беради. Биздан аввал ўтган одамлар ана шу қоидаларга сўзсиз амал қилганлар. Бу йўлнинг ҳақиқий йўл эканлигининг қафолоти - барча тирик мавжудотларга раҳнамо бўлган ва Жанардана деб аталувчи Худои Таолонинг Ўзидир. 32. Ведаларда кўрсатилган йўл - муқаддас авлиё одамлар амал қиладиган пок ва олий йўлдир, ана шу қоидаларни ҳақорат қилиш билан сизлар, - Бхупати, Тангри Шиванинг издошлари, шак-шубҳасиз атеистларга хос бўлган дунёқарашларга эга бўлишдай пасткашликка маҳқум бўласизлар!

33. Донишманд Майтрея шундай деди: - Тангри Шиванинг яқин хизматкорлари ва ҳамроҳлари Дакшанинг тарафдорлари билан бир-бирларини дуои-бад қилишга киришганларида Тангри Шиванинг юзи тунд бўлиб, ҳеч нарса демасдан, қурбонлик маросимини ташлаб чиқиб кетди, издошлари ҳам унга эргашдилар.

34. Донишманд Майтрея давом этди: - Эй Видура, тирик мавжудотларнинг бу дунёда яшаётган бобокалонлари шу қурбонлик маросимини бир неча минг йил давомида ўтказдилар, чунки, қурбонлик маросими Худои Таоло Хари, Худо Шахсига сифинишнинг энг яхши усулидир. 35. Эй камон ва ўқ-ёйлар кўтариб олган, азизим Видур! Қурбонлик маросими тугагандан сўнг, унда иштирок этган барча фаришталар Ганга ва Ямуна дарёлари қўшилган жойда сувга чўмилиб покландилар. Бундай ювинишни *авабхрита-свана* деб атайдилар. Ўз қалбларини шу тарзда поклаб, улар ўз даргоҳларига йўл олдилар.

Учинчи боб

Тангри Шиванинг Сати билан суҳбати

1. Майтрея давом этди: Орадан кўп йиллар ўтди, аммо қайнота билан куёв - Дакша билан Тангри Шива орасидаги ўзаро душманлик ҳали ҳам давом этарди. 2. Тангри Браҳма Дакшани барча Пражапатиларнинг сардори қилиб тайинлагандан кейин Дакша яна ҳам гердайтиб кетди. 3. Тангри Браҳманинг қўллаб-қувватлашига ишончи комил бўлган Дакша *ваджанея* қурбонлик маросимини ўтказди, бу маросим тугагач, *брихаспати-сава* деб аталадиган буюк қурбонлик маросимини ўтказа бошлади. 4. Мана шу қурбонлик маросимига бутун оламдан браҳма-ришилар, буюк донишмандлар, ажодлар сайёрасида яшайдиган ва бошқа фаришталар тўпланди. Уларнинг ҳаммаси қимматбаҳо тақинчоқлар тақиб, чиройли безаниб олган рафиқалари билан келдилар. 5-7. Дакшанинг покдомон кизи Сати, ёнларидан учиб ўтаётган самовий фаришталарнинг ўзаро суҳбатларидан отаси буюк қурбонлик маросими ўтказаетгани ҳақида эшитиб қолди. У қароргоҳининг тепасидан жаннатда яшовчиларнинг чиройли хотинла-

ри учиб ўтаётганини кўрди. Уларнинг кўзлари қувончдан чакнаган, нозик дид билан чиройли либосларга ўраниб, ҳар хил қимматбаҳо исиргаютақинчоқлар тақиб олгандилар. Қалбида енгилмас орзу жўш уриб, у эри, бхугалар ҳукмдори олдига келди ва шундай деди.

8. Сати шундай деди: - Эй Тангрим Шива, қайнотанг буюк қурбонлик маросими ўтказяпти, у таклиф қилган барча фаришталар маросимга кетяптилар. Агар истасанг, бизлар ҳам унга боришимиз мумкин. 9. Қариндошларини кўриш ниятида барча опасингилларим ҳам эрлари билан шу маросимга келишига ишончим комил. Мен ҳам отам совға қилган тақинчоқларни тақиб, сен билан ана шу мажлисга боришни истайман. 10. У ерда холаларим, уларнинг эрлари ва мени севадиган бошқа қариндошларим тўпланган бўлса керак, агар борсам, уларни ҳам кўраман. Шунингдек, хилпираётган ҳар хил байроқларни, буюк донишмандлар ўтказадиган ажойиб қурбонлик маросимини ҳам кўраман. Шунинг учун, эй ҳурматли бегим, у ерга жуда ҳам боргим келяпти. 11. Бу ажойиб олам, намоён бўлган коинот, Худои Таолонинг ташқи қувватидан таркиб топган уч моддий гунанинг ўзаро фаолияти натижасида пайдо бўлади. Сен бу ҳақиқатни яхши биласан, аммо мен шунчаки ожиза аёлман, ва бу нарсаларни тушуна олмаслигим ўзингга маълум. Шунинг учун, ўзим туғилиб-ўсган ерни яна бир бор кўргим келяпти.

12. Эй туғилмаган, бўйни кўккимтир зот, фақат менинг қариндошларим эмас, чиройли либослар кийиб, қимматбаҳо тақинчоқлар тақиб олган бошқа аёллар ҳам эрлари ва дўстлари билан шу ёққа кетяптилар. Учиб ўтаётган оққушлардай оппоқ ҳаво кемаларининг парвозидан жуда ҳам чиройли бўлиб кетган осмонга бир қара. 13. Эй фаришталар аълоси, отасининг уйида катта байрам шодиёнаси бўлаётганини эшитган қайси қиз бола уйида хотиржам ўтира олади? Менинг у ерга чақирилмаганим сени ташвишга солмасин; - яқин дўстнинг, эрнинг, рухий устознинг ёки отанинг уйига таклифсиз ҳам бориш мумкин. 14. Эй ўлмас Шива, раҳминг келсин, менинг истагимни бажар. Сенга эрга чиқишим билан мен танангинг ярмига айландим, шунинг учун, илтимос, илтимосимни рад этма!

15. Буюк донишманд Майтрея шундай деди: - Суюкли хотинининг илтимосини тинглаб туриб, Кайлас тоғининг ҳимоячиси Тангри Шива, гарчи дарров кўнглига, бугун оламнинг тартибини сақлаб турган буюк зотлар олдида Дакшанинг ўзига айтган аччиқ гаплари келган бўлса ҳам, юзида табассум билан хотинига жавоб берди.

16. Буюк ҳукмдор шундай деди: - Эй нозанин фариштам, сен дўстнинг уйига бетаклиф ҳам боравериш мумкин, деб айтдинг, ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай, фақат агар дўстинг танасини ўзига киёсламаса, танасини ўзим деб билмаса. Акс ҳолда, у албатта келган меҳмондан бирор нуқсон топади ва натижада ундан ҳафа бўлади. 17. Буюк мартабали зотлар олти фазилагга - илмлилик, риёзат, бойлик, гўзаллик, навқиронлик ва обрўли авлодларга - эга бўлади. Аммо, шундай фазилагларга эга бўлган киши, мартабаси билан манманлик қилиб, гердайдий кетса, кўзлари ҳақиқатни кўрмай қолади ва натижада аклини йўқотиб, буюк зотлар улуғворлиги олдида бош эгиш қобилиятидан махрум бўлади. 18. Жаҳли чиқиб, меҳмонларни кош-қовоғини уйиб қабул

қиладиган одамнинг уйига, ҳатто у сенинг қариндошинг ёки дўстинг бўлса ҳам, боришнинг хожати йўқ.

19. Тангри Шива давом этди: - Қариндошдан, яқин одамдан эшитган аччиқ гаплар бизга душман камонидан кўра қаттиқроқ азоб беради, чунки, яқин одамнинг берган аламлар қалбингни кечаю-кундуз бетиним азобга солиб юради. 20. Эй юзлари ойдек фариштам, Сен Дакшанинг суюкли қизи эканинг ҳаммага маълум, аммо барибир, унинг уйидагилар сенинг борганиндан хурсанд бўлмайдилар, чунки сен ҳозир менинг хотинимсан. Бунинг устига, у ерга борсанг, мен билан турмуш қурганиндан пушаймон бўлишингга тўғри келади. 21. Сохта ўзлик ҳукми остида бўлган одам ҳамиша акли ва танаси келтираётган азоблардан қийналиб яшайди, шунинг учун ўзини англаган рухларнинг улуғворлиги унинг қалбида уларга нисбатан нафратдан бошқа нарсани уйғотмайди. Шундай даражасига етиш ва ўзлигини англаш ниятидан махрум бўлгани учун, худди иблислар Худои Таолони ёмон кўрганидек, улар ҳам буюк зотларни ёмон кўрадилар. 22. Эй ёшгина гўзалим, шубҳасиз, дўстлар ва қариндошлар бир-бирларига ўринларидан туриб, саломлашиб ва бош эгиб ҳурмат билдирадилар. 23. Соф Кришна онгида бўлган ҳолда мен ҳамиша Парвардигор Васудевага сажда қиламан. Кришна Онги бу мангу, мусаффо, соф онгдир, инсон ана шу онгга эришганида, уни Олий Худо Шахсидан, Васудевадан тўсиб турган парда кўтарилади. 24. Шунинг учун, гарчи отанг сенга бу танани ато этган бўлса ҳам, у ерга борма, чунки, у ва унинг яқинлари мени ёмон кўрадилар. Ана шу нафрат ўти, гарчи мен унинг олдида ҳеч қандай гуноҳ иш қилмаган бўлсам ҳам, уни бошимга шунча ҳақоратли гапларни ёғдиришга мажбур қилди. 25. Агар, шунча насихатларимга қулоқ солмай, барибир у ерга боришга қарор қилсанг, ҳеч қандай яхшилик кўрмайсан. Сен ўзингни ҳурмат қилиб эъзозлашларига ўрганиб қолгансан, шунинг учун, агар мабодо яқин одамнинг ҳақорат қилса, бундай ҳақорат сенга ўлимдан ҳам оғирроқ бўлиб туюлади.

Тўртинчи боб

Сати танасини тарк этади

1. Донишманд Майтрея шундай деди: - Шу гапларни айтиб, Сатининг саросимага тушганини кўрган Тангри Шива жим қолди. Сати отасининг уйида тўпланган қариндошларини жуда кўргиси келар, айна пайтда Тангри Шиванинг айтганлари рост бўлиб чиқишидан кўрқарди. У нима қиларини билмай хонанинг у бурчагидан бу бурчагига тинимсиз бориб келарди. 2. Отасининг уйига бориб қариндошлари билан учрашишга руҳсат бермаётганидан Сати қаттиқ хафа эди. У қариндошларига шунчалик боғланиб қолган эдики, дарров кўзига тирқираб ёш келди. Саросимага тушганидан танаси дағ-дағ титрар, эри Тангри Шивани нигоҳи билан еб юборгудек бўлиб турарди. 3. Сати, меҳр-мухаббатидан унга танасининг ярмини ҳадя қилган эри Тангри Шиванинг олдидан чиқиб кетди. Нафрат ва ғазаб оловида ловуллаб, энтикиб-энтикиб нафас олганича отасининг уйига йўл олди. У шунчаки ожиза аёл бўлганидан мана шундай аҳмоқона ишга қўл урган эди.

4. Сатининг шиддат билан уйдан ёлғиз чиқиб кетаётганини кўрган Тангри Шиванинг Маниман ва Мада бошлиқ минглаб шогирдлари унга ҳамроҳ бўлишга шошилдилар. Уларга яқшалар ҳамроҳ бўлдилар, ҳаммадан олдинда хўкиз Нанди борарди. 5. Тангри Шиванинг шогирдлари Сатини хўкизга миндириб, қўлига севимли қушчасини бердилар. Уни овутиш учун улар нилуфар гули, ойна, ва бошқа анжомлар олиб борар, унинг устига катта соябон тутиб қўйгандилар. Сатининг барабанлар чалиб, шох ва сурнайлар чалган машшоқлар ҳамроҳлигида бундай тантана бориши ўзининг дабдабаси билан худди шохларнинг чиқишидай улугвор, ҳашаматли кўринарди. 6. Қурбонлик маросими ўтказилаётган отасининг уйига келиб, у қурбонлик майдончасига кўтарилди. Маросимга тўпланган барча донишмандлар, брахманлар ва фаришталар ведавий мадҳияларни тиловат қилардилар. Эҳром атрофида қурбонликка аталган жониворлар, лойдан, тошдан ва олтиндан ясалган кўплаб идишлар тизилиб турарди, куша майсаси ва қурбонликка тайёрланган терилар тўшалиб ётарди. 7. Қурбонлик майдончасида кўплаб ҳамроҳлари билан Сати пайдо бўлганида, Дакшадан кўрққанларидан бу ердагиларнинг ҳеч бири уни қарши олмади. Кўзларида қувонч ёшлари билан уни кутиб олиб, мулойим гапириша бошлаган онаси ва опа-сингилларидан бошқа ҳеч ким унинг келганига эътибор бермади. 8. Сати онаси ва опа-сингилларининг гапларига ҳеч қандай жавоб бермади, уларнинг ҳады қилаётган совғаларини ҳам рад этди ва ўтиришдан бош тортди, чунки отаси унга бир оғиз ҳам гапирмаган, кутиб олмаган ва ундан ҳатто ҳол-аҳвол сўрамаганди.

9. Қурбонлик майдончасини кўздан кечириб, у эри Тангри Шива учун ҳеч қандай эҳсон қўйилмаганини кўрди. Шунда у отаси Тангри Шивани шунчаки таклиф қилмасдан, Тангри Шиванинг буюк рафиқаси бўлган ўзини ҳам атайлаб, муносиб кутиб олмаганига тўла ишонч ҳосил қилди. Ҳазаби қайнаб, у отасига худди еб юборгудай бўлиб, нафрат тўла кўзларри билан тикилди. 10. Тангри Шиванинг хизматкорлари Дакшани ўлдиришга ёки майиб қилишга тайёр эдилар, аммо Сати уларни тўхтатиб қолди. Ҳафсаласи пир бўлиб, ҳазаби қайнаб, у фақат натижасидан лаззатланиш мақсадидагина, аслида ҳеч кимга кераги бўлмаган, катта меҳнат сарфланадиган, қурбонлик маросимини ўтказаятган, бунинг устига бу ишларидан мағрурланиб, гердаядиган одамларни ҳақорат қила бошлади. У айниқса отасини барча тўпланганлар олдида гуноҳкор қилиб қоралай бошлади.

11. Олийҳиммат фаришта Сати шундай деди: - Тангри Шивани барча тирик жониворлар бениҳоя севадилар. Унга тенг келадиган зот бутун оламда йўқ. У ҳеч кимга ҳам керагидан ортиқ боғланмаган ва ҳеч кимни ўзига душман деб ҳисобламайди. Ҳеч кимга озор бермайдиган Тангри Шивага душманларча муносабатда бўлиш фақат сенинг кўлингдан келади. 12. Эй икки бор туғилган Дакша, сенга ўхшаган одамларга бошқалардан камчилик топиш роҳат бағишлайди. Аммо Тангри Шива бошқаларнинг нуқсонларига мутлақо эътибор бермайди, аксинча, у ҳар қандай одамнинг арзимаган яхши сифатларини топиб, уни кўкларга кўтаради. Бахтга қарши сен ана шундай улугвор зотдан ҳам нуқсон ахтариб топишга муваффақ бўлдинг. 13. Ўзини ўткинчи таналарига киёслаб, адашиб юрган одамларнинг

ҳамиша буюк шахслар устидан кулиб юришларининг ажабланарли жойи йўқ. Аммо, материалистлар қалбидан яширинган ҳасад барибир ўз ишини қилади ва уларни разолатга, жаҳолатга маҳкум қилади. Ҳақоратланган буюк шахсларнинг гарди пойи уларни шон-шухратларидан ва қудратидан маҳрум қилади.

14. Сати давом этди: - Эй ота, Тангри Шивадан нафратланиб сен катта гуноҳ иш қилдинг. "Ши" ҳамда "ва" бўғинларидан ташкил топган Шива номининг ўзи ҳар қандай одамни барча гуноҳлардан поклайди, унинг амри, истаги эса, ҳамиша шубҳасиз рўёбга чиқади. Шива шак-шубҳасиз пок, ҳалол зот, сендан бошқа ҳеч бир зот унга нафрат кўзи билан қарамайди. 15. Сен бутун оламдаги барча тирик мавжудотларнинг дўсти ҳисобланган Тангри Шивадан нафратланасан. У илоҳий лаззат(брахманда) излаган буюк зотларга дуои-фотиҳа беради, чунки улар ҳамиша унинг нилуфар қадамлари пойи ҳақида ўйлайдилар. У ҳамиша оддий одамларнинг барча эзгу истақларини амалга оширади. 16. Наҳотки сен, Тангри Браҳма сингари, сендан кўра улугроқ ва обрўлироқ фаришталар, "Шива" деган номга эга бўлган бу покдомон зотни сендан кўра камроқ билади, деб ўйласанг? У мазорларда юради ва иблислар билан дўстлашади. Унинг тўзғиган сочлари бутун танасига тарқалган, бўйнига жасадларнинг бош чаноғидан тизилган чамбарак осиб олган, устига эса, дафн маросимида ёқилган мурдалар кулини сепиб олган. Аммо, шундай жирканч ҳолатларга қарамай Браҳма ва бошқа буюк зотлар, унинг нилуфар қадамлари пойига қўйилган гулларни олиб, ўзларининг муборак бошларига суриб, тавоф этиб, уни ҳурмат қилардилар.

17. Сати давом этди: - Маъсулиятсиз, иймонсиз одамнинг ҳақиқий дин қонунларининг посбони ва ҳукмдорини ҳақоратлаётганини эшитган одам, агар ҳақоратчини тўхтатишга, жазолашга кучи етмаса, кулоқларини бекитиб, у ердан кетиши керак. Лекин, бунинг ҳам иложи бўлмаса, у ҳақоратчининг тилини кесиши, уни ўлдириши, ундан кейин ўзи ҳам ўлиши керак. 18. Шунинг учун мен Тангри Шивани ҳақорат қилган сендай одамдан олган жирканч танамдан воз кечаман. Агар одам қандайдир заҳарли нарса еб қўйган бўлса, қайд қилиб, тезроқ ундан қутулгани яхши. 19. Бошқаларнинг ўз вазифаларини қандай бажараятганини танқид қилгандан кўра, одам ўз вазифаларини бенуқсон бажаргани яхшироқ. Буюк илоҳиёт кишилари баъзан "Веда"ларнинг кўрсатмаларига амал қилмасликлари мумкин, чунки уларнинг барча қоидаларга амал қилишлари шарт эмас: фаришталар осмонда учиб юрадилар, оддий одамлар эса ерда юрадилар. 20. Ведаларда икки турдаги фаолиятни тартибга солувчи кўрсатмалар берилган: у ерда моддий лаззатларга боғланган ва таркидунё қилган одамларнинг қиладиган вазифалари ҳақида айтилган. Бу вазифалар табиатига кўра, фаолиятнинг шу икки турига мойилликлари ҳар хил бўлган икки тоифа одамларга мос келади. Бир одамнинг ўзи бир вақтнинг ўзида ҳам у, ҳам бу фаолият билан шуғуллана олмайди, чунки улар бир бирига қарама-қарши фаолиятдир. Аммо, илоҳий поғонага кўтарилган одам, фаолиятнинг мана шу икки турини ҳам рад этиши, уларни тарк этиши мумкин.

21. Эй ота, сен ҳам, маслакдошларинг ҳам, бизларнинг қанчалик бойликка эга эканимизни тасаввур ҳам қила олмайсизлар, чунки, ўзларининг дунёвий орзуларини рўёбга чиқариш учун буюк қурбонлик маросими

ўтказаётган одамлар қурбон қилинган таомлар билан фақат таналарининг талабларини қондиришни ўйлайдилар. Бизлар эса, хоҳлаган пайтимизда рухий бойлигимизни намоён қила оламиз. Бунга фақат таркидунё қилган ва ўзларининг рухий ўзлигини англаган буюк шахсларгина қодирдирлар. 22. Сен Тангри Шиванинг нилуфар қадамлари пойини ҳақорат қилдинг, менинг бу танамнинг сендан дунёга келганидан афсусланишдан бошқа иложим йўқ. Сен билан қариндош эканимдан номус қиламан ва танам, энг улуғвор шахснинг нилуфар қадамлари пойини ҳақорат қилган одам билан қариндош бўлиб ифлосланганидан нафратланаман. 23. Сен билан қариндошлигим сабабли Тангри Шива баъзан мени "Дакшанини" деб чақирарди. Шунда дарҳол кайфиятим бузилиб, қувноқлигимдан асар ҳам қолмай, афтим буришарди. Менинг қопга ўхшаган бу танамни сен дунёга келтирганингдан уяламан, шунинг учун мен уни тарк этаман.

24. Донишманд Майтрея Видурага шундай деди: - Эй душманларга қирон келтирувчи, қурбонлик майдончасида отасига шундай гапларни айтиб, сариқ либосга ўраниб олган Сати, юзини шимолга қилиб ерга ўтирди. У ўзига сув сепиб покланиб, сеҳрли йога ҳолатига кириш учун кўзларини юмди. 25. Маълум ҳолатда ўтириб олгандан кейин, у ҳаёт нафасини юқорига кўтариб, уни киндиги ёнида мувозанат ҳолатга келтирди. Кейин у тафаккури билан бирлашган ҳаёт нафасини юрагига кўтарди, у ердан эса ўпкаси орқали қошлари ўртасига кўтарди. 26. Барча донишмандлар ва муқаддас авлиёлар хурмат қиладиган Тангри Шива эҳтиром ва муҳаббат билан тиззаларига олиб ўтирадиган ўз танасини тарк этиш учун, отасидан қаттиқ хафа бўлган Сати, ичидаги оловли ҳавога муроқабани қила бошлади. 27. Сати фикру-хаёлини эри, бутун оламнинг олий рухий устози Тангри Шиванинг нилуфар қадамлари пойига мужассам қилди. Шундай қилиб у гуноҳларидан биратўла покланди ва олов унсурини муроқабани қилиб, кучли олов ўраб олган танасини тарк этди.

28. Сати ғазаб ўтида танасини яқсон қилганида, бутун оламни, ҳар тарафдан кучли ҳайқириқ тутиб кетди. Нима сабабдан энг хурматли фаришта бўлган Тангри Шиванинг рафиқаси танасини мана шундай тарк этди? 29. Барча тирик мавжудотларнинг ҳимоячиси Пражапати Дакшанинг, нафақат поқдомон аёл, балки буюк руҳлардан бўлган қизи Сатига шундай хурматсизлик қилганидан, натижада унинг ҳақоратга чидамай танасини шу тарзда тарк этганидан ҳамма ҳайратга тушганди. 30. Тошбағир, браҳман деган номга муносиб бўлмаган Дакша шу тариха ҳаммага ёмонотлик бўлди. Одамлар уни ўзининг қизини ҳақорат қилганликда, қизини ўзини ўлдиришдан тўсиб қолмаганликда, ва Худои Таолони ёмон кўришда айблардилар. 31. Одамлар Сатининг ўз хоҳиши билан танасини мана шундай ҳайратланарли тарк этгани ҳақида гапиришиб турганларида, Сати билан бирга келган хизматкорлар Дакшани ўлдиришга ҳозирланиб, қуролларини тайёрладилар. 32. Улар зудлик билан Дакшани ўраб олдилар, аммо Бхригу Муни, бу хавф-хатардан хабардор бўлиб, дарров қурбонлик оловига жануб томондан ёғ қуйди ва "Яджур-Веда"дан дуо ўқиб, қурбонликка халақит бераётганларга ўлим тилади. 33. Қурбонлик оловига Бхригу Муни ёғ қуйиши биланок, қурбонлик эҳромидан Рибхунинг минглаб фаришталари чиқиб келдилар. Уларнинг барчаси Сомани, Ой ато этган жуда кучли қудратга эга

эдилар. 34. Кўлига қурбонлик оловидан калтаклар олиб, Рибху фаришталари арвоҳ ва гухийкаларга ҳамла қилганида, Сатининг кўшини даҳшатга тушиб тум-тарақай бўлди. Браҳма-теджас, браҳманларнинг илохий қудрати мана шундай бўлади.

Бешинчи боб

Дакша ўтказган қурбонлик маросимининг ниҳояси

1. Майтрея шундай деди: - Народа мундан рафиқаси Сатининг Пражапати Дакшанинг ҳақоратларига чидамай, ҳаётдан кўз юмганини, Рибху фаришталари эса, кўшинини тум-тарақай қилганини эшитиб, Тангри Шиванинг қаттиқ ғазабига келди. 2. У ғазаб ўтидан тутоқиб лабини тишлади ва бошидан бир тутам соч толасини юлиб олди, соч толаси худди электр қуввати ёки оловдай ярқираб турарди. Кейин у оёққа туриб, худди телбалардек қаҳ-қаҳа отиб қулиб юборди ва соч толасини ерга ташлади. 3. Шу заҳоти боши осмонга тегиб турган, худди уч қуёшдай ярқираб турган баҳайбат қора иблис пайдо бўлди. Унинг курак тишлари даҳшатли, бошидаги сочлари оловдек гувилларди. Унинг минг қўли бўлиб, ҳар қўлида ҳар хил қурол ушлаб олганди, бўйнида эса одам каллаларидан чамбарак осилганди. 4. Баҳайбат иблис қўл қовуштириб мурожат қилди:

- Нима хизматингиз бор, амрингизга мунтазирман, хошам!

Шунда Бхутанатха деб ном олган Тангри Шива унга шундай буйруқ берди: - Сен менинг танамдан дунёга келдинг, шу боис сени кўшиминга бош саркарда қилиб қўяман. Энди Дакша қурбонлик маросими ўтказаётган жойга йўл ол ва барча кўшини билан бирга уни яқсон қил!

5. Майтрея давом этди: - Эй Видура, Худои Таолонинг ғазаб қувватининг тимсоли бўлган бу қора иблис Тангри Шиванинг ҳар қандай буйруғини бажариш истаги билан ёнарди. Ўзида ҳатто энг қудратли рақибни ҳам тор-мор этишга қодир қудрат мавжудлигини ҳис этиб, у Тангри Шиванинг атрофини айланиб ўтди. 6. Бу ёвуз мавжудотга, жанговор ҳайқириқлар билан Тангри Шиванинг бир тўда кўшини ҳам эргашди. У, ҳатто ажалнинг ўзини ҳам ўлдиришга қодир бўлган баҳайбат санҷқисини ўйнатиб борар, оёқларидаги кўнгирикчаларнинг жаранги момақалдиқдай гумбурларди. 7. Шу пайтда қурбонлик маросими ўтказилаётган жойда тўпланганларнинг барчаси: руҳонийлар, қурбонликни бошлаганлар, браҳманлар ва уларнинг хотинлари - бирдан осмонга фалакни босиб кетган зулматдан ҳайратга тушдилар. Бунинг сабаби қатта чанг тўзон эканини кўриб улар ташвишга туша бошладилар. 8. Бу чанг тўзоннинг кўтарилишига нима сабабчи бўлганини тахмин қилиб, улар ўзаро шивирлаша бошладилар: - "Ҳеч қандай шамол йўқ, ҳали поданинг ўтлоқдан қайтадиган вақти бўлмади. Бу чанг-тўзонни йўлтўсар қароқчилар кўтариши мумкин эмас, чунки бу ерларда ҳалигача қудратли шоҳ Бархи ҳукмронлик қилади, ва у албатта қароқчиларни жазолаган бўларди. Бу чанг-тўзон булути қаердан пайдо бўлди? Балки сайёрамиз яқсон бўлаётгандир?"

9. Дакшанинг хотини Прасути, шу ерга тўпланган бошқа аёллар хавотирланиб, ташвишга тушиб, шундай дедилар: - Бу хавфу-хатар опа-сингилларининг кўзи олдида танасини тарк этган бегуноҳ Сатининг ўлимига сабабчи бўлган Дакша туфайли содир бўляпти. 10. Охир замон пайтида Тангри Шива сочларини тўзғитиб, санҷқиси билан оламнинг тўрт тарафининг барча хукмдорларини жароҳатлайди. У истехзо билан қаҳқаҳа уриб, худди осмонда момақалдирок булутларни тарқатганидек, уларнинг қўлларини байроқлардай ҳар тарафга улоқтириб рақсга тушади. 11. Баҳайбат қора одам ўзининг даҳшатли курак тишларини кўрсатди. У қошларини бир чимириб, осмон ёритгичларини осмон бўйлаб тарқатиб юборди, улар унинг танасидан таралаётган кучли ёғду олдида сўниб қолдилар. Унинг Дакшанинг уятсиз ҳаракатларидан қаттиқ қайнаган жаҳли-важохатидан ҳатто Дакшанинг отаси Тангри Брахма ҳам қочиб қутула олмайди".

12. Одамлар ўзаро шундай гапиришаар экан, Дакша хавотир билан ҳадиксираб ҳар тарафга аланглай бошлади, ва ҳар тарафда, еру-осмонда қандайдир нохушликдан дарак берувчи аломатларини кўрди.

13. Азизим Видур, Тангри Шиванинг қуролланиб олган хизматкорлари қурбонлик маросими ўтказилаётган жойни ҳар тарафдан ўраб олдилар. Ўзларининг паст бўйлари, акулаларни эслатувчи сариқ ва қора таналари билан улар йўлидаги ҳамма нарса вайрон қилиб, қурбонлик олови атрофида қутура бошладилар. 14. Уларнинг баъзилари қурбонлик майдончаси устига тикилган ўтовни тутиб турган устунларни ағанатиб юбордилар, бошқа бирлари саройнинг хотинлар учун ажратилган қисмига кириб бордилар, яна бирлари эҳромни буза бошладилар, қолганлари ошхона ва бошқа жойларни тўлдирдилар. 15. Қурбонлик пайтида ишлатилган барча идишларни синдириб ташладилар, оловни ўчира бошладилар, эҳром атрофига ўралган панжарани синдириб, оловга ҳожатларини чиқара бошладилар. 16. Баъзилари қочиб бораётган донишмандларнинг йўлини тўсдилар, бошқалари шу ерга тўпланган аёлларни кўрқиздилар, яна бирлари ўтовдан қочган фаришталарни асир олдилар. 17. Тангри Шиванинг хизматкорларидан бири Манیمان, Бхригу Мунини асир олди, қора иблис - Вирабхадра эса, Пражапати Дакшани ҳибсга олди. Тангри Шиванинг Чандеша деган бошқа бир хизматкори Пушани, Нандишвара эса, фаришта Бхагани ушлаб олди. 18. Қурбонлик ўтказаетган руҳонийларга ва маросимга келган бошқаларнинг устларига тошлар ёғилиб, уларга азоб бериб, қийнай бошлади. Ҳаётини сақлаб қолиш учун улар ҳар тарафга қоча бошладилар. 19. Вирабхадра оловга сариёғ қуйган Бхригунинг мўйловини юлиб олди. 20. Кейин ғазаби қайнаб, Дакша Тангри Шивани ҳақоратлаганида, уни маъқуллаб, қошларини ўйнатган Бхагани ушлади ва ерга қулатиб, унинг кўзларини ўйиб олди. 21. Анирудханинг тўйида қашқол ўйини пайтида Калинги шоҳи Дантавакранинг тишларини уриб синдирган Баладева сингари, Вирабхадра ҳам, Дакша Тангри Шивани ҳақоратлаганида кўрсатган ва уни маъқуллаб иржайган Пушанинг тишларини уриб синдирди. 22. Кейин баҳайбат Вирабхадра Дакшанинг кўкрагига ўтирди ва ўткир қиличи билан унинг калласини кесмоқчи бўлди, аммо бунинг уддасидан чиқолмади. 23. У Дакшанинг калласини дуо ўқиш билан ҳам, қурол кучи билан кесишга уриниб кўрди, аммо

унинг танасига заррача ҳам зарар етказа олмади. Бундан у жуда саросимага тушиб қолди. 24. Шунда Вирабхадранинг кўзи қурбонлик учун келтирилган ҳайвонларни сўйиш учун мўлжалланган ёғоч болтага тушди ва уни олиб, Дакшанинг бошини танасидан жудо қилди. 25. Вирабхадранинг бу ҳаракати, уни ҳайқириклар билан қарши олган Тангри Шиванинг кўшинини ҳайратга солди. Бхугалар, арвоҳлар ва у ерга тўпланган иблислар даҳшатли қий-чув кўтардилар. Қурбонлик маросимига тўпланган браҳманлар Дакшанинг ўлганини кўриб, унинг ўлимига йиғлай бошладилар. 26. Вирабхадра Дакшанинг калласини олиб ғазаб билан қурбонлик оловига жануб тарафдан улоқтирди ва шу тарзда уни қурбонлик қилди. Шундай қилиб Тангри Шиванинг издошлари қурбонлик маросими ўтказиш учун тайёрланган ва қурилган нарсаларни вайрон қилиб, ҳамма ерга ўт қўйдилар ва ўзларининг хукмдорлари сари, Кайлас томонга йўл олдилар.

Олтинчи боб

Брахманинг Тангри Шивани овутиши

1-2. Тангри Шиванинг қўшинлари ҳамласидан ярадор бўлган фаришталар, руҳонийлар ва қурбонлик маросимининг бошқа қатнашчилари даҳшат ичида дағ-дағ титраб, Тангри Брахманинг олдига йўл олдилар. Унга эҳтиром билан таъзим қилиб, бўлган воқеаларни батафсил гапириб бердилар. 3. Тангри Брахма ва Вишну Дакша уюштирган бу маросим пайтида нималар содир бўлишини олдиндан билар, шунинг учун у ерга бормаган эдилар. 4. Қурбонлик маросими қатнашчилари ва фаришталарнинг айтганларини тинглаб, Тангри Брахма шундай деб жавоб берди:

- Агар қурбонлик маросими жараёнида сизлар буюк инсонни ёки фаришталарни ғийбат қилиб, уларнинг нилуфар қадамлари пойини ҳақорат қилсангизлар ҳеч қандай қурбонлик маросими сизга бахт олиб келмайди. Буюк инсонларни ҳақоратлаган кишидан омад ва бахт юз ўгиради. 5. Сизлар Тангри Шивани қурбонлик маросимидан оладиган улушидан маҳрум қилдингиз. Шу боис унинг нилуфар қадамлари пойини ҳақоратлашда айбдорсизлар. Аммо сизлар ҳеч иккиланмасдан, унинг олдига бориб, унинг нилуфар қадамлари пойига бош эгиб самимий илтижо қилсанглар, у сизлардан миннатдор бўлади. 6. Шунингдек Тангри Брахма уларга Тангри Шиванинг жуда ҳам қудратли эканини айтди: қаҳри келганда у хукмдорлари билан бирга барча сайёраларни бир лаҳзада яқсон қилиб юбориши мумкин. Ҳозир Тангри Шива Дакшанинг аччиқ сўзлари таъсиридан азобланиб юрганини, яқинда суюкли хотинидан жудо бўлгани сабабли қаттиқ изтироб чекаётганини ҳам қўшиб қўйди. Шунинг учун Тангри Брахма, улларга, пайсалга солмасдан Тангри Шиванинг олдига бориб, ундан кечирим сўрашни маслаҳат берди. 7. Тангри Брахма уларга ҳеч ким - на ўзи, на Индра, на донишмандлар, на қурбонлик маросимида қатнашган бирор киши - Тангри Шиванинг қудратини тўла англашга қодир эмаслигини айтди. Шундай экан, унинг нилуфар қадамлари пойини ким ҳам ҳақорат қилишга журъат қила оларди? 8. Фаришталарга, питаларга ва тирик мавжудотларнинг хукмдорларига шундай насиҳатлар бериб, Тангри Брахма улар билан бирга Тангри Шиванинг даргоҳига, Кайлас тоғига йўл олди.

9. Тангри Шиванинг даргоҳи бўлган Кайлас тоғи ўсимлик ва доривор гиёҳларга тўла. У даргоҳ ведавий мадҳиялар ва сеҳргарлик йогаси билан поклангани сабабли у ерда туғилганиданок барча сеҳр кучига эга бўлган фаришталар яшайди. Фаришталардан ташқари у ерда ўзларининг апсарлар деб аталувчи гўзал париваш аёллари билан бирга киннарлар ва гандхарвалар ҳам яшайди. 10. Кайлас тоғининг қоялари ҳар хил қимматбаҳо тошлар ва хилма-хил маъданлар билан қопланган. Ён бағирларида эса, дарахт ва буталарнинг нодир турлари ўсиб ётибди. Тоғларда ўтлаб юрган кийик ва антилопа подалари эса, бу ерларда ўзига хос ажойиб манзара ҳосил қилади. 11. Унинг қояларидан кўплаб шаршаралар оқиб тушади, кўркам манзарали ғорларда эса, сеҳргарларнинг чиройли хотинлари яшайди. 12. Товуслар ўзларининг ширин овозлари билан Кайлас тоғини эртаю-кеч жозибадор қуйлар билан тўлдиради. Ён-атроф асалариларнинг ғувиллашлари, каккуларнинг хонишлари ва ўзаро самимий чуғурлашаётган бошқа қушларнинг сайрашлари билан тўлган. 13. Шохлари кўкка бўй чўзган баланд дарахтлар худди сайроқи қушларни чорлаётгандек туюлади. Тоғ ён бағирларидан филлар тўдаси ўтаётганида, гўё Кайлас тоғининг ўзи ҳам уларга ҳамроҳ бўлаётгандай, юқоридан оқаётган шаршаранинг овозлари эшитилганда эса, гўё Кайлас тоғининг ўзи қаҳқаҳа ураётгандай туюлади кишига. 14-15. Кайлас тоғининг ён бағрида ҳар хил дарахтлар ўсади, улар орасида мандара, париджата, сарапа, тамала, ковидара, асана, арджуна, амраджата(манго), кадамба, дхули-кадамба, нага, пуннага, чампака, патала, ашока, бакула, кунда ва курбакаларни учратиш мумкин. Бутун атроф ўзларидан анвойи хид таратиб турган чиройли гулларга бурканган мана шу дарахтлар билан тўлиб, ям-яшил бўлиб кўринади. 16. Олтинранг нилуфар, кўнғир дарахт, малати, кубджа, маллика ва мадҳави дарахтлари ҳам бу ерларга ўзига хос жило бериб туради. 17. Ката, нон дарахти, жупара, баньян, плакша, нйяродҳа ва ферула дарахтлари Кайлас тоғини яна ҳам жозибали қилиб кўрсатади. Улардан ташқари бу ерда бетель, бхурджа-патра, раджапуга, ежевика ва бошқа ўсимликлар ҳам ўсади. 18. Манго дарахти, прияла, мадхука ва ингуда, шунингдек нозик бамбук, кичака ва бамбукларнинг бошқа кўп турлари Кайлас ён бағирларини безаб ётибди. 19-20. У ерда кумуда, утпала ва шатапатра сингари нилуфар гулининг ҳар хил турларини учратиш мумкин. Юзида бир-бирлари билан дўстона ўйнаб юрган сув қушлари сузиб юрган кичик-кичик кўллар бу ўрмонларга худди сеҳрли боғлардек чирой беради. Унинг бутазорларида кийиклар, маймунлар, тўнғизлар, йўлбарслар, рикшалар, шальякалар, ёввойи сигирлар ва эшаклар, арслонлар, ланалар, қўтослар ва бошқа ҳайвонлар ҳаётдан лаззатланиб, Кайлас ён бағирларида яйраб юрадилар. 21. Карнантралар, экападалар, ашвасалар, врикалар ва кастура(мускус) сингари кийикларнинг ҳар хил турлари ўрмонда ўтлаб юради. Тоғ водийларида жойлашган кичик кўллар атрофида эса, банан дарахтлари ўсиб турибди. 22. Бу ерда суви муқаддас бўлган Алакананда кўли бор. Сати ҳар куни мана шу кўлда чўмилирди. Кайласни кўриб, фаришталар бу ернинг бетакроп гўзаллигидан ва бой манзарасидан ҳайратга тушидилар. 23. Фаришталарнинг кўз олдида намоён бўлиб турган бу хушманзара жой Алака деб аталади ва Саугандхика, яъни "анвойи хидларга тўла" деган ўрмонда жойлаш-

ган. Бу ерда ўсиб ётган жуда кўп нилуфар гуллари туфайли ўрмон ана шундай номга эга бўлган. 24. Улар Нанда ва Алакананда дарёларини ҳам кўрдилар. Бу дарёларнинг сувлари Худонинг Олий Шаҳси, Говинданинг нилуфар қадамлари пойининг гардлари билан покланган.

25. Эй азиз Кшатта, Видура, самовий паривашлар эрлари билан мана шу дарёларга учиб келадилар. Унинг сувларида чўмилиб, эрлари билан сув сепишиб ҳордиқ чиқариб яйрайдилар. 26. Бу дарёларда жаннат сайёрасидан келган аёллар чўмилгандан кейин, дарё суви уларнинг таналаридан тушган кункума туфайли сарғайиб, атрофга анвойи, хуш бўй атир тарата бошлайди. Ана шу анвойи хидни сезган филлар ҳам, жуфтлари билан дарё бўйига келадилар. Улар сувда чўмилиб, гарчи чанқаманган бўлсалар ҳам, зилол сувдан тўйиб-тўйиб ичадилар. 27. Жаннат аҳолисининг ҳаво кемалари жавоҳирлар, олтин ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Осмон фаришталарининг ўзлари эса, ахён-ахёнда бутун атрофни нурга тўлдириб чақнаётган чақмоқлар билан безанган осмондаги булутларга ўхшаб кетадилар. 28. Саёҳат давомида фаришталар Саугандхика ўрмони устидан учиб ўтдилар. У ерда гуллар, мевали дарахтлар ва орзу дарахтлари кўплаб ўсиб ётибди. Ўрмон устидан учиб ўтаётганларида улар Якшешвара даргоҳини ҳам кўрдилар. 29. Бу жаннатий боғда жуда кўп қизил бўйинли қушлар макон топган эди. Уларнинг майин овозлари асалариларнинг ғувиллашлари билан қўшилиб кетганди. Катта-катта нилуфар гулларига кўмилган кўлларнинг юзига яйраб ўйнаётган оққушлар галаси ўзгача чирой бериб турарди. 30. Атрофдаги табиатнинг гўзаллиги сандал дарахтзорларида ўтлаб юрган подадаги филларнинг томирларидаги қонни киздириб, уларнинг эҳтиросларини яна ҳам оширарди. Эсаётган майин шабада бу ерга учиб келган осмон маллақларининг туйғуларини уйғотар ва уларнинг қалбида севги-муҳаббатга, ишқий ўйинларига берилиш истаги кучаярди. 31. Шунингдек, улар гхат(ювиниш жойлари)ларни ҳам кўрдилар. Бу гхатларнинг сув ичига кириб борадиган зинапоялари вайдурьямани (фалсафий тошлар)дан қилинган эди. Кўл юзида кўплаб нилуфар гуллари ўсиб ётарди. Кўллардан ўтиб, фаришталар катта баньян дарахти ўсиб ётган жойга келишди. 32. Дарахтнинг баландлиги юз йоджан, унинг шохалари эса, етмиш беш йоджан атрофга ёйилиб ётарди. Дарахтнинг қалин сояси тушиб турган жой ҳамиша салқин, аммо шунга қарамай бу ерда қушларнинг чуғур-чуғури эшитилмасди. 33. Фаришталар, мана шу дарахт соясида, сеҳргар йогаларни камолот чўққисига етказишга ва барча инсонларни озодликка чиқаришга қодир бўлган Тангри Шивани кўрдилар. У худди мангу замон сингари хотиржам ва осойишта ўтирар, гўё унинг ғазоби исиз йўқолгандай эди. 34. Тангри Шиванинг атрофида гухьякалар ҳукмдори Кувера, озодликка эришган тўрт Кумар ва бошқа донишманд ва авлиёлар ўтиришарди. Тангри Шива мутлақо хотиржам ҳолда, ўзидан илоҳий нур таратиб ўтирарди. 35. Фаришталар Тангри Шивада ўзини тута билиш, илмлилик, дунёвий фаолият ва камолотга эришганликнинг тирик тимсолини кўриб турардилар. Бутун оламнинг дўсти, барча тирик мавжудотларга нисбатан мехр-муҳаббат ҳисси билан тўлган бу зот барчага бирдай ва ҳар бир мавжудотга алоҳида саодат келтиради. 36. У антилопа териси устида ўтирганча, риёзатга берилганди. Унинг танасига кул

сепилган ва шу боис кўриниши кун ботаётган пайтдаги булут рангини эслатарди. Унинг сочларида ярим ойни эслатувчи диадема ярқираб турарди. 37. У похол тўшак устида ўтирар ва ёнида ўтирганларга, шу жумладан буюк донишманд Нарадага мурожаат қилиб, Мутлак Ҳақиқат ҳақида гапириб ўтирарди. 38. Унинг чап оёғи ўнг сони устига, чап кўли эса, - чап сони устига қўйилган эди. Ўнг кўлида у рудракша тасбеҳини ушлаган эди. Мана шу ҳолатда ўтириш - вирасана деб аталади. У шундай улуғвор ҳолатда ўтирар, кўрсаткич бармоғи эса, илм ўргатаётган зотга хос равишда юқорига кўтарилган эди. 39. Индра бошлиқ фаришталар ва донишмандлар қўлларини қовуштириб, сариқ шаффоф рангли либосга ўранган ва жазава(транс) ҳолатида ўтирган, барча донишмандларнинг сардори бўлган Тангри Шива олдида эҳтиром билан таъзим қилдилар. 40. Тангри Шиванинг нилуфар қадамлари пойига фаришталар ҳам, иблислар ҳам таъзим қиладилар, аммо, ўзининг шундай улуғ мартабасига қарамай, бошқа фаришталар орасида Тангри Браҳманинг ҳам бор эканини кўриб, худди бир пайтлар Ваманадева Кашьяпа Мунига таъзим қилгани сингари, у дарҳол ўрнидан турди ва қўлларини унинг оёқларига теккизиб, эҳтиром билан таъзим қилди. 41. Тангри Шиванинг атрофида ўтирган Нарада ва бошқа донишмандлар ҳам Тангри Браҳмага эҳтиром билан таъзим қилдилар. Барчалари ана шундай эҳтиром билан қарши олганларидан кейин Тангри Браҳма табассум билан Тангри Шивага мурожаат қилди.

42. Тангри Браҳма шундай деди: - Эй хурматли Тангри Шива, биламанки, сен - бутун моддий олам ҳукмдорисан, бу мавжуд коинотнинг ҳам отаси, ҳам онаси ўзингсан. Бу мавжуд борликдан ташқарида бўлган Олий Браҳман ҳам ўзингсан. Бу - сен ҳақингда менга маълум бўлган нарсалардир. 43. Эй ҳожам, ҳар хил қиёфаларда намоён бўлиб, худди уясини аввал тўқийдиган, анча вақт сақлаб туриб, яна ўзи ютиб юборадиган ўргимчак сингари, сен бу моддий борликни яратасан, мавжудлигини таъминлаб турасан ва вақти келганда яқсон қиласан. 44. Эй ҳукмдорим, сен Дакша ёрдамида қурбонлик маросимини ўтказиш одатини амалга киритдинг. Қурбонлик маросимининг шарофати туфайли тирик мавжудотлар диний фаолиятининг натижалари ва иқтисодий фаровонлик билан лаззатландилар. Сен ўрнатиб қўйган қонун ва қоидаларга амал қилиб, одамлар жамиятнинг тўрт варна ва тўрт ашрамага бўлинганини ҳурмат қиладилар, шу боис браҳманлар мана шу тузумни авайлаб асраб, унинг қонун-қоидаларига тўқис амал қиладилар. 45. Эй саодатманд ҳукмдор, Сенинг амринг билан савоб ишлар қилиб юрган кишилар жаннатий сайёраларга ва Вайкунтҳанинг руҳий сайёраларига тушадилар ёки шахсиятсиз Браҳманга қовушадилар, осий-гуноҳкорлар эса, даҳшатли дўзахий сайёраларга равона бўладилар. Аммо, баъзан солиҳ бандалар дўзахга тушиб, осий-гуноҳкорлар эса жаннатга қирадилар, ва бунинг сабабини аниқлаш жуда мушкул. 46. Эй Парвардигор, бутун умрларини Сенинг нилуфар қадамларинг пойига хизмат қилишга фидо қилган содик хизматкорларинг сени Параматма қиёфасида ҳар бир мавжудотда кўрадилар, шу боис улар бирор тирик мавжудотни бошқа тирик мавжудотдан устун қўймадилар. Шундай солиҳ инсонлар барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўладилар. Улар тирик мавжудотлар орасидаги ягона-

ликни кўришга қодир бўлмаган бошқа хайвонлардан фарқли равишда, ҳеч қачон ғазаб ўтининг таъсирига берилмайдилар. 47. Мавжуд борликнинг ягона табиатини кўришга қодир бўлмаган, дунёвий фаолиятга боғланиб қолган, қалблари нопок, бошқаларнинг муваффақиятларини кўриб тинч яшай олмайдиган ва шу боис, уларни кўпол ва аччиқ гаплар билан ҳақоратлаб, озор берадиган кишиларни тақдир аллақачон ўлдириб қўйган, шунинг учун сендай мўътабар зотнинг уларни яна бир бор ўлдириб, ўзини овора қилиб ўтиришининг ҳожати йўқ. 48. Эй ҳожам, қудратли Парвардигорнинг алдамчи қуввати йўлдан оздирган дунёвий одамлар авлиёсифат одамни ҳақорат қилганида, уларга нисбатан ҳамдардлик ҳисси билан тўлган мўътабар киши уларнинг ҳақоратларига эътибор бермайди. Улар алдамчи қувват таъсири сабабли ҳақоратлаётганлари учун, у ўз қудратини намоён қилмайди ва улардан ўч олишга интилмади. 49. Эй ҳожам, сен ҳамма нарсадан хабардорсан, чунки Худои Таолонинг ташқи қуввати сенга таъсир қилмайди. Шу боис сен раҳмдил бўлишинг ва алдамчи қувват таъсири остида адашган ва дунё ишларига жуда қаттиқ боғланиб қолган кишиларга нисбатан ҳамдардлик туйғуси билан қарашинг керак. 50. Эй Тангри Шива, қурбонликларнинг бир улуши қонуний равишда сенга тегишли, чунки, одамларга улар ўтказаятган қурбонлик натижасини сен ўзинг инъом этасан. Виждонсиз руҳонийлар сени ана шу улушдан маҳрум қилдилар, ва шу туфайли сен қурбонлик маросими ўтказилаётган жойни вайрон қилдинг, натижада қурбонлик маросими яқунига етиши учун зарур чораларни кўр! Сен албатта, ундан оладиган ўз улушинга эга бўласан. 51. Эй ҳукмдор, қурбонлик маросимини бошлаган зот(шоҳ Дакша) сенинг марҳаматинг билан яна ҳаётга қайтсин, Бхагага кўзларини қайтариб бер, Бхригуга мўйловини, Пушага тишларини қайтариб бер!. 52. Эй Тангри Шива, хизматкорларинг қўл ва оёғини синдирган фаришталар ва руҳонийлар ҳам, сенинг марҳаматинг билан соғайиб, жароҳатлари тузалсин. 53. Эй қурбонлик маросимини поймол қилган зот, илтимос, қурбонликдан ўзингга тегишли улушни ол ва қурбонлик маросимини ниҳоясига етказишга руҳсат бер.

Еттинчи боб

Дакшанинг қурбонлик маросимини ниҳоясига етказиши

1. Донишманд Майтрея шундай деди: - Эй қўллари қудратли Видура, Тангри Браҳманинг сўзларидан кўнгли жойига тушган Тангри Шива унинг илтимосини қабул қилди.

2. Тангри Шива шундай деди: - Эй Браҳма, отажон, фаришталарнинг менга нисбатан қилган ҳақоратлари мени ҳеч қандай ташвишга солгани йўқ. Улар фаросатсиз ёш болалардек ҳаракат қилдилар, шунинг учун мен уларнинг ҳақоратларига эътибор бермадим.

3. Тангри Шива давом этди: - Дакшанинг калласи ёниб кетгани сабабли, энди у эчкининг калласини олади, Бхага деган фаришта эса, қурбонликдан оладиган улушини Митранинг кўзлари билан кўраверади. 4. Фаришта Пуша, энди овқатни фақат шогирдларининг

тишлари билан чайнай олади. Ёлғиз қолганида эса, у қорнини нўхат унидан қилинган хамир билан тўйғазади, қурбонлик маросимида ўзимга тегишли бўлган улушни менга беришга рози бўлган фаришталарнинг барча жароҳатлари тузалиб кетади. 5. Кимнинг қўллари чопилган бўлса, улар Ашвини Кумарнинг қўллари билан ишлайдилар, қўлларининг панжалари кесилганлар эса, қиладиган ишларини Пушанинг панжалари билан қилади. Рухонийлар ҳам шундай қилишлари керак бўлади. Бхригуга келсак, унинг афтини бундан кейин эчкининг соқоли безаб туради.

6. Буюк донишманд Майтрея шундай деди: - Эй Видура, саодат келтирувчилар ичида аълоси бўлган Тангри Шиванинг гапларини эшитиб, унинг айтганларидан ҳамма мамнун бўлди. 7. Кейин барча буюк донишмандларнинг бошлиғи Бхригу, Тангри Шивани қурбонлик маросимига таклиф қилди. Шундан кейин барча фаришталар, донишмандлар, Тангри Шива ва Тангри Браҳма ҳамроҳлигида буюк қурбонлик маросими ўтказилаётган жойга йўл олдилар. 8. Ҳамма нарса Тангри Шиванинг айтганидек қилиб бажарилганидан сўнг, Дакшанинг танасига қурбонлик қилиш учун тайёрлаб қўйилган жониворнинг қалласини кўндирдилар. 9. Шоҳ Дакшанинг танасига ҳайвоннинг қалласини кўндириб, уни ҳушига келтирдилар, ва уйқудан уйғонган шоҳнинг кўзи энг аввало, олдида турган Тангри Шивага тушди. 10. Дакша хўкизга миниб юрадиган Тангри Шивани кўриши биланоқ, Тангри Шивага нисбатан нафрати туфайли ғафлат босган қалби, худди куз ёмғири таъсирида покланадиган қўлнинг суви сингари, бир зумда покланди. 11. Шоҳ Дакша Тангри Шивага илтижо қилмоқчи эди аммо, тили калимага келмади, чунки, бирдан, кизи Сатининг фожиали ўлимини унинг эсига тушганди. Дакшанинг кўзлари жикка ёшга тўлиб, бўғзига текилиб келаётган қалб туғени унинг гапиришига халақит берарди. 12. Кейин қалби меҳр ва муҳаббатга тўлган шоҳ Дакша эс-хушини йиғиб олди. Қийинчилик билан ақлу-ҳаёлини жамлаб, ўзига келди ва тўла онгли равишда Тангри Шивага илтижо қила бошлади.

13. Шоҳ Дакша шундай деди: - Азиз Тангрим Шива, сени қаттиқ ҳақорат қилдим, аммо сен шу қадар марҳаматлисанки, мени раҳматингдан маҳрум қилмай, менга муносиб жазо бериб, мен учун жуда катта саодат келтирдинг. Сен ва Тангри Вишну ҳатто энг ярамас, нотавон браҳманлардан ҳам юз ўғирмайсизлар, шунинг учун қурбонлик маросими ўтказаятган мендек бир браҳманга раҳмдиллик қилишининг ҳеч ажабланарли жойи йўқ. 14. Эй буюк ва қудратли Тангри Шива, сен ведаларни ўрганиш, риёзат, қасамларига амал қилиш ва ўзлигини англаш билан машғул бўлган браҳманларни ҳимоя қилиш мақсадида Тангри Браҳманинг оғзидан биринчи бўлиб дунёга келган зотсан. Сен худди, зарур бўлса, дарҳол ишга солиш учун ҳамиша қалтагини ёнида олиб юрадиган подачи сингари, браҳманларнинг ҳимоячиси сифатида, уларнинг амал қилаётган қонунқоидаларини мустаҳкам ҳимоя қилиб келяпсан. 15. Мен сенинг улуғворлигингни тушунмагандим ва қурбонлик маросимига тўпланганлар олдида сени ҳақоратларга қўмиб ташлагандим, аммо сен у ҳақоратларга зиғирча ҳам эътибор бермадинг. Энг мўътабар, табаррук фаришта бўлган сенга итоат қилишдан бош тортиш билан мен ўзим учун дўзахдан жой ҳозирлаган эдим, аммо менга раҳминг келиб, муносиб жазолаб, шу ҳалокатдан

кутқариб қолдинг. Илоё сенинг ана шу уммондек марҳаматинг ўзинга ҳамиша роҳат бағишласин, чунки сенга айтаётган миннатдорлик сўзларим билан сени мамнун қилишдан ожизман.

16. Буюк донишманд Майтрея шундай деди: - Тангри Шива гуноҳини кечирган шоҳ Дакша Тангри Браҳманинг ижозати билан буюк донишмандлар, рухонийлар ва бошқалар билан бирга қурбонлик маросимини қайтадан бошладилар. 17. Маросимни ўтказишга киришишдан олдин браҳманлар қурбонлик ўтказиладиган жойни поклашни буюрдилар, чунки бу ер Вирахадра ва Тангри Шиванинг атрофида юрадиган золим арвоҳларнинг келиши билан ҳаром бўлган эди. Ундан кейин улар пуродаша неъматларидан оловга қурбон қилдилар.

18. Буюк донишманд Майтрея Видурага шундай деди: - Эй Видура, шоҳ Дакша илоҳий муруқаблага берилиб, "Яджур-веда"дан мадҳиялар тиловат қилиб, қурбонлик оловига эритилган сариёғ қуйган заҳоти қурбонлик эҳроми устида Ўзининг азалий Нарайана киёфасида Худованд Вишну пайдо бўлди. 19. Худованд Нарайана баҳайбат қанотлари бўлган стотра, Гаруданинг елкасида ўтирарди. Парвардигор пайдо бўлиши биланоқ бутун атрофга ёруғ нур таралиб, қурбонлик маросимида қатнашаётган Браҳма ва бошқаларнинг юзларидан ёғилаётган нурни хиралаштириб юборди. 20. Унинг танаси қорамтир, либоси эса олтин рангли эди. Унинг бошидаги соғути куёшдек ярқирарди. Сочларининг жилоланиб турган кўкимтир ранги қора асаларилар рангини эслатарди. Олтин билагузуклар тақилган Ўзининг саккиз қўлида У сур, халқа, гурзи, нилуфар гули, камон, пайкон, қалқон ва қилч ушлаб олганди. Унинг танаси ҳар хил гулларга бурканиб гуллаётган дарахтга ўхшарди. 21. Тангри Вишну бетакрор гўзал эди, чунки унинг кўксидан равнақ фариштаси жой олган, бўйнига эса гулчамбар осилган эди. Унинг сиймосини бутун оламни, энг аввало Унинг солиҳларини мафтун қилиб, лол қолдирувчи табассум безаб турарди. Худои Таолони елпиб турган оқ юнгдан қилинган елпигич икки оққушга, Унинг боши устидаги соябон эса, ойга ўхшаб кетарди.

22. Барча фаришталар: Тангри Браҳма, Тангри Шива, гандҳарвалар ва бошқалар Худованд Вишнуга кўзи тушиши биланоқ эҳтиром билан Унинг оёғига йиқилдилар. 23. Нарайананинг танасидан шу қадар кучли жило таралаётган эдики, бу ерда тўпланганларнинг барчасидан таралаётган ёғдуни сўндириб, уларни жим қолишга мажбур этганди. 24. Ҳатто Браҳма сингари буюк зотларнинг ҳам ақлуфаросати Худои Таолонинг бениҳоя улуғворлигини англаб етиш имконини беролмаса ҳам, Унинг марҳамати билан барчаси Худо Шахсининг илоҳий киёфасини кўришга муваффақ бўлгандилар. Фақат Парвардигорнинг марҳамати билангина уларнинг ҳар бири ўз қобилиятларига яраша Худои Таолога эҳтиром билан илтижо қила бошладилар. 25. Тангри Вишну қурбонлик инъомларини қабул қилганида қувончдан яйраб кетган Пражапати Дакша, Унга чуқур эҳтиром билан илтижолар қила бошлади. Худои Таоло - барча қурбонликларнинг ҳақиқий эгаси ва барча Пражапатиларнинг насихатгўйидир, ҳатто Нанда ва Сунанда ҳам Унга хизмат қиладилар.

26. Дакша Худонинг Олий Шахсига шундай сўзлар билан муружаат қила бошлади: - Эй Парвардигор, Сен-

га эришиш учун қилинган барча фикрлашларга нисбатан Сен мутлақо илоҳийсан. Сен Ўз табиатинг билан бутунлай илоҳийсан, ҳеч қачон ташвишга тушмайсан ва ҳамиша моддий қувватингнинг ҳукмдори бўлиб қолаверасан. Ҳатто моддий қувват салтанатида пайдо бўлганингда ҳам, Сен унга нисбатан илоҳий ҳолатда бўлиб қолаверасан. Моддийлик иллоти Сенга мутлақо таъсир қилмайди, чунки Сен Ўзинг тўла бугунсан.

27. Рухонийлар Парвардигорга шундай сўзлар билан мурожаат қилдилар: - Моддийлик ботқоғига ботганлар эриша олмайдиган эй Парвардигор, бизлар Тангри Шиванинг хизматкорлари қарғишига учраб дунёвий фаолиятга боғланиб қолганмиз ва шунинг учун қаттиқ адашиб, Сен ҳақингдаги энг охириги илмдан ҳам маҳрум бўлдик. Сенга эришишга интилиш ўрнига, ўтказаетган маросимимизни ягья деб атаб, Ведаларнинг уч бўлимида келтирилган кўрсатмаларга амал қиламиз. Биз биламизки, қурбонликдан ҳар бир фариштага ўз улуши тегишини Сен Ўзинг белгилаб қўйгансан.

28. Қурбонлик маросимига тўпланганлар Парвардигорга шундай сўзлар билан мурожаат қилдилар: - Эй, бу дунёда азоб-укубатда кун кечираётганларнинг ягона нажоткори бўлган Зот! Худди ўзининг заҳарли нишини уриш учун пайт пойлаб турган илон сингари, яшаш учун ҳар хил шарт-шароитларнинг енгилмас қўрғони ичида Замон(вақт) ҳар бир зотни кутиб турибди. Бу моддий дунё ҳар лаҳзада одамга ташланишга тайёр турган йиртқич ҳайвонларга тўла, бу ерда ҳар қадамда "бахт" ва "мусибат"нинг тубсиз чуқурларига тушиб кетиш мумкин. Ҳеч қачон бу ерда мусибат олови сўнмайди ва алдамчи бахт ҳамиша одамни ўзига жалб этаверади, аммо инсон уларнинг на унисидан, на бунисидан нажот топа олмайди. Шу тарзда ўзларининг ўткинчи вазифаларига ўралашиб қолган ғофил одамлар туғилиш ва ўлиш чархпалагида айланиб юраверадилар, ва биз уларнинг қачон Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан нажот топишларини билмаймиз.

29. Тангри Шива шундай деди: - Эй Парвардигор, менинг бутун фикру ҳаёлим ҳамиша барча саодатлар манбаи ва барча истакларни рўёбга чиқарувчи бўлган Сенинг нилуфар қадамларинг пойида мужассам. Шуни билган ҳолда барча буюк донишмандлар ва озод руҳлар Сенинг нилуфар қадамларинг пойига сифинадилар, чунки улар ҳақиқатан ҳам сифинишга лойиқдир. Бутун фикру ҳаёлим Сенинг нилуфар қадамларинг пойида мужассам бўлган ҳозирги пайтда, менинг баъзи одатларимни "нопок" деб, мени ҳақорат қилаётганларга эътибор бермайман. Уларнинг айбашлари менга заррача таъсир қилмайди, ва Сен ҳам барча тирик мавжудотларга раҳмдил эканингни эслаб, раҳмим келганидан, уларнинг гуноҳларини кечираман.

30. Шри Бхригу шундай деди: - Эй Парвардигор, энг буюк зот Тангри Брахмадан, то энг кичик чумолигача бўлган барча тирик мавжудотлар қудратли алдамчи қувват таъсирига берилган, шу боис ўзларининг ҳақиқий табиатларини англамайдилар. Ҳар бир тирик мавжудот алданганидан, ўзини танасига киёслайди, ва шундай қилиб ҳамма алданиш тузоғига илинган. Сен ҳар бир тирик мавжудот қалбида Олий Рух қиёфасида мавжуд эканингни ва Сен - мутлақ Ҳақиқат эканингни ҳеч ким тушуна олмайди. Сен - ўз ихтиёрини Сенга топширган руҳларнинг мангу дўсти ва посбонисан, шу боис биз Сендан илтижо қиламиз: биздан Ўз

марҳаматингни дариг тутма ва бизларнинг барча гуноҳларимизни кечир!

31. Тангри Брахма шундай деди: - Эй Парвардигор, билим олишнинг ҳар хил усуллари ёрдамида Сени тушунишга интилаётганлар Сени ва мангу қиёфангни англаб етишга қодир эмаслар. Билим олишнинг ҳар хил(эмпирик) усуллари, шунингдек унинг восита ва мақсадлари моддий табиатга эга, Сен эса моддий борлиққа нисбатан ҳамиша илоҳий бўлиб қолаверасан.

32. Шоҳ Индра шундай деди: - Эй Парвардигор, бутун оламнинг саодатини қайғурган ҳолда, Сен бу оламга ҳар қўлингда қурол ушлаган ҳолда илоҳий саккиз қўллик қиёфангда ташриф буюрасан. Сенинг илоҳий кўринишинг ҳар бир одамнинг ақлу-ҳаёлини ўзига ром этади. Ўзингнинг шу қиёфангда солиҳ инсонларга, содиқ хизматкорларингга душманлик қилаётган иблисларни жазолашга ҳамиша тайёрсан.

33. Қурбонлик ўтказаетган рухонийларнинг хотинлари шундай дедилар: - Эй Парвардигор, бу қурбонлик маросими Тангри Брахманинг кўрсатмасига биноан бошланган эди, аммо, бахтга қарши, Тангри Шива Дакшага жahl қилиб қурбонлик ўтказилаётган жойни тўс-тўполон қилди, шу боис, унинг ғазоби туфайли ҳозир қурбонликка аталган ҳайвонларнинг барчаси ўлиб ётибдилар. Шундай қилиб, қурбонлик маросимига кўрилган барча тайёргарликлар зое кетди. Сенинг нилуфар кўзларингнинг илоҳий нигоҳи бу нопок жойларни қайтадан покласин!

34. Донишмандлар ўз илтижоларида шундай дедилар: - Эй азиз Парвардигор, қилаётган ишларинг жуда ҳайратланарли, гарчи бу ишларнинг барчасини ҳар хил қувватларинг ёрдамида Ўзинг қилаётган бўлсанг ҳам, Сен уларга боғланиб қолмагансан. Сен ҳатто Брахма сингари буюк фаришталар унинг марҳаматидан умидвор бўлиб илтижо қилиб юрадиган равнақ фариштасига ҳам боғланиб қолмагансан.

35. Сиддхилар шундай дедилар: - Эй Парвардигор, Сенинг илоҳий ўйинларинг шарбати дарёсига ғарқ бўлган бизнинг ақлимиз, худди ёнаётган ўрмонда қаттиқ азоб чеккан аммо, салкин дарё сувига тушган заҳоти чеккан азобларни унутиб юборган филга ўхшайди. Бизнинг ягона истагимиз - Мутлақ Ҳақиқатга қовушиш лаззатидан кам бўлмаган мана шу илоҳий лаззатдан ҳамиша баҳраманд бўлишдир.

36. Дакшанинг хотини илтижо қилиб, шундай деди: - Эй Парвардигор, бу ерда қурбонлик майдончасида ҳозир бўлганинг биз учун энг катта бахтдир. Мен Сенинг олдингда чуқур эҳтиром билан бош эгаман ва бизлардан рози бўлишингни Сендан илтижо қиламан. Худди бош бўлмаса тана ўз кадр-қийматини йўқотгани сингари Сен бўлмасанг қурбонлик маросими ўз жозибасини йўқотади.

37. Ҳар хил сайёраларнинг ҳукмдорлари шундай дедилар: - Эй Парвардигор, биз фақат сезгиларимиз билан сеза оладиган нарсаларгагина ишонамиз, аммо ҳозир билолмай қолдик: биз Сени ҳақиқатан ҳам моддий туйғуларимиз билан қўриб турибмизми? Моддий сезги аъзолари фақат намоён бўлган оламнигина сезадилар, аммо Сен беш моддий унсурдан таркиб топган бу моддий борлиқдан ташқаридасан. Сен - олтинчи унсурсан, шу боис биз Сени моддий оламдан пайдо бўлган деб ҳисоблаймиз.

38. Буюк сеҳргарлар шундай дедилар: - Эй Парвардигор, Сенинг Олий Рух қиёфасида барча тирик мавжу-

дотларнинг қалбида мавжуд эканини билган ҳолда, Сени ўзларидан фарқ қилмайди, деб ҳисоблайдиганлар Сен учун жуда азиздирлар. Сени ўзларига ҳукмдор деб, ўзларини эса Сенинг хизматкоринг деб билган ҳолда Сенга садоқат билан ҳолис хизмат қилаётганларга Сен ҳамшиша марҳамат кўрсатасан. Ўз марҳаматинг билан Сен ҳамшиша уларнинг саодатини ўйлаб юрасан. 39. Тирик мавжудотларнинг ҳар хил турларини бунёд этган ва уларни яратиш, ҳимоя қилиш ва яқсон қилиш учун моддий табиатнинг уч сифати ҳукмига топшириб қўйган Парвардигор олдида чуқур эҳтиром билан бош эгамиз. Лекин ана шу ташқи қувватнинг таъсири Унинг Ўзига ҳукмини ўткази олмайди. Ўзининг азалий шахсий қиёфасида У - моддий сифатларнинг намоён бўлган ҳар хил кўринишларидан ва ўзини сохта қиёслашлардан бутунлай пок бўлган Зотдир.

40. Ведалар тимсоли ўз илтижоларида шундай дедилар: - Эй Парвардигор, эзулик сифатининг макони, дин, риёзат ва қасамларнинг ягона манбаи бўлган Сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан таъзим қиламиз, чунки Сен моддий сифатларнинг барчасига нисбатан илохийсан ва на Сени, на Сенинг ҳақиқий ҳолатини ҳеч ким тўлиқ англаб ета олмайди.

41. Олов фариштаси шундай деди: - Эй Худойим, мен чуқур эҳтиром билан Сенинг олдинда бош эгаман, чунки Сенинг шарофатинг билан танамдан, худди ёрқин оловнинг жилвасидай, кўзни қамаштирувчи ёғду таралиб турибди, ва Сенинг марҳаматинг билан мен ёғ билан бирга қўшиб қурбонликка аталган инъомларни қабул қиламан. Инъомларнинг "Яджур-Веда"да келтирилган беш тури - Сенинг ҳар хил қувватларингдир. Беш турдаги Ведавий мадҳиялар Сенга сифиниш учун яратилган, қурбонлик маросими жараёни эса - Сенинг Ўзинг, Худонинг Олий Шахсидир.

42. Фаришталар шундай дедилар: - Эй азиз Парвардигор, бир пайтлар, коинотни яқсон қилиш пайтида, моддий борлиқнинг бутун қувватини Сен ичинга ютиб юборган эдинг. Ана шунда, олий сайёраларда яшовчи Санака сингари озод руҳлар фалсафий фикрлашларга ғарқ бўлиб Сени мушоҳада қила бошлаган эдилар. Демак, Сен - азалий мавжуд тирик мавжудотсан, ва Сен аждарҳо Шеша устида ором олиб, тошқин сувлари устида ётасан. Бугун Сен хизматкорларинг - бизларнинг олдимизда намоён бўлиб турган экансан, бизларни барча хавфу-хатарлардан Ўзинг асра.

43. Гандхарвалар шундай дедилар: - Азиз Парвардигор, барча фаришталар, шу жумладан Тангри Шива, Тангри Браҳма, Индра, Маричи ва бошқа буюк донишмандлар ҳам, - Сенинг вужудингнинг ҳар хил бўлақларидар. Сен - Олий Қудрат соҳибсан, ва бутун борлиқ Сенинг қўлларингдаги ўйинчоққа ўхшайди. Биз Сени ҳамшиша Худонинг Олий Шахси деб биламиз ва Сенинг олдинда эҳтиром билан бош эгамиз.

44. Видьядхаралар шундай дедилар: - Азиз Парвардигор, тирик мавжудотга инсон танаси энг олий камолотга эришиш учун берилади, аммо Сенинг ташқи қувватинг бўлган майя таъсири остига тушиб қолиб, тирик мавжудот ўзини танасига қиёслайди, ва ўзини моддий табиат яратган нарса деб ҳисоблайди, ва шунинг учун моддий лаззатланишлардан бахт топишдан умид қилади. Адашган тирик мавжудот фақат ўткинчи, сохта бахтга интилади. Аммо, Сен қилаётган илохий ишларингда шундай қудрат мужассам бўлганки, Сенинг қароматларинг ҳақидаги ҳикояларни шунчаки тинглаш

ва уларни бошқаларга гапириб бериш билан инсон бу алданиш тузоғидан биратўла қутулиши мумкин.

45. Браҳманлар шундай дедилар: - Эй азиз Парвардигор, Сен - қурбонлик тимсолисан. Сен - қурбонлик оловига ёғ қуйиш жараёнисан. Сен - оловсан, Сен - қурбонлик маросимидаги ведавий мадҳияларнинг тиловатисан, Сен - қурбонлик оловининг ўтинисан, Сен - оловсан, Сен куша майсаси ва қурбонлик идишларисан. Қурбонлик ўтказувчи руҳонийлар ҳам - Ўзингсан, Индра бошлиқ фаришталар ва қурбон қилинадиган жонивор ҳам Ўзингсан. Қурбон қилинадиган нарсаларнинг ҳаммаси - Сен Ўзинг ёки Сенинг қувватларингдир. 46. Эй Парвардигор, эй ведавий илмлар тимсоли, қадим замонларда, ўтган даврларда Сен баҳайбат Тўнғиз қиёфасига кириб, худди қўл юзида ўсиб турган нилуфар гулини хартуми билан кўтарган фил сингари, Ерни сув тагидан олиб чиққан эдинг. Ана шу баҳайбат Тўнғиз илохий товуш билан бўқирганида, тўпланганларнинг барчаси бу овозни қурбонлик маросимида ўқиладиган мадҳиялар овози деб қабул қилгандилар, (Санака ва бошқа) буюк донишмандлар эса, ана шу Тўнғиз қиёфасига қараб, Сени шарафловчи илтижолар билан мурожаат қилган эдилар.

47. Эй Парвардигор, биз Сенинг келишингни кутган эдик, чунки Ведаларда кўрсатилгандай қилиб ягья маросимини ўткази олмадик, шунинг учун биздан Ўз марҳаматингни дариғ тутмаслигингни илтижо қиламиз. Сенинг муқаддас номларингни зикр қилиб юрган киши, ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўта олади. Биз қурбонлик маросимида ҳозир бўлган Сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан бош эгамиз.

48. Шри Майтрея шундай деди: - Ҳозир бўлганларнинг барчаси Парвардигор Вишнуни олқишлаб бўлганларидан кейин, онги бутунлай покланган Дакша, Парвардигор Шиванинг хизматкорлари томонидан тўхтатиб қўйилган қурбонлик маросимини давом эттириш учун зарур бўлган фармойишлар берди.

49. Майтрея давом этди: - Эй бегуноҳ Видура, Парвардигор Вишну - барча қурбонликларнинг мевасидан ҳақиқий лаззатланувчидир. Аммо, барча тирик мавжудотларнинг Олий Руҳи бўлган ҳолда, У қурбонлик инъомларининг фақат Ўзига тегишли улуши билангина чекланиб қолди. Ўзига ажратилган улуддан мамнун бўлиб, У Дакшага мурожаат қилди.

50. Парвардигор Вишну шундай деди: - Браҳма, Тангри Шива ва Мен - моддий борлиқнинг мавжудлигининг олий сабабчиларимиз. Мен - тўла бутун гувоҳ, Олий Руҳман, аммо охир оқибатда Браҳма, Тангри Шива ва Мен шахсиятсиз кўринишда яхлитмиз.

51. Парвардигор давом этди: - Эй Дакша, Двиджа, Мен - Худонинг азалий Шахсиман, аммо бу моддий борлиқни яратаётиб, мавжудлигини таъминлаётиб ва яқсон қилаётиб Ўзимнинг моддий қувватим ёрдамида ҳаракат қиламан, ва Менинг воситаларим қандай вазифалар бажараётганига қараб уларни ҳар хил номлар билан атайдилар. 52. Ҳақиқат илмидан маҳрум бўлган кишилар Браҳма ва Шива сингари фаришталарни мустақил деб ўйлайдилар, уларга ҳатто оддий тирик мавжудотлар ҳам мустақилдек туюлади. 53. Қалла ёки тананинг бошқа ҳар қандай бўлаги танадан ажралган ҳолда мавжуд бўла олмаслигини тушуниш учун қандайдир алоҳида қобилятга эга бўлган ақлнинг ҳолати йўқ. Худди шунингдек, Менинг содиқларим ҳеч

кимни ва ҳеч нарсани Вишнудан, ҳар ерда мавжуд бўлган Худои Таолодан ажратиб қарамайдилар.

54. Парвардигор давом этди: - Брахма, Вишну, Шива ва бошқа тирик мавжудотларни "Худодан ажралмаган, Ундан мустақил эмас" деб ҳисоблаган ва Брахманни таний олган киши ҳаётда, ҳақиқатан ҳам, бошқа ҳеч бир одамга насиб этмайдиган осойишталикака эришади.

55. Донишманд Майтрея шундай деди: - Барча Пражапатиларнинг бошлиғи Дакша, Худонинг Олий Шахсидан мана шу ажойиб насиҳатларни олиб, зарур бўлган қурбонлик маросимини ўтказиб Парвардигор Вишнуга эҳтиром кўрсатди. Шундан сўнг Дакша алоҳида алоҳида Тангри Брахма ва Тангри Шивага эҳтиром кўрсатди. 56. Чуқур эҳтиром билан Дакша Тангри Шивага қурбонликдан тегишли улушини тақдим этди. Қурбонлик маросимини тугатиб, қурбонлик инъомларининг қолганларини у бошқа фаришталар ва маросимга тўпланган одамларга тарқатди. Дакша ва бу маросимни ўтказишда ўзига ёрдам берган руҳонийлар ҳам вазифаларини تامомлаганларидан сўнг, қилган ишидан мамнун бўлиб ювиниб, покланди. 57. Шундай қилиб, Худои Таоло Вишнуга сажда қилиб ва Унга қурбонлик қилиб, Дакша дин йўлига мустаҳкам кириб олди. Ундан ташқари, қурбонлик маросимига тўпланган барча фаришталар тарқалишларидан олдин унга ўзининг савобли ишларини кўпайтиришини тилаб дуо қилдилар.

58. Майтрея деди: - Дакшаяни(Дакшанинг қизи) Дакшадан олган танасини ташлаб, Ҳимолай салтанатида дунёга келганини эшитдим. У Менанинг қизи бўлган эмиш. Мен буни ишонарли манбалардан эшитдим. 59. Аввал Дакшаяни(Сати) бўлган Амбика(фаришта Дурга), худди Худо Шахсининг ҳар хил қувватлари яратишнинг янги босқичларида иштирок этгани сингари, яна Тангри Шиванинг хотини бўлди. 60. Азизим Видура, Тангри Шиванинг Дакша ўтказаётган қурбонлик маросимига халақит бергани ҳақидаги бу ҳикояни мен Брихаспатининг шогирди ва буюк солиҳ инсон Уддхавадан эшитганман.

61. Буюк донишманд Майтрея ўз ҳикоясини тамомлар экан, хулоса қилиб шундай деди: - Худои Таоло Вишнунинг Дакшанинг қурбонлик маросимини қандай ўтказгани ҳақидаги ушбу ҳикояни иймон ва садоқат билан тинглаган ва бошқаларга такрорлаб берган ҳар бир киши шубҳасиз моддий ҳаёт тутқунлигидан покланади, эй Куру ўғли.

Саккизинчи боб Дҳрува Маҳаражнинг уйини тарк этиб ўрмонга жўнаши

1. Буюк донишманд Майтрея шундай деб ҳикоясини давом эттирди: - Брахманинг ўғилларидан баъзилари: Санака бошлиқ тўрт буюк донишманд Кумарлар, шунингдек Нарада, Рибху, Хамса, Аруни ва Ятилар - уйда яшамасди, чунки улар урда-рета, наиштхика-брахмачари, яъни жинсий алоқани бутунлай тарк этишга муқаддас қасам ичган зотлар эдилар. 2. Брахманинг Осийлик* деган ўғли ҳам бор эди. Унинг хотинининг исми Бўхтон* эди. Уларнинг қўшилишидан Дабха(Иккиюзламачи) ва Майя(Алдов) деган икки иблис

туғилди. Бу икки иблисни бефарзанд Ниррити деган иблис ўғил қилиб олди.

3. Майтрея Видурага шундай деди: - Эй буюк зот, Дамбха ва Майядан дунёга Очкўзлик ва Никрити(Маккорлик) келди. Лобха ва Никритининг қўшилишидан Кродха(Ғазаб) ва Химса(Қахр), Кродха ва Химсанинг қўшилишидан эса, Кали ва унинг сингиси Дурукти(Захарли гап) пайдо бўлди. 4. Эй саховатли зотлар ичида энг улуғи, Кали ва Дуруктининг бирикишидан дунёга Мритью(Ўлим) ва Бхити(Кўрқув) деган болалар пайдо бўлди. Мритью ва Бхитининг бирикишидан эса, Ятана(Кучли оғрик) ва Нирая(Дўзах) пайдо бўлди. 5. Эй Видура, мен сенга бу дунёни ҳалокатга олиб келувчи сабаблар ҳақида қисқача гапириб бердим. Мана шу ҳикояни уч марта тинглаган киши олийжаноблик даражасига кўтарилиб, унинг қилган барча гуноҳларидан қалбида қолган доғлар ювилиб кетади.

6. Майтрея давом этди: - Эй Курулар хонадонининг аълоси, энди мен сенга Худо Шахсининг тўла намоён бўлган қисмидан туғилган Сваямбхува Манунинг авлоди ҳақида гапириб бераман. 7. Сваямбхува Манунинг хотини Шатарупа икки икки ўғил туғди, уларни Уттанапада ва Прияврата деб атадилар. Васудеванинг, Худо Шахсининг тўла намоён бўлган қиёфасининг авлоди бўлган ҳолда улар фуқароларига ғамхўрлик қилиб, ҳимоялаб, оламни моҳирлик билан бошқардилар. 8. Шоҳ Уттанападанинг Сунити ва Суричи деган икки хотини бор эди. Суручи шоҳнинг суюкли хотини эди, Дҳрува исмли ўғли бўлган Сунитини эса, шоҳ унчалик хуш кўрмасди. 9. Кунларнинг бирида шоҳ Уттанапада Суручининг фарзанди Уттамани тиззасига ўтказиб, эркалатиб ўтирган эди. Дҳрува Маҳараж ҳам шоҳнинг бошқа тиззасига чикмоқчи бўлди, аммо унинг бу ҳаракати шоҳга хуш келмади. 10. Кичкина Дҳрува Маҳараж отасининг тиззасига чиқишга уринаётганини кўрган ўғай онаси Суручи, шоҳни ундан қизганиб, Дҳрувага қараб, "гапларимни шоҳ ҳам эшитсин!" деган ниятда, димоғдорлик билан гапира бошлади.

11. Малика Суручи Дҳрува Маҳаражга шундай деди: - Ҳой болакай, сен тахтга ёки шоҳнинг тиззасига ўтиришга муносиб эмассан. Тўғри, сен ҳам шоҳнинг фарзандисан, аммо, менинг фарзандим бўлмаганинг учун отангнинг тиззасида ўтиришга ҳақкинг йўқ. 12. Ўғлим, сен мендан эмас, бошқа аёлнинг қорнидан туғилганингни билмайсан, шунинг учун барча уринишларинг бефойда. Шуни тушуниб олишга ҳаракат қил. Сен эришиб бўлмайдиган нарсага интиляпсан. 13. Агар тахтга ўтиришни хоҳласанг, сен қаттиқ риёзатлар чекишинг керак. Энг аввало Худои Таолога сажда қилиб, Парвардигорнинг, Худованд Нарайананинг марҳаматига сазовор бўлишинг, Унинг марҳаматига эришганингдан кейин, менинг қорнимдан туғилиб, дунёга яна бир бор келишинг керак. 14. Донишманд Майтрея давом этди: - Эй Видура, худди илон калтак еганида оғир-оғир нафас ола бошлагани каби, Дҳрува Маҳараж ҳам, ўғай онасининг аччиқ сўзларидан қаттиқ ранжиб, оғир-оғир нафас ола бошлади. Хотинига монелик кўрсата олмасдан отасининг ҳам жим турганини кўриб, у саройдан йиғлаб чиқиб кетди ва онасининг олдида чопди. 15. Дҳрува Маҳараж онасининг олдида келганида лаблари ғазабдан титрар, кўзларидан алам ёшлари тирқираб оқарди. Малика Сунити дарров боласини тиззасига ўтқазди, Суручининг захарли гапларини

эшитган сарой аҳли, бўлиб ўтган воқеани унга батафсил гапириб берди. Бу хабарни эшитиб, Сунити каттик қийналди. 16. Аламига чидай олмасдан Сунити каттик изтироб чекарди. У мусибат оловида ёнар, ўтга тушган барг сингари дағ-дағ титрарди. Шохнинг бошқа хотинининг айтган гапларини эслаб, у хўнграб йиғлаб юборди. Унинг нилуфарсимон юзидан дув-дув алам ёшлари оқарди. Ниҳоят Сунити тилга кирди. 17. У ҳам ўғлини нима деб овутишни билмасдан оғир-оғир нафас оларди. Бу мусибатдан кутулишнинг чорасини тополмай у ўғлига шундай деди: - Ўғлим, ҳеч қачон бошқаларга ёмонликни раво кўрма. Бошқа бировларга мусибат келтирган киши, кейин ўзи ҳам худди шундай мусибатга албатта дучор бўлади.

18. Сунити давом этди: - Ўғлим, ўгай онанг Суручининг айтган гаплари айни ҳақиқатдир, чунки шох, сенинг отанг, мени "хотиним" деб ҳам, ҳатто "хизматкорим" деб ҳам тан олгиси келмайди, мендан нафратланади. Шунинг учун сен ҳаётда шундай бир бахтиқаро хотиннинг фарзанди бўлганинга ва унинг сути билан камол топганинга иқроор бўлишга мажбурсан. 19. Ўғлим, эшитиш сенга қанчалик оғир бўлмасин, ўгай онанг Суручи айтган гапларнинг ҳаммаси аччиқ ҳақиқатдир. Шунинг учун, агар оғанг Уттама сингари тахтда ўтиришни истасанг, ўгай онангнинг гапларига хафа бўлишни тарк этгин-у, ҳеч иккиланмасдан унинг маслаҳатига амал қил. Вактни бой бермасдан Худои Таолонинг нилуфар қадамлари пойига сажда қилишни бошла. 20. Парвардигор шу қадар улўворки, сенинг бобокалонинг, Тангри Брахма Унинг нилуфар қадамлари пойига сиғингани туфайли бутун оламни яратишга қодир бўлган барча сифатларга эга бўлди. Туғилмаган Тангри Брахма оламдаги барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдори ҳисобланади, аммо у ўзининг шу катта лавозимида, ҳатто ўзларининг ақлларини жиловлаб, ҳаёт нафаслари(прана)ни бошқара оладиган кишилар ҳам сажда қиладиган Худои Таолонинг марҳамати туфайлигина эга бўлди.

21. Сунити ўғлига шундай деди: - Бобонг Сваямбхува Ману буюк қурбонлик маросимларини ўтказиб, инъом-эҳсонлар тарқатиб, чуқур иймон ва чексиз садоқат билан Худо Шахсига сажда қилди ва натижада Худои Таолонинг муҳаббати ва марҳаматига эришди. Шундай ҳаракат қилиб, у энг буюк моддий бахтга эришди ва ниҳоят фаришталарга сиғиниш ёрдамида эришиб бўлмайдиган озодликка чиқиш бахтини қўлга киритди. 22. Ўғлим, сен ҳам Ўзининг содиқ хизматкорларига чексиз меҳрибон бўлган Худои Таолодан нажот излашингга тўғри келади. Туғилиб-ўлишларнинг бетўхтов чархпалагидан халос бўлишни ва озодликка эришишни истаган ҳар бир одам ўз умрини Унга садоқатли хизмат қилишга бағишлаб, Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топадилар. Белгиланган вазибаларни бажариш жараёнида покланиб, Парвардигорни қалбингда мужассам қилиб, бошқа ҳеч нарсага чалғимасдан Унга бетиним хизмат қил. 23. Эй Дхрува, билишимча, сени бу мусибатдан кўзлари нилуфар гулбаргини эслатувчи Парвардигордан ўзга ҳеч ким кутқариб, кўнглингни овута олмайди. Кўплаб фаришталар, шу жумладан Тангри Брахма ҳам, марҳаматига эришиш ниятида равақ фариштасининг кўнглини овлаш учун пайт пойлаб юрадилар, аммо қўлларида нилуфар гули тутган ўша равақ фариштаси Парвардигорга хизмат қилиш учун ҳамиша шай туради.

24. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Онаси берган маслаҳат Дхруванинг мақсадига эришишида ёрдам бериши лозим эди. Шунинг учун, чуқур мулоҳаза юритиб, бутун фикру-хаёлини калбидаги эзгу мақсадида жамлаб, қатъий қарор билан у отасининг уйини тарк этди. 25. Дхрува Махаражнинг ниятидан хабардор бўлган буюк донишманд Нарада унинг қарорини эшитиб ҳайратга тушди. У Дхрувани топди ва унинг бошига барча гуноҳлардан озод қилувчи қўлини қўйиб шундай деди:

26. - Оббо, Сендаги кшатрийларга хос бўлган руҳий қудрат нақадар кучли! Кшатрийлар ўзларининг нафсониятини заррача камситишларига ҳам сира чидаб тура олмайдилар! Қаранг, ҳатто бу болакай ҳам, ҳали жуда кичкина бўлишига қарамай, ўгай онасининг аччиқ гапларини кечира олмаяпти.

27. Буюк донишманд Нарада Дхрувага шундай деди: - Ўғлим, сен ҳали жуда ёшсан. Сенинг ёшингда болалар фақат ҳар хил ўйин ва томошалар ҳақида ўйлайдилар. Фурурингга тегадиган гаплар сенга нега шунчалик тасир қилди? Азизим Дхрува, ҳатто, агар сен ўзингни обрўйинг тўқилган деб ҳисобласанг ҳам, бундан хафа бўлишнинг ўрни йўқ. Сендаги хафалик - шунчаки алдамчи қувват таъсирининг намоеън бўлиши холос: ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳозирги аҳволи унинг аввал қилган ишлари билан белгиланади. Ҳаётда ҳар хил қувонч ва шодлик, азоб ва мусибатлар учун мўлжалланган тирикчиликнинг ҳар хил кўринишлари мавжуд эканлигининг асосий сабаби - тирик мавжудотнинг аввалги ҳаётида қилган ишларининг турли окибатларидир.

29. Худои Таолонинг ишлари ҳақиқатан ҳам одамни ҳайратга солади. Донишманд одам мана шу йўлдан бориши лозим ва, ҳар қандай тасодиф Худонинг амри билан бўлиб турганини тушунган ҳолда, тақдирига ёзилган яхши ва ёмон нарсалардан миннатдор бўлиши керак. 30. Худонинг марҳаматига сазовор бўлиш учун онангнинг маслаҳатига кўра сеҳрли муроқабга йўли билан машғул бўлмоқчисан, аммо, оддий одам бундай риёзатларга бардош беришга қодир эмас. Худо Шахсининг марҳаматига эришиш жуда мушкул иш.

31. Нарада Муни давом этди: - Моддий ҳаёт ботқоғини тарк этган кўплаб сеҳргар-йоглар ўзларининг жуда кўп умрлари давомида бу усул билан шуғулланган, аммо, ҳамиша жазава ҳолатида бўлсалар ҳам, қаттиқ риёзатлар чеккан бўлсалар ҳам, барибир Худони англаш йўлининг охиригача етиб боролмаганлар. 32. Шунинг учун эй ўғлим, бу йўлдан боришга уриниб юрма, - барибир мақсадингга эриша олмайсан. Яхшиси уйингга қайт. Улғайиб катта бўлганигда Худонинг марҳамати билан сеҳрли йоганинг бу усули билан машғул бўлиш имконияти сенга яна берилади, шунда бу усул билан шуғулланишинг мумкин. 33. Ҳар қандай ҳолатда - бахт ва шодликда ҳам, ғам, мусибатда ҳам, ҳамма нарса Худонинг амри билан бўлаётганини тушунган ҳолда, хотиржам бўлиб қолиш керак. Ҳамиша хотиржам бўлган кишининг ғофиллик зулматидан халос бўлиб, ёруғликка чиқиб олиши қийин иш эмас. 34. Ҳар бир одам қуйидаги қоидага амал қилиши лозим: чуқур илм ва тажрибага эга бўлган кишини учратганда қувониш керак; ҳали илми ва тажрибаси кам бўлган кишига ҳамдардлик билан ғамхўрлик қилиш керак; ҳар томонлама ўзига тенг киши билан эса, - дўстлашиш лозим. Мана шу қоидага изчил амал қилиб юрган одам

моддий оламнинг ҳаётда учрайдиган уч хил азоб-укубатларидан халос бўлади.

35. Дхрува Махараж шундай деди: - Эй ҳукмдорим Нарада, марҳамат кўрсатиб менга берган бу насиҳатларинг, қалбини бу дунёнинг шодлик ва мусибатлари қийнаб юрган ҳар қандай одамнинг ақлини осойишта қилишга қодир. Аммо мен ғафлат ботқоғига жуда ҳам ботиб кетганман, шунинг учун сенинг бундай доно сўзларинг қалбим тўрига бориб етмаяпти. 36. Эй ҳожам, сенинг насиҳатларингни рад этиш билан беодоблик қилаётганимни биламан, аммо бунинг учун мен айбдор эмасман. Буларнинг ҳаммасига томирларимда оқаётган кшатрийларнинг қони сабабчидир. Ўғай онам Суручининг аччиқ гаплари юрагимга чуқур санчилган, шунинг учун қалбим сен беран бебаҳо насиҳатларга бепарво қоляпти. 37. Эй олим браҳман, ҳатто отам ва бобомдан ҳам буюкроқ мартабага эришиш учун, мен мавжуд уч оламда ҳеч ким эришмаган салтанатга эришишни истайман. Илтимос, марҳамат қилиб менга бир ҳалол йўл ўргатгинки, унга амал қилиб ҳаётимдаги ана шу орзуимга эришайин. 38. Эй ҳожам, сен Тангри Браҳманинг муносиб фарзандисан. Коинотдаги барча тирик мавжудотларнинг саодати учун ўзининг вина асбобингни чалиб, ҳар ерда саёҳат қилиб юрасан. Сен ҳар бир тирик мавжудотга саодат бахш этиб коинотни айланиб турган куёшга ўхшайсан.

39. Донишманд Майтрея давом этди: - Дхрува Махаражнинг гапларини эшитиб, буюк донишманд Нарада Мунининг унга раҳми келди ва унга бесабаб марҳаматини кўрсатиш ниятида, шундай доно маслаҳат берди.

40. Нарада Муни Дхрува Махаражга шундай деди: - Сенинг онанг Сунити сенга Худо Шахсига садоқатли хизмат қилиш йўлига киришингни маслаҳат берган эди, ана шу маслаҳат - айнан сенга керак бўлган йўлдир. Шунинг учун Парвардигорга холис хизмат қилиш билан бирағўла машғул бўл. 41. Такводорлиги ва моддий бойлиги натижаларидан роҳатланишни, ҳаётда ҳиссий лаззатларга берилиб яшашни ва ниҳоят озодликка эришишни истаган ҳар қандай одам Худо Шахсига садоқат билан холис хизмат қилиши лозим, чунки, Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига сажда қилиш ша-рофати билан ҳаётдаги орзуларнинг ҳаммасига эришиш мумкин. 42. Сенга омад ёр бўлсин, ўғлим. Барча гуноҳлардан покланиш учун Ямуна қирғоғидаги муқаддас Махуван ўрмонига йўл ол. Бу ерга келган одам ҳамиша у ерда яшаётган Парвардигорга яқинлашади.

43. Нарада Муни давом этди: - Ўғлим, баъзида Калинди деб ҳам аталадиган Ямуна сувларида ҳар куни уч марта ювинишинг лозим, чунки унинг сувлари муқаддас, пок ва шифобахш. Ювинганидан кейин аштанга-йога машқларини бажаришинг, кейин кўзгалмайдиган асана ҳолатида ўтириб олишинг керак. 44. Асанага ўтириб олиб, нафас олишининг уч турини бажар. Бу сенга ҳаёт нафасингни, ақлу-хаёлингни ва ҳиссиётингни жиловлаб олишда ёрдам беради. Барча моддий иллатлардан ўзингни бутунлай покла ва сабр-тоқат билан Худо Шахсига муроқабани қилишни бошла.

45. (Энди у Парвардигорнинг қиёфасини таърифлаб беради.) Майин табассум билан нурафшон бўлган Худои Таолонинг сиймоси ниҳоят гўзал. Кўрган содиқларга Унинг юзи ҳеч қачон паришон бўлмайдигандек туюлади, Ўз навбатида У ҳам, ҳамиша

уларга марҳаматини кўрсатишга тайёр туради. Унинг кўзлари, чиройли қошлари, ажойиб бурни ва баланд пешонаси гўзаллиги билан кишини Ўзига маҳлиё этади. Ҳақиқатан ҳам ҳеч қандай фаришта гўзалликда Унга тенглаша олмайди.

46. Нарада Муни давом этди: - Парвардигорнинг танаси ҳеч қачон қаримайди, Унинг барча аъзоларининг шакли ва тузилишлари бенуксон. Унинг лоларанг лаблари ва кўзларининг ранги энди кўтарилаётган куёш рангини эслатади. Ўз ихтиёрини Унга бутунлай топширган кишига ёрдам беришга У ҳамиша тайёр, ва Уни кўриш бахтига муяссар бўлган ҳар бир одам, бу оламда ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган лаззат ҳис қилади. Ҳақиқатан ҳам, Парвардигор ихтиёрини Унга топширган руҳларнинг хизмат қилишларига муносиб бўлган ягона Зот, чунки У марҳамат уммонидир. 47. Парвардигорнинг танаси кора-кўкимтир рангда. Кўксидagi Шриватса белгиси равнақ фариштагининг ўтирадиган жойини кўрсатади. Шахс сифатига эга бўлган Худо Шахси гулчамбар осиб олган ва тўрт кўли бор. Тўрт кўлида (пастки чап кўлдан ўнга) У сур, халқа, гурзи ва нилуфар гулини ушлаб олган. 48. Худонинг бутун танаси қимматбаҳо тақинчоқлар билан безатилган. У бошига қимматбаҳо тошлар билан безатилган тож кийган, билангузуклар ва тақинчоқлар тақиб олган, бўйнида қимматбаҳо Каустубха тақинчоғи, устидаги либоси сариқ ипакдан тўқилган. 49. Парвардигорнинг белидаги камарида олтин кўнғироқчалар осилган, ва худди шундай кўнғироқчалар Унинг нилуфар оёқларида ҳам бор. Унинг ташқи кўриниши шу қадар жозибадорки, кўрган одам Ундан кўзини уза олмай қолади. У ҳамиша хотиржам, осойишта ва беғубор, Унинг сиймоси одамнинг кўзларига ва ақлу-хаёлига роҳат бағишлайди. 50. Ҳақиқий йогалар Парвардигорнинг илохий қиёфасига муроқабани қиладилар. Улар Парвардигорни қалбининг нилуфар гулида турган ҳолда кўрадилар, ва Унинг нилуфар оёқларининг қимматбаҳо тошларни эслатувчи тирноқларидан ёрқин ёғду таралиб туради. 51. Парвардигорнинг сиймоси ҳамиша табассум билан яйраб туради. У содиқ хизматкорига раҳмат нигоҳи билан боқади, солиҳ инсон Парвардигорнинг мана шу қиёфасини ҳамиша ҳаёлида тасаввур қилиб юриши лозим. Шу тарзда муроқабани берилиб, у барча саодатларни бахш этувчи Худои Таолога меҳр билан боқиши керак.

52. Ўзининг ақлу-хаёлини Парвардигорнинг ана шу саодатманд қиёфасида жам қилиб, муроқабани берилган киши моддий дунё ботқоғидан тез орада халос бўлиб, қалби бутунлай покланади ва Парвардигорга бўлган муроқабаси узлуксиз ҳолатга эришади. 53. Эй шахзода, энди сенга муроқабани пайтида талаффуз қилиниши керак бўлган мантрани айтаман. Бу мантрани диққат билан етти тун давомида такрорлаган киши ҳавода учиб юрган комил инсонларни кўриши мумкин. 54. "**ОМ НАМО БХА-ГА-ВА-ТЕ ВА-СУ-ДЕ-ВА-Я**". Бу Парвардигор Кришнага сифинида ишлатиладиган ўн икки бўғинли мантра. Парвардигорнинг моддий қиёфасини ёки *муртисини* ўрнатиш керак ва мана шу мантрани такрорлаб Илоҳга гуллар, мевалар ва бошқа таомларни муқаддас китобларда ва мўътабар манбаларда берилган кўрсатмаларга қатъий риоя қилган ҳолда тақдим қилиш керак. Лекин, замон, макон ва шароит талабларини ҳам этиборга олиш лозим. 55. Парвардигорга тиниқ сув, янги гуллардан қилинган гулчамбар, мевалар, гуллар ва

ўрмонда ўсадиган сабзавотлар, ёки яшил майсаларни, гулбарглари ва ҳатто дарахт пўстларини териб тақдим қилиб сажда қилиш керак. Иложи бўлса Олий Парвардигорга жуда қадрли бўлган туласи барглари тақдим қилиш керак. 56. Парвардигорнинг қиёфасини моддий унсурлардан ҳам яшаш мумкин: ердан, сувдан, бўёқлардан, дарахт ёки металлдан. Парвардигорга ўрмонда сиғинадиган киши Унинг қиёфасини фақат ер ва сувдан қилиши, юқоридаги қоидаларга амал қилган ҳолда Унга сиғиниши мумкин. Ўзини биратўла қўлга олган солиҳ ҳамиша ақлининг хотиржамлигини ва осойишталигини сақлаши ва озиқланиш учун фақат ўрмонда топиладиган мева ва сабзавотлар билан қаноатланиши лозим.

57. Азизим Дҳрува, кунига уч марта Худо Шахсига сиғиниш ва мантрани бетиним такрорлашдан ташқари сен, Худо Шахси турли кўринишларда Ўзининг олий амри билан, ҳар хил қувватлари ёрдамида, қилган илоҳий ишларига муруқабат қилишинг керак. 58. Сиғиниш учун барча анжомлари бўлган киши Парвардигорга аввалги ўтган содиқ устозлардан ўрнак олиб сиғиниши керак. Шунингдек, инсон Худо Шахсидан фарқ қилмайдиган ва Парвардигорга аталган мантрани зикр қилиб, Унга ўзининг қалбида ҳам сиғиниши мумкин. 59-60. Парвардигорга бугун қалби билан хизмат қилиб, ақли, тили ва танаси, шастраларнинг таъкидлашига кўра "садоқатли хизмат қилиш" деб ҳисобланадиган фаолият билан машғул бўлган кишининг ҳар қандай истагини Худонинг Ўзи амалга оширади. Агар шундай солиҳ инсон тақводорликнинг моддий натижаларига ёки иктисодий фаровонликка, ҳиссий лаззатларга ва моддий олам шароитларидан озодликка чиқишни истаса, Парвардигор унинг шу истагини бажариш билан уни муқофотлайди. 61. Агар инсон озодликка чиқишга самимий интилаётган бўлса, у ҳаётини Худои Таолога илоҳий муҳаббат билан садоқатли хизмат қилишга бағишлаши ва, жазава(транс)нинг энг олий поғонасига эришиб, ҳамиша ана шундай ҳолатда қолиши керак. Ўз-ўзидан маълумки, ундай инсон ҳар қандай ҳиссий лаззатлардан ўзини тийиши керак.

62. Буюк донишманд Нараданинг бу насихатларини тинглаб, шахзода Дҳрува Махараж, руҳий устозининг атрофини уч бор айланди ва эҳтиром билан унга таъзим қилди. Кейин Мадхуван ўрмонига, ерлари Парвардигорнинг нилуфар кадамлари пойи излари билан безангани туфайли, яна ҳам муқаддасроқ бўлган жойга йўл олди. 63. Садоқатли хизмат қилиш билан шуғулланиш учун Дҳрува Махараж Мадхуван ўрмонига етиб боргандан кейин буюк донишманд Нарада, - "Энди шохнинг олдида бориб, унинг саройда қандай яшаётганини кўриш фурсати етди", - деган қарорга келди. Нарада Муни шох саройига келганида Уттананада унга муносиб ҳурмат-икром кўрсатиб, эҳтиром билан унга сажда қилди. Кўрсатилган жойга ўрнашиб ўтириб олгандан кейин Нарада гапира бошлади.

64. Буюк донишманд Нарада Муни сўради: - Эй шох, рангинг ўчган, ақлигни қандайдир фикрлар чалғитгандай кўринасан. Бунинг сабаби нимада? Балки ҳаётингда қандайдир тўсиқлар пайдо бўлиб, сенга диний маросим ўтказишинга, ҳаётининг фаровонлигига ва лаззатланишинга халақит бераётгандир?

65. Шох жавоб шундай берди: - Эй браҳманлар аълоси, мен хотиинимга шунчалик боғланиб қолганманки, натижада юрагим тошдек қотиб,

тошбағир бўлиб кетибман. Ҳатто, эндигина беш ёшга тўлган фарзандимга ҳам раҳмим келмади. Унинг буюк рух эканига ва Парвардигорнинг буюк содиқларидан эканига ҳам эътибор бермасдан, онаси билан бирга уйдан ҳайдаб юбордим. 66. Эй браҳман, ўғлимнинг юзи нилуфар гулғунчасига ўхшайди. У дучор бўлиши мумкин бўлган хавфу-хатарлар менга тинчлик бермаяпти. У мулақо ҳимоясиз қолган, ҳозир балки очлик ва ташналикдан қаттиқ қийналаётгандир. Балки ҳозир у ўрмоннинг қаеридадир ётгандир, ёки унга ҳамла қилаётган оч бўрилардан ўзини ҳимоя қилишга уринаётгандир. 67. Минг лаънатлар бўлсин менга! Хотиним мени ўзига шунчалик қул қилиб олганига қаранг! Мен қанчалик тошбағир, бераҳмман! Мени шунча меҳр-муҳаббат билан севадиган ўғлим тиззамга чиқиб ўтирмоқчи бўлган эди, мен эса, унга совуқ қараш қилдим, ҳатто унинг бошини силаб қўйишга ҳам ярамадим. Менинг бағрим қанчалик қаттиқ!

68. Буюк донишманд Нарада жавоб берди: - Эй шаҳаншоҳ, ўғлингни ўйлаб кўп эзилаверма. Уни Парвардигорнинг Ўзи ҳимояси остига олган. Унга қанчалик қудрат ато этилганини сен энди ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсан, унинг шухрати аллақачон бугун оламга таралган. 69. Эй шох, ўғлинг буюк қудрат соҳибидир. Ўғлинг ҳатто энг буюк шох ва донишмандлар ҳам қила олмайдиган ишни амалга оширади. Тез орада ниятига эришиб, у уйга қайтиб келади. Билиб қўйки, унинг шадрофати билан сенинг шухратинг ҳам бугун оламга таралади.

70. Буюк Майтрея давом этди: - Нарада Мунининг гапларини тинглаб бўлиб, шох Уттананада барча ишларини тарк этиб, равнақ фариштаси сингари бадавлат салтанатни бошқаришдан четлашиб, ўғли Дҳрува ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлди. 71. Айни пайтда Дҳрува Махараж Мадхуванга етиб келди ва, Ямуна сувида чўмилиб, рўза тутиб, риёзатга берилди. Киприк қоқмасдан қуёш чикқунга қадар у рўза тутди. Шундан кейин буюк донишманд Нараданинг маслаҳатига амал қилиб, Худо Шахсига сиғина бошлади. 72. Биринчи ой давомида Дҳрува Махараж фақат мевалар билан овқатланди. У танасининг ҳаётини таъминлаб туриш учун уч кунда бир марта овқатланарди, қолган вақтининг ҳаммасини Худои Таолога сиғиниш билан ўтказарди.

73. Иккинчи ой давомида Дҳрува Махараж олти кунда бир марта, фақат қуриган майса ва барглар билан овқатланарди. Шу тарзда у Парвардигорга сиғинишда давом этди. 74. Учинчи ой мобайнида у овқатланишни умуман тарк этиб, тўққиз кунда бир марта сув ичиш билан қаноатланди. У ҳамиша муруқабатга берилган ва энг яхши мадҳияларда куйланадиган Парвардигорга сиғиниш билан банд эди. 75. Тўртинчи ой мобайнида Дҳрува Махараж нафас олиш машқларини тўла эгаллаб олди ва натижада ўн икки кунда бир марта нафас ола бошлади. Шу тарзда у ақлини бутунлай хотиржам қилган, чуқур муруқабатга ғарқ бўлиб, Худонинг Олий Шахсига сиғинишда давом этарди. 76. Бешинчи ойнинг бошига келиб шахзода Дҳрува Махараж ҳаёт нафасини бошқаришни шу қадар ўрганиб олдики, ақлу-ҳаёлини Парабраҳманда бутунлай жам қилган ҳолда, бир оёғида устундай қўзғалмасдан тура оларди. 77. У ҳиссиётини ва уларнинг объектларини ўзига биратўла бўйсундирган ва шу тарзда ақлини ҳеч нарсага

чалғитмасдан Худонинг Олий Шахс киёфасида мужасам қилган эди.

78. Шу тарзда муроқаба қилиб, Дхрува Махараж барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдори бўлган, бугун моддий борлиқнинг мавжудлигини таъминлаб турган Парвардигорга эришди, унинг чекаётган бу риёзати натижасида бутун уч олам ларзага келиб, титрай бошлади. 79. Шахзода Дхрува Махараж бир оёғида кўзгалмай турар экан, у оёғининг бош бармоғини кўзгатиши натижасида, худди фил юклаб кетилаётган кеманинг фил кўзгалганда чайқалгани сингари, Ер сайёраси ҳам бир томонга оға бошлади. 80. Дхрува Махараж чуқур муроқабага берилган эди ва унинг танасидаги барча тешиқлар ёпиқ эди, шунинг учун у ўзининг оғирлиги билан мужасам онг - Парвардигор Вишнуга тенглашганида, бутун коинотнинг ҳаёт нафаси зиддиятга учради. Барча сайёралар тизимидаги буюк фаришталар ҳам нафас ололмай бўғилаётганларини сезиб, нажот сўраб Худои Таолога илтижо қила бошладилар.

81. Фаришталар шундай дедилар: - Эй Парвардигор, Сен барча кўзгалувчан ва кўзгалмас тирик мавжудотларнинг ягона нажоткорисан. Барча тирик мавжудотлар нафас ололмай бўғилаётганини сезяпмиз. Аввал ҳеч қачон бундай бўлмаганди. Ихтиёрини Сенга топширган руҳларнинг энг охири нажот макони Ўзингсан, шу боис Сендан бу хавфу-хатардан бизларни қутқаришингни илтижо қиламиз.

82. Парвардигор шундай деб жавоб берди: - Эй фаришталар, сизлар ташвишланманг. Сизларнинг бошингизга тушган ташвишнинг сабабчиси - Уттанпаданнинг Мен ҳақимдаги ўйларга ғарқ бўлган ўғлининг қатъияти ва чекаётган риёзатлари. Унинг айби билан оламнинг нафас олиш жараёни бузилиб кетди. Бемалол ўз сайёраларингизга қайтиб кетишингиз мумкин. Мен бу болакайнинг риёзатларини тўхтатиб, сизларни бу мусибатдан халос этаман.

Тўққизинчи боб

Дхрува Махаражнинг уйига қайтиши

1. Буюк донишманд Майтрея Видурага шундай деди: - Фаришталар Парвардигорнинг гапларини эшитиб, барча ташвишлардан халос бўлдилар ва Унга чуқур таъзим қилиб, жаннатий сайёраларга қайтиб кетдилар, Ўзининг бошқа киёфаси бўлмиш Сахасраширишдан фарқ қилмайдиган Худои Таоло эса, хизматкори Дхрувани кўриш ниятида, Гаруданинг елкасига ўтирди, Гаруда Худо Шахсини Мадхуван ўрмонига олиб борди. 2. Йогада камолотга эришган Дхрува Махараж ўзининг ақлини бутунлай мужасам қилган, Парвардигорнинг яшиндек ярқираб турган киёфаси, бирданига унинг ҳаёл кўзидан ғойиб бўлди. Бу ҳол Дхрувани ташвишга солиб, муроқаба ҳолатидан чиқариб юборди. Аммо кўзини очиши билан, ҳозиргина қалбида кўриб турган Худо Шахсининг Ўзи, энди унинг олдида турганини кўрди. 3. Олдида турган Парвардигорни яққол кўрганида Дхрува Махараж нима қилишини билмай эсанкираб қолди. Худо Шахсига эхтиром кўрсатиш учун, у худди таёқдек йиқилиб, Унинг оёқларига бош қўйди, Худога бўлган муҳаббат унинг бутун вужудини камраб олганди. Дхрува Махараж жазави ҳолатида, кўзлари билан Парвардигорни симириб юборгудай

бўлиб, унинг нилуфар қадамлари пойини ўпичларга кўмиб ташламоқчидай, Уни ўзининг бағрига қаттиқ босгудай бўлиб, Унга кўз узолмасдан қараб турарди. 4. Дхрува Махараж ҳали жуда ёш эди, аммо шунга қарамай Худо Шахсини муносиб шарафламоқчи эди, лекин тажрибасизлиги туфайли фикрини бир жойга тўплай олмай қийналарди. Ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мужасам бўлган Худои Таоло содиқ хизматкори қандай қийин аҳволда турганини пайқади ва бесабаб марҳамати билан олдида қўл қовуштириб турган Дхрува Махаражнинг пешонасига қўлидаги сурини теккизди. 5. Шу заҳотиёқ Дхрува махараж Ведаларнинг моҳиятини тўлиқ тушуниб, Мутлак Ҳақиқатни англаб етишга ва Унинг тирик мавжудотлар билан қандай муносабатда эканини англашга эришди. Ўзини шухрати бениҳоя бўлган Парвардигорнинг мангу хизматкори деб билиб, келажакда, ҳатто бутун олам емирилганда ҳам яқсон бўлмайдиган сайёрага ҳукмдор бўладиган Дхрува, ҳар бир сўзи чуқур мулоҳаза билан тузилган илтижолар билан Парвардигорга мурожаат қила бошлади.

6. Дхрува Махараж шундай деди: - Эй Парвардигор, Сен ҳар нарасага қодирсан. Қалбимга кириб, барча ҳиссий аъзоларимга: қўлларим, оёқларим, эшитиш, сезиш, ҳаёт нафасим, энг асосийси - нуткимга ҳаёт бағишладинг. Мен Сенинг олдинда чуқур эхтиром билан бош эгаман. 7. Эй Парвардигор, Сен бутун борлиқнинг ягона ҳукмдорисан, аммо ҳар хил қувватлар соҳиби бўлган ҳолда руҳий ва моддий оламда Ўзингни ҳар хил кўринишда намоён қиласан. Ташқи қувватинг ёрдамида Сен маҳат-таттва, қувватлар мажмуасини яратасан, ва кейин унинг ичига Олий Рух бўлиб кирасан. Сен - Худо Шахсисан, моддий табиатнинг ҳар хил гуналарини ишга солиб, худди ўтин турига қараб ҳар хил бўлиб кўринган олов сингари, Сен ҳам табиатнинг жуда кўп кўринишларини намоён этасан. 8. Эй ҳукмдорим, ҳатто Тангри Браҳма ҳам ҳар бир ишда Сенга бўйсунди. Яратиш аввалида Сен унинг қалбига илм жойладинг, шу илм ёрдамида, худди уйқудан уйғонган киши ўз вазифаларини дарров эслагани сингари, у ҳам коинотда нималар бўлаётганини кўриш ва тушуниш қобилиятига эга бўлди. Озодликка чиқишни орзу қилаётган, тутқунликдаги руҳларнинг ягона нажоткори ва барча мусибат чекаётганларнинг дўсти Ўзингсан. Мукамал илмга эга бўлган қайси бир зиёли, фаросатли одам, ҳатто бир лаҳза бўлса ҳам Сени эсидан чиқара олади? 9. Фақат, теридан бўлган шу қопнинг манфаатини ўйлаб, эвазига ҳиссий лаззатланиш имконига эга бўлиш ниятида Сенга сиғинадиганлар шубҳасиз алдамчи қувватинг таъсири остига тушиб қолган зотлардир. Сен худди "истаклар дарахти"га ўхшайсан, ва ҳар қандай истакни амалга оширишга, руҳни туғилиб-ўлишлар чархпалагидан қутқариб, озодликка чиқаришга қодирсан, аммо мен сингари ақлсиз нодонлар Сендан, ҳатто дўзахдагиларга ҳам насиб этадиган ҳиссий лаззатларни сўраб илтижо қилдилар.

10. Эй Парвардигор, нилуфар қадамларинг пойини муроқаба қилганида ёки Сенинг улуғворлигингни куйлаётган соф содикларинг гапини тинглаганида инсон оладиган илоҳий лаззат шу қадар бениҳоя-ки, бу лаззатни, браҳмананда, яъни, ўзини худди Парвардигорга қовушиб, шахсиятсиз Браҳман киёфасига ғарқ бўлгандай ҳис қилган одамнинг лаззати билан асло тенглаштириб бўлмайди. Агар, садоқатли хизмат қилиш

берадиган илохий лаззат олдида ҳатто брахмананда лаззати ҳам сўниб қолса, бешафкат замон(вақт) хохлаган пайтда йўқка чиқариши мумкин бўлган жаннат сайёраларидаги ўткинчи кайфу-сафолар ҳақида нима ҳам дейиш мумкин? Жаннат сайёраларига тушган ҳар қандай одам барибир эртами, кечми яна Ерга қайтиб тушишга мажбур.

11. Дҳрува Махараж давом этди: - Эй қудрати чексиз Парвардигор, Сендан илтимос, менга, худди тошқин сувларини денгизга элтувчи дарёлар сингари, Сенга илохий муҳаббат билан хизмат қилишдан бир дақиқа ҳам тўхтамайдиган буюк содиқларинг билан ҳамсуҳбат бўлиш имконини бер. Аминманки, Сенга садоқатли хизмат қилиш ёрдамида моддий борлиқнинг, устида худди оловнинг тиллари сингари хавфу-хатар ва қийинчилик тўлқинлари жўш уриб турган ғафлат уммонини бемалол кечиб ўта оламан. Менга бу уммонни кечиб ўтиш қийин эмас, чунки мен (замон)вақт ўз хукмини ўтказа олмайдиган Сенинг илохий фазилатларинг ва ишларинг ҳақида тинглаш иштиёқида ёняпман.

12. Эй киндиги нилуфар гулига ўхшаган Парвардигор, агар инсоннинг омади келиб, муаттар ҳидларидан мангу бахраманд бўлиш учун бутун қалби билан Сенинг нилуфар қадамларинг пойига интилаётган соф содиқ хизматкоринг билан учрашиш бахтига муяссар бўлса, у моддий танасига, бола-чақаси, дўст-ёрлари, уй-рўзғори, мол-дунёси ва хотини, хуллас ва атрофидаги, дунёвий одам учун жуда қадрли бўлган ҳамма нарсаларга нисбатан боғланишлардан бутунлай халос бўлади. У ҳақиқатан ҳам буларнинг барчасига бефарқ бўлиб қолади.

13. Эй Парвардигор, бутун борлиқнинг туғилмаган ҳукмдори, менга маълумки, Ҳаётнинг турли хил кўринишларига оид бўлган тирик мавжудотлар: ҳайвонлар, қушлар, судралиб юрувчилар, ўсимликлар, фаришталар ва одамлар - моддий қувват мажмуаси яратган коинотнинг ҳар бир сайёрасида яшайди. Яна биламанки, бу тирик жонзотлар баъзан намоён бўлган ҳолда, баъзан эса намоён бўлмаган ҳолда мавжуд, лекин мен ҳозир кўриб турган бу олий илохий киёфани аввал ҳеч қачон кўрмаганман. Сен бу ерда пайдо бўлиш билан гумон ва мулоҳазаларимнинг барчасига чек қўйдиг.

14. Эй Парвардигор ҳар бир даврнинг ниҳоясида Худо Шахси, Гарбходакашайи Вишну мавжуд бутун борлиқни қорнига ютиб юборади. У Шеша-Нага(Аждарҳо) устида ястаниб ётади, Унинг киндигидан Тангри Браҳма туғиладиган олтинранг нилуфар гули ўсиб чиқади. Биламанки, ана шу Худои Таоло - Сен Ўзингсан, шунинг учун Сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан бош эгаман.

15. Эй Парвардигор, Сенинг бўлинмас илохий нигоҳингдан бизларнинг ҳеч бир фикр-мулоҳазамиз яшириниб қололмайди. Олий Рух киёфасида Сен мангу мавжудсан. Азалий Худо Шахси, моддий табиатнинг уч гунасининг мангу ҳукмдори Ўзингсан, ва Сен олти ҳислатнинг мукамал соҳибсан. Шу сифатлар Сени бошқа оддий тирик мавжудотларнинг барчасидан ажратиб туради. Тангри Вишну кўринишида барча қурбонликлар маҳсулидан лаззатланиб, айни пайтда ундан ташқарида қолган ҳолда бутун оламнинг мавжудлигини таъминлаб турасан.

16. Эй Парвардигор, Сенинг шахсиятсиз Браҳман кўринишингда бир-бирига қарама-қарши бўлган икки нарса: билим ва ғофилик ҳамиша биргаликда мавжуд. Сон-саноксиз қувватларинг гоҳ у кўринишда, гоҳ бу

кўринишда ҳамиша намоён бўлиб туради, аммо моддий оламнинг манбаи - бўлинмас, азалий, ўзгармас, бениҳоя ва лаззатга тўла шахсиятсиз Браҳмандир. Мен Сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан сажда қиламан, чунки ана шу шахсиятсиз Браҳманнинг Ўзи - Сенсан.

17. Эй Парвардигор, барча дуои-фотиҳаларнинг олий тимсоли Ўзингсан. Шунинг учун, умрини Сенга садоқат билан холис хизмат қилишга бағишлаган ва бошқа ҳеч қандай истаги қолмаган киши Сенинг нилуфар қадамларинг пойига хизмат қилиш бахтини шоҳ тахти билан ёки катта салтанатга ҳукмдор бўлиш имконияти билан алишмайди. Сенинг нилуфар қадамларинг пойига хизмат қилишнинг қудрати ана шундай. Бесабаб марҳаматинг билан Сен, худди сигир янги туғилган бузоқни эмизиб, хавф-хатарлардан асрагани сингари, менга ўхшаган ақлсиз ва ғофил содиқларингга чексиз ғамхўрлик қиласан.

18. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Азизим Видура, барча мулоҳазалари пок бўлган Дҳрува Махараж дуои-илтижосини тамомлаганида, Худои Таоло, Ўзининг содиқ хизматкорларига чексиз меҳрибон бўлган Парвардигор унга табрик сўзлари билан мурожаат қилди.

19. Парвардигор шундай деди: - Азизим Дҳрува, эй шахзода, сен такводорлик йўлида ичган қасамингнинг устидан чикдинг, қалбинг тўрида авайлаб асраётган эзгу ниятинг Менга маълум. Сен жуда ҳам шухратпарастсан, бу мақсадинг амалга ошиши жуда мушкул, аммо Мен сенинг шу мақсадингни ҳам амалга ошираман. Сенга зафар ёр бўлсин!

20-21. Парвардигор давом этди: - Азизим Дҳрува, Мен ҳатто Браҳманинг куни тугаган пайтда, бутун олам ҳалокатга учраганда ҳам мавжудлигича қолаверадиган "Қутб юлдузи" деб аталмиш нурафшон сайёрани сенга совға қиламан. Атрофида барча куёш тизимлари, сайёралар ва юлдузлар айланиб турган бу сайёранинг ҳалигача ҳукмдори йўқ эди. Осмондаги барча ёриткичлар, худди дон янчадиган тегирмон атрофида айланаётган хўкизлар сингари, унинг атрофида айланиб юрадилар. Коинотнинг қолган барча сайёралари яксон бўлганда ҳам йўқолмайдиган Қутб юлдузини ўзларидан ўнг томонда қолдириб, Дҳарма, Агни, Кашьяпа, Шукра ва бошқа буюк донишмандлар яшайдиган барча сайёралар унинг атрофида айланадилар.

22. Отанг ўрмонга кетиб ҳокимият жиловини сенга топширганидан кейин, ўттиз олти минг йил давомида бутун оламга ҳукмронлик қиласан, лекин тананг барча ҳиссий аъзоларинг билан бирга худди ҳозиргидек ёш ва навқирон, бақувватлигича қолаверади. Сен ҳеч қачон кексаймайсан.

23. Парвардигор давом этди: - Кунларнинг бирида оғанг Уттама, ов қилиш учун ўрмонга кетади, аммо овга қаттиқ киришиб кетиб ҳалок бўлади. Ўғай онанг Суручи, оғир мусибатдан ақлини йўқотиб, ўғлини излаб ўрмонга кетади ва, ёнғин ичида қолиб, у ҳам ҳалокатга учрайди.

24. Парвардигор давом этди: - Барча қурбонликларнинг юраги - Менман. Кўплаб буюк қурбонлик маросимларини ўтказишга ва саҳоват билан хайр-эҳсонлар тарқатишга сенда имкониятлар етарли бўлади. Шундай қилиб, сен бу ҳаётингда моддий оламнинг барча роҳат-фароғатларидан лаззатланиб яшаш имконига эга бўласан, ажалинг етганда эса Мени эслайсан.

25. Азизим Дҳрува, моддий оламда, бу танан-

гдаги ҳаётинг ниҳоясига етганида, сен барча сайёралар тузумининг аҳолиси сиғинадиган Менинг сайёрамга йўл оласан. У сайёра етти донишмандларнинг сайёраларидан юқорида туради, унга эришгандан сўнг бу моддий оламга бошқа қайтиб келмайсан.

26. Буюк донишманд Майтрея шундай деди: - Дхрува Махаражнинг ҳамду-саноларини ва илтижоларини тинглаб, унга Ўзининг сайёрасини инъом қилгандан сўнг, Гаруданинг елкасида ўтирадиган Парвардигор Вишну болакайнинг кўзи олдида Ўзининг даргоҳига қараб учиб кетди. 27. Ўзининг тиришқоқлик билан қатъий интилиши туфайли, Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига сиғиниб, Дхрува Махараж орзу қилган ҳамма нарсасига эришганди, аммо барибир у, қалбида мамнуният ҳосил қилмаганди. Ана шундай рухий ҳолатда Дхрува уйига қайтди.

28. Шри Видура шундай савол берди: - Эй брахман, Парвардигорнинг даргоҳига эришиш шуда мушкул иш. Унга фақат марҳаматли Парвардигорни мамнун қилишга қодир бўлган соф садоқат билан хизмат қилиш ёрдамидагина эришиш мумкин. Ўзининг чексиз донолиги ва самимийлиги туфайли Дхрува Махараж бунга атиги бир умр давомида эришишга муваффақ бўлди. Унинг нохушлигига сабаб нима бўлган эди?

29. Майтрея жавоб бериб, деди: - Ўғай онасининг ачиқ гаплари Дхруванинг қалбини ўткир ўқдек жароҳатлаётган, шу боис бу ҳақоратларни унутолмай, у ҳаётда олдига мақсад кўяётганида фақат ана шулар ҳақида ўйлаганди. Дхрува Махараж бу моддий олам тутқунлигидан озод бўлишни ўйламаган, аммо қилган содиқ хизматлари эвазига, олдида Парвардигорнинг Ўзи пайдо бўлганида, у ўзининг қалбида мавжуд бўлган ўткинчи моддий истакларидан ҳижолатда қолган эди.

30. Дхрува Махараж шундай ўйларди: - Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойдан нажот топиш осон иш эмас, чунки ҳатто аштанга-йога билан машғул бўлиб, муруқабда бўлган Санандана бошлиқ буюк брахмачарийлар ҳам, Унинг нилуфар қадамлари пойдан нажот топгунча жуда кўп умрлар яшашга мажбур бўлган эдилар. Мен эса, бунга атиги олти ой давомида эришдим, аммо, ниятларим Парвардигорнинг режаларига тўғри келмагани сабабли, мен эришган ҳамма нарсамдан маҳрум бўлдим. 31. Одамлар ичида мендан ҳам бахти қаро одам бўлган эмас! Мен туғилиб-ўлишлар занжирини бир зумда чил-парчин қилишга қодир бўлган Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойига эришдим, аммо нодонлигим, ғофиллигим туфайли Ундан ўткинчи нарсаларни тиладим. 32. Юқори сайёраларда яшайдиган фаришталар ҳам, эртами-кечми барибир куйи сайёраларда туғилдилар, шунинг учун улар менинг, садоқатли хизмат қилишим шарофати билан Вайкунтҳада мангу яшаш шарафига эришганимга ҳасад қиладилар. Ана шу ҳасадгўй фаришталар мени ақлдан оздирдилар, - менинг донишманд Нарада Мунининг дуои-фотиҳасидан фойдаланиб, унинг насиҳатлари ёрдамида ҳақиқий бахтга эриша олмаганимнинг асосий сабаби ҳам мана шу.

33. Дхрува Махараж азият чекишда давом этарди: - Мен алдамчи қувват таъсирига берилиб қолгандим. Ҳаётнинг асл маъносини тушүнмай, шайтон васвасасига учган эдим. Қарма-қаршиликлар таъсирига берилган ақлим мени ўз оғамга душман кўзи билан қарашга мажбур қилди, ғофиллигим туфайли "Улар менинг

душманларим!" деб ўйлаганимда, қалбим қаттиқ азобда эди. 34. Худои Таолонинг марҳаматига эришиш жуда мушкул, аммо, гарчи бутун оламнинг Олий Рухининг марҳаматига сазовор бўлишга эришган бўлсам ҳам, Парвардигордан арзимаган нарсаларни сўрадим. Менинг бу ишимни фақат ўлган одамни даволашга уришиш билан қиёслаш мумкин. Минг лаънат бўлсин менга! Рухни туғилиб-ўлишлар чархпалагидан қутқариб олишга қодир бўлган Парвардигорнинг Ўзи билан юзма-юз учрашиб ҳам, мен Ундан ўзимнинг ҳозирги аҳволимда қолдиришни илтимос қилдим. 35. Парвардигор менга Унга садоқатли хизмат қилиш имкониятини беришга тайёр эди, аммо бунинг ўрнига мен Ундан моддий бойлик, шон-шухрат ва фаровонлик тиладим. Буни фақат менинг мутлақо нодонлигим ва аввал қилган савобли ишларимнинг камлигидан деб билиш мумкин. Мен худди, буюк шаҳаншоҳнинг марҳаматига эришган, чексиз мол-дунёга эга бўлиши мумкин бўлган ҳолда, ўзининг ғофиллиги туфайли, атиги бир ҳовуч гуруч майдасини сўраган гадей сингари иш қилдим.

36. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Азизим Видура, сенга ўхшаган, дунёда ҳамма нарсдан ҳам кўпроқ Парвардигорнинг нилуфар қадамларининг тогли шарбатига интиладиган, Муқунданнинг нилуфар қадамлари пойдан нажот топган соф содиқлар Худои Таолонинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилишдан тўла мамнуният ҳосил қиладилар. Қандай ҳолатга тушишларидан қатъий назар ундай одамлар ҳаётдан мамнунлигича қолаверадилар. Содиқлар Парвардигордан ҳеч қачон моддий нарса сўрамайдилар. 37. Шоҳ Уттанапада, "аллақачон ўлган" деб ўйлаган ўғли Дхруванинг уйга қайтиб келаётганини эшитгач, аввалига бунга ишонмади. Ўзини энг катта гуноҳкор сезиб, бундай бахтга сазовор бўлишга сира ишона олмасди. 38. Гарчи шоҳ аввалига хабар олиб келган хабарчига ишонмаган бўлса ҳам, у буюк донишманд Нараданинг гапларининг ҳақиқат эканлигига заррача шубҳа қилмасди. Шунинг учун Уттанапада хабарчига қимматбаҳо тақинчоқ совға қилиб, уни муносиб саҳоват билан мукофотлади. 39-40. Кейин шоҳ Уттанапада, ўзининг йўқолган ўғлини яна кўришга шошилиб, энг яхши отлар қўшилган, олтин безаклар билан безатилган аравасига чикди. Олим брахманлар, хонадоннинг кекса аъзолари, шунингдек вазирлар, сарой арбоблари ва яқин дўстлари ҳамкорлигида тантана билан шаҳардан чикди. Шоҳ жўнаётганида бутун атрофни сурларнинг, литавра ва карнайларнинг овози босиб кетди. Уни кузатаётган брахманлар омад келтирадиган ведавий мадҳиялардан тиловат қилардилар.

41. Шоҳ Уттанападаннинг иккала хотини, Сунити ва Суручи, шоҳнинг бошқа ўғли Уттама билан бирга шоҳга ҳамроҳ бўлдилар. Маликалар паланкинда ўтирардилар. 42-43. Яқиндаги ўрмон чеккасига етганида шоҳ Уттанапада Дхрува Махаражга кўзи тушди. Шоҳ аравадан сакраб тушиб, шунча вақтдан бери кўришга интизор бўлиб юрган ўғлининг олдида қараб чопди. Йўқолган ўғлига нисбатан қалбини тўлдирган меҳр ва муҳаббат туйғусидан нафаси оғирлашиб, у ўғлини бағрига қаттиқ босди. Аммо Дхрува Махараж энди аввалгидек оддий болакай эмас эди. Худо Шахсининг нилуфар қадамлари теккани туфайли у барча гуноҳлардан покланиб нурафшон зот бўлган эди. 44. Бу учрашувни шунча вақтдан бери орзиқиб қутган шоҳ Уттанапада ўғлининг муаттар сочларини тўйиб-тўйиб

хидлар ва кўзларидан оқаётган шашқатор меҳр ёшлари билан ўзглини хўлларди. 45. Такводор зотлар ичида энг покдомони бўлган Дхрува Махараж энг аввало отасининг оёқларига йиқилди. Унинг кетма-кет берган саволларига жавоб бериб, шаҳзода иккала онасининг оёқларига бош эгди. 46. Дхрува Махаражнинг кичик онаси Суручи, бегуноҳ болакай ўзининг оёқларига бош эгаётганини кўриб, дарров уни кўтариб олди ва ёш тўла кўзлари билан бағрига босиб дуои-фотиҳа қилди: - "Умринг зиёда бўлсин, ўғилгинам!"

47. Пастроқ жойга ўз-ўзидан ҳамма сувлар тўплангани сингари, Парвардигор билан бевосита мулоқотда бўлиш шарофати билан илохий фазилатларга эга бўлган кишининг олдида барча тирик мавжудотлар таъзим қила бошлайди. 48. Ака-ука Уттама ва Дхрува меҳр ва муҳаббат билан кўзларида ёш билан бир-бирларини бағирларига босдилар, соғинч туйғусидан уларнинг таналари титрарди. 49. Дхрува Махаражнинг ҳақиқий онаси Сунити, ўзининг жонидан ҳам азизроқ бўлган ўғлининг нозик танасини бағрига босганида, шунчалик чуқур лаззатга ғарқ бўлдики, шу вақтгача чеккан барча азоб-уқубатларини бир зумда унутиб юборди. 50. Азизим Видура, энди Сунити буюк қахрамоннинг онаси эди. Дхрува Махараж унинг кўзларидан оққан ёш билан бирга кўкрагидан томаётган меҳр суғларидан жикка хўл бўлиб, унинг бағрида турарди. Бу жуда яхши аломат эди.

51. Сарой аҳли малика Сунитини шарафлаб, уни муборакбод қила бошладилар: - Эй азиз малика, севиқли ўғлинг қанча вақтлардан бери уйда йўқ бўлгани учун сен уни аллақачон йўқолиб кетган, деб ҳисоблардинг, аммо мана сени чексиз бахтиёр қилиб, у уйга қайтиб келди. Ўйлаймизки, сенинг барча моддий қийинчиликларингга чек қўйиб, ўғлинг энди узоқ вақт сенга меҳрибонлик билан ғамхўрлик қилади. 52. Эй хурматли малика, сен албатта содиқ хизматкорини ҳар қандай хавфу-хатардан ҳимоя қиладиган Парвардигорга кўп илтижо қилгансан. Ҳамиша Уни ўйлаб, мулоҳаза қилиб юрадиган одам туғилиб-ўлишлар чархпалагининг туганмас занжирини чил-парчин қилади. Бундай камолотга эришиш осон иш эмас.

53. Донишманд Майтрея давом этди: - Азизим Видура, ўғлининг шарафига айтилган ҳамду-санолардан мамнун бўлган шоҳ, Дхрува Махаражни оғаси билан бирга филнинг устига ўтқазди ва ҳаммаси биргаликда, бутун аҳолиси шоҳни қутлаётган шаҳар ичига қайтиб кирдилар. 54. Бутун шаҳар шоҳларида мевалар ва гуллар осилиб турган банан дарахтлари, япроқ ва шохалари ҳамма ердан кўриниб турган арека, пальма дарахтлари билан безатилган эди. Шаҳар кўчаларида кўриниши ақула қиёфасини эслатувчи жуда кўп дарвозалар ўрнатилганди. 55. Ҳар бир ҳовли дарвозаси олдида шамлар ёқилган ва ранг-баранг матолар ўралиб, марварид ишлар, гулчамбарлар ва манго япроқлари билан безатилган катта кўзаларга сув тўлдириб қўйилганди. 56. Шаҳардаги кўплаб гўзал саройлар, шаҳар дарвозалари, шаҳарни ўраган қаъла деворлари тантана муносабати билан олтин тақинчоқлар билан безатилган эди. Уй томлари ва сарой миноралари, шунингдек шаҳар осмонда учаётган ҳаво кемалари ҳам кўзни камаштиргудек ярқирарди. 57. Барча майдонлар, кўчалар, чорраҳаларда ўтириш учун мўлжалланган супачалар топ-тоза супурилиб, сандал сувлари сепилганди. Шаҳар муҳитини поклаш учун бутун атрофга шоли

ва буғдой донлари, шунингдек гуллар, мевалар ва кўплаб бошқа маросимларга оид эҳсонлар ташлаб қўйилган эди. 58-59. Дхрува Махараж шаҳар бўйлаб ўтаётганида яқин атрофдаги уйларда яшовчи гўзал аёллар уни кўриш учун кўчанинг икки тарафига тўпландилар. Оналик меҳр-муҳаббат туйғуси тўлиб тошган бу аёллар унга оқ қантал уруғи, арпа, яшил майса, мева ва гуллар сочиб, сув ва қатиқ сешиб, уни дуоифотиҳа қилардилар. Шаҳарлик аёллар қуйлаётган ажойиб тароналар жўрлигида Дхрува Махараж отасининг саройига кириб келди.

60. Шундай қилиб Дхрува Махараж яна отасининг, деворлари қимматбаҳо тошлар билан безатилган саройига жойлашди. Отасининг меҳр ва муҳаббат билан кўрсатаётган ғамхўрлиги остида у умрини худди жаннат сайёраларидаги саройларда яшаётган фаришталар сингари ўткази бошлади. 61. Унинг ётадиган тўшаги худди сут кўпигидай оппоқ ва юмшоқ эди. Саройдаги барча жиҳозлар фил суягидан қилинган бўлиб, олтиндан нақш қўйилган, ўриндиқлар, кресло ва бошқа анжомлар соф олтиндан қуйилган эди. 62. Шоҳнинг саройи сапфир ва бошқа нур таратиб турувчи гавҳарлар билан безатилган мрамар девор билан ўралган эди. Унда чизилган расмларда кўлларида қимматбаҳо тошлардан қилинган шамчиروқлар тутиб турган гўзал аёллар тасвирланган эди. 63. Шоҳ саройининг атрофида жаннат сайёраларидан келтирилган дарахтлар ўсиб турган боғлар барпо қилинган. Бу боғлар ҳавоси сармаст асалариларнинг ғувиллашлари ва шохларда ўз жуфти билан ўтирган сайроқи қушларнинг ёқимли овозига тўлган эди. 64. Зумрад тошлардан қилинган зинапойлар рангоранг нилуфар гуллари ўсиб ётган кўлларга олиб тушарди. Уларда оққушлар, карандавалар ва чакравакалар, цапля ва бошқа покиза қушлар яшарди. 65. Авлиё шоҳ Уттанапада, Дхрува Махаражнинг шавкатли қахрамонлиги ҳақида эшитиб, унинг матонатига қойил қолиб ва унинг халқ орасида эришган мартабасини кўриб, шундай мўъжизалар яратган ўғлидан хурсандлигидан шодлиги ичига сиғмасди.

66. Яхши мулоҳаза юритгандан кейин шоҳ Уттанапада, "энди салтанат тизгинини қўлига олишга Дхрува Махараж бутунлай тайёр бўлди", деган қарорга келди. Вазирларининг розилиги билан, аҳолининг ўғлига бўлган муҳаббатини кўриб, у Дхрувани салтанат тахтига ўтқазди ва уни бутун сайёранинг ҳукмдори қилди. 67. Ёши ўтиб қолганини эътиборга олиб, "энди руҳ ҳақида ўйлаш вақти келди", деган қарорга келган шоҳ Уттанапада, барча дунёвий ишларни тарк этиб ўрмонга кетди.

Ўнинчи боб Дхрува Махаражнинг якшалар билан жанг қилиши

1. Буюк донишмаанд Майтрея давом этди: - Азизим Видура, анча вақт ўтгандан кейин Дхрува Махараж Пражапати Шишумаранинг Бхрами деган кизига уйланди. Ундан икки фарзанд туғилди: Калпа ва Ватсара. 2. Буюк қудрат соҳиби бўлган Дхрува Махаражнинг Ила деган яна бир хотини бор эди. У Ваю фариштасининг кизи бўлиб, у Уткала деган ўғил ва соҳибжамол бир қиз туғиб берди. 3. Дхрува Махаражнинг ҳали уйланиб улгурмаган укаси Уттама, кунларнинг бирида

Ҳимолай тоғига овга кетиб, қудратли яқшалар қўлида ҳалок бўлди. Унинг онаси Суручи ҳам ўғлининг кетидан бориб ҳалокатга учради. 4. Ҳимолай тоғида укасининг яқшалар қўлидан ҳалок бўлганини эшитган Дҳрува Махараж қайғуга ботиб, қаттиқ ғазабланди. Ўзининг жанг аравасига миниб, у яқшалар шаҳри Алакапурини забт қилиш учун юришга отланди. 5. Шимол томон юриб, Дҳрува Махараж Ҳимолай этакларига етиб келди. У ердаги воҳаларнинг бирида у арвоҳларни эслатувчи ва Тангри Шивага сиғинувчи мавжудотлар яшайдиган бир шаҳарга кўзи тушди.

6. Майтрея ҳикоясини давом эттирди: - Азизим Видура, Алакапури деворларига яқин келиб, Дҳрува Махараж суруни шундай қаттиқ чалиб юбордики, унинг овози бутун осмонни тўлдириб, оламни титратиб юборди. Бу товушдан яқшаларнинг аёллари ўлгудек чўчиб кетдилар. Уларнинг олазарак бўлиб атрофга аланглашлари қалблари қаттиқ ғулғулага тушганидан дарак бериб турарди. 7. Эй қаҳрамон Видур, сур овозига бардош бера олмаган энг қудратли яқшалар қўлига қурол олиб, шаҳардан чиқдилар ва Дҳрува Махараж томонга йўл олдилар. 8. Жанг аравасида ва камондан ўқ отиш санъатида тенги йўқ Дҳрува Махараж, ҳар отганида уч ўқ билан яқшаларнинг қўшинига қирон келтира бошлади. 9. Ўзларининг ҳалокати муқаррар эканини, Дҳрува Махаражнинг нишонга бехато тегаётган пайконлари уларнинг бошларини мўлжалга олаётганини ва муқаррар мағлубият олдида турганларини кўриб, улар ҳақиқий қаҳрамонлар сингари, Дҳруванинг жасоратига тан бермай туролмасдилар. 10. Худди озор берган одамни кечирмайдиган илонлар сингари, яқшалар Дҳрува Махаражнинг ўзларидан устунлигига чидай олмасдилар ва унга жавобан ҳужумга ўтдилар: уларнинг ҳар бири камонларидан бирданига, Дҳрува Махараждан икки бор кўп - олти пайкон билан ўқ ота бошладилар. Яқшалар жасорат ва маҳоратини ана шундай намоён қилдилар. 11-12. Яқшаларнинг қўшини ғазаби қайнаган, ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам жасорат кўрсатишда Дҳрува Махараждан устун келишга уринаётган 130.000 қудратли жангчидан иборат эди. Дҳрува Махаражни ўраб олиб, уни ва унинг аравасини пайконлар, парига (темир гурзи)лар, нистримша(қилич)лар, прасашул(санчқи)лар, парашвадха(найза)лар, шакти(тиғ)лар, ришти(тўқмоқ)лар ва бхушундиларга кўмиб ташладилар. 13. Ёғилаётган пайкон ва бошқа қуроллар оқими худди, тоғ чўққисини анча вақтгача кўмиб ташлайдиган шиддатли ёмғир сувлари сингари, Дҳрува Махаражни анча вақтгача кўмиб ташлади. 14. Олий сайёраларда яшовчи барча сиддхилар осмонда туриб бу жангни томоша қилардилар. Душман ўқлари Дҳрува Махаражни кўздан тўсиб қўйганида, осмонда шундай хайқириқ янгради: "Манунинг невараси, Дҳрува ҳалок бўлди!" Улар Дҳрува Махаражни яқшаларнинг пайконлари уммонига ғарк бўлган куёшга ўхшатиб, унинг ҳалок бўлганидан қайғура бошладилар.

15. Дҳрува Махараж устидан вақтинчалик устунликка эришган яқшалар ғалаба сурларини чалаётганида, худди туман орасидан тўсатдан чиқиб қоладиган куёш сингари, Дҳруванинг араваси ҳамманинг кўзи олдида пайдо бўлди. 16. Унинг таранг тортилган камонининг овози ва пайконидан таралаётган кучли ёғду душманларининг қалбини даҳшатдан зир титрашга мажбур қилди. Унинг пайконлари бўрони яқшаларнинг пайконлари, найза ва тўмоқларидан пайдо бўлган пардани,

худди булутларни ҳайдаб юборган кучли шамолдек учириб юборди. 17. Дҳрува Махаражнинг ўткир пайконлари душманларининг совут ва таналарини, худди осмон шохининг тоғларни тешиб юборадиган яшин қуроли сингари тилка-пора қиларди.

18-19. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Азизим Видура. Жанг майдони Дҳрува Махаражнинг пайконларидан ҳалок бўлган аскарлар билан тўлиб кетганди. Ҳалок бўлганларнинг бошида чиройли тож бўлиб, қулоқларида қимматбаҳо исирғалар ярқирарди. Ўлганларнинг оёқлари келишган, пальма дарахти сингари қудратли, қўлларида ва билакларида олтин билангузуклар, кўксиде қимматбаҳо олтин тақинчоқлар билан безатилган совутлар бор эди. Ер юзиде сочилиб ётган шунча қимматбаҳо нарсалар ҳар қандай қаҳрамоннинг ҳам ақлини олиб қочарди. 20. Буюк қаҳрамон Дҳрува Махаражнинг пайконларидан ярадор бўлиб, омон қолган яқшалар, худди қудратли йўлбарс билан олишувдан енгилган филлар сингари қоча бошладилар. 21. Инсонлар аълоси Дҳрува Махараж, жанг майдониде яқшаларнинг биронта қуролланган аскарлари қолмаганига ишонч ҳосил қилгандан кейин, Алакапури шаҳрини томоша қилмоқчи бўлди, аммо кейин: "Бу ярамас яқшалар яна қандай қилиқлар кўрсатиши мумкин?" – деб ўйланиб қолди.

22. Шу тарзда иккиланиб, рақиблари томонидан бирор қабиҳ иш бўлишини олдиндан сезиб, Дҳрува Махараж аравакаши билан суҳбатлаша бошлади. Шунда бирданига, худди нотинч уммон соҳилида турганлариде, қаттиқ бўрон овози эшитилди ва ҳар томондан уларни чанг-тўзон аралаш кучли бўрон ўраб ола бошлади. 23. Бир пасде бутун осмонни булут қоплади, чақмоқ чақиб, момақалдирок овозлари гумбурлай бошлади, қаттиқ жала куйди. 24. Эй бегуноҳ Видура, Дҳрува Махараж устига қон, йиринг, ахлат, сийдик, одам суяклари ва жасад бўлақлари ёғила бошлади. 25. Қаердандир осмон-фалакда қатта тоғ пайдо бўлди, дўл ёғиб, осмондан ерга найза, қилич, темир гурзи ва қатта-қатта харсанг тошлар туша бошлади. 26. Бирдан Дҳрува Махаражнинг кўзи ҳар тарафдан уни ютиб юборишга тайёр бўлиб, оғзидан олов пуркаб яқинлашаётган қатта-қатта аждарларга тушди. Ҳар тарафдан унга қараб қутурган филлар, арслон ва йўлбарслар югуриб келардилар. 27. Кейин охир-замон пайтидаги тошқинга ўхшаган сув тошқини бошланди. Қатта-қатта кўпирган тўлқинлар шовқин сурон билан унинг устига бостириб келарди. 28. Табиатан зolim бўлган иблис-яқшалар, сеҳр кучларини ишга солиб, ғофил одамларни кўрқитиш учун шунга ўхшаган мўъжизалар содир қилишлари мумкин. 29. Буюк донишмандлар, сеҳр кучини ишлатиб иблисларнинг Дҳрува Махараждан устун келаётганларини эшитиб, унга далда бериш ва ўзларининг дуолари билан унга ёрдам бериш учун дарҳол уни ўраб олдилар.

30. Донишмандлар унга шундай дедилар: - Эй шох Уттанападанинг ўғли, Дҳрува, Шаригандханва номини олган Парвардигорнинг Ўзи сенинг душманларингни яқсон қилсин, чунки мусибатга учраган содиқларига Худои Таоло ҳамиша ёрдамга келади. Худонинг муқаддас номлари Унинг Ўзи сингари буюк қудратга эга, шунинг учун Унинг муқаддас номларини тинглаш ва такрорлаш шарофати билан одамлар бешафқат ўлим чангалидан биратўла қутулишлари мумкин. Содиқлар ана шу йўл билан озодликка эришадилар.

Ўн биринчи боб.

Сваямбхува Манунинг

Дхрува Махаражга берган насиҳатлари

1. Шри Майтрея деди: - Азизим Видура, буюк до-нишмандларнинг сўзларидан илҳомланган Дхрува Ма-хараж ачаман қилиб(сув билан покланиб) Тангри На-раянанинг Ўзи яратган пайконни қўлига олди ва камо-нига жойлади. 2. Дхрува Махараж пайконни камонига қўйиб улгурмасданок, худди ўзининг руҳий табиатини англаб етган одамда моддий шодлик ва мусибатларнинг сояси ҳам қолмагани сингари, якшалар кўрсатаётган мўъжизалардан асар ҳам қолмади. 3. Дхрува Махараж Нараяна Риши ясаган пайконни камонига ўрнатиши билан душман тарафга оққушлар қанотини эслатувчи парлар билан безатилган, учлари олтиндан бўлган пай-конлар уча бошлади. Уларнинг овозлари ўрмон ичкари-сига қараб учаётган товусларнинг кийкирик овозларини эслатарди. 4. Ана шу ўткир пайконлар душман қўшинини пароканда қилиб юборди. Кўрққанидан баъзи якшалар ҳушидан кетиб қолдилар, бошқалари ғазаб билан апил-тапил қуролларини олиб Дхрува Ма-харажга қарши яна хужумга ўтдилар. Уларнинг қурол кўтариб Дхрува Махаражга қилаётган хужумлари, кал-ласини кўтариб Гарудага ташланаётган илонларни эс-латарди. 5. Якшаларнинг яна хужумга ўтганини кўриб, Дхрува Махараж уларга пайкон йўллаб, барчасини бир зумда тилка-пора қилди. Уларнинг каллаларини, қўл-оёқларини танасидан жудо қилиб, таналаринини илма-тешиқ қилиб, якшаларнинг руҳларини Қуёшдан юқорида жойлашган, фақатгина умрида бирон марта ҳам уруғини йўқотмаган брахмачарилар эриша олади-ган сайёрага жўнатар эди.

6. Невараси, Дхрува Махаражнинг минглаб бегуноҳ якшаларни кириб ташлаётганини кўрган Сваямбхува Манунинг уларга раҳми келди. Неварасининг ақлини киритиб қўйиш ниятида, буюк донишмандлар ҳамроҳлигида Дхрува Махаражнинг олдига келди.

7. Буюк зот Ману шундай деди: - "Тўхта эй ўғлим! Бесабаб ғазаб инсонни дўзахга олиб борадиган йўлдир. Ҳеч қандай гуноҳи бўлмаган якшаларни ўлдириш би-лан сен одоб қоидаларини бузаясан. 8. Ўғлим, сенинг бегуноҳ якшаларга қирон келтираётганингни дин қонунларидан хабари бўлганларнинг бирортаси ҳам қўллаб қувватламайди. Ўзингнинг бу ҳаракатинг билан сен дин қонунларига асосан нималар қилиш мумкину, нималар қилиш мумкин эмаслигини яхши биладиган зотлар сифатида танилган хонадонимизнинг обрўсини тўқяпсан. 9. Ўғлим, шунча ишларинг билан сен укангга бўлган муҳаббатингни тўла исботладинг. Укангнинг якшалар қўлидан ҳалок бўлгани сени қаттиқ қайғуга солгани тушунарли. Аммо, ўзинг ўйлаб кўр, битта як-шанинг қилган иши учун ўч олиш ниятида сен уларнинг ҳеч қандай гуноҳи бўлмаган жуда кўп қабиладошларини кириб ташладинг. 10. Инсон ўзини танасига қиёсламаслиги ва онгсиз ҳайвонлар сингари, бошқа тирик мавжудотларнинг таналарини ўлдирмаслиги лозим. Бу гаплар биринчи навбатда Ху-донинг Олий Шахсига садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирган авлиё одамларга тааллуқлидир. 11. Пар-вардигор Харининг даргоҳи бўлмиш Вайкунтха сайёра-ларига эришиш жуда мушкул иш, аммо сен ана шундай

бахтга сазовор бўлгансан - сенинг тақдирингга Худо-нинг даргоҳига бориш битилган, чунки сен Унга барча тирик мавжудотларнинг нажоткори сифатида сажда қилгансан. 12. Парвардигор сени ҳеч қачон унутмайди, чунки сен Унинг соф содиқ хизматкорисан ва Худонинг барча ишончли хизматкорлари сени эъзозлайдилар. Сенинг бугун ҳаётинг бошқалар учун ўрнак бўлиши керак. Шунинг учун, бундай қабих иш қилишга сени нима мажбур қилганини мен ҳеч тушуниб етолмаяпман. 13. Бошқа одамларга нисбатан сабр-тоқатли, раҳмдил, меҳрибон, ҳамдард ва дўстона муносабатда бўлган содиқ хизматкоридан Парвардигор жуда мамнун бўлади. 14. Худо Шахсини рози қила олган одам шу ҳаётидаёқ ўзининг қўпол ва нафис таналарининг таъси-ридан озод бўлади. Моддий табиатнинг гуналари ҳукмронлигидан қутулиб чексиз руҳий лаззатга эриша-ди. 15. Моддий оламни яратиш бугун борлиқдаги ҳамма нарса, шу жумладан эркак ва аёлларнинг тана-лари ҳам таркиб топган беш унсурни яратишдан бош-ланади. Жинсий алоқа қилиш натижасида эркак ва аёл-лар бошқа эркак ва аёлларни дунёга келтириб, дунё аҳолисини кўпайтирадилар.

16. Ману давом этди: - Эй шоҳ Дхрува, моддий оламдаги ҳамма нарса Худо Шахсининг алдамчи қуввати таъсири остида моддий табиатнинг уч гунаси-нинг ўзаро ҳаракатлари туфайли пайдо бўлади, бироз вақт давомида мавжуд бўлиб туради ва емирилади. 17. Азизим Дхрува, моддий табиат гуналарининг таъсири Парвардигорга қор қилмайди. У моддий оламнинг яра-лишининг бошланғич, азалий сабабчисидир. У биринчи туртки беради, шу туртки кўллаб иккиламчи сабаб ва оқибатларни ҳаракатга келтиради, натижада, худди магнит таъсири остида темир парчалари ҳаракатга кел-гани сингари, бугун олам ҳаракатга келади. 18. Парвар-дигор Ўзининг англаб бўлмайдиган вақт(замон) қуввати ёрдамида моддий табиатнинг уч гунасини ҳаракатга келтиради. Уларнинг ўзаро ҳаракатга келиши натижасида кўплаб ҳар хил қувватлар пайдо бўлади. Парвардигор ҳаракат қилаётгандек туюлади, аммо ас-лида У ҳеч қандай фаолиятга дахлдор эмас. У ўлдиради, аммо Уни қотил деб бўлмайди. Шундай қилиб, оламдаги ҳамма нарса Унинг англаб бўлмайдиган қуввати туфайли рўй бераётганини биз англаб етишимиз лозим.

19. Азизим Дхрува, Парвардигорнинг Ўзи мангу барҳаёт, аммо шафқатсиз Замон қиёфасида У ҳамма нарсани йўққа чиқаради. Гарчи ҳамма нарса эртами-кечми барибир тугайдиган бўлса ҳам, Унинг Ўзи ту-ганмасдир. Тирик мавжудотлар отасининг пушти кама-ридан дунёга келадилар ва ажали етганида ҳалок бўладилар, аммо Унинг Ўзи туғилишни ҳам, ўлишни ҳам билмайди. 20. Парвардигор моддий оламда мангу Замон қиёфасида иштирок этади, Ўзининг шу қиёфасида У барча тирик мавжудотларга бир хил муно-сабатда бўлади. Унинг учун дўст ҳам, душман ҳам ба-робар. Вақт, бешафқат Замоннинг ҳукми остида бўлган ҳар бир одам қилмишларига яраша, ўзининг кармаси оқибатида ҳаётда роҳатланади ва азобланади. Шамолда юқори кўтариладиган чанг заррачалари каби, тирик мавжудот, ўзининг кармасига биноан, бу дунёда ёки азоб чекади, ёки роҳатланади.

21. Қудратли Парвардигор Вишну ҳар бир тирик мавжудотни қилмишига яраша мукофотлайди. Қилган ишларининг оқибатига яраша У бировга узоқ умр, би-

ровга қисқа умр беради, аммо Унинг Ўзи ҳамиша илоҳийлигича қолаверади, шунинг учун Унинг мавжудлиги ҳеч нарсага боғлиқ эмас. 22. Бировлар, "ҳар хил тирик мавжудотлар ҳар хил таналарга кириб, ўзларининг кармаси шундай бўлгани учун ҳар хил азоб-уқубатлардан қийналиб, ҳар хил лаззат билан роҳатланадилар", дейишади. Бошқа бировлар "буларнинг сабабчиси - табиатдир", дейишади, учинчи бирлари буларни вақтнинг таъсирига йўйадилар, тўртинчи бирлари буни "тақдир" деб аташади, бешинчилари эса, "буларнинг барчасига сабаб - тирик мавжудотнинг ис-такларидир" дейдилар. 23. Мутлақ Ҳақиқат бўлган Илоҳий Парвардигорни тажриба йўли билан англаб етишнинг иложи йўқ. У сон-саноксиз қувватларнинг, шу жумладан моддий қувватлар мажмуасининг ҳам ҳукмдоридир. Унинг режалари ва ишларини англаш қийин, шунинг учун, гарчи У барча сабабларнинг азалий сабабчиси бўлса ҳам, Уни ҳеч ким тафаккур кучи билан англаб ега олмайди. 24. Ўғлим, Куверанинг авлодидан бўлган бу яқшалар аслида сенинг укангнинг ўлимига сабабчи эмаслар. Ҳар қандай тирик мавжудотнинг ўлимига ягона сабабчи - Худои Таоло, чунки У барча сабабларнинг азалий сабабчисидир. 25. Парвардигор моддий оламни яратади, мавжудлигини таъминлаб туради ва ниҳоят уни яқсон қилади, лекин Унинг Ўзи бу фаолиятга нисбатан илоҳий бўлгани учун, Унга сохта ўзлик ва моддий табиатнинг гуналари таъсир қилмайди.

26. Худонинг Олий Шахси барча тирик мавжудотларнинг Олий руҳидир. Парвардигор - бутун борлиқнинг ҳукмдори ва эгасидир. Ўзининг ташқи қуввати ёрдамида У барча тирик мавжудотни яратади, мавжудлигини таъминлаб туради ва яқсон қилади. 27. Азиз ўғлим, илтимос, ўз ихтиёрининг Худои Таолога топшир, чунки У - бутун олам ўзининг ривожланишида интиладиган энг олий мақсаддир. Ҳамма мавжудотлар, ҳатто Браҳма бошлиқ кудратли фаришталар ҳам, худди бурнидан ип ўтказилган хўкиз хўжайинининг амрига бўйсунганидек, Унинг амрини бажарадилар. 28. Азизим Дҳрува, сен атиги беш ёшга тўлганида, ўғай онангнинг гапларидан жаҳлинг чиқиб, онагни тарк этдинг. Ҳеч нарсдан қўрқмай, йога билан шуғулланиб Парвардигорга эришиш ниятида ўрмонга ёлғиз ўзинг йўл олдинг. Сендан миннатдор бўлган Парвардигор сенга бутун уч оламдан юқори турувчи даргоҳ инъом этди. 29. Азизим Дҳрува, бутун фикру-хаёлингни бегуноҳ Браҳмандан фарқ қилмайдиган Худои Таолода мужассам қил. Ўзингнинг азалий, табиий ҳолатингга қайтиб, нигоҳингни Худо Шахсига қарат, ана шунда ҳақиқий ўзлинггни англаб оласан ва атрофингга ҳар турли хил бўлиб кўринаётган моддий нарсаларнинг алдамчи манзара эканини англаб оласан. 30. Шунда сен, табиий ҳолатингга қайтиб, Олий Руҳ кўринишида барча тирик мавжудотларнинг қалбида ҳам мавжуд ва туганмас лаззат манбаи бўлган Парвардигорга содиқ хизмат қилишга ҳаётингни бутунлай бахшида этиб, тез орада "мен" ва "меники" деган сохта тушунчалардан халос бўласан. 31. Эй шоҳ, менинг гапларимни мулоҳаза қилиб кўр, сўзларим сенга дори сингари таъсир қилади. Ҳазабингни жиловлаб ол, чунки ғазаб ўзлинггни англаш йўлида энг қатта ғов бўлади. Мен сенга фақат яхшиликни раво кўраман, шунинг учун илтимос, менинг насиҳатларимга қулоқ сол. 32. Бу моддий олам тутқунлигидан қутулишни истаган киши ҳеч

қачон ғазаб тизгинини бўш қўймаслиги керак, чунки ғазоби қайнаган одам атрофдагилар учун қўрқув манбаига айланади. 33. Азизим Дҳрува, укангнинг ўлимига сабабчи бўлган, деб ўйлаб, жуда кўп яқшаларни кириб ташладинг, аммо сенинг бу ҳаракатинг Тангри Шиванинг укаси - фаришталарнинг хазинабони Куверанинг ғазобига сабаб бўлди. Ўз ҳаракатинг билан сен Кувера ва Тангри Шиванинг нафсониятига текканингни билиб қўй. 34. Шунинг учун, ўғлим, вақтни бой бермай кечирим сўраш ва илтижо қилиш билан Куверанинг кўнглини овлашга ҳаракат қил, токи унинг ғазоби бизнинг авлодимиз бошига кулфат келтирмасин.

35. Бобоси Сваямбхува Манунинг насиҳатларини тинглаб бўлиб Дҳрува Махараж унга эҳтиром билан таъзим қилди. Ундан кейин Ману ва буюк донишмандлар ўз даргоҳларига қайтдилар.

Ўн иккинчи боб. Дҳрува Махаражнинг Худонинг даргоҳига қайтиши

1. Буюк донишманд Майтрея шундай деди: - Азизим Видура, Дҳрува Махаражнинг ғазоби тарқаб, яқшаларни ўлдиришдан тўхтади. Бундан хабар топган фаришталарнинг хазинабони буюк Кувера Дҳруванинг олдида пайдо бўлди. Яқшалар, киннарлар ва чараналарнинг олқишлари остида у, олдида эҳтиром билан қўл қовуштириб турган Дҳрувага мурожаат қилди.

2. Хазиналар султони Кувера шундай деди: - Эй бегуноҳ қшатрий фарзанди, бобонгнинг насиҳатларига қулоқ солиб қалбингдаги жиловлаш жуда қийин бўлган ғазаб оловини ўчирганингдан мен жуда хурсандман. Мен сендан жуда миннатдорман. 3. Аслида яқшаларни ўлдирган сен эмассан, сенинг укангни ўлдирган ҳам улар эмас, чунки туғилиш ва ўлишнинг ҳақиқий сабабчиси мангу Замон кўринишидаги Парвардигордир. 4. Одамнинг ўзини ва бошқа тирик мавжудотларни уларнинг моддий таналарига қиёслаши унинг ғофиллиги туфайли содир бўлади. Ҳаёт ҳақида ана шундай нотўғри тасаввурга эга бўлиш - бизнинг бу моддий борлиқда кетма-кет туғилиб-ўлишларга мубтало бўлиб юришимизга сабаб бўлади. 5. Азизим Дҳрува, менинг олдимга кел. Сенга ҳамиша Худонинг марҳамати ва ҳар бир ишингда зафар ёр бўлсин! Биз сезгиларимиз орқали англай олмайдиган Худои Таоло барча тирик мавжудотларнинг қалбидаги Олий Руҳдир, шунинг учун, аслини олганда тирик мавжудотлар орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Охир оқибатда барча тирик мавжудотларнинг энг ишончли нажот макони бўлган Парвардигорнинг илоҳий қиёфасига хизмат қилишга кириш. 6. Ўзингни Худо Шахсига холис хизмат қилишга бахшида қил, чунки фақат Унинг Ўзигина бизни бу моддий тутқунликдан халос этишга қодирдир. Гарчи Парвардигор Ўзининг моддий қуввати билан боғлиқ бўлса ҳам, У моддий қувватининг фаолиятига аралашмайди. Бу моддий оламда бўлиб турган воқеа-ҳодисаларнинг барчасини фақат Худо Шахсининг англаб бўлмайдиган қуввати содир қилади. 7. Азизим Дҳрува, эй Махараж Уттанападанинг ўғли, биз сенинг ҳамиша киндиги нилуфар гулғунчасини эслатувчи Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш билан машғул эканингни биламиз. Шу боис, сен ҳар қандай олқишларга, муко-

фотга муносибсан, ва мен сенинг ҳар қандай истагингни бажо келтиришга тайёрман.

8. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Азизим Видура, Куверанинг таклифига жавобан, аини пайтда донишманд ҳукмдор бўлган Худонинг олийҳиммат, соф садоқатли хизматкори Дхрува Махараж, Якшараджа(Кувера)дан ўзига Худои Таолога чуқур иймон ва Парвардигорни бир дақиқа ҳам унутмаслик шарофатини берувчи қудратли хогира ато этишини сўради, чунки ҳамиша Худони эслаб юрган одам, бошқалар учун ечилмас муаммо бўлган ғафлат уммонини ҳеч қийналмай кечиб ўта олади. 9. Идавиданинг ўғли, фаришта Кувера, Дхрувадан жуда миннатдор бўлиб унинг сўраганларини ато этиб дуо қилди ва ўз даргоҳига қайтиб кетди. Дхрува Махараж ҳам ўз салтанатининг пойтахтига келди. 10. Пойтахтда яшар экан, барча қурбонликлардан лаззат оладиган Зот - Худонинг Олий Шахсини мамнун қилиш учун, Дхрува Махараж жуда кўп қурбонлик маросимларини ўтказди. Ведаларда фарз қилиб кўрсатилган қурбонлик маросимлари, барча қурбонликларнинг мақсади ва уларни ўтказганларни муносиб мукофотлайдиган Тангри Вишнуни мамнун қилиш учун мўлжалланган. 11. Дхрува Махараж бутун борлиқнинг манбаи бўлган Парвардигорга сўнмас шижоат, ихлос билан хизмат қиларди. Парвардигорга садоқат билан хизмат қилар экан, у бутун борлиқ Унинг Ўзида мужассамлигини ва У ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжудлигини кўрди. Парвардигорни Ачьюта деб аташади, чунки У ҳеч қачон Ўзининг асосий вазифасини - содиқ хизматкорларига ғамхўрлик қилишни эсидан чиқармайди.

12. Дхрува Махараж барча олийжаноб фазилатлар соҳиби эди: у Худонинг солиҳ бандаларини ҳамиша эъзозлар, бегуноҳлару ноиложларга ғамхўрлик қилар ва диний қонун-қоидаларни ҳимоя қиларди. Шоҳнинг ана шу сифатлари туфайли фуқаролар унга худди ўзларининг оталари каби муносабатда бўларди. 13. Дхрува Махараж бу сайёрада ўттиз олти минг йил давомида ҳукмронлик қилди. У ўзининг олдинги ҳаётларида қилган барча савобли ишларининг натижасидан тўла лаззатланиб бўлди ва чеккан риёзатлари ёрдамида қилган барча гуноҳлари оқибатидан бутунлай покланди. 14. Ҳиссиётларини жиловлаб олган буюк содиқ Дхрува Махараж узоқ йиллар давомида моддий фаолиятнинг уч тури билан бемалол машғул бўлди: диний маросимларни ўтказди(дхарма); ўзининг салтанатининг фаровонлиги йўлида хизмат қилди(артха) ва ўзининг барча моддий орзу-истакларини рўёбга чиқарди(кама). Ўзига ажратилган вақт тугаганида эса салтанат тахтига ўғлини ўтказди.

15. Шрила Дхрува Махараж бу моддий коинотни Парвардигорнинг ташқи, алдамчи қуввати яратгани туфайли, у худди одам уйқусида кўрадиган тушига, ёки рўёга ўхшаб тирик мавжудотни йўлдан адаштиришини тўшунар эди. 16. Шундай қилиб бутун оламга ҳукмронлик қилган Дхрува Махараж, ҳар тарафдан денгизлар билан ўралган салтанатини тарк этди. У худди унинг хотини, фарзандлари, дўстлари, жанговор қўшинлари, мол-дунёси, ажойиб саройлари ва сайр қилиш учун қилинган боғ-роғлари сингари, ўзининг моддий танасини ҳам алдамчи қувват яратиб қўйганини биларди, шунинг учун, вақти келганда у Ҳимолай тоғига, Бадарикашрам деб аталган ўрмонга йўл олди.

17. Бадарикашрамда Дхрува Махараж муқаддас Ганганинг соф сувларида ҳар куни ювиниб, ўз ҳиссиётларини тўла поклади. Йога ҳолатида кўзгалмай ўтириб, танасидаги ҳаёт нафасларини бошқариб, нафас олиш машқларини бажарди. Шундай машқлар ёрдамида у ўз ҳиссиётларини жиловлаб олди. Кейин, бутун ҳаёлини арча-виграҳада, Худо Шахсининг аниқ кўриниши бўлган Илоҳ қиёфасида мужассам қилиб, Дхрува Махараж муқобабага берилди ва аста-секин жазаво ҳолатига кирди. 18. Унинг кўзларидан илоҳий лаззат ёшлари селдек оқар, қалби бутунлай юмшаган, титроқ тутган баданидаги туклари тикка бўлган эди. Содиқ хизмат қилиш жазавасига тушиб бутунлай бошқа ҳолатга кирган Дхрува Махараж ўзининг танасини бутунлай унутди ва шу заҳотиёқ моддий олам тутқунлигидан озод бўлди. 19. Танасида озодликка эришганлик аломатлари пайдо бўлиши билан Дхрува Махараж олдига бениҳоя гўзал кўринишдаги ҳаво кемаси тушиб келаётганини кўрди. Ҳаво кемасидан атрофга шу қадар ёрқин ёғду таралардики, гўё осмон-фалакдан бутун атрофни нурга тўлдириб тўлин ойнинг ўзи тушиб келаётгандай эди.

20. Дхрува Махараж ҳаво кемасида Худованд Вишнунинг икки хизматкорини кўрди. Улар жуда навқирон ва бениҳоя гўзал кўринишда эди. Уларнинг ҳар бирининг тўрт қўли бор эди. Таналари буғдойранг, кўзлари нилуфар гулбарглари эслатувчи бу фаришталар ажойиб сарик либосларга ўранган бўлиб, қимматбаҳо тақинчоқлар: олтин совут, билагузук ва исирғалар тақиб олгандилар. Уларнинг қўлларида гурзи бор эди. 21. Бу икки нотаниш зот Худои Таолонинг шахсий хизматкорлари эканини англаган Дхрува Махараж уларни муносиб қарши олиш учун ўрнидан сакраб турди, аммо, шошганидан ҳаёли паришон бўлиб, бундай меҳмонларга қандай эҳтиром кўрсатишни ҳам унутиб қўйди. Шунинг учун у қўл қовуштириб уларга таъзим қилди ва Парвардигорга ҳамду санолар айтиб, Унинг муқаддас номларини шарафлаб зикр қила бошлади. 22. Дхрува Махараж Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойи ҳақидаги ўйларга ҳамиша ғарқ бўлиб юрарди, унинг бутун қалби Кришнага бағишланган эди. Парвардигорнинг икки хизматкори, Нанда ва Сунанда, юзларида табассум билан унга яқинлашганида, у қўл қовуштириб камтарин ҳолда уларга таъзим қилди, улар эса Дхрувага шундай гаплар билан муқожаат қилдилар.

23. Худованд Вишнунинг икки хизматкори Нанда ва Сунанда шундай дедилар: - Эй шоҳ, сенга омад ёр бўлсин! Бизларга диққат билан кулоқ сол. Сен атиги беш ёшга тўлганингда қаттиқ риёзатлар чекиб, Худонинг Олий Шахсининг чексиз марҳаматига сазовор бўлгансан. 24. Бизлар - бутун борлиқни яратган, қўлларида Шарнга камонини тутган Парвардигорнинг элчиларимиз. У бизни сени руҳий оламга олиб кетиш учун юборди. 25. Вайкунтҳага эришиш жуда мушкул иш, аммо қилган риёзатларинг туфайли сен, ҳатто буюк донишмандлар ва фаришталар ҳам эриша олмайдиган шундай юксак марҳаматга сазовор бўлдинг. Бу олий даргоҳ(Вишнунинг сайёраси)ни кўриш учун Қуёш, Ой, ва бошқа сайёралар, юлдузлар, ой уйлари, ва сайёра тизимлари унинг атрофида айланиб юрадилар. Сенга биз билан бирга юришни таклиф қиламиз, сени у ерда кутишяпти. 26. Азизим Дхрува, шу сайёрага сенинг авлодларингдан ҳали ҳеч ким, ҳатто одам зотидан ҳеч қим эриша олмаган. Моддий оламдаги энг буюк сайёра

бўлган бу даргоҳ Вишнулока деб аталади, чунки унда Худованд Вишнунинг Ўзи яшайди. Бу сайёрага борлиқдаги барча сайёраларнинг аҳолиси сиғинадилар. У ерда мангу яшаб қолишинг учун биз сени шу ерга олиб кетамиз. 27. Эй ўлмас зот, мана шу ажойиб ҳаво кемасини атайлаб сен учун, шарафига ҳамду-санолар ўқиладиган, барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдори бўлган Парвардигорнинг Ўзи юборди. Унга чиқишга сен тўла муносибсан.

28. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Дҳрува Махараж Худои Таоло учун жуда азиз эди. Вайкунтхадан келган Парвардигорнинг икки хизматкорининг гапларини эшитиб, у ювиниб, покланиш маросимини ўтказди, кундалик руҳий вазибаларини адо этди ва бундай ҳолатга муносиб равишда кийиниб, безаниб олди. Кейин у эҳтиром билан шу ерда яшаётган донишмандларга таъзим қилиб, уларнинг дуои-фотиҳаларини олди. 29. Ҳаво кемасига чиқишдан олдин Дҳрува Махараж уни тавоф этиб, атрофини айланиб ўтди. Шунингдек у, Парвардигорнинг элчиларига ҳам таъзим қилди. Шу пайт шохнинг танаси ўзгариб, ундан эритилган олтин рангида кўзни қамаштирадиган ёғду тарала бошлади. Дҳрува Махараж илоҳий кемага кўтарилиш учун тайёр бўлди. 30. Дҳрува Махараж илоҳий кемага кўтарилишга ҳозирланаётганида ўзига яқинлашаётган Ажалга кўзи тушди. Ундан ҳеч кўрқмасдан зинапоя ўрнида Ажалнинг бошига оёғини қўйиб, уйдек катта ҳаво кемасига кўтарилди. 31. Шу пайт осмонда литавра ва барабанларнинг овози эшитилиб, гандҳарваларнинг сардорлари куй бошладилар, қолган бошқа фаришталар Дҳрува Махаражни гуллар ёмғирига кўмиб ташладилар. 32. Учишга тайёр турган илоҳий кемада ўтирган Дҳрува Махаражнинг эсига онаси Сунити тушди. Бирдан унинг миёсида: - "Ёлғиз онами бу ерга ташлаб, бир ўзим қандай Вайкунтҳага кетаман?" - деган ўй пайдо бўлди. 33. Вайкунтҳалока ҳукмдорининг ҳамроҳлари, Нанда ва Сунанда, Дҳрува Махаражнинг хаёлидан нималар ўтаётганини дарров сездилар ва унга онаси Сунитини олиб кетаётган бошқа ҳаво кемасини кўрсатдилар. 34. Вайкунтҳага борар экан, Дҳрува Махараж йўлда бирин-кетин Куёш системасининг сайёраларини кўрди, барча фаришталар ўзларининг ҳаво кемаларида туриб унга гуллар иргитардилар. 35. Дҳрува Махараж бирин-кетин Саптариши деб аталадиган буюк донишмандларнинг етти сайёралари тизимидан ўтди, ва мангу яшаш учун Парвардигор Вишнунинг Ўзи истикомат қиладиган илоҳий даргоҳга эришди.

36. Моддий оламдаги бошқа барча сайёралар таратаётган нурларнинг азалий манбаи бўлган Вайкунтҳанинг порлоқ сайёраларига эришиш - қалбида бошқа тирик мавжудотларга нисбатан меҳр-муҳаббат бўлмаган одамларга насиб этмайди. Бу даргоҳга фақат, ҳамиша эзгу ишлар қиладиган ва бошқа тирик мавжудотларга ғамхўрлик қиладиган кишиларгина эриша оладилар. 37. Бехавотир, ҳамиша қалблари осойишта бўлган, қалби ва танаси пок, бошқаларга қуввонч бағишлаганга қодир кишиларгина Худонинг содиқ хизматкорлари билан дўстлашадилар, фақат уларгина ҳеч қандай қийинчиликларсиз энг олий камолот чўққисига эришадилар ва ўзларининг лаззат, роҳат-фароғатга тўла мангу уйига, Парвардигор хузурига қайта оладилар.

38. Махараж Уттананападанинг буюк фарзанди Дҳрува Махараж бутунлай Кришнани, Худои Таолони

тўла англаб етган, ҳамиша Кришна онги билан яшаб юрган зот бўлгани учун, мавжуд уч оламнинг гултожи бўлган олий сайёрага эришди.

39. Авлиё донишманд Майтрея давом этди: - Эй Видура, Курулар авлоди, худди тегирмон атрофида соат кўрсаткичи бўйлаб айланиб юрадиган хўкизлар сингари, осмон ёритгичлари кўринмас бир кудратга бўйсунгандек, катта тезлик билан Дҳрува Махараж сайёрасининг атрофида айланиб юради. 40. Дҳрува Махаражнинг шухрат қозонишига гувоҳ бўлган Нарада Муни қувончдан кўнгли яйраб, Прачеталар уоштирган қурбонлик маросимига бориб, вина асбоби жўрлигида мана шу мадҳияни куйлади.

41. Буюк Нарада Муни деди: - "Рухий машғулотлари ва қаттиқ риёзатлари эвазига, эрига вафодор аёл Сунитининг фарзанди Дҳрува Махараж шундай камолот чўққисига эришдики, унга оддий одамлар нари турсин, ҳатто ведаларнинг барча қонун-қоидаларига бекамукўст амал қиладиган ведантистлар ҳам эриша олмайдилар".

42. Буюк донишманд Нарада давом этди: - "Бир тасаввур қилинг-а, атиги беш ёшга тўлган бола, ўғай онасининг гаплари таъсиридан ғзаби келиб, ўрмонга жўнади ва менинг кўрсатмаларимга амал қилиб қаттиқ риёзатлар чека бошлади. Гарчи Парвардигорни енгил мумкин бўлмаса ҳам, Дҳрува Махараж Унинг қалбини ўзига ром этишга эришди, чунки содиқ хизматкорининг нодир фазилатлари Худо Шахсини ўзига мафтун этиб, мағлубиятини тан олишга мажбур этади. 43. Олти ёшга тўлганида Дҳрува Махараж қаттиқ риёзатларга тўла олти ой давомида шундай юқори мартабага эришдики, бундай даражага узоқ йиллар давомида таналарини қаттиқ риёзатлар билан азоблаган буюк кшатрийлар ҳам эриша олмайдилар".

44. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Азизим Видура, мен сенинг барча саволларингга жавоб бердим ва Дҳрува Махаражнинг сифатлари ва қилган шарафли ишлари ҳақида гапириб бердим. Авлиё донишмандларга ва буюк содиқларга Дҳрува Махараж ҳақидаги ҳикоялар чуқур лаззат бағишлайди. 45. Дҳрува Махараж ҳақидаги бу ҳикояни тинглаган ҳар бир одам, агар истаса, чексиз мол-мулкка, узоқ умрга ва шон-шухратга эриша олади. Бунинг устига, бу ҳикояни тинглаган киши жаннатий сайёраларга ва Дҳрувалокага эришиши, яъни Дҳрува Махаражнинг изидан бориши мумкин. Бу улўввор ҳикоя шу қадар кудратли кучга эгаки, уни тинглаган ҳар бир одам фаришта даражасига кўтарилиб, қилган барча гуноҳларининг оқибатларидан бутунлай халос бўлади. 46. Дҳрува Махараж ҳақидаги бу ҳикояни такрор ва такрор тинглаган, унинг пок, улўввор сифатларини иймон ва садоқат билан англаб олишга интилган киши қалбида Парвардигорга нисбатан чуқур садоқат туйғусини ривожлантиради ва ҳаётини Худои Таолога садоқат билан холис хизмат қилишга бағишлайди. Бу эса, ўз навбатида, унга бу моддий ҳаётнинг уч хил кўринишдаги барча азоб-уқубатларидан халос бўлиш имкониятини беради. 47. Дҳрува Махараж ҳақидаги бу ҳикояни тинглаган кишида улўввор сифатлар намоён бўла бошлайди. Бу - мардликка, куч-қудратга ва ҳукмронликка эришиш йўлидир. Шон-шухрат ва обрў-эътибор қозонишни истаган ақли ва фаросатли кишилар мана шу йўлдан боришлари керак.

48. Буюк донишманд шундай насихат қилди: - Дхрува Махаражнинг улуғвор сифатлари ва буюк кароматлари ҳақида брахманлар ва бошқа иккибор туғилганлар даврасида ҳар куни эрталаб ва кечкурун, чуқур эҳтиром ва диққат билан суҳбат куриш керак. 49-50. Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан нажот топган кишилар Дхрува Махараж ҳақидаги бу ҳикояни, эвазига ҳеч нарса таъма қилмасдан бошқаларга гапириб беришлари керак. Бундай ишлар айниқса ой тўлишган ва янги туғилган кунлари, экадашдан кейинги кунларда, Шравана юлдузи чиққан кунларда, титханинг охирида ва вьятипата муносабати билан, шунингдек ой охирида ва бозор(жума) кунлари айниқса саховатлидир. Ўз-ўзидан тушунарлики, бу ҳикояни иймон-эътиқодли такводор кишиларагина айтиш мумкин. Ҳеч қандай моддий бойлик ният қилмасдан, холисона шундай қилган киши камолотга эришади ва бу ҳикояни эшитганларнинг ҳам руҳий камолотга эришишларига ёрдам беради. 51. Дхрува Махаражнинг кўрсатган кароматлари ҳақидаги бу ҳикоя, уни чуқур иймон билан тинглаганларга мангу ҳаёт бағишлайдиган нодир донишмандлик қудратига эга. Бу ҳикоя Мутлақ Ҳақиқат билан нотаниш бўлган одамларни Ҳақиқат йўлига бошлаши мумкин. Шунинг учун, қалбидаги илоҳий ҳамдардлик туйғуси туфайли барча азоб чекаётган мазлумларга ғамхўрлик қилиб, уларга ёрдам бераётган киши албатта фаришталарнинг эътиборини ўзига жалб этади ва уларнинг шарофат келтирадиган дуоларини олади. 52. Дхрува Махаражнинг илоҳий кароматлари бутун оламда машхур. Улар пок ва беғубордир. Худонинг Олий Шахси, Вишнунинг нилуфар қадамлари пойидан нажот топиш учун у болалигидаёқ ўйинқароқликдан, онасининг ғамхўрликларидан воз кечди. Шундай қилиб, азизим Видура, мен сенга унинг бошидан ўтган воқеаларнинг барчасини гапириб бердим ва шу билан ҳикоя ҳам ниҳоясига етди.

Ўн учинчи боб Дхрува Махаражнинг авлоди

1. Шаунака бошлиқ донишмандларга мурожаат қилиб, Сута Госвами шундай деди: - Дхрува Махаражнинг Вайкунтхага, Парвардигор Вишну хузурига кўтарилгани ҳақидаги Майтреянинг ҳикоясини тингланган Видуранинг қалбида Худо Шахсига нисбатан муҳаббат туйғуси авж олди ва у Майтреяга навбатдаги саволини берди.

2. Видура шундай деди: - Эй содиқларнинг энг буюк намоёндаси, Прачеталар кимлар? Улар қайси авлодга мансуб? Улар кимларнинг фарзандлари ва қурбонликни улар қаерда ўтказаётган эдилар?

3. Видура давом этди: - Нарада Парвардигорнинг буюк содиқ хизматкори эканини биламан. У панчаратрика тизими бўйича Худога садоқатли хизмат қилиш қоидалари батафсил ёритилган асар ёзган ва олий Худо Шахсини яққол кўриш шарафига муяссар бўлган зотдир. 4. Худо Шахсига сифиниб, Уни мамнун қилиш учун Прачеталар диний акидаларни ва қурбонлик маросимини ўтказдилар. Ана шу пайтда у ерда иштираётган буюк донишманд Нарада Муни Дхрува Махаражнинг илоҳий сифатларини шарафлаб куйлади. 5. Менга

айтчи, Нарада Муни олий Парвардигорни қандай шарафлади ва унинг қайси кароматлари ҳақида гапириб берди? Мен шулар ҳақида эшитишни истаيمان. Сендан илтимос, ҳеч нарсани қолдирмай ҳаммасини гапириб бер.

6. Буюк донишманд Майтрея жавоб бера бошлади: - Азизим Видура, Махараж Дхрува ўрмонга кетганида унинг ўғли Уткала, бутун сайёрага ҳукмронлик қилиш имкониятини берадиган отасининг тахтига ўтиришдан бош тортди. 7. Уткала туғилганиданок мулоим, ҳамиша ўзидан мамнун ва моддий оламга боғланмаган зот эди. У бутун борлиқ Олий Рухда мужассам эканини ва олий рух ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд эканини билгани сабабли ҳамиша кўнгли осойишта, хотиржам эди. 8-9. Олий Брахманни англаб етгандан кейин, Уткала моддий тана тутқунлигидан бутунлай халос бўлганди. Мана шу ҳолат нирвана деб аталади. У қалбини ҳеч қачон тарк этмайдиган ва ҳамиша кучайиб борадиган руҳий, илоҳий лаззатли ҳолатга эришган эди. У бунга бхакти-йога билан шуғулланиб эришди. Бхакти-йога, худди олов сингари, инсон қалбидаги барча моддий ғуборларни яқсон қилади. Ўзининг руҳий табиатини ва Парвардигор билан мангу муносабатини англаб, Уткала ҳар ерда ва ҳар бир мавжудотда фақат Худони кўрарди ва ҳамиша Унга содиқ хизмат қилиш билан банд эди. 10. Учраган ғофил одамларга у худди нодон, кўр, соқов ва кар жиннига ўхшаб кўринарди, аммо уларнинг бу тасавури ҳақиқатдан жуда йироқ эди. Аслида у тутаб ётган кул остида яширинган оловга ўхшарди. 11. Хонадоннинг барча катта аъзолари, шунингдек вазирлар ҳам Уткалани ақлдан озган ёки эси паст деб ҳисобларди. Шунинг учун улар тахтга унинг укасини, Брахманнинг ўғли Ватсарани ўтказдилар ва у бутун сайёранинг ҳукмдори бўлди.

12. Ватсаранинг суюкли хотини Сваритхи унга олти ўғил туғиб берди: Пушпарна, Тигмакета, Иша, Уржда, Васа ва Джая. 13. Пушпарнанинг икки хотини бор эди: Прабха ва Доша. Прабха уч ўғил туғди: Пратар, Мадхьядинам ва Саям. 14. Дошанинг уч ўғли бўлди: Прадоша, Нишитха ва Вьюшта. Вьюштанинг хотини Пушкаринидан Сарватеджа деган қудратли ўғил дунёга келди. 15-16. Сарватеджанинг хотини, Акути Чакшуша деган ўғил туғди. Аввалги Манунинг ҳукмдорлик вақти тугаши билан Чакшуша олтинчи Ману бўлди. Унинг рафикаси Надваладан такводор фарзандлар дунёга келдилар: Пура, Кутса, Триту, Дьюмна, Сатьявана, Рита, Врата, Агништома, Атиратра, Прадьюмна, Шиби ва Улмака.

17. Чакшуша Манунинг ўн икки фарзандидан бири Улмака хотини Пушкаринидан ажойиб олти фарзанд кўрди, улар: Анга, Сумана, Кхьяти, Крата, Ангира ва Гая. 18. Анганинг хотини Сунитхадан дунёга Вена деган ўғил пайдо бўлди, у жуда золим ва бешафқат эди. Золим ўғли авлиё шоҳ бўлган отасига шу қадар жабрситамлар келтирдик, охири у уйи ва салтанатини ташлаб ўрмонга кетишга мажбур бўлди. 19-20. Азизим Видура, буюк донишмандларнинг қарғиши худди яшиндай қудратли бўлади. Шунинг учун, донишмандларнинг ғазаб ўти шоҳ Венани ҳалокатга учратди. Шоҳ вафотидан сўнг мамлакат ҳукмдорсиз қолди, ва бундан фойдаланиб ўғри ва қароқчилар аҳолига чексиз мусибат келтириб, қутура бошладилар. Буни кўрган буюк донишмандлар Венанинг ўнг қўлини олиб, ундан чўмич сифатида фойдаланиб, унинг танасини ахтара бошладилар.

Натижада шоҳ Притху дунёга келди, у Худованд Вишнунинг тимсоли ва бутун дунёнинг биринчи ҳукмдори эди.

21. Донишманд Майтреяга юзланиб, Видура унга яна савол берди: - Ҳурматли браҳман, шоҳ Анга ўзининг олийжаноблиги билан машҳур эди. У авлиёларга хос бўлган фазилатлар соҳиби эди ва ҳамшиша браҳманлар маданиятини ҳимоя қиларди. Қандай қилиб шундай буюк инсон Вена сингари ноқобил фарзандни дунёга келтирди ва натижада ўзи бутун салтанат ишларидан воз кечиб, саройни ташлаб кетишга мажбур бўлди?

22. Видура давом этди: - Нимага диний қонун-қоидалардан хабардор бўлган буюк донишмандлар қўлида жазо тамғаси ушлаган шоҳ Венани дуои-бад қилмоқчи ва уни қаттиқ (браҳма-шапа кучи билан) жазоламоқчи бўлдилар? 23. Ҳатто у энг катта гуноҳ ишлар қилаётгандек бўлиб кўринса ҳам, Худонинг содик хизматкорлари ҳеч қачон шоҳни қораламасликлари керак, чунки шоҳ бу дунёда тенгсиз қудратга эга ва барча ҳукмдорлардан устун туради.

24. Видура Майтреядан сўради: - Эй браҳман, сенга тарихда бўлиб ўтган воқеалар ҳам, келажақда содир бўлиши керак бўлган воқеалар ҳам аён. Шунинг учун сендан илтимос, менга шоҳ Венанинг қандай ишлар қилганини гапириб бер. Мен ихтиёримни бугунлай сенга топширдим, шунинг учун бу ҳақда сенинг гапларингни тинглашни истаймман.

25. Шри Майтрея жавоб бера бошлади: - Азизим Видура, кунларнинг бирида буюк шоҳ Анга ашвамедҳа деб аталадиган буюк қурбонлик маросими ўтказмоқчи бўлди. Маросимда иштирок этаётган браҳманларнинг ҳаммаси фаришталарни қандай таклиф қилишни билардилар, аммо шунга қарамай биронта фаришта ҳам келиб қурбонлик маросимида иштирок этмади. 26. Маросимда қатнашаётган руҳонийлар шоҳ Ангага хабар бердилар: - "Эй шоҳ, қурбонлик ўтказаетиб, бизлар одатдагидек оловга сариеғ қуйдик, аммо фаришталар бизнинг ҳадямизни қабул қилгилари келмаяпти. 27. Эй шоҳ, сен қурбонликка зарур бўлган ҳамма нарсани чуқур иймон билан, жуда пухталаб, ҳеч нарсани бузмасдан ва нопок қилмасдан тайёрлаганингни биз яхши биламиз. Ўз навбатида биз ҳам барча ведавий мадҳияларни ҳеч нуқсонларсиз тиловат қилдик, чунки қурбонлик маросимида иштирок қилаётган барча браҳманлар ўз ишларини пухта биладилар ва диний маросимларни барча қонун-қоидаларга тўлиқ амал қилган ҳолда ўтказадилар.

28. Эй шоҳ, бизлар фаришталар ўзларига нисбатан ҳақорат ёки ҳурматсизлик деб ҳисоблайдиган бирон бир ҳаракат қилмадик, барибир, шунга қарамай қурбонлик маросимини кузатаётган фаришталар бизларнинг ҳадямизни қабул қилмади. Нимага бундай бўлгани бизга номаълум.

29. Майтрея ҳикоя қилишда давом этди: - Руҳонийларнинг гапларидан шоҳ Анга жуда хафа бўлди. Уларнинг руҳсати билан у гапирмасликка берган қасамни бузди ва маросимда қатнашаётган барча браҳманларга савол билан мурожаат қилди.

30. Руҳонийларга қараб шоҳ Анга шундай деди: - Ҳурматли руҳонийлар, илтимос, менга жавоб беринглр, мен қандай гуноҳ иш қилдим? Менинг таклиф қилишимга қарамай биронта фаришта қурбонлик маро-

сида иштирок этишни истамаяпти ва таклиф қилинган эҳсонларни қабул қилмаяпти.

31. Қурбонлик ўтказаетган руҳонийлар жавоб бердилар: - Эй шоҳ, сен бу ҳаётингда ҳатто ҳаёлингда ҳам биронта ноҳўя иш содир қилмадинг, ҳеч қандай гуноҳга ҳам ботмадинг. Аммо бизга сен олдинги ҳаётингда нима гуноҳ қилганинг маълум, шу сабабдан, шунча қилган савоб ишларингга қарамай, сен ҳалигача бефарзандсан. 32. Эй шоҳ, биз сенга омад ва бахт тилаймиз. Ҳозир сен бефарзандсан, аммо, агар сен Парвардигорга илтижо қилиб, Ундан ўзингга фарзанд тиласанг, бунинг учун зарур бўлган қурбонлик маросимини ўтказсанг, барча қурбонликлардан лаззатланувчи Парвардигор сенинг орзуингни амалга оширади. 33. Барча қурбонлик маросимлари Уни рози қилиш учун ўтказиладиган Парвардигор Хари сенинг илтижоларингни инобатга олиб, фарзанд ато этиш учун пайдо бўлганида, У билан бирга барча фаришталар ҳам бу ерга ташриф буюриб, сен инъом қилган эҳсонларни қабул қиладилар. 34. Муқаддас китобларнинг қоидаларига асосан қурбонлик маросими ўтказган киши, Худодан нимаики сўраса ҳаммасига албатта эришади. 35. Шоҳ Анганинг ўғил фарзандга ота бўлиши учун браҳманлар ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигор Вишнуга ҳар хил инъомлар қурбон қилмоқчи бўлдилар. 36. Қурбонлик ҳадялари оловга ташланиши биланок, эҳромдаги оловдан оппоқ либосга бурканган, олтин тақинчоқ таққан инсон қиёфасидаги зот пайдо бўлди. У қўлларида сугда қайнатилган гуруч тўла олтин кўза ушлаб олган эди. 37. Браҳманларнинг руҳсати билан шоҳ қайнатилган гуручдан бир ҳовуч олди ва муаттар ҳидидан ҳидлаб, саҳоватли табиатига кўра гуручнинг ярмини хотинига берди. 38. Шу пайтгача бефарзанд бўлган малика, ўғил туғиш имконини берадиган гуручдан егандан сўнг, эридан ҳомиладор бўлиб, вақти келганда ўғил фарзанд кўрди. 39. Бу фарзанднинг томирларида фақат тақводорлар қони оқаетгани йўқ эди: унинг она тарафдан бобоси ажал тимсоли Адҳарма(Худосизлик)нинг авлодидан эди. Унга ўхшаб туғилган фарзанд болалигиданок ўзида энг буюк гуноҳқор-иблисларнинг аломатларини намоён қила бошлади. 40. Камон ва пайконлар билан қуролланиб олиб, бу бешафқат ўспирин яқин ўртадаги ўрмонга йўл олар ва у ерда, ҳеч қандай заруратсиз беғуноҳ кийикларни отиб ўлдирарди. Унинг қилаётган қабиҳ ишлари шу даражага бориб етдики, уни кўришлари билан одамлар: "Ана қонхўр Вена келяпти!", Вена келяпти! - деб қичқира бошларди. 41. Бола шу қадар бешафқат эдики, ўзининг тенгқурлари билан ўйнаб юриб, уларни худди ўлимга маҳкум бўлган ҳайвонлардек бешафқат ўлдириб юборарди. 42. Ўғлининг қанчалик бешафқат, бераҳм, меҳрсиз бўлиб ўсаётганини кўрган шоҳ Анга ҳар хил жазолар билан унинг табиатини ўзгартиришга кўп уриниб кўрди, аммо шунча уринишлардан кейин ўғлини тақводорлик йўлига қайтара олмаслигига кўзи этди ва бундан қаттиқ изтироб чека бошлади.

43. Шоҳ шундай ўйга толди: - Фарзандсиз одамлар қандай бахтли одамлар-а! Улар аввалги ҳаётларида Парвардигорга сиғинганлар, шунинг учун ҳозир улар ҳаётида ўзларининг ноқобил фарзандлари доғида чидаб бўлмайдиган мусибат чекиб азобланмаяптилар. 44. Ноқобил фарзанд отасининг номига иснод келтиради. Ўзининг гуноҳ ишлари билан у душман орттириб, худо-

сизликка ва чексиз ташвишларга сабаб бўлади. 45. Ақли бор қайси бир одам ўзининг ноқобил фарзанди бўлишини истайди? Ота учун бундай фарзанд - унинг умрини дўзахга айлантирадиган бир дард.

46. Шоҳ фикр юритишда давом этди: - Умуман олганда ноқобил фарзанд яхши фарзанддан афзал. Чунки яхши фарзанднинг отаси бўлган одам уйига, фарзандига боғланиб қолади, ёмон фарзанд эса, оилавий ҳаётга боғланиб қолишга ҳалақит беради. Ёмон фарзанд отасининг ҳаётини дўзахга айлантиради, ва натижада агар отасининг фаросати етарли бўлса, ўғли унга уй-рўзгорни тезроқ тарк этиб кетишига ёрдам беради.

47. Шулар ҳақида ўйлаб, шоҳ Анга туни билан мижджа қоқмади. Оилавий ҳаётнинг унга энди ҳеч қандай кизиғи қолмаганди. Шу сабабли, кунларнинг бирида, ярим тунда у ўрнидан турди ва қаттиқ уйкуда ётган Венанинг онасини ёлғиз қолдириб, ҳеч кимга билдирмасдан саройни тарк этди. Энди уни бу яшнаётган салтанат билан, ажойиб сарой билан, унинг оила аъзолари билан ҳеч нарса боғлаб туролмасди. Ҳеч кимга билдирмай, у сарой дарвозасидан ташқари чиқди ва ўрмонга қараб йўл олди. 48. Шоҳнинг ҳеч қандай пуншаймонсиз уйини тарк этиб кетгани шаҳар аҳолисини, рухонийларни, вазирларни, шоҳнинг дўстларини ва унинг фуқароларини қаттиқ қайғуга солди. Улар, худди тажрибасиз сеҳргар ўзининг қалбида Олий Рухни излагани сингари, шоҳни ҳамма жойдан ахтариб, излай бошладилар. 49. Бекорга овора бўлаётганларини тушуниб, шоҳнинг ҳатто оёқ изларини ҳам тополмасдан, фуқаролар ҳафсаласи пир бўлиб пойтахтга қайтиб келдилар. Бу ерда шоҳнинг таркидунё этиб кетгани муносабати билан мамлакатнинг барча донишмандлари тўпланган эдилар. Буюк донишмандларга эҳтиром кўрсатиб, излашда иштирок этган одамлар кўзларида ёш билан, хўжайинларини ҳеч қарердан топа олмаганларини айтдилар.

Ўн тўртинчи боб. Шоҳ Вена тарихи

1. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Эй жасур Видура, Бхригу бошлиқ буюк донишмандлар ҳамиша оддий одамларнинг саодати ҳақида ғамхўрлик қиладилар. Улар шоҳ Анга кетганидан кейин мамлакат аҳолиси ҳимоясиз қолганини кўриб, агар халқ ўз холига қўйиб юборилса, одамлар ҳеч қандай қонун-қоидаларга риоя қилмай, ўзларининг диний вазибаларини бажармай қўйишларини тушуниб етдилар. 2. Буюк донишмандлар малика Сунитхага мурожаат қилдилар ва унинг руҳсати билан Венани тахтга ўтқазиб, унга бутун олам ҳукмронлигини топширдилар. Лекин уларнинг бу қарорини биронта вазир маъқулламади. 3. Венанинг бешафқат-золимлиги ва қонхўрлигини ҳамма биларди, шунинг учун унинг тахтга ўтиргани ҳақидаги хабар мамлакатга тарқалиши биланок, ўғри ва қароқчилар илондан қочган каламушлар сингари, ўзларини қўярга жой тополмай қолдилар. 4. Тахтга ўтирган Вена саккиз афзаллик(хуқуқ, қудрат)ка эга бўлди ва бундан жуда мағрурланиб кетди. Манманлигидан у бутун оламда ўзига тенг келадиган зот йўқ деб ўйларди ва буюк донишмандларни ҳақорат қила бошлади. 5. Мол-дунё ва чексиз ҳокимият кўзини кўр қилиб қўйган шоҳ Вена жанг аравасига чиқиб, салтанатини айлана бошлади. У худди қутурган филни эслатарди, унинг жанг араваси-

нинг дупуридан еру-осмон ларзага келарди. 6. У барча иккибор туғилган(браҳман)ларга қурбонлик маросимини ўтказишни, қурбонлик оловига сарийғ қуйишни ва хайр-эхсон тарқатиш сингари барча эзгу ишларни таъқиқлаб қўйди. Бу ҳақда жарчилар литавр ва барабанлар садоси остида барча қишлоқ ва шаҳарларда жар солиб, эълон қилдилар. Бошқача қилиб айтганда, Вена салтанатда ҳар қандай диний маросимларни ўтказишни таъқиқлаб қўйди. 7. Венанинг шафқатсизлигини кўрган буюк донишмандлар бутун олам учун катта ҳавф пайдо бўлганини ва инсоният катта мусибат, офат жарлиги ёқасига келиб қолганини англадилар. Шунинг учун бутун инсоният манфаатини кўзлаб, улар бу аҳволни муҳокама қилишга қарор қилдилар, бунинг устига уларнинг барчаси қурбонлик маросими ўтказар эдилар. 8. Донишмандлар маслаҳатлашиб, инсониятга фалокат икки томондан тажовуз қилмоқда, деган қарорга келишди. Халқ, икки томондан ёнаётган ғўла устидаги чумолилар сингари, ҳавф остида эди: бир томондан уларга ўғри ва қароқчилар тажовуз қиларди, иккинчи томондан эса - шафқатсиз шоҳ. 9. Мамлакатни бу ўзбошимчалиқдан қутқариш устида бош қотирар экан донишмандлар, гарчи Вена тахтга ўтиришга нолойиқ бўлса ҳам, мамлакатдаги фавқуллодда аҳвол уларни Венани тахтга ўтқазиб мажбур қилганини эътироф этдилар. Аммо, энди шоҳнинг ўзи халқ учун азоб-укубатлар манбаи бўлиб қолган эди. Шундай қийин аҳволга тушиб қолган халқ яна бахтли ҳаёт кечира бошлаши учун нима қилиш керак?

10. Донишмандлар шундай мулоҳаза юритдилар: - Шоҳ Вена табиатан нопок, чунки у Сунитха ҳомиласидан дунёга келган. Ана шундай золим шоҳни қўллаб-қувватлаш илонни сут билан боқиш билан баробар. Унинг дастидан халқ бошига шунча мусибатлар тушяпти. 11. Биз фуқароларни ҳимоя қилсин, деган ниётда Венани тахтга ўтқазган эдик, аммо энди унинг ўзи халқнинг душмани бўлиб турибди. Барибир бизлар ҳали ҳам унинг ақлини киритиб қўйишга ҳаракат қилишимиз лозим. Шундай қилсак, биз ўз гарданзимиздан унинг қилган золимликлари гуноҳини соқит қилган бўламиз.

12. Донишмандлар мулоҳаза юритишда давом этдилар: - Албатта, унинг ноқобил табиатидан хабардор эдик, лекин шунга қарамай биз уни тахтга ўтқаздик. Агар бизнинг берган насиҳатларимиз қор қилмаса, у халқ қарғишига мубтало бўлади, халққа биз ҳам қўшиламыз. Бизнинг бу нобакорни ёндириб кул қилиб юборишга қудратимиз етади.

13. Шундай қарорга келган донишмандлар шоҳ Вена олдига йўл олдилар. Ғазабларини ошқора қилмай, шоҳнинг жаҳлини чиқармаслик учун улар эҳтиром билан унга таъзим қилдилар, кейин гап бошладилар.

14. Буюк донишмандлар шундай дедилар: - Эй ҳурматли шоҳ, биз сенга яхши насиҳатлар қилгани келдик. Диққат билан қулоқ сол. Бизнинг айтганларимизга қулоқ солиб сен бахтиёрлик билан узок умр кўришинг ва бойлигингни, куч-қудратингни, шон-шухратингни яна ҳам оширишинг мумкин. 15. Диний қонунларга тўла риоя қилаётган одамлар гапирётган гапларида, қилаётган ишларида Худонинг қонунларидан ташқари чиқмайдилар. Танаси, ақли ва заковатларининг фаолиятини шу қонунлар асосида олиб бораётган кишилар азоб-укубатлардан холи бўлган жаннат сайёраларига

эришадилар. Улар шундай қилиб моддий қувват таъсирдан кутуладилар ва чексиз бахтга эришадилар.

16. Донишмандлар давом этдилар: - Шунинг учун, эй қахрамон, сен ҳеч қачон одамларнинг диний маросимлар ўтказишларига халакит берма. Агар фуқароларнинг руҳий юксалишлари сен туфайли тўхтаб қолса, сен бутун бойлигингдан ва салтанатингдан махрум бўласан. 17. Адолатсиз мансабдорларнинг ўзбошимчаликларидан, қароқчилару-ўғрилardan ўз фуқароларини химоя қилгани эвазига шоҳ улардан солиқ олиш ҳуқуқига эга бўлади. Ана шундай покдомон ҳукмдор албатта фақат бу дунёда эмас, балки ўлимидан кейин унга ҳозирлаб қўйилган жаннатда ҳам ҳаёт лаззатини суришга муносибдир. 18. Салтанатидаги барча қишлоқ ва шаҳарлар аҳолиси тўрт варна ва тўрт ашрам тизимига асосланган тизим доирасида ўз бурчини тўлатқис бажариш билан Худого сиғинадиган шоҳ энг такводор шоҳ ҳисобланади.

19. Эй олийжаноб зот, агар шоҳ фуқароларининг ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлган Олий Рухга, бутун борлиқнинг мавжудлигининг азалий бошланғич сабабчиси бўлган ягона Парвардигорга сиғинишларини таъминласа, ундан Худо ҳаммиша мамнун бўлади. 20. Худонинг Олий Шахсига ҳатто коинотни бошқариб турган қудратли фаришталар ҳам сиғинадилар. Ўз ишлари билан Худони рози қилган киши ҳамма нарсага қодир бўлади. Шунинг учун, коинотнинг сон-саноксиз сайёраларини бошқараётган барча фаришталар ҳам, уларда яшайдиган аҳоли ҳам, ҳар хил инъомлар ҳадя қилиб, хурсандчилик билан ягона Парвардигорга сиғинадилар.

21. Эй шоҳ, Худо Шахси коинотдаги сон-саноксиз сайёраларнинг ҳукмдорлари бўлган фаришталар билан бирга шу сайёраларнинг аҳолиси қилган қурбонлик инъомларидан лаззатланадилар. У - уч веда тимсоли, бутун борлиқнинг эгаси ва барча риёзатларнинг охириги мақсадидир. Шунинг учун, агар сен ҳозирги ёки келгуси ҳаётингда бирор мақсадга эришишни истасанг, қўл остингдаги фуқароларнинг ҳар хил қурбонлик маросимлари ўтказишларини назорат қилишинг керак. Ҳақиқатан ҳам сен уларнинг бу ишларини ҳар томонлама рағбатлантириб туришинг керак. 22. Салтанатингдaги барча браҳманлар қурбонлик маросимлари ўтказишларида Парвардигорнинг руҳий танасининг бир бўлаги бўлган фаришталар бундан жуда мамнун бўладилар ва улар сенинг ният қилган ҳар қандай истагингни рўёбга чиқарадилар. Шунинг учун, эй қахрамон, одамларнинг қурбонлик маросимларини ўтказишга ҳеч қачон тўсқинлик қилма, чунки бу билан сен фаришталарни ҳақорат қилган бўласан.

23. Шоҳ Вена уларга шундай жавоб қилди: - Сизларнинг мулоҳазаларингиз нотўғри. Адашганингиз сабабли сизлар динга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган нарсани дин деб ҳисоблаб, бунга қаттиқ ишонишда давом этияпсизлар. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, сизлар ўзини едириб-ичириб турган эрига хиёнат қилиб, сажда қилиш учун бошқа ўйнаш қидираётган аёл сингари иш тутяпсизлар. 24. Ғофиллиги туфайли, аслида Олий Шахс - Худонинг Ўзи бўлган шоҳга сажда қилишдан бош тортган киши на бу ҳаётида, на келгуси ҳаётида бахтиёр бўла олмайди. 25. Сизлар шунчалик садоқат кўрсатаётган фаришталар кимлар ўзи? Сизларнинг улар олдида сиғинаётганларингиз худди эри олдидаги вазифаларини унутиб, бутун эътиборини ўйнашига

қаратган бузуқи аёлнинг ҳаракатларини эслатади. 26-27. Парвардигор Вишну, Тангри Браҳма, Тангри Шива, Тангри Индра, шамол фариштаси Ваю, ажал фариштаси Яма, Куёш фариштаси, ёмғир фариштаси, жаннат хазиналари кўриқчиси Кувера, Ой фариштаси, Ер фариштаси, олов фариштаси Агни, сув ҳукмдори Варуна сингари, яхши дуо ёки дуои-бад қилиш қудратига эга бошқа қудратли фаришталар шоҳ танасида мужассамдирлар. Шунинг учун ҳам шоҳни "барча фаришталарнинг мужассам бўлган кўриниши" деб айтадилар, фаришталар эса шоҳ танасининг ҳар хил бўлақларидир.

28. Шоҳ Вена давом этди: - Шунинг учун эй браҳманлар, менга ҳасад қилишни тарк этингларда, ўтказаяётган маросимларингизда фақат менга атаб қурбонлик қилинг ва менгагина инъомлар келтиринг. Агар сизларда етарлича ақл-фаросат бўлса, бутун дунёда мендан улуғроқ зот йўқлигини англаб етишларингиз керак, ва шу боис, қурбонлик инъомларини биринчи бўлиб қабул қилиш ҳуқуқи менга тегишлидир.

29. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Ўз гуноҳлари оқибатида бор ақлини йўқотиб, йўлдан адашган шоҳ шу гапларни айтиши биланок, омад ундан юз ўгирди. Ўзига эҳтиром билан истакларини баён этган буюк донишмандларнинг илтимосларини рад этиш билан у ўзини ҳалокатга маҳкум этганди.

30. Сенга ҳаммиша омад ёр бўлсин, эй Видура. Ўзини муқаддас китобларнинг энг буюк билимдони деб ҳисоблаган бу нодон шоҳнинг аҳмоқона гапларини эшитиб, бутун қалблари билан хафа бўлган донишмандларнинг шоҳга нисбатан қаттиқ ғазаби келди. 31. Буюк донишмандлар бир овоздан: "Унга ўлим! Унга ўлим! - деб хитоб қилдилар. - Бу дунёда ундан золимроқ ва нопокроқ инсон йўқ. Агар шундай нобакор одам тирик қоладиган бўлса, охир-замон бўлиб, бутун олам тез орада ёниб кул бўлиб кетади".

32. Донишмандлар давом этдилар: - Бу қабиҳ ва иймонсиз одам шоҳона тахтада ўтиришга лойиқ эмас. У шу қадар ҳаддидан ошиб кетдики, ҳатто Парвардигор Вишнунинг Ўзини ҳақоратлай бошлади! 33. Иллатларга ботиб кетган бу нобакор шоҳ Венадан бошқа ким ҳам, инсон ўзидаги ҳамма нарса учун миннатдор бўлиши лозим бўлган Парвардигорнинг Ўзини ҳақорат қилишга журъат қила оларди?

34. Шу пайтгача яшириб туришга мажбур бўлган ғазаб туйғуларини энди биратўла ишга солаётган буюк донишмандлар шоҳни шу заҳотиёқ яқсон қилишга қарор қилдилар. Аслида, Олий Шахс - Худого шак келтирган шоҳ Вена ўлган одам билан баробар эди. Ўз ҳукмларини амалга ошириш учун донишмандларга ҳеч қандай қуролнинг кераги йўқ эди: улар шоҳни сеҳрли мантраларнинг товуши билан ўлдирдилар.

35. Донишмандлар ўз даргоҳларига тарқаганларидан кейин, Венанинг қайғуга ботган онаси Сунитха, ўғлининг ўлимига аза тутиб йиғлай бошлади. У ўғлининг жасадини махсус дориворлар ва мантра(мантра-йогена)лар билан сақлаб қўйишга қарор қилди.

36. Анча вақт ўтгандан кейин донишмандлар Сарасвати дарёсида чўмилиб, покланиб, ўзларининг кундалик вазифаларини бажаришга киришдилар. Улар оловга қурбонлик инъомлари келтирдилар ва дарё ёқасида ўтириб, Худо Шахсининг сифатлари ва кўрсатган илоҳий қароматлари ҳақида суҳбатлаша бошладилар. 37. Шу кунларда халқни саросимага солиб, қандайдир

фалокатдан дарак берувчи аломатлар пайдо бўла бошлади. Бундан хабардор бўлган донишмандлар юзага келган фавкулудда ҳолатни муҳокама қила бошладилар: шоҳ ўлиб, давлат ҳимоясиз қолгани сабабли ўғри ва қароқчилар аҳолига катта мусибатлар келтириши мумкин. 38. Ўзаро суҳбат қилиб ўтирган донишмандларнинг кўзи бирдан ҳар томондан осмонга кўтарилаётган чанг-тўзонга тушди. Бу чанг-тўзон тинч аҳолининг молларини талаётган ўғри ва қароқчиларнинг ҳаракатидан кўтарилган эди. 39. Кўтарилган чанг-тўзонга қараб, донишмандлар шоҳ Венанинг ҳалокати мамлакатни алғов-далғов қилиб юборганини англадилар. Шоҳ йўқ бўлгани учун давлат конунларини ижро қилишни ҳеч ким назорат қилмас, натижада бегона мол-дунёга ўч бўлган ўғри ва қароқчилар хоҳлаган ишларини қилардилар. Гарчи, буюк донишмандлар шоҳ Венани яқсон қилгани сингари, давлатда ўзлари тартиб ўрнатиш учун етарли қудратга эга бўлсалар ҳам, бу ишларга аралашини ўзларига эп кўрмадилар ва жинойтчиларни тўхтатишга ўзлари ҳаракат қилмадилар.

41. Буюк донишмандлар шундай мулоҳаза юритдилар: гарчи браҳман барча тирик мавжудотга бир хил муносабатда бўлиб, ҳамиша хотиржам ва бежавотир бўлиши лозим бўлса ҳам, бахтиқаро, ноилож одамларнинг мусибатларига бефарқ қараб туришга ҳакки йўқ. Худди тешиқ кўзадан сув кетгани сингари, ана шундай бепарволик ҳам браҳманнинг руҳий қудратининг камайишига олиб келади. 42. Донишмандлар қудратли шоҳ Анганинг авлодлари сулоласи узилиб қолмаслиги керак, деган қарорга келишди, чунки бу авлоднинг уруғи буюк қудратга эга ва унда дунёга келган фарзандлар одатда Худонинг содиқ хизматкорлари бўлиб етишадилар. 43. Шундай қарорга келган авлиё донишмандлар ўзларига маълум усулни қўллаб, ўлган шоҳ Венанинг сонини қўзғаб, чайқай бошладилар. Шоҳ Венанинг танасини чайқаш натижасида бир пакана одам дунёга келди. 44. Венанинг сонидан пайдо бўлган бу одамни "Бахука" деб атадилар. Унинг танаси қарға қанотлари сингари қоп-қора эди. Унинг барча тана аъзолари жуда кичкина, қўл ва оёқлари калта, жағлари катта эди. Бундан ташқари унинг бурни юмалок, кўзлари қизғиш, сочлари сариқ, кулранг эди. 45. У жуда итоаткор ва мулоим эди: Дунёга келган заҳоти у донишмандларга таъзим қилиб: "Ҳурматли зотлар, нима хизмат буюрасиз?" - деди.

Донишмандлар: - Марҳамат, ўтир(нишада)! - деб жавоб қайтарди донишмандлар. Найшадлар қабиласининг бобокалони Нишада ана шундай дунёга келганди.

46. Дунёга келгандан сўнг, Нишада шоҳ Венанинг барча гуноҳларини ўз гарданига олди. Шу сабабли унинг авлодлари найшадлар қадим замонлардан бери ўғирлик, қароқчилик ва ов қилиш билан шуғулланадилар. Шу сабабли уларга фақат тоғу ўрмонларда яшаш руҳсат этилган.

Ўн бешинчи боб.

Махараж Притхунинг туғилиши ва тахтга ўтириши.

1. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Бу гал, эй азиз Видура, браҳманлар ва буюк донишмандлар

шоҳ Венанинг қўлларини чайқай бошладилар, натижада унинг қўлларидан қиз ва ўғил бола чиқди. 2. Буни кўрган буюк донишмандлар, веда билимдонлари жуда хурсанд бўлдилар: улар Вена танасининг қўлларидан пайдо бўлган қиз ва бола Худо Шахси, Вишнунинг аватараси, бу дунёда намоён бўлган киёфаси эканини дарров англаб етдилар.

3. Буюк донишмандлар шундай дедилар: - Бу ўспирин бутун борлиқнинг эгаси Парвардигор Вишнунинг тўла намоён бўлган кўриниши, қиз бола эса, Парвардигордан ҳеч қачон ажралмайдиган раванқ фариштасининг тўла намоён бўлган кўриниши. 4. Бу ўспиринни Притху деб атайдилар, унинг шон-шухрати бутун оламга таралади. Ҳақиқатан ҳам у шоҳларнинг ичида энг биринчиси бўлади. 5. У билан бирга туғилган, тишлари гавҳардай қиз эса, жуда кўп олийжаноб фазилатлар билан безанганки, уни тақинчоқлар эмас, аксинча, у тақинчоқларни безайди. Унинг исми Арчи ва у шоҳ Притхунинг рафиқаси бўлади. 6. Олий Парвардигорнинг Ўзи шоҳ Притху киёфасида намоён бўлди ва бу дунё одамларини ҳимоя қилиш учун Унга Ўзининг қудратларининг бир қисмини ато этди. Равнақ фариштаси ҳеч қачон Парвардигордан ажралмайди, шунинг учун у шоҳ Притхунинг рафиқаси бўлиш учун, Парвардигор билан бирга Лакшмининг тўлиқ бўлмаган кўриниши Арчи киёфасида намоён бўлди.

7. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Шунда барча браҳманлар шоҳ Притхуни шарафлаб, олқишлай бошладилар, гандҳарваларнинг энг яхшилари эса, Унинг номига ҳамду-санолар айта бошлади. Сиддхалок аҳолиси Уни гуллар ёмғири билан кўмиб ташладилар, жаннат сайёраларининг гўзал малаклари ўзларини йўқотиб рақсга тушдилар. 8. Бутун коинотни шоҳ ва сурлар, барабан ва литавраларнинг овози босиб кетди, ва коинотнинг ҳар хил сайёраларида яшайдиган буюк донишмандлар, бобокалонлар, фаришталар ер сайёрасига ташриф буюрдилар. 9-10. Бу тантанга фаришталар ва жаннат сайёраларининг ҳукмдорлари ҳамроҳлигида оламнинг ҳукмдори Тангри Браҳма ҳам ташриф буюрди. Шоҳ Притхунинг ўнг қўлидаги чизикларнинг худди Парвардигор Вишнуники сингари эканини ва оёқларида нилуфар гули белгисини кўриб, Тангри Браҳма ўзининг олдида турган зот Худо Шахсининг бу дунёда намоён бўлган киёфаси эканини дарров англади. Қўллари халка ва шунга ўхшаш маълум тасвирлар билан белгиланган ҳар қандай зотни Олий Парвардигорнинг намоён бўлган кўриниши ёки тўла бўлмаган кўриниши деб ҳисоблаш керак.

11. Ведавий маросимлар ўтказишга маъсул бўлган олим браҳманлар Уни тахтга ўтказиш маросимида ҳозирлик кўра бошладилар. Дунёнинг ҳар чеккасидан барча тирик мавжудотлар ўзлари билан маросимга зарур бўлган нарсаларни олиб кела бошладилар. Тезда ҳамма нарса тайёр бўлди. 12. Денгиз ва дарёлар, тоғуадирлар, илонлар, сигирлар, қушлару-ҳайвонлар, жаннат сайёралари, ер ва бошқа барча тирик мавжудотлар шоҳга ўз инъомларини келтирдилар. 13. Шундай қилиб Притху, қимматбаҳо тақинчоқлари, серҳашам либосларда, бошига ажойиб тож қийдирилиб тахтга ўтказилди. Шоҳ ва унинг қимматбаҳо безаклар таққан рафиқаси Арчи оловнинг икки тили сингари, ўзларидан ярқираб нур таратиб ўтирардилар.

14. Буюк донишманд давом этди: - Азизим Видура, фаришта Кувера буюк шоҳга соф олтиндан қилинган

тахт совға қилди, сув ҳукмдори Варуна эса, Ойдек ярқираган ва фавворадек майда сув сочиб турадиган соябон ҳадя қилди. 15. Ҳаво бойлигининг ҳукмдори Ваю, шоҳ Притхуга сочдан қилинган икки дона елпигич совға қилди, дин кўриқчиси Дхарма эса, унга шуҳрат келтирадиган гулчамбар осди. Осмон шоҳи Индра Махараж Притхуга қимматбаҳо гулгож, Ажал фариштаси Ямараж эса, унга бугун оламга ҳукмронлик белгиси бўлган ҳасса(скипитер) топширди.

16. Тангри Браҳма шоҳ Притхуга руҳий илм, Браҳманинг рафикаси Бхарата(Сарасвати) эса, илоҳий тақинчоқ ҳадя қилди. Шоҳ Притху Худованд Вишнудан шоҳ Сударшана халқасини олди, Вишнунинг рафикаси, равнақ фариштаси эса унга чексиз бойлик ҳадя қилди. 17. Тангри Шива шоҳга қинида ўнта ой тасвири бўлган қилич, унинг рафикаси Дурга эса, юз ой тасвири ярқираб турган қалқон ҳадя қилди. Ой фариштаси Махараж Притхуга мангулик шарбатидан пайдо бўлган отларни ҳадя қилди, Вишвакарма эса, ажойиб жанг аравасини совға қилди. 18. Агни, олов фариштаси шоҳга эчки ва сигир шоҳларидан қилинган камон, Куёш фариштаси эса, худди куёшдек ярқираб турган пайконлар совға қилди. Бхурлока фариштаси шоҳга сеҳрли сандал(оёқ кийим) совға қилди, осмон малакларини уни қайта-қайта гулларга кўмиб ташладилар. 19. Ҳамиша коинотда сайр қилиб юрадиган фаришталар шоҳ Притхуга санъаткорлик маҳоратини ато қилиб, унга рақсга тушиш, мусиқа асбобларини чалишни, истаган захоти кўзга кўринмайдиган ҳолга келиш сирларини ўргатдилар. Буюк донишмандлар шоҳни албатта амалга ошадиган дуои фотиҳа қилдилар, Океан эса унга ўз бағрида пайдо бўлган ажойиб сур ҳадя қилди. 20. Денгизлар, тоғ ва дарёлар шоҳ бемалол жанг аравасида ўта олиши учун равон йўл очиб бердилар. Суга, магадха ва вандинлар ўз қўшиқ ва қуйларида уни олқишладилар. Улар ўз бурчларини бажариш учун шоҳ олдида ҳозир бўлдилар. 21. Олдида турган созандаларни рағбатлантириш ниятида буюк шоҳ Притху, Венанинг ўғли, уларга табассум билан момақалдиروقдай гулдурос, паст овоз билан гапира бошлади.

22. Шоҳ Притху шундай деди: - Эй олийжаноб суто, магадха ва илтижо қилаётган созанда! Мен сизлар таърифлаётган олқишларга асло лойиқ эмасман. Нимага сизлар менда йўқ бўлган сифатлар билан мени улуғлапсизлар? Мени олқишлашга ҳаракат қилиб, гапларингизни бекорга сарфлашдан нима фойда? Ундан кўра, ҳақиқатан ҳам олқишларга лойиқ зотни топган маъқул эмасми? 23. Эй овози ширин созандалар, вақти келиб, сизлар таърифлаётган аъло сифатлар Менда пайдо бўлганида Мени олқишлашингиз ўринли бўлади. Худо Шахсига илтижо қилаётган тақводор киши Унинг сифатларини ҳеч қачон оддий инсонга тақиб қўймайди. 24. Келажакда улуғвор фазилатлар соҳиби бўлиши мумкин бўлган фаросатли кишининг, ўзини ҳурмат қиладиган одамларга, ҳали ўзида йўқ сифатлар билан ўзини олқишлашига йўл қўйиши одобдан эмас. Одамни: "Таълим олганида катта олим бўлиб етишарди!" - деб олқишлаш энг номаъқул йўл билан уни алдаш, ҳақоратлашдир. Ана шундай олқишларни қабул қилаётган киши, аслида, бу гапларнинг ўзи учун қаттиқ ҳақорат эканини тушунмайди. 25. Ўз қадрини биладиган одам учун, қилган ноўрин ишлари ҳақида гап эшитиш қанчалик оғир бўлса, ҳақиқатан ҳам машҳур ва

қудратли киши учун ноўрин олқишлар тинглаш ҳам шунчалик оғир.

26. Махараж Притху Давом этди: - Суга бошлик Менинг азиз содиқ хизматкорларим, мен ҳали сизларнинг мактовларингизга арзигулик ҳеч қандай иш қилганим йўқ. Ўзингиз ўйлаб кўринглар, мен сизларнинг худди ёш болалардек ҳали содир қилмаган қаҳрамонликларимни шарафлаб қуйлашларингизга қандай йўл қўя оламан.

Ўн олтинчи боб.

Санъаткорларнинг шоҳ Притхуни олқишлашлари.

1. Буюк донишманд Майтрея ҳикоясида давом этди: - Шоҳ Притхунинг лаззатга тўла камтарона гаплари санъаткорларга катта қувонч келтирди. Шунинг учун улар буюк донишмандлардан эшитган гапларини такрорлаб, Махараж Притхунинг афзалликларни олқишлаб қайта-қайта ҳамду санолар айта бошладилар.

2. Созандалар давом этдилар: - Эй ҳурматли шоҳ, Сен Худонинг Олий Шахси, Худованд Вишнунинг бевосита намоён бўлган киёфасисан, унинг бесабаб марҳамати билан Сен Ер юзига ташриф буюргансан, шу боис Сенинг улуғвор ишларингизни шарафлаб қуйлашга биз қодир эмасмиз. Гарчи Сен шоҳ Венанинг танасидан дунёга келган бўлсанг ҳам, ҳатто Тангри Браҳма ва бошқа фаришталар сингари буюк зотлар Сенинг ғаройиб кароматларингизни таърифлаш учун муносиб сўзлар топишга ожизлик қиладилар. 3. Гарчи бизлар Сени муносиб олқишлай олмасак ҳам, Сенинг қаҳрамонликларингизни шарафлаб қуйлаш иштиёқи қалбимизда ўз-ўзидан пайдо бўляпти. Шунинг учун биз буюк донишмандларнинг насихатларига амал қилиб, Сени олқишлаймиз. Лекин қанча олқишласак ҳам, ожиз сўзларимиз Сенга муносиб бўлолмайди. Ҳурматли шоҳ, Сен Худо Шахсининг тимсоли бўлганинг учун қилган барча саховатли кароматларингиз мангу шон-шарафга сазовор бўлиб қолаверади. 5. Вақти келиб, бу шоҳ ҳали танасида қолган ҳолда, Ўзини турли фаришталар тимсоли қилиб намоён қилади ва шу фаришталарнинг вазибаларини бекаму-кўст адо этиб, барча тирик мавжудотларни уларнинг бахти-саодати учун зарур бўлган ҳамма нарса билан тўла-тўқис таъминлайди. Олий сайёраларда яшаётганларнинг саодати учун фуқароларига ведавий қурбонлик маросимларини ўтказишни буюради. Вақти келиб у Ер сайёрасининг аҳолисига ғамхўрлик қилиб, далаларни серҳосил ёмғир сувлари билан суғоради.

6. Ўз қудрати билан шоҳ Притху Куёш фариштасидан қолишмайди ва нурларини барчага баробар сочувчи куёш сингари барча фуқароларига бир хилда марҳамат кўрсатади. Саккиз ой мобайнида сувларни буғлантириб, кейин ёмғир палласи кирганда саховат билан ерга қайтарадиган куёш сингари, бу шоҳ зарур пайтда халққа ёрдам сифатида қайтариб бериш ниятида фуқароларидан солиқ тўплайди. 7. Шоҳ Притху фуқароларига жуда меҳрибон бўлади. Бирон бахтсиз кимса ҳатто давлат қонунларини бузиб, шоҳнинг бошига оёқ қўйса ҳам, шоҳ ўзининг бесабаб марҳамати туфайли айбдорни кечириб, ҳамма нарсани унутиб юбо-

ради. Ердаги бутун тирик мавжудотларнинг химоячиси сифатида У, худди Ернинг ўзи сингари сабр-тоқатли бўлади. 8. Агар қурғоқчилик рўй бериб, сувсизликдан одамлар қийнала бошласа, Худои Таолонинг тимсоли бўлган бу шоҳ, ер юзига осмон шоҳи Индра сингари ёмғир юборади. Шу тарзда у фуқароларини ҳеч қийналмасдан қурғоқчилик азобидан қутқаради. 9. Ўзининг тўлин ойдек ажойиб сиймосини ёритиб турган майин табассуми ва фуқароларига нисбатан меҳр-мухаббатга тўла нигоҳи билан Махараж Притху инсонлар қалбига ором бағишлайди.

10. Машшоқлар давом этдилар: - Шоҳнинг улуғ қароматлари моҳиятини ҳеч ким тўлиқ англаб етолмайди. Унинг қарорлари шу қадар доно, ҳаққоний, адолатли бўладики, Унинг барча ишларда қандай қилиб муваффақият қозонаётганини тушуниб етишга ҳеч кимнинг ақли етмайди. Унинг хазинасида қанчалик молдунё тўпланганидан ҳеч кимнинг хабари бўлмайди. Бениҳоя шон-шухрат ва сон-саноксиз эзгу ишлар соҳиби бўлган ҳолда, уммон қаърида беҳисоб хазинани бекитиб қўйган денгиз султони Варуна сингари, Махараж Притху ҳеч қачон ўз бойликларини бошқаларга кўз-кўз қилиб кўрсатмайди. 11. Арани дарахтидан қилинган таёқчаларни бир-бирига ишқаб чиқариладиган олов сингари, Махараж Притху шоҳ Венанинг танасидан пайдо бўлди. Шунинг учун шоҳ Притху барча жиҳатлари билан оловга ўхшайди, ва ҳеч қандай душман унга ҳатто яқин келолмайди. Ҳатто унинг ёнида туриб ҳам, худди у жуда олисда тургандек, унга қўл теккиза олмасликларини англаш - Унинг душманлари учун жуда оғир туюлади. Ҳеч ким ва ҳеч қачон шоҳ Притхуни енга олмайди. 12. Шоҳ Притхуга фуқароларининг фақатгина қилаётган ишлари эмас, ҳатто ўйлаётган ўйлари ҳам маълум бўлади, ва ҳеч ким бунинг учун у қандай хабарчилардан фойдаланаётганини билмайди. Лекин, ҳамма нарсадан хабардор бўлган ҳолда, У Ўзига қарата айтилаётган олқиш ва танқидларга нисбатан эътибор бермасдан, буларнинг барчасига нисбатан хайрихоҳ қолаверади. Ўзининг шу ҳолати билан У ҳавони, тананинг ҳам ичкарасида ва ҳам ташқарисида мавжуд бўлган ҳолда тана ичида бўлаётган жараёнларга қўшилмай турган ҳаётий кучни эслатади.

13. Эзгуликка тўла ҳаёт тарзини тарк этмаган ҳолда У Ўз ўғилларига ва душманининг ўғилларига нисбатан баробар муносабатда бўлади. Агар душманининг ўғли айбдор бўлмаса, У ҳеч қачон уни жазоламайди, аммо, шоҳнинг Ўз ўғли жиноят содир қилса, у муқаррар жазодан қочиш кутула олмайди. 14. Худди Қуёш фариштаси таратаётган нурлар Ернинг барча нуқталарига бемалол етиб бораётгани сингари, шоҳ Притхунинг амр-фармонлари ҳам, ҳатто Арктика ўлкаларигача бориб етади ва, то У бу дунёни тарк этгунга қадар мустаҳкам ва муқаррар бўлиб қолади. 15. Унинг қарорлари ва қилган ишларидан барча фуқаролар мамнун бўладилар, шунинг учун одамлар уни шодлик билан ўз ҳукмдори деб билдилар. 16. Шоҳ Ўз қарорларида ҳаммиша қатъий бўлади ва ҳеч қачон ҳақиқатдан четга чиқмайди. Браҳманлар маданиятининг таянчи бўлган ҳолда, у қариялар ва донишмандларга ҳаммиша ғамхўрлик қилади, ўз ихтиёрларини Унга топширган зотларга меҳрибонлик, ғамхўрлик қилади. Ҳар бир инсонни ҳурмат қилган ҳолда У, ноилож ва ғурбатда қолганларга жуда меҳрибон бўлади. 17. Ҳар бир аёлга

У худди ўз онасидек муносабатда бўлади, ўз рафиқасини эса, танасининг ярми деб билади. Ўз фуқароларига У худди севимли отадек ғамхўрлик қилади, ва Ўзини Парвардигорнинг шухратини тинимсиз қўйлаётган Худонинг содиқ хизматкорларининг камтарин қули деб билади.

18. Шунингдек, шоҳ бошқа тирик мавжудотларнинг ҳаётини ҳам Ўз ҳаётидек авайлаб асрайди, ва ҳаммиша дўстларини мамнун қилишга тиришади. У ҳаммиша озодликка эришган руҳлар билан ҳамсуҳбат бўлиб, ҳар қандай гуноҳкорларни ва нопокларни қаттиққўллик билан жазолайди. 19. Бу шоҳ бутун уч оламнинг ҳукмдоридир, чунки Парвардигорнинг Ўзи унга қудрат ато этган. Парвардигорнинг тимсоли, шактьявеша-аватара сифатида У ўзгармасдир. Озод руҳлар қаторида тўлиқ илмга эга бўлган ҳолда У, ғофиллик натижасида пайдо бўлган бу моддий борлиқдаги ранг-барангликнинг умуман бемаъни эканини англаб етади. 20. Бениҳоя қудратли ва жасур шоҳнинг ҳеч қандай рақиби бўлмайди. Худди жанубдан шимолга ўз орбита-сида айланаётган Қуёш сингари, У қудратли камон билан қуролланиб, Ўзининг жанг аравасида бутун ер юзини айланиб чиқади. 21. Махараж Притху салтанатини айланиб чиқаётганида Унинг қармоғидаги шоҳларнинг барчаси, шунингдек кўплаб фаришталар Унга жуда кўп инъомлар ҳадя қилдилар. Уларнинг хотинлари, Уни "қўлларида ҳукмдорлик белгиси бўлган гурзи ва халқа ушлаган биринчи шоҳ" деб ҳурмат қилиб, Махараж Притхунинг жасоратларини шарафлаб қўйлай бошладилар, Унинг шон-шухрати Худонинг Олий Шахсининг шухрати сингари бениҳоя бўлади. 22. Фуқароларининг химоячиси бўлган бу ғайритабiiй шоҳ Пражапати фаришталаридан қолишмайди. Салтанат аҳолисини озиқ-овқат билан тўла таъминлаш учун У сигир қиёфасига кирган Ерни соғади. Бундан ташқари У, тоғларни Ўзининг қудратли яшинлари билан парчалайдиган осмон фариштаси Индра сингари, пайконларининг ўтқир учлари билан барча тоғу-адирларни парчалаб, Ер юзини текислайди. 23. Арслон ҳайбат билан қўйруғини кўтариб қалин ўрмон ичра юрганида барча майда жониворлар даҳшатга тушиб яшириниб оладилар. Худди шундай шоҳ Притху Ўз салтанатини айланиб чиқади, ва унинг эчки ва хўкиз шоҳларидан қилинган енгилмас камонининг чилвири овози қароқчи ва ўғриларни ҳар тарафга тумтарақай қочишга мажбур қилади.

24. Сарасвати дарёси соҳилида бу шоҳ юз ашвамедҳа қурбонлик маросимини ўтказди, аммо охирги қурбонлик маросими пайтида осмон фариштаси Унинг қурбонликка аталган отини ўғирлайди. 25. Сарой боғида шоҳ тўрт Кумардан бири Санат-кумар билан учрашади. Буюк донишмандга Ўзининг чуқур эҳтиромини билдириб, шоҳ ундан насиҳат олиш шарафига муяссар бўлади. Шу насиҳатларга амал қилиб инсон илоҳий лаззат олишга эришиши мумкин. 26. Унинг шон-шухрати бутун оламга таралганида шоҳ Притху ҳар ерда одамлар Унинг бениҳоя қудрати ҳақида гапирётганларини эшитди. 27. Махараж Притхунинг буйруғига ҳеч ким монелик қила олмайди. Бутун ер юзини забт қилиб, У барча аҳолини уч хил азоб-уқубатлардан халос этади ва бутун оламга донг таратади. Унинг шон-шухрати шу қадар буюк бўладики. Унинг эзгу ишларини ҳатто сур ва асурлар ҳам олқишлайдилар.

Ўн еттинчи боб.

Махараж Притхунинг Ердан ғазаблангани.

1. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Махаражни олқишлаётган машшоқлар Унинг илоҳий сифатларини ва шавкатли кароматларини иштиёқ билан таърифладилар. Махараж Притху уларга саховат билан совғалар инъом қилди ва муносиб ҳурмат эҳтиром кўрсатди. 2. Кейин шоҳ Притху браҳманлар ва бошқа табақаларнинг кекса аъзоларига, хизматкорларга, маслаҳатчиларга ва руҳонийларга, шаҳар аҳолиси ва бошқа фуқароларига эҳтиром кўрсатиб, ҳаммани мамнун қилди.

3. Буюк донишманд Майтреяга юзланиб, Видура шундай деб сўради: - Ҳурматли браҳман, Она Ер ҳар хил қиёфаларда кўринишга қодир, аммо у нимага сигир қиёфасида намоён бўлди? Шоҳ Притху уни соққанида ким унинг бузоқчаси вазифасини бажарди, ва шоҳ соққан сутини қандай идишларга солди? 4. Ер юзида ҳар хил баландликлар ва чуқурликлар азалдан мавжуд. Шоҳ Притху уларни қандай текислашга муваффақ бўлди? Менга осмон шоҳи Индра нима сабабдан қурбонликка аталган отни ўғирлагани ҳақида ҳам гапириб бер. 5. Буюк шоҳ ва авлиё Махараж Притху ведаларнинг машҳур билимдони Санат-Кумарнинг шогирди бўлган. Ундан олган насиҳатларига амал қилиб, авлиё шоҳнинг ҳаётда олий мақсадга қандай эришганини ҳам гапириб бер. 6-7. Махараж Притху Парвардигор Кришнанинг илоҳий қувватининг қудратли тимсолидир, шунинг учун, Унинг кароматлари ҳақидаги ҳар қандай ҳикоя ҳам дилларга ором бериб, эшитганларга омад келтиради. Мен эса, Адҳоқшаджа деб ном олган Парвардигорга қанчалик содиқ бўлсам, сенга ҳам бутун қалбим билан шундай содиқман. Шунинг учун, илтимос, шоҳ Венанинг ўғли, сигир қиёфасига кирган Ерни соғиб олган Махараж Притху ҳақида нималарни билсанг ҳаммасини гапириб бер.

8. Сута Госвами давом этди: - Видурадаги Парвардигор Кришнанинг ҳар хил қиёфаларда кўрсатган кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглашга бўлган самимий қизиқиш Майтрея Мунига жуда ёқди. Бундан рағбатланиб, у Видуранинг олийжаноблигига тасаннолар айтди, ва ундан кейин ҳикоясини давом эттирди.

9. Буюк донишманд Майтрея шундай деди: - Ҳурматли Видура, буюк донишмандлар ва браҳманлар Махараж Притхуни салтанатдаги барча аҳолининг ҳимоячиси деб эълон қилиб, тахтга ўтказганларида Ер одамларга ғалла бермай қўйди. Очликдан мадори қуриган фуқаролар шоҳга мурожаат қилиб, бошига тушган мусибатларини баён қилдилар:

10-11. - Эй ҳурматли шоҳ, ковагида гулхан ёндирилгани сабабли қуриб қолган дарахт сингари, бизлар ҳам қорнимизда ёнаётган очлик олови дастидан аста-секин қуриб кетяпмиз. Сен қўл остингдаги барча тирик мавжудотларнинг ҳимоячисан ва бизларни иш билан таъминлаб, қорнимизни тўйғазиш учун ҳукумат тепасига қўйилгансан. Шунинг учун Сендан нажот излаб, бизни ҳалокатдан ҳимоя қилишингни сўраб келдик. Сен ахир оддий шоҳ эмассанку, Сен - Худонинг тимсоли, шоҳларнинг шоҳисан. Бизларнинг ҳаётдаги ўз бурчимизни бажариш билан машғул бўлишимизни таъминлашни назорат қилиш - сенинг вазифанг, чунки бизни

зарур нарсалар билан сен таъминлайсан. Шу боис, эй шоҳлар шоҳи, бизларни очлик азобидан қутқаришингни ва ҳар биримиз ўзимизга тегишли бўлган ғаллага эга бўлишимизни таъминлашни сендан илтижо қиламиз, акс ҳолда бизлар очликдан ўлиб кетамиз.

12. Бу арзларни тинглагач, фуқароларининг қанчалик қийин аҳволда қолганини кўрган шоҳ Притху, бу ҳолатнинг азалий сабабини топишга уриниб чуқур мулоҳазага чўмди. 13. Нимага бундай бўлганини тушуниб етгандан сўнг У қўлига камони ва садокларини олиб Ерга пайкон йўллашга ҳозирланди. Бу ҳолатда У, ғазаб ўтида бутун оламнинг кулини кўкка соворишга қодир бўлган Тангри Шивага ўхшарди. 14. Шоҳ Притху пайкони билан нишонга олганини кўрган Ер даҳшатга тушиб, овчи қувлаётган қийик сингари бекинишга жой тополмай, шошиб қолди. Шоҳнинг ғазабидан кўрқиб Ер сигир қиёфасига кириб қоча бошлади. 15. Буни кўриб Махараж Притхунинг ғазаби қайнади ва кўзлари энди чиқаётган куёшдай қизариб кетди. Камонига пайкон қистириб, У сигир қиёфасига кирган Ерни кўздан қочирмай қувлай бошлади. 16. Сигирга айланган Ер сайёраси жаннатий ва ерсимон сайёралар орасида ҳар ёққа чопар, аммо қаерга чопмасин, камон ва садоклар билан қуролланган дарғазаб шоҳ уни изма-из уни қувлаб, таъқиб қилиб борарди. 17. Худди ажал чангалига ўхшаган Венанинг ўғлидан қочиб қутулиб қолишининг ҳеч қандай чораси йўқ эди. Ниҳоят, сигир қиёфасидаги Ер танг аҳволда қолиб, Махараж Притхудан кўрқиб, ноилож ҳолда орқасига қайтди.

18. Қудратли шоҳ Притхуни диний қонунларнинг буюк билимдони ва ўзига бўйсунган зотларнинг ҳимоячиси деб, Ер унга илтижо қила бошлади: - Илтимос, менга раҳминг келсин! Сен бу сайёранинг ҳукмдори бўлдинг, шунинг учун барча тирик мавжудотларни ҳимоя қилиш сенинг вазифанг.

19. Сигир қиёфасидаги Ер давом этди: - Сен нега бу бахтиқаро, бегуноҳ аёлни ўлдиришга жазм қилдинг? Сен дин қонунларининг билимдони сифатида шуҳрат қозонгансан, нима сабабдан менадан нафратланасан? Бу бечора аёлнинг ўлимини ният қилишга сени нима мажбур қилди? 20. Аёл зоти ҳатто гуноҳ содир қилганда ҳам, ҳеч кимнинг унга қўл кўтаришга ҳаққи йўқ. Айниқса ўзининг раҳмдиллиги билан шуҳрат қозонган Сендай Зот учун бу муносиб иш эмас. Сен - барча тирик мавжудотларнинг ҳимоячиси ва бахтсиз, бечораларнинг нажоткорисан.

21. Сигир қиёфасидаги Ер давом этди: - Эй ҳурматли шоҳ, худди қудратли кема сингари мен бутун оламни устимда тутиб тураман. Агар мени парчалаб ташласанг, Ўзинг қаерда турасан ва содиқ хизматкорларингни ҳалокатдан қандай қутқарасан?

22. Шоҳ Притху шундай жавоб берди: - Эй ҳурматли Ер, сен Менинг буйруғимни бажаришни ис-тамаяпсан. Фаришталар қаторида туриб, қилинган барча қурбонликлардан ўз улушингни тўлалигича оляпсан, аммо бунинг эвазига одамларга етарли миқдорда ғалла етказиб бермаяпсан. Шунинг учун сени ўлдиришни Ўзимнинг бурчим деб биламан. 23. Гарчи сен ҳар қуни майин майсалардан есанг ҳам, елининг инсонлар эҳтиёжига ишлатиши мумкин бўлган сутга тўлмаяпти. Сен бу ишни онгли равишда, атайлаб қилганинг учун, ҳатто сигир қиёфасига кириб олган бўлсанг ҳам, жазодан қочиб қутула олмайсан. 24. Ақлдан адашиб, сен менга қулоқ солмаяпсан, бир вақтлар Браҳма яратган ва

ҳозир сенинг бағрингда яшириниб ётган майса ва ғалла уруғларини кўкартирмайсан. 25. Ўткир пайконларим билан сени парчалаб ташлайман ва оч қолган фуқароларни сенинг тананг бўлаклари билан тўйдираман. Кўзларидан тинмай ёш оқаётган фуқароларимни Мен шу тарзда овутаман ва қоринларини тўйдираман. 26. Фақат ўзинигина ўйлаб, бошқа тирик мавжудотларга раҳми келмайдиган ҳар бир золимни, у ким бўлишидан қатъий назар, эркакми, аёлми ёки жинси номаълум бесоқолми, ўлим жазосига маҳкум қилишга шохнинг ҳаққи бор. Шохнинг бундай ҳаракати қотиллик ҳисобланмайди. 27. Кўрясанми, мағрурлигинг сени ақдан адаштириб қўйган. Ҳозир сен сеҳр кучингни ишга солиб, сигир қиёфасига кириб олдинг, аммо бу ҳаракатинг сени бугдой доналари каби майда заррачаларга парчалаб ташлашимга ва сеҳр кудратим билан барча тирик мавжудотларнинг ишончли ҳимоя таянчига айланишимда Менга халақит бера олмайди.

28. Бу гапларни гапирар экан, шох Притху вужудини қамраб олган ғазаб таъсиридан, худди икки томчи сувдай Ямаражга ўхшарди. Бошқача қилиб айтганда шу пайтда У ғазаб тимсоли эди. Унинг сўзларидан Ер даҳшатга тушиб, аъзои-бадани титраб кетди. У эҳтиром билан қўлларини қовуштириб илтижо қила бошлади.

29. Ер шундай деди: - Эй Парвардигор, эй Худонинг Олий Шахси, ҳамиша илоҳий ҳолатда қолган ҳолда моддий қувватинг ёрдамида Сен Ўзингни ҳар хил қиёфаларда ва ҳаётнинг турли шаклларида намоён қиласан. Улар моддий табиатнинг уч гунасининг ўзаро муносабати натижасида пайдо бўладилар. Бошқа ҳукмдорлардан фарқли ўларок, Сен ҳамиша илоҳийлигингча қоласан, шу боис ҳар хил моддий ўзгаришларга маҳкум бўлган моддий олам Сенга ҳеч қандай таъсир кўрсата олмайди. Шу сабабли Сен ҳеч қачон моддий фаолиятинг оқибатлари чангалига тушиб қолмайсан.

30. Ер давом этди: - Эй Парвардигор, Сен моддий оламнинг ҳақиқий яратувчисан. Бугун борлиқни ва моддий оламнинг гуналарини яратгач, сен барча тирик мавжудотларнинг макони бўлган Ер сайёрасини барпо этдинг. Аммо, бунда Сен Ўзинг ҳамиша мустақил бўлиб қолаверасан. Ҳозир кўз олдимда қўлларингга қурол олиб, мени ўлдиршига тайёр турган экансан, илтимос, айтчи, мен кимдан нажот излайман ва ким мени ҳимоя қила олади? 31. Яратиш аввалида Сен англаб бўлмас қувватинг ёрдамида барча кўзгалувчан ва кўзгалмас тирик мавжудотларни барпо қилдинг. Энди ана шу қувватинг ёрдамида уларнинг мавжудлигини таъминлаб, уларни ҳалокатдан қутқариб қолишга тайёрсан. Эй дин қонунларининг ҳимоячиси, сигир қиёфасига кириб олганимга қарамай, нега Сен мени ўлдирмоқчисан? 32. Эй ҳукмдорим, гарчи Сен ягона Парвардигор бўлсанг ҳам, англаб бўлмас қувватларинг ёрдамида Ўзингни сон-саноксиз қиёфаларда намоён этиб, бугун оламга сингиб кетгансан. Браҳма орқали ҳаракат қилиб, Сен бу коинотни яратдинг, ва энди амин бўлдимки, Сен Худои Таолонинг Ўзисан. Етарли тажрибага эга бўлмаганлар Сенинг илоҳий қароматларинг маъносини тушуна олмайди, чунки улар Сенинг алдамчи қувватинг ҳукми остидадилар.

33. Эй Парвардигор, қувватларинг воситасида Сен моддий унсурларни, моддий фаолият воситалари бўлган ҳиссиётларни, ҳиссиётни бошқарувчи фаришталарни,

шунингдек, тафаккурни, ўзликни ва бошқа нарсаларни яратгансан. Ўз қувватинг билан Сен моддий коинотни яратгансан, маълум вақт давомида унинг мавжудлигини таъминлаб турасан ва кейин уни яқсон қиласан. Шу тарзда, фақат Сенинг қувватларинг туфайли бу олам маълум пайтда пайдо бўлади, кейин яна мавҳумлик ҳолатига ўтади. Шу боис, Худонинг Олий Шахси, барча сабабларнинг сабабчиси - Сен Ўзингсан, ва мен Сенинг олдингга эҳтиром билан бош эгиб таъзим қиламан. 34. Эй Парвардигор, Сен ҳеч қачон туғилмагансан. Бир пайтлар мен коинот уммонининг қаърига тушиб қолганимда, Сен биринчи Тўнғиз қиёфасига кириб, мени сувдан олиб чиққан эдинг. Қувватларинг ёрдами билан Сен барча моддий унсурларни, ҳиссиётларни ва моддий оламнинг мавжудлигини таъминлаш учун юракни яратдинг.

35. Шундай қилиб, бир пайтлар Сен мени сувдан олиб чиқиб, ҳалокатдан қутқаргансан, шундан кейин Сени Дхарадҳара, яъни "Ерни кўтариб олган" деб улуғлайдиган бўлдилар. Энди эса, қаҳрамон қиёфасига кириб, ўткир садокларинг билан мени парчаламоқчисан. Шунинг эсингдан чиқармаки, мен сув юзидаги кема сингари ўз устимдаги барча тирик мавжудотларнинг таянчи бўламан. 36. Эй Парвардигор, Мен ҳам Сенинг қувватларингдан бири яратган, моддий табиатнинг уч гунасидан иборат бўлган зотман. Шунинг учун Сенинг ҳаракатларинг мени ҳайратга соляпти. Ҳатто содиқ хизматкорларингнинг қароматлари ақл бовар қилмайдиган даражада сирли бўлса, Сенинг эрмакларинг ҳақида нима ҳам дейиш мумкин? Шу сабабли оламда рўй бераётган ҳамма воқеа-ҳодисалар бизга мўъжизадай бўлиб, ёки қарама-қаршиликларга тўладай туюлади.

Ўн саккизинчи боб

Махараж Притхунинг Ерни соғиши

1. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Азизим Видура, ҳатто Ер илтижоларини тамомлаган пайтда ҳам, шох Притху ҳали ўзига келмаган, лаблари ғазабдан титрарди. Шохни хотиржам қилиш учун Ер қалбидаги кўркув туйғусини босиб, ўзини қўлга олди ва яна гап бошлади.

2. - Эй Парвардигор, Сендан илтимос, ғазабингни жиловлаб олиб, менинг айтганларимга тоқат билан қулоқ сол. Менинг гапларимга эътиборсиз қарама! Майли, мен шунчаки бир аёл бўлган билан, ақлли одам, худди ҳар қандай гулдан шарбат ола биладиган асаларига ўхшайди, шунинг учун у ҳар қандай манбадан ҳам илм ўрганиши мумкин. 3. Инсонларнинг саодатини ўйлаб, буюк донишмандлар ва пайғамбарлар кўрсатиб кетган йўлдан бориб, уларнинг кўрсатмаларига амал қилиб яшаган одамлар бу ҳаётида ҳам, кейинги ҳаётида ҳам бахт-саодатга эриша оладилар.

4. Қадимги ўтган буюк донишмандларнинг васият ва насиҳатларига амал қилган киши, уларни ҳаётда қўллаб олдига қўйган мақсадларининг барчасига эришиши мумкин. Шундай одам ўз ҳаётида муваффақиятларга осон эришади ва беғубор бахтдан лаззатланиб яшайди. 5. Аксинча, фақат ўзининг ақлига ишонадиган ва дунёга шунча бенуқсон насиҳатлар қолдирган донишмандларнинг обрўсини писанд қилмайдиган нодон киши ҳаётининг ҳар бир қадамида

муваффақиятсизлик ва мағлубиятларга учрайверади. 6. Эй шоҳ, қачонлардир Брахма яратган барча уруғлар, илдишлар, ғалла ва ўт-ўланлар ҳозир руҳий илмдан бе-хабар бўлган худосизлар қўлига тушиб қолган.

7. Хурматли шоҳ, мен етиштираётган майсалар ва дон маҳсулотлари худосизлар қўлига тушибгина қолмасдан, одамлар Ер ҳақида умуман ўйламай қўйдилар. Шоҳлар ўз бурчини бажармаяптилар, ғалладан фақат ўз хиссиётларини қондириш учун фойдаланадиган, ўғриларга айланган ярамастарни жазоламай қўйдилар. Шунинг учун мен қурбонлик маросими ўтказишда ишлатиладиган барча ўсимликларнинг уруғларини бағримда яшириб қўйишга қарор қилдим. 8. Шунча вақт ер остида ётиб, мен яширган уруғлар ва донлар шубҳасиз айниб, бузилиб кетдилар. Шунинг учун сен иложи борича тезроқ, устозлар ва муқаддас китоблар кўрсатмаси асосида, уларни менинг қаъримдан чиқариб олишинг керак. 9-10. Эй буюк қахрамон, барча тирик мавжудотларнинг ҳимоячиси, агар сен ҳақиқатан ҳам фуқароларингни етарли ғалла билан таъминлаб, мусибатдан қутқармоқчи ва уларга сугимдан ичирмоқчи бўлсанг, менинг олдимга бузоқ олиб келишларини буюр, ва зарур идиш ва тажрибали сут соғувчини топ. Ана шу бузоққа нисбатан қалбимда меҳр уйғонган заҳоти мендан қанча хоҳласанг шунча сут олишинг мумкин.

11. Хурматли шоҳ, шунингдек Сен бутун ер юзини текислашинг керак. Шунда мен ҳатто ёмғир палласи тугагандан кейин ҳам намликни ўзимда асраб қола оламан. Ёмғир фаришта-шоҳ Индранинг инояти билан ёғади, агар ер юзи текис бўлса, тупроқ ёмғир намлигини сақлаб қола олади. Шунда ҳар хил ғалла ва полиз экинларининг ўсиши учун зарур бўлган шароит яратилади.

12. Ернинг доно ва керакли насиҳатларини тингланган шоҳ унинг ҳамма гапларини маъқуллади. Кейин Сваямбхува Мануни бузоққа айлантириб, сигир қиёфасига кирган Ердан барча майса ва донларни соғиб олиб катта ғарамга уйиб қўйди. 13. Заковати билан Махараж Притху дан қолишмайдиганлар ҳам Ернинг инъомларидан бахраманд бўлдилар. Ҳақиқатан ҳам, шоҳ Притху дан ўрнак олган ҳар бир одам Ердан истаган ҳосилни олади. 14. Брихаспатини бузоққа айлантириб, хиссиётларини сут соладиган идишга айлантириб, буюк донишмандлар ундан барча ведавий илмларни соғиб олдилар, уларнинг ёрдамида ўз нутқларини, ақл ва заковатларини покламоқчи бўлдилар. 15. Сон-саноксиз фаришталар осмон шоҳи Индрани бузоққа айлантириб Ердан шарбатли ичимлик, сома соғиб олдилар. Бу шарбатни олтин идишга солиб, унинг ёрдамида ақлининг ўткирлигига, ҳиссиётининг ҳамиша янгиланиб туришига ва жисмоний қудратга эга бўлдилар. 16. Прахлада Махаражнинг асуралар хонадонидан дунёга келганидан фойдаланиб, Дитининг ўғиллари ва иблислар уни бузоққа айлантириб, Ердан ҳар хил маст қиладиган ичимликлар соғиб олдилар ва уни темирдан қилинган идишга солиб қўйдилар. 17. Гандҳарвалокка ва Апсаралоккада яшовчилар Вишваवासуни бузоққа айлантириб, соккан сутларини нилуфардан қилинган идишга қуйдилар. Бу сут оҳанграбо қўшиқлар ва гўзаллик қиёфасига кирди. 18. Питрилоканинг олийжаноб аҳолиси, хотира маросимларининг фариштаси Арьямани бузоққа айлантириб, пишмаган лойдан қилинган идиш олиб, чуқур эътикод билан унга кавью(кутью) -

ўтган авлодларга тақдим этиладиган овқатни соғиб олди. 19. Кейин Видьядхаралока аҳолиси билан бирга Сиддхалока аҳолиси буюк донишманд Капилани бузоққа айлантириб, осмондан идиш ўрнида фойдаланиб, Ердан анимадан бошланадиган ғаройиб сеҳрли қобилиятларни соғиб олдилар. Шу туфайли Видьядхаралока аҳолиси ҳавода учиб юриш қобилиятига эга бўлди. 20. Кимпурушалокка деган сайёра аҳолиси иблис Майяни бузоққа айлантириб, Ердан шундай сеҳрли қобилиятларни соғиб олдиларки, уларнинг шарофати билан атрофдагиларнинг кўзидан бир пасда ғойиб бўлиб, бошқа қиёфада яна пайдо бўлиш қудратига эга бўлдилар. 21. Кейин якшалар, рақшаслар, арвоҳлар ва жасад билан озикланадиган ялмоғизлар Тангри Шиванинги қиёфаларидан бири Рудра(Бхуганага)ни бузоққа айлантирдилар ва Ерни соғиб, қондан қилинган ҳар хил ичимликлар соғиб олдилар ва уларни инсоннинг бош чаноғига ўхшаган идишларга солдилар. 22. Ундан кейин кобралар ва қалпоксиз илонлар, аждарҳола, чаёнлар ва бошқа заҳарли махлуқлар Ердан заҳар соғиб олдилар ва ўзларининг инларини тўлдирдилар. Улар Такшакани бузоққа айлантирган эдилар. 23-24. Тўрт оёқли ҳайвонлар Тангри Шивани олиб юрадиган хўкизни бузоқ қилиб, Ердан ўзлари озикланадиган яшил майсаларни соғиб олдилар. Ўрмон уларга идиш вазифасини бажарди. Йиртқич ҳайвонлар, йўлбарслар арслонни бузоққа айлантириб, сут сифатида Ердан янги жасад(мурда, лош) соғиб олдилар. Гарудани бузоқ ўрнида ишлатган қушларга эса, Она Ер сут сифатида ҳар хил қўзғалувчан (ҳашаротлар) ва қўзғалмас(майса ва ўтлар) тирик мавжудотларни берди. 25. Баньян дарахтини бузоққа айлантириб, дарахтлар сут сифатида ҳар хил ширин шарбатлар олдилар, тоғлар эса, Ҳимолай тоғини бузоқ қилиб, қоялардан қилинган идишларга ҳар хил маъданлар соғиб олдилар. 26. Шу тариқа Ер ҳар бир тирик мавжудотни эҳтиёжига яраша озик-овқат билан таъминлади. Махараж Притху даврида Ер шоҳнинг амрига сўзсиз бўйсунарди, шу боис унинг бутун аҳолиси ҳар хил бузоқлар ёрдамида маълум идишларга Ердан ҳар хил сутларни соғиб олиб, ўзларини озик-овқат билан тўла таъминлардилар.

27. Шундай қилиб, эй Куру хонадонининг сардори Видура, озик-овқатга эҳтиёж сезганларнинг барчаси, шоҳ Притху бошчилигида ҳар хил бузоқлардан фойдаланиб, ҳаёт кечиришлари учун зарур бўлган нарсаларни соғиб олдилар. Шу тариқа, сут тимсолида улар яшаш учун зарур бўлган озуқаларга эга бўлдилар. 28. Ернинг барча тирик мавжудотларни озик-овқат билан таъминлаганини кўриб, шоҳ Притху жуда қувонди, ва Унинг қалбида Ерга нисбатан, худди қизига бўлгани сингари, чуқур меҳр-муҳаббат уйғонди. 29. Шундан сўнг шоҳлар шоҳи Махараж Притху қудратли камони билан тоғ ва тепаликларни бузиб, бутун Ер юзини текислади. Унинг шарофати билан ер юзи(нинг кўп қисми) текисликка айланди. 30. Барча фуқароларига шоҳ Притху оталаридек меҳрибон эди. Унинг ўз кучини аямай фуқароларини озик-овқат ва иш билан таъминлашга интилаётганини ҳамма кўриб турарди. Ер юзини текислагандан сўнг, у ҳар кимнинг хоҳишига қараб яшаш учун жой ажратди. 31. Шу тарзда шоҳ жуда кўп қишлоқлар, шаҳарлар, қалъалар, чўпон ўтовлари, мол қўралари қурди. Шоҳона ўтовлар учун жойлар ҳозирлади, қонлар қазиди ва дехқонлар ва тоғликларга уйлар солди.

32. Шоҳ Притху тахтга ўтиргунга қадар ҳеч ким шаҳар ва кишлоқларни маълум бир режа-лойиҳа асосида қурмаган, экин майдонлари ва ўтлоқлар учун алоҳида ер ажратилмаган эди. Уй-жой қуриш ўлда-жўлда, ҳар ким хоҳлаган жойида, хоҳлаган кўринишида иморат соларди. Аммо шоҳ Притху даврдан бошлаб шаҳар ва кишлоқлар лойиҳа асосида қурила бошлади.

Ўн тўққизинчи боб.

Шоҳ Притхунинг юз марта ашвамедха маросимини ўтказиши.

1. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Азизим Видура, Сарасвати дарёси шарққа буриладиган жойда шоҳ Притху юз марта от қурбонлик қилиш маросимини ўтказишга қарор қилди. Браҳмаварта деб аталадиган бу жой Сваямбхува Ману ҳукми остида эди. 2. Бу ҳақда мислсиз қудратга эга бўлган осмон шоҳи Индра эшитганида, "шоҳ Притху мендан ҳам улўроқ бўлишга интиляпти", деган қарорга келди. Шу боис Махараж Притхунинг буюк қурбонлик маросимлари ўтказишга қарор қилди. 3. Барча сайёралар ва қурбонликларнинг маҳсули, ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Худо Шаҳси, Парвардигор Вишнуга тегишли. Махараж Притху ўтказган барча қурбонлик маросимларида Парвардигорнинг шахсан Ўзи иштирок этди. 4. Парвардигор Вишну қурбонлик майдончасига Тангри Браҳма, Тангри Шива ва коинотнинг барча сайёраларининг ҳукмдорлари ҳамда уларнинг ҳамроҳлари билан бирга ташриф буюрганди. Парвардигор тўпланганлар олдида пайдо бўлганида Гандҳарвалока аҳолиси, буюк донишмандлар ва Апсаралока аҳолиси Уни олқишладилар. 5. Сиддхалока ва Видьядхаралока аҳолиси, Дитиларнинг барча аждодлари, шунингдек иблислар ва яқшалар ҳам Парвардигорга ҳамроҳ бўлдилар. Унга Нанда ва Суанда бошлиқ энг яқин хизматкорлари ҳамроҳ эди. 6. Ҳамиша Худонинг Олий Шаҳсига хизмат қилиш билан банд бўлган буюк донишмандлар, шу жумладан Капила, Нарада ва Даттатрея каби буюк донишмандлар, Санака-кумар бошчилигидаги буюк сеҳргарлар ҳам бу катта қурбонлик маросимида иштирок этиш учун Парвардигорга эргашдилар.

7. Азизим Видура, бу буюк қурбонлик маросимида "кама-дхена", соғин сигир қиёфасига кириб, Ернинг ўзи ҳам ташриф буюрганди. Шу тарзда қурбонлик эвазига инсонларнинг тирикчилиги учун зарур бўлган нарсалар етарлича таъминланган эди. 8. Дарёлар ўзлари билан бирга ҳар хил: ширин, аччиқ, шўр ва ҳоказо таъмлар келтирдилар, қудратли дарахтлар - мевалар ва асал олиб келдилар. Яшил майсалардан тўйиб еган сигирлар одамларни кўп миқдордаги сут, қатик, сарийғ ва бошқа сут маҳсулотлари билан таъминлади. 9. Коинотдаги барча сайёраларнинг аҳолиси, уларни бошқараётган фаришталар билан бирга шоҳ Притхуга сон-саноксиз инъомлар келтирдилар. Океан ва денгизлар қимматбаҳо тош ва марваридларга тўла, тоғлар эса, ерни озиклантириш учун зарур бўлган ўғитларга бой эди. Ер юзида тўрт хил озик-овқатнинг биронтасидан танқислик сезилмасди.

10. Шоҳ Притху Ҳамиша ўзини Худо Шаҳси, Ад-хоқшаджанинг хизматкори деб биларди. Жуда кўп қурбонлик маросимларини ўтказиб, у Парвардигорнинг марҳамати билан ғайритабиий қудратга эга бўлди. Ам-

мо, осмон шоҳи Индрага шоҳнинг эришган бу ютуқлари ва бойликлари сира тинчлик бермасди, шу боис у қандай қилиб бўлса ҳам унга халақит беришга қарор қилди. 11. Махараж Притху охириги ашвамедха-ягья маросимини ўтказишга ҳозирлик кўраётганида, ҳасад ўтида ўртанаётган шоҳ Индра кўзга кўринмайдиган қиёфага кириб олди ва қурбонликка аталган отни ўғирлаб кетди. 12. Отни олиб кетиш учун шоҳ Индра, одатда озод руҳлар кийиб юрадиган либосга ўраниб олганди. Аслида бу ўзини диндор руҳоний қилиб кўрсатиш учун унинг ўйлаган найранги эди. Индра ўзининг мана шу либосида осмону фалақда пайдо бўлиши биланок, донишманд Атри уни кўриб қолди ва нималар бўлаётганини дарров пайқади. 13. Донишманд Атридан Индранинг қабихлиги ҳақида хабар топган шоҳ Притхунинг ўғли ундан қаттиқ ғазабланди ва "Тўхта!" Тўхта!" деб, ўлдириш учун унинг орқасидан чопди.

14. Санньяси кийимини кийиб олган шоҳ Индра сочларини турмаклаб, танасига кул сепиб олди. Уни бу аҳволда кўрган шоҳ Притхунинг ўғли, уни "диндор руҳоний авлиё одам", деб ўйлаб, унга пайкон йўлламади. 15. Шоҳ Притхунинг ўғли бўш қайтиб келаётганини кўрган донишманд Атри осмон шоҳини ўлдиришга буйруқ берди, чунки, Махараж Притхуга қурбонлик маросими ўтказишга халақит бергани сабабли Индра "фаришта" деган номга иснод келтирган эди. 16. Донишманднинг буйруғига бўйсуниб, шоҳ Венанинг набираси тезлик билан осмонга учиб кетаётган Индранинг ортидан чопди. Махараж Притхунинг ўғли, ўзининг шижоати билан Раванани қуллаб бораётган калхатлар шоҳини эслатарди. 17. Шоҳ Притхунинг ўғли ортидан қуллаб келаётганини сезган Индра, дарров либосини ташладида, отни қолдириб кўздан ғойиб бўлди. Буюк қахрамон, шоҳ Притхунинг ўғли эса, отни олиб қурбонлик маросимини давом эттириши учун отасига берди.

18. Азизим Видура, Махараж Притхунинг ўғли кўрсатган мислсиз қахрамонлиқнинг гувоҳи бўлган буюк донишмандларнинг барчаси бир овоздан унга "Виджиташва" деб ном бердилар. 19. Эй Видура, осмон шоҳи бўлгани сабабли буюк қудратга эга бўлган Индра қурбонлик майдончасини қалин туманга ботириб ташлади. Туман қоронғулигидан фойдаланиб, у ҳайвонлар қурбонлик қилинадиган тахтадан нарироқда олтин занжир билан устунга боғлаб қўйилган отни яна олиб қочди.

20. Буюк донишманд Атри яна Махараж Притхунинг ўғлига осмонга қочиб бораётган Индрани кўрсатди, ва у фариштанинг орқасидан югурди. Аммо Индранинг санньясиларга ўхшаб кийиниб, қўлида бошига калла суяги кистирилган ҳасса тутиб олганини кўриб, буюк қахрамон бу сафар ҳам уни ўлдириши келмади. 20. Буюк донишманд Атридан яна кўрсатма олгач, шоҳ Притхунинг ўғли камонини қўлига олди. Буни кўрган Индра ўзининг санньясиларникига ўхшаган қалбаки либосини ташлаб, отни қолдириб, яна кўздан ғойиб бўлди. 22. Буюк қахрамон Виджиташва, шоҳ Притхунинг ўғли отни олиб яна отаси кутиб турган, қурбонлик маросими ўтказилаётган жойга келди. Ана шу пайдан бошлаб баъзи ғофил, ярамас одамлар ҳам шоҳ Индрадан ўрнак олиб, (зоҳид)санньясиларнинг кийимини кийиб юрадилар. 23. Қурбонликка аталган

отни ўғирлаш учун Индранинг кийган либосларининг барчаси худосизлик белгилари эди.

24-25. Шундай қилиб, Махараж Притхунинг қурбонликка аталган отини ўғирлаш учун шоҳ Индра ҳар хил санньясиларнинг кийимини кийиб олди. Баъзи санньясилар яланғоч юрадилар, бошқалари ўзларини "капалик"лар деб атаб, қизил либосга ўраниб оладилар. Аммо, бу либосларнинг барчаси уларнинг - қилган гуноҳларининг белгисидир. Ана шундай қалбаки санньяси(зоҳид)лар гуноҳкор, ғофил одамлар орасида қатта обрўга эга, чунки уларнинг ўзлари ҳам худосиз ва ўз гуноҳларини ғофил одамлар олдида мантиққа асосан ишонарли қилиб оқлай оладилар. Бундай одамлар ўзларини дин ҳимоячиларидек кўрсатгани билан, аслида муғлақо ундай эмаслигини биз яхши англаб олишимиз лозим. Бахтга қарши, адашган кимсалар уларни ҳақиқий диндорлар деб қабул қиладилар ва уларга эргашиб, улар билан бирга ҳалокатга учрайдилар. 26. Ўзининг қудрати билан донг таратган Махараж Притху мана шундай сохта санньясиларга ўрнак кўрсатган Индрани ўз қўли билан яқсон қилиш учун ҳозирланиб, камонини қўлига олди. 27. Шоҳ Притхунинг қаттиқ ғазаби келиб, Индрани ўлдиришга шайланганини кўриб, руҳонийлар ва қурбонликка тўпланган бошқа иштирокчилар унга илтижо қила бошладилар:

- Эй буюк зот, унга раҳм қил, чунки қурбонлик маросими пайтида фақат қурбонликка аталган ҳайвонларнигина ўлдириш мумкин. Муқаддас ёзувларнинг кўрсатмаси шундай. 28. Ҳурматли шоҳ, Сен ўтказаятган қурбонлик маросимига ҳалақит бергани учун у ўзининг аввалги қудратидан маҳрум бўлди. Ҳали шу пайтгача қўлламаган Ведавий мантраларнинг қудрати ёрдамида биз ўзимиз уни бу ерга чақирамиз, у бу ерга келишга мажбур бўлади. Душманинг ўз оёғи билан бу ерга келганида эса, мантралар кучи билан биз ўзимиз уни қурбонлик оловига ташлаймиз.

29. Ҳурматли Видура, шоҳга шу гапларни айтиб, қурбонлик маросимини ўтказаятган руҳонийлар нафрат билан осмон шоҳи Индрани чақира бошладилар. Аммо, қурбонлик оловига ёғ қуйишга ҳозирланганида, уларнинг кўзи олдида бирданига Тангри Браҳма пайдо бўлди ва қурбонлик маросимини тўхтатишни буюрди.

30. Руҳонийларга юзланиб Тангри Браҳма шундай деди: - Эй руҳонийлар, сизлар осмон шоҳи Индрани ўлдирмаслигингиз керак. Бу сизнинг ишингиз эмас. Индранинг Парвардигор билан деярли бир қаторда туришини, у Парвардигорнинг энг яқин ёрдамчиларидан бири эканини эсдан чиқарманг. Қилаётган бу қурбонликларингиз билан сизлар ҳамма фаришталарни мамнун қилмоқчисизлар, аммо билсангизлар уларнинг барчаси осмон шоҳи Индранинг ажралмас бўлақларидир. Ўзларингиз ўйлаб кўринглар, уни мана шу буюк қурбонлик гулханида ёқишга сизларнинг ҳақингиз борми? 31. Махараж Притхунинг ният қилган буюк қурбонлик маросимини ўтказишга ҳалақит бериш учун шоҳ Индра, вақти келиб, такводорларнинг покдомон ҳаётига иснод келтирадиган ишлар қилди. Бунга яхши эътибор беринглар. Агар сизлар у билан курашишда давом этсангиз, ўз қудратини суъистемол қилиб у худосизликнинг яна бошқа, жуда кўп кўринишларини ўйлаб чиқаравереди. 32. Махараж Притхунинг тўксон тўққиз қурбонлик маросими ўтказгани етарли - деб гапига яқун ясади Тангри Браҳма. Кейин шоҳга юзланиб, шундай деди: - Сен

озодликка олиб чиқадиган йўлни биласан, бу қурбонлик маросимларини нимага ўтказаятурсан?

33. Тангри Браҳма давом этди: - Мен сизларнинг икковингизга ҳам бахт-саодат тилайман, чунки икковингиз ҳам Худо Шахсининг ажралмас бўлақларисизлар. Шунинг учун Сен, аслида Ўзингдан фарқ қилмайдиган шоҳ Индрадан хафа бўлмаслигинг керак. 34. Ҳурматли шоҳ, хафа бўлма ва тақдир тақозоси билан ният қилган қурбонлик маросимиингни охирига етказа олмаганингдан афсусланма. Сендан илтимос, менинг гапларимга диққат билан қулоқ сол. Бизлар тақдир тақозоси билан бошимизга мусибат тушганда жуда қаттиқ қайғурмаслигимиз лозим. Тақдирига қарши чиқиб, ношукур, норози бўлган киши дунёвий фикрларга яна ҳам чуқурроқ ғарқ бўлади.

35. Тангри Браҳма давом этди: - Индрани Худосизликнинг янги янги турларини кашф қилишга мажбур қилаётган бу қурбонлик маросимингни дарров тўхтат. Ҳатто фаришталарнинг ҳам жуда кўп номаъқул ниятлари бўлишини билмайсанми? 36. Фақат қурбонликка атаб қўйган отингни ўғирлаш ва қурбонлик маросимига ҳалақит бериш ниятида шоҳ Индранинг нималар қилганини кўр. Индра содир қилган гуноҳлар, энди қанча қанча одамларга бемаъни ўрнак бўлишини ўйла. 37. Эй шоҳ Притху, Венанинг ўғли, сен Худованд Вишнунинг тўлиқ бўлмаган кўринишисан. Шоҳ Венанинг касофатли қилиқлари билан жамиятда диний қонунлар деярли унутилиб кетган эди. Шунда сен Худованд Вишнунинг тимсоли сифатида бу дунёда намоён бўлдинг. Диний қонун-қоидаларни қайта тиклаш учун сен шоҳ Венанинг танасидан дунёга келдинг.

38. Эй инсоният посбони, Худованд Вишну сени бу дунёга нима мақсадда юборганини эсла. Индра яратган худосизлик қоидалари жуда кўплаб сохта диндорлик оқимларини яратишга қодир. Шунинг учун, илтимос, ҳақиқий динни бундай йўллар билан оёқости қилишларга дарров барҳам бер.

39. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Бугун оламнинг олий руҳий устози бўлган Тангри Браҳмадан бу насиҳатларни тинглаб, шоҳ Притху, қандай қилиб бўлса ҳам юз марта от қурбонлик қилиш маросимини ўтказиш ниятидан воз кечди ва Индрага меҳри ортиб, у билан дўстлашди. 40. Ягъя тамом бўлгандан сўнг, одат бўйича Махараж Притху ювиниб покланди, унинг қахрамонлигидан мамнун бўлган фаришталарнинг олқиш ва дуоларини олди. 41. Сайёранинг биринчи шоҳи Махараж Притху қурбонлик маросимида иштирок этган браҳманларга буюк эҳтиром кўрсатиб, сахийлик билан инъомлар улашди. Шоҳдан мамнун бўлиб, улар чин диллари билан уни дуо қилдилар.

42. Буюк донишмандлар ва браҳманлар дедилар: - Эй қудратли шоҳ, сенинг таклифинг билан бу ерда ҳар турли тирик мавжудотлар тўпландилар. Сен ўтказган қурбонлик маросимига Питрилока ва жаннатий сайёралар аҳолиси, буюк донишмандлар ва оддий одамлар ташриф буюрдилар. Сенинг уларга кўрсатган ҳурмат-эҳтироминг ва саховат билан улашган инъомларинг барчани қувонтирди.

Йигирманчи боб

**Махараж Притхунинг қурбонлик майдончасида
Парвардигор Вишнунинг пайдо бўлиши**

1. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Азизим Видура, Парвардигор Вишну, тўксон тўққиз марта от курбонлик қилиш маросимини ўтказган Махараж Притхудан мамнун бўлиб, курбонлик майдончасида пайдо бўлди. Шоҳ Индра ҳам Унга ҳамроҳ эди. Вишну Махараж Притхуга юзланди.

2. Худованд Вишну, Худонинг Олий Шахси шундай деди: - Азизим Махараж Притху, сенга юзинчи курбонлик маросимини ўтказишга халақит берган осмон шоҳи Индра, кечирим сўраш учун мен билан бирга бу ерга келди. Шунинг учун, илтимос, у билан хушмуомала бўл. 3. Эй шоҳ, бошқаларнинг бахт-саодати учун жон куйдириб юрган ҳақиқий донишманд киши инсонларнинг энг аълоси ҳисобланади. Ундай инсон ҳеч кимга душманлик қилмайди. Инсонлар орасида энг донолари мангу руҳ моддий танадан фарқ қилишини ҳамиша эсида сақлайдилар. 4. Қадим ўтган буюк устозларнинг барча ўғитларига амал қилиб юрган киши, ҳаётда ҳозир сен эришган энг юкори мартабага эришади, аммо шундан кейин, яна моддий қувватимнинг таъсирига берилса, унинг эришган натижалари йўққа чиқиб кетади. 5. Ўзини танага қиёслаб яшаш тарзининг нимага асосланганини билган, шу алдамчи кадрятларга асосланган ғофиллик, орзу-истаклар ва моддий фаолият натижасида пайдо бўлган моддий тананинг табиатини англаб етган киши танасига боғланиб қолмайди. 6. Ўзини танасига қиёслаш тасаввуридан озод бўлган маълумотли, илмли киши ҳеч қачон ўзининг уйига, бола-чақасига, мол-дунёсига ва танаси билан боғлиқ бўлган бошқа ҳамма нарсаларга бўлган муносабатларида бундай сохта тасаввурларга таяниб иш кўрмайди. 7. Ҳар бир алоҳида руҳ - пок, аксилмоддий, чарогон, ягона, мангу зотдир. У(Параматма) ҳар ерда мавжуд, моддий парда билан қопланмаган, барча яхши фазилатларнинг манбаи ва содир бўлаётган ҳамма воқеа-ҳодисалардан хабардордир. У бошқа барча тирик мавжудотлардан фарқ қилади ва барча (моддий танага) жо бўлган руҳларга нисбатан илоҳий ҳолатдадир. 8. Аتما ёки Параматма ҳақида мукамал илмга эга бўлган киши, ҳатто моддий табиат ҳукмрон бўлган дунёда ҳам, ҳеч қачон моддий гуналар таъсирига берилмайди, чунки у ҳамиша илоҳий муҳаббат билан Худои Таолонинг хизматида юрган бўлади.

9. Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Вишну давом этди: - Ҳурматли шоҳ Притху, инсон ҳаётда ўз бурчини бажариш билан бирга муҳаббат билан Менга холис хизмат қилса, аста-секин қалбида чуқур мамнуният ҳосил қила боради. 10. Солиҳ инсоннинг қалби моддийлик ботқоғидан бутунлай покланганида, унинг акли тиниклашади, дунёкараши кенгайди ва у бутун борлиқнинг ягона табиатини англаб етади. Солиҳ ана шундай даражага етганда қалби бутунлай осойишталикка эришади ва сифат жиҳатидан Мен билан бирлашиб, сач-чит-ананда-виграха даражасига етади. 11. Руҳ ўзи ўзгармаган ҳолда, фақат кўпол унсурлар, сезги аъзолари, ҳаракат органлари ва ақлдан таркиб топган моддий тананинг фаолиятини назорат қилиб туришини билган ҳар бир инсон бу моддий дунё тутқунлигидан озод бўлишга муносиб кишидир.

12. Шоҳ Притхуга мурожаат қилиб, Худо Шахси шундай деди: - Эй ҳурматли шоҳ, моддий оламда рўй бераётган барча ўзгаришлар моддий табиатнинг уч гунасининг ўзаро фаолияти натижасида содир бўлади.

Беш моддий унсур, ҳиссиётлар, ҳиссиётларни бошқариб турган фаришталар, шунингдек руҳ(ий жон)ни фаолиятга ундайдиган ақл - булар барчаси биргаликда моддий танани ташкил этади. Руҳ бу кўпол ва нафис унсурларнинг йиғиндисидан умуман ажралган. Шунинг учун, дўстлик ва муҳаббат ришталари билан Менга мустаҳкам боғланган, мукамал илмга эга бўлган содик хизматкорим бошига мусибат тушганида ҳам, бахт кулиб боққанида ҳам осойишта ҳолатида қолаверади. 13. Эй жасоратли шоҳ, илтимос, барчага, ўзингга баробар бўлганларга ҳам, сендан юқорироқ ёки пастрок мавқега эга бўлганларга ҳам, бир хил муносабатда бўлиб боғланиш тўғрисида халос бўл. Ўткинчи мусибат ва бахт тушунчалари сени ҳеч қачон ташвишга солмасин. Ақл ва ҳиссиётингни ҳамиша назорат қилиб юр. Ҳамиша шундай илоҳий кайфиятда бўлган ҳолда, Менинг амрим билан қандай ҳолатда бўлиб қолишингдан қатъий назар, ўз бурчингни бажаришга ҳаракат қил, ва бу сайёрада сенинг ягона бурчинг - фуқароларингни ҳимоя қилиш эканини ёдингда тут.

14. Шоҳнинг вазифаси - ўзининг фуқаролари бўлган одамларни ҳимоя қилишдир. Ўз бурчини тўлиқ адо этиб юрган шоҳ кейинги ҳаётида фуқароларининг қилган хайрли ишлари савобининг олтидан бир қисмига эга бўлади. Агар шоҳ ёки ҳукумат бошлиғи фақатгина солиқ тўплаб, фуқароларини ҳар бир инсон ҳаётда ҳақли бўлган нарсалар билан таъминламаса, унинг қилган хайрли ишларининг савоби фуқароларининг ҳисобига ўтади, фуқаролари ҳақида ғамхўрлик қилмагани учун шоҳ фуқароларининг содир қилган гуноҳлари учун жавоб беради.

15. Парвардигор Вишну шундай деди: - Эй шоҳ Притху, олим браҳманларнинг устоздан шогирдга, шогирдлар силсиласи орқали ўтиб келаётган кўрсатмаларига амал қилиб, ўз фуқароларингни ҳимоя қилишда давом эт. Диний қоидаларга тўла риоя қил ва камолотга эришмаган ғофил одамларнинг бемаъни гапларига берилма. Шунда барча фуқароларинг бахтли бўладилар ва ҳаммаси сени севадилар, ўзинг эса, тез кунларда озодликка эришган зотларни, хусусан тўрт Кумар(Санака, Санатана, Санандана ва Санат-Кумарлар)ни кўришинг мумкин.

16. Ҳурматли шоҳ, сенинг намунали одобинг ва кўплаган эзгу ишларинг Мени жуда мамнун қилди, уларнинг шарофати билан сен Менинг марҳаматимга сазовор бўлдинг. Шу боис ҳозир Мендан хоҳлаган нарсангни тилашинг мумкин. Улуғвор фазилатларга эга бўлмаган ва ўзини муносиб тута олмайдиган киши, ҳатто курбонлик маросими ўтказса ҳам, риёзат чекиб, сеҳрли йога билан шуғулланса ҳам Менинг марҳаматимга эриша олмайди. Аммо, Мен ҳеч қачон ҳамиша руҳий ўзлигида бўлганлар қалбини тарк этмайман.

17. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Азизим Видура, олий Парвардигор, бутун олам ҳукмдори Махараж Притхуга шундай насиҳатлар берди, шоҳ эса бош эгиб, Унинг гапларига диққат билан қулоқ солди. 18. Уларнинг ёнида турган шоҳ Индра қилмишидан уялиб, нилуфар кадамлари пойини ушлаш учун шоҳ Притхунинг оёғига йиқилди. Аммо, Махараж Притху курбонликка аталган отини ўғирлаган Индрага бўлган ғарзини бутунлай унутиб, қалбида қувонч билан уни қучоқлаб бағрига босди. 19. Шоҳ Притху ўзига шу қадар марҳамат кўрсатган Худои Таолога тантанали

сиғиниш маросимини ўтказди. Унинг нилуфар кадамлари пойига йиқилар экан, Махараж Притху фақат садоқатли хизмат қилиб юрган зотларгагина на-сиб этадиган, тобора чуқурлашиб борадиган руҳий лаз-затга ғарк бўлди.

20. Худо Шахси жўнашга ҳозирланган эди, аммо, шох Притхунинг одобидан мамнун бўлиб, кетишга шо-шилмади. Ўзининг нилуфар кўзлари нигоҳини Маха-раж Притхуга тикиб, Худои Таоло шу ерда яна бир оз қолишга қарор қилди, чунки У ҳамиша Ўзининг соф содиқларига нисбатан меҳрибонлик қилади. 21. Ернинг биринчи шоҳи Махараж Притхунинг кўзларидан қувонч ёшлари тиркираб оқар, овози қалтираб, тўлқинланганидан тугулиб қолар, шу боис унинг на Худо Шахсини равшан кўришга ва на Унга гапира олишга мажболи етмасди. Олдида қўл қовуштириб турган ҳолда, у Парвардигорни хаёлан бағрига босди. 22. Худои Таоло, Парвардигор оёқлари ерга тегар-тегмас бўлиб, илонлар душмани Гаруданинг елкасига суяниб турарди. Кўз ёшларини артиб Махараж Притху Худо Шахсига нигоҳ ташлашга уринди, аммо бу ҳам унинг қалбини тўла қаноатлантирмаётгандек эди. Шундан сўнг у Худои Таолога илтижо қила бошлади.

23. - Эй Парвардигор, дуои-фотиҳалар қиладиган фаришталарнинг аълоси Сен Ўзингсан, шуни билган қайси донишманд одам Сендан моддий табиат гуналари адаштирган одамларга мўлжалланган бахт-саодатлар тилаши мумкин? Ундай бахт-саодатлар ҳатто дўзахда азоб чекаётганларга ҳам ўз-ўзидан келаверади. Эй Парвардигор, Сен менга Ўзингнинг руҳий борлигинга кўшилиб кетишга рухсат беришинг мумкин, аммо мен бундай инъомни истамайман. 24. Мен Сендан руҳий борлигинга кўшилиб кетишини сўрамайман, чунки Сенга кўшилиб кетсам, нилуфар кадамларингнинг лаз-затли шарбатидан маҳрум бўламан. Мен Сендан бошқа нарсани сўрайман: соф содиқларинг оғзидан нилуфар кадамларинг пойига айтилаётган ҳамду-саноларни бе-тиним тинглай олишим учун менга миллионлаб қулоқлар ато эт. 25. Эй Парвардигор, буюк авлиёлар Сени ажойиб кўшиқ ва ғазалларда қуйлаган. Уларнинг нилуфар кадамларинг пойини шарафловчи гаплари шафран гулининг анвойи ҳидига ўхшайди. Буюк содиқлар оғзидан таралаётган илоҳий товушлар адаш-ган тирик мавжудотга ана шу шафран гулининг анвойи ҳидини етказганида, у аста-секин ўзининг Сен билан бўлган мангу муносабатини эслай бошлайди. Шундай қилиб содиқлар аста-секин, ҳаётда ҳақиқий инсоннинг вазифаси нимадан иборат эканини англаб оладилар. Шунинг учун, эй Парвардигор, мен Сендан соф содиқ хизматкоринг оғзидан чиқаётган гапларни ҳамиша тин-глаш имкониятидан бошқа ҳеч нарсани тиламайман.

26. Эй шавкатли Парвардигор, соф содиқларнинг Сени ол-қишлаётганини бир марта тинглаган фаросатли киши ҳеч қачон уларнинг суҳбатини тарк этмайди, чун-ки, бундай суҳбатни ақлли одамлар эмас, фақат ҳайвонларгина тарк этиши мумкин. Ҳатто Сенинг сон-саноксиз кароматларинг ва илоҳий шон-шухратинг ҳақида тинглаш иштиёқида ёнаётган равнақ фариштаси ҳам, ҳаётда эришиш мумкин бўлган энг олий камолот чўққиси - Сени улуғловчи ҳикояларни тинглаш ва бошқаларга гапириб беришдан иборат эканини тан ола-ди. 27. Шунинг учун мен, худди қўлида нилуфар гулини тутган равнақ фариштаси сингари, Худои Таолонинг нилуфар кадамлари пойига бетиним хизмат қилишни

истайман, чунки, чексиз марҳаматли Парвардигор бар-ча илоҳий фазилатлар уммонидир. Мен фақат равнақ фариштаси билан жанжаллашиб қолишдан кўркаман, чунки у ҳам, мен ҳам, бор имкониятимиз билан бир ишни қилишга уринамиз.

28. Эй бутун олам Хукмдори, гарчи равнақ фариш-таси Лакшми бутун коинотнинг онаси бўлса ҳам, мен, унинг ўзи жуда боғланиб қолган садоқатли хизмат қилишга даъво қилиб, унинг ҳуқуқини поймол қилганим учун, унинг мендан жаҳли чиқишидан кўркаман. Барибир, бирор англашилмовчилик рўй бер-ганида ҳам Сен албатта менинг тарафимни олишингдан умид қиламан, чунки Сен адашган одамларга жуда меҳрибонсан ва Ўзингга қилинган жуда арзимас хиз-матни ҳам эъзозлаб қабул қиласан. Шунинг учун, ўйлайманки, ҳатто равнақ фариштасининг мендан ғазаблангани ҳам Сенга зарар қилмайди: Сен - Ўзингга тўла бутунсан, ва унга эҳтиёжинг йўқ. 29. Моддий олам тутқунлигидан халос бўлган буюк авлиёлар Сенга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қиладилар, чунки фақат Сенга садоқатли хизмат қилиш билангина мод-дий турмушнинг алдамчи кўринишлари таъсиридан халос бўлиш мумкин. Эй Парвардигор, озодликка эришган зотларнинг нилуфар кадамларинг пойидан нажот излашларида, ҳамиша нилуфар кадамларинг пойи ҳақида тинмай ўйлашдан бошқа бирор сабаб йўқ. 30. Эй азиз Парвардигор, соф содиқ хизматкорингга айтган сўзларинг мени ҳайратга солади. Наҳотки, веда-ларда ваъда берган ҳар хил инъомларингга содиқ хиз-маткоринг эътибор бермаслигини Ўзинг билмасанг? Улардан фарқли ўлароқ, Ведаларнинг, ўзига ром этувчи ваъдалари йўлдан адаштирган ва кармали фаолиятининг натijasига умид қилган оддий инсонлар шундай фаолиятга бошдан-оёқ ғарк бўладилар. 31. Эй Парвар-дигор, алдамчи қувватинг ҳукмронлиги остида, бу мод-дий дунёдаги тирик мавжудотлар ўзининг ҳақиқий та-биатини умуман унутиб қўйганлар ва ғофиллиги сабаб-ди дунёвий суҳбатлардан, дўстлик ва муҳаббатдан ўзларига моддий бойлик ахтардилар. Шунинг учун, мени Сендан моддий инъомлар қабул қилади деб ўлама. Унинг ўрнига, худди, ҳатто сўрамаса ҳам, ўғли учун ҳамма нарсани муҳайё қиладиган ота сингари, менга ҳақиқий бахт келтирадиган нарсани Ўзинг менга ато эт.

32. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Маха-раж Притхунинг илтижоларини тинглаб, нигоҳи бутун оламни қамраб олган Парвардигор шохга шундай сўзлар билан жавоб берди:

- Ҳурматли шох, сени Менга ҳамиша муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишга дуо қиламан. Сен синга-ри, ҳаётида Менга садоқат билан хизмат қилишдан бошқа нарсани ўйламайдиган кишигина майянинг ал-дамчи қуввати таъсирини енга олиши мумкин. 33. Фуқароларининг ишончли ҳимоячиси бўлган эй шох, бундан кейин Менинг барча кўрсатмаларимга тўлиқ риоя қил, танлаган йўлингдан адашишга сени ҳеч нарса мажбур қила олмасин. Менинг насихатларим ва кўрсатмаларимга амал қилиб яшаган ҳар бир одамга ҳамиша ва ҳамма ишда омад ва бахт қулиб боқади.

34. Буюк донишманд Майтрея шундай деди: - Худо Шахси Махараж Притхунинг чуқур маъноли, самимий илтижоларини муносиб баҳолади. Шох муносиб эҳтиром кўрсатганидан кейин, Парвардигор уни дуо қилиб, Ўзининг даргоҳига қайтишга қарор қилди. 35-

36. Шоҳ Притху фаришталарга, буюк донишмандларга, Питрилока, Гандхарвалока, Сиддхалока, Чараналока, Паннагаллока, Киннаралока, Апсаралока, шунингдек ерсимон сайёралар ва қушлар сайёраси аҳолисига, қурбонлик маросимида қатнашган бошқа барча тирик мавжудотларга ўз миннатдорчилигини билдирди. Уларнинг барчасига қўл қовуштириб, худди Парвардигор ва Унинг ҳамроҳларини сийлагандек иззат-икром кўрсатди. У уларни ўзининг самимий сўзлари ва қимматбаҳо совғалари билан мамнун қилди. Шундан кейин уларнинг барчаси Парвардигор Вишнудан ўрнак олиб, ўз даргоҳларига қайтиб кетдилар. 37. Шоҳнинг ва қурбонлик маросимини ўтказаяётган барча рухонийларнинг ақлини лол қолдириб, Парвардигор, Худо Шахси Ўзининг руҳий оламдаги даргоҳига равона бўлди. 38. Кейин шоҳ Притху барча фаришталарнинг олий ҳукмдори, Худонинг Олий Шахси олдида чуқур эҳтиром билан таъзим қилди. Гарчи Парвардигорни моддий кўзлар билан кўриб бўлмаса ҳам, У Ўзини Махараж Притху олдида намоён қилган эди. Парвардигорга эҳтиром кўрсатгандан кейин шоҳ ҳам саройига қайтиб келди.

Йигирма биринчи боб.

Махараж Притхунинг насиҳатлари.

1. Видурага юзланиб, буюк донишманд Майтрея шундай деди: - Махараж Притху, шоҳнинг шаҳарга келиши шарафига гулчамбарлар, марваридлар, ажойиб матолар ва олтин дарвоза(арка)лар билан безатилган пойтахтига қайтиб келди. Шаҳар ҳавоси энг нафис, муаттар мушқу-анбарлар ҳиди билан тўла эди. 2. Шаҳар кўчалари, йўлакчалар ва хиёбонларга сандал дарахти ва агуру майсаси қайнатилган сув сепилганди. Бутун шаҳар мевалар, гуллар, ўстирилган дон(буғдой)лар, ранг-баранг гавҳар ва шамчиروқлар билан безатилган эди. 3. Чорраҳаларни гуллар ва мевалардан қилинган уюмлар, банан дарахти танасидан ва арека пальмасининг шоҳларидан қилинган устунлар безаб турарди. Бу безакларнинг барчаси шаҳарни жуда жозибадор қилиб кўрсатарди. 4. Шаҳарнинг бутун аҳолиси шоҳни қарши олиш учун қўлларига шамчироқлар, гуллар, қатик ва омад келтирувчи сиғиниш анжомларини олиб чиқдилар. Шоҳни кутиб олиш учун ҳар хил тақинчоқлар, жумладан, бир-бирига тегиб жарангдор овоз чиқарадиган исирғалар тақиб олган соҳибжамол қизлар ҳам пешвоз чиқдилар. 5. Шоҳ саройга кириб келганида сур ва литавралар чалиниб, рухонийлар ведавий мадҳияларни қироат қила бошладилар, маҳсус охунлар фотиҳага қўл кўтардилар. Аммо, унинг шарафига уюштирилган бу кутиб олиш маросими шоҳга умуман таъсир қилмасди. 6. Шаҳарнинг улуг мартабали ва оддий фуқаролари шоҳни самимий қутладилар, У ҳам ўз навбатида уларнинг барча истакларини бажо келтирди.

7. Шоҳ Притху барча буюк руҳлар ичида энг улуг зот эди, шу боис ҳамма Уни ҳурмат қилар ва Унинг олдида эҳтиром билан бош эгарди. Бутун оламни бошқарар экан У жуда кўп хайрли ишлар қилганди. Олийжаноблиги билан У ҳар бир ишда муваффақият қозонарди. Шухрати бутун коинотга таралиб, умрининг

охирида Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойига эришди.

8. Сута Госвами давом этди: - Эй буюк донишмандлар сардори Шаунака, оламнинг биринчи шаҳаншоҳи, жаҳоннинг ҳамма ерида ҳурматга сазовор ва барча эзгу ҳислатлар соҳиби бўлган шоҳ Притхунинг қароматлари ҳақидаги Майтреянинг ҳикоясини тинглаб, буюк содик Видура Майтрея Риши олдида чуқур эҳтиром билан бош эгди ва унга навбатдаги саволини берди.

9. Видура шундай деди: - Ҳурматли брахман Майтрея, буюк донишмандлар ва брахманларнинг Махараж Притхуни тахтга ўтказгани ҳақида сен баён қилган ҳикоя жуда ибратли. Махараж Притхуга фаришталар жуда кўп инъомлар совға қилдилар, Худованд Вишну унга Ўз қудратини ато этгани туфайли, у ўз салтанатини кенгайтиришга ва Ерни кўкаламзорга айланттиришга эришди. 10. Махараж Притху шунча буюк қароматлар кўрсатиб салтанатини шу қадар олийжаноблик билан бошқардики, коинотнинг турли сайёраларидаги барча шоҳу фаришталар ҳозиргача ундан ибрат оладилар. Унинг шундай шарофатли ишлари ҳақидаги ҳикояларни тинглашдан бош тортадиган одам топила-микан? Мен эса, қилган ишлари шу қадар улугвор ва саховатли бўлган Махараж Притху ҳақидаги сенинг ҳикояларингни чарчамасдан тинглашга тайёрман.

11. Буюк авлиё ва донишманд Майтрея шундай деди: - Азизим Видура, шоҳ Притху икки буюк дарё - Ганга ва Ямуна орасида яшади. Фаровонлик ва тўқин-сочинликда яшаган ҳолда у хайрли ишлари натижаларида охиригача лаззатланиб қолиш учун тақдирига ёзилган бахт улушидан ором олаётгандек туюларди. 12. Махараж Притхунинг ҳеч қандай рақиб йўқ ва унинг ҳукмронлиги Ер юзидаги етти оролнинг барчасига таралганди. Салтанатда шоҳнинг барча буйруқлари сўзсиз бажарилар ва уларни муқаддас авлиёлардан, брахманлардан ва Худо Шахсининг насли (вайшнавлар)дан бошқа ҳеч ким рад қила олмасди.

13. Кунларнинг бирида Махараж Притху катта қурбонлик маросими уюштирди, унга барча буюк муқаддас донишмандлар, брахманлар, олий сайёралардан фаришталар ва авлиё шоҳлар-раджаришилар тўпланди. 14. Энг аввало Махараж Притху бу буюк маросимнинг ҳурматга сазовор бўлган барча иштирокчиларига муносиб эҳтиром кўрсатди. Тўпланганлар даврасида ўрнидан турганида, у, худди юлдузлар даврасидаги тўлин ойни эслатарди. 15. Шоҳ Притху баланд бўйли, девқомат ва оқ юзли бўлиб, узун қўллари кучга тўла, кўзлари энди кўтарилаётган куёшдай яркираб турарди. Уни бурни тўғри, юзи жуда чиройли ва кўриниши жиддий эди. Кулганида чиройли терилган икки қатор текис тишлари кўзга ташланарди. 16. Махараж Притхунинг бели ва кўкраги кенг, майда чизиқлар тортилган қорни баньян дарахтининг баргини эслатарди. Киндиги шуқур шаршарасимон, сонлари олтинранг, оёқлари баланд эди. 17. Унинг майин қора сочи тўлқинланиб елкасига тушиб турарди. Бўйини эса, худди сурдагига ўхшаган уч чизиқ безаб турарди. Устида қимматбаҳо дхоти ва елкаси оша ташланган чиройли ёпинчиқ(чадар) бор эди. 18. Қурбонлик маросими бошланиши олдида покланиш(фотиҳа олиш) удумини ўтаётгани сабабли, у либосларини ечиб тўпланганлар олдида ўзининг табиий гўзаллигини намоён этиб турарди. Унинг, танасининг чиройига чирой кўшиб турган қора кийик терисини ва куша майсасидан қилинган

халқани қандай кийишини барча ҳайрат билан томоша қилди. Маълумки, қурбонлик ўтказишдан олдин, Махараж Притху зарур бўлган барча маросим ва удумларни адо этган эди. 19. Тўпланганларнинг руҳини кўтариш ва уларга чуқурроқ роҳат баағишлаш учун шоҳ Притху уларга ўзининг, шудрингли осмондаги юлдузларга ўхшаган, чиройли кўзлари нигоҳини тикди ва тантана билан гап бошлади. 20. Махараж Притхунинг метафораларга тўла, жозибадор нутқи барчага тушунарли бўлиб, дилларга ором бағишларди. У жуда аниқ ва ишонарли гапирар, барча тўпланганларнинг бахт-саодатини ўйлаб, Мутлак Ҳақиқат ҳақидаги ўз тушунчасини гапираётгани ҳаммага равшан эди.

21. Шоҳ Притху шундай деди: - Эй мажлисининг олийжаноб иштирокчилари, барчангизга омад ёр бўлсин! Эй бу ерга келган буюк зотлар, сизлардан илтижоларимни диққат билан тинглашингизни илтимос қиламан. Чин дилдан Ҳақиқат излаб юрган кишининг вазифаси ўзининг хулосаларини олийжаноб зотлар мажлисига ҳавола қилишдан иборат.

22. Махараж Притху давом этди. - Худои Таолонинг марҳамати билан мен бу сайёранинг шаҳаншоҳи бўлдим ва ўз фуқароларимга ҳукмронлик қилиш, уларни барча хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш, Ведалар кўрсатмаси асосида қурилган жамиятдаги уларнинг тутган ўрнига яраша белгиланган фаолият билан шуғулланиши учун имконият яратиб бериш учун фатво, ваколат олганман.

23. Махараж Притху шундай деди: - Ўйлайманки, шоҳ сифатида ўзимга юклатилган бурчни адо этишим шарофати билан ведалар илмини мукаммал эгаллаган зотлар кўрсатган мақсадга эриша оламан. Агар инсон ҳаётида ҳар бир тирик мавжудотнинг тақдиридан тўла хабардор бўлган Худои Таолони мамнун қила олса шу мақсадларга албатта эришади. 24. Ўз фуқароларини муқаддас китобларнинг варна ва ашрамлари қоидаларида кўрсатилган вазифаларини бажаришга ўргатмайдиган, фақат улардан ҳар хил солиқ ва товонлар ундирадиган шоҳ фуқароларнинг қилган гуноҳлари оқибатидан азобланади. Бунинг устига, шу гуноҳлари учун ўзининг бахти эвазига жавоб беради.

25. Притху Махараж давом этди: - Шу боис, эй азиз фуқаролар, шаҳаншоҳингиз ўлимидан кейин азоб чекмаслиги учун сизлар варна ва ашрам қоидаларида кўрсатилган ўз вазифангизни сидқидилдан бажаришингиз, ва қалбингизда ҳамиша Худои Таоло ҳақида ўйлаб юришингиз лозим. Шунда ўзингиз ҳам роҳатланасиз, шохингизга ҳам хизмат қилиб, унинг ўлимидан кейинги азобларини қамайтирган бўласиз. 26. Барча қалби пок фаришталардан, авлодларимиз(руҳи)дан ва муқаддас авлиёлардан менинг гапларимни тасдиқлашларини илтимос қиламан, чунки, ажалидан кейин инсоннинг қилган ҳар бир ишининг натijasи(оқибати, савоб ёки гуноҳи) шу ишни содир қилган, раҳбарлик қилган ва уни қўллаб қувватлаган одамлар ўртасида тенг бўлинади.

27. Эй ҳурматли фуқаролар, муқаддас китобларнинг ишонарли кўрсатмаларига биноан, ҳозирги фаолиятимиз натижалари билан бизни тақдирлайдиган Олий Хукмдор ҳақиқатан ҳам мавжуд. Акс ҳолда баъзи бировларнинг ҳозирги ҳаётда ҳам ва келгуси ҳаётида ҳам ғайритабиий чиройли ва қудратли бўлиб туғилишларини қандай тушунтириш мумкин? 28-29. Буни фақат Ведалар, муқаддас китоблар эмас, Ману,

Уттанапада, Дхрува, Прияврата ва бобом Анга каби шоҳларнинг, шунингдек бошқа буюк шахс ва оддий одамларнинг, масалан Прахлада ва Бали Махаражларнинг фаолиятлари ҳам тўла тасдиқлайди. Уларнинг барчаси ҳудожўй одамлар бўлган, яъни кўлида гурзи ушлаган Худои Таолога чуқур ишонган одамлар эди. 30. Гарчи отам - ажал тимсолининг невараси Вена сингари жирканч одамлар ҳақиқий диннинг моҳиятини ва максadini тушунмасалар ҳам, мен санаб ўтган буюк шахслар инсонларга руҳий юксалиш, моддий фаровонликка эришиш ва ҳаёт лаззатларидан роҳатланиш, озодликка эришиш ва жаннат сайёраларига эришиш имкониятларини фақат Худои Таолонинг Ўзи ато этиши ҳақида бир хил фикрдалар. 31. Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойига садакат билан хизмат қилиш истаги азоб чекаётган кишилар ақлини кўплаб умрлар давомида тўпланган ғофиллик иллатидан бутунлай поклайди. Парвардигорнинг нилуфар қадамлари бармоқларидан оқётган Ганга сувлари сингари, садоқатли хизмат қилиш жараёни ҳам тирик мавжудотнинг ақлини дарров тозалайди ва у аста-секин Худони англаб, унинг қалбида руҳий онг, яъни Кришна онги ривожлана боради. 32. Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойдан нажот топгач, содиқ нотўғри фикрлар ёки адашишлардан бутунлай халос бўлади ва барча моддий нарсалардан бутунлай воз кечади. Бундай ишга фақат бхакти-йога билан шуғулланиб, руҳий қувватга эга бўлган кишигина қодир бўлади. Бир марта Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойдан нажот топган содиқ уч хил азоб укубатларга тўла бу моддий ҳаётга ҳеч қачон қайтиб келмайди.

33. Махараж Притху ўз фуқароларига шундай насиҳатлар берди: - Сизларнинг ҳар бирингиз Парвардигорга фикру-ҳаёлингизни, нутқингизни, вужудингизни ва қилган барча ишларингиз натижасини бағишлаб, самимий, чин қалбингиздан садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлишингиз лозим. Ўз имкониятингизга яраша белгиланган вазифаларингизни адо этишларингиз ва ҳар қандай шубҳаю-гумонларни бутунлай тарк этиб, тўлиқ ишонч ва чуқур иймон билан Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилишингиз лозим. Шунда сизлар инсон ҳаётининг энг олий максadига албатта эришасиз. 34. Парвардигор - илохий Зот, моддий ғафлат Унга ҳеч қачон таъсир қилмайди. У мужассам бўлган пок руҳдан иборат, шу боис хилма-хил моддий кўринишлар Унга бегона. Аммо, адашган руҳларнинг саодатини ўйлаб, У ҳар хил мантра ва удумлар ёрдамида, моддий анжомлар ишлатилган турли қурбонлик маросимларида қурбон қилинган, ҳадя этилган ҳамма нарсани қабул қилади. Ҳар хил фаришталарга бағишланган бу қурбонликлар уларни ўтказаетган одамнинг ниятини ва максadларига яраша ҳар хил бўлади. 35. Худои Таоло бутун борлиқни қамраб олган, шу билан бирга моддий табиат, замон, белгиланган вазифалар ва ниятларнинг бирикмаси натижасида пайдо бўладиган ҳар хил кўриниш ва шакллардаги моддий таналарда Ўзини намоён этади. Худди, оловнинг табиати ҳамиша бир хил бўлган билан, ёнаётган ўтинларнинг катталиги ва шаклига қараб ҳар хил кўринишда ёниши сингари, онгнинг ривожланиш турлари ҳам ҳар хил бўлади.

36. Худои Таоло - барча қурбонликларнинг эгаси ва уларнинг меваларидан лаззатланадиган ягона Зот, барча тирик мавжудотларнинг олий руҳий устози ҳам -

Унинг Ўзи. Бу сайёрадаги ҳар бирингиз, эй ягона Парвардигорга сиғинадиган фуқароларим, ўз бурчингизни холис бажариш билан менга буюк марҳамат кўрсатган бўласизлар. Шунинг учун, эй фуқаролар, мен сизлардан миннатдорман. 37. Брахман ва вайшнавлар ўзларининг сабр-тоқати, камсукүмлиги, чуқур илми ва маълумоти билан шуҳрат қозонганлар. Ана шу руҳий фазилатлари туфайли улар шох хонадони аъзоларидан ҳам каттароқ қудратга эга. Шунинг учун, ҳукмдорлар брахманлар ва вайшнавларни ҳақорат қилмасликлари, уларнинг олдида моддий қудрати билан гердаймасликлари лозимлиги айтилган. 38. Брахман ва вайшнавларнинг нилуфар қадамлари пойига сиғиниб, Худои Таоло, азалий, энг қадимий ва энг улўввор Парвардигор ўчмас шуҳрат қозонган, ва бу Унинг улўввор фазилатларидан бири бўлган ҳолда бутун коинотни поклайди. 39. Ҳеч кимга боғланмаган ва мутлақо мустақил бўлган, ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам мавжуд Худои Таоло, Ундан ўрнак олиб, брахман ва вайшнавларга хизмат қилишга ўз ҳаётларини бағишлаган одамлардан жуда мамнун бўлади, чунки У ҳамиша брахман ва вайшнавларга, улар эса Парвардигорга ҳамиша азиз, қадрлидир. 40. Брахман ва вайшнавларга бетиним хизмат қилиш билан инсон қалбини моддий ғуборлардан поклайди. Шунда у тўла осойишталикка эришади, моддий боғланишлардан қутулиб, қалбида тўла мамнуният ҳосил қилади. Бу дунёда брахманларга хизмат қилишдан улўвроқ фаолият йўқ, чунки бундай хизматдан одамлар ҳар хил қурбонликлар ўтказиб рози қилишга уриниб юрган фаришталар ҳам мамнун бўлади. 41. Худо Шахси, Ананта, қурбонлик оловига келтирилган ва ҳар хил фаришталарга инъом қилинган ҳамма нарсани қабул қилади, аммо У, инъомларни олов орқали эмас, балки олим донишмандлар ва содиқлар оғзи орқали кўпроқ мамнуният билан қабул қилади, чунки бу иши билан У Ўзининг содиқларидан ажралмайди. 42. Брахманлар маданиятининг қонун-қоидаларига амал қилиб яшайдиган брахманлар ҳамиша илоҳий ҳолатда бўладилар, чунки улар Ведаларнинг муқаддас битикларига тўла ишонадилар, ақлини жиловлай оладилар ва муруқабга билан машғул бўладилар. Шу сифатлари билан улар, худди ойнада ўзининг сиймосини кўриб турганларидек, инсон ҳаётининг ҳақиқий максadini яққол кўра оладилар. 43. Бу ерда тўпланган ҳурматли фуқаролар, ҳамиша, умрининг охириги кунларигача ана шундай брахман ва вайшнавларнинг нилуфар қадамларидан олинган гарди пойини ўз тожимда олиб юриш менга насиб қилишини тилаб дуо қилишларингизни сўрайман. Ана шундай гарду-пойни бошида олиб юрган одам ўзининг аввалги гуноҳлари оқибатларидан тезда халос бўлади ва аста-секин ўзида энг яхши фазилатларни намоён қила бошлайди. 44. Брахманнинг фазилатларига эга бўлган ҳар бир одам, яъни, бенуқсон хулқ-атвори, олийжаноб қалби ягона бойлиги бўлиб, донишманд одамларнинг марҳаматини излаб юрган киши бу дунёнинг барча бойлигининг соҳиби бўлади. Шунинг учун, Парвардигор ва Унинг яқин хизматкорлари ҳамиша брахманлардан, сигирлардан ва Мендан мамнун бўлишини илтижо қиламан.

45. Буюк донишманд Майтрея шундай деди: - Махараж Притхунинг ажойиб нутқини тинглагач, тўпланган барча фаришталар, Питрилока аҳолиси, брахманлар ва муқаддас авлиёлар шохни қўллаб олқишладилар. 46.

Ведаларда айтилишича, путра, яъни муносиб ўғил, отасининг жаннат сайёраларига тушишига ёрдам бера олади, Махараж Притхунинг нутқини тинглаганларнинг барчаси бир овоздан Ведаларнинг ана шу қоидаси бу ерда тасдиқланганини тан олишди, чунки, брахманларнинг қарғиши билан ҳалок бўлган гуноҳкорларнинг энг буюги Вена, ўғли Махараж Притхунинг шарофати билан дўзахнинг энг тубан жойларидан қутқариб олинган эди. 47. Ўзининг гуноҳазимлари дастидан Худои Таолога бўйсунини истамаган ва дўзахнинг энг тубига ташланган Хираньякашипу ҳам шундай бўлган эди. Аммо, ҳатто у ҳам, буюк ўғли Прахлада Махаражнинг шарофати билан дўзах оловидан халос бўлиб, ўзининг мангу уйига - Худонинг даргоҳига қайтган эди.

48. Муқаддас брахманлар Махараж Притхуга шундай сўзлар билан муружаат қилдилар: - Эй жангчилар аълоси, бу сайёранинг отаси, сенга узоқ умр тилаймиз, чунки Сенинг бегуноҳ Парвардигорга, бутун борлик ҳукмдорига бўлган садоқатинг бениҳоядир.

49. Тўпланганлар давом этдилар. - Эй ҳурматли шох Притху, сенинг қалбинг олий даражада покдир, чунки сен брахманларнинг ҳимоячиси бўлган энг шавкатли Парвардигорни олқишляпсан. Бизлар сендек ҳукмдорнинг фуқароси бўлишдай буюк бахтга муяссар бўлдик, чунки сенинг фуқаронг бўлиш - Парвардигорнинг Ўзининг паноҳида бўлиш билан баробардир. 50. Эй ҳурматли ҳукмдор, фуқароларингни бошқариш - сенинг бурчинг. Сендек одам учун бу иш қийин эмас, чунки сен бениҳоя меҳрибонсан ва шунинг учун ҳамиша ўз халқинг саодатини ўйлаб иш қиласан. Сенинг улўвворлигинг ҳам мана шунда.

51. Махараж Притхунинг фуқаролари давом этдилар: - Бугун сен кўзларимиздан ғафлат пардасини кўтардинг ва бу ғафлат уммонини қандай кечиб ўтиш йўлини кўрсатдинг. Олдинги қилган ишларимиз ва олий кучлар амри билан бизлар ўз қилмишларимиз(қарма) тузоғига илиниб қолган, ва ҳаётда инсон бўлиб яшашдан мақсад нима эканини унутиб, бу коинотда саргардон бўлиб юрган эдик. 52. Эй ҳурматли ҳукмдор, ўзининг табиий, азалий руҳ ҳолатингда, соф эзгулик гунаси таъсирида бўла туриб, сен Парвардигорнинг комил вақилисан. Жасоратинг билан бутун дунёга машхурсан, бутун оламнинг таянчисан, чунки брахманлик маданиятини ҳимоя қилиб, қшатрийларнинг бурчи тақозо қилганидай барча мавжудотларни ишончли ҳимоя қиялпсан.

Йигирма иккинчи боб Махараж Притхунинг тўрт Кумар билан учрашгани

1. Буюк донишманд Майтрея шундай деди: - Шох Притхунинг фуқаролари қудратли ҳукмдорларига дуоилтижолар қилиб турганларида қурбонлик майдончасида қуёшдек порлаб тўрт Кумар пайдо бўлди. 2. Улардан таралаётган кўзни камаштиргудай ёғдуни кўриб, шох ва унинг ҳамроҳлари бу ерга осмондан сеҳр қудратининг эгалари бўлган тўрт Кумар тушиб келаётганини тушундилар. 3. Тўрт Кумарни кўриб, Махараж Притху уларни муносиб кутиб олиш маросимини ўтказишга қарор қилди. Шу боис шох ва унинг барча ҳамроҳлари, худди,

туткунликдаги жонзотлар моддий табиат гуналарига шошилганидай, сакраб ўрнидан турдилар. 4. Шоҳ уларни шастраларнинг барча кўрсатмаларига амал қилиб қабул қилди, шоҳ қабулига жавоб бериб, улар кўрсатилган жойга ўтирдилар. Донишмандларнинг улуғворлигидан ҳайратга тушган шоҳ, эҳтиром билан уларнинг оёғига йиқилди. 5. Кейин шоҳ Кумарлар оёғини ювган сувни олиб, бошига сепди. Кумарларни шундай эҳтиром билан қарши олиб, шоҳ бошқаларга руҳий баркамолликка эришган одамларни қандай кутиб олиш лозимлигини кўрсатди. 6. Тангри Шиванинг акалари бўлган тўрт буюк донишманднинг олтин тахтада савлат тўкиб ўтиришлари қурбонлик эҳромида ловуллаб ёнаётган оловга ўхшаб кетарди.

7. Шоҳ Притху шундай деди: - Эй буюк донишмандлар, сизлар эзгулик тимсолисизлар, ҳатто сеҳргар-йоглар ҳам сизларни учратиши жуда мушкул. Ҳақиқатан ҳам бундай имконият камдан кам учрайди. Ҳеч қандай ҳаракат қилмасам ҳам, марҳамат кўрсатиб, менга сизларни кўриш имкониятини берганингизга қайси бир савоб ишларим сабаб бўлганини билмайман. 8. Брахманлар ва вайшнавларни мамнун қилган киши ҳаётда ҳамма нарсага эриша олади. У ҳатто, бу ҳаётида ва ўлимидан кейинги ҳаётида ҳам камдан-кам одамга насиб қиладиган бахт-саодатларга эриша олади. Ҳақиқатан ҳам, у ҳамма ерда брахманлар ва вайшнавларга ҳамроҳ бўлиб юрадиган саодатманд Тангри Шива ва Тангри Вишнуларнинг марҳаматига сазовор бўлади.

9. Притху Махараж давом этди: - Сизлар коинотнинг барча сайёралари бўйлаб сайр қилиб юрасизлар, аммо одамлар, ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам мавжуд бўлиб, ўзларининг барча ҳатти-ҳаракатларини кузатиб турган Олий Рухни кўрмаганлари сингари, улар сизларни ҳам кўра олмайдилар. Ҳатто Тангри Браҳма ва Тангри Шива ҳам Олий Рухни англаб етишга қодир эмас. 10. Уйига авлиё одамлар келиб турадиган киши, гарчи оиласига боғланиб қолган ва камбағал бўлса ҳам, ўзининг мартабаси билан фахрланса арзийди. Оила бошлиғи ва унинг хизматкорлари улуғвор меҳмонларни муносиб кутиб олиб, фахрли жойга ўтказиб, уларга сув таклиф қиладилар. Шундай хонадонга ўз-ўзидан муносиб шон-шухрат келади. 11. Аксинча, бой-бадавлат ва моддий жиҳатдан фаровон яшаб туриб, хонадон эгаси уйига Худонинг содиқ хизматкорларини киритмаса, ҳатто содиқларнинг оёқларини ювишга сув ҳам топилмайдиган бундай хонадон, қовагида заҳарли илон ўрнашиб олган дарахтга ўхшайди.

12. Тўрт Кумарни кутиб олар экан, Махараж Притху уларни энг яхши брахманлар деб атади: - Туғилгандан бошлаб сизлар уйланмасликка қасам ичгансизлар, - деди у, - гарчи озодликка чиқиш йўлини неча йиллардан бери излаб юрган бўлсангиз ҳам, сизлар ҳаммиша кичкина болалардай кўринасизлар.

13. Махараж Притху донишмандлардан, олдинги ҳаётларида қилган гуноҳлари оқибатида бу моддий дунёнинг азоб-уқубатларига дучор бўлиб қолганларнинг қисмати ҳақида сўради: - Ҳаётда фақат ҳиссий лаззатларга интиладиган шундай одамлар қачон бўлса ҳам ҳақиқий бахтга эриша оладиларми?

14. Махараж Притху давом этди: - Эй ҳурматли зотлар, "бахтлимисизлар?" - деб сизларга савол бериш - бемаъни гап бўлади, чунки сизлар ҳаммиша руҳий лаззат оғушида юрасизлар. Моддий ақл ўйлаб чиқарган "бахт"

ва "бахтсизлик" деган тушунчалар сизлар учун бегона. 15. Аминманки, сиз каби шахслар моддий тирикчилик оловида ёнаётган одамларнинг ҳақиқий дўстларидир. Шунинг учун, мен сизлардан бир нарсани билиб олмоқчиман: моддий дунёда яшаб туриб, инсон ҳаётининг энг олий мақсадига қандай эришса бўлади? 16. Худои Таоло ҳаммиша, Ўзининг ажралмас заррачалари бўлган тирик мавжудотларнинг руҳий юксалиши ҳақида қайғуради. Уларнинг бахт-саодати учунгина У, сизлар сингари ўзлигини англаган зотлар қиёфасида, бутун олам бўйлаб сайр қилиб юради.

17. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Махараж Притхунинг маъноли, ўринли, ёқимли ва доно гапларини тинглаб, буюк донишмандлар сардори Санат-Кумар мамнун бўлиб жилмайди ва гап бошлади.

18. Санат-Кумар шундай деди: - Эй шоҳ, сен менга жуда ажойиб савол бердинг. Бундай саволлар, айниқса уларни айнан сен бераётганинг учун, барча тирик мавжудотларга саодат келтиради, чунки сен ҳамиша бошқаларнинг саодатини ўйлайсан. Гарчи ўзингга ҳамма нарса аён бўлса ҳам, сен бу саволларни бизларга беряпсан, ваҳоланки барча муқаддас авлиёлар шундай қиладилар. Сенинг бундай оқилона ҳаракатинг мартабанга тўла мос келади. 19. Содиқларнинг ўзаро суҳбатлари, савол ва жавоблари, гапираётганга ҳам, тинглаётганларга ҳам аниқ хулосалар қилиш имконини беради. Бундай учрашувлар иштирок этаётганларнинг ҳаммасига ҳақиқий бахтга эришишда ёрдам беради. 20. Санат-Кумар давом этди: - Ҳурматли шоҳ, сенда Худонинг Олий Шахсининг нилуфар қадамлари пойини шарафлашга мойиллик, иштиёқ, интилиш бор. Ана шундай иштиёқни ривожлантириш жуда мушкул, аммо, киши Парвардигорга ҳақиқий иймон келтирганида(аниқ ишонганида), унинг қалби эҳтирос иллатидан дарров покланади. 21. Бу муаммони батафсил таҳлил қилиб, муқаддас китоблар шундай хулосага келганлар: Мангу бахт йўлида одамлар интилиши лозим бўлган энг олий мақсад - ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлардан воз кечиш ва ўзида моддий табиат гуналарига нисбатан илоҳий бўлган Худои Таолога нисбатан мустаҳкам, ҳаммиша кучайиб борувчи боғланишни ривожлантиришдан иборат. 22. Ўзида Парвардигорга бўлган боғланишни кучайтириш учун садоқатли холис хизмат қилиш билан шуғулланиш, Парвардигор ҳақида мукамал илмга эга бўлган содиқларга Худонинг Олий Шахси ҳақида саволлар бериш, бхакти-йога қоидаларига амал қилиш, Худонинг Олий Шахси, Йогешварага сажда қилиш, шунингдек Парвардигорни шарафловчи ҳикояларни тинглаш ва бошқаларга гапириб бериш лозим. Бу ишларнинг ҳаммаси табиатан олийжаноб, эзгу, савоб ишлардир. 23. Ҳаётда содиқнинг руҳий юксалишига ҳеч нарса ҳалақит бермаслиги учун, у фақат ҳиссий лаззатланиш ва мол-дунёга боғланиб қолган кишилар билан ҳамсуҳбат бўлмаслиги керак. Ҳатто ундай одамлар билан ҳамсуҳбат бўладиганлардан ҳам узокрок юриши керак. Содиқ ўз ҳаётини шундай яшаши керакки, ҳатто унинг бир қуни ҳам Худонинг Олий Шахси, Харини, Парвардигорни шарафловчи лаззатли ҳикояларсиз ўтмасин. Бошқача қилиб айтганда, руҳий юксалиш фақат ҳиссий лаззатланишдан ҳазар қиладиган, жирканадиган одамларга насиб этади. 24. Рухий камолотга эришишга интилаётган киши бирор тирик мавжудотга озор бермаслиги керак. У буюк устозлар изидан бориши, Худо Шахси ҳақидаги лаззатли

ҳикояларни ҳамиша эслаб юриши, ҳеч қандай моддий манфаат таъма қилмасдан, белгиланган қоидаларга амал қилиши ва ҳеч қачон ҳақоратли гапларни гапирмаслиги керак. Содик оддий яшаши, моддий дунёнинг қарама-қаршиликларига дуч келганда безовта бўлмаслиги, бу дунёда дуч келадиган ҳар қандай қийинчиликларга сабр-тоқат билан бардош бериши керак. 25. Садоқатли холис хизмат қилишда камолотга эришиш учун Худо Шахсининг илоҳий сифатлари ҳақидаги ҳикояларни ҳамиша тинглаб юриши лозим. Бундай ҳикоялар содиқлар қулоғидаги қимматбаҳо сирғаларга ўхшайди. Парвардигорга садоқатли хизмат қилиш билан машғул бўлиб юрган киши, моддий табиат гуналари таъсирига берилмайди ва Худо Шахсида мужассам бўлишдай илоҳий даражага осонлик билан эришади. 26. Инсон қалбида жойлашган ва беш унсур билан қопланган рух, руҳий устознинг марҳамати ва қалбида уйғонган илм ва таркидунёлик шарофати билан Худои Таолога қаттиқ боғланиш ҳосил қилганида, ўтиндан чиққан олов шу ўтиннинг ўзини ёндириб йўқ қилгани сингари, рух ўзининг моддий таналарини ёқиб юборади. 27. Инсон моддий орзу-ҳавасларининг барчасидан бутунлай халос бўлиб, моддий гуналар таъсиридан озод бўлганида, унинг ташқи ва ички фаолияти орасидаги фарқ йўқ бўлиб кетади. Ана шу вақтда, алоҳида рух ва Олий Рух орасидаги, рух ўзини англагунга қадар мажуд бўлган чегара йўқолиб кетади. Одам уйқудан турганида, ўзи билан кўрган туши орасидаги фарқ ҳам ана шундай йўқолади. 28. Алоҳида рух(жонзот) ўзининг (нафсини)ҳиссиётини лаззатлантиришга интиланганида, унда ҳар хил моддий истаклар пайдо бўлади, натижада у ўзини аслида ҳақиқий ўзлиги бўлмаган нарсаларга қиёслаб бошлайди. Аммо, илоҳий ҳолатга эришган одамнинг Худонинг хоҳишини бажаришдан ўзга ҳеч қандай истаги қолмайди. 29. Инсон фақат ҳар хил ташқи сабаблар оқибатидагина ўзи ва бошқалар орасида фарқ кўради. Бу фарқ, одамнинг сувдаги, ёғдаги ва ойнада кўринган акс тасвирлари орасидаги фарққа ўхшайди. 30. Инсоннинг (нафси)ақли ва ҳиссиёти лаззат излаб, лаззат берувчи нарсаларга интиланганида, унинг ақли тугёнга келади. Ҳамиша лаззат келтирадиган нарсалар ҳақида ўйлаб юрадиган одам ўзининг ҳақиқий онгини умуман йўқотиб қўяди. Кўлмакда қалин ўсаётган баланд ўтлар ҳам, худди шундай, кўлмакнинг сувини бутунлай қуритади. 31. Ўзининг азалий онгидан айрилиб, моддий тутқунликка тушиб қолган рух, аввал ким бўлганини ҳам есидан чиқаради, ҳатто ўзининг ҳозирги ҳолатини ҳам англай олмай қолади. Хотира йўқолганда эса, рухнинг ўрганаётган барча билимлари, сохта тасаввурларга асосланган бўлади. Ана шундай ҳолатга тушган рухни олим донишмандлар ўлган рух, ўлган одам деб ҳисоблайдилар. 32. Ҳаётда энг олий мақсадга эришиш йўлига кирган инсонга ҳеч нарса, "ўзликнинг ҳақиқий табиатини англашдан ҳам лаззатлироқ нарсалар мавжуд", деган фикрдан каттарок зарар бера олмайди.

33. Агар жамиятдаги аксарият одамлар фақат кўпроқ мол-дунё тўплаш, кейин уларни ҳиссий лаззатларга сарфлаш ҳақида ўйласа, бундай жамият ўзига катта зарар етказиши мумкин. Илмдан маҳрум бўлган ва Худога садоқатли холис хизмат қилиш билан шуғулланмайдиган киши кейинги ҳаётида дарахт ёки тошга айланади. 34. Ҳақиқатан ҳам ғафлат уммонини кечиб ўтишга интилаётган фаросатли киши, ғафлат гу-

наси таъсири остидан чиқиши лозим, чунки, лаззатланиш истаги - ҳақиқий дин қоидаларига амал қилиб, такводорликка эришиш(дхарма), ўзининг моддий фаровонлигини ошириш(артха), қонун чегарасида моддий ҳаётдан лаззатланиш(кама) ва ниҳоят оздликка эришиш(мокша)ни ҳаётининг олий мақсади қилиб олган инсоннинг руҳий юксалиш йўлида энг катта тўсиқ бўлади.

35. Қуйидаги тўрт мақсад: диндорлик(дхарма), моддий фаровонлик(артха), ҳиссий лаззатлар(кама) ва оздликка эришиш(мокша)лар ичида оздликка эришиш(мокша)га жуда катта аҳамият бериш лозим, чунки, табиатнинг бешафқат қонуни бўлган ажал, қолган уч соҳада эришган барча натижаларнинг ҳаммасидан сизни бир зумда маҳрум қилади. 36. Юқорида мартабага эришгач, эришган ҳолатимизни ўзимиздан пастроқ одамлар билан таққослаб, ўзимизни ҳаётда бахтлигимиз деб ҳисоблаймиз, аммо, юқори ҳолат пастдан, паст ҳолат юқоридан фақат моддий табиат гуналарининг ўзаро фаолияти натижасидагина фарқ қилади. Мавжудликнинг бундай ҳолатларидан ҳеч қайсиси мангу эмас, чунки, эртами-кечми буларнинг ҳаммаси олий ҳукмдор томонидан яқсон қилинади.

37. Санат-Кумар шоҳга шундай маслаҳат берди: - Шунинг учун эй шоҳ, сен ҳар бир алоҳида рух(жон) билан бирга, хоҳ кўзгалувчан бўлсин, хоҳ кўзгалмас бўлсин, ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам мавжуд бўлган Худои Таолони англаб етишга ҳаракат қил. Ҳар бир алоҳида жонзот(рух) ҳаёт нафаси ва ақлидрокдан таркиб топган кўпол ва нафис тана қопламлари билан ўралган. 38. Худои Таоло моддий тана ичида шу танани шакллантирган сабаб ва оқибатларнинг тимсолини намоён қилади, аммо, мукамал фикрлашлар ёрдамида алдамчи қувват таъсири остида чиқа олган ва илонни арқон деб қабул қилишни бас қилган киши Параматманинг бу моддий мавжудликка нисбатан ҳамиша илоҳий эканини, Унинг соф ички қувват чегарасида мангу қолишини тушунади. Бошқача қилиб айтганда, Худои Таоло моддийликнинг ҳар қандай кўринишига нисбатан илоҳийдир. Инсон Унга ва фақат Унгагина ўз ихтиёрини бутунлай топшириши лозим. 39. Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи бармоқларига бетиним хизмат қилиб юрган солиҳ инсонлар кармали фаолият билан боғлиқ бўлган ҳар хил орзу-истакларнинг чигал тугунини осонлик билан кесиб ташлайдилар. Худога хизмат қилиш билан шуғулланмайдиган, гъяни ва йоғларга келсак, улар гарчи моддий истаклар оқимини тўхтатишга ҳаракат қилсалар ҳам, бунинг уддасидан чиқолмайдилар ва уларнинг барча уринишлари бекор кетаверади. Шунинг учун бизларнинг насиҳатларимизга тўла амал қил ва Васудеванинг ўғли Қришнага хизмат қилиш билан бутунлай машғул бўл. 40. Йиртқич ақулалар тўлиб ётган ғофиллик уммонини кечиб ўтиш жуда мушкул иш. Шу уммондан ўтиб олиш учун, содиқ бўлмаган кишилар ўзларини қаттиқ риёзатларга мубтало қиладилар, биз эса сенга, ҳар кимни моддий ҳаёт уммонидан олиб ўтишга тайёр турган кема сингари, ҳамиша тайёр турадиган Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топишингни маслаҳат берамиз. Бу уммонни кечиб ўтиш қанчалик қийин бўлмасин, агар сен Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топа олсанг, барча қийинчиликларни бемалол енгиб ўта олсан.

41. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Браҳманинг ўгли, илоҳий илм соҳиби бўлган Кумарлардан бири шохга руҳий илм сирларини очгандан сўнг, шох бу тўрт Кумарга чуқур ҳурмат-эҳтиром билдириб гапира бошлади.

42. Шох шундай деди: - Эй қудратли браҳман, бир вақтлар Парвардигор Вишну хонадонимга сизларнинг ташриф буюришингизни башорат қилиб, Ўзининг бесабаб марҳаматини кўрсатган эди. Мана сизлар Худонинг амрини бажариш учун бу ерга келдинглар. 43. Эй азиз браҳман, сен Парвардигорнинг амрини мукамал адо этдинг, чунки сен худди Унинг Ўзи сингари меҳршафқатлисан. Шу боис мен сенга нимадир инъом қилишим керак, аммо менда бор нарсаларнинг ҳаммаси - буюк авлиёлар еганидан қолган муқаддас саркит(прасад)лардир. Мен сизларга нима инъом қилсам экан?

44. Шох давом этди: - Азиз браҳманлар, менинг ҳаётим, хотиним, уйим, жихозларим, салтанатим, қудратим, ер-мулким ва энг аввало менинг қимматбаҳо хазинам - буларнинг барчаси ҳозирдан эътиборан сизларники. 45. Олий лашкарбошилиқ лавозимини эгаллашга, салтанатни бошқаришга, жинойтчиларни биринчи бўлиб жазолашга ва бутун бир сайёрага ҳукмронлик қилишга фақат Ведалар илмини охиригача англаб етган одамнинг ҳаққи бор бўлгани учун, Махараж Притху ўзида бор нарсаларнинг барчасини тўрт Кумарга инъом этди. 46. Кшатрийлар, вайшьялар ва шудралар фақат браҳманларнинг марҳамати туфайлигина ҳаётда ўз насибаларидан баҳраманд бўладилар. Фақат браҳманларгина ўзлари эга бўлган нарсалар билан лаззатланидилар, бор нарсаларини қиядилаар, ўз нарсаларидан бошқаларга эҳсон қиладилар.

47. Притху Махараж давом этди: - Тўла иймон билан, Ведаларнинг гувоҳлигига асосланиб, инсонларга ўзларининг руҳий табиатини англаб етишига йўл кўрсатадиган, уларга ўзларининг Худонинг Олий Шаҳси билан муносабатларини англашларига ёрдам берадиган ва илоҳий илмдан таълим берадиган кишилар олдида биз барчамиз ҳамиша қарздормиз. Бизлар уларга ўз ховучларимизда сув таклиф қилиб, ўз миннатдорлигимизни изҳор этишимиз лозим. Шундай буюк инсонлар, фақат ўзларининг бесабаб марҳамати билан, барча одамларнинг саодати йўлида кўрсатаётган фаолиятларидангина ҳақиқий лаззат топадилар.

48. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Тўрт Кумар, садоқатли хизмат қилишнинг усталари ва буюк устозлар Махараж Притхунинг ўзларига кўрсатган ҳурмат-эҳтиромларидан жуда мамнун бўлдилар. Ҳамманинг кўзи олдида улар ҳавога кўтарилиб шохнинг олийжаноблигини шарафладилар. 49. Махараж Притху буюкларнинг буюғи эди, чунки у оламнинг руҳий моҳиятини англаб етишга бутунлай берилган зот эди. У руҳий илмга эга бўлган ҳар бир одамга маълум бўлган илоҳий лаззат оғушида яшарди. 50. Қалбидан лаззатланиш билан бирга Махараж Притху замон ва макон шароитини, ўзининг қуввати ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, шохлик вазифасини ҳам бенуксон адо этарди. Унинг ҳаётдаги ягона максади - Мутлақ Ҳақиқатни ўзидан мамнун қилиш эди. У ўзининг шохлик вазифасини виждонан бажариш билан яшарди. 51. Махараж Притху моддий оламга нисбатан илоҳий бўлган Худои Таолога хизмат қилишга ўзининг ҳаётини бутунлай бағишлаган эди. Шу боис ўзининг ҳамма иш-

ларининг маҳсулини Парвардигорга бағишлаб, ҳамиша ўзини бутун борлиқнинг ҳукмдори бўлган Худо Шаҳсининг хизматкори деб ҳисобларди. 52. Салтанати гуллаб-яшнаётган Махараж Притху оилавий ҳаёт кечирарди. Лекин, ҳеч қачон унда ўз бойлигидан шахсий ҳиссиёти(нафси)нинг талабларини қондириш истағи пайдо бўлмаган, шу боис, у худди, ҳеч нарса ифлослай олмайдиган куёшга ўхшаб, ҳар қандай боғланишлардан бутунлай озод эди. 53. Озод руҳ бўлган ҳолда Парвардигорга хизмат қилиб, Махараж Притху ҳар хил фаолият билан машғул бўлиш билан бирга, хотини Арчадан беш фарзанд кўрди. Унинг барча фарзандлари айнан унинг ўзи истаган сифатларга эга эди.

54. Беш фарзанд: Виджиташва, Дхумракеша, Харьякша, Дравина ва Врикага ота бўлгандан кейин ҳам Притху Махараж сайёрага ҳукмдорлик қилишда давом этди. У коинотнинг бошқа сайёраларини бошқараётган барча фаришталарнинг сифатларига эга эди. 55. Худо Олий Шаҳсининг улуғвор содиқ хизматкори сифатида Махараж Притху ўз фуқароларининг барча истақларини рўёбга чиқариш ниятида Худонинг мулкани ҳар томонлама асрашга ҳаракат қиларди. Шунинг учун сўзлари, фикрлари, ишлари ва мулоим муносабати билан, у фуқароларини ўзидан мамнун қилишга ҳаравкат қиларди. 56. Махараж Притху Ойнинг ҳукмдори Сом-Раджа сингари катта шухрат қозонди ва худди коинотнинг барча сайёраларини иссиқлик ва ёруғлик билан таъминлаш билан бирга, улардаги барча намликни тортиб оладиган Куёш сингари, қудратли ва қаттиққўл эди. 57. Махараж Притху шу қадар кучли ва қудратли эдики, худди оловни енгилнинг иложи бўлмагандай, унинг берган буйруқларидан ҳам бош тортишнинг ҳеч қандай иложи йўқ эди. Унинг қудрати шу қадар кучли эдики, одамлар уни енгилмас қудратга эга осмон шоҳи Индрага қиёслардилар. Шу билан бирга Махараж Притху Ер сингари сабр-бардошли, Осмон сингари, ўз фуқароларининг барча истақларини бажо келтирарди. 58. Махараж Притху барча тирик мавжудотларнинг истағини бажарувчи ёмғир сингари барча фуқароларини мамнун қила оларди. Фикрларининг чуқурлиги билан у денгизга, ўз матонати билан тоғлар шоҳи Меруга ўхшарди. 59. Заковати ва билимдонлиги билан Махараж Притху ўлим фариштаси Ямараждан қолишмасди. У бағрида қимматбаҳо тошлар ва қазилма бойликларнинг чексиз заҳираларини сақлаб ётган Ҳимолай тоғларидек бадавлат эди. Махараж Притхунинг хазинаси жаннат салтанатининг хазинабони Кувларнинг хазинасидан кам эмасди. Унинг сирасорларини англаб етиш худди фаришта Варунанинг сирини билиш сингари иложсиз эди. 60. Ўзининг жисмоний қуввати ва ҳиссиётларининг кучи билан Махараж Притху, қудрати чегара билмайдиган шамол билан беллаша оларди, ўзининг бўйсунмаслиги билан у қудратли Рудрадан, Тангри Шива ёки Садашиванинг кўринишидан қолишмасди. 61. У муҳаббат фариштасидай гўзал, арслон сингари чуқур мулоҳазали эди. У Сваямбхува Ману сингари меҳрибон ота ва Тангри Браҳма сингари буюк ҳукмдор эди. 62. Ўзининг қундалиқ ҳаётида Махараж Притху барчага эзгуликдан ўрناق кўрсатарди, ҳар қандай руҳий масалаларни у Брихаспатидан қолишмай ҳал қила оларди, ўзини тута билишда у Парвардигорнинг Ўзидан қолишмасди. Худого садоқатли ҳолис хизмат қилиш билан шуғулланиб, у ҳамиша сигирларга ғамхўрлик қилиб, руҳий устозига ва

брахманларга хизмат қиладиган Худонинг содиқ хизматкорлари изидан борарди. У ниҳоятда камтарин ва самимиятли эди, у савоб ишларни худди ўзи учун қилаётгандай пухта бажарарди.

63. Махараж Притхунинг шуҳрати бутун коинотга таралган, унинг улуғворлиги ҳақида олий, ўрта ва куйи сайёралар тизимининг аҳолиси ҳам биларди. Барча аёллар ва муқаддас авлиёлар унинг ишлари ҳақидаги ҳикояларни Парвардигор Рамачандранинг кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглагандай завқ билан тинглар эдилар.

Йигирма учинчи боб Махараж Притхунинг Худонинг даргоҳига қайтиши

1-3. Ҳаётининг сўнги босқичида, кексалик даври яқинлашаётганини сезган буюк зот, бутун олам шаҳаншоҳи Махараж Притху тўплаган молу-дунёсини барча кўзгалмас ва кўзгалувчан тирик мавжудотларга бўлиб берди. Диний қонун-қоидалар асосида барча фуқароларининг эҳтиёжларини етарли таъминлагандан сўнг, Худонинг кўрсатмаларига тўла риоя қилиб, ўғилларига кизи ўрнида кўрадиган Ерга хамиша ғамхўрлик қилишни васият қилди. Шундан кейин шохдан жудо бўлаётганидан йиғлашига оз қолган фуқароларини тарк этиб, хотини билан бирга риёзат чекиш учун ўрмонга жўнади. 4. Уйини тарк этган Махараж Притху таркидунёлик ҳаётининг барча амалларига қатъий риоя қила бошлади, ўрмонда кун кечириб, қаттиқ риёзатга берилди. У бу ишга худди аввал салтанатни бошқарган ёки дунёни забт этган пайтдагидай тиришқоқлик ва шижоат билан жиддий киришди.

5. Тапо-ванада яшар экан, Махараж Притху баъзан дарахт пўстлоғи ва илдизи билан, баъзан мева ва куриган барглар билан озиқланар, баъзида бир неча ҳафталаб ҳеч нарса емай, фақат сув ичиб юрарди. Ниҳоят у ҳеч нарса емай кўйди ва фақат ҳаво билан озиқлана бошлади. 6. Ўрмонда яшаш қоидаларига амал қилиб, буюк донишмандлар ва мунилар изидан бориб, Махараж Притху ёзининг жазирама иссиғида атрофини беш гулхан билан ўрар, ёмғир палласида ёмғир сувлари остида турар, қишнинг совуғида бўйнигача муздай сувга кириб турарди, тақир ерда ухларди. 7. Махараж Притху ҳиссиётини ва нутқини жиловлаш, уруғини асраб, танасидаги ҳаёт нафаси оқимини бошқариш учун қаттиқ риёзатларга берилган эди. Буларнинг ҳаммасини у ягона мақсад - Парвардигор Кришнани ўзидан мамнун қилиш йўлида қиларди.

8. Қаттиқ риёзатлар натижасида Махараж Притху руҳий баркамолликка эришди ва барча моддий истаклардан бутунлай халос бўлди. Ақли ва ҳиссиётини жиловлаб олиш учун у нафас олиш машқларини бажарди, ниятига эришгач, кармали фаолиятга бўлган барча истаклари ғойиб бўлди. 9. Инсонларнинг аълоси Махараж Притху, шу тарзда руҳий ўзлигини англашнинг Санат Кумар кўрсатган йўлидан борар, бошқача қилиб айтганда, у Худо Шахсига, Кришнага сиғинарди.

10. Шундай қилиб, Махараж Притху бҳакти-йога қонун-қоидаларига тўла амал қилган ҳолда Парвардигорга бетиним садоқатли хизмат қилиш билан ҳаётини бутунлай Парвардигор ихтиёрига топширди. Натижада

у қалбида Худо Шахси, Парвардигор Кришнага нисбатан чукур мухаббат ҳиссини ривожлантирди ва унинг садоқат билан хизмат қилиши мустаҳкам ва ўзлуксиз ҳолатга эришди. 11. Ҳамиша садоқатли хизмат қилиш билан машғул бўлиб, Махараж Притху ақлини поклаб, руҳий ҳолатга етказди, натижада у хамиша Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи ҳақида йўлаб юришга эришди. Бу ҳолат унга қалбини барча шубҳалардан озод этувчи таркидунёлик ва мукаммал илмга эга бўлиш имкониятини берди. У шундай қилиб сохта ўзликдан ва ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлардан бутунлай озод бўлди. 12. Ҳаёт ҳақида тана нуқтаи-назаридан тасаввур қилишдан бутунлай халос бўлган Махараж Притху Параматма киёфасида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам мавжуд бўлган Худои Таолога, Парвардигор Кришнага эришди. Ундан насихат олиб, йога ва гьяна билан шуғулланишни ҳам тарк этди. У йога ва гьяна соҳасида мукаммалликка эришиш учун интилмасди, чунки, Кришнага садоқат билан ҳолис хизмат қилиш - ҳаётнинг энг олий мақсади эканини, йог ва гьяналар, то қалбларида кришна-катха (Кришна ҳақидаги ҳикоялар)га қизиқиш уйғотганларига қадар, ҳаёт, борлиқ ҳақидаги сохта, алдамчи тасаввурлардан кутула олмаслигини тўла тушуниб етди.

13. Махараж Притхунинг танасини тарк этиш пайти келганида, у бутун фикру-ҳаёлини Кришнанинг нилуфар қадамлари пойида мужассам қилди. Шу тарзда брахма-бҳута ҳолатига кириб, моддий танасини тарк этди. 14. Махараж Притху йога ҳолатларидан бирида ўтириб, товонлари билан орқа тешигини бекитди, ўнг ва чап куймичини босиб, аста секин танасидаги ҳаёт нафасини юқорига кўтара бошлади. Ҳаёт нафасини аввал киндигига, кейин юрагига, ва ниҳоят бошига чиқариб, қошлари ўртасида тўхтатди. 15. Кейин аста-секин ҳаёт нафасини бош суягидаги тешикка чиқарди, натижада моддий ҳаётга бўлган боғланишдан бутунлай халос бўлди. У аста-секин ҳаёт нафасини ҳаво билан, танасини ер билан, танасидаги оловни олов билан кўшди. 16. Кейин, тананинг ҳар бир аъзосининг ҳолатига қараб, Махараж Притху ҳиссий аъзоларининг тешикларини эфир билан, танасидаги суяқликни эса, сув қатлами билан кўшди. Ундан кейин у ерни сувга, сувни оловга, оловни ҳавога, ҳавони эфирга ва ҳоказо кўша борди. 17. У ақлини ҳиссиёти билан, ҳиссиётини эса муайян ҳис қилинадиган нарсалар билан, моддий эгоси(сохта ўзлиги)ни - моддий қувватлар мажмуаси, махат-таттва билан бириктирди. 18. Кейин Махараж Притху тирик мавжудотда мужассам бўлган "сохта ўзлиги"ни алдамчи қувватнинг олий ҳукмдорига қурбон қилди. Тирик мавжудотни қамраб олган ҳар қандай сохта ўзликдан халос бўлиб, илм ва таркидунёлик, шунингдек садоқатли хизмат қилишнинг руҳий қудрати шарофати билан, у моддий тутқунликдан бутунлай халос бўлди. Шу тарзда ўзининг азалий асл ҳолатига қайтиб, яъни тўла Кришна онгида мужассам бўлиб, ҳиссиётларига ҳақиқий хўжайин зотга муносиб ҳолда моддий танасини тарк этди.

19. Махараж Притхунинг хотини, малика Арчи, эри билан бирга ўрмонга йўл олган эди. Бутун умрини саройда ўтказгани туфайли жуда нозиклиги сабали ўрмонда яшашга умуман тайёр эмасди, лекин шунга қарамай, у ўз ихтиёри билан нилуфар қадамлари билан тақир ерга қадам ташлади. 20. Ҳаёт қийинчиликларини енгишга кўникмаган бўлса ҳам, малика Арчи, ўрмонда

буюк донишмандлар амал қиладиган қонун-қоидаларнинг барчасига эри билан барабар амал қилиб яшади. У қуруқ ерда ётиб, фақат мевалар, гуллар ва барглар билан озиқлангани туфайли, унинг бундай қийинчиликларга ўрганмаган танаси ориқлаб, кўримсиз холга келиб қолди. Аммо, эрига хизмат қилиш маликага шундай лаззат бағишлардики, у ҳеч қандай қийинчиликларни сезмасди. 21. Кунларнинг бирида ўзига ва Ерга жуда меҳрибон бўлган эрида ҳеч қандай ҳаёт аломатлари сезилмаётганини кўриб, малика Арчи бироз қайғуга берилди, кейин тоғ тепасида дафн гулханини тайёрлаб, унга эрининг танасини кўйди. 22. Кейин малика қурбонлик сифатида оловга сув таклиф қилиб, дафн маросимини ўтказди. Дарёда чўмилиб поклангандан сўнг, коинотнинг турли сайёраларида яшаётган фаришталарга эҳтиром кўрсатди. Кейин, гулхан атрофини айланиб ўтиб, эрининг нилуфар қадамлари пойини ўйлаб, олов ичига дадил кирди. 23. Шоҳ Притхунинг садоқатли хотини, оқила аёл Арчининг кўрсатган бу жасоратига гувоҳ бўлиб турган минглаб фаришталарнинг рафиқалари эрлари билан бирга, ундан мамнун бўлиб, маликага дуои-фотиҳалар қилдилар.

24. Шу пайтда Мандара тоғининг чўққисидан бўлган фаришталарнинг хотинлари дафн гулханига гуллар ёғдириб, ўзаро гапириша бошладилар.

25. Фаришталарнинг аёллари шундай дедилар: - Малика Арчига шон-шарафлар бўлсин! Худди равнақ фариштаси Худо Шахси Ягъешага, ёки Вишнуга хизмат қилганидай, Ер сайёрасининг ҳукмдори буюк шоҳ Махараж Притхунинг рафиқаси бўлган бу аёл ҳам, ақли, нутқи ва танаси билан эрига садоқат билан хизмат қилди. 26. Қаранг, саодатли фаолияти, эзгу ҳаёти туфайли ҳатто ҳозир ҳам у эри эришган мартабага эришяпти. 27. Моддий дунёда ҳар бир одамнинг умри жуда қисқа, аммо, умрини Худого садоқатли хизмат қилишга бағишлаган кишилар уйига, Худонинг даргоҳига қайтадилар, чунки улар бутунлай озодликка олиб чиқадиган йўлдан боряптилар. Оламда ундай одамлар эриша олмайдиган орзу йўқ. 28. Моддий дунёда яшаб туриб, ўзининг бутун умрини оғир меҳнат билан ўтказган, барча азоб укубатлардан ҳалос этишга қодир бўлган инсон танасида яшаб туриб ҳам, қилган меҳнатининг натижаларидан роҳатланиш учун тиним билмай, кечаю-кундуз меҳнат қилиб юрган одамларни алданган ва ўзи ўзига душман деб ҳисоблаш керак.

29. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Азизим Видур, самодаги фаришта аёллар ўзаро гапиришиб турганида малика Арчи, ўзликни англашнинг энг юқори поғонасига кўтарилган эри Махараж Притху эришган сайёрасига етиб борди. 30. Содиклар ичида энг буюғи, Махараж Притху катта қудратга эга ва жуда сахий, олийжаноб ва саҳоватпеша эди. Мен сенга у ҳақда билганларимнинг барчасини гапириб бердим. 31. Чуқур иймон ва диққат билан шоҳ Притхунинг эзгу сифатларини таърифлаган, у ҳақида ўқиган, тинглаган ёки бошқаларнинг тинглашига ёрдам берган ҳар бир одам Махараж Притху эришган сайёрага эришади. Бошқача қилиб айтганда, у ҳам ўзининг мангу уйига, Худонинг олдига, Вайкунтха сайёраларига қайтади. 32. Махараж Притхунинг фазилятлари ҳақида тинглаб, браҳман браҳманлик қудратига эга бўлади, кшатрий бутун оламни забт этади, вайшья бошқа вайшьяларнинг сардори бўлиб, катта мол-дунёга эга бўлади, шудра эса, Худонинг буюк содиқ хизматкори даражасига эришади.

33. Хоҳ аёл бўлсин, хоҳ эркак бўлсин, Махараж Притху ҳақидаги бу ҳикояни эҳтиром билан тинглаган киши, агар бефарзанд бўлса, вақти келиб кўп фарзандлар кўради, камбағал бўлса, энг бой одам бўлади. 34. Бу ҳикояни уч марта тинглаган киши шон-шухратга эга бўлади, саводсиз одам - буюк олим бўлади. Бошқача қилиб айтганда, Махараж Притху ҳақидаги ҳикоя уни тинглаганларга омад келтириб, ҳаётда барча азоб-укубатлардан халос этади. 35. Махараж Притхунинг ҳаёти ва ажойиб сифатлари ҳақидаги ҳикояни тинглаш шарофати билан инсон шон-шухрат қозониши, узок умр кўриши, жаннатга эришиши ва Кали даврининг зарарли, тубанликка элтувчи нопок таъсиридан қутула олади. Бу ҳикояларни тинглаган киши саҳоватпешалиқда бошқаларга ўрнак кўрсатиши, ҳаётнинг барча лаззатларидан баҳраманд бўлиши ва моддий олам тутқунлигидан озод бўлиши мумкин. Шунинг учун, шундай саодатларга интилиб юрган бу дунё одамлари шубҳасиз Махараж Притхунинг ҳаёти ва ажойиб фазилятлари ҳақидаги шу ҳикояни ўқишлари ва тинглашлари зарур. 36. Ғалаба қозониб, ҳокимиятни эгаллашга интилаётган шоҳ, агар Махараж Притху ҳақидаги ҳикояни жанг аравасига чиқишидан олдин уч марта гапириб берса, унинг қўл остидаги шоҳлар, худди, Махараж Притху давридагидай, ўзлари келиб, унга солиқ ва товон тўлаб кетадилар. 37. Худого садоқатли хизмат қилишнинг ҳар хил ишлари билан банд бўлган соф содиқ хизматкор, Кришна онгига тўла ғарқ бўлгани сабабли ҳамиша илоҳий ҳолатда юрган бўлади, лекин ҳатто у ҳам, Худого садоқатли хизмат қилиш билан бирга Махараж Притхунинг ҳаёти ва ажойиб фазилятлари ҳақидаги мана шу ҳикояни тинглаши, ўқиши ва бошқаларни ҳам уларни тинглашга жалб қилиши лозим.

38. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Азизим Видура, инсонда Худого нисбатан бўлган муҳаббатни кучайтирадиган Махараж Притху ҳақидаги бу ҳикояни мен сенга қўлимдан келганча гапириб бердим. Бу имкониятдан фойдаланган ҳар бир одам Махараж Притху сингари ўз уйига, Худонинг даргоҳига қайтади. 39. Махараж Притху воқеасини ҳар куни эҳтиром билан қалби ларзага келиб ўқиган ва бошқаларга гапириб берган ҳар бир одамнинг қалбида Худои Таолога чуқур иймон пайдо бўлади ва Унинг нилуфар қадамлари пойига нисбатан боғланиш ҳиссини кучайтиради. Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи - бу ғафлат уммонини кечиб ўтиш учун зарур бўлган ягона кемадир.

Йигирма тўртинчи боб Тангри Шива қуйлаган қўшиқ

1. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Отаси сингари доврўғи оламга кетган, Махараж Притхунинг тўнғич ўғли Виджиташва бутун жаҳонга шаҳаншоҳлик қила бошлади. Укаларига нисбатан муҳаббати ва меҳрибонлиги туфайли, уларни дунёнинг ҳар тарафига ҳукмрон этиб тайинлади. 2. Виджиташва дунёнинг шарқ томонини укаси Харьякшага берди, жануб томонини Дхумракешага, ғарбий томонини - Врикага, шимолни эса Дравинага берди. 3. Бир пайтлар Махараж Виджиташва осмон шоҳи Индрани мамнун қилган эди, шу сабабли уни Антардхана деб ҳам атайдиган

бўлдилар. Унинг Шикхандини деган хотини уч ажойиб фарзанд туғиб берди. 4. Махараж Антардхананинг уч ўғли - Пavaка, Пavaмана ва Шучилар эди. Бир пайтлар улар олов фаришталари эдилар, аммо донишманд Васиштха қарғишига учраб, ҳозир Махараж Антардхананинг ўғиллари бўлиб туғилгандилар. Шу боис, уларнинг худди олов ҳукмдорлари сингари қудратли бўлишлари ажабланарли эмасди. Сеҳрли йогада мукамалликка эришиб, улар яна олов фаришталари даражасига кўтарилдилар. 5. Махараж Антардхананинг Набхасвати деган бошқа хотини ҳам бор эди. Бу хотиндан ҳам ўғил фарзанд кўриб, Антардхана унга Хавирдхана деб ном қўйдилар. Махараж Антардхана жуда олийжаноб эди, ва шу туфайли отаси қурбонлик қилишга тайёрлаб қўйган отни ўғирлаб кетаётган Индрани ўлдирмаганди. 6. Ҳар гал Олий ҳукмдор сифатида фуқаролардан солиқ ундириш, уларни жазолаш ва жарима солиш пайти келганда, бу ишларни Антардхана ноилож, виждон амрига қарши истар-истамас бажарарди. Ана шундай кайфият унинг шоҳлик вазифасини тарк этишига ва қурбонлик маросими ўтказишга бошлашига сабаб бўлди. 7. Гарчи Махараж Антардхана қурбонлик маросимлари ўтказиётган бўлса ҳам, у ўзини тўла англаган рух, комил инсон эди ва шу боис ўзининг етук заковатини содиқларини барча хавотирлардан озод қилувчи Парвардигорга садоқат билан хизмат қилишга ишлатарди. Шундай қилиб, Махараж Антардхана ҳаммиша лаззат оғушида бўлиб Парвардигорга сиғинарди, натижада умрининг охирида ҳеч қийналмасдан Худонинг даргоҳига эришди. 8. Махараж Антардхананинг ўғли Хавирдханнинг Хавирдхани деган хотини бор эди. Уларнинг олти фарзанди бўлиб улар: Бархисат, Гая, Шукла, Кришна, Сатья ва Джитаврата эди.

9. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Азизим Видура, ғайритабиий қудрат соҳиби бўлган Хавирдханнинг ўғли Бархисат, қайси моддий мақсадга эришиш учун қандай қурбонлик маросимини ўтказишни яхши биларди, ва сеҳрли йога усулидан тўла эгаллаб олган эди. Ҳаётда руҳий юксалишда эришган буюк сифатлари учун уни Пражапати деб аташ бошладилар. 10. Махараж Бархисат жаҳонда жуда кўп қурбонлик маросимларини ўтказди ва ер шарининг ҳамма жойини, учлари шарққа қараган куша майсалари билан қоплаб ташлади. 11. Фаришталар ҳукмдори Тангри Браҳма, Махараж Бархисатга Океан қизи Шатадрутига уйланишни буюрди. У қиз жуда гўзал ва ёш эди. Никоҳ маросими ўтказилаётган майдончага чиройли либосларга ўранган Шатадрути чиқиб, куёвнинг атрофини айлана бошлаганида, унинг гўзаллигига маҳлиё бўлган олов фариштаси Агни, худди бундан олдин Шуканинг қаллиғига нисбатан бўлганидай, у билан ҳам қовушишни истади. 12. Никоҳ маросими пайтида Шатадрутининг оёқларидаги қўнғирокчалар овози, гарчи бу ерга тўпланганларнинг барчаси ҳам жуда улуғвор шахслар бўлишига қарамай, иблисларнинг, Гандхарвалока аҳолисининг, буюк донишмандларнинг, Сиддхалока аҳолисининг, шунингдек одамлар яшайдиган барча сайёраларнинг ва Нағалока аҳолисининг ақллари гангитиб қўйганди.

13. Шоҳ Прачинабархи хотини Шатадрутидан ўн ўғил фарзанд кўрди. Уларни Прачеталар деб атадилар, уларнинг барчаси ҳалол, тақводор зотлар эди. 14. Уйланиб, бу дунёда ўзларидан насл қолдириш ҳақида отасидан кўрсатма олгандан кейин, Прачеталар океан

қабрига чўмдилар ва ўн минг йил давомида сув тагида қаттиқ риёзатга берилдилар. Шундай қилиб улар барча риёзатлар султони бўлган Худои Таолога сиғиндилар. 15. Прачинабархининг ўғиллари риёзатга берилиш учун уйдан кетганида йўлда Тангри Шива билан учрашдилар. У Прачеталарга Муғлак Ҳақиқатни аңлатиб, уларга ўзининг буюк марҳаматини кўрсатди. Бу учрашувдан кейин Прачинабархининг ўғиллари Тангри Шиванинг насиҳатларини ҳаммиша эслаб юрар, уларни такрорлашар ва эҳтиром билан уларга сажда қилардилар.

16. Видура Майтреядан сўради: - Ҳурматли браҳман, қандай қилиб Прачеталар йўлда Тангри Шивани учратдилар? Бу учрашув қандай юз берганини, Прачеталар Тангри Шивани қандай мамнун қилганини ва унинг Прачеталарга қандай насиҳатлар берганини менга гапириб бер. Бундай суҳбатлар ҳаммиша чуқур маънога эга, шунинг учун мендан марҳаматингни аямай уларни батафсил гапириб беришингни илтимос қиламан.

17. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Эй браҳманлар аълоси, моддий танага қамалган тирик мавжудотларнинг Тангри Шива билан учрашиши жуда мушкул. Бундай имкониятга гарчи Тангри Шивани кўриш умидида ҳаммиша мувоқабат билан машғул бўлишларига қарамай, ҳатто моддий боғланишлардан озод бўлган буюк донишмандлар ҳам эга бўла олмадилар. 18. Фақат Парвардигор Вишну устун турадиган Тангри Шива, фаришталар ичида энг қудратлисидир, У ҳаммиша мустақил. Унинг ўзи учун моддий оламда бирор нарса керак эмас, аммо бу оламда яшаётганларнинг саодати учун, у бу ерда тинмай меҳнат қилади, ва унга фаришталар Кали ва Дурга ҳаммиша ҳамроҳ бўлиб юрадилар.

19. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Азизим Видура, Прачинабархининг барча ўғиллари жуда тақводор зотлар эди, шу боис улар отасининг амрини қалбига жойлаб, унга жиддий эътибор бердилар. Отасининг амрини бажариш учун унинг сўзларини эсида сақлаб, ғарб тарафга йўл олдилар. 20. Прачеталар йўл юриб уммондек чексиз катта қўл бўйига етиб келдилар. Бу қўл сувининг юзидаги тиниқлик буюк зотнинг осойишта ақлини эслатарди, унинг сувида яшаётган мавжудотлар эса, бахтиёр ва хогиржам ҳаёт кечирардилар. 21. Катта қўлда ҳар турли нилуфар гуллари ўсарди. Уларнинг баъзилари ҳаворанг, баъзилари қизил эди. Уларнинг бирлари тунда, баъзилари кундузи, учинчи бирлари эса, худди индивара нилуфар гули сингари, кечкурун очиларди. Қўл нилуфар гуллар билан шу қадар тўлиб кетган эдики, уларнинг ниҳояси йўқдай кўринарди. Қўл бўйида жуда кўп оккуш, цапля, чакравака, қарандава ва бошқа сувда сузадиган қушларнинг яшаши табиий ҳол эди.

22. Қўл бўйида, атрофида маст асаларилар айланиб юрган чирмовуқлар билан ўралган ҳар хил дарахтлар ўсарди. Гўё дарахтлар ариларнинг майин гўнғиллашларини шодлик билан тинглаётгандай, нилуфар гуллари ҳавони шафран(сарғиш) чанглар билан тўлдирётгандай эди. Шуларнинг ҳаммаси бутун атрофда байрамона ғаройиб сўлим муҳит яратган эди. 23. Барабанларнинг гулдурас овозларини, литавраларнинг шовқинини ва қулоққа ёқимли бошқа мусиқа асбобларининг жарангдор овозларини эшитиб шоҳнинг ўғиллари ҳайрон бўлдилар. 24-25. Прачеталарга нодир омад кулиб боққан эди: улар ҳамроҳлари билан сувдан

чикиб келаётган фаришталар сардори Тангри Шивани кўриб қолдилар. Унинг танаси эриган олтин рангида, томоғи кўкимтир тус олган, уч кўзи эса, унга сажда қилаётганларга майин нигоҳ ташлаб турарди. Тангри Шивага уни олқишлаб тараннум этаётган машшоқ ва созандалар ҳамроҳ эдилар. Уни кўриб хайратга тушган Прачеталар шу заҳотиёқ ҳукмдорнинг оёқларига йиқилиб, чуқур эҳтиром кўрсатдилар. 26. Тангри Шива Прачеталардан жуда мамнун бўлди, чунки у ҳамиша одобли ва саховатли кишиларга меҳрибонлик қилади. Уларнинг одобидан мамнун бўлиб, Тангри Шива шундай сўзлар билан мурожаат қилди.

27. Тангри Шива шундай деди: - Эй Прачинабархининг ўғиллари, сизларга ҳамиша омад ёр бўлсин. Ниятингизни билиб, сизларга марҳамат кўрсатиш учун мен сизларнинг олдингизда пайдо бўлдим.

28. Тангри Шива давом этди: - Худо Шахси, бутун борлиқнинг ҳукмдори, моддий қувват ва тирик мавжудотларнинг эгаси Шри Кришнага ўз ихтиёрини бутунлай топширган ҳар бир одам мен учун ҳақиқатан ҳам жуда азиздир. 29. Юз хаёти мобайнида ўз бурчини сидкидилдан бажарган киши Браҳманинг ўрнини эгаллай олади. Яна юқорироқ даражага эришиб, ундай одам Тангри Шиванинг яқин ҳамроҳларидан бири бўлиши мумкин. Аммо, ихтиёрини Парвардигор Кришнага, ёки Вишнуга топшириб, умрини Худога садоқатли хизмат қилишга бағишлаган киши шу заҳотиёқ руҳий сайёраларга кўтарилди. Тангри Шива ва бошқа фаришталар бу сайёраларга моддий олам яксон бўлгандан кейингина эришадилар. 30. Сизлар барчангиз ягона Парвардигорнинг содиқ хизматкорисизлар, шунинг учун сизларни худди Худо Шахси сингари хурмат қилиш лозим. Содиқлар ҳам, шу сабабли мени хурмат қилишларини биламан ва мен улар учун жуда азизман. Шу сабаб, содиқлар учун мендан азизроқ зот йўқ. 31. Ҳозир мен сизларга нафақат илоҳий, пок ва саховатли бўлган, бунинг устига хаётда олий мақсадга эришиш учун интилаётган ҳар бир одам учун энг яхши дуо-илтижо ҳисобланган бир мантрани айтиб бераман. Илтимос диққат билан тингланг.

32. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Олдида кўл қовуштириб турган шохнинг фарзандларига марҳамат кўрсатиб, ғайритабиий улуғвор шахс ва Худованд Нараянанинг буюк содиқларидан бўлган Тангри Шива Худога илтижо қила бошлади. 33. Тангри Шива Худои Таолога шундай илтижо билан мурожаат қилди: - "Сенга шарафлар бўлсин, эй Парвардигор! Ўзини англаган шахслар ичида энг улуғвор Зот - Сен Ўзингсан. Руҳий ўзлигини англаган зотларга Сен ҳамиша саховат кўрсатасан, шу боис мен учун ҳам бахт манбаи бўлишингни тилайман. Сенинг мукамал насихатларингга амал қилиб, содиқ хизматкорларинг Сенга сиғинадилар. Сен - Олий Руҳсан, шунинг учун олий тирик мавжудот бўлган Сенинг олдинда мен чуқур эҳтиром билан бош эгаман. 34. Эй Парвардигор, Сенинг киндигингдан коинот нилуфари ўсиб чиқади, шу боис Сени бутун борлиқнинг манбаи деб атайдилар. Сен - ҳиссиётларнинг ва улар хис қиладиган нарсаларнинг олий ҳукмдорисан, ҳар ерда мавжуд бўлган Васу-дева ҳам - Ўзингсан. Сенинг осойишталигингга ҳеч ким путур етказа олмайди ва, нурафшон борлигинг туфайли олти турдаги ўзгаришлар Сени ташвишга солмайди.

35. Эй Худойим, нафис моддий унсурларнинг манбаи, тузилиш ва бузилиш жараёнларининг барчасини

бошқарувчи Санкаршана исмли Илоҳ - Сен Ўзингсан, заковат ҳукмдори Тангри Прадьюмна ҳам Ўзингсан. Шунинг учун мен Сенинг олдинда эҳтиром билан бош эгаман. 36. Эй Парвардигор, Олий Ҳукмдор, Анируддха исмли Илоҳ қиёфасида Сен ҳиссиётлар ва ақлини бошқариб турасан. Шунинг учун Сенинг олдинда эҳтиром билан такрор ва такрор бош эгаман. Сени Ананта ва Санкаршана деб атайдилар, чунки оғзингдан чиқадиган олов ёрдамида бутун борлиқни йўқотиб юборишга қодирсан. 37. Эй Худованд Аннируддха, тирик мавжудотлар олдида юқори сайёралар эшигини очадиган ва озодликка чиқарадиган йўлни кўрсатадиган ҳам Сен Ўзингсан. Сен тирик мавжудотнинг пок қалбида ҳамиша мавжудсан. Шунинг учун мен Сенинг олдинда эҳтиром билан сажда қиламан. Сен олтинга ўхшаган уруғсан, шу сабабли олов сифатида одамларга чатурхотрадан бошланадиган ҳар хил курбонлик маросимларини ўтказишда ёрдам берасан. Шунинг учун мен Сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан бош эгаман. 38. Эй Худойим, Сен Питрилока аҳолисини ва барча фаришталарни зарур бўлган ҳамма нарса билан таъминлайсан. Ойнинг ҳукмдори ва уч Веданинг ҳукмдори Сен Ўзингсан. Сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан бош эгаман, чунки, барча тирик мавжудотларни мамнун қиладиган лаззат манбаи Ўзингсан.

39. Эй Парвардигор, алоҳида тирик мавжудотларнинг барча таналарини ўз ичига олган баҳайбат фазовий қиёфа ҳам Сен Ўзингсан. Бутун уч олам ҳимоячиси, демак, ақл, ҳиссиётлар, тана ва барча тирик мавжудотларнинг ҳаёт нафасини сақловчи Сен Ўзингсан, шу боис олдинда чуқур эҳтиром билан бош эгаман. 40. Эй Парвардигор, илоҳий товушларингни таратиб, Сен бизларга бутун борлиқнинг ҳақиқий моҳиятини очиб берасан. Борлиқнинг ҳам ичида, ҳам ташқарисида мавжуд бўлган ҳар ерда мавжуд осмон ҳам, моддий олам ва ундан ташқаридаги савоб ишларнинг олий мақсади ҳам Сен Ўзингсан. Шунинг учун Сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан такрор ва такрор бош эгаман. 41. Эй Парвардигор, тирик мавжудотларга такводор ҳаёти фаолиятининг натижасини ҳаёти этадиган ҳам Ўзингсан. Боғланганлик ҳам, тарк этиш ҳам - Сен, улар келтириб чиқарадиган ҳаракатларнинг мазмуни ҳам - Сен Ўзингсан. Худосизлик келтирадиган азоб-уқубатларнинг сабабчиси ва, демак ажал ҳам Сен Ўзингсан. Мен чуқур эҳтиром билан Сенинг олдинда бош эгаман. 42. Эй Парвардигор, дуо-фотиҳа берувчилар ичида энг улуғи Сен Ўзингсан. Барча лаззатланувчилар ичида энг азалийси ва энг асосийси Сенсан. Бутун оламнинг метафизик фалсафалари Сенинг ҳукминг остида, чунки Сен - барча сабабларнинг сабабчиси, Парвардигор Шри Кришнасан. Барча қонунқоидаларнинг энг улуғвори, олий заковатига ва фаолиятига ҳеч нарса халақит бера олмайдиган миянинг эгаси Сен Ўзингсан. Шунинг учун мен Сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан бош эгаман. 43. Эй Парвардигор, фаолият кўрсатувчи ҳам, унинг ҳиссиёт аъзоларининг фаолияти ҳам, шу фаолиятнинг натижаси(карма) ҳам Сенинг ҳукминг остида. Демак, тана, ақл ва ҳиссиётнинг фаолиятини ҳам айнан Ўзинг бошқариб турасан. Ундан ташқари, эго(ўзлик)нинг олий ҳукмдори Рудра - Сенсан, Ведаларда белгиланган фаолият ва ҳақиқат илмининг манбаи ҳам Ўзингсан. 44. Эй Парвардигор, мен Сени энг сеvimли содиқ хизматкорларинг сажда қиладиган қиёфангга кўришни истайман.

Сенинг киёфаларинг жуда кўп, аммо мен содиқ хизматкорларинг ҳаммасидан ҳам яхши кўрадиган киёфангни кўришни истайман. Мендан марҳаматингни дариғ тутма, ана шу киёфангни менга намоён қил, чунки содиқлар сигинадиган фақат ана шу киёфангина менинг хиссиётимни тўла қаноатлантиради. 45-46. Киёфасининг гўзаллиги билан Парвардигор ёмғир палласидаги қора булутни эслатади, танасининг барча аъзолари ёмғир томчиларидай ярқирайди. Ҳақиқатан ҳам Парвардигор тенгсиз латофат мажмуидир. Парвардигорнинг қўллари тўртта ва Унинг сиймосини нилуфар гулбарглари эслатувчи кўзлар, чиройли бурун, жозибатор табассум, чиройли пешона ва тақинчоқлар осилган гўзалликда тенгсиз қулоқлари безаб турибди.

47-48. Парвардигорнинг Ўз содиқларига кўз кирини ташлаганидаги чиройли нигоҳи сингари бениҳоя марҳаматли ва ширин табассуми Парвардигорни бетакрор мафтункор гўзал қилиб кўрсатади. Унинг сочлари қоп-қора, тўлқин-тўлқин, шамолда хилпираб турган либоси нилуфар гулларида учаетган сариқ чанглари эслатади. Парвардигорнинг ярқираган сиргалари, нурафшон совути, билагузуклари, бўйнидаги гулчамбар, оёқларидаги кўнғироқчалар, белида боғланган белбоғи ва танасидаги бошқа тақинчоқлари, қўлларидаги сур, халқа, гурзи ва нилуфар гули билан биргаликда Унинг кўксини безаб турган каустубха тошининг гўзаллигини сўндира олмайди*.

49. Парвардигорнинг шер келбатли кўкси нур таратувчи гулчамбарлар, тақинчоқ ва маржонлар билан безатилган. Булардан ташқари Парвардигор қимматбаҳо тош Каустубха тақиб олган, Унинг қорамтир кўксини равақ фариштасининг белгиси бўлган, шриватса деб аталадиган чизиқлар безаб турибди. Улардан таралаётган нур гавҳар тошдаги заррин туклар жилосини тўсиб турибди. Ҳақиқатан ҳам Унинг кўкси гўзаллиги билан ҳатто зумрад тошининг гўзаллигини ҳам ортда қолдиради. 50. Парвардигор қорнидаги уч чизиқ Уни яна ҳам жозибатор қилиб кўрсатади. Парвардигорнинг қорни, ундаги чизиқлар билан баньян дарахтининг юмалоқ баргини эслатади, Парвардигор нафас олганида Унинг қорнидаги чизиқлар жуда чиройли ҳаракатга келади. Парвардигор киндиги шу қадар чуқур ичга кириб кетганки, гўё бутун коинот Унинг киндигидан ўсиб чиққан, энди яна қайтиб у ерга кириб кетадигандай туюлади. 51. Парвардигорнинг сонлари қорамтир рангда. Унинг сонларига сариқ либос ўралиб, олтидан зарҳал берилган камар билан боғланган. Унинг текис жойлашган пойқадамлари, тиззалари, сонлари танқис гўзаллиги билан ажралиб туради. Ҳақиқатан ҳам Парвардигорнинг бутун танаси Ўзининг бенуқсон гўзаллиги билан кишини ҳайратга солади. 52. Эй азиз Парвардигор, Сенинг ажойиб нилуфар қадамларинг кузда очилган нилуфар гулига ўхшайди. Нилуфар қадамларинг пойидаги тирноқлар эса, шунчалик порлоқ ёғду таратиб турадики, уни кўрганда, тутқунликдаги тирик мавжудотнинг қалбидаги зулмат дарҳол тарқалиб кетади. Азиз Парвардигор, содиқ хизматкоринг қалбидаги қоронғу зулматни ёритишга қодир бўлган киёфангни менга ҳам намоён қилишингни илтижо қиламан. Эй Парвардигор, ҳар бир тирик мавжудотнинг олий устози Ўзингсан, шунинг учун, ғофиллик зулматида чўмган тутқунликдаги тирик мавжудотлар қалбини фақат Сен Ўзинг илм нури билан ёритишга қодирсан. 53. Эй Пар-

вардигор, моддийлик ботқоғидан қутулишни истаган ҳар бир одам, мен ҳозиргина таърифлаган Сенинг нилуфар қадамларинг пойига муроқабат қилишлари лозим. Ўзининг муқаддас китобларда белгиланган бурчини бажаришга жиддий эътибор берадиган ва ҳаётда мардонаворликка эришишни истаган ҳар бир одам бхактиёга йўлига кириши лозим. 54. Эй Парвардигор, ҳатто жаннат салтанатининг ҳукмдори ҳам ҳаётида энг олий мақсадга - Худога садоқат билан хизмат қилишга интилади. Ўзларини Сен билан бир деб ҳисоблайдиган (ахам брахма-асми)лар ҳам аслида Сенга интиладилар. Аммо улар ўз мақсадларига катта қийинчиликлар эвазига эришадилар, аммо чексиз марҳаматинг билан содиқ хизматкорингнинг Сенга эришиши жуда осон.

55. Эй Парвардигор, ҳатто моддий олам тутқунлигидан озод бўлганлар ҳам, Худога садоқатли хизмат қилишга муносиб бўла олмайдилар, аммо фақат садоқатли хизмат қилиш билангина Сени рози олиш, Сени мамнун қилиш мумкин. Шундай экан, ҳақиқатан ҳам мукамалликка эришишга интилаётган фаросатли киши, ўзликни англашнинг бошқа усуллари ҳақида ўйлагиси келадими? 56. Бешафқат замон кўз очиб юмгунча бутун оламини яқсон қилиб юбориши мумкин. Аммо, ҳатто ана шундай дахшатли замон ҳам Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан нажот топган содиқ хизматкорингга ўз ҳукмини ўткази олмайди. 57. Сенинг содиқ хизматкоринг билан атиғи бир сония ҳамсуҳбат бўлиш бахтига муяссар бўлган киши карма ва гьяна натижаларига умуман бефарқ бўлиб қолади. Шундай одам туғилиб-ўлишлар қонуни ҳукми остида бўлган фаришталарнинг марҳаматига эришишга интилиб ўтирадими? 58. Эй азиз Парвардигор, Сенинг нилуфар қадамларинг ҳар қандай саодатни бахш этади ва қалбимизни гуноҳ ишларимиз оқибатидан бутунлай поклайди. Шунинг учун Сендан менга тутқунликдаги тирик мавжудотларга бениҳоя меҳрибон бўлган ва Сенинг нилуфар қадамларинг пойига сажда қилиб, моддийлик ботқоғидан бутунлай покланган содиқ хизматкорларинг билан ҳамсуҳбат бўлиш имконини беришингни илтижо қиламан. Ўйлайманки, ана шундай содиқ хизматкорларинг билан ҳамсуҳбат бўлишга изн берганинг мен учун ҳақиқий саодат бўлади. 59. Парвардигорга хизмат қилиб қалбини бутунлай покланган ва Бхакти-девининг марҳаматига эришган содиқ хизматқорни қоронғи қудуққа ўхшаган ташқи қувват йўлдан адаштира олмайди. Моддийлик ботқоғидан тўла покланган содиқ қувонч билан Сенинг номингни, улғуворлигингни, киёфаларингни, қароматларингни англай бошлайди. 60. Эй Парвардигор, шахсиятсиз Браҳман, қуёш нурлари ёки эфир сингари ҳар ерда мавжуд. Бутун борлиқни қамраб олган ва ичида бутун борлиқ намоён бўладиган мана шу шахсиятсиз Браҳман аслида Сен Ўзингсан. 61. Азиз Парвардигор, Сенинг ҳар хил киёфа, кўринишларда намоён бўладиган турли турли қувватларинг бор. Шу қувватинг билан сен моддий оламини яратгансан, гарчи Сен ундаги мувозанатни таъминлаб турганинг туфайли, моддий олам мангу мавжуд бўлиб турадигандай туюлаётган бўлса ҳам, охир оқибатда Сен уни яқсон қиласан. Бу ўзгаришлар ва қайта-қуришлар Сенга ҳеч қандай ташвиш келтирмайди, аммо улар барча тирик мавжудотларни ташвишга солади, шунинг учун уларга бу борлиқ Сендан ажралгандай ёки Сендан фарқ қиладигандек туюлади. Эй Парвардигор, Сен ҳамиша мустақилсан, ва мен буни

яққол кўриб турибман. 62. Эй Худойим, Сенинг фазовий қиёфанг беш моддий унсурдан, ҳиссиётлардан, ақлдан, заковатдан, сохта(моддий) ўзликдан, шунингдек бугун фаолиятни бошқариб турувчи, Сенинг тўлиқ бўлмаган кўринишинг бўлган Параматмадан таркиб топган. Сенга содиқ бўлмаган йоглар, хусусан карма-йог ва гьяна-йоглар, муайян фаолият билан машғул бўлиб Сенга сиғинадилар. Ведаларда ҳам, Ведаларни тўлдирувчи шастраларда ҳам, шунингдек бошқа муқаддас битикларда ҳам таъкидланганки, фақат ягона Сен Ўзинггина сиғинишга лойиқ Зотсан. Буни барча Веда билимдонлари тан оладилар. 63. Эй Парвардигор, эй ягона Олий Шахс, барча сабабларнинг олий сабаб-чиси Сен Ўзингсан. Бу моддий олам яралмасдан олдин Сенинг моддий қувватинг мудроқ(мавхум) ҳолатда эди. Шу қувватинг уйғониб ҳаракатга келганида табиатнинг уч гунаси: эзулик, хирс ва ғафлат ҳаракат қила бошлайди. Натижада моддий қувватнинг эго, эфир, ҳаво, олов, сув, ер, шунингдек фаришталар ва буюк донишмандлардан таркиб топган мужассам шакли юзага келади. Моддий олам шундай пайдо бўлади. 64. Эй Парвардигор, Ўз қувватларинг воситасида моддий борлиқни яратиб, Сен унинг ичига тўрт қиёфада кирдинг. Барча тирик мавжудотларнинг қалбида ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг ўзларини ҳам, уларнинг бу ерда қандай лаззатланаётганини ҳам мукамал билиб турасан. Бу дунёдаги бахт тушунчаси худди асалариларнинг ўз уяларида тўплаган асални кўриб қувонаётганига ўхшайди. 65. Эй азиз Парвардигор, Сенинг мутлақ ҳукмрон эканингни ҳеч ким бевосита кўришга қодир эмас, аммо дунёдаги бўлаётган ишларга назар солиб бунга тўла иймон келтириш мумкин. Вақти келиб бу дунёдаги нарсаларнинг ҳаммаси йўққа чиқишини кўриш қийин эмас. Вақтнинг қудрати чексиз, худди бир ҳайвон бошқа ҳайвонни еб йўқотгани сингари, бир моддий нарсанинг мавжудлиги иккинчи моддий нарсанинг ҳалокатига олиб келади. Осмондаги булутларни тарқатиб юборадиган шамол сингари, Вақт, Замон ҳам ҳамма нарсани емириб йўққа чиқаради. 66. Эй Парвардигор, моддий оламдаги барча тирик мавжудотлар, худди ақлдан озгандай, тинимсиз ҳар хил режалар тўзадилар ва ҳамиша фаолият кўрсатишга ташна. Бунга сабаб - улардаги жиловланмаган очкўзлик, нафсдир. Тирик мавжудотлар ҳамиша моддий лаззатга интилиб яшайдилар, аммо Сенинг ўткир кўзларингдан ҳеч нарсани яширишининг иложи йўқ, ва вақти келганда Сен уларни худди, илон ўзи тугган сичқонни бирданига ютиб юборгани сингари, яқсон қиласан. 67. Азиз Парвардигор, таълим олган ҳар бир инсонга аёнки, агар инсон ҳаётида Сенга сиғиниб яшамаса, унинг ҳаёти бекорга хазон бўлган бўлади. Шуни билган фаросатли киши Сенинг нилуфар қадамларинг пойига сиғинмай юра оладими? Ҳатто бизнинг отамиз ва руҳий устозимиз, Тангри Браҳма ҳеч шубҳасиз Сенга сиғинади, ўн тўрт Ману эса ундан ўрнак олади.

68. Азиз Парвардигор, ҳақиқий илмга эга кишилар Олий Браҳман ва Олий Рух - бу Сен Ўзинг эканини яши билдилар. Замон охирида коинотни яқсон қиладиган Тангри Рудра олдида бутун олам аҳли зир титрайди, аммо илмга эга бўлган содиқ хизматкорлар учун Сен - эришгандан сўнг барча кўрқувлардан халос бўладиган ягона мақсадсан.

69. Эй ҳурматли шахзодалар, ўзларингизга юкланган вазифани чин дилдан бажаринглар ва фикру-

хаёлларингизни Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойида мужассам қилиб мана шу дуо-илтижони мунтазам такрорланглар. Бу ҳар бир ишда сизларга омад келтиради, чунки шунда сизлардан Парвардигор жуда мамнун бўлади. 70. Эй шоҳ фарзандлари, Худои Таоло, Хари ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд. У сизларнинг қалбингизда ҳам мавжуд. Шунинг учун ҳамиша Парвардигорни олқишланг ва Унга бетиним муруқабада бўлинг. 71. Азиз шахзодалар, ўз илтижоларимда мен сизларга муқаддас номларни зикр қилиш йогасини таърифлаб бердим. Сизларнинг ҳар бирингиз мана шу ажойиб стотрани эса сақлашингиз, буюк донишманд бўлиб етишиш учун, уни авайлаб асрашга ваъда беришингиз лозим. Буюк донишмандлар қилганидек, жиддий ва эҳтиром билан бу усулни ҳаётда қўллаб юришингиз лозим. 72. Мен биринчи бор бу дуо-илтижони барча яратувчиларнинг ҳукмдори бўлган Браҳмадан эшитган эдим. Бхригу бошлиқ, оламни яратишга маъсул бўлган зотлар бунёдкорликка киришишни истадилар ва мана шу дуолар ёрдамида керакли насихатларга эга бўлдилар.

73. Тангри Браҳма барча Пражапатиларга бунёдкорлик фаолиятини бошлашни буюрганида, биз Худо Шахси шарафига мана шу илтижони ўқиган эдик, натижада ғофиллик дардидан бутунлай халос бўлиб, ҳар турли тирик мавжудотларни яратишга қодир бўлдик. 74. Агар ҳаёли ҳамиша Парвардигор ҳақидаги ўйлар билан банд бўлган Кришнанинг содиқ хизматкори диққат ва эҳтиром билан мана шу стотрани тиловат қилса, у шу заҳотиёқ камолотнинг энг буюк чўққисига эришади. 75. Моддий ҳаётда ҳар бир одам ҳар хил мақсадларга эришишга интилади, аммо барча ютуқлар ичиди энг улуги- ҳақиқий илмдир, чунки ғофиллик олами бўлган бу уммонни фақат ҳақиқий илм кемаси ёрдамидагина кечиб ўтиш мумкин. Илмдан маҳрум бўлган киши бу уммонни ҳеч қачон кечиб ўта олмайди. 76. Олий Шахс, Худои Таолога содиқ хизмат қилиш билан шуғулланиш ва Унга сиғиниш жуда қийин иш аммо, мен айтган мана шу стотрани тиловат қилган ёки ўқиган киши осонлик билан Худонинг марҳаматига сазовор бўлади. 77. Барча дуо-фотиҳалар ягона мақсадга - сеvimли Худои Таолога олиб борадилар. Ҳозир мен айтган илтижони такрорлаш билан инсон Худони рози қилиш мумкин. Садокатли хизмат қилиш йўлидан адашмайдиган ана шундай содиқ Парвардигордан истаган нарсасига эга бўла олади. 78. Эрталаб, қўлларини камтарин қовуштирган ҳолда Тангри Шива ўқиган шу илтижо-дуони такрорлаган ва бошқаларга тинглаш имкониятини берган содиқ ўзининг кармали фаолиятининг барча оқибатларидан албатта халос бўлади. 79. Азиз шахзодалар, мен айтган илтижо Худо, Олий Рухни мамнун қилишга қаратилган. Мана шу илтижони такрорланглар, ва бу сизларга қаттиқ риёзатга берилишдан кам саодат олиб келмайди. Шунда сизлар руҳий камолотга эришасизлар, сизларнинг барча истакларингиз рўёбга чиқади.

Йигирма бешинчи боб Шоҳ Пуранжананинг сифатлари

1. Видурага юзланиб, буюк донишманд Майтрея шундай деди: - Азизим Видура, Тангри Шиванинг

насиҳатларини тинглаб, шоҳ Бархишатанинг ўғиллари чуқур садоқат ва эҳтиром билан Унга муносиб ҳурмат кўрсатдилар. Шундан сўнг Тангри Шива уларнинг кўзидан ғойиб бўлди. 2. Шаҳзода Прачегалар ўн минг йил давомида сув тагида риёзат чекиб, Тангри Шива берган дуо-илтижоларини зикр қилдилар. 3. Шаҳзодалар сув остида қаттиқ риёзатга берилган вақтда уларнинг отаси ҳар хил кармали фаолият билан машғул эди. Бундан хабардор бўлган руҳий илмлар билимдони, буюк авлиё донишманд Нараданинг қалби шоҳга нисбатан ҳамдардлик туйғуси билан тўлиб, унга руҳий ҳаёт тўғрисида насиҳатлар беришга қарор қилди.

4. Нарادا Муни шоҳ Прачинабархишатадан шундай деб сўради: - Эй ҳурматли шоҳ, кармали ишлар билан машғул бўлиб сен ҳаётда нимага эришмоқчисан? Ҳаётда инсон бўлиб яшайдан энг олий мақсад - барча азоб-уқубатлардан биратўла қутулиб ҳақиқий бахтга эга бўлишдир, аммо бунга кармали(оқибат келтирадиган) ишлар ёрдамида эришиб бўлмайди.

5. Шоҳ шундай жавоб берди: - Эй буюк зот, Нарадджи, менинг бутун фикру-хаёлим кармали ишлар ботқоғига ботиб кетган, шу сабабли инсон ҳаётида энг асосий мақсад нимадан иборат эканини билмайман. Сендан илтимос, менга кармали фаолият тузоғидан халос этишга қодир бўлган мукамал, соф илми ўргат.

6. Фаровон ҳаёт кечиришга, яъни, хотин, болачақаларга эга бўлишни ва мол-дунё орттиришни орзу қиладиган кишилар, шунинг ўзи ҳаётдаги энг олий мақсад деб биладилар. Шундай одамлар бир танадан иккинчи танага кўчиб, инсон ҳаётининг олий мақсади нимадан иборат эканини билмасдан, бу моддий оламда дайдиб юраверадилар.

7. Буюк донишманд Нарادا шундай деди: - Эй шоҳ, самога қараб, қурбонлик маросими пайтида сен ўлдирган ҳайвонларингни кўр. 8. Бу ҳайвонларнинг ҳаммаси, уларни ўлдирганинг учун сендан қасос олишга тайёр бўлиб, ўлишингни кутиб турибдилар. Ўлганингдан кейин улар ўткир шоҳларини сенинг қорнига тикадилар. 9. Бу борада мен сенга Пуранджана деган бир шоҳ ҳақидаги қадимги ҳикояни гапириб бераман. Иложи борича диққат билан қулоқ сол.

10. Ҳурматли шоҳ, бир пайтлар ер юзида кўплаб буюк ишлар қилган Пуранжана деган ҳукмдор ўтган экан. Унинг Авиғьята(Нотаниш) деган дўсти бўлган. Авиғьятанинг қиладиган ишларини ҳеч ким тушуниб ета олмасди. 11. Яшаш учун мос келадиган жой кидириб шоҳ Пуранжана бутун дунёни айланиб чиқибди. Аммо шунча изланишлардан кейин ҳам, у ўзига қулайроқ бирор жой топа олмади. Ниҳоят у тушқунликка тушиб, қаттиқ қийналиб қолибди. 12. Шоҳ Пуранжананинг орзу-ҳавасларининг ниҳояси йўқ эди, у ҳамиша ҳаётдан лаззат олишни истар, шу орзусига етиш имконини берадиган жой излаб, бутун дунёни айланиб чиққан эди. Афсуски, ўзининг ҳаётидан норозилик, қаноатсизлик ҳисси унинг ҳамиша ҳамроҳи эди. 13. Излай-излай у охири Ҳимолай тоғининг жанубидаги Бхарата-варша(Ҳиндистон) деган жойга етиб келибди ва у ерда тўққиз дарвозали шаҳарга кўзи тушибди. Бу шаҳарда бахтли ҳаёт кечириш учун ҳамма нарса мавжуд эди. 14. Қўрғон ва боғлар билан ўралган бу шаҳарда миноралар, ойналар, анҳорлар ва бекитилдиган эшиклар бор эди, иморатлар олтин, қумуш ва темир гумбазлар билан безатилган эди. 15. Иморатларнинг поллари зумрад, сапфир, хрустал, бриллиант, гавҳар,

зумрад ва рубин сингари қимматбаҳо тошлар билан тўшалган эди. Шаҳар марказидаги иморатлар ўздан ярқираб нур таратиб туришлари билан жаннатдаги Бхогавати шаҳрини эслатарди. 16. Бу шаҳарда кўплаб мажлис хоналари, чорраҳалар, кўчалар, чойхоналар, қиморхоналар, бозорлар, байроқлар ва гулчамбарлар билан безатилган дам олиш жойлари ва ажойиб хиёбонлар мавжуд эди. Буларнинг ҳаммаси шаҳарни ўраб олган эди. 17. Шаҳар яқинида атрофида чирмовуқларга ўралиб ётган чиройли дарахтлар ўсиб ётган ғаройиб кўл бор эди. Кўл устида ўзаро чуғурлашган қушлар ва ғувиллаган асаларилар галаси айланиб юрарди. 18. Кўл бўйидаги дарахтларнинг шоҳларида, муз қоплаган баланд тоғ қояларидан оқиб тушаётган шаршаралардан баҳор шамоли келтирган шабнам ўтириб қоларди. 19. Шундай роҳатбахш муҳитда хатто ўрмондаги йиртқич ҳайвонлар ҳам, худди буюк донишмандлар сингари, беозор ва осойишта бўлиб қолган, шунинг учун улар ҳеч кимга тажовуз қилмасди. Мусичалар атрофни ўзларининг ширин ку-қулари билан тўлдирган эди. Бу ердаги роҳатбахш муҳитнинг ўзи ўтаётган ҳар бир одамни шу ғаройиб боғда ором олишга чорлаётгандай бўларди. 20. Мана шу ғаройиб боғда айланиб юриб, шоҳ Пуранжананинг кўзи шу ерда сайр қилиб юрган чиройли аёлга тушди. Уни ўн нафар хизматкор кузатиб борар, уларнинг ҳар бирининг юзлаб хотинлари бор эди. 21. Аёлни ҳар тарафдан беш бошли илон ҳимоя қиларди. Аёл жуда ёш ва кишини ўзига мафтун қилгудай гўзал бўлиб, худди ўзига муносиб куёв кидираётгандек туюларди. 22. Аёлнинг тишлари, бурни ва пешонаси бенуқсон чиройли эди. Ажойиб сирғалар безаб турган қулоқлари ҳам гўзалликда танҳо эди. 23. Аёлнинг бели ва сонлари жуда келишган, жозибадор эди. У сариқ либос(сари)га ўраниб, белига олтин камар боғлаб олганди. Юрганида оёқларидаги кўнғироқчалари оҳанграбодай жириңлар, ўзининг бутун кўриниши билан аёл самовий фаришталарни эслатарди. 24. Либосининг учлари билан аёл бир-бирига қисилиб турган чиройли юмалоқ кўкракларни бекитишга уринарди. Худди урғочи филлардек виқор билан оҳиста ўтаётиб, у бир неча бор кўксидagi сарисини ибo билан тўғрилаб кўйди. 25. Ана шу латофатли гўзал аёл чиройли қошлари ва майин табассуми билан ром жасур Пуранжанани ўзига бутунлай ром қилиб кўйди, эҳтирос ўқлари унинг қалбига бориб санчилди. Аёлнинг майин табассум чакнаб турган юзлари Пуранжанага бениҳоя гўзал бўлиб кўринар, шу боис, гарчи у буюк қахрамон бўлса ҳам, ўзини тутиб тура олмади ва аёлга мурожаат қилди.

26. - Эй нилуфаркўз, менга айтчи, қаердан келдинг, кимнинг қизисан? Кўринишингдан жуда оқила қизга ўхшайсан. Бу ерга нима мақсадда келгансан? 27. Эй нилуфар кўзли, соҳибжамол қиз, сенга эргашиб юрган атрофингдagi ўн бир қудратли кўриқчи кимлар, ва мана бу ўнта яқин хизматкорларинг кимлар? Уларга эргашиб юрган аёллар кимлар? Олдингизда сизларни бошлаб бораётган илон ким? 28. Эй соҳибжамол, сен нақ равнақ фариштасининг ўзисан ёки Тангри Шиванинг рафикасисан, балки сен Тангри Браҳманинг рафикаси - донишмандлик фариштасидирсан? Гарчи сен шулардан биттаси бўлишинг эҳтимолдан узоқ бўлмаса ҳам, бу ўрмонда ёлғиз айланиб юрибсан. Ҳақиқатан ҳам сен буюк донишмандлар сингари мулоим, жуда камгапсан. Балки сен эрингни излаётгандирсан? Агар у ким

бўлса ҳам, сенинг унга бўлган садоқатингни кўриб, бутун олам бойлигини қўлга киритиш учун у албатта бу ерга келади. Менимча сен равнақ фаришгасан, аммо сенинг қўлларингда нилуфар гулини кўрмайман. Менга айт-чи, сен уни қаерда йўқотиб қўйдинг? 29. Эй бахтиёр аёл, сен мен айтиб ўтган аёллардан эмассан, чунки сенинг оёқларинг ерга тегиб турганини кўряман. Аммо, гарчи сен шу сайёрада яшовчи зот бўлсанг ҳам, худди равнақ фариштаси Тангри Вишну билан қўшилиб, Вайкунтха сайёрасини яна ҳам гўзалроқ қилгани сингари, сен ҳам мен билан қўшилиб, бу шаҳарни яна ҳам гўзалроқ қилишинг мумкин. Билсанг мен - буюк қахрамонман ва шу сайёранинг энг қудратли шоҳларидан бириман. 30. Сен бугун менга назар ташлаганинда, нигоҳларинг мени бутунлай ақдан оздириб қўйди. Сенинг уялчан, айни пайтда ширин табассуминг қалбимдаги қудратли севги фариштаси(Купидон)ни уйғотиб юборди. Шу сабабли, эй нозанин, менга раҳминг келсин. 31. Эй ёқимтой қиз, чакноқ кўзларинг, қайрилган қошларинг ва ёйилган қоп-қора сочларинг сенинг юзинга бетакрор гўзаллик бериб турибди. Бунинг устига лабларингдан ширин товушлар чиқяпти. Шунда ҳам сен, шу қадар уялчан ва тортинчоқсанки, ҳатто кўзларимга қарашга ҳам ҳадиксираясан. Шунинг учун, эй ширинсухан қиз, илтимос, табассум билан бошингни кўтар ва менга қара.

32. Нарада ҳикоя қилишда давом этди: - Эй ҳурматли шоҳ, Пуранжананинг қалбида ўзига нисбатан қаттиқ интилиш, у билан яқинлашиб, лазатланиш истаги авж олаётганини сезиб, қиз ҳам, унга маҳлиё бўлиб, унинг гапирган гапларига учиб, унинг гапларига рози бўлгандай табассум қилди. Унинг юрагини шоҳ бутунлай ўзига ром қилиб олган эди.

33. Қиз шундай деди: - Эй инсонлар ичида аълоси, мени ким яратганини билмайман. Сенга аниқ жавоб беришим қийин. Ҳамроҳларимнинг исмларини, келиб чиқишларини ҳам билмайман. 34. Эй буюк қахрамон, менга фақат ҳозир бизлар иккимиз шу ердалигимизгина аён. Биз ҳатто кейин нима бўлишини ҳам билмаймиз. Аслида бизлар шу қадар ғофилмизки, ҳатто бу ажойиб шаҳарни ким яратгану, бизни бу ерга ким келтириб қўйганини ҳам билишга қизикмаймиз. 35. Эй ҳурматли зот, менга ҳамроҳлик қилаётган бу эркак ва аёлларнинг барчаси менинг дўстларим, мана бу илон эса, ҳатто мен ухлаган пайтимда ҳам, бир зум кўз юммасдан менинг шаҳримни ҳимоя қилиб туради. Мен биладиган нарсалар фақат мана шулар. Мен бошқа ҳеч нарса билмайман.

36. Эй душманлар ғолиби, сенинг бу ерда пайдо бўлишининг боиси нима бўлишидан қатъий назар, бу мен учун қатта бахт. Мен сенга ҳамиша бахт-саодат тилайман. Сен лаззат олишни истайсан, мен ҳамроҳларим билан бирга сенинг истагингни бажо келтириш учун қўлимиздан келган ҳамма нарсани қилишга тайёрмиз. 37. Эй ҳукмдор, тўққиз дарвозали бу шаҳарни мен сен учун барпо этганман, сен унинг ичида ҳар хил лаззатлардан тотиб кўрасан. Ҳиссиётинг талабларини қондириш учун зарур ҳамма нарсага эга бўлиб, сен бу ерда юз йил яшашинг мумкин. 38. Мен ўз тақдиримни бошқа ким билан ҳам боғлай олардим. Сендан бошқаларнинг барчаси жинсий лаззат ҳақида ҳеч нарса билмайдилар ва бу ҳаётида ҳам, кейинги ҳаётида ҳам ҳаётдан лаззатланиб яшай олмайдилар. Бундай нодонлар ҳайвонлардан фарқ қилмайди, чунки

улар бу ҳаётда ҳам, кейинги ҳаётида ҳам қандай лаззатланиш кераклигини билмайдилар.

39. Аёл давом этди: - Моддий дунёда оилавий ҳаёт инсонга бахт, диний ишларида ривож, моддий фаровонлик, ҳиссий лаззатлар ва насл-насаб: фарзанд ва неваралар ато этади. Ана шуларнинг барчасига эга бўлган киши озодликка чиқишга интилади ва дунёвий шон-шухратга интилади. Оилавий киши қилаётган қурбонликлари ўзини олий сайёраларга олиб чиқишига ишонади. Илоҳиёт (рухий ўзлигини англаган)кишилар эса, моддий бахтнинг нима эканини билмайдилар. Улар бундай бахтни ҳатто тасаввур ҳам қила олмайдилар.

40. Аёл давом этди: - Донишманд одамларнинг гапига қараганда оилавий ҳаёт фақат оила эгасига эмас, балки унинг авлод-аждоғларига, шунингдек фаришталарга, буюк донишмандларга, муқаддас авлиё зотлар ва бошқаларга ҳам қувонч олиб келади. Оилавий турмушнинг саховати шундай. 41. Эй қахрамоним, бу дунёда ким ҳам сендай эрни рад этарди? Сен шу қадар буюк, саховатли ва чиройлисан, мен сенга осонлик билан эришдим. 42. Эй билаги кучли зот, бу дунёда сенинг илонга ўхшаган чиройли қўлларингни кўрган қайси аёл зоти ўзини хотиржам тутиб тура оларди? Сен ҳақиқатан ҳам ўзининг жозибали табассуминг ва саховатли марҳаматинг билан мен сингари эрсиз аёлларнинг барча ғам-ғуссаларини бутунлай тарқатиб юборасан. Сен фақат мен учунгина бутун дунёни айланиб юргандай бўлиб кўринясан. 43. Буюк донишманд Нарада давом этди: - Эй ҳурматли шоҳ, бир-бирлари билан аҳдлашиб олган эркак билан аёл иккови шаҳарга кирдилар ва у ерда юз йил давомида ҳаёт лаззатини сурдилар. 44. Сон-саноксиз машшоқлар, шоирлар шоҳ Пуранжананинг кўрсатган қахрамонликларини олқишлардилар. Ёзнинг жазирама иссиғида у дарёнинг оромбахш сувларида чўмиларди. Ҳамиша жувонлар даврасида бўлиб, улар билан бирга маишат қиларди. 45. Бу шаҳарнинг тўққиз дарвозасидан еттигаси ер юзида, иккитаси эса, ер остида эди. Ҳаммаси бўлиб тўққиз дарвоза қурилган бўлиб, улардан чиқадиган йўллар ҳар хил манзилларга элтарди. Шаҳар ҳукмдори бу йўлларнинг барчасидан фойдаланарди. 46. Эй шоҳ, бу дарвозалардан бештаси шарққа қараган, биттаси шимолга, биттаси жанубга, иккитаси ғарб томонга қараган. Мен сенга бу дарвозаларнинг ҳаммасини гапириб беришга ҳаракат қиламан. 47. Кхадьота ва Авирмукха деб аталадиган дарвозалар шарққа қараган, лекин бир жойда қурилган эди. Бу дарвозалар орқали шоҳ ўзининг Дьюман деган дўсти билан Вишрадхита шаҳрига борарди. 48. Шарқ тарафда яна Налини ва Налини* деган икки дарвоза бор эди, улар ҳам бир жойда қурилган. Бу дарвозалар орқали шоҳ дўсти Авадхута билан Саурабху шаҳрига борарди. 49. Шарққа қараган бешинчи дарвоза Питриху деб аталарди, бу дарвоза орқали шоҳ Пуранжана Шругадхара деган дўсти билан Дақшина-панчала шаҳрига борарди. 51. Шимолий дарвозалар Деваху деб аталарди. Бу дарвозалар орқали шоҳ Пуранжана дўсти Шругадхара билан Уттарананчала шаҳрига борарди. 52. Ғарб томонда Асури дарвозалари жойлашган эди. Бу дарвозалар орқали шоҳ Пуранжана дўсти Дурмада билан Грамаку шаҳрига борарди. 53. Ғарбдаги бошқа дарвозалар Ниррити деб аталарди. Бу дарвозалар орқали шоҳ Пуранжана дўсти Лубдхака билан бирга Вайшаса деган жойга борарди.

54. Бу шаҳарда кўп одам яшарди, улар орасида Нирвак ва Пешаскрит деган иккови ҳам бор эди. Шоҳ Пуранжана гарчи кўзи очик фукарларга хукмронлик қилаётган бўлса ҳам, афсуски, ўзи мана шу икки кўр одам билан яқин ҳамсухбат эди. Шоҳ улар билан бирга ҳар хил жойларга бориб, турли ишлар қиларди. 55. Баъзида у Вишучина деган асосий хизматкори билан ўзининг ҳарамига йўл оларди. Ана шундай пайтларда хотини ва болалари унинг учун алданиш, лаззат ва бахт манбаига айланарди. 56. Фикрлари гирдобига шу тарзда ғарқ бўлган шоҳ Пуранжана кармали фаолиятга берилиб кетганди, натижада моддий тафаккури уни ўзига бугунлай бўйсундириб олганди. Шуларга алданиб шоҳ хотини - маликанинг ҳамма истакларини сўзсиз бажарар эди. 57-61. Малика маст қилувчи ичимликлар ичганида шоҳ ҳам у билан бирга ичарди. Малика овқатланганида, шоҳ ҳам у билан бирга овқатланарди, у чайнаганида шоҳ ҳам у билан бирга чайнарди. Малика куйласа у ҳам куйлар, йиғлаганда йиғлар, кулганда куларди. Малика ҳар хил гапларни гапирганида шоҳ уни тинглар, сайр қилгани чиққанида унга ҳамроҳ бўларди. Малика тўхтаса тўхтаб турар, ўринга ётганида у билан бирга ётарди. Малика ўтирганида шоҳ ҳам ўтирарди, бир нима тингламоқчи бўлса, шоҳ ҳам шу нарсани тинглашга интиларди. У малика қараган тарафга қарар, у ҳидлаган нарсани ҳидлар эди. Агар малика бир нарсани ушлаб кўрса, шоҳ ҳам шу нарсани ушлаб кўрарди. Унинг азиз маликаси бирор нарсдан хафа бўлса, бечора шоҳ у билан бирга хафа бўлар, у қувонганида шоҳ ҳам қувонар, малика мамнун бўлган пайтларда шоҳ ҳам ўзида йўқ мамнун бўларди. 62. Гўзал хотинига маҳлиё бўлиб қолган шоҳ Пуранжана ана шундай алданиш тузоғига илиниб қолган эди. Аслида унинг моддий дунёдаги бугун умри алданиш билан ўтган эди. Бу нодон ва аҳмоқ шоҳ ўзи истамаган ҳолда, худди қўлга ўргатилган ҳайвон уй бекасининг айтганларини қилгани сингари, хотинининг ҳамма айтганини индамасдан қилиб юрарди.

Йигирма олтинчи боб

Шоҳ Пуранжананинг ўрмонга овга кетиши ва маликанинг бундан жаҳли чиққани

1-3. Буюк донишманд Нарада давом этди: - Эй ҳурматли шоҳ, кунларнинг бирида Пуранжана олтин тақинчоқлар билан безатилган либосини кийиб, ўзининг қудратли камони ва сон-саноксиз пайконларини олиб, бешта чопқир от қўшилган аравасига ўтириб, ўн бир ҳарбий қўмондонлари ҳамроҳлигида Панчапрастха ўрмонига йўл олди. Шу аравада шоҳ иккита портловчи ўқ ҳам олиб борарди. Араванинг бир ўққа беркитилган икки ғилдираги бор эди. Аравада учта байроқ, битта жилов(ип) бир аравакаш, битта ўриндик, икки шоти(дишло) бор эди. Арава беш хил қурол билан қуролланган ва етти қават парда билан қопланган эди. Арава беш хилда ҳаракатланар, унинг йўлида беш турли қийинчиликлар бор эди. Араванинг барча безаклари олтиндан қилинган эди. 4. Шоҳ Пуранжана хотинидан ҳатто бир дақиқа ҳам ажрала олмасди. Лекин, шу куни ов қилишга иштиёқи шу қадар кучли эдики, хотинини эсидан чиқариб, қўлига камон ва пайконларини олиб ўрмонга жўнади. 5. Шоҳ Пуранжананинг иблисона си-

фатлари шу қадар зўрайиб кетган эдики, у тошбағирлик билан, ўйланиб ўтирмасдан, ўрмондаги жуда кўп бегуноҳ ҳайвонларни ўлдира бошлади. 6. Агар бирор шоҳ, гўштли овқатга жуда кучли боғланиб қолган бўлса, ўрмонга бориб, муқаддас китобларда қурбонлик қилишга рухсат этилган ҳайвонларни овлаши мумкин. Аммо, беозор ҳайвонларни ҳеч қандай заруратсиз ва чегарасиз ўлдираверишга ҳеч қимнинг ҳаққи йўқ. Ҳирс ва ғафлат гуналари таъсири остига тушиб қолган нодон одамларнинг нафсининг талабини қондириш ниятида ҳайвонларни истаганча ўлдиришларига йўл қўймаслик учун Ведаларда ҳайвонларни ўлдириш тартиби белги-ланган.

7. Шоҳ Прачинабархишатга мурожаат қилиб Нарада Муни хикоясини давом эттирди: - Ҳурматли шоҳ, ҳаётини Ведаларда кўрсатилган қоидалар асосида яшган киши ҳеч қачон карма оқибатлари тузоғига илиниб қолмайди. 8. Аксинча, ҳаётда ўз билганича ҳаракат қилаётган киши шубҳаю-гумонлар тузоғига илиниб, тубанликка юз тутади. Шу тарзда инсон табиат қонунлари яъни, табиатнинг уч гунаси таъсирига берилиб қолади. Натижада тирик мавжудот ҳақиқий ақл-фаросатидан, заковатидан маҳрум бўлиб, туғилиб-ўлишлар чархпалагига тушиб қолади. У гоҳ юқори ҳаёт поғоналарига кўтарилиб Браҳмалокада фаришта тана-сида, гоҳида қуйи ҳаёт поғоналари гирдобига тушиб, ахлатхонадаги ҳашаротлар танасида туғилиб юради. 9. Шоҳ Пуранжана ўрмонда ов қилганида кўп ҳайвонлар унинг ўткир пайконлари зарбидан қаттиқ азобланиб, ҳалок бўлдилар. Шоҳнинг бу даҳшатли, тажовузкор ҳаракатларидан уни кузатиб турган, табиатан раҳмдил бўлган одамларни қаттиқ изтироб чекарди. Табиатан раҳмдил, меҳрибон одамлар учун, ҳалокат келтирувчи бундай ишларнинг гувоҳи бўлиш жуда оғир. 10. Шоҳ Пуранжана жуда кўп ҳайвонларни ўлдирди, улар орасида куёнлар, чўчкалар, кўтослар, бизонлар, қора кийиклар, дикобразлар ва бошқа ҳайвонлар бор эди. Ниҳоят, у ов қилишдан чарчади.

11. Шундан сўнг ўлгунча чарчаб, очлик ва ташналиқдан мадори қуриган шоҳ саройига қайтиб келди. Бу ерда у чўмилиб, ўзига муносиб таомлар билан овқатланди, дам олиб ҳордигини чиқарди. 12. Кейин шоҳ Пуранжана тақинчоқларини тақиб, танасига хушбўй атир суртиб, янги гулчамбар тақиб олди. Шоҳ шу тарзда қаддини бугунлай ростлаб олди. Кейин у маликани излашга тушди. 13. Шоҳ Пуранжана овқатланиб қорнини тўйғазгач, қалби қувончга тўлганди. Аммо, онгини руҳий ўзлигига қаратиш ўрнига у Купидон найрангига учиб, қалбида оилавий турмушда бахт манбаи деб ҳисоблаган хотинини излаб топиш истаги пайдо бўлди. 14. Бироз ташвишланиб, шоҳ Пуранжана уйда яшаётган аёллардан сўради: - Эй гўзаллар, сизлар ҳам, сизларнинг маликаларингиз ҳам аввалгидек бахтиёр-мисизлар?

15. Шоҳ Пуранжана шундай деди: - Атрофимдаги нарсалар нега мени аввалгидай қувонтирмаётганини тушунолмаяпман. Менинг фикримча, агар меҳрибон она, сеvimли ва садоқатли хотин бўлмаса, уй ғилдираги йўқ аравага ўхшайди. Қайси бир нодон шундай яроксиз аравага ўтиришни истайди? 16. Мени ҳар гал турли қийинчиликлардан халос қилиб юрган гўзал маликам қани? Ҳар бир қадамимни кузатиб, ҳар хил маслаҳатлар бериб, у мени жуда кўп мусибатлардан қутқариб қолганди.

17. Аёллар шоҳга шундай жавоб беришди: - Эй хукмдор, суюкли хотининг нимага шу йўлни танлагани бизга номаълум. Унга кара, эй душманлар ғолиби. У тўшаксиз тақир ерда ётибди, нимага бундай қилаётганини биз билмаймиз.

18. Буюк донишманд Нарада давом этди: - Хурматли Прачинабархи, маликанинг худди гадоё аёллардай ерда ётганини кўриб, шоҳ Пуранжана таҳликага тушди. 19. Ақлу-хаёлини чуқур мусибат қамраб олган шоҳ хотинига ширин сўзлар гапира бошлади. Қалби тавба-тазарруга тўлиб, хотинини юпатишга уринди, аммо азиз хотинининг қалбида муҳаббат ҳиссидан пайдо бўладиган ҳеч қандай ғазабланиш аломатларини сезмади. 20. Хушомадга уста шоҳ аста-секин маликани юпата бошлади. Аввало унинг оёқларини ушлади, кейин тиззасига ўтказиб, бағрига босди ва шундай сўзлар билан мурожаат қилди.

21. Шоҳ Пуранжана шундай деди: - Агар хўжайини хизматкорини оила аъзоси деб ҳисобласан-ю, аммо қилиб қўйган бирор гуноҳи учун уни жазоламаса, бундай хизматкор омадсиздир. 22. Эй сарвқомат гўзал, хўжайини жазолаган хизматкор бундай жазони ўзига кўрсатилган иноят деб қабул қилиши лозим. Бунга жавобан ғазаби кела бошлаган хизматкор эса ғофил нодондир, чунки у хўжайини ўз бурчини бажараётганини тушунмайди. 23. Азизим, сенинг тишларинг соппа-соғ, текис. Гўзаллигинг туфайли сен жуда ақлли аёл кўринадан. Менга раҳминг келсин, ғазабингдан туш ва менга муҳаббат билан қулиб боқ. Гўзал юзингда табасум ўйнаганида, мен қоп-қора лобар сочларингни ва чиройли бурнингни кўрганимда, ёқимли овозингни эшитганимда, менга яна ҳам гўзалроқ бўлиб кўринадан ва мени ўзинга бутунлай ром қилиб оласан. Сен - менинг азиз хукмдоримсан. 24. Эй қахрамоннинг хотини, агар биров хафа қилган бўлса айт. Агар браҳман бўлмаса, мен уни дарров жазолашга тайёрман. Бу уч олам ичида ва ундан ташқарида Мурарипу(Кришна)нинг хизматкорларидан бошқа ҳеч кимни аяб ўтирмайман. Сени хафа қилган ҳеч бир зот тинч яшай олмайди, чунки мен уни жазолашга тайёрман. 25. Эй хотин, илгари ҳеч қачон сенинг юзингни бундай ғамгин, тилака қўйилмаган ва муҳаббат акс этиб турмаган ҳолда кўрган эмасман. Кўзларингдан тўкилган ёшлар чиройли кўксингни ҳўл қилганини ҳам кўрмаганман. Сенинг Бимба мевасидек қип-қизил лабларинг бундай оқарганини ҳам илгари ҳеч кўрмаганман. 26. Эй маликам, гуноҳ ишлар оғушида сенинг рухсатингсиз ўрмонга овга жўнадим. Шунинг учун сени хафа қилганимни тан оламан. Барибир энг садоқатли хизматкоринг бўлганим учун мендан миннатдор бўлишинг керак. Аслида мен бўлиб ўтган воқеадан қаттиқ пушаймонман, лекин ҳозир Купидон пайконлари зарбидан эҳтирос алангасида ёняпман. Умуман қандай аёл эҳтирос оловида ёнаётган эрини рад этиб, у билан қўшилишдан бош тортади?

Йигирма еттинчи боб

Чандавегининг шоҳ Пуранжана шахрига хужум қилиши ва Калаканьянинг табиати

1. Буюк донишманд Нарада давом этди: - Хурматли шоҳ, ҳар хил маккорликларни ишга солиб, шоҳ Пуран-

жананинг хотини уни бутунлай ром қилиб, ўзига биратўла бўйсундириб олди, кейин унинг эҳтиросини кондириб, у билан ишқий лаззатга берилди. 2. Малика сувда чўмилиб, бахт келтирувчи либосларга ўраниб тақинчокларини тақиб олди. Кейин у овқатланиб, мамнуният билан шоҳнинг олдига қайтиб келди. Унинг ёқимли, безанган чиройли юзини кўриб, шоҳ уни самимий кутиб олди. 3. Малика Пуранжани шоҳни кучди, бунга жавобан шоҳ ҳам унинг елкасидан кучди. Хилватда ёлғиз қолиб, ҳазил-мутойиба билан улар яйраб ҳордиқ чиқардилар. Соҳибжамол хотинининг гўзаллигига маҳлиё бўлган шоҳ Пуранжана ақлини бутунлай йўқотиб қўйганди. Ўз вақтини бемаъни ишлар билан ўтказиб, у кун ўтган сайин умри тобора камайиб бораётганини эсидан чиқариб қўйди. 4. Юксак онга эга бўлишига қарамай шоҳ Пуранжана алданиш ботқоғига тобора чўкиб борарди. Ўзининг бугун умрини у тўшакда ўтказар, боши ҳамшиша ёстикдагидай хотинининг қўлларидида эди. Бошқача қилиб айтганда, унинг хаётининг мазмуни ва мақсади - аёл эди. Шу тарзда ғафлат гунаси таъсирига берилиб, у руҳий ўзлигини англашнинг моҳиятини тушуниб етолмади, Ўзининг руҳий табиатини ва Худо Шаҳсини англай олмади. 5. Эй хурматли шоҳ Прачинабархи, шундай қилиб, қалби эҳтирос ва гуноҳ ишлар билан булганган шоҳ Пуранжана хотини билан лаззатланиб юрганида навқирон ёшлиги худди бир лаҳзадай тез ўтиб кетди.

6. Кейин, шоҳ Прачинабархига юзланиб, буюк донишманд Нарада шундай деди: - Эй узок умр ато этилган зот(вират), шундай қилиб, шоҳ Пуранжана хотини Пуранжанидан бир минг бир юз ўғил кўрди. Шу ишлар билан банд бўлиб, унинг ярим умри ўтди. 7. Эй Пражапати, эй шоҳ Прачинабархи, Пуранжананинг яна бир юз ўн қизи бўлди. Уларнинг барчаси ота-оналарига муносиб бўлиб, одобли, хушхулқ ва бошқа яхши фазилатларга эга эди. 8. Кейин, наслини кўпайтириш учун Панчала хукмдори, шоҳ Пуранжана ўғилларини покдомон қизларга уйлантирди ва қизларини муносиб куёвларга эрга берди. 9. Унинг ҳар бир ўғлидан юзлаб фарзандлар туғилди. Шу тарзда шоҳ Пуранжананинг фарзандлари ва неваралари Панчала шахрини тўлдирдилар. 10. Бу фарзанд ва неваралар ҳақиқий йўлтўсарлардай шоҳ Пуранжананинг бутун бойликларини, уй-жойини, хазинасини, хизматкорларини, ёрдамчиларини, хуллас, шоҳ Пуранжана жуда боғланиб қолган ҳамма нарсаларини ундан тортиб олардилар.

11. Буюк донишманд Нарада давом этди: - Хурматли шоҳ Прачинабархи, сендаги сингари ҳар хил орзу-истаклар шоҳ Пуранжанага ҳам тинчлик бермасди. Шунинг учун у ҳайвонларни ўлдириш билан боғлиқ бўлгани сабабли бири-биридан даҳшатлироқ қурбонлик маросимларини ўтказиб, фаришталарга, авлодларига ва бу дунёнинг хукмрон зотларига сиғинарди. 12. Ниҳоят кармали фаолият(карма-канда)га, яқинларига ва қариндош-уруғларига қаттиқ боғланиб қолган, ғафлат босган онги таъсирида қаттиқ эзилган шоҳ Пуранжана учун ҳам, моддий дунёга боғланиб қолган одамлар хуш кўрмайдиган пайт етиб келди.

13. Эй шоҳ! Гандхарвалокада Чандавега деган бир подшоҳ яшайди. Унинг хукми остида уч юз олтмиш кудратли жангчи гандхарвалар бор. 14. Чандавегининг қанча аскарлари бўлса яна шунча аёл-гандхаринилари бор. Ва уларнинг барчаси ҳамшиша инсон лаззат оладиган нарсаларни ўғирлаш билан машғул. 15. Гандхарва-

раджа(Чандавега) ва унинг қўл остидагилар Пуранджана шахрини талон-тарож қила бошлаганида беш бошли илон уни химоя қила бошлади. 16. Шоҳ Пуранжана шахрининг ҳокими ва химоячиси бўлган беш бошли илон гандхарвалар билан юз йил давомида курашди. Гарчи душманлар етти юз йигирма бўлса ҳам, уларнинг барчаси билан у ёлғиз ўзи курашарди. 17. Ҳар бири жасур жангчи бўлган шунча қўшин билан ёлғиз ўзи курашишга мажбур бўлган беш бошли илон жуда ҳолдан тойди. Ўзининг энг яқин дўсти ҳолдан тойганини кўриб, шоҳ Пуранжана, унинг бошқа дўстлари ва шаҳар аҳолиси ташвишга тушдилар.

18. Шоҳ Пуранжана Панчала шахридан солиқ йиғар, бу унга жинсий алоқа лаззатидан баҳраманд бўлиш имконини берарди. Бутунлай аёллар ҳукми остида бўлиб, у умрининг ўтиб бораётганини ва ажали яқинлашиб келганини англамай қолди. 19. Эй хурматли шоҳ Прачинабархи, шу пайтларда бешафқат Замоннинг қизи ўзига муносиб эр излаб уч оламини айланиб юрарди. Ҳеч ким уни ўзига хотин қилишни истамас, аммо у барибир ҳар кимнинг олдига албатта келарди. 20. Замон қизи(Джара)нинг сира омади келмагани сабабли уни Дурбхага(Бахтсиз) деб атардилар. Лекин бир вақтлар буюк шоҳ унга ёқиб қолган эди. Ана шу шоҳ уни яхши кутиб олгани учун унга ажойиб фотиҳа берган эди. 21. Кунларнинг бирида юқори сайёралар тизими - Браҳмалокадан Ерга тушганимда мен ҳам коинотда сайр қилиб юрган Замон қизи билан учрашгандим. Менинг ҳеч қачон уйланмасликка қасам ичганимни билса ҳам, менга нисбатан эҳтироси кўзиб, ўзи билан қўшилишимни таклиф қилди.

22. Буюк донишманд Нарада давом этди: - Мен унинг илтимосини рад қилганимда, ғазаби келиб, мени қаттиқ дуои бад қилганди. Мен уни рад этганим учун, мени "ҳеч қачон бир жойда узок қолаолмагайсан" деб қарғади. 23. Уни рад этганимдан сўнг, мендан рухсат олиб, у яваналар шоҳи Бхая(Дахшат)га мурожаат қилиб, унга эрга тегди.

24. Калаканья яваналар шоҳига яқинлашиб, унга худди буюк қахрамонларга мурожаат қилгандай юзланди: - Эй ҳукмдор, ҳаромзодалар ичида аълоси сенсан. Мен сенга ошиқ бўлиб қолдим, сенга эрга тегишни истайман. Менга маълумки, сен билан дўст бўлган киши ҳеч қачон мағлубият нималигини билмайди. 25. Урф одатларга ёки муқаддас китобларнинг ҳукмига асосан хайр-эхсон қилмайдиган киши ҳам, уларни қабул қилмайдиган киши ҳам ғафлат гунаси таъсири остида бўлади. Ундай одамлар ғофил, нодонлар юрадиган йўлдан боряптилар ва охир-оқибатда мусибатга тушади ва ўтган умридан пушаймон бўладилар.

26. Калаканья давом этди: - Эй покдомон эр, мен сенга хизмат қилиш учун келдим. Ўз марҳаматингни дариг тутмай мени хотинликка ол. Одобли инсоннинг биринчи вазифаси - мусибатга тушганларга раҳмдил, меҳрибон бўлишдан иборат. 27. Замон қизи Калаканьянинг гапларини эшитиб, яванлар шоҳи кулиб қўйди ва тақдир унга юборган бу сирли вазифани қандай амалга ошириш устида бош қотира бошлади. Кейин у Калаканьяга шундай деди.

28. Яванлар шоҳи шундай деди: - Ҳаммасини бафуржа ўйлаб кўриб, мен сенинг эринг ким бўлишини белгиладим. Аслида сендан зарар ва нохушлиқдан бошқа нарса кутиб бўлмаслигини ҳар бир одам яхши билади. Агар ҳеч кимга ёқмасанг, ким ҳам сени хотин-

ликка оларди? 29. Бу дунё кармали фаолиятлар натижасидир, шунинг учун сен бу дунёда яшаётган одамларнинг барчасига сездирмасдан ҳамла қилишинг мумкин. Менинг аскарларим ёрдамида сен уларни ҳеч қаршиликсиз ўлдираверасан.

30. Яванлар шоҳи давом этди: - Мана укам Праджара, сен эса менга сингил бўласан. Мен сизлар ва қудратли қўшинларим ёрдамида кўзга кўринмаган ҳолда бу дунёда ҳаракат қиламан.

Йигима саккизинчи боб Пуранжананинг кейинги ҳаётида аёл бўлиб туғилиши

1. Буюк донишманд Нарада давом этди: - Эй хурматли шоҳ Прачинабархи, орадан кўп вақт ўтмай яванларнинг Дахшат исмли шоҳи Праджавара, Калаканья ва қўшинлари ҳамроҳлигида бутун олам бўйлаб сайр қилгани чикдилар. 2. Бир куни яванлар шоҳининг кўрқинчли жангчилари Пуранжана шахрига шиддат билан ҳужум қилдилар. Гарчи бу шаҳарда ҳиссий лаззатлар учун зарур бўлган ҳамма нарса мавжуд бўлса ҳам, шаҳарнинг ягона химоячиси кекса илон эди. 3. Шу кўрқинчли жангчилари ёрдамида Калаканья Пуранжана шахри аҳолисига бирма бир ҳужум қилиб, бирин кетин уларни ишдан чиқара бошлади. 4. Замон қизи Калаканья танага ҳужум қилганида, шоҳнинг кўр-қинчли аскарлари ҳар хил дарвозалар орқали шаҳарга кириб, унинг бутун аҳолисини қаттиқ қийнай бошладилар. 5. Явана-раджанинг аскарлари Калаканья билан биргалликда Пуранжана шахрига ҳужум қилганларида, оиласига жуда қаттиқ боғланиб қолган Пуранжана жуда оғир аҳволда қолди. 6. Калаканья кучоғига тушиб қолган шоҳ Пуранжана вақт ўтиши билан гўзаллигини бутунлай йўқота бошлади. Жинсий ҳаётга қаттиқ боғланиб қолгани учун, у ақлини йўқотган ва барча мол-дунёсидан ажралган эди. Гандхарва ва яваналар унинг бор нарсасини тортиб олиб, унинг ўзини ҳам куч билан емира бшладилар. 7. Шунда шоҳ Пуранжана шаҳарнинг ҳамма ерида тартиб бузилганини, ўғиллари, неваралари, хизматкорлари ва вазирлари унга душманлик қила бошлаганини кўрди. У ҳатто хотини ҳам унга нисбатан совиб, эътибор бермай қўяётганини сизди. 8. Оиласининг барча аъзолари, қариндошлари, издошлари, хизматкорлари, бошқа яқин одамлари энди ўзига қарши турганини кўриб, Шоҳ Пуранжана қаттиқ ташвишга тушди. Аммо, у энди бу аҳволни яхшилашга ожизлик қиларди, чунки у ҳозир бутунлай Калаканья ҳукми остида эди. 9. Калаканьянинг таъсири остида авваллари Пуранжанага лаззат бағишлайдиган нарсаларнинг барчаси энди сўниб, жозибдорлигини йўқота бошлаган эди. Ҳалиям аввалгидай эҳтирос туйғуси таъсири остида бўлгани учун, у ўзини жуда бахтсиз сезарди. У ҳаётда нима учун яшаётганини тушунмас, аммо аввалгидай хотини ва болаларини севар, уларнинг эҳтиёжларини қондириш ҳақида ўйларди. 10. Аскар(гандхарва ва явана)лар шоҳ Пуранжана шахрини эгаллаб олдилар, ва гарчи шоҳ у ердан чиқиб кетишни истамаса ҳам, энди бошқа иложи йўқ эди: унинг шахрини Калаканья бутунлай вайрон қилган эди.

11. Шунда Явана-раджанинг акаси Праджавара, Дахшат деб ҳам аталадиган укасини мамнун қилиш учун шаҳарга ўт қўйиб юборди. 12. Шаҳар ёниб барча шаҳарликлар, шохнинг хизматкорлари, унинг барча оила аъзолари: ўғиллари, неваралари, хотини ва бошқа қариндошлари олов ичида қолди ва шох Пуранжана ўзини жуда бахтсиз ҳис қила бошлади. 13. Шаҳар химоячиси илон, Калаканьянинг шаҳарликларга ҳужум қилаётганини кўриб турар, яванлар талаётган, ва олов ичида қолган шаҳарнинг бундай ачинарли аҳволга тушгани унга қаттиқ азоб берарди. 14. Ўрмонга ёнгин кетганида дарахт ковагида ётган илон ундан чиқишга ҳаракат қилади. Худди шунингдек, шаҳар олов ичида қолганида шаҳарнинг химоячиси ҳам, ёнгин балосидан кутулиш учун шаҳарни тарк этишга уринди. 15. Аскар(гандхарва ва явана)лар мадорини қуритганлари учун уларнинг бутун аъзолари ҳолдан тойган эди. Танасини тарк этаётганида душманлар уни тутиб олдилар. Уриниши бекор кетганини тушуниб, илон қаттиқ инграй бошлади. 16. Шунда шох Пуранжана ўзининг ўғиллари, неваралари, куёвлари, хизматкорлари ва амалдорларини, шунинг умри давомида тўплаган молдунёсини эслай бошлади.

17. Шох Пуранжана ўз оиласига, “мен” ва “меники” деган тушунчаларга жуда боғланиб қолган эди. Хотинига бўлган эҳтироси унинг вужудини бутунлай қамраб олган эди. Буларнинг барчасидан ажралиш пайти келганида у қаттиқ изтироб чека бошлади. 18. Шох Пуранжанани ҳар хил ташвишли ўйлар чулғаб олди. “Эвоҳ, хотиним шунча фарзандларим билан қолиб кетяпти. Мен бу танани тарк этиб кетсам, ёлғиз ўзи уларни қандай боқа олади? Оилани боқиш ташвиши уни қийин аҳволга солиб қўяди”.

19. Кейин шох Пуранжана хотини билан қандай ҳаёт кечиргани ҳақида ўйлай бошлади. У хотини то ўзи овқатланмагунча ҳеч қачон овқатланишга ўтирмаганини, эри ювинмай туриб ҳеч қачон ювинмаганини, хотини ўзига жуда боғланиб қолганини ва шунинг учун баъзан жаҳли чиқиб, уни қийганида, у ҳамини эрининг барча ноҳақ қийишларини жимгина туриб эшитганларини эслади. 20. Шох Пуранжана ҳар гал қийин аҳволга тушиб қолганида хотини яхши маслаҳатлар берганини, уйдан чиқиб кетганида хафа бўлиб қолганларини эслашда давом этди. Гарчи хотини шунча қаҳрамонларнинг онаси бўлса ҳам, шох унинг турмушда дуч келадиган муаммоларни ҳал қила олмаслигидан кўрқарди. 21. Шох Пуранжанани ташвишли ўйлар тарк этмасди: “Мен бу дунёни тарк этиб кетсам, ҳамма нарсада менга боғланиб қолган ўғил-қизларим қандай кун кўрадилар? Улар уммон ўртасида ҳалокатга учраган кема ичидаги йўловчиларга ўхшаб қоладилар”.

22. Шох Пуранжана хотини ва болаларининг тақдирини ўйламаслиги лозим эди, аммо бахил одам сифатига эга бўлган ақли бунга йўл қўймасди. Айни пайтда Дахшат деган Явана-раджа уни қўлга олиш учун шиддат билан яқинлашди. 23. Яваналарнинг шохни худди ҳайвонлардай боғлаб, судраб олиб кетаётганларини кўриб, Пуранжананинг яқинлари изтиробга тушдилар. Аммо, улар изтироб чекиб турганларида, уларни ҳам хўжайинлари изидан боришга мажбур қилдилар. 24. Явана раджа аскарлари томонидан қўлга олинди, шаҳардан чиқарилган илон, бошқалар билан бирга хўжайини изидан борди. Улар чиқиб кетиши билан бутун шаҳар кули кўкка совурилиб, ер юзидан ғойиб

бўлди. 25. Ҳатто қудратли Яван куч ишлатиб, зўрлик билан олиб кетаётганида ҳам, шох Пуранжана ғофиллиги сабабли дўсти ва саодатпешаси бўлган Олий Рухни эсига олмади. 26. Бағритош шох Пуранжана ўтказган қурбонлик маросимлари пайтида жуда кўп ҳайвонларни ўлдирган эди, энди имкониятдан фойдаланиб уларнинг барчаси уни ҳар тарафдан ўзларининг ўткир шохлари билан суза бошладилар. Бу унга, худди уни болта билан чавақлаётгандай азоб берарди. 27. Аёллар билан ҳар хил нопок, бемаъни сўхбатларга муккасидан кетган шох Пуранжана сингари тирик мавжудотлар узоқ йиллар давомида хотирасидан махрум бўлиб, моддий мавжудлик уммонига ғарқ бўлади ва у ерда ҳар хил азоб-уқубатларга мубтало бўладилар. 28. Танасини тарк этаётиб, шох Пуранжана хотини ҳақида ўйлади ва шу сабабли кейинги ҳаётида жуда чиройли ва олий насабли аёл бўлиб туғилди. У саройда шох Видарбханинг қизи бўлиб туғилди.

29. Шох Видарбханинг қизи Вайдарбхи Пандулар мамлакатидан ғайритабиий қудратга эга шох Малаядваджага эрга чиқади, деб қарор қилинди. Бошқа шахсонларни енгиб, у шох Видарбханинг қизининг қўлига эга бўлди. 30. Шох Малаядваджанинг кўзлари қоп-қора бир қизи ва етти ўғли бўлди, улар кейинчалик Дравида деб аталган салатанатга ҳукмрон бўлдилар. Шундай қилиб у ерларга етти шох ҳукмронлик қила бошлади.

31. Эй ҳурматли шох Прачинабархисат, Малаядваджанинг ўғилларининг минг-минглаб ўғиллари бўлди, улар бир Манунинг умрининг охиригача, ҳатто ундан кейин ҳам бутун оламга ҳукмронлик қилдилар. 32. Малаядваджанинг Парвардигор Кришнага садоқатли хизмат қилишга қасам ичган катта қизи буюк донишманд Агастьяга турмушга чиқди. Унинг Дридахьяюта деган ўғли бўлди, Идмаваха шунинг ўғли бўлди. 33. Шундан сўнг буюк шох ва авлиё Малаядваджа салтанатини ўғилларига бўлиб берди ва қолган умрини Парвардигор Кришнага сиғиниш билан ўтказиш учун Кулачала деган, одам яшамайдиган хилват жойга йўл олди. 34. Шох Малаядваджа Кулачалага йўл олганида унинг мафтункор кўзли садоқатли хотини барча оилавий лаззатлардан воз кечиб, уйи ва болаларини ташлаб, худди ойнинг нури ҳамини ой изидан эргашгани сингари, эрининг изидан борди. 35-36. Кулачала вилоятдан Чандраваса, Тамрапарни ва Ватодака дарёлари оқиб ўтарди. Шох Малаядваджа ҳар қуни шу дарёларга борар ва уларнинг сувида чўмилиб ҳам ичидан, ҳам ташқарисидан покланарди. У сувда чўмилиб покланар, фақат япроқ, гул, уруғлар, илдизлар, мева ва майсалар билан озиқланиб сув ичарди. Шу тарзда у танасининг қувватини камайтириб борди ва аста-секин танаси бутунлай заифлашиб қолди. 37. Шох Малаядваджа қаттиқ риёзатга берилиб, аста-секин танасини ҳам, ақлини ҳам иссиқ ва совуқ, бахт ва бахтсизлик, шамол ва ёмғир, очлик ва тўқлик, ёқимли ва ёқимсиз каби қарама-қаршиликларни бир хилда қабул қиладиган қилиб ўргатди. Шундай қилиб, бу нисбийлик ҳукм сурган дунёни енгиллашга муваффақ бўлди. 38. Парвардигорга сиғиниб, риёзат чекиб ва фарз қилинган қонун-қоидаларга амал қилиб, шох Малаядваджа ўзининг ҳиссиётини, ҳаёт кучини ва онгини жиловлаб олди. Бу ҳолат унга бутун фикрини Олий Браҳман(Кришна) моҳиятида жамлаш имконини берди. 39. Шу тарзда у фаришталар ҳисоби билан юз йил да-

вомида бир жойда риёзат чекди. Шу вақт давомида у ўзида Худо Шахси, Кришнага нисбатан муҳаббат ҳиссини уйғотди ва бу туйғуни қалбаига мустаҳкам жойлаб олди. 40. Олий Рухни алоҳида шахсий руҳдан ажрата билишни ўрганиб, шох Малаядваджа мукамал илмга эга бўлди. Алоҳида шахсий руҳ маълум бир жойда мавжуд, Олий руҳ эса ҳар ерда мавжуддир. Рухнинг моддий танадан фарқ қилишини, ва руҳ фақат тананинг ҳаракатларини кузатиб туришини шох тўла тушуниб етди.

41. Моддийлик ботқоғидан бутунлай халос бўлган шох Малаядваджа бевосита Худо Шахсидан насиҳатлар ола бошлади ва шу туфайли мукамал илмга эга бўлди. Илоҳий илм нуридан қувват олиб, у ҳар нарсанинг моҳиятини англаб етар ва оламни ҳар жиҳатдан, ҳар хил нуқтаи назардан англай оларди. 42. Шунда шох Малаядваджа ўзи билан бирга, ёнида Олий Рух мавжудлигини кўрди. Ўзи, шахсий руҳ эса, Олий Рухнинг ёнида эди. Улар ҳамиша бирга бўлганлари учун, у ўз эҳтиёжлари ҳақида қайғуриб, ўйлаб юришининг муғлақо ҳожати йўқ эканини англаб етди ва бундай ўйлардан бутунлай воз кечди. 43. Видарбха шохининг қизи эрига худди Худого сиғингандай сиғинарди. У барча лаззатлардан воз кечди ва ҳамма нарсани тарк этиб, эри амал қилан қоидаларга амал қилди. У эрига шундай хизмат қиларди. 44. Видарбха шохининг қизи жулдур кийимларни кийиб олди. Қасамларига амал қилиб, қаттиқ риёзатларга берилиб худди дарахт шохасидек нимжон бўлиб қолди. Ҳеч қачон сочларини тарамаганидан унинг сочлари кигиздек қотиб қолганди. Гарчи ҳамиша эрининг ёнида бўлса ҳам, у худди шамолсиз жойда ёнаётган шам сингари ҳамиша жим ва хотиржам қоларди. 45. Кунларнинг бирида одатдагидай қимирламай ўтирган эрига хизмат қилишда давом этаётди, шох Видарбханинг қизи эри аллақачон танасини тарк этганини англаб етди. 46. У эрига хизмат қилиб, унинг оёқларини силарди, аммо унинг оёқлари совиб қолганини, уни ёлғиз қолдириб, эри танасини тарк этиб кетганини англаб етди. Шунда у қаттиқ хавотирга тушди. Эридан айрилиб, у ўзини худди жуфтдан айрилган кийикдай ёлғиз ҳис қиларди. 47. Шох Видарбханинг ўрмонда ёлғиз, бева бўлиб қолган қизи кўксини кўзидан оқаётган ёшларга тўлдириб, юм-юм йиғлай бошлади.

48. - "Ўрнингдан тур, эй шохларнинг аълоси! Ҳар тарафдан сув билан ўралган, қароқчилар ва ўзини ҳукмрон деб юрган одамлар билан тўла бу дунёга бир назар сол! Бутун дунё хавотир остида, ва уни ҳимоя қилиш - сенинг бурчинг".

49. Хотинлар ичида энг итоаткор бўлган бу нотавон аёл ўрмонда ёлғиз қолиб, ўлган эрининг оёқларига бош уриб, кимсасиз ўрмонда нола қилар, унинг кўзларидан тинмай ёш оқарди. 50. Кейин, у ўрмондан ўтин тўплаб, катта гулхан ёқди ва унга эрининг жасадини қўйди. У мусибатга тушиб, ўзи ҳам оловга киришга, эри билан бирга танасини тарк этишга ҳозирланди.

51. - Эй ҳурматли шох, ана шу пайтда шох Пуранжананинг эски дўстларидан бири, кекса браҳман пайдо бўлиб, маликани ширин сўзлар билан овута бошлади.

52. Браҳман маликадан сўради: - Сен кимсан? Сен кимнинг хотини ё қизисан? Бу ерда ётган киши ким? Сен унинг ўлик жасади устида йиғлаётганга ўхшайсан? Мени танимаяпсанми? Мен сенинг мангу

хамроҳингман. Эслаб кўр, сен аввал ҳам бир неча бор Мендан насиҳат олгандинг.

53. Браҳман давом этди: - Эй азиз дўстим, гарчи Мени танимаётган бўлсанг ҳам, аввал энг азиз дўстинг борлиги эсингдами? Бахтга қарши сен Мени тарк этиб, бу моддий дунёда лаззатланишни истаган эдинг. 54. Эй кадрдон дўстим, сен билан биз худди икки оққуш сингари ҳамиша биргамиз. Икковимиз ҳам Манаса кўлига ўхшаган бир юракда яшаймиз. Бизлар кўп минглаб йилларни бирга ўтказдик, аммо ҳалигача ўзларимизнинг ҳақиқий уйимиздан йироқдамиз. 55. Эй азиз дўстим, сен Мен учун аввал қандай бўлсанг, ҳозир ҳам шундай дўстим бўлиб қолгансан. Мени тарк этганиндан бери, сен моддийлик ботқоғига анча ботиб қолдинг ва, Менга назар қилмай, моддий оламда қайсидир аёл яратган ҳар хил таналар ичида сарсон бўлиб юрибсан. 56. Бу шаҳар(моддий тана)да беш боғ, тўққиз дарвоза, бир қоровул, уч уй, олти оила, беш савдо маркази, беш моддий унсурлар ва уй бекаси бир аёл бор. 57. Азиз дўстим, беш боғ - бу биз лаззат оладиган беш нарсалардир, бир қоровул эса, - тўққиз дарвоза орқали ўтадиган ҳаёт нафаси. Уч уй - тана таркиб топган уч асосий унсур: олов, сув ва ер. Олти оила - булар беш ҳиссиёт ва ақлдор. 58. Беш савдо маркази - беш ҳаракат қилиш органлари. Шартнома тузиб, улар ҳар бири мангу бўлган беш унсурдан фойдаланадилар. Мана шу фаолиятларнинг барчасини руҳ бошқариб туради. Рух - бу шахс ва ҳақиқий лаززатланувчидир. Аммо, тана шахрига қамалиб олгандан сўнг у илмдан маҳрум бўлади. 59. Эй азиз дўстим, сен моддий истаклар аёли билан бу тана ичига кирганинда, ҳиссий лаззатланишлар уммонига ғарқ бўласан. Бу ҳолат сени руҳий ҳаётни умуман эсингдан чиқариб юборади, ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурларинг эса, чекаётган ҳар хил моддий азоб-уқубатларингга сабаб бўлади. 60. Аслида сен - Видарбханинг қизи эмассан ва мана бу киши, Малаядваджа, меҳрибон эринг эмас. Сен Пуранжананинг ҳам эри бўлмаган эдинг. Сен шунчаки мана шу тўққиз дарвозали танага қамалиб қолган пок руҳсан. 61. Баъзида сен ўзингни эркак деб ҳисоблайсан, баъзида покдомон аёл деб санайсан, баъзида эса жинси номаълум жонзот деб ўйлайсан. Буларнинг барчаси алдамчи қувват яратган тана билан боғлиқ бўлган атамалардир. Бу қувват Менинг қувватимдир, аслида бизлар икковимиз, сен ҳам, Мен ҳам - Пок руҳий зотлармиз. Шуни англаб етишга ҳаракат қил. Мен сенга ўзимизнинг ҳақиқий ҳолатимизни тушунтиришга ҳаракат қиламан.

62. Азиз дўстим, Олий Рух, яъни Мен билан, алоҳида шахсий руҳ бўлган сенинг орамизда сифат жиҳатдан ҳеч қандай фарқ йўқ, чунки, бизлар икковимиз ҳам руҳий табиатга эгамиз. Ҳақиқатан ҳам, эй дўстим, табиатингга кўра Мендан фарқ қилмайсан. Шуни яхшилаб ўйлаб кўр. Илмга эга бўлган ҳақиқий донишмандлар сен ва Менинг орамизда сифат жиҳатдан ҳеч қандай фарқни сезмайдилар. 63. Ойнада ўзининг тасвирига қараб турган киши ўзи билан ойнадаги тасвири орасида фарқ йўқлигини тушунади, аммо ташқаридан қараб турган киши бу ерда икки танани кўрадилар: Худди шундай, тирик мавжудотлар ҳам, унга бир пайтнинг ўзида ҳам таъсир қиладиган, ҳам таъсир қилмайдиган моддий унсурлар билан ўзаро муносабатда бўлиб, шартларга боғланиб қолганида, ўзи билан Худо орасида фарқ пайдо бўлади. 64. Шу тарзда бу икки оққуш юракда яшайди. Бир оққуш иккинчиси-

дан насихат олганида у ўзининг асл табиий ҳолатига қайтади. Бу демек, у моддий оламга боғлангани туфайли қачонлардир йўқотиб қўйган Кришна онгига қайта эга бўлади.

65. Хурматли шоҳ Прачинабархишат, маълумки, Худонинг Олий Шахсини, барча сабабларнинг азалий сабабчисини ривоятлар ёрдамида англаб олиш мумкин. Шунинг учун мен сенга шоҳ Пуранжана ҳикоясини гапириб бердим. Унинг мазмун-моҳияти - инсонга ҳақиқий ўзлигини англаш учун кўрсатмадир.

Йигирма тўққизинчи боб

Нараданинг шоҳ Прачинабархи билан суҳбати

1. Шоҳ Прачинабархишат шундай деди: - Эй ҳукмдор, биз сенинг шоҳ Пуранжана ҳақида гапириб берган ривоятингни тушунмадик. Мукамал руҳий илмга эга бўлган кишилар шубҳасиз унинг маъносига тушунадилар, аммо биз сингари дунёвий, кармали фаолиятга қаттиқ боғланиб қолган кишилар бунга қодир эмаслар.

2. Буюк донишманд Нарара Муни давом этди: - Билгинки, Пуранжана, тирик мавжудот, бир танадан иккинчисига кўчиб юради, унинг кейинги ҳаётида эга бўладиган танасининг кўриниши унинг ҳозирги ҳаётида қилган ишларига боғлиқ. У кейинги ҳаётида бир, уч, тўрт оёқли, жуда кўп оёқли ёки умуман оёғи йўқ танага эга бўлиши мумкин. Бир танадан иккинчи танага кўчиб, гўё лаззатланиб юрган тирик мавжудотни Пуранжана деб атайдилар. 3. Мен номаълум зот деб атаганим - Худонинг Олий Шахси, Олий Рух, тирик мавжудотнинг мангу дўсти ва ҳукмдоридир. Моддий оламдаги ҳар хил номлар, ҳаракатлар ва сифатлар Худо Шахсини англаб етишга ёрдам бермайди, шунинг учун моддий олам тутқунлигида бўлган тирик мавжудот учун Парвардигор ҳамиша номаълум бўлиб қолаверади. 4. Тирик мавжудот барча табиат гуналари билан бирданга лаززатланмоқчи бўлганида, сон-саноксиз тана турлари орасидан тўққиз дарвозаси, икки қўли ва икки оёғи борини танлайди. Бошқача қилиб айтганда у инсон ёки фаришта танасига эга бўлади.

5. Буюк донишманд Нарара давом этди: - Бу ерда қўлланилган прамада сўзи моддий тафаккурни, яъни ғофилликни англатади. Бунинг маъноси қуйидагича. Шундай тафаккурга асосланиб тирик мавжудот ўзини моддий танага қиёслайди. “Мен” ва “меники” деган моддий тушунчалар таъсири остида у ўзининг моддий ҳиссиётлари ёрдамида гоҳида лаззатланади, гоҳида азоблана бошлайди. Шу тарзда тирик мавжудот моддий ҳаёт асирлигига тушиб қолади. 6. Беш ҳаракат органи ва беш сезувчи орган Пуранжананинг дўстларидир. Улар тирик мавжудотга илм олишда ва ҳар хил фаолият билан шуғулланишда ёрдам беради. Ҳиссиётларнинг ҳаракатлари - унинг дугоналари, беш бошли илон эса - танада беш турда мавжуд бўлган ҳаёт нафасидир. 7. Барча хизматкорларни бошқариб турувчи ўн биринчи хизматкор - аклдир. У атроф-муҳитни сезувчи органларга ҳам, ҳаракат қилувчи органларга ҳам раҳбарлик қилади. Панчала салтанати - тирик мавжудотнинг ҳиссиёти лаззат оладиган беш хил объект билан лаززатланадиган жойдир. Ана шу салтанатда тўққиз дарвозали тана шаҳри жойлашади. 8. Кўзлар, бурун тешиклари

ва кулоқлар - бир жойда жойлашган уч жуфт дарвозалардир. Тўққиз дарвозали тана ичида жойлашган тирик мавжудот ундан ташқарида, моддий оламда ҳаракат қилади, ва шакл ва таъм сингари лаззат объектлари билан лаззатланади. 9. Ҳиссиётнинг беш аъзоси: икки кўз, буруннинг икки тешиги ва оғиз - олд тарафда жойлашган. Ўнг кулоқ жанубий дарвоза, чап кулоқ - шимолий дарвоза деб аталади. Ғарбда жойлашган икки дарвозани орқа тешик ва жинсий аъзолардир.

10. Мен Кхадьота ва Авирмуххи деб атаган икки дарвоза - бир бирига яқин жойлашган икки кўзлардир. Вибухадита шаҳри деганда шакллари тушуниш керак. Бошқача қилиб айтганда, икки кўз ҳамиша ҳар хил шакллари кўради. 11. Налини ва Налини деган икки дарвоза - буруннинг икки тешиги, Саурабха шаҳри дегани ҳидлар тимсолидир. Пуранжананинг Авадхута деган ҳамроҳи ҳид билиш қобилияти(обоняние)дир. Мукхья деган дарвоза - оғиз, Випана деган дарвоза эса - (нутқ)гапириш қобилиятидир. Расагья деб таъм билиш қобилиятини айтади. 12. Апана шаҳри ҳар хил гаплар, Бахудана эса ҳар хил таомлар. Ўнг кулоқ Питриху дарвозаси, чап кулоқ эса - Деваху дарвозаси деб аталади.

13. Нарара Муни давом этди: - Дакшина-панчала деб аталган шаҳар - инсонни правритти, яъни лаззат келтирадиган кармали фаолият йўлидан олиб борадиган муқаддас китоблардир. Утара-панчала деган бошқа шаҳар эса, инсонга кармали фаолиятни тарқ этиб, ҳақиқий илм эгаллашга ёрдам берадиган муқаддас китоблардир. Инсон қулоғи ёрдамида ҳар турли илмга эга бўлади, шунинг учун кўзлар Питрилокага, бошқалар эса - Девалокага эришадилар. Буларнинг барчаси инсоннинг икки қулоғининг фаолияти шарофати билан мумкин бўлади. 14. Пастки Асури дарвоза деб ном олган жинсий органлар ёрдамида тирик мавжудот, ғофил ва нодон бўлган оддий одамларга гўё чуқур лаззат бағишлайдиган жинсий алоқа билан шуғулланиш учун Грамака шаҳрига киради. Зурёд қолдириш қобилияти Дурмада деб, анус эса Ниррити деб аталади.

15. Мен "Пуранжана Вайшасага боради", деганимда, унинг дўзахга тушишини назарда тутган эдим. Унга орқа тешикдаги ҳаракат органи ҳамроҳ бўлади. Мен икки кўр йўлдошни ҳам эслатиб ўтган эдим. Булар оёқ ва қўллардир. Улар ёрдамида тирик мавжудот ҳар хил ҳаракатлар қилади ва бир жойдан иккинчи жойга ўтиб юради. 16. Антах-пура сўзи юракни билдиради. Вишучина сўзи эса “адашиб юрган” деган маънони билдириб, ақл(хаёл)ни назарда тутди. Инсон хаёлида моддий табиат гуналарининг ҳар хил кўринишлари билан лаззатланади. Табиат гуналари таъсири баъзан уни адаштиради, баъзан яйратади, баъзида эса мамнун қилади. 17. Малика дегани - инсоннинг заковати, тафаккури эканини аввал айтган эдим. Инсон ухлаганида ҳам, уйғоклигида ҳам тафаккури унга ҳар хил шароитлар барпо этади. Ифлосланган, нопок тафаккур таъсири остида инсон хаёлида ҳар хил қиёфалар яратади ва кейин ўзининг кундлик фаолиятида уларга қарши тафаккурида пайдо бўлган акс таъсирларни намоён этади.

18-20. Нарара Муни давом этди: - Арава деганимда мен инсон танасини кўзда тутгандим. Ҳиссиёт органлари - бу аравани олиб юрувчи отлардир. Ўз йўлида ҳеч қандай тўсикқа учрамасдан бу отлар йиллар давомида, умр бўйи чопадилар, аммо аслида арава жойидан қимирламайди. Гуноҳ ва савоб ишлар араванинг икки ғилдирагидир. Моддий табиатнинг уч гунаси - аравада-

ги уч байроқ. Ҳаёт нафасининг уч оқими тирик мавжудотни тутқунликда ушлаб туради, ақл эса тизгин(отларни бошқарувчи жиллов) вазифасини бажаради. Тафаккур - аравакаш, юрак - ўриндик, қарама-қаршилиқларнинг лаззат ва азоб шаклидаги кўринишлари эса икки аршдир. Етти унсур - араванинг ёпинчиғи, ҳаракат органлари - арава ҳаракатининг беш хил намоён бўлишидир. Ўн бир ҳиссий аъзолар - жангчилар. Ҳиссиётини қаноатлантириш билан банд бўлган тирик мавжудот, ҳиссий лаззат олиш умидида аравада ўтириб, умрлар оша ўзининг чексиз орзу-умидларини амалга оширишга ҳаракат қилади. 21. Чандавега деб атаганим, енгилмас замон(вақт), уни гандхарва ва гандхарвилар, яъни кун ва тунлар ўраб олган. Жами уч юз олтмиш бўлган кун ва туннинг алмашиб туриши аста-секин моддий тана умрини қисқартира боради. 22. Мен Калаканья деб атаганим - Кексалиқдир. Ҳеч ким кексалиқ билан учрашишни истамайди. Аммо Яванешвара (Ямараж), яъни ажал Джара(кексалиқ)ни ўзининг синглиси деб ҳисоблайди. 23-25. Ажал жангчилари деб аталган Яванешваранинг ҳамроҳлари - инсон танаси ва ақлини ишдан чиқарувчи ҳар хил касалликлардир. Қаттиқ иситмалаш ва шамоллаш, яъни ичбуруғи ва ўпка шамоллаши касалликнинг икки кўриниши, Праджвара деб аталади. Танага қамалган тирик мавжудот тақдир йўллаган, бошқа тирик мавжудотлардан келган, ўз танаси ва ақли вужудга келтирган уч хил азоб-уқубатлар таъсиридан қаттиқ қийналади. Аммо шунча азоб-уқубатларга қарамай, танасининг, ақлининг ва ҳиссиётининг талабларини қондиришга мажбур бўлган тирик мавжудот моддий оламда лаззатланиш истаги билан ҳар хил режалар тузади. Гарчи тирик мавжудот аслида бу моддий оламга нисбатан илоҳий бўлса ҳам, ғофиллиги туфайли ("мен" ва "меники" деган)сохта ўзлиги таъсирида адашиб, шундай азобларга мубтало бўлади. Шу тарзда у моддий танада юз йил яшайди. 26-27. Табиат тирик мавжудотга маълум даражада эркинлик бериб қўйибди, ана шу эркинлик унга ўзи учун яхши ёки ёмон келажак танлаш имконини беради. Аммо, ўзининг олий устози, ҳукмдори - Худо Шахсини унутиб, ўзини бутунлай моддий табиат гуналари ҳукмига топширади. Гуналар таъсири остида у ўзини танасига қиёслаб бошлайди ва танасининг талабларини қондириш учун ҳар хил фаолиятларга боғланиб қолади. Тирик мавжудот баъзида ғафлат гунаси таъсирида, баъзан ҳирс гунаси таъсирида, баъзида эса - эзгулик гунаси таъсири остида бўлади. Тирик мавжудот шу тарзда моддий табиатнинг ҳар хил гуналари таъсирига берилган турли шаклдаги таналарга эга бўлиб юраверади.

28. Эзгулик гунаси таъсири остида бўлган кишилар ҳалол, пок фаолият билан машғул бўладилар, яъни муқаддас китоб-лар(Ведалар)нинг кўрсатмаларига риоя қилиб яшайдилар. Шу туфайли улар кейинги ҳаётида фаришталар яшайдиган олий сайёраларга эришадилар. Ҳирс гунаси таъсири остида бўлганлар, инсонлар яшайдиган сайёраларда ҳар хил бунёдкорлик ишлари билан машғул бўладилар. Ғафлат гунаси таъсири остида бўлганлар эса, турли азоб-уқубатларга мубтало бўлиб, ҳайвонлар яшайдиган сайёраларда яшайди. 29. Моддий оламда ғафлат гунаси таъсирига тушиб қолган тирик мавжудот гоҳ эркак бўлади, гоҳ аёл, гоҳ гермофродит(жинси номаълум), гоҳ одам, гоҳида фаришта, гоҳи қуш, гоҳида ҳайвон ва ҳоказо кўринишдаги таналарга эга бўлади. Шу тарзда у моддий олам бўйлаб,

табиат гуналари таъсири остида, ўзининг ҳаётда қилган ишларига мос равишда, ҳар хил кўринишдаги таналарга эга бўлади. 30-31. Тирик мавжудот корин тўйғазиш ниятида эшикма-эшик тентираб юрган дайди итга ўхшайди. Бир уйда тақдир тақозоси билан уни калтаклаб, кўчага қувиб чиқарадилар, бошқа бирида озрок овқат берадилар. Тирик мавжудот шу тарзда ҳар хил орзу-хавасларга боғланган ҳолда, тақдир тақозоси билан турли таналарда туғилиб, моддий олам бўйлаб сарсон бўлиб юради. Баъзида у ҳаётнинг энг баланд чўққисига кўтарилади, баъзида эса, моддий оламнинг энг чуқур жойига тушиб қолади. Баъзида у жаннат сайёраларида, баъзан ўрта сайёраларда, баъзан эса дўзахда туғилиб, адашиб юраверади.

32. Тирик мавжудотлар турли хил азоб-уқубатларга қаршилиқ қилишга ҳаракат қилдилар, бу азобларга табиатнинг олий кучлари, бошқа тирик мавжудотлар ёки ўзининг танаси ва ақли сабаб бўлади. Аммо, шунча уринишларига қарамай, ўзлари шу қонунлар чанғалида бўлгани сабабли, табиат қонунларини енга олмайдилар. 33. Боши устида оғир юк кўтариб кетаётган киши, ахён-ахёнда юкни калласидан олиб, елкасига қўйиб, гўё калласига ҳордиқ беради. У шу тарзда юкни енгиллатишга ҳаракат қилади. Аммо у қанча ҳийла ўйлаб топмасин, барибир юкни устидан туширмай, уни танасининг бир жойидан иккинчи жойига олиб ўтади, холос.

34. Народа давом этди: - Эй бегуноҳ зот! Гуноҳ ишларни, агар улар Худо учун қилинмаган бўлса, ҳеч қандай савоб ишлар билан ювиб бўлмайди. Бунга ўхшаган ҳар қандай фаолият ғофиллик натижасидир. Ёмон тушларни алаҳсирашга алмаштирган билан азобимиз енгиллашмайди. Ҳар хил даҳшатли тушлардан фақат уйғониш натижасида кутулиш мумкин. Худди шунга ўхшаш, бизнинг моддий оламдаги ҳаётимиз - ғофиллигимиз ва алданганимиз натижасидир. Қалбимизда мудраб ётган Кришна онгини уйғотмасдан, биз бу уйқудан уйғона олмаймиз. Ҳаётдаги барча муаммолардан биратўла халос бўлиш учун қалбимизда Кришна онгини уйғотишимиз лозим. 35. Гарчи ёнимизда ҳеч қандай илон ёки арслон бўлмаса ҳам, баъзида тушимизда арслон ёки илонни кўриб даҳшатга тушамиз. Нафис танамизда ҳар хил ҳодисаларни ўзимиз яратиб, ҳаётда улар туфайли азобланамиз. То уйқудан уйғонмагунча бундай азоблардан кутула олмаймиз. 36-37. Ҳар бир тирик мавжудотнинг асл мақсади - туғилиб-ўлишлар чархпалагидан чиқиб кетишга имкон бермай турган ғофилликдан кутулишдир. Агар биз Парвардигорнинг вакили(руҳий устоз) паноҳида Худога ўз ихтиёримизни бутунлай топширсаккина бунга эриша оламиз. Агар инсон Худонинг Олий Шахсига садоқатли хизмат қилиш билан машғул бўлмаса, у бу моддий оламни биратўла тарк этиб, ҳақиқий илмга эга бўла олмайди.

38. Эй шоҳлар ичида аълоси, чуқур иймон билан, ҳамиша Худонинг Олий Шахсини улуғлайдиган ҳикояларни тинглаб юрадиган, ўзида Кришна онгини тинимсиз ривожлантирадиган ва Худои Таолонинг кўрсатган кароматлари ҳақида ўйлаб юрган киши тез орада Худонинг Олий Шахсини яққол кўришга муносиб бўлади. 39-40. Ҳурматли шоҳ, агар инсон барча қонун ва қоидаларга амал қилиб онги(руҳ)ни поклаган, кизиқиш билан хурсанд бўлиб бир-бирларига Худонинг Олий Шахсини улуғлайдиган ҳикояларни гапириб юрган, тилларидан, худди дарё сувларидек, тинмай

оқаётган шарбат сингари лаззатли ҳикояларни тинглаш бахтига муяссар бўла олса, у танасининг очлик ва чанқоқлик сингари талабларини бугунлай эсидан чиқариб, барча ташвишлардан, мусибатлардан ва адашишлардан биратўла халос бўлади. 41. Туткунликдаги руҳни ҳамиша очлик, чанқоқлик ва бошқа кўринишлардаги тананинг истаклари азобга солиб туради, шунинг учун одатда Худонинг Олий Шахси ҳақидаги ҳикояларни тинглашга унинг ҳеч қачон вақти бўлмайди. 42-44. Барча авлодларнинг бобокалони, коинотдаги энг қудратли зот Тангри Браҳма, Тангри Шива, Ману, Дакша ва инсониятнинг бошқа ҳукмдорлари, Санака ва Санатана бошлиқ тўрт авлиё-брахмачари, буюк донишмандлар Маричи, Атри, Ангира, Пуластья, Пулаха, Крату, Бхригу, Васиштха ва сенинг камтарин кулинг(Нарада) - мана шулар ведавий муқаддас китобларни ишонарли қилиб тушунтира оладиган буюк брахманлардир. Чеккан риёзатларимиз, қилган муроқабаларимиз ва умрлар оша тўплаган билимларимиз шарофати билан бизлар буюк қудратга эга бўлганмиз. Аммо, ҳамиша кўз олдимизда турган Худо Шахсини англаб етишга қанча уринсак ҳам, бизлар Уни охиригача англаб ета олмаймиз.

45. Агар инсон бениҳоя илоҳий илм тўпланган Ведаларни қанчалик ўрганса ҳам, ведавий мантраларда кўрсатилган ҳар хил фаришталарга қанчалик сиғинмасин, фаришталарга сиғиниш унга Худо Шахсини англаб етишга ёрдам бермайди.

Ўтгизинчи боб Прачеталарнинг кароматлари

1. Видура Майтреядан сўради: - Эй брахман, сен Прачинабархининг ўғиллари ҳақида гапириб бердинг, ва Тангри Шиванинг Парвардигорга тиловат қилган дуоларини такрорлаб, улар Худонинг Олий Шахсини мамнун қилганларини билиб олдим. Натижада улар нимага эришдилар? 2. Эй ҳурматли Бархаспатья, озодликка чиқарувчи Парвардигорга жуда азиз бўлган Тангри Шива билан учрашганларидан кейин шоҳ Бархашатанинг ўғиллари нимага эришдилар? Уларнинг руҳий оламга эришганлари маълум, аммо мен уларнинг бу дунёда, ҳозирги ва кейинги ҳаётларида нимага эришганлари ҳақида билишни истайман.

3. Буюк донишманд Майтрея шундай деди: - Шоҳ Прачинабархининг ўғиллари, Прачеталар, отасининг истагини бажарган ҳолда, денгиз тубида қаттиқ риёзат чекдилар. Қайта-қайта Тангри Шивадан олган мантра-ни такрорлаб, улар Худованд Вишнуни ва Худонинг Олий Шахсини мамнун қилдилар. 4. Прачеталар қаттиқ риёзатга берилган ўн минг йил ўтгач, Худои Таоло уларнинг руҳий захматларини инобатга олиб, уларнинг олдида Ўзининг лол қолдирувчи гўзал Қиёфасини намён қилди. Прачеталар Парвардигорнинг бу марҳаматидан жуда қувондилар ва чеккан риёзатлари бекорга кетмаганини ҳис қилдилар.

5. Гаруданинг елкада жойлашган Парвардигор худди Меру тоғининг чўққисидаги булутни эслатарди.

Парвардигорнинг трансцендент, илоҳий танаси сарик рангли ажойиб либосларга ўралган, бўйнида эса қимматбаҳо тош Каустубха-мани жило бериб турарди. Унинг танасидан таралаётган зиё бугун коинот зулматини бирданига ёритиб юборди. 6. Парвардигорнинг юзи латофатли, олтин тақинчоқлар билан безалган бошига ярқираган тож кийиб олган эди. Ўзидан илоҳий ёғду таратиб, гўзаллиги билан кўзларни қамаштирарди. Парвардигорнинг саккиз қўли бўлиб, қўлларида маълум қуроллар ушлаб турарди. Парвардигорнинг ёнида фаришталар, буюк донишмандлар ва Унга хизмат қилаётган бошқа хизматкорлар бор эди. Парвардигорни олиб юрган Гаруданинг қанотлари келтирган шамол ҳавони Худони мадҳ этувчи ведавий мадҳиялар билан тўлдирди. Гаруда худди Киннаралока зотларига ўхшарди. 7. Парвардигорнинг бўйнига осилган гулчамбар тиззаларигача тушиб турарди. Унинг қудратли саккиз қўлларини ўраб олган гулчамбар ўзининг нафосати билан равақ фариштасининг гўзаллигига раҳна солиб турарди. Шоҳ Прачинабархашатанинг ихтиёрини бугунлай Ўзига топширган ўғилларига меҳр билан назар ташлаб, Парвардигор гапира бошлади. Унинг овози момақалдирос овозидек гулдураб чиқарди.

8. Парвардигор шундай деди: - Азиз шахзодалар, сизларнинг ўзаро дўстлигингиздан Мен жуда мамнунман. Сизлар барчангиз ягона иш - Менга садоқатли холис хизмат қилиш билан машғулсизлар. Сизларнинг дўстлигингиздан мамнун бўлганимдан Мен сизларга бахту-саодат тилайман. Мендан истаган нарсаларингизни сўрашингиз мумкин.

9. Парвардигор давом этди: - Ҳар куни кечқурун сизларни эслаган киши ўз оғайнилари ва барча тирик мавжудотлар билан дўст бўлади. 10. Эрталаб ва кечқурун Менга Тангри Шива тиловат қилган дуолар билан илтижо қилган кишидан Мен ҳеч қачон Ўз марҳаматимни аямайман. Натижада шундай одамлар ўзларининг барча орзу-истакларига эришишга ва теран ақл-заковатга эга бўлиш имконига эга бўладилар. 11. Сизлар отангизнинг амрини хурсанд бўлиб тингладинглар ва уни сидқидилдан бажардинглар, шунинг учун сизларнинг доврўгингиз бугун оламга таралади. 12. Сизларнинг ҳар соҳада Тангри Браҳмадан қолишмайдиган ажойиб фарзандингиз бўлади. Унинг шуҳрати бугун коинотга таралади, унинг ўғил ва неваралари бугун уч оламни эгаллайди.

13. Эй шоҳ Прачинабархашатанинг фарзандлари, самовий фоҳиша Прамлоча донишманд Кандунинг нилуфар кўзли кизини ўрмон дарахтлари қўлига топшириб, ўзи жаннатий сайёраларга қайтиб келганди. Бу қиз Прамлоча ва донишманд Кандуларнинг фарзанди. 14. Дарахтлар ҳимоясига берилган қиз оч бўлганидан йиғлай бошлаганди. Шунда ўрмонлар султони, Ойнинг ҳукмдори қизга раҳми келганидан унинг оғзига шарбат оқиб турган бармоғини тутганди. Шундай қилиб, у қиз Ой шохининг марҳамати билан вояга етди. 15. Сизлар Менинг амримга итоаткор бўлганингиз учун, пайсалга солмай, шу олийжаноб ва ғайритабиий гўзал қизга уйланиб олишингизни илтимос қиламан. Отангизнинг амрини бажариб, сизлар шу қиз билан қўшилиб, ўзларингиздан зурёд қолдиришингиз керак. 16. Сизлар ҳаммангиз ака-укасишлар, одатларингиз ҳам бир-бирингизга ўхшайди: ҳар бирингиз Парвардигорга чуқур иймон келтиргансизлар ва отангизнинг амрига бўйсунасизлар. Бу қиз ҳам сизлардай одобли, бунинг

устига сизларга нисбатан садоқатлидир. Кўп жихатдан у билан ўхшаш бўлганингиз учун сизлар у билан бир рухий даражасизлар.

17. Кейин, Прачеталарни дуои-фотиҳа қилиб, Парвардигор шундай деди: - Эй шахзодалар, Менинг марҳаматим билан сизлар еру-осмоннинг барча лаззатларидан баҳраманд бўласизлар. Ҳамиша навқирон йигитлик ҳолатида қолиб, сизлар самовий миллион йил мобайнида лаззатланиб, роҳатда яшайсизлар. 18. Сизларнинг Менга садоқат билан қилаётган хизматларингиз мунтазам ҳолга етганда моддий ғуборлардан бутунлай покланасизлар. Қалбингизда жаннат ва дўзахдаги моддий лаззатларга бўлган қизиқишингиз бутунлай йўқолиб, Худонинг даргоҳига, ўз уйингизга қайтасизлар.

19. Кишига бахт-саодат келтирувчи Парвардигорга садоқатли холис хизмат қилиш билан машғул бўлган кишилар ҳар қандай фаолиятнинг натижалари билан фақат ягона Худои Таоло лаззатланишини яхши билдилар. Шунинг билан одам ўз меҳнатининг натижаларини ягона Парвардигорга бағишлайди ва умр бўйи чарчамасдан Уни олқишлаб яшайди. Шундай одам ҳатто оиласини боқиш билан машғул бўлиб кун кечираётган бўлса ҳам, қилган ишларининг оқибатлари учун жавобгар бўлмайди. 20. Садоқатли хизмат қилиш билан машғул бўлган содиқлар қандай ишлар билан машғул бўлсалар ҳам, ўзларининг барча ишларида тобора чуқурлашиб бораётган лаззат ва янгиликни ҳамиша ҳис қилиб юрадилар. Ҳамма нарсадан хабардор бўлган Олий Рух содиқнинг юрагида мавжуд бўлиб, унга лаззатланиш имконини яратиш туради. Мутлақ Ҳақиқатга эришган кишилар шундай одамни Брахман даражасига етган деб ҳисоблайдилар. Шундай қилиб инсон "брахма-бхута", озодлик даражасига эришади ва алданиш тузоғидан бутунлай халос бўлади. У ҳеч нарсдан ташвишланмайди ва бирон сабабсиз яйраб ҳам кетмайди. Бундай ҳолати унинг брахма-бхутага эришганидан далолат беради.

21. Буюк донишманд Майтрея шундай деди: - Парвардигорнинг гапларини тинглаб бўлиб Прачеталар Унга дуои-илтижолар қила бошладилар. Ҳаётдаги барча шодлик ва омадларни бизга ҳамиша энг буюк ғамхўримиз бўлган ягона Парвардигор юборади. У содиқ хизматкорини ҳар қандай ташвишлардан халос этувчи энг яқин дўстдир. Ҳиссиётлар туғенидан тутилатутила Прачеталар Парвардигорга илтижо қила бошладилар. Парвардигорнинг шу ерда яқоол намоён бўлиб туриши уларни барча моддийлик ғуборларидан поклади.

22. Прачеталар шундай дедилар: - Эй азиз Парвардигор, Сен барча тирик мавжудотларни азобуқубатлардан халос этишга қодир бўлган ягона Зотсан. Сенинг улуғвор илоҳий фазилатларинг ва Сенинг муқаддас номларинг барчага чексиз бахт-саодат келтиради. Бу амалда синалган ҳақиқатдир. Сен ақлу-хаёлдан ва нутқдан ҳам тезкорроқсан, ва Сени моддий ҳиссиётлар билан сезишнинг иложи йўқ. Шунинг учун бизлар Сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан такрор ва такрор сажда қилиб, бош эгамиз. 23. Эй азиз Парвардигор, биз чуқур эҳтиром билан Сенинг олдинда бош эгамиз. Қачонки инсоннинг ақли Сенинг олдинда бош эгар экан, тирик мавжудотлар моддий лаззат излаб келадиган, зиддиётларга тўлиб ётган бу моддий олам унга мутлақо бемаъни бўлиб туюла бошлайди. Сенинг мангу

илоҳий қиёфанг илоҳий лаззатдан иборат, шунинг учун бизлар Сенинг оёқларингга бош эгиб таъзим қиламиз. Сен моддий оламни яратиш, уни сақлаб туриш ва йўқотиб юбориш учун Тангри Брахма, Тангри Вишну ва Тангри Шива қиёфаларига кирасан.

24. Эй ҳурматли Парвардигор, биз чуқур эҳтиром билан Сенинг олдинда бош эгамиз, зеро моддий Сенинг борлигингга ҳеч таъсир қила олмайди. Сенинг ақлинг ҳамиша содиқларингга моддий изтироблардан қандай қутқариш ҳақидаги ўйлар билан банд. Параматма образида Сен ҳамма жойда мавжудсан, шунинг учун Сени Васудева деб атайдилар. Шу билан бирга Сен Васудевани отанг сифатида қадрлайсан ва Сени Кришна сифатида улуғлайдилар. Сен содиқларингга шу қадар меҳрлисан-ки, ҳамиша уларнинг кучига куч қўшишни ўйлайсан. 25. Эй ҳурматли Парвардигор, биз чуқур эҳтиром билан Сенинг олдинда бош эгамиз, зеро Сенинг киндигингдан барча тирик мавжудотларнинг манбаи бўлган нилуфар гули ўсиб чиқади. Сени нилуфарлардан иборат гулчамбар ўраб туради, Сенинг пойи қадамларинг хушбўй нилуфарга ўхшайди, кўзларинг нилуфар гулининг гулбарглари эслатади. Шунинг учун биз такрор ва такрор Сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан бош эгамиз.

26. Ҳурматли Парвардигор, Сен ранги нилуфар гулининг чанглари эслатадиган сариқ либосга ўраниб олгансан, лекин уларда моддийликдан асар ҳам йўқдир. Ҳар бир мавжудотнинг юрагида мавжуд бўлган ҳолда, Сен уларнинг нима қилаётганларини кузатиб турасан. Биз қайта-қайта Сенинг олдинда бош эгамиз. 27. Эй ҳурматли Парвардигор, биз, шартланган руҳлар, ҳамиша бизни ҳаёт ҳақидаги моддий тушунчалар асирлигида сақлайдиган билимсизлик(ғафлат) билан қопланганмиз. Шунинг учун биз моддий мавжудликнинг азобларига чидашга мажбурмиз. Бизни моддий тутқунликдан қутқариш учун олдимизга Ўзингнинг трансцендент, илоҳий мангу қиёфангга келдинг. Бу Сенинг бизга - бу оламда изтироб чекаётганларга нисбатан бўлган чексиз ва бесабаб марҳаматингдан гувоҳлик беради. Шундай экан, Сен ҳамиша бир хилда чексиз марҳамат кўрсатиб юрадиган содиқ хизматкорларинг ҳақида нима дейиш мумкин?

28. Эй ҳурматли Парвардигор, барча кулфату-бахтсизликларни фақат Сен Ўзинг бартараф қилишга қодирсан. Ўзингнинг ҳаётда қийнаётган бахтсиз содиқларингга ҳамдардлик ҳиссидан Сен уларнинг олдида арча-виграха қиёфасида намоён бўласан. Бизларни ҳам Ўзингнинг ана шундай мангу хизматкорларинг қаторида ҳисоблашингни Сендан илтижо қиламиз. 29. Парвардигор Ўзига хос ҳамдардлик билан содиқ хизматкорига марҳамат кўрсатганида содиқнинг барча истаклари рўёбга чиқади. Парвардигор бутун мавжудотнинг, ҳатто энг кичик чумолининг қалбида ҳам мавжуддир, шунинг учун У ҳамма нарсани, шу жумладан тирик жониворларларнинг қалбидаги барча истакларини ҳам билади. Биз қанчалик кичик бўлсак ҳам Парвардигор бизнинг барча орзу-истакларимиздан хабардор.

30. Эй бутун олам Парвардигори, Сен холис хизмат қилиш илмининг ҳақиқий устозисан. Сенинг марҳаматинг ҳаётимизнинг энг олий мақсади эканини билганимиздан мамнун бўлиб, Сен ҳам биздан мамнун бўлишингни илтижо қиламиз. Бу биз учун энг олий муқофотдир. Биздан мамнун, рози бўлишингдан бошқа

Сендан ҳеч нарса сўрамаймиз. 31. Эй азиз Парвардигор, шунинг учун Сенинг дуои-фотиҳаларингни иштаймиз, чунки Сен - энг Олий Зотсан. Сен ҳатто илоҳий борлиқдан ҳам буюксан, ва Сенинг салтанатингнинг, давлатингнинг ҳадди-чегараси йўқ. Шунинг учун ҳам Сени Ананта деб улуғлайдилар. 32. Эй азиз Парвардигор, жаннатнинг дарахти Париджата гули устига кўнган асалари шу жойни ҳеч қачон тарк этмайди, чунки бунинг учун ҳеч қандай зарурат қолмайди. Худди шунингдек, Сенинг қадамларинг пойидан макон топиб, уларнинг соясида туриб, Сендан яна қандайдир бошқа дуолар сўрашнинг ҳеч қандай зарурати йўқлигини кўриб турибмиз. 33. Ҳурматли Парвардигор, Сенинг алдамчи қувватинг таъсири остида ҳар хил таналарни алмашлаб, коинотнинг турли сайёраларида сарсон бўлиб юришга мажбур бўладиган шунча вақт давомида, Сенинг кароматларинг ҳақидаги ҳикояларни тинглайдиган ва гапирадиган зотлар билан ҳамсуҳбат бўлиш имкониятини беришингни илтижо қиламиз. Сен бизни шунга дуо қилишингни ва Сенинг дуои-фотиҳаларинг, бизлар қайси сайёраларда, қандай таналарда бўлишимиздан қатъий назар, ҳеч қачон ўз кучини йўқотмайдиган бўлишини тилаймиз. 34. Жаннат сайёраларига кўтарилиш ва ҳатто Браҳман нурига қўшилиб кетиш, яъни бутунлай озодликка чиқиш ҳам, Парвардигорнинг соф содиқ хизматкори билан бўладиган бир дақиқа ҳамсуҳбат бўлиш билан тенглаша олмайд. Ўлиш ва танасини тарк этишга маҳкум бўлган тирик мавжудот учун, бу моддий оламда Парвардигорнинг соф содиқ хизматкори билан учрашиш имкониятидан ҳам каттароқ бахт йўқдир. 35. Солиҳ инсонлар илоҳий олам ҳақидаги ҳикояларни гапириб берганларида уларни тинглаётган ҳар бир киши, атиги вақтинчалик бўлса ҳам, ўзларининг барча моддий истакларини эсидан чиқарадилар. Бунинг устига улар бир-бирларига нисбатан ҳасад қилишдан халос бўладилар ва барча ташвиш ва кўрқувлардан биратўла қутуладилар. 36. Парвардигор Нараяна ҳамиша Худо Шахсининг муқаддас номларини тинглаётган ва зикр қилаётган содиқлар орасида бўлади. Парвардигор Нараяна - таркидунё қилган санньясиларнинг олий мақсади, ва санкиртананинг моддийлик ботқоғидан покланган қатнашчилари ҳам Унга, ягона Парвардигорга сиғинадилар. Ҳақиқатан ҳам улар Парвардигорнинг муқаддас номларини бетиним зикр қилиб юрадилар. 37. Эй азиз Парвардигор, Сенинг энг яқин хизматкорларинг, солиҳ инсонлар ўз иштироклари билан ҳатто муқаддас қадамжоларни ҳам поклаб, бутун дунё бўйлаб айланиб юрадилар. Шунинг учун, уларнинг бутун фаолияти бу моддий дунё ташвишларидан қийналаётган одамларга чексиз қувонч бағишлайди. 38. Эй ҳурматли Парвардигор, Сенинг азиз ва энг яқин дўстинг Тангри Шива билан бир пас учрашиш шарофати билан бизлар Сени мана шундай яққол кўриш бахтига муяссар бўлдик. Тирик мавжудотларни моддий ҳаётнинг туганмас азобларидан халос этишга қодир бўлган ягона моҳир табиб - Сен Ўзингсан. Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан нажот топиш имконияти тақдир бизга берган энг катта муқофот деб ҳисоблаймиз. 39-40. Эй азиз Парвардигор, бизлар Ведаларни ўрганиб чиқдик, руҳий устоз қабул қилдик, браҳманларни, солиҳ инсонларни ва руҳий камолотга эришган кексаларни эъзозлаб яшадик. Биз эҳтиром билан уларнинг қадамлари пойига бош эгдик, на оғайниларимизга, на дўстларимизга ва на бошқа бирор

зотга ҳасад қилмадик. Ундан ташқари узок вақт овқатланмасдан, сув остида туриб, қаттиқ риёзатларга берилдик. Ана шу руҳий меҳнатлар савобининг барчасини, биздан мамнун бўлишинг учун Сенга бағишлаймиз. Бу бизнинг Сендан тилаган ягона истагимиз, бизга бундан бошқа ҳеч нарсанинг кераги йўқ. 41. Эй азиз Парвардигор, ҳатто қилган риёзатлари ва олган билимлари шарофати билан жуда юқори руҳий даражага эришган ва ҳаётини бутунлай поклаган буюк йог ва сеҳргарлар ҳам, шунингдек Ману, Тангри Браҳма ва Тангри Шива сингари буюк шахслар ҳам, Сенинг қувватларингни ва улуғворлигингни охиригача англаб етолмайдилар. Шунга қарамай, улар қобилияти етганча, қўлидан келганча Сени олқишлаб илтижо қиладилар. Маълумки, биз улардан анча паст даражадаги зотлармиз, шундай бўлса ҳам, улардан ўрнак олиб кўлимиздан келганча Сенга ушбу илтижолар билан муурожаат қилдик. 42. Эй азиз Парвардигор, Сен ҳеч кимга дўст ҳам эмассан, душман ҳам эмассан, барчага баробар муносабатдасан. Ҳеч қандай гуноҳ Сенга таъсир қилмайди, ва Сенинг илоҳий қиёфанг ҳамиша бу моддий борлиқдан ташқарида. Сен - ҳамма ерда мавжуд бўлган Худонинг Олий Шахсисан, шунинг учун Сени Васудева деб атайдилар. Биз Сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан бош эгамиз.

43. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Азизим Видура, Прачеталар Парвардигорга иззат-икром кўрсатиб, Унга илтижо қилиб бўлгандан сўнг, ихтиёрларини Унга топширган руҳларнинг ҳимоячиси бўлган Парвардигор уларни: "Қилган илтижоларингизнинг барчаси рўёбга чиқсин!" - деб дуо қилди.

Шундай деб, Парвардигор, чексиз қудратга эга бўлган Худонинг Олий Шахси, Ўзининг мангу даргоҳига равона бўлди. Прачеталарнинг Парвардигордан сира ажралгиси келмасди, чунки улар ҳали Унинг дийдорига тўйиб улгурмагандилар. 44. Прачеталар денгиз қаъридан юқори чиққанларида, худди бўйлари билан одамларнинг жаннатга борадиган йўлларини тўсиб қўйишга қарор қилгандай, бутун Ер юзида дарахтларнинг жуда баланд ўсиб ётганини кўрдилар. Бутун ер юзини дарахтлар босиб кетганди. Бу ҳол Прачеталарнинг ғазабини кўзғатди.

45. Эй ҳурматли шоҳ, коинотни яқсон қилиш пайтида Тангри Шива ғазаб билан оғзидан ўтли олов чиқаради. Прачеталар ҳам, ер юзини дарахтлардан бутунлай тозалаш учун оғизларидан қудратли ўт уфура бошладилар. 46. Ер юзидаги барча дарахтлар кулга айланаётганини кўрган Тангри Браҳма шу заҳотиёқ шоҳ Бархишман ўғилларининг олдида пайдо бўлди ва ўзининг мулоҳазали гаплари билан уларни тинчлантирди. 47. Кўрқиб кетган дарахтлар Тангри Браҳманинг маслаҳати билан дарҳол Прачеталарга ўзларининг қизини бердилар. 48. Тангри Браҳманинг кўрсатмаси билан Прачеталар шу қизга уйландилар. Унинг ҳомиласидан Тангри Браҳманинг ўғли Дакша туғилди. Дакша Тангри Махадева(Шива)ни ҳақорат қилиб, унинг амрига бўйсунмагани учун, Мариши қорнидан туғилишга маҳкум бўлган эди. Натижада у икки бор тана алмашишга мажбур бўлганди. 49. Илоҳий дуога эга бўлгани учун, ўзининг аввалги танаси ҳалок бўлганига қарамай, у Чакшуша манвантарасида дунёга келиши лозим бўлган барча тирик мавжудотларни яратди. 50-51. Туғилиши биланоқ Дакша танасидан таралаётган нур билан бошқа барча таналарнинг

ёғдусини сўндириб қўйди. Кармали фаолият кўрсатишга жуда мохир бўлгани учун уни "Дакша", яъни "ғайритабиий мохир" деб атадилар. Шу сабаб билан Тангри Брахма Дакшага бутун дунёда тирик мавжудотларни яратишни ва уларнинг барча эҳтиёжларини қондиришни буюрди. Анча вақт ўтгандан кейин Дакшанинг ўзи бошқа Праҷапатиларга ҳам зурёд қолдириб, уларнинг эҳтиёжларини қондиришни буюрди.

Ўттиз биринчи боб Нараданинг Прачеталарга қилган насихатлари

1. Буюк донишманд Майтрея ҳикоясини давом эттирди: - Шундан кейин Прачеталар узоқ йиллар уйда яшадилар, онгини руҳий ривожлантириб мукамал донишмандликка эришдилар. Умрининг охирида Худо Шахси қилган дуоларини эсладилар ва хотинини муносиб фарзандлари ҳимоясига қолдириб, уйини тарк этдилар. 2. Прачеталар ғарб тарафга йўл олдилар ва денгиз қирғоғида озодликка эришган буюк донишманд Жаджали яшайдиган жойга етиб келдилар. Прачеталар мукамал руҳий илмга эга бўлиб, барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўлишга ва Кришнани, Худони англаб, қомил онга эришдилар. 3. Сехрли йоганинг йога-асана(танани тутиш) усулларини ўрганиб, Прачеталар ҳаёт нафаси оқимларини, ақлларини, нутқларини ва нигоҳларини бошқара олиш қобилиятига эга бўлдилар. Шу тарзда пранаяма билан шуғулланиб, моддий боғланишлардан бутунлай халос бўлдилар ва таналарини ерга нисбатан тик тутган ҳолда фикрини Олий Брахманда мужассам қилдилар. Прачеталар Пранаяма билан машғул бўлиб турганларида уларнинг олдида фаришталар ҳам, иблислар ҳам сажда қиладиган буюк донишманд Нарада пайдо бўлди.

4. Олдига буюк донишманд Нарада келганини кўриб, йога ҳолатида ўтирган Прачеталар дарҳол ўринларидан турдилар. Нарада Мунига сажда қилдилар, чуқур эҳтиром билан ўриндикка ўтказиб, унга савол бера бошладилар.

5. Прачеталар шундай дедилар: - Эй буюк донишманд, эй браҳман, ўйлаймизки, бу ерга келишда ҳеч қандай қийинчиликларга учрамагансан. Сени учратиш биз учун катта бахт. Куёшнинг қоинот бўйлаб айланиб юргани туфайли одамлар тун қоронғилиги, тунда авж оладиган ўғри ва қароқчиларнинг хуружлари келтирадиган ташвиш ва кўрқинчлардан қутуладилар. Сен ҳам куёш сингари қоинотни айланиб юриб, одамларнинг барча ташвишларини бартараф қиласан. 6. Эй устоз, бизга илоҳий илм сирларини ўргат, токи бизлар уни маъшала сингари қўлимизга олиб, бу моддий ҳаёт зулматида ўз йўлимизни топиб олайлик.

8. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Азизим Видура, Прачеталарнинг илтимосини тинглаб туриб, ҳамиша Худои Таоло ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юрадиган буюк донишманд, Нарада Муни уларга шундай жавоб берди.

9. Буюк донишманд Нарада шундай деди: - Агар инсон бу дунёга Парвардигорга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиш учун келган бўлса, унинг қилган барча ишлари, туғилиши, яшаган умри, фикру-хаёллари

ва нутқи ҳақиқатан ҳам мукамалдир. 10. Маданиятли инсон уч марта туғилади. Унинг ҳалол ота ва онадан туғилиши биринчи туғилиш бўлиб, уруғдан туғилиш деб аталади.(шаукра-жанма). Инсон устозидан руҳий ҳаётга фотиҳа олганида иккинчи марта туғилади ва бу савитри деб аталади. Инсон Парвардигор Вишнуга сажда қилиш имкониятига эга бўлганида, Ягьика деб аталадиган учинчи туғилиши рўй беради. Аммо, агар инсон, ҳатто мана шу туғилишларнинг барчасидан ўтса ва фаришталарникидай узоқ умр кўрса ҳам, лекин Парвардигорга садоқат билан хизмат қилмаса, унинг бутун умри ҳазон бўлган, зое кетган бўлади. Худди шунингдек, агар инсоннинг ҳар қандай фаолиятидан мақсади - Парвардигорни мамнун қилиш бўлмаса, хоҳ моддий бўлсин, хоҳ маънавий бўлсин, ундай фаолият бефойда, бемаъни фаолият ҳисобланади.

11. Агар инсон ҳаётда Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш билан машғул бўлмаса, унинг чеккан қаттиқ риёзатларининг, муқаддас китобларни ўқиб-ўрганишларининг, чиройли гаплар гапира олишининг ва ақлли фикрлар билдиришининг, етук заковатининг, алп қоматининг ва сезгир ҳиссиётларининг ҳеч қандай маъноси йўқ? 12. Агар инсонга Худои Таолони англашга ёрдам бермайдиган бўлса, ҳатто илоҳий фаолиятнинг ҳар қандай тури билан шуғулланиш ҳам, хоҳ сехрли йога билан шуғулланиш бўладими, модданинг хусусиятларини таҳлил қилиб "илмий" ўрганиш бўладими, санъаси ҳаёт тарзини қабул қилиш ёки ведавий битикларни ўрганиш бўладими - бефойда, бемаъни нарсалардир. Улар инсоннинг руҳий юксалишида муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин, аммо, бу ишлар натижасида инсон Худонинг Олий Шахси, Ҳарини англаб ега олмаса, демек, бу усулларнинг барчаси бефойда. 13. Аслини олганда, инсоннинг ҳақиқий ўзлигини англашининг манбаи ва азалий сабабчиси **Худои Таолонинг Ўзи**, Худонинг Олий Шахси ҳисобланади. Шунинг учун ҳар қандай саховатли, савоб ишларнинг, хоҳ у карма, гьяна, йога ёки бхакти бўлсин, Худонинг Олий Шахсидан бошқа мақсади йўқ. 14. Дарахтнинг илдизига сув куйиш билан бутун дарахтни, унинг каттаю-кичик шохчаларини озиқлантирган бўламиз, қорнимизга овқат ейиш билан эса, тананинг барча аъзоларига ва ҳиссиётларга озиқ берган бўламиз. Худди шундай, Худого садоқат билан хизмат қилиш жараёнида Худо Шахсига сажда қилиш билан инсон Парвардигорнинг ажралмас бўлаклари бўлган барча фаришталарни ҳам мамнун қилган бўлади. 15. Ёмғир палласида куёш ер юзиде сув(ёмғир) пайдо қилади, анча вақт ўтгандан кейин эса, ёзда, шу сувларни яна қайтариб олади. Шу сингари кўзгалувчи ёки кўзгалмас бўлган барча тирик мавжудотлар ҳам, ердан пайдо бўладилар ва вақти келиб, яна унга қайта қўшиладилар. Шунга ўхшаш, бутун борлиқ Парвардигордан пайдо бўлиб, оламга таралади ва вақти келганда яна Унинг ўзига қайтади. 16. Худди куёш нурлари куёшдан фарқ қилмаслиги сингари, бу намоён борлиқ ҳам Парвардигордан фарқ қилмайди. Шунинг учун, Худонинг Олий Шахси Ўзининг қуввати билан бутун моддий оламини қамраб олган. Ҳиссий аъзолар ҳаракатда бўлган пайтда улар инсон танасининг ажралмас бўлакларидай туюлади, аммо тана уҳлаганида ҳиссиётлар ҳаракатдан тўхтайдилар. Шунга ўхшаш, бутун борлиқ бир вақтнинг ўзиде, ҳам Худонинг Олий Шахсидан фарқ қиладигандай, ҳам У билан бирдай бўлиб туюлади.

17. Хурматли шоҳлар, осмон баъзан булутлар билан, баъзан қоронғу зулмат билан қопланган бўлади, баъзида эса ёруғлик билан ёритилган бўлади. Бу ҳолатлар кетма-кет алмашиб туради. Худди шу сингари, Мутлақ Ҳақиқат ичида хирс, ғафлат ва эзгулик гуналари маълум тартиб билан жой алмашиб, ўзларини намён қилиб туради. Улар гоҳида йўқ бўлиб кетадилар, гоҳида пайдо бўладилар. 18. Парвардигор барча сабабларнинг азалий сабабчиси бўлгани учун барча тирик мавжудотларнинг Олий Рухидир, ва шунингдек бутун борлиқнинг бевосита ва асосий туб сабабчисидир. Парвардигор моддий унсурлар билан бевосита боғлиқ эмас, шунинг учун уларнинг ўзаро фаолияти Унга таъсир қилмайди ва У моддий табиатнинг ҳукмдори ҳисобланади. Шунинг учун сизлар ўзларингизни сифат жиҳатдан Парвардигор билан бир хил деб ҳисоблаб, Унга садоқатли хизмат қилиш билан машғул бўлишларингиз лозим. 19. Барча тирик мавжудотларга бир хил меҳрибон бўлган, ҳар қандай ҳолатда ҳам бир хил осойишта ҳолатда қоладиган ва ҳиссиётига ҳеч қандай назоратсиз лаззатланиш имконини бермайдиган инсон тез орада Худонинг Олий Шаҳси, Джанаржананинг марҳаматига эришади.

20. Барча моддий орзу-ҳаваслардан халос бўлиб, содиқ хизматкорлар ақлини ғуборлардан бутунлай поклайдилар. Шу тарзда улар Ҳамиша Парвардигор ҳақида ўйлаш ва Унга самимий илтижо қилиш қобилиятига эга бўладилар. Парвардигор эса, содиқлари Ўзининг ҳукми остидалигини, улар ихтиёрини бутунлай Унга топширганини билиб, Ҳамиша осмон бизнинг тепамизда тургани сингари, бир лаҳза ҳам уларни тарк этмайди. 21. Ҳеч қандай моддий бойлиги бўлмаган, аммо, инсонга ҳақиқий бахт-саодат келтирувчи садоқатли хизмат қилишга мойил бўлган содиқ хизматкорлар учун Худонинг Олий Шаҳси, Парвардигор жуда азиз бўлиб қолади. Шундай солиҳ инсонларнинг қилаётган хизматлари Парвардигорга ҳақиқий лаззат бағишлайди. Моддий билимлари, мол-дунёси, обрўли уруғ авлодлари ва кармали фаолиятда эришган ютуқлари билан гердайдиган манман кишилар эса, баъзида ана шундай солиҳ инсонлар устидан куладилар. Агар шундай манман, димоғдор кишилар Парвардигорга қанча сиғинсалар ҳам, Парвардигор уларнинг сиғинишларини зинҳор қабул қилмайди. 22. Гарчи Парвардигор ҳамма нарсадан тўқ бўлса ҳам, Ўзининг содиқларига жуда боғланиб қолган. Ундан ўзига рўшнолик истаб хизмат қилаётган равнақ фариштасининг шоҳу-фаришталар билан ҳеч қандай иши йўқ, У уларга боғлаанмаган. Шундай эканини билган қайси бир ҳақиқий инсон Парвардигорга сажда қилишдан бош тортади?

23. Буюк донишманд Майтрея давом этди: - Хурматли шоҳ Видура, Тангри Брахманинг ўғли Шри Нарара Муни шу тарзда Прачеталарга Худо Шаҳси ва Унинг содиқ хизматкорлари орасидаги муносабатни таърифлаб берди. Шундан сўнг у Брахмолокага қайтиб кетди. 24. Прачеталар Нарара Мунидан дунёни барча бахтсизликлардан халос этувчи Парвардигорни олқишловчи ҳикояларни тинглаганларидан сўнг, уларнинг қалбида ҳам Худо Шаҳсига нисбатан қаттиқ боғланиш туйғуси пайдо бўлди. 25. Хурматли Видура, Нараранинг Прачеталар билан Парвардигорни олқишлаб қилган суҳбати ҳақида сен истаган нарсаларнинг барчасини

гапириб бердим. Ўзим билган нарсаларимнинг барчасини сенга айтиб бердим.

26. Шукрадева Госвами давом этди: - Эй шоҳлар аълоси(Махараж Парикшит), мен сенга Сваямбхува Манунинг биринчи ўғли, Уттананападанинг авлодлари ҳақида гапириб берганим. Энди эса Сваямбхува Манунинг иккинчи ўғли Приявратанинг авлодларининг кароматлари ҳақида гапириб бераман. Диққат билан кулоқ сол. 27. Буюк донишманд Нарара Мунининг насиҳатларини олиб Махараж Прияврата Ер юзига ҳукмронлик қила бошлади. Моддий лаззатлар билан етарлича роҳатлангандан сўнг, у бор давлатини ўғилларига бўлиб берди. Шундан сўнг у Худонинг мангу даргоҳига қайтиш мумкин бўлган илоҳий даражага эришди. 28. Эй хурматли шоҳ, буюк донишманд Майтреядан Худо Шаҳси ва Унинг содиқлари ҳақидаги илоҳий ҳикояларни эшитган Видурани илоҳий жазава ҳолати қамраб олди. Кўзларида ёш билан у руҳий устозининг нилуфар қадамлари пойига бош эгди, ва Худо Шаҳсини қалбининг энг тўрига жойлаб олди.

29. Шри Видура шундай деди: - Эй буюк сеҳргар, Худонинг содиқлари ичида энг улуғвор зот, сенинг бе-сабаб марҳаматинг шарофати билан менга бу зулмат оламидан озодликка чиқиш йўли ойдинлашди. Бу йўлдан бораётган киши моддий дунёни тарк этиб, ўзининг мангу уйига, Парвардигор ҳузурига қайтишга қодир бўлади.

30. Шукрадева Госвами давом этди: - Буюк донишманд Майтреяга эҳтиром кўрсатгандан кейин, унинг руҳсати билан, гарчи ҳеч қандай моддий орзулари бўлмаса ҳам, Видура қариндошлари билан учрашиш учун Хастинапурга йўл олди. 31. Эй шоҳ, Худо Шаҳсига чуқур иймон келтирган бу шоҳлар ҳақидаги ҳикояни тинглаган ҳар бир инсон узоқ умрга, молу-давлатга, обрў-эътиборга, омад ва ўзининг мангу уйи, Парвардигор ҳузурига қайтиш имкониятига эга бўлади.

29.07.2002

"Шримад Бхагаватам" Бешинчи қўшиқ

Мундарижа

1. Махараж Приявратанинг кароматлари. 2. Махараж Агнидхранинг кароматлари. 3. Шоҳ Набхи ва Мерудеванинг ўғли Ришабхадеванинг туғилиши. 4. Худованд Ришабхадеванинг комил фазилатлари. 5. Парвардигор Ришабхадеванинг ўғилларига берган насиҳатлари. 6. Парвардигор Ришабхадеванинг танасини тарк этиши. 7. Махараж Бхаратанинг кароматлари. 8. Махараж Бхаратанинг кейинги ҳаётида кийик бўлиб туғилиши. 9. Жада Бхаратанинг улуғворлиги. 10. Жада Бхаратанинг Махараж Рахугана билан учрашиши. 11. Жада Бхаратанинг Рахуганага берган насиҳатлари. 12. Жада Бхарата ва Рахугананинг суҳбати. 13. Бхарата ва Рахугана суҳбатининг давоми. 14. Моддий олам лаззатлар ўрмони тимсолида. 15. Шоҳ Приявратанинг буюк авлодлари. 16. Жамбудвипанинг таърифи. 17. Ганганинг Ерга тушиши. 18. Жамбудвипа аҳолисининг илтижола-

ри. 19. Бхаратаваршанинг улуғворлиги. 20. Коинот тузилиши. 21. Кўёшнинг фаолияти. 22. Сайёраларнинг орбиталари. 23. Шишумара сайёралари туркуми. 24. Ер ости жаннат сайёралари. 25. Парвардигор Анантанинг улуғворлиги. 26. Дўзахий сайёралар таърифи.

Биринчи боб.

Махараж Приявратанинг кароматлари.

1. Шоҳ Парикшит Шукадева Госвамидан сўради: - Эй донишмандлар аълоси, айт-чи, Худонинг буюк содиқ хизматкори, камолотга эришган шоҳ Прияврата нимага шунчалик узоқ вақт оиласи билан бирга яшади? Ахир, айнан уй-жой ва оила одамни карма тузоғига илинтириб, ҳаётда ҳақиқий мақсадга эришиш имкониятидан маҳрум қилади-ку? 2. Эй брахманлар аълоси, Худонинг содиқ хизматкорлари бу моддий оламга боғланиш ришталаридан бутунлай қочқирлар, шу боис улар оила ташвишларига боғланиб қолмайдилар. 3. Олий Худонинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топиб, буюк руҳ - махатмалар тўла осойишталикка эришганлар. Уларнинг онгида оилавий боғланишларга ҳеч қандай ўрин қолмаган. 4. Эй брахман, Махараж Прияврата сингари хотини, болалари ва уй-жойига боғланиб қолган киши Кришнани, Худони англашда камолотга эриша оладими? Мен шунга ҳайрон бўляпман.

5. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - Сенинг айтганларинг айни ҳақиқатдир. Худонинг буюк содиқ хизматкорлари ва озодликка эришган руҳлар Брахма ва бошқа улуғвор содиқларнинг ажойиб қўшиқларда Худои Таолога ҳамду-сано айтишларини тинглаб ором оладилар. Гарчи, фақат Худои Таолонинг улуғворлигини ўйлаб, Унинг нилуфар қадамлари пойининг ширин шаррбатини қўмсаб юрган кишининг йўлида ҳар хил тўсиқлар учраб турса ҳам, бундай солиҳ инсон ўзи эришган камолот чўққисини ҳеч қачон тарк этмайди. 6. Эй Махараж Парикшит, шаҳзода Прияврата буюк содиқ, солиҳ инсон эди, чунки руҳий устози Нарада Мунининг нилуфар қадамлари пойига сидқидилдан хизмат қилиб, у илоҳий илмни мукамал эгаллаганди. Унинг билими теран, гапирган гаплари эса, фақат руҳий олам ҳақида эди. Кунларнинг бирида отаси унга энди оламни бошқариш тизгинини қўлга олиши лозимлиги ҳақида гапирди. Отаси, ведавий битикларга асосан, унинг ҳаётдаги белгиланган бурчи шуни тақозо этишини унга тушунтирди. Аммо бҳакти-йога билан машғул Прияврата, хамиша Худои Таоло ҳақида фикр юритар, ҳиссиётининг барча аъзолари Худого хизмат қилиш билан банд эди. Шунинг учун, гарчи отасининг сўзини ерда қолдирмаслик кераклигини билса ҳам, унинг гапларидан хурсанд бўлмади. Прияврата қалбидаги гумонларини отасига очиқ айтиб берди: - "Бутун оламга ҳукмрон бўлсам, Худого садоқатли хизмат қилиш йўлидан чиқиб кетишим мумкинлигидан қўрқаман".

7. Биринчи яралган мавжудот - Тангри Брахма коинотдаги барча ишларни назорат қилиб турувчи энг қудратли фаришта. У Олий Шахс, Худонинг Ўзидан дунёга келган, шундан бери у, коинотнинг нима мақсадда яратилганини яхши тушунган ҳолда, ундаги барча тирик мавжудотларга бетиним ғамхўрлик қилиб келади. Кунларнинг бирида буюк Брахма олий сайёраларда жойлашган даргоҳини тарк этиб, Ведалар тимсо-

ли ва бошқа яқин ҳамроҳлари билан бирга шаҳзода муроқабага берилиб ўтирган жойга ташриф буюрди. 8. Брахма баҳайбат оққуш елкасида ерга қараб учиб борар экан, Сиддхалока, Гандхарвалока, Садхьялока ва Чараналока аҳолиси, шунингдек буюк донишмандлар ва фаришталар, самода ўзларининг ҳаво кемаларида туриб, Тангри Брахмани муборакбод этиб, унга чуқур эҳтиром кўрсатдилар. Ҳар хил сайёралар аҳолисининг табрикларини қабул қилаётган Тангри Брахма чарақлаган юлдузлар куршовидаги тўлин ойни эслатарди. Ниҳоят Тангри Брахманинг ҳайбатли оққуши шаҳзода Прияврата муроқабага берилиб ўтирган жой - Гандхамадана тоғига яқинлашди. 9. Нарада Мунининг отаси Тангри Брахма - коинотнинг олий ҳукмдоридир. Катта оққушни кўриб, Нарада Муни Тангри Брахма яқинлашиб келаётганини дарров англади ва дарҳол ўрнидан туриб, унга пешвоз чиқди. Нараданинг гапларини тинглаб ўтирган Сваямбхува Ману ва унинг ўғли Прияврата ҳам ўринларидан турдилар. Улар қўл қовуштириб Тангри Брахмани эҳтиром билан қарши олдилар ва унга сиғиниш маросимини ўткази бошладилар.

10. Нарада Муни, шаҳзода Прияврата ва Сваямбхува Ману Ведавий битикларда кўрсатилган қоидалар асосида Тангри Брахмани муносиб кутиб олдилар. Улар Сатъялокадан Бхулокага тушган Тангри Брахмага сиғиниш анжомлари тақдим қилиб, уни самимий илтижолари билан олқишладилар. Шунда коинотдаги биринчи тирик мавжудот, Брахма Приявратага меҳр тўла нигоҳини ташлаб кулиб қўйди ва гапира бошлади.

11. Коинот ҳукмдори, Тангри Брахма шундай деди: - Менга кулоқ сол, эй Прияврата. Сен Худои Таолодан норози бўлма, чунки Унинг ишларини бизлар англаб ега олмаймиз. Биз барчамиз - Тангри Шива, сенинг отанг ва Махарши Нарада - ҳеч иккиланмай Худонинг амрини бажаришимиз керак. 12. Худонинг амрига ҳамма: қаттиқ риёзатларга берилган одам ҳам, Ведалар илмини эгаллаган одам ҳам, камолотга эришган йог ҳам, буюк мутафаккир ҳам, қудратли кучга эга одам ҳам бўйсунди. Худонинг амрига ҳеч ким на якка ҳолда, на дўстлари билан биргаликда, на бойлигига ишониб, на ўтказган маросимларига ишониб қарши чиқа олмайди. Худои Таолога ҳеч ким - на миттигина чумоли, на Брахманинг ўзи ҳеч қандай қаршилик қила олмайди. 13. Эй Прияврата, Парвардигорнинг амрига кўра барча тирик мавжудотлар моддий оламда ҳар хил таналарга эга бўлади ва алданиш тузоғига илиниб қувонадилар, азият чекадилар, қайғурадилар, ҳар хил ишларни амалга оширадилар, қўрқув ва хавотирга тушадилар, туғилиш ва ўлиш азобини тортадилар.

14. Эй ўғлим, Ведаларда айтилишича, ҳар бир инсон ўзининг қилаётгани иши ва табиий сифатларига биноан у ёки бу варна ва ашрамга мансуб бўлади. Инсонлар яшайдиган ҳар қандай жамият варна ва ашрамга бўлиниши шарт, чунки дунё ўзи шундай яратилган. Худди бурнидан ўтказилган ип ёрдамида ўзини бошқараётган ер ҳайдовчининг айтганларини бажаришга мажбур бўлган хўкиз сингари, бизлар ҳар биримиз варнашрама-дхарма (қонунлари)да белгиланган вазифамизни бажаришимиз лозим. 15. Азизим Прияврата, моддий табиатнинг қайси гунаси таъсири остида бўлишимизга қараб, Худои Таоло бизга у ёки бу танани бериб, ҳаётда шу танага лойиқ қувонч ва шодлик, азоб-

укубат юборади. Шунинг учун хар бир одам ҳамиша, ўзининг табиий ҳолатида бўлиши ва, худди кўзи кўр одам уни етаклаб бораётган одамга бўйсунгани сингари, хаётда Худои Таолонинг амрига бўйсуниб яшаши лозим. 16. Хатто озодликка эришган инсон ҳам, ўзининг аввалги ҳаётидаги кармасига яраша эга бўлган танасидан воз кеча олмайди. Лекин, шунга қарамай у алданиш тузоғидан озод: кармаси натижасида келаётган хар қандай шодлик ва азоб-укубатларни у, бизлар уйғонганда тушимизда кўрган нарсаларни қабул қилгандай, худди тушидагидай қабул қилади. Шунинг учун у қатъий ишонч билан руҳий юксалиш йўлидан бораверади ва тирик мавжудотни табиат гуналари таъсири остида, моддий тана олишга мажбур қиладиган хар қандай ҳаракатларни изчиллик билан тарк этади. 17. Ўз хиссиётларини жиловлай олмаган кишини ҳамиша моддий қувват қопқонига тушиб қолиш хавфи таъқиб қилиб юради, чунки хатто у хилват ўрмонда риёзат чекаётган бўлса ҳам, унинг олти хотини - ақли ва сезги органлари ҳамиша ўзига ҳамроҳ бўлади. Аммо, руҳий илмни эгаллаб, хиссиётини жиловлаб олган киши ҳамиша ўзининг қалбидан руҳий лаззат олади ва хатто оилавий турмуш ҳам унга ҳеч қандай хавф-хатар туғдирмайди. 18. Ақли ва беш ҳиссий органини ҳамиша жиловлаб олган оилали киши, худди кўрғон ичига бекиниб олиб, қудратли душманлар устидан ғалаба қозонаётган шоҳга ўхшайди. Ундай одам оилавий турмуш мактабини ўтиб бўлиб, шаҳвоний эҳтирослари пасайганида, ҳеч нарсадан кўркмасдан риёзат учун хоҳлаган жойига йўл олиши мумкин.

19. Эй Прияврата, Парвардигорнинг пойи қадамлари худди Унинг киндиги сингари нилуфар гулини эслатади. Унинг ана шу нилуфар қадамлари пойи паноҳига кир, шунда сен ўзингнинг олти душман(ақл ва хиссий органлар)ингни бемалол енга оласан. Моддий лаззатлардан юз ўгирма, чунки улардан лаззатланишни Худонинг Ўзи сенга буюряпти. Унинг марҳамати билан сен ҳамиша дунёвий ишлардан четда бўласан ва ўзингнинг асл табиатингга хос бўлган ишларни қилиб, Унинг амрини бажара оласан.

20. Шри Шукадева Госвами давом этди: - Бутун уч оламнинг руҳий устози бўлган Тангри Браҳмадан мукамал насиҳатларни тинглаб бўлгандан кейин, Прияврата унга улуғ зот сифатида таъзим қилди ва чуқур эҳтиром билан унинг амрига бўйсунишга рози бўлди.

21. Кейин Ману, Тангри Браҳмани мамнун қилиш учун унга муносиб эҳтиром кўрсата бошлади. Прияврата ҳам, Нарада ҳам Браҳмадан бутунлай мамнун эдилар. Приявратани отасининг илтимосини бажариши лозимлигига ишонтариб, Тангри Браҳма, моддий ақл ёрдамида англаб ёки сўзлар билан таърифлаб бўлмайдиган ўз даргоҳи - Сатъялокага қайтди. 22. Шундай қилиб, Тангри Браҳманинг ёрдами билан Сваямбхува Ману ўзининг режаларини амалга оширди. Буюк донишманд Нараданинг руҳсати билан оламни бошқариш тизгинини ўғлига топширди. Унга барча сайёраларда яшайдиган тирик мавжудотларга ғамхўрлик қилишни, уларнинг эҳтиёжларини қондиришни буюрди. Шунда у ниҳоят, худди хавф-хатарга тўла заҳарли океан сингари, қалбида қайнаётган моддий истаклар азобидан биратўла халос бўлди.

23. Худои Таолонинг амрини итоаткорона бажарар экан, Махараж Прияврата дунёвий ишларга берилиб

кетди, лекин, унинг ақли ҳамиша барча моддий боғланишлардан халос этувчи Худонинг нилуфар қадамлари пойи ҳақидаги ўйлар билан банд эди. Махараж Приявратанинг қалби беғубор пок эди ва у оламни фақат катталарга бўлган чуқур ҳурмати юзасидан бошқарарди. 24. Анча вақт ўтгандан кейин Махараж Прияврата Пражапати Вишвакарманинг қизи Бархишматага уйланди. Ундан хар бири гўзаллиги, хулқ-атвори, олийжаноблиги ва бошқа фазилатлари билан отасидан қолишмайдиган ўн ўғил фарзанд кўрди. Уларнинг охириги фарзанди эса қиз бола эди, уни Урд-жасвати деб аташди. 25. Прияврата ва Бархишматанинг фарзандларининг исмлари куйидагича: Агнидхра, Идхмаджихва, Ягьябаху, Махавира, Хираньярета, Гхритаприштха, Савана, Медхатитхи, Витихотра ва Кави. Олов фариштасини ҳам ана шундай номлар билан атайдилар. 26. Махараж Приявратанинг уч ўғли - Кави, Махавира ва Савана - бутун умр риёзатга берилиб, уйланмадилар. Ёшлигидан улар брахмачарийлардай тарбияланиб, илоҳий илмни тўла эгалладилар ва руҳий камолотнинг парамахамса-аишрам деб аталувчи энг олий поғонасига кўтарилдилар. 27. Шу тарзда ёшлигиданоқ дунёвий ишларни тарк этиб ва ўз хиссиётини тўла жиловлаб олиб, бу уч оғани буюк авлиё инсонлар бўлиб етишдилар. Уларнинг фикру-хаёллари ҳамиша Худои Таолонинг нилуфар қадамлари пойида мужассам эди. Парвардигорни Васудева деб ҳам атайдилар, чунки барча тирик мавжудотлар Ундан паноҳ топадилар. Моддий ҳаёт ташвишларига боғланиб қолишдан ҳақиқатан ҳам кўрқадиган киши учун Худо шахси Васудева ягона нажоткордир. Ҳамиша Худо шахсининг нилуфар қадамлари пойини эслаб юриб, Махараж Приявратанинг бу уч ўғли Худога соф садоқат билан хизмат қилишнинг юксак чўққиларини эгалладилар. Ўзининг холис хизматлари эвазига улар Худо Шахсини хар бир тирик мавжудот қалбида ҳам мавжуд бўлган Параматма кўринишида яққол кўришга муваффақ бўлдилар ва ўзларининг сифат жиҳатдан У билан бир хил эканини тўлиқ англаб етдилар. 28. Махараж Приявратанинг бошқа хотини унга уч ўғил туғиб берди. Улар Уттама, Тамаса ва Райвата эди. Вақт ўтиши билан уларнинг хар бири Ману даражасига етиб, хар бири оламни бутун манвантара давомида бошқардилар. 29. Ўғиллари Кави, Махавира ва Савана ҳақиқий парамахамса даражасига етгандан кейин Махараж Прияврата оламни ўн бир арбуда(100млн йил)га тенг бўлган давр мобайнида бошқариб турди. У қудратли қўлларига камонини олиб, унга камон қистириши биланок, ҳақиқий дин қонунларининг душманлари олам ҳукмдорининг мислсиз қудратидан даҳшатга тушиб, тум-тарақай ғойиб бўлишарди. У хотини Бархишматини қаттиқ севарди, хотини ҳам уни севар, уларнинг ўзаро муҳаббати кун сайин кучайиб борарди. Маликанинг назокати, хиромлари, кийиниши, одоб-икромни ва хар бир нигоҳи ёки табассуми Махараж Приявратага куч бағишлар, ҳамма нарсани эсидан чиқартириб, бутунлай ўзига ром қилиб кўярди. Гарчи Махараж Прияврата ҳақиқатан ҳам буюк руҳ бўлса ҳам, Бархишматининг олдида худди оддий дунёвий одамдай бўлиб қоларди.

30. Кунларнинг бирида буюк ва қудратли Куёш фариштасининг оламни қандай ёритаётгани ҳукмдор Махараж Приявратага ёқмай қолди. Аравасида Сумера тоғини айланиб ўтар экан, куёш фариштаси тоғ атрофи-

даги барча сайёраларга ёғду улашади. Лекин, куёш Су-мера тоғидан шимолга ўтганида жанубий сайёралар камроқ ёруғлик оладилар, жанубга ўтганида эса, шимол-ий сайёралар жанубий сайёраларга қараганда камроқ ёритилади. Махараж Прияврата бу ҳолатни ноҳақлик деб тушунди ва, сайёралар хатто тунда ҳам кундуздагидек ёруғ бўлишини истади. Куёш орбитаси бўйлаб ўзининг нур сочувчи аравасида айланиб ўтиб, у зулмат қоронғилигини ёритиб юборди ва режасини шу тарзда амалга оширди. Ўзининг шундай ғаройиб қароматларини у Худонинг Олий Шахсига сиғиниш орқали эга бўлган қудратли қобилиятлари ёрдамида амалга оширарди.

31. Прияврата Куёш ортидан унинг орбитаси бўйлаб ўз аравасида ўтганида, арава ғилдираклари коинотда чуқур из қолдирдилар, вақт ўтиши билан улар Бхумандала сайёралар тизимини етти оролга бўлувчи етти океанга айланди. 32. Бу ороллар Джамбу, Плакша, Шалмали, Куша, Краунча, Шака ва Пушкара деб аталади. Уларнинг ҳар бирининг ўлчами аввалгисидан икки баробар катта бўлиб, океан билан ўралган. Океаннинг нариги қирғоғида эса, навбатдаги орол жойлашган. 33. Етти океаннинг биринчиси шўр сув билан, иккинчиси шакарқамиш шарбати билан, учинчиси - мусаллас билан, бошқалари эса сариеғ, сут, айрон(пахта) ва чучук сув билан тўлган. Ҳар бир орол ҳар тарафдан мана шу океанларнинг бири билан ўралган ва океанларнинг ҳар бирининг катталиги уни ўраб олган оролнинг катталигига баробар. Малика Бархишматининг эри Махараж Прияврата ана шу оролларни бошқаришни ўғиллари Агнидхрага, Идхмадживага, Ягьябахуга, Хираньяретега, Гхритаприштхага, Медхатитхага ва Витихотрага буюрди. Шундай қилиб отасининг амри билан уларнинг ҳар бири бир оролга ҳукмдор бўлди. 34. Кейин шох Прияврата қизи Урджасватини Шукрачарьяга эрга берди. Шукрачарья ва Урджасватидан бир қиз фарзанд туғилди, уни Деваяни деб атадилар.

35. Эй шох, Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойининг гардини ўзига паноҳ қилиб олган солиҳ инсонга моддий оламнинг бешафқат азоблари бўлган очлик, чанқоқлик, мусибат, алданиш, кексалик ва ўлим ҳеч қачон ўз ҳукмини ўтказа олмайди. Ундай содиқ инсон ақлини ва беш ҳиссиётини жиловлаб олган бўлади. Худои Таолонинг соф содиқ хизматкори бўлган инсон учун бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ, ваҳоланки, хатто тўрт табақадан ҳам паст турувчи ҳароми одам ҳам Парвардигорнинг муқаддас номини бир марта зикр қилиши биланок моддий дунё асирлигидан халос бўлади. 36. Шундай қилиб, бойлиги беҳисоб, қудрати ва ҳукмронлигининг чегараси бўлмаган Махараж Прияврата оламни бенуқсон бошқариб юрарди. Бирдан у, бир вақтлар ўз ихтиёрини буюк авлиё Народага бутунлай топшириб, Кришнани, Худони англаш йўлидан бораётгани, кейин нимагадир дунёвий ишларга берилиб кетгани тўғрисида ўйланиб қолди. Бу ўй энди унга сира тинчлик бермасди, ва у таркидунё қилиш ҳақида гапира бошлади. 37. Шох афсусланиб, ўзини қойий бошлади: -"Қанчалик бахтиқароман! Қанчалик тубанликка юз тутдим-а! Жилловланмаган ҳиссиётим, нафсим мени ҳаётда нималарга мубтало қилди? Дунёвий лаззатларга берилиб кетиб, мен худди ташландиқ қудуқ ичига тушиб қолгандайман. Етар шунча лаззатланганим! Қаранг-а! Хотиним мени

ўз нағмасига худди маймундай ўйнатиб қўйибди! Қандай уят!?"

38. Худои Таолонинг марҳамати билан, худди уйқудан энди уйғонган одамдай, Махараж Прияврата-нинг кўзлари мошдек очилди. Бутун салтанатини у ито-аткор ўғилларига бўлиб берди. Дунёвий боғланишлардан бутунлай халос бўлиб, у ўзига шунча лаззат келтираётган хотинидан ва гуллаб яшнаётган салтанатидан биратўла воз кечди. Шунда унинг қалби покланиб, Худои Таоло Ўз ўйинларини ўтказадиган муқаддас жойга айланди. Шундай қилиб Махараж Прияврата яна Кришнани, Худони англаш йўлига қайтди ва ҳаётини рухий фаолиятга бутунлай бахшида қилиб, бир пайтлар буюк авлиё Нараданинг дуолари билан эришган рухий ҳолатига эришди.

39. Махараж Прияврата-нинг қароматларини шарафловчи жуда кўп қўшиқлар бор, масалан: "Махараж Прияврата кўрсатган қароматларни фақат ягона Парвардигорнинг Ўзигина бажара олади. Бу буюк шох тун зулматини ёритди ва ўзининг қудратли аравасининг ғилдираклари билан ерда из қолдириб, уларда етти океан пайдо қилди". 40. "Дунё халқлари бир-бирлари билан душман бўлмаслиги ва биров-бировнинг давлатига раҳна солмаслиги учун Махараж Прияврата дарёлар, ўрмонлар ва тоғлар орқали чегаралар ўтказиб, ер юзини ҳар хил давлатларга бўлди".

41. Махараж Прияврата бутун қалби билан донишманд Народага содиқ эди ва ўз ҳаётида унинг кўрсатмаларини изчиллик билан амалга оширарди. Ўзининг карма келтирадиган қурбонликлари ва йога бобида кўрсатган жасоратлари эвазига у бутун уч оламда: пастки сайёраларда, одамлар ва фаришталар яшайдиган сайёраларда сон-саноксиз мол дунёга эга бўлди. Аммо бу бойликларнинг барчасини шох Прияврата дўзахий нарсалар деб ҳисобларди.

Иккинчи боб

Махараж Агнидхранинг қароматлари

1. Шри Шукадева Госвами давом этди: - Агнидхранинг отаси, Махараж Прияврата рухий ҳаётга қайтиб, риёзатга берилиш учун уйини тарк этгандан сўнг, шох Агнидхра унинг амрини итоаткорона бажо келтира бошлади. Диний қонун-қоидаларга изчил амал қилган ҳолда, у Джамбудвипа аҳолисига худди ўз оила аъзолари сингари ғамхўрлик қила бошлади. 2. Махараж Агнидхра Питрилокага боришни ният қилди ва шу боис, бу оламнинг энг олий яратувчиси Тангри Браҳмага, ўзига муносиб фарзанд тилаб сажда қила бошлади. У Мандара тоғининг ён бағридаги водийга йўл олди. Бу ерда самовий фаришталар сайр қилиб юришни хуш кўрадилар. Агнидхра гул териб ва бошқа барча керакли анжомларни тўплаб, Браҳмага сажда қилиб риёзат чекишда жасорат кўрсата бошлади. 3. Шунда яратилган мавжудотларнинг энг биринчиси бўлган буюк ва қудратли Браҳма, шох Агнидхранинг ниятини англади ва унинг олдига жаннатдаги энг яхши раққосалардан бири - Пурвачиттини юборди.

4. Тангри Браҳма юборган апсара шох Агнидхра сажда қилиб, риёзат чекиб, муруқбага берилиб ўтирган ерга яқин жойда сайр қила бошлади. Бу, олтин чирмовуқлар ўраб олган баланд дарахтлар ўсиб ётган қалин ўрмонда товуслар ва бошқа қушлар жуфтлари

билан айланиб юрар, кўл юзида эса, ўрдак ва оккушлар сузиб юрарди. Улар ёқимли овозлари билан бутун атрофни тўлдириб турарди. Барқ уриб ўсиб ётган майсалар, тиниқ сув, анвойи хид таратиб турган нилуфар гуллари ва кушларнинг ёқимли сайрашлари ўрмонни эртақлардагидек оромбахш қилиб юборган эди. 5. Пурвачитти ўрмондаги сўқмоқда виқор билан қадам ташлар, ҳар бир қадам ташлаганида оёғидаги кўнғироқчалар ёқимли жаранглар эди. Агнидхра бу пайтда транс ҳолатига тушган ва ўз ҳиссиётини жиловлаб олган эди. Гарчи нилуфарсимон кўзлари ярим юмилган бўлса ҳам, у барибир апсарани кўриб қолди. Кўнғироқчаларнинг жарангдор овозини эшитиб у секин кўзларини очди ва ўзининг ёнгинасида бир фаришта аёл турганини кўрди. 6. Апсара, худди асал тўплаётган асалари сингари ажойиб гулларнинг анвойи хидларидан лаззатланарди. Ўзининг жозибадорлиги ва сарв қомати, ибоси, камтаринлиги, мафтункор нигоҳи ва кўнғироқдай овози билан у одамлару-фаришталарнинг ақлини лол қолдиришга қодир эди. Ўзининг ўткир нигоҳи билан у эркак кишининг қалбига, худди кўлига гулдан қилинган камонини олиб, севги фаришгасининг ўзини киришга ундаётгандай эди. У гапираётганида оғзидан худди тотли шарбат оқаётгандай бўларди. Унинг нилуфар гулига ўхшаган чиройли кўзларининг атрофида олаётган нафасининг хидига маст бўлган асаларилар айланиб юрарди. Асаларилардан йироқ кетишга уриниб у қадамини тезлатди, ва унинг оғир, қатта соч ўримлари, белидаги чиройли камари ва кўзалар сингари бўлиқ сийналари қадамларига мос равишда чиройли ҳаракат қилиб, сарвқомат танасига янада жозибали латофат бағишларди. Агнидхрага яқинлашар экан, Пурвачитти худди қудратли Купидонга йўл кўрсатаётгандай эди. Унинг гўзаллигига маҳлиё бўлган навқирон шоҳ унга шундай сўзлар билан мурожаат қилди.

7. Қаршисида турган зот апсара эканидан беҳабар, Агнидхра унга шундай деди: - Эй авлиёлар ичида энг улуғ зот, сен кимсан? Бу ерга қаердан келиб қолдинг? Сен балки Худои Таолонинг алдамчи қуввати тимсолидирсан? Пайқонсиз икки камон олиб юрибсан, уларнинг сенга нима кераги бор? Улардан сен ўзинг отмоқчимисан ёки дўстларингдан бирортасига берасанми? Бу ўрмонда яшаётган қутурган ҳайвонларни кириб ташламоқчи бўлсанг керак?

8. Пурвачиттаниннг ўткир нигоҳи ўзига қаратилганини сезиб, Агнидхра унга шундай деди: - Эй дўстим, сениннг кўзларинг худди нилуфар гуллари билан безатилган ва беҳато нишонга бориб тегадиган икки пайқонга ўхшайди. Гарчи бу пайқонларнинг чўплари(древки) бўлмаса ҳам жуда гўзал, ва уларнинг учи шу қадар ўткирки, ҳар қандай одамнинг қалбини тилка-пора қилишга қодир. Қўринишидан пайқонларинг ҳеч қандай хавф туғдирмайдиганга ўхшайди, аммо сен бу ўрмонда кимнидир мўлжалга олиб юргансан, лекин у ким экани менга қоронғу. Мениннг ақлим ҳайрон, мен сенга муносиб рақиб бўлолмайман, ҳеч ким ҳам жасоратда сенга тенг кела олмайди. Шундай экан ўз жасоратинг билан мени бахтиёр қил!

9. Пурвачиттаниннг атрофида айланиб юрган асалариларни кўриб, Махараж Агнидхра давом этди: - Асаларилар худди устозига эҳтиром кўрсатаётган шогирдлардай, сениннг атрофингда парвона бўлиб юрибдилар. Улар "Сама-веда" ва "Упанишада"лардан ҳар хил мадҳиялар ўқиб, сенга илтижо қилиптилар. Ведалар-

нинг ҳар хил бобларини ўқиб лаззат оладиган буюк донишмандлар сингари, бу асаларилар ҳам сениннг сочларингдан тўкилаётган гуллар оқимида чўмилиб сармаст бўлаёттирлар. 10. Эй брахман, мен сениннг оёқларингдаги кўнғироқ овозидан бошқа ҳеч нарса эшитмаяпман. Худди бу кўнғироқчаларда титтири кушлари ўтириб хониш қилаётгандай. Гарчи мен уларни кўрмасам ҳам уларнинг ўзаро чуғурлашаётганини эшитаяпман. Сениннг хипча белиннг худди тутаб турган чўғлардан қилингандай жилоланаётган белбоғ билан ўралган, чиройли юмалоқ сонларинг эса, ўзининг майин ранги билан қадамба гулини эслатади. Лекин сен кийимларингни қаерда қолдирдинг?"

11. Кейин Агнидхра Пурвачиттаниннг баланд кўкракларини мақтай бошлади. - "Эй брахман, сениннг белиннг шунчалик хипча бўлса ҳам, мениннг кўзларимни ўзига жалб этаётган икки оғир шоҳ(қадах)ни кўтариб олгансан. Бу икки жозибадор қадах нима билан тўлган? Сен уларга энди кўтарилаётган куёшнинг рангидай қизил ула сепиб қўйгандирсан? Менга айтчи, эй бахтиёр зот, мениннг вужудимни анвойи хидларга тўлдирган бу атирни, упани сен қаердан олгансан? 12. Эй дўстларинг энг аълоси, менга яшайдиган жойингни кўрсат. Наҳотки у ердаги одамларнинг барчасининг кўкраклари мана шундай - менга ўхшаган одамларни ўзига маҳлиё этиб, ақлини лол қолдирадиган даражада чиройли бўлса? Сениннг юртингдаги одамлар оғзидан ҳамиша бол томиб тургани сабабли уларнинг гаплари ёқимли ва табассумлари мафтункор. 13. Эй дўстим, сен қандай овқат билан танангда жонингни сақлаб юрасан? Ўзинг бетель чайнаёпсану, оғзингдан ёқимли хид таралиб турибди. Демак, сен фақат аввал Худоба, Вишнуба эҳсон қилинган таомлар билангина овқатлансан. Ўйлаб кўрсам сен - Тангри Вишнунинг тимсолисан. Сениннг юзинг хушманзара кўлга ўхшайди. Қулоқларингдаги исирғаларинг Вишнуники сингари, кўринишидан кўзлари юмилмайдиган икки акулани эслатади, кўзларинг эса, худди икки ўйноқи балиқ сингари мана шу кўлда сузиб юрибди. Маржондек қатор тизилган чиройли тишларинг эса, оппоқ оқкушларни эслатади, тўзғиган сочларинг эса - чиройли юзинг атрофида айланиб юрган асаларилар тўдасига ўхшайди. 14. Мен аллақачон ақлимдан адашиб қолдим, энди эса кўзларим ҳам тинчини йўқотди: улар сениннг нилуфарсимон кўллариинг ўйнаётган коптокни тутишга ҳаракат қилиб олазarak бўлиб турибди. Қоп-қора сочларинг ўрими тўзғиб кетган, аммо сен уларга эътибор бермаяпсан. Сен уларни тартибга солмайсанми? Айёр шабада, худди эҳтироси мавж урган йигит сингари, устингдаги либосингни ечиб ташлашга уриняпти, наҳотки шуни ҳам сезмаётган бўлсанг?

15. Эй риёзатга берилганларинг аълоси, бунчалик мафтункор гўзалликни қаердан олгансанки, у риёзат ақлини лол қолдириб, уларнинг риёзатларига ҳалал берапти. Сен бу санъатни кимдан ўргандинг ва қайси риёзатларинг эвазига бундай гўзалликка эга бўлгансан? Мен сен билан бирга риёзат чекишни истайман, чунки, оламнинг яратувчиси Тангри Брахма илтижоларимдан мамнун бўлиб, турмуш ўртоғим бўлишинг учун, сени бу ерга юборган бўлса ажаб эмас. 16. Барча брахманлар эъзозлайдиган Тангри Брахма менга сени совға қилиб юборгани учун бизлар учрашиб турибмиз. Сен мениннг ақлимни лол қилиб, кўзларимни ўзингга бутунлай маҳлиё қилиб қўйдинг. Эй сийналари келишган қиз,

ўзинг истаган тарафга сен билан бирга кетишга тайёрман, дугоналаринг ҳам бизга ҳамроҳ бўлсин!

17. Шукадева Госвами давом этди: - Ақл-идрок бо-бида фаришталарга тенг келадиган Махараж Агнидхра аёллар қалбини ром қилишга уста эди. Ёқимли сўзлари билан самовий апсаранинг қалбини эритиб, уни ўзига оғдириб олди. 18. Джамбудвипа шоҳи ва барча қаҳрамонлар сардори Агнидхранинг ўткир ақли, чуқур илми, навқирон гўзаллиги, хулқи, бойлиги ва олийжаноблигига мафтун бўлган Пурвачитта унинг хотини бўлди ва улар барча самовий ва ердаги лаззатларга берилиб кўп минг йиллар умр кўрдилар. 19. Шоҳлар аълоси Махараж Агнидхранинг Пурвачиттадан тўққиз ўғли бўлди, уларга Набхи, Кимпуруша, Хариварша, Илаврита, Рамьяка, Хиранмайя, Куру, Бхадрашва ва Кетумала деб исм қўйдилар. 20. Бу тўққиз фарзандни бирин-кетин туғиб бўлгандан кейин, улар ўсиб улғайгач, уларни ташлаб Пурвачитта жаннатга қайтиб, яна Тангри Браҳмага сажда қила бошлади.

21. Она сугини эмган Агнидхранинг тўққиз ўғли ҳам кучли ва навқирон бўлиб етишдилар. Уларнинг ҳар бирига отаси Джамбудвипанинг бир бўлагини берди. Агнидхранинг ўғиллари шу тарзда, ўзларининг номи билан атала бошлаган салтанатларга ҳукмронлик қила бошладилар. 22. Пурвачитта ташлаб кетгандан кейин, ҳали ҳам ўз эҳтиросини қаноатлантира олмаган шоҳ Агнидхра ҳамиша уни ўйлаб юрарди. Шу боис, ведаларда келтирилган хабарларга кўра, у ўлганидан кейин апсара-хотини яшайдиган сайёрага кўтарилди. Питрилока деб аталадиган бу сайёрада пита(авлод)лар ҳаёт лаззатини сурадилар. 23. Отаси ўлганидан кейин тўққиз оға-ини Мерунинг тўққиз қизига уйландилар. Улар Мерудеви, Пратирупа, Уградамштри, Лата, Рамья, Шьяма, Наридеви, Бхадра ва Девавиллар эди.

Учинчи боб

Шоҳ Набхи ва Мерудевининг ўғли Ришабхадеванинг туғилиши

1. Шукадева Госвами давом этди: - Кунларнинг бирида Агнидхранинг ўғли, Махараж Набхи муносиб фарзандларга ота бўлиш ниятида, барча қурбонликлар ҳукмдори Олий Худо, Вишнуга илтижолар қилиб, Унга сиғиниш маросимини ўтказа бошлади. Махараж Набхининг хотини, ҳали фарзанд кўрмаган Мерудеви ҳам, Тангри Вишнуга эри билан бирга сажда қиларди. 2. Қурбонлик маросими ўтказаетган киши: 1. Қимматбаҳо нарса ёки (снедь)ов қурбон қилиши; 2. Маросимни муносиб жойда, муносиб вақтда ўтказиши; 4. Ведавий мадҳиялар кўринишида илтижолар қилиши; 5. Руҳонийлар хизматидан фойдаланиши; 6. Руҳонийларни муносиб муқофотлаши; 7. Барча қонунқоидаларга амал қилиши лозим. Худо Шахсининг марҳаматига эришишга ёрдам берадиган етти илоҳий қоида мана шулардан иборат. Шунда ҳам, мана шу қоидаларни тўла бажарганларнинг ҳаммаси Худои Таолони яққол кўравермайдилар. Лекин, Худо шахси ўзининг содиқ хизматкорларига жуда меҳрибон. Шу боис, ақли беғубор пок бўлган Махараж Набхи Худо шахсига чуқур ишонч билан самимий илтижолар қилиб, сажда қила бошлаганида(гарчи у бир кўринишда шунчаки *праваргья* деб аталадиган қурбонлик маросимини ўтказаетгандай туюлса ҳам), енгилмас Олий Худо,

содиқ хизматкорига бўлган муҳаббати туфайли, шоҳ Набхига ўзининг мафтункор тўрт қўллик қиёфасини намоён қилди. Содиқ хизматкорининг орзусини рўёбга чиқариш учун Олий шахс, Худонинг ўзи содиқларнинг ақл кўзларини қувонтирадиган кўринишда унинг олдида пайдо бўлди.

3. Тангри Вишну шоҳ Набхининг олдида ўзининг тўрт қўллик қиёфасида пайдо бўлди. Ундан кучли ёғду таралиб турар ва Унинг бутун оламда ҳаммадан устунлиги яққол кўриниб турарди. Танасининг пастки қисмини сариқ рангли ипак либос бекитиб турарди, кўксида ўзгармас белги Шриватса ва гавҳартош Каустубха, қўлларида эса, Худо шахси сур, нилуфар гули, халқа ва гурзи ушлаб турарди. Унинг бўйнига янги ўрмон гулларидан қилинган гулчамбар осилган, бошида эса ажойиб тож бор эди. Улардан ташқари Унинг узуклари, билагузуклари, исирғалари, камари, жавахир тақинчоқлари, оёқларига осилган кўнғироқчалари ва ярқирок қимматбаҳо дурлар билан нақш қўйилган бошқа тақинчоқлари бор эди. Шоҳ Набхи, руҳонийлар ва унинг бошқа яқин одамлари кўзлари олдида Худо шахсини яққол кўрганларида, худди бирдан беҳисоб олтинга эга бўлган қашшоқдай, жуда севиниб кетдилар. Худо шахсига муносиб эҳтиром кўрсатиш учун улар хурмат билан бош эгиб, ҳар хил эҳсонлар қила бошладилар.

4-5. Руҳонийлар Худо шахсига илтижо қила бошладилар: - Эй Худойим, сиғинишга муносиб бўлган ягона зот ўзингсан, бизлар эса Сенинг итоаткор кулларингиз. Сен ҳеч нарсага муҳтож эмассан, шундай бўлса ҳам, Сенинг марҳаматингдан умидвор бўлган ҳолда Сендан илтижо қиламиз: Сенинг мангу хизматкорларинг бўлмиш бизларнинг мана шу арзимас эҳсонларимизни қабул эт. Гарчи Сенинг илоҳий қиёфангни бизлар англаб етишимиз қийин бўлса ҳам, бизлар Ведалар ва ҳақиқий ачарьялар ўргатганидек, Сенинг олдинда такрор ва такрор бош эгамиз. Дунёвий бахт-саодатга интилиб юрган тирик мавжудотлар руҳий камолотга эриша олмайдилар, чунки уларни моддий табиат гуналари ўзига мафтун қилиб қўйган. Сен эса, барча моддий тасаввурлардан устун турасан. Сенинг номинг, қиёфанг ва сифатларинг бутунлай руҳий ва моддий ҳиссиёт аъзолари уларни англай олмайди. Сени англай олиш кимнинг ҳам қўлидан келарди? Моддий оламда яшар эканмиз, биз ўз ҳиссиётларимиз билан фақат моддий номларни ва моддий сифатларнигина қабул қила оламиз. Шу боис биз фақат Сенга сажда қиламиз ва илтижо қиламиз, эй илоҳий Зот. Сенинг саодатли, илоҳий фазилатларингни шарафлаб қуйлаш бу дунёда ҳамма гуноҳ ишларга барҳам беради. Мана шу энг яхши машғулоти, чунки у бизга қисман бўлса ҳам Сенинг илоҳий ҳолатингни тушуниб етиш имкони беради. 6. Эй Парвардигор, Сен ҳамма нарсдан тўқсан, лекин шундай бўлса ҳам, содиқ хизматкорларинг овозлари титраб Сени олқишлаганда, руҳий лаззат(жазава)га фарқ бўлиб Сенга туласи барглари, сув, майса ва ёш куртақлар тортиқ қилганда Сен жуда хурсанд бўласан. Шубҳасиз бундай иқромлар Сенга хуш ёқади. 7. Сенга сиғинар эканмиз, эй улуг Зот, бизлар ҳар турли эҳсонлар билан Сенга қурбонлик маросимини ўтказдик. Лекин, аслида Сени мамнун қилиш учун бундай дабабанинг умуман кераги йўқ. 8. Инсон интилаётган ҳар қандай бойлик ва мукамаллик Сенинг ўзингда ҳар лаҳзада тўлиб тошиб ётибди. Ҳақиқатан

хам Сен - чексиз лаззат ва роҳат-фароғатга тўла ҳаётнинг ўзисан. Эй Худойим, биз эса дунёвий лаззатларни излаш билан бандмиз. Қурбонлик маросимларининг барчаси Сенга эмас, бизга керак, чунки биз Сендан дуои-фотиҳа олишни истаймиз. Биз натижасидан лаззатланиш учун бу қурбонлик маросимини ўтказаятирмиз, аммо бу саодатларнинг бирортаси Сени Ўзига жалб қилмайди. 9. Эй Худолар Худоси, бизлар ҳаётнинг асл маъносини тушунмайдиган ғофил инсонлармиз, шунинг учун ҳам озодликка олиб чикувчи дхарма, артха, кама ва мокша йўлларида бора олмаймиз. Худди бизлардан иззат-икром кутгандай, Ўзинг бизнинг олдимизда намоён бўлдинг, аслида эса бизларга Сени кўра олиш имкониятини бериш учунгина бу ерда пайдо бўлгансан. Бесабаб, чексиз марҳаматинг туфайли Сен бизларнинг истакларимизни бажо келтириш ва бизларга апаварга - Сенинг шухратингнинг тимсоли бўлган озодлик бағишлаш учун, бу қурбонлик маросимига ташриф буюрдинг. Ғофиллигимиз туфайли бизлар Сенга муносиб эҳтиром кўрсата олмасак ҳам, Сен Ўзингни намоён этдинг. 10. Эй саодатмандлар аълоси, сифинишга ҳар қандай зотдан ҳам Сен Ўзинг муносиброқсан. Такводор шоҳ Набхи ўтказаятган қурбонлик маросимида пайдо бўлишинг - биз учун катта бахтдир. Сен бизларни Ўзингни яққол кўришга мурасар этдинг - бу эса энг катта саодатдир. 11. Эй Худойим, барча ҳақиқий буюк мутафаккирлар ва авлиё донишмандлар Сенинг илоҳий сифатларингни тинмай олқишлайдилар. Улар қалбидаги сон-саноксиз гуноҳлар иллатини илоҳий илм оловида куйдирганлар ва қалбида моддий дунё нарсаларини тарк этиш туйғусини чиниктирганлар. Бутунлай покланиб, улар худди Сеники сингари сифатларга эга бўлдилар ва қалбларида тўлиқ лаззатланиб яшашга эришдилар. Аммо, Сенинг илоҳий кароматларингни олқишлаб руҳий лаззат оладиган зотлар ҳам Сени камдан-кам яққол кўра оладилар. 12. Эй ҳукмдор, балки ҳаётда қийналиб қолган пайтимизда бизлар Сени эслаш олмасмиз. Одам йиқилганида ёки очлик азобига учраганида, ўлим тўшагида ётганида, вужуди ҳар хил касалликларга мубтало бўлганида ёки, ҳатто эснаётганида Сенинг номингни, қиёфангни ва сифатларингни эслаши осон эмас. Шунинг учун, эй Худойим биз Сендан илтижо қиламиз: Сен Ўзингнинг содиқ хизматкорларингни жуда севасан. Шундай экан, бизларга Сени ҳамиша эслаб юришга, Сенинг илоҳий муқаддас номларингни зикр қилиб юришга, гуноҳларимиз оқибатидан поклашга қодир бўлган кароматларинг ва сифатларингни ҳамиша олқишлаб юришга ёрдам бер. 13. Эй Олий Ҳукмдор, шавкатли шоҳ Набхига бир қара. Ўзининг энг эзгу армони - Сенинг Ўзингга ўхшаган фарзандга ота бўлишни истаб, у Сенга самимий илтижо қиляпти. Аммо, бу худди бадавлат одамдан бир ҳовуч дон сўраш билан баробар. Махараж Набхининг муносиб фарзандга эга бўлиш орзуси шу қадар кучлики, гарчи Сен ҳар қандай саодатни, шу жумладан жаннатий сайёраларга кўтарилиш ёки озодликка эришиш ва Худонинг ҳузурига қайтиб бориш саодатини ато этишга қодир бўлсанг ҳам, у Сендан бошқа ҳеч нарса тиламаяпти. 14. Эй Олий Зот, буюк содиқларнинг нилуфар қадамлари пойига сажда қилмайдиган одам албатта алдамчи қувватнинг қурбонига айланади ва майя унинг ақлу-фаросатини ўғирлаб қўяди. Бу дунёда дунёвий лаззатларнинг захарли тўлқини олиб кетмаган бирор инсон

топилармикан? Сенинг алдамчи, моддий қувватинг енгилмасдир. Ҳеч ким унинг қандай ҳаракат қилишини англаб етишга қодир эмас. 15. Эй Худойим, Сенинг сон-саноксиз кароматларинг ҳақиқатан ҳам ҳайратланарли. Биз бу буюк қурбонлик маросимини, Сен шохимизга ўғил ато қилишингни тилаб ўтказган эдик. Бу шундан далолат берадики, демак, ақлимиз етук эмас ва ҳали ҳаётнинг асосий маъносини тушуниб етмаганмиз. Бизлар ўтказган бу қурбонлик маросими Сенинг диққатингни жалб этишга муносиб эмас, чунки бизлар уни таъмагирлик билан ўтказаятирмиз, ва Сени бу маросимга чақириб бизлар нилуфар қадамларинг пойини қаттиқ ҳақорат қилдик. Эй Худолар Худоси, Сен ҳамиша Ўзингни тута олишга ва содиқларингни Ўзингнинг бесабаб марҳаматингдан баҳраманд этишга қодирсан, шу боис биз Сендан қилган ана шу гуноҳимизни кечиришингни сўраймиз.

16. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - Бхаратаваршанинг ҳукмдори, Шоҳ Набхи хурмат қилган руҳонийлар Худо шахсига илтижоларини наср кўринишида баён этдилар(одатда илтижолар шеър, ғазал кўринишида бўлади) ва Унинг нилуфар қадамлари пойига эгилдилар. Худои Таоло, фаришталар ҳукмдори, руҳонийлардан мамнун бўлди ва уларга жавоб берди.

17. Олий Худо шундай деди: - Эй буюк донишмандлар, Мен сизларнинг илтижоларингиздан жуда мамнунман. Сизлар ҳамиша ҳақиқатдан гапирасизлар. Сизлар шохингиз Набхига, Менинг Ўзимга ўхшаган фарзанд ато этишимни сўрадингиз. Аммо унинг илтимосини бажариш осон эмас, чунки Мен - ягона ва бетакрор Худонинг Олий Шахсима. Менга тенг келадиган ҳеч ким йўқ ва бошқа Мендек Зотни топишинг иложи йўқ. Аммо, сизлар барчангиз муносиб браҳманлар бўлганингиз учун сизларнинг илтимосларингизни ерда қолдириш мумкин эмас. Браҳманларга хос сифатларнинг барчасига эга бўлган браҳманлар Менга Ўзимнинг оғзим сингари ардокли. 18. Мен Ўзимга тенг Зотни тополмайман, шунинг учун Ўзимнинг қудратли қиёфам кўринишида Ўзим Махараж Набхининг хотини қорнига қираман.

19. Шукадева Госвами давом этди: - Бу гапларни айтиб Худои Таоло кўздан ғойиб бўлди. Малика Мерудеви, Махараж Набхининг хотини ҳам, эри ёнида ўтириб Худо шахсининг айтган гапларининг барчасини эшитди. 20. Эй Вишнудатта(Махараж Парикшит), Худои Таоло бу қурбонлик маросимини ўтказган руҳонийлардан мамнун бўлди ва Махараж Набхининг орзусини рўёбга чиқаришга рози бўлди. Бундан ташқари (браҳмачарий, саньяси, ванапрастха ва ҳар хил қурбонлик маросимларини ўтказувчи грихастхаларга мўлжалланган) диний қонунларга қандай амал қилиш лозимлигини Ўзи кўрсатиб беришга қарор қилди. Ўзининг моддий табиат гуналари таъсир қилмайдиган ўзгармас, руҳий танасида бу дунёга ташриф буюрганида У Мерудевининг ўғли кўринишида пайдо бўлди.

Тўртинчи боб
Худо шахси Ришабхадеванинг
комил фазилатлари

1. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - Худо Шахси Махараж Набхининг ўғли Ришабхадеванинг танасида туғилган куниданок, унда илохий белгилар пайдо бўлди (масалан, товонида байроқча, яшин ва х. белгилар). Бу бола барчага бир хил муносабатда бўлган ҳолда, хайратланарли даражада хотиржам ва беозор эди. У ўз ҳиссиётини ва ақлини тўла жиловлаб олган ва, гарчи беҳисоб бойлик ва дабдаба ичида яшаётган бўлса ҳам, дунёвий лаззатлар Уни асло қизиқтирмасди. Махараж Набхининг ўғлида куч ва қудрат кун сайин ортиб борар, Унинг ажойиб фазилатларини кўрган донишманд брахманлар, фаришталар, сарой аҳли, оддий фуқаролар - бутун аҳоли Ер юзига У ҳукмронлик қилишини истарди. 2. Махараж Набхининг фарзанди дунёга келгандан кейин кўп вақт ўтмай, Унинг, буюк шоирлар ғазалларида олқишлайдиган барча комил фазилатлар соҳиби экани барчага аён бўлди. Барча илохий белгиларга эга бўлган танаси бенуқсон эди. У шон-шухратга тўла, кучли, чиройли, жасур ва қудратли эди. Шундай сифатларнинг барчасини мукамал ҳолда ўғлида кўрган Махараж Набхи: -"Ўғлим - инсонларнинг энг буюги ва тирик мавжудотларнинг энг аълоси" деган қарорга келди. Шу боис у ўғлини **Ришабха** (олий тирик мавжудот) деб атади.

3. Кунларнинг бирида беҳисоб бойликлар эгаси, осмон шоҳи Индра Ришабхадеванинг шухратига ҳасад қилиб, Унинг давлатига, ҳозир Бхарата-варша деб аталадиган сайёрага ёмғир юбормай қўйди. Бунга жавобан Худои Таоло, барча сеҳр кучларининг ҳукмдори Ришабхадева шунчаки истеҳзо билан кулиб қўйди. Индранинг нима мақсадда бундай қилганини тушуниб, Худо шахси Ўзининг қудратини намоён қилишга қарор қилди ва ички қуввати, йоғамая ёрдамида бутун салтанати, Аджанабхани мўл-кўл ёмғир билан сўғорди.

4. Махараж Набхининг орзуси рўёбга чиқди: унинг баркамол ўғли бор эди. Оталик меҳри тўлиб-тошган шоҳ ҳамма вақт илохий лаззатга ғарқ бўлиб яшарди. "Менинг ширин ўғлим!", деб чақирарди у ўғлини, севинчдан титраган овоз билан. Махараж Набхидаги бундай туйғулар йоғамая таъсири остида пайдо бўлган ва шу боис у барча тирик мавжудотларнинг отаси бўлган Худои Таолони "ўғлим" деб ҳисобларди. Худои Таоло, Ўзининг олий, илохий ҳоҳиши билан Махараж Набхининг ўғли вазифасини бажарар ва ҳаётда оддий фарзандлардай ўз бурчини адо этарди. Шу тарзда чексиз лаззатга тўлиб, шоҳ Набхи буюк муҳаббат ва садоқат билан ўзининг илохий фарзандини тарбиялар эди. 5. Ўғлини оддий фуқаролар ҳам, давлат арбоблари ҳам бирдай ҳурмат қилишини кўриб, шоҳ Набхи Ришабхадевани тахтга ўтказди ва Уни бутун дунёга ҳукмдор қилиб қўйди. У ўғлига фуқароларини Ведаларда кўрсатилгандай ҳимоя қилишни буюрди ва, насиҳатлари билан салтанатни бошқаришга ёрдам беришлари учун донишманд брахманларни Унга топширди. Шундан сўнг Махараж Набхи хотини Мерудеви билан бирга Ҳимолай тоғига, Бадарикашрамга кетди, ва худди уста риёзатчилар сингари қалби қувончга тўлиб, қаттиқ риёзатларга берилди. Самадҳи ҳолатига тушиб, у Худои Таолога, қудратли Кришнанинг тимсоли бўлган Нара-Нараяна қиёфасига сажда қилди, ва бироз вақт ўтгандан кейин руҳий оламга, Вайкунтхга кўтарилди.

6. Эй Махараж Парикшит, шоҳ Набхи шарафига қадимги донишмандлар икки қўшиқ тўқиганлар. Улар-

дан бири: "Махараж Набхи эришган камолот чўккисига ким ҳам эриша оларди? У кўрсатган кароматларни ким ҳам кўрсата оларди? Унинг қилган холис хизматлари эвазига Парвардигор, Худои Таолонинг Ўзи унга ўғил бўлишга рози бўлди". 7. (икинчи қўшиқ)"Брахманларга Махараж Набхидан ҳам яхшироқ хизмат қила оладиган бирор кимса топиладими? Муносиб брахманларга сажда қилиб, Махараж Набхи уларни тўла мамнун қилди, ва улар брахманлик қудратини намоён этиб, унга Худои Таоло, Нараянанинг Ўзини кўрсатдилар."

8. Махараж Набхи Бадарикашрамга кетгандан кейин, Парвардигор Ришабхадева тахтга ўтириб, Ўзини бутун оламнинг тўла ҳукмдори эканини хис қилди. Энди Унинг Ўз кароматларини намоён эта оладиган салтанати бор эди. Шунда У одамларга оилавий одам(грихастха) ҳаётда ўз бурчини қандай бажариши лозимлигини Ўз ҳаёти мисолида ўрнак қилиб кўрсата бошлади. Энг аввало У гурукулага, руҳий устозлар яшайдиган ашрамга жойлашди ва уларнинг раҳбарлиги остида брахмачаря ҳаёти билан яшай бошлади. Гурукулада ўқиши тугагандан кейин, У устозларига гурудакшина(эҳсон) инъом қилди, кейин уйланиб оила курди. Осмон шоҳи Индрадан совға сифатида олган қиз Джаянти Унинг хотини бўлди. Ундан худди Ўзи сингари қудратли ва саховатли юз фарзанд кўрди. Ришабхадева ва Джаянти, шрути ва смритиларда кўрсатилган барча урф-одатларга тўла риоя қилиб яшаш билан бутун оламга намунавий оилавий ҳаёт кечириш қандай бўлишини кўрсатиб бердилар. 9. Ришабхадеванинг катта ўғли **Бхарата** **Худои Таолонинг** буюк содиқларидан бўлиб барча улуғвор хислатлар соҳиби эди. Унинг шарафига бу сайёрани **Бхарата-варша** деб атай бошладилар. 10. Бхаратадан кейин Ришабхадева ва Джаянтининг яна тўқсон тўққиз ўғли бўлди. Уларнинг аввалги тўққизи қуйидагилар: Кушаварта, Илаварта, Брахмаварта, Малая, Кету, Бхадрасена, Индрасприк, Видарбха ва Киката. 11-12. Кейинги ўғиллари - Кави, Хави, Антарикша, Прабуддха, Пиппалайна, Авирхотра, Друмила, Чамаса ва Карабхаджаналар "Шримад Бхагаватам" таълимотини тарғибот қилувчи таниқли олим-донишмандлар ва жуда буюк солиҳ инсонлар бўлиб етишдилар. Улар юксак руҳий даражага эришиб, Худонинг Олий Шахси, Васудевага бўлган садоқати билан донг таратдилар. Уларнинг сифатларини таърифлашнинг ўзи инсон ақлини хотиржам қилади, мен бу тўққиз солиҳ инсон ҳақида кейинроқ, Нарада ва Васудеванинг суҳбатларини гапирганимда айтиб бераман. 13. Ришабхадева ва Джаянтининг (юқорида санаб ўтилган ўн тўққиз ўғилдан) кейинги ўғиллари отасининг амри билан энг яхши тарбия олиб, илохий илм ўргандилар. Улар Ведаларни чуқур ўргандилар, ведавий маросимларни қандай ўтказишни билиб олдилар, ва уларнинг қилган ҳар бир ҳаракати беғубор, ҳалол эди. Бошқача қилиб айтганда уларнинг (саксон бир ўғилнинг) барчаси ҳақиқий брахман бўлиб етишдилар.

14. Худо шахси Ришабхадева, Худо Шахсининг намоён бўлган қиёфаси, Ўз фаолиятида умуман мустақил эди, чунки У бу оламга Ўзининг мангу, илохий лаззатга тўла руҳий танасида келган эди. Туғилиш, ўлиш, кексайиш ва касаллик таъсир қилмаганидан, У моддий боғланиш ва азоб-уқубатлардан ҳамиша пок эди. Хар қандай эҳтирослардан пок бўлиб, У барча тирик мавжудотларга нисбатан бир хил муносабатда бўларди.

Бошқаларнинг азоб-уқубати, мусибатлари Уни кийнар ва ҳар бир жонзотга фақат яхшилик қилишни истарди. Олий Худо, бутун борлиқнинг ҳукмдори ҳар қандай номукаммалликдан устун туради, лекин У оддий, шарланган рух вазифасини бажарар ва шу боис варнашрама-дхармада кўрсатилган бурчини бекаму-кўст адо этарди. Шу замонларда баъзи одамлар бу кўрсатмаларни тан олмасди, ва Худо шахси Ришабхадева варнашрама жамиятида Ўз вазифасини мукаммал бажариб, ғофил одамларни ўз бурчини тўқис адо этишга ўргатди. Шу тарзда инсонларга такводор бўлиш, бойликка, обрў-эътиборга, яхши фарзандларга, моддий бахт-саодатга ва охир-оқибат мангу руҳий оламга эришиш имкониятини бериб, фуқароларининг ҳаётини тартибга солди. У инсонларга агар варнашрама қонунларига асосланиб яшаса, инсон ҳатто оилавий турмуш қуриб яшаса ҳам, камолот чўққисига эришиши мумкинлигини кўрсатди. 15. Буюк инсон қандай ҳаракат қилса, оддий одамлар ундан ўрнак оладилар. 16. Худо шахси Ришабхадевага Ведаларнинг барча сирли ҳақиқатлари, шу жумладан барча белгиланган вазифалар аён эди. Шунга қарамай, у Ўзига ақли ва ҳиссиётларини жиловлашни, сабр тоқатли бўлиш ва бошқа шу каби нарсаларни ўргатаётган браҳманларнинг насихатларига амал қиларди. Шу тарзда У, браҳманлар қшатрийларга таълим бериши керак, қшатрийлар эса, вайшья ва шудраларнинг фаолиятини бошқариб, бутун жамиятнинг фаровонлигини таъминлаши керак, деб ўргатадиган варнашрама қонунларига тўла амал қилган ҳолда салтанатни бошқарди. 17. Парвардигор Ришабхадева Ведаларда кўрсатилган барча қурбонлик маросимларини юз мартадан ўтказди ва шу билан Парвардигор Вишнуни тўла мамнун қилди. Қурбон қилинган эҳсонлар, муқаддас анжомлар ва маросим учун керак бўлган бошқа нарсаларнинг барчаси энг юқори сифатли эди. Бу маросимларнинг барчаси муқаддас жойларда, шарофатли пайтларда ўтказилди ва уларни ўтказган руҳонийларнинг ҳаммаси навқирон, Худои Таолога чуқур иймон келтирган зотлар эди. Улар Парвардигор Вишнуга эҳсонлар инъом қилиб, кейин Вишну-прасадни фаришталарга таклиф этдилар. Бу ўтказилган дабдабали, байрамона маросимларнинг барчаси қутилган натижаларни берди.

18. Ҳаёлан ўйлаб топилган, мавҳум бўлган, масалан, осмонда ўсган гул ёки сароб нарсаларга эга бўлишни ким ҳам истарди. Бу сайёра, яъни Бхарата-варшани Парвардигор Ришабхадева бошқариб турган вақтда барча фуқаролар, ҳатто оддий одамлар ҳам барча истаган нарсаларига эга, ва ҳеч ким, ҳеч нарсага муҳтож эмасди. Аслида мавжуд бўлмаган нарсалар ҳақида ташвишланишга не ҳожат? Бошқача қилиб айтганда Ернинг бутун аҳолиси ўз ҳаётидан тўла мамнун эди ва кундалик турмушда ҳеч нарсага муҳтожлик сезмасдилар. Уларнинг барчаси шоҳни севар, уларнинг муҳаббатлари кун сайин ортиб борар, шу боис уларнинг ҳаётда ҳеч қандай орзу-истаклари қолмаган эди. 19. Бир куни, Ўз салтанатини айланиб юриб, Парвардигор Ришабхадева Брахмаварта деган юртга келди. Бу ерга жуда кўп олим браҳманлар тўпланган эди. Улар ўзаро бир-биридан илм, донишмандлик ўрганишарди. Ришабхадеванинг ўғиллари ҳам шу мажлисда бўлиб, уларнинг насихатларига қулоқ солардилар. Шунда Парвардигор маҳаллий аҳоли иштирокида, ўғилларига оталик насихатларини берди. Гарчи Унинг ўғиллари

такводор, одобли ва барча эзгу сифатларга эга бўлса ҳам, Ришабхадева, келгусида улар оламнинг муносиб ҳукмдорлари бўлиб етишишлари учун, уларга яна насихат қилмоқчи бўлди. Парвардигор уларга шундай сўзлар билан муурожаат қилди.

Бешинчи боб

Парвардигор Ришабхадеванинг ўғилларига берган насихатлари

1. Парвардигор Ришабхадева шундай деди: - Эй фарзандларим, бу дунёдаги ҳар бир тирик мавжудот ҳар хил моддий таналарга эга бўлади, аммо улар орасида инсон танасида туғилиш насиб этган зотлар учун, ҳатто ит ва чўчкалар сингари ахлат еб тирикчилик қиладиган хайвонлар ҳам эриша оладиган ҳиссий лаззатларга интилиб куну-тун оғир меҳнат қилиш ярашмайди. Инсон Худого садоқат билан хизмат қилишнинг илоҳий даражасига кўтарилиш учун риёзатга берилиши керак. Риёзат туфайли унинг қалби покланади ва, у ҳар қандай моддий бахтдан бениҳоя юксак бўлган туганмас руҳий лаззатга тўла мангу ҳаётга эришади. 2. Фақат руҳий баркамолликка эришган буюк руҳларга хизмат қилиш шарофати билангина моддий олам тутқунлигидан қутулиш йўлига кириш мумкин. Имперсоналистлар ва Худонинг содиқ хизматқорлари ана шундай буюк зотлардир. Худонинг Ўзи билан ҳамсуҳбат бўлишга интилаётганлар ҳам, Унинг борлиғига кўшилишга интилаётганлар ҳам махатмаларга хизмат қилишлари лозим. Агар инсон уларга хизмат қилишни истамаса, аёллар ва жинсий алоқа лаззатига боғланиб қолган кишиларга ҳамроҳ бўлиб юрса, унинг олдида дўзах дарвозалари кенг очилади. Буюк руҳлар ҳаммага бир хил муносабатда бўладилар. Улар хамиша хотиржам, осойишта ва Худого садоқатли хизмат қилиш билан бутунлай машғулдирлар. Улар ғазаб туйғусидан покланган ва ҳаётда ҳар бир одамнинг, бутун инсониятнинг саодатини қайғуриб яшайдилар. Улар ҳеч қачон гуноҳ ишга қўл урмайдилар. Шундай одамлар махатмалардир. 3. Қалбида Кришна онгини уйғотиб, қалбида Худо Шахсига бўлган муҳаббатини ривожлантиришга интилаётган кишини Кришна, ягона Парвардигор билан боғлиқ бўлмаган машғулотлар қизиқтирмайди. Шундай одам фақат ўз танасининг эҳтиёжлари бўлган еб-ичиш, ухлаш, жинсий ҳаёт ва тирикчилиги (ўзини ҳимоя қилиш)ни ўйлайдиган одамлар билан ҳамсуҳбат бўлмайди. У оилавий турмуш кечириши мумкин, аммо ўз уйи, хотини, болалари, дўст-ёрлари ва мол-дунёсига боғланиб қолмайди. Айни пайтда у ўз вазифаларини бажаришдан ҳам бош тортмайди. У меҳнат қилади, лекин жонини танасида сақлаб туриш учун зарур бўлганидан кўпроқ маблағ топишга интилмайди. 4. Яшайдан мақсад "ҳиссий лаззатланиб қолиш" деб ҳисоблайдиган кишилар фаросатсиз одамлардир. Худди ақлдан озгандай улар ўзини моддий ҳаёт ботқоғига ташлайди ва ҳеч ўйланмасдан энг оғир гуноҳларга қўл урадилар. Улар ҳозирги моддий танасини, аввалги ҳаётида қилган гуноҳ ишлари учун жазо сифатида олганини, айнан мана шу танаси, гарчи у мангу бўлмаса ҳам, ҳаётда дуч келаётган барча азоб-уқубатларининг сабабчиси эканини англаб етмайдилар. Аслида руҳ моддий тана олмаганида яхши

бўларди, аммо ҳиссий лаззатга берилиш учун у танага эга бўлди. Шунинг учун, фаросатли одам ҳиссий лаззатларга муккасидан кетмаслиги керак, чунки лаззатланишга интилиши сабали, у ўзини моддий таналарда ўлиб-тирилишлар гирдобига маҳқум этади. 5. Инсон то рухий қадриятлар билан қизиқа бошлагунга қадар, ҳаётда қийинчиликларга учраб, ғофиллиги келтириб чиқарадиган ҳар хил мусибатларни бошидан кечириб юраверади. Нафсига кул бўлиб, унинг қилган ҳар қандай ҳаракати, хоҳ у гуноҳ иш бўлсин, хоҳ савоб иш - унинг ўзига оқибат(карма) олиб келади. Ана шундай ишлар билан банд одамнинг ақли карматмака, яъни "кармали фаолият билан булганган ақл" деб аталади. Булганган ақл тирик мавжудотнинг онгини хиралаштиради, шунинг учун кармали фаолият билан машғул одамларнинг барчаси моддий тана тутқунлигида қолишга маҳқумдирлар. 6. Пок рух ғафлат гунаси пардасига ўралиб қолганида унинг бугун фикру-хаёли кармали фаолият билан машғул бўлади ва у алоҳида тирик мавжудот(жон) билан Олий тирик мавжудот орасидаги фарқни англаёлмай қолади. Шунинг учун, то унинг қалбида Парвардигор Васудевага, яъни Менга нисбатан муҳаббат уйғонмагунча, у моддий танада такрор ва такрор тўғилаверишга мажбур бўлади. 7. Инсон қанчалик олим, доно, ўқимишли бўлмасин, агар у ҳиссий лаззатларга интилиб, ўзининг нодир умрини бекорга сарфлаганганини тушуниб етмаса, демак у шунчаки ғофил, нодон одам. Ўзининг ҳақиқий саодатини эсидан чиқариб, у бу моддий дунёда бахт топишга уриниб юради. Унинг бугун диққат-эътибори жинсий алоқа асосида қурилган ва чексиз мусибатлар манбаи бўлган оиласига қаратилган бўлади. Ундай одам фаросатсиз хайвондан фарқ қилмайди. 8. Эркак ва аёлнинг бир-бирига интилиши моддий тирикчиликнинг асосини ташкил қилади. Мана шу алдамчи интилиш эркак ва аёлнинг қалбини бир-бирига қаттиқ боғлаб қўяди ва унинг қалбида танасига, оиласига, мол-дунёсига, фарзандларига, қариндошларига ва уй-жойига боғланиш туйғусини кучайтиради. Шу тарзда тирик мавжудот "мен" ва "меники" деган алдамчи тушунчалар ҳукми остига тушиб қолади. 9. Қалбидаги ана шу қаттиқ боғланиш тугуни заифлаша бошлаганида, ўзининг аввалги ҳаётларидаги гуноҳлари учун моддий тирикчилик қилишга мажбур бўлган инсон уйи, хотини ва болаларига бўлган боғланиш туйғусидан халос бўлади. Ана шунда у барча адашишлар манбаи бўлган "мен" ва "меники" деган алдамчи тушунчалардан воз кечиб, озодликка чиқади ва рухий оламга эришади.

10-13. Эй фарзандларим, сизлар рухий мукамалликка эришган парамахамса - улуввор рухий устознинг паноҳига киришларингиз лозим. Унга хизмат қилиш ёрдамида сизлар ўзингизнинг бутун иймонингиз ва муҳаббатингизни Менга, Худонинг Олий Шахсига қарата оласизлар. Қалбингизда ҳиссий лаззатларга нисбатан нафрат туйғусини ривожлантиринг ва худди йил фасллари сингари алмашилиб турадиган бахт ва мусибат сингари, бу дунёдаги қарама-қаршиликларнинг барча кўринишларига сабр тоқат қилишга ўрганинг. Бу дунёдаги барча тирик мавжудотлар, ҳатто энг олий сайёраларда яшайдиганлар ҳам, ачинарли аҳволда эканини англаб етишга ҳаракат қилинг. Мутлақ Ҳақиқат ҳақида мулоҳазали саволлар беринг ва Худого халос хизмат қилишда камолотга эришиш учун бетиним риззатга берилинглар. Ҳиссий лаззатларга интилишдан воз

кечинг ва бугунлай Худого хизмат қилиш билан банд бўлинг. Худонинг Олий Шахси ҳақидаги ҳикояларни тингланг ва ҳамиша Парвардигорнинг содиқ хизматкорлари билан ҳамсуҳбат бўлинг. Парвардигор ҳақида эшитганларингизни такрорлаб юринг, Уни олқишланг ва барча тирик мавжудотларнинг рухий жиҳатдан тенг эканлигини эсдан чиқарманг. Ғазаб ва ҳасад туйғуларидан халос бўлинг, қалбингиздаги жаҳл ва қайғу туйғуларини енгишга ҳаракат қилинг, ўзларингизни тана ва уйларингизга қиёслашни бас қилинг. Муқаддас китобларни мунтазам ўқиб юринг, хилват жойда кун кечиринг ва йога усули ёрдамида ҳаёт нафасингизни, ақл ва ҳиссиётингизни биратўла жиловлаб, ўзингизга бўйсундириб олинг. Муқаддас Ведаларга бўлган иймонингизни тобора кучайтириб боринг, жинсий ҳаётдан ҳамиша пок бўлинг. Муқаддас китобларда белгиланган ўз бурчингизни холис адо этинг, бекорчи суҳбатларни тарк этинг, ҳамиша ягона Парвардигор, Худонинг Олий Шахси ҳақида ўйлаб юринг ва ҳақиқий манбалардан илм ўрганинг. Шу тарзда чидам ва сабот билан бхакти-йога йўлидан бориб, сиз рухий илмни чуқур эгаллай оласиз ва сохта ўзлик чангалидан халос бўласиз. 14. Эй азиз ўғилларим, Менинг кўрсатмаларимга изчиллик билан самимий риоя қилинглар, фикр мулоҳазали бўлинглар. Мен таърифлаб берган йога усули билан шуғулланиб, кармали фаолиятга интилиш натижасида пайдо бўлган ғофилликдан қутуласизлар, ва қалбингиздаги, сизларнинг бу моддий оламда тутқун бўлишингизга сабабчи бўлган боғланиш тугунини кесиб ташлайсизлар. Кейин, яна ҳам юқорироқ поғонага кўтарилиш учун, сизлар бу машғулотни ҳам рад этишларингиз керак бўлади. Бошқача қилиб айтганда, қалбингизда ҳатто озодликка чиқиш усулига боғланиш туйғуси ҳам қолмаслиги керак. 15. Ўзининг асл ҳолатига, ўз уйига, Худонинг ҳузурига қайтишга жиддий жазм қилган киши Худои Таолонинг марҳаматини, Унинг розилигини энг буюк бахт, ҳаётининг энг буюк мақсади деб билган ҳолда, ҳамиша Унга интилиб яшаши керак. Ҳар бир ота, рухий устоз ёки шох ўғилларини, шогирдларини ва фуқароларини Мен сизларга айтган нарсаларга ўргатиши шарт. Ҳатто, улар баъзан унинг насиҳатларига тўла амал қила олмасалар ҳам, бундан ғазабланмаслиги, сабр-тоқат билан уларни тарбиялашда давом этиши лозим. Ҳар хил савоб ва гуноҳ ишлар қилиб юрган ғофил одамларни, кармали фаолиятни бугунлай тарк этишлари учун, ҳар хил йўллар билан Худого хизмат қилишга жалб қилиш керак. Ўзининг рухий жиҳатдан кўр шогирдларини, ўғилларини ва фуқароларини кармали фаолият гирдоби чангалига ташлаб қўйган одамни қандай яхши мукофот кутарди? Бу ахир, кўзи кўр одамни жар ёқасига олиб келиб, уни жарга итариб юбориш билан баробар эмасми? 16. Ғафлат ботқоғига ботиб кетган материалистлар ўзларининг ҳақиқий бахти нимадан иборат эканлигини ва ҳаётнинг асосий мақсадига қандай эришиш мумкинлигини билмайдилар. Улар эҳтирос чангалига тушиб қолганлар, ва уларнинг бугун фикру-хаёллари моддий лаззат олишга қаратилган. Вактинчалик, алдамчи ҳиссий лаззатлар кетидан қувиш билан материалистлар атрофига ҳасад ва душманлик уруғларини сочиб қўядилар. Ундай одамлар азоб-укубатлар уммониға ғарқ бўладилар, аммо ғофиллиги сабабли ҳатто шуни ҳам англаб ега олмайдилар. 17. Рухий илмдан хабари

бор, ҳар бир тирик мавжудотга меҳрибон бўлган киши, самсара йўлидан бораётган ғофил одамни кармали фаолиятга жалб қилиб, уни моддий ҳаёт ботқоғига бадтарроқ ботиб кетишига ёрдам берадими? Агар кўр одам йўлдан адашиб, жарликка қараб кетаётган бўлса, наҳотки буни кўриб турган соғлом фикрли, кўзи очиқ одам уни тўхтатиб қолмаса? Наҳотки унинг жарлик сари бораётган йўлида давом этишига йўл қўйса? Доно ва қалби пок одамлар ҳеч қачон бунга йўл қўймадилар. 18. Ўз қармоғидаги одамларни тўғилиб-ўлишлар чархпалагидан қутқариб қолишга қодир бўлмаган зотлар руҳий устоз, эр, ота, она ёки оддий инсонлар сажда қиладиган (ҳукмдор)фаришта бўлишга муносиб эмаслар. 19. Менинг илоҳий вужудим(сач-чит-ананда-виграха)нинг табиатини тўла англаб бўлмайди. Гарчи у инсон танасига жуда ўхшаб кетса ҳам, у моддий эмас. Бу моддий оламга тушар эканман, Мен моддий табиат мажбур қилгани учун эмас, Ўз хоҳишим билан, у ёки бу киёфага кираман. Менинг қалбим, юрагим ҳам бутун танам сингари руҳий табиатга эга, ва Мен ҳамиша содиқ хизматкорларимнинг бахт-саодатини ўйлайман. Айнан шулар учун Мен Худога садоқат билан холис хизмат қилиш йўлини Ўз қалбимда асраб келаман. Худосизлик(адҳарма) ва Худога садоқатли хизмат билан боғлиқ бўлмаган барча ҳаракатлар эса, Менинг қалбимдан жуда узоқдир, чунки улар Мени кизиқтирмайди. Менинг илоҳий сифатларимни тушуниб етган одамлар Мени, Олий Худо, Ришабхадева, "барча тирик мавжудотларнинг энг олийси" деб атайдилар.

20. Эй фарзандларим, сизлар барчангиз Менинг қалбимдан, барча илоҳий сифатлар манбаидан дунёга келгансизлар. Шунинг учун сизлар ҳасадгүй, материалист одамларга тақлид қилмаслигингиз лозим. Парвардигорга садоқат билан холис хизмат қилишда юксак даражага эришган акангиз Бхарата раҳбарлигида ҳаракат қилинг. Бхаратга хизмат қилиш билан сизлар Менга хизмат қилган бўласизлар ва қийналмасдан ўз фуқароларингизга раҳбар бўласизлар. 21-22. Икки(модда ва рух) қувватнинг намоён бўлган кўринишларидан, ичида ҳаёт қуввати(жон) мавжуд бўлган(майса, дарахт ва ҳ.)лари жонсиз нарсалар(тош, ер ва ҳ.)га нисбатан юқориқроқ мавқега эга. Ўсимлик ва бошқа кўзгалмас жонзотлардан судралиб юрувчи(илон, чувалчанг)лар устун туради, чунки улар ҳаракатлана оладилар. Илон ва чувалчанглардан ривожланган онга эга бўлган хайвонлар устун турадилар. Хайвонлардан инсонлар устун туради, аммо арвоҳ(привидения)лар одамлардан устун туради, чунки уларнинг кўпол моддий танаси йўқ. Арвоҳлардан гандхарвалар устун турадилар, улардан эса сиддхалар устун туради. Сиддхалардан киннарлар, киннарлардан асурлар, асурлардан - фаришталар, улар ичида энг улуғи эса - осмон шоҳи Индра устун туради. Тангри Брахманинг шоҳ Дакша сингари ўғиллари Индрадан устун туради, улар ичида энг улуғи -Тангри Шива. Тангри Шива Тангри Брахманинг ўғли бўлгани учун Тангри Брахма устунроқ мартабага эга деб ҳисобланади. Лекин Тангри Брахманинг Ўзи Менга - Олий Худога сиғинади. Брахманлар ҳаммадан ҳам устун турадилар, чунки улар Мен учун жуда азиздирлар.

23. Кейин Парвардигор Ришабхадева бу ерда тўпланган брахманларга мурожаат қилди: - Эй ҳурматли зотлар, ўйлайманки, бу оламда брахманларга

тенг келадиган ёки брахманлардан улуғроқ бўлган зот мавжуд эмас. Мен брахманларга тенг келадиган ҳеч бир зотни топа олмайман. Мени мамнун қилиш йўлини билган одам Ведаларда кўрсатилгандай қурбонлик маросими ўтказиши ва охирида ишонч ва муҳаббат билан брахманларнинг оғзи орқали Менга инъом тортиқ қилади. Ана шундай таомни Мен оловга қурбонлик қилиш орқали қилинган инъомдан кўра чуқурроқ мамнуният билан қабул қиламан. 24. Ведалар Менинг мангу, илоҳий товуш кўринишидаги киёфамдир, шунинг учун уларни шабда-брахма деб атайдилар. Бу моддий оламда яшайдиганлар ичида фақат брахманларгина Ведаларни чуқур ўрганадилар, ва улар ведавий илмнинг чуқур маъносини англаб етганлари боис уларни "Ведалар тимсоли" деб ҳисоблаш лозим. Брахманлар табиатнинг олий гунаси(саттва-гуна) таъсири остида бўладилар. Шунинг учун, ақлини жиловлай билиш(1-шама) ва ҳиссиётларига ҳукмронлик қила билиш(2-дама) каби ҳислатлар брахманларга хос фазилатлардир. Ҳаққоний, адолатли(3-сатъя) бўлган ҳолда улар Ведаларнинг асл маъносини тушунтириб берадилар ва бошқаларга ҳамдардлик(4-ануграха) туйғусидан барча шартланган руҳларга ведалар(ҳақиқат) илмини (5-)тарғибот қиладилар. Улар риёзатга берилиб яшайдилар(6-тапасья), сабрли, тоқатли бўлиш (7-титикша) туйғусини ривожлантирадилар ва алоҳида руҳнинг ва Худои Таолонинг асл табиатини(8-анубҳава) англаб етадилар. Брахманларнинг саккиз ҳислати ана шулардан иборат. Шунинг учун, ҳеч бир тирик мавжудот брахманлардан устун бўла олмайди деб эълон қиламан. 25. Менинг қудратим чексиз ва бутун оламнинг бойлиги Меникидир. Ҳатто Тангри Брахма ва жаннатий сайёраларнинг ҳукмдори Индра ҳам Менга бўйсунди. Тирик мавжудотларга жаннатий бахт-саодат ва озодликка чиқиш бахтини Менинг Ўзим ато этаман. Лекин брахманлар Мендан ҳеч қандай моддий нарса таъма қилмайдилар. Ҳар қандай боғланишлардан холи бўлиб, мутлақо пок қалблари билан улар Менга муҳаббат ва садоқат билан холис хизмат қиладилар. Шундай экан улар бошқа бирор зотдан моддий нарса таъма қилармидилар? 26. Шундай экан, эй азиз фарзандларим, хоҳ кўзгалувчан, хоҳ кўзгалмас бўлсин, тирик мавжудотларнинг ҳеч бирига зулм қилманглар. Билиб қўйингларки, Мен уларнинг ҳар бирининг қалбида, вужудида мавжудман, ва ҳамиша уларга ҳурмат билан қаранглар, шунда сизлар Менга ҳурмат кўрсатган бўласизлар. 27. Инсон ўз ақлидан, кўриш қобилияти, нутқи, барча сезиш ва ҳаракат қилиш органларидан Менга хизмат қилиш учун фойдаланиши лозим. Акс ҳолда, тирик мавжудот Ямаражнинг энгилмас сиртмоғи сингари бешафқат бўлган моддий тириклик асирлигидан қутулиб кетишни ҳатто ҳаёлига келтирмаса ҳам бўлади.

28. Шукадева Госвами деди: - Ҳар бир тирик мавжудотнинг энг буюк саодатманди бўлган Парвардигор Ришабхадева ўғилларига шундай насиҳатлар берди. Гарчи фарзандлари бундан аввал ҳам жуда яхши таълим-тарбия олган бўлсалар ҳам, оилавий ҳаётни тарқ этишга қарор қилган киши ўз ўғилларига қандай насиҳатлар бериши кераклигини бошқаларга кўрсатиш учун Худои Таоло шундай қилди. Ришабхадеванинг насиҳатлари айниқса санньясилар - кармали фаолият чангалидан қутулган ва моддий истаклардан бутунлай озод бўлиб, бутун ҳаётини Худога садоқат билан холис

хизмат қилишга бағишлаганлар учун жуда муҳимдир. Ришабхадеванинг насиҳатларини тинглаган юз ўғли ичида энг каттаси, Бхарата буюк содиқ ва хақиқий вайшнав эди. Отаси унга императорлик тахтини бериб, бутун оламга хукмронлик қилишни буюрди. Кейин, уйини тарк этиб кетишдан олдин, Парвардигор Ришабхадева Ўзини худди ақлдан озган кимсалардай тута бошлади: шоҳона либосларини ечиб ташлади ва яланғоч ҳолда сочларини тўзғитиб юрарди. Бироз вақт ўтгандан кейин У Ўз қалбидан қурбонлик оловини ёқди ва Брахмаваргани тарк этиб бутун дунё бўйлаб сайр қила бошлади. 29. "Авадхуга", - "моддий ҳаётга нисбатан бутунлай боғланмаган буюк авлиё" киёфасида Парвардигор Ришабхадева дунё кезиб юрарди. У ўзини худди кўр, соков, гунг, хиссиётсиз тошга ўхатиб тугар, кўрган одамлар Уни "арвоҳ" ёки "телба" деб ўйлардилар. Одамлар Уни ҳар хил исмлар билан чақириб мазах қилар, аммо Парвардигор уларга ҳеч нарса деб жавоб қайтармасди: У ҳамиша сукут сақларди. 30. Ришабхадева қишлоқ ва шаҳарлардан, ўрмону яйловлардан, тоғу водийлардан ўтди. У йўлида конларни, яйловларни, чўпонларнинг уйларини, қарвонсаройларни, риёзатчиларнинг чодирларини учратди. У қаерда пайдо бўлмасин, худди ўрмондан чиқаётган филни ўраб олган чивинлар тўдаси сингари, ҳар хил паст табақага оид одамлар тўдаси Уни ўраб олишарди. Улар Ришабхадевага ўдағайлашар, уришар, устига ахлат ташлаб, тупурардилар. Кимдир Унга тош, ахлат отар, чангга кўмиб ташларди. Одамлар ҳар хил қилиқлар билан уни мазах қилар ва ҳақоратли сўзлар айтарди, лекин У буларга ҳеч қандай эътибор бермасди, чунки ўзининг моддий танасини бундан бошқа нарсага муносиб эмас деб ҳисобларди. Ҳамиша руҳий ҳолатда бўлган ҳолда, У Ўзининг ўзгармас руҳий шухратини ҳис қилар ва атрофидаги ҳар хил ҳақоратларга шунчаки эътибор бермасди. Бошқача қилиб айтганда, У модда ва руҳнинг фарқини аниқ англаб турар ва ҳаёт ҳақидаги моддий тасавурлардан бутунлай озод эди. Шу тарзда У ҳеч кимга жаҳл қилмай, бутун олам бўйлаб, ёлғиз айланиб юрарди. 31. Ришабхадеванинг юзи, унинг узун қўллари, кўкраги, панжалари, оёқ-панжалари, елкаси ва танасининг бошқа аъзолари бир-бирига мос ва келишган эди. Унинг лабларида майин табассум ўйнар, янги очилган ва шабнамда ялтираб турган нилуфар гулғунчаси сингари катта очилган қизғиш кўзлари Парвардигорнинг юзига алоҳида хусн бериб турарди. Унинг кўз қорачиқларини кўрган ҳар бир одамнинг қалби шундай қувончга тўлардики, у ҳар қандай азоблардан шу заҳотиёқ халос бўларди. Парвардигор Ришабхадеванинг сиймоси-пешонаси, бурни, бўйни, кулоқлари - гўзаллиги, мафтункорлиги билан кишини ҳайратга соларди. Ҳатто оилали аёллар ҳам Унинг жозибали табассумига мафтун бўлиб, худди қалбларини севги фаришгасининг пайкони яралагандек, Унинг юзидан кўзларини узолмай қоларди. Тўлқинсимон қора қалин сочлари бошидан елкасига тушиб турарди. Улар тўзғиган, тартибсиз ҳолда эди, чунки Ришабхадева Ўзининг ташқи кўринишига умуман эътибор бермай қўйганди. Унинг танаси кирлаган, У худди шайтонлаган телбага ўхшаб юрарди. 32. Ўзининг сеҳрли йога машғулоти одамларда Ўзига нисбатан фақат менсимаслик ва золимлик уйғотаётганини кўриб, Парвардигор Ришабхадева уларга дуч келмаслик учун, У (питон)бўғма илон ҳаёт тарзида яшашни маъқул кўрди. У

энди сайр қилишни бас қилиб, ҳамиша бир жойда ётиб олди. У ётган жойида еб-ичар, ҳожатини ҳам шу жойда чиқарар, кейин ахлати устида ағанаб, ҳеч ким халақит бермаслиги учун, бутун танасини ахлатига булғарди. 33. Парвардигор Ришабхадева шундай яшай бошлагандан сўнг одамлар Уни тинч қўйдилар. Лекин Унинг сийдиги ва ахлатидан қўланса хид эмас, аксинча, ўн йоджан атрофга етиб борадиган анвойи хид таралиб турарди. 34. Парвардигор Ришабхадева ҳайвон ва қушларнинг қилиқларини қиларди. Баъзан у ҳаракат қилар, юрар, баъзида эса худди қарға, кийик ёки сигирга ўхшаб бир жойда ётар ёки ўтирарди. У шу тарзда еб-ичар, ҳожатини чиқарар, ва Унинг ҳаракатлари одамларнинг ақлини ҳайрон қиларди.

35. Эй шоҳ Парикшит, барча сеҳрларга хақиқий йога усулини кўрсатиш учун Парвардигор Кришнанинг кудратли кўриниши, Парвардигор Ришабхадева ҳайратланарли кароматлар кўрсатди. Озодликнинг хукмдори бўлган ҳолда У ҳамиша, ҳар дақиқа сайин минг бор чуқурлашаётган илоҳий лаззатга чўмганди. Васудеванинг ўғли, Васудева, Парвардигор Кришна Худованд Ришабхадеванинг манбаидир. Табиатан улар бир-биридан фарқ қилмайдилар, Парвардигор Ришабхадева Кришнага бўлган муҳаббатнинг йиғи, кулги ва тананинг титраши сингари барча аломатларини намоён этарди. Ҳамиша илоҳий муҳаббатга ғарқ бўлгани сабабли барча сеҳрли кудратлар - фикр тезлигида космик фазода сайр қила билиш, пайдо бўлиш ва йўқолиб кетиш, бошқаларнинг танасига кира олиш, жуда узоқда бўлган нарсаларни кўра олиш сингари қобилиятлар ўз-ўзидан Унда пайдо бўлганди. Аммо, гарчи Парвардигор Ришабхадева шундай қобилиятларга эга бўлса ҳам, У бу қобилиятларни бирор марта ишлатмади.

Олтинчи боб

Худо Шахси Ришабхадеванинг танасини тарк этиши.

1. Шоҳ Парикшит Шукрадева Госвамидан сўради: - Эй хукмдор, қалби пок киши Худого садоқатли хизмат қилиш ёрдамида шугўлланиб хақиқий илмга эга бўлади, шу туфайли унинг кармали фаолиятга бўлган боғланиши ёниб кул бўлиб кетади. Ундай одамнинг сеҳрли қобилиятлари ўз-ўзидан пайдо бўлади ва бу кудратлар уни ташвишга солмайди. Шундай экан нимага Ришабхадева ана шундай қобилиятларидан фойдаланмади?

2. Шукрадева Госвами шундай жавоб берди: - Эй шоҳ, сен ҳақ гапни айтдинг. Аммо, тажрибали овчи биладикки, агар ушлаб олган ёввойи ҳайвон бўш қўйилса, у албатта қочиб кетади, шу боис овчи ҳеч қачон хушёрлигини йўқотмайди. Худди шунингдек, руҳий тажрибада камолотга эришган киши ҳам ҳеч қачон ўз ақл(нафс)ига ишонмайди ва унинг ҳар бир ҳаракатини хушёрлик билан назорат қилиб туради. 3. Хақиқий донишмандларнинг барчаси шуни таъкидлайдиларки, ақл(нафс) табиатига кўра беҳаловат, нотинч, шу боис у билан дўст тутиниб бўлмайди. Агар (нафс)ақлимизга ишонсак, у бизни хоҳлаган пайтда алдаб кетиши мумкин. Ҳатто Тангри Шива ҳам Парвардигор Кришнанинг кўриниши бўлган Моҳинини кўрганда ўзини йўқотиб қўйган эди. Ҳатто Саубхари

Муни сингари буюк йог ҳам, ақлининг тузоғига илиниб, ғафлатга тушиб қолганди. 4. Нопок аёл ўйлаб ўтирмасдан эрига хиёнат қилиши ва ўзига ўйнаш топиши мумкин, баъзан шундай аёлнинг ўйнашлари шафқатсиз равишда унинг эрини ўлдирадилар. Ақл ҳам худди шунга ўхшайди: агар йог унга ишониб, уни ўз холига қўйса, ақл(нафс) йогнинг ашаддий душманлари бўлган эҳтирос, ғазаб, очкўзлик билан дўстлашиб олади ва биргаликда йогнинг ўзини(руҳни) ҳалокатга маҳкум этади. 5. Руҳни кармали фаолият асирлигида ушлаб турган қармоқлар бўлмиш эҳтирос, ғазаб, очкўзлик, мусибат, алданиш ва кўрқинчларнинг илдизи айнан ақл(нафс) ҳисобланади. Шундай экан донишманд одам ақлига ишонадимиз? 6. Парвардигор Ришабхадева оламдаги барча ҳукмдорларнинг ҳукмдори эди, аммо шунга қарамай, авахута либосига ўраниб олиб, худди моддий оламнинг қонунарига боғланган, ақлдан озган киши сингари гапирар ва ҳаракат қиларди. Шунинг учун, ҳеч ким Унинг илоҳий улуғворлигини кўра олмасди. У фақат йогларга танани қандай тарк этиш кераклигини ўргатиш учунгина Ўзини шундай тутарди. Лекин У барибир ҳамиша Парвардигор Васудева, Кришнанинг қудратли кўриниши сифатида эди. Ўзининг ана шу азалий ҳолатини сақлаган ҳолда, Парвардигор Ришабхадева моддий оламдаги эрмакларига яқун ясади. Ундан ўрнак олиб, ўзининг нафис моддий танасидан қутула олган киши ҳам, моддий танада бошқа туғилмайди. 7. Гарчи Парвардигор Ришабхадеванинг танаси бутунлай руҳий бўлса ҳам, йогамайя таъсири остида У танасини моддий деб ҳисобларди. Парвардигор бу оламда оддий инсон вазифасини бажариб юргани учун, Ўзини танасига қиёслашни бас қилиб, яна дунё кеза бошлади. У жанубий Ҳиндистоннинг Карната деган қисмига етиб келди ва Конка, Венка ва Кутака деган жойлардан ўтди. У йўл танлаб ўтирмасдан дуч келган тарафга йўл юриб, Кутакачала яқинидаги бир ўрмонга кириб қолди. Оғзига тош солиб, қип яланғоч ҳолда У сочларини тўзғитиб, ақлдан озган киши сингари ўрмонда сайр қилиб юрди. 8. Шундай дайдиб юрганида ўрмонга даҳшатли ёнғин кетди. Ёнғин шамолда чайқалган бамбук таёқчаларининг бир-бирига ишқаланиши натижасида пайдо бўлган эди. Бутун Кутакачала ўрмони, у билан бирга Парвардигор Ришабхадеванинг танаси ҳам ёнғинда ёниб кул бўлиб кетди. 9. Эй шоҳ Парикшит, Конка, Венка ва Кутака вилоятларининг ҳукмдори Архат, Ришабхадеванинг кароматлари ҳақида эшитиб, Унинг авахута сифатида қилган ишларига тақлид қила бошлайди ва ҳатто ўзича дин яратишга уринади. Алдамчи қувват таъсири остида шоҳ Архат, инсонни барча хавф-хатарлардан ҳимоя қилувчи Ведаларнинг кўрсатмаларидан четга чиқиб кетади, гуноҳ ва нопокликлар даври бўлган Кали югада одамларнинг ғофиллигидан фойдаланиб, Ведаларга зид бўлган диний қонунларни тарғибот қилади. Жайнизм дини ана шундай пайдо бўлади. Ана шу Худосиз таълимотдан кейин, жуда кўп сохта динлар пайдо бўла бошлайди. 10. Худои Таолонинг алдамчи қуввати адаштирган, тубанликка юз тутган инсонларнинг энг ғофиллари ҳақиқий дин - варнашрама-дҳармани рад этадилар. Улар кўнига уч марта ювинишни ва ягона Парвардигорга сиғинишни тарк этадилар. Тозаликка риоя қилишнинг оддий қоидаларини ҳам инкор этиб, Худои Таолони эсидан чиқариб, улар ҳеч қандай маънога эга бўлмаган қонун-қоидаларга, урф-одатларга

риоя қила бошлайдилар. Мунтазам равишда ювиниб юриш, оғизни тез-тез ювиш шарт эмас, деб ҳисоблаб, улар ҳамма вақт харом-хариш ҳолатда юрадилар: бундан ташқари улар сочларини юла бошлайдилар. Улар сохта диний қоидаларига амал қила бошлайдилар, уларнинг издошлари жуда кўпайиб кетади. Ғофил одамлар яшайдиган Кали юга даврида одамларни Худосиз таълимотлар кўпроқ қизиқтиради. Шунинг учун улар Ведаларни, Ведавий қонунларга амал қилувчиларни, брахманларни, Худои Таоло ва Унинг содикларини ҳақоратлашлари турган гап. 11. Йўлдан адашган ғофил кишилар ўзларича Ведалар таълимотига зид бўлган ҳар хил диний кўрсатмалар ярата бошлайдилар. Ўзлари ўйлаб чиқарган нарсаларни муқаддас ҳақиқат ҳисоблаб, бу қалби кўр, ғофил одамлар дунёнинг энг тубан жой(дўзах)ларига равона бўладилар. 12. Кали-юга одамлари бутунлай ғафлат ва ҳирс гуналари таъсири остида бўладилар. Парвардигор Ришабхадева ер юзига уларни алданиш тузоғидан қутқариш учун келган. 13. Парвардигор Ришабхадеванинг илоҳий кароматларини буюк донишмандлар шундай олқишлайдилар: - "Етти океан билан ўралган Ер юзида ороллар, мамлакатлар кўп, аммо уларнинг ичида энг азизи Бхарата-варша. Бхарата-варша аҳолиси Худои Шахсининг намоён бўлган кўплаб қиёфалари кўрсатган кароматларни азалдан олқишлаб келадилар. Улар орасида Парвардигор Ришабхадева ҳам бор. Худои Таолонинг барча кароматлари одамларга бахт-саодат олиб келади." 14. "Прияврата династиясининг шон-шухрати ва поклигини таърифлашга қодир сўз топиладими? Худои Таолонинг Ўзи, Худонинг азалий Олий Шахси мана шу династиянинг шоҳларидан бири бўлиб дунёга келди ва одамларни аввалги фаолиятининг оқибатларидан халос қиладиган диний қоидаларга амал қилиб яшади". 15. "Атиги фикри билан Парвардигор Ришабхадеванинг қилган ишларини қилишга қодир бўлган йог дунёда топилармикан? Парвардигор Ришабхадева бошқа йогалар орзу қилиб интиладиган сеҳрли қувватларнинг барчасидан воз кечди. Йогларнинг қайси бири У билан тенглаша олади?"

16. Шукадева Госвами давом этди: - Парвардигор Ришабхадева - олий руҳий устоз, ҳукмдор ва барча ведавий илмларнинг, фаришталарнинг, сигирларнинг, брахманларнинг ва оддий одамларнинг ҳимоячисидир. Мен сенга Унинг барча тирик мавжудотларни гуноҳлардан поклашга қодир бўлган пок, илоҳий кароматлари ҳақида гапириб бердим. Парвардигор Ришабхадеванинг илоҳий кароматларини таърифлаш – саодатли дуоларнинг туганмас манбаидир. Ачарйалар изидан бориб, бу ҳикояларни диққат билан тинглаган ва бошқаларга гапириб берган ҳар бир одам, Парвардигор Васудева - Худонинг Олий Шахсининг нилуфар қадамлари пойига соф садоқат билан хизмат қилиш даражасига албатта кўтарилади. 17. Худонинг холис хизматкорлари ҳамиша хизмат қилиш лаззатига ғарқ бўлиб юрадилар ва шу туфайли моддий тирикликнинг барча кийинчиликларидан озод бўладилар. Худога хизмат қилишдан улар чексиз руҳий лаззат оладилар, ва руҳий озодликнинг ўзи уларнинг олдига хизмат сўраб келади. Лекин хизматкорлар ҳатто Парвардигорнинг Ўзи, Худонинг Олий Шахси тақлиф қилса ҳам, озодликка чиқишни истамайдилар. Холис хизматкорлар учун озодликка чиқиш(муқти) ҳеч қандай кийматга эга эмас, чунки Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан

хизмат қилиш имкониятига эга бўлиб, улар инсон орзу қилиши мумкин бўлган нарсаларнинг ҳаммасига эришган, ва моддий истакларнинг барчасидан устун кўтарилган бўладилар. 18. Эй шох, Худои Таоло, Мукунданинг Ўзи Ядавалар хонадони ва Пандавларнинг барча авлодларига ғамхўрлик қилади. У сизлар учун ҳам рухий устоз, ҳам сиғинадиган Илоҳ, ва дўстдир. Сизларнинг ҳар бир ҳаракатингизни Унинг Ўзи бошқариб туради. Ундан ташқари баъзан Унинг Ўзи сизларнинг элчингиз ёки хизматкорингиз бўлиб, ўз бурчини оддий одамлардай бенуқсон бажариб юради. Унинг марҳаматига эришишга интилиб юрган зотларга Парвардигор дарров озодлик ато этади, аммо камдан кам одам Унинг Ўзига муҳаббат билан хизмат қилиш имкониятига эга бўлади. 19. Парвардигор Ришабхадева Ўзининг Худои Таоло, Худонинг Олий Шахси эканини яхши биларди, Ўзига тўла бутун бўлган ҳолда, У ташқи қувват берадиган лаззатларга мулақоат интилмади, ҳаётда ҳеч қандай орзу-истаги йўқ эди, чунки У ҳеч нарсага муҳтожлик сезмасди. Сохта, моддий танага асосланган тасаввурга эга одамлар материализм ботқоғига янада чуқурроқ ботиб кетаверадилар ва ҳаётда энг олий саодатни қаердан излаш кераклигини билмайдилар. Парвардигор Ришабхадева Ўзининг бе-сабаб марҳамати билан уларга руҳнинг ҳақиқий табиати қандай бўлишини ва ҳаётнинг асл маъноси, мазмуни нимадан иборат эканини тушунтириб берди. Мен Ришабхадева қиёфасида намоён бўлган Худои Таоло, ягона Парвардигор олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман.

Еттинчи боб

Махараж Бхаратанинг кароматлари

1. Шукадева Госвами шундай деди: - Эй шох Парикшит, Махараж Бхарата Парвардигорнинг буюк содиқларидан эди. Уни императорлик тахтига ўтказишни ният қилган отасининг амрига итоаткорона бўйсуниб, Махараж Бхарата Ер сайёрасининг ҳукмдори бўлди ва Вишварупанинг қизи Панчаджаняга уйланди. 2. Худди сохта ўзлик ҳиссиётнинг беш нафис объектини яратгани сингари, Махараж Бхарата ҳам хотини Панчажания билан беш ўғил фарзандни дунёга келтирдилар. Уларга Сумати, Раштрабхрита, Сударшана, Аварана ва Дхуракету деб исм қўйдилар. 3. Аввал бу сайёра Аджанабха-варша деб аталарди, аммо Махараж Бхарата ҳукмронлик қилгандан бошлаб уни Бхарата-варша деб атай бошладилар. 4. Махараж Бхарата жуда доно ва чуқур мулоҳазали ҳукмдор, Ер юзининг бунуқсон йўлбошчиси эди. У ҳукмдорлик вазифасини юксак даражада бажарди ва, отаси ва бобоси сингари, ўзининг фуқароларини жуда севарди. Сайёрани бошқарар экан у, Ер аҳолисининг ҳар бири ўзининг белгиланган вазифасини бекаму-қўст бажаришини назорат қилди. 5. Худои Таолога иймони бутун бўлган шох Бхарата ҳар турли қурбонлик маросимларини ўтказди: агни-хотра, дарша, пурнамаса, чатурмаса, паша-ягя (от қурбонлик қилиш) ва сома-ягя (ичимлик эҳсон қилиш). Баъзан бу маросимлар тўла қоидалар бўйича, баъзида эса, қисқартирилган ҳолда ўтказилар, аммо ҳар гал чатурхотра қоидаларига тўла амал қилинарди. Махараж Бхарата Худонинг Олий Шахсига ана шундай сиғинарди. 6. Ҳар бир қурбонлик маросими олдида Махараж Бхара-

та Дхарма номи билан қурбонлик натижаларининг барчасини Худо Шахси, Васудевага эҳсон қиларди. Бошқача қилиб айтганда, у барча қурбонлик маросимларини Парвардигор Васудева, Кришнани мамнун қилиш учун ўтказар эди. Махараж Бхарата ведавий мадҳияларда олқишланадиган фаришталарнинг барчаси Васудеванинг ҳукми остидалигини, улар Унинг илоҳий танасининг ҳар хил аъзолари эканини яхши биларди. Ана шу илм шохга ҳар хил боғланишлардан, очқўзликдан, эҳтиросдан ва бошқа моддий иллатлардан ҳаминиша пок юришга ёрдам берарди. Руҳонийларнинг оловга қурбонлик ташлаётганларини кўриб, у фаришталарга эҳсон қилинаётган бу инъомларнинг барчаси аслида ягона Худои Таоло, Парвардигор Васудева танасининг ҳар хил қисмларига инъом қилинаётганини тушунарди. 7. Қурбонлик маросимлари ёрдамида Махараж Бхарата қалбини моддий иллатлардан бугундай поклади. Кундан кунга у Парвардигор Васудева, Кришнага холис хизмат қилишни кучайтирарди. Парвардигор Кришна, Васудеванинг ўғли – Худонинг азалий Шахси, Олий Руҳ (Параматма) ва шахссиз Брахманнинг манбаидир. Йоглар қалбларида мавжуд бўлган Параматмага мувоқабат қиладилар, гьяналар шахсиятсиз Брахман сифатида Олий Мутлақ Ҳақиқатга сиғинадилар, холис хизматкор-содиқлар эса, илоҳий танаси шастраларда таърифланган Васудевага, Худо Шахсига сиғинадилар. Парвардигорнинг танасини Шриватса белгиси, қимматбаҳо тош Каустубха ва гулчамбар беаб туради: У қўлларида сур, халқа, гурзи ва нилуфар гулини тутиб турибди. Народа сингари Худонинг содиқлари Унинг мана шу қиёфасини ҳаминиша ўзларининг қалбида сақлайдилар. 8. Махараж Бхаратанинг тақдирида бу дунёнинг лаззатларидан ўн миллион йил баҳраманд бўлиш ёзилган эди. Шу муддат тамом бўлганида буюк император отаси ўзига топшириб кетган, авлодларидан мерос қолган бойликларни ўғилларига бўлиб берди ва оилавий турмушни тарк этди. Отасининг серҳашам, қулайликларга тўла уйини тарк этиб, у Хардварда жойлашган Пулаха ашрамига йўл олди. (Шалаграма-шила тошлари териладиган жой). 9. Пулаха ашрамида Олий Худо - Хари, содиқларига бўлган чексиз муҳаббати юзасидан содиқларнинг кўз олдида улар истаган қиёфада намоён бўлади. 10. Пулаханинг ашрами дарёлар ичида энг аълоси бўлган Гандаки дарёси бўйида жойлашган. У дарёдан муқаддас шалаграма-шила - мармар тошларни топиш мумкин. Улар шу ерларнинг ҳаммасини поклаб туради. Шундай тошларнинг ҳар бирида киндикка ўхшаган халқасимон белгилар бор. 11. Пулаха ашрамининг бузатзорларида яшаб, Махараж Бхарата дарахт илдизлари, мева ва томирлар билан озиқланарди. Уларни териб гул, янги униб чиққан куртақлар, туласи барглари ва Гандаки дарёсининг суви билан бирга Худо Шахси, Васудевага тақдим қиларди. Парвардигорга сиғиниш билан Махараж Бхарата ҳаётдан тўла мамнун ва бахтиёр эди. Унинг қалби беғубор пок эди: Қалбида моддий истаклардан асар ҳам қолмагани. Моддий лаззатларга бўлган интилишни бутунлай тарк этиб, қалбининг тўла осойишталигига эришиб, ҳаётдан чуқур мамнуният ҳосил қилди ва Парвардигорга хизмат қилишда давом этди. 12. Шундай қилиб энг улуғ солиҳ инсон, Махараж Бхарата ҳаминиша Парвардигорга холис хизмат қилиш билан машғул эди. Унинг Васудева, Кришнага бўлган муҳаббати кун сайин

ортиб борар, ниҳоят унинг калби бутунлай эриб кетган эди. Вақт ўтиши билан Махараж Бхарата ҳар хил белгиланган вазифалар ва маросимлар билан умуман кизикмай қўйди. Унинг танасининг туклари хурпайган ва рухий жазаванинг бошқа аломатлари ҳам унда намоён бўла бошлаганди. Баъзида у ҳеч нарсани кўра олмай қоларди, чунки унинг кўзларидан тинмай ёш оқарди. Бир дақиқа ҳам тўхтамай у Парвардигорнинг кизғиш нилуфар қадамлари пойини кўз олдига келтирарди. Бу пайтга келиб Махараж Бхаратнинг қалби жазавали муҳаббат уммонига айланган эди, ва ақлини мана шу уммонга ғарқ этиб, у ҳатто Парвардигорга сиғиниш қоидаларини ҳам эсидан чиқарган эди. 13. Махараж Бхарата жуда чиройли эди. Унинг хурпайган жингалак сочлари одатда ҳўл бўлиб юрарди, чунки у кунига уч марта сувда чўмиларди. Кийик териси унга либос вазифасини ўтарди. У Қуёш сайёрасида мавжуд бўлган Нараянага, танаси олтин ёғдудан таркиб топган Худо Шахсига сиғинарди. Унга сиғиниб Махараж Бхарата "Риг-веда"дан мадҳиялар ўқирди. Эрталаб, куёш чиқаётганда у шундай дуони ўқирди.

14. "Олий Шахс, Худо соф эзгулик гунасида мавжуддир. У бутун оламни Ўзининг ёғдуси билан нурафшон этади ва Унга ихтиёрини топширган зотларнинг барча истакларини амалга оширади. Ўзининг рухий қуввати билан Парвардигор бу оламни яратди ва Ўз хоҳиши билан Олий руҳ кўринишида унинг ичига кирди. Ўзининг ҳар хил қувватлари ёрдамида У моддий лаззат излаётган барча тирик мавжудотларга ғамхўрлик қилади. Мен Унинг олдига, тафаккур ато этадиган Парвардигор олдига чуқур эҳтиром билан бош эгаман."

Саккизинчи боб

Махараж Бхаратанинг кейинги ҳаётида кийик бўлиб туғилиши.

1. Шри Шукадева Госвами деди: - Кунларнинг бирида Махараж Бхарата эрталаб ҳожатхонадан чиқиб, Гандаки дарёсида чўмилди ва қирғоқда ўтириб "омкара"дан бошланадиган мантрани зикр қила бошлади. 2. Эй шоҳ, Махараж Бхарата қирғоқда ўтирганида, шу ерга чанқоғини босиш учун бир она кийик ҳам келиб қолди. 3. Кийик дарёдан сув ича бошлади. Тўсатдан яқингинада ўрмонда, барча жониворларни саросимага солувчи даҳшатли арслон наъраси эшитилди. 4. Табиатан хуркак бўлган она кийик атрофга ола-зарақ бўлиб қаради. Арслоннинг қалбларни музлатувчи даҳшатли наърасини эшитиб, у қўрққанидан шошиб қолди, кўзлари хонасидан чиқиб дарёнинг саёз жойидан нариги қирғоққа чопа бошлади. 5. Она кийин бўғоз эди. У қўрққанидан ўзини дарёга ташлаганида қорнидаги боласи тўғри сувга тушди.

6. Бевақт туғиш ва подасидан айрилиш азобига учраган қора кийик зўрға нафас оларди. Жон талвасасида у бошқа қирғоққа чиқиб, яқинроқдаги ғорга кириб йиқилди ва шу заҳоти жон таслим қилди. 7. Буюк шоҳ Бхарата дарё сувларининг онасиз қолган кийик боласини оқизиб кетаётганини кўриб, унга ачиниб, раҳми келиб кетди. Аслида эзгу ниятли, меҳрибон зот бўлгани учун, у кийик боласини сувдан чиқариб олди ва унинг ночор ҳолатда эканини кўриб, ашрамига олиб келди. 8. Махараж Бхарата бу кийик боласини жуда ёқтириб

қолди. У ҳар куни кийикчани парваришлаб ўт берар, уни йўлбарс ёки бошқа йиртқич ҳайвонлар ҳамласидан ҳимоя қиларди. У тез-тез кийикни силаб-сийпар, ёлини тарар, ҳар хил ташвишлардан ҳимоя қилар, баъзан эса, эркатойига нисбатан қалби меҳрга тўлиб, унинг юзларидан ўпарди. Шу тарзда кийик боласига боғланиб, Махараж Бхарата ўзининг рухий вазифаларини эсидан чиқара бошлади ва кўп ўтмай Худо Шахсига сиғинишни ҳам тарк этди. Ниҳоят у рухий машғулотлардан бутунлай юз ўгирди.

9. Буюк шоҳ Бхарата шундай ўйларди: -"Қаранг, Худо Шахсининг вакили бўлган Замона зайли билан бу бечора кийик боласи барча яқинларидан ажралиб, менин кўлимдан нажот топди. У менадан бошқа ҳеч кимни билмайди, чунки мен энди унинг отаси, онаси, оғайниларининг ўрнини босаяпман. У ўзини бутунлай менга топширган, шунинг учун унга меҳрибон бўлишим керак. Унга ғамхўрик қилиш ўзимнинг бахт-саодатим учун зарар беради, деб ўйламаслигим керак. Албатта мен уни ўстиришим, ҳимоя қилишим, эркалашим, унинг истакларини бажаришим керак. У мени ўзининг нажотқори деб танлагандан кейин, уни қандай ўз ҳолига ташлаб қўя оламан? Тўғри, уни парвариш қилиш менин рухий фаолиятимга халақит беради, лекин кўлингдан кела туриб, сендан ёрдам кутаётган ночор тирик мавжудотни мусибатда қолдириш жуда қатта гуноҳ-ку. 10. Рухий камолотга эришган олийжаноб киши, ҳатто у таркидунё қилган бўлса ҳам, тирик мавжудотларнинг мусибатларига бефарқ қараб тура олмайди. Шахсий манфаатимиз биз учун қанчалик муҳим бўлмасин, ёрдамимизга муҳтож бўлганларнинг ҳожатини чиқариш учун биз ўз манфаатимиздан воз кечишимиз лозим. 11. Кийик боласига боғланиб қолиб, Махараж Бхарата бир дақиқа ҳам ундан айрилмасди. У кийик билан бирга ухлаб дам олар, ўрмонга борар, дарёда чўмилар ва ҳатто у билан бирга овқатланарди. Шу тарзда унинг қалбини кийикка бўлган меҳр-муҳаббат ришталари бутунлай ўраб олди. 12. Махараж Бхарата куша майсаси, гуллар, ўтин, барглар, шунингдек мева ва илдизлар териш учун ўрмонга жўнаганида, ёки дарёга сув олиб келгани борганида, ўзи йўқлигида ёввойи ит, шоғол, йўлбарс ва бошқа йиртқич ҳайвонлар кийикни еб кетмасин деб, уни ўзи билан бирга олиб кетарди. 13. Кийикнинг ўрмонда қандай яйраб юрганини томоша қилиш шоҳ Бхаратага жуда ёқарди. Баъзан у кийикни эркалаб елкасида олиб юрарди. Махараж Бхаратанинг қалби кийик-дўстига бўлган меҳрга тўла эди, у кийикни тиззасига олиб ўтирар, ухлаганида эса, кўкрагига қўйиб ухларди. Кийик боласини эркалатишдан у чуқур лаззат оларди.

14. Парвардигорга сиғиниш маросимини ўтказар экан, Махараж Бхарата вақти-вақти билан сиғинишдан тўхтаб, кийик боласини изларди. Атрофга қараб ўзининг эркатойини излар, унинг жойида ётганини кўриб, қалби таскин топиб, уни дуо қиларди: "Эркатойим, ишқилиб ҳамма ишинг жойида бўлсин!" 15. Агар Махараж Бхарата кийикни жойида кўрмаса, жуда қаттиқ ташвишга тушарди. У худди каттароқ пул тўплаган, аммо бирдан уларни йўқотиб қўйган гадей сингари қаттиқ азобланарди. Кунларнинг бирида кийик боласи қаергадир ғойиб бўлиб қолди, Махараж Бхарата айрилиқ азобидан ўзини қўйгани жой тополмай қолди. Ақлдан озиб ўзи билан ўзи гапириша бошлади.

16. Махараж Бхарата ўзига ўзи шундай дерди: - "Эвох, энди менинг кийикчам кимлар қўлига тушиб қолди экан, мен бахтимдан, оромимдан айрилиб, ҳаловатимни йўқотиб қўйдим. Менинг ақлим худди маккор овчидай тажовузкор ва бешафқат. Худди қалби пок, олийжаноб киши ёмон ниятларни ўйламасдан, ўз дўстига шубҳасиз ишонгани сингари, кийик боласи ҳам менга бутунлай ишонган эди. Энди у қайтиб келармикан? Қилган хиёнатимга қарамай у яна менга ишонармикан? 17. Фаришталарнинг ўзи ҳимоя қилиб юрган кийик боласини мен яна кўра олармиканман? Унинг йўлбарс ва бошқа йиртқич ҳайвонлардан кўрқмасдан ўрмонда сайр қилиб ёш майсаларни чимдиб юганини яна кўриш менга насиб этармикан? 18. Ким билсин уни аллақачон бўри ва ёввойи итлар тимдалаб ташлагандир. Балки уни ўрмонда ёлғиз дайдиб юрган қонхўр йўлбарс еб қўйгандир? Балки унга ёввойи чўчкалар тўдаси ҳамла қилгандир? 19. Қуёш чиқиши билан бутун олам шодликка тўлади, фақат менинг қалбимгина қайғу-ҳасрат билан тўлган. Қуёш худоси Ведаларнинг вакили ҳисобланади, аммо мен Ведаларда белгиланган қонун-қоидалардан юз ўгирдим-ку. Мана қуёш ҳам ботяпти, ўлаётган онаси менга ишониб топшириб кетган кийик боласи ҳанузгача қайтиб келмади. 20. Бу кийик боласи худди шахзодаларга ўхшайди. У қачон қайтиб келаркин? Қачон у яна ўзининг бегуноҳ ўйинлари билан кўзимни қувонтирар экан? Қачон у менинг хаста юрагимга малҳам кўяркин? Албатта, мен ўзимнинг барча олийжаноб фазилатларимдан айрилиб қолибман, акс ҳолда кийик боласи аллақачон қайтиб келган бўларди. 21. Баъзан мен билан ўйнаб юриб, кийик боласи худди мураккабда ўтиргандай кўзларимни юмиб олганимни кўрарди. Мени яхши кўрганидан, унинг жаҳли чиқа бошлар ва атрофимни айланиб юриб, майин шохлари билан мени суза бошларди. Уларнинг менга тегишлари томаётган сув томчиларининг тегишидай ёқимли эди. 22. Баъзан куша майсасини, қурбонлик ўтказиш учун зарур бўлган ҳамма нарсани ерга ёйиб кўярдим, кийик боласи эса, эркалаб майсани тишлари билан тортқилаб ҳаром қилиб кўярди. Уни жазолаб, ҳайдаб юборардим, шунда у ўйинни тўхтатиб, худди авлиё одамнинг бола-сидай, кўрқанидан тарашадай қотиб қоларди".

23. Мана шундай бемаъни гаплардан сўнг Махараж Бхарата ўрнидан туриб кулбасидан ташқарига чиқди. Ерда кийик боласининг изларини кўриб, меҳри тошиб уларни олқишлай кетди: "Эй бахтиқаро Бхарата, сенинг шунча қилган риёзатларинг Ернинг қилган риёзатлари олдида ҳеч нарса эмас экан. Ўзининг чеккан риёзатлари туфайли бу омадли сайёра менинг кийикчамнинг майин туёқчалари қолдирган, бахт келтирувчи чиройли изларини ўзида сақлаб қолиш бахтига эришди. Унинг излари занжири, айрилиқ ўтида ёнаётган мендек инсонга, йўқотган хазинамни қаердан излашим кераклигини кўрсатиб турибди. Бу муборак излар ҳатто ерни муқаддас жойга айлантиради, шунинг учун жаннатга эришишни ёки озодликка чиқишни истайдиган браҳманлар бу ерда фаришталарга атаб қурбонлик маросимини ўтказишлари мумкин".

24. Кейин Махараж Бхаратнинг чиқаётган ойга кўзи тушди. Ундаги қора чизиклар худди кийик боласининг расмига ўхшаб туюлди, ва у шундай деди: - "Балки, ғубатда қолганларга меҳрибон бўлган Ой менинг кийикчамга раҳм қилиб, унинг онасиз ва бошпанасиз қолганини билиб, қонхўр арслондан қутқариб ўз

паноҳига олгандир. 25. Ой тагида турар экан Махараж Бхарата ўзининг нодонлигида давом этарди: - "Кийикнинг ўғли менга жуда ўрганган ва қадрдон эди, мен ундан айрилиб, худди ўз боламдан айрилгандай бўляпман. Мана шу айрилиқ ўти мени худди ўрмонга кетган ёнғин оловидай қуйдириб қийнапти. У менинг қалбимни худди курукликда ўсаётган нилуфар гулидай сўлдиряпти. Мени юпатиш учун ой менга худди, иситмаси ошган одамга сув сепаётган дўсти сингари, ўзининг нурлари шарбатини сочяпти. Шу зайлда у мени бахтли қилишга уриняпти".

26. Шукадева Госвами шундай деди: - Эй Махараж Парикшит, шох Бхарат шу тарзда кийик қиёфасига кирган енгилмас дунёвий орзу таъсири остига тушиб қолганди. Ўзининг қандайдир аввалги қилмишлари натижасида, у руҳий юксалиш йўлидан адашиб, йога билан шуғулланишни, риёзат чекишни ва Худо Шахсига сиғинишни тарк этди. Махараж Бхаратнинг кийик боласига боғланиб қолишини бошқа қандай сабаб билан ҳам тушунтириш мумкин? Ахир у бундан олдин ҳатто хотинини, фарзандларини тарк этган, улар билан бирга бўлиш руҳий юксалишга халақит беради, деб ҳисоблар эди-ку. Шундай экан, унда қандайдир ҳайвонга нисбатан шунчалик боғланиш туйғуси қаердан пайдо бўлди? Шубҳасиз бунга сабаб унинг олдинги ҳаётларида қилган қандайдир гуноҳларидир. Шу гуноҳлар сабабли Махараж Бхарата кийик боласини эркалата бошлади, унга ўрганиб қолиб, охир оқибат руҳий ҳаёт вазифаларини умуман унутиб юборди. Мана, худди сичқон уясига аста-секин ўрмалаб келаётган захарли илон сингари, шох Бхаратнинг ҳам бешафқат ажал вақти етиб келди. 27. Ўлаётиб шох кийик боласининг ёнида турганини ва худди отасининг ўлимига йиғлаётган фарзанд сингари, ўзининг ўлимига кийик боласининг йиғлаётганини кўрди. Шохнинг бутун фикру-хаёли кийик боласида эди ва у бу дунёни худди Кришнани, Худони англаб етмаган кишилардай тарк этди. Кийик боласидан ҳам, ўз танасидан ҳам жудо бўлиб, у кейинги ҳаётида кийик танасида туғилди. Лекин унинг ягона устунлиги бор эди: гарчи Махараж Бхарата инсон танасидан маҳрум бўлиб, кийик танасига эга бўлса ҳам, бошқалардан фарқи равишда, ўзининг олдинги ҳаётини эсидан чиқармаган эди. 28. Махараж Бхарата кийик танасини олди, аммо аввалги ҳаётида Худои Таолога чуқур иштиёқ билан садоқатли хизмат қилгани шарофати билан, унга нима сабабдан шундай танага эга бўлгани маълум эди. Ўзининг аввалги ва ҳозирги ҳаётини ўйлаб, у қилган хатосидан қаттиқ пуншаймонда эди. 29. Кийик танасида туриб Махараж Бхарата қаттиқ афсусларди: - "Мен қанчалик бахтиқароман! Мен ўзини англаб етган зотлар бораётган йўлдан адашдим. Руҳий қамолотга эришиш учун мен уйимни, хотинимни, ўғилларимни тарк этиб ўрмонга борган ва муқаддас хилват жойга жойлашган эдим. У ерда мен ҳиссиётимни жиловлаб, руҳий табиатимни англаб, Худои Таолога, Васудевага чарчамасдан хизмат қилардим. Мен ҳаммиша Худо ҳақидаги ҳикояларни тинглар, Парвардигорни ўйлар ва эслар эдим, Уни олқишлар, Унга сажда қилардим, ва ниҳоят қилган ҳаракатларим зафар олиб келганди: ақлим ҳамиша Худои Таолога садоқатли холис хизмат қилиш билан банд бўлиб қолганди. Аммо, кейин ўзимнинг ахлоқлигим, нодонлигим туфайли, қалбимда яна моддий боғланиш туйғуси пайдо бўлди - бу гал мен кийик

боласига боғланиб қолдим. Мана энди мен кийик танасига эга бўлиб Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш имкониятидан махрум бўлдим. 30. Гарчи Махараж Бхарата кийик танасида бўлса ҳам, ўзининг тавбазаррулари натижасида моддий боғланишлардан бирагўла озод бўлганди. Ўзининг ички руҳий ҳолатини йўқотмасдан у она-кийикни ва туғилган жойи - Каланджара тоғини тарк этиб, ўрмондаги қишлоқ Шалаграмага, Пуластья ва Пулаха ашрамига келди. 31. Кейин буюк шоҳ Бхарата яна бехосият муҳит таъсирига тушиб қолишдан кўркиб, жуда эҳтиёткор бўлиб юрди. У фақат ашрамда яшар, фақат курук шоҳлар билан озиқланар, ташқи кўринишидан аслида ўзининг ким эканига эътибор бермас эди. Аслида у ҳеч қачон ёлғиз эмас эди: У ҳамиша қалбидаги Олий Рух билан бирга эди. Кийик танасида яшар экан, у ажали келишини орзикиб кутарди. Мана, ўша вақт ҳам етиб келди, ва у муқаддас сувга ювиниш учун кирганида, сувда турганича ўзининг кийик танасини тарк этди.

Тўққизинчи боб

Жада Бхаратанинг улуғворлиги

1-2. Шрила Шукадева Госвами ҳикоя қилишда давом этди: - Эй шоҳ Парикшит, кийик танасини тарк этгандан сўнг, Махараж Бхарата Ангира авлодига мансуб бўлган энг муносиб брахман оиласида дунёга келди. Бу брахман брахманларга хос бўлган барча эзгу фазилатлар соҳиби эди. У ақли ва ҳиссиётларини жиловлаб олган ва барча Ведаларни, уларга қўшимча қилиб ёзилган асарларни мукамал ўрганган эди. У ҳамиша ўзидан мамнун, сабр тоқатли, хушоматли, донишмандлиги билан бошқалардан ажралиб турар, ҳеч кимга ҳасад қилмас, саховат билан хайр-эҳсон қиларди. У ўзининг руҳий табиатини англаб етган зот эди, бутун ҳаётини Худои Таолога садоқат билан холис хизмат қилишга бағишлаб, ҳамиша руҳий лаззатга ғарқ бўлиб кун кечирарди. Биринчи хотини унга ҳар бири ўзи сингари саховатли бўлган тўққиз ўғил туғиб берди. Бошқа хотини эса эгизак - ўғил ва қиз туғиб берди. Ана шу эгизакларнинг бири, ўғил фарзанд - содиқ ва шоҳларнинг энг буюги бўлган Махараж Бхарата эди. Энди мен сенга кийик танасини ташлагандан кейин унинг бошидан кечирганларини гапириб бераман.

3. Махараж Бхаратага Худонинг алоҳида марҳамати ато этилган эди: у ўзининг аввалги ҳаётларини эсида сақлаб қолган эди. Шунинг учун, гарчи у брахман оиласида туғилган бўлса ҳам, у Худога содиқ бўлмаган яқинларидан, қариндошларидан ҳамиша ўзини йироқ тутарди. У яна моддий оламга боғланиб қолишдан кўркиб, улар билан ҳамсуҳбат бўлишдан қочиб юрарди. Шу сабабли у ўзини одамлар олдида кўр, қар, ақлдан озган қилиб кўрсатар ва, "ҳеч ким мени суҳбатга тортмасин" деб, ўзини телбаликка солиб юрарди. Бу одати уни ҳар хил бемаъни давралар таъсирига тушиб қолишдан асраб юрарди. У қалбида ҳамиша Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи ҳақида ўйлар ва ҳаёлан Унинг руҳ(жон)ни карма тузоғидан озод қилишга қодир бўлган кароматларини олқишлар эди. Шу тарзда Махараж Бхарата ўзининг руҳий ҳаётини худосизларнинг ҳалокатли таъсиридан ҳимоя қилиб яшарди. 4. Жада Бхаратанинг отаси ўғлини бутун қалби билан севар ва унга жуда боғланиб қолганди. Жада Бхарата

грихастха бўлиб яшашни уддалай олмаслиги очикдан-очик кўриниб тургани учун, отаси унга фақат брахмачарийлар учун ўтказиладиган покланиш маросимларини ўтказди. Жада Бхарата отасига бўйсунини истамасди, аммо у ўғлининг хоҳишига қарши, унга покизалик қоидаларига амал қилиб яшашни ўргатишга уринарди, чунки ота сифатида ўғлига шу илмларни ўргатишни ўзининг бурчи деб ҳисобларди.

5. Отаси Жада Бхаратага барча қоидаларга асосланиб Ведалар илмини ўргатди, аммо ўғли ўзини бутунлай телбалар сингари тутарди. Отаси унга бирор нарса ни ўргатиш мумкин эмаслигини тушуниб, қилаётган уринишларини тарк этиши учун, Жада Бхарата отаси айтганларнинг ҳаммасини атайлаб тескари қиларди. Масалан, отаси унга "ҳожатхонага кириб чиққандан кейин албатта ювиниш керак" деса, Жада Бхарата тескарисини қилар, аввал албатта ювиниб, кейин ҳожатхонага кирарди. Шунга қарамай, отаси унга ведавий илм асосларини ўргатишда давом этарди. Бутун баҳор фасли ва ёзнинг бошида, у ўғлига "омкара"дан бошлаб, уч сайёралар тизимининг номлари айтиладиган гаятри мантрисини такрорлашни ўргатишга уринди, аммо Жада Бхарата тўрт ой давомида ҳеч нарсага ўрганмади. 6. Шунда ҳам брахман отаси уни яхши кўрар, унга муносиб таълим беришга уринарди. Ана шундай ноумид уринишлар давомида отаси унга брахмачарийлар ҳаётининг қонун-қоидаларини ўргатди: Ведаларда кўрсатилган қоидаларга амал қилиш, покликка риюя қилиш, Ведаларни ўрганиш, нафсини ҳар томонлама тийиб юриш, руҳий устозга хизмат қилиш, олов ёқиб қурбонлик маросимларини ўтказиш ва ҳоказо. Лекин, бор кучи билан бу ҳақиқатларни ўғлига тушунтиришга қанчалик уринмасин, унинг барча уринишлари бекор кетарди. У ўғлини донишманд брахман, олим қилиб тарбияламоқчи эди, лекин ҳеч нарсага эриша олмади. Бошқалар сингари брахман ҳам уйига боғланиб қолган, бир кун келиб ҳаётдан кўз юмиши лозимлигини унутиб қўйган эди. Лекин ажал ҳеч нарса ни унутмайди: белгиланган вақтда келиб у брахманни ҳам ўз домига олиб кетди.

7. Брахманнинг кичик хотини, эгизак болаларини брахманнинг катта хотини қўлига топшириб, ўз хоҳиши билан ўлимига рози бўлиб, эри билан бирга у эришган сайёраларга кетди. 8. Отаси ўлгандан кейин, унинг тўққиз оғаси, отаси сингари Жада Бхаратага илм беришга уринмадилар, чунки улар уни "онги паст, тентак" деб ҳисоблардилар. Жада Бхаратанинг оғалари одамни кармали фаолиятга рағбатлантирадиган уч ведани - "Риг", "Сама" ва "Яджур"-ведаларни яхши ўрганган эдилар. Лекин, руҳий илмдан, Худои Таолога садоқат билан холис хизмат қилиш илмидан беҳабар эдилар. Шу боис улар Жада Бхаратанинг юксак даражага эришган буюк рух эканини англай олмасдилар. 9-10. Аслида, руҳий илмдан беҳабар бўлган одамлар хайвонлардан фарқ қилмайдилар. Уларнинг ягона фарқи - хайвонларнинг тўрт оёғи бўлса, одамларнинг эса икки оёғи бор. Ана шундай икки оёқли хайвонлар "тентак, ақлсиз, нодон, тўнкадай онгсиз", деб Жада Бхаратани мазах қилиб ҳақоратлар эдилар. Улар ҳар турли йўллар билан масхара қилиб унинг устидан кулар, у эса ўзини худди росмана телбалардай, бунинг устига қар, соқов ва кўр одамда тутарди. У улардан ҳеч хафа бўлмас, ҳеч кимга ўзининг аҳмоқ эмаслигини исботлашга ҳам уринмас, уларнинг айтган нарсаларини сўзсиз бажариб

юраверарди. Баъзан дуч келган нарса билан овқатланар, баъзида қилган бирор хизмати учун унинг қорнини тўйғазишар, баъзида тиламчилик қилиб кун кечирар эди. Жада Бхарата энг оддий овқатга ҳам қаноат қилар, уни овқат егани ва емагани, овқатнинг айниган ёки янгилиги безовта қилмасди. У ҳеч қачон лаззат олиш учун овқатланмасди, чунки инсонга ширин ёки бемаза овқатни ажратиш имконини берадиган, ўзини тана деб ҳисоблаш иллатидан бутунлай пок эди. Ўзининг бутун фикрини Худои Таолога садоқат билан холис хизмат қилишда жамлаб, у ҳамиша руҳий, илоҳий ҳолатда юрар, шу боис ўзини танасига қиёслаб юрган бошқа одамлар сингари, бу дунёнинг қарама-қаршиликларидан у мутлақо безовта бўлмасди. Унинг танаси ҳўкиз танаси сингари кучли, қувватли эди. Қишин-ёзин совуқ ва шамолларни писанд қилмай ярим-яланғоч юрар, тақир ерда ётиб уқларди. У ҳеч қачон ювинмас, танасини ҳар хил малҳам, мойлар суртиб парвариш қилмас эди. У ҳамиша ифлос кўрингани учун, ундан таралиб турган илоҳий нурни одамлар кўра олмас ва Жада Бхаратанинг комил илм эгаси эканлигини англамас эдилар. У худди гўзаллиги ва жилваси лой остида кўринмай ётган қимматбаҳо гавҳар тошига ўхшарди. Унинг устида кир босган, эскириб кетган ёпинғич ва қорайиб кетган брахманлик чилвири бор эди, холос. Унинг брахман оиласидан чиққанини кўриб одамлар унга брахма-бинду ва шу сингари бошқа жирканч номлар кўйиб чақиришарди. Шу тарзда у ғофил одамларнинг мазахлари ва берган азобларига сабртоқат қилиб, ҳар ерда дайдиб юрарди. 11. Жада Бхарата бир бурда нон учун кун бўйи ишлашга ҳам тайёр эди. Оғалари бундан фойдаланиб, унга озгина овқат бериб, далада ишлашга мажбур қилардилар, лекин ундан яхши хизматкор ҳам чиқмасди. У экиладиган ернинг қаерини қазиш керак, қаерини текислаш ва қаерини чопик қилиш кераклигини ҳам билмасди. Оғалари унга гуручнинг майдасини, овқат қолдиқларини берар, қурт босган дон, қозон тагига қотган овқат куюндилари билан боқишарди. Жада Бхаратага бу овқатлар ҳам лаззат бағишларди. Оғаларидан ҳечам хафа бўлмасдан уларнинг берган нарсаларини миннатдорлик билан қабул қиларди.

12. Кунларнинг бирида қароқчи-шудраларнинг сардори Бхадра-Кали фариштасини мамнун қилиш ва эвазига ундан ўғил фарзанд тилаш учун унга ярим-одамни, яъни ҳайвондан фарқ қилмайдиган телба одамни қурбон қилмоқчи бўлди. 13. Қароқчилар бошлиғи шундай чала одам топиб, энди қурбон қилмоқчи бўлиб турганида у ярим-одам қочиб қолди. Шунда қароқчилар бошлиғи одамларига телбани топиб келишни буюрди. Қароқчилар уни ҳамма ердан узоқ ахтардилар, аммо ҳеч қаердан топа олмадилар. Қочган ярим-одамни излаб, қоронғи кечада улар шоли экилган далага бориб қолдилар ва шу ерда тепалиқда ўтириб, далани кийик ва ёввойи тўнғизлардан қўриқлаб ўтирган Ангира хонадонининг олийжаноб зурёди, Жада Бхаратага дуч келиб қолдилар. 14. Қароқчилар Жада Бхарата ярим-одамга жуда ўхшаб кетади, деган қарорга келиб, уни бемалол қурбон қилиш мумкин деб ўйладилар. Қувонганларидан яйраб, улар Жадани боғлаб Кали фариштасининг эҳромига олиб келдилар. 15. Кейин қароқчилар ўзлари ўйлаб топиб, режалаштирган ярим-одам қурбон қилиш маросимини ўтказа бошладилар. Улар Жада Бхаратани ювинтирдилар, янги кийим кий-

дирдилар, одатда қурбонлик ҳайвонларига осганлари сингари, унинг бўйнига ҳам гул ва тақинчоқлардан гулчамбар осдилар, танасини анвойи мой ва малҳамлар билан силаб, тилака ва сандал пастаси билан безадилар. Жада Бхаратани яхшилаб тўйғазиб, фаришта Калинин олдига келтирдилар ва унга мушк-анбар, шамчиروق, гулчамбар, қовурилган дон, янги униб чиққан майса, мева ва гуллар тақдим қила бошладилар. Шу тарзда қароқчилар ўз илоҳларига сиғиниб, қурбонликни сўйишга тайёрланиб, ҳамду-санолар ва қўшиқлар куйлаб, сурларини чалиб, барабанларини гумбурлатиб қоқа бошладилар. Ниҳоят улар Жада Бхаратани фаришта Кали илоҳи олдига ўтказдилар. 16. Шунда қароқчилардан бири, бош руҳоний вазифасини бажараётгани, фаришта Калига вино ўрнига, улар ярим-одам деб ҳисоблаётган Жада Бхаратанинг қонини тақдим қилмоқчи бўлди. У катта, ўткир, дахшатли шамширни кўлига олди ва фаришта Калига аталган мантра ўқиб пичоқни поклади-да, сўйиш учун Жада Бхарата устига келди. 17. Фаришта Калига сиғиниш маросимини ўтказаётган одамлар пасткаш, тажовузкор, золим, ҳирс ва ғафлат гуналари таъсири остига тушиб қолган зотлар эди. Бойлик изидан қувиб, улар Ведаларнинг кўрсатмаларини бузишга, брахман оиласида туғилган ва ўзини англаб етган буюк зот бўлган Жада Бхаратани қурбон қилишга жазм қилгандилар. Бу золимлар уни фаришта Калига эҳсон қилмоқчи эдилар. Шундай нодон одамлар зулм қилишга ҳамиша тайёр юрадилар, шу сабабли улар ҳар бир тирик мавжудотнинг дўсти бўлган ва ҳеч кимга, ҳеч қачон бирор озор бермай, ҳамиша Худои Таоло ҳақида ўйлаб юрган буюк инсонга қўл кўтардилар. Жада Бхарата муносиб брахманнинг ўғли эди, шунинг учун, ҳатто агар унинг ўзи кимгадир душманлик қилса, ёки бировга ҳамла қилса ҳам, уни ўлдириш ман қилинган эди. Бошқача қилиб айтганда уларнинг Жада Бхаратани ўлдиришга ҳеч қандай ҳуқуқлари йўқ эди. Фаришта Кали бу гуноҳкорлар Парвардигорнинг буюк содиқ хизматкорини қурбон қилмоқчи эканини англаб етган эди. Албатта у бунга ҳеч қачон йўл қўя олмасди. Бхадра-Калининг маъбудидан бирдан тарс ёрилиб кетди ва унинг ичидан ҳар тарафга ёрқин нур таратиб баҳайбат фариштанинг ўзи чиқиб келди. 18. Бўлаётган бу қонунбузарликни кўриб, Бхадра-Калининг ғазаби қайнади: унинг кўзлари ғазаб ўтида ёниб, қийшиқ тишларини йирткичлар сингари дахшатли гичирлата бошлади. Фариштанинг қизғин кўзлари оловдай чакнар, ва унинг шу важоҳатининг ўзи ҳар қандай одамни дахшатдан титратиб юборарди. Шундай дахшатли қиёфага кириб, у худди бутун оламни яқсон қилишга тайёрдай кўринарди. У яшин тезлигида эҳромдан сакраб пастга тушди, ўзига сиғинаётган қароқчиларга ташланиб, Жада Бхаратани сўймоқчи бўлган шамшир билан бирин-кетин қароқчиларнинг каллаларини чопиб ташлади. Золимларнинг каллаларини чопиб, уларнинг бўғизларидан оқаётган иссиқ қонларни вино ўрнида симира бошлади. У билан бирга бу винони фариштанинг ҳамроҳлари - ялмоғиз ва иблис аёллар ҳам ича бошладилар. Ичган қонларидан маст бўлиб, улар қўшиқ куйлаб, худди оламни йўқотишга шайлангандай қутуриб рақсга туша бошладилар. Улар ўлган қароқчиларнинг каллаларини коптоқдай тепиб ўйнардилар. 19. Парвардигорнинг буюк содиқларига қўл кўтарган ҳар қандай одам мана шундай жазога маҳкум бўлади.

20. Шукадева Госвами деди: - Эй Вишнудутта, жон(рух)нинг моддий танага ҳеч қандай алоқаси йўқлигини тушунган ва қалбидаги моддий боғланиш тугунини ечиб ташлаган, ҳар бир мавжудотнинг саодати ҳақида ўйлайдиган ва бирор жониворга ҳатто ҳаёлида ҳам озор бермайдиган киши ҳамиша Худои Таолонинг паноҳи остида бўлади. Ўзининг содиқларини химоя қилиш ва иблисларни ўлдириш учун Парвардигор Ўзининг сударшана-чакра халқасини ҳамиша шай қилиб туради, шунингдек қудратли Замон(вақт) киёфасида ҳам намоён бўлади. Ҳар қандай ҳолатга тушганларида ҳам содиқлар Парвардигорнинг нилуфар кадамлари пойидан нажот излайдилар ва шунинг учун улар, ҳатто бошларига қилич келганда ҳам хотиржам, осойишта қолавердилар. Бунинг ҳеч қандай ажабланишлик жойи йўқ.

Ўнинчи боб Жада Бхаратанинг Махараж Рахугана билан учрашиши

1. Шукадева Госвами давом этди: - Шу кунларда Синдху ва Саувири давлатларининг ҳукмдори Махараж Рахугана Капила ашрамига йўл олган эди. Икшумати дарёси қирғоғига чиққанларида унинг тахтиравонини кўтариб бораётган ҳаммолларнинг бирини алмашлаш зарурати туғилиб қолди. Улар шу атрофдан тахтиравонни кўтаришга лойиқ одам излай бошладилар ва Жада Бхаратага дуч келдилар. Улар Жада Бхаратага қараб, унинг ёш, кучли, бақувват эканини кўриб, у тахтиравонни ҳачир ёки эшакдан қолишмай кўтаришга қодир, деган қарорга келишди. Гарчи буюк рух Жада Бхарата тахтиравон кўтаришга мутлақо нолайиқ бўлса ҳам, ўйлаб ўтирмасдан уни шоҳ тахтини кўтариб юришга мажбур қилдилар. 2. Лекин, Жада Бхарата тахтиравонни кўтариб юришни эплай олмади. Унинг фикру-хаёли ҳаётда ҳеч бир тирик жониворга озор бермасдан яшашда эди, ва ҳар бир қадамни босишдан олдин, чумолиларни босиб қўймаслик учун, оёқ остини яхшилаб кўздан кечирарди. У тахтни кўтариб бораётган бошқа ҳаммолларга оёқ қўшиб юра олмаганидан тахт тез-тез чайқала бошлади ва шоҳ Рахугана уларга қичқирди: - "Нимага жуда ёмон юряпсизлар? Яхшироқ юринглар!"

3. Махараж Рахугананинг қаҳрли сўзларини эшитиб, тахтни кўтариб бораётганлар жазодан кўрқиб, шундай жавоб бердилар. 4. - Эй ҳукмдор, бизларни сенга муносиб хизмат қилмаяпти деб ўйлама. Сенинг амрингга бўйсуниб, бизлар паланкинни бинойидек кўтариб келаятган эдик. Мана бу одам бизларга халақит берапти. У жуда секин юряпти, унинг касофатидан бизлар паланкинни сени мамнун қилиш даражасида олиб кета олмаяпмиз".

5. Шоҳнинг ғазабидан кўрққан ҳаммолларнинг гапларидан Махараж Рахугана, орасидаги битта одамнинг гуноҳи билан улар паланкинни яхши кўтара олмаятганини тушунди. Уларни тинглаб, гаплари ҳақиқат эканига амин бўлиб, шоҳ, гарчи уста сиёсатчи бўлса ҳам, озгина жаҳли чикди. Барча кшатрийлар сингари, ўз табиатига кўра унинг тез жаҳли чиқадиган одати бор эди. Кул босган оловнинг тафтидай яширинган, Жада Бхаратадан таралаётган илоҳий нурни англамасдан,

ҳирс гунаси таъсири остига тушиб қолган шоҳ Рахугана Жада Бхаратага юзланди.

6. Шоҳ Рахугана шундай деди: - Эҳ бечора оғайним, сенга қанчалик қийин эканини тушунаман. Бошқаларнинг ёрдамисиз бир ўзинг паланкин кўтариб, шунча ерни босиб ўтдинг. Шунча вақтдан бери уни кўтариб, албатта чарчаб қолгансан. Бунинг устига кексайиб қолгансан, унчалик бақувват, семиз ҳам эмассан, ҳар турли касалинг ҳам бор, кучинг кетиб қолган. Нимага бошқа ҳаммоллар сенга ёрдам бермаяптилар?" Ана шундай заҳарли сўзлар билан шоҳ Жада Бхаратани изза қилмоқчи бўлди. Лекин у ҳаётга моддий тана эмас, руҳий нуктаи назардан қарарди. Жада Бхарата руҳий ҳолатда эди, тана ва ҳақиқий ўзлиги - "мен"и орасидаги фарқни яхши тушунарди. У ўзининг на ориқ, на семиз эмаслигини, бу икки кўл ва икки оёқдан иборат тана моддий унсурлар тўпламидан бошқа ҳеч нарса эмаслигини тушунарди: бу тана беш кўпол ва уч нафис унсурлардан таркиб топган, ва тананинг эгаси бўлган ҳақиқий "ўзи"га ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бошқача қилиб айтганда, у ўзининг руҳий табиатга эга эканини яхши биларди, (ахам брахма асми) шунинг учун шоҳнинг заҳарли киноялари унга мутлақо таъсир қилмади. Ҳеч нарса деб жавоб бермасдан Жада Бхарата паланкинни аввалгидай кўтариб кетаверди. 7. Паланкиннинг аввалгидай чайқалиб бораётганини кўрган шоҳнинг ғазаби қайнаб, Жада Бхаратага қичқира бошлади: - Ҳой ярамас, нима қилипсан ўзи? Жонинг борми, ё ўлиб қолганмисан? Ёки мен сенинг хўжайининг эканимни билмайсанми? Гапларимни писанд қилмасликка қандай ҳақдинг сиғди? Бу қилигинг учун ҳозир сени гуноҳкорларни жазолайдиган Азройил(Ямараж)дан бадтар қилиб жазолайман. Эс-хушингни киритиб, ўзингни қандай тутиш кераклигини ўргатиб қўядиган дори бераман ҳозир!

8. Моддий табиатнинг пастки(ҳирс ва ғафлат) гуналари таъсири остида Махараж Рахугана ўзини танага қиёсларди. У ўзини буюк ҳукмдор деб санар, ақлини йўқотиб Жада Бхаратани кўпол, ифлос сўзлар билан ҳақоратларди. Буюк содиқ хизматкор Жада Бхарата Парвардигорга, Худо Шахсига жуда азиз эди. У ҳамиша ўзининг қалбида Худонинг қиёфасини авайлаб сақлар эди. Гарчи шоҳ ўзини руҳий илмдан тўла хабардор деб ҳисобласа ҳам, аслида холис хизмат қилишнинг юқори поғоналари ва шундай ҳолатга эришган одамларни қандай ажрата олишни билмасди. Жада Бхарата барча тирик мавжудотларга самимий меҳрибонлик қилар ва ҳеч қачон ҳаёт ҳақида моддий тасаввурларга берилмасди. Шу боис у шунчаки мийиғида кулиб қўйди ва шоҳга шундай деб жавоб берди.

9. Жада Бхарата шундай деди: - Эй буюк қаҳрамон ва ҳукмдор, аччиқ гапларинг билан мендан норози бўлибгина қолмасдан, менга ҳақиқат илмини ҳам тушунтириб бердинг. Ахир аслида паланкинни "мен" эмас, "менинг танам" олиб кетаяпти. Мен - тана эмас, мангу тирик жон(рух)ман, шунинг учун танам олиб кетаятган юкнинг ҳақиқий "ўзим"га ҳеч қандай алоқаси йўқ. Сенинг гапларингда ҳеч қандай қарама-қаршилиқ йўқ, чунки "мен" ва "менинг танам" - аслида бир нарсанинг ўзи эмас. Айнан тана сенинг паланкиннинг кўтариб кетаяпти, мен танамдан бошқа нарса бўлганим учун, бу ишлар, сен айтгандай, мени қаттиқ чарчатиб қўйгани ҳам йўқ. Сен менга "семиз эмассан, кучинг йўқ" дединг, аммо бундай гапларни фақат тана билан

жоннинг фарқини тушунмайдиган ғофил одамлар айтиши мумкин. Фақат тана семиз ёки ориқ бўлиши мумкин, тарбия олган бирор илмли одам бу сифатларни жонга нисбатан ишлатмайди. Аммо, бир тарафдан сен ҳақсан: мен - на ориқ, на семиз бўлган жонман, шунинг учун мени ростданам ориқ деб айтишинг мумкин. Бундан ташқари, агар йўлнинг бошидан охиригача паланкинни бир ўзим олиб юрсам, албатта чарчаган бўлардим, лекин бу йўлни мен эмас, танам босиб ўтди. Мен эса ҳеч қандай иш қилмадим. 10. Семизлик, ориқлик - тана ва ақлнинг сифатларидир, чанқоқлик, очлик, кўркув, ҳар хил қарама-қаршилиқлар, дунёвий бахтга интилиш, кексалик, уйқу, моддий бойликларга боғланиб қолиш, ғзаб, азият, алданиш ва ўзини танага қиёслаш - буларнинг барчаси жон(рух)нинг моддий қобиғи(тана, ақл)нинг турли хилда намоён бўлишларидир. Буларнинг барчаси ҳаёт ҳақида моддий, танага қиёсланган тасаввурга эга бўлганлар учун ҳар хил ташвишлар келтириб чиқаради. Мен эса, бундай тасаввурлардан бутунлай озодман, ва шунинг учун ўзимни на семиз, на ориқ деб атамайман. Сен мени таърифлаган бошқа сифатлар ҳам худди шундай. 11. Эй ҳурматли шоҳ, сен мени "тирик мурда" деб айбладинг. Бунга нисбатан шуни айтишим мумкинки, ҳар бир одамни шундай деб аташ мумкин: моддий нарсаларнинг барчасининг аввали ва охири бор. Бундан ташқари, сен ўзингни хўжайин, шоҳ деб ҳисоблайсан, ва менга буйруқ беришга ҳаракат қилясан, аммо бу ҳам сенинг адашганинг, алданганинг, чунки бизларнинг ҳар биримизнинг бу дунёдаги ҳозирги ҳолатимиз - ўткинчи ҳолат. Бугун сен шоҳсан, мен эса сенинг хизматингданам, лекин эртага ҳамма нарса бутунлай ўзгариб кетиши, сен менинг хизматкорим, мен эса сенинг хўжайининг бўлишим мумкин. Бу ўткинчи нарсаларнинг барчаси тақдир тақозоси билан рўй беради.

12. Эй шоҳ, агар сен ҳали ҳам ўзингни ҳукмдор, мени эса хизматкор деб ҳисобласанг, унда буюр, мен сенга бўйсунаман. Аслини олганда хўжайин ва хизматкор орасидаги фарқ вақтинчалик ва ўткинчи, биз уларга фақат одоб юзасидангина амал қиламиз. Мен бунинг учун бошқа бирор сабабни кўрмайман. Наҳотки бу моддий оламда бирор одамни хўжайин ёки хизматкор деб аташ мумкин бўлса? Ҳар бир одам моддий табиат қонунлари ҳукми остида, шунинг учун бу ерда хизматкор ҳам, хўжайин ҳам йўқ. Аммо сен шундай бўлса ҳам, барибир ўзингни хўжайин, мени хизматкор деб ҳисобласанг, амр эт. Мен сен учун қандай хизмат қилишим мумкин? 13. Сен мени ярамас, ақлсиз, нодон деб атадинг ва ҳушимни киритиб қўйиш учун жазолашни буюрдинг. Билиб қўй, эй шаҳаншоҳ, гарчи мен ўзимни гунг, қар ва телбадек кўрсатиб юрган бўлсам ҳам, аслида мен - ўзлигини англаган жон, руҳман. Мени жазолаш билан сен нимага ҳам эришардинг? Сен айтгандай, агар мен ҳатто телба бўлганимда ҳам, мени жазолаш - ўлган отни қамчилаш билан баробар. Бунинг ҳеч қандай нафи йўқ, чунки аҳмоқ одамни жазолаш билан даволаб бўлмайди.

14. Шукадева Госвами шундай деди: - Худонинг буюк содиқ хизматкори бўлган бегуноҳ авлиё зот, шоҳ Рахугананинг айтган аччиқ гапларини хотиржам тинглаб турди, кейин шоҳга чуқур маъноли гаплар билан тўлиқ жавоб берди. Ғофиллик ботқоғига ботган одамлар ўзларини танасига қиёслайдилар, аммо Жада Бхарата бундай ғофиллик ботқоғидан пок эди. Табиатан

мискин ва камтарин бўлган ҳолда, у ҳеч қачон ўзини буюк содиқ деб ҳисобламасди ва аввалги ҳаётларида тўплаган кармаси туфайли бошига тушаётган мусибатларга сабот билан бардош бериб яшарди. Жада Бхарата шоҳнинг паланкинини кўтариш билан, бошқа одамлар сингари, ўзимнинг аввалги кармаларимдан қутуламан деб ҳисобларди. Ана шундай ўйлар билан Жада Бхарата паланкинни аввалгидай кўтаришда давом этиб кетаверди. 15. Эй Панду хонадонининг аълоси, Синдху ва Саувира давлатларининг ҳукмдори(Махараж Рахугана) Мутлақ Ҳақиқатни фалсафий излаш усулига бутун қалби билан ишонарди. Шунинг учун, сеҳрли йога ҳақидаги барча муқаддас битикларга мос келадиган ва инсон қалбидаги чигал тугунни ечишга ёрдам берадиган Жада Бхаратанинг фалсафий таърифларини тинглаб, ҳаёт тўғрисидаги моддий тасаввурларидан халос бўлди. У ўзини шоҳ деб ҳисоблашни бас қилиб, дарҳол паланкиндан сакраб тушди ва Жада Бхаратанинг олдида, унинг нилуфар қадамлари пойига бошини қўйиб, юзтубан йиқилди. У "бу буюк брахман ўзига нисбатан қилган ҳақоратларим учун мени кечирар" деган умидда эди. Кейин у гапира бошлади.

16. Шоҳ Рахугана шундай деди: - Эй брахман, ўзининг аслида ким эканингни пухта яширган ҳолда сен олам кезиб юрибсан. Сен аслида кимсан? Сен жуда тақводор ва руҳий илми чуқур эгаллаган одам бўлсанг керак, чунки муқаддас чилвир осиб олгансан. Балки сен - Даттатрея ва бошқа донишмандлар сингари буюк, озодликка эришган зотлардан биридирсан? Сўрашга ижозат бер, сенинг устозинг ким? Қаерда яшайсан? Қандай қилиб бизнинг юртга келиб қолдинг? Ўйлайманки, фақат бизнинг саодатимиз учун сен бу ерларга келгансан, шундай эмасми? Балки сен - Капиладеванинг Ўзидирсан? Менга Ўзининг ким эканингни айт. 17. Эй ҳукмдорим, мен шоҳ Индранинг яшиндек қуролидан ҳам, Тангри Шиванинг илон каби бешафқат санҷқисидан ҳам, ажал фариштаси Ямаражнинг гуноҳкорларга берадиган азобли жазосидан ҳам кўрқмайман. Мени олов ҳам, қуёшнинг куйдирувчи тафти ҳам, ой, шамол ва Куверанинг қуроли ҳам даҳшатга сололмайди. Ҳаётда мен кўрқадиган ягона нарса - брахманни ҳақоратлаб қўйиш. Бу ҳақда ўйлашининг ўзи мени даҳшатга солиб, кўркувдан титратиб юборади. 18. Эй ҳукмдор, сенинг руҳий қудратинг ва донолигинг ташқаридан сезилмайди. Сен ташқи олам билан алоқани биратўла узгансан ва бутунлай Парвардигор ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлгансан. Демак, сен руҳий илми чуқур эгаллаб олгансан. Шундай экан, нимага телба сифатига кириб олам кезиб юрибсан? Эй буюк мўътабар зот, сенинг гапларинг йога илмига тўла мос келади, лекин мен уларни тушуна олмайман. Шунинг учун сендан илтимос, уларнинг маъносини менга тушунтириб бер. 19. Сен сеҳрли қудратларнинг буюк ҳукмдорисан, илоҳий илмининг барча сирлари сенга аён. Бутун инсониятнинг саодатини ўйлаб сен донишмандларнинг энг улуғи сифатида бу дунёга келгансан. Руҳий илм тимсоли бўлган Худованд Капиладеванинг элчиси сифатида, сен бу илми одамларга ўргатиш учун келгансан. Шунинг учун мен сенга савол билан мурожаат қиляпман. Менга айтчи, бу дунёда энг ишончли паноҳ нима ўзи? 20. Эй ҳурматли зот, сени бу ерларга Худо Шаҳси, Капиладеванинг Ўзи юборган эмасми? Одамларнинг қайси бирини ҳақиқий инсон деб айтиш мумкин, ким ундай эмаслигини аниқлаш учун сен гунг,

соқов бўлиб айланиб юрибсан. Сен ер юзида шу мақсад билан юрганнинг йўқми? Мен оила ташвиши ва бошқа ишлар билан ўралашиб қолдим, шунинг учун рухий жиҳатдан кўзим кўр. Мана сени учратдим, энди менга камолотга эришиш йўлида ёрдам бер. Рухий покланиш учун мен нима қилишим керак? 21. Сен "ишдан чарчамадим" деб айтдинг. Лекин тана руҳдан фарқ қилгани билан, тана ишдан чарчаганида руҳ ҳам "чарчагандай" бўладику? Сен паланкинни кўтариб бораётганинда жон ҳам қандайдир куч сарфлайдику? Менинг тушунчаларим шундай. Бундан ташқари, сен хўжайин ва хизматкорнинг ташқи кўриниши, муносабатлари реал, ҳақиқий эмас дединг. Гарчи улар, ва моддий дунёнинг бошқа кўринишлари реал бўлмаса ҳам, биз ўз ҳаётимиздан биламизки, бу муносабатлар бизга ва бошқаларга ҳақиқатан ҳам таъсир кўрсатади-ку. Демак, моддий фаолият ўткинчи бўлса ҳам, у бутунлай мавжуд эмас, деб бўлмайди-ку? 22. Эй донишмандлар донишманди, танага тегишли бўлган сифатлар, масалан, семизлик ва ориқлик, руҳга тегишли эмас, деб айтдинг. Лекин "мусибат" ва "лаззат" деган, шубҳасиз руҳга нисбатан айтиладиган тушунчалар ҳам бор-ку? Агар оловга ичига сут ва гуруч солинган қозон кўйилса, сут билан бирга гуруч ҳам қизади. Худди шунингдек, тана сезадиган лаззат ва азоблар ҳиссиётга, ақл ва руҳга ҳам таъсир қилади. Улар руҳга таъсир қилмай кўймайди. 23. Эй устоз, шоҳ ва фуқароларнинг, хўжайин ва хизматкорларнинг орасидаги муносабат мангу эмас, дединг. Бунга шубҳа йўқ. Лекин барибир, шоҳона тахтга ўтирган одам ўз фуқароларини бошқариши, жинойтчиларни жазолаши керак. Жинойтчиларни жазолаш билан у фуқароларни давлат қонунларини хурмат қилишга ўргатади. Тўғри, нодон одамни жазолаш бефойда, бу худди ўлган отни қамчилаш ёки сувни келида майдалаш билан баробар. Лекин, Худои Таолонинг амрига бўйсуниб, ўзининг бурчини сидқидилдан ҳалол бажараётган киши аста-секин гуноҳ ишлар қилишни тарк этади. Демак, фуқароларни ўз бурчларини бажаришга мажбур қилиш билан шоҳ уларга яхшилик қилади, чунки уларни гуноҳ ишлар қилишдан асрайди. 24. Шунинг учун, эй хурматли зот, сенинг гапларинг мен учун зиддиятли туюляпти. Эй гурбатдагиларнинг энг яхши дўсти, сени ҳақорат қилиш билан, мен оғир гуноҳ қилиб кўйдим. Ўзимнинг шоҳ эканимдан мағрурланиб, гердайданимдан кўзларим кўрмай, катта гуноҳкорга айландим. Энди сендан илтижо қилиб сўрайман: марҳаматингни мендан дариг тутма, менга меҳрибон нигоҳингни ташла. Шунда мен сени ҳақоратлаш билан содир қилган гуноҳим оқибатидан қутуламан. 25. Эй хукмдорим, сен - барча тирик мавжудотларнинг саодатманди бўлган Худои Таолонинг яқин дўстисан. Шунинг учун сен барчага бир хил муносабатдасан, тана ва руҳнинг фарқини аниқ биласан. Мен сени ҳақоратладим, аммо сен буни кўнглингга яқин олмадинг, чунки ҳеч ким ва ҳеч нарса сенинг руҳий осойишталигингни буза олмайди. Лекин мен бу билан ўзимни оқламоқчи эмасман. Агар одам ҳатто Тангри Шивадек қудратли бўлса ҳам, вайшнавининг нилуфар қадамлари пойини ҳақоратлаш билан ўзини ҳалокатга маҳкум этади.

Ўн биринчи боб

Жада Бхаратанинг Рахуганага берган насиҳатлари

1. Брахман шундай деди: - Эй шоҳ, гарчи сен донишмандлар тили билан гапираётган бўлсанг ҳам, рухий илмдан яхши хабардор эмассан. Ҳақиқий донишманд одам хўжайин ва хизматкор, ёки моддий мусибат ва лаззатларга сен каби катта аҳамият бермаган бўларди. Буларнинг барчаси ташқи қувватнинг ҳар хил кўринишлари холос, руҳий илмни эгаллаган, Мутлақ Ҳақиқатни билган киши уларни бутунлай бошқача тушунтиради. 2. Хўжайин ва хизматкор, ёки шоҳ ва фуқароларнинг муносабатларини тушунтира туриб, сен шунчаки моддий фаолият ҳақида гапиряпсан. Бу фаолият ведаларда батафсил тушунтирилган, уни ўрганишга берилган одамлар дунёвий орзу-ҳавасларини амалга ошириш ниятида ҳар хил қурбонлик маросимларини ўтказадилар. Ундай одамлар фақат ўзларининг моддий ҳаракатларига ишонадилар, шунинг учун уларнинг ҳаёти руҳий илм чироғи билан ёритилмаган. 3. Уйғонгандан кейин биз кўрган тушларимизга унча аҳамият бермаймиз, чунки туш - шунчаки алдамчи, ўткинчи нарса эканини биламиз. Худди шундай эртами, кечми, руҳ ҳам бир кун келиб, бу ҳаётидами, кейинги ҳаётидами, бу сайёрадами, ёки бошқа сайёрадами, моддий бахтнинг ўткинчи, алдамчи эканини англаб етади. Шунда руҳ ҳақиқатни англаб етишга интилади, бунинг учун эса, гарчи жуда кўп маълумотлар берилган бўлса ҳам, фақат Ведаларнинг ўзи камлик қилади. 4. Тирик мавжудотнинг ақли моддий табиатнинг уч гунаси таъсири остида булганган экан, у ёввойи, жиловланмаган филга ўхшайди. Ана шундай ақл(нафс) тана аъзоларини ҳар хил савоб ва гуноҳ ишлар қилишга жалб қилиб, ўзининг таъсир доирасини мунтазам кенгайтириб боради. Натижада тирик мавжудот моддий оламда қолишга, ҳар турли азоб ва лаззат кўринишидаги ўзининг моддий фаолиятининг натижаларини тотишга мажбур бўлади. 5. Ақл савоб ва гуноҳ ишлар билан боғлиқ бўлган ҳар хил орзу-ҳавасларга тўла, шунинг учун уни эҳтирос ва ғазаб дарров эгаллаб олади. Моддий лаззатларга ақл шу тарзда боғланиб қолади, бошқача қилиб айтганда, ақл шу тарзда эзгулик, ҳирс ва ғафлат гуналари ҳукми остига тушиб қолади. Тананинг ўн бир органи ва беш унсурдан иборат бўлган моддий таркибий қисмлари ичида ақл(нафс) энг асосий ҳисобланади. Айнан ақл тирик мавжудотни фаришта, инсон, ҳайвон, қуш ва ҳок. кўринишдаги ҳар хил таналарда туғилишга мажбур қилади. Ақлининг ҳолатига қараб, тирик мавжудот олий ёки қуйи ҳаёт кўринишларига мос келадиган танага эга бўлади. 6. Моддий нарсаларга боғланган ақл руҳни ўраб олиб, бир ҳаёт туридан иккинчи ҳаёт турига олиб ўтади. Мана шу моддий мавжудлик чархпалаги деб аталади. Ақл тирик мавжудотни моддий азоб уқубатларга дучор бўлишга, лаззатланишга мажбур қилади, уни ғофил қолдириб, ҳар хил савоб ва гуноҳ ишларга ундайди. Бу ишлар эса, ҳар гал янги карма ҳосил қилади. Шу тарзда руҳ шартланган ҳаёт тузоғига илиниб қолади. 7. Ақл тирик мавжудотни моддий олам бўйлаб сарсон бўлиб юришга мажбур этади. У руҳни ҳар хил ҳаёт турларидан олиб ўтади ва унинг таъсири остида тирик мавжудот ўзини одам, фаришта, семиз, ориқ деб ҳисоблайди ва ҳар турли моддий ҳаракатлар қилади. Донишмандлар айтади-

ларки, рухнинг қандай танага эга бўлиши унинг ақлига боғлиқ: тирик мавжудотнинг тутқунликка тушишига ҳам, озодликка чиқишига ҳам - ақл сабаб бўлади. 8. Ақл моддий оламда хиссий лаззатларга интилиш билан банд экан, рух шартланган ҳаёт кечиришга ва азоб-уқубатлардан қийналиб, мусибат чекишга мажбур. Аммо, ақл моддий лаззатларга боғланганлик касалидан покланганида, у рухни озодликка чиқаради. Агар чироқнинг ёғи камайган бўлса, у тутаб ёнади, лекин ёғи етарли бўлса, пилик яхши ёниб, атрофга кучли ёғду таратади. Худди шунингдек, агар ақл моддий, хиссий лаззатларга ботиб кетган бўлса, рух азобланади, аксинча, агар бундай лаззатлар уни қизиқтирмаса, рух ўзининг азалий, асл ёғдусида, Кришна онги ёғдусида порлайди.

9. Беш ҳаракат қилиш органлари, беш сезиш органлари ва сохта ўзлик - мана шу ўн бир аъзо ақлнинг фаолиятига таъсир қилади. Эй буюк қахрамон, рухий илмни эгаллаган зотлар хиссиёт объектларини(мас: товуш ва сезиладиган нарсаларни), фаолият жараёни(мас: қоринни бўшатиш), шунингдек ҳар хил тана ва характер турлари, жамият, дўстлик ва шу каби нарсаларни мана шу нарсаларнинг фаолият кўрсатиш соҳаси деб атайдилар. 10. Сезиш органларининг объектлари - товуш, шакл, таъм, ҳид ва текканда сезиладиган нарсалардир. Ҳаракат қилиш органларининг ишлари - нутқ, тегиб(ушлаб) кўриш, ҳаракат қилиш, қорин бўшатиш ва жинсий алоқа. Ҳаётнинг биринчи фактор эса, тирик мавжудотни "менинг танам, менинг оилам, менинг ватаним, менинг халким" деб ўйлашга мажбур қилади. Ақл фаолиятининг бу фактори сохта ўзлик деб аталади. Баъзи бир файласуфлар буни ўн иккинчи фактор деб атайдилар ва унинг фаолият кўрсатиш майдони тана, деб ҳисоблайдилар. 11. Бу дунёдаги барча ўзгаришларнинг моддий сабабчилари моддий унсурлар, атрофдаги муҳит, тақдир, вақт, шунингдек биринчи сабабчи бўлмиш табиат ҳисобланади. Уларнинг таъсири остида ақлнинг ўн бир кўринишдаги фаолияти юзлаб, минглаб ва миллионлаб кўринишда рўй беради. Аммо буларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан, моддий унсурларнинг ўзаро бехосдан бирикиши натижасида рўй бермайди. Бу ўзгаришларнинг барчаси ягона Худои Таоло назорати остида намоён бўлади.

12. Ташқи қувват таъсири остида Кришна онгини йўқотган алоҳида жон(рух)нинг ақлида ҳар хил ғоя ва истаклар пайдо бўлади. Улар қадим замонлардан бери тўпланиб ётибди ва баъзида(ухлаганида ёки сергаклигида) намоён бўлади, баъзида эса(чуқур уйкуда ёки хушидан кетганда) йўқолиб кетади. Озодликка эришган киши(живан-мукта) ўзининг ҳозирги "тирик" ҳолатидаёқ буларнинг барчасини яққол кўра олади. 13-14. Аввал айтганимдек, алоҳида жон(рух) кштрагья деб аталади, бундан ташқари Худои Шахси ҳам шундай аталади. Худои Таоло - ҳамма жойни қамраб олган, бутун борлиқнинг азалий аввалидир. У бутунлай ўзига тўла бутун ва мутлақо мустақил. Худои Таоло ҳақидаги ҳикояларни тинглаб ҳам, Унинг ўзини яққол кўриб ҳам, Уни англаб олиш мумкин. Ундан илоҳий ёғду таралиб туради ва туғилиш, қарилик, касаллик ва ўлишлар Унга таъсир қилмайди. У барча фаришталарнинг, шу жумладан Тангри Браҳманинг ҳам ҳукмдоридир. Уни Нарайана деб атайдилар, чунки У моддий борлиқ яқсон бўлгандан кейин барча тирик мавжудотлар паноҳ топадиган ягона даргоҳдир. Пар-

вардигор барча бойлик ва мукамалликларнинг тўлиқ эгасидир. Бутун моддий қувват Унинг ўзидан қарор топган, шу боис Худонинг Олий Шахсининг номларидан бири - Васудева. Барча кўзғалувчан ва кўзғалмас мавжудотларнинг таналарида албатта ҳаво ва ҳаёт кучи мавжуд бўлгани сингари, кудратини намоён этиб, У ҳар кимнинг қалбида ҳам жойлашган. Шу тарзда Парвардигор барча таналарни бошқариб туради: уларнинг ҳар бирининг ичига ўзининг қисман намоён бўлган кўриниши сифатида қиради ва уларнинг фаолиятини бошқариб туради. 15. Эй шоҳ Рахугана, шартланган рух токи бир моддий танадан иккинчи танага кўчиб юришини тарк этмас экан, токи моддий лаззатлар ботқоғидан покланмас экан, олти душманини енгиб, уларни ҳақиқий ўзи(мени)га бўйсундириб олмас экан ва қалбида ўзининг ҳақиқий асл рухий табиати ҳақидаги илмни уйғотмас экан, - моддий олам бўйлаб саргардон бўлиб ва ҳар турли ҳаёт кўринишларида туғилаверади. 16. Шундай қилиб, шартланган рухнинг бу моддий оламдаги барча азоб-уқубатларининг сабабчиси - унинг сохта ўзлиги ("мен")и - унинг ақлидир. Тирик мавжудот токи мана шу ҳақиқатни тушуниб етмагунча моддий олам бўйлаб дайдиб юришга ва янгидан янги моддий таналарга эга бўлиб, азоб чекишга мажбурдир. Азоб-уқубатларнинг барчаси - касалликлар, мусибат, алданишлар, боғланишлар, очкўзлик, душманликлар унинг ақлида макон топган, шу сабабли рух(жонзот) моддий тана ичига қамалган ва адашганидан ўзини бу моддий оламнинг бир бўлаги деб ҳисоблайди. 17. Жиловланмаган ақл - тирик мавжудотнинг энг ашаддий душманидир. Агар ақлни ўз эркига қўйиб берса, уни назорат қилиб турмаса, у жуда кудратли бўлиб кетади ва охир оқибатда тирик мавжудотни бутунлай ўзига қарам қилиб олади. Ўзи моддий қувват бўлишига қарамай, у катта кудратга эга ва жонзотнинг ҳақиқий табиатини бутунлай қоплаб, яшириб қўйишга қодир. Эй шоҳ, рухий устознинг ва Худои Шахсининг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилиш қуроли билан мана шу душманини яқсон қил. Уларга ўз кучингни аямай, зўр иштиёқ билан хизмат қил!

Ўн иккинчи боб

Жада Бхарата ва Рахугананинг суҳбати

1. Шоҳ Рахугана шундай деди: - Эй улғу зот, сен Худонинг ўзидан, Худои Шахсидан фарқ қилмайсан. Ўзининг ҳақиқий табиатингни намоён қилиб, сен қалбимдаги шастралардаги маълумотларга мос келмайдиган, барча қарама-қаршилик ва гумонларни бартараф қилдинг. Сен ҳамиша илоҳий лаззатга ғарқ бўлгансан, аммо браҳманнинг ноқобил фарзанди кўринишида ўзингни яшириб юрибсан. Мен сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан бош эгаман. 2. Эй браҳманлар аълоси, менинг танам нопокликларга тўла, ғурур, манманлик илони чақиб заҳарлагани сабабли қалбим нигоҳи ҳам хиралашган. Мен ҳамма нарсага моддий нуқтаи назардан қараганим учун оғир хастаман. Аммо, худди жазирама иссиқда чанқаган йўловчининг чанқоғини қондирадиган совуқ сувдай, сенинг насиҳатларинг ҳам сеҳрли дармон сингари дарров ҳароратимни пасайтирди.

3. Менинг хали бир-икки гумонларим бор, лекин уларни сенга очишдан аввал шунга айтишим керакки, сен айтган сеҳрли йога усули ёрдамида ўзининг рухий табиатини англаш йўли мен учун жуда қийин туюляпти. Марҳамат қилиб уларни такрор тушунтириб бер, токи мен уларни яхшироқ англаб олай. Мен сенинг гапларинг сирини билиб олиш иштиёқда ёняпман. 4. Эй йога қудратининг ҳукмдори, сен айтдингки, гарчи бизнинг танамиз ҳаракат қилганида, баъзан биз чарчагандай бўлсак ҳам, чарчок аслида йўқ нарса: биз шунчаки одатга кўра шундай деб айтишга ўрганиб қолганмиз. Менингча, сенинг бу гапларинг, шунингдек бу мавзудаги саволлар ҳам, инсонга Мутлақ Ҳақиқатни англашда ёрдам беролмайди. Шунинг учун сенинг гапларинг мени бироз ўйлантириб қўйди.

5-6. Ўзининг рухий табиатини англаган брахман шундай деб жавоб берди: - Моддий унсурларнинг намоён бўлган ҳар хил кўринишлари ўзаро ҳаракат қилиб, бир-бирлари билан қўшиладилар ва ҳар турли таналарни яратадилар. Бу таналарнинг кўплари ердан таркиб топган. Ва ҳозир баъзи сабабларга кўра ана шундай таналар ер устида ҳаракат қиляптилар ва паланкинни кўтариб бораётган ҳаммоллар деб аталганлар. Қўпол моддий таналар ичида тошлар сингари кўзгалмас таналар ҳам бор. Ҳар нима бўлганда ҳам, моддий тана бу - оёқ, тизза, сон, гавда, бўйин ва калла кўринишидаги ердан бошқа нарса эмас. Ана шундай таналарнинг елкасига ёғоч паланкин қўйилган, паланкин ичида эса, "Саувира шоҳи" деб аталган тана ўтирибди. Шоҳнинг танаси ҳам - шунчаки тана қиёфасидаги ер парчаси, лекин, мана шу тананинг ичида "сен", менинг ҳукмдорим мавжудсан, ва ўзингни "Синдху ва Саувири вилоятларининг султони" - деб биласан.

7. Бу бахтиқаролар, сенинг паланкиннинг кўтариб бораётганлари эвазига ҳеч қандай ҳақ олмагани учун, бундай ноҳақликдан албатта қийналадилар. Улар ҳақиқатан ҳам ачинарли ҳолатда, сен ахир уларни зўрлик билан ўзинга хизмат қилишга мажбур қиляпсан. Сен фуқароларингга нисбатан жуда золимсан, шунга қарамай, мағрурлигиндан кўзларингни ёғ босиб, ўзингни уларнинг "ҳимоячиси" деб ҳисоблайсан. Бу шунчаки кулгили ҳол. Сен ўзингни шу қадар аҳмоқона тутяпсанки, агар сен ҳақиқий олим-донишмандлар орасига тушиб қолганида, сени ҳеч ким писанд қилмаган бўларди. 8. Бу сайёрада яшаётган ҳаммамиз ҳар хил таналарда мавжуд бўлган тирик мавжудотлармиз. Бирларимиз ҳаракат қилишга қодирмиз, баъзи бирларимиз қодир эмасмиз, аммо ҳар биримиз ҳам дунёга келамиз, бироз вақт яшаб турамыз, кейин эса, танамиз яқсон бўлиб, ерга аралашиб кетади. Шундай экан, барча тирик организмлар - шунчаки, ҳар хил кўринишларга эга бўлган ердан ўзга нарса эмас. Ҳар хил қобилият ва сифатларга эга бўлган бу таналарнинг барчаси ернинг ҳар хил шакл ўзгартиришлари натижасида пайдо бўлади ва яқсон бўлганида яна ерга қўшилиб кетади. Шунинг учун айтиш мумкинки, таналарнинг ўзлари эмас, фақат уларнинг номларигина мавжуддир. Бошқача қилиб айтганда бизларнинг барчамиз - (прах)ермиз, ва ерга қўшиламыз. Яхшилаб ўйлаб кўрган ҳар бир одам шундай хулосага келади. 9. Кимдир мана шу турли-туман таналарнинг манбаи Ер сайёрасидир, деб айтиши мумкин. Лекин ҳатто бутун коинотни ҳақиқатан ҳам мавжуд деб бўлмайди, гарчи у қандайдир вақт мобайнида мавжуд бўлиб турса ҳам.

Коинот атомларнинг ўзаро бирикиши натижасида пайдо бўлди, аммо атомларнинг ўзлари ҳам мангу эмас. Шунинг учун, гарчи баъзи файласуфлар атомни коинотнинг яралиш манбаи деб ҳисобласалар ҳам, аслида ундай эмас. Ҳар хил ранг-барангликларга эга бўлган мана шу коинотни қандай қилиб фақат атомларнинг ўзаро бирикиши натижасида пайдо бўлган деб ҳисоблаш мумкин? 10. Шундай қилиб, том маънода коинот мавжуд эмас, шунинг учун ундаги ҳамма нарсалар, шу жумладан баланд ва паст, семиз ва орик, катта ва кичик сифатлар орасидаги фарқлар ҳам, шунингдек ҳар хил сабаб ва оқибатлар, ҳаёт белгилари, моддалар - буларнинг барчаси хаёлий нарсалардир. Буларнинг барчаси ягона модда - ердан қилинган ва турли номлар билан аталадиган ҳар хил кўзалардан бошқа нарса эмас. Гарчи улар ўзларининг вазифалари, белгилари, сифатлари, ҳолати, мавжудлик даври, фаолият тури билан бир-биридан ажралиб турсалар ҳам, билгинки, уларнинг ҳар бири - шунчаки моддий табиатнинг моддий яратиш маҳсулидир. 11. Хўш, олий ҳақиқат нима экан ўзи? Олий ҳақиқат - моддий сифатлар иллати ўз таъсирини кўрсата олмайдиган мутлақ илмдир. Мана шу илм инсонни озодликка олиб чиқади. У англаб бўлмайдиган ягона ва ҳамма нарсани қамраб олувчи илмдир. Мана шу илмни англашнинг биринчи босқичида инсон Брахманни англаб етади. Иккинчи босқич - Олий Рух, Параматмани англашдир. Уни дунёвий ташвиш ва ғамларнинг барчасидан озод бўлган йоглар кўришга қодир бўлади. Бу юксак илмни тўла эгаллашга фақат Олий Шахсни англаган зотларгина қодирдирлар. Барча буюк донишмандлар шунга таъкидлайдиларки, Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Васудева - Брахманнинг ҳам, Параматманинг ва барча бошқа намоён бўлган қиёфаларнинг ҳам ягона манбаидир. 12. Эй шоҳ Рахугана, фақат танасига буюк содиқларнинг нилуфар қадамлари пойидан олинган чангни суртиш бахтига муяссар бўлган кишигина Мутлақ Ҳақиқатни англаб етишга қодирдир. Мутлақ Ҳақиқатга яқинлашиш учун брахмачаря бўлиб уйланмай юришнинг, оилавий ҳаёт куриб ўз бурчини виждонан бажаришнинг, уйни тарк этиб ванапрастха бўлишнинг, санньяса қабул қилишнинг ёки қаттиқ риёзатга берилиш(масалан, кишда совуқ сувда туриш, ёзда жазирама иссиқда гулханлар ўртасида ўтириш)нинг ўзи кифоя қилмайди. Мутлақ Ҳақиқатни англаш учун одамлар амалда қўлланадиган яна бир неча усуллар бор, лекин Мутлақ Ҳақиқат фақат буюк содиқнинг марҳаматига эришган кишигагина очилади. 13. Бу буюк содиқлар кимлар ўзи, биз кимлар ҳақида гапиряпмиз? Ана шундай содиқларнинг даврасида сиз ҳеч қачон дунёвий нарсалар - сиёсат, жамият ҳаёти ва ҳоказолар ҳақида бирор нарса эшитмайсиз. Соф содиқлар фақат Худонинг Олий Шахсининг сифатлари, намоён бўлган кўринишлари ва кароматлари ҳақида суҳбат курадилар. Улар ҳаммиша Парвардигорни олқишлайдилар ва Унга чуқур эҳтиром билан сажда қиладилар. Соф содиқлар билан ҳамсуҳбат бўлиб, уларнинг суҳбатларини камтарин ҳолда тинглаб, ҳатто Мутлақ Ҳақиқат билан қўшилишга интилаётган киши ҳам, вақти келиб ўзининг бу ниятини тарк этади ва ўзини Парвардигор Васудевага хизмат қилишга бахшида қилади. 14. Олдинги ҳаётларимдан бирида мен шоҳ эдим, мени Махараж Бхарата деб атардилар. Ўз ҳаётим тажрибасида дунёвий ишларнинг бемаъни ва ўткинчи эканини ан-

лаб етиб, мен уларнинг барчасини тарк этдим ва Ведалардан олинган илм ёрдамида рухий мукамалликка эришдим. Мен Парвардигорга хизмат қилиш билан бутунлай машғул эдим, аммо бахтга қарши, нима сабабдандир кийик боласига боғланиб қолдим. Бу боғланиш шунчалик кучли эдики, натижада мен рухий машғулотларимни бутунлай тарк этдим. Шу сабабли кейинги ҳаётимда кийик бўлиб туғилдим. 15. Эй шавкатли шох, ҳатто кийик танасида бўлиб ҳам, ўзимнинг олдинги ҳаётимни эслаб қолган эдим, чунки аввал Парвардигорга самимий хизмат қилардим. Аввалги ҳаётимдаги хатоим нимага олиб келганини билганим учун, ҳозир мен оддий, дунёвий ишларга жуда берилиб кетган одамлардан узокрок юраман. Мен уларнинг аҳмоқона таъсири остига тушиб қолишдан қўрмаман ва шунинг учун ёлғиз ҳолда, ўзимнинг кимлигимни яшириб айланиб юраман.

16. Улуғвор содиқлар билан шунчаки ҳамсухбат бўлиш шарофати билан ҳар қандай одам ҳам мукамал илмга эга бўлиши ва ана шу илм тиғи ёрдамида жонни моддий тутқунликда ушлаб турувчи алдамчи, дунёвий суҳбатлар таъсирининг чигал тугунини кесиб ташлашга қодир бўлади. Содиқлар билан бўлган суҳбат инсонга Парвардигор ҳақидаги хикояларни тинглаш, ва Уни улуғлаб, олқишлаш(шраванам-киртанам) билан Худого хизмат қилиш имкониятини беради. Шу тарзда инсон ўзининг қалбида Кришна онгини уйғотиши ва бу йўлдан ишонч билан бора туриб, ҳозирги ҳаётидаёқ Худонинг даргоҳига эришиши мумкин.

Ўн учинчи боб Бхарата ва Рахугана суҳбатининг давоми

1. Жада Бхарата шундай деди: - Эй Махараж Рахугана, моддий олам гирдобига тушиб, адашиб қолган тирик мавжудот такрор ва такрор келаверадиган туғилиб-ўлишлар азобини тортиб юради. Табиатнинг уч гунаси таъсири остида у фақат моддий қувват таъсирида қилинадиган ҳаракатларининг оқибатини кўради. Бу оқибатлар уч хилда бўлади: шарофатли, ҳалокатли ва аралаш. Шу тарзда тирик мавжудотда диний қоида(ақида)ларга, моддий фаровонликка, ҳиссий лаззатланишларга ва озодликка олиб чиқиш(Худо билан қўшилиш)ни кўзлайдиган монизм таълимотига боғланиш пайдо бўлади. Худди каттароқ пул ишлаш ниятида ўрмонга бориб, то қоронғу тушганча тинмай ўтин териш билан овора бўлган ўтинчи сингари, тирик мавжудот ҳам умр бўйи тиним билмай меҳнат қилади. Аммо, барча уринишларига қарамай тирик мавжудот ҳеч қачон бу дунёда ҳақиқий бахтга эриша олмайди. 2. Эй шох, моддий тириклик ўрмонида тирик мавжудотни олти кучли ва мохир қароқчи кутиб туради. Тирик мавжудот моддий бойлик излаб ўрмонга кирганида шу қароқчилар уни йўлдан адаштирадилар. У худди тажрибасиз савдогар сингари пулларини қандай ишлатишни билмайди, қароқчилар унинг пулларини тортиб олади. Баъзан унга яқин қариндошлари ҳужум қилади. Подани қўриқлаб юрган подачидан қўзичокни ўғирлаш учун пайт пойлаб турган йўлбарс, чиябўри ва бошқа йиртқич ҳайвонлар сингари, хотин ва болалари ҳар хил йўллар билан тирик мавжудотнинг қалбига йўл топадилар ва уни аёвсиз талайдилар. 3. Бу ўрмонга чуқурроқ

кириб борган сари шартланиб қолган рух тиканаклар, баланд ўтлар ва лиана(чирмовук)лар қалин ўсиб ётган, ўтиб бўлмайдиган жойларга бориб қолади. У ерда уни ҳар хил пашшалар(душманлар) аёвсиз чақа бошлайдилар. Баъзан у ўрмон ичида сароб, рўё қасрни учратади, баъзида эса унинг кўзи олдидан яшин тезлигида арвоҳ ёки ёвуз руҳлар учиб ўтади. 4. Эй шох, моддий олам ўрмонининг сўкмоғига тушиб қолган савдогар уйи, молу-дунёси ва қариндошларини ўйлаб, фойдалироқ иш топиш ниятида бир жойдан иккинчи жойга ўтиб юради. Баъзан унинг кўзлари тўфон кўтарган чанг билан қопланади, - бошқача қилиб айтганда, ҳирсий эҳтирос таъсири остида хотинининг гўзаллиги, айниқса ҳайз кўриш пайтида унинг бошини айлантиради. Ана шу тўфондан кўзи кўр бўлиб қолган тирик мавжудот олдидаги сўкмоқни кўрмай қолади, у ҳатто нима қилаётганини ҳам тушунмайди.

5. Моддий олам ўрмонида тентираб юриб, тирик мавжудот баъзан кўринмас чигирткаларнинг қулоқни титратувчи чириллашини эшитидади. Баъзида эса, худди душман одамнинг аччиқ гаплари сингари, бойўғлининг ёқимсиз даҳшатли товуши унинг қалбини қийноққа солиб титратиб юборади. Вақти-вақти билан жонзот гул ҳам, мева ҳам ўсмайдиган дарахт тагидан паноҳ топади. Совуқдан қийналиб, у бирор мева узиш учун шундай дарахт остига келади, лекин умиди пучга чиқиб пушаймон бўлади. Баъзан чанқаб сув излай бошлайди, аммо ҳеч ерда сув йўқ. Кўзига фақат рўё, сароб кўринади - у ана шу саробга қараб югуради. 6. Баъзида жазирама иссиқдан қийналиб шартланган тирик мавжудот саёз бўлиб қолган дарёга сакрайди, баъзан эса очликдан қийналиб, ҳеч қачон, ҳеч кимга, ҳеч нарса эҳсон қилмайдиган одамлардан бирор егулик овқат сўрайди. Баъзан у ўрмонга кетган ёнғинга ўхшаган оилавий турмуш оловида ёниб изтироб чекади, ёки ҳукуматнинг жуда катта солиқ олаётганидан, жонидан ҳам азиз бўлган бойлигини, мол-млуқини тортиб олаётганидан нолийди.

7. Баъзан шартланган руҳга қудратли душман ҳамла қилади. Душман уни қийнаб, охириги нарсасигача қолдирмай тортиб олади. Натижада у тушқунликка тушиб, йўқотган нарсаларига ачиниб, пушаймондан ҳатто ҳушидан кетиб қолиши мумкин. Вақти-вақти билан шартланган рух ҳаёлида ҳатто ҳашаматли саройлари бўлган бутун шаҳар қуриб ташлаши ва унда оиласи билан бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришни ҳавас қилиши мумкин. Баъзида у ўзини бутунлай бахтиёр сезиши мумкин, аммо унинг бундай бахти кўпга чўзилмайди, бир лаҳзагина давом этади, холос. 8. Ўрмон сўкмоғида дайдиб юриб, баъзида у тепалик ёки тоғ тепасига чиқишга уринади, аммо оёқ кийими чидамли бўлмаганидан тикон ва ўткир тошлар оёғига жароҳат етказиб, қаттиқ азоб беради. Баъзида эса у очлик азобидан ақли шошиб, гарчи уларга жуда боғланиб қолган бўлса ҳам, ғазаб оловини оила аъзоларига сочади. 9. Моддий олам ўрмонида шартланган тирик мавжудотга катта бўғма илон ҳамла қилади. У уни ютиб юборади ёки ўраб олиб қисиб бўға бошлайди, шунда ўрмонда худди ўликдек бўлиб, ҳушидан кетиб, ҳеч нарса тушунмай ётади. Гоҳида уни ҳар хил заҳарли илонлар чақади. Уларнинг заҳридан тирик мавжудот кўзи кўрмай, ҳушидан кетиб қолади ва мусибатларга тўла дўзахий ҳаётнинг чуқур қудуғига тушиб қолади ва у ердан бошқа кўтарила олмайди. 10. Бир лаҳзалик жинсий ҳаёт

лаззати илинжида одам бузуқи аёлларни излай бошлайди, ва баъзида ўша аёлнинг қариндошларидан ҳар хил ҳақоратлар эшитиб, калтак ейишга мажбур бўлади. Буларнинг ҳаммаси, худди асалари уясидан асал олишга уриниб, безовта бўлган ариларнинг чакқанидан қийналишни эслатади. Баъзида у хотинини катта молдунё эвазига сотиб олади, аммо қандайдир бошқа бузуқи одам унинг хотинини йўлдан уради ёки унинг бу лаззат манбаини ўғирлаб, олиб кетади.

11. Вақти-вақти билан тирик мавжудот кучли совук, жазирама иссиқ, кучли бўрон, ёмғир ва бошқа табиат кучлари билан кураш олиб боради. Табиат кучлари олдида ожиз қолиб, у ўзини жуда бахтсиз ҳис қилади. Баъзида эса савдо-сотик қилиб, қаллобларнинг алдовига тушиб қолади. Шу тарзда бир-бирларини алдаб тирик мавжудотлар ўзаро душман бўлиб қоладилар.

12. Моддий олам ўрмони сўқмоқларида сарсон бўлиб, инсон баъзида егулик бирор нарса тополмай қолади. Унинг на уйи, дам олиш ёки ётиш учун на бир пана жойи, на оиласида қувонч-шодлиги йўқ. Шунда у тиламчилик қила бошлайди, агар истаган нарсасига эриша олмаса, қарзга ботади ёки ўғирлик қилишга қўл уради. Бу ишлари учун уни ҳар хил қийноқларга солиб, ҳақоратлайдилар. 13. Пул сабабли одамлар орасидаги муносабатлар кескинлашади ва охир-оқибатда бу муносабатлар очиқ душманликка айланади. Одатда эр-хотин моддий фаровонлик йўлидан борадилар, бирлигини сақлаш учун тиним билмай ишлайдилар, аммо баъзан етар-етмаслик ва касалликлар туфайли жуда оғир аҳволга тушиб, ҳалокат ёқасига бориб қоладилар. 14. Эй шох, моддий ҳаёт ўрмони сўқмоғидан борар экан, тирик мавжудот ота-онасидан жудо бўлади. Уларнинг вафотидан сўнг, ўз фарзандларига бўлган боғланиши яна ҳам кучайиб кетади. Моддий фаровонлик йўлида адашиб юравериб, охирида у бутунлай гангиб қолади. Охир оқибат у, ҳатто бу ҳаёт чархпалагидан қандай кутулиш мумкинлигини ҳам билолмай ўлиб кетади. 15. Жаҳонда сиёсат бобида ёки жамиятга хизмат қилишда, ўзидан кучли рақибларни енгилда донг таратган машхур қахрамонлар кўп бўлган ва ҳозир ҳам бор. Лекин, шу қахрамонларнинг барчаси ғофиллиги сабабли, ўзлари туғилиб ўсган ерни ватани, ўз мулки деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун улар жанг майдонида бир-бирлари билан жанг қилиб ҳалок бўладилар. Ундай одамлар ҳеч қачон таркидунё қилган инсонлар танлаган руҳий юксалиш йўлидан бора олмайдилар. Улар буюк халқ намоёндалари ва йўлбошчилари бўлишлари мумкин, аммо руҳий ўзликни англаш йўлига кириш уларнинг қўлидан келмайди. 16. Баъзан моддий тириклик ўрмонида адашиб юрган тирик мавжудот чирмовуқлар соясида тин олади ва у ердаги қушларнинг сайрашларини тинглайди. Баъзида эса арслон наърасидан кўрқиб, у лайлак, турна ва калхатлар билан дўстлашади. 17. Ўзларини йог, свами ва аватаралар деб ҳисоблаган шундай зотлар уни алдаётганларини тушуниб, тирик мавжудот уларни ҳам тарк этишга қарор қилади. У ҳақиқатан ҳам Худонинг содиқ хизматкорлари бўлган солиҳ инсонлар олдига боради. Аммо, бу ерда ҳам уни аччиқ тақдир кутиб олади: руҳий устози ва бошқа улўғвор содиқларнинг насиҳатларига амал қилиш қўлидан келмай, бироз вақт ўтгандан кейин, тирик мавжудот уларни ҳам тарк этиб, фақат аёллар ва ҳиссий лаззатлар билан қизиқадиган маймунсифат одамлар олдига қайтиб келади. Ана шундай бузуқи ва

маишатхўрлар даврасида у шароб ва жинсий алоқалардан лаззатланишга интилади, шундай иллатларга булғаниб, у ўзининг инсон танасидаги нодир умрини хазон қилади. Умрини хазон қилаётган ана шундай одамлар юзини кўриб, у дунёдаги ҳамма нарсани эсидан чиқаради ва ўзининг руҳий ҳалокати жарлигига шиддат билан яқинлаша бошлайди.

18. Худди шохдан-шоҳга сакраб юрган маймун сингари, инсон то умрининг охиригача оилавий ҳаёт даврасида қолади ва унинг учун ҳаётдаги ягона лаззат - жинсий ҳаёт бўлиб қолади. Жинсий алоқа лаззати учун, худди эшак сингари, хотинининг ҳар хил азоб берадиган тепкиларига чидашга ҳам тайёр. У бу тузоқдан кутулиб кетолмай, ана шундай ачинарли кун кечиришда давом этади. Баъзида уни бедаво касалликлар азобга солиб қийнайди ва у ўзини худди жарлик тубига қулаб кетгандай сезади. Жарлик тубида кутурган фил сингари ўзини кутиб турган ажалдан кўрқиб, у жон ҳалотда, жарлик устидаги чирмовуқ ва шохларга титроқ билан маҳкам ёпишиб олади.

19. Эй душманларни яқсон қилувчи зот, агар қандайдир сабаблар билан тирик мавжудот, ўзига таҳдид солаётган бу ҳалокатдан кутулиб кетса, у шу заҳотиёқ яна жинсий ҳаёт билан машғул бўлиш учун уйига чопади, - моддий боғланганликнинг табиати мана шундай. Парвардигорнинг моддий қуввати таъсири остига тушиб қолган руҳлар моддий тириклик ўрмони ичра адашиб юришда давом этадилар ва ҳатто танасини тарк этиб, ажали келганда ҳам улар ўзларининг ҳаётдаги асосий вазифалари, яшашдан мақсади ҳақида ўйлаб кўрмайдилар. 20. Эй шох Рахугана, сен ҳам ана шу ташқи қувват таъсири остида адашган ва ҳиссий лаззатлар илинжида моддий ҳаёт йўлидан бораётган жонларнинг бирисан. Агар сен ҳар бир тирик мавжудотнинг дўсти бўлишни ва барчага бир хил муносабатда бўлишни истасанг, гапларимга диққат билан қулоқ сол: шохона салтанатингдан воз кеч, жиноятчиларни жазолаш амалингни тарк эт. Ҳиссий лаззат келтирадиган нарсаларга интилиш истагидан халос бўл ва ҳақиқий илм қиличи билан қуролланиб ол, Худога садоқатли хизмат қилиш билан қиличинг тигини ҳаммиша ўткирлаб юр, шунда сен алдамчи қувватнинг чигал туғунини бемалол ечиб, ғофиллик уммонини кечиб ўта оласан.

21. Шох Рахугана шундай деди: - Бу оламдаги ҳеч бир ҳаёт тури инсон ҳаёти билан тенглаша олмайди. Жаннатий сайёраларда фаришта бўлиб туғилгандан кўра Ер юзиде инсон бўлиб туғилган афзал. Фаришта даражасига кўтарилган тирик мавжудот нимага эришадди? Жаннатий сайёраларнинг аҳолиси барча моддий қулайликларга эга ва шохона шароитлар ичида яшайдилар. Шунинг учун уларда Худонинг содиқ хизматкорлари билан ҳамсуҳбат бўлиш имконияти йўқ. 22. Шунчаки сенинг нилуфар қадамларинг пойидан олинган чангни бошларига суртиш шарофати туфайли инсон, ҳатто Браҳма ва бошқа буюк фаришталар ҳам эга бўлолмайдиган, Адхоқшаджа (Парвардигор)га соф садоқат билан хизмат қилиш ҳуқуқига эга бўлишининг ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Сен билан бўлган бир лаҳзалик суҳбат натижасида мендаги моддий тутқунлик дарахти илдизлари: манманлик, гердайиш, алдамчи нарсаларга интилиш ва ҳақни хоҳадан ажрата билмаслик каби кўринишлари биратўла яқсон бўлди. Энди мен тирик мавжудотни моддий тутқунликда ушлаб турувчи

мана шу қармоқ, кишанлардан халос бўлдим. 23. Ер юзида ёш бола, ўспирин, авахута ва улўвор брахманлар қиёфасида айланиб юрган барча авлиёлар олдида мен чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. Мен, ҳатто улар ўзларининг ҳақиқий улўворликларини яшириб юрган бўлсалар ҳам, уларнинг ҳар бири олдида алоҳида бош эгаман. Ана шу буюк зотлар баъзида уларнинг бошига ҳар хил ташвишлар келтирадиган менга ўхшаган бахтиқаро ҳукмдорлардан ўз марҳаматларини аямасинлар!

24. Шрила Шукадева Госвами давом этди: - Эй Утаранинг ўгли, шоҳ ўзининг паланкинини кўтаришга мажбур қилиб, Жада Бхаратани ҳақорат қилганида, Жада Бхаратанинг кўнглида норозилик туйғуси туғён урган эди, аммо у ўз ҳиссиётига эрк бермади, шунда унинг қалби хотиржам бўлиб, худди катта океан сингари яна ўзининг осойишта ҳолатига қайтди. Шоҳ Рахугана ўзини унга нисбатан жуда кўпол тутди аммо, буюк парамахамса ва кўнгли бўш вайшнав бўлган Жада Бхарата, раҳми келиб унга моддий оламдаги руҳнинг асл табиати ҳақида гапириб берди. Шоҳ Рахугана унинг оёқларига йиқилиб, қилган ҳақорати учун кечирим сўраганида эса, Жада Бхарата унинг ўзига нисбатан қилган гуноҳини бутунлай унутиб юборди. Шоҳ ёнидан кетгандан кейин, у ўзининг саёҳатини давом этдирди.

25. Буюк содиқ Жада Бхаратадан олган насиҳатларига амал қилиб Саувира ҳукмдори Махараж Рахугана руҳнинг табиатини мукамал англаб етди ва ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурларидан бутунлай халос бўлди. Эй шоҳ, Худонинг содиқ хизматкорининг паноҳига эришган ҳар бир инсон ҳам, ҳар қандай олқишга сазовордир, чунки у тез орада ўзини танага қиёслашни тарк этади.

26. Шоҳ Парикшит шундай деди: - Эй ҳукмдорим, эй буюк донишманд ва солиҳ инсон, сен ҳамма нарсадан хабардорсан. Шартланган руҳни ўрмондаги савдогарга тенглаштириб, сен унинг ҳолатини жуда ажойиб тушунириб бердинг. Сенинг бу нодир насиҳатларининг фаросатли одамларгина тушуна оладилар. Ўзини танасига қиёслайдиган кишининг ҳиссиёти ўрмондаги қароқчиларга, хотин ва болалари эса - чиябўри ва бошқа қонхўр ҳайвонларга ўхшайди. Аммо фаросати етишмайдиган кишилар учун бу масал жумбоқ бўлиб қолаверади, чунки чуқур маъноли гапларни тушуниш осон эмас. Шунинг учун эй шоҳ, мен сендан унинг асл маъносини тушунириб беришни илтимос қиламан.

Ўн тўртинчи боб

Моддий олам

лаззатлар ўрмони тимсолида

1. Шукадева Госвами шундай деди: - Эй шоҳ, савдогар одам ҳаммаша кўпроқ пул топиш йўлини ўйлайди. Баъзида у шаҳар бозорида қимматроқ сотиш учун арзон моллар - ўтин, лой ва бошқа нарсалар тўплаш ниятида ўрмонга келади. Худди шундай, очкўзлик домига тушиб қолган шартланган руҳ(жон) бу дунёга моддий лаззат излаб келади. Ўрмон ичкарасига чуқур кириб кетган савдогар ҳамма вақт орқага қайтиб чиқиш йўлини топавермайди, худди шундай, аслида пок бўлган руҳ ҳам, моддий оламга келгандан кейин, Парвардигор Вишнунинг амри билан, ташқи қувват яратиб қўйган моддий

оламнинг қонунлари ҳукми остига тушиб қолади. Шу тарзда тирик мавжудот Парвардигорнинг ташқи қуввати, дайви-майянинг асири бўлиб қолади. Муस्ताқил равишда ҳаёт кечирिशга уриниб, у моддий олам ўрмонида сарсон бўлиб, бутун умрини Парвардигорга холис хизмат қилишга бахшида қилган содиқ хизматкорлар билан учрашишдан ўзини четга олиб ўтказди. Ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлари таъсири остида шартланган тирик мавжудот, ҳар бири моддий қувват ҳукми остида бўлган ва табиатнинг уч гунаси ҳаракатга келтирадиган турли таналарга эга бўлади. Бир танадан иккинчи танага кўчиб юриб, у гоҳ жаннатий сайёраларга, гоҳ ер сингари ўрта сайёраларга ва гоҳ куйи сайёраларга тушади. Ҳар бир танада у қаттиқ изтироб чекади. Бу изтироблар ҳар хил бўлади: баъзан жуда кучли, баъзида заиф. Шартланган тирик мавжудот чекаётган тана изтироблари унга ақли(нафси)нинг фаолияти натижасида келади. У ақли ва беш ҳиссиёт аъзосидан атроф-муҳитни ўрганиш учун фойдаланади. Унинг мана шу фаолияти кейинги ҳаётда қандай танага эга бўлишини аниқлайди. Шу тарзда ташқи қувват, майянинг ҳукми остида шартланган жонзот ўзининг ҳиссий органлари ёрдамида ҳаракат қилади ва моддий тирикчилик азобини тартади. У мусибатлардан қутулишга уринади, аммо, гарчи кўп уринишлар натижасида вакгинчалиқ енгилликка эришса ҳам, одатда ҳеч қачон бунинг уддасидан чиқа олмайди. Тирикчилик учун қураш билан машғул бўлиб шартланган тирик мавжудот, ажойиб гуллар нектарини йиғиб юрадиган асаларилар сингари, Парвардигор Вишнунинг нилуфар қадамлари пойига муҳаббат билан хизмат қилиб юрган соф содиқларнинг паноҳи остига кира олмайди. 2. Моддий тирикчилик ўрмонида қароқчилар - жиловланмаган ҳиссиётлар яшайди. Баъзан инсон пул тўплашга интилади ва қалбида Кришна онгини ривожлантириш учун, бу пулларни руҳий мақсадларга эҳсон қилишни истайди, аммо, афсуски жиловланмаган ҳиссиётлар уни моддий лаззатларга ундаб, ҳамма пулларини олиб қўяди. Қароқчи ҳиссиётлари, оғир меҳнат билан топган пулларини ўзларининг кўриш, таъм билиш, эшитиш, ҳид билиш ва сезиш туйғулари ёрдамида лаззатланиш истагини қондиришга ишлатишга тирик мавжудотни мажбур қиладилар. Ҳиссиётининг талабларини қондиришга мажбур бўлган киши шу тарзда бутун мол-дунёсидан маҳрум бўлади. Бу пулларнинг барчаси унга руҳий юксалиш йўлидан боришга ёрдам бериши керак эди, аммо очофат ҳиссиётлари уни ўзлари ўзлаштириб оладилар. 3. Эй шоҳ, моддий оламда оила аъзолари, - гарчи улар хотин ва фарзандлар деб аталсалар ҳам, - худди йўлбарс ва чиябўриларга ўхшайдилар. Чўпон ўз подасини қанчалик ҳушёрлик билан қўриқламасин, йўлбарс ва чиябўрилар барибир унинг қўйларини ўғирлаб оладилар, худди шунингдек, хасис одам пулларини қанчалик яширмасин, оила аъзолари барибир уларни тортиб оладилар. 4. Ҳар йили деҳқон ерни чопиқ қилар экан, барча ёввойи ўтларни томири билан суғуриб ташлайди. Аммо, уларнинг ер остидаги илдизлари ёнмай қолгани сабабли, сепилган уруғлар билан бирга ёввойи ўтлар яна кўкариб чиқаверади. Ҳатто дала яхшилаб тозалангандан кейин ҳам, бироз вақт ўтиб, ёввойи ўтлар яна қалин бўлиб кўкариб чиқади. Худди шунингдек, грихастхаашрам, яъни оилавий турмуш - бу кармали фаолият уруғлари қайта-қайта ўсиб чиқаверадиган далага ўхшайди. Агар оилавий ҳаёт лаззатидан баҳра

олиш истаги томиригача ёкиб кул қилиб юборилмаса, у такрор ва такрор униб чиқаверади. Бу худди камфара солиниб турган кўзагага ўхшайди. Ҳатто камфарани тўкиб ташласангиз ҳам, кўзадан унинг ҳиди келиб тураверади. То қалбидаги моддий истаклар уруғи бутунлай йўқотилмагунча инсон кармали фаолият билан шуғулланишда давом этаверади. 5. Оилавий турмуш кечираётган ва ўзининг пулларига ва мол-мулкига боғланиб қолган шартланган тирик мавжудотга, гаплари пашша ва чивинларнинг чақиши сингари ёқимсиз бўлган пасткаш ва ҳасадгўй одамлар ҳар хил ташвиш келтирадилар, баъзида эса, уйга каламуш ва йиртқич қушлар сингари ўғрилар кирадилар. Аммо шунга қарамай одам моддий тирикчилик йўлидан судралиб бораверади. Гофиллиги туфайли у эҳтирос чангалига тушиб қолади ва ўзини кармали фаолият билан машғул қилади. Унинг ақли бутунлай шундай фаолият билан машғул, шунинг учун, гарчи аслида ўткинчи, ҳаводан ясалган қаср сингари сароб бўлса ҳам, бу моддий олам унга мангу бўлиб туюлаверади. 6. Мана шу ҳаводан қурилган қаср ичида (гандҳарва-пурида) шартланган жонзот овқатланади, ичади ва ҳиссий лаззатларга берилади. Ҳиссий лаззат келтирадиган нарсаларга қаттиқ боғланиб қолиб, у худди чўлда кўринган сароб сув манбаига қараб югураётган кийик сингари, лаззат берадиган нарсалар изидан тинмасдан елиб югуради. 7. Баъзида шартланган руҳни олтин деб аталадиган "сарик ахлат" ўзига маҳлиё қилиб қолади. Унинг изидан тирик мавжудот ҳатто дунёнинг нариги чеккасига боришга ҳам тайёр бўлади. Олтин - моддий фаровонлик тимсоли бўлиш билан бирга одамлар орасида пайдо бўладиган душманлик ва низоларнинг асосий сабабчиси ҳамдир. (Кўп олтинга эга бўлган киши хоҳлаганича айшу-ишрат қилиш, қимор ўйнаш, гўшт ейиш ва маст қилувчи ичимликлар ичиш имкониятига эга бўлади). Олтин, ақли ҳирс гунаси таъсири остига тушиб қолган кишиларни ўзига жалб қилади. Улар, худди ўрмонда совқотган кишининг узоқ балчиқда ялтираб кўринган нарсани гулхан деб ўйлаб, исиниш учун чопгани сингари, олтинни эгаллаш пайига тушадилар. 8. Гоҳида шартланган руҳ турар жой, сув, пул ва шу каби ҳаёт учун зарур бўлган нарсаларни излашга муккасидан кетади. Ўзининг моддий ҳаёти учун зарур бўлган эҳтиёжларини қондириш билан банд бўлиб, у ўзининг ҳақиқий вазифаси, бурчи нимадан иборат эканини унутиб қўяди ва тиним билмай моддий тирикчилик ўрмонида санғиб, адашиб юради.

9. Баъзида шартланиб қолган одамнинг кўзи прамада, яъни "ақлдан оздирувчи" деб аталадиган аёл зотига тушиб, унинг гўзаллигига маҳлиё бўлиб қолади. Шундай пайтларда у, худди кўзлари шамолдан кўрмай қолган кишига ўхшайди. Аёлни кучоғига кириб қолган одам эҳтирос таъсири остида ҳамма нарсани унутиб юборади. Эҳтирос алангасида ёниб, у жинсий ҳаётни чекловчи барча диний кўрсатмаларга зид ишлар қилади. Гуноҳини фаришталар кузатиб турганидан беҳабар шундай одам, тун ғира-ширасида ноқонуний жинсий алоқа билан лаззатланади ва бунинг учун келажакда уни қандай жазо кутиб турганини ўйлаб ҳам ўтирмайди. 10. Баъзида шартланган тирик мавжудотнинг ўзи, моддий ҳаёт лаззатидан баҳраманд бўлиш орзуси - ушалмайдиган орзу, бемаъни ҳаракат эканини англаб қолади. Ҳиссий лаззатлар фақат ноҳушлиқлар олиб келаётганини тушунади. Аммо, шундай тирик

мавжудот ҳаёт ҳақида бутунлай моддий тасаввурга эга бўлгани сабабли, ўзига аён бўлган бу ҳақиқатни тезда унутиб юборади ва худди чўлда чанқаган ҳайвоннинг сароб кетидан югургани сингари, яна моддий лаззатлар кетидан қува бошлайди. Баъзан шартланган руҳ душманларнинг зуғумидан, шунингдек ҳукмдор мансабдорларнинг юзига ёки орқасидан айтган қаттиқ ҳақоратларидан қаттиқ қийналади. Уларнинг аччиқ гаплари унинг қулоғини қийнаб, юрагини қон қилади. Шундай гапларни бойўғлининг сайраши ва чигирткаларнинг чириллашига ўхшатиш мумкин. 12. Олдинги ҳаётларида қилган хайрли ишларининг натижаси сифатида, шартланган жонзотнинг ҳаётида ўз-ўзидан ҳар хил моддий саодатлар келади. Бу саодатлар тугай бошлаганида тирик мавжудот янги бахт-саодатларга интила бошлайди, аммо интилишлари на ҳозирги ҳаётида, на кейинги ҳаётида унга бирор наф келтирмайди. Гоҳи шартланган руҳ ёрдам сўраб тирик мурдалардан фарқ қилмайдиган ҳиссиз, тошбағир, қар одамларга мурожаат қилади. Шундай одамларни беҳосият дарахтларга, чирмовуқларга ва суви заҳарланган қудуқларга ўхшатадилар. 13. Баъзида ўзининг моддий тириклик ўрмонидаги мусибатларини енгиллатиш учун шартланган жонзот, атеистлардан оқ йўл (дуои-фотиҳа) тилайди. Шундай одамлар орасида юриб, у бутунлай ақлини йўқотиб қўяди. Бу худди қуриган дарёга сакрашга ўхшайди: иссиқдан ҳам қутулмайсан, бунинг уситига бўйнингни ҳам синдирасан. Вақти-вақти билан шартланган жонзот таълимотлари Ведалар таълимотига зид бўлган сохта садҳу ва свамиларга мурожаат қилади. Уларнинг таълимотлари унинг на бу ҳаётида, на кейинги ҳаётида ҳеч қандай саодат келтирмайди. 14. Бошқалар ҳисобидан яшашга шунча уринишларига қарамай, шартланган тирик мавжудот ўзининг тирикчилиги учун нарса тополмай қолганида, қанчалик оз бўлса ҳам, отасининг ёки ўғлининг давлатини тортиб олишга ҳаракат қилади. Агар қариндошларидан ҳеч нарса ундира олмаса, уларга ҳар қандай ёмонлик қилишга тайёр бўлади. 15. Бу дунёдаги оилавий ҳаёт ловуллаб ёнаётган ўрмон ёнғинига ўхшайди. У инсонга ҳеч қандай бахт келтирмайди ва фақат аламу-пушаймонларга дучор қилади, холос. Оилавий турмушда инсонни ҳақиқатан ҳам бахтли қиладиган бирор нарса йўқ. Оилавий турмуш ишларига фарқ бўлган шартланган тирик мавжудот пушаймонлар оловида ёниб юради. Баъзида у ўзининг аччиқ тақдирига лаънатлар ўқийди, гоҳида эса, аввалги ҳаётида ҳеч қандай хайрли ишлар қилмагани сабабли, мусибат чекаётганини айтиб нолийди. 16. Ҳукмдорлар ҳамма вақт ҳам рақшасларга - қонхўр, иблис, одамхўрларга ўхшайдилар. Баъзида шундай ҳукмдорлар шартланган руҳга ташланиб, унинг бутун мол-мулкани тортиб оладилар. Узоқ умри давомида тўплаган мол-мулкидан ажралиб, шартланган руҳ қаттиқ изтироб чекади. Шунда гўё ҳаёт уни бутунлай тарк этгандай бўлиб туюлади. 17. Гоҳи шартланган руҳ, ўлган отаси ёки бобосини ўзининг хонадонига ўғли ёки невараси кўринишида келган деб ўйлайди. Бундай ўйлар худди баъзида тушда бўлгани сингари, унга роҳат бағишлайди. Шу тарзда шартланган тирик мавжудот ўзининг ҳаёлий таассуротлари билан лаззатлангандай бўлади.

18. Кармали фаолиятни тартибга солувчи қоидаларга асосан, оилали киши ҳар хил ягълар - (ўғил ва қизлари учун никоҳ маросимларини), шунингдек

ўғиллари учун мукаддас зуннор тақиш маросимини ўтказиши лозим. Буларнинг ҳаммаси грихастханинг вазифаларидир. Уларни ўтказиш учун жуда кўп маблағ ва харажатлар керак бўлади. Моддий фаолиятга боғланиб қолган киши оилавий турмуш вазифаларини, тепасига тирмашиб чиқиши зарур бўлган, баланд тоққа ўхшатади. Барча урф-одатларга амал қилишга тиришаётган киши, худди оёқларини яра қиладиган қоя ва тиканаклар тўлиб ётган баланд тоғ чўққисига чиқаётгандай қаттиқ чарчайди, азоб чекади. Шу тарзда моддий ҳаёт шартланган рухга сон-саноксиз, чексиз мусибатлар келтиради. 19. Гоҳида шартланган зотни қаттиқ очлик ва чанқоқ азоби қийнайди. Шундай пайтларда у ташвишга тушади ва сабр тоқатини йўқотиб, захрини севимли ўғил-қизлари ва хотинига сочади. У оила аъзоларига жуда кўпол муомалада бўлади ва бунинг натижасида ўзи бадтар қийналади.

20. Шукадева Госвами давом этди: - Эй шоҳ Парикшит, уйқу - моддий тириклик ўрмонида адашиб юрганларнинг барчасини ютиб юборишга тайёр турган қатта бўғма илонга ўхшайди. Ана шу (питон)бўғма илон домига тушиб қолган шартланган жонзотлар, худди қалин чангалзорда ётган мурдалар сингари, ғафлат ботқоғига ботган бўладилар, улар атрофида нималар содир бўлаётганини тушунмайдилар. 20. Баъзан моддий тириклик ўрмонида шартланган рухга илонлар ва бошқа ёвуз махлуқларга ўхшаган душманлар тажовуз қиладилар. Уларнинг касофатидан шартланган рух ўзининг жамиятдаги обрў-эътиборини йўқотади. Тушкунликка тушиб, у ҳатто хотиржам ухлай олмай қолади, натижада бадтар бахтсиз бўлиб, аста-секин бутунлай ақлини йўқотади. Унинг онги пасайиб кетади ва узок вақтга ғофиллик ботқоғига ғарқ бўлади. Унинг ҳолати кўзи кўр кишининг ҳеч қачон чиқиб бўлмайдиган жарликка қулаганига ўхшайди. 22. Баъзан шартланиб қолган киши ҳиссий лаззатлар келтирадиган арзимас бахтни деб, зинога қўл уради ёки бировнинг хотинини ёки молини ўғирлайди. Бу қилмиши учун уни одил суд ҳукмига мубғало қилишлари ёки ўғирлаган хотинининг эри ёки яқинлари қаттиқ жазолашлари мумкин. Шундай арзимас моддий лаззатланиш истаги оқибатида одам дўзахдан ҳам бадтар жойларга - хотин ўғирлаганларни, зўравонлик, ўғирлик ёки бошқа жиноят қилганларни қамайдиган зиндонга тушиб қолиши мумкин.

23. Шунинг учун рухий илми чуқур эгаллаган одамлар дунёвий, моддий, қармали фаолият йўлини рад этадилар, чунки бундай фаолият тирик мавжудот мубғало бўладиган моддий мусибатларнинг биринчи сабаби, ҳозирги ва кейинги ҳаётларида тортадиган азоб-уқубатлари униб чиқадиган асос ҳисобланади. 24. Баъзида одам бегона пулларни ўғирлаши ёки алдаш йўли билан уларга эга бўлиши, лекин бунинг учун жазо олмай қолиши мумкин. Аммо кейин, Девадатта унинг бу пулларини қаллоблик билан тортиб олади. Вишнумитра эса уларни Девадаттадан ўғирлаб олиб ўзи ўзлаштиради. Шу тарзда пуллар ҳеч қачон бир жойда турмайди, ҳамиша бир қўлдан иккинчи қўлга ўтиб юради. Аслида ҳеч ким бу пуллардан ўз лаззати учун фойдалана олмайди, чунки улар Худо Шахсининг мулкидир.

25. Шартланган рух ўзини моддий тирикликнинг уч хил азоб-уқубатларидан ҳимоя қила олмайди, шунинг учун унинг ҳаёти ҳамиша қайғу-аламга тўла бўлади. Бу уч турдаги азоб-уқубатлар фаришталар томонидан юбо-

риладиган мусибатларни, бошқа тирик мавжудотлар томонидан келадиган азобларни ва ўзининг ақли ва танаси келтирадиган азобларни ўз ичига олади. 26. Баъзан одамлар ўзаро ҳар хил тижорат шартномалари тузадилар, аммо мабодо уларнинг бирортиаси бошқасини озгина миқдор пулга алдамоқчи бўлса, улар бир-бирлари билан ашаддий душман бўлиб қоладилар. 27. Аввал айтиб ўтганимдай, моддий тирикчилик йўлида шартланган рух жуда кўп қийинчиликларга учрайди. Бахт, мусибат, боғланганлик, нафрат, кўрқув, ўзига бўлган ишонч, алданиш, ақлсизлик, қайғу, адашиш, очкўзлик, ҳасад, ғанимлиқ, хафачилиқ, очлик, омадсизлик, касаллик, туғилиш, кексалиқ, ўлим - мана шуларнинг барчаси шартланган рухга сон-санокиз мусибатлар келтиради. 28. Шартланган тирик мавжудотни кўпинча сароб, алданиш тимсоли бўлган хотини ёки машуқаси махлиё қилиб қўяди, ва у хотинининг кучоғида эркаланиб қолиб кетади. Ақлини йўқотиб, ҳаётнинг олий мақсадини эсидан чиқариб, у рухий илм олиш учун қилаётган барча интилишларини унутиб қўяди. Хотинига қаттиқ боғланиб қолгани сабабли, ундай одам фақат у билан хилват, шинам жойда ёлғиз қолишни ўйлайди. Кейин, муносиброқ жой топиб олгандан сўнг, оила ишларига муккасидан киришиб кетади. Хотини ва фарзандларининг гаплари, қарашлари ва қилиқларига махлиё бўлиб, у Кришнани, Худони англашни бутунлай эсидан чиқариб юборади ва моддий ҳаётнинг қоронғу зулматига ғарқ бўлади. 29. Парвардигор Кришнанинг қудратли қуроли - Унинг халқасини - "хари-чакра", Харининг халқаси деб атайдилар. Мана шу Хари-чакра замона чархпалаги ҳисобланади. У коинотнинг атомнинг пайдо бўлишидан тортиб, то Браҳманинг ўлимигача бўлган бутун борлигини қамраб олади, ва унда бўлаётган ҳамма жараёнларни бошқариб туради. Ҳамиша ҳаракатда бўлиб, айланиб турар экан, у хоҳ кичкина майса бўлсин, хоҳ Тангри Браҳма - ҳар бир мавжудотнинг умрини қисқартира боради. Унинг ҳаракати билан мос равишда бизлар болалиқ, ўсмирлик, ёшлиқ, навқиронлик ва ниҳоят ажал поғоналаридан ўтамиз. Замона чархпалагини тўхтатишнинг иложи йўқ. Худонинг Олий Шахсининг қуроли бўлган ҳолда, у ўзгармас аниқлик билан ҳаракат қилади. Яқинлашаётган ажал балосидан кўрққанидан, шартланган рухлар таҳликага солаётган шу хавфдан қутқарадиган Зотга сажда қилишга тайёр бўладилар. Аммо, мангу замоннинг ҳукмдори бўлган Худои Таолонинг ўзига мурожаат қилиш ўрнига улар нотўғри, ишончсиз манбаларда кўрсатилган сохта "худо"лардан мадад сўрайдилар. Шундай "худо"лар калхат, кузғун ва қарғаларга ўхшайди. Уларга сажда қилиш, сиғиниш Ведаларда кўрсатилмаган. Ажални шерга, арслонга тенглаштирадилар. Қарға, кузғун ва калхатлар ҳеч кимни шернинг ҳамласидан қутқара олмайди ва худди шунингдек, ўзларини "худо" деб атайдиган зотлар ҳам, ўзига сиғиниб юрганларни ажал домидан қутқара олмайдилар.

30. Худонинг Олий Шахсига ишонмайдиган ва ўзларини худо, свами ва йога деб атаб юрганларни "пашанди"лар деб атайдилар. Уларнинг ўзлари алданган ва рухий жиҳатдан кўр ҳисобланадилар, чунки ҳақиқий рухий юксалиш йўлини билмайдилар, ва уларга мурожаат қилган кишилар ҳам алданиб қоладилар. Баъзи одамлар алданганини тушуниб, ведаларга ҳақиқий амал қилувчиларга (брахманларга ва Кришна-

ни англаб етганларга) мурожаат қила бошлайдилар. Улар барчани Худо Шахсига Ведаларда кўрсатилгандай сиғинишга ўргатадилар. Аммо Ведаларнинг кўрсатмаларига амал қила олмайдиган ярамаслар яна ғофиллик ботқоғига ботиб кетадилар ва ўзларини жинсий алоқа лаззатига ғарқ бўлган шудралар ичига урадилар. Жинсий алоқа - хайвонларнинг, айниқса маймунларнинг, ҳаётдаги энг асосий лаззати хисобланади, шунинг учун шундан лаззат олишга интиладиган одамларни бемалол "маймундан таркаганлар" деб аташ мумкин. 31. Маймундан таркаган, одатда шудра деб аталадиган одамларга кўпинча ўзига ўхшаганлар билан ҳамсухбат бўлиш хуш ёқади. Яшашдан асосий мақсад нима эканини билмасдан, улар ўзлари хоҳлаганларича яшаб, кўнгли хоҳлаган ишларни қилиб кун кўрадилар. Уларнинг кўзлари бир-бирига тушиши биланок, дарров ҳиссий лаззатланиш эсига тушади ва вужудларини жинсий яқинлик лаззатидан баҳраманд бўлиш истаги бутунлай камраб олади. Улар ҳамиша моддий фаолият(грамья-карма) билан машғул ва дунёвий лаззатлар учун тиним билмай ишлайдилар. Шу тарзда улар ўз умрларининг қисқа эканини, умри тугагач эса, бундан ҳам бадтарроқ ҳаёт шароитига тушиб қолишини эсларидан чиқариб юборадилар.

32. Дарахтдан дарахтга сакраб юрган маймун сингари, шартланган рух бир танадан иккинчи танага сакраб юради. Овчи маймунни тутиб олади ва қафасга камаб қўяди, у қафасдан чиқа олмайди. Худди шунингдек, бир лаҳзалик жинсий алоқа лаззатига маҳлиё бўлган шартланган рух ҳам ўзида, ҳар турли моддий таналарга боғланиш туйғусини ривожлантиради ва оилавий ҳаёт қафасига тушиб қолади. Унинг оилавий турмушида баъзан байрамона дақиқалар - жинсий алоқадан лаззат олган пайтлари ҳам бўлиб туради. Шу тарзда алданган шартланган рух моддий ҳаёт тутқунлигидан озодликка чиқиш имкониятидан бутунлай маҳрум бўлади. 33. Моддий дунёда яшар экан, шартланган рух ўзининг Худо Шахси билан ўзаро муносабатларини унутиб юборади ва Кришнани англашдан бош тортади. У ҳамиша турли гуноҳ ишларга қўл уради ва шу сабабли ҳаётда уч хил азоб-уқубатларга дучор бўлади. Кутурган катта фил сингари ажали яқин келганида эса, рух қоронғу ғор ичида қолгандай, кўркувдан титрай бошлайди. 34. Шартланган рухнинг танаси ҳар турли ташқи шароитлардан, масалан қаттиқ совуқ ёки шамолдан азобланади. Шунингдек уни бошқа тирик мавжудотлар ва табиий офатлар қийнайди. Ана шу азоб-уқубатлардан қочиб қутулиш имконини топа олмаган шартланган тирик жон уларга чидашга мажбур ва шунинг учун ҳаётда ўзини жуда бахтсиз ҳис қилади, ахир у бу моддий оламга азобланиш учун эмас, балки лаззатланиш учун келган эди-да. 35. Тижорат шартномалари тузиб, шартланган рухлар бир-бирини алдайдилар, алдаш ўзаро душманлик, нафрат келтириб чиқаради. Арзимас фойда изидан қувиб, улар дўстлик ришталарини узиб бир-бирининг душманига айланадилар. 36. Баъзида шартланган рухнинг на пули, на бошпанаси, на ҳаёт учун энг зарур нарсалари бўлмай қолади: унинг ҳатто ўтириб дам олишга ҳам имкони бўлмай қолади. Бошқача қилиб айтганда, ҳаётда у қаттиқ муҳтожликларга дуч келади, агар зарур эҳтиёжларини тўғри, ҳалол йўл билан қондира олмаса, у ўзгалар мулкига кўз олайтиради. Кўпинча бундай уринишлар натижасида у калтак ва хўрланишдан бошқа

ҳеч нарсага эриша олмайди. Шунда у қаттиқ изтироб чека бошлайди. 37. Баъзан ўзининг шахсий манфаатларини кўзда тутиб, одамлар ўзлари аслида ёмон кўрадиган аёлларга уйланадилар. Аммо бундай никоҳлар узокқа чўзилмайди, тез орада улар ажралиб кетадилар. 38. Моддий ҳаёт йўли қийинчиликларга тўла, ва ундан бораётган шартланган рух ҳаётда чексиз мусибатларга дуч келади. Гоҳида у бирор нарсага эга бўлади, баъзида йўқотади, аммо унда ҳам, бунда ҳам, у барибир ҳар хил хавф-хатарлар чангалида қолаверади. Эртами-кечми у отасидан ажралиб кетади: ё отаси вафот этади, ё тақдир уларни бошқа сабаблар билан бир биридан ажратади. Отасиз қолгандан кейин шартланган рух ўзининг фарзандларига ва бошқа қариндошларига яна ҳам қаттиқроқ боғланиб қолади. Гоҳида у тўғри фикр юритиш қобилиятини йўқотиб қўяди, гоҳида кўркувга тушиб даҳшат ичида қичкира бошлайди, гоҳида эса оилавий ишларга берилиб кетиб, ўзини бахтиёр ҳис қила бошлайди ва ҳатто яйраганидан қўшиқ куйлай бошлайди. Моддий ҳаёт иқир-чиқирларига берилиб кетган рух ўзининг қадим замонларда Парвардигордан ажралиб кетганини эслай олмайди. У хавф-хатарларга тўла ва ўзига фақат пушаймон келтирадиган моддий ҳаёт йўлида сарсон-саргардон бўлиб юраверади. Ўзининг аслида руҳий табиатга эга эканини англаб етган зотлар эса, бу моддий оламда қолишни, ўзини ана шу қийинчиликлар, мусибатлар гирдобига солишни истамайдилар. Шунинг учун, ундай зотлар ҳаётда Худонинг Олий Шахси паноҳини излайдилар. Шартланган рух токи Парвардигорга садоқат билан ҳолис хизмат қилиш йўлига кирмас экан, моддий ҳаёт тутқунлигидан қутула олмайди. Моддий ҳаётда ҳеч ким бахтли бўла олмайди. Ҳақиқий бахтга эришиш учун инсон ўзида Кришна онгини ривожлантириши керак. 39. Авлиё(муқаддас, табаррук, донишманд) одамлар барча тирик мавжудотларга дўстона муносабатда бўладилар ва улар ҳамиша ўзларидан мамнун. Улар ўзларининг ақл ва ҳиссиётларини жиловлаб олганлар, шу боис Худонинг даргоҳига элтувчи озодлик йўлини охиригача қийналмасдан босиб ўта оладилар. Аммо, моддий ҳаётга боғланиб қолган оддий одамлар, бундай буюк рухлар билан ҳамсухбат бўлишга қодир эмаслар.

40. Ўтмишда жуда кўп дабдабали қурбонлик маросимларини ўтказган, жуда кенг ерларни ишғол қилиб ўтган буюк тақводор шоҳларни биламиз. Аммо, ўзларининг шунчалик қудратли эканига қарамай, ўша шоҳлар Худо Шахсига муҳаббат билан хизмат қилиш ҳуқуқига эга бўла олмадилар, чунки улар "ментанаман" ва "ҳамма нарса меники" деган ўзларининг хатоликларини тушуниб ета олмаганлар. Шу сабабли улар бошқа шоҳлар билан бир-бирларига душман бўлиб, жанг қилиб ҳаётдаги асосий мақсадларига эришолмай ўлиб кетганлар.

41. Кармали фаолият чангалини паноҳ қилиб олган рух ўзининг хайрли ишлари эвазига жаннатий сайёраларга кўтарилиши ва бироз вақт давомида дўзах азобларини унутиши мумкин. Аммо, афсуски, шу ерда ҳам у мангу қололмайди. Ўзининг аввалги хайрли ишларининг натижаси бўлган роҳатларни тотиб бўлгандан кейин рух яна Ерга қайтиб тушишга мажбур. Шу тарзда, у гоҳ олий сайёраларга, гоҳ қуйи сайёраларга тушиб моддий оламда сарсон бўлиб юраверади.

42. Жада Бхаратанинг насиҳатларини айтиб бўлгандан кейин Шукадева Госвами шундай деди: - Эй

Махараж Парикшит, Жада Бхарата таърифлаган Парвардигорга холис хизмат қилиш йўли Гаруданинг йўлига, оддий шоҳлар эса, чивинларга ўхшайди. Ҳеч бир чивин, елкасида Парвардигорни олиб юрадиган Гаруданинг изидан юра олмайди, ва худди шундай ҳеч бир шоҳга ёки халқ йўлбошчисига, у қанчалик машхур бўлмасин, қанча ғалаба қозонган бўлмасин, ҳатто хаёлида ҳам Парвардигорга холис хизмат қилиш йўлидан бориш насиб қилмаган. 43. Буюк шоҳ Бхарата ўзининг навқирон ёшлигида дунёни тарк этди, чунки уни Парвардигорга, Уттамашлокага холис хизмат қилиш ўзига бутунлай махлиё қилган эди. У ўзининг гўзал хотинини, жондан азиз фарзандларини, қалбига яқин дўстларини ва катта салтанатини ташлаб кетди. Буларнинг барчасидан воз кечиш жуда қийин, аммо Махараж Бхарата бу дунёнинг бойликларини ахлат ўрнида кўрарди, ва шунинг учун буларни осонгина тарк эта олди. Бу такводор шоҳ ҳақиқатан ҳам буюк зот эди. 44. Эй шоҳ, Махараж Бхаратанинг кароматлари ҳақиқатан ҳам ҳайратланарли. Бошқаларнинг воз кечиши қийин бўлган нарсалар: салтанат, хотини ва болаларидан у осонгина воз кечиб кетди. Махараж Бхарата шунчалик бой-бадавлат эдики, ҳатто жаннатдаги фаришталар унга ҳавас қилишарди, лекин шунга қарамай, у ана шу бойликларини тарк этиб кетди. Шу улугвор рух Махараж Бхарата Худои Таолонинг буюк содиқларидан эди, у барча моддий бойликларни айнан шунинг учун тарк этиб кетган эдики, уни Худо Шахси, барча гўзаллик, бойлик, шуҳрат, илм, куч-қудрат ва боғланмасликларнинг тўлиқ эгаси бўлган Кришна ўзига бутунлай махлиё қилган, жалб этган эди. Кришна шу қадар мафтункорки, Унга эришиш йўлида инсон бу дунёда одамлар шунчалик интилиб юрадиган нарсаларнинг барчасидан биратўла воз кечиши мумкин. Ақли Парвардигорга муҳаббат билан хизмат қилиш билан банд бўлиб юрган одамни ҳатто (рух)ўзининг озодликка чиқиши ҳам қизиқтирмай қўяди. 45. Ҳатто кийик танасига тушиб ҳам, Махараж Бхарата Худонинг Олий Шахсини унутмади, ва танасини тарк этиб кетиш пайти келганда шундай деб хитоб қилганди: - "Худои Таоло - қурбонлик тимсолидир. Айнан Унинг Ўзи одамларга ўтказган маросимларининг маҳсулини беради. У - диннинг таянчи, қўриқчиси, сеҳрли йога тимсоли, барча илмлар манбаи, бутун борлик ҳукмдори ва ҳар кимнинг қалбидаги Олий Рухдир. У таърифлаб бўлмайдиган даражада гўзал ва мафтункор, ҳозир бу танадаги ҳаётим ниҳоясига етганида, мен Унинг олдида эҳтиром билан бош эгаман ва Унга муҳаббат билан мангу хизмат қилишга умид қиламан". Шундай илтижо билан Махараж Бхарата кийик танасини тарк этди. 46. Илоҳий ҳикояларни тинглаш ва бошқаларга такрорлашни хуш кўрадиган содиқлар тез-тез бир бирларига Махараж Бхарата ҳақида гапириб, унинг улугвор сифатлари ва кароматларини шарафлаб турадилар. Махараж Бхарата ҳақидаги ҳикояларни камтаринлик билан самимий тинглаш шарофати билан киши ҳар қандай саодатга эришиши мумкин. Узоқ умр, моддий бойлик, шон-шуҳрат, жаннатда туғилиш, озодликка чиқиш - инсон нимага интилмасин, буларнинг барчасига у Махараж Бхарата ҳақидаги ҳикояни тинглаш ва унинг кароматларини шарафлаш натижасида бемалол эришиши мумкин. Махараж Бхаратанинг ҳаётини шунчаки ўрганиш билан ҳар қандай моддий ёки руҳий орзуларга

эришиш мумкин ва орзуларга эришиш учун яна бошқа кимгадир муурожаат қилишнинг ҳожати йўқ.

Ўн бешинчи боб.

Шоҳ Приявратанинг буюк авлодлари.

1. Шри Шукадева Госвами давом этди: - Махараж Бхаратанинг ўғилларидан бирини Сумати деб аташарди. У Ришабхадева кўрсатган йўлдан борарди, аммо келажакда шундай ғофил одамлар топиладиларки, улар Суматини Парвардигор Будданинг ўзи деб ўйлайдилар. Ундай одамлар ашаддий худобехабар (атеист)лардир. Улар гуноҳи-азимларга ботиб кетадилар, ўз гуноҳларини оқлаш учун Ведаларнинг кўрсатмаларини бузиб талқин қиладилар. Шахсий тахминларига асосланган ҳолда, улар Суматини Худованд Буддхадева деб эълон қиладилар ва барчани унинг изидан боришга даъват қиладилар. 2. Суматининг хотини Вриддхасена ўғил фарзанд кўриб, унга Деватаджит деган ном беришди. 3. Деватаджит хотини Асуридан ўғил кўриб, уни Девадьюмна деб атади. Девадьюмнанинг хотини Дхенумати ўғил кўрди, унинг номини Парамештха деб атадилар. Парамештханинг хотини туккан ўғилни эса, Пратиха деб атадилар. 4. Шоҳ Пратиха фуқароларини руҳий англаш илмига шахсан ўзи ўқитди. Шу тарзда у қалбини поклабгина қолмасдан, буюк содиқ бўлиб ҳам етишди. У Худованд Вишнуни, Худо Шахсини тўла англаб етти. 5. Шоҳ Пратиханинг хотини Суварчала уч ўғил туғди. Уларни Пратихарта, Прастота ва Удгата деб атадилар. Ведавий маросимларни ўтказиш бобида уларга тенг келадиган зот йўқ эди. Пратихарта хотини Стугидан икки ўғил - Ажда ва Бхумани кўрди. 6. Шоҳ Бхума хотини Ришикульядан Удгитха деган ўғил кўрди. Удгитха хотини Девакульядан ўғил кўриб, унга Прастава деб от қўйди. Праставанинг хотини Ниютса Вибху деган ўғил туғиб берди. Вибху хотини Ратидан Притхушенани, Притхушена хотини Акутидан эса, Накта деган ўғил кўрди. Шоҳ Нактанинг хотини Друти эди; ундан буюк шоҳ Гая дунёга келди. Гая ўзининг олийжаноблиги билан донг таратди - у такводор шоҳлар ичида энг яхшиси эди. Борлиқнинг мавжудлигини таъминлаб турган Худованд Вишну ва Унинг намоён бўлган қиёфалари ҳамиша илоҳий эзгулик, вишуддхасаттва таъсири остида бўладилар. Шоҳ Гая, Тангри Вишнунинг намоён бўлган қиёфаси бўлиб, у ҳам тўла вишуддхасаттва таъсири остида эди ва руҳий илми мукамал эгаллади. Шунинг учун уни Махапуруша деб ҳам атардилар.

7. Шоҳ Гая ўз фуқароларини ва уларнинг молмулкани ишонч билан кўриқлар, ҳеч қандай ёвуз ниятли одамлар уларга зиён етказишга олмади. Шунингдек, у ҳар бир фуқаронинг етарли озиқ-овқати(пошана) бўлишини назорат қиларди. Гоҳида фуқароларини қувонтириш учун, уларга ҳар хил совға(принана)лар улашар, гоҳида мажлислар ўтказиб, халқ билан суҳбатлар(упалалана) ўтказарди. Бундан ташқари у, фуқароларини ўз бурчларини мукамал бажаришга (анушасана) ўргатарди. У ўз салтанатини шу тарзда бошқарарди. Шу билан бирга шоҳ Гая грихастха бўлгани сабабли, оилавий ҳаёт кечираётганлар учун белгиланган қоидаларга бекаму-қўст амал қиларди. У ҳар турли қурбонлик маросимларини ўтказар, ва соф

садоқат билан Худои Таолога холис хизмат қиларди. Уни Махапуруша деб атардилар, чунки шоҳ сифатида у фуқароларнинг барча эҳтиёжларини тўла қондирарди. Оилавий турмуш кечираётгани учун эса, белгиланган вазифаларнинг барчасини тўлиқ адо этар, натижада қалбида Худо Шахсига нисбатан ўзгармас садоқатни ривожлантирган эди. Содиқ сифатида у Худонинг бошқа содиқларини хурмат қилар, Парвардигорга чарчамасдан хизмат қиларди. Бхакти-йоганинг йўли шундай бўлади. Рухий фаолият билан бутунлай машғул бўлган ҳолда, шоҳ Гая ҳаёт ҳақида моддий тасаввурлар таъсирга тушиб қолмади. У Браҳманнинг табиатини мукамал англаган ва шу боис ҳамиша рухий кўтаринки ҳолатда юрарди. Дунёнинг ғам-ташвишлари унга таъсир қилмасди. Шоҳ Гая барча комил сифатлар соҳиби эди, лекин бу билан фахрланмас, ўзининг ҳукмдорлик мартабасига боғланиб қолмаган эди.

8. Эй Махараж Парикшит, Пураналарнинг тарихий хикояларини яхши биладиган донишмандлар шоҳ Гаяни шундай қўшиқларда улуғлайдилар: 9. "Буюк шоҳ Гая ҳар турли ведавий қурбонлик маросимларини ўтказди. У жуда донишманд ва барча ведавий илмларни биларди. У дин қонунларини муқаддас даражада ҳимоя қилар ва чексиз мол-дунёга эга эди. У ҳукмдорлар ҳукмдори ва содиқларнинг хизматкори эди. У Худо Шахсининг қудратли қиёфасининг барча сифатларини намоён қилган зот эди. Шундай экан, дабдабали қурбонлик маросимларини ўтказишда ким ҳам у билан тенглаша оларди?"

10. "Дакшанинг ўзларининг покдомонлиги ва такводорлиги билан машҳур бўлган Шраддха, Майтри ва қилган дуолари ҳамиша ижобат бўладиган Дая деган қизлари Махараж Гаяни муқаддас сувда ювинтирардилар. Улар Ундан жуда мамнун эдилар. Махараж Гаянинг хайрли ишларини кўриб, Ернинг ўзи сигир қиёфасига кириб, худди олдида ўзининг бузоғини кўриб тургандай мўл-кўл сут бера бошлади. Бошқача қилиб айтганда Махараж Гая Ердан фуқароларининг эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган ҳамма нарсаларга бекаму-кўст эга бўлди. Айни пайтда У шахсан Ўзи учун ҳеч нарса истамасди". 11. Шоҳ Гая ҳиссиётларига лаззат истамасди, шунга қарамай, ведавий қурбонлик маросимларини ўтказиб юргани сабабли, Унинг истаклари ўз-ўзидан амалга ошарди. У билан жанг қилишга тўғри келган шоҳларнинг барчаси, дхарма қонунлари асосида жанг қилишга мажбур бўлардилар. Унинг жанговор санъати ва жасоратига қойил қолганидан, улар унга ҳар турли инъомлар тақдим қилардилар. Салтанатдаги барча браҳманлар Унинг сахий эҳсонларидан жуда мамнун эдилар. Шу сабабли кейинги ҳаётида лаззатланиб яшаши учун улар Унга ўзларининг савоб ишларининг олтидан бир қисмини берар эдилар".

12. Махараж Гая ўтказган қурбонлик маросимларида маст қилувчи сома ичимлиги дарёдек оқарди. Гоҳида у ерга шоҳ Индра ҳам ташриф қилар, эҳсон қилинган сома-раса ичимлиги кўплигидан сармаст бўлиб қоладди. Ўзининг соф содиқ хизматкоридан эҳсонларни шахсан қабул қилиш учун Худои Таолонинг Ўзи, Вишну(ягья-пуруша) ҳам келиб турарди. 13. Худои Таолони рози қилиб, хизмати билан Уни мамнун қила билган одам айни пайтда барча фаришталарни, одамларни, ҳайвонларни, қушларни, ҳашаротларни, дарахтларни, майсаларни - бир сўз билан айтганда Тангри Браҳмадан

бошлаб барча тирик мавжудотларни мамнун қилган бўлади. Худо Олий Рух кўринишида ҳар кимнинг қалбида мавжуддир, ва табиатан У ҳамиша мамнун. Аммо, У Махараж Гаянинг қурбонлик маросимларига шахсан Ўзи ташриф буюрар ва унга "Мен сендан жуда мамнунман!" - деб шахсан Ўзи айтарди.

14-15. Махараж Гаянинг хотини Гаянти унга уч ўғил туғиб берди: Читрататха, Сугата ва Авародхана. Читрататха хотини Урнадан Самрата деган ўғил кўрди. Самратанинг хотини Уткала, уларнинг Маричи деган ўғли бўлди. Маричи хотини Биндумати билан Бинду деган ўғил кўрди. Биндунинг хотини Сарагха эди, уларнинг Мадху деган ўғли бўлди. Мадхунинг хотини Сумана Вираврата деган ўғил туғди. Виравратанинг хотини Бходжа икки ўғил: Мантха ва Прамантхаларни туғди. Мантханинг хотини Сатья Бхауванани туғди, Бхаувананинг хотини Душана ўғил туғиб, уни Твашта деб атадилар. Твашта хотини Вирочанадан Вираджа деган ўғил кўрди. Вираджа хотини Вишучидан юз ўғил ва бир қиз фарзанд кўрди. Вираджа ўғилларининг энг аълосини Шатаджит деб атади.

16. Шоҳ Вираджа ҳақида машҳур қўшиқ бор, у ерда шундай дейилган: "Ўзининг кўп хайрли ишлари билан доврўғ таратиб, худди, илоҳий қудратга тўлган Худованд Вишну фаришталарнинг нақши ва саховатпешаси бўлгани сингари, шоҳ Вираджа ҳам Прияврата авлодининг нақшига айланди."

Ўн олтинчи боб Жамбудвипанинг таърифи

1. Шоҳ Парикшит Шукадева Госвамидан сўради: - Эй браҳман, сен Бху-мандаланинг ўлчамларини айтиб, у куёшнинг нури етмайдиган, ой ва юлдузлар кўринмайдиган жойда тамом бўлади деган эдинг. 2. Эй ҳукмдор, Махараж Прияврата оламини ўзининг ярқираган аравасида айланганида, унинг аравасининг гилдирақлари етти из қолдирди, уларда етти океан пайдо бўлди. Мана шу етти океан Бху-мандалани етти континентга бўлади. Сен бу континентларнинг номларини, ўлчамларини ва белгиларини айтиб ўтдинг, энди мен улар ҳақида батафсилроқ билишни истайман. Марҳамат қилиб шу истагимни бажарсанг. 3. Ақлини Худо Шахсининг моддий қиёфаси бўлган, Унинг моддий табиат гуналаридан таркиб топган фазовий қиёфасида мужассам қилган одам соф эзгулик гунасига кўтарилади. Ана шу ҳолатда инсон Худо Шахсига, Васудевага унинг оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган, ёғду таратиб турган ва табиат гуналари таъсир қилмайдиган қиёфасига эришади. Эй ҳукмдор, борлиқнинг барча сайёралари тизимини ўз ичига олган Парвардигорнинг моддий қиёфасини менга батафсил таърифлаб бер!"

4. Буюк донишманд Шукадева Госвами шундай деди: -"Эй Махараж Парикшит, Худои Таолонинг намоён бўлган қиёфаларининг ҳақиқатан ҳам ниҳояси йўқ. Моддий олам табиатнинг уч гунасида таркиб топган, аммо бирор жонзот, агар ҳатто у Браҳма сингари узок умр кўрса ҳам, бу оламини тўла таърифлаб бера олмайди. Моддий оламдаги барча мавжудотлар мукаммалликка эга эмас, мукаммал бўлмаган зотлар эса, қанчалик тахминлар ўйлаб топмасинлар, оламнинг тузилишини тўғри тушунтириб бера олмайдилар. Шундай бўлса ҳам, эй шоҳ, мен сенга унинг Бхулока сингари

асосий қисмлари ҳақида гапириб бераман. Мен сенга уларнинг номларини, кўринишларини, ўлчамларини ва айрим белгиларини айтиб бераман.

5. Бху-мандала сайёралар тизими кўринишидан нилуфар гулини эслатади, унинг етти ороли эса - ана шу гулнинг гулбаргларига ўхшайди. Гулгунчасининг ўртасида Жамбудвипа ороли жойлашган, унинг диаметри 100.000 йоджан. Жамбудвипа айлана кўринишига эга ва нилуфарнинг баргига ўхшайди. (1-йоджан - 117.000 кмга тенг). 6. Жамбудвипа ҳар бири шимолдан жанубга 9.000 йоджан чўзилган тўққиз вилоятдан таркиб топган. Бу вилоятлар бир-биридан табиий чегаралар - саккиз тоғ тизмалари билан ажралиб туради. 7. Нилуфар гулининг марказида жойлашган вилоят Илаврита деб аталади. Илаврита-варшанинг ўртасида соф олтиндан бўлган Сумеру тоғи қад кўтариб туради. Сумеру тоғи Бху-мандала гулидаги уруғликка ўхшайди. Бу тоғнинг баландлиги Жамбудвипанинг диаметрига, яъни 100.000 йоджан(1.170.000км)га тенг. Шундан 16.000 йоджан(208.000км) Ер остида жойлашган; демак, Сумеру Ер юзидан 84.000 йоджан(1.092.000 км)га кўтарилиб туради. Бу тоғнинг диаметри унинг этагида 16.000 йоджан, тепасида эса 32.000 й(416.000км).? 8. Илаврита-варшадан шимолга қараб бирин-кетин уч тоғ тизмаси жойлашган: Нила, Швета ва Шрингаван. Улар Илаврита-варшани ва уч варша - Рамьяка-варша, Хиранмайя-варша ва Куру-варшани бир-бирларидан ажратиб туради. Бу тоғ тизмаларининг ҳар бирининг кенглиги 2.000 й, узунасига эса, улар ғарбдан шарққа қараб, то Шўр океангача чўзиладилар. Агар жанубдан қаралса, бу тоғ тизмаларининг ҳар бири олдингисининг ўндан бирига калтарок, баландликлари эса бир хил.

9. Илаврита-варшадан жанубга қараб ҳам уч тоғ тизмаси жойлашган. Улар шарқдан ғарбга қараб чўзилган ва(агар шимолдан жануб томонга қаралса) Нишадха, Хемакута ва Ҳимолаи деб аталади. Бу тоғларнинг баландлиги 10.000 й. Улар уч варшани, Хари-варша, Кимпуруша-варша ва Бхарата-варша(Ҳиндистон)ни бир биридан ажратиб туради. 10. Яна икки катта тоғ - Маляван ва Гандхамадана тоғлари Илаврита-варшанинг мос равишда ғарб ва шарқ томонида жойлашган. Баландлиги 2.000 й бўлган бу тоғлар шимолдаги Нила тоғигача ва жанубдаги Нишадха тоғигача чўзилган. Улар Илаврита-варшанинг, шунингдек Кетумала-варша ва Бхадрава-варшанинг чегаралари ҳисобланади. 11. Буюк Сумеру тоғини тўрт томондан тўрт тоғ: Мандара, Мерумандара, Супаршва ва Кумуда тоғлари ўраб туради. Бу тоғларнинг узунлиги, баландлиги билан тенг, яъни 10.000 й. 12. Бу тоғларнинг чўккиларида, худди кема мачтасидаги байроқлар сингари, тўрт дарахт: манго, жамба, кадамба ва банян дарахтлари ўсиб турибди. Ҳар бирининг йўғонлиги 100 й, баландлиги 1.100й. Шохаларининг кенглиги ҳам 1.100 й. 13-14. Эй Бхарата авлодининг аълоси, бу тўрт дарахт орасида тўрт катта кўл ястаниб ётибди. Улардан биринчиси сут билан, иккинчиси асал билан, учинчиси - шакарқамиш шираси билан, тўртинчиси оддий чучук сув билан тўлган. Фаиришталар орасидаги сиддхалар, чараналар ва гандхарвалар каби бошқа зотлар шу кўллардан сув ичиб, унда чўмиладилар, шу туфайли жаннатда яшайдиган бу зотларда энг катта нарсадан катта ва энг кичик нарсадан кичик бўлиш сингари қобилятлар ўз-ўзидан ривожла-

нади. Бундан ташқари бу тоғларнинг водийларида тўрт жаннатий боғ: Нандана, Чайтрататха, Вайбхаджака ва Сарватобхадра жойлашган. 15. Баъзи бир фаиришталар ўзларининг жаннатнинг безаклари сингари гўзал рафикалари билан бирга мана шу боғларда учрашадилар ва ўзларини шарафлаб куйлаётган гандхарвалар даврасида вақтларини шод-хуррам ўтказадилар. 16. Мандара тоғи этагида Девачута деган манго дарахти ўсади. Унинг баландлиги 1.100 й. Жаннат аҳолисининг бахтига бу дарахт тепасидан тоғ қояларидай катта-катта ва асалдай ширин мевалар тушиб туради. 17. Шундай катта баландликдан пастга тушиб, бу мевалар ёрилиб кетади ва улардан ширин, хушбўй ширалар оқиб чиқади. Улар жаннатнинг бошқа хидлари билан кўшилиб, атрофга яна ҳам хушбўйроқ хид тарата бошлайди. Мандара тоғидан поғонама-поғона тушиб, ана шу шираларнинг оқими Илавританинг шарқ томонидан секин оқадиган Арунода дарёсига айланади. 18. Тангри Шиванинг хотини Бхаванига хизмат қилувчи яқшаларнинг покдомон аёллари ана шу Арунода дарёсидан сув ичадилар. Шу сабабдан уларнинг таналари ажойиб хид таратиб туради, шамол эсганида ана шу хушбўй хидлар 10 йоджан атрофга таралади.

19. Жамбу дарахтининг ширали мевалари ҳам, катта баландликдан ерга тушиб ёрилиб кетадилар. Уларнинг ичидаги уруғлари жуда кичик, лекин меваларнинг катталиги филнинг катталигига тенг. Улар ёрилганда чиқадиган ширалар тўпланиб Жамбу деб ном олган дарёни ташкил қилади. Бу дарё Мерумандара тоғи тепасидан, 10.000й баландликдан Илавританинг жанубий томонига оқиб тушади ва бутун атрофни шира билан тўлдиради. 20-21. Жамбу дарёси қирғоқларидаги ерлар мана шу шира билан намланади, ҳаво ва куёш нурлари дарё ўзанини қуритганида бу ерларда Жамбу-нада деб аталадиган катта олтин конлари пайдо бўлади. Жаннат заргарлари ана шу олтинлардан ҳар турли чиройли тақинчоқлар ясаيدилар. Шунинг учун ҳам жаннатнинг бутун аҳолиси ва уларнинг мангу ёш рафикалари ҳаммиша олтин тақинчоқлар, билагузуклар, камарлар тақиб юрадилар ва мусибат нималигини билмай яшайдилар.

22. Супаршва тоғининг этагида афсонавий Махакадамба дарахти ўсади. Унинг танасидан ҳар бирининг кенглиги беш вям(1,8м) бўлган беш асал дарёси оқиб туради. Ана шу асал оқимлари Супаршва тепасидан тинмай оқиб туради ва ғарбий томондан бутун Илаврита-варша бўйлаб ёйилади. Унинг шарофати билан бутун Илаврита хушбўй хидларга тўлади. 23. Бу асалдан ичган кишининг оғизларидан чиққан анвоий хидлар юз йоджан атрофга таралади. 24. Кумуда тоғида эса, катта қантал(банян) дарахти ўсади, уни Шатавалша деб атайдилар, чунки унда юзта асосий шоха бор. Бу шохалар кўплаб илдизлар чиқарган, улардан кўплаб дарёлар бошланади. Улар тоғ тепасидан Илаврита-варшанинг шимолий томонига оқиб тушадилар ва бу ерларнинг аҳолисига бахт-саодат келтиради. Бу ерларда яшайдиган одамларда ҳаммиша етарлича сут, қатиқ, асал, сариёғ, дон ва ғалла бўлади. Уларнинг кийим кечаклари ва тақинчоқлари мўл, ухлаш ва дам олиш учун ҳаммиша бошпаналари етарли. Улар ҳаётда истаган нарсаларни ўзлари хоҳлаган миқдорда оладилар ва мусибат нималигини билмай яшайдилар. 25. Мана шу дарёларнинг эҳсонларидан бахраманд бўлиб яшаётган моддий олам аҳолисининг юзларига ажин, сочларига оқ

тушмайди. Улар ҳеч қачон чарчамайдилар, ва агар ҳатто уларнинг таналарини тер босса ҳам, улардан ёқимсиз ҳид келмайди. Улар кексалик, касаллик, бевакт ўлим нималигини билмайдилар ва жазирама иссиқ ёки совуқдан қийналмайдилар. Уларнинг тана терилари ҳамиша соғлом рангда бўлади. Уларнинг барчаси ҳеч қандай ташвишларсиз, то ажали етгунча бахтли яшайдилар. 26. Худди нилуфар гулининг чаноғи атрофидаги уруғлар сингари, Меру тоғининг этагида, чиройли жойлашган яна бир гуруҳ тоғлар бор. Куранга, Курара, Кусумбха, Вайканка, Трикута, Шишира, Патанга, Ручака, Нишадха, Шиниваса, Капила, Шанкха, Вайдурья, Жарудхи, Хамса, Ришабха, Нага, Каланджара ва Нарара ана шулар жумласидандир.

27. Сумерудан шарк тарафга узунлиги 18.000 й бўлган икки тоғ тизмаси - Жатхара ва Девакута жойлашган. Улар шимолдан жанубга чўзилган. Сумерудан ғарб томонга худди шундай узунликда яна икки тизма - Павана ва Париятра бор, улар ҳам шимолдан жанубга чўзилган. Шундай узунликда Кайлас ва Каравира тизмалари ҳам бор, улар Сумерунинг жанубида жойлашган ва ғарбдан шарққа чўзилган. Унинг шимолида жойлашган Тришринга ва Макара тизмалари ҳам шундай жойлашган. Ана шу тизмаларнинг ҳар бирининг баландлиги ҳам, кенлиги ҳам 2.000 й. Шу тарзда, олов сингари ярқираб ёғду таратиб турган, соф олтиндан бўлган Сумеру тоғи ҳар тарафдан мана шу саккиз тоғ тизмаси билан ўралган. 28. Водийнинг марказида, Меру тоғининг тепасида Тангри Браҳманинг шаҳри жойлашган. Шаҳарнинг ҳар тўрт тарафининг узунлиги 10.000 й. Бу шаҳар бутунлай олтиндан қурилган, шунинг учун буюк донишмандлар уни Шатакумбхи деб атайдилар.

29. Браҳма шаҳри, Браҳмапурининг атрофида саккиз тарафидан шоҳ Индранинг ва ҳар турли сайёралар тизимининг бошқа етти асосий ҳукмдорларининг шаҳарлари жойлашган. Кўринишларидан бу шаҳарлар Браҳмапурига ўхшайди, аммо уларнинг ҳар бири ундан тўрт марта кичик.

Ўн еттинчи боб Ганганинг Ерга тушиши

1. Шукадева Госвами шундай деди: - Эй шоҳ, барча қурбонлик эҳсонлари билан лаззатланувчи Парвардигор Вишну Вamanaдева қиёфасида Махараж Бали қурбонлик маросими ўтказаяётган майдончада пайдо бўлди. Кейин, уч олам устидан ҳатлаб ўтиб, У чап оёғининг бош бармоғининг тирноғи билан Коинот қобиғидан тешик очиб юборди, ана шу ердан Сабаблар океанининг топ-тоза сувлари оқа бошлади. Коинотда Ганга дарёси шу тарзда пайдо бўлди. Парвардигорнинг қизғиш пудра суртилган нилуфар қадамлари пойини ювиб, дарёнинг сувлари ҳам қизғиш ранга кирди. Унинг илоҳий сувлари теккан одамнинг қалби моддийлик иллатидан покланади, аммо Ганганинг ўзи ҳамиша поклигича қолаверади. Коинотга кира туриб, Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини ювгани учун Гангани Вишнупади, деб атайдилар, кейинроқ, бу дарё Джахнави ва Бхагирадха деган номларга эга бўлди. Минг (эпоха)даврдан кейин Ганганинг сувлари Дхрувалокага - коинотнинг энг олий сайёрасига тушди. Шунинг учун барча буюк донишмандлар ва Веда билимдонлари Дхрувалокани "Вишнупада", яъни "Парварди-

гор Вишнунинг нилуфар қадамлари пойида жойлашган" деб атайдилар.

2. Махараж Дхрува, Махараж Уттанападанинг шухрат қозонган ўғли, энг улуғвор содиқ сифатида донг таратган, чунки у Худои Таолога ўзгармас, чуқур иймон, қатъий қарор билан холис хизмат қилади. Ганганинг муқаддас сувлари Худованд Вишнунинг нилуфар қадамлари пойини ювиб туришини билиб, Махараж Дхрува ҳали ҳозиргача ўзининг сайёрасида яшаб, эхтиром билан бошига ана шу сувдан суртади. У ҳамиша муҳаббат ва садоқат билан Кришнани эслайди, натижада унинг қалбини тез-тез жававали лаззат ҳолатлари қамраб олади. Шундай пайтларда Махараж Дхруванинг ярим очик кўзларидан ёш оқиб, танасидаги туклари тикка бўлиб кетади. 3. Дхрувалока сайёрасининг пастида жойлашган сайёраларда (Маричи, Вaсиштха, Атри ва бошқалар) етти буюк донишманд яшайди. Ганганинг қудратини яхши билганлари учун улар ҳалигача бошидаги турмакланган сочларини унинг муқаддас сувлари билан ҳўллайдилар. Улар шундай қарорга келганлар: Ганганинг сувлари - энг катта бойлик, уни бошда олиб юриш - риёзатларнинг энг яхшиси, ва руҳий юксалишнинг энг аъло усули. Худои Таоло узлуқсиз холис хизмат қилиш даражасига кўтарилган бу донишмандлар диний ақидаларга, моддий фаровонликка, ҳиссий лаззатларга ва ҳатто Худо билан бирлашиб кетишга бўлган қизиқишни ҳам ҳаёлидан чиқариб юборганлар. Парвардигордан таралаётган нурга қўшилиб кетиш - гўяниларнинг энг олий мақсади, аммо бу етти буюк руҳ Худои Таолога садоқат билан холис хизмат қилишни камолот чўққиси деб ҳисоблайдилар.

4. Дхрувалокадан пастида жойлашган етти сайёрадан оқиб ўтиб, Ганга уларни ҳам поклайди, кейин миллиардлаб ҳаво кемалари унинг сувларини фаришталарнинг ҳаво йўлларига олиб борадилар. У Ой(Чандралока)дан ҳам оқиб ўтади ва ниҳоят Меру тоғи тепасида жойлашган Тангри Браҳма даргоҳига бориб етади. 5. Меру тоғи тепасида Ганга тўрт ирмоққа бўлинади, улар катта оқимлар билан ҳар хил (шарк, ғарб, шимол ва жануб)томонларга қараб оқиб кетади. Баланддан тушган бу дарёлар - Сита, Алакананда, Чакшу ва Бхадра - океанга қараб оқади. 6. Сита дарёси Браҳмапури орқали Кесарачала ва бошқа, баландлиги Меру тоғига тенг бўлган тоғлар тепасига оқиб тушади. Нилуфар гули чаноғи атрофидаги гулбарғлар сингари, Меру атрофида жойлашган бу тоғлардан ўтиб, Сита Гандҳамадана тизмаси тепасига тушади. Шарққа йўналган йўлини давом эттириб, у бутун Бхадрашварша орқали ўтади ва шўр океанга бориб тушади.

7. Чакшу дарёси Маляван тизмаси тепасига тушади, у ердан ўзининг сувларини Кетумала-варшага олиб келади. Пасаймас кучли оқим билан бу ерлардан оқиб ўтиб, шўр океанга ғарб тарафдан бориб қўшилади. 8. Бхадра дарёси Мерунинг шимолий этагидан оқиб, Кумуда, Нила, Швета ва Шрингаван тоғлари тепасига тушади. Бутун Куру вилоятини кесиб ўтиб, дарё шўр океанга шимол томондан қўшилади. 9. Худди шундай Алакананда дарёси ҳам Браҳмапури, ёки Браҳмасадананинг жанубий қисмидан оқиб ўтади. Турли вилоятларда жойлашган тоғлар тепасидан оқиб ўтиб, у катта куч билан Хемакута ва Химакута тоғ тизмалари устига қўйилади. У ердан Бхарата-варшага қараб йўл олади. Ганганинг бу ирмоғи шўр океанга жануб тарафдан қўшилади. Алакананда дарёси сувларида чўмиладиган

кишилар жуда омадлидирлар. Уларнинг босган ҳар бир одими буюк раджасуя ва ашвамедха курбонлик маросимлари келтирадиган савобга тенг шарофат келтиради. 10. Меру тоғи чўққисидан бошланадиган бошқа кўплаган катта-кичик дарёлар ҳам бор. Бу дарёлар худди тоғларнинг сингиллари сингаридир. Улар юзлаб ирмоқларга бўлиниб, турли жойлардан оқиб ўтади. 11. Тўққиз варшадан биттаси - Бхарата-варша - кармали фаолият майдонидир. Буюк авлиё ва донишмандларнинг таъкидлашларича, қолган саккиз варша жаннат сайёраларидан қайтиб келган улуғвор солиҳ инсонлар учун мўлжалланган. Ана шу саккиз варшада улар ўзларининг қилган хайрли ишларининг қолган натижаларидан баҳраманд бўладилар. 12. Шу саккиз варшада яшайдиган одамлар Ердаги вақт ҳисоби бўйича ўн минг йил умр кўрадилар ва ҳар жиҳатдан фаришталарга ўхшаб кетадилар. Уларнинг ҳар бири ўн минг фил кудратига эга, ва яшин сингари бақувват. У ердаги эркаклар ҳам, аёллар ҳам бутун умр ёш бўлиб қоладилар ва жуда узоқ вақт жинсий лаззатдан баҳраманд бўладилар. Ҳиссий лаззатларга берилиб, ўтган узоқ вақтдан кейин, умрларининг охирига бир йил қолганида эр-хотинлар фарзанд кўрадилар. Бошқача қилиб айтганда, бу сайёраларнинг аҳолиси худди Ер сайёрасида Трета-юга давридагидек лаззатланиш имкониятларига эга. 13. Бу вилоятларнинг ҳар бирида шинам боғлар кўп, у боғлардан ҳамма вақт ҳар хил гул ва меваларни топиш мумкин. У боғларда аҳён-аҳёнда риёзатчиларнинг шинам кулбаларини учратиш мумкин. Бу ерларни бир-бирдан ажратиб турган улуғвор тоғ этакларида катта-катта кўллар ястаниб ётади. Улардаги топ-тоза шаффоф сув юзалари ёш хушбўй нилуфар гуллари билан қопланган. Уларнинг анвои хидларидан сармаст бўлган асаларилар ҳавони ўзларининг ёқимли ғувиллашлари билан тўлдирган, лайлак, турна, ўрдак ва бошқа сув қушлари кўл юзида қувноқ яйрайдилар. Бу ерларга машҳур фаришталар тез-тез келиб турадилар. Кўплаб хизматкорлар ҳамроҳлигида улар шу боғларда, кўл бўйларида қувноқ табассум билан уларга ширин нигоҳларини ташлайдиган гўзал рафиқалари билан ҳаёт лаззатини сурадилар. Хизматкорлар тиним билмай уларга ва рафиқаларига сандал пасталари ва янги гуллардан гулчамбарлар тақадилар. Шу тарзда соҳибжамол аёллар гўзаллигига маҳлиё бўлган бу фаришталар ҳиссий лаззатлар оғушида вақт ўтказадилар. 14. Мана шу тўққиз варшада яшаётган содиқларига Ўз марҳаматини кўрсатиш учун Худо Шахси Нарайана Ўзини тўрт кўринишда намоён этади: Васудева, Санкаршана, Прадьюмна ва Анирудха. Ўзининг бу кўринишларида У ҳамиша содиқларининг ёнида бўлади ва уларнинг эҳсонларини қабул қилади.

15. Шукадева Госвами давом этди: - Бутун Илаврита-варшада фақат биргина эркак - фаришталарнинг энг қудратлиси Тангри Шива бор. Унинг рафиқаси Дурга фариштаси бошқа эркакларнинг бу ерга қадам босишларига йўл қўймайди. Агар мабодо бирор нодон бунга уриниб кўрмоқчи бўлса, шу заҳотиёқ уни аёл зотига айлантириб қўяди. Нима сабабдан унинг бундай қилишини кейин тушунтириб бераман.(тўққизинчи қўшиқда). 16. Илаврита-варшада Тангри Шива атрофида фаришта Дурганинг миллионлаб канизаклари парвона бўлиб юрадилар, улар унинг барча истаklarини бажо келтирадилар. Худо Шахсининг тўртламчи экспансиялари - Васудева, Прадьюмна, Анирудха ва Санкар-

шана. Тўртинчи кўриниши Санкаршана албатта табиат гуналаридан устун туради, лекин унинг моддий оламни яқсон қилиш билан боғлиқ ҳаракатлари ғафлат гунасига тегишлидир, шунинг учун баъзан уни "Тамаси", яъни "Худонинг ғафлат гунасидаги қиёфаси", деб ҳам аташди. Санкаршана ўзининг азалий бобокалони эканини Тангри Шива билади, шу боис жазавали муруқабага фарқ бўлиб, куйидаги мантрани такрорлаб ҳамиша Уни эслаб юради.

17. Буюк ва қудратли Тангри Шива шундай дейди: - "Эй Олий Худо, Санкаршана қиёфасига кирган Сенинг олдинда мен эҳтиром билан бош эгаман. Сен - барча илоҳий сифатларнинг манбаи бўлган Худонинг Олий Шахсисан. Сен бениҳоя ва ҳамма ерда мавжудсан, лекин Сенга содиқ бўлмаганлар Сени кўришга қодир эмаслар. 18. Эй Парвардигор, фақат Сенинг Ўзинггина сифинишга муносиб бўлган зотсан, чунки Сен - Худонинг Олий Шахси, бутун баркамоллик соҳиби ва ҳукмдорсан. Сенинг инсонни барча мусибатлардан халос этувчи нилуфар қадамнинг пойлари содиқ хизматкорларнинг учун ягона паноҳ маконидир. Уларга қувонч бағишлаш учун Сен уларнинг олдида турли қиёфаларда намоён бўласан. Сен уларни моддий ҳаёт тутқунлигидан озодликка чиқарсан, содиқ бўлмаганлар эса, Сенинг амринг билан моддий оламда тутқун, асир бўлиб қолаверадилар. Шундай экан, менга Сенинг мангу хизматкоринг бўлишга изн бер. 19. Бизлар қалбимизда пайдо бўладиган ғазаб ўтини тўхтатишга қодир эмасмиз. Моддий нарсаларга эътибор бериб кўз тикишимиздан қалбимизда уларга нисбатан албатта боғланиш ёки нафрат туйғусини пайдо бўлади. Аммо Худои Таоло бундай туйғулардан бутунлай покдир. Моддий оламни яратиш, мавжудлигини таъминлаб туриб, ва охирида уни яқсон қила туриб, У унга назар ташлайди, аммо барибир, унга ҳеч қандай боғланишсиз қолаверади. Шунинг учун, ўз ҳиссиётларининг туғёнга келадиган хуружига бардош беришни истаган киши Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топиши лозим, - фақат шу тарздагина ҳиссиётни жиловлаб олиш мумкин. 20. Нигоҳлари нопок бўлган одамлар Худои Таолонинг кўзларини маст кишининг қизғиш кўзларига ўхшатадилар. Алданиш таъсири остида ундай нодонларнинг Парвардигордан жаҳли чиқади, ва шунинг учун У уларнинг кўзига даҳшатли ва қаҳрли(Қаҳҳор) бўлиб кўринади. Аммо аслида бу алдамчи кўринишдир. Илон-иблис(Калия?)нинг аёллари Парвардигорнинг нилуфар пойи қадамларига кўлларини теккизиб, бутунлай гангиб қолгандилар ва хайратланганларидан ҳатто сифиниш маросимини давом эттира олмадилар. Аммо Парвардигор уларнинг тегишидан ҳеч қандай эҳтиросга берилмади, чунки Уни ҳеч ким осойишталик ҳолатидан чиқара олмайди. Шундай экан, ким ҳам Худонинг Олий Шахсига сифинишдан бош тортади? 21. Барча буюк донишмандлар тан оладиларки, - бутун борлиқнинг яратилиш, мавжудлик ва емирилиш сабабчиси Парвардигордир, ва шунга қарамай У бу фаолият жараёнидан четда туради. Шунинг учун Парвардигорни бениҳоя, чексиз деб атайдилар. Шеша қиёфасида Парвардигор бутун коинотларни Ўзининг бошида кўтариб туради, ва бу коинотларнинг ҳар бири Унга хантал(горчица) уруғичалик ҳам оғирлик қилмайди. 22-23. Худо Шахсидан Брахма дунёга келган, унинг танаси моддий қувват тўпламидан таркиб топган, хирс гунаси бошқарадиган

тафаккур маконидир. Брахмадан мен - сохта ўзлик тимсоли бўлган Рудра туғиламан, ва кудратим билан қолган барча фаришталарни, асосий беш унсурни ва хиссиётларни яратаман. Мен Парвардигорга сажда қиламан, чунки У ҳар жиҳатдан бизлардан устун туради. Барча моддий унсурлар, хиссиётлар ва фаришталар, ҳатто Брахма ва мен, худди боғлаб қўйилган қушлар сингари, Унинг амрига бўйсунамиз. Фақат Парвардигорнинг марҳамати билангина бизлар моддий оламни яратиш, мавжудлигини таъминлаш ва яқсон қилишга қодирмиз. Шунинг учун мен Унинг, Олий Зотнинг олдида эҳтиром билан бош эгаман. 24. Биз - шартланган руҳларнинг барчамиз Парвардигорнинг алдамчи қувватининг занжирлари билан моддий оламга боғланганмиз. Парвардигорнинг марҳаматига эришмай туриб, бизлар ҳеч қачон бу тутқунликдан қутулишга қодир эмасмиз. Амри билан бутун борлик дунёга келадиган ва яқсон бўладиган Парвардигорнинг олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман.

Ўн саккизинчи боб

Жамбудвиша аҳолисининг илтижолари

1. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - Бхрашрава-варша деб аталадиган вилоятга Дхармараджанинг ўғли Бхрашрава ҳукмдорлик қилади. Худди Илаврита-варшада Тангри Шива Санкаршанага сиғингани сингари, Бхрашрава ҳам ўзининг яқин хизматкорлари ва Бхрашрава-варшанинг бутун аҳолиси билан бирга Васудеванинг қудратли қиёфаси бўлган Хаяширшага сиғинадилар. Дин ҳукмдори Худованд Хаяширша ўзининг содиқларига жуда азиз, меҳрибон. Чуқур жазавали муруқбага фарқ бўлган Бхрашрава ва унинг хизматкорлари Парвардигор олдида эҳтиром билан бош эгадилар ва ҳар бир сўзни аниқ талаффуз этган ҳолда Унга илтижо қиладилар.

2. Бхрашрава ҳукмдори ва унинг яқинлари шундай илтижо қиладилар: - "Бизлар чуқур эҳтиром билан, шартланган руҳларнинг қалбини моддий иллатлардан поклайдиган Худои Таоло, барча диний қонунларнинг мажмуи-бирикмаси олдида бош эгамиз. Биз Унинг олдида такрор ва такрор бош эгамиз. 3. Афсуски, нодон материалистлар бошлари узра таҳдид солаётган даҳшатли хавф - муқаррар ўлимни сезмайдилар. Улар эртами-кечми ўлимга маҳкум эканини биладилар, аммо бунга эътибор бермайдилар ва хотиржам яшайверадилар. Отаси ўлган киши, энди ҳаётда роҳатланиб яшаш учун, мерос қолган мол-дунёни тезроқ олишга интилади, агар ҳатто ўғли ўлса, унинг мол-мулкини ҳам ўзлаштиришга ҳаракат қилади. Унда ҳам, бунда ҳам одам ўйлаб ўтирмасдан, моддий бахтга эришиш учун топган дунёсини харж қилади. 4. Эй туғилмаган Зот, албатта Ведаларни чуқур ўрганган ва руҳий илм сирларини тушунган донишмандлар, шунингдек файласуф ва мантиқий одамлар моддий олам ўткинчи эканини биладилар. Муруқба жараёнида буюк мутафаккирлар бу оламнинг табиатини англаб етадилар, кейин эса, ўзларига очилган ҳақиқатни бошқаларга тарғибот қиладилар. Шунда ҳам барибир улар баъзида Сенинг алдамчи қувватинг таъсири остига тушиб қоладилар. Англаш қийин бўлган Сенинг эрмакларинг ана шундай. Шунинг учун, алдамчи қувватинг кўрсатаётган

мўъжизаларни кўриб, бизлар Сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан бош эгамиз. 5. Эй Парвардигор, Сен бу моддий оламни яратиш, мавжудлигини таъминлаш ва яқсон қилиш жараёнидан ташқаридасан, ва бу фаолиятга умуман боғланмагансан, лекин Ведалар айнан Сен ўзинг бу жараённи бошқариб туришингни ўргатадилар. Барибир, бу бизларни ажаблантирмайди, чунки Сен англаб бўлмайдиган қудратга эгасан ва шунинг ўзи Сенга "барча сабабларнинг сабабчиси" бўлиш ҳуқуқини беради. Сен ҳамма нарсадан ажралган ҳолда алоҳида мавжудсан, ва айни пайтда ҳамма нарсанинг мазмун моҳияти ўзингсан. Бу дунёдаги ҳамма нарсалар Сенинг англаб бўлмас қудратинг туфайли рўй бераётганини шу тарзда тушуниш мумкин. 6. Бундан аввалги даврда ғофиллик тимсоли Иблис қиёфасига кириб, Ведаларни пастга, Расаталага олиб кетганди. Аммо Худои Таоло, Хаягрива кўринишида пайдо бўлиб, Ведаларни қутқарди ва Тангри Брахманинг илтимоси билан, Ведаларни яна унга қайтариб берди. Бизлар қарори ҳамиша қатъий бўлган Худои Таоло олдида эҳтиром билан бош эгамиз!"

7. Шукадева Госвами давом этди: - Эй шоҳ, Хариварша - Тангри Нрисимхадеванинг даргоҳидир. Кейинроқ мен сенга Парвардигор қандай вазиятда Махараж Прахладани қутқариш учун Нрисимхадева қиёфасида пайдо бўлганини гапириб бераман. Махараж Прахлада содиқлар ичида аълоси, у буюк руҳларга хос бўлган барча эзгу хислатлар соҳибидир. Унинг ажойиб фазилятлари ва қароматлари шарофати билан барча адашган қариндошлари, иблислар озодликка чиқдилар. Парвардигор Нрисимхадева ана шу улуғвор содиққа жуда азиз. Ўзининг барча хизматкорлари ва Хариварша аҳолиси билан бирга Прахлада Нрисимхадевага куйидаги мантрани такрорлаб сиғинади:

8. "Мен бутун куч-қудрат манбаи бўлган Парвардигор Нрисимхадева олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман. Эй Парвардигор, Сенинг тирноқ ва курак тишларинг яшин мисол, бизларнинг қалбимиздаги кармали фаолият билан боғлиқ бўлган дунёвий орзу-истаклар шайтонини янчиб ташла. Бизнинг қалбимизда намоён бўл ва у ердаги ғофиллик иллатини яқсон қил, токи бу дунёда тирикчилик учун курашда ҳолдан тойган, бизлар сингари адашган зотлар, Сенинг марҳаматинг билан жасорат соҳиби бўлайлик. 9. Бутун коинотда тинчлик ва осойишталик ҳукмрон бўлсин ва барча золим ниятли мавжудотлар тинчисинлар. Бхакти-йога билан машғул бўлиб ҳар бир одам хотиржамликка эришсин, чунки холис хизмат қилиш йўлига қирган тирик мавжудотлар бир-бирларининг саодати ҳақида ғамхўрлик қила бошлайдилар. Шундай экан, келинлар, илоҳий Парвардигор Шри Кришнага холис хизмат қиламиз, ва ҳеч қачон У ҳақидаги ўйлар бизларни тарк этмасин. 10. Эй Парвардигор, биз Сендан шуни илтижо қиламизки, ҳеч қачон бизларнинг уйимиз, хотин-бола-чақаларимиз, дўст-ёрларимиз, қариндош-уруғларимиз, мол-дунёмиз ва оилавий ҳаёт зиндониди бизларни ушлаб турувчи бошқа нарсалар ҳеч қачон бизларга ёқимли бўлиб кўринмасин! Агар бизларда бирор нарсага боғланиш хисси бўлиши керак бўлса, фақат Худого, Кришна учун азиз бўлган содиқларгагина боғланайлик. Ўзининг руҳий табиатини англаб етган ва ақлини жиловлаб олган киши, ҳаёт учун энг зарур нарсаларгагина эга бўлиш билан ҳамиша ўз ҳаётидан мамнун яшайди, ва хиссиётининг талабларини қондиришга уринмайди.

Шундай одам Кришнани англаб етишда тез камолотга эришади, аксинча, моддий нарсаларга боғланиб қолган киши, бу йўлда жуда кўп қийинчиликларга учрайди. 11. Ўз ихтиёрларини бутунлай Худои Таоло Муқундага топширган зотлар билан ҳамсухбат бўлибгина, Парвардигорнинг буюк кароматлари ҳақида тинглаш ва уларнинг маъносига тушуниш мумкин. Муқунданнинг кароматлари шу қадар қудратлики, уларни тинглаш билан одам Парвардигорнинг Ўзи билан ҳамсухбат бўлади. Агар одам мунтазам равишда, кучли иштиёқ билан Парвардигорнинг шавкатли кароматлари ҳақида тинглаб юрса, Мутлақ Ҳақиқат, Худо Шахси, Ўзининг товуш кўринишида унинг қалбига киради ва уни ҳар хил иллатлардан поклайди. Ганга сувлари танани поклаш ва ҳар хил касалликлардан даволаш қудратига эга, аммо шунчаки Ганга сувларида мунтазам чўмилиб юриш ва муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш ёрдамида инсон қалбини поклаш учун жуда кўп вақт керак бўлади. Қайси бир фаросатли одам, тез вақт ичида руҳий баркамоллик даражасига кўтарувчи содиқлар билан ҳамсухбат бўлиш имкониятини рад этади? 12. Худонинг Олий Шахси, Васудевага пок садоқат туйғусини ривожлантирган киши танасида тақводорлик, билимдонлик ва таркидунёлик каби улугвор фазилатлари билан бирга барча фаришталар намоён бўлади. Ва аксинча, ҳолис хизмат қилишдан четда юрган ва дунёвий ишлар билан машғул киши ҳеч қандай эзгу фазилатларга эга эмас. Ҳатто у сеҳрли йоғда бирор муваффақиятга эришган бўлса, ёки ҳалол меҳнат билан оиласи ва қариндошларининг ҳаётини таъминлаб турган бўлса ҳам, у ўз ақлининг талабларини бажаришга мажбурдир ва шунинг учун Парвардигорнинг ташқи қувватига хизмат қилади. Шундай экан, ундай одамда эзгу ният ва ишлар қаердан пайдо бўлсин? 13. Сувда яшайдиган мавжудотлар ҳамиша чуқур сувда қолишни истаганлари сингари, барча тирик мавжудотлар ҳам, ўз табиатига кўра, Худои Таолонинг чексиз борлиғида қолишни истайдилар. Моддий жиҳатдан кимдир буюк бўлиб кўриниши мумкин, аммо агар одам Олий Руҳнинг марҳаматига эришиб, Ундан паноҳ излаш ўрнига, ўзида оилавий турмуш тарзига боғланиш туйғусини ривожлантирса, у гофиллик ботқоғига ботган ёш келин-куёвлардан ортиқ эмас. Моддий турмушга қаттиқ боғланиб қолган киши ўзидаги барча руҳий кадриятларни йўққа чиқаради. 14. Шунинг учун, эй иблислар, бу ўткинчи оилавий бахтдан юз ўгиришлар ва ҳақиқий жасорат бағишловчи Парвардигор Нрисимхадеванинг нилуфар қадамлари пойи остидан паноҳ топинглар. Оилавий турмуш одамни ютиб юборади ва унда моддий боғланиш, эришиб бўлмайдиган орзу-ҳаваслар, қайғу-изтироб, ғазаб, паришонлик, қўрқув ва ўткинчи обрў-эътиборга интилиш ҳиссини пайдо қилади. Буларнинг барчаси руҳни туғилиш ва ўлишлар чархпалағида ушлаб туради".

15. Шукадева Госвами давом этди: "Кетумалаварша деган вилоятда Парвардигор Вишну Камадева киёфасида намоён бўлган ва Ўзининг содиқ хизматкорларини мамнун қилиш учун у ерда ҳамиша мавжуд. У ерда Унга равнақ фариштаси Лакшмиджи, Пражапати Самватсара ва Самватсаранинг барча ўғил-қизлари сиғинадилар. Унинг ўғиллари кундуз ҳукмдорларидир, қизлари эса тун ҳукмдорларидир. Пражапати Самватсаранинг ҳаммаси бўлиб ўттиз олти минг ўғли ва яна шунча қизлари бор, ва уларнинг ҳар бирига инсоннинг

бир куни ва бир туни бўйсунди. Ҳар бир йил охирида Пражапатининг барча қизлари Худо Шахсининг кўзни камаштирувчи ёғду таратаётган халқасини кўриб саросимага тушадилар ва вақтидан аввал ҳомилаларидан кугуладилар. 16. Парвардигор Камадева(Прадьюмна)нинг ҳаракатлари жуда ибодли. Унинг табассуми нозик ва мафтункор, ва У равнақ фариштасига қошларини бироз кўтариб, Ўзининг ўйноқи нигоҳини ташлаганида, Унинг нилуфарсимон сиймоси янада жозибалироқ бўлиб кетади, ундан равнақ фариштаси ҳайратга тушади. Шу тарзда Камадева Ўзининг илоҳий ҳиссиётларига лаззат бағишлайди.

17. Лакшмидеви бутун самватсара давомида Парвардигорга марҳаматли Камадева киёфасида сиғинади. Кундузи Пражапатининг ўғиллари(кундуз фаришталари) билан бирга, кечаси эса, Пражапатининг қизлари(тун фаришталари) билан бирга сиғинади. Ҳолис хизмат қилиш билан машғул бўлиб, Лакшмидеви Парвардигорга шундай илтижолар қилади.

18. - "Мен бутун борлиқнинг манбаи бўлган ва бтун ҳиссиётининг ҳукмдори бўлган Худои Таоло - Хришикеша олдида чуқур эҳтиром билан таъзим қиламан. У барча тирик мавжудотларнинг таналари, ақллари ва фаросатларини бошқаради, шунинг учун фаолиятимизнинг барча натижалари фақат Уники бўлиши керак. Ҳиссиётнинг беш объекти ва ўн бир ҳиссий орган, шу жумладан ақл ҳам Унинг қисман намоён бўлган кўринишларидар. Барча тирик мавжудотларнинг ҳамма эҳтиёжларини айнан У таъминлаб туради, айни пайтда уларга берилаётган ҳамма нарса - Унинг қувватидир, демак, Унинг Ўзидан фарқ қилмайди. У тирик мавжудотларга руҳий ва моддий куч ато этади, бу куч ҳам Унинг Ўзидан фарқ қилмайди. У ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳақиқий, асл эридир. Ҳар бир тирик мавжудот Унга сажда қилиши лозим - барча Ведавий битикларнинг асл маъноси шундан иборат. Шундай экан Унга чуқур эҳтиром билдирайлик. У бизларнинг бу ҳаётимизда ҳам, кейинги ҳаётимизда ҳам бизларга раҳнамо бўлсин. 19. Эй Парвардигор, Сен барча ҳиссиётлар ҳукмдорсан, ва Сен ҳақиқатан ҳам мустақилсан. Шунинг учун, барча диний ақидаларга тўқис амал қилиб, фақат ҳиссиётларини қаноатлантиришга қодир бўлган эр топиш учунгина Сенга сиғинадиган аёллар шубҳасиз алданиш тузоғига илинғандирлар. Улар бундай эрлар на ўзини, на фарзандларини ҳимоя қила олмаслигини тушуниб етмайдилар. Ундай эр уларга узоқ ва фаровон ҳаёт бағишлай олмайди, чунки унинг ўзи табиат гуналарининг, фаолиятининг оқибатлари бўлган карма ва замоннинг таъсири остида, бу нарсалар эса, ўз навбатида Сенинг ҳукминг остидадир. 20. Фақат ўзи ҳам қўрқув нималигини билмайдиган ва хавф остида бўлганларни қўрқувдан озод қилишга қодир бўлган одамгина эр ва ҳимоячи бўлишга қодирдир. Шунинг учун, эй Парвардигор, Сен - дунёдаги ягона эрсан, ва бошқа ҳеч ким эр деб аталишга муносиб эмас. Агар Сен ягона эр бўлмаганингда Сени ҳам қўрқув таъқиб қилиб юрган бўларди. Барча Ведаларни ўрганган донишмандлар Сени барчанинг ва ҳар бир зотнинг ҳукмдори, Сендан афзалроқ эр ва ҳимоячи йўқ деб ҳисоблайдилар. 21. Эй Парвардигор, Сенинг нилуфар қадамларинг пойига соф муҳаббат билан сиғинган аёлнинг барча истакларини кечиктирмай амалга оширасан. Аммо, агар бирор аёл зоти Сенинг қадамларинг пойига бирор шахсий ният

билан сиғинса, Сен унинг ҳам истакларини бажо келтирасан, аммо кейин у изтироб чекади ва қалби тилкапора бўлади. Шунинг учун Сенинг нилуфар қадамларинг пойига дунёвий нарсалар илинжида сиғиниш ярашмайди. 22. Эй энгилмас Парвардигор, Браҳма, Шива ва бошқа фаришталар, шунингдек иблислар моддий лаззатларни истаганларида қаттиқ риёзатларга берилиб, менинг марҳаматимга эришиш учун, риёзат чекишда ҳар хил жасоратлар кўрсатадилар. Аммо мен Сенинг нилуфар қадамларинг пойига чарчамасдан халис хизмат қилиб юрганлардан бошқа ҳеч кимга, ҳатто буюкларнинг буюкларига ҳам марҳамат кўрсатмайман. Мен Сенинг қиёфангни ҳамиша ўз қалбимда сақлайман ва шунинг учун Сенинг содиқ хизматкорларингдан ўзга ҳеч кимга иноят қила олмайман. 23. Эй бегуноҳ зот, Сенинг нилуфарсимон панжаларинг - барча дуолар манбаидир. Шунинг учун соф содиқлар унга сиғинадилар, ва Сен меҳрибонлик билан Ўз қўлингни уларнинг бошига қўясан. Шу қўлларингни менинг ҳам бошимга қўйишингни истаيمان. Гарчи Сенинг кўксингда менинг алоҳида белгим бўлган олтинранг чизик бўлса ҳам, Сен уни шунчаки кўнглим учун олиб юргандайсан. Сен ҳақиқий марҳаматингни менга эмас, Ўзингнинг содиқ хизматкорларинга кўрсатасан. Албатта, Сенинг кароматларинг сабабини англаб етиш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди, чунки Сен - олий, мутлақ ҳукмдорсан".

24. Шукадева Госвами давом этди: - "Бундан аввалги давр охирида (Чакшүша-манвантара) Парвардигор Вайвасвата Ману ҳукмдорлик қилаётган Рамякаваршада Матся(Балик) қиёфасида пайдо бўлди. Вайвасвата Ману соф садоқат билан хизмат қилиб Парвардигор Матсяга сиғинади ва ушбу мантрани такрорлайди.

25. - "Мен чуқур эҳтиром билан энг пок, илоҳий мавжудот - Худонинг Олий Шаҳси олдида сажда қиламан. У барча ҳаёт, барча жисмоний қувватлар, ақлий қобилиятлар ва ҳиссий сезгилар манбаидир. Унинг катта наҳанг балиқ қиёфасида пайдо бўлиши - Парвардигорнинг намоён бўлган қиёфаларидан биринчисидир - мен Унга такрор ва такрор сажда қиламан. 26. Эй Парвардигор, худди рақс тушаётган кўғирчоқлар уларни бошқараётган одамга, хотини - эрига бўйсунгани сингари, коинотдаги барча тирик мавжудотлар, шу жумладан барча браҳманлар, кшатрийлар, вайшьялар ва шудралар Сенинг ҳукминг остидалар. Сен ҳар бир мавжудотнинг ҳам ичида, ҳам ташқарисида мавжудсан. Сен ҳар бир қалбда олий ҳукмдор ва гувоҳ сифатида мавжудсан, ва шунга қарамай ўзларини ҳукмдор ва халқ раҳбарлари деб ҳисоблаган зотлар Сени англай олмайдилар. Сенинг улуғвор ҳолатингни фақат ведавий мантралар товушига қулоқ тутган зотларгина тушуна оладилар. 27. Эй Парвардигор, Сенинг кудратингга ҳатто Браҳма ва бутун сайёрага ҳукмдорлик қилаётган бошқа фаришталар ҳавас қиладилар, - ердаги ҳукмдорлар ҳақида нима ҳам дейиш мумкин. Лекин Сенинг ёрдамингиз уларнинг ҳеч бири, на бир ўзи, на биргаликда коинотда яшаётган барча тирик мавжудотларнинг эҳтиёжларини қондира олмайдилар. Аслида Сен, ва фақат Сенинг Ўзинггина одамлар, ҳайвонлар, ўсимликлар, судралиб юрувчилар, қушлар, тоғлар - бир сўз билан айтганда, бу дунёда кўзга кўришиб турган ҳар бир нарсага ғамхўрлик қиласан. 28. Эй кудратли Парвардигор, аввалги давр охирида, устида ҳар турли дарахтлар ва доривор

ўсимликлар ўсадиган Ер сайёраси тошқин сувлари остида кўмилиб қолди. Шунда Сен уни, у билан бирга мени ҳам қутқариб қолган эдинг. Океан тўлқинларини ёриб, Сен катта тезлик билан сузиб боргандинг. Эй туғилмаган зот, Сен - бутун борлиқнинг ҳақиқий посбонисан, ва Сен - ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳаётисан. Мен Сенинг олдингда чуқур эҳтиром билан бош эгаман".

29. Шукадева Госвами давом этди: - Хиранмаяваршада Худои Таоло, Вишну Ўзининг Курма(тошбақа) қиёфасида намоён бўлади. Парвардигорнинг бу ажойиб қиёфаси Хиранмая-варшанинг Аряма бошлиқ барча аҳолисига жуда азиз. Парвардигор (Тошбақа) Курмага халис хизмат қилиб, улар ушбу мадҳияларни куйлаб сиғинадилар. 30. -"Эй тошбақа қиёфасига кирган Парвардигор, мен Сенинг олдингда чуқур эҳтиром билан бош эгаман. Сен - барча илоҳий ҳислатлар уммонидирсан. Сен ҳамиша соф эзулик гунасидасан, ва Сенга моддийлик илллати таъсир қилмайди. Океан кенгликларидан Сен ҳар ерга сузиб юрасан, ва ҳеч ким Сенинг қаердалигингни била олмайди. Мен Сенинг олдингда камтарин ҳолда таъзим бажо келтираман. Сен бутунлай руҳий табиатга эгасан ва ўтмиш, ҳозир ва келажак чегаралари билан чекланмагансан. Ҳар ерда мавжуд бўлган ҳолда Сен барча мавжудотга паноҳ бағишлайсан, шунинг учун мен Сенинг олдингда такрор ва такрор бош эгаман. 31. Эй Парвардигор, кўзга кўришиб турган бу коинот - Сенинг яратиш қувватингнинг намоён бўлишидир. Бу оламнинг сонсаноксиз турдаги кўринишлари Сенинг ташқи қувватингдан яралган - демак, вират-рупа(фазовий қиёфа) Сенинг асл кўринишинг эмас. Сенинг асл қиёфангни онги бутунлай руҳий бўлган содиқ хизматкорингдан ўзга ҳеч ким кўришга қодир эмас. Мен Сенинг олдингда чуқур эҳтиром билан бош эгаман. 32. Эй Худойим, Сен Ўзингнинг ҳар хил қувватларингни сонсаноксиз кўринишларда намоён этасан. Улар куйидагилардир: қориндан, тухумдан ва тердан туғиладиган тирик мавжудотлар; ердан униб чиқадиган дарахтлар ва бошқа ўсимликлар; барча ҳаракатланувчи ва ҳаракат қилмайдиган мавжудотлар, шу жумладан фаришталар, донишмандлар ва питалар; фазовий бўшлиқ; жаннат сайёраларини ҳам ўз таркибига олувчи олий сайёралар тизими ва ниҳоят устидаги тоғлари, дарёлари, денгизлари, океанлари ва ороллари билан бирга Ер сайёраси. Барча юлдуз ва сайёралар - шунчаки Сенинг қувватингнинг кўриниши холос, аммо Сен Ўзинг азалдан борсан, мавжудсан, ва Сендан ташқарида ҳеч нарса мавжуд эмас. Шундай қилиб, коинот, бутун борлиқ - бу алданиш ёки сароб эмас, балки Сенинг англаб бўлмаган қувватингнинг вақтинчалик намоён бўлишидир. 33. Эй Парвардигор, Сен Ўз танангни, номларингни ва сифатларингни сонсаноксиз кўринишларда таратиб турасан. Ҳеч ким уларнинг саноғига ета олмайди, аммо Сен Ўзинг буюк донишманд Капиладева қиёфасига кириб, моддий коинот 24 унсурдан таркиб топганлигини айтдинг. Шунинг учун моддий оламнинг ҳар хил ҳақиқатларини тушунтириб берувчи санкхя фалсафаси билан қизиқувчилар уни Сенинг айтганларингдан ўрганиши лозим. Афсуски, Сенга содиқ бўлмаган худосизлар ҳақиқий қиёфангни билиб олишга интилмасдан, шунчаки ҳар хил моддий унсурларни санаб юрадилар, холос. Мен Сенинг олдингда чуқур эҳтиром билан бош эгаман".

34. Шукадева Госвами шундай деди: - Эй шох, Жамбудвипанинг шимолий қисмида Худои Таоло барча курбонлик эҳсонларини қабул қилувчи Тўнғиз кўринишида мавжуддир. У ерда, Уттаракру-варшада, она-Ер ва шу мамлакатнинг бутун аҳолиси Парвардигорга ўзгармас садоқат билан хизмат қиладилар ва куйидаги мантра-упанишадани айтиб сиғинадилар.

35. - Эй Парвардигор, биз чуқур эҳтиром билан буюкларнинг энг буюги бўлган Сенинг олдинда бош эгамиз. Ведавий мантраларни зикр қилиш шарофати билан бизлар Сени мукамал англай оламиз. Сен - ягя(курбонлик маросими)сан, ва Сен - крату(ақида)сан. Шунинг учун, маросим ақидаларининг барчаси Сенинг илоҳий танангнинг бўлақларидир, ва курбон қилинган эҳсонларнинг барчасидан лаззатланувчи зот - Сен Ўзингсан. Сенинг тананг соф, илоҳий эзгуликдан таркиб топган. Сени Три-юга деб атайдилар, чунки Калиюгада Сен яширин қиёфада келасан, ва яна Сен уч жуфт мукамаллик сифатининг тўла соҳибсан. 36. Қуриган шохаларни бир-бирига ишқаба, ўтинда яширинган оловни чиқара олишни биладиган буюк авлиё ва донишмандлар сингари, Мутлақ Ҳақиқатга эришиш йўлини биладиган кишилар, эй Парвардигор, ҳар ерда, ҳатто ўзларининг таналарида ҳам Сени кўришга интиладилар. Лекин Сен барибир уларнинг кўзларидан яшириниб қолаверасан, чунки тана ва акднинг фаолиятига асосланган ҳеч қандай усул Сенга эришиш имконини бермайди. Сен Ўзингни фақат Ўз хоҳишинг билан ва фақат Сенга самимий интилаётганларгагина намоён қиласан. Бизлар Сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан бош эгамиз. 37. Моддий ҳиссиёт объектлари(товуш, шакл, таъм, тегадиган нарсалар ва ҳид), ҳиссий органларнинг фаолияти, бу фаолиятни бошқариб турувчи(фаришта)лар, моддий тана, мангу замон ва ўзлик - буларнинг барчаси Сенинг моддий қувватинг пайдо қилган нарсалардир. Сеҳрли йога машғулотида камолотга эришиб ўз тафаккурини ривожлантирган кишилар буни тушунадилар. Шунингдек, буларнинг барчасининг асосида Сенинг Ўзинг - илоҳий қиёфанг бўлган Олий Рух кўринишида турганини ҳам биладилар. Шунинг учун бизлар Сенинг олдинда такрор ва такрор камтарин ҳолда бош эгамиз.

38. Эй Парвардигор, Сенинг бу моддий оламни яратиш, мавжудлигини таъминлаш ва яқсон қилиш истагинг йўқ, аммо шартланган руҳларнинг саодати учунгина, Ўзингнинг яратиш қувватинг ёрдамида Сен бу ишни қиласан. Худди темир парчаси магнит таъсирида ҳаракатга келгани сингари, Сен моддий қувват мажмуасига Ўз нигоҳингни ташлаганда бутун жонсиз моддалар ҳаракатга келади. 39. Эй Парвардигор, моддий оламда азалий Тўнғиз кўринишида намоён бўлиб, Сен баҳайбат иблис Хираниякша билан олишдинг ва уни ўлдирдинг. Кейин эса, худди фил эрмак учун сув юзидаги нилуфар гулини юлгани сингари, қуракларинг учида мени(Ерни) Гарбходака уммони қаъридан кўтариб олдинг. Бизлар Сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан бош эгамиз.

Ўн тўққизинчи боб.

Бхарата-варшанинг улуғворлиги.

1. Шри Шукадева Госвами давом этди: - Эй шох, Кимпуруша-варшада буюк содиқ Хануман, шу ернинг

аҳолиси билан бирга, Лакшмананинг оғаси ва Сита-девининг эри Парвардигор Рамачандрага ҳамиша холис хизмат қилади. 2. Парвардигор Рамачандрага минглаб гандҳарвалар куну-тун ҳамду-сано айтиб куйлайдилар, ва бу олқиш қўшиқларининг овози ҳар бир одамга саодат келтиради. Хануманжи ва Арштишена, Кимпуруша-варшанинг ҳукмдори, ана шу товушларга тинмай кулоқ соладилар. Хануманнинг ўзи эса, Парвардигорга шундай илтижо қилади:

3. "Эй Парвардигор, Сени мамнун қилиш учун мен омқара (биджа-мантра)мантрасини талаффуз қиламан. Мен буюкларнинг буюги ва Худонинг Олий Шаҳси бўлган Сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан бош эгаман. Сен - комил инсонлар бўлмиш арийлардаги барча улуғвор фазилатлар манбаисан. Сенинг одобинг ва хулқинг бенуқсон, Сен Ўз ақлинг ва ҳиссиётингни бошқаришга қодирсан. Инсон вазифасини бажара туриб, Сен бенуқсон одобинг билан бошқаларга намуна кўрсатасан. Олтининг сифатини текширадиган тош сингари, Сен - инсондаги барча эзгу ишларининг намунасан. Содиқларнинг энг аълоси бўлган брахманлар Сенга сиғинадилар. Эй Олий Шаҳс, барча шохлар шох, мен Сенга чуқур эҳтиром кўрсатаман. 4. Рухий танаси моддий табиат гуналари ҳукмига бўйсунмайдиган Парвардигорни фақат соф онг ёрдамидагина англаш мумкин. "Веданта" Парвардигорни "ягона ва бетакрор" деб таърифлайди. У чексиз руҳий қудратга эга, шунинг учун моддий иллат Уни булғай олмайди. Парвардигорни моддий кўзлар билан кўриб бўлмайди, шунинг учун Уни илоҳий(трансцендент) деб айтадилар. У моддий фаолиятга боғланмаган ва Унинг моддий танаси ёки моддий номлари йўқ. Унинг илоҳий сиймосини фақат соф руҳий онгга - Кришна онгига эга бўлган кишигина кўра олади. Парвардигор Рамачандранинг муқаддас нилуфар қадамлари пойига чуқур эҳтиром билан бош эгамиз, ва ана шу қадамлар пойи бизларнинг мангу паноҳ даргоҳимиз бўлиб қолсин. 5. Бир пайтлар дунёда рақшаслар йўлбошчиси Равана яшаган, уни инсондан бошқа бирор мавжудот ўлдира олмас эди. Шунинг учун Парвардигор Рамачандра, Худонинг Олий Шаҳси, Ер юзига инсон қиёфасида ташриф буюрган. Раванани яқсон қилишдан ташқари Парвардигор Рамачандранинг яна бир мақсади бор эди: У, бу дунёда ўлимга маҳкум бўлган оддий одамларга, оилавий ҳаёт ва хотини билан бўладиган жинсий ҳаётдан бахт излаб юрган киши ўзини сон-саноксиз азоб-уқубатларга дучор қилишини кўрсатмоқчи эди. Олий Худо ўзига тўла бутун ва ҳеч қачон мусибатга берилмайди, - шундай экан, хотини Сита-девини Равана ўғирлаб кетганида Унинг шунча қийинчиликларга дуч келганини қандай изоҳлаш мумкин? 6. Худонинг Олий Шаҳси, Васудева бўлган ҳолда, Шри Рамачандра ҳар қандай дунёвий боғланишлардан пок. У Олий Рух, ўзлигини англаган барча руҳларнинг энг яхши дўсти ва олий муҳаббат объекти ҳисобланади. Парвардигор Рамачандра - барча мукамалликларнинг тўла соҳиби, шунинг учун Унинг, хотинидан ажралиб мусибат чекани ёки укаси Лакшманани ва хотинини рад этгани ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ундай бўлиши ақл бовар қилмайдиган нарса бўларди. 7. Ҳеч ким ўзининг обрўли хонадондан келиб чиқиши, ташки гўзаллиги, сўзамоллиги, ўткир ақли ёки юксак ривожланган муносабатларга эгаллиги сингари дунёвий сифатлари ёрдамида Рамачандранинг, Худои Таолонинг

дўсти бўлишга қодир эмас. Бундай сифатларнинг бирортаси ҳам Парвардигорни ўзига жалб эта олмайди. Акс ҳолда, Шри Рамачандранинг бизларни - на гўзаллиги, на обрўли келиб чиқиши, на чиройли гапира олиш қобилияти бўлмаган оддий ўрмон аҳолисини тан олганини қандай тушунтириш мумкин? 8. Шунинг учун ҳар бир зот, хоҳ у фаришта, одам ёки бошқа бирор тирик мавжудот бўлсин, Ер юзига инсон қиёфасида ташриф буюрадиган Олий Худо, Рамачандрага сажда қилиши лозим. Худонинг Олий Шахсига сифнадиган киши қаттиқ риёзатларга берилишининг ҳожати йўқ, чунки Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкоридан ҳар қандай, ҳатто энг арзимас хизматни ҳам рад этмай, мамнуният билан қабул қилади. Парвардигорни ўзининг хизмати билан мамнун қилиб, солиҳ инсон ҳаётда энг олий мақсадга эришади. Айнан шу тарзда, Шри Рамачандранинг марҳамати билан Унинг содиқ хизматкорларининг барчаси, Айодхя аҳолиси, ўз уйларига, Парвардигор даргоҳи(Вайкунтха)га қайтган эдилар".

9. Шукадева Госвами давом этди: - Парвардигорнинг улуғворлиги англаб бўлмас даражада бениҳоя. Ўз содиқларига ҳамиша илтифотли бўлган Парвардигор уларга ҳақиқий илми, диннинг қонун-қоидаларини ўргатмоқчи ва таркидунёликни қандай ривожлантиришни, руҳий қувватга эга бўлишни, ўз ҳиссиётларини бошқаришни ўрганишни ва сохта ўзликдан қутулишни кўрсатмоқчи эди. Шу мақсад билан У Бхарата-варша ерида, Бадарикашрама Нара-Нараяна кўринишида намоён бўлди. Парвардигор Нара-Нараяна мислсиз руҳий комилликларга эга ва ҳозирги даврнинг охиригача риёзатга берилади. Шу тарзда У одамларга руҳий ўзликни англаш йўлини кўрсатади.

10. Ўзининг "Нарада-Панчаратра" номли китобида буюк донишманд Нарада санхя ва сеҳрли йога машғулотни ёрдамида ҳаётда энг олий мақсад - Парвардигорга садоқатга эришиш мумкинлигини батафсил таърифлаб берган. Бундан ташқари у Олий Худонинг улуғворлигини тушунтирган. Бу илоҳий асарнинг асосий ғояларини Нарада, Бхарата-варшанинг варнашрама қонун-қоидаларига тўла амал қиладиган аҳолиси Парвардигорга холис хизмат қилиш даражасига эришишлари учун, Саварни Мануга тушунтириб берди. Бхарата-варша аҳолиси билан бирга Нарада Муни Парвардигорни қуйидаги сўзлар билан олқишлаб, чарчамасдан Нара-Нараянага хизмат қилади.

11. "Мен муқаддас авлиёларнинг энг улуғи Нара-Нараяна, Худонинг Олий Шахси олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман. У Ўз ҳиссиётларини тўла бошқара олади ва Ўзининг руҳий табиатини охиригача англаб етган. У мағрурликдан пок ва У - ҳеч қандай моддий бойликка эга бўлмаганларнинг бойлигидир. У - инсониятнинг энг улуғвор вакиллари бўлган барча парамхамсаларнинг руҳий устозидир, У - ўзлигини англаган руҳларнинг хўжайинидир. Мен Унинг нилуфар қадамлари пойига такрор ва такрор сажда қиламан".

12. Нара-Нараянага сиғинар экан, қудратли авлиё Нарада яна шундай илтижолар қилади: - "Кўзга кўриниб турган бутун борлиқ Худои Таолонинг амри билан яратилади, мавжуд бўлиб туради ва яқсон қилинади, лекин Парвардигор ҳеч қачон Ўзининг қудратидан гердайиб мағрурланмайди. Нодонлар, "Парвардигор ҳам худди бизлар сингари моддий танага мужассам бўлади" деб ўйлайдилар, аммо аслида у оч-

лик, ташналик, чарчаш ва танага хос бўлган бошқа азобларга дучор бўлмайди. У ҳамма нарсани кўриб турувчи гувоҳ, аммо Унинг нигоҳи Ўзи кўриб турган нарсаларининг моддий сифатларидан бўлганиб, нопок бўлиб қолмайди. Мен дунёда рўй бераётган ҳамма нарсани кўриб турган, аммо ҳамиша Ўзининг таркидунё ҳолатида қоладиган ва поклигини йўқотмайдиган Парвардигор олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман. 13. Эй Худойим, эй барча сеҳрли қудратлар хукмдори! Ўзининг руҳий табиатини муқаммал англаб етган Брахма(Хиранягарбха), йога машғулотини қуйидагича тушунтириб берган: - "Ажали келганда йог ақлини Сенинг нилуфар қадамларинг пойида мужассам қилиши керак ва танасига бўлган ҳар қандай боғланишдан бутунлай халос бўлиб, уни тарк этишим лозим. Мана шу йоганинг ҳақиқий камолот чўққисидир. 14. Одатда ақли дунёвий нарсаларга боғланган одамлар таналарига лаззат бағишлайдиган ҳар хил нарсаларга - ҳозир ўзларида мавжуд бўлган ва келажакда эга бўладиган нарсаларга боғланиб қолганлар. Шунинг учун улар ўзларининг хотинлари, болалари, мол-дунёси ҳақида тинмай ўйлайдилар ва ҳар хил ахлатларга тўла танасини тарк этишдан кўрқадилар. Агар Кришнани англаш йўлидан бораётган одам ҳам, ўзининг танасини тарк этишдан кўркса, шунча муқаддас китобларни ўрганиш учун нега шунча умрини ўтказди, деб сўраш табиий ҳол. Ундай одам вақтини бекор қетказган, нодир умрини хазон қилган ҳисобланади. 15. Шундай экан, эй илоҳий Парвардигор, бизларга бхакти-йога йўлидан бориш қобилиятини ато эт, токи бизлар бўйсунмас, асов ақлимизни жиловлаб олиб, уни Сенда мужассам қилайлик. Бизларнинг барчамизни Сенинг алдамчи қувватинг қамраб олган: бизлар барчамиз ҳаётда иллатларга тўла танамизни, у билан боғлиқ нарсаларни жуда қадрлаймиз. Сенга холис хизмат қилиш - ана шу боғланишлардан қутулишнинг ягона йўлидир, шунинг учун ҳам биз Сендан шунини илтижо қилиб сўраймиз!"

16. Шукадева Госвами давом этди: - Бхарата-варшада ҳам Илаврита-варшадаги сингари тоғ ва дарёлар кўп. У ерда Малая, Мангала-прастха, Майнака, Трикута, Ришабха, Кутака, Коллака, Сахя, Девагири, Ришямука, Шри Шайла, Венката, Махендра, Варидҳара, Виндхя, Шуктиман, Рикшагири, Париятра, Дрона, Читракута, Говардхана, Райватака, Какубха, Нила, Гокамукха, Индракила ва Камагири сингари тоғлар қад кўтариб турибди. Бундан ташқари Бхарата-варшада ёнбағирларидан сон-саноксиз қатта ва кичик дарёлар оқиб ётган кўплаб бошқа тоғлар ҳам бор.

17-18. Бу дарёлардан икитаси - Брахмапутра ва Шона - "нада", яъни асосий дарёлар деб аталади. Бошқа қатта дарёлар ичида машҳурлари Чандраваса, Тамрапарни, Аватода, Критамала, Вайхаяси, Кавери, Вени, Паясвини, Шаркараварта, Тунгабхадра, Кришнавеня, Бхимаратха, Годавари, Нирвиндхя, Пайошни, Тапи, Рева, Сураса, Нармада, Чарманвати, Синдху, Маханади, Ведасмрити, Ришикуля, Трисама, Каушики, Мандакани, Ямуна, Сарасвати, Дришадвати, Гомати, Сарану, Родхасвати, Саптавати, Сушома, Шатадру, Чандрабхага, Марудвридха, Витаста, Асикни ва Вишвалардир. Бу дарёлар, уларда чўмилганларида, қўлларини текизганларида, уларнинг номларини айтиб мантра ўқиганларида, ёки шунчаки уларни эслаганларида Бхарата-варша аҳолисини моддий иллатлардан поклайди. Шу тарзда, шу дарёлар шарофати билан Бхарата-

варшанинг бутун аҳолиси хамиша таналарини пок тутиб, ҳалол яшайдилар. 19. Бу ерда туғилган одамлар, моддий табиат гуналарининг таъсир қилиш даражасига қараб ҳар хил тоифаларга бўлинади. Уларнинг баъзилари улуғвор ҳислатларга эга бўлиб туғиладилар, бошқалари ҳеч бир сифати билан бошқалардан ажралиб турмайди, учинчи бирлари эса туғилганлариданок ёмон ҳислатларга эга бўладилар. Бундай бўлишига сабаб - ҳар бир одам туғилганида ўзининг авалги ҳаётида қилган ишлари натижасида қандай ҳолатга муносиб бўлса, худди шундай аҳволда туғилишидир. Агар инсон ҳақиқий руҳий устоз ёрдами билан жамиятдаги тўрт табақа ва тўрт турли руҳий ҳаёт тарзи орасида ўзининг ўрнини аниқлаб олса, шу тузумнинг қонун-қоидаларига амал қилиб, Парвардигор Вишнуга ҳолис хизмат қилишни ўрганса, у ҳаётда албатта муваффақиятга эришади. 20. Инсон кўп умрлар такводор бўлиб яшаганидан кейин, қилган эзгу ишларининг меvasи пишиб етилаганида, Худонинг соф содиқлари билан учрашиш имкониятига эга бўлади. Шундай одам ҳар хил кармали фаолият таъсири остида қалбида пайдо бўлган ғофиллик тугунини ечиб ташлашга қодир бўлади. Содиқлар билан ҳамсухбат бўлиб, у аста-секин ақл ёрдамида англаб ёки сўзлар билан ифодалаб бўлмайдиган, моддий оламга умуман боғланмаган ва бутунлай мустақил бўлган Парвардигор Васудевага хизмат қила бошлайди. Парвардигор Васудевага ҳолис хизмат қилиш ёки бхакти-йога, - озодликка чиқишнинг ҳақиқий йўлидир. 21. Инсон ҳаёти руҳий ўзликни англаш учун энг қулай эканини билган жаннат аҳолиси, фаришталар шундай дейдилар: -"Бхарата-варшада туғилган одамлар қанчалик омадли! Шубҳа йўқки, улар аввалги ҳаётларида жуда кўп риёзатлар чеккан ва бошқа эзгу ишлар қилган ёки Худо Шахсининг алоҳида илтифотига сазовор бўлганлар. Акс ҳолда, улар ҳозирги ҳаётида, Худога садоқат билан ҳолис хизмат қилишининг ҳар хил турлари билан шуғуллана олишларини қандай изоҳлаш мумкин? Биз фаришталар Парвардигорга ҳолис хизмат қилиш учун Бхарата-варшада инсон танасида туғилишни фақат орзу қила оламиз, холос, унинг аҳолиси эса, аллақачон бундай мақсадга эришиб бўлганлар!"

22. Фаришталар давом этиптилар: -"Бизлар ведавий маросимлар ва қурбонликлар ўтказиб, риёзатларга берилиб, муқаддас қасамларимизни бажариб, хайр-эҳсонлар улашиб, шунча ҳаракат қилдик, ва ниҳоят, мана жаннатий сайёраларда туғилиш ҳуқуқига эга бўлдик. Аммо бунинг қандай маъноси бор? Жаннатда яшаб юриб, бизлар дунёвий лаззатларга берилиб кетдик ва Парвардигор Нараянани зўр-базўр эслашга қодирмиз. Тўғриси айтганда ҳаддан ташқари хузур-ҳаловатга берилиб кетганимиз сабабли бизлар Унинг нилуфар қадамлари пойини умуман эсдан чиқариб юбордик. 23. Бхарата-варшада ўтказилган қисқа умр кўп, ҳатто миллион йиллар Брахма-локада энг буюк жаннатда ўтказилган умрдан қимматлироқ: ахир, ҳатто Брахма-локага кўтарилиб ҳам, руҳ яна туғилиш ва ўлишлар чархпалагига қайтишга мажбур бўлади. Олий сайёралар тизимига кирмайдиган Бхарата-варшада одам гарчи озгина вақт яшаса ҳам, у биргина умри давомида ўзида Кришна онгини тўла ривожлантириши мумкин ва ҳаётини Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилишга бағишлаб, камолотнинг олий поғонасига эришиши мумкин. Танасини тарк

этиб, шундай руҳ ҳеч қандай ташвиш ва хавотир бўлмайдиган ва ҳеч ким моддий танада қайтиб туғилмайдиган Вайкунтха-локага кўтарилади. 24. Фаросатли одам, агар Парвардигорнинг кароматлари ҳақидаги Ганга сувларидай соф, саховатли ҳикоялар дарёси оқиб турмаса, агар ана шу дарёлар бўйида Парвардигорга ҳолис хизмат қилиш билан банд бўлган содиқлар бўлмаса, ва агар Парвардигорни мамнун қилиш учун санкиртана-яга маросимлари ўтказилмаса, ҳатто коинотнинг энг олий сайёрасига тушишга ҳам интилмайди. 25. Бхарата-варшада инсон ўз ҳаётини, карма ва гйяна билан машғул бўлиб орттирган оқибатларидан бутунлай ҳалос қилувчи Худога садоқатли хизмат қилиш жараёнига бағишлаши учун ҳамма шароит мавжуд. Муқаддас Бхарата-варша заминиде, ривожланган ҳиссий органларга эга инсон танасида туғилган, ва шу тарзда санкиртана ўтказиш имкониятига эришган, аммо шунга қарамай ҳолис хизмат қилиш йўлига кирмаган зот - бир марга овчи тўридан қуғулган, аммо эҳтиётсизлик қилиб яна тўрға тушган ёввойи ҳайвон ва қушларга ўхшайди. 26. Бхарата-варшада кўпчилик одамлар Худои Таолонинг вакиллари бўлган Индра, Чандра ва Суря сингари фаришталарга сифинадилар. Ҳар бир фариштанинг ўзи учун алоҳида сифиниш қоидалари бор. Фаришталарга эҳсон ҳадя қилар экан, одамлар уларни Худо Шахси танасининг бўлақлари деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун Худои Таоло бу эҳсонларни Ўзи қабул қилади ва, шундай одамларнинг истагини бажариб, уларга аста-секин Парвардигорга ҳолис хизмат қилиш даражасига етишда ёрдам беради. Парвардигор Ўзига тўла бутун, шунинг учун У Ўзининг илоҳий улар танасининг у ёки бу қисмига сифинаётганларнинг ҳам барча истаган нарсаларини ато этади. 27. Содиқ агар Ундан моддий нарсаларни сўраса, Худои Таоло уларни беради, аммо У содиқни ҳеч қачон Парвардигордан яна моддий нарсалар сўрашга олиб келадиган дуолар билан мукофотламайди. Лекин ҳатто содиқнинг ўзи бу ҳақда сўрамаса ҳам, Худои Таоло Ўзининг содиқ хизматкорига нилуфар қадамлари пойидан паноҳ беришга ҳамиша тайёр. Парвардигорнинг қадамлари пойидан нажот топган содиқ ўзининг барча истақлари амалга ошганини тўла ҳис қилади - Худо Шахсининг алоҳида марҳамати ана шундай. 29. Аввалги ҳаётларимизда бизлар албатта такводор бўлганмиз, Ведаларни ўрганганмиз, ягълар ва бошқа диний маросимлар ўтказганмиз, шулар натижасида ҳозир бизлар жаннатда яшаш имкониятига эгамиз. Аммо, бир кун келиб жаннатда яшаш муддатимиз охирига етади. Шунинг учун бизлар Парвардигордан илтижо қиламизки, шу пайтга келиб, озгина бўлса ҳам эзгу ишларимиз натижаси қоладиган бўлса, бизга яна Бхарата-варшада инсон бўлиб туғилиш имконини берсин, токи бизлар Унинг нилуфар қадамлари пойини эслай оладиган бўлайлик. Парвардигор шу қадар марҳаматлики, Бхарата-варша аҳолисининг бахтларини баркамол қилиш учун шахсан Ўзи у ерга ташриф буюради!"

29-30. Шри Шукадева Госвами деди: - "Эй шох, баъзи Веда билимдонларининг фикрича, Жамбудвипа атрофида саккиз орол жойлашган. Улар Махараж Сагаранинги ўғиллари, йўқолган қурбонлик отини излаб, бутун Ер юзини қазиб ташлаганларида пайдо бўлганлар. Улар Сварнапрастха, Чандрашукла, Авартана, Раманака, Мандарахарина, Панчаджана, Симхала ва Ланкалар-

дир. 31. Шундай қилиб, эй Махараж, эй Бхарата авлодининг аълоси, мен сенга Бхарата-варша ва Жамбудвипанинг бошқа вилоятлари ҳақида устозларимдан эшитганларимни гапириб бердим.

Йигирманчи боб. Коинотнинг тузилиши

1. Буюк Донишманд Шукадева Госвами шундай деди: - Энди мен сенга Плакшадан бошланган олти орол ҳақида гапириб бераман. Мен уларнинг ўлчамларини, қандай кўринишларини ва бир-биридан фарқларини айтаман. 2. Сумеру тоғи атрофида шўр океан билан ўралган Жамбудвипа ястаниб ётибди. Жамбудвипанинг кенглиги 100.000й.(1.300.000км.), шўр Океаннинг кенглиги ҳам шундай. Қирғоқлари ўрмон билан ўралган кўрғон атрофидаги хандаклар сингари, Жамбудвипани ўраган океан Плакша ороли билан ўралган. Плакшадвипа шўр океанга нисбатан икки марта кенгрок: унинг кенглиги 200.000 й. Плакшадвипада худди олтиндек ярқираб турган дарахт бор. Унинг баландлиги ҳам Жамбудвипада ўсадиган Жамбу дарахти билан тенг. Бу дарахт танасининг асосининг етти жойида олов ёниб турибди. Шу Плакша дарахти ва унинг шарафига бутун орол Плакшадвипа деб аталади. Плакшадвипанинг ҳукмдори Махараж Приявратанинг ўғилларидан бири Ихмаджихва эди. У Плакшадвипани етти вилоятга бўлди, уларни ўзининг етти ўғлининг номи билан атади, кейин ҳар ўғлига бир вилоят ҳукмдорлигини берди ва Парвардигорга холис хизмат қилиш билан машғул бўлиш учун дунёвий ҳаётни тарк этди.

3-4. Шундан бери Плакшадвипанинг етти вилоят(варши)и Махараж Ихмаджихванинг етти ўғлининг номлари билан аталади: Шива, Яваса, Субхадра, Шанта, Кшема, Амрита ва Абхая. Уларнинг ҳар бирида тоғ ва дарё бор. Етти тоғ - Маникута, Ваджракута, Индра-сена, Жйотишма, Супарна, Хиранияштхива ва Мегхамала, етти дарё эса - Аруна, Нримна, Ангираси, Савитри, Супрабхата, Ритамбхара ва Сатямбхара. Бу дарёларда чўмилган ёки шунчаки сувга кўлини теккизган киши шу заҳотиёқ моддийлик иллатидан покланади. Плакшадвипанинг ҳамса, патанга, урдхваяна ва сатянги деб аталган тўрт табақага бўлинган аҳолисининг барчаси ана шундай покланиш орқали ўтади. Уларнинг барчаси самовий фаришталардай гўзал, минг йил умр кўрадилар ва худди фаришталардай фарзанд кўрадилар. Ведаларда кўрсатилган диний маросимларни мукаммал бажариб ва Худонинг Олий Шахсига Қуёш худоси кўринишида сиғиниб, улар кейинги ҳаётларида жаннатий сайёралар тизимига кирадиган Қуёш сайёрасига эришадилар. 5. (Худонинг Олий Шахсига сиғиниб, Плакшадвипа аҳолисининг қиладиган илтижолари куйидагича): -"Барча мавжудотларнинг энг кексаси бўлган ва Ўзининг имкониятларини чексиз кенгайтира оладиган Худованд Вишну - Худо Шахсининг намоён бўлган кўриниши бўлмиш Қуёш Худоси бизларга нажот берсин. Вишну - сиғинишга муносиб бўлган ягона Худодир. У - Ведалар тимсоли, У - ҳақиқий диннинг ўзи, ва У - ҳар қандай фаолиятнинг қутилган ва қутилмаган оқибатларининг манбаидир."

6. Эй шоҳ, Плакшадвипанинг ва ундан кейинги оролларнинг аҳолиси жуда узоқ умр кўрадилар ва яхши ривожланган ҳиссиёт органларига эга. Уларнинг барча-

сига табиат барокатли жисмоний куч, чидамлилиқ, жасурлик, руҳий қувват ва заковат ато этган.

7. Плакшадвипани, кенглиги ўзи билан тенг бўлган шакарқамиш шарбатига тўла океан ўраб туради. Бу океан бошқа орол - Шалмалидвипа билан ўралган, у Плакшадвипадан икки марта кенгрок(400.000й.) Шалмалидвипанинг атрофини кенглиги ўзиникига тенг бўлган ва маст қилувчи ичимлик билан тўла Сурасагара деган океан ўраб турибди. 8. Шалмалидвипада шалмали деган дарахт ўсади, оролнинг номи шу дарахтдан келиб чиққан. Бу дарахтнинг баландлиги ва қалинлиги ҳам плакша дарахтини сингари(қалинлиги 100й, баландлиги - 1.100й.). Биладиган одамларнинг айтишларига қараганда, Парвардигор Вишнуни елкасида олиб юрадиган қушлар шоҳи Гаруда мана шу бахайбат дарахтда яшайди. Мана шу дарахтда ўтириб, Гаруда Парвардигорга ведавий мадҳиялардан иборат илтижолар ўқийди.

9. Шалмалидвипа ҳукмдори - Махараж Приявратанинг ўғли, Ягйябаху, - оролни етти вилоятга бўлди ва ўзининг етти ўғли: Сурочана, Сауманася, Раманака, Деваварша, Парибхадра, Апяяна ва Авигятага берди. Бу етти вилоят ҳукмдорлари шарафига, уларнинг номлари билан атала бошлади. 10. Бу етти маконда етти тоғ қад кўтариб турибди: Свараса, Шаташринга, Вамадева, Кунда, Мукунда, Пушпа-варша ва Сахасрашрути. Бу ерда етти дарё ҳам оқади: Анумати, Синивали, Сарасвати, Куху, Раджани, Нанда ва Рака. Бу тоғ ва дарёлар ҳозир ҳам бор. 11. Бу вилоятларнинг аҳолиси бўлмиш шрутадхарлар, вириадхарлар, васундхарлар ва ишандхарлар - варнашрама-дхарманинг кўрсатмаларига бекаму-кўст амал қиладилар ва Худо Шахсига Ой фариштаси, Сомма кўринишида сиғинадилар. 12. (Ой фариштасига сиғиниб улар ушбу илтижони такрорлайдилар): - "Ой фариштаси ўз нурлари билан ойни икки яримга бўлди - шукла ва кришнага. Ана шу пайтларда одамлар фаришта ва питаларга дон эҳсон қиладилар. Ой фариштаси вақт ўлчамини белгилайди ва коинотга ҳукмдорлик қиладди. Шунинг учун бизлар Унинг олдида чуқур эҳтиром билан сажда қиламиз ва ундан ҳаммиша бизларга ҳукмронлик қилиб, нажоткоримиз бўлиб туришни илтижо қиламиз".

13. Маст қилувчи ичимлик(шароб) билан тўлган океаннинг атрофида кейинги Қушадвипа ороли жойлашган, унинг кенглиги 800.000й, яъни океан кенглигидан икки марта катта. Шалмалидвипа сингари, Қушадвипани ҳам, кенглиги ўзиникига тенг бўлган океан ўраб турибди, бу океан сариеғ билан тўлган. Қушадвипада куша майсаси қалин ўсиб ётибди, оролнинг номи ҳам шундан олинган. Худои Таолонинг амри билан фаришталар яратган бу майса оловнинг куйдирмайдиган, аксинча салқин олиб келадиган тилига ўхшаб кетади. Куша майсасининг янги униб чиққан кўкатлари таратаётган ёғду горизонтнинг бутун атрофини ёритади.

14. Бу оролнинг ҳукмдори - Махараж Приявратанинг бошқа ўғли шоҳ Хираярета эди. Оролни етти вилоятга бўлиб, у ўзининг етти ўғлига улашиб берди ва оилавий ҳаётни тарк этиб, риёзатга берилди. Унинг ўғиллари - Васу, Васудана, Дридхаручи, Стутяврата, Набхигупта, Вивикта ва Вамадева. 15. Бу етти вилоят бир-биридан етти тоғ билан ажралиб туради. Бу тоғлар - Чакра, Чатухшринга, Капила, Читракута, Деваника, Урдхварома ва Дравина. Бундан ташқари у ерда етти дарё ҳам оқади. Улар Расакуля, Мадхукуля, Митравин-

да, Шругавинда, Девагарбха, Гхритаҷюта ва Мантра-мала. 16. Кушадвипанинг аҳолиси тўрт табақага бўлинади: кушалалар, ковидалар, абхиюкталар ва кулакалар. Бу тизим, инсонлар жамиятининг брахманлар, кшатрийлар, вайшьялар ва шудраларга бўлинишига мос келади. Уларнинг барчаси у ерда оқадиган дарёларда чўмиладилар, шунинг шарофати билан қилган гуноҳлари оқибатидан покланадилар. Ведаларда келтирилган маросимларни усталик билан ижро этиб, улар Худои Таолога олов худоси кўринишида сиғинадилар. 17. (Уларнинг илтижолари қуйидагича): -"Эй олов ҳукмдори, Сен - Худо Шахси, Хари танасининг бир бўлагисан. Сен Парвардигорга қилинган қурбонликларнинг барчасини Унга узатасан. Бизларнинг фаришталарга қиладиган эҳсонларимизнинг барчасини қабул қилиб ол ва уларни ҳақиқий лаззатланувчи бўлган Худои Таолога тақдим эт!"

18. Сариеғ океани атрофида яна бир орол - Краунчадвипа жойлашган. Унинг кенлиги 1.600.000й, океanning кенлигидан икки марта катта. Кушадвипа сариеғ океани билан ўралгани сингари, Краунчадвипани ҳам кенлиги ўзининг кенлиги билан баробар бўлган сут океани ўраб турибди. Краунчадвипада Краунча деган катта тоғ бор, оролнинг номи ҳам шундан олинган. 19. Кунларнинг бирида жасур Картиккея Краунча тоғини қамал қилиб, қудратли қуроли билан унинг ёнбағрида ўсиб ётган дарахт ва ўсимликларнинг барчасини қириб ташлаганди, аммо бундан тоғнинг ўзига шикаст етмади. Оролнинг аҳолиси қўрқинч нималигини билмайди, чунки оролни сут океанининг тўлқинлари ювиб туради ва Варунадеванинг ўзи уни ҳимоя қилиб туради. 20. Краунчадвипанинг ҳукмдори Махараж Приявратанинг Гхритаприштха деган ўғли эди, у ўзининг билимдонлиги билан машҳур эди. Оғалари сингари, у ҳам оролни етти ўғлига бўлиб берди. Етти вилоятнинг ҳар бирига унга ҳукмдор бўлган ўғлининг номини берди. Шундан сўнг Махараж Гхритаприштха оилавий ҳаётни бутунлай тарк этди. Олий Рух, барча эзгуликларнинг тўла соҳиби бўлган Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топиб, камолотга эришди.

21. Махараж Гхритаприштханинг ўғилларининг номлари қуйидагича: Ама, Мадхуруха, Мегхаприштха, Судхама, Бхрадиштха, Лохитарна ва Ванаспати. Улар ҳукронлик қилаётган оролларда чегара вазифасини ўтаётган етти тоғ, яна етти дарё бор. Бу тоғлар - Шукла, Вардхамана, Бходжана, Упабархина, Нанда, Нандана ва Сарватобхадра, дарёлар эса - Абхая, Амритаугха, Арьяка, Тиртхавати, Рупавати, Павитравати ва Шукла. 22. Краунчадвипанинг аҳолиси тўрт табақага бўлинади: пурушалар, ришабхалар, дравиналар ва девакилар. Улар Худо Шахсининг, танаси бутунлай сувдан таркиб топган фаришта Варуна кўринишига сиғинадилар. Улар қўлларини қовуштириб муқаддас дарёларнинг сувларидан оладилар ва уни сув ҳукмдорига тақдим қиладилар. 23. Уларнинг илтижолари қуйидагича: -"Эй муқаддас дарё сувлари, ўзингизда Худонинг Олий Шахси қувватини жо қилиб, сизлар бутун уч олам: Бхулока, Бхуварлока ва Сварголокани поклайсизлар. Сизнинг табиатингиз шундайки, сизлар тирик мавжудотларни барча гуноҳлардан поклайсизлар, шунинг учун бизлар сизларда ювинишга интиламиз. Бизларга илтифот кўрсатиб гуноҳларимиздан поклашда давом этинг!"

24. Сут океанининг атрофида яна бир орол - Шакадвипа жойлашган, унинг кенлиги 3.200.000й. Ўз навба-

тида у ҳам кенлиги ўзига тенг бўлган (пахта)айрон денгизи билан ўралган. Шакадвипада катта шака дарахти ўсади, оролнинг номи ҳам шундан олинган. Бу дарахт бутун атрофга ажойиб хид таратиб туради. 25. Оролга Махараж Приявратанинг яна бир ўғли - Махараж Медхатитха ҳукмдор эди. У ҳам оролни еттига бўлиб, етти ўғлига берди ва оролларни уларнинг номи билан атади: Пуроджава, Маноджава, Павамана, Дхумраника, Читрарепха, Бахурупа ва Вишвадхара. Шундан кейин Медхатитхи дунёвий ишларни тарк этди ва ақлини Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойида мужассам қилиш учун муҳофаза қилишда ҳеч ким халақит бермайдиган ўрмонга йўл олди. 26. Бу вилоятларда ҳам уларни чегаралаб турган етти тоғ бор. бу тоғлар Ишана, Урушринга, Балабхадра, Шатакесара, Сахасрасрота, Девапала ва Маханаса. У ерда етти дарё ҳам бор: Анагха, Аюрда, Убхаяспришта, Апараджита, Панчапади, Сахасрасрути ва Ниджадхрити. 27. Бу вилоятларнинг аҳолиси ҳам тўрт табақага бўлинади: ритавраталар, сатявраталар, данавраталар ва анувраталар, улар инсонлар жамиятидаги брахманлар, кшатрийлар, вайшьялар ва шудраларга мос келади. Улар пранаяма билан шуғулланадилар. Сеҳрли транс ҳолатига кириб, Худонинг Олий Шахсига Унинг фаришта Ваю кўринишида сиғинадилар.

28. (Уларнинг илтижолари шундай:) -"Эй Олий Шахс, Сен ҳар бир танада Олий Рух кўринишида мавжуд бўлиб, барча ички ҳаво оқимларини бошқариб турасан(прана, апана, ва х.) ва шу билан бирга мавжудотларнинг ҳаётини таъминлаб турасан. Эй Парвардигор, эй ҳар бир мавжудотнинг Олий Рухи, эй олам ҳукмдори, Сен бутун борлик ҳукмдорисан, бизларни барча хавфу-хатардан Ўзинг асра!"

29. Айрон океанидан кейин яна бир орол - Пушкарадвипа бор. У айрон океанидан икки марта кенроқ - 6.400.000й. Уни кенлиги ўзига тенг бўлган хуштаъм чучук сувли океан ўраб туради. Пушкарадвипада бахайбат нилуфар гули ўсади, унинг юз миллион барги бўлиб, улар соф олтиндан иборат бўлиб, оловдай ярқираб туради. Мана шу нилуфар гулида Тангри Браҳма ўтиради, уни баъзан бхагаван деб ҳам атайдилар, чунки у коинотдаги энг қудратли мавжудотдир. 30. Бу оролнинг ўртасида катта Маносатгара тоғи қад кўтариб турибди, у оролни ички ва ташқи икки қисмга бўлиб туради. Унинг кенлиги ҳам баландлиги ҳам 10.000 й. Бу тоғнинг тўрт томонида тўрт фариштанинг, шу жумладан Индранинг ҳам даргоҳи жойлашган. Бу тоғнинг чўққиси бўйлаб, Самватсара деган орбита бўйича, қуёш фариштасининг аравасида Қуёшнинг ўзи ҳаракат қилади. У Меру тоғи атрофидан ўтади, унинг йўли коинотнинг шимолий қисмидан ўтганида Утараяна йўли деб аталади, жануб томондан ўтганида - Дакшиняна деб аталади. Фаришталар учун қуёш йўлининг ярми - кундуз, қолган ярми - тун. 31. Бу оролни Махараж Привратанинг Витихотра деган ўғли бошқарган. Унинг икки ўғли бор эди. Раманака ва Дхатаки. Уларнинг ҳар бирига оролнинг бир томонини бериб, Витихотра оғаси Медхатитха сингари ҳаётини Олий Шахс, Худои Таолога холис хизмат қилишга бағишлади.

32. Бу оролнинг аҳолиси Худои Таолога Тангри Браҳма кўринишида сиғинадилар. Парвардигордан дунёвий истақларини амалга оширишини сўраб улар шундай илтижо қиладилар: 33. -"Тангри Браҳмани -

карма-майя, яъни "ведавий маросимлар тимсоли" деб атайдилар, чунки уларни бажариб Брахма даражасига етишиш мумкин, яна шунинг учун-ки, барча ведавий маросим мадҳиялари ундан чиққан. У Парвардигорга, Худо Шахсига бугунлай ўз ихтиёрини топширган, ва шунинг учун бир жиҳатдан Ундан фарқ қилмайди. Лекин, Брахмага монистлар сиғинадиган тарзда сиғинмаслик керак. У билан Олий Худо орасидаги фарқни англаб етиш лозим. Инсон ҳамиша сиғинишнинг энг олий маскани бўлган Олий Худо Шахсининг хизматкори бўлиб қолиши керак. Шунинг учун бизлар барча ведавий билимлар мужассам бўлган Тангри Брахма олдида чуқур эҳтиром билан бош эгамиз".

34. Шукадева Госвами давом этди: - Чучук сувли океандан кейин, катта айлана тоғ Локалока қад кўтариб турибди. Бу тоғ куёш ёритаётган ерларни зулмат қоплаган қоронғу ерлардан ажратиб туради. 35. Чучук сувли океандан кейин, кенглиги сумеру тоғининг марказидан Маносаттаранинг этагигача бўлган масофага тенг майдон ястаниб ётибди. Бу ерда жуда кўп тирик мавжудотлар яшайди. У ердан кейин, то Локалока этагигача соф олтиндан бўлган бошқа жой бор. Унинг ялтироқ юзаси худди ойнадай нур қайтариб турадики, у ерга тушган ҳар бир нарса кўздан ғойиб бўлади. Шунинг учун барча тирик мавжудотлар бу олтин ерларни ташлаб кетганлар.

36. Баҳайбат Локалока тоғи, бир томонида ҳаёт мавжуд бўлиб, иккинчи томонида ҳаёт бўлмагани учун шундай деб аталган. 37. Кришнанинг амри билан яратилган Локалока тоғи уч олам - Бхурлока, Бхуварлока ва Сварлоканинг ташқи чегараси ҳисобланади ва куёш нурларининг коинот бўйлаб таралиб кетмаслигини таъминлаб, уларни тўсиб туради. Куёшдан Дхрувалоканга бўлган барча осмон ёриткичлари уч оламини фақат мана шу тоғ имкон берган даражадагина ёрита оладилар. У жуда баланд, ҳатто Дхрувалокадан ҳам баланд, шунинг учун ёриткич нурлари у пайдо қилиб турган девордан ташқари чиқа олмайди. 38. Хатоликлардан, алданишлардан ва бошқаларни алдашга мойилликдан пок бўлган буюк донишмандлар шу тарзда коинот сайёралар тизимини таърифлаб, уларнинг ўлчамларини ва жойлашган ерларини, айрим белгиларини айтиб берганлар. Чуқур ўрганганларидан кейин, улар Сумеру ва Локалока орасидаги масофа коинот диаметрининг тўртдан бир қисмига тенг, яъни 125.000.000 й.(1.625.000.000 км.) деган қарорга келганлар. 39. Локалока тоғининг чўққисига, тўрт тарафида тўрт улғувор фил - гаджа-пати турибди. Уларнинг турадиган жойини коинотнинг олий руҳий устози Тангри Брахма белгиланган. Бу филлар Ришабха, Пушкарачуда, Вамана ва Апараджита. Улар коинотнинг барча сайёралар тизимини кўтариб турадилар. 40. Борлиқнинг бутун бойлиги Олий Шахс, Худоникидир. У - Бхагаван, руҳий олам ҳукмдори, ва ҳар бир тирик мавжудот танасидаги Олий Руҳ. Унинг амрига бўйсуниб, осмон шоҳи Индра бошлиқ фаришталар моддий олам тартибини сақлаб турадилар. Барча сайёраларнинг аҳолисига саодат бағишлаш ва фаришталарга, шунингдек Локалока тоғида турган филларга қудрат ато этиш учун, Парвардигорнинг Ўзи бу тоғнинг тепасида Ўзининг мангу, моддий табиат гуналари таъсир қилмайдиган руҳий танасида ҳозир бўлиб турибди. Вишвакसेна ва Ўзининг бошқа қиёфалари ва яқинлари даврасида, Парвардигор

Ўзининг дин ва илм, каби комилликларини, анима, лағхима, махима сингари қудратларини намоён этади. Ўзининг тўрт қўлида У ҳар хил қуроллар ушлаб олган ва таърифлаб бўлмас даражада гўзал кўринади. 41. Худо Шахсининг ҳар хил кўринишлари, шу жумладан Нараяна ва Вишну, ҳар хил кўринишдаги қуролларни ушлаб олганлар, Уларни бу қуроллар жилоси яна ҳам жозибалироқ ва чиройли қилиб кўрсатади. Парвардигор Ўзининг қуввати Йогомайя яратган барча сайёраларда ҳаётни таъминлаш учун ана шу қиёфаларга киради.

42. Эй шоҳ, Локалоканинг бошқа томонида Алокаварша деган жой бор. Унинг кенглиги (125.000.000й.) Тоғнинг ичкарасида тжойлашган ернинг радиусига тенг. Ундан ҳам нарида, Алока-варшадан нарида моддий олам асирлигидан қутулишни истаганлар бориб тушадиган вилоят жойлашган. Бу вилоят мутлақо пок бўлиб, табиат гуналари ҳеч қандай таъсир қилмайди. Брахманнинг ўғилларини қайтариш учун кетаётганларида Кришна Аржунни мана шу ердан олиб ўтган эди. 43. Юқоридан қараганда, куёш коинотнинг ўртасида, антарикша деб аталадиган Бхурлока ва Бхуварлока орасидаги вилоятда жойлашган. Куёшдан коинотнинг охиригача бўлган масофа йигирма беш коти йоджан.(3.250.000.000й.)

44. Куёш Худосини Вайраджа, барча тирик мавжудотларнинг умумлашган моддий танаси деб айтадилар. Оламини яратиш пайтида у коинотнинг ҳаёtsiz тухуми ичига кирди, шунинг учун уни Мартанда деб ҳам атайдилар. Бундан ташқари, уни Хиранягарбха деб ҳам атайдилар, чунки у ўзининг моддий танасини Хиранягарбха(Тангри Брахма)дан олган. 45. Эй шоҳ, куёш Худоси ва Куёшнинг ўзи коинот осмонини тарафларга бўлади. Куёш нур таратиб тургани учунгина бизлар осмон нима эканини, олий, ўрта ва қуйи сайёралар нима эканини, моддий лаззатларга интилаётган зотлар учун қандай жойлар, озодликка интилаётганларга қандай жой тайёрлаб қўйилганини, ер ости ва дўзахий жойлар нима эканини биламиз. 46. Барча тирик мавжудотларнинг - фаришталарнинг, одамларнинг, ҳайвонларнинг, кушларнинг, ҳашаротларнинг, судралиб юривчиларнинг, ўсимликларнинг ва бошқа зотларнинг ҳаёти Куёш Худосининг амри билан Куёшдан тараладиган нур ва иссиқликка боғлиқдир. Айнан Куёшнинг шарофати билан барча тирик мавжудотларни кўриш қобилиятига эга, шунинг учун уни "дриг ишвара", яъни "кўриш илоҳи" деб ҳам атайдилар.

Йигирма биринчи боб.

Куёшнинг фаолияти

1. Шукадева Госвами шундай деди: - Шундай қилиб, эй шоҳ, мен сенга бу коинотнинг диаметри(эллиқ коти йоджан)ни ва унинг тузилишини қисқача гапириб бердим. Бу маълумотларнинг барчаси Ведаларни мукамал билладиган буюк донишмандлардан олинган. 2. Буғдой дони тенг икки яримдан тузилган, унинг пастки ярмининг ўлчамларини била туриб, осонлик билан унинг устки ярмининг ўлчамларини ҳам аниқлаш мумкин. Худди шундай, тажрибали астрономларнинг айтишларича, агар бизга коинотнинг пастки қисмининг ўлчамлари маълум бўлса, коинотнинг устки қисмининг ўлчамларини аниқлай оламиз. Ўрта ва жаннатий(олий) сайёраларнинг оралиғидаги жой "антарикша", "кос-

мик(фазовий) бўшлиқ" деб аталади. Шу ерда ер салтанатининг устки қисми ва жаннатнинг пастки қисми орасида чегара ҳосил бўлади.

3. Мана шу космик бўшлиқ(антарикша)нинг ўртасида буюк ва қудратли, барча ёриткичларнинг шоҳи - ҚУЁШ нур сочиб туради: у Ойдан бошлаб осмондаги барча сайёраларни иссиқлик ва нур билан таъминлайди. Ўз нурлари билан у коинотни иситади ва унинг ҳаётини таъминлаб туради. Бундан ташқари қуёш нури барча тирик мавжудотларга кўриш қобилиятини ато этади. Худои Таолонинг амрига бўйсуниб Қуёш шимолий ёки жанубий ярим шарда ҳаракат қилганида, ёки экваторни кесиб ўтганида унинг ҳаракати мос равишда секин, тез ва пасайган деб аталади. Қуёш ўз ўрнини алмаштириши билан боғлиқ равишда - у экватор устига кўтарилганда, пастга тушганида ёки уни кесиб ўтганида ва айна пайтда Макара(Козерог*)дан бошлаб ҳар хил зодиак белгилари орқали ўтганида - тун ва куннинг узунлиги ўзгаради. Кун тундан узунроқ, қисқароқ ва унга тенг бўлади. 4. Қуёш Мешу(Кўй) ва Тула(Тарози) орқали ўтганида кун тунга тенг бўлади. У Вришабха(Сигир)дан бошлаб беш белги(зодиак) орқали ўтганида куннинг узунлиги аввалига(то қуёш Рак(Қисқичбача) белгисига боргунча) ўсиб боради, кейин эса (қуёш Тарози белгисига борганида) тунга тенглашгунга қадар қисқариб боради. 5. Қуёш Вришичка(Чаён)дан бошлаб беш белги орқали ўтганида, куннинг узунлиги аввалига камаяди(то Қуёш Козерог белгисига киргунча), кейин эса, ой сайин узая боради ва (Қуёш Кўй белгисига кирганида) яна тунга тенг бўлади.

6. Қуёш шимолий ярим шар бўйлаб ҳаракат қилганида куннинг узунлиги ўсиб боради. Тун узунлиги эса, қуёш жанубий ярим шар бўйлаб ҳаракат қилганида ортиб боради.

7. Шукадева Госвами давом этди: - Эй шоҳ, мен айтиб ўтдимки, донишмандларнинг айтишларига қараганда, Қуёш Манасоттара тоғининг (айлана шаклидаги)чўққиси бўйлаб узунлиги 95.100.000 йоджан(1.236.300.000км)га тенг бўлган айлана ҳосил қилиб ҳаракат қилади. Манасоттарада, Сумерунинг шарқ тарафида шоҳ Индранинг даргоҳи - Девадҳани шаҳри жойлашган. Худди шундай Сумерунинг жануб томонида Ямараджанинг даргоҳи - Самямани шаҳри, ғарб тарафда Варунанинг даргоҳи - Нимлочани, шимол тарафда эса Ой фариштасининг даргоҳи - Вибхавари жойлашган. Бу салтанатларнинг ҳар бирида қуёшнинг чиқиши ва ботиши, тун ва куннинг ярми аниқ белгиланган вақтда содир бўлади ва бу Ер аҳолисини ишларини маълум вақтда бошлашга ва тамом қилишга ундайди.

8-9. Сумеру тоғида яшайдиганлар учун ҳаво худди кун ўртасидагидай ҳамиша иссиқ, чунки Қуёш ҳамиша уларнинг бошлари устида бўлади. Одатда Қуёш соат стрелкасига қарши йўналишда, зодикал юлдузлар туркумига қарши ҳаракат қилади, ва Сумеру унинг чап томонида қолади. Аммо, баъзида дақшинаварта шамоли таъсирида у ўз йўналишини ўзгартириб, соат стрелкаси бўйлаб ҳаракат қилади, шунда Сумеру тоғи унинг ўнг томонида қолади. Қуёш Сумеру тоғининг бир томонидан чиққанида, унга қарама қарши томонда кун ботишини кузатиш мумкин, бир томонда у горизонтга етиб борганда, бошқа тарафда ярим тун бўлади. Сумеру тоғининг бир тарафидаги аҳоли қуёш ботаётганини томоша қилсалар, албатта, унга қарама қарши томонда

қуёш ботишини томоша қилиб бўлмайди. 10. Индранинг даргоҳи Девадҳанидан Ямаражнинг даргоҳи Самяманигача Қуёш 23.775.000й. (309.075.000км) йўлни ўн беш гхатик(олти соат) ичида босиб ўтади.

11. Ямараж даргоҳидан Қуёш Варуна даргоҳи - Нимлочанига, у ердан Ой фариштаси даргоҳи - Вибхаварига, кейин яна Индра шаҳрига йўл олади. Худди шу тарзда Ой ва бошқа юлдузлар ва сайёралар осмонда пайдо бўладилар ва яна кўздан йўқолиб айланиб юрадилар. 12. Шу тарзда, одамлар "ом бхур бхувах сваха" иборасини талаффуз қилиш билан олқишлайдиган (шу туфайли уни трайимайя деб ҳам атайдилар) Қуёш Худосининг араваси бу тўрт шаҳарни мухуртаси(соати)га 3.400.800 йоджан(44.210.400км) тезлик билан айланиб ўтади. 13. Бу араванинг фақат битта Самватсара деган ғилдираги бор. Ўн икки ой - бу ғилдиракнинг ўн икки кегайи(спица)сидир, йилнинг олти фасли - ғилдирак айланаси(обод)нинг олти қисми, чатурмасянинг тўрт даври эса, унинг (ступицаси)гупчагидир. Ғилдирак ўқининг бир учи Сумеру тоғининг чўққисига, ғилдиракнинг ўзи маҳкамланган бошқа учи эса - Манасоттара тоғига тиралиб турибди. Бу ғилдирак, ёғ чиқарадиган жувознинг ғилдираги сингари, айлана шаклидаги Манасоттара бўйлаб ҳамиша ҳаракатда бўлади. 14. Ғилдиракнинг ўқи ҳам, жувозники сингари ўздан тўрт марта калтароқ(3.937.500й, ёки 51.187.500км) ўқ билан бириккан. Иккинчи ўқнинг юқори учи шамол арқони билан Дхрувалокага боғланган. 15. Қуёш Худоси сайр қиладиган араванинг узунлиги 3.600.000 йоджан, эни тўрт марта калта(900.000й). Аравани тортиб юривчи отларнинг номлари ведавий шеър ўлчамларининг номи(гаятри ва бошқалар) билан бир хил, жиловдорни эса Арунадева деб атайдилар. У отларни кенглиги 90.000 й. бўлган аршга қўшади. (гаятри, брихати, ушник, жагати, триштуп, ануштуп ва панкти).

16. Арунадеви Қуёш фариштасининг олдида ўтиради ва отларни бошқаради, лекин айна пайтда у орқасига, қуёш фариштасига қараб ўтиради. 17. Бўйлари катта бармоқча бўлган олтмиш минг буюк донишманд - валакхиялар Қуёш худосининг олдида туриб, ҳамиша уни ажойиб қўшиқлар билан олқишлайдилар. 18. Қуёш худосининг донишмандлардан, гандхарвалардан, апсарлардан, нагалардан, якша, рақшас ва фаришталардан бўлган яна ўн тўртта ҳамроҳи жуфт-жуфт бўлиб, жуда кўп номлари бўлган буюк фаришта Сурйядева кўринишидаги Худои Таолога сиғиниш маросими - арати ўтказадилар.

19. Эй шоҳ Парикшит, Бху-мандала орқали ўтадиган орбитаси атрофида айланиб, Қуёш 95.100.000й (1.236.300.000км) масофани, кшанасига 2.000й ва икки крош(26.0065км) тезлик билан босиб ўтади.

Йигирма иккинчи боб. Сайёраларнинг орбиталари

1. Шоҳ Парикшит Шукадева Госвамидан сўради: - Эй хоҷам, айтган эдингки, буюк ва қудратли Қуёш худоси аравасида Дхрувалока атрофини айланиб ўтганида, бу сайёра ҳам Сумеру тоғи сингари, унинг ўнг томонида қолади. Айна пайтда Қуёш худоси зодиак юлдузларига қарши ҳаракат қилади, демак, Сумеру ҳам, Дхрува ҳам унинг чап томонида бўлади. Буни

қандай тушуниш керак? Ахир Сумеру ва Дхрувалока бир пайтнинг ўзида Куёш худоси ўтадиган йўлнинг ҳам чап томонида, ҳам ўнг томонида бўла олмайдику?

2. Шри Шукадева Госвами шундай жавоб берди: - Кулол дастагининг айланаётганини кузатиб турар экансиз, унинг устида юрган кичик чумолилар дастак(доира) билан бирга айланади, аммо уларнинг айланма ҳаракати доиранинг айланиши йўналишидан фарқ қилади, чунки улар баъзан доиранинг бир томонида, баъзан иккинчи томонида пайдо бўлиб қолади. Худди шунга ўхшаб, ўнг томонида Сумеру ва Дхрува жойлашган зодиак ва ой (созвездия)*туркумлари, замон(вақт) ғилдираги билан бирга айланадилар, улар билан бирга, худди кулол доирасидаги чумолилар сингари, Куёш ва бошқа сайёралар ҳам айланади. Аммо вақтнинг ҳар хил пайтларида Куёш ва бошқа сайёраларни ҳар хил зодиак белгилари остида кузатиш мумкин. Бу демак, уларнинг айланиши зодиакал (созвездия)туркумларнинг ва вақт ғилдирагининг айланишидан фарқ қилади. 3. Бугун моддий оламнинг азалий манбаи Худои Таоло, Нарайанадир. Ведавий илмнинг мазмунини чуқур англаб етган буюк авлиёларнинг илтижоларига жавобан, барча сайёраларнинг аҳолисига саодат келтириш ва уларнинг кармали фаолиятини поклаш учун Худои Таоло бу оламга Куёш қиёфасида ташриф буюрди. У ўзини ўн икки қисмга бўлди ва баҳордан бошланган, ҳар бири ўзига хос иссиқ, совуқ ва ҳоказо сифатларга эга бўлган йил фасллари яратди. 4. Тўрт варна ва тўрт ашрам тизимининг урф-одатлари бўйича тарбия олган одамларнинг кўпчилиги Худои Таоло, Нарайанага Куёш Худоси қиёфасида эҳтиром кўрсатадилар. Худои Таолога Олий Рух сифатида сиғинар экан, улар уч ведаларда кўрсатилган агнихотра ва бошқа олий ва қуйи карма келтирадиган маросимларни иймон билан амалга оширадилар ва сеҳрли йога билан шуғулланадилар. Шу тарзда улар инсон ҳаётининг олий мақсадига эришадилар. 5. Нарайананинг тимсоли ва бугун уч оламнинг руҳи(қалби) бўлган Куёш Худоси, ёки Вишну, коинотнинг олий ва қуйи қисмлари орасидаги космик бўшлиқда сайр қилади. Ўн икки ойда Куёш вақт ғилдирагида жойлашган ўн икки зодиак белгиси орқали ўтади, ва шу белгиларга тўғри келадиган ўн икки номга ўзгаради. Бу ўн икки ой биргаликда самватсара, яъни календар йилини ташкил қилади. Ой ҳисобидаги ой вақти эса, ҳар бири икки ҳафтадан таркиб топган икки даврдан иборат. Биринчи икки ҳафта давомида ой ўсиб боради, кейингисидан эса камайиб боради. Бу икки давр Питрилокада бир кун ва бир тунга тенг. Куёш ҳисобидаги ой вақти эса, Куёш иккию чорак ой уйини ўтадиган вақтга тенг. Икки ой, яъни Куёш ўз йўлининг олтидан бир қисмини ўтадиган вақт - йилнинг бир фасли ҳисобланади, - шу тарзда бир йил олти фаслдан иборат. 6. Куёш космик фазода ўз йўлининг ярмисини ўтадиган вақт аяна, яъни Куёш ҳаракатининг(шимолий ёки жанубий ярим шар бўйлаб ўтиш) даври деб аталади.

7. Куёш ҳаракатининг тезлиги ўзгариб туради: у паст, юқори ва ўрта тезлик бўлиши мумкин. Куёшнинг жаннат ва ўрта сайёраларни, шунингдек, улар орасидаги масофаларни айланиб, ўз орбитасини тўлиқ ўтишга кетадиган вақтини донишманд олимлар беш ном билан атайдилар: самватсара, париватсара, идаватсара, ануватсара ва ватсара.

8. Куёшдан 100.000 йоджан юқорида, Куёшдан анча тез ҳаракат қиладиган Ой сайёраси жойлашган. Икки ҳафталик икки давр ичида Ой Куёш самватсара даврида ўтадиган масофага тенг масофани босиб ўтади. Иккию чорак кунда эса - Куёшнинг бир ойда ўтадиган, бир суткада эса, Куёшнинг икки ҳафтада ўтадиган масофасини босиб ўтади. 9. Ой ўсиб бораётганида, унинг ёруғ тарафи кун сайин катталаша боради. Шу тарзда фаришталарнинг куни, питаларнинг туни кириб келади. Ой камайиб бораётганда эса, аксинча, фаришталарнинг туни, питаларнинг кундузи кириб келади. Осмонда ҳаракат қилар экан, Ой ҳар бир ой уйини ўттиз муҳурта(24 соат)да ўтади. У ўсимликларнинг ўсишига таъсир қиладиган салқинлик таратади, шунинг учун Ой фариштасини "барча тирик мавжудотларнинг жони" деб ҳам атайдилар. Уни яна "Жива", яъни "коинотдаги энг асосий тирик мавжудот" деб ҳам атайдилар. 10. Ойда барча қувват турларининг туганмас манбаи жойлашган, шунинг учун у Худои Таоло қудратининг тимсолидир. Ой фариштаси - ҳар бир одамнинг аклини бошқарувчи илоҳдир, шунинг учун уни Маномайя деб ҳам атайдилар. Ундан ташқари уни Аннамайя деб ҳам атайдилар, чунки у барча ўсимликларга ўсиш қувватини беради. Уни Амритамайя деб ҳам атайдилар, чунки у барча тирик мавжудотларнинг ҳаётий кучларининг манбаидир. Ой фаришталарга, питаларга, одамларга, ҳайвонларга, кушларга, судралиб юрувчиларга, дарахтларга, майсаларга ва бошқа барча тирик мавжудотларга бахт келтиради. Ойни кўриб ҳар бир мавжудот қувонади, шунинг учун уни Сарвамайя, "хамманинг эҳтиёжини қондирувчи" деб ҳам атайдилар.

11. Ойдан 300.000 йоджан юқорида ой юлдузлари туркуми жойлашган. Худо Шахсининг амри билан улар вақт ғилдирагида жойлашган ва шу тарзда айланадиларки, Сумеру ҳамшиша уларнинг ўнг тарафида қолади. Уларнинг ҳаракати Куёш ҳаракатидан фарқ қилади. Бу туркумларда йигирма саккиз юлдуз ажралиб туради, - уларнинг энг асосийси - Абхиджит. 12. Ой юлдузлари туркумидан тахминан 200.000 йоджан юқорида Венера сайёраси жойлашган. Куёш сингари у ҳам гоҳида юқори, гоҳида ўрта, гоҳида паст тезлик билан ҳаракат қилади, ва унинг ҳаракати деярли Куёш ҳаракати билан мос келади. Баъзида Венера Куёшнинг орқасида, гоҳида олдида, гоҳида эса ёнма-ён ҳаракат қилади. Венера ёмғир ёғишига халакит берадиган сайёралар таъсирини йўқотади. Шунинг учун у осмонда яхши кўриниб турган пайтларда ёмғир ёғади. Венера коинотнинг барча аҳолисига жуда яхши таъсир қилади. Ведавий илми тўла биладиган донишмандларнинг фикри шундай.

13. Меркурийни ҳам, Венера сингари гоҳида Куёшнинг ортидан, гоҳида унинг олдида, гоҳида эса у билан ёнма-ён ҳаракат қилади, деб айтадилар. У Венерадан 200.000 йоджан юқорида жойлашган(Ердан 900.000 й). Меркурий - Ойнинг ўғли, ва унинг таъсири одатда коинот аҳолисига саодат келтиради, лекин, агар у Куёш билан ёнма-ён эмас, унинг олдида ёки орқасида ҳаракат қилса, бундай ҳолат ҳар хил циклонлардан, курғоқчиликлардан, чанг-тўзонли тўфонлардан ва сувсиз булутларнинг пайдо бўлишидан дарак беради. 14. Меркурийдан 200.000 йоджан(Ердан 1.100.000й) юқорида Марс сайёраси жойлашган. У тўғри ҳаракат қилганида зодиакнинг ҳар бир белгисидан уч ярим ойда ўтади. Шу тарзда Марс бирин-кетин зодиакнинг ўн икки белгиси орқали ўтади. Бу сайёранинг таъсири деярли

хамма вақт бехосият: У курғокчилик ва бошқа кулфатлар келтиради.

15. Марсдан 200.000й. юкорида(Ердан 1.300.000) Юпитер сайёраси жойлашган. У зодиакнинг ҳар бир белгиси орқали бир париватсара вақтда ўтади. Агар Юпитер тескари ҳаракат қилмаса, у коинотдаги барча браҳманларга жуда саховатли таъсир қилади. 16. Юпитердан 200.000й.(Ердан 1.500.000й)юкорида Сатурн сайёраси жойлашган. Бу сайёра бир зодиак белгисини ўттиз ойда, бутун зодиак айланасини эса - ўттиз ануватсар вақт ичида ўтади. Бу ёвуз сайёра ҳисобланади. У коинотнинг ҳаётига ҳамиша ёмон таъсир кўрсатади.

17. Сатурндан 1.100.000(Ердан 2.600.000) юкорида етти юлдуз жойлашган, бу сайёраларда коинотнинг барча аҳолисининг саодати учун қайғурадиган етти буюк, бегуноҳ донишмандлар яшайди. Бу етти юлдуз кутб юлдузи - Парвардигор Вишнунинг даргоҳи, Дхрувалока деб ҳам аталадиган юлдуз атрофида айланади".

Йигирма учинчи боб.

Шишумара сайёралари туркуми

1. Шукадева Госвами давом этди: -" Эй шоҳ, етти донишманд яшайдиган сайёралардан 1.300.000 й. баландликда бир сайёра бор, уни веда билимдонлари Парвардигор Вишнунинг даргоҳи деб атайдилар. У ерда император Уттанападанинг ўғли, буюк содиқ Махараж Дхрува яшайди. У калпа охиригача яшайдиган барча мавжудотларга ҳаётий куч бағишлайди. Агни, Индра, Пражапати, Кашьяпа ва Дхарма у ерга Дхрувага эҳтиром кўрсатиш учун келадилар. Улар Махараж Дхрува олдида эҳтиром билан бош эгиб, ҳурмат билан унинг атрофини айланиб ўтадилар. Махараж Дхруванинг шавкатли кароматлари ҳақида мен сенга гапириб берган эдим.(4-к.) 2. Бу Худо Шахсининг амри билан бунёд бўлган, мангу ёғду таратиб турувчи Кутб юлдузи, Махараж Дхруванинг сайёраси - атрофида барча юлдузлар айланиб турадиган, коинотнинг маркази бўлган юлдуздир. Кўринмас ва ҳамиша сергак, кудратли Замон(Вақт) барча ёритгичларни Кутб юлдузи атрофида бегиним айланишга мажбур қилади. 3. Шолдан гуручни ажратиб олиш учун хўкизларни бир ёғочга боғлаб, уни ўртадаги устунга маҳкамлайдилар. Улар ана шу марказдаги устун атрофида айланиб юрадилар, шунда ҳар бир хўкизнинг ўз ўрни бор: бирлари марказга яқин, бирлари ўртада ва бирлари четда. Худди шунга ўхшаб, Қуёш, Ой, Венера, Меркурий, Марс ва бошқа сайёралар, шунингдек бошқа сон-саноксиз юлдузлар, ўз орбиталари бўйлаб Махараж Дхрува сайёраси, Кутб юлдузи атрофида айланадилар. Уларнинг баъзилари юкорида, баъзилари пастда жойлашган. Уларнинг барчаси - моддий табиатнинг катта механизмининг таркибий қисмлари - бўлакларидир, ва уларнинг ҳар бирига ўзларининг кармаларига мос равишда Худои Таоло муносиб жой бериб қўйибди. Космик шамол таъсири остида сайёралар Кутб юлдузи атрофида ҳаракат қиладилар, ва то коинот яқсон бўлиб емирилгун(охир замон)га қадар шундай бўлади. Улар чексиз фазовий бўшлиқда, худди осмондаги катта сув захираларини олиб юрувчи булутлар сингари, ёки ўзларининг аввалги саховатли ишлари натижасида булутлардан ҳам баланд кўтарила оладиган ва ҳеч қачон ерга тушмайдиган катта бургут(шйенам)ларга ўхшаб сузиб юрадилар. 4. Сайёра ва юлдузлардан таркиб топ-

ган мана шу катта механизмнинг кўриниши сузаётган катта делфин(Шишумара)ни эслатади. Баъзи бировлар бу делфинни Кришнанинг, Васудеванинг қиёфаси деб атайдилар. Буюк йогалар ақлларини Васудеванинг мана шу қиёфасида жамлайдилар, чунки бу қиёфа уларнинг ҳаёлларида осон намоён бўлади. 5. Шишумаранинг калласи пастга эгилган, танаси эса айлана шаклини олган. Унинг қуйруғининг охирида Дхрува сайёраси жойлашган, қуйруғи бўйлаб эса, фаришталар Пражапати, Агни, Индра ва Дхармаларнинг сайёралари, қуйруғининг бошида эса, фаришталар Дхата ва Видхаталарнинг сайёралари жойлашган. Унинг белида эса, етти буюк донишмандларнинг сайёралари, шу жумладан Васиштха ва Ангиранинг сайёралари жойлашган. Унинг айланган танаси, Шишумара-чакра, соат стрелкаси бўйлаб ҳаракат қилади. Бу тананинг ўнг томонида Абхиджитдан то Пунарвасугача бўлган ўн тўрт туркум юлдузлар, чап томонида эса, Пушьядан то Уттарашадхигача бўлган ўн тўрт туркум юлдузлар тизими жойлашган. Шундай қилиб, Шишумаранинг танаси симметрик тарзда, чунки унинг ҳар томонида тенг сондаги юлдузлар туркуми жойлашган. Унинг елкасида Аджавитхи юлдузлар гуруҳи, қорнида эса осмон бўйлаб оқувчи Ганга(Сомон йўли) жойлашган. 6. Шишумара-чакранинг ўнг ва чап ёнида Пунарвасу ва Пушья юлдузлари туркуми жойлашган. Ардра ва Ашлеша туркуми унинг ўнг ва чап товонида, Абхиджит ва Уттарашадха - ўнг ва чап бурун тешиқларида, Шравана ва Пурвашадха - ўнг ва чап кўзларида, Дхаништха ва Мула - ўнг ва чап кулоқларида жойлашган. Жанубий йўлни белгиловчи Магхидан то Анурадхигача бўлган саккиз юлдуз туркуми шишумаранинг чап қовурғаларида жойлашган, шимолий йўлни белгиловчи Мригаширшадан то Пурвабахдрагача бўлган саккиз юлдуз туркуми эса, ўнг қовурғаларида жойлашган. Унинг ўнг ва чап елкаларида Шатабхиша ва Джйештха туркум юлдузлари жойлашган.

7. Шишумаранинг жағининг юқори қисмида Агасти юлдузи, пастки қисмида Ямараджа, оғзининг ичида Марс, жинсий органларида - Сатурн, бўйнида - Юпитер, кўксиди - Қуёш, юрагида - Нараяна жойлашган. Унинг ақлида - Ой, киндигида - Венера, сийналарида - Ашвини-Кумарлар жойлашган. Унинг пранапана деб аталадиган ҳаётий нафасида Меркурий жойлашган, томоғида - Раху, бутун танаси бўйлаб ҳар хил кометалар, тери тешиқларида кўп юлдузлар жойлашган.

8. Эй шоҳ, мен таърифлаб берган Шишумара танасини Худои Таоло, Вишнунинг ташқи намоён бўлиши деб тушуниш керак. Эрталаб, кечкурун ва кундузи жим ҳолатда Шишумара-чакрани кўз олдига келтириш ва қуйидаги мантрани айтиб унга сифиниш керак: -"Замон кўринишида намоён бўлган эй Парвардигор! Ўз орбиталари бўйлаб ҳаракат қилувчи барча сайёраларнинг паноҳ макони! Эй фаришталар ҳукмдори, эй Олий Шахс, мен Сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан бош эгаман ва ҳаёлан Сенинг қиёфанга маҳлиё бўламан!"

9. Худои Таоло, Вишнунинг Шишумара-чакрани ифода қилувчи танаси барча фаришталарга, сайёра ва юлдузларга паноҳ беради. Агар инсон кунига уч марта - эрталаб, кундузи ва кечкурун - мана шу мантрани такрорлаб Олий Шахсга сифинса, унинг барча гуноҳларининг оқибатлари албатта йўқ бўлиб кетади. Парвардигорнинг намоён бўлган мана шу қиёфаси олдида шунчаки бошини эгган ёки бу қиёфани эслаган

киши ўзининг яқиндаги қилган гуноҳлари оқибатидан халос бўлади.

Йигирма тўртинчи боб Ер остидаги жаннат сайёралари

1. Шри Шукадева Госвами давом этди: - Эй шох, Пураналарни ёзган тарихнависларнинг маълумотларига кўра, Қуёшдан 10.000 й. пастроқда юлдузлар сингари ҳаракат қилувчи Раху сайёраси жойлашган. Бу сайёрани асурларнинг энг ашаддийси бўлган Симхиканинг ўғли бошқаради. У сайёрани бошқарувчи зот фаришта лавозимига мутлақо лойиқ эмас, лекин Худои Таолонинг марҳамати билан у барибир шу лавозимга эга бўлган. Мен кейинроқ у ҳақида гапириб бераман. 2. Туганмас иссиқлик манбаи бўлган Қуёш сайёрасининг диаметри 10.000 й. Ойнинг диаметри - 20.000й. Рахунинг диаметри эса 30.000 й. Қадим ўтган замонларда, фаришталар билан асурлар мангулик шарбатини бўлишаётганларида, Раху Ой ва Қуёш орасида туриб, уларни жанжаллаштиришга уринди. У - Қуёш ва Ойнинг ашаддий душмани, шунинг учун янги ой туғилган ва тўлин ой кечаларида у қуёш ва ой нурларини тўсишга ҳаракат қилади.

3. Раху Қуёш ёки Ой фариштасига ҳамла қилганида, улар ёрдам сўраб Худои Таоло, Вишнуга мурожаат қиладилар, шунда Парвардигор уларни ҳимоя қилиш учун Ўзининг Сударшана-чакрасини ишга солади. Худонинг энг яқин содиқ хизматкори Сударшана-чакра Унинг алоҳида марҳаматига сазовор бўлган зотдир. Ўздан олов ва чидаб бўлмайдиган иссиқлик таратиб, Парвардигорга содиқ бўлмаганларнинг барчасига у ажал уруғини сепеди, бу иссиқликка бардош беролмай кўрқиб кетган Раху Сударшана-чакрадан зўрға кочиб кутулади. Раху сайёраси Қуёш ёки Ойни тўсиб қўйганида, одатда Қуёш ёки Ойнинг "тутилиши" деган ходиса рўй беради.

4. Рахудан 10.000 й. пастда Сиддхалока, Чараналока ва Видйадхаралока сайёралари жойлашган. 5. Видйадхаралока, Чараналока ва Сиддхалокадан пастда, антарикша деб аталадиган фазовий бўшлиқда якшалар, рақшаслар, пишачилар, арвоҳлар ва шу сингари мавжудотлар лаззатланадиган макон жойлашган. Антарикшанинг юқори чегараси шамол ва булутлар бўлмайдиган жойда, яъни ҳавосиз бўшлиқ бошланадиган жойдан ўтади. 6. Якша ва Рақшасларнинг маконидан 100 й. пастроқда Ер сайёраси жойлашган. Унинг юқори чегараси оққуш, бургут, гриф ва бошқа катта қушлар кўтарила оладиган баландлик билан белгиланади.

7. Эй шох, Ернинг пастида яна етти сайёралар туркуми мавжуд: Атала, Витала, Сугала, Талатала, Махатала, Расатала ва Патала. Мен сенга ўрта сайёраларнинг жойлашиши ва ўлчамларини гапириб берган эдим, куйи етти туркум сайёраларининг ўлчамлари ҳам Ерники билан тенг. 8. Сайёраларнинг бу етти тизимини била-сварга, ер ости жаннат сайёралари деб атайдилар. У ерда дам олиш ва лаззатланиш учун ажойиб саройлар, боғлар мавжуд. Ўзларининг ҳашамати ва дабдабаси билан бу сарой ва боғлар ҳатто олий сайёралардаги фаришталар роҳатланадиган жойлардан устун туради, чунки худосиз иблислар ҳаммадан ҳам ҳиссий лаззатларга, бойликка ва ҳукмронликка ружу қўйган

бўладилар. Ер ости жаннатий сайёраларида Дайтялар, Данавалар ва нагалар яшайдилар ва деярли уларнинг барчаси оилавий турмуш кечирадилар. Ўз хотинлари, фарзандлари, дўстлари ва издошлари билан улар алдамчи, моддий бахтдан лаззатланадилар. Ҳатто фаришталар ҳам ҳиссий лаззатлар билан ҳамшиша эркин лаззатлана олмайдилар, аммо бу сайёраларнинг аҳолисига ҳаёт лаззатини суришга ҳеч нарса халақит бермайди. Шунинг учун уларнинг барчаси алдамчи бахтга жуда боғланиб қолганлар.

9. Эй шох, жаннатга ўхшаб яратилган бу бала-сварга салтанатида моҳир рассом ва меъмор - таниқли иблис Майя Данава яшайди. У таърифлаш қийин бўлган жуда кўп шаҳарлар қурган, улардаги уйлар, панжаралар, дарвозалар, мажлис заллари, эҳромлар, ички ҳовлилар, шунингдек меҳмонхоналар жуда чиройли. Бу сайёраларнинг ҳукмдорларининг саройлари энг нодир қимматбаҳо тошлар билан безатилган, ва улар ичида ҳамшиша кўплаб нагалар ва асурлар тўпланадилар. У ерда қаптар, тўти ва бошқа қушларнинг катта тўдалари яшайди. Бир гап билан айтганда, жаннатга қиёслаб қурилган бу шаҳарлар юксак дид билан безалган ва жуда жозибадор кўринади. 10. Бу сунъий жаннатнинг сўлим боғу-бўстонлари, гўзалликда ҳатто олий сайёралардаги боғларни ортда қолдиради. Уларнинг чирмовуқ ўралган шохалари мўл мевалар оғирлигидан эгилиб туради, гуллари эса анвойи ҳидлар таратади. Бу ажойиб гўзаллик ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Бу оромбахш жойлар бўлғуси ҳиссий лаззатлардан дарак бериб, киши ақлини лол қолдиради. Бу ерда ичида балиқлар шўх ўйнаб юрган, атрофида қувалаи, кахлара, лайло, шунингдек зангори ва қизил нилуфар гуллари ўсиб ётган шаффоф сувли ҳовуз ва кўллар кўп. Ана шу сув ҳавзаларининг қирғоқларида чакравака ва сувда сузувчи бошқа қушлар жуфт-жуфт бўлиб ин қурадилар. Уларнинг оромбахш ҳаётдан мамнун бўлиб сайраган чиройли овозлари киши қулоғига хуш ёқади ва янги-янги жаннатий лаззатларга берилиш истагини кучайтиради.

11. Ер ости салтанатига қуёш нури тушмайди, шунинг учун у ерда вақт кун ва тунга бўлинмайди. Шунинг учун бу ернинг аҳолиси вақт ўтиши келтириб чиқарадиган қўркўв азобини билмайдилар. 12. Бу ерда каллалари қимматбаҳо тошлар билан безанган жуда кўп катта илонлар яшайди. Мана шу тошлардан таралаётган нур ер ости салтанатининг зулматини ёритиб туради.

13. Бу сайёраларнинг аҳолиси сеҳрли таъсир қилувчи шифобахш гиёҳлардан тайёрланган шарбат ва эликсир*лар ичадилар, уларда чўмиладилар, шунинг учун улар тана ва ақл келтириб чиқарадиган қасалликлар азобидан беҳабар яшайдилар. Уларнинг юзларига ажин тушмайди, сочлари оқармайди, терилари ҳеч қачон ўз латофатини йўқотмайди, терлаганда ёмон ҳид таратмайди. Улар чарчаш нималигини билмайдилар, ҳамшиша соғлом, тетик, бардам ва ҳатто қариган чоғларида ҳам ҳолсизланиб, мадори қуримайди. 14. Улар узоқ вақтгача бевақт ўлим нималигини билмай бахтли яшайдилар. Уларнинг ҳаётларининг узилишига бирдан бир сабаб - уларга Худо Шахсининг қуроли бўлган Сударшана-чакранинг оловли ёғдуси кўринишида намоён бўладиган вақтнинг ўзи, холос. 15. Сударшана-чакра халқаси ярқираб ер ости салтанатидан ўтганида, иблисларнинг барча ҳомиладор аёллари

унинг яркирашини кўриб, дахшат ичида вақтидан олдин туғиб кўядилар.

16. Энди эса, эй шоҳ, мен бирин-кетин сенга куйи сайёралар тизимини таърифлаб бераман. Улардан биринчиси Атала деб аталади. У ерда Майа Данаванинг ўғли Бала деган иблис яшайди, у тўқсон тўққиз сеҳрли қудратни яратган. Ҳатто, ҳозирги пайтда ҳам баъзи бир йоглар ва "свами"лар одамларни алдаш учун ана шу қудратлардан фойдаланадилар. Иблис Балининг эснашидан аёлларнинг уч тури дунёга келган: свайрина, камина ва пумшчалалар. Свайриналар фақат ўз табақаларига турмушга чиқадиладар, каминалар ҳар қандай табақага эрга чиқишга тайёр, пумшчалалар эса, бирин-кетин эрларини алмаштираверадилар. Қачон бирон бир эркак Атала сайёрасига тушиб қолса, бу аёллар шу заҳоти уни ўзларига жалб этадилар ва хатака(гашиш) деган ўсимликдан тайёрланган ичимлик ичирадилар. Бу ичимликдан эркакнинг жинсий қуввати жуда ошиб кетади, аёлларга эса, фақат шу керак. Эркак кишини ўзининг эҳтиросли қарашлари ва ширин сўзлари билан маҳлиё қилиб, аёл уни кучоғига олади, жозибали кулишлар қилиб, ўзи билан яқинлашишга ва то ўзининг ҳирси қонгунча ишқий ўйинларга берилишга ундайди. Ўзининг эрлик кучидан мағрурланиб, бундай эркаклар ўзларини ўн минг филдан ҳам кучлироқ ҳисоблайдилар. "Мен энг юксак даражага эришдим" - деб ўйлайди бундай одам. Мағрурликдан гангиган ва маст бўлганидан, у ўзи учун муқаррар бўлган ўлим, ажални эсидан чиқариб кўяди ва ўзини худо деб била бошлайди.

17. Аталадан пастда Витала сайёралар тизими жойлашган, бу ерда барча олтин конларининг ҳукмдори Тангри Шива яшайди. Шу ерда унинг ҳамроҳлари бўлмиш арвоҳлар, ажиналар ва бошқалар ҳам яшайди. Тирик мавжудотларни дунёга келтириш учун Тангри Шива Бхавани билан жинсий алоқа қилади, ва уларнинг ҳаётбахш кучлари кўшилиб Хатака деб аталган дарёни пайдо қилади. Шамол таъсирида ловуллаб ёнган олов бу дарё сувини қамраб олиб, уни шивиллатиб сочганида, сув томчилари олтинга айланади, ана шу олтинни хатака деб атайдилар. Виталада яшайдиган иблислар, шунингдек уларнинг хотинлари ана шу олтиндан қилинган тақинчоқлар билан безаниб юрадилар ва ҳаёт лаззатини сурадилар.

18. Виталадан пастда Сутала сайёралар тизими жойлашган, у ерда ҳозиргача Махаража Вирочананинг буюк ўғли - Махараж Бали яшайди. У ғайритабиий такводор шоҳ бўлиб ном таратган. Тангри Вишну осмон шоҳи Индрага ёрдам бериш учун, Адитининг ўғли карлик-брахмачари киёфасига кириб, маккорлик билан Махараж Балидан уч қадам ер сўраб, ундан бутун уч оламни тортиб олмоқчи бўлганида, Махараж Бали Унга бор бисотини қурбон қилган. Шунда Парвардигор шоҳнинг саховатидан мамнун бўлиб, унга салтанатини қайтариб берган ва уни ҳатто Индранинг ўзидан ҳам бадавлатроқ қилган. Махараж Бали ҳозир ҳам ўзининг Сутала сайёрасида Парвардигор Вишнуга сиғиниб Худои Таолога холис хизмат қилади. 19. Махараж Бали Худои Таоло, Вamana-девига ўзининг бутун молмулкни қурбон қилди, аммо бу дегани унинг биласваргада эга бўлган мол-дунёси ана шу саховати учун муносиб мукофот дегани эмас. Олий Худо - барча тирик мавжудотларнинг ҳаёт манбаи ҳисобланади ва уларнинг қалбларида Олий Рух кўринишида мавжуд бўлади,

уларнинг ҳар бирига бахт келтиришни истайди. Бу дунёда кимнинг лаззатланиши ва кимнинг азоб-уқубатга дучор бўлиши лозимлигини айнан Унинг Ўзи белгилайди. Парвардигорнинг илоҳий сифатларидан хайратга тушган Махараж Бали Унинг нилуфар қадамлари пойига бор бисотини кўйганди. Бу билан у ўзига ҳеч қандай дунёвий манфаат истамади, у фақат соф содиқ хизматкор бўлишни истади. Соф содиқ хизматкор олдида озодлик дарвозалари катта очилади. 20. Агар инсон йиқилиб тушиб, қоқилиб ёки очликдан мадори қуриб бирор марта атайлаб ёки билмасдан Парвардигорнинг муқаддас номларини тилига олса, у шу заҳотиёқ аввалги қилган гуноҳ ишлари оқибатидан бутунлай халос бўлади. Дунёвий ишлар чангалига тушиб қолган кармилар бу қопқондан сеҳрли йога усули ёки бошқа йўллар билан озод бўлишга уринадилар, аммо уларнинг йўллари қийинчиликларга тўла. 21. Ҳар кимнинг қалбида Олий Рух шаклида мавжуд бўлган Худои Таоло Ўзини Нарада Муни сингари соф содиқлари ихтиёрига бутунлай топшириб қўган. Аввало уларга Ўзига нисбатан соф муҳаббат ато этади, кейин эса, мана шу муҳаббат эвазига уларга Ўзини бутунлай топширади. Ўзларининг руҳий табиатини англаган тўрт Кумар ва бошқа буюк сеҳргар-йоглар қалбларида Олий Рухни кўриш билан чуқур илоҳий лаззат оладилар. 22. Худои Таолонинг Махараж Балига кўрсатган марҳамати унга ато қилган чексиз мол-дунё ва моддий бахтда эмас, ахир бундай нарсалар Парвардигорга муҳаббат билан хизмат қилишни эсидан чиқаришга сабаб бўлади-ку. Катта мол мулк эгаси бўлган одам Худои Таоло ҳақидаги ўйларга чуқур, самимий берила олмайди. 23. Олий Худо Махараж Балининг бутун давлатини фақат маккорлик билан тортиб олиш мумкинлигини кўриб, уни алдамоқчи бўлди. Шоҳдан садақа сўраш билан У бутун уч оламни тортиб олди. Махараж Балининг фақат танаси қолди, холос, лекин Парвардигор бу билан мамнун бўлмади, ва шоҳни қамоққа олиб, Варуна арқонларига боғлаб тоғдаги ғорга қамашни буюрди. Аммо, Махараж Бали бутун мол-дунёсидан ажралганига қарамай, буюк содиқ бўлгани боис шундай деди:

24. "Минг афсуски, жаннат салтанатининг ҳукмдори Индра, ўзининг шунча қудрати ва билимдонлигига қарамай, гарчи донишманд Брихаспатини ўзининг бош маслаҳатчиси қилиб олган бўлса ҳам, руҳий ҳаёт нималигини тушунмайди. Шогирди Индрага зарур насиҳатлар беролмаган Брихаспатининг ўзи ҳам фаросатли эмас. Парвардигор Vamanaдева Индранинг эшиги олдида турган эди, аммо у Парвардигордан Унга муҳаббат билан хизмат қилиш имконини сўраб илтижо қилиш ўрнига, Уни менадан садақа сўрашга юборди, чунки Индра бутун уч оламни ўзига қайтариб олишни ва ҳиссий лаззатларга берилишни ният қилган эди. Лекин, бутун уч олам устидан ҳукмронлик қилиш ҳеч нарса эмас, ахир биз қанчалик моддий бойликларга эга бўлмайлик, улар Манунинг бир давридан кўпга бормайди, бу вақт эса мангулик олдида бир лаҳзадек туюлади". 25. Менинг бобом, Прахлада Махараж - ҳақиқий саодат нималигини биладиган ягона зотдир. Парвардигор Нрисимхадева Прахлада Махаражнинг отаси Хираниякашипуни ўлдириб, унга отасининг салтанатини беришга, ҳатто уни моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқармоқчи бўлганида, Прахлада бу икки мукофотдан ҳам бош тортди. У дунёвий бойликлар ва озодликка чиқиш - Худоба садақат билан хизмат қилишга халақит

беришини яхши тушунар эди, демак, Худои Таолонинг бундай инъомларини Унинг хақиқий марҳамати деб ҳисобламаслик керак. Шунинг учун Прахлад Махараж карма ва гяна натижаларидан воз кечди ва Нрисимха-девадан фақат бир нарсани - Парвардигорнинг, Худонинг хизматкорининг хизматкори бўлишга руҳсат беришни сўради. 26. Мен сингари ҳиссий лаззатларга боғланиб, моддий табиат гуналари таъсирида булганиб, Парвардигор марҳаматидан маҳрум бўлган одамлар Махараж Прахлада сингари буюк содиқларнинг мукамал йўлидан боришга қодир эмаслар".

27. Шукадева Госвами давом этди: - Эй шох, Махараж Балининг улуғворлигини таърифлашга сўз топиладими? Бутун уч олам султони, Ўзининг содиқларига чексиз марҳамат кўрсатувчи Парвардигорнинг Ўзи Махараж Балининг эшиги олдида гузисини ушлаб, соқчилик қилади. Кудратли Равана. салтанатини тортиб олиш учун Махараж Балининг олдида келганида, Вamana оёғининг катта бармоғи билан бу иблисни ўн минг йоджан узоқликка улоқтириб ташлаганди. Махараж Балининг сифатлари ва кароматлари ҳақида мен кейин батафсилроқ айтиб бераман. (саккизинчи қўшиқда).

28. Сугаладан пастда Талатала сайёралар тизими жойлашган, уни иблис Майя Давана бошқаради. У барча майява - сеҳргар ва фолбинларнинг устози сифатида машхур. Бир куни Трипурари деб ном олган Тангри Шива, бутун уч олам аҳолисини ҳимоя қилиб иблис майянинг уч салтанатининг кулини кўкка совурган ва кейин ундан мамнун бўлиб, унга янги салтанат совға қилган эди. Шундан бери Майя Давана Тангри Шиванинг паноҳи остида ҳисобланади ва ўзини ҳатто Худо Шахсининг қуроли бўлган Сударшана-чакрадан ҳам ҳайикмайдиган сезади.

29. Талаталадан пастда жойлашган сайёра тизими Махатала деб аталади. Бу ерда Кадрунинг авлодлари - ўзларининг жаҳлдорлиги билан машхур бўлган кўп каллали аждарлар яшайди. Уларнинг ичида энг асосийлари - Кухака, Такшака, Калия ва Сушена. Махаталанинг барча илонлари ҳамиша Парвардигор Вишнуни олиб юрадиган қуш - Гарудадан кўркиб, даҳшат ичида яшайдилар. Шунда ҳам уларнинг баъзилари хотинлари, фарзандлари, дўст ва қариндошлари билан лаззатланиб яшайдилар.

30. Махаталадан пастда Расатала сайёралар тизими жойлашган. У ерни Дити ва Данунинг авлодлари бўлган иблислар эгаллаган. Улар панилар, нивата-кавачилар, калейлар ва Хирания-пурининг аҳолиси хирания-пуравасилардир. Бу иблисларнинг барчаси - фаришталарнинг ашаддий душманларидир. Улар илонлар сингари ўз инларида яшайдилар, ва туғилганиданок ғайритабиий кучли ва шафқатсиз бўладилар. Аммо, улар ўзларининг қудрати билан қанчалик мағрурланмасинлар, уларни барча сайёралар тизимининг султони бўлган Худои Таолонинг халқаси Сударшана-чакра яксон қилади. Индранинг Сарам деган элчилари махсус дуо-мантра ўқиганларида бу илонсифат иблисларнинг барчаси Индранинг олдида даҳшатга тушиб қоладилар.

31. Расаталадан пастда яна бир сайёралар тизими - Патала, ёки Нағалока жойлашган, бу ерда ҳам илонсифат иблислар яшайди. Нағалокага Шанкха, Кулика, Махашанкха, Швета, Дҳананджая, Дҳритараштра, Шанкхачуда, Камбала, Ашватар ва Девадатта деган

илонлар ҳукмронлик қилади. Уларнинг энг асосийси - Васука. Нағалоканинг барча аҳолиси золим, ва уларнинг ҳар бирида кўп калла -Бирларида беш, бирларида етти, баъзиларида ўн, бирларида юз, ҳатто минг калла бор. Бошларида улар қимматбаҳо тошлар олиб юрадилар, бу тошлардан таралаётган ёғду бутун била-сварга сайёралар тизимини ёритиб туради.

Йигирма бешинчи боб

Парвардигор Анантанинг улуғворлиги

1. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - Эй шох, Паталадан чамаси ўттиз йоджан пастда Худои Таоло, Парвардигор Вишнунинг қиёфаларидан бири бўлмиш Худованд Ананта, Санкаршананинг даргоҳи жойлашган. У ҳамиша моддий табиат гуналаридан устун туради, аммо Унга ғафлат гунаси, яъни зулмат, қоронғулик гунасининг ҳукмдори Тангри Шива сиғингани учун, уни баъзида Тамаси деб ҳам атайдилар. Парвардигор Ананта барча тирик мавжудотларнинг моддий ғафлат гунасини, шунингдек сохта ўзликларини бошқаради. Шартланган тирик мавжудот: -"Мен - лаззатланувчиман, бу олам фақат менинг лаззатланишим учун яралган" деб ўйлаганида, бундай фикрларни унинг онгида Санкаршана пайдо қилади. Шу тарзда адашган, шартланиб қолган руҳ ўзини Худо деб билади. 2. Кўз илғамас бутун коинот Парвардигор Анантадевининг минглаб бошларининг бири устидан жой олган ва оқ горчица(хантал) уруғининг бир донасини эслатади. Парвардигор Анантанинг калласининг катталиги олдида у жуда арзимас зарра бўлиб кўринади. 3. Коинотнинг емирилиши учун белгиланган вақт келганида, Парвардигор Анантадева бутун борлиқни яксон қилиш учун жаҳли чика бошлайди, унинг қошлари ўртасидан кўлларида паншаха(санчки) ушлаган уч кўзли Рудра пайдо бўлади. Гоҳида Санкаршана деб ҳам аталадиган Рудра ўзида Тангри Шиванинг кўринишлари бўлган ўн бир Рудрани мужассам қилган. У бутун оламни яксон қилиш учун келади. 4. Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидаги шаффоф қизғишранг тирноқлари ойнадек ярқиратиб ишлов берилган қимматбаҳо тошларни эслатади. Соф содиқлар, шунингдек аждарларнинг йўлбошчилари эҳтиром ва муҳаббат билан Парвардигор Санкаршананинг пойи қадамларига сажда қилганларида Унинг тирноқларида ўз аксларини кўриб шодон кулиб юборадилар. Ва уларнинг қимматбаҳо исирғалар ёғдуси билан ажойиб тус олган сиймоларини кўрган ҳар қандай одам ҳам бундан чуқур лаззат олади. 5. Парвардигор Анантанинг жозибали, ажойиб билагузуклар билан безанган узун кўллари бутунлай руҳий табиатга эга ва оқиш ранги билан кумуш устунларни эслатади. Илонлар шохининг қизлари Парвардигорнинг марҳаматига сазовор бўлиш учун, Унинг кўлларини кункума, агурадани қилинган балзам ва сандал пастаси билан мойлаганларида, Унинг танасига кўллари текканидан эҳтирослари уйғонади. Уларнинг нима ҳақида ўйлаётганларини тушунган Парвардигор уларга қараб майин кулиб кўяди, қалбларидаги сирлари Парвардигорга аён эканини англаган малика қизлар уялиб қоладилар. Шунда уларнинг юзларида ҳам мафтункор кулги пайдо бўлади ва улар кўзларини Парвардигорнинг нилуфарсимон сиймосига тикадилар. Парвардигорнинг юзи содиқларга муҳаббат туйғуси билан пор-

лайди, ва мастликдан оҳиста ўйнаётган кизғиш кўзлари Уни яна ҳам жозибалироқ қилиб кўрсатади. 6. Парвардигор Санкаршана сон-саноксиз рухий сифатларга эга, шунинг учун ҳам Уни Анантадева деб ҳам атайдилар. У - Худонинг Олий Шахси, Парвардигордир. Моддий оламдаги барча тирик мавжудотларнинг саодати учун ғазабини ичига ютиб, Ўзининг муддатини кутиб, У шу даргоҳида қолиб келади. 7. Фаришталар, иблислар, урагалар(илон қиёфасидаги фаришталар), сиддхалар, гандхарвалар, видядхаралар ва кўплаб улуғвор донишмандлар Парвардигор Анантага бетиним илтижолар қиладилар. Парвардигор бироз сармаст ва шу боис бироз хайратлангансимон кўринади. Унинг катта очилган гул ғунчалари сингари кўзлари эса бетиним ҳаракатда. Ўзининг ширин оҳангда таралаётган сўзлари билан У яқин ҳамроҳлари бўлган фаришталарни қувонтиради. У кўк либосга ўраниб олган, ва икки забардаст қўллари билан елкасида омов кўтариб олган. Унинг бир қулоғида чиройли исирға осилган. Парвардигор Анантанинг танаси худди осмон шоҳи, Индраники сингари оппоқ. Унинг белига олтин қамар тақилган, бўйнига эса сўлмайдиған туласи гулларидан қилинган вайджаянти гулчамбари осилган. Бу гулларнинг асалдай ширин ҳидидан маст бўлган асаларилар унинг атрофида ёқимли ғўнғиллаб айланиб юрадилар, бунинг таъсиридан гулчамбар яна ҳам чиройлироқ кўринади. Ўзининг даргоҳида илоҳий ўйинлари билан лаззатланади. 8. Моддий ҳаёт тутқунлигидан озод бўлишга жиддий бел боғлаганлар Анантадеванинг улуғворлиги ҳақида шогирдлар силсиласида турган рухий устоздан тинглашлари лозим. Агар содиқ ҳамиша Санкаршана ҳақида ўйлаб юрса, Парвардигор унинг қалбининг энг тўрига киради ва у ердан табиат гуналари иллатини сиқиб чиқариб, бир пайтлар, тирик мавжудот кармали фаолият ёрдамида моддий табиатга ҳукмронлик қилишни истаганида пайдо бўлган дунёвий боғланганликларнинг чигал тугунини ечиб ташлайди. Тангри Браҳманинг ўғли Нарада Муни отасининг яқин ҳамроҳлари йиғилган мажлисларда ҳамиша Анантадевани олқишлайди. У Санкаршананинг шарафига ажойиб, Унга роҳат бағишловчи қўшиқлар тўқийди ва уларни мусиқий асбоби вина(танбур) жўрлигида куйлайди. 9. Худои Таоло Ўз нигоҳини ташлаб, моддий табиат гуналарига оламни яратиш, унинг мавжудлигини таъминлаб туриш ва яқсон қилиш қобилиятини ато этади. У - Олий Рухдир, бениҳоядир, ва Унинг боши ва охири йўқ. У ягона, айна пайтда Ўзидан сон-саноксиз қиёфалар яратади. Шундай экан, одамлар Парвардигорнинг улуғворлигини англаб ета оладиларми? 10. Худои Таоло Ўз ичига кўпол ва нафис унсурларнинг намоёнлигини мужассам қилган. Ўзининг содиқларига бесабаб марҳаматини кўрсатиб, уларнинг олдида ҳар бири мутлақо рухий табиатга эга бўлган ҳар хил қиёфаларда намоён бўлади. Парвардигор барча сеҳр қобилиятларининг эгасидир, ва У ниҳоятда олийжаноб. Содиқларининг ақлини ҳайратга солиш ва уларнинг қалбларини қувончга тўлдириш учун, У бу оламга ҳар турли кўринишлардан ташриф буюради ва Ўзининг сон-саноксиз ўйинларини кўрсатади.

11. Ҳар қандай одам, ҳатто эҳтиросга тўлган ёки адашган киши ҳам, агар ҳақиқий рухий устоздан эшитиб, Парвардигорнинг муқаддас номларини зикр қилса, қилган гуноҳлари оқибатидан дарҳол покланиши мумкин. Агар киши ҳатто Парвардигорнинг муқаддас ном-

ларини ҳазиллашиб ёки билмасдан такрорласа, унинг ўзи ҳам, уни эшитган одам ҳам қилган гуноҳлари оқибатидан покланади. Шундай экан, моддий ҳаёт занжирларидан халос бўлишга астойдил интилаётган одамлар Парвардигор Шешанинг муқаддас номларини зикр қилишга бефарқ қарай оладиларми? Улар бошқа қаердан ҳам нажот излашлари мумкин? 12. Парвардигор бениҳоя, шунинг учун ҳеч ким Унинг қудратини ўлчамайди. Ўзидаги катта-катта тоғлари, дарёлари, океанлари, дарахтлари ва сон-саноксиз ҳайвонот олами билан бутун коинот, худди кичик бир атом, арзимас заррача сингари Унинг минглаб каллаларидан бирининг устида жойлашган. Шундай экан, ҳатто минглаб тили бўлса ҳам, Унинг улуғворлигини таърифлай оладиган бирор киши топиладими? 13. Қудратли Анантадеванинг улуғвор, шарафли сифатларининг ниҳояси йўқ. Унинг қудрати ҳақиқатан ҳам бениҳоя. У Ўзига тўлиқ, айна пайтда У бутун борлиқнинг мавжудлигини таъминлаб туради. Қуйи сайёралар тизими остида жойлашган Ўзининг даргоҳида туриб У бутун коинотни устидан кўтариб туради.

14. Эй Махараж Парикшит, мен сенга моддий оламнинг яратилишини батафсил таърифлаб бердим. У шартланган тирик мавжудотларнинг истаклари ва кармалари асосида яратилган. Кўплаб моддий истаклар таъсири остида бу жонотлар бир сайёрадан бошқасига ўтиб, ҳар турли ҳаёт шароитларига тушиб қоладилар. Шу тарзда улар моддий оламда яшайдилар. Мен сенга рухий устозимдан эшитганларимни гапириб бердим. 15. Эй шоҳ, мен сенга одамлар қандай қилиб, дунёвий истак-орзуларига эришишга интилишларини, натижада олий ва қуйи сайёраларда ҳар хил таналарга эга бўлиб қолишларини гапириб бердим. Сен мендан шуни сўраган эдинг, мен эса устозларимдан эшитганларимни айтиб сенга жавоб бердим. Яна нималар ҳақида билишни истайсан?

Йигирма олтинчи боб.

Дўзахий сайёраларнинг таърифи

1. Шоҳ Парикшит Шукадева Госвамидан сўради: - Эй ҳукмдор, тирик мавжудотлар нимага бу моддий оламда ҳар хил шароитларга тушиб қоладилар? Марҳамат қилиб тушунтириб бер.

2. Буюк донишманд Шукадева Госвами шундай жавоб берди: - Эй шоҳ, моддий оламда қилинадиган ишлар уч хил бўлади - эзгулик гунасида, хирс гунасида ва ғафлат гунасида. Бу дунёда ҳамма мана шу уч гуна таъсири остида яшайди, шунинг учун одамлар қилган ҳаракатларининг оқибатлари ҳам уч хилда бўлади. Эзгулик гунаси таъсири остида бўлган одам дин қонунларига амал қилади ва ҳамиша бахтиёр бўлади; эхтирос гунаси таъсири остида бўлган киши ҳаётда бахтга ҳам, бахтсизликларга ҳам дуч келади, ғафлат гунаси таъсири остида бўлган киши эса, ҳамиша бахтсиз ва худди ҳайвонлардай ҳаёт кечиради. Тирик мавжудотлар табиат гуналари таъсирига ҳар хил даражада берилганлиги сабабли улар туғиладиган шароитлар ҳам ҳар хил бўлади. 3. Ҳар турли хайрли ишлар қилиш шарофати билан тирик мавжудот жаннатнинг турли жойларига боради, ва худди шундай, қилган гуноҳ ишлари уни дўзахнинг турли жойларига тушиб қолишига сабаб бўлади. Ғафлат гунаси таъсири остида яшаётган одам-

лар гуноҳ ишлар қиладилар ва ўзларининг ғофиллик даражасига қараб, дўзахда жазо сифатида ҳар хил оғирликдаги азобларга мубтало бўладилар. Ақлсизликлари сабабли, ғофиллик ботқоғига ботиб, онгсиз равишда гуноҳ қилганлар дўзахда енгилроқ жазоланадилар. Гуноҳ ва савоб ишларнинг фарқини билган ҳолда, онгли равишда гуноҳга қўл урганлар ўртача азоб бериладиган дўзахларга тушади. Онгли равишда, Худонинг амрига қарши, Унга душманлик муносабатида бўлиб, ҳар хил гуноҳ ишлар қилаётган кишилар энг оғир жазолар қўлланиладиган дўзахга юбориладилар. Шу тарзда ўзининг ғофиллиги туфайли содир қилаётган гуноҳ ишлари тирик мавжудотни қадим замонлардан бери дўзахий сайёраларнинг минглаган турдаги сайёраларида туғилишига сабаб бўлиб келади. Мен улар ҳақида билганларимнинг ҳаммасини сенга гапириб беришга ҳаракат қиламан.

4. Шоҳ Парикшит Шукадева Госвамидан сўради: - "Эй ҳукмдорим, бу дўзахий сайёралар қаерда жойлашган, - коинотдан ташқаридами, унинг ичидами ёки мана шу сайёранинг турли жойларидами?"

5. Буюк донишманд Шукадева Госвами жавоб берди: - "Барча дўзахий сайёралар уч олам ва Гарбходака океани орасидаги бўшлиқда жойлашган. Улар коинотнинг жанубий томонида, Бхумандаладан пастда, Гарбходака океани сувларининг шундай устида жойлашган. Шу ерда, Гарбходака океани билан қуйи сайёралар ўртасида Питрилока ҳам жойлашган. Агнишватга бошлиқ Питрилоканинг бутун аҳолиси чуқур самадхи ҳолатига тушиб, Худо Шахси ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб, ҳамиша оила аъзоларининг саодатини тилайдилар. 6. Питалар салтанатини Куёш Худосининг ғайритабиий қудратга эга бўлган ўғли Ямараджа бошқаради. У Питрилокада ўзининг ёрдамчилари, ямадугалар билан бирга яшайди. Худои Таоло ўрнатган қонуларга қатъий риоя қилган ҳолда Ямараджа ямадугаларга ажали етган гуноҳкорларнинг руҳ(жон)ларини тутиб, дарҳол унинг олдига келтиришга амр қилади. Гуноҳкорларнинг жонлари Ямараджа олдига келтирилганда, у барча тафсилотларни эътиборга олган ҳолда улар устидан одилона ҳукм чиқаради ва уларни тегишли жазолар билан жазолаш учун махсус дўзахларга юборади. 7. Баъзи бир донишмандларнинг фикрига кўра, йигирма бир дўзахий сайёра мавжуд, баъзилари йигирма саккиз дўзах бор деб айтадилар. Эй шоҳ, сенга бу сайёраларнинг барчаси ҳақида қисқача гапириб берман: уларнинг номларини, табиати қандай эканини ва бир-биридан фарқини тушунтираман. Йигирма саккиз дўзахнинг номлари қуйидагича: Тамисра, Андхатамисра, Раурава, Махараурава, Кумбхипака, Каласутра, Аси-патравана, Сукарामукха, Андхакупа, Кримбходжана, Сандамша, Таптасурми, Ваджракантакашамали, Вайтарани, Пуйода, Пранародха, Вишасана, Лалабхакша, Сарамеядана, Авичи, Аяхпана, Кшаркардама, Ракшогана-бходжана, Шулапрота, Дандашука, Авата-ниродхана, Парьявартана ва Сучимукха. Бу сайёраларнинг ҳар бири осий, гуноҳкор тирик мавжудотларни жазолайдиган махсус жойлардир.

8. Эй шоҳ, ажали етганида, ўз яқинидан унинг қонуний хотинини, болаларини ёки пулларини куч билан тортиб олган кишининг олдига дахшатли ямадугалар келади. Унинг бўйнига вақт сиртмоғини ташлаб, уни тутиб оладилар ва Тамисра деган дўзахга судрайдилар. Қоронғу зулматга чўмган бу сайёрада ямадуга-

лар гуноҳкорни аёвсиз калтаклаб, қийноққа соладилар. Очлик ва сувсизликдан мадори қуриган гуноҳкор Ямараджанинг ёвуз хизматкорлари калтагидан қаттиқ қийналади ва баъзан хушидан кетиб қолади. 9. Ўз яқинини алдаб, унинг хотини билан яширин ҳолда зино қиладиган ёки уларнинг фарзандларини йўлдан урадиган киши Андхатамисра дўзахига тушади. Бу ерда у худди томири қирқилган дарахтга ўхшаб, энг ночор аҳволга тушиб қолади. Ҳали Андхатамисрага кетаётганидаёқ, йўл бўйи гуноҳкорни дахшатли қийноқларга дучор қиладилар, ва у чидаб бўлмайдиган қийноқ азобига чидамай, ақлидан озиб, кўзлари кўр бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам бу дўзахнинг номини Андхатамисра - "кўр дўзах" деб атаганлар.

10. Моддий танасини "ўзим" деб билладиган киши танасининг, шунингдек, хотини ва болаларининг эҳтиёжларини қондириш ниятида пул топиш учун кечаю-кундуз тиним билмай оғир меҳнат қилади. Бунда у кўпинча бошқа тирик мавжудотларга зудм қилади. Ана шундай гуноҳкор, ажали келганида ўзи истамаган ҳолда танасидан ҳам, оиласидан ҳам жудо бўлади ва Раурава деган дўзахга тушади. У ерда уни тирик мавжудотларга берган азоблари учун қаттиқ қийнайдилар. 11. Умри давомида одам жуда кўп тирик мавжудотларга азоб беради. Шунинг учун ўлганида Ямараж унинг жонини олиб дўзахга ташлайди, тириклигида қийнаган жониворлари қонхўр мўжизавий махлуқ - рурулар кўринишида унинг олдига келадилар ва уни қаттиқ қийнай бошлайдилар. Донишманд олимлар бу дўзахни Раурава деб атаганлар. Бу ерда, бизнинг сайёрада рурулар учрамайди, лекин маълумки, улар илонлардан ҳам бир неча марта захарли ва қўрқинчлироқ.

12. Ўз тириклигини бошқаларнинг ҳаёти ёки насибаси эвазига таъминлаб турган кишининг Махаурава деган дўзахда азобларга дучор бўлиши муқаррар. У ерда унга йиртқич қонхўр қравда(руруларнинг бир тури) деган махлуқлар ташланадилар. Улар унинг танасини тимдалаб, талашиб, ея бошлайдилар.

13. Баъзи бир бағри қаттиқ, меҳрсиз, қонхўр одамлар қорнини тўйғазиш ва тилига маза бериш учун баъзи бир бечора жонивор ва қушларни тириклайин ўтга ташлайдилар. Уларнинг бу қилмишларини ҳатто одамхўр зотлар ҳам қоралайдилар. Бундай гуноҳкорларнинг умри тугаганида ямадугалар уларни Кумбхипака деган дўзахга олиб борадилар ва у ерда уларнинг ўзларини қайнаб турган ёғда куйдира бошлайдилар.

14. Браҳманнинг ўлимига сабабчи, айбдор бўлган одам Каласутра деган дўзахга тушади. Майдони айланаси 10.000 йоджан бўлган бу сайёра бутунлай мисдан иборат. Унинг юзаси ҳамиша қаттиқ қизиқ туради: пастдан уни олов қиздиради, тепадан - куёш. Мана шу дўзахда гуноҳкор ҳам пастдан, ҳам ичидан куйиб қийналади. Ташқаридан уни куёш нурлари ва сайёра устидаги олов, ичидан эса очлик ва ташналик куйдиради. Гуноҳкор қийналганидан тинч тура олмайди: у гоҳ ўтиради, гоҳ туради, гоҳ сакрай бошлайди, гоҳ у ёқдан бу ёққа чопа бошлайди. Унинг бу азоб-укубатлари минглаб йиллар - ўзи ўлдирган ҳайвон танасидаги туклар қанча бўлса шунча йил давом этади.

15. Ведалар - муқаддас китобларда кўрсатилган йўлдан ҳеч қандай заруратсиз бурилиб кетадиган гуноҳкорни Ямаражнинг хизматкорлари Асипатравана дўзахига ташлайдилар ва у ерда уни қамчи билан аёвсиз калтаклайдилар. Оғриққа чидамай, гуноҳкор тирик

мавжудот у ёқдан бу ёққа қоча бошлайди, лекин ҳар томонда у япроқлари игнадек санчиладиган пальма дарахтларига бориб урилаверади. Бутун танаси яраланиб, қонга бўялиб, хушидан кетишига оз қолади ва ночор ҳолда: - "Нима қилсам экан? Бу азобдан қандай қутулсам экан?" - деб қаттиқ қийналади. Дин қонунларига амал қилмайдиган ҳар бир одам ана шундай азобларга дучор бўлади.

16. Бегуноҳ одамларни жазолайдиган, ёки брахманларнинг танасига азоб бериб, уларни қийнайдиган шоҳ ёки мансабдор кишини ўлганидан кейин, ямадутапар Сукарамукха деган дўзахга ташлайдилар. У ерда Ямаражнинг қудратли ёрдамчилари унинг суякларини синдириб, танасини худди шакарқамишнинг ширасини олаётгандек, қисадилар. Золим гуноҳкор гоҳ хушидан кетиб қолади, гоҳо, худди ўзининг бегуноҳ қурбонлари нолиганларидай, раҳм қилишларини сўраб аламли дод фарёд қилади. Бегуноҳ одамларга азоб берадиган ҳар бир одамни муқаррар ана шундай азоблар кутиб турибди. 17. Олий Худонинг амрига кўра пашша, бурга сингари мавжудотлар одамлар ва ҳайвонларнинг қонини сўриб кун кечирадилар. Бу майда жониворлар қон сўришлари билан бошқаларга азоб бераётганларини англашга қодир эмаслар. Аммо, инсонларнинг аълоси бўлган брахманлар, кшатрийлар ва вайшялар юксак онг эгаларидир. Тирик мавжудотни биров ўлдираётганда унинг қандай азобланишини улар яхши англайдилар. Шунини яхши билган ҳолда, ўзининг нима қилаётганини тушунмайдиган фаросатсиз мавжудотларни қийнайдиган ёки ўлдирадиган киши, албатта, оғир гуноҳ содир қилган бўлади. Худои Таоло бундай гуноҳкорни Андракупа деган дўзахга ташлаб, азоб беради. Бу ерда унга ўзи бутун умри давомида ўлдирган қушлари, ҳайвонлари, пашша, чивин, бит, бургалари ва бошқа мавжудотлар ҳамла қиладилар. Улар ҳар томондан ташланиб тинчлик бермай уни азоблайдилар. Натижада бу азоблардан қочиб қутула олмай, дўзах ичида сарсон бўлиб узоқ юради. Шу тарзда Андракупага тушган гуноҳкор худди тириклигида ўзи азоблаган куйи турларга мансуб, онгсиз жониворлар сингари қаттиқ азобланади.

18. Овқатини меҳмонлар, кексалар ва болалар билан бўлишмасдан, ёки беш хилдаги қурбонлик маросимини ўтказмасдан овқатланишга киришадиган одам қаргадан ҳам бадтар ҳайвон ҳисобланади. Ўлганидан кейин бундай одам дўзахларнинг ичида энг ёмон бўлган Кримибходжана деган жойга тушади. У ерда кенглиги 100.000 й бўлган кўл бор, унинг ичи ҳар хил қуртларга тўла. Мана шу кўлда у ердаги қуртларнинг бири бўлиб гуноҳкор бошқа қуртларни ейди, бошқа қуртлар эса, ўз навбатида уни ейдилар. Агар одам ҳали тириклигидаёқ ўз гуноҳлари оқибатидан покланмаса, у Кримибходжана дўзахига жойлашган ана шу кўлда, 100.000 йил азоб чекади. 19. Эй шоҳ, ўз яқинининг, айниқса брахманнинг мол-мулкани, олтинини, қимматбаҳо тошларини ёки бошқа бирор нарчасини ўғирлаган ёки тортиб олган гуноҳкор одам Сандамши деган дўзахга тушади. Бу ерда ямадутапар унинг танасини киздирилган темир билан куйдириб, терисини шилиб оладилар. Аста-секин унинг бутун танасини бўлақларга бўлиб ташлайдилар. 20. Зино қилувчи эркак ва аёл ўлганидан кейин Таптасурма деган дўзахга тушадилар. Ямаражанинг ёрдамчилари уларни қамчи билан қаттиқ савалайдилар, шундан кейин эркакни аёл киёфасидаги,

қаттиқ қизиқ турган темирни, аёлни эса, худди шундай эркак киёфасидаги темирни кучоқлашга мажбур қиладилар. Зино қилаётган ҳар бир гуноҳкор мана шундай дўзах азобига гирифтор бўлади. 21. Жинсий алоқага бефарқ қарайдиган, тўғри келган зот билан, ҳатто ҳайвонлар билан ҳам жинсий алоқа қилиб кетаверадиган одам кейинги ҳаётида Ваджракантака-шалмали деган дўзахга боради. У ерда қатта пахта дарахти ўсиб турибди, у дарахтнинг танаси қатта-қатта, найзадек ўткир ва қаттиқ тиканаклар билан қопланган. Ямаражанинг хизматкорлари гуноҳкорни мана шу дарахтдан осиб қўядилар, кейин уни куч билан пастга тортиб оладилар. Шунда ана шу тиканаклар қаттиқ азоб бериб, унинг бутун танасини тимдалаб ташлайди.

22. Мартабали оилада, масалан, кшатрий оиласида, шоҳ хонадониди ёки давлат арбобининг хонадониди туғилган ва дин қонунларига риоя қилмасдан, ҳар хил гуноҳларга ботиб кетган одам ўлганидан кейин дўзахдаги Вайтарани дарёсига тушади. Бу дарё - ичида ҳар турли қонхўр баҳайбат махлуқлар яшайдиган, атрофини барча дўзах сайёралари ўраб турган, сассик суюқликлар билан тўла қатта хандакка ўхшайди. Гуноҳкорни Вайтарани дарёсига ташлашлари биланоқ, унинг ичидаги махлуқлар унга ташланиб, танасини тимдалай бошлайдилар, аммо бу одам бутун умри давомида оғир гуноҳлар қилиб яшагани учун, унга дўзахда азобланаётган танасини тарк этишга руҳсат берилмайди. Ҳамиша ўзининг қилган гуноҳларини эслаб у ахлат, сийдик, йиринг, қон, соч толалари тирноқлар, суяклар, гўштлар ва ёғлар билан тўла мана шу дарёда чексиз узоқ вақт азоб чекади.

23. Шудраларнинг қизлари бўлмиш бузуқи аёлларнинг уятсиз эрлари худди ҳайвонлар сингари, ҳеч қандай одоб-ахлоқни, поклик ёки тортинишларни билмасдан яшайдилар. Ўлганларидан кейин улар Пуйода деган дўзахга тушадилар. Бу дўзах йиринг, ахлат, сийдик, сўлак ва бошқа ифлос нарсалар билан тўлган океандир. Тирикликнинг юқорироқ босқичига кўтарила олмаган шудраларни мана шу океанга ташлаб, ифлос нарсаларни еб яшашга мажбур қиладилар. 24. Олий табақа(брахман, кшатрий ёки вайшя)га оид бўлган, лекин уйда ит, эшак ва ҳачирлар сақлаб, эрмак учун, улар билан овга чиқиб, ёввойи ҳайвон ва қушларни ўлдирадиган киши ўлганидан кейин, Пранародха деган дўзахга тушадилар. У ерда Ямаражанинг хизматкорлари гуноҳкорни нишон сифатида ўрнатиб қўйиб, унга ўқ ота бошлайдилар. 25. Жамиятда тутган ўзининг қатта мартабаси билан мағрурланиб, фақат обрўсини сақлаб туриш учунгина, ҳар хил қурбонлик маросими ўтказиб, ҳайвонларни қурбон қиладиган киши Вишасана деган дўзахга тушади. У ерда Ямаражанинг хизматкорлари уни чидаб бўлмас даражада азоб келтирадиган қийноққа соладилар ва охир оқибатда уни ўлдирадилар. 26. Иккибор туғилган(брахман, кшатрий ва вайшя)ларнинг хонадонига оид бўлган, лекин эҳтиросга берилган ва ақлини йўқотган ва хотинини ўзига бутунлай қаратиб олиш ниятида, уни уруғлигини ичишга мажбур қиладиган киши, ажали етганида Лалабхакша деган дўзахга тушади. У ерда гуноҳкорни уруғлик тўла ховузга ташлаб, ундан ичишга мажбур қиладилар.

27. Бировларнинг уйларига ўт қўйиб ёки заҳар бериб ўлдириш билан ўғирлик, қарокчилик қиладиган одамлар бор. Шунингдек, ҳаддан ташқари қатта

соликлар солиш билан ёки бошқача йўллар билан савдогарларни талайдиган давлат арбоблари ёки ҳукумат аъзолари бўлади. Шундай иблислар ўлганларидан кейин Сарамеядана деган дўзахга тушадилар. У ерда тишлари яшиндек ўткир бўлган етти юз йигирма қонхўр ит яшайди. Ямараджанинг хизматкорларининг буйруғи билан шу итлар галаси гуноҳкорга ташланиб уни ғажиб ташлайдилар. 28. Бирор битим тузаётганда ёлгон гувоҳлик берган ёки алдамчилик қилган, ёки "садақа берман" деб, ваъда бериб туриб, кейин сўзининг устидан чиқмайдиган киши ўлганидан кейин қаттиқ жазога маҳкум бўлади. Ямараджанинг хизматкорлари ундай одамни баландлиги юз йоджан бўлган тоғнинг чўққисига олиб чиқадилар ва Авичимат деган дўзахга калласини пастга қаратиб ташлаб юборадилар. Бу дўзахда қочиб қутуладиган жой йўқ: ҳамма ёқ тоғутошлардан иборат. Гарчи кўринишидан улар денгиз тўлқинларини эслатсалар ҳам, бугун сайёрада бир томчи ҳам сув йўқ, шунинг учун ҳам бу сайёрани Авичимат, "сувсиз" деб атаганлар. Гуноҳкорни тоғ чўққисидан қайта-қайта пастга ташлайверадилар, ва ҳар гал унинг танаси чилпарчин бўлиб кетади, аммо у ҳеч ўлмайди, ва такрор ва такрор шундай азобга маҳкум бўлаверади.

29. Браҳман ёки унинг хотини маст қилувчи нарсаларга ружу қўйган бўлса, уни Ямараджанинг хизматкорлари Аяхпана деган дўзахга ташлайдилар. Риёзат чекишга қасам ичиб, риёзатда юрган вақтида шу нарсаларга берилганлар ҳам, шунингдек алданиш таъсири остига тушиб қолиб, сома шарбатини ичадиган қшатрий ва вайшялар ҳам шу ерга борадилар. Аяхпанада Ямараджанинг хизматкорлари гуноҳкорнинг кўксига чиқиб олиб, оғзига эритилган темир қуядилар. 30. Ўзини улғ одам деб ҳисоблайдиган ва туғилиши, риёзати, маълумоти, ахлоқ-одоби билан ўзидан устун турадиган ёки варна-ашрама қоидаларига асосан, ўзидан юқори мартабани эгаллаб турган кишиларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатмайдиган пастқаш ва нопоқ одам, ҳали тириклик пайтидаёқ мурда ҳисобланади, ўлганидан кейин эса, боши билан Қшаракардама деган дўзахга тушади. У ерда Ямаражнинг хизматкорлари уни қаттиқ қийнайдилар. 31. Бу дунёда Бхайравага ёки Бхадра Калига сажда қилиб, уларга инсонни қурбонлик қиладиган, кейин эса уларнинг гўштларини ейдиган аёл ва эркаклар ҳам бор. Шундай виждонсизлар ўлганларидан кейин Ямараджа даргоҳига (Ракшогана-бходжана деган дўзахга) равона бўладилар. У ерда улар қурбон қилган одамлар рақшаслар қиёфасига кириб, ўткир қилич ва ханжарлар билан уларнинг таналарини тилка-пора қилиб бўлакларга бўлиб ташлайдилар. Худди илгари бу одамхўрлар ёввойи қўшиқ ва рақслар билан беғуноҳ ўлжаларининг қонларини ичганилари сингари, энди улар ўз қотилларининг устида шундай байрам ўтказиб қонларини ичадилар.

32. Баъзи бир одамлар ўрмонда ёки қишлоғида ёрдамга муҳтож хайвон(қўй, эчки) ва қуш(товуқ, қурқа)ларни ушлаб оладилар. Уларни уйларига олиб келиб, парваришлаб, уларга ўзларини бехатар сезишга ўргатадилар, кейин эса, уларнинг таналарига ўткир ханжарлар тикиб, худди қўғирчоқдай уларни қийнаб, уларнинг қийналаётганини лаззатланиб томоша қиладилар. Шундай одамлар ўлганларидан сўнг, Шулапрота деган дўзахга тушадилар, у ерда Ямараж хизматкорлари уларни игнадек ўткир шамширлар билан сан-

чиб азоблайдилар. Гуноҳкорлар очлик ва ташналиқдан қийналадилар, ҳар тарафдан уларга калхат ва қуғунларга ўхшаган йиртқич қушлар ташланиб, ўткир тумшуклари билан уларнинг таналарини тимдалаб ташлайдилар. Даҳшатли азобларга мубтало бўлиб, улар ҳозирги ҳаётида қилган гуноҳларини эслайдилар. 33. Бошқа тирик мавжудотларга озор беришга ҳамиша тайёр турадиган, илонлардай золим ва бешафқат одамлар ўлганларидан сўнг Дандашука деган дўзахга тушадилар. Эй шох, бу дўзахда беш бошли ва етти бошли илонлар яшайди. Худди оддий илонлар сичқонларни ютганлари сингари, улар гуноҳкорларни ямлаб юта бошлайдилар. 34. Тирик мавжудотларни қудуқларга, зовурларга ташлаган ёки тоғда ғор ичига қамаб ташлаган одамлар ўлганларидан сўнг Аватаниродхана деган дўзахга тушадилар. У ерда уларни чуқур қудуққа ташлайдилар. Бу ерда у тугун ва захарли буглардан димқиқ қийналади.

35. Уйига келган меҳмонларни ёки риёзатчи сайёҳларни ёмон кўз билан нохуш бўлиб кутиб оладиган оила бошлиқлари Парявартана деган дўзахга тушадилар. У ерда унга даҳшатли калхат, қуғун, қарғасимон йиртқич қушлар кўзларини ўқрайтириб қарайдилар ва бирданига унга ташланиб кўзларини чўқиб оладилар. 36. Катта бойлик орттирган одам жуда гердайган, мағрур бўлади ва ҳамиша - "Мен жуда бадавлатман. Ким мен билан беллаша олади?" - деб ўйлайди. Ҳақиқатни кўра олмаганидан у ҳамиша пулларини биров ўғирлашидан қўрқади ва ҳатто уларни оиланинг катта аъзоларига ҳам ишонмайди. Бойлигидан айрилиб қолиши мумкинлиги ҳақидаги ўйлар унинг ҳаёлидан кетмай, худди арвоҳларга ўхшаб, ҳамиша тунд ва хавотирда юради. Ҳақиқий бахт ва ҳар қандай ташвишлардан холи бўлган осойишта, хотиржам ҳаётдан у мутлақо беҳабар. Аввалига пул тўплаш учун, кейин уларни сақлаш ва кўпайтириш ниятида содир қилган гуноҳлари туфайли шундай одам Сучимукха деган дўзахга тушади. У ерда Ямаражнинг хизматкорлари унинг бутун танасини, худди қийим тикаётган тикувчилар сингари, тикиб ташлаш билан азоблайдилар.

37. Эй шох Парикшит, Ямараджа салтанатида юз минглаб дўзахий сайёралар мавжуд. Мен сенга айтган ва айтилмай қолган гуноҳкорларнинг барчаси, албатта, ана шу дўзахларнинг бирига тушадилар ва қилмишларига яраша жазоланадилар. Такводорлар эса, бошқа сайёраларга - фаришталарнинг сайёраларига борадилар. Аммо, эртами кечми, такводорлар ҳам, гуноҳкорлар ҳам, ўзларининг қилган гуноҳ ёки савоб ишларининг натижалари тамом бўлгандан сўнг, яна Ер сайёрасига қайтиб тушадилар. 38. Сухбатимизнинг бошида мен сенга озодлик йўлидан қандай бориш лозимлиги ҳақида гапириб берган эдим. Пураналарда айтилишича, бу катта коинот тухум шаклида, ўн тўрт қисмга бўлинган. Одатда Вират-рупа деб аталадиган бу кўз илғамас борлиқ, Парвардигорнинг қуввати ва сифатларидан пайдо бўлган моддий, фазовий танаси деб ҳисобланади. Парвардигорнинг мана шу фазовий танасининг таърифини чуқур ишонч билан тинглаган, кейин бошқаларга гапириб берган, шу тарзда Худо ҳақидаги илмни бошқаларга ўргатиб, тарғибот қиладиган одамнинг ўзи аста-секин Худони, Кришнани англаб олади. Унинг Худого бўлган иймони ва садоқати ортиб боради, гарчи одам қалбида руҳий онгни ривожлантириши жуда мушкул иш бўлса ҳам, бу йўлдан бораётган ки-

шининг қалби покланади ва вакти келиб Олий Мутлак Ҳақиқатга эриша олади. 39. Моддий тутқунликдан қутулиш учун интилиб, озодликка чиқиш йўлига кирган ва бу ўткинчи хаётга боғланиб қолмаган одамни яти, содиқ деб атайдилар. Бундай одам, энг аввало Парвардигорнинг намоён бўлган моддий ва руҳий қиёфалари ҳақида ҳикоялар тинглаш ёрдамида, ақлини жиловлаб олиши лозим. Бунинг учун у ўз ақлини Парвардигорнинг вират-рупасида, Унинг фазовий кўринишида мужассам қилишга, кейин аста-секин у Кришнанинг руҳий қиёфалари (сач-чит-ананда-виграха) ҳақидаги ўйларга фарқ бўлишга қодир бўлади. Шу тарзда унинг ақли самадхига киради. Парвардигорга хизмат қилиш билан у барча содиқлар интилаётган нарсага: Парвардигорнинг руҳий қиёфасини англаб етишга эришади, - шунда у ҳаётида энг катта муваффақиятга эришади.

40. Шундай қилиб, эй шоҳ, мен сенга бу - Ер сайёраси ҳақида, бошқа сайёралар тизими ҳақида, улардаги вилоятлар, дарё ва тоғлар ҳақида гапириб бердим. Шунингдек мен сенга осмонни, океанларни, куйи сайёралар тизimini, дунёнинг тарафларини, дўзахий сайёралар ва юлдузларни таърифлаб бердим. Уларнинг барчаси биргаликда вират-рупани, барча тирик мавжудотларга паноҳ берувчи Парвардигорнинг намоён бўлган моддий танасини ташкил этади. Парвардигорнинг ташқи қуввати намоён қиладиган фазовий танасининг таърифи ана шундай.

26. 07. 2001

03.08.2002

"Шримад Бхагаватам" Олтинчи қўшиқ

1. Ажамил тарихи. 2. Вишнудуталарнинг Ажамилани қутқариши. 3. Ямаражнинг хизматкорларига қилган насиҳатлари. 4. Пражапати Дакшанинг Парвардигорга қилган "Хамса-гухья" илтижоси. 5. Пражапати Дакшанинг Нарада Мунини дуои бад қилиши. 6. Дакша қизларининг шажараси. 7. Индранинг руҳий устози Брихаспати ҳақорат қилиб қўйгани. 8. "Нараяна-

кавача" ҳимоя қалқон дуоси. 9. Иблис Вритрасуранинг пайдо бўлиши. 10. Фаришталарнинг Вритрасура билан жанги. 11. Вритрасуранинг илоҳий сифатлари. 12. Вритрасуранинг шарафли ўлими. 13. Шоҳ Индранинг қилган гуноҳи оқибатидан азоб чеккани. 14. Шоҳ Читракетунинг мусибати. 15. Донишмандлар Нарада ва Ангиранинг насиҳатлари. 16. Шоҳ Читракетунинг Худо Шахси билан учрашиши. 17. Она Парватининг Читракетуни қарғаши. 18. Дитининг шоҳ Индрани ўлдиришга қасд қилиши.

Биринчи боб.

Ажамил тарихи

1. Махараж Парикшит шундай деди: - Эй ҳукмдорим, о Шукадева Госвами, сен (иккинчи қўшиқда) озодликка чиқиш (нивритти-марг) йўлини кўрсатган эдинг. Бу йўлдан борган одам моддий оламнинг энг юқори сайёрасига - Браҳмалокага эришади. У ердан Тангри Браҳма билан бирга руҳий оламга кўтарилади. Шу тарзда тирик мавжудот моддий оламдаги, туғилиб-ўлишларнинг чексиз занжиридан иборат дунёвий ҳаёт чархпалагидан қутулиши мумкин. 2. Эй донишманд Шукадева Госвами, тирик мавжудотлар то моддий табиат гуналари таъсири иллатидан тўла покланмас экан, шодлик ва ғам нималигини англаб олишлари учун ҳар хил таналарда туғилишга мажбурдирлар. Турли таналарда тирик мавжудот ҳар хил сифат ва қобилиятларга эга бўлади, шу сифатлар ёрдамида у, жаннатий сайёраларга олиб боришга қодир бўлган правритти-марга йўлидан боради. Сен бу ҳақда (учинчи қўшиқда) гапириб берган эдинг. 3. Сен (бешинчи қўшиқ охирида) гуноҳкорлар маҳкум этиладиган даҳшатли дўзах азоблари ҳақида гапириб бердинг. Шунингдек, сен (тўртинчи қўшиқда) оламга Тангри Браҳманинг ўғли Сваямбхува Ману ҳукмронлик қилган биринчи манвантара ҳақида гапирганинг. 4-5. Эй ҳурматли зот, сен жасур шоҳлар - Прияврата ва Уттананада, уларнинг авлодлари ҳақида гапириб бердинг. Сон-саноксиз коинотларга, юлдузлар туркумига, сайёра ва юлдузларга тўла моддий борлиқни Худои Таоло яратиб қўйибди. У яратган континентлар, океанлар ва денгизлар, тоғ ва дарёлар, ўрмон ва боғлар ранг-баранг - бундай нарсалар ерда ҳам, юқори жаннатий сайёраларда ҳам, куйи дўзахий сайёраларда ҳам мавжуд. Сен коинотнинг барча сайёраларини ва уларда яшайдиган зотларни жуда аниқ таърифлаб бердинг. 6. О, Шукадева Госвами, сен чексиз баркамоллик чўққисига эришган бахтиёр зотсан. Бизга айтчи, даҳшатли дўзах азобларидан инсон қандай қутулиши мумкин?

7. Шукадева Госвами шундай деб жавоб берди: - Эй шоҳ, агар одамнинг бу ҳаётида хаёли, тили ва иши билан содир қилган гуноҳлари "Ману-самхита" ва бошқа дҳарма-шастраларда, муқаддас китобларда кўрсатилган йўллар билан ювилмаса, ўлганидан кейин гуноҳкор одамнинг дўзах сайёраларига тушиши муқаррар. У ерда тирик мавжудотлар мен сенга таърифлаб берган азобларга дучор бўлади. 8. Шунинг учун, фаросатли одам ажали етмасдан бурун, танаси яроқсиз ҳолга келиб қолишини кутиб ўтирмасдан, муқаддас китобларда кўрсатилганидек, гуноҳлардан покланиш йўлига кириши лозим. Бекорга ўтган вақтни қайтариб олишининг

иложи йўқ. Қилинган гуноҳлар оқибатида келадиган муқаррар жазо эса, соат сайин яқинлашиб, тобора даҳшатлироқ тус олиб бораверади. Моҳир врач касалнинг қанчалик оғирлигига қараб, муайян даво усулини қўллагани сингари, гуноҳкор одам ҳам, қилган гуноҳларининг оғирлигига қараб улардан покланишга киришиши керак.

Маҳараж Парикшит шундай деди: - Хар бир инсон гуноҳ ишлар ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаслигини билса керак, чунки, гуноҳкорни ҳукумат ҳам жазолайди, халқ ҳам ундан нафратланади. У муқаддас китоблардан ёки донишмандлардан биладикки, қилган гуноҳлари учун ўлгандан кейин, албатта дўзах азобини тортади. Шунга қарамай, гуноҳларидан поклангандан кейин ҳам, одам ўзи истамаган ҳолда, худди бирова мажбур килаётгандай, қайта-қайта гуноҳ ишларга қўл ураверади. Шу тарзда, кетма-кет, аввало гуноҳ ишлар қилишдан, кейин уларни ювиб, покланишдан нима фойда? Баъзида, ҳатто энг билимдон, эҳтиёткор одам ҳам гуноҳ қилишдан қочиб қутула олмайдди. Агар, билиб-билмай барибир яна гуноҳ иш қилишга мажбур бўлсак, гуноҳлардан покланишга уринишнинг бирор маъноси борми? Бу худди қўлда ювинаётган филларнинг ишига ўхшамайдими: фил қўлда яхшилаб ювиниб чиқади, лекин шу заҳотиёқ кирғоққа чиқиб, бошдан оёқ яна чанга булғанади.

Вьясадеванинг ўғли, Шукадева Госвами шундай деди: - Эй шоҳ, гуноҳлардан покланиш ҳам - кармали фаорлиятдир. Шунинг учун, у ҳам инсонга ўзининг меҳнати натижаларига интилишдан қутулишда ёрдам бера олмайдди. Гуноҳлардан тўла покланишга ишониб юрган одамни фаросатли одам деб бўлмайди - улар ҳам ғофиллик зулматига боғлан одамлардир. Одам ғафлат гунаси таъсирида яшар экан, унинг қандайдир ишлар билан гуноҳлардан покланишга уринишининг ҳеч қандай маъноси йўқ, чунки бу йўл билан инсон қалбидаги гуноҳ қилишга бўлган истак-интилишларни йўқотиб бўлмайди. Ҳатто агар у эзгу, хайрли ишлар қилиб юрган бўлса ҳам, барибир қалбида гуноҳ ишларга боғланиш туйғуси қолган бўлади. Фақат муқаммал илмга, ведантага эга бўлиш билангина гуноҳлардан биратўла қутулиш мумкин, чунки фақат илохий Ҳақиқат илмигина инсонга Олий Мутлақ Ҳақиқатни англаб етиш имконини беради. 12. Эй шоҳ, агар бемор фақат тажрибали врач тавсия қилган покиза, парҳез таомлар билан овқатланиб юрса, унинг соғлиги қайта тикланиб, касали уни безовта қилмайди. Худди шунингдек, ҳақиқатни фалсафий излаш йўлидан бориб, муқаддас китобларнинг барча кўрсатмаларига амал қилиб юрган киши ҳам вақти келиб, моддий иллатлардан халос бўлади. 13-14. Ақлини Мутлақ Ҳақиқатда жамлаш учун, инсон жинсий ҳаётни бутунлай тарк этиб, риёзат чекиши, ҳиссий лаззатлардан бутунлай воз кечиши керак. Ақл ва ҳиссиётни жиловлаб олиши, саҳоват билан хайр-эҳсон улашиши, ростгўй бўлиши, покликка риоя қилиши, бирор жониворга озор бермаслиги, муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига амал қилиши ва Худонинг муқаддас номларини бетиним зикр қилиб юриши керак. Шу тариқа, дин қонунларини муқаммал биладиган, чуқур иймонга эга бўлган, қалби осойишта, ўзини тута биладиган жиддий, вазмин одам хаёлида, тилида ва амалда содир қилган гуноҳларидан вақтинчалик покланиши мумкин. Аммо, гуноҳлар худди бамбукни ўраб олган, қуриган майса чўпларига

ўхшайди; уларни бир зумда ёқиб юбориш мумкин, лекин уларнинг томири ернинг тагида қолиб кетади ва бирор имконият туғилган заҳоти яна ўсиб чиқаверади. 15. Ҳаётини биратўла Парвардигор Кришнага садоқатли хизмат қилишга бағишлаган камдан-кам одамларгина ҳаётида гуноҳ ишларни таг-томири билан бирга йўқотиб, яна бирор гуноҳ иш қилиб қўйишдан хавотир олмай яшай оладилар. Қуёш нурлари эраталаб тушган туманни дарров тарқатиб юборгани сингари, Худого садоқат билан хизмат қилишда бетиним машғул бўлиш ҳам, ҳар қандай гуноҳ ишлар оқибатини бир пасда йўқотиб юборади. 16. Эй шоҳ, агар одам Худонинг содиқ хизматкорига хизмат қилса, ва ундан ўзини Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилишга бутунлай бағишлаш сирларини ўрганса, барча гуноҳларидан биратўла покланади. Гуноҳлар иллатидан на риёзат билан, на тавба-тазарру билан, на таркидунё қилиб яшаш билан ва на гуноҳлардан покланишнинг мен сенга гапириб берган бошқа бирор йўли билан бутунлай покланишнинг иложи йўқ. 17. Ҳақиқатан ҳам, хушмуомала ва барча эзгу фазилатларга эга бўлган Худонинг соф содиқ хизматкорлари бораётган йўл - моддий оламдаги энг ёруғ йўлдир. Муқаддас китобларда кўрсатилган мана шу йўлдан бораётганлар кўрқув нималигини билмайдилар. 18. Эй шоҳ, шароб солиб қўйилган кўза, ҳатто барча дарёларнинг суви билан ювилса ҳам пок, ҳалол бўлмайди. Худди шундай, инсон қанча пухталиқ билан бажармасин, ҳеч қандай покланиш маросими иймонсиз кишини гуноҳлари оқибатидан халос эта олмайдди. 19. Кришнанинг муқаддас номи, киёфаси, сифатлари ва кароматларига маҳлиё бўлиб, ўз ихтиёрини Кришнага бутунлай топширган, Унинг нилуфар қадамлари пойига иймон билан сажда қилган киши ўзининг барча гуноҳларидан бутунлай, биратўла халос бўлади. Агар шундай иймони бенуксон бутун, садоқатли одам, ҳатто Кришнани тўла англаб етмаган бўлса ҳам, уни беғуноҳ зот, авлиё деб ҳисоблаш лозим, чунки, Кришнага ўз ихтиёрини топшириш билан у гуноҳлардан қутулишнинг энг тўғри йўлига кирган бўлади. Шунинг учун, Ямараж (Азроил) ва унинг қўлларида арқон ушлаб, гуноҳкорларни занжирбанд қилиб олиб кетишга шай турган хизматкорларини у ҳатто тушида ҳам кўрмайдди. 20. Бу ҳақда донишманд ва авлиёлар қадимда бўлиб ўтган бир воқеани айтиб юрадилар. Унда Парвардигор Вишнунинг элчилари билан Ямаражнинг хизматкорлари орасида бўлган баҳс таърифланади. Қулоқ сол, мен сенга шу ҳикояни гапириб бераман.

21. Бир вақтлар, Каниакубжа шаҳрида, фоҳиша аёлга уйланган Ажамил деган бир браҳман яшаган. Шу пасткаш аёл билан боғланиб, у ўзининг браҳманларга хос бўлган барча фазилатларидан маҳрум бўлибди. 22. Ўша осий браҳман, Ажамил, ўғирлик, қароқчилик, қимор ўйини билан машғул бўлиб, бошқаларга жуда кўп зулм ўтказган, шундай нопок ишлар билан тирикчилик қилиб, оиласини боқаркан. 23. Эй шоҳ, шу тарика унинг бутун ҳаёти хотини ва болаларини ўйлаб, гуноҳ ишлар билан мол-дунё тўплашга сарфланибди. Ниҳоят у саксон саккиз ёшга тўлибди. 24. Кекса Ажамиланинг ўн ўғли бўлиб, кенжа ўғлининг исми Нараяна экан. У ҳали кичкина бўлиб, ота-онаси уни жуда яхши кўриб эркаларди. 25. Боланинг ширин гапиришлари, ата-чечак юришлари кекса Ажамиланинг қалбига чексиз қувонч бағишларди. У ҳамини эркатойига

ғамхўрлик килар, унинг ўйинларини кузатиб завқланарди. 26. Ажамила овқатланганида ўғлини ҳам овқатга чақирар, сув ичганида уни ҳам чақириб, сув ичирарди. Шу тарика унинг оғзидан сира "Нараяна" сўзи тушмасди. Бугун вақтини сеvimли ўғлининг ташвишлари билан ўтказиб, Ажамила умрининг охирлаб қолганини, ажали яқин қолганини ҳам сезмай қолди. 27. Ажали келганда ғафлат ботқоғига ботган Ажамиланинг ақли фақат ўғли Нараяна ҳақидаги ўйлар билан банд эди. 28-29. Ажамиланинг кўзи бирдан даҳшатли қиёфадаги уч махлуққа тушди: уларнинг баҳайбат кўрқинчли таналарида сочлари тикка турар, башаралари одамни даҳшат соларди. Улар Ажамилани боғлаб, Ямаражнинг олдига олиб кетишга шай бўлиб, қўлларида арқон ушлаб турардилар. Саросимага тушиб қолган Ажамила, шу ерда ўйнаб юрган сеvimли ўғлини чақира бошлади. Кўзлари ёшга тўлиб, ўзи ҳам сезмаган ҳолда, Ажамила Худонинг муқаддас "Нараяна" номини тилига олди.

30. Эй шоҳ, ҳукмдорининг муқаддас номини эшитиб, шу заҳотиёқ, жон талвасасида ётган Ажамиланинг олдига, Вишнунинг хизматкорлари, вишнудуталар ҳозир бўлдилар. Ажамила муқаддас номни саросима ва кўрқув ичида тилига олган, шу сабабли уни ҳақоратларсиз, пок ҳолда талаффуз қилган эди. 31. Ямараджанинг хизматкорлари, фоҳиша аёлнинг эри Ажамиланинг руҳини юрагидан суғуриб олишга киришаётган эдилар. Бирданига уларни Худованд Вишнунинг хизматкорларининг момақалдиқдай қудратли овози тўхтатиб қолди. 32. Вишнудуталарнинг огоҳлантириш овозини эшитиб, Қуёш худосининг ўғли, Ямаражнинг элчилари шундай дедилар:

- Ямаражнинг амрига қарши чиқишга журъат этадиган сизлар ким бўласизлар? 33. Эй ҳурматли зотлар, қаердан келдинглар, ким сизларни бу ерга юборди ва нимага Ажамилага тегишимизга тўсқинлик қилаяпсизлар? Балки сизлар жаннат сайёраларидан тушган фаришталар, ёки фаришталарнинг хизматкорлари ёки Парвардигорнинг энг яхши содиқ хизматкорлари бўлсангиз керак? 34-36. Кўзларингиз нилуфар гулига ўхшайди, сариқ ипак либосга ўраниб олгансизлар, бўйингизга нилуфар гулларидан қилинган гулчамбар осилган, бошингизда ҳашаматли тож, қулоғингизга чиройли сирға осилган. Эй навқирон йигитлар, сизларнинг тўрт қўлингизга пайконлар тўла ўқдон, қилич, гурзи, сур, халқа ва нилуфар гули ушлаб турибсизлар. Юзингиздан порлаб таралаётган ёғду бу ернинг зулматини ёритиб юборди. Эй ҳурматли зотлар, нимага бизларга тўсқинлик қилаётирсизлар?

37. Шуқадева Госвами давом этди: - Ямараж элчиларининг гапларини тинглаб бўлиб, Васудеванинг хизматкорлари мийиғида кулиб қўйдилар ва гулдурос овоз билан уларга жавоб бера бошладилар.

38. Худованд Вишнунинг эзгу ниятли элчилари, вишнудуталар шундай деди: - Агар сизлар ҳақиқатан ҳам Ямараджанинг хизматкорлари бўлсангизлар, тушунтириб беринглар-чи: "ҳақиқий дин" дегани нима? Худосизлик дегани нима? 39. Қандай қонунларга асосланиб инсонга жазо белгиланади? Қандай одамлар жазога маҳкум? Ўз меҳнатининг натижаларидан лаззатланишга интилаётган кармиларнинг ҳаммаси ҳам жазога маҳкум бўлаверадими?

40. Ямадуталар шундай деб жавоб бердилар: - Дхарма, ҳақиқий дин қонунлари - Ведаларнинг,

муқаддас китобларнинг кўрсатмаларидир. Ведаларнинг, муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига зид бўлган ҳар қандай иш - худосизликдир. Ведалар - Худои Таолонинг Ўзи, Нараянадир. Уларни (инсон эмас) Худонинг Ўзи нозил қилган. Биз Ямараждан шундай деб эшитганмиз. 41. Барча сабабларнинг олий сабабчиси Нараяна, Ўзининг руҳий даргоҳида яшайди. Моддий табиатнинг уч гунаси - саттва-, раджа- ва тама-гуналар яратган моддий оламдаги ҳамма нарсани Унинг Ўзи бошқариб туради. Унинг амри билан бу дунёдаги ҳамма тирик мавжудотлар ҳар хил таналарга, сифатларга, номларга(браҳман, кшатрий, вайшья ва ҳк.), варнашрама жамиятида белгиланган вазифаларига эга бўладилар. Бошқача қилиб айтганда, Нараяна - бутун борлиқнинг манбаидир. 42. Тирик мавжудотнинг ҳар бир қилаётган ишини кузатиб турувчи гувоҳлар бор. Улар - қуёш, олов, осмон, ҳаво, фаришталар, ой, кечқурун, кун ва тун, оламнинг томонлари, сув, ер ва Олий рух. 43. Мана шу гувоҳларнинг бирортаси гувоҳлигида ўзининг Ведаларда кўрсатилган вазифаларини бажармаган одам жазога маҳкум бўлади. Қилган ишларининг натижаларидан лаззатланиш ниятида меҳнат қилиб юрган ҳар бир одамни содир қилган барча гуноҳлари учун муқаррар жазо кутади. 44. Эй Вайкунтҳада яшайдиган бегуноҳ зотлар, сизлардан фарқли равишда, моддий оламда яшайдиганларнинг барчаси, хоҳ у гуноҳкор бўлсин, хоҳ такводор бўлсин, қилган ишлари натижасидан лаззатланишга интиладилар. Улар яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қилишлари мумкин, чунки табиатнинг уч гунаси таъсири остига тушиб қолган ва шунга яраша ҳаракат қилишга мажбур. Моддий танага эга бўлган ҳар қандай тирик мавжудот ҳаракат қилмасдан туролмайди, гуналар таъсири остида албатта гуноҳ ишлар қилишга мажбур. Шунинг учун, ҳам бу дунёдаги ҳар бир зот албатта жазога маҳкум. 45. Инсон ҳаётда, бутун умри давомида қанча гуноҳ ёки савоб ишлар қилган бўлса, карма қонуни бўйича, унинг кейинги ҳаётидаги тақдирига шунча мусибат ва шодликлар ёзилади. 46. Эй фаришталар ичида аълолари, уч гуна таъсирига берилиб, қанчалик булғангани даражасига қараб, одам уч ҳолатда бўлади. У хотиржам ва осойишта ҳолатда, ёки орзу-истаклар кетидан чопиш ҳолатида ёки ғофил ва нодон ҳолатида бўлади; у - ёки бахтиёр, ёки ҳам қийналиб, ҳам қувониб юрган, ёки изтироб чекаётган бўлади; у - ёки эзгу ниятли такводор, ё гуноҳкор, ё аралаш табиатли бўлади. Одамнинг бу ҳаётини қандай яшаётганига қараб, кейинги ҳаёти қандай ҳолатда бўлишини аниқлаш қийин эмас. 47. Баҳор кириб келганида, биз ўтган йили унинг қандай бўлганини эслаймиз, ва унинг бу йил қандай ўтишини тасаввур қиламиз. Худди шундай, инсон ҳаётини ҳам, - бахтлими, азоб-уқубатларга тўлами, ёки гоҳида азоб, гоҳида лаззатлими, - ҳозирги ҳолатига қараб, у олдинги ҳаётида қандай яшаганини, кейинги ҳаёти қандай бўлишини тасаввур қилиш мумкин. 48. Қудратли Ямараджа, аслида Тангри Браҳмага тенг бўлган зотдир: у ўз даргоҳида ёки Параматма сингари, ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган ҳолда, тирик мавжудотнинг олдинги ишларининг ҳаммасини хаёлан тасаввур қилади ва унинг кейинги ҳаётида қандай иш тутишини олдиндан кўра олади. 49. Одам тушида ўзини умуман бошқа кўринишда ҳис қилади ва ўйлайдики, аслида у ўзи шундай. Худди шундай, ҳозирги ҳаётида ҳам ўзини ҳозирги танасига қиёслайди. Бу танаси эса, унинг ав-

валги ҳаётида содир қилган гуноҳ ва савоб ишлари натижасида олинган. У ўзининг аввалги ҳаёти ҳақида ҳам, кейинги ҳаёти ҳақида ҳам ҳеч нарса билмайди. 50. Беш сезги органидан, беш ҳаракат қилиш органидан ҳамда сезгиларимиз ёрдамида сезиладиган беш объектдан устунроқ ўн олтинчи унсур туради, бу - ақлдир. Ақлдан ҳам устунроқ - ўн еттинчи унсур: тирик мавжудотнинг ўзи, руҳ туради. Биргина унинг ўзи, қолган ўн олти унсур ёрдамида моддий оламдаги ҳаёт билан лаззатланади ва бунда уч ҳолатни бошидан кечиради: бахтиёрлик, мусибат ва уларнинг аралаш ҳолати. 51. Нафис тана ўн олти қисмдан иборат: беш сезиш аъзолари, беш ҳаракат аъзоси, беш сезиладиган объект ва ақл. Нафис тана - табиатнинг уч гунасининг маҳсулидир. Нафис тана эришиб бўлмайдиган орзу-истаклардан иборат ва тирик мавжудотни бир танадан иккинчи танага кўчиб ўтиб, гоҳида инсон, гоҳида ҳайвон, гоҳида фаришта танасини олишга мажбур қилади. Фаришта танасини олганда тирик мавжудот лаззатланиб яшайди, инсон танасини олганида эса мусибат чекади, ҳайвон танасида яшаганида кўрқув азобида қийналади. Лекин, аслини олганда, тирик мавжудот ҳар қандай тана ичида ҳам бахтсиздир. Мана шу ачинарли ҳолат - самсрити, яъни "руҳнинг бетиним кўчиб юриши", ёки "моддий ҳаёт чархпалагида айланиб юриши" деб аталади. 52. Моддий танага қамалган тирик мавжудот, ҳиссиёти ва ақлини жиловлашга кучи етмаганидан, ўзи истамаган ҳолда табиатнинг уч гунаси амрига бўйсунушига мажбур бўлади. Сўлагидан ўзига пилла тўқиб, унинг ичига камалиб, чиқолмай қоладиган пилла курти сингари, тирик мавжудот ҳам, ўзининг кармали ҳаракатлари чангалига тушиб, ундан озодликка чиқолмай қолади. У ҳамиша саросимада юриб, такрор ва такрор ўлишга, ва яна туғилишга мажбур бўлади. 53. Ҳеч бир тирик мавжудот бир лаҳза ҳам ҳаракатланмасдан туролмайди. Ҳар ким моддий табиат гуналари таъсиридан келиб чиқадиган, тирик мавжудотни муайян тартибда ҳаракат қилишга мажбур қиладиган ўзининг табиатига, характериға қараб иш тутаяди. Тирик мавжудотнинг кармали фаолияти, хоҳ у гуноҳ иш бўлсин, хоҳ хайрли, савоб ишлар бўлсин, ўзининг орзу-истакларининг рўёбга чиқишига яширин сабаб бўлади. Унинг ҳар хил таналарда туғилишига сабаб ҳам ўзининг кармали фаолиятидир. Енгиб бўлмас интилишлар натижасида тирик мавжудот маълум оилада туғилади ва ташқаридан қараганда отаси ёки онасига ўхшаган бўлади. Шу тариқа, тирик мавжудотнинг нафис ва қўпол танаси ўзининг интилишлари асосида яратилади. 55. Тирик мавжудот моддий табиат билан аралашиб юргани сабабли, унинг ҳозирги ҳаёти ачинарли ҳолатдир, лекин у, инсон танасига эга бўла туриб, Худои Таоло ёки Унинг содиқ хизматкорлари билан алоқа ўрнатиб, улар билан ҳамсухбат бўлишни ўрганса, унинг ҳаётдаги барча мусибатлари биратўла тамом бўлади. 56-57. Ёшлигида бу браҳман, Ажамилла, барча Ведаларни ўрганган, такводор, хушхулқли ва жуда эзгу ниятли одам эди. У ведаларнинг барча қонун-қоидаларига қатъий амал қилар, итоаткор ва хушомадгўй, ақли ва ҳиссиётини жиловлаб олган табаррук зот эди. Ажамилла ҳамиша рост гапирар, ведавий мантраларни тўғри тиловат қилар ва жуда покиза, ҳалол ҳаёт кечирарди. У руҳий устозини, олов фариштасини, меҳмонларни ва оиланинг ёши катталарини жуда эъзозларди. Манманлик ҳисси унга бегона эди, у ҳаммага нисбатан адолатли ва

меҳрибон, ўз тартибли, ҳар бир гапини ўйлаб гапирар, ҳеч кимга ҳасад қилмасди. 58-60. Бир куни браҳман Ажамилла отасининг амри билан мева, гул, самит ва куша майсалари териб келиш учун ўрмонга жўнади. Уйига қайтаётганда, йўлда у энг паст табақадан бўлган бир шудрани кўриб қолди. Шудра беҳаёларча бир фоҳишани кучоқлаб, ўпиб турарди. Шудра, ҳеч уялмасдан кўшиқ айтиб қуларди. У ҳам, фоҳиша ҳам маст эди. Ярим яланғоч фоҳиша унинг олдида сармаст кўзларини сузиб турарди. Ажамилла уларни айнан шундай ҳолатда кўриб қолганди. 61. Шудра куркумадан сарғайган қўллари билан фоҳишани кучоқлаётганини кўрганида, Ажамиланинг қалбида шу пайтгача мудраб ётган эҳтирос алангаси ўт олиб, у алданиш чангалига тушиб, ўзини тугулмай қолди. 62. Ажамилла шастраларда, бегона аёлларга ҳатто қараш ҳам мумкин эмаслиги ёзилганини эсламоқчи бўлди. Илми ва тафаккурини ёрдамга чақириб, авж олаётган шаҳвоний эҳтиросини жиловлашга уринди. Аммо, унинг қалбидаги Камадева ундан кучлироқ эди. Ажамиланинг ақлу-хаёли ўзига бўйсунмай қўйди. 63. Худди баъзида пастки сайёралар тўсиб қўйганда, Қуёш ва Ой тутилгани сингари, Ажамиланинг тафаккури ҳам хиралашиб қолди. Ажамилла куну-тун ўша фоҳиша аёл ҳақида ўйлай бошлади. Ниҳоят, орадан кўп вақт ўтмай у ўша аёлни уйига хизматкор қилиб олди ва браҳманлар ҳаёти тақозо қиладиган ҳамма ишлардан юз ўгирди. 64. Фоҳишани ҳамиша ўздан мамнун қилиш учун, Ажамилла отасининг мол-мулкани ҳар хил совғалар харид қилишга сарфлай бошлади. Фоҳишанинг истаги билан у ўзининг браҳманлик вазифаларидан бутунлай воз кечди. 65. Фоҳишанинг хирсага тўла нозу-қарашмалари таъсирида браҳман Ажамилла умуман ақлини йўқотиб қўйди, ва у билан бирга гуноҳи-азимларга ғарқ бўлиб яшай бошлади. У ҳатто ўзининг ҳурматли браҳман оиласидан чиққан, чиройли, ёш хотинидан ҳам юз ўгирди. 66. Фоҳиша билан қўшилиб, ақл-идрокидан айрилган бу ярамас, аслида браҳман оиласида туғилган бўлса ҳам, ҳар хил пок ва нопок йўллар билан пул топиб, уларнинг ҳаммасини фоҳиша аёл туғиб берган фарзандларига сарфлай бошлади. 67. Бу браҳман ўзининг узоқ умрининг ҳаммасини ҳеч нарса ўйламасдан бекорга хазон қилди. У муқаддас китобларнинг қоидаларини эсиға ҳам келтирмади, ўзи хоҳлаган нарсани қилиб, фоҳиша тайёрлаган таом билан овқатланиб яшади. Шунинг учун, у гуноҳкор, ифлос ва ҳамиша бемаъни ишлар қилиб юрди. 68. Ажамилла умри давомида қилган гуноҳлари оқибатидан покланмади, гуноҳларга тўла ҳаёт кечиргани учун, биз ҳозир уни Ямаражнинг олдиға, жазолаш ҳукми чиқариш учун олиб боришимиз керак. У қилмишиға яраша жазосини олади ва шу тариқа гуноҳларидан покланади.

Иккинчи боб.

Вишнудуталарнинг Ажамилани қутқариши.

1. Шукадева Госвами шундай деди: - Эй шоҳ, мантиқ ва баҳслашишда Худованд Вишнунинг содик хизматкорларига ҳеч ким тенг келолмайди. Улар Ямадугталарнинг гапларини тинглаб туриб, уларнинг барча далилларига муносиб жавоб бердилар.

2. Вишнудугталар шундай деди: - Минг афсуски, дин қонунларини ҳимоя қиладиган зотлар орасида ҳам худосизлик авж олиб кетибди. Мана, Худонинг қонунларини ҳимоя қиладиган зотларнинг ўзлари бегуноҳ бир бечорани жазолашга қўл уряптилар. 3. Яхши шоҳ ёки ҳукмдор ўзининг фуқаролари учун сеvimли ота, ишончли таянч ва ҳимоячи бўлиши лозим. У фуқароларига муқаддас китоблар асосида насиҳат ва кўрсатмалар бериши ва хаммага бирдай адолатли бўлиши лозим. Олий ҳакам Ямараж ва унинг издоши бўлган ҳар бир зот шундай қилади. Лекин, агар бегуноҳ одамларни жазолаб, улар ўзлари гуноҳ қилсалар, одамлар ҳимоя ва ҳақиқат излаб қаерга борадилар? 4. Халқ ҳамиша ўз йўлбошчиларидан ўрнак олади ва ҳар бир ишда уларнинг изидан боради. Йўлбошчилар нима деса, халқ шуни ҳақиқат деб қабул қилаверади. 5-6. Оддий одамлар худосизликни тақводорликдан ажрата олмайдилар. Содда, бефаросат одамлар худди, хўжайини албатта ҳимоя қилишига ишониб, унинг тиззасига бошини қўйиб, беташвиш ухлаб ётадиган бефаросат ҳайвонга ўхшайдилар. Шундай экан, ҳақиқатан ҳам ўзини яхши ва ишончли хўжайин деб ҳисоблайдиган ҳукмдор, ўзига самимий ишониб юрган ақлсиз одамни жазолашга ёки ўлдиришга ҳаққи борми? 7. Ажамилани ўзининг барча қилмишларидан аллақачон покланиб бўлди. У нафақат ўзининг ҳозирги ҳаётида, ҳатто бундан аввал яшаган миллионлаган умрлари давомида қилган гуноҳларидан ҳам бутунлай покланди, чунки у муқаддас Нараяна номини кўрқинчли ҳаяжон билан, саросимага тушиб тилига олди. Гарчи унинг ҳаёлидаги фикрлари нопок бўлса ҳам, барибир у муқаддас номни ҳеч қандай ҳақоратсиз зикр қилди, шунинг учун, у энди бутунлай пок ва озодликка чиқишга муносиб зот. 8. Авваллари, Ажамилани ўғлини овқатланиш ёки бошқа нарса учун чақирганида, "Бу ёққа кел, менинг Нараянам!" - деб чақирарди. У ўзи ҳам билмаган ҳолда муқаддас номнинг тўрт бўғинини аниқ талаффуз қиларди(на-ра-я-на) ва шуларнинг ашарофати билан жуда кўп умрлар давомида қилган гуноҳларидан покланарди. 9-10. Худованд Вишнунинг муқаддас номларини зикр қилиш - олтин ва бошқа қимматбаҳо нарсаларни ўғирлаш, арок ичиш, дўстига ёки қариндошига хиёнат қилиш, браҳманни ўлдириш, устози ёки ўзи ҳурмат қилиши лозим бўлган ҳар қандай одамнинг хотинига кўз тикиш сингари гуноҳлардан қутулишнинг энг тўғри йўлидир. Аёл зотини, шоҳни, отасини ёки сигирни ўлдириб қўйган ёки бошқа ҳар қандай гуноҳ иш қилган одамнинг тавба қилиб, гуноҳини ювиши учун энг яхши йўл мана шу. Гуноҳкор одам муқаддас номни тилига олиши билан Худои Таоло унга эътибор беради ва шундай деб ўйлайди: -"у Менинг номимни айтяпти, шунинг учун, Мен уни ҳимоя қилишим керак!" 11. Ҳеч қандай ведавий қурбонлик маросимлари, ҳеч қандай тавба-тазаррулар одамни қилган гуноҳлари оқибатидан Парвардигор Харининг муқаддас номини зикр қилганчалик поклай олмайди. Муқаддас номнинг илоҳий товуши гуноҳкорга Парвардигорнинг улуғворлигини, Унинг илоҳий сифатларини, қиёфасини, қароматларини ва Унинг атрофидагиларини эслатиб, уни Худого садоқат

билан хизмат қилишга уйғотади. Фақат гуноҳлардан покланиш учун қилинадиган тавба-тазарру билан эса, ҳеч қачон бундай натижага эришиб бўлмайди. 12. Муқаддас китобларда кўрсатилган йўл билан гуноҳлардан покланиш маросимларини ўтказар экан, инсон ўз қалбини бутунлай поклай олмайди, унинг ақли яна дунёвий ишларга берилиб кетаверади. Дунёвий фаолиятининг яхши-ёмон оқибатларидан биратўла халос бўлишга самимий интилаётган киши, Парвардигорнинг номига, улуғворлигига ва қароматларига ҳамдусанолар айтиб, ҳамиша Харе Кришна мантрасини зикр қилиши керак. Фақат шу йўл билангина одам ўзининг гуноҳларидан бутунлай халос бўла олади, чунки муқаддас ном инсон қалбини моддий иллатдан биратўла поклайди. 13. Ажали етганида Ажамилани саросимага тушиб, Худованд Нараянанинг муқаддас номини баланд овозда такрорлади. Биргина шунинг ўзи уни қилган барча гуноҳларидан поклади. Шунинг учун, эй Ямаражнинг хизматкорлари, уни кўрқинчли хўжайинингиз олдига олиб кетишга уринманглар - Ажамиланинг жойи дўзахда эмас. 14. Агар одам ҳатто муқаддас номни ўзи англамаган ҳолда, бошқа нарсани ўйлаб туриб, ҳазиллашиб бўлса ҳам, ёки бирор қўшиқнинг орасида, ёки эътиборсизлик билан, ҳатто ўчакишиб тилига олса ҳам, шу заҳотиёқ сон-саноксиз гуноҳларидан покланади. Муқаддас китобларни яхши биладиган билимдон донишмандларнинг ҳаммаси буни тасдиқлайдилар. 15. Агар одам, - юқоридан йиқилиб тушибми, қоқилиб, бўйни синибми, илон чақибми, тутқаноғи тутадиган касаллиги оқибатидами, ёки бирор қурол дастиданми - тўсатдан ажали етганида, Худованд Харининг муқаддас номини тилига олиб ўлса, унинг барча гуноҳлари кечирилиб, дўзах азобидан қутулиб қолади. 16. Бунок донишмандлар аниқлаганларки, қилган оғир гуноҳ ишлари учун одам қаттиқроқ тавба-тазарру қилиши, энгил гуноҳлари учун энгилроқ тавба қилиши керак. Аммо, Харе Кришна мантрасини такрорлаш ҳар қандай гуноҳлар оқибатидан биратўла халос этади. 17. Риёзат, қурбонлик, муқаддас қасамларга риоя қилиш ва бошқа эзгу ишлар билан қилган гуноҳ ишларнинг оқибатини йўққа чиқариш мумкин, аммо, одамнинг қалбида моддий истаклар илдизи қолиб кетаверади. Худои Таолонинг нилуфар қадамлари пойига садоқат билан хизмат қила бошлаган одам эса, гуноҳ ишлар қилишга олиб келувчи орзу-истаклардан жуда тез халос бўлади. 18. Олов қуруқ ўтни ёқиб кул қилиб юборгани сингари, Худонинг муқаддас номлари ҳам, ҳатто агар у англамасдан айтилган бўлса ҳам, барча гуноҳлар оқибатини ёқиб кул қилиб юборади. 19. Ўз хоҳиши биланми ёки мажбур бўлганиданми, қандай бўлса ҳам ичилган дори, одам унинг кучини биладимми, билмайдими, барибир касални даволайди. Шунга ўхшаб, атайлаб айтилганми ёки билмасданми, Худонинг муқаддас номи, унинг қудратини билиш, билмаслигидан қатъий назар, уни тилга олган одамга жуда катта саодат келтиради.

20. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - Эй шоҳ, шундай қилиб, инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан Худого садоқатли хизмат қилишнинг устивор эканини исботлаб, Худованд Вишнунинг хизматкорлари Ажамилани кишанлардан халос этиб, муқаррар ажалдан қутқариб қолдилар. 21. О Махараж Парикшит, эй душманларга қирон келтирувчи зот, Худованд Вишнунинг хизматкорлари айтган гапларни тинглаб, Ямаражнинг

хизматкорлари хўжайини олдига қайтиб келдилар ва унга бўлиб ўтган воқеаларни батафсил гапириб бердилар. 22. Ямаражнинг хизматкорлари - Ямадугалар чангалидан кутулган браҳман Ажамила, ўзига келди ва шу заҳоти нилуфар қадамлари пойига йиқилиб, вишнудугаларга чуқур эҳтиром кўрсатди. У қалби қувончга тўлиб, уларга қараб турарди, чунки улар уни Ямаражнинг хизматкорлари қўлидан озод қилгандилар. 23. Эй бегуноҳ Махараж Парикшит, Ажамиланинг бирор нарса демоқчи бўлганини сезган вишнудугалар - Худонинг Олий Шахсининг элчилари, бирдан кўздан ғойиб бўлдилар. 24-25. Вишнудуга ва ямадугаларнинг баҳсларини эшитган Ажамила, моддий табиатнинг уч гунаси хукмронлик қилаётган бу оламда ҳаракат қилиб турган дин қонунларининг мазмун-моҳиятини бир зумда англаб етди. Бу қонунлар уч ведада ёзилган. Шунингдек, у уч гунадан ҳам устун турадиган ва тирик мавжудотнинг Худонинг Олий Шахси билан ўзаро муносабатларини белгилаб берадиган дин қонунларини ҳам билиб олди. Вишнудугалар Парвардигорнинг муқаддас номларини, сифатларини ва кароматларини олқишлаган эдилар, уларнинг гапларини тинглаб, Ажамиланинг қалби покланди ва энди у Худонинг содиқ хизматкорига айланди. Энди у ўзининг қилган гуноҳларини эслаб, қаттиқ пушаймон бўла бошлади. 26. Ажамила шундай нола қиларди: - "Ҳиссиётим қулига айланиб, қанчалик тубанликка юз тутган экаман-а! Браҳманлик фазилатларидан маҳрум бўлиб, мен фоҳиша аёл билан фарзандлар дунёга келтирдим. 27. Ўз қилмишларим билан оиламизга иснод келтирганим учун, ароққа берилганим, пасткаш фоҳиша билан яшаш учун садоқатли ва чиройли хотинимни ташлаб қўйганим учун минг ланъатлар бўлсин менга! Минг ланъат! 28. Мен кекса ота-онамнинг ёлғиз фарзанди эдим. Уларнинг мendan бошқа таянчи ҳам йўқ эди, лекин мен уларга ғамхўрлик қилмадим, натижада улар жуда қаттиқ қийинчиликларга дучор бўлдилар. Мен, яхшиликни билмайдиган пасткаш, қандай қилиб уларни ўз ҳолига ташлаб қўйдим-а? 29. Менга ўхшаб, муқаддас китобларда кўрсатилган қонунларни писанд қилмайдиган гуноҳкорларнинг дўзахга ташланиб, у ерда қаттиқ изтироб чекиши муқаррар эканини энди тушундим. 30. Оёқ-қўлимни боғлаб, мени дўзахга олиб кетиш учун келган ажал элчиларини ўз қўзим билан кўрдим. Улар қаерга ғойиб бўлдилар? Бу ўнгимда бўлдимми ёки тушимдами? 31. Бошқа оламдан келиб, мени кишанлардан халос қилиб, дўзах азобидан қутқарган ажойиб зотлар қаёққа ғойиб бўлди? 32. Ҳақиқатан ҳам мен пасткаш ва бахтиқаро гуноҳқорман, гуноҳ ишларга ботиб кетдим, лекин аввалги қилган хайрли ишларим шарофати билан ана шу тўрт фаришта менга ёрдамга келди. Уларни кўришдан қанчалик бахтиёр эдим! 33. Агар аввал Худои Таолога хизмат қилмаганимда, шунча гуноҳларга ботган мендай пасткаш одам Вайкунтхапатининг муқаддас номини тилга олишга қодир бўлармиди? Албатта, бунинг ҳеч қандай иложи бўлмасди. 34. Мен - виждонсиз, барча браҳманлик фазилатларидан маҳрум бўлган ёлғончиман. Ҳақиқатан ҳам, мен гуноҳлар тимсолиман. Мен қанчалик осий гуноҳқорман-у, Худованд Нараянанинг муқаддас номи қанчалик улуғвор! 35. Ҳа, мен ҳақиқатан ҳам гуноҳқорман, лекин энди, гуноҳлардан покланиш имкониятига эга бўлиб, ақлимни, ҳиссиётимни ва ҳаёт нафасимни жиловлаб оламан. Мен

энди, моддий оламнинг ғафлат ботқоғига яна ботиб қолмаслик учун Худои Таолога тинмасдан хизмат қила бошлайман. 36-37. Танасини - ўзим деб ҳисоблаб юрган киши, ҳамиша ҳиссий лаззатларга интилади. Шунинг учун, ҳар хил гуноҳ ва савоб ишларга қўл уради. Мана шу - дунёвий асирлик, моддий тутқунликдир. Аёл сифатида менинг олдимга келган Парвардигорнинг алдамчи қуввати таъсири остида, алданиб тушиб қолган мана шу моддийлик асоратидан қутулиш пайти келди. Алдамчи қувват мени бутунлай ўзига қул қилиб олган экан, мен, адашган банда эса, аёлнинг қўлида худди ўргатилган итдай бўлиб қолган эканман. Эҳтирослар ҳамласини енгиб, алданиш кишанларидан қутулиш вақти келди. Мен энди барча тирик мавжудотларнинг меҳрибони, ҳамдарди, яқин дўсти бўлиб, ҳамиша Кришна онги билан яшайман. 38. Мен Худонинг содиқ хизматкорлари иштирокида бир мартагина Унинг муқаддас номини тилга олган эдим, энди қалбим иллатлардан бутунлай покланди. Энди мен қароримда қатъий тураман ва ўткинчи, ҳиссий лаззатлар алдовига зинҳор учмайман. Мен бутун ақлимни Мутлақ Ҳақиқатга жамладим ва энди танамни ўзим деб ҳисобламайман. "Мен" ва "меники" деган сохта тушунчалардан халос бўлиб, бутун фикру-хаёлимни Кришнанинг нилуфар қадамлари пойида мужассам қиламан!"

39. Ажамила ўзининг ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурларидан бутунлай халос бўлиши учун, унга вишнудугалар - Худонинг содиқ хизматкорлари билан бир лаҳза учрашишининг ўзи кифоя бўлди. У ўзини бу дунёга боғлаб турган нарсаларнинг барчасидан озод бўлиб, вақтини бекорга кетказмай Хардварга йўл олди. 40. Хардварга бориб, Вишнунинг эҳромидан паноҳ топиб, умрини бхакти-йога билан шуғулланишга бағишлади. У ҳиссиётини жиловлаб олиб, ақлини Худои Таолога хизмат қилиш билан банд қилди. 41. Садоқатли хизмат қилишга бутунлай берилиб, Ажамила ҳиссий лаззатлар ҳақида ўйлашни бирагўла тарк этди ва бутун фикру-хаёлини Илоҳнинг қиёфасида жамлади. 42. Браҳман Ажамила ақли ва тафаккурини Худои Таолонинг қиёфасида жамлаганида, унинг олдида Худованд Вишнунинг хизматкорлари яна пайдо бўлдилар. Уларни таниб, Ажамила дарров уларга чуқур таъзим қилди. 43. Вишнудугаларни томоша қилиб, Ажамила ўткинчи танасини Хардвардаги Ганга қирғоғида тарк этди. У ўзининг азалий, Худонинг мангу содиқ хизматкорига муносиб бўлган руҳий танасига эга бўлди. 44. Ажамила Худованд Вишнунинг элчилари билан бирга олтиндан қилинган ҳаво кемасига ўтирди. Кема уларни само йўллари бўйлаб, раванқ фариштасининг ҳожаси бўлган Худованд Вишнунинг даргоҳига олиб кетди. 45. Ёшлигида Ажамила бошқаларга ўрناк бўладиган браҳман эди, аммо, ёмон одамлар таъсирига тушиб қолиб, браҳманларнинг урф-одатларини ва дин қонунларини тарк этган эди. У шу қадар тубанликка тушиб кетган эдики, ўғирлик қилиб, ароқ ичиб, ва бошқа жирканч ишлар билан машғул бўла бошлаганди. У ҳатто ўз уйида фоҳиша аёлни боқиб ўтирган эди. Бу қилмишларининг барчаси учун унга муқаррар дўзах азоби тайёрлаб қўйилганди, Ямаражнинг элчилари ҳатто уни дўзахга деярли олиб кетаётган ҳам эдилар. Аммо, Ажамиланинг дўзах азобидан бутунлай қутулиб кетиши учун у тилига олган Худованд Нараянанинг муқаддас номининг биргина сояси кифоя бўлди. 46. Шунинг учун, моддий оламда мангу тутқун бўлиб

колишни истамайдиган ҳар бир одам, Худонинг муқаддас номини зикр қилиши ва қадамлари пойида барча муқаддас зиёратгоҳлар жойлашган Худои Таолонинг улўғворлигини, бетакрор киёфасини, ғаройиб кароматларини шарафлаб куйлаши лозим. Гуноҳлардан покланиш, фалсафий изланишлар ва муруқабага берилиш сингари бошқа йўллар инсонни ҳақиқий саодатга олиб келмайди, чунки бу йўллардан бораётган одамлар эртами-кечми, барибир яна кармали фаолиятга қўл урадилар: табиатнинг паст гуналари - эҳтирос ва ғафлат таъсиридаги ақли уни бу ишга яна мажбур қилади. 47-48. Мана шу илоҳий ҳикоя ҳам, уни чуқур ишонч ва ихлос билан тинглаган ёки уни бошқаларга гапириб берган кишини барча гуноҳлари оқибатидан халос этади. Ҳатто у аввалгидай моддий тана ичида яшаётган ва ҳаётда аввал жуда кўп гуноҳ ишлар қилган бўлса ҳам, ундай одамга дўзах азоблари энди ҳеч қачон раҳна соломайди. Ҳақиқатан ҳам, ямадугалар, Ямаражнинг хизматкорлари, у тарафга ҳатто кўз қирини ташлашга ҳам ботина олмайдилар. Танасини тарк этиб, ундай одам ўзининг ҳақиқий уйига, Худонинг олдига боради ва у ерда уни иззат-икром билан кутиб оладилар. 49. Гарчи аслида ўғлини чақирмоқчи бўлса ҳам, ажали келганида Худонинг муқаддас номини тилига олгани учун Ажамилани ўз уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб келди. Шундай экан, Худонинг муқаддас номини чуқур ишонч ва иймон билан, ҳақорат қилмасдан зикр қилиб юрган одамнинг албатта ўз уйига, Худонинг олдига қайтиб боришига шубҳа қилиб бўладими?

Учинчи боб.

Ямаражнинг ўз хизматкорларига берган ўғитлари.

Махараж Парикшит шундай деди: - Эй ҳукмдорим, бу дунёда ҳамма Ямаражнинг амрига бўйсунди; у адолат билан барча тирик мавжудотларни қилмишларига яраша жазолайди ёки эзгу ишлари учун мукофотлайди. Лекин бу ерда Ямаражнинг чиқарган қарори амалга ошмади. Хизматкорлари вишнудугалардан мағлуб бўлиб, Ажамилани олдига олиб келолмаганини билгандан кейин, у хизматкорларига нималар деди? 2. Эй буюк донишманд, Азроилнинг амрига қарши чиқиш - одам ишониши қийин бўлган, қулоқ эшитмаган ҳодиса. Менимча, одамларнинг бунга ишониши қийин. Аминманки, уларнинг қалбидаги шубҳаю-гумонларни сендан бошқа ҳеч ким тарқата олмайди. Шунинг учун, илтимос, тушунтириб берчи, қандай қилиб бундай ҳодиса рўй берди?

3. Шри Шукадева Госвами шундай деб жавоб берди: - Эй шоҳ, Худованд Вишнунинг элчиларидан мағлуб бўлгандан кейин, гуноҳкорларни жазолайдиган Ямаражнинг хизматкорлари Самьямани-пурига, бўлиб ўтган воқеани гапириб бериш учун хўжайинлари хузурига кириб келдилар.

4. Ямадугалар шундай дедилар: - Эй ҳукмдор, бу дунёда яна қанча ҳукмдор бор? Табиатнинг уч гуна(эзгулик, эҳтирос ва ғафлат)си таъсирида содир қилинадиган ишларнинг ҳар хил оқибатларга олиб келишига яна қанча сабаблар келтириш мумкин? 5. Агар оламда, ҳар бири ўз хоҳишига қараб, қайси иш учун жазолаш, қайси иш учун эса, мукофотлаш кераклигини белгилайдиган ҳукмдор ва қозилар кўп бўлса, уларнинг

бир-бирига карама-қарши қарорлари уларнинг ўзларининг қудратини йўққа чиқарган бўларди. Шунда оламда на гуноҳ ишлар учун жазо ва на савоб ишлар учун мукофот деган нарсалар мавжуд бўлмасди. Агарда ҳукмдорларнинг қарорлари барибир қандайдир кучга эга бўлса, унда айнан бир иш учун одам ҳам мукофот олган, ҳам жазоланган бўларди. 6. Дунёда ҳар хил фаолият билан машғул бўлган кармилар жуда кўп, шунинг учун, уларга ҳар хил ҳоким ва қозилар ҳакамлик қиладилар. Лекин, дунёдаги барча ҳукмдор ва шоҳлар устидан ҳукмронлик қилувчи ягона Олий Ҳукмрон Зот бўлиши керак. Худди шунингдек, дунёдаги барча қози ва ҳокимлар устидан қарайдиган ҳам Олий Одил Ҳукмдор Зот бўлиши керак. 7. Олий Ҳукмдор, Ҳакам ягона бўлиши лозим. Биз ана шу ягона ҳакам - сен бўлсанг керак, деб ўйлаган эдик, сенга ҳатто фаришталар ҳам бўйсунди, деб ўйлардик. Айнан сен барчага ҳакамлик қилиб, одамларнинг ҳаётда қилган ишларининг қайси бири гуноҳ, қайси бири савоб эканини ўзинг ҳал қиласан, деб юрган эдик. 8. Энди эса, бизлар аниқ билдикки, сенинг ҳукминг ҳамма ерда ҳам ўтавермас экан, акс ҳолда, ўша тўрт нафар ажойиб, комил зотлар сенинг амрингга қарши чиқолмаган бўларди? 9. Сенинг амрингга бўйсуниб, бизлар гуноҳкор-осий Ажамилани дўзахий сайёраларга судраб кетмоқчи эдик. Бирдан сиддхалокалик ажойиб фаришталар ишимизга аралашиб, гуноҳкор боғланган занжир-кишанларни ечиб ташладилар. 10. Гуноҳкор Ажамилани "Нараяна" деган номни тилига олиши билан ана шу тўрт самовий фаришта пайдо бўлди. Улар Ажамилани: - "Энди ҳеч нарсадан кўркмасанг ҳам бўлади", деб айтишди. Эй ҳукмдор, биз у зотлар ҳақида сенинг ўзингдан билиб олишни истаймиз. Агар бизни сенинг гапларинг маъносига тушунишга қодир деб ҳисобласанг, бизга тушунтириб бер, у зотлар кимлар эди?

11. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - Бу дунёда яшайдиган барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдори, Тангри Ямараджа, ўзининг хизматкорларининг оғзидан "Нараяна" номини эшитиб, жуда хурсанд бўлди. У бирдан Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини эсига олди ва хизматкорларига жавоб бера бошлади.

12. Ямараж шундай деди: - Эй содиқ хизматкорларим, сизлар мени Олий Ҳукмдор деб ўйлайсизлар, аслида ундай эмас. Мендан, Индрадан, Чандрадан ва бошқа барча фаришталардан ҳам устун турадиган ягона Олий Ҳукмдор бор. Оламни яратган Брахма, оламнинг мавжудлигини таъминлаб турадиган Худованд Вишну, оламни яқсон қилувчи Шива, - улар ана шу Олий Ҳукмдор - ягона Парвардигорнинг қисман намоён бўлган кўринишларидир. Худои Таоло, Парвардигор - бутун борлиқ танасининг ҳам кесасига, ҳам узунига ўтган ипларидир. Худди хўкиз бурнидан ўтказилган ипдан тортиб бораётган хўжайинига бўйсунгани сингари, бутун борлиқ Унинг ҳукмига бўйсунди. 13. Эгаси хўкизнинг бурнига ип ўтказиб олгани сингари, Худои Таоло ҳам одамларни Ўзининг сўзлари билан боғлаб қўяди. Унинг сўзлари - жамият табақаларининг номини(браҳман, кшатрий, вайшья, шудра) ва уларга мансуб одамларнинг вазифаларини белгиловчи муқаддас китоблар - Ведавий кўрсатмалардир. Шу табақаларга мансуб кишиларнинг ҳаммаси, Худодан кўркқанидан сажда қилиб, Унга ўз меҳнатларининг маҳсулини тақдим этадилар. 14-15. Мен(Ямараж), жаннат шоҳи Индра, Ниррити, Варуна, Ой фариштаси Чандра, Агни,

Тангри Шива, Павана, Тангри Брахма, Куёш фаришта-си Сурья, Вишвасу, саккиз Васу, садхьялар, Маруглар, Рудралар, сиддхалар, донишманд Маричилар ва коинот тартибини сақлаб турган бошқа буюк ришилар, шунингдек, Брихаспати бошлиқ энг аъло фаришталар, Бхригу бошлиқ буюк донишмандларнинг ҳаммаси - барчамиз, албатта, моддий табиатнинг қуйи - эҳтирос ва ғафлат гуналари таъсиридан озодмиз. Лекин, ҳатто фақат эзгулик гунасида бўлган бизлар ҳам, Худои Таолонинг кароматларини тўлиқ англаб ета олмаёмиз. Шундай экан, алданиш тузоғига илиниб, Худои Таоло ҳақида қандайдир тахминлар қилиб юрган оддий одамлар ҳақида нима ҳам дейиш мумкин? 16. Худди тананинг бошқа аъзолари кўзни кўра олмагани сингари, тирик мавжудотлар ҳам Олий Рух, Параматма шаклида ўзларининг қалбида мавжуд бўлган Худои Таолони кўра олмайдилар. На ҳиссиётимиз, на аклимиз, на ҳаёт нафасимиз, на қалбимизга яширинган тафаккуримиз, на нутқимиз Худои Таоло ҳақидаги ҳақиқатни бизга очиқ бера олмайди. 17. Худои Таоло Ўзига-Ўзи тўла-бутун ва мутлақо мустақил. Бутун борликдаги ҳамма нарса, ҳатто алдамчи қувват ҳам унинг ҳукми остида. Унинг бетакрор сиймоси, сифатлари ва одатлари бор, Унинг улуғвор хизматкорлари, вайшнавлар, Парвардигорнинг Ўзи сингари эзгу ниятли, хушхулқли ва ажойиб фазилатларга эга зотлардир. Улар ҳам Парвардигордай илоҳий фазилатларга, сифатларга эга, ва бутунлай мустақил ҳолда бутун олам бўйлаб сайр қилиб юрадилар. 18. Худованд Вишнунинг элчиларини ҳатто фаришталар ҳам ҳурмат қиладилар. Вишнудугалар, Парвардигор сингари ҳайратланарли даражада ажойиб, камдан-кам одамгина улар билан учрашишга муяссар бўлади. Улар Худонинг содиқ хизматкорларини ҳар хил душман ва ҳасадгўйлардан, табиий офатлардан ва ҳатто мендан ҳам ҳимоя қилиб юрадилар. 19. Оламда ҳақиқий дин қонунларини Худои Таолонинг Ўзи ўрнатади. Бу ишни, гарчи барчаси эзгулик гунасида бўлсалар ҳам, на олий сайёрадаги буюк ришилар, на фаришталар, на Сиддхалока ҳукмдорлари амалга ошира олмайдилар. Шундай экан, асуралар, оддий одамлар, видьядҳара ва чараналар ҳақида нима ҳам дейиш мумкин? 20-21. Ҳақиқий дин қонунларини Тангри Брахма, Бхагаван Нараяна, Тангри Шива, тўрт Кумар, Худованд Капила, Сваямбхува Ману, Махараж Прахлада, Махараж Джанака, бобокалон Бхисма, Махараж Бали, Шукрадева Госвами ва мен биламиз (12 буюк зот). Эй хизматкорларим, ана шу қонун, бхагавата-дхарма, инсонни ўз ихтиёрини бутунлай Худои Таолога топширишга ва Уни севишга ундайди. Бу илоҳий қонун табиат гуналари ҳукмига бўйсунмайди. У махфий, уни оддий одамлар тўғри тушуна олмайдилар. Лекин унинг мазмунини тушуниб етган омадли киши, шу заҳотиёқ озодликка эришади ва кейин ўзининг мангу уйига, Худонинг руҳий даргоҳига қайтади. 22. Ҳақиқий диннинг олий қонуни Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишни инсоннинг асосий бурчи қилиб белгилаган. Бу хизмат Худонинг муқаддас номларини зикр қилишдан бошланади. 23. Эй хизматкорларим, сизлар менга ўз ўғилларимдай азизсизлар. Худонинг муқаддас номининг улуғворлигига қаранг! Гуноҳи-азимларга ботиб кетган Ажамила ўғлини чақираётиб, ҳатто ўзи англамаган ҳолда, Худонинг муқаддас номини бир бор тилига олган эди. Аммо муқаддас ном унга Худованд Нараянани эслатди, натижада у ажал чангалидан халос бўлди.

24. Билиб қўйинглarki, Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб, Унинг эзгу ишларини шарафлаб, қуйлаб юрган киши, ҳеч қийналмасдан барча гуноҳ ишлари оқибатидан халос бўлади. Гуноҳлардан покланишнинг ягона тўғри йўли шу. Ҳақоратларсиз зикр қилинган Худонинг муқаддас номи, ҳатто уни нотўғри талаффуз қилган одамни ҳам руҳий озодликка чиқаради. Ажамила ҳаётда уччига чиққан гуноҳкор одам эди, аммо, ўлим тўшагида ётган жойида у муқаддас номни тилга олди. Гарчи у ўғлини чақириб баҳонасида Нараяна номини талаффуз қилган бўлса ҳам, муқаддас ном ўз қудрати билан уни моддий олам асирлигидан халос этди. 25. 12 махаджан, олий зот тўлиқ биладиган мана шу ҳақиқий, илоҳий диннинг махфий сирларини Ягьявалкья, Жаймини ва сохта диний асарларнинг муаллифлари билмайдилар, чунки, уларни Худои Таолонинг алдамчи қуввати адаштириб қўйибди. Улар Худого садоқат билан холис хизмат қилиш ва Харе Кришна мантрасини такрорлаш қандай руҳий бойлик келтиришини тушунмайдилар. Уларни "Яджур-веда", "Сама-веда" ва "Риг-веда" лада кўрсатилган диний маросимлар кўпроқ қизиқтиради, шунинг учун, уларнинг тафаккури хираллашиб қолган. Улар ҳамиша Сварғалокага кўтарилиш ёки бошқа ўткинчи саодатларга эришишда ёрдам берадиган ҳар хил қурбонлик маросимларига тайёрланиш билан машғул бўлиб умр ўтказадилар. Уларни санкиртана ҳаракати қизиқтирмайди. Улар кўпроқ дхарма, артха, кама ва мокша билан қизиқадилар. 26. Буларнинг ҳаммасини билатуриб, фаросатли кишилар шундай хулосага келганлар: фақат Худонинг Олий Шахсига садоқат билан холис хизмат қилиш ёрдамида барча мусибатлардан халос бўлиш мумкин. Шундай одамлар ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган, барча эзгуликлар манбаи бўлган Парвардигорнинг муқаддас номларини чарчамасдан зикр қила бошлайдилар. Ундай одамларни жазолашга менинг ҳаққим йўқ: улар бегуноҳдирлар. Ҳатто - билмасданми ёки хатолашибми, бирор гуноҳ иш қилиб қўйсалар ҳам, улар бунинг учун ҳеч қандай жазо олмайдилар, чунки уларнинг оғзидан ҳеч қачон Худонинг муқаддас номлари тушмайди. (Харе Кришна мантраси). 27. Эй хизматкорлар, шундай содиқларга асло тега кўрманглар, чунки улар аллақачон Худонинг Олий Шахсининг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топган зотлардир. Улар барчага бир хил муносабатда бўладилар, уларни фаришталар ҳам, сиддхалока аҳолиси ҳам ҳурмат билан шарафлайди. Сизлар уларга ҳатто яқинлаша кўрманглар, чунки уларни ҳамиша Худои Таолонинг илоҳий гурзиси ҳимоя қилиб юради. Шунинг учун, на Тангри Брахма, на мен ва ҳатто на Замоннинг ўзи уларни жазолай олмайди. 28. Парама-хамсалар - моддий ҳиссиётларининг лаззатиға қизиқишдан бутунлай халос бўлган улуғвор руҳлардир. Улар ҳамиша Худои Таолонинг нилуфар қадамлари пойидан ширин илоҳий лаззат олиб яшайдилар. Эй хизматкорларим, менинг олдимга, ана шундай лаззат нималигини билмайдиган зотларни, шундай парама-хамса(табаррук авлиё зот)лардан узоқ юрадиган, оилавий ҳаётга, охир-оқибатда дўзахга элтувчи дунёвий лаззатларга боғланиб қолган одамларни олиб келинглар. 29. Эй хизматкорларим, менинг олдимга, бирор марта Парвардигор Кришнанинг муқаддас номини тилига олмаган, бирор марта Унинг сифатларини қуйламаган, умрида бирор марта Унинг нилуфар қадамлари пойини эсига олмаган ва умрида бирор марта Унинг олдида

боши эгилмаган гуноҳкорларни олиб келинглар. Менинг олдимга, инсоннинг ҳаётдаги ягона бурчи бўлган, ягона Парвардигор Вишну олдидаги ўз бурчини бажаришни истамайдиган барча ғофил ва зolim одамларни олиб келинглар. 30. (Ўзининг ва хизматкорларининг қилган иши - Парвардигорни ҳақоратлашдир, деб ҳисоблаб, Ямараджа Парвардигорга тавба-тазарру билан илтижо қила бошлади.) Эй Худойим! Вайшнава - Ажамилани занжирбанд қилишга уриниб, менинг хизматкорларим катта хато қилиб қўйибдилар. О Нараяна, эй буюк ва азалий Зот, бизларга раҳм қил! Ғофиллигимиз сабабли, Ажамила Сенинг содиқ хизматкоринг эканини билмай қолибмиз. Бу билан биз албатта Сени қаттиқ ҳақорат қилиб қўйдик. Шунинг учун, Сенинг тенгсиз раҳмдил эканингни, сон-саноксиз эзгу ишларингни эслаган ҳолда, қўл қовуштириб, Сендан кечирим сўраб илтижо қиламиз. Қаҳрингдан кўрқиб, кўрқинчли ҳаяжон билан Сенинг олдинда узала тушиб сажда қиламиз.

31. Шукадева Госвами давом этди: - Эй шоҳ, Худонинг муқаддас номлари ҳатто энг оғир гуноҳлар оқибатидан ҳам халос этиши мумкин. Шунинг учун, жаҳонда муқаддас номларни зикр қилиб куйлаш - санкиртанадан ҳам саодатлироқ бирор эзгу, хайрли иш йўқ. Шуни тушуниб ол, сендан ўрнак олиб бошқалар ҳам уни англаб оладилар. 32. Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб, уларни тинглаб, Худои Таолонинг кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаб ва бошқаларга гапириб бериб юрган киши ҳеч қийналмасдан Худого садоқат билан холис хизмат қилиш даражасига кўтарилди ва шу тарзда қалбини барча гуноҳлари иллатидан бутунлай поклайди. Фақат муқаддас китобларда кўрсатилган маросимларни ўтказиб ёки ҳар хил диний амал-ақидаларга шунчаки амал қилиб юрганлар ҳеч қачон бундай даражага эриша олмайдилар. 33. Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидаги шарбат лаззатини бетиним тоғиб юрган содиқлар табиатнинг уч гунаси келтириб чиқарган ва фақат мусибатлар келтирадиган дунёвий ишлар билан мутлақо қизиқмайдилар. Содиқлар ҳеч қачон ва ҳеч қандай сабаб-баҳона билан Кришнанинг нилуфар қадамлари пойини тарк этмайдилар ва яна дунёвий ишларга берилиб кетмайдилар. Лекин бошқа одамлар ҳам бор: улар Худого холис хизмат қилишдан бош тортиб, улар ўз эҳтиросининг қулига айланиб қолган одамлар. Улар ведавий урф-одатларга, диний ақидаларга муккасидан берилиб кетганлар. Баъзан улар гуноҳлардан покланиш учун қурбонлик маросими ўтказадилар, лекин охиригача покланиб улгурмасдан, яна гуноҳ ишларга киришиб кетадилар.

34. Ўзларининг хўжайинидан Худои Таолонинг чексиз улуғворлиги, Унинг номи, шухрати, атрофидаги мангу ҳамроҳлари ҳақида эшитиб, ямадугалар ҳайратга тушдилар. Шундан бери улар содиқлар томонга ҳатто кўзининг қирини ташлашга ҳам ботинолмайдилар. 35. Бу маҳфий, сирли ҳикояни менга, Малая тоғидаги Худонинг Олий Шаҳсига сифинадиган жойга борганимда, Кумбҳанинг ўғли, буюк донишманд Агастья муни айтиб берган эди.

Тўртинчи боб.

Прачапати Дакшанинг Парвардигорга қилган "Хамса-гухья" илтижоси.

1-2. Худонинг марҳаматига эришган шоҳ Парикшит Шукадева Госвамига шундай сўзлар билан мурожаат қилди: - Эй ҳукмдорим, сен(учинчи кўшиқда) Сваямбхува Ману ҳукмронлик қилган даврда фаришталар, илбислар, одамлар, нагалар, ҳайвонлар ва қушлар яратилган, деб айтгандинг. Илтимо, менга шуни батафсилроқ тушунтириб бер. Менга, яратиш жараёнининг иккинчи босқичида оламини яратган Худои Таолонинг қуввати ҳақида гапириб бер.

3. Сута Госвами шундай деди: - Эй донишмандлар ичида энг афзал зотлар, буюк йог Шукадева Госвами, бу илтимои учун шоҳга самимий миннатдорчилик билдирди ва унга жавоб бера бошлади.

4. Шукадева Госвами шундай деди: - Шоҳ Прачинабархининг ўн ўғли, денгиз тагида риёзат чекиб ўтирган жойидан чиқиб, бутун ер юзини дарахтзор ўрмонлар босиб кетганини кўрдилар. 5. Сув остида узок вақт чеккан риёзатлари давомида Прачеталарнинг қалбида ғазаб олови тўпланиб қолган эди, улар шу ғазаби тафтини ер юзидаги дарахтларга соча бошладилар. Уларни ёндириб, биратўла кул қилиб юбориш ниятида, Прачинабархининг ўғиллари оғизларидан ўт пуркаб, кучли довул турғиздилар. 6. Эй шоҳ Парикшит, дарахт ва майсаларнинг ҳомийси, Ой фариштаси Сома дарахтларнинг оловли довул дастидан ёниб кул бўлиб кетаётганини кўриб, уларга ачинганидан, Прачеталарга ялина бошлади:

7. - Эй Худо ярлақан зотлар, бу бахтиқаро дарахтларни ёндирманглар. Қўл остингиздаги тирик мавжудотларни барча офатлардан ҳимоя қилиб, уларга ғамхўрлик қилиш сизларнинг бурчингиз ҳисобланади. 8. Ер юзидаги наботот оламини ҳам, бутун оламнинг, ҳатто Тангри Брахма ва бошқа Прачапатиларнинг ҳам ҳукмдори бўлган Худои Таоло, Парвардигор Шри Хари яратиб қўйибди. Ҳамма ерда мавжуд, емирилмас бўлган шу Зот, дарахт ва майсаларни бошқа тирик мавжудотлар учун ризк бўлсин деб яратган. 9. Табиат шундай яралганки, гул ва мевалар ҳашарот ва қушлар учун озиқ бўлади. Майса ва бошқа оёқсиз тирик мавжудотлар тўрт оёқли тирик мавжудотларга - кўтос, сигир ва ҳоказоларга озиқ бўлади. Туёқли жониворлар эса - йўлбарс ва бошқа ўткир тирноқли панжаси бор зотларнинг озиғидир; кийик, эчки ва бошқа баъзи тўрт оёқлилар, шунингдек ғалла одамлар учун озиқ-овқат бўлади. 10. Эй қалби пок зотлар, отангиз, Прачинабархи, ва Худои Таолонинг Ўзи сизларга жаҳон аҳолисини кўпайтиришни буюрган. Сизлар фуқароларга ва авлодларингизга шунчалик зарур бўлган дарахт ва майсаларни нимага ёкиб юборяпсизлар? 11. Сизларнинг отангиз, бобонгиз ва бобокалонларингиз тақводор одамлар эди; улар хоҳ одам бўлсин, хоҳ ҳайвон ёки дарахт бўлсин, қўл остидаги тирик мавжудотларнинг барчасини ҳимоя қилардилар. Сизларга ҳам шу йўлдан бориш васият қилинган. Қаттиқ ғазабланиш туйғуси бурчингизни бажаришда сизга халақит беради. Шунинг учун, сизлардан илтимо, ғазабингизни жиловлаб олинг. 12. Худди ота-она ўзининг фарзандларини меҳр-муҳаббат билан парваришлаганидай, киприқлар - кўзни, эр - хотинини авайлаб асраганидай, оилавий одам гадойларга, билимли одам ғофил одамларга ёрдам бергани сингари, шоҳ ҳам ўз фуқароларининг ҳаёти ва фаровонлигини ҳимоя қилиши лозим. Дарахтлар ҳам шоҳнинг фуқаролари

хисобланади, шунинг учун, шоҳ уларни ҳам химоя қилиши лозим. 13. Олий Шахс-Худо, Параматма кўринишида барча кўзгалувчан ва кўзгалмас тирик мавжудотларнинг: одамлар, қушлар, ҳайвон ва дарахтларнинг вужудида мавжуддир. Шунинг учун, ҳар қандай моддий танани Вишнунинг даргоҳи, ёки эхроми деб ҳисоблаш керак. Агар сизлар ҳамма нарсага шу нуқтаи-назар билан қарайдиган бўлсанглар, Парвардигор сиздан ғоят мамнун бўлади. Ғазабингизни жиловлаб олинг ва дарахт танасида бўлган бу тирик мавжудотларни яқсон қилманглар. 14. Одатда ғзаб туйғуси ўз-ўзидан, худди осмондан тушгандай, бирданга пайдо бўлади, лекин инсон ўзининг руҳий табиатини англаб етишга интилиб, ғзабини жиловлаб олса, албатта табиат гуналаридан устун кўтарила олади. 15. Бу бахтиқаро дарахтларни шунча қийнаганингиз етар! Ёнғиндан омон қолган дарахтлар қолган умрини роҳатланиб яшасинлар. Сизлар ҳам бахтли бўлинглар; мен сизларга ажойиб ва тақводор қизим Маришани хотинликка бераман. Уни дарахтлар ўз қизидай парваршлаб катта қилгандилар.

16. Шукадева Госвами давом этди: - Эй шоҳ, Прачеталарни овутиб, Ой фариштаси Сома уларга апсара Прамлочанинг, сонлари чиройли қизини хотинликка берди. Прачеталар барча қонунларга биноан у билан никоҳ маросими ўтказдилар. 17. У қиз Прачеталарга Дакша деган ўғил туғиб берди. Дакша бутун уч оламга таралган тирик мавжудотларни дунёга келтирди.

Шукадева Госвами давом этди: - Дикқат билан кулоқ сол, мен сенга ўзининг қизларини жуда яхши кўрадиган Пражапати Дакшанинг, қандай қилиб, ўзининг уруғидан ва ақлидан ҳар хил тирик мавжудотларни яратганини гапириб бераман. 19. Аввало Пражапати Дакша ҳаёли билан фаришталарни, иблисларни, одамларни, қушларни, ҳайвонларни, сувда яшовчиларни ва бошқа мавжудотларни яратди. 20. Аммо, оламинг аҳолиси барибир кўпаймаётганини кўрган Пражапати Дакша, Виндхья тоғи этагига бориб, қаттиқ риёзатларга берилди. 21. Ўша Агхамаршана деган муқаддас жойда, Пражапати Дакша диний маросимларни ўтказди. Ўзининг чеккан риёзатлари билан у Худои Таоло Харини мамнун қилди. Эй шоҳ, мен сенга Пражапати Дакшанинг Худои Таолога қилган "Хамсагухья" илтижосини батафсил таърифлаб бераман, уни тинглаб, Худои Таоло Дакшадан қанчалик мамнун бўлганини билиб оласан.

23. Пражапати Дакша шундай илтижо қилганди: - "Мен алдамчи қувватдан ва у яратган ҳамма нарсадан устун турадиган ягона Парвардигор, Худои Таоло олдида тиз чўкиб сажда қиламан. Алдамчи қувват ҳам, барча тирик мавжудотлар ҳам, ҳар нарсага қодир ва ҳамма нарсадан хабардор бўлган у Зотнинг ҳукми остида. "Намоён бўлган моддий унсурлардан ўзга ҳеч нарса мавжуд эмас" деб ҳисоблайдиган, моддий оламда шартланиб қолган руҳлар Уни кўришга қодир эмас, чунки тажриба йўли билан билим олувчилар Уни англаб етолмайдилар. Ўз-ўзидан маълум ва Ўзига тўла бутун бўлган у Зотнинг аввали, бошланиши йўқ. 24. Худди ҳиссиёт аъзолари сезадиган объектлар(шакл, таъм, хид, товуш ва ушлаб сезиладиган нарсалар) уларни сезги органлари қандай сезишини билмагани сингари, моддий танада Олий Рух билан бирга мавжуд бўлган шартланган руҳ ҳам, бутун борлиқнинг ҳукмдори бўлган Худои Таоло қандай қилиб унинг

ҳиссиётларини бошқариб туришини билмайди. Мен олий ҳукмдор бўлган ўша зот, Худои Таоло олдида тиз чўкиб сажда қиламан. 25. Тана, ҳаёт нафаси, ички ва ташқи сезги аъзолари, бошланғич беш кўпол моддий унсур, шунингдек, ҳиссиётлар қабул қиладиган нафис сезиш объектлари(шакл, таъм, хид, товуш ва тери сезадиган нарсалар), ўлик моддий нарсалар бўлгани сабабли, на ўзларининг табиатини, на бошқа сезги органларининг табиатини, на уларни бошқариб турган фаришталарни билмайдилар. Лекин, табиатан руҳий сифатга эга бўлган тирик мавжудот - руҳ, танасининг, ҳаёт нафасининг, сезги органларининг, бошланғич моддий унсурларнинг ва сезиладиган объектларнинг, шунингдек, шуларнинг барчасининг асосини ташкил этувчи уч моддий сифатнинг табиатини тушуниш қобилиятига эга. Лекин у ҳамма нарсани билувчи ва чексиз бўлган Олий Мавжудотни билмайди. Шунинг учун, мен Унинг олдида эҳтиром билан сажда қиламан. 26. Тирик мавжудотнинг онги кўпол ва нафис моддий борлиқ иллатидан бутунлай покланганида, унинг ақли, худди ухлаётган ва сергак вақтидагидай, жўш уриб қайнаб турмаганда ва сушунти - чуқур уйқуда вақтидагидай, ҳеч нарсани сезмайдиган бўлмаган пайтда, тирик мавжудот транс ҳолатига тушади. Ана шу ҳолатда ҳар хил ном ва шакллар сақланадиган моддий (ҳаёл)назар ва хотира биратўла йўқолиб кетади. Фақат ана шундай транс ҳолатидагина тирик мавжудот Уни - Худои Таолони кўра олади. Мен ана шундай соф, пок, трансцендент ҳолатга эришган зотлар кўриб, илоҳий жамолини томоша қиладиган ягона Парвардигор олдида чуқур таъзим билан сажда қиламан. 27-28. Тажрибали браҳман-руҳонийлар ведавий мантралар кучини намоён қилиб, ўн беш самихени мантрасининг товуши ёрдамида, ўтин ичида яширинган оловни чақириб оладилар. Худди шунингдек, улўғвор онгга - Кришна онгига эришган зотлар ҳам, қалбида Ўзининг руҳий қувватининг кучи ёрдамида жойлашиб олган Параматмани яққол сеза оладилар. Инсоннинг қалби - моддий табиатнинг уч гунаси, тўққиз унсур(моддий табиат, моддий қувват мажмуи, эго, ақл, ва беш ҳиссий лаззат объекти)дан, шунингдек, беш кўпол унсур ва ўн сезги органидан иборат қобик билан ўралган. Буюк йоглар чуқур муруқабга ғарқ бўлиб, ўзининг қалбида Олий Рух, Параматма кўринишида мавжуд бўлган Парвардигорнинг жамолини томоша қиладилар. Ўша Олий Рух мендан Ўз марҳаматини аямасин! Фақат, ранг-баранг моддий ҳаёт тутқунлигидан озод бўлишга интилаётган зотларгина Уни тўла англай оладилар. Ҳақиқатан ҳам ана шундай озодликка эришиш учун, инсон ўз ҳаётини Худои Таолога илоҳий муҳаббат билан садоқатли хизмат қилишга бағишлаши, бутун умрини шундай ҳолис хизмат қилиш руҳи билан яшаб, Парвардигорнинг жамолига эришиши лозим. Парвардигорга ҳар хил номлар билан муружаат қиладилар, уларнинг барчаси руҳий сифатга эга ва моддий ҳиссиётлар Уни англай олмайдилар. Ана шу Парвардигор, ягона Худои Шахси қачон менга Ўз марҳаматини ёғдирар экан? 29. Моддий товушлар ифода этган, моддий тафаккур белгилаган, моддий сезгилар ёрдамида тасвирланган ёки моддий ақл яратган ҳамма нарса - моддий табиатнинг уч гунаси келтириб чиқарган нарсалардир. Шунинг учун, уларнинг Худонинг Олий Шахсининг ҳақиқий табиати билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Худои Таоло бу олам билан бирга яралгани йўқ, чунки бу моддий олам ҳам,

барча моддий сифатлар ҳам Унинг Ўзидан келиб чиққан. Барча сабабларнинг сабабчиси бўлган ҳолда, У Олам яралмасдан аввал ҳам мавжуд эди ва Олам емирилгандан кейин ҳам мавжудлигича қолаверади. Мен Унинг олдида чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. 30. Бутун борлиқ Ундан, Олий Браҳман - Парвардигор Кришнадан чиққан, ва бутун борлиқ Унинг ичида. У ҳамма нарсани амалга ошириб, ҳамма нарсага ҳукмронлик қилиб туради, ҳамма нарса ягона Унинг Ўзига қурбон қилинади. У - ҳар қандай фаолиятнинг охирига натижасидир; У Ўзи ҳаракат қилганида ҳам, бошқаларни ҳаракат қилишга ундаганида ҳам - барча воқеа-ҳодисаларнинг асосида Унинг Ўзи туради. Ҳар бир нарсанинг, воқеа-ҳодисанинг бевосита ва билвосита сабаблари бўлади, лекин У - барча сабабларнинг сабабчисидир. Шунинг учун, Уни - ҳар қандай фаолият бошланмасдан аввал ҳам мавжуд бўлган Олий Браҳман деб атайдилар. Унга - ягона ва ҳаммаша мавжуд бўлган Зотга мен эҳтиром билан сажда қиламан. 31. Мен, чексиз илоҳий сифатларга эга бўлган, ҳар ерда мавжуд Худои Таоло олдида сажда қиламан. У - ҳар хил ғояларни ўйлаб топадиган мутафаккирларнинг қалбида ҳам мавжуд бўла туриб, уларни руҳий ўзлигини унутишга ва бир-бири билан гоҳида баҳслашишга, гоҳида эса келишиб олишга ундайди. Шу тарика У дунёвий файласуфларнинг ягона яқуний хулосага келишларига имкон бермайди. Мен Унинг олдида чуқур эҳтиром билан таъзим қиламан. 32. Файласуфларнинг икки тоифаси мавжуд: иймонли ва худосизлар. Уларнинг биринчиси Олий Рухнинг мавжудлигини тан оладилар ва борлиқнинг руҳий сабабини топиш учун сеҳрли йога усулига мурожаат қиладилар. Санкхья фалсафаси тарафдорлари (худосизлар)эса, фақат моддий унсурларни таҳлил қиладилар, натижада "Мутлақ Ҳақиқат - шахс эмас", деган хулосага келадилар ва хоҳ Бхагаван, хоҳ Олий Рух ёки ҳатто Браҳман кўринишида олий сабабчининг мавжудлигини инкор этадилар. Бунинг ўрнига уларни моддий табиатнинг намоён бўлиб турган ташқи, ўткинчи кўринишлари қизиқтиради. Лекин, аслини олганда улар ҳам, булар ҳам, Мутлақ Ҳақиқат ҳақида гапирдилар, чунки, гарчи қарама-қарши фикр билдираётган бўлсалар ҳам, уларнинг келишмовчилигининг объекти, мавзуси бир нарса - олий сабаб. Уларнинг ҳаммаси Олий Браҳманга эришишга интилади. Мен Унга, Олий Браҳманга чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. 33. Ҳар ерда мавжуд, англаб бўлмас мукамалликлар соҳиби бўлган, номлари, қиёфалари ва қароматлари моддий табиатга, моддий сифатларга эга бўлмаган ягона Худои Таоло, Ўзининг нилуфар қадамлари пойига чарчамасдан сажда қилиб юрган содиқ хизматкорларига алоҳида ғамхўрлик қилади. Ўзгармас, мангу, илм ва лаззатга тўла Парвардигор мендан Ўз марҳаматини аямасин! Худди ҳаво бошқа моддий унсурларнинг сифатини (масалан, гулнинг ҳидини ёки ёки кўтарилган чанг рангини) олгандай бўлгани сингари, Парвардигор ҳам, руҳий юксалишнинг пастки поғоналарида турган зотларнинг истагини бажо келтириб, уларнинг олдида Ўзининг бошланғич, азалий қиёфасида эмас, ҳар хил фаришталар қиёфасида намоён бўлади. Лекин, ана шундай, ҳар хил қиёфаларнинг нима кераги бор? Азалий, ягона Парвардигор, Худои Таолонинг Ўзи менинг истакларимни рўёбга чиқарсин!

35-39. Шукадева Госвами давом этди: - Ўзининг содиқларига ҳаммаша ғамхўрлик қиладиган Худои Таоло, Хари, Пражапати Дакшанинг илтижоларидан жуда мамнун бўлди ва муқаддас Агхамаршана деган жойда пайдо бўлди. Эй Махараж Парикшит, о Куру авлодининг аълоси, Парвардигор Гаруда елкасида учиб борарди, Унинг пой қадамлари ана шу илоҳий кушнинг елкасида эди. Узун, чиройли ва қудратли саккиз кўлида ҳар хил қуроллар ярқираб турарди: халқа, сур, қилич, қалкон, пайконлар, камон, сиртмоқ ва гурзи. Унинг танаси қорамтир-кўк, либоси сарғиш рангда эди. Унинг кўзлари ва бутун танаси шодликдан порлаб турарди. Чиройли гулчамбар Унинг қадамлари пойигача осилиб турарди. Унинг кўксини Шриватса белгиси ва Каустубха маржони безаб турар, бошида ажойиб тож бор эди. Парвардигорнинг қулоқларида акула кўринишидаги сирға, белида олтин камар, кўлларида билагузуклар, бармоқларида - қимматбаҳо узуклар, оёқларида эса - кўнғирокчалар бор эди. Мана шу ҳайратли тақинчоқлар билан безаниб олган Парвардигор Хари, гўзаллиги билан бутун уч олам аҳолисини Ўзига маҳлиё этади, шунинг учун, Уни Пурӯшоттама, яъни "барча мавжудотлар ичида энг аълоси" деб атайдилар. Парвардигорни Нарада ва Нанда сингари буюк содиқ хизматкорлар, шунингдек осмон шоҳи Индра бошчилигида барча асосий фаришталар ва олий сайёралар - Сиддхалока, Гандҳарвалока ва Чараналока аҳолиси кузатиб борарди. Парвардигорнинг ўнг ва чап ёнида, орқасида жойлашиб олиб, улар тинмасдан Унга ҳамду-сано айтиб, олқишлардилар. 40. Парвардигорнинг ғаройиб, гўзал қиёфасини кўриб, Пражапати Дакша Унинг олдида кўркув аралаш ҳаяжон таъсиридан танаси титраб кетди. Лекин унинг ҳаяжони бир пасда қувончли шодликка айланди, Пражапати Дакша ҳассадай узала тушиб, Парвардигорга чуқур таъзим қилди. 41. Пражапати Дакшанинг бутун ҳиссиёти худди тоғдаги ирмоқ сувларидан тўлган дарё сингари яйраб кетганди. Бирор сўз айтишга мажболи етмасдан, у Парвардигорнинг олдида узала тушиб ётарди. 42. Дакшанинг тили тутилиб қолганди, аммо, ҳар кимнинг қалбидаги сирни яхши биладиган Парвардигор унинг коинот аҳолисини кўпайтирмоқчи эканини биларди. Олдида узала тушиб ётган содиқ хизматкорига қараб туриб, Парвардигор шундай сўзлар билан мурожаат қилди.

43. Худои Таоло шундай деди: - Эй марҳаматли Прачетаса, сен Менга қаттиқ ишонасан, шунинг учун, сен илоҳий садоқатнинг энг буюк лаззатини ҳис қилдинг. Ҳақиқатан ҳам, Менга садоқат билан хизмат қилиш бобидаги риёзат ва меҳнатларинг ҳаётда энг олий мақсадга эришишингда сенга ёрдам берди. Сен энг юқори камолот чўққисига кўтарилдинг. 4. О Пражапати Дакша, сен бу оламнинг аҳолиси кўпайиб, фаровон ҳаёт кечиришларини ният қилиб, қаттиқ риёзат чекдинг. Мен ҳам бу оламдаги ҳар бир мавжудотнинг бахтли бўлишини истайман. Мен сендан жуда мамнунман, чунки Мен ҳаммага бахт тилайман, сен эса, Менинг шу истагимни амалга оширишга ҳаракат қиляпсан. 45. Тангри Браҳма, Тангри Шива ва олий сайёраларга ҳукмронлик қиладиган бошқа фаришталар, сон-саноксиз Манулар ва бу оламнинг аҳолисини кўпайтираётган сиз Пражапатилар, - ҳаммангиз барча тирик мавжудотларнинг бахт-саодати учун ҳаракат қиласизлар. Сизлар Менинг оралик қувватимга мансуб-

сизлар ва Менинг сифатларимни ўзларингизда мужассам қилгансизлар. 46. О брахман, мурукаба кўринишидаги риёзат - Менинг юрагим, мантра ва мадхияларда мужассам бўлган ведавий донишмандлик - Менинг танам, рухий фаолият ва рухий лаззат - Менинг ҳақиқий қиёфамдир. Тўғри ўтказилган қурбонлик ва диний маросимлар - танамнинг таркибий қисмларидир, хайрли ва рухий фаолият эвазига мукофот сифатида келадиган кўринмас омад эса, - Менинг ақлимдир, амримга бўйсуниб, оламнинг фаолиятини бошқариб турган фаришталар эса, - Менинг қалбим, рухимдир. 47. Олам яралишидан аввал фақат Мен ва Менинг рухий қувватим бор эди. Онг ҳали намоён бўлмаган, худди ухлаётган кишининг онгига ўхшарди. 48. Мен чексиз қудратга эгаман, шунинг учун, Мени чексиз, бениҳоя ва ҳар ерда мавжуд деб атайдилар. Мендан, Менинг моддий қувватимдан бутун борлик пайдо бўлди, унда эса, асосий мавжудот - сени дунёга келтирган, аммо ўзи она қорнидан туғилмаган Тангри Брахма пайдо бўлди. 49-50. Менинг қувватим таъсири остида, олам ҳукмдори Брахма(Сваямбху), оламини яратишга уринди, лекин, ўзининг яратиш қобилиятига ишонмади. Шунда Менинг насихатим билан қаттиқ риёзатларга берилди. Ана шу риёзатининг қудрати билан буюк Брахма ўзига тўққиз ёрдамчи яратди, сен - шуларнинг бирисан. 51. Эй ўғлим, Дакша, Пражапати Панчаджананинг Асикни деган қизи бор. У сенинг хотининг бўлсин. 52. Бирга яшаб, авлод қолдиришлар. У қиз билан сен юзлаб фарзандлар кўришинг, шу тариқа олам аҳолисини кўпайтиришинг мумкин. 53. Сенинг сон-саноксиз авлодларинг ҳам, ўзинг сингари Менинг алдамчи қувватим ҳукми остида бўладилар ва улар ҳам жинсий ҳаёт билан машғул бўладилар. Лекин, Сенга кўрсатган марҳаматим ифодаси сифатида сенга ваъда бериб айтаманки, улар ҳам Менга муҳаббат ва садоқат билан эҳсонлар қилиш имкониятига эга бўладилар.

54. Шукадева Госвами шундай деди: - Пражапати Дакшага шу сўзларни айтиб, борлиқни яратган Худои Таоло, Парвардигор Хари, бирдан кўздан ғойиб бўлди. Пражапати Дакша учун буларнинг ҳаммаси худди тушида кўрингандай эди.

Бешинчи боб.

Пражапати Дакшанинг Нарада Мунини дуои бад қилиши.

1. Шрила Шукадева Госвами шундай деди: - Парвардигор Вишнунинг алдамчи қуввати таъсири остида Пражапати Дакша хотини Панчаджани(Асикни) билан ўн минг ўғил фарзандни дунёга келтирди. Уларни Харьякшалар деб атадилар. 2. Дакшанинг ўғиллари ҳаммаси бирдай хушхулқли ва отасининг амрига итоат қиладиган зотлар эди. Отаси уларга уйланиб, ўзларидан авлод қолдириб кўпайишни буюрганида, отасининг амрини бажариш учун улар уйлари тарк этиб ғарб томонга йўл олдилар. 3. Синдху дарёси денгизга қуйиладиган жойда, бирр муқаддас зиёратгоҳ бор. У ерда Нараяна-сарас кўли, буюк донишмандлар ва рухий юксалишда камолотга эришган бошқа буюк зотларнинг даргоҳи жойлашган. 4-5. Харьяшвалар кўл бўйига ўрнашиб, ҳар куни унинг муқаддас сувларида чўмилиб, поклана бошладилар. Шу тарзда улар аста-секин калбини покладилар. Уларнинг қалбида *парамахамса*

даражасига кўтарилиш истаги пайдо бўлди. Лекин шундай бўлса ҳам, бу ёш ўспиринлар отасига бўлган хурмати юзасидан, унинг амрига бўйсуниб, оламнинг аҳолисини кўпайтириш учун қаттиқ риёзатга берилгандилар. Бир куни буюк донишманд Нарарада Муни уларнинг риёзатга шунчалик қатъий берилаётганларини кўриб, уларга муружаат қилди.

6-8. Нарарада Муни шундай деди: - О Харьяшвалар, сизлар ҳали Ер юзининг поёнини кўрмагансизлар. Жаҳонда шундай бир салтанат борки, у жойда фақат битта ҳукмдор бор; у ерда бир чуқур хандақ борки, унга тушган одам қайтиб чиқа олмайди; чиройли либослар кийиб олган бир фоҳиша аёл бор, унинг ёнида эри ҳам бор. Икки тарафга қараб оқадиган дарё бор, йигирма беш унсурдан қурилган ажойиб уй бор; ғаройиб товушлар чиқарадиган оққуш бор, ўздан-ўзи айланиб, ярқираган тиғи ҳар тарафга учкун сачратиб турадиган бир нарса ҳам бор. Эй содда болалар, сизлар ҳали буларнинг бирортасини ҳам кўрмадинглар, яна қандай қилиб ўзингиздан авлод қолдирмоқчисизлар? 9. Отангиз буларнинг ҳаммасини яхши билади, лекин сизлар, афсуски, отангиз аслида сизлардан нима истаётганини яхши билмайсизлар. Қандай қилиб авлод қолдирмоқчи бўляпсизлар?

10. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - Табиатига кўра фаросатли донишманд бўлган Харьяшвалар Нарарада Мунининг жумбоқли гапларини ўзлари мустақил ҳолда ўйлаб, чуқур мулоҳаза юрита бошладилар. 11. (Нараранинг гапларини Харьяшвалар ўзларича шундай қабул қилдилар:) (Ер)оҳух сўзи, фаолият кўрсатиш майдонини билдиради, бу - моддий тана. У тирик мавжудотга аввалги қилган ишлари оқибатида берилади, танаси унга ҳар хил сохта қиёслашларни рўқач қилади. Қадим замонлардан бери тирик мавжудот ҳар хил моддий таналарга эга бўлиб келади, ва бу таналар унинг моддий оламда тутқун бўлиб қолишининг асосий сабабчисидир. Агар инсон ўзининг онгли ҳаёти давомида ана шу тутқунликдан биратўла қутулишга интилмаса, ўткинчи нарсалар учун, охирини, оқибатини ўйламасдан оғир меҳнат қилишидан нима фойда? 12. Ягона Зот, Парвардигор олти хил мукамалликнинг тўла соҳиби ва бутунлай мустақил. У бу яралган оламдан ташқарида, шунинг учун У моддий табиатнинг уч гунаси таъсирига берилмайди. Агар одамлар ҳаётда олган билимларидан ва эришган ютуқларидан Худои Таолога эришиш учун фойдаланмасалар, фақат ўткинчи, алдамчи бахтга эришиш учун кечаю-кундуз ит ва мушукларга ўхшаб оғир меҳнат қилсалар, уларнинг ҳаётда эришган ютуқларидан нима фойда?

13. (Нарарада Мунининг тушган одам қайтиб чиқа олмайдиган чуқур хандақ ҳақидаги гапини Харьяшвалар қуйидагича тушундилар:) Борганлардан ҳали ҳеч ким қайтиб келмаган жой - Патала, энг қуйи сайёралар тизими(дўзах). Худди шунингдек, Вайкунтҳадҳама(пратяг-дҳама)га тушган одам ҳам, моддий оламга бошқа қайтиб келмайди. Агар ҳақиқатан ҳам, боргандан кейин, ҳеч қачон бу ачинарли моддий оламга қайтиб келмайдиган жой мавжуд бўлса, ана шундай жойни кўришга уринмасдан ёки у жой ҳақида бирор маълумот билиб олишга интилмасдан, бу ўткинчи оламда, маймунларга ўхшаб, у ёқдан бу ёққа сакраб юришдан нима фойда?

14. (Нарада Мунининг фоҳиша аёл ҳақидаги гапларини Харьяшвалар шундай талқин қилдилар:) Эхтирос гунаси таъсирида булганган беқарор тафаккур, худди ҳар хил либослар кийиб, эркакларни ўзига жалб этадиган фоҳиша аёлга ўхшайди. Агар одам шуни яхши англаб етмаса, унинг ўткинчи нарсаларга эришиш ниятида кеча-кундуз тер тўкиб ишлаб юрганидан нима фойда?

15. (Нарада Муни айтган фоҳиша аёлнинг эри ҳақидаги гапини Харьяшвалар бундай тушундилар:) Фоҳишанинг эри ҳам, ақл-идроки булганган киши сингари мустақил эмас, чунки ундай одам ўзининг моддий оламдаги асирлик даврини узайтиришга уриниш билан машғул. Моддий табиатнинг алдовига учган шундай одам, ўзига гоҳида қувонч, гоҳида мусибат келтирадиган бузук, адашган ақл-идрокининг ҳукми остида кун кечиради. Ундай одамларнинг ўткинчи нарсаларга эришиш учун машаққат билан оғир меҳнат қилиб яшайдан не фойда?

16. (Нарада Мунининг икки тарафга қараб оқадиган дарё ҳақидаги гапларини Харьяшвалар шундай тушундилар:) Икки тарафга қараб оқадиган дарё, - ҳам яратадиган, ҳам яқсон қиладиган моддий табиат дарёсидир. Ғофиллиги сабабли ана шу дарёга тушиб қолган тирик мавжудотни унинг тўлқинлари у ёқдан бу ёққа олиб юради, ва у ҳеч қачон қирғоққа яқинлаша олмайди, чунки қирғоқда дарёнинг тезлиги яна ҳам каттароқ бўлади. Майя, алданиш дарёсига ғарқ бўлаётган кишининг, бу вақтинчалик ҳаётда ўткинчи нарсалар учун меҳнат қилишининг не маъноси бор?

17. (Нарада Мунининг 25 моддий унсурдан қурилган уй ҳақидаги гапларини Харьяшвалар шундай тушундилар:) Худои Таоло - бошланғич 25 унсурнинг манбаидир. У - Олий Мавжудот, У барча сабаб ва оқибатларни бошқариб туради, шунинг учун ҳам бу дунёда бошланғич унсурларнинг намоён бўлишига сабаб бўлади. Олий Шахсни англаб етишга интильмасдан, ҳаётда ўткинчи нарсалар учун тер тўкиб ишлашдан нима фойда?

18. (Нарада Мунининг оққуш ҳақидаги гапларини Харьяшвалар шундай тушундилар:) Ведавий битик(муқаддас китоб)лар, барча руҳий ва моддий оламлар манбаи бўлган Худои Таолони, ва шу икки турдаги қувватни англаш йўлини батафсил таърифлаб берадилар. Оққуш(хамса) - модда ва руҳни бир-биридан ажрата оладиган, ҳар нарсанинг туб моҳиятини англай оладиган ва қандай фаолият озодликка олиб чиқишини, қандай фаолият тутқунликка олиб келишини тушунтира оладиган донишманд инсондир. Муқаддас китобнинг сўзлари ҳар хил товушлардан иборат. Агар ғофил ва нодон киши бу асарларни ўрганишдан бош тортса, унинг ҳар хил ўткинчи нарсаларга эришиш ниятида кеча-кундуз югуриб-елиб хизмат қилганидан нима фойда?

19. (Нарада Мунининг ўтқир тиг ва ҳар тарафга сочилиб турган чақмоқлардан таркиб топган нарса ҳақидаги гапини Харьяшвалар шундай тушундилар:) Яшиндай тез ўтаётган Мангу Вақт ўз йўлида, худди қиличнинг тиғидай, ҳамма нарсани емириб боради. Тўхтатиб бўлмайдиган ва мутлақо мустақил бўлган ҳолда, у бутун оламни ҳаракатга келтириб туради. Мангу замон қонунларини билмай туриб, ўткинчи нарсалар учун югуриб-елиб юришдан не фойда?

20. (Нарада Мунининг "отангиз аслида сизлардан нима истаётганини билмайсизлар", деганини улар шун-

дай тушундилар:) Ҳар бир инсон ҳаётда муқаддас китобларда кўрсатилган ўз бурчини бажариши лозим. Ведавий жамиятда муқаддас чилвир, зуннор олиш иккинчи бор туғилиш ҳисобланади. Инсон ҳақиқий руҳий устоздан муқаддас китобларнинг кўрсатмасини олиб, ҳаётда иккинчи бор(ҳақиқий инсон сифатида) туғилади. Шунинг учун, шастралар, муқаддас китоблар - инсоннинг ҳақиқий отаси ҳисобланади. Барча муқаддас китоблар инсонни бу ўткинчи моддий оламни биратўла тарқ этишга ундайди, муқаддас китобларнинг, ўзининг ҳақиқий отасининг ана шу кўрсатмасини англаб етмаган одам, ғофиллик ботқоғига ботиб юрган бўлади. Ўғлини дунёвий ишлар билан машғул қилишга уринаётган ўткинчи отанинг сўзларини ҳеч қачон ҳақиқий отанинг насиҳатлари деб ҳисобламаслик керак.

21. Шукрадева Госвами давом этди: - Эй шох, Нарада Муни ўзининг насиҳатлари билан Пражапати Дакшаниннг ўғилларининг иймон-этикодини қайта тиклади. Нараданинг гапларига чуқур иймон келтириб, улар яшашдан мақсад ҳақида қатъий қарорга келдилар. Буюк донишмандни ўзларининг руҳий устози деб қабул қилиб, Харьяшвалар унинг атрофини айланиб ўтдилар ва ҳеч қачон бу моддий оламга қайтиб келмайдиган олий мақсадга эришиш йўлига кирдилар. 22. Мушиқада ишлатиладиган етти нота - ша, ри, га, ма, па, дха, ни - "Сама-Веда"дан олинган. Буюк донишманд Нарада Муни ўзининг мушиқа асбобидан Худои Таолонинг илоҳий эрмаклари ҳақида ҳикоя қилувчи товушларни чиқаради. Ана шу (Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре сингари) илоҳий товушларни тинглаб, Нарада бутун ақлу-хаёлини Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига жамлайди ва Унинг, Хришикеша - барча ҳиссиётлар ҳукмдорининг гўзал жамолига маҳлиё бўлиб юради. Харьяшваларга озодликка чиқиш бахтини инъом этиб, донишманд Нарад, Парвардигорнинг нилуфар пой қадамларини эслаган ҳолда коинот бўйлаб ўз йўлига равона бўлди. 23. Харьяшвалар ҳамиша отасига итоаткор, бошқаларга ўрناق бўлса арзигудай муносиб фарзандлар эди. Афсуски, Нарада Мунининг насиҳатларига амал қилиб, улар отасининг амрини бажаришдан бош тортдилар. Нарада бу аянчли хабарни Пражапати Дакшага етказганида Дакша қаттиқ изтиробга тушди. Бунинг ажабланарли жойи йўқ, чунки у шундай ажойиб фарзандларидан айрилиб қолган эди. 24. Ўғилларининг ҳижрон азобида қийналаётган Пражапати Дакшани Тангри Браҳма овута бошлади. Унинг маслаҳати билан Дакша хотини Панчаджани билан яна минг фарзанд дунёга келтирди, уларни Савалашвалар деб атадилар. 25. Пражапати Дакшаниннг кичик ўғиллари ҳам, отасидан, ер юзининг аҳолисини кўпайтириш учун яшашга буйруқ олиб, Нараяна-сарас кўлига жўнадилар. Катта акалари Нарада Мунининг насиҳатларига амал қилиб, руҳий камолотга эришган ана шу муқаддас жойда Савалашвалар ҳам қаттиқ риёзатга берилдилар. 26. Нараяна-сарас кўли бўйида Дакшаниннг кичик ўғиллари ҳам, акалари сингари, риёзатчиларнинг машаққатли ҳаёти билан яшай бошладилар. Улар қалбидаги дунёвий истаклар иллатидан покланиб, кўлнинг муқаддас сувида чўмилардилар. Улар ҳам қаттиқ риёзатга берилиб, "омкара"дан бошланадиган ведавий мантраларни талаффуз қилардилар. 27-28. Бир неча ой давомида Пражапати Дакшаниннг ўғиллари фақат сув ва ҳаво билан озикландилар. Танасини,

хиссиётини жиловлаб олиб, улар мана бу мантрани зикр қилардилар: - "Биз Унга, ҳамиша илохий даргоҳида яшайдиган Худои Таоло Нараянага сажда қиламиз. Биз Парамахамса, Олий Шахс-Худо олдида сажда қиламиз".

29. Эй шоҳ Парикшит, Дакшанинг кичик ўғилларининг олдига ҳам Нарада Муни келди. Олам аҳолисини кўпайтириш ниятида риёзат чекаётган бу йигитларга ҳам у жумбоқли сўзлар билан мурожаат қилди: 30. - Менинг гапларимга кулоқ солинлар, эй Дакшанинг ўғиллари! Агар сизлар акаларингизни севсанлар, уларнинг йўлидан боринлар! 31. Ҳақиқий дин қонуларини биладиган одамлар катта акаларининг изидан борадилар. Ана шундай эзгу ишлар қилувчи укалар, ака-укаларнинг бир-бирига қанчалик меҳрли эканига ўрнак бўладиган фаришталар - Марутлар орасида мангу яшаб, ҳақиқий бахт лаззатини суришга мурасар бўладилар.

32. Шукадева Госвами шундай деди: - Эй арийлар ичида аълоси, Пражапати Дакшанинг ўғилларига шундай доно насихатлар бериб, нигоҳи ҳар бир тирик мавжудотга бахт келтирувчи Нарада Муни яна йўлида давом этди. Дакшанинг ўғиллари акаларидан ўрнак олиб, авлод қолдириш ҳақидаги фикрдан қайтдилар ва ҳаётини Худони, Кришнани англашга бағишладилар. 33. Савалашвалар, фақат ҳаётини Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаб, Худои Таолонинг марҳаматига эришишга интилаётган зотлар учун ҳамиша очик бўлган ҳақиқий тўғри йўлни танладилар. Улар бу йўлдан кетдилар ва, худди ғарбга кетган тун сингари, ҳалигача қайтиб келмадилар. 34. Айни пайтда Дакша ҳар хил беҳосият аломатларни сеза бошлади. Кўп ўтмай у кичик ўғиллари, Савалашвалар ҳам, Нарада Мунининг насихати билан акаларининг йўлини танлаганини эшитди. 35. Савалашваларнинг Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш учун таркидунё қилганини эшитиб, Пражапати Дакша оғир изтироб чекиб, ақлдан озишига оз қолди. Нарада Муни учратганида, унинг ғазабдан титраётган лабларидан шундай аччиқ сўзлар чиқди.

36. Пражапати Дакша ғазаб билан шундай деди: - О Нарада Муни, сен табаррук авлиё одамнинг кийимини кийиб олгансан, лекин аслида сен - авлиё одам эмассан. Гарчи оилавий ҳаёт кечираётган бўлсам ҳам, ҳақиқий авлиё одам мен бўламан. Ўғилларимга таркидунёлик йўлини кўрсатиб, сен менга нисбатан адолатсизлик билан зулм қилдинг. 37. Ўғилларим ҳали ҳаётда уч қарзини узмадилар. Улар ҳали ҳатто ҳаётда ўз вазифалари нимадан иборат эканини ҳам билмай кетдилар. О Нарада, эй гуноҳлар тимсоли, сен уларнинг бу ҳаётда ҳам, кейинги ҳаётда ҳам бахтли бўлишлари йўлида катта тўсиқ бўлдинг, чунки улар энг аввало (1)авлиёлар олдидаги, (2)фаришталар олдидаги ва (3)отаси олдидаги бурчини бажаришлари керак эди. 38. Бировларга зулм қилиб юриш билан бир вақтнинг ўзида сен Худованд Вишнунинг яқин ҳамроҳлари қаторида юрасан, бу билан сен Уни қаттиқ ҳақоратлаган бўласан. Эй уятсиз ва золим Нарада, нега сен ўғилларимнинг миясига таркидунёлик фикрини сингирдинг? Шундай нобоп иш қилиб ҳам, Парвардигорнинг даврасида қолаверасанми? 39. Худонинг содиқ хизматкорлари ҳамиша адашган руҳларга ғамхўрлик қилдилар. Сен эса, содиқларнинг кийимини кийиб олиб, сенга ҳеч қачон душманлик қилмаган одамлар билан жанжалла-

шасан, ёки дўстларингга сотқинлик қиласан, дўстлар орасига раҳна соласан. Содиклар либосини кийиб юриб, шундай ноўрин, жирканч ишларни қилишга уялмайсанми? 40. Балки сен, "инсон қалбида таркидунёлик кайфиятини уйғотиш ёрдамида уни бу моддий оламга боғланишлардан халос этиш мумкин", деб ўйларсан. Лекин мен аниқ биламанки, ҳақиқий, мукамал илмга эга бўлмай туриб, сенга ўхшаб, фақат кийимини ўзгартириш билан одам таркидунё қилишга қодир бўлмайди. 41. Бизларнинг ҳаётдаги барча мусибатларимизнинг асосий сабабчиси - ўткинчи, дунёвий, моддий лаззатлардир. Лекин, уларнинг аччиқ-чучугини тўла тотиб кўрмай туриб, уларни бутунлай тарк этиб бўладими? Шунинг учун, ҳар бир одам бу дунёдага сохта бахтни ўзи тотиб кўрсин, шунда уларнинг ҳақиқатан ҳам алдамчи, ўткинчи, сароб эканини англаб етади. Шунда у, онгли равишда, ўзидан ўзи таркидунё қилади. Ўзи бу дунёнинг мусибатларини тотиб кўрмай туриб, таркидунё қилган одамларнинг гапи билан таркидунё қилган кишилар, қарорларида қатъий туролмайдилар. 42. Гарчи мен оилали одам бўлсам ҳам, гарчи хотин ва болаларим даврасида яшаётган бўлсам ҳам, ведаларнинг қонун-қоидаларига тўла амал қиламан, гуноҳ ишларга берилмай, ўз меҳнатим натижалари билан лаззатланиб яшайман. Мен барча қурбонлик маросимларини ўтказдим(дева-ягья, риши-ягья, питри-ягья ва нри-ягья). Бу қурбонликларни муқаддас қасамлар, ёки (врата)дарвозалар деб атайдилар, шу боис мени "трихаврата" деб ҳам атайдилар. Лекин, афсуски, ўғилларимни йўлдан уриб, уларни ҳеч қандай заруратсиз таркидунёлик қилишга ундаш билан, сен менга қаттиқ зулм қилдинг. Бундай ишлар учун сени бир марта кечириш мумкин. 43. Бир марта сен мени ўғилларимдан маҳрум қилган эдинг, лекин сен бундай қора ниятингни яна бир марта амалга оширдинг. Сен инсонлар жамиятидаги одоб-ахлоқ қоидаларини билмайдиган ғофил одамсан. Сен бутун коинот бўйлаб сайр қилиб юрасан, аммо мен сени дуои бад қиламан: илоё ҳеч қачон сенинг бирор бошпананг бўлмасин!

44. Шукадева Госвами давом этди: - Эй шоҳ, Нарада Муни Дакшанинг қарғишини буюк авлиёларга муносиб равишда камтарлик билан қабул қилди ва шундай жавоб берди: - *тад бадхам* - "Сен айтгандай бўлсин! Мен сенинг қарғишингни қабул қиламан!" Нарада муни ҳам бунга қарши Дакшани дуои бад қилиши мумкин эди, аммо, сабр-тоқатли ва раҳмдил авлиё садху бўлгани сабабли, у камтаринлик билан тақдирга тан берди.

Олтинчи боб.

Дакша қизларининг шажараси.

1. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - Эй шоҳ, кейинроқ Тангри Браҳманинг илтимоси билан Прачеталарнинг ўғли Пражапати Дакша хотини Асикни билан олтмиш қиз дунёга келтирди. Уларнинг ҳаммасини отаси қаттиқ севарди. 2. Ўн қизини Дакша Дхармараджага(Ямаражга) хотинликка берди, ўн уч қизини - Кашьяпага(аввал ўн иккисини, кейин яна биттасини), йигирма еттисини - Ой фариштасига, иккисини - Ангирага, иккисини - Кришашвага ва иккисини - Бхутага берди. Қолган тўрт қизини ҳам у Кашьяпага берди. (Кашьяпа ҳаммаси бўлиб Дакшанинг ўн етти қизини олди). 3. Энди сенга унинг қизлари кимлар эканини, бутун уч

оламга таралган уларнинг авлодлари кимлар эканини айтиб бераман. 4. Дакшанинг Ямаражга берган қизлари Бхану, Ламба, Какуд, Ями, Вишва, Садхья, Маругвати, Васу, Мухурта ва Санкалпалар эди. Энди мен уларнинг ўғилларини айтаман. 5. Эй шоҳ, Бхану Дева-Ришабхани туғди, у эса, Индрасена деган ўғлини дунёга келтирди. Ламбанинг Видьота деган ўғли бўлди ва у паға-паға булут(облако) ва ёмғирли булутлар(туча)ни яратди. 6. Какуднинг Санкату деган ўғли бўлди. У, умумий Дурга номи билан машҳур бўлган фаришталарни яратган Кикатунинг отаси бўлди. Ями, Нандининг отаси бўлган Сваргани туғди. 7. Вишва ўзидан авлод қолдирмаган Вишвадеваларнинг онаси бўлди. Садхьянинг кўп ўғиллари бўлиб, улар Садхьялар деб аталдилар. Садхьяларнинг фақат битта - Артхасиддха деган ўғли бўлди. 8. Маругватанинг Маругван ва Джаянта деган ўғиллари бўлди. Джаянта Худованд Васудеванинг намоён бўлган қиёфаси эди ва уни Упендра деб атайдилар. 9. Мухурта Маухуртикалар деган фаришталарни туғди. Уларнинг ҳар бири куннинг бир бўлагида ҳукмронлик қиладилар ва шу вақт ичида тирик мавжудотларга улар қилган ишларининг мукофотини берадилар. 10-11. Санкалпанинг "эҳтирос"ни дунёга келтирган Санкалпа деган ўғли бўлди. Васу саккиз Васунинг онаси бўлди, уларни Дрона, Прана, Дхрува, Арка, Агни, Доша, Васту ва Вишвавасу деб атайдилар. Дрона деган Васу хотини Абхиматидан Харша, Шока, Бхая ва бошқа кўп фарзандларни дунёга келтирди. 12. Прана деган Васу ва унинг хотини Урджасватидан Саха, Аюс ва Пуроджава туғилди. Дхрува ва унинг хотини Дхаранидан шаҳарларнинг ҳар хил турлари дунёга келди. 13. Арка деган Васу ва унинг хотини Васана Тарша ва бошқа кўп ўғилларни яратдилар. Агни деган Васу ва хотини Дхарадан ҳам жуда кўп ўғиллар туғилди, уларнинг тўнғичи Дравинака эди. 14. Агининг бошқа хотини Криттикидан Сканд(Карттикея) туғилди, унинг тўнғич ўғли Вишакха бўлди. Доша деган Васу ва хотини Шарваридан Шишумара туғилди. У - Худонинг Олий Шахсининг тимсолидир. 16. Васту деган Васу ва хотини Ангирасадан буюк меъмор Вишвакарма туғилди. Вишвакарма хотини Акрити билан Чакшуша деган Мануни дунёга келтирди. Вишвадевалар ва садхьялар Манунинг ўғилларидир. 16. Вишвавасу деган Васу ва хотини Ушидан Вьюшта, Рочиша ва Атапа деган ўғиллар туғилди. Атападан Панчаяма(кун) дунёга келди, у ҳаммани тирикчилик ишларига ундайди. 17-18. Бхутанинг хотини Сарупа ўн миллион Рудра туғди; уларнинг энг асосийлари ўн битта эди, улар -Райвата, Ажда, Бхава, Бхима, Вама, Угра, Вришакапи, Аджайкапат, Ахирбрадхна, Бахурупа ва Махан. Бхутанинг бошқа хотинидан уларнинг ҳамроҳлари - даҳшатли жин(дух) ва (призрак)арвоҳлар туғилди. 19. Пражапати Ангиранинг хотинлари Свадха ва Сати эди. Свадха питаларга она бўлди, Сати эса, Ведалар тимсоли бўлган Атхарвангирасага она бўлди. 20. Кришашва Арчис ва Дхишанани хотинликка олди. Арчис Дхумакету деган ўғил туғди, Дхишана эса, - Ведашира, Девала, Ваюна ва Ману деган ўғилларни туғди. 21-22. Кашьяпа(Таркшья)нинг хотинлари Вината(Супарна), Кадру, Патанги ва Ямини эди. Патангидан кушларнинг жуда кўп турлари дунёга келди, Яминидан - чигирткалар, Винатадан - Худованд Вишнуни олиб юрадиган Гаруда, шунингдек, Куёш фариштасининг жиловдори Анура(Аруна) туғилди. Кадрудан илонларнинг ҳар хил турлари дунёга келди. 23. О

Махараж Парикшит, эй Бхаратлар аълоси, Ой фариштасининг хотинлари - Криттика ва бошқа юлдуз туркумлари бўлди. Аммо, Дакшанинг қарғишига учраб, Ой фариштаси кундан кунга ҳолдан тойиб, ўзининг бирор хотинидан ҳам фарзанд кўролмади. 24-26. Кейинроқ, Ой фариштаси ширин сўзлари билан Дакшанинг кўнглини овлади ва касаллиги сабабли йўқотган нурини қайтариб олди: янги ой туғилишига қараб камайиб борадиган ой нури, ойнанинг ўсишига қараб яна тўлиша борадиган бўлди. Барибир ой фариштаси бефарзандлигича қолди. Эй шоҳ Парикшит, энди мен сенга Кашьяпанинг саодатли хотинларини - коинотнинг деярли барча аҳолисининг оналарини айтаман: Адити, Дити, Дану, Каштха, Аришта, Сураса, Ила, Муни, Кродхаваша, Тамра, Сурабхи, Сарама ва Тими. Тимидан сувда яшайдиганлар, Сарамадан - арслон ва йўлбарс сингари йирткич ҳайвонлар дунёга келди. 27. О Парикшит, Сурабхи кўтос, сигир ва бошқа кўш туёқлиларга ҳаёт бағишлади. Тамра - бургугларга, калхат ва бошқа йирткич кушларга, Муни эса - самовий рақосаларга ҳаёт бағишлади. 28. Кродхаваша дандашук-илонларини ва шунга ўхшаган махлуқларни, чивинларни яратди. Ила - дарахт ва бугазорларни, Сураса - ёвуз рақшасларни дунёга келтирди. 29-31. Ариштадан гандхарвалар туғилди, Каштхадан - отлар ва бошқа якка туёқли ҳайвонлар дунёга келди. Эй шоҳ, Дану олтмиш бир ўғил туғди. Уларнинг ичида ўн саккизи шон-шухрат қозондилар, улар - Двимурдха, Шамбара, Аришта, Хаягрива, Вишвавасу, Айомукха, Шанкушира, Сварбхану, Капила, Аруна, Пулома, Вришапарва, Экачакра, Анутапана, Дхумракеша, Вирулакша, Випрачитти ва Дурджая. 32. Свабханунинг Супрабха деган қизи Намучининг хотини бўлди. Вришапарванинг қизи Шармиштхани, Нахушининг ўғли, қудратли шоҳ Яятига бердилар. 33-36. Данунинг бошқа ўғли, Вайшванаранинг тўрт ажойиб қизи бор эди: Упадана, Хаяшира, Пулома ва Калака. Упадана, Хираньякшанинг хотини бўлди, Хаяшира эса, - Кратунинг хотини бўлди. Тангри Браҳманинг амри билан Пулома ва Калакани Пражапати Кашьяпа хотинликка олди. Кашьяпанинг шу икки хотини олтмиш минг ўғил туғди, улар Пауломалар ва Калакеялар деб аталдилар; уларнинг тўнғичи Ниватакавача эди. Жуда қудратли ва жанговор кайфиятда юриб, улар буюк донишмандларга қурбонлик маросими ўтказишга халақит бериб, тўсқинлик қилардилар. Эй шоҳ, жаннатда меҳмон бўлганида бобонг Аржун уларнинг ҳаммасини ўлдириб, яқсон қилиб ташлади; шу иши билан Аржун Индранинг чуқур меҳр-муҳаббатини қозонганди. 37. Випрачитти ва хотини Самхиканинг юз бир ўғли бўлди. Уларнинг қаттаси Раху эди, қолганлари Кетулар деб аталдилар. Уларнинг ҳаммаси қудратли сайёралар бўлиб етишдилар. 38-39. Энди мен сенга тартиб билан Адитиларнинг ўғилларини айтаман. Унинг авлоди шажарасида Худои Таолонинг Ўзи, Нараяна ҳам бу дунёга ташриф буюрди. Улар: - Вивасван, Арьяма, Пуша, Твашта, Савита, Бхага, Дхата, Видхата, Варуна, Митра, Шатру ва Урукрама. 40. Куёш фариштаси Вивасван ҳамда унинг саодатли хотини Самгядан Шрадххедева деган Ману ва эгизаклар Ямараджа ва Ями(Ямуна дарёси) туғилди. Ями, ер юзида байтал от қиёфасида айланиб юриб, Ашвини-кумарларни туғди. 41. Вивасваннинг бошқа хотини Чхайдан икки ўғил - Шанаишчара ва Саварни Ману, яна Тапати деган қиз фарзанд туғилди. Тапати Самваранани ўзига куёвликка

танлаб, унга эрга чиқди. 42. Арьяма ва унинг хотини Матрикадан донишманд-ўғиллар туғилди. Тангри Браҳманинг амри билан улар ўзлигини англашга интиладиган инсонлар зотини яратишни бошлаб бердилар. 43. Пушанинг ўғиллари йўк эди. Шива билан Дакша орасида жанжал бўлиб турганида Пуша тишларини иржайтириб, Тангри Шиванинг устидан кулган эди. Шунинг учун, у тишларидан айрилиб, фақат ун билан озиқланишга мажбур бўлди. 44. Пражапати Твашта Дайтъяларнинг қизи Рачанани хотинликка олди. У билан икки кудратли ўғил - Саннивеша ва Вишварупани дунёга келтирди. 45. Вишварупа, гарчи фаришталарнинг ашаддий душмани бўлган иблисларнинг невараси бўлса ҳам, фаришталар уни ўзларига қурбонлик ўтказувчи рухоний, рухий устоз қилиб танладилар. Фаришталар ўзларининг рухий устози Брихаспатиини ҳақорат қилиб, устозсиз қолганида уларга Тангри Браҳма шунини амр этганди.

Еттинчи боб.

Индранинг рухий устози Брихаспатиини ҳафа қилиб қўйгани.

1. Махараж Парикшит шундай деди: - Эй буюк донишманд, нима сабабдан Брихаспати, жаннат ахолисининг рухий устози шогирдларидан юз ўғирди? Фаришталар нима сабабдан рухий устозига ёқмай қолдилар? Менга шу ҳақда гапириб бер.

2-8. Шукадева Госвами шундай деди: - Эй шох, бир пайтлар, жаннат салтанатининг ҳукмдори Индра, бутун уч оламнинг бойлигига эга бўлганидан мағрурланиб, муқаддас китобларда кўрсатилган одоб-ахлоқ қоидаларини бузган эди. Бир куни Индра тахтда ўтирар, унинг атрофида Марутлар, Васулар, Рудралар, Адитъялар, Рибхулар, Вишвадевалар, Садхъялар, Ашвини-кумарлар, сиддхалар, чараналар, гандхарвалар ва буюк авлиёлар бор эди. У ерда яна видьядхаралар, апсаралар, киннарлар, пагага(илохий қуш)лар ва урага(илохий аждар)лар ҳам бор эди. Уларнинг барчаси Индрага хизмат қилиб, уни олқишлар, гандхарва ва апсаралар эса, унинг олдида рақсга тушиб, жаннатий ширин мусиқаларда қўшиқ куйларди. Унинг боши узра худди тўлин ойдай порлаб турган оқ соябон ушлаб турардилар. Индрани яқнинг куйруғидан қилинган оппоқ елпиғич билан елпиб, шоҳона эхтиром билан ҳамма унинг кўнглини хушларди. Унинг ёнида рафиқаси соҳибжамол Шачидеви ўтирганди. Бир пайт шу ерга Индра ва бошқа фаришталарнинг рухий устози, иблислар ҳам фаришталар ҳам бирдай ҳурмат қиладиган донишманд Брихаспати кириб келди. Лекин, Индра уни кўрса ҳам, ҳурмат учун ўрнидан турмади, унга муносиб жой кўрсатмади, уни эхтиром билан қарши олмади: ўзининг бу ҳаракати билан у рухий устозига муносиб ҳурмат кўрсатмаганди. 9. Брихаспати шундай воқеа бўлишини олдиндан биларди. Индранинг одобсизлик қилаётганини кўриб, жаннат ҳукмдори ўзининг бойлиги ва мартабасидан жуда мағрурланиб, манман бўлиб кетганини тушунди. Донишманд Индрани шу заҳотиёқ дуои-бад қилиши мумкин эди, лекин Брихаспати ундай қилиб ўтирмади; у мажлис залидан индамай чиқиб, уйига қайтиб кетди. 10. Индра шу заҳотиёқ ўзининг

хатосини тушуниб етди. Рухий устозига ҳурматсизлик қилганини кўриб, у пушаймон бўлиб, тўпланган зотларнинг олдида ўзини қаттиқ қийин бошлади.

11. - "Минг ланъат! Манманлик билан нима ишлар қилиб қўйдим-а! Менинг олдимга рухий устозим келган эди, мен эса, унга муносиб эхтиром кўрсатиб қарши олиш ўрнига, уни ҳафа қилиб қўйдим! 12. Мен - ҳаммиша эзгулик ҳолатида яшайдиган фаришталарнинг шоҳи бўлатуриб, арзимас бойлигим таъсирида жуда мағрурланиб кетдим ва сохта ўзлик, ғурур ботқоғига ботиб қолдим. Шунчалик пастликка қулаши мумкинлигини била туриб, жаҳонда ким ҳам ҳозир мен эгаллаб турган салтанатимга ва бойлигимга эга бўлишга интиларди? Бутун бойлигимга минг ланъатлар бўлсин! 13. "Тахтда ўтирган шоҳ бошқа бир шоҳни ёки браҳмани қарши олиш учун ўрнидан турмаслиги лозим" - дейдиган киши Худои Таолонинг Олий қонуларини яхши билмайди. 14. Ғафлат ботқоғига боған ҳукмдорлар ва уларнинг гапи билан ана шундай хатарли йўлга қирадиган одамлар тошдан қилинган кемага чиққандай бўладилар. Ундай кема сув юзида тура олмайди, - ҳамма одамлари билан бирга сув тагига ғарқ бўлади. Худди шунингдек, одамларни ҳақиқат йўлидан оздиратганларнинг ўзи ҳам, уларга эргашганлар ҳам, албатта, дўзахга равона бўладилар. 15. Мен ҳозир бориб, чин қалбимдан, фаришталарнинг рухий устози Брихаспатиининг нилуфар қадамлари пойига камтарин ҳолда бош қўяман. У ҳаммиша эзгулик гунасида юради, шунинг учун, унга аллақачон ҳамма нарса аён; у браҳманлар ичида аълоси. Мен унинг оёқларига йиқилиб, кечирим сўраб, менга раҳм қилишини сўрайман".

16. Фаришталар шоҳи Индра қилган гуноҳини англаб, тўпланганлар олдида афсусланиб турганида, кудратли рухий устоз Брихаспати, унинг фикридан дарров хабардор бўлди ва кўзга кўринмайдиган қиёфага кириб, уйини тарк этди. Бунинг ажабланарли жойи йўк, чунки у Индрага қараганда анча кучли илохий кудратга эга эди. 17. Индра ва фаришталар Брихаспатиини ҳамма ердан изладилар, лекин ҳатто унинг изини ҳам тополмадилар. Шунда Индра, рухий устози ундан норози эканини, энди ҳаётда ҳеч бир ишда унинг омади келмаслигини тушуниб етди. Шундан бери, гарчи ҳаммиша фаришталар орасида юрса ҳам, кўнгли нотинч юрарди. 18. Индранинг кўнгли нотинчлигини иблислар пайқаб қолдилар ва рухий устози Шукрачарьянинг маслаҳати билан, қуролланиб, фаришталарга қарши уруш бошладилар. 19. Иблисларнинг ўтқир пайконлари фаришталар танасига тегиб, уларнинг оёқ-қўлларини, каллаларини жароҳатлай бошлади. Шунда Индра бошлиқ фаришталар бу офатдан қутулишнинг бошқа иложини тополмай, Тангри Браҳмага мурожаат қилдилар. Унинг олдида бош эгиб, ҳимоя қилишни ва бирор маслаҳат беришни сўрай бошладилар.

20. Тангри Браҳма шундай деди: - Эй фаришталар аълоси, бахтга қарши, моддий, ўткинчи бойлик, молдунё сизларнинг ақлингизни олиб қўйибди, мажлислар саройига Брихаспати кириб келганда уни муносиб қутиб олмадинглар. Брихаспати - браҳманлар аълоси, чунки у Олий Браҳмани англаб етган, ақлини ва хиссиётини тўла жиловлаб олган зот. Шундай буюк зотни ҳақорат қилишга қандай журъат қилдинглар? 22. Сизлар Брихаспатиининг олдида гуноҳқорсизлар, эй фаришталар, шунинг учун иблислар сизларни осонлик билан енгдилар. Акс ҳолда улар ҳеч қачон сизларни

енга олмасди, ахир улар на куч-қудратда, на бойликда, ҳеч қачон сизларга тенг бўлган эмасди, уларни неча марта мағлубиятга учратган эдинглар. 23. О Индра, сенинг душманларинг, иблислар ҳам бир пайтлар руҳий устози Шукрачарьяга ҳурматсизлик қилган, натижада улар ҳам бугун куч-қудратидан маҳрум бўлган эдилар. Лекин, улар хатоларини тўғри тушуниб, Шукрачарьяга яна самимий ҳурмат-эҳтиром кўрсата бошлаганларидан кейин, аввалги куч-қудратига қайтадан эришдилар. Шукрачарьяга бўлган чексиз садоқати туфайли, ҳозир улар хатто менинг даргоҳимни ҳам босиб олишга қодир куч-қудратга эга бўлдилар. 24. Шукрачарьянинг барча насиҳатларига тўлиқ амал қилишга қатъий қарор қилган шогирдлари, иблислар, жангда енгилмас, фаришталардан ҳам кўрқмайдиган бўлдилар. Ҳақиқатан ҳам, шоҳми, гадоми, ким бўлишдан қатъий назар, - барҳманларнинг, сигирларнинг ва Худои Таоло Кришнанинг чексиз марҳаматига чуқур иймон келтирган ва уларни эъзозлайдиган киши ҳеч қачон ўзининг куч-қудратини йўқотмайди. 25. Эй фаришталар, сизлар энди Тваштанинг ўғли Вишварупанинг олдига боринглар, уни ўзларингизга руҳий устоз деб қабул қилинглар. У қалби пок ва жуда қудратли риёзатчи-браҳман. Унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатинглар, у сизлардан мамнун бўлиб, барча истакларингизни амалга оширади. Фақат, унинг иблисларга ён босишини юзига солманглар.

26. Шри Шукрадева Госвами давом этди: - Эй шоҳ, Тангри Браҳманинг маслаҳати билан, фаришталар кўтаринки руҳ билан Тваштанинг ўғли донишманд Вишварупанинг олдига йўл олдилар. Браҳманнинг олдига келиб, уни ҳурмат билан бағрига босдилар ва шундай сўзлар билан мурожаат қилдилар.

27. Фаришталар шундай дедилар: - О севимли Вишварупа, ҳамиша омад сенга ёр бўлсин. Биз сенинг даргоҳингга меҳмон бўлиб келдик. Илтимосимизни қабул этиб, иложи бўлса уни бажаришингни илтимос қиламиз. Бизларнинг таклифимизни рад этма, ахир бизларнинг ҳар биримиз сенинг отанг қаторимиз-ку. 28. О браҳман, ўғил фарзанднинг энг олий вазифаси, гарчи унинг ўзи ота бўлиб улгурган бўлса-да, ота-онасининг амрини бажаришдир. Шундай экан, ҳали оила қурмаган браҳмачарья-ўғил ҳақида нима дейиш мумкин? 29-30. Инсонга ведавий илм сирларини очиб, муқаддас зуннор таққан ачарья, руҳий устоз Ведаларнинг вакили ҳисобланади. Ота - Тангри Браҳманинг вакили, ака - шоҳ Индранинг, она - Ернинг, опа-сингил - меҳрибонликнинг тимсолидир. Кутилмаган меҳмон - Худои Таолонинг қонуни тимсолидир, чақирилган меҳмон эса, - фаришта Агнининг вакилидир. Барча тирик мавжудотлар - Худои Таоло, Вишнунинг тимсолидир. 31. Эй ўғлон, душманамиз бизларни мағлуб қилди, шундан ҳозир қаттиқ изтироб чекаймиз. Бизларга ўз марҳаматингни кўрсатиб, қилган риёзатларинг қудрати билан бизларни бу мусибатдан халос эт. Бизларнинг илтижоларимизга қулоқ сол! 32. Сен Браҳманга эришган зотсан, шунинг учун ҳақиқий, комил браҳмансан, барча табақаларнинг руҳий устозисан. Руҳий устозимиз бўлиб, бизларга тўғри кўрсатмалар бер, риёзатинг қудрати билан душманларимизни мағлубиятга учратишимизга ёрдам бер. 33. Сен бизларни, ҳали ёш эканимни юзимга солади, деб кўрқма. Ведавий мантралар ҳақида гап борганда одамнинг ёши эътиборга олинмайди. Одатда улуғликни ёш билан ўлчайдилар, аммо бу ўлчов ведавий мантраларни ўқишда юксак даражага

эришган зотлар учун тўғри келмайди, шунинг учун, хатто ёши улуғлар ҳам ундай одамни эъзозлайдилар. Гарчи сенинг ёшинг бизникидан кичкина бўлса ҳам, ҳеч тортинмасдан бизларнинг руҳий устозимиз бўлишинг мумкин.

34. Шукрадева Госвами давом этди: - Фаришталарнинг уларга руҳий устоз бўлишни таклиф қилиши буюк риёзатчи Вишварупага маъқул келди ва у фаришталарга шундай деб жавоб берди.

35. Шри Вишварупа шундай деди: - Эй фаришталар, руҳоний бўлиш вазифасини бўйнига олган браҳман ачинарли аҳволга тушиб қолади, чунки, бу ҳолат унинг браҳманлик қудратига путур етказди. Лекин, мендай бир арзимас зот сиздай фаришталарнинг илтимосини рад эта олармиди? Сизларнинг ҳар бирингиз - коинотнинг буюк ҳукмдорисизлар, мен эса, - сизларнинг шогирдингизман, ҳали мен сизлардан жуда кўп нарса ўрганишим керак. Мен ўз манфаатим, саодатим учуноқ сизларнинг илтимосингизга рози бўлишим керак. 36. Эй сайёраларнинг шавкатли ҳукмдорлари, моддий бойлиги бўлмаган ҳақиқий браҳман шилончхана(бозорда сочилиб ётган ёки далада қолган дон) билан кун кечиради. Риёзат билан кун кечираётган браҳман шу тарзда оиласини боқади, айна пайтда тақводор зот бажариши лозим бўлган ҳамма амалларни бажариб яшайди. Аммо, руҳонийлик вазифасини бажариш билан бойлик ортиришни ният қилган браҳман - ҳақиқатан ҳам паства, нотўғри фикрли браҳмандир. Мен қандай қилиб руҳонийлик вазифасини бўйнимга олишим мумкин? 37. Лекин, сизлар - ҳурмат қилишим лозим бўлган зотлар бўлганингиз учун, - гарчи баъзида бу иш номаъқул бўлса ҳам, сизларнинг руҳий устозингиз бўламан. Сизларнинг ҳеч қандай илтимосингизни рад эта олмайман. Керак бўлса, сизларга хатто жонимни ҳам беришга тайёрман.

38. Шри Шукрадева Госвами шундай деди: - Эй шоҳ, фаришталарга берган ваъдасида туриб, улуғвор Вишварупа уларнинг даврасида моҳирлик билан руҳонийлик вазифасини бажарди. 39. Фаришталарнинг ашаддий душманлари - иблислар эгаллаган бойликлар Шукрачарьянинг браҳманлик санъати ва илми ёрдамида ишончли ҳимоя қилинарди. Лекин, қудратли Вишварупа "Нараяна кавача" номи билан машҳур бўлган қалқон дуо-илтижосини тўқиди. Буюк донишмандлик илми мужассам бўлган мана шу мантра ёрдамида у жаннат шоҳи Махендрага иблисларнинг мол-дунёсини эгаллашда ёрдам берди. 40. Шоҳ Индра(сахасра-акша)га ана шу махфий мадҳияни ошкор этиб, руҳи юксак Вишварупа унга жангда енгилмас бўлиш ва иблисларнинг қўшинини тор-мор қилиш учун имкон яратди.

Саккизинчи боб.

"Нараяна-кавача" ҳимоя қалқон дуоси.

1-2. Махараж Парикшит шундай деди: - Эй ҳукмдор, илтимос, иблислар билан бўлган жангда Индрани ҳимоя қилган, унга жанговор ҳайвонлари билан бирга душман қўшинини тор-мор қилишга ёрдам берган ва бугун уч олам бойликларига эга бўлиш имконини берган ҳимоя-қалқон дуоси, вишну-мантра ҳақида гапириб бер. Нараянанинг марҳамати билан қандай сеҳрли қалқон яратилган эди, унинг шарофати билан

Индра қандай қилиб, ўзини ўлдириш ниятида юрган душманларини тор-мор қилишга эришди. Шулар хақида гапириб бер.

3. Шри Шукадева Госвами шундай деб жавоб берди: - Бир куни фаришталар сардори Индра, жаннат салтанатининг бош рухонийси Вишварупадан, "Нараяна-кавача" деб аталадиган ҳимоя мантрасини беришни илтимос қилди. Вишварупа унга нима деб жавоб берганини диққат билан эшит.

4-6. Шри Вишварупа шундай деди: - Хавф-хатар тажовуз қилганда, қўл ва оёқларни ювиб, (мана шу мантрани зикр этиб, ачаман қилиш керак.

ом апавитрах павитро ваа сарваавастхаам гато пи ваа йах

смарет пундарикаакшам са бахйаабхйантарах шу-чих,

ири-вишну, ири-вишну, ири вишну.

Кейин, куша майсасини ушлаб, шимолга қараб ўтирган холда, бироз сукут сақлаш керак. Покланиб бўлгач, аввал саккиз бўғинли мантранинг ҳар бўғинини тананинг саккиз қисмига жойлаш лозим. Кейин ўн икки бўғинли мантранинг ҳар бўғинини қўлнинг бармоқларига жойлаш керак. Шу тарзда нараяна мантрадан қалқон кийиш йўлини тингла. Саккиз бўғинли (*ом на-мо на-ра-йа-на-йа*) мантрани тиловат қилиб, навбат билан тананинг саккиз қисмига қўл теккизиш лозим: 1-оёқ товони, 2-тизза, 3-сон, 4-қорин, 5-юрак, 6-кўкрак, 7-оғиз ва 8-бош. Шундан сўнг, шу мантрани, *йа* бўғинидан бошлаб, тескари тартибда тиловат қилиб, тескари тартибда тана қисмларига қўл теккизиш керак. (Бу икки амал *утпат-ти-ньяса* ва *самхара-ньяса* деб аталади.) (*покми, нопокми, моддий ҳаётнинг барча чиғирикларидан ўтган ҳар қандай одам, агар нилуфар кўзли Парвардигорни эслаб юрса ҳам ичидан, ҳам сиртидан бутунлай пок бўлади.) 7. Кейин, ўн икки бўғинли мантрани тиловат қилиш лозим, *ом на-мо бха-га-ва-те ва-су-де-ва-йа*. Ҳар бир бўғин олдида омкарани тилга олиб, ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғидан бошлаб, чап қўлнинг кўрсаткич бармоғида тамомлаб, саккиз бўғинни бармоқларга жойлаш керак. Қолган тўрт бўғинни катта бармоқларнинг (фаланга) бўғинига жойлаш керак. 8-10. Шундан сўнг, олти бўғинли мантрани зикр қилиш лозим, *ом ви-ш-на-ве на-мах*. *ом* бўғинини юракка, *ви* бўғинини - бошнинг тепасига, *ша* - қошларнинг ўртасига, *на* - шикхага, *ве* - буруннинг устига жойлаш керак. Кейинги *на* бўғинини тананинг барча суставларига жойлаш керак, кейин *ма* бўғинини илоҳий куролим, деб фараз қилиб, унда фикрни жамлаш керак. Шу тариқа, мана шу мантранинг мукамал тимсоли бўлиб, охириги *ма* бўғинига *ха* ҳарфини қўшиб, шарқдан бошлаб, оламнинг тўрт тарафига қараб, шундай деб талаффуз қилиш керак: *мах астрайя пхат*. Шу тарзда сен ҳамма тарафдан нараяна-мантра ёрдамида мустаҳкам ҳимояланган бўласан. 11. Мантраларни зикр қилишни тамомлаб, инсон ўзи(руҳ)нинг Худои Таоло билан сифат жиҳатдан бир хил, ягона эканини мувожаба қила бошлаши лозим. Худои Таоло барча олти мукамалликнинг тўла соҳиби ва мувожаба қилишнинг энг олий объектидир. Шу ҳолатда ўтириб, ҳимоя истаб, Парвардигор Нараянага мувожаат қилиб, "Нараяна-кавача" илтижосини тиловат қилиш лозим. Ману шу илтижо-мантра:

ом харир видадхйан мама сарва-ракшам нйастангхри-надмах патангендра-притхте

дарари-чармаси-гадешу-чапа-пашан дадхано`шта-бахух

12. Гаруданинг елкасига нилуфар пойқадамларини кўйиб ўтирган Парвардигор қўлига куролларнинг саккиз турини ушлаб олган: сур, халқа, қалқон, қилич, гурзи, камон ва пайконлар, кишан. Шу Парвардигор мени саккиз қўли билан ҳаммиша Ўз паноҳида асрасин. Саккиз турли сеҳр қудратининг барчаси тўла равишда Унда мужассам, шу сабабли у ҳар нарсага қодирдир.

джалешу мам ракшату матсйа-муртир йадо-ганебхйо варунастйа пашат стхалешу майавату-вамано`вйат тривикрамах кхе`вату вишварупах

13. Катта наҳанг Балиқ қиёфасида намоён бўлган Парвардигор мени фаришта Варунанинг сувдаги барча йиртқич ҳамроҳларидан ҳимоя қилсин! Чалғитувчи қуввати ёрдамида пакана Вamana қиёфасида намоён бўлган Парвардигор мени қуруқликдаги турли офатлардан асрасин! Баҳайбат Вишварупа қиёфасидаги Парвардигор мени осмонда Ўз ҳимоясига олсин!

дургешв атавй-аджи-муххадйшу прабхух пайан нрсимхо`сура-йутхпарих вимунчато йасйа махатта-хасам дишо вине дур кйапатами ча гарббах

14. Иблис Хиранякашипунинг рақиби сифатида намоён бўлган Худованд Нрисимхадева мени ҳар тарафдан Ўз паноҳига олсин! Унинг гулдуросли қаҳ-қаҳаси иблис аёлларни талвасага солади. Ўз марҳаматини аямай ўрмонда ва ҳар қандай жангу-жадалда Парвардигор мени Ўз ҳимоясига олсин!

ракшатв асау мадхвани йаджна-калтах сва-дамштрайоннита-дхаро варахах рамо`дри-кутешв атха виправасе салакимано`вйад бхаратаграджо`сман

15. Парвардигорга фақат қурбонлик қилиш билан эришиш мумкин, шунинг учун Уни Яғйешвара - қурбонликлар эгаси деб улуғлайдилар. Баҳайбат Тўнғиз қиёфасига кириб, Ерни коинот қаъридан ўткир куракларидан кўтариб чиққан Парвардигор мени кўчадаги ҳар хил йўлтўсарлардан ҳимоя қилсин! Парашурама қиёфасидаги Парвардигор мени тоғ чўққиларида Ўз паноҳида асрасин! Бҳаратнинг оғаси Рамачандра укаси Лакшман билан бирга мени ўзга юртларда паноҳлари остига олсин!

мам угра-дхармад акхилат прамадан нарайанах пату нараш ча хасат даттас тв айогад атха йога-натхях пайад гунешах капилах карма-бандхат

16. Парвардигор Нараяна мени сохта диний ақидаларга амал қилишдан, ўзимнинг ҳақиқий вазифаларимни бажаришни тарк этиб, хато йўлларга кириб кетишдан асрасин! Жамики сеҳрли қудратлар эгаси Даттатрея мени Худого холис хизмат қилиш йўли(бхакти-йога)дан адашишдан асрасин! Барча эзгу фазилатлар эгаси бўлган Худованд Капила мени ўткинчи дунёнинг орзу-хавасларига берилиб кетишдан сақласин!

санат-кумаро`вату камадевад дхайашириша мам патхи дева-хеланат девариши-варйах пурушарчанантарат курмо харир мам нирайад ашешат

17. Санат-Кумар мени ҳирсий эҳтиросларга берилиб кетишдан асрасин! Рухий юксалишимга салбий таъсир қилувчи ишларга берилиб кетишдан, Парвардигорга сажда қилишни тарк этиб, содиқларга озор берувчи

ножўя ҳаракатлар қилишдан Худованд Хайагриванинг Ўзи асрасин! Худои Таолога сажда қилаётганда нотўғри амаллар қилиб, Унга шак келтириб қўйишдан Деварши Нараданинг Ўзи асрасин! Худованд Курма мени сон-саноксиз дўзахий сайёраларга тушиб қолишдан асрасин!

*дханвантарир бхагаван патв апатхйад
двандвад бхайад ршабхо нирджитатма
йаджнаш ча локад аватаджджанантад
бало ганат кродха-вашиад ахиндраҳ*

18. Худонинг Олий Шахси Ўзининг Дханвантари қиёфасида мени ҳар турли номаъқул, ҳаром таомлардан ва касалликлардан асрасин. Ички ва ташқи хиссиётларини тўлиқ бошқара оладиган Худованд Ришабхадева мени иссиқлик ва совуқлик каби қарама-қаршилиқлардан келиб чиқадиган ташвишлардан халос этсин! Парвардигор Ягйа мени ноҳақ тухматдан ва эл оғзига тушиб, машхур, овоза бўлишдан келиб чиқадиган азоблардан асрасин! Шеша қиёфасидаги Худованд Баларама мени ҳасадгўй илонлардан асрасин!

*двайпайано бхагаван апрабодхад
буддхас ту пашанда-гана-парамадат
калких калех кала-малат прapati
дхармаванайору-кртаватараҳ*

19. Худонинг Олий Шахси Вйасадева қиёфасида мени ведавий илм етишмаслигидан келиб чиқадиган ғафлат ботқоғига ботиб қолишдан асрасин! Худованд Буддхадеванинг Ўзи мени муқаддас китоб(Веда)лардаги қонун-қоидаларга зид келадиган ҳаракатлар қилишдан ва дангасалик қилиб, тўғри йўлдаги қоида ва амалларни бажармай қўйишдан асрасин! Ҳақиқий диний қонун-қоидаларни ўрнатиш ниятида Калкидева қиёфасида намоён бўладиган Худонинг Олий Шахси мени Кали даврида ғафлат ботқоғига ботиб қолишдан асрасин!

*мам кешаво гадайя пратар авйад
говинда асангавам атта-венух
нарайанах прахна удатта-шактир
мадйан-дине вишнур ариндра-паниҳ*

20. Қўлида гурзи ушлаган Худованд Кешава мени куннинг биринчи чорагида, ҳамиша сурнай чалиб юрвчи Парвардигор Говинда куннинг иккинчи чорагида, Ўзининг барча қувватлари билан бирга Худованд Нараяна куннинг учинчи чорагида, душманларни яксон қилиш учун қўлида халқа олиб юрган Худованд Вишну эса, мени куннинг тўртинчи чорагида ҳар турли офатлардан асраб юрсин!

*дево `парахне мадху-хоградханва
сайам три-дхамавату мадхаво мам
доше хришкеша утардха-ратре
нишитха еко `вату падманабхах*

21. Иблислар қалбига ғулғула солувчи Худованд Мадхусудана мени куннинг бешинчи қисмида асрасин! Браҳма, Вишну ва Махешвара сифатида намоён бўлган Худованд Мадхава кечкурун, тун кирганда эса, Худованд Хришикешанинг Ўзи мени асрасин! Ярим тунда мени Худованд Падманабханинг Ўзи барча офатлардан асрасин!

*шриватса-дхармапара-ратра ишаҳ
пратйуша ишо `сти-дхаро джанарданаҳ
дамодаро `вйад анусандхйам прабхате
вишвешваро бхагаван кала-муртиҳ*

22. Қўкрагида Шриватса белгиси бўлган Худонинг Олий Шахси мени ярим кечадан то тонг ёришгунча Ўзи

ҳимоясига олсин! Қўлида қилич тутган Худованд Жанардана тун охирида мени Ўз паноҳига олсин! Худованд Дамодара мени эрта тонгда, Худованд Вишвешвара эса мени тун ва куннинг ниҳоясида ўз ҳимоясига олсин!

*чакрам йугантанала-тигма-неми
бхрамат самантад бхагават-прайуктам
дандагдхи дандагдхи ари-сайнйам ашу
какшам йатха вата-сакхо хутаашаҳ*

23. Худонинг Олий Шахси ҳаракатга келтирган, жаҳоннинг ҳар ерида айланиб юрган Худои Таолонинг чакра(халқа)си - охир замон пайтида бутун оламни ёндириб кул қиладиган олов сингари қудратли кучга эга. Худди шамол таъсиридан ловуллаган олов майсаларни ёндириб кул қилгани сингари, Сударшана Чакра ҳам бизнинг душманларимизни ёндириб кул қилсин!

*гаде `шанти-спаршана-виспхулнге
ништиндхи нитиндхи аджита-прийаси
кушманда-вайнайака-йакша-ракшо-
бхута-грахами чурнайя чурнайарин*

24. Эй, Худонинг Олий Шахси қўлидаги гурзи! Сен яшин ва бўрондай қудратли оловли чақмоқларни яратасан ва сен Парвардигорга жуда ҳам азизсан. Мен ҳам Унинг содиқ хизматкориман. Шунинг учун медан Ўз марҳаматингни аяма ва золим мавжудотлар бўлган кушманда, вайнаяка, якшас, рақшас, бхута ва грахаларни янчиб ташла! Уларни яксон қил!

*твам йатудхана-прамадха-прета-матр-
нишача-випраграха-гхора-дритин
дарендра видравайя крина-пурито
бхима-свано `рер хрдайани кампайан*

25. Эй сурларнинг энг аълоси, Парвардигор қўлидаги Панчаджаня, сен ҳамиша Парвардигор Кришна билан тўласан. Рақшаслар, арвоҳ-праматҳалар, маталар, ажиналар ва кўзлари даҳшатли алвасти-браҳманлар каби душманларни даҳшатга солувчи овозингни барала янгат!

*твам тигма-дхараси-варари-санйам
иша-прайукто мама чхинди чхинди
чакушми чарман чхата-чандра чхадайя
двешам агхонам хара папа-чакишум*

26. Эй ўткир қиличлар султони, сен Худонинг Олий Шахсига холис хизмат қиласан! Сендан илтимос, душманларимни тилка-пора қил! Эй юзлаган ой каби доиралар билан безанган қалқон, сендан илтимос, мени гуноҳкор душманлар кўзидан ўзинг асра! Уларнинг гуноҳкор кўзларини ўзинг кўр қил!

*но бхайам грахебхйо `бхит
кетубхйо нрбхйа эва ча
сарисрнебхйо дамштри бхйо
бхутебхйо `мбхогйа эва ча
сарвани этани бхагаван-
нама-рупанукиртанат
прайанту санкшайам садйо
йе наҳ шрейяҳ-пратипакаҳ*

27-28. Худои Таолонинг илохий муқаддас номларини, қиёфаларини, сифатларини ва Унга тегишли нарсаларни олқишлаб шарафлаш бизларни бошқа сайёраларнинг, метеорларнинг таъсиридан, ҳасадгўй одамлардан, илон ва чаёнлардан, ит, бўри каби йирткич ҳайвонлардан келадиган офатлардан асрасин!

*гарудо бхагаван стотра-стобхаиш чхандомайах
прабхух*

*ракишатв ашеша-крччхребхйо вишваксенах сва-
намабхих*

29. Парвардигор Вишнуни олиб юрадиган Тангри Гаруда сизинга арзийдиган энг муносиб Зот, чунки у Парвардигорнинг Ўзи сингари қудратли. У "Веда"лар тимсолидир ва шарафига энг яхши ғазаллар битиб, барча Уни олқишлайди. Ҳар турли хавфу-хатардан бизларни Унинг Ўзи асрасин! Худо Шахси Парвардигор Вишваксена Ўзининг муқаддас номлари билан бизларни турли балолардан асрасин!

*сарвападхйо харер нама-рупа-йанайудхн нах
буддхиндрийа-манах-пранах панту паршада-бхушанах*

30. Худои Таолонинг муқаддас номлари, Унинг илоҳий қиёфалари, Уни елкасида олиб юрадиган (Гаруда), мангу ҳамроҳлари сингари, Уни безаб турган қуроллари бизларнинг ҳаёлимизни, фикримизни, ҳиссиётимизни ва ҳаётимизни барча хавфу-хатарлардан асрасин!

*йатха хи бхагаван эва вастутах сад асач ча йат
сатйенанена нах сарве йанту нашам упадравах*

31. Биз сезиб турган қўпол ва нафис борлиқ моддийдир, аммо барибир Худонинг Олий Шахсидан фарқ қилмайди, чунки у барча сабабларнинг натижавий оқибатидир. Сабаб ва оқибат аслида бир бутундир, чунки сабаб бўлмаса оқибат бўлмайди. Шунинг учун Мутлақ Ҳақиқат, Олий Худо Шахси Ўзининг барча қудратли бўлақларидаги ҳар қандай хавфу-хатарларни бартараф эта олади.

*йатхаикатмйанубхаванам викалта-рахитах свайам
бхушанайудхна-лингакхйа дхатте шактих сва-майайа
тенайва сатйа-манена сарва-джно бхагаван харих
пату сарвайх сवारупайр нах сада сарватра сарва-гах*

32-33. Худонинг Олий Шахси, тирик мавжудотлар, моддий ва илоҳий (руҳий) қувватлар, намоён бўлган бутун борлиқ - буларнинг барчасининг моҳияти шахсий сифатлардир. Аммо, охир-оқибатда буларнинг барчаси бир бутунни - Худонинг Олий Шахсини ташкил этади. Шунинг учун руҳий илмда юксалишга эришган киши бутун ранг-баранг оламда ягона бирликни кўради. Ана шундай мукамал шахслар учун Парвардигорнинг безаклари, Унинг муқаддас номлари, шухрати, қиёфалари ва Уни эслатувчи нарсаларнинг барчаси - Парвардигорнинг илоҳий қудратининг намоён бўлишидир. Уларнинг ана шундай илоҳий тасаввурида, ҳар нарсадан воқиф бўлган Парвардигор ҳар ерда мавжуд бўлиб, Ўзини ҳар турли қиёфаларда намоён этади. Ана шу Парвардигор бизларни ҳар ерда турли офатлардан Ўзи асрасин!

*видикшу дикшурдхвам адхах самантад
антар бахир бхагаван нарасимхах
прахапайал лока-бхайам сванена
сва-теджаса граста-самаста-теджах*

34. Прахлада Махараж Худованд Нрисимхадеванинг муқаддас номларини баланд овозда куйлаган. Ўзининг содиқ хизматкорини ҳимоя қилган ана шу Парвардигор Нрисимхадева арслондек наъра тортиб, шафқатсиз ҳукмдорлар томонидан сув, ҳаво, олов, қурол ва захар ёрдамида келадиган барча хавфу-хатардан бизларни ҳимоя қилсин! Парвардигор Ўзининг илоҳий қудрати билан уларнинг таъсирини бартараф этсин! Барча йўлларда, дунёнинг ҳар бир бурчагида, юқоридан, пастдан, ичкаридан ва сиртдан келадиغان кўринар-кўринмас офатлардан бизларни Худованд Нрисимхадеванинг Ўзи асрасин!

35. Вишварупа давом этди: - О Индра, мен сенга "Нараяна-кавача" деб аталадиган маҳфий сирли қалқон билан ҳимояланиш сирини ўргатдим. Унинг ҳимояси билан сен иблислар сардорини албатта енгасан. 36. Мана шу ҳимоя дуосини кийган киши кимга назар ташласа, ёки оёғини теккизса, ўша одам шу заҳотиёқ дуода кўрсатилган барча хавф-хатарлардан халос бўлади. 37. "Нараяна-кавача" дуосида, илоҳий, трансцендент илм мужассам, ана шу илм инсонга Парвардигор Нараяна билан боғланиш имконини беради. Мана шу мантраилтижо билан ҳимояланган кишига ҳеч қандай ҳукмдорлар, қароқчилар, ёвуз иблислар ва ҳар хил касалликлар тажовуз қила олмайди. 38. Эй самовий салтанат ҳукмдори, бир вақтлар Каушика деган браҳман, ҳаётдан кўз юмишни истаб, мана шу мантрадан фойдаланди ва сеҳрли йога ёрдамида чўлнинг ўртасида танасини тарк этган эди. 39. Бир куни, соҳибжамол паривашлар ҳамроҳлигида ўзининг ҳаво кемасида Гандҳарвалока шоҳи Читратратха шу браҳманнинг тана қолдиқлари ётган жой устидан учиб ўтиб бораётган эди. 40. Бирдан Читратратханинг кемаси шиддат билан пастга қулай бошлади. Ерга тушиб, ҳайрон бўлган гандҳарвалар шоҳи буюк донишманд Валакхильяларнинг амрини эшитди. Улар, браҳманнинг тана қолдиқларини тўплаб, шу ерга яқин жойда оқаётган Сарасвати дарёсига обориб ташлашни буюрдилар. Фақат шу ишларни қилиб бўлиб, дарёда чўмилиб поклангандан кейингина, Читратратха ўз даргоҳига кетиш имконига эга бўлди.

41. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - О Махараж Парикшит, хавф-хатар келганда мана шу ҳимоямантрасини ўқиган, ёки уни иймон ва кўрқинчи ҳаяжон билан тинглаган киши, шу заҳотиёқ, бу дунёда ҳеч қандай душман тажовуз қила олмайдиган қудратга эга бўлади ва ҳаммининг ҳурматига сазовор бўлади. 42. Вишварупадан бу ҳимоя мантрасини олиб, юз марта қурбонлик маросими ўтказган шоҳ Индра, иблислар қўшинини тор мор қилди ва бутун уч оламнинг бойлигига эга бўлди.

Тўққизинчи боб.

Иблис Вритрасуранинг пайдо бўлиши.

1. Шри Шукадева Госвами ҳикоясини давом эттирди: Фаришталарга руҳоний, руҳий устоз қилиб танланган Вишварупанинг уч калласи бор эди. Бу каллаларнинг бирини у сома-раса шарбатини ичиш учун, иккинчисини шароб (вино) ичиш учун, учинчисини эса овқат қабул қилиш учун ишлатарди. Эй Парикшит мен буларнинг барчасини ишонarli одамлардан эшитганман. 2. О Махараджа Парикшит, фаришталар Вишварупага отаси тарафдан қариндош эдилар, шунинг учун маросимга тўпланганларнинг кўзи олдида у "Индрая идам сваха" ("бу Индрага аталган") ва "идам Агния" ("бу Агнияга аталган") каби мантраларни тиловат қилиб, қурбонлик оловига тозаланган ёғ қуярди. Мантраларни баланд овоз билан тиловат қилиб, у қурбонликдан ҳар бир фариштага алоҳида улуш таклиф қиларди. 3. Қурбонлик оловига фаришталарга атаб тозаланган ёғ куйиш билан бир вақтнинг ўзида, у фаришталардан яширин ҳолда, иблисларга ҳам қурбонликдан улуш таклиф қиларди, чунки улар унга онаси тарафдан қариндош эдилар. 4. Бир пайт осмон шоҳи Индра Виш-

варупанинг фаришталардан яширин равишда, иблислар учун ҳам қурбонлик маросими ўтказиб, хоинлик қилаётганини сезиб қолди. Бундай қурбонлик натижасида иблисларнинг қудрати ошиб кетишидан, натижада улардан яна мағлубиятга учраб қолишидан қўрққан Индранинг ғазаби қайнаб, бирданига Вишварупанинг уч калласини ҳам танасидан жудо қилиб ташлади.

5. Шунда, унинг сома-раса ичиш учун ишлатиладиган калласи кариндхала(булдурук) кушига, май ичишда ишлатадиган калласи - калавинка(чумчук)га, овқат ейиш учун ишлатиладиган калласи эса - титтири(сулгун)га айланди. 6. Содир қилган бу гуноҳининг ёмон оқибатини йўққа чиқаришга шоҳ Индранинг қудрати бемалол етарди, аммо шунга қарамай, у қўл ковуштириб, браҳманни ўлдиригани сабабли бериладиган жазони итоаткорлик билан ўз гарданига олди. У шу тарзда бир йил азоб чекди, шундан сўнг покланишни истади ва қилган гуноҳининг оқибатини ер. сув. дарахтлар ва аёлларга бўлиб берди.

7. Шоҳ Индра Ерга шундай оқ фотиҳа бердики, натижада ер юзидаги чуқур жойлар ўз-ўзидан сув билан тўладиган бўлди. Бунинг эвазига Ер Индранинг браҳманни ўлдириш билан қилган гуноҳи учун бериладиган жазонинг тўртдан бир қисмини ўзига олишга рози бўлди. Бунинг оқибатида Ер юзида жуда кўп чўлубиёбонлар пайдо бўлди. 8. Шоҳ Индра дарахтларга шундай фотиҳа бердики, унинг шарофати билан кесилган шохалар ўрнида янги куртаклар ўсиб чиқадиган бўлди. Бундан миннатдор бўлган дарахтлар унинг браҳманни ўлдириб қилган гуноҳи оқибатининг тўртдан бир қисмини олишга рози бўлдилар. Бунинг оқибатида дарахт танасидан нопок, ҳаром шарбат оқиб чиқадиган бўлди. (Уни ичиш мумкин эмас). 9. Шоҳ Индра аёлларга, ҳомиладорлик пайтида ҳам, то жинсий алоқа ҳомиланинг ўсишига халақит берадиган вақтгача ҳирсий эҳтиросларини қондиришга фотиҳа берди. Бундан миннатдор бўлган аёллар унинг қилган гуноҳи оқибатининг тўртдан бир қисмини олишга рози бўлдилар. Натижада аёлларда ҳар ойда бўлиб турадиган хайз кўриш жараёни пайдо бўлди. 10. Шоҳ Индра сувга марҳамат кўрсатиб фотиҳа бериши натижасида, сув аралашган ҳар бир нарсанинг ўлчамлари ўз-ўзидан катталашадиган бўлди. Шунинг учун сув ҳам Индранинг қилган гуноҳининг тўртдан бир оғирлигини ўзига олди. Шундан бери сув юзида кўпик ва пуфакчалар пайдо бўладиган бўлди. Улар сувни ҳаром қилиб, бирор нарсага ишлатиш учун яроқсиз ҳолга келтиради.

11. Ўғли ҳалок бўлганидан хабар топган Твашта Индрани ўлдириш ниятида махсус маросим ўткази бошлади. Муқаддас оловга қурбонлик ёғини куяр экан, Твашта шундай хитоб қилди:

"Эй Индранинг душмани, мен сенга мурожаат қиляпман. Ўзининг бу золим душманингни дарров яқсон қил!" 12. Шунда *анвахарья* деб аталган қурбонлик оловининг жанубий томонидан, худди охир замон пайтида оламни яқсон қиладиган махлуққа ўхшаган даҳшатли, баҳайбат мавжудот пайдо бўлди. 13-17. Иблисларнинг қомати кун сайин катталашиб борарди. Унинг баҳайбат қомати ва терисининг қорамтир ранги худди, устидаги ўсимликлар ёнғинда ёниб кетган, аммо ҳали чўғлари қизариб турган катта тоғни эслатарди, шунинг учун унинг танаси қуёш ботаётган пайтдаги булутдай ярқираб турарди. Унинг танасидаги туклари, шу жумладан соқол ва мўйлови ҳам эриган мис ранги-

да, ўткир кўзларининг нигоҳи эса, кун ўртасидаги қуёшни эслатарди. Унинг ярқираган уч тишли санчқисига санчилгандай бутун уч оламда унга тенг келадиган зот йўқдай туюларди. Овозининг борича қўшиқ айтиб, рақсга тушиб, у ер юзини худди зилзила бўлиб тургандай силкинишга мажбур қиларди. У эсанганида, худди бутун осмон унинг ғордай катта оғзига кириб кетадигандай туюларди. Худди ўзининг баҳайбат тили билан осмондаги барча юлдузларни ялаб олгудай, ўткир узун тишлари билан, бутун оламни ғажиб ташлашга тайёрдай бўлиб кўринарди. Бу баҳайбат иблисни кўриб, даҳшатга тушиб, ҳар ким ҳар тарафга қоча бошлади. 18. Аслида Тваштанинг ўғли бўлган бу даҳшатли иблис, қилган риёзатлари билан барча сайёраларни қоплаб олган эди. Шу сабабли уни Вритра, бошқача қилиб айтганда "ҳамма ерни қопловчи" деб атагандилар. 19. Индра бошлиқ фаришталар қўшинлари билан бирга, қўлларидан бор қуролларини, шу жумладан илохий камон ва пайконларини ҳам ишга солиб, иблисга ҳамла қилдилар, аммо Вритрасура кўз очиб юмгунча уларнинг барча қуролларини ютиб юборди. 20. Иблисларнинг қудратидан ҳайратга тушиб, унинг муваффақиятидан саросимага тушган фаришталар галаба қозонишга кўзлари етмай қолди. Шундан сўнг улар илтижо қилиб Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Нараянани мамнун қилиш учун бир ерга тўпландилар.

21. Фаришталар шундай илтижо қила бошладилар: - "Бутун уч олам - беш унсур(ифор, ҳаво, олов, сув ва ер)дан таркиб топган - ҳамма нарса бизнинг ҳукмимиз остида. Аммо, бошқалар у ёқда турсин, ҳатто энг қудратли фаришта Тангри Браҳма ҳам, эртами-кечми бир кун келиб, барибир барчамизни ҳалок қиладиган қудрати чексиз Замондан ўлгудай кўрқади. Шунинг учун бизлар, ҳатто Замоннинг ўзи ҳам кўрққанидан олдида югуриб юрадиган Зот(Худонинг Олий Шахси)га, ягона ҳимоячимиз ва нажоткоримизга илтижо қиламиз. 22. Рухий камолотнинг энг олий даражасининг тимсоли бўлган ягона Парвардигор мангу қувонч ва лаззатга тўла. Унинг ҳаёт ҳақидаги, ҳар қандай моддий тасаввурлардан холи бўлган ақлини ҳеч қандай мўъжиза ҳайратга соллолмайди. Унинг учун ҳеч қандай моддий атамалар тўғри келмайди, шунинг учун У бутунлай осойишта ва, фақат Ўзидангина ягона нажот маконини топадиган барча тирик мавжудотларга нисбатан ҳаммиша бир хил муносабатда бўлади. Нажот сўраб бошқа бирор зотга мурожаат қиладиган одам худди, итнинг қуйруғига осилиб, денгизни кечиб ўтмоқчи бўлган нодонга ўхшайди. 23. Бир пайтлар Манулардан бири, айнан шоҳ Сатяврата, тошқин сувларидан кўрқиб, бутун оламни ичига сиғдира оладиган кемасини Худои Таолонинг балиқ кўринишида намоён бўлган Матсья аватарасининг қуйруғига боғлаган эди. Шунда Матсья аватаранинг марҳамати билан Ману тошқин сувларидан қутулиб омон қолганди. Балиқ кўринишида Ўзини намоён этган шу Парвардигор бизларни Тваштанинг ўғлидан келаётган даҳшатли ҳалокатдан озод қилсин. 24. Олам яралишининг аввалида, бутун оламни сув босиб турганида, бирламчи уммон юзида баҳайбат тўлқинларни юзага келтириб, кучли бўрон турган эди. Довулнинг хувиллаши ва тўлқинларнинг шовқинидан қарахт бўлган Тангри Браҳма, нилуфар устида ўтирган жойидан, қутураётган уммон сувларига қулаб тушишига оз қолганди, аммо шундай қийин пайтда Парвардигор

уни ҳалокатдан қутқариб қолди. Шу ҳодисани эсимизга олиб, бизларни ҳам Парвардигор ҳозиргидай мушкул ахволда ёлғиз ташлаб қўймайди, деб умид қиламиз. 25. Ўзининг ташқи қуввати ёрдамида Парвардигор барчамизни яратиш қўйибди ва моддий борлиқни яратишда бизлар Унинг режаларига қатъий амал қиламиз. У Олий Рух кўринишида ҳамиша биз билан бирга, аммо бизлар Уни кўришдан ожизмиз. Бизлардан ҳар биримиз ўзини "муғлақ ҳокимликка эга бўлган оламнинг ҳукмдори" деб ҳисоблайди, ва шу сабабли бутун борлиқнинг ҳақиқий Ҳукмдорини яққол кўриш имкониятидан маҳруммиз.

26-27. Ўзининг англаб бўлмайдиган ички қуввати ёрдамида Худонинг Олий Шахси Ўзини ҳар хил илоҳий таналарда намоён этади: Вamanaдева - Унинг фаришталар ичида намоён бўлган кўриниши; Парашурама - муқаддас авлиёлар ичида намоён бўлиши; Нрисимхадева ва Вараха - ҳайвонот оламида намоён бўлиши; Матсья ва Курма - сувда яшовчилар орасида намоён бўлган кўринишларидир. У Ўзини ҳар хил ҳаёт шароитларига мос келадиган турли илоҳий таналарда намоён этади, одамларга эса, У Ўзини Кришна ва Рама кўринишида намоён этади. Ўзининг бесабаб марҳаматини акс эттирган ҳолда, У ҳамиша иблисларнинг тажовузларидан азоб чекадиган фаришталарга мадад бериб келади. У - барча тирик мавжудотлар сажда қиладиган ягона Илоҳдир. У - бутун борлиқнинг ягона азалий сабабчиси, ҳам эркак, ҳам аёлларга хос бўлган яратувчилик қобилиятининг манбаидир. Бу намоён бўлган борлиқдан ажралган, фарқ қиладиган бўлса ҳам, У Ўзининг Вират-рупа кўринишида ҳамиша бу борлиқда ҳам мавжуд. Таҳдид солаётган даҳшатли ҳалокат олдида бизлар унинг нилуфар қадамлари пойидан нажот излаймиз ва умид қиламизки Парвардигор, Олий Худо Шахси бизлардан Ўз марҳаматини аямайди".

28. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - "Эй шох, фаришталарнинг илтижоларига жавобан Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Хари аввало уларнинг қалбларида намоён бўлди, кейин эса, уларнинг кўзи олдида Ўзининг сур, халқа ва гурзиси билан қуролланган азалий кўринишида намоён бўлди. 29. Атрофида, кўксидаги Шриватса белгиси ва Каустубха гавҳартошидан бошқа ҳар тарафдан худди Ўзига ўхшаган, ҳар қандай топшириғини дарҳол бажаришга шай бўлиб турган ўн олти хазматкори билан бирга пайдо бўлган Парвардигорни кўришлари билан фаришталарнинг барчаси, куздаги нилуфар гулининг япроқларини эслатувчи чиройли кўзлар нигоҳи остида, худди юз тубан йиқилиб, ҳассадаи узала тушган ҳолда сажда қилдилар. Саждадан шошмасдан турганларидан кейин улар Парвардигорга илтижо қила бошладилар.

31. Фаришталар шундай дедилар: - "Эй Худои Таоло, Сен бир қўлинг билан қурбонлик қилаётган зотларга мукофот берасан, одамлар "бешафқат Замон" деб атайдиган бошқа қўлинг билан эса, вақти келганда, ҳаётда эришган барча ютуқларидан уларни маҳрум қиласан. Сен, иблисларни ҳалокатга учратувчи илоҳий халқани юборадиган Зотсан. Сон-саноксиз муқаддас номларга эга бўлган эй Парвардигор, бизлар барчамиз Сенинг нилуфар қадамларинг пойида чуқур эҳтиром билан сажда қиламиз. 32. Эй Парвардигор, Сенинг амрингга бўйсуниб ҳар қандай шартланган тирик мавжудот уч йўлнинг биридан боради ва натижада - ё юқори сайёраларда фаришталар орасида туғилади, ё инсонлар жа-

миятида туғилади, ё дўзах оловига тушади. Сенинг Ўзинг ҳеч қачон мангу нур таратиб турган даргоҳинг - Вайкунтха-дхамани тарк этмайсан. Бизларнинг барчамиз бу борлиқ яралгандан кейин дунёга келганимиз сабабли, Сен кўрсатаётган илоҳий кароматларнинг сирли маъносини ҳеч қачон англаб етолмаймиз, шунинг учун Сенинг нилуфар қадамларинг пойига камтарин ҳолда таъзим қилишдан бошқа чорамиз қолмайди.

33. Эй Худо, о Нараяна, о Васудева, эй азалий Шахс, энг олий ҳақиқат илми ва бутун бойлиқнинг рамзи бўлган энг улуғвор шахс - Сен Ўзингсан! Чексиз марҳамат уммони ва барча эзгуликлар манбаи ҳам Ўзингсан! Бутун борлиқнинг мавжудлигини таъминлаб турган, барча сайёралар тизимининг ягона ҳукмдори Ўзингсан. Бутун борлиқ ҳукмдори ва равақ фаришта-сининг рафикаси Ўзингсан. Сенинг илоҳий мохиятининг фақат бхакти-йога йўлидан бориб, самадхи ҳолатига эришган ва Кришнани англаш таълимоти-ни тарғибот қилиб, олам бўйлаб сайр қилиб юрган энг буюк санньясиларгина англай оладилар. Ҳаёлларида ҳамиша Сени ўйлаб юришлари шарофати билан уларнинг қалби дунёвий иллатлардан бутунлай покланиб, Сенинг шахсини қабул қилиш учун очиб қўйилган. Уларнинг қалбидан ғофиллик пардаси кўтарилганида Сен уларга Ўзингнинг чексиз роҳат бағишлаб, лаззат келтирувчи илоҳий киёфангга намоён қиласан. Улардан бошқа ҳеч ким Сени англаб ета олмайди, бизлар эса, Сенга чуқур эҳтиром кўрсатиб, нилуфар қадамларинг пойига камтарин бош эгамиз.

34. Эй Парвардигор, Сен ҳеч кимнинг ёрдамига муҳтож эмассан, Сенинг моддий тананг бўлган эмас, Сен бизлардан ҳам ҳеч қандай мададга муҳтож эмассан. Яралган бутун борлиқнинг азалий сабабчиси бўлган ҳолда, Сен бу моддий оламни барча зарур нарсалар билан таъминлаб турасан, ва бунда ҳеч нарсани йўқотмайсан ҳам. Шу тарзда бутун борлиқни яратиш, мавжудлигини таъминлаб туриш ва яқсон қилиш фақат Сенинг қўлингда. Баъзида, гарчи моддий фаолият билан машғулдай кўринсанг ҳам, аслида Сен барча моддий сифатлардан поксан, ва шунинг учун Сенинг кароматларингга англаб етиш жуда қийин. 35. Эй Парвардигор, бизларнинг барча гумонларимизни тарқатиб юборишингга Сендан илтижо қиламиз. Бу моддий оламга ташриф қилганингда, бошқа тирик мавжудотлар сингари, Сен ҳам моддий табиатнинг бирор сифатларига жавоб берадиган танага эга бўласанми? Бу дунёда бўлган пайтингда, аввал қилган савоб ва гуноҳ ишларингнинг оқибати Сенга таъсир қиладими? Балки аксинча, Сен мангу илоҳий лаззат ва чексиз руҳий кудратга эга бўлган ҳолда, ҳеч қандай дунёвий орзу-истаклар ҳукмига берилмасдан, фақат ташқаридан кузатиб турадиган Зотдирсан? Биз ҳақиқатан ҳам Сенинг ҳақиқий ҳолатингга англаб етишдан ожизмиз.

36. Эй Олий Шахс, Сен барча қарама-қаршилиқларни Ўзингга сиғдира оласан. Эй Олий Ҳукмдор, Илоҳий Шахс, Сенинг руҳий сифатларингнинг ниҳояси йўқ, ва шунинг учун шартланган руҳлар Сенинг чексиз улуғворлигингга англаб етолмайдилар. Бир-бирларини ногўғри фикрлашларда айбаш билан замонавий теологлар бемаъни баҳс ва мунозараларга муккасидан берилиб кетган, аммо уларнинг ҳеч бири, ҳатто нима ҳақида баҳс бораётганини ҳам англаб етолмайдилар. Уларнинг мулоҳазалари ҳеч қачон етарли даражада диққатга сазовор бўлолмайди, фикрлари эса

ҳеч қандай натижа бермайди, чунки улар ҳеч қаердан Сен ҳақингдаги илмни ололмайдилар. Сохта битиклардан олинган нотўғри билимлари натижасида адашган ақли уларни Сени англаш имкониятидан маҳрум қилади. Бунинг устига, ҳар қандай йўл билан ўзларининг ҳақ эканини исботлашга уриниб, улар янгидан-янги бемаъни таълимотлар ўйлаб топадилар, аммо бу таълимотларнинг бирортаси ҳам, ҳар қандай моддий тасавурларга нисбатан илоҳий бўлган Сенинг ҳақиқий табиатинингни англаб етишга ёрдам бера олмайди. Сен ягона зот бўлганинг учун, Сенинг илоҳий шахсингда ҳаракат ва ҳаракатсизлик, бахт ва бахтсизлик кўринишида намоён бўладиган ҳар қандай қарама-қаршиликларга ўрин йўқ. Сенинг илоҳий қувватинг шундай қудратлики, иродангга бўйсуниб, ўзи ҳамма нарсани яратиш ва яқсон қилишга қодир. Шундай чексиз қудратга эга бўлган Сендай Зот қодир бўлмаган нарсанинг ўзи мавжудми? Азалий ҳолатингда ҳеч қандай қарама-қаршилик бўлмаганидан, Сен илоҳий қувватинг ёрдамида ҳар қандай истакни амалга оширишга қодирсан. 37. Арқонни илон деб қабул қиладиган ночор одамни арқон билан кўрқитиш мумкин, аммо унинг шунчаки арқон эканини англаб етадиган ақлли одамни бундай йўл билан кўрқитиб бўлмайди. Худди шундай, Сен барча тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган ҳолда, ақлининг ривожланишига мос равишда уларнинг қалбида кўрқинч ёки жасурлик ҳиссиётини уйғотасан. Ўзинг эса бундай қарама-қаршиликлардан устун турасан.

38. Мукамал фикрлашлар натижасида биз шундай қарорга келдикки, Олий Рух, гарчи ҳар хил йўллар билан Ўзини билдириб турса ҳам, аслида бутун борлиқнинг азалий сабабчисидир. Намоён бўлган моддий оламнинг асосини моддий қувват мажмуи ташкил этади, у эса ўз навбатида Худо Шахсидан пайдо бўлади. Шу сабабли Уни барча сабабларнинг сабабчиси, ақл ва сезгиларнинг манбаи деб атайдилар. Бизлар Уни бутун борлиқнинг Олий Рухи сифатида қабул қиламиз. Агар У бўлмаса ҳаёт ҳам бўлмасди. Шунинг учун, бутун борлиқнинг Олий Рухи ва ягона Ҳукмдори бўлган Сендан ўзга бизлар мурожаат қиладиган бирор Илоҳ, бирор Зот йўқ. 39. Шунинг учун, о иблис Мадхуни ҳалок қилган Зот, Мадхусудана, Сенинг улўғворлик уммонингдан бир томчи тоғиб кўрган одамнинг ақлини чексиз илоҳий лаззат қоплаб олади. Ҳайратга тушган ундай содиқларнинг кўриш ва эшитиш сингари, моддий сезгилар келтирадиган ўткинчи, - ҳақиқий, руҳий бахтнинг кўримсиз сояси, акси бўлган дунёвий бахт билан ишлари ҳам бўлмайди. Ҳар қандай дунёвий орзу-истаклардан холи бўлган ҳолда, бундай содиқлар барча тирик мавжудотларнинг ҳақиқий дўстлари ҳисобланади. Бутун ўй-хаёлларини Сенга бағишлаб, инсон хаётининг асосий мақсадига бетиним интилишлари шарофати билан улар ҳамиша илоҳий лаззат оғушида яшайдилар. Эй Парвардигор, Сен - бу моддий оламга яна қайтиб келишига ҳеч қандай ҳожат қолмаган ана шундай содиқларнинг жони ва энг яқин дўстисан. Шундай экан, улар қандай қилиб Сенга хизмат қилишни тарк эта оладилар? 40. Бутун уч оламни намоён этувчи эй Парвардигор, эй барча уч оламнинг отаси! Вамана қиёфасида намоён бўлган эй уч олам қудрати! Эй уч кўз соҳиби бўлган Нрисимхадева! Бутун уч оламда Сендан гўзалроқ зот топилмайди. Бу оламдаги бутун мавжудотлар, шу жумладан одамлар ва ҳатто

Данавалар ва Даити иблислари ҳам - намоён бўлган Сенинг қувватларингдир. Эй қудратли Зот, иблисларнинг қудрати оламга таҳдид сола бошлаганида, моддий оламда ҳар хил кўринишларда Сен Ўзинг намоён бўласан. Сен Парвардигор Вамаанадева, Рама ва Кришна кўринишларида пайдо бўласан. Баъзан Сен Тўнғиз кўринишида келиб ҳайвон қиёфасида пайдо бўласан, баъзан эса Нрисимха, ёки Хаягрива кўринишидаги аралаш қиёфаларда пайдо бўласан, баъзида эса сувда яшовчи содиқларнинг кўзлари олдида Матсья ёки Тошбақа кўринишида пайдо бўласан. Шундай қилиб Сен бу оламда турли кўринишларда пайдо бўлиб, ҳар гал иблис ва Данаваларнинг танобини тортиб қўясан. Шунинг учун бизлар, агар истасанг, Ўзингнинг навбатдаги кўринишининг намоён қилиб, буюк иблис Вритрасура яқсон қилишининг Сендан илтижо қиламиз. 41. Эй Олий посбон, эй бобокалон, эй бегуноҳ Парвардигор, рўпарангда ихтиёрларини бутунлай Сенга топширган содиқ руҳларни кўриб турибсан. Бизларнинг бутун фикру-хаёлимиз Сенинг нилуфар қадамларинг пойини мушоҳада қилиш билан банд ва уларга муҳаббат ришталари билан чамбарчас боғланиб қолган. Биз Сендан ўзингнинг яна бир кўринишининг намоён қилишининг илтижо қиламиз. Бизларнинг барчамиз Сенинг содиқ хизматкорларингмиз, бутун куч-қудрати билан Сени мамнун қилишга тиришаётган зотларни Ўз марҳаматингдан маҳрум қилма! Бизларнинг ловуллаб ёнаётган юракларимизга совуқ шамолдай жон бағишлайдиган Ўзингнинг бетакрор табассуминг ва меҳр тўла нигоҳинг билан бизларнинг қалбимизни мунаввар қил! Сенинг илоҳий оғизларингдан чиқаётган сўзлар, лаззатли шарбат томчилари сингари, бизлар учун катта офат бўлган Вритрасура олдидаги даҳшат туйғусидан бизларнинг қалбимизни мангу халос этишга қодирдир.

42. Эй Парвардигор, гулхандан ажралиб чиққан учкун ҳеч қачон гулханнинг ўзига тенглаша олмайди, шунинг учун, Сендан таралаётган улўғвор ёғдунинг бир арзимас заррачалари бўлган бизлар, ўзимизнинг ташвишларимиз ҳақидаги гаплар билан Сени безовта қилишга ҳаққимиз йўқ. Тўла бутун бўлган Сендай комил Зотга бизларнинг гапларимизни тинглаб ўтиришдан нима фойда? Сен ҳамма нарсадан хабардорсан, чунки Сен - бутун борлиқни ушлаб турувчи ва яқсон қилувчи оламнинг азалий бошланғич сабабисан. Ҳамиша иродангга сўзсиз бўйсунувчи Ўзингнинг руҳий ва моддий қувватларинг билан ўйнашиб, эрмак қилиб, лаззатланиб яшайсан. Сен бу оламда яшайдиган ҳар бир тирик мавжудот вужудида ҳам, улардан ташқарида ҳам мавжудсан. Уларнинг вужудида Сен *парабрахман* кўринишида, ташқарида эса, моддий борлиқнинг таркибий қисмлари кўринишида мавжудсан. Ҳар хил даражада, турли вақтларда ва турли жойларда, шунингдек, ҳар хил кўринишларда Ўзингни намоён қилсанг ҳам, Сен, эй Худонинг Олий Шахси, барибир барча сабабларнинг сабабчиси бўлиб қолаверасан. Ҳақиқатан ҳам Сен - бутун борлиқнинг азалий манбаисан. Бу ўткинчи оламда юз бераётган ҳодисаларга Сен, ҳамиша ҳар нарсадан устун бўлганинг ҳолда, Осмон сингари улўғвор, ҳеч қандай боғланишсиз хотиржам нигоҳ ташлаб тураверасан. Парабрахман ва Параматма сифатида Сен бизлар амалга ошираётган барча ҳаракатларимизнинг гувоҳисан. Эй Худонинг Олий Шахси, бутун борлиқда ҳеч ким Сенинг чарчоқ бил-

майдиган зийрак кўзларинг нигохидан қочиб қутула олмайди.

43. Эй хар нарсадан хабардор бўлган Парвардигор, нима сабабдан бизлар Сенинг барча моддий ташвишлардан халос этадиган нилуфар қадамларинг пойидан нажот топишга уринаётганимизни Ўзинг яхши биласан. Олий рухий устоз бўлган ҳолда, Сен ҳамма нарсани биласан, ва шунинг учун бизлар Сенинг насиҳатларингга мухтож бўлиб, нилуфар қадамларинг пойига итоаткорлик билан бош қўйдик. Бошимизга тушган кулфатдан бизларни қутқаришингни Сендан илтижо қиламиз. Ихтиёрини бутунлай Сенга топширган рухлар учун нилуфар қадамларинг пойи - ягона нажот макони ва бу моддий оламнинг барча азоб-укубатларидан қутулишнинг бирдан-бир йўлидир. 44. Шунинг учун, эй Худойим, эй олий ҳукмдор, о Кришна, илтимос, бизларнинг барча қуролларимизни ва ҳарбий анжомларимизни ютиб юбориб, бутун куч-қудратимиздан маҳрум қилган даҳшатли иблис - Тваштанинг ўгли Вритрасура яқсон қил! 45. Эй пок Парвардигор, шартланган рухнинг ҳар бир қилган ишларини, қалбидаги ўйларининг боғланишсиз, мустақил, мангу гувоҳи бўлган ҳолда, Сен ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжудсан. Эй Олий Худо Шахси, Сени Кришна деб атайдилар, ва Сенинг кўрсатган кароматларинг бутун уч олам аҳолисини хайратга солади. Сен бутун борлиқнинг аввалисан, аммо Ўзинг ибтидо-сиз(аввалсиз) мангу мавжудсан. Бу ҳақиқатни фақат Сенинг соф содикларинг тушуна оладилар, чунки Сен, мутлақо пок ва ростгўй одамларгагина Ўзингни намён қиласан. Бу моддий оламда миллион йиллар давомида сарсон бўлиб юргандан кейин, шартланган рух ниҳоят Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан паноҳ топса ва рухий озодликка чиқсагина, уни "ҳаётда катта муваффақиятга эришди", деб айтиш мумкин. Шунинг учун, эй Парвардигор, эй Худо Шахси, бизлар чуқур эҳтиром билан Сенинг нилуфар қадамларинг пойига сажда қиламиз".

46. - Эй шоҳ Парикшит, - давом этди Шукадева Госвами, -Худо Шахси, фаришталарнинг илтижоларини инобатга олиб, уларга Ўзининг бесабаб марҳаматини намён этди. Улардан мамнун бўлиб, фаришталарнинг илтижоларига шундай жавоб берди.

47. Худо Шахси шундай деди: - "Эй севимли фаришталар, қилган илтижоларингиздан Мен ғоят мамнунман, бу билан ўзингизнинг чуқур билимларингизни намойиш этдинглар. Ана шу илм сизларни озодликка олиб чиқади. Бу илмга эга бўлган киши, Менинг борлигим моддий ҳаёт қонунларига бўйсунмайдиган эканини ҳеч қачон унутмайди. Шундай содикнинг қилган илтижолари мутлақ илм билан тўла бўлган ҳолда, унинг ўзини дунёвий иллатлардан бира тўла поклайди. Менга садоқат билан холис хизмат қилишнинг манбаи шундай. 48. Эй фаришталарнинг энг донишмандлари, гарчи, аслида, бу дунёда Мени мамнун қила олган одамнинг амалга ошира олмайдиган ишнинг ўзи йўқ бўлса ҳам, бутун фикру-хаёли фақат Мен билан банд бўлган соф содик киши, Мендан холис хизмат қилишда давом этиш имкониятидан бошқа бирор нарса сўраб илтижо қилмайди. 49. Моддий бахт-саодатни ҳамма нарсадан устун қўядиган ва шу ўткинчи бахтга эришиш учун ўзининг бутун умрини сарфлайдиган одамни ачинарли, ҳасис(крипана) одам дейдилар. Ундай одамлар ўзининг ҳақиқий, рухий эҳтиёжларини

англай олмайдилар. Яна шуни айтаманки, ундай одамларнинг буйруқларини бажариш билан умрини ўтказадиган одамларни ҳам аҳмоқ, нодон одамлар деб ҳисоблаш керак. 50. Холис хизмат қилиш илмини чуқур эгаллаган соф содиклар, нодон, ғофил одамга бундай ишларда ёрдам бериш у ёқда турсин, ҳатто ҳеч қачон, роҳат-фароғатда яшаш учун дунёвий фаолият билан шуғулланишни ҳам маслаҳат бермайди. Шундай соф содикни, мижозининг қанчалик интилишига қарамай, касалига зарар етказадиган нарсани истеъмол қилишга ҳеч қачон рухсат бермайдиган тажрибали врачга ўхшатиш мумкин. 51. Бахтли бўл, эй Магхаван(Индра), Мен сенга буюк авлиё донишманд Дадхьяньяга мурожаат қилишни маслаҳат бераман. У рухий илмни чуқур эгаллаб, қаттиқ риёзатларга берилиб, барча қасамларини бажарди, натижада унинг танаси чексиз қудратга эга бўлди. Дарҳол унинг олдига боринглар ва ундан танасини сизларга инъом қилишни илтимос қилинглар.

52. Дадхичи номи билан машҳур бўлган авлиё Дадхьянья, рухий илмни чуқур ўрганиб, ўз билимларини Ашвини-кумарларга ўргатди. Сехрли мантраларни уларга ўргатиш учун Дадхьянья отнинг калласидан фойдаланган деб айтадилар. Шундан бери бу мантраларни Ашвашира деб атай бошлаганлар. Дадхичидан олган мантраларидаги рухий илмни эгаллаган Ашвини-кумарлар живан-мукталар бўлдилар, яъни ўзларининг ҳозирги ҳаётларидаёқ озодликка эришдилар. 53. Дадхьянья Тваштага "нараяна-кавача" деб аталадиган қалқон дуосини берган, бу дуо ота-мерос бўлиб унинг ўгли Вишварупага ўтган эди, Вишварупадан бу дуони сизлар олдинглар. "Нараяна-кавача" дуоси туфайли Дадхичининг танаси ниҳоят қудратли бўлиб кетди. Шунинг учун қандай қилиб бўлса ҳам, сизлар унинг танасига эга бўлишларингиз керак. 54. Агар Ашвини-кумарлар Дадхьяньядан танасини инъом этишни илтимос қилсалар, шогирдларига бўлган холис муҳаббати туфайли, у ҳеч иккиланмасдан танасини инъом этади. Билиб қўйингларки, Дадхьянья дин соҳасида жуда катта илмга эга. У сизларга ўзининг танасини берганида, Вишвакарма унинг суякларидан яшин қуролини ясайди. Ана шу яшин қуроли Вритрасура яқсон қилади, чунки унда Менинг илоҳий қудратим мужассам бўлади. 55. Менинг рухий қудратим шарофати билан Вритрасура яқсон қилганингиздан кейин, сизлар йўқотган қуролларингиз, бойлигингиз ва қудратингиз ҳам қайта тикланади. Барчангизга омад ва бахт ёр бўлсин! Гарчи Вритрасура ҳозир бутун уч оламни яқсон қилишга эришган бўлса ҳам, ундан ҳеч кўрқманглар. У ҳам, худди сизлар сингари, Менга жуда содик, ихтиёрини бутунлай Менга топширган зот, шунинг учун у ҳеч қачон сизларга ҳасад қилмайди.

Ўнинчи боб.

Фаришталарнинг Вритрасура билан жанги.

1. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - "Шоҳ Индрага шундай насиҳатлар бериб, Худонинг Олий Шахси, бутун коинотнинг манбаи бўлган Парвардигор

Хари, хайратга тушган фаришталарнинг кўзидан ғойиб бўлди. 2. Эй шох Парикшит, Худонинг насиҳатларига амал қилиб, фаришталар Атхарванинг ўгли Дадхичига танасини беришни илтимос қилиб, мурожаат қилдилар. Қалби меҳрга тўлиб, донишманд аввало рози бўлгандай бўлди, кейин, фаришталарнинг дин қоидаларини қандай таърифлашини билгиси келиб, ҳазил билан шундай деди:

3. - Эй олийжаноб фаришталар, тирик мавжудот ўзининг моддий танасидан маҳрум бўлаётганида дахшатли азоб-уқубатларга мубтало бўлишини, ҳатто бу изтиробдан ҳушини йўқотиб қўйишини наҳотки сизлар билмасанглар? 4. Бу моддий оламда ҳар бир тирик мавжудот танасига жуда каттиқ боғланиб қолган. Қандай қилиб бўлса ҳам жон сақлаб қолиш учун, бизларнинг ҳар биримиз ҳаётда ҳамма нарсадан воз кечишга ҳам розимиз. Агар, ҳатто Парвардигор Вишнунинг Ўзи сўраб турган бўлса-да, ким ҳам ўз ихтиёри билан танасини бировга беришга рози бўларди?"

5. Фаришталар шундай деб жавоб бердилар: - "Эй олийжаноб браҳман, кароматлари асрлар оша шон-шухрат топадиган сенга ўхшаган авлиё инсонларнинг қалби ҳамиша ҳар бир тирик мавжудотга алоҳида, ҳамда бутун оламга нисбатан баробар равишда ҳамдардлик туйғуси билан тўлиб тошган бўлиб, уларга меҳрибонлик қиладилар. Шундай олийжаноб рухларнинг бошқалар учун зарур бўлиб турган нарсани улардан қизганиш қўлидан келармикан? Бошқаларнинг саодати учун улар ҳамма нарсасини, ҳатто ўз танасини ҳам қурбон қилишга тайёр. 6. Шахсий манфаатини дунёда ҳамма нарсадан устун қўядиган хасис одам, бошқаларнинг аҳволи ҳам оғир эканини ўйлаб ўтирмасдан, атрофидагиларга ҳар хил илтимослар билан мурожаат қилаверади. Агар сўраётган одам, бераётган одамнинг қандай аҳволда эканини билса эди, ундан ҳеч нарса сўрамаган бўларди. Худди шунингдек, хайр-эхсон қилаётган одам ҳам, ундан садақа сўраётган одамнинг қай аҳволда эканини билмайди, акс ҳолда у ҳеч нарсасини аямаган бўларди".

7. Буюк авлиё Дадхичи шундай деди: - "Мен илтимосингизни рад этиб, сизларга танамни ҳадя қилишга рози бўлмадим, чунки сизларнинг оғзингиздан муқаддас дин қоидаларини эшитиш иштиёқида ёнаётган эдим. Энди эса, гарчи танам мен учун жуда азиз, қадрдон бўлса ҳам, уни сизларга ҳадя қиламан, чунки, биламанки, эртами-кечми танам барибир ҳалок бўлади, сизлар эса уни барча тирик мавжудотларнинг саодати учун ишлатасизлар. 8. Эй фаришталар, кимки, бошқаларнинг мусибатларига бефарқ қолган ҳолда, ўзининг ўткинчи танасини Худои Таолонинг олий қонунлари йўлида қурбон қилишни ва шу билан ўзининг номига мангу шон-шухрат келтиришни истамаса, ундай одамнинг аҳволи, ҳатто кўзғалишдан ҳам маҳрум бўлган дарахтларнинг аҳволидан ҳам бадтар. 9. Ўзининг олийжаноблиги ва эзгу ишлари билан машхур буюк инсонларнинг фикрига кўра, бошқаларнинг мусибатларини кўрганда қийналадиган, ва бировларнинг бахтиёрлигини кўриб қувонадиган киши энг юқори даражадаги тақводор инсондир. 10. Ўлганимдан кейин ит ва бўриларга ем бўладиган бу тана, аслида соф руҳ бўлган менинг ўзимга ҳеч нарса беролмайди. У кўп вақт хизмат ҳам қилмайди, ва истаган пайтда ҳалокатга учраши мумкин. Танамиз билан боғлиқ бўлган нарсалар сингари, биз танамизни, шу жумладан бойлигимиз

ва қариндошларимизни ҳам, фақат атрофимиздагиларнинг ҳақиқий саодати учун ишлатишимиз лозим, акс ҳолда у бизларга фақат нохушликлар ва мусибатлар келтиради.

11. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - "Шундай қилиб, Атхарванинг ўгли, Дадхичи Муни ўзининг танасини фаришталарга инъом қилишга қарор қилди. Ўзи эса, яъни руҳи, беш моддий унсурдан таркиб топган кўпол танасини тарк этиб, Худонинг нилуфар қадамлари пойига интилди. 12. Сезгиларини, ҳаёт нафасини, ақлини ва заковатини жиловлаб, Дадхичи Муни транс ҳолатига тушди. Шу тарзда у моддий боғланишларнинг барчасидан халос бўлди. У ҳатто моддий танасини қандай тарк этганини ҳам сезмай қолди. 13-14. Шундан сўнг шох Индра ҳеч иккиланмасдан Дадхичининг суякларидан қилинган яшин-куролини олди. Дадхичи Мунининг улуғвор қувватига эга бўлиб, Олий Худо Шахсининг илоҳий қудрати синган Индра, ўзига илтижо қилиб шарафлаётган фаришталар-у буюк донишмандлар ҳамроҳлигида, Айравата деган филига миниб борарди. Унинг улуғворлигидан хайратга тушган бутун уч олам аҳли, тез орада иблис Вритрасуранинг ҳалокатининг гувоҳи бўлишдан умидвор бўлиб ҳаяжонга туша бошладилар.

15. Азизим Парикшит, худди бир пайтлар жаҳли чиққан Рудра ўлдиришга қасд қилиб, Антака(Ямараж)га ташлангани сингари, Индра ҳам шиддат билан иблис-саркардалар қуршовида турган Вритрасурага ҳужум қилди. 16. Шу тарзда, Сатъя юга билан Трега-юганинг оралигидаги замонлар Нармада дарёсининг қирғоғида рўй берган фаришталар ва иблислар ўртасида бўлиб ўтган катта жанг билан машхур бўлди. 17-18. Яшин куролини қўлга олиб, Рудралар, Васулар, Адитьялар, Ашвини-кумарлар, Питалар, Вахниллар, Марутлар, Рибхулар, Садхьялар ва Вишвадевалар ҳамроҳлигида жанг майдонига кириб келган Индрага кўзи тушган Вритрасура бошлиқ иблислар ваҳима ичида қаттиқ саросимага тушдилар. Осмон шохининг куёшдай беғубор юзидан таралаётган кучли ёғду уларнинг кўзларини қамаштириб юборган эди. 19-22. Сумали ва Мали бошчилигида жангга чиққан юзлаб, минглаб иблислар-у ярим иблислар, шунингдек яқшалар, рақшас(одамхўр) ва бошқалар, ҳатто ажалнинг ўзи билан жанг қилишга тайёр турган Индранинг қудратли армияси ҳужумига қарши турарди. Иблислар тарафида Намучи, Шамбара, Анарва, Двимурдха, Ришабха, Вришапарва, Прахети, Хети ва Уткала жанг қилаётган эди. Арслон каби жасур бўлган бу енгилмас иблислар дахшатли наъра тортиб фаришталар устига ташландилар. Улар фаришталарга гурзи, дубулға, дротика, найза ва пайконлар билан ҳужум қилардилар. 23. Санчки, қилич, пика, шатагхниччи ва бхушундилар билан қуролланган иблислар фаришталарнинг саркардаларини таслим қилиб, ҳар тарафдан бостириб келдилар. 24. Худди, баъзида булутлар одамлар кўзидан юлдузларни тўсиб қўйгани сингари, фаришталарнинг тинимсиз ёғилаётган пайконлари ёмғиридан осмонни кўриб бўлмасди. 25. Иблисларнинг фаришталарга отган минглаб қуроллари нишонга бориб тегмасди, чунки фаришталар уларнинг минглаб қуролларини учиб келаётганидаёқ минглаб бўлақларга парчалаб ташлардилар. 26. Пайкон ва мантралари тугаб қолаётганини сезган иблислар фаришталарга тошларни, тоғ чўққиларини ва дарахтларни ота бошладилар, аммо

фаришталар аввалгидай жасорат билан душманнинг барча хужумларига усталлик билан қарши туриб, ўзларига отилган нарсаларининг барчасини янчиб ташлардилар.

27. Шоҳ Индранинг аскарлари иблислар олдида соппа-соғ кўринишда пайдо бўлганида, рақиблирига пайконларни ёмғирдай ёғдирсалар ҳам ва катта-катта дарахларни, катта тошларни, ҳатто тоғ чўққиларини ташласалар ҳам, ҳеч қандай талафот етказмаганини кўриб, иблислар даҳшатга тушиб, кўрқиб кетдилар. 28. Иблислар қандай қурол қўллаганилар, улар ҳеч қачон ҳам фаришталарни енга олмайдилар, чунки улар ҳамиша Парвардигор Кришнанинг паноҳи остидадилар, худди шунингдек, ярамас одамлар ҳам, ҳар хил ҳақоратомуз гаплар билан авлиё одамларни, вайшнавларни қалби осойишталик ҳолатидан чиқаришга уриниб, бекорга овора бўладилар. 29. Фаришталарга кучлари етмаслигини, ва бу тенгсиз жангда қатнашиб ўзларининг қувватларини бекорга сарфлаётганини тушуниб, ҳеч қачон Худонинг содиқ хизматкорлари бўлмаган иблислар ҳар тарафга қоча бошладилар. Рухан тушқунликка тушиб, улар ўзларининг саркардасини жанг бошланиши биланоқ ташлаб кетишга тайёр эдилар. 30. Ўзининг шавкатли жангчилари даҳшат ичида жанг майдонини ташлаб чиқаётганини кўриб, ҳақиқатан ҳам буюк қаҳрамон, шу билан бирга чуқур тафаккурга эга бўлган Вритрасура, кулиб туриб, уларга шундай сўзлар билан мурожаат қилди. 31. Қаҳрамонлар ичида жасур қаҳрамон, Вритрасура, ўзининг ҳолатига яраша, замон ва шароитга мос келадиган қилиб, чуқур тафаккурли одамга албатта таъсирини ўтказмай қолмайдиган гапларни айтди.

Шавкатли иблисларга қараб у шундай деди: - "Эй Випрачитти! Эй Намучи! Эй Пулома! Эй Майя, Анарва ва Шамбара! Тўхтанглар, менинг гапларимга қулоқ солинглар! 32. Моддий оламда туғилган барча тирик мавжудотлар албатта ўлимга маҳқум. Уларнинг ҳеч бири муқаррар ўлимдан қочиб қутула олмайдилар. Такдирнинг ўзи бизларга ундан қочиб қутулиш имконини бермайди. Лекин, ўлгандан кейин олий сайёраларга кўтарилишимиз, шу билан номимизни ҳамиша барҳайёт қилишимиз мумкин. Ана шундай шарафли ўлимдан ким бош тортади? 33. Ажални муносиб қарши олишининг икки имконияти бор, аммо улардан фойдалана билиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Улардан биринчиси - йога билан, айниқса бхакти-йога шуғулланиш. Бунда одам сезгиларини, ақлини ва ҳаёт кучини жиловлаб олиб, ажали келганида фикру-хаёлини Худонинг Олий Шахсида мужассам қилади. Иккинчи имконият жанг майдонидан қочиб кетишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмасдан, биринчи бўлиб хужумга ўтган кишига берилади. Ажалнинг бу икки турини ҳам шастралар шарафли ўлим деб атайдилар".

Ўн биринчи боб

Вритрасуранинг илоҳий сифатлари

1. Шри Шукрадева Госвами давом этди: - "Эй шоҳ, Вритрасура ўзининг қўл остидагиларга мангу диний қоидаларни тушунтирар эди, лекин иблис-саркардалар кўрқанидан шу қадар ақлини йўқотиб кўйган эдиларки, уларнинг хаёлини фақат бир нарса: тезроқ жанг

майдонини ташлаб қочиш эгаллаб олган эди. Шунинг учун улар кўмондонни айтган гапларнинг маъносини англаб етишга қодир эмасдилар. 2. Эй шоҳ Парикшит, душман армияси сафидаги парокандаликни кўрган фаришталар орқа тарафдан хужумга ўтдилар ва худди кўшинни эмас, балки кўйлар подасини хайдагандай, иблис-жангчиларни ўнгу-чапга улоқтириб ташладилар. Ўз жангчиларининг қандай аҳволга тушганини кўриб, Индраватсу, "Индранинг душмани" деб ном олган Вритрасура қаттиқ ҳаяжонга тушди. Бу парокандаликка бефарқ қараб туролмай, у фаришталар устига ташланиб уларни тўхтатди ва уларга аччиқ сўзлар билан мурожаат қилди:

4. - "Эй фаришталар, бу жангчи-иблислар бекорга дунёга келганлар. Улар оналарининг қорнидан бу ёруғ оламга ахлат ўрнида чиққанлар. Сизлардан кўрқанидан кўзини юмиб қочаётган бундай душманларни ўлдиришдан нима фойда? Ўзини қаҳрамон деб ҳисоблайдиган одам даҳшатга тушиб, аллақачон ўлиб бўлган одамни ўлдирмаслиги лозим. Бундай қотилликка йўл қўйсанглар, сизлар бу дунёда ҳеч қандай шон-шухрат қозонмайсизлар, олий сайёраларга кўтарилмайсизлар. 5. Эй арзимас фаришталар, агар сизларнинг қалбларингизда сабр ва иймондан атиги бир томчи қолган бўлса, агар дунёвий лаззатларга бўлган хирсу-эхтирос туйғуси ҳали сизларни биратўла қамраб олмаган бўлса, тўхтанглар, мен билан юзма-юз бўлинглар!"

6. Шукрадева Госвами шундай деди: - "Буюк қаҳрамон, қудратли қомати барча фаришталарни даҳшатга солган Вритрасура, шундай қаҳр-ғазаб билан наъра тортдики, атрофдаги жангчиларнинг барчаси даҳшатга тушиб, ақлини йўқотиб қўйди. 7. Вритрасуранинг арслон овозини эслатувчи даҳшатли наъраси фаришталарни шундай даҳшатга солдики, улар худди яшин ургандай ерга йиқилдилар. 8. Вритрасуранинг оғир қадамлари, кўрқанидан ажални кутиб, кўзини юмиб ерда ётган фаришталар билан бирга ҳатто ер юзини ҳам титратиб юборди. Худди ўрмондан чиққан фил бамбук қамишларини тепкилагани сингари, ўзининг баҳайбат санчқисини ўйнатиб, у душманларини янчиб келарди. 9. Вритрасуранинг ҳаракатларини кўриб, Индранинг қони қайнаб кетди. Осмон шоҳи ҳали ҳеч ким бас келолмаган ўзининг баҳайбат гурзисини унга улоқтирди. Аммо, Вритрасура осонлик билан, учиб бораётганидаёқ уни чап қўли билан ушлаб олди. 10. Эй шоҳ Парикшит, ўзига отилган қуролни ушлаб олиб, Индранинг душмани, қудратли Вритрасура, Индранинг филининг бошига гурзиси билан, овози бутун жанг майдонини ларзага келтирган даҳшатли зарба туширди. Унинг бу жасоратидан ҳар икки томон жангчилари ҳайратга тушдилар. 11. Вритрасуранинг яшиндай қувватли гурзиси зарбидан фил Айравата, қаттиқ оғриқ сезиб, қон тупуриб, ўн тўрт ярд масофага учиб кетди. Елкасида ўтирган Индранинг ҳам қулатиб, фил хушидан кетиб, ерга кулаб тушди. 12. Рақибининг ярадор бўлиб қийналаётган филини ва унинг ўзини кўриб, олийжаноб Вритрасура дин қоидаларига амал қилиб, унга ҳамла қилишдан бироз тўхтаб турди. Индра эса, бундай имкониятдан фойдаланиб, ўзининг шифобахш қўлини филига теккизиб, уни барча оғриқлардан халос этиб, жароҳатини бир зумда даволаб олди. Улар бемалол ўринларидан туриб олдилар. 13. Эй шоҳ, Вритрасура, жангга кириш иштиёқида ёниб, қўлига яшин қуролини

ушлаб, олдида турган душмани Индрага кўзи тушганида осмон шоҳи акасини қандай бераҳмлиқ билан ўлдирганини эслади, шунда қаҳрамоннинг қалбини ўч олиш олови қамраб олди. Ғазаб тўла истехзо билан у шундай деди:

14. Шри Вритрасура шундай деди: - "Брахманнинг ўлимига айбдор бўлган, қўллари руҳий устозининг қонига бўялган, акамнинг қотили, Худонинг марҳамати билан энди ҳаёт учун эмас, ўлим учун жанг қилишга тайёр бўлиб менинг олдимда турибди. Эй беномус, сенинг тош юрагингни менинг санчқим тешиб ўтганидагина "акам олдидаги бурчимни бажардим", деб ҳисоблайман. 15. Ўзининг олий сайёралар устидан ҳукмрон бўлиш истагингни амалга ошириш учун сен менинг акамни - ўзинг бош руҳоний қилиб танлаган бегуноҳ, юксак руҳиятли, тажрибали брахманни ўлдирдинг. У сенинг руҳий устозинг эди, сен унга ўзининг қурбонлик маросимларингни ўтказишни ишониб топширган эдинг, шунга қарамай, ҳайвонни сўядиган қассоблардай, бераҳмларча унинг калласини чопиб ташладинг. 16. Индра, сенда уят, раҳм-шафқат, шуҳрат ва омад деган нарсалардан асар ҳам йўқ. Ўзининг дунёвий(кармали) фаолиятинг натижасида сен бу эзгу сифатларнинг барчасидан маҳрум бўлгансан, шунинг учун ҳатто гўшт ейдиган ҳароми(ракшас)лар ҳам сени айблашга тўла ҳақлидирлар. Менинг санчқимга санчилиб, сен энди қаттиқ азобларга мубтало бўлиб ҳалок бўласан, ва қарға-қалхатларга ташланган сенинг жасадинга ҳатто олов ҳам яқин келмайди.

17. Сен асл табиатинга кўра бераҳмсан. Агар бошқа фаришталар ҳам, менинг жасоратимдан беҳабар, сенга эргашиб менга қилич кўтарсалар, уларнинг ҳам бошларини мана шу санчқим билан узиб ташлайман. Мен бу каллаларни Вхайрава ва арвоҳларнинг бошқа саркардаларига ва шунингдек уларнинг ҳамроҳларига инъом қиламан. 18. Агар бу жангда сенинг яшин қуролинг зарбидан каллам кетадиган бўлса, ва қўшиним ҳалок бўлса, унда, эй Индра, эй қаҳрамонларнинг энг жасури, танам бошқа тирик мавжудотлар(бўри ва қузғунлар)га фойда берганидан хурсанд бўламан. Шунда қилган ишларим (карма)оқибатида ҳаётда бажаришга мажбур бўлган барча вазифаларимдан қутуламан, ва Нарада Муни сингари буюқ содиқнинг нилуфар қадамлари пойидан олинган гардга мушарраф бўлишинигина орзу қилиб қоламан. 19. Эй фаришталар шоҳи, мана, сенинг душманинг, олдинда турибман, нега яшин қуролингни ишга солмайсан? Худди гадойдан пул сўрагандай, сенинг менга гурзи билан қилган ҳамланг бекор кетган бўлса, энди ишончинг комил бўлсинки, яшин қуролинг сенга панд бермайди.

20. Эй Индра, эй осмон шоҳи, мени ҳалок қилиш учун ишлатмоқчи бўлган яшин қуролингда Худованд Вишнунинг қудрати ва Дадхичининг риёзат кучлари мужассам. Сен Худонинг амри билан, мени ўлдириш учун келгансан, шунинг учун сенинг яшин-қуролингга албатта бас кела олмайман. Худои Таоло сен тарафда, ва шунинг учун ғалаба, бойлик ва бошқа сифатлар ҳамиша сен билан бирга бўлади. 21. Сенинг яшин қуролинг бутун умрим бўйи қамалиб келган танамнинг қулини кўкка совориши лозим. Бу танадан ажралиб, мен моддий алдовларга тўла бу оламни тарк эта оламан. Худованд Санкаршананинг насиҳатларига амал

қилиб, мен, Нарада Муни ва бошқа буюқ донишмандлар сингари, бутун фикру-хаёлимни Унинг нилуфар қадамлари пойида мужассам қилдим. 22. Ўз ихтиёрини бугунлай Худого топшириб, Унга содиқ бўлган ва Унинг нилуфар қадамлари пойи ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлган кишиларни Парвардигор Ўзининг ҳамроҳлари ёки яқин хизматкорлари сифатида эъозлайди. У Ўзининг содиқ хизматкорларини ҳеч қачон бу моддий оламнинг олий, ўрта ва пастки сайёраларининг бойликлари билан мукофотламайди. Кимники бўлишидан қатъий назар, ҳар қандай бойлик, мол-дунё фақат ҳасад, ташвиш, фикрий чалғишлар, манманлик ва урушларга сабаб бўлади. Мол-дунёга эга бўлган ҳар қандай одам, умри коинотнинг қайси бурчагида ўтаётган бўлишидан қатъий назар, қандай қилиб бўлса ҳам, ўзининг бойлигини сақлаб қолишга ва кўпайтиришга интилади, ундан маҳрум бўлганида эса, қаттиқ қийналади.

23. Худонинг Олий Шаҳси, Парвардигор Ўзининг содиқларига диний фаолиятга, иқтисодий ривожланишга, ва ҳиссиётларнинг талабини қондиришга бекорга вақт ва куч сарфлашни таъқиқлаб қўйган. Эй Индра, бу билан Парвардигор Ўзининг содиқларига чексиз меҳрибон эканини яна бир бор исботлайди. У дунёвий бойлик излаб юрганларга эмас, балки фақат ҳеч қандай манфаат кўзламайдиган Ўзининг холис, содиқ хизматкорларига Ўз марҳаматини кўрсатади. 24. Эй Худойим, эй Парвардигор, мен яна Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан ўзга бирор паноҳ нималигини билмайдиган Сенинг мангу хизматкорларинг хизматкори бўла олармиканман? Эй ҳаётимнинг эгаси, менга уларга хизмат қилишда давом этишга изн бер, токи менинг фикру-хаёлим ҳамиша Сенинг илоҳий сифатларинг ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлсин, тилимдан ҳамиша Сенинг улғуворлигини шарафлайдиган сўзлар ёғилсин, танам эса Сенга туганмас муҳаббат билан бетиним хизмат қилишга қодир бўлсин! 25. Эй Парвардигор, барча имкониятлар манбаи, мен Дхрувалокада, олий сайёраларда ёки Тангри Браҳма яшайдиган сайёрада яшаб, ҳаёт лаззатини суриш иштиёқида ёнаётганим йўқ. Мени Ер ёки пастки сайёралар сингари барча сайёраларнинг ҳукмдори бўлиш ўзига жалб қилаётгани йўқ, менга йогларнинг сеҳрли қудрати ҳам керак эмас, мен, агар эвазига Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан айрилдиган бўлсам, ҳатто озодликка чиқишни ҳам даъво қилмайман. 26. Эй нилуфарқўзли Парвардигор, ҳали қаноти ўсиб чиқмаган полапонлар озиқ олиб келадиган онасининг қайтиб келишини интизорлик билан кутадилар. Арқон билан боғлаб қўйилган кийик болалари озиқланиш пайти яқинлашганда, она сутига тўйдиришларини кутиб қаттиқ ташвишлана бошлайдилар. Эр хотинини ёлғиз ташлаб, узоқ вақт иш билан кетганида, хотини соғинч ва хавотир ичида қийналиб яшайди. Хаёлида шодликка тўла учрашиш онларини ўйлаб, у ўзининг севгилисини интизор бўлиб кутади. Худди шундай, мен ҳам қандайдир хизматим билан Сени мамнун қилиш имкониятини кутиб қийналяпман.

27. Эй Парвардигор, эй мангу ҳукмдорим, ўз қилмишларим оқибатида бу моддий олам бўйлаб сарсон бўлиб юришдан чарчаб, Сенинг соф ва улғувор содиқларинг даврасини излаб юрибман. Ташки қувватингга маҳлиё бўлиб, мен ҳалигача ўзимнинг танамга, хотинимга, фарзандларимга ва хонадонимга қаттиқ боғланиб қолганман, аммо бор кучим билан бу боғланиш ришталарини узишга уриняпман. Сендан ил-

тижо қиламанки, менинг ақлим, бутун онгим ва ўзим билан бирга бутун борлигим фақат Сенинг Ўзингники бўлсин.

Ўн иккинчи боб Вритрасуранинг шарафли ўлими

1. Шукадева Госвами шундай деди: - "Танасини тарк этиш ниятида Вритрасура, ғалаба қозонишдан кўра, жанг майдонида ҳалок бўлишни афзал кўрди. Эй шоҳ Парикшит, санчқисини кўлига олиб, у бутун кучини тўплаб, худди бутун оламни сув босганида Худонинг Шахсига қарши чиққан Кайтабха сингари, осмон шоҳи Индрага ташланди. 2. Кейин иблислар ичида буюк қахрамон Вритрасура, мислсиз куч билан учлари охирзамон пайтида оламни яксон қиладиган, даҳшатли оловнинг баҳайбат тилларини эслатувчи санқисини айлантирди. Ғазабга тўлиб, "Энди ажалнинг етди, эй лаънати гуноҳкор!"- деган ҳайкириқ билан ҳалокатли қуролини шоҳ Индрага қараб отди. 3. Вритрасуранинг учиб бораётган санчқиси осмонда чакнаётган метеорни эслатарди. Гарчи ундан таралаётган ёғду кўзларни камаштираётган бўлса ҳам, шоҳ Индра тап тортмасдан ўзининг яшин-қуролини ишга солди. У Вритрасуранинг санчқисини чилпарчин қилиб қолмасдан, унинг илонлар шоҳи Васукининг танаси сингари қудратли кўлини ҳам чопиб ташлади. 4. Аммо, бу жароҳат, Вритрасуранинг рақибининг яқинига келиб, унинг жағига ўзининг темир гурзиси билан зарба беришдан тўхтатиб қололмади. Бу буюк жангчи яна бир зарбани Индранинг жанговор филига туширди, натижада осмон шоҳининг қудратли кўлидан яшин-қуроли тушиб кетди. 5. Гарчи Вритрасуранинг бу жасоратли ҳаракати фаришталарни ҳам, иблисларни ҳам, ҳар хил сайёраларнинг аҳолиси - чарана ва сиддхаларни ҳам ҳайратга солган бўлсада, Индранинг қандай ҳалокатли аҳволда қолганини кўриб, улар қаттиқ ачиниб: - "Эҳ аттанг!" - дея хитоб қилдилар. 6. Рақиб билан бўлган жангда қуролини кўлидан чиқарганидан уялган Индра ўзининг мағлубиятини тан олишга тайёр турган эди, шунинг учун ҳатто қуролини яна кўлига олишга ҳам интилмади. Аммо Вритрасура уни яна жангга чорлади: - "Қуролингни кўлга ол ва рақибингни ўлдир! Ҳозир тақдирингга тан бериб йиғлаш пайти эмас!"

7. Вритрасура давом этди: - "Эй Индра, Худонинг Олий Шахси, ҳақиқий лаззатланувчи Бхагавандан бошқа ҳеч кимга ғалаба мангу ҳамроҳ бўлмайди. Оламнинг яралиши, мавжудлиги ва емирилишининг манбаи бўлган Парвардигорга аввал бўлиб ўтган, ҳозир бўлаётган ва энди содир бўладиган воқеаларнинг барчаси аён. Турли моддий таналарда мужассам бўлишга мажбур бўлган шартланган тирик мавжудотлар бир-бирлари билан гоҳида бирининг ғалабаси, бирининг мағлубияти билан тугайдиган даҳанаки жанг қилиб турадилар. 8. Моддий коинотдаги сон саноксиз сайёраларни бошқариб турган ҳукмдорлари билан бирга, уларда яшайдиган тирик мавжудотларнинг барчаси ҳар бир ишида Худонинг хоҳишига боғлиқдилар. Қафасга тушган қуш сингари, улар мустақил равишда бирор ҳаракат қила олмайдилар. 9. Бизларнинг сезгиларимиз ва фикрларимиз, танамизнинг саломатлиги ва ҳаёт куввати, ҳалокат ва мангулик Худонинг Олий Шахси

назорати остида. Фақат гофил одамгина буларнинг барчасини бизнинг кўримсиз моддий танамиз келтириб чиқаради, деб ҳисоблаши мумкин. 10. Эй шоҳ Индра, худди аёл шаклидаги ёғоч кўғирчоқ, ёки майса ва барглардан қилинган ўйинчоқ хайвон, ўзини ясаган кишининг амри билан ўйнаб, ракс тушгани сингари, бизлар барчамиз Худои Таолонинг амри-иродаси билан ҳаёт ўйинига тушамиз. Ҳаётда ҳеч ким мутлақо мустақил бўла олмайди. 11. Уч пуруша(Каранадакашайи Вишну, Гарбходакашайи Вишну ва Кширодакашайи Вишну), моддий табиат, моддий қувват мажмуаси, сохта ўзлик, беш моддий унсур, моддий сезгилар, ақл, тафаккур ва онг Худои Таолонинг раҳбарлигисиз моддий намоёнликни ярата олмайдилар. 12. Гофил ва нодон киши Худои Таолони англаб етишга қодир эмас. Гарчи мустақил ҳолда ҳеч қандай ҳаракат қила олмаса ҳам, у ўзини Худо деб билади. "Ўзининг аввали қилган ишлари натижасида инсон ота-онаси барпо этган танага эга бўлади, кейин худди, арслон ўз ўлжасини егани сингари, бошқа биров бу танани яксон қилади" деб ўйлайдиган одам адашган одамдир. Аслида Худонинг Ўзи бир тирик мавжудотнинг танасини бошқа бир тирик мавжудот ёрдамида яратади ва яксон қилади. 13. Гоҳида тўсатдан келган ўлим ҳали умуман ўлишни ўйламаган одамни бир зумда ўзининг ҳаёти, молдунёси, шон-шухрати ва бу ҳаётида эришган шу каби нарсалари билан биратўла хайрлашишга мажбур қилади. Лекин баъзида, қутилмаганда кишига омад қилиб боқади ва Худонинг марҳамати билан у, гўё бутунлай махрум бўлган нарсаларига яна эга бўлиб қолади. 14. Бутун борлиқ Илоҳий шахснинг олий иродасига бўйсунган, шунинг учун, агар сен шон-шухрат поғонасининг ёки шармандалиқнинг энг юқори поғонасида бўлсанг ҳам, голиб ёки мағлуб бўлсанг ҳам, тирик ёки ажал ёқасида турган бўлсанг ҳам - ҳамиша ўзинг эгаллаб турган ҳолатингга шукур қилиб, осойишта, хотиржам қолишинг керак. Қувонч ва ғам олиб келадиган бундай жараёнлар оромингни бузиб, сени ташвишга солмаслиги керак. 15. Уч сифат - эзгулик, эҳтирос ва ғафлатнинг руҳ билан ҳеч қандай алоқаси йўқлигини, фақат моддий табиатнигина ифодалашини биладиган, руҳ ҳеч нарсага аралашмасдан, фақат мана шу нарсаларнинг ўзаро ҳаракатларини кузатиб туришини англаб етган кишини - модданинг хосиятлари билан шартланиб қолмаган, озод шахс деб атайдилар.

16. Эй рақибим, менга қара! Қуролимдан, кўлимдан айрилиб, мен деярли мағлуб бўлган эдим. Сен мени мағлуб қилган эдинг, аммо, сени яксон қилишни қаттиқ истаганим учун, мен бутун кучимни тўпладим ва яна жангга ташландим. Ҳеч қандай хавфу-хатар менинг руҳимни тушира олмайди, шунинг учун сен ҳам нолаюфигон чекишни бас қил ва жангни давом эттир. 17. Эй душман, жанг худди кимор ўйинини эслатади, ютуқ - бизнинг жонимиз, соққа-тошлар - камонлар, биз миниб олган хайвонлар эса - ўйин тахтасидир. Бизларнинг қайсимизга ғалаба, қайсимизга мағлубият насиб этишини ҳеч ким олдиндан била олмайди. Ҳамма нарса Тақдирнинг кўлида".

18. Шукадева Госвами шундай деди: - "Вритрасуранинг жангни давом эттиришга ундовчи насихатларини тинглаб, Индра унга эҳтиром кўрсатиб, кўлига яна яшин қуролини олди. Ўзининг паришон ҳолатини енгиб, у табассум билан қалбининг тўридан чиқаётган сўзлар билан Вритрасурага мурожаат қилди.

19. Индра шундай деди: - "Эй иблислар ичида аъло-си, таҳдид солиб турган катта хавф-хатарга қарамай, сен мисли кўрилмаган жасорат ва Худого холис хизмат қилишни жуда чуқур англаганингни намоён этдинг. Мен шунга амин бўлдимки, сен рухий баркамолликнинг энг баланд чўққисига эришгансан ва бутун қалбинг билан Худои Таолога, ҳар бир тирик мавжудотнинг дўсти бўлган Олий Рухга содиқсан. 20. Худованд Вишнунинг алдамчи қуввати чангалидан қутулиб, сен озод рухга айландинг, бу сенга иблисларга хос бўлган фикрлашни тарк этиш ва соф содиқ даражасига кўтарилиш имконини берди. 21. О Вритрасура, иблислар одатда ўз ҳирслари таъсири остида ҳаракат қилади. Сен ўзинг иблис бўлатуриб, Худонинг содиқ хизматкориники сингари онга эга бўлишинг ҳақиқий мўъжизадир, ва сенинг бутун фикру-хаёлинг Худои Таоло, соф эзгулик тимсоли блган Васудева билан машғул. 22. Ўз ҳаётини Худои Таолога, энг буюк эзгулик инъом этувчи Шри Харига хизмат қилишга бағишлаган киши лаззат уммонида роҳатланиб яшайди. Ундай одамга қўлмакдаги сувнинг нима кераги бор?"

23. Шукадева Госвами шундай деди: - "Вритрасура ва шоҳ Индра ҳатто жанг майдонида ҳам Худои Таолога садоқатли хизмат қилиш ҳақида гапиришар эдилар. Кейин, ўз бурчларини адо этиш туйғуси таъсирида жангни давом эттирдилар. Ҳурматли шоҳ, улар иккаласи ҳам буюк қаҳрамон ва кучлари ҳам баробар эди. 24. О Махараж Парикшит, рақибини жиловлаб олиш учун ҳамма имкониятга эга бўлган Вритрасура темир гурзисини кўтарди, уни гир айлангирди ва Индрани кўзлаб, чап қўли билан иргитди. 25. *Шатапранван* деб ном олган яшин қуроли ёрдамида Индра Вритрасуранинг гурзисини бир зарбада чил-парчин қилди ва унинг қолган қўлини ҳам чопиб ташлади. 26. Қўллари таги билан бирга чопиб ташланган, қонига беланган Вритрасура учиб бораётган, қанотларини Индра кесиб ташлаган тоғдай, жуда чиройли кўринарди. 27-29. Вритрасура қудратли ҳаётини кучга эга эди. У егилиб, пастки жағини ерга қўйиб оғзини катта очганида, юқори жағи осмонга етиб турди. Унинг оғзи осмон сингари бениҳоя, тили эса баҳайбат аждарҳодай ўраларди. Ўзининг ажалдай даҳшатли тишлари билан у гўё бутун коинотни чайнаб ташламоқчидай кўринарди. Шу тарзда, баҳайбат кўринишда каттайиб кетган Вритрасура, оёқлари билан Ер юзини титратар, ҳатто тоғлар ҳам, худди Ҳимолай тоғи сайр қилгани чикқандай, унинг қадамларига мос равишда чайқаларди. Индрага яқинлашиб, у Айравата филининг устида, худди ҳатто филни ютиб юборишга қодир баҳайбат питонга ўхшаб ўтирган рақибини фил билан бирга ютиб юборди. 30. Индранинг иблис оғзига кириб ғойиб бўлганини кўрган Браҳма бошлиқ барча фаришталар ва бошқа буюк авлиёлар ташвишга тушдилар. - "Оҳ, - зорланди улар, - қандай даҳшат! Қанчалик даҳшатли мусибат!"

31. Индрага Худонинг Шаҳси, Нараянанинг Ўзидан фарқ қилмайдиган "Нараяна-кавача" қалқон дуоси инъом этилган эди. Шу дуо қалқони ва ўзининг сеҳр кучи билан ҳимояланган шоҳ Индра, Вритрасура ютиб юборган бўлса ҳам, тирик қолганди. 32. Катта қудрат заҳирасига эга бўлган яшин қуроли билан Вритрасуранинг қорнини ёриб, шоҳ Индра ташқарига чикди. Бир пайтлар иблис Балини енгган Индра, ташқарига чикқан заҳоти Вритрасуранинг катта тоғ сингари осмонга етиб турган калласини кесиб ташлади. 33. Яшин Вритрасу-

ранинг бўйни атрофида катта тезликда айланиб туришга қарамай, унинг бошини танасидан ажратиш учун роса бир йил - 360 кун - қуёш, Ой ва бошқа ёриткичлар ўз орбиталарини тўлиқ бир айланиш учун кетадиган вақт кетди. Вритрасуранинг танасини тарк этиш вақти келганида, унинг калласи елкасидан думалаб ерга тушди. 34. Ниҳоят Вритрасура жон берганида, гандхарва ва сиддхилар қувончдан яйраб литаврларини чалиб юбордилар. Улар Вритрасурани енгган Индрани олқишловчи Ведавий мадҳиялар куйладилар, ўз илтижоларида уни олқишлаб, уни гулларга кўмиб ташладилар.

35. Эй шоҳ Парикшит, эй душманларни яқсон қилувчи зот, ўлик танасини тарк этиб, унинг руҳи барча фаришталар кўзи олдида мангу уйига, Худонинг даргоҳига йўл олди. Ўзидан кўзни қамаштирувчи ёғду таратиб, у Тангри Санкаршананинг даврасида мангу қолиш учун илоҳий оламга кўтарилди.

Ўн учинчи боб

Шоҳ Индранинг қилган гуноҳи оқибатидан азоб чеккани

1. Шри Шукадева Госвами давом этди: - "Эй марҳаматли шоҳ Парикшит, Вритрасуранинг ўлганини эшитиб, бутун уч олам аҳолиси, шу жумладан уларнинг ҳукмдорлари ҳам енгил нафас олдилар. Фақат шоҳ Индра ўзининг ғалабасидан қувона олмади. 2. Кейин авлиё донишмандлар, Питрилока, Бхуталока аҳолиси, фаришталарнинг издошлари, шунингдек Тангри Браҳма, Тангри Шива ва Индранинг қўл остидаги фаришталар уйларига қайтдилар. Уларнинг бирортаси Индрага бирор гап айтмасди.

3. Махараж Парикшит Шри Шукадева Госвамига савол берди: - "Эй буюк донишманд, Индранинг мусибатга тушишининг сабаби нимада? Мен сендан шу ҳақда эшитишни истайман. Вритрасурани ўлдириб, Индра барча фаришталарга чексиз қувонч келтирди. Нимага унинг ўзи бундан хурсанд бўлмади?"

4. Шри Шукадева Госвами жавоб бера бошлади: - "Буюк донишманд ва фаришталарнинг барчаси Вритрасуранинг мислсиз қудратидан даҳшатга тушиб, уни яқсон қилишни Индрадан ялиниб илтижо қилдилар. Индра браҳманнинг қонини тўкиш гуноҳидан кўркиб, уларнинг илтимосини рад этганди.

5. Шоҳ Индра шундай деганди: - "Мен Вишварупани ўлдирганим учун шунча азоб чекдим, аммо аёллар, ер, дарахтлар ва сувнинг кўрсатган иноятлари туфайли гуноҳим оқибатини уларнинг гарданига ташладим. Яна бир браҳманни ўлдирсам, ким менинг гуноҳимни ўз гарданига олиб менга ёрдам бера олади?"

6. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - Буни эшитиб буюк донишмандлар шундай жавоб бердилар: - "Эй осмон шоҳи, омад сенга ёр бўлсин! Ҳеч нарсдан кўркма! Бизлар *ашвамедха* қурбонлик маросимини ўтказамиз, шу билан сени ҳар қандай гуноҳ оқибатидан, ҳатто браҳманни ўлдириш гуноҳидан ҳам озод қиламиз.

7. Донишмандлар давом этдилар: - "Эй шоҳ Индра, *ашвамедха* Худонинг Олий Шаҳси, олий Рух ва бутун борлиқнинг ҳукмдори бўлган Парвардигор Нараянани чексиз мамнун қилади. Шундай қурбонлик маросимини ўтказган кишининг ҳар қандай гуноҳи, Вритрасура сингари иблисни ўлдириш гуноҳи эмас, ҳатто бутун оламни

яксон қилиш гуноҳи ҳам кечиради. 8-9. Парвардигор Нараянанинг муқаддас номини тилга олиши билан браҳманни, сигирни, отасини, онасини ёки руҳий устозини ўлдирган қотил ҳам ўз қилмиши оқибатидан халос бўлади. Покланишнинг бу йўли бошқа гуноҳкорларни ҳам поклайди, масалан, ҳатто шудралардан ҳам паст табақага оид бўлган ит гўшти ейдиган ҳароми ва чандалларни ҳам. Сен эса, Худонинг содик хизматкорисан, шунинг учун сенга ёрдам бериш учун бизлар буюк от қурбон қилиш маросимини ўтказамиз. Парвардигор Нараянани шундай йўл билан мамнун қила олишингни билиб нимадан кўрқасан? Сен браҳман билан қўшиб бутун оламни йўқ қилиб юборсанг ҳам гуноҳинг кечиради. Шу биргина иблисни - бизларнинг барчамизни шунча ташвишга солаётган Вритрасуранинг ўлишини қайғуришнинг нима ҳолати бор?

10. Шри Шукадева Госвами деди: - "Донишмандларнинг насиҳатларидан шижоати ошган Индра Вритрасура уни ўлдирди ва шу билан яна *браҳма-хата*, браҳманни ўлдириш гуноҳини ўз гарданига олди. 11. Фаришталарнинг маслаҳати билан Индра Вритрасура уни ўлдирди, аммо, бу оғир гуноҳ уни жуда оғир оқибатларга дучор этди. Бошқа барча фаришталарнинг кўнгиллари шод бўлишига қарамай, Вритрасура устидан қозонган ғалабаси унинг қалбига ором бағишламади. Ҳатто Индранинг сабр-тоқатли ва чексиз бойликка эга эканлиги ҳам уни бу азоблардан қутқара олмади. 12-13. Индра ўз қилмишининг жазоси паст табақалик чандал аёл қиёфасида орқасидан изма-из келаётганини яққол кўрди. У оғзидан қон тупураётган, кўксос(туберкулез) касалига чалинган бадбашара кампир бўлиб, бетиним йўталаётгани боис бутун кийими ҳам, ўзи ҳам қонга бўялган эди. У Индрага ортидан: - "Тўхта! Тўхта!" деб қичқиради, оғзидан чиқаётган сассиқ қўланса балиқ иси бутун атрофга таралиб турарди. 14. Эй шоҳ, аввалига Индра осмонда яширинишга ҳаракат қилди, аммо бу бадбашара аёл қиёфасидаги жазо уни у ерда ҳам тинч қўймади. Қаерга борса, аёл унинг изидан борарди. Ниҳоят у шимолий шарққа йўл олди ва Манаса-саровара деган қўл бўйига етди. 15. Браҳманни ўлдириш гуноҳи оқибатидан қандай қутулишни тинмасдан ўйлаб, шоҳ Индра бегона кўзлардан яшириниб, самовий ҳисоб билан минг йил умрини қўл сувининг тагида, нафис нилуфар гулларининг орасида ўтказди. Олов фариштаси ўтказилаётган ҳар қандай қурбонлик маросимларидан Индранинг улушини олиб келиб туриши лозим эди, аммо у осмон шоҳини яшириб турган сув тўсиқдан ўта олмасди, шу боис Индра ҳаммиша оч эди. 16. Индра сув тагида нилуфар гуллари орасида яшаган пайтда, Нахуша, ўзининг илми, таркидунёлиги ва сеҳр кучи шарофати билан унинг самовий тахтини эгаллаб турди. Лекин бойлик ва ҳокимлик таъсиридан маст бўлиб кўзини ёғ босган Нахуша, Индранинг рафиқасига кўз олайтириб, унинг шаънига тегадиган илтимос билан мурожаат қилди. Бу иши учун браҳманлар уни қаттиқ қораладилар, натижада у кейинги ҳаётида илон бўлиб туғилишга мажбур бўлди. 17. Горизонт(Олам) тарафларининг ҳукмдори Рудра, ўз қудрати билан Индра содир қилган барча гуноҳлар оқибатини йўққа чиқарди. Индра Парвардигор Вишнунинг рафиқаси, Манаса-саровара қўлини безаб турган нилуфар гуллари орасида яшайдиган равнақ фариштасининг ҳомийлиги остида бўлгани учун, қилган гуноҳлари Индрага таъсир қилмади. Парвардигор Виш-

нуни бетиним мушоҳада, мушоҳаба қилиш шарофати билан, Индра ниҳоят қилган гуноҳлари оқибатидан қутулишга эришди. Браҳманларнинг илтимосига жавобан самога қайтиб, у яна ўз лавозимини эгаллади.

18. Эй шоҳ, Тангри Индра ўзининг самовий даргоҳига қайтиб келганида уни, Худони мамнун қилиш мақсадида қилинадиган от қурбон қилиш маросимига яхшилаб тайёрлаш учун авлиё браҳманлар ўраб олдилар. 19-20. Браҳманлар ўтказган от қурбон қилиш маросими Индрани қилган барча гуноҳлари оқибатидан халос қилди, чунки, бу қурбонликни ўтказиб осмон шоҳи Худонинг Олий Шахсига сажда қилган эди. Индранинг қалбида оғир дард бўлиб, виждонини қийнаб турган, ҳатто охириги гуноҳининг оқибати ҳам, худди куёш чиқиши билан дарров тарқаб кетадиган эрталабки туман сингари, бир зумда тарқаб кетди. 21. Шоҳ Индрани Маричи ва бошқа буюк донишмандлар қўллаб қувватлашарди. Улар барча қонун-қоидаларга аниқ риоя қилган ҳолда қурбонлик маросимини фақат ягона Худои Таоло - азалий шахс ва Олий Рухни мамнун қилиш мақсадида ўтказдилар. Шундай қилиб, Индра яна ўзининг аввалги тахти ва обрўсига эга бўлди. 22. Бу улўввор ҳикоя Худои Таолони, Нараянани, садоқатли хизмат қилиш жараёнини шарафлайди, Индра ва Вритрасура каби содиклар ҳақида, Индранинг ўз гуноҳлари оқибатидан қандай халос бўлгани ва унинг иблислар устидан эришган ғалабаси ҳақида ҳикоя қилади. Бу ҳикоянинг сирли маъносини англаб етган киши ҳам ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан бутунлай халос бўлади. Шунинг учун донишмандлар уни чарчамасдан ўрганишни тавсия қиладилар. Уларнинг насиҳатларига амал қилган киши ўзининг ҳиссиётини лаззатлантириш имконига эга бўлади, бойлиги ортиб кетади, ва доврўғи бутун оламга таралади. Фикрларининг поклиги, душманлари устидан зафар кучиш ва танасининг саломатлиги ҳеч қачон уни тарқ этмайди. Эзгуликка тўла бу ҳикояни донишмандлар ҳаммиша тинглашдан ва бошқаларга қайта гапириб беришдан чарчамайдилар.

Ўн тўртинчи боб

Шоҳ Читракетуниги мусибати

1. Шоҳ Парикшит Шри Шукадева Госваидан сўради: - "Эй билимдон браҳман, бутун ҳаёти ҳирс ва ғафлат гуналарига ботиб кетган иблислар одатда энг гуноҳкор осий зотлар бўладилар. Қандай қилиб Вритрасура Худонинг Олий Шахси, Нараянага нисбатан шундай улўввор муҳаббатга сазовор бўла олди? 2. Ҳатто ҳаёти моддий алдовлар билан булғанмаган буюк авлиёлар сингари ҳаммиша эзгулик таъсири остида бўлган фаришталар ҳам Мукунданинг нилуфар қадамлари пойига ҳаммиша садоқат билан хизмат қилишга қодир эмаслар.(қандай қилиб Вритрасура шунчалик садоқатли бўлишга эришди?) 3. Ер юзидаги тупрок заррачалари қанча бўлса, бу моддий оламда шунча тирик мавжудотлар яшайди. Уларнинг ичида одамлар сони жуда ҳам оз. Шу даражада танқис, нодир бўлган одамлар

орасида камадан-кам одам дин билан қизиқади. 4. Эй Шукадева Госвами, эй брахманлар аълоси, диний қоидаларга амал қилиб яшайдиганларнинг ичида камдан-кам одам бу моддий оламни биратўла тарк этиб кетишни истайдилар. Ана шундай озодликка эришишни истайдиганлар миллионлаган одамлар ичида фақат бир киши табиатан моддий бўлган жамиятга, дўстларига, ватанига, уйига, хотини ва фарзандларига боғланишни тарк этиб, ҳақиқатан ҳам озодликка эриша олади. Кўп минглаб ана шундай озодликка эришган шахслар ичида озодликнинг ҳақиқий маъносини англаб етган кишини жуда кам учратиш мумкин. 6. Эй буюк донишманд, озодлик моҳиятини тўлиқ англаб унга эришган кўп миллион шахслар ичида зўрға биргина Парвардигор Нараяна ёки Кришнанинг содиқ хизматкорини учратиш мумкин. Ақли ҳамиша бутунлай осойишта бўлган бундай содиқлар жуда кам учрайди. 6. Бу даҳшатли жангда иштирок этган Вритрасура нопок ва жирканч иблис эди, у атрофдагиларга фақат азоб-укубат келтирарди. Қандай қилиб мана шундай иблис шунчалик улуғвор даражада Худони англашга эришган? 7. Эй ҳукмдорим, Шукадева Госвами, Вритрасура жирканч иблис бўлишига қарамай Тангри Индра билан бўлган жангда энг буюк, олийжаноб қшатрийларга хос жасорат кўрсатди, ва бу билан унинг чуқур эҳтиромига сазовор бўлди. Шундай иблис қандай қилиб Парвардигор Кришнанинг буюк содиғи бўлиб чиқди? Бу қарама-қаршиликлар мени ҳайрон қолдирапти. Шунинг учун сендан ана шу гумонларимни тарқатишингни илтижо қиламан.

8. Шри Сута Госвами шундай деди: - "Махараж Парикшитнинг саволини тинглаб туриб, донишмандлар ичида энг улуғи Шри Шукадева Госвами, шогирдининг фаросатига қойил қолиб, шундай жавоб берди.

9. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - "Эй шоҳ, мен сенга Вьясадева, Нарада ва Деваладан эшитган бир ҳикояни гапириб берман. Илтимос диққат билан қулоқ сол. 10. Эй шоҳ Парикшит, бир пайтлар бутун сайёрага ҳукмронлик қилиб турган шоҳ бўлган экан. Шурасена аҳли уни Читракету деб атарди. У ҳукмдор бўлган пайтда она Ер бутун аҳолини ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарса билан мўл-кўл таъминлар экан. 11. Шоҳ Читракетунинг ўн миллион хотини бўлган, аммо ўзи зурёд қолдириш қобилиятига тўла эга бўлса ҳам, маликаларнинг бирортаси унга интизор

бўлиб кутилаётган ўғил туғиб беролмасди. Бахтга қарши уларнинг бирортаси фарзанд туғишга қодир эмасди. 12. Сон-саноксиз хотинларнинг эри бўлган Читракету ғоят гўзал, навқирон ва олийжаноб эди. Обрўли оилада туғилиб, яхши тарбия кўрган, чуқур илмга, чексиз мол-дунёга ва ҳокимликка эга эди. Шунга қарамай, бу эзгу сифатларнинг ҳаммаси биргаликда фарзанди йўқлиги туфайли чекаётган азобларидан уни халос эта олмасди. 13. На таърифлаш қийин бўлган даражада гўзал хотинлари, на саноғига етиб бўлмайдиган мол-дунёси, на ҳукми остидаги поёни йўқ давлат сарҳадлари, на бу ёруғ оламдаги бошқа бирор нарса уни хурсанд қила олмасди.

14. Кунларнинг бирида, буюк донишманд Ангира, бирор маълум мақсадсиз коинот бўйлаб сайр қилиб юриб, шоҳ Читракетуга буюк илтифот кўрсатиб, унинг саройига кириб келди.

15. Донишмандни кўрган шоҳ Читракету дарҳол ўтирган тахтидан турди ва эҳтиром билан бош эгди. Ҳар хил таом ва ичимликлар билан меҳмон қилиб, шоҳ буюк меҳмонни муносиб кутиб олди. Донишманд ҳамма нарсадан мамнун эканига иқроор бўлганидан кейин Читракету кўнгли хотиржам бўлиб унинг оёқлари ёнига ўтирди. 16. Эй шоҳ Парикшит, Читракету буюк донишманднинг нилуфар қадамлари пойида қўл қовуштириб чуқур эҳтиром билан тиз чўкиб ўтиргандан сўнг, донишманд унинг кўрсатган иззат икромидан мамнун эканини айтди. Кейин донишманд гап бошлади.

17. Буюк донишманд Ангира шундай деди: -"Эй шоҳ, ўйлайманки, сенинг тананг, ақлинг, шунингдек салтанатингга ҳеч қандай хавф раҳна солаётгани йўқ. Табиатнинг етти таркибий қисмлари(моддий қувват мажмуи, ўзлик ва ҳиссиётларни лаззатлантирувчи беш манба) яхши ҳолатда бўлганида, танаси моддий унсурлардан таркиб топган тирик мавжудот ўзини бахтиёр ҳис қилади. Мана шу етти таркибий нарсалар бўлмаса ҳаётнинг ўзи ҳам бўлмайди. Худди шунингдек яна етти шарт мавжудки, улар бўмаса шоҳ салтанатга ҳукмрон бўла олмайди: устоз(свами ёки гуру), вазирлар, салтанат, кўрғон, хазина, ҳарбий қудрат ва дўстлар. 18. Эй шоҳ, ўз фуқароларининг саодати учун қўлидан келган ҳамма нарсани қиладиган ва уларнинг маслаҳатларига бефарқ қарамайдиган ҳукмдор ҳақиқатан ҳам бахтли бўлишга муносибдир.

Шу билан бирга ўз шохининг амрини бажаришга бутун куч қудратини сарфлайдиган ва унинг учун ҳар нарса қурбон қилишга тайёр бўлган кишидан ҳеч қачон бахт юз ўғирмайди. 19. Эй шох, сенинг хотинларинг, фуқаролар, хизматкор ва яқин намоёндаларинг, шунингдек савдогарлар ва ёғ, зиравор сотадиганларнинг барчаси сенга тўла бўйсундиларми? Ўз навбатида ўзинг қилаётган ишларинг ҳақида вазирларингга, шаҳар ва қишлоқлардаги ҳокимларга, ер эгаларига, ўғилларинг ва бошқа фуқароларга ахборот бериб турасанми? 20. Ақлини жиловлаб олган шох оиласидагилар ва вазирларни ўзига мутлақо бўйсундира олади. Унинг барча ҳокимлари ва вакиллари унга ҳеч қандай сўзсиз солиқ тўлаб турадилар, оддий фуқароларни айтмаса ҳам бўлади. 21. Эй шох Читракету, қалбинг тўрида чуқур қайғу-ҳасрат борлигини сезиб турибман. Ахир сенинг энг катта орзуинг ҳалигача рўёбга чиқмади. Бунга ўзинг айбдормисан ёки бошқа бировми? Юзингнинг зафаронлиги қаттиқ ташвиш ва ғам чекаётганингдан далолат бериб турибди.

22. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - "Эй шох Парикшит, буюк донишмандга ҳамма нарса аён эди, барибир у шохга шу саволни берди. Шунда фарзанд кўриш истаги қалбини эзаётган шох Читракету Ангира олдида эхтиром билан бош эгиб шундай деди.

23. Шох Читракету деди: - "Эй буюк донишманд Ангира, қаттиқ риёзатларинг, чуқур илминг ва илоҳий ҳолинг шарофати билан сен ҳар қандай дунёвий иллатлардан покландинг. Шундай улуғвор йогнинг назаридан мендек шартланган руҳ бирор нарса сир тута олармиди? 24. Эй буюк зот, сенга бу дунёдаги ҳамма нарса аён, шунга қарамай, мендан нима сабабдан азоб чекаётганим ҳақида сўраяпсан. Саволингга жавоб бериб, мусибатим сабабини аён этишга изн бер. 25. На гулчамбар, на сандал пастаси очлик ва ташналик азобидан қийналаётган одамнинг мусибатини енгиллата олмайди. Худди шундай на чексиз бойлигим, на салтанатим, на чексиз давлатим менга шодлик келтира олмайди, чунки менинг ҳалигача фарзандим йўқ.

26. Шунинг учун эй буюк донишманд, сендан илтимос, мени ва менинг зурёдим бўлмагани сабабли дўзахга равона бўлган авлодларимни қутқар. Сендан илтимос, шундай қилки, менинг ўғил фарзандим бўлсин, фақат угина бизларнинг барчамизни дўзах азобидан қутқара олади.

27. Тангри Браҳманинг ақлидан дунёга келган Ангира Риши Читракетунинг илтимосини тинглаб шохнинг дардини чуқур англаб етди. Катта қудрат соҳиби бўлган донишманд Твашта ширгуруч тақдим етиб, қурбонлик маросимини ўтказди. 28. Эй Махараж Парикшит, Бхаратлар аълоси, қурбонлик таомининг қолган сарқитини буюк донишманд Ангира Читракетунинг миллионлаган хотинларининг ичида биринчиси ва энг гўзали бўлган Кри-тадьютига берди. 29. Кейин буюк донишманд шохга шундай гаплар билан мурожаат қилди: - "Эй буюк шох, энди сен ўғил фарзанд кўрасан, у сенга шодлик ва мусибат келтиради". Шундай деб донишманд бирдан ғойиб бўлди, Читракету ҳатто бир оғиз ҳам сўз айтмай қолди. 30. Худди Криттикадеви Агнидан Тангри Шиванинг уруғлигини олиб, Сканд(Карттикея) деган фарзандни дунёга келтиргани сингари, Читракетунинг уруғлигини олган Критадьюти ҳам, Ангира уюштирган қурбонлик маросимидан қолган овқатдан еб, хомиладор бўлди. 31. Шурасена шох Махараж Читракетунинг уруғини олган малика Критадьютининг қорни ойнаинг ёруғ ўнбеш кунлигидаги ой сингари кун сайин ўса борди. 32. Кейин, ой куни тўлиб, шаҳзода дунёга келди. Бу тантанали ҳодиса ҳақидаги хабарни бутун Шурасена аҳолиси шоду хуррамлик билан кутиб олди.

33. Ҳаммадан ҳам кўпроқ шох Читракету қувонганди. Ювиниб поклангандан сўнг, тоза кийимларини кийиб, қимматбаҳо тақинчоқларини тақиб, у брахманлардан бундай пайтда ўтказиладиган маросимларни ўтказишни ва янги туғилган чақалоқни дуо қилишларини сўради. 34. Маросимда иштирок этган брахманларга шох саховат билан олтин, қумуш, либос ва тақинчоқлар ҳадя қилди. У уларга қишлоқлар, от ва филлар, шунингдек олти юз миллион сигир совға қилди. 35. Сайламасдан бутун ер юзини суғорадиган ёмғир сингари, саховатли шох Читракету, ўзининг шуҳратини янада ошириш, бойлигини кўпайтириш ва умрини узайтириш учун барчага баробар саховат билан совғалар улашди. 36. Шох Читракетунинг қалбида ўғлига бўлган муҳаббат кун сайин ўсиб улғайиб борарди, ахир у фарзанд кўришдан бутунлай умидини узишга оз қолганди-да. Унинг қувончи узоқ вақт оч наҳор юриб, бирдан бир қоп пул топиб олган гадойнинг севинчига ўхшарди. 37. Онасининг ўғлига бўлган муҳаббати ҳам, отасининг

туйғуси сингари, худди ўрмонга кетган ёнғиндек кучайиб борарди. Айни пайтда шохнинг бефарзанд қолган бошқа хотинларининг қалбида кучли олов аланга оларди, лекин бу олов ҳасад олови эди. 38. Ўғлини тинимсиз ардоқлаб, шох бутун вақтини фарзандининг онаси, малика Критадьюти билан ўтказар ва аста-секин бефарзанд бўлган бошқа хотинларидан совиб кетганди. 39. Бошқа маликалар фарзанд кўра олмаганларидан жуда қаттиқ қийналарди. Шохнинг ўзларига нисбатан бутунлай бефарқлигини кўриб, рашк ўтида ёниб улар ўзларининг тақдирини зор йиғлаб қарғар эдилар. 40. "Агар хотин бефарзанд бўлса, эри уни тан олмайди, бошқа хотинлар эса уни оддий чўри ўрнида кўрадилар. Албатта ундай аёл ўзининг аввалги қилган гуноҳларининг ёмон оқибатларини тортаётган бўлади. 41. Ҳатто эрига бетиним хизмат қилаётган канизаклар ҳам ҳурматга лойиқроқдир. Уларнинг хафа бўлишга ҳаққи йўқ. Бизлар эса ҳатто шу канизакларнинг хизматидамыз, шуниси бизларни азобга солади".

42. Шри Шукадева Госвами давом этди: - "Маликалар эрининг ўзларидан бутунлай совиб кетганини ва унга ўғил туғиб берган Критадьютининг афзаллигини кўриб, қалбида ҳасад олови кун сайин кучая борди. 43. Кучайиб бораётган ҳасад алангаси уларнинг ақлини ўғирлаб қўйди. Эрининг бефарқлигига чидай олмаган бу бешафқат аёллар охири болага заҳар ичирдилар.

44. Дугоналарининг ўғлига заҳар ичирганидан беҳабар малика Критадьюти ўғлининг уйқудан уйғонишини кутиб ховлида сайр қилиб юрарди. У ўғлининг аллақачон оламдан ўтганини хаёлига ҳам келтира олмасди. 45. Ўғлининг уйқуси жуда чўзилиб кетганини кўриб, жуда фаросатли бўлган малика Критадьюти энагага шундай деди: - "Азизим, ўғлимни олиб кел!" 46. Ҳаракатсиз ётган чақалоқ устига енгашиб, канизак унинг кўзлари олайиб кетганини кўрди. Болада ҳеч қандай ҳаёт аломатлари кўринмасди. Эрактойининг ўлиб ётганини англаб етгач, у даҳшат ичида чинқириб юборди: - "Вой ўлдим!" - ва ерга беҳуш йиқилди.

47. Канизак чуқур ҳасратга тушиб, аламли нола чиқаётган кўкрагига икки қўллаб муштлар эди. Унинг овозини эшитиб, малика ўғлининг хонасига шошилди, яқин бориб ўғлининг бевақт ҳалок бўлганини кўрди. 48. Тақдирнинг бундай зарбасидан малика томири қирқилган дарахтдек қулаб тушди: унинг

сочи ва либослари ерга ёйилиб ётарди. 49. Эй шох Парикшит, бу қаттиқ фиғонларни эшитган сарой ахли, эру-хотинлар, овоз чиққан жойга тўпландилар. Бўлган воқеани эшитиб улар ҳам йиғлашга тушдилар. Болани заҳарлаганлар ҳам бошқалардан қолишмай, ўзларининг сохта кўз ёларини кўз-кўз қилиб йиғлардилар. 50-51. Ўғлининг кутилмаганда сирли ҳалок бўлганини эшитган шох Читракету кўз ёшлари тинмай кўзлари кўр бўлаёзди. Суюкли ўғлидан ажралиб, қилаётган ҳасрати ўрмонга кетган ёнғин сингари кучаярди. Жондан азиз ўғлининг олдида чошиб кетар экан у қоқилиб, йиқилиб кетарди. Вазирлари ва олим брахманлар куршовида кийим ва сочлари тўзиган ҳолда Читракету ниҳоят ўғлининг танасига яқин келганида, мусибат шохни биратўла адойи тамом қилганди. У ўғлининг оёғи ёнига беҳуш қулаб тушди. Анча вақт ўтгандан кейин шох оғир-оғир нафас олиб ўзига кела бошлади, лекин бўғзига тикилиб келаётган алам ва кўз ёшлардан бирор гап айтишга мажоли келмасди. 52. Мусибат адойи тамом қилган эрини ва жонсиз ётган шохнинг ягона меросхўрини кўриб маликанинг фиғони фалакка кўтарилди. Бундай даҳшатли манзара сарой ахлининг, вазирларнинг ва барча брахманларнинг қалбларини тилка-пора қилди.

53. Критадьютининг бошидаги гулчамбари сочларини тўзғитиб пастга тушиб кетди. Кўзларидан оқаётган шашқатор ёшлари киприкларидаги қора бўёққа қўшилиб, кункума суртилган кўксини хўлларди. Унинг ўғлидан айрилганини айтиб қилаётган фиғонлари *курари* қушининг ширин куйларини эслатиб сарой аркалари остида жарангларди.

54. - "Эй тақдир, эй Яратган, минг афсус, Сен яратиш нималигини билмас экансан. Отасига ўғлининг ўлиmidан кейин яшашга йўл қўйиш билан Сен ўзинг яратган борлиқ қонунига хилоф иш қилдинг. Агар Сен мана шу қарама-қаршиликка барҳам бермасанг, унда Сен тирик мавжудотларнинг душманисан ва Сенда меҳр деган нарсадан асар ҳам йўқ. 55. Эй Парвардигор, Сен, ўғли тириклигида отаси ўлиши лозим ва отаси тирик пайтида ўғли туғилиши керак деган қонун йўқ, чунки ҳар ким ўзининг моддий фаолияти оқибатида туғилиб ўлади, деб эътироз билдиришинг мумкин. Аммо, агар моддий фаолият шу қадар кучли бўлиб, туғилиш ва ўлишни ўзи ҳал қилса, унда бутун борлиқни ушлаб турган Худонинг нима кераги бор? Иккинчидан, Сен

айтасанки, Худосиз моддий қувват ҳаракат қила олмайди. Бунга эътироз билдириш мумкин: моддий фаолият Сен Ўзинг яратиб кўйган севги ришталарини узар экан, унда ҳеч ким ўз фарзандини севмай қўяди. Демак, ҳамма ўз фарзандини тақдир кўлига ташлаб кўйиши керак эканда. Шундай қилиб, ота-оналарни ўз фарзандларини тарбиялашга мажбур қиладиган муҳаббат, меҳр ришталарини Сен Ўзинг узар экансан, ва шунинг учун ҳам мен Сени бефаросат ва ношуд деб айтаман.

56. Эй севикли ўғлим, бу бахтиқаро ва нажотсиз онангни ташлаб кетма! Отанг қандай азоб чекаётганига бир кара! Мангу азоб-укубатга ботган бу зулмат қаъридан бизларни фақат сен ўзинг кутқара оласан. Тўхта, бешафқат Азроил изидан эргашиб кетишининг ҳожати йўқ. 57. Менинг эркатой ўғлим, сен жуда узоқ ухлайсан. Уйғон, илтимос! Қара, тенгдошларинг сени ўйнагани чақиришяпти. Сен, балки оч қолгандирсан, кел озгина эмиб ол ва ота-оналарингни мусибат азобидан халос эт. 58. Ўғлим, мен дунёдаги энг бахтиқаро аёлман, чунки энди сенинг ширин табассумингни кўра олмайман. Нилуфар кўзларингни мангу юмиб, борса келмайдиган жойларга кетдинг. Сенинг ширин овозинг энди ҳеч қачон ер юзидан янграмайди.

9. Шри Шукадева Госвами давом этди: - "Қаттиқ севадиган ўғлининг танаси устида фиғон чекаётган хотинидан кейин, қалби жароҳатга тўлган шоҳ Читракету бутун овози билан нола чека бошлади. 60. Шоҳ ва маликанинг яқинлари, уларнинг чуқур дардларига ҳамдард бўлиб, қаттиқ нолалар қила бошладилар. Бу ҳодисадан бутун салтанат ларзага келган эди. 61. Шоҳнинг чуқур мусибатга дучор бўлганини эшитиб, буюк донишманд Ангира Нарада Риши билан бирга унга ёрдамга шошилдилар.

Ўн бешинчи боб

Донишмандлар Нарада ва Ангиранинг насихатлари

1. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - Жонсиз ёлғиз ўғлининг ёнида бемажол ётган бахтиқаро шоҳга яқинлашиб, буюк донишмандлар Нарада ва Ангира унга чуқур маъноли гаплар билан муурожаат қилдилар.

2. - Эй шоҳ, айрилиқ ўтида шунча кўз ёши тўкаётган бу бола сенга ким бўлади, сен унга ким бўласан? Сен албатта, "у - менинг ўғлим,

мен унинг отасиман", деб жавоб берсанг керак. Лекин, сизларни боғлаб турган бу қариндошлик ришталари у дунёга келишидан аввал ҳам бор эди, ҳозир ҳам мавжуд, келажакда ҳам сақланиб қолади, деб ишонч билан айта оласанми? 3. Эй шоҳ, сув тўлқини билан кўтарилган майда қум зарралари гоҳида бири-бири билан тўкнашиб, яна ажралиб кетгани сингари, қудратли Замон ҳукмига бўйсунган шартланган тирик мавжудотларнинг йўллари ҳам кўшилиб, ажралиб туради. 4. Ерга ташланган уруғлар баъзида униб чиқади, баъзида униб чиқмайди. Ер ярқисиз бўлса, уруғ сеппининг ҳожати йўқ. Худди шундай, зурёд қолдиришга қодир эркак Худонинг амри билан жинсий алоқа қилганида, баъзида аёл ҳомиладор бўлмайди. Шунинг учун қариндошлик ришталари деган гаплар азоб-укубатлар манбаи бўлмаслиги керак, чунки улар Худонинг қудратининг натижаси бўлган ҳолда, фақат Унинг ҳукми остида. 5. Эй шоҳ, сенинг ҳозирги ҳолатинг, бизларнинг, маслаҳатчиларинг, хотинларинг ва вазирларинг, шунингдек коинотдаги барча кўзгалувчан ва кўзгалмас тирик мавжудотларнинг ҳолати сингари - ўткинчи, вақтинчалик ҳолатдир. Биз туғилмасдан аввал у бўлмаган эди, ва бизлар ўлгандан кейин бу ҳолат ҳам йўқолади. Шунинг учун, бизларнинг ҳозирги ҳолатимиз, гарчи ҳақиқатан мавжуд бўлса ҳам, ўткинчи ҳолатдир.

6. Худонинг Олий Шаҳси, бутун борлиқнинг эгаси ва ҳукмдори, бу ўткинчи моддий борлиқдан манфаатдор эмас. Шунга қарамай, худди сув бўйидаги қумлоқ соҳилда ўйнаб ўтирган бола, аслида ўзига керак бўлмаган қасрлар кургани сингари, Парвардигор ҳам бутун моддий оламни яратади, мавжудлигини таъминлаб туради ва яқсон қилади. Отани фарзанд кўришга ундаб, У тирик мавжудотларни яратади, шоҳни ёки ҳукуматни фуқароларга ғамхўрлик қилишга ундаб, уларнинг мавжудлигини таъминлаб туради ва қотилларни, илон сингари йиртқичларни юбориб уларни яқсон қилади. Худо моддий оламни яратишда, сақлаб туриш ва яқсон қилишда фойдаланидиган зотлар ҳеч қачон ўз хоҳишлари билан фаолият кўрсатмайдилар, аммо, Унинг алдамчи қуввати таъсирида улар ўзларини яратувчи, таъминловчи ва яқсон қилувчи деб ҳисоблайдилар. 7. Худди бир уруғдан иккинчи уруғ пайдо бўлгани сингари, эй шоҳ, бир тана(ота) бошқа тана(она) билан алоқа қилиб

учинчи тана(фарзанд)ни дунёга келтирадилар. Моддий тана ичидаги тирик мавжудот унинг танасини ташкил этувчи моддий унсурлар сингари мангудир. 8. Бутун ва бўлак орасидаги фарқ, масалан, миллат ва алоҳида шахс орасидаги фарқ, тўлиқ илмга эга бўлмаган киши онгида мавжуд бўлади.

9. Шри Шукадева Госвами давом этди: - "Нарада ва Ангиранинг чуқур маънога тўла насихатларини тинглаб, қалбида умид чироғи ёнган шоҳ Читракету мусибатдан сўниб қолган юзини артди ва гапира бошлади.

10. Шоҳ Читракету шундай деди: - "Кутилмаганда пайдо бўлиб, сиз озодликка чиққан шахслар, авадхуталарнинг қиёфасига кириб олгансизлар. Сизлар мен эшитган зотлар ичида энг улуғвор зотларсиз. Ҳеч нарса сизларнинг назарингиздан четда қолмайди. Шунинг учун мен сизларни буюк шахсларнинг энг буюги деб биламан. 11. Кришнанинг энг азиз хизматкорлари бўлган вайшнавлар даражасига кўтарилган браҳманлар ўзларининг ташқи кўриниши билан ақлдан озган кишиларни эслатади. Бизлар сингари, ҳаётда фақат лаззат излаб юрган дунёвий одамларнинг саодатини ўйлаб, уларнинг ақл кўзларини қоплаб олган ғафлат пардасини очиш учун бундай вайшнавлар хоҳлаган жойларда дунё кезиб юрадилар. 12. Эй буюк зотлар, мен ғафлат ботқоғига ботган одамларга таълим бериш учун дунё кезиб юрган буюк ва комил шахслар ҳақида жуда кўп эшитганман. Улар - Санат-Кумар, Нарада, Рибху, Ангира, Девала, Асита, Апантаратама(Вьясадева), Маркандея, Гаутама, Васиштха, Бхагаван Парашурама, Капила, Шукадева, Дурваса, Ягьявалкья, Дхатукарна ва Арупи. Бошқалар ҳам бор, масалан Ромаша, Чьявана, Даттатрея, Асури, Патанджали, Ведаларнинг боши деб танилган буюк донишманд Дхаумья, донишманд Панъашикха, Нираньянабха, Каушалья, Шрутадева ва Ритадхвадха. Сизлар ҳам мана шу авлиёлардан эканингиз яққол кўриниб турибди. 16. Шунинг учун мен сизлардан илтижо қиламан: уй ҳайвонига ўхшаб қолган мендек ярамас нодондан ўзингизнинг чексиз марҳаматингизни дариғ тутманг. Сизлардан таралаётган соф илм ёғдуси мени қамраб олган ғафлат зулматини ёритсин.

17. Ангира муни шундай деди: -"Эй хурматли шоҳ, мен - сенинг эзгу фарзанд кўриш тилагингни рўёбга чиқарган Ангира Риши бўламан. Сенинг олдингга донишмандларнинг энг буюги, Тангри Браҳманинг ўғли

Нарада Муни билан бирга келдим. 18-19. Эй хурматли шоҳ, сендек Худонинг Шахсининг буюк содиғи моддий нарсалардан маҳрум бўлганидан мусибат чекиб ўтирса ярашмайди. Бизлар бу ерга ғафлат ботқоғига чуқур ботганинг туфайли пайдо бўлган сохта ҳиссиётлардан сени халос этиш учун келдик. Рухий илмни пухта эгаллаган кишининг моддий омад ва бахтсизликлардан бундай таъсирланиши тўғри келмайди. 20. Мен сенга аллақачон, ўша биринчи келганимдаёқ олий илоҳий илм беришим мумкин эди. Аммо, сенинг ақлу-хаёлинг моддий муаммоларга ғарқ бўлиб ётганини кўриб, сен учун буюк бахт ва мусибатлар манбаи бўлган ўғил кўриш имкониятини берган эдим. 21-23. Эй хурматли шоҳ, сен тақдир ўғил ва қизлар ато этган зотларнинг мусибатларини тотиб кўрдинг. Эй Шурасена ҳукмдори, хиссий лаззат келтирувчи нарсалар билан бирга барча бойликлар сингари хотин, уй, салтанатнинг ҳам бир ёмон ҳислати бор - улар барчаси ўткинчи. Салтанат, ҳарбий қудрат, хазина, хизматкорлар, вазирлар, дўстлар ва қариндошлар фақат кўрқув, алданиш ва йўқотиш азобини келтирадилар. Буларнинг барчаси, айтишларига караганда, эртақлардаги қалин ўрмонда йўқолиб кетган саройни эслатади. Бундай алдамчи нарсаларга эга бўлиш - алданиш, хом-хаёлдан ўзга ҳеч нарса эмас. 24. Атрофимиздаги хотин, болалар ва молу-дунёмиз - барчаси ақлимиз келтириб чиқарган алдамчи нарсалардир. Кўз ўнгимизда рўй бераётган ҳодисаларнинг барчаси - гоҳида пайдо бўлиб, гоҳида йўқолиб кетадиган рўё, саробдир. Хаёлимизда пайдо бўладиган бу рўёлар бизлар аввалги ҳаётимизда қилган ишларимиз натижаси сифатида юзага келади, ва ана шу хом хаёлларга берилиб бизлар алданишда яна давом этамиз. 25. "Ҳаёт - фақат тананинг вазифаларини бажаришдангина иборат бўлган фаолиятдир", деб биладиган тирик мавжудот ўзининг беш моддий унсурдан, беш сезгидан ва ақлдан таркиб топган танасининг ичида тутқунликда бўлади. Ақли уни уч хил мусибатдан азоб чекишга мажбур қилади: - адхибхаутика, адхидайвика ва адхиатмика. Демак, моддий тана тирик мавжудот учун зулм, мусибат манбаидир. 26. Шунинг учун, эй шоҳ Читракету, руҳнинг ҳолатини яхшилаб, синчиклаб ўрганиб чиқ. Бошқача қилиб айтганда, ўзинг аслида ким эканингни англаб етишга ҳаракат қил: танамисан, ақлмисан ёки руҳмисан? Бу танага қаердан келиб қолдинг, уни тарк этга-

нингдан кейин қаерга борасан, нега сени моддий нарсалар бунчалик қийнапти? - шу саволларга жавоб топишга ҳаракат қил. Шу тарзда ўзининг ҳақиқий ҳолатингни англаб етганингдан кейин сен бемаъни, кераксиз бўлган боғланишлардан қутула оласан. Сен моддий оламдаги ҳаётнинг, бошқача қилиб айтганда, Кришнага хизмат қилиш билан боғлиқ бўлмаган нарсаларнинг барчаси ўткинчи эканига амин бўласан.

27. Буюк донишманд Нарада Муни давом этди: -"Эй ҳурматли шоҳ, чуқур эҳтиром билан мендан мана бу мантрани ўрганиб ол. Уни қабул қилиб, сен етти кундан кейин Худонинг дийдорини яққол кўра оласан. 28. Эй ҳурматли шоҳ, Тангри Шива ва бошқа фаришталар бир пайтлар Санкаршананинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топган эдилар. Шунда улар моддий қарама-қаршилиқлар алдовидан дарров халос бўлган ва руҳий салтанат даргоҳига эришгандилар. Яқин кунларда сен ҳам ана шундай мартабага эришажаксан.

Ўн олтинчи боб.

Шоҳ Читракетуни Худо Шаҳси билан учрашиши.

1. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - "Ҳурматли шоҳ Парикшит, ўзининг сеҳрли кудрати ёрдамида буюк донишманд Нарада Муни шоҳ ва унинг мусибат чекаётган барча қариндошларига ҳалок бўлган шаҳзодани нафис танасида кўриш имконини берди ва шаҳзодага шу гапларни айтди.

2. Шри Нарада Муни деди: -"Эй тирик мавжудот, омад сенга ёр бўлсин! Қара, сенинг ота-онанг қанчалик қийналяптилар. Бу ердан кетиб сен ўзининг барча дўстаринг-қариндошларингни қаттиқ азобга дучор қилиб қўйдинг. 3. Сен ҳаётинг кучингни тўла сарфлаб бўлмасдан, ажалингдан аввал ҳаётни тарк этдинг. Сен мана шу қариндошларинг ва дўстларинг даврасида ўзингга ҳаёт учун берилган вақт давомида лаззатланиб яшаш учун яна танангга қайтиб киришинг мумкин. Отангнинг тахтини ва бутун бойлигини эгалласанг бўлмайдимми?

4. Нарада Мунининг сеҳр кучига бўйсуниб, тирик мавжудот шу заҳоти тарк этган танасига кирди, ва гапира бошлади. Шаҳзода шундай деди: -"Моддий фаолиятим натижаларидан баҳраманд бўлиб, мен, тирик мавжудот, ҳар хил таналарни алмаштириб, бу дунёда гоҳ

фаришта, гоҳида ҳайвон, гоҳида ўсимлик бўлиб, баъзан эса одам бўлиб туғиламан. Булар иккови қайси туғилишимда менга отаналик қилган эканлар? Аслида менинг отам ҳам, онам ҳам йўқ. Нима сабабдан мен бу одамларни ота-онам деб ҳисоблашим керак экан? 5. Моддий ҳаётнинг кучли оқими судраб, олиб кетаётган тирик мавжудот тақдир тақозоси билан ўзига яқинлашган ҳар қандай зотга маҳкам ёпишиб олади. Шу тарзда одамлар орасида ҳар хил муносабатлар пайдо бўлади: дўстлик, душманлик, қариндош-уруғчилик, мустақил алоқалар, бир бирини кўролмаслик ва ҳок. Лекин бу муносабатларнинг барчаси ўткинчи ҳолатлардир. 6. Худди олтин ва бошқа нарсаларнинг тинимсиз бир қўлдан иккинчи қўлга ўтиб юриши сингари, тирик мавжудот моддий фаолияти натижасида ўзини у ёки бу кўринишдаги таналарга киритиб қўядиган ота-оналарини кетма-кет алмаштириб, бутун коинот бўйлаб айланиб юради. 7. Баъзи тирик мавжудотлар инсон танасида, бошқалари ҳайвон танасида дунёга келадилар. Гарчи уларнинг барчаси мангу тирик мавжудотлар бўлса ҳам, уларнинг бу моддий оламдаги муносабатлари узоққа чўзилмайди. Инсон бирор ҳайвонни анча вақт уйида боғлаб қўйиши, кейин уни бошқа бировга бериши мумкин. Шундан кейин одам ўзини бу ҳайвоннинг хўжайин(эгас)и деб ҳисобламайди. Одам ҳамиша ўзининг уйидаги ҳайвонга боғланиб қолади, аммо у шу ҳайвонни бировга сотиши биланоқ унга бўлган боғланиш ҳисси ўз-ўзидан йўқолиб кетади. 8. Тирик мавжудотлар ҳамиша бири-бири билан, ўткинчи таналари билан боғлиқ бўлган ҳар хил ўзаро муносабатларда бўладилар, лекин тирик мавжудотнинг ўзи(ҳақиқий ўзлиги) ҳамиша ўзгармай қолади. Аслини олганда тирик мавжудот эмас, фақат унинг танаси туғилади ва ўлади. Унинг ўзини туғилади ва ўлади деб ўйламаслик керак. Тирик мавжудотнинг ота ва она деган нарсаларга умуман алоқаси йўқ. Ўзининг моддий фаолияти натижасида у қайсидир ота-онанинг ўғли вазифасини бажарар экан, шу ота-оналар пайдо қилган ҳозирги танаси унинг хўлқатворини белгилайди. Шу тарзда тирик мавжудот ўзини шу одамларнинг ўғлиман деб ўйлаб, сохта хаёллари асосида ҳаракат қилади. Аммо, ажал ҳар қандай қариндошлик ришталарини узиб ташлайди. Ана шуни эсан чикармаган ҳолда ҳеч қандай қувонч ва мусибатларга берилмаслик керак. 9. Тирик мавжу-

дот мангу ва ўлмас, унинг аввали ҳам, ниҳояси ҳам йўқ. У туғилиб-ўлиш қонунига бўйсунмайди. Ҳар қандай тирик организмни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида ҳаракат қилса ҳам, унинг ўзи моддий танага мутлақо эга эмас. Унинг нафис табиати, сифати Худонинг табиати, сифати билан бир хил. Аммо, ўзи жуда кичик заррача бўлгани учун, тирик мавжудот Худонинг ташқи қувватининг алдовига дош бераолмайди ва шунинг учун ўзининг истакларига жавоб берадиган моддий танага эга бўлади. 10. Ҳеч бир нарса тирик мавжудотга ёқимли ёки ёқимсиз бўлмайди. У ҳеч нарсани ўзиники ёки бошқаники деб бир-биридан ажратмайди. У ўзига тўла бутун: яъни унинг учун дўст билан душманнинг, яхши билан ёмоннинг фарқи йўқ. У(рух) фақат одамнинг қилаётган ҳар бир ишининг назоратчиси, гувоҳи сифатида иштирок этади. 11. Барча сабаб ва оқибатларнинг ягона манбаи бўлган ҳолда Худо Шахси(атма) моддий тананда рўй бераётган қувонч ва мусибатлардан қийналмайди, ва унинг моддий танаси бўлмагани боис, У ҳамиша мустақил, боғланмаган, хотиржам қолади. Тирик мавжудотлар Худонинг майда бўлаклари бўлгани учун Унинг у ёки бу сифатларини ўзида қисман намоён этади. Шунинг учун мусибатга берилишнинг умуман ҳожати йўқ".

12. Шри Шукрадева Госвами давом этди: - "Шундай гапларни гапириб, бир пайтлар Махараж Читракетунинг ўғли танасида бўлган тирик мавжудот(рух), отаси ва қолган барча қариндошларини хайратда қолдириб, бу ерни тарк этди. Унинг насиҳатлари бу ерда тўпланганларга қариндошлиги келтириб чиқарган боғланиш ришталарини узиб ташлаш, ва шу билан жудолик келтирган мусибатдан қутулиш имконини берди. 13. Шахзоданинг жасадини дафн қилиб, унинг қариндошлари мусибатлари, қўрқувлари ва азобларига сабаб бўлган боғланиш туйғусидан халос бўлдилар. Инсон ўзининг қалбидаги ана шундай боғланиш туйғусидан халос бўлиши, шубҳасиз осон иш эмас, шунга қарамай, улар қийналмасдан бунинг уддасидан чиқдилар. 14. Критадьютининг ўғлини захарлаб ўлдирган душманлари шарманда бўлдилар, ва уларнинг юзидан таралиб турган нур сўниб, чиройидан маҳрум бўлдилар. Қилган ишларига пушаймон бўлиб, Ангира Мунининг насиҳатларини эслаб, фарзанд кўриш ниятидан қайтдилар. Брахманларнинг насиҳатларига қулоқ солиб, улар Ямуна қирғоғига йўл олдилар ва у ерда

гуноҳларини ювиш учун сувга чўмилдилар. 15. Брахманлар Ангира ва Нараданинг насиҳатлари шарофати билан шоҳ Читракетунинг кўзи очилди. Худди кўлдан чиққан фил сингари, шоҳ Читракету оилавий ҳаётнинг тубсиз қудуғини тарк этди. 16. Ямуна сувларида чўмилиб, шоҳ маълум қоидаларга амал қилиб, фаришталарга ва ўтган авлодларига эҳсон қилиш маросимини ўтказди. Кейин ақли ва ҳиссиётларини катъий қарор билан жиловлаб олиб, чуқур эҳтиром билдириб, Тангри Брахманинг ўғиллари(Ангира ва Нарада)га таъзим қилди. 17. Шунда, Читракетунинг ўзини англаш ва Худога холис хизмат қилиш йўлида қилаётган уринишларидан мамнун бўлган Нарада Муни, донишмандларнинг энг аълоси, ўзининг бу шогирдидан мамнун бўлиб, унга илоҳий насиҳатларини берди.

18.(Нарада Мунининг Читракетуга берган дуоси): -"Эй парвардигор, Худонинг Олий Шахси, омакарани талаффуз қилган ҳолда мен Сенинг олдинда бош эгаман. Менинг ақлу-хаёлим ҳамиша Парвардигор Васудеванинг қиёфасида мужассам бўлсин! Эй Парвардигор Прадьюмна, Парвардигор Анируддха ва Парвардигор Санкаршана, сизларга ўз эҳтиромимни изҳор этишга рухсат беринг! Рухий қудрат ва чексиз фароғатга тўлган ҳолда Сен Ўзингдан ҳамиша мамнунсан ва мутлақо осойишталик қўйнидасан. Мен Сенинг нилуфар қадамларинг пойига бош эгиб чуқур таъзим қиламан. Ҳақиқатнинг энг охири нуктаси - ягона ва бетакрор, мангу илмга тўла бўлган Сен Ўзингсан, мен Сенинг Брахман, Параматма ва Бхагаван кўринишидаги барча қиёфаларингга сажда қиламан. 20. Моддий борлиқ уммонининг тўлқинлари қанчалик қутурмасинлар, улар Сен Ўзлигингда топган хотиржамлик ва осойишталикка чўмиб ётган Сенинг олдинда ожиздир. Шунинг учун, эй Худойим, мен Сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан бош эгаман. Ҳиссиётларнинг олий ҳукмдори бўлган ҳолда Сен Ўзингни сон саноксиз кўринишларда намоён этасан. Сенинг чексиз қудратинг олдида бош эгишга менга изн бер! 21. На сўзлар, на ақл шартланган руҳга Худонинг Олий Шахсини англаб етишда ёрдам бера олмайди, чунки У мутлақо руҳий бўлган ҳолда, қўпол ва нафис моддий унсурлардан устун туради. Шунинг учун Худо Шахсини моддий ном ва шакллар ёрдамида таърифлаб бўлмайди. Унинг кўринишларидан бири - шахссиз

Брахмандир. Бизлардан Унинг бебаҳо марҳамати аримасин! 22. Ернинг ўзидан ясалган кўзачалар то синиб, парчаланиб ер билан қўшилиб кетгунга қадар кўза холида тургани сингари, Олий Браҳмандан пайдо бўлган бу коинот ҳам Олий Браҳманнинг Ўзида бироз вақт мавжуд бўлиб туради, кейин ана шу Браҳманнинг Ўзи уни ютиб юборади. Браҳманнинг манбаи ҳам Худо Шахсининг Ўзи бўлгани учун биз Унинг олдида камтарин бош эгамиз. 23. Осмон каби чексиз Олий Браҳманни Худонинг Олий Шахси яратган. У модданинг ичига сингиб киради ва уни ташқаридан ҳам ўраб туради, аммо у билан аралашиб кетмайди. Ақл, тафаккур, ҳиссиётлар ва ҳаёт қуввати Унга яқинлаша олмайди ва Уни англаб ета олмайди. Чуқур эхтиром билан мен Унинг олдида бош эгаман. 24. Агар темир сим то кизаргунча киздирилса, худди оловдек куйдирадиган бўлади. Худди шунингдек, тана, ҳиссиётлар, ҳаёт кучи, ақл ва тафаккур ҳам гарчи ўлик унсурлар бўлса ҳам, Худонинг Олий Шахси уларга заррача онг ато этган заҳоти ҳаракатга келадилар. Қиздирилмаган темир оловдек куйдиролмагани сингари, моддий ҳиссиётлар ҳам Олий Браҳман уйғотмаса ҳаракатга келмайди. 25. Руҳий олам сайёрасида макон топган эй илоҳий Парвардигор, минглаб энг яхши содиқ хизматкорлар Сенинг нилуфар қадамларинг пойини нилуфар гулғунчаси сингари майин кўллари билан силашдан чарчамайдилар. Сен - олти сифатнинг тўла соҳиби бўлган Олий Парвадигорсан. Сен Пуруша-сукта илтижосида олқишланган Худонинг Олий Шахсисан. Сен - моддий қонунлар таъсир қилмайдиган барча сеҳр кучларининг ҳукмдори бўлган олий мукамаллик тимсолисан. Чуқур эхтиром билан мен Сенинг олдинда бош эгаман.

26. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - Читракетунинг руҳий устози вазифасини бажараётган Нарада Муни, шогирдининг бутун қалби билан Худо Шахсига содиқлигини кўриб, унга мана шу илтижода мужассам бўлган буюк илмни берди. Кейин, эй ҳукмдор, Нарада Муни буюк донишманд Ангира билан шоҳни тарк этдилар ва Браҳмалока деган олий сайёрага йўл олдилар. 27. Фақат сув билангина озикланиб, Читракету бир ҳафта давомида самимий шижоат билан Нарада Муни берган мантрани такрорлади. 28. Эй шоҳ Парикшит, устозидан олган мантрани бир ҳафта такрорлагандан кейин унга, гарчи у бунинг учун ҳеч

интилмаган бўлса ҳам, Видьядхаралар сайёрасига ҳукмрон бўлиш ато этилди. 29. Бир неча кун ўтгандан кейин, мантрани такрорлаш руҳий жараёни шарофати билан ақли барча иллатлардан покланган Читракету, Анантадеванинг нилуфар қадамлари пойига эришди.

30. Худонинг Олий Шахси даргоҳига эришган Читракету, ҳаворанг кўк ипак либосга ўралган худди нилуфар гули сингари оқ рангли Парвардигор Шешани юзма-юз кўрди. Унинг тожини безаб турган бриллиантлар, билагузуги ва камари кўзни қамаштиргудек ярқираб турарди. Парвардигорнинг юзида майин табассум ўйнар, кўзлари қизғиш рангда эди. Унинг атрофини Санат-кумар сингари энг буюк содиқлар ўраб олган эди. 31. Барча моддий ғуборлардан покланиши ва азалдан ўзига хос бўлган Кришна онгига мустаҳкам эга бўлиши учун Читракетунинг Парвардигорга бир марта нигоҳ ташлаши кифоя эди. Худого бўлган муҳаббат уни жиддий ва камгап қилиб қўйди, танасининг туклари хурпайди, кўзларидан эса беихтиёр ёш тирқиради. Қалби муҳаббат ва садоқатга тўлиб у азалий Худо Шахси олдида тиз чўкиб сажда қилди. 32. Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойига бош эгиб, Читракету уларни кўз ёшлари билан юварди. Шоҳ Худо Шахсига муносиб илтижолар қилмоқчи бўлди, аммо қалбини тўлқинлантириб турган чуқур ҳаяжон гапирришга йўл бермасди. 33. Кейин, ақлини тафаккури билан жиловлаб олиб, ҳиссиётларининг ташқи фаолиятларини назорат остига олиб, у қалбини тўлдирган ҳаяжонни изҳор этувчи сўзларни танлаб илтижо қила бошлади. Шундай қилиб Махараж Читракету (сатата-самхита, Браҳма-самхита, Нарадапанчаратра сингари) муқаддас битикларнинг тирик тимсоли бўлган Парвардигорга ва бутун оламнинг руҳий устозига илтижо қила бошлади.

34. Читракету шундай деди: -"Эй тенгсиз Парвардигор, ақл ва ҳиссиётини жиловлаб олган Сенинг содиқ хизматкорларингдан ўзга ҳеч ким Сени мағлуб қила олмайди. Уларнинг Сени мағлуб қилишлари Сенинг ҳеч қандай моддий нарсалар сўрамайдиган содиқларга бўлган бесабаб марҳаматинг билан ифодаланади. Ўзингни уларнинг ҳукмига топшириб, Сен айни пайтда, содиқ хизматкорларингнинг ҳукмдори эканингни намоён қиласан. 35. Эй Парвардигор, Сен ўз кўлларингда бутун борлиқни, шу жумладан унинг яратиш, сақлаб туриш ва яқсон қилишни ушлаб турибсан. Бу

коинотнинг Тангри Брахма ва бошқа ҳукмдорлари - атиги Сенинг қисман намоён бўлган кўринишининг заррачаларидир, чекланган яратиш қобилиятлари уларга Худо(Ишвара) билан тенглашиш имконини бермайди. Аммо, ўзи ҳақидаги сохта ўйлар уларни "чексиз қудратлимиз" деган фикрга боришга олиб келади. Албатта бу алданишдир. 36. Сен ҳар бир нарсанинг - модданинг намоён бўлган энг кичик зарраси бўлган атомдан тортиб, то чексиз коинотлар ва моддий унсурлар мажмуигача - пайдо бўлиши, мавжудлиги ва яксон бўлиши жараёнида иштирок этасан, аммо, Сенинг на аввалинг, на ўртанг ва на ниҳоянг мавжуд эмас. Моддий мавжудликнинг уч босқичи бир-бири билан алмашиб, Сенинг нигоҳинг остида рўй беради, Сенинг мавжудлигинг эса мангу ва ўзгармас. Ҳатто бу космик коинот йўқликка, мавҳумликка равона бўлганда ҳам, Сен унинг азалий манбаи бўлиб қолаверасан. 37. Ҳар бир коинот ер, сув, олов, ҳаво, эфир, қувватлар мажмуи ва сохта ўзликдан иборат етти қобик билан қопланган. Ҳар бир қобик олдингисидан ўн марта қалинроқ. Бизникидан ташқари сон-саноксиз бошқа коинотлар мавжуд, аммо уларнинг баҳайбат ўлчамларига қарамай, Сен уларни кўринмас зарралардек ютиб юборасан. Шунинг учун Сени чексиз(ананта) деб олқишлайдилар. 38. Эй Парвардигор, ҳар хил лаззатлар кетидан қувиб, ақлини йўқотгани учун фаришталарга сиғинадиган одамлар инсон қиёфасида ўзларининг ҳайвоний эҳтиросларини яшириб олганлар. Сенга сиғиниш ўрнига, эй олий ҳукмдор, улар, ўзларининг тубан ниятлари таъсири остида кўримсиз фаришталарга - Сенинг шухратинг нурларида зўрға кўзга илинадиган арзимас учкунларга сиғинадилар. Бу коинот ўзини бошқариб турган фаришталари билан бирга яксон бўлганида, у фаришталарнинг берган ҳар қандай дуолари ҳам, худди шоҳ тахтидан маҳрум бўлганда унинг амалдорлари ҳам ўз кучини йўқотгани сингари, ўзининг бутун қудратини йўқотади.

39. Эй олий Парвардигор, эй моддий сифатларга эга бўлмаган илм чироғи, агар қалбини моддий истаклар чулғаб олган одам Сенинг олдингда бош эгса, худди тозаланган ёки ковурилган уруғлар униб чиқмагани сингари, унинг истаклари ҳам уни бу ўткинчи дунёга қайта олиб келмайди. Моддий оламнинг бешафқат қонунлари чангалига тушган тирик мавжудот кетма-кет туғилиш ва ўлишлар

орқали ўтади, аммо Сен билан ўзаро илохий муносабатларини ривожлантиришга мойил киши устидан моддий табиат ҳукмронлик қилишга қодир эмас. 40. Эй енгилмас Зот, Сенинг нилуфар қадамларинг пойи паноҳига бошлаб келувчи бенуксон диний қонунни аён этиб, Сен мени мағлуб қилдинг. Кумарлар сингари дунёвий орзу-ҳавасларга боғланиб қолмаган зотлар ва ҳақиқий ўзлигида ором топган донишмандлар Сенга моддий иллатлардан покланиш учун учун сиғинадилар. Яъни улар Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан паноҳ топиш учун бхагавата-дхарма қоидаларига амал қиладилар. 41. Бхагавата-дхармадан ўзга ҳар қандай диний таълимот асосида инсоннинг ўз фаолияти натижаларидан роҳатланиш, лаззатланиш истаги ва "мен" -"сен" ёки "сеники" - "меники" сингари қарама-қаршиликлар туради. Бундай тушунчалар "Шримад Бхагаватам" таълимоти издошларига зиддир. Кришнани англаганидан кейин улар худди ўзлари Кришнанинг бир заррачаси бўлгани сингари, Кришна ҳам уларники эканини тушунадилар. Душманларини яксон қилиш ёки сеҳр қудратига эга бўлиш учун одамлар бошқа, улуғворлиги пастроқ бўлган диний таълимотларни ўрганадилар, аммо улардаги бир-бирига душманлик ва ҳасад ғоялари бу диний тизимларнинг поклиги ва юксак кадр-қимматини йўқотади. Аслида улар Худонинг таълимотига зид, чунки инсонларда ўзаро рақобат руҳини ривожлантиради. 42. Инсонлар қалбига совуқлик, рақобат уруғини сочадиган дин ўзининг издошларига ва бошқаларга қандай саодат келтириши мумкин? Ундай диннинг қоидаларига риоя қилиб такводорликка эришиб бўладими? Қандай руҳий чўққиларга эришиш мумкин? Нафрат туйғуси таъсири остида ўзига ва атрофидагиларга озор берадиган киши, ҳар қандай худобехабар каби фақат ўзининг бахтиқаро қисматига Сенинг ғазабингни қаратади, холос.

43. Эй Парвардигор, "Шримад Бхагаватам" ва "Бхагавад Гита"да инсон ҳаётда энг олий мақсадга эриштирадиган йўлдан ҳеч қачон тоймаслиги учун нима билан шуғулланиши кераклиги тўғрисида Сенинг қарашларинг, фикрларинг келтирилган. Сенинг кўрсатмаларингга амал қилиб, ўзининг бурчини бекаму-кўст бажарадиган ва барча - кўзгалувчан ва кўзгалмас, олий ва тубан - тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўлган кишиларни арьянлар деб атайдилар.

Ана шу арьянлар Сенга, Худонинг Олий Шахсига сиғинадилар. 44. Эй Парвардигор, Сени яккол кўриш бахтига муяссар бўлган киши, ҳар қандай моддий иллатдан дарров покланади. Сен билан учрашиш эмас - атиги бирор марта Сенинг муқаддас номингни эшитса, ҳатто паст табақага мансуб ҳароми, чандал ҳам бутунлай покланади. Шундай экан, Сени юзма-юз кўриб ҳам нопок бўлиб қолиш мумкинми? 45. Шунинг учун, эй Парвардигор, гуноҳларга тўла ҳаётим келтирган барча моддий боғланишлар ва ўткинчи арзимас орзу-ҳаваслардан биратўла покланиш учун Сенинг дийдорингга бир марта кўз ташлашнинг ўзи кифоя бўлди. Буюк донишманд Нарада Мунининг гапларига ишонмай бўладими? Ахир унинг насихатлари шарофати билан мен Сенинг дийдорингни кўришга муяссар бўлдим. 46. Эй ниҳоясиз Худо Шахси, бу дунёда бўлиб турган ҳодисаларнинг барчаси ҳар бир тирик мавжудотнинг Олий Рухи бўлган Сенга кундек равшан. Осмонда куёш порлаб турганида учкун нимани ҳам ёрита оларди. Мен Сенга қандай янгилик айта олардим - Сенинг Ўзинг ҳамма нарсадан тўла хабардорсан! 47. Эй Худойим, Сен бу моддий коинотни яратувчи, мавжудлигини таъминловчи ва яқсон қилувчи Зотсан, аммо, моддий нарсаларга қаттиқ боғланиб қолган ва атрофида фақат ранг-барангликнигина кўра оладиган зотларнинг Сени кўриш учун кўзлари йўқ. Ундай инсон Сенинг ҳақиқий табиатингни англаб етишга қодир эмас, ва шунинг учун улар моддий олам Сенга бўйсунмайди деган қарорга келадилар. Эй Худойим, энг олий поклик рамзи ва олти улуғвор ҳислатнинг тўла соҳиби бўлган Сенинг Ўзингга эҳтиром билан сажда қиламан. 48. Эй Парвардигор, ўзларининг яратувчилик қудрати учун Тангри Браҳма, Тангри Индра ва моддий оламнинг бошқа ҳукмдорлари Сенинг марҳаматингдан қарздорлар. Бизларнинг сезгиларимиз фақат Сенинг моддий қувватни сезишинг туфайли сезиш қобилиятига эга. Сенинг бошингда паноҳ топган баҳайбат коинотлар қантал уруғи сингари кичкина бўлиб кўринадилар. Сенга, мингбошли Худо Шахсига мен чуқур эҳтиром билан таъзим қиламан".

49. Шри Шукадева Госвами давом этди: - "Худованд Анантадева Читркетунинг илтижоларидан мамнун бўлди. Эй қурулар хонадонининг энг аъло вакили Махараж Парикшит, энди Худонинг Олий Шахсининг Видьядхаралар шоҳига берган жавобини эшит.

50. Худонинг Олий Шахси, Анантадева шундай деб жавоб берди: -"Эй шоҳ, буюк донишманд Нарада ва Ангиранинг насихатларига амал қилиб, сен Мен ҳақимдаги илоҳий илмни тўла эгаллаб олдинг. Сен руҳий илмни эгаллашда муваффақиятга эришдинг, бу сенга Менинг дийдоримни кўриш имконини берди. Сен энди камолот чўққисига эришдинг. 51. Барча кўзғалувчан ва кўзғалмас тирик мавжудотлар, Менинг намоён бўлган қувватларим бўлиб, Мендан ажралган ҳолда мавжуддирлар. Мен - ҳар бир тирик мавжудотнинг Олий Рухиман, ва фақат Менинг шарофатим билан улар дунёга келадилар. Мен - Олий Мутлақ Ҳақиқатман, Ўзимни омкара ёки Харе Кришна, Харе Рама сингари илоҳий товушларда намоён этаман. Булар иккиси - илоҳий товуш ҳам, мангу лаззатга тўла Илоҳнинг руҳий қиёфаси ҳам - мангу ва номоддийдир. 52. Шартланган руҳ, бу моддий оламнинг барча нарсаларидан лаззатланишга фақат ўзини ҳақли деб ўйлаб, моддий табиат қонунларини ўзига бўйсундиришга интилади. Айни пайтда тирик мавжудотнинг ҳар қандай фаолияти моддий табиат қонунларига бўйсунган ва моддий унсурлар билан шартланган. Шу тарзда улар бир-бири билан ўзаро алоқада бўлади, аммо мен руҳ ва модданинг яратувчиси сифатида бу икки нарсаси(субстанция)ни ҳам камраб олганман. Мен, Худо Шахси унисини ҳам, бунисини ҳам яратдим, ва улар иккиси ҳам Менда жойлашган. 54. Ухлаб ётган одамнинг кўзи одида ҳеч нарсаси бўлмаса ҳам, ички назари олдида баланд тоғлар ёки дарёлар, балки бутун коинот намоён бўлиши мумкин. Уйқудан уйғонгандан кейин, у энг аввало ўзининг одам танасида эканини ва маълум жойда тўшакда ётганини англайди. Кейин у ҳаётнинг маълум шароитлари ичида эканини, яъни у ёки бу миллатга, оилага ва ҳоказо атамаларга мансуб эканини англайди. Аммо, унинг тушида, сергаклигида ва мудроқлигида кўрган нарсаларининг барчаси - Худонинг Олий Шахсининг қувватининг ҳар хил ўйинлари холос. Инсон ўзини у ёки бу шароитларга солиб қўйган Зотни, Ўзи ҳар қандай шарт шароитлардан устун бўлган Худони бир лаҳза ҳам унутмаслиги керак. 55. Олий Браҳман ҳар ерда мавжуд Олий Рухдир. Унинг шарофати билан тирик мавжудот уйқуда эканини ва ўзининг ҳақиқий бахти моддий сезгилар чегарасидан ташқарида эканини англаб олади. Шундай қилиб Мен уйқудаги тирик мавжудотларни ҳаракат

қилишга ундайман. 56. Агар одамни Олий рух ухлатиб қўйган бўлса, Олий Рухдан бошқа бўлган инсон қандай қилиб ўз тушининг мазмунини тушуна олади. Бировнинг дардини бошқа биров сезмайди. Шунинг учун, тушида ҳам, ўнгида ҳам бўлаётган ҳодисалар билан қизиқадиган тирик мавжудот бошқа тирик мавжудотлардан фарқ қилади. Бу илмни унга Олий Браҳман беради. Бошқача қилиб айтганда, тирик мавжудот ҳам, олий рух ҳам билиш, англаш қобилиятига эга. Шундай қилиб, тирик мавжудот ўнгида ҳам, тушида ҳам ҳаракат қилиши мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам сезадиган, биладиган зот бир, ягона зот, лекин у Олий Браҳман билан сифат жиҳатдан бир. 57. Тирик мавжудот ўзини мустақил деб билиб, мангу рухий табиатини, у худди Мен сингари тўлиқ илм ва лаззатга эга эканини унуган захоти унинг моддий шартланган ҳаёти бошланади. Яъни, Менинг амримни бажариш ўрнига у ўзининг атрофидаги хотини, фарзандлари ва мол-дунёси сингари моддий нарсаларга хизмат қила бошлайди. Шу йўл билан ҳаракат қилиб, тирик мавжудот туғилиш ва ўлишларнинг тубсиз гирдобига тушиб қолади. Унда бир танани тарк этиш, албатта иккинчи танага эга бўлишга олиб келади. 58. Ведавий(ҳақиқат) илмни эгаллаш ва уни амалда қўллаш инсон олдида камолотга эришиш йўлини очиб беради. Бундай нодир омад айниқса муқаддас Ҳиндистон(Бхарата-варша) заминида туғилганларга тегишлидар. Аммо, агар инсон ўзининг рухий табиатга эга эканини англаб етмаган бўлса, ҳатто у жаннатда ёки шунга ўхшаш роҳат-фароғат келтирадиган жойларда яшаётган бўлса ҳам, камолотга эриша олмайди. 59. Ҳатто муқаддас битиклардаги қоидаларга асосланган моддий фаолиятга берилиб кетган ҳар бир одам ҳаётида қандай хавф-хатарлар учраши мумкинлигини, шунингдек, кўпинча бундай фаолиятнинг натижаси кутилганидан умуман тескари бўлиб чиқишини эсдан чиқармаган ҳолда, ақлли, фаросатли инсон шубҳасиз ўз меҳнатининг натижаларидан лаззатланишга интилишдан бош тартади, чунки бундай интилишлар унга инсон ҳаётининг энг олий мақсадига эришишга йўл қўймайди. Ўзининг фаолиятдан моддий манфаат кўришга интилмайдиган - бошқача қилиб айтганда, фақат Худони рози қилиш учун холис хизмат қилиб юрган киши - инсон ҳаётининг энг олий мақсадига эришиши ва ҳар қандай азоб-уқубатларнинг барчасидан биратўла ва бутунлай халос бўлишга

қодирдир. Шундай қилиб, юқоридаги айтилган гапларни эътиборга олиб, моддий истаклардан қатъий юз ўгириш керак. 60. Эр билан хотин, эркак ва аёл бирга қўшилиб, бахтга эришиш ва ҳаётда учрайдиган қийинчиликларини енгиллатиш учун имконияти борича ҳаракат қиладилар, аммо, қалбларида орзу-истаклар олови ловуллаб турган одамнинг уринишлари, қилган меҳнатлари ҳеч қачон унга шодлик олиб келмайди, азоб-уқубатлардан халос этмайди. Аксинча, ўзининг уринишлари билан у тақдиридаги мусибатларини яна ҳам кўпайтиради. 61-62. Шунинг тушуниш керакки, ўзининг дунёвий(моддий) илмлари билан гердайдиган кишиларнинг фаолияти, улар тушида ёки ўнгида тасаввур қила оладиганидан ҳам кескин фарқ қиладиган натижалар олиб келади. Гарчи моддий фикрловчи одамлар руҳнинг мавжудлигига ишонмасалар ҳам, рух ҳеч қандай моддий шарт-шароитларга бўйсунмайди. Айтилганларнинг ҳаммасини таҳлил қила туриб, инсон хоҳ бу ҳаётда бўлсин, хоҳ кейинги ҳаётларида бўлсин ўз меҳнатининг натижаларидан баҳраманд бўлиш умидини бутунлай узиши лозим. Шундай қилиб, илоҳий илмни чуқур эгаллаган ҳолда инсон Менинг содиқ хизматкорим бўлиши керак. 63. Инсон ҳаётининг энг олий мақсадига эришишга интилаётган киши, Олий Мутлақ Шахс ва тирик мавжудот бир-бири билан ўзаро, бутун ва бўлак кўринишидаги муносабатларида, сифат жиҳатидан бир хил эканини англаб етиши керак. Ҳаётни тўлиқ англаб етишнинг охириги, натижавий мазмун-моҳияти мана шундан иборат. Мана шундан устунроқ ҳақиқат йўқ. 64. Эй шоҳ, агар сен Менинг насихатларимга ишонч ва садоқат билан изчил амал қилсанг, моддий лаззатларга бўлган боғланишлардан халос бўлиб, рухий илмга эга бўлсанг, уни ҳаётда қўллашга ўргансанг - бизларнинг бу учрашувимиз бекорга кетмайди - сен камолотнинг энг олий чўққисига эришасан".

65. Шри Шукадева Госвами давом этди: - "Читракетуга Ўз насихатларини бериб, уни танлаган йўли тўғри йўл эканлигига ишонтириб, Худонинг Олий Шахси, олий рухий устоз, олий Рух, Санкаршана хайратга тушган шохнинг кўзидан бирдан ғойиб бўлди.

Ўн еттинчи боб

Она Парватининг Читракетуни қарғаши

1. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - "Ғойиб бўлган Худонинг Олий Шахси Анантанинг изидан эхтиром билан бош эгиб, Видьядхаралар ҳукмдори Читракету чексиз коинот бўйлаб саёҳатга чиқди. 2-3. Буюк донишмандлар ва авлиёлар, шунингдек Сиддхалока ва Чараналока аҳолиси олқишлаётган сеҳргар-йоглар ичида энг қудратлиси бўлган Читракету миллион йил давомида ҳаёт лаззатини сурди. Туганмас ҳаёт кучи заҳирасига ва сўнмас ҳиссиётларга эга бўлган шоҳ, инсоннинг сеҳр қудрати камолот чўққисига етадиган чексиз Сумера тизимининг кенг водийси бўйлаб айланиб юрди. Бу водийларда у Видьядхаралоканинг чиройли аёллари билан биргаликда Олий Худо Хари номига ҳамду санолар айтиб, ҳеч нарса доғ сололмайдиган бахтиёр ҳаёт нашъасини сурди.

4-5. Кунларнинг бирида, Худованд Вишну совға қилган ярқираб турган ҳаво кемасида сайр қилиб юриб, сиддха ва чараналар даврасида ўтирган Тангри Шивани учратиб қолди. Тангри Шива буюк муқаддас донишмандлар даврасида, рафиқаси Парватини тиззасига ўтказиб, уни бир кўли билан кучоқлаб ўтирарди. Читракету бундан қаттиқ кулиб юборди ва ўзининг ҳар бир гапини Парвати эшитсин деб, атайлаб баланд овозда гапира бошлади.

6. Читракету шундай деди: -"Тангри Шива - бутун инсониятнинг руҳий устози, барча шартланган тирик мавжудотлар ичида энг олий мартабага эга. У ҳақиқий дин қонунларининг барчасини ҳаммага эълон қилади. Аммо, ўзининг қилаётган ишига қаранг - буюк донишмандлар даврасида хотини Парватини кучоқлаб ўтирибди. 7. Тангри Шива, шубҳасиз, риёзатчилар ичида энг улуғи ҳисобланади, унинг чигаллашиб кетган сочлари ҳам шундан далолат беради. У ҳақиқатан ҳам Ведавий қоидаларига изчил амал қилувчи донишмандлар мажлисини бошқаришга муносиб зот. Шунга қарамай, у шунча мўътабар инсонлар орасида хотинини тиззасига ўтказиб, ҳеч уялмасдан, худди оддий одамлардек уни кучоқлаб ўтирибди. 8. Одатда шартланган ҳаёт кечираётган оддий одамлар, бегона кўзлардан яширинган ҳолда хотинларига яқинлашиб, кучоқлай оладилар. Шунинг учун, риёзатчиларнинг энг улуғи Тангри Махадеванинг бу ерда тўпланган авлиё донишмандларнинг кўзи олдида хотинини кучоқлаб ўтирганини кўриб мен хайратга тушяпман.

9. Шри Шукадева Госвами давом этди: - "Эй шоҳ, ақлининг теранлиги билан ажралиб турадиган Читракетунинг гапларига қудратли Тангри Шива ҳеч нарса деб жавоб бермади. У шунчаки кулиб қўя қолди, ундан ўрнак олиб, унинг атрофидагилар ҳам жим ўтиравердилар. 10. Бу илоҳий зотларнинг улуғворлигидан беҳабар, ҳиссиётларни жиловлаб олишда ўзини Тангри Шивадан устун турадигандай ҳис қилган Читракетунинг гапирган гапларидан фаришта Парватининг қаттиқ жаҳли чиқди.

11. Парвати шундай деди: -"Наҳотки, энди, мана шу маҳмадона олий ҳукмдорлик ҳуқуқига эга бўлса? Энди биз сингари уятсиз ярамасларни жазолайдиган зот у бўлибдими? Балки у бутун оламнинг олий ҳукмдори қилиб тайинлангандир? Бутун борлиққа ҳукмини ўтказувчи ягона зот айнан мана шу ярамас бўлиши мумкинми? 12. Афсуски, на нилуфар гулида туғилган Тангри Брахма, на Бхригу ва Нарада сингари буюк донишмандлар, на Санат-Кумар бошлиқ тўрт Кумарлар дин қоидалари ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Балки, Ману ва Капила ҳам одоб қоидаларини эсидан чиқарган бўлсалар керак, чунки Тангри Шивани беодобликда айблаш уларнинг бирортасининг ҳаёлига ҳам келмаганди. 13. Кшатрийлар хонадонига номуносиб бўлган бир ярамас бутун оламнинг руҳий устозини, диннинг энг улуғвор қонун-қоидалари тимсоли бўлган, нилуфар қадамлари пойи умумбашарий сажда қилишга муносиб бўлган зотни ҳақорат қилишга журъат этди. Ўзининг бу қилмиши билан Читракету нафақат Тангри Шивани, балки Тангри Брахма бошлиқ барча фаришталарни ҳақорат қилди ва ўзининг бошига қутулиб бўлмайдиган балони сотиб олди. 14. Эришган муваффақиятлари билан ҳаддан ташқари гердайиб кетган бу одам яхшиларнинг энг яхшиси - менман деб юрибди. Ўзини буюк қахрамон ҳисоблаб, димоғи осмонда юрган бўлса, у ҳеч қачон авлиё донишмандлар сажда қиладиган Вайкунтха ҳукмдорининг нилуфар қадамлари пойига етиша олмайди. 15. Эй бефаросат ўғлим, бундан кейин ҳеч қачон бу оламнинг буюк авлиёларини ҳақорат қила олмаслигинг учун, илоё гуноҳларга тўла иблис танасига киргайсан!

16. Шри Шукадева Госвами давом этди: - "Эй ҳурматли шоҳ Парикшит, Парватининг тилидан дуои-бад сўзларини эшитиб, Читракету самовий кемасидан тушди ва фариштанинг олдида камтарона бош эгди, бу ҳаракати билан у фариштани чексиз мамнун қилди.

17. Читракету шундай деди: - Эй она, сенинг қарғишингни мен қўл қовуштириб қабул қиламан. Мен сенинг амрингга монелик қилиб ўтирмайман, чунки, инсонга фаришталарнинг юборадиган қувонч ва шодликлари унинг аввалги қилган ишлари натижасида юз беради. 18. Ғофиллик ботқоғига ботган тирик мавжудот моддий оламнинг қалин ўрмонида ҳеч бир маъносиз санғиб юрар экан, ҳар қадамида ўзининг аввалги қилмишларидан келиб чиқадиган бахт ва мусибатларга дучор бўлади. (Шунинг учун, эй она, бизларнинг орамизда бўлиб ўтган гаплар учун сен ҳам, мен ҳам айбдор эмасмиз.) 19. Бизларнинг бу дунёдаги қувонч ва мусибатларимиз на бизнинг ўзимизга, на бирор бошқа бировга (дўст ёки душманган) боғлиқ эмас. Шунга қарамай, қаттиқ адашиб қолган тирик мавжудот ўзининг бахт ва бахтсизлигининг манбаини ўздан ёки атрофидагилардан излайди. 20. Бу моддий оламда рўй бераётган ҳар бир нарса - шунчаки дарёнинг қирғоққа келиб, кетма-кет урилиб турадиган тўлқинларига ўхшайди. Шундай экан қарғиш нима-ю, иноят нима? Жаннат нима-ю, дўзах нима? Аслини олганда яхшилик нима-ю, ёмонлик нима? Буларнинг барчаси худди қирғоқдаги тўлқинлар сингари келиб кетаверадилар. 21. Худо бир. Модданинг таъсирига берилмаган ҳолда У сонсаноксиз шартланган руҳларни дунёга келтириб ўзининг яратиш қудратини намоён этади. Тирик мавжудотнинг онгини нопок ҳолга келтириб, моддий қувват уни ҳар тарафдан, ўзи қўйган тузоқларидан чиқиш имконини бермайдиган ғофиллик уммониға ботиради. Баъзида илм тирик мавжудотни озодликка чиқаради. Саттва-гуна ва раджа-гунада тирик мавжудот албатта шодлик ва мусибатларга дучор бўлади. 22. Олий Худо барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўлади. Шунинг учун У ҳеч бир тирик мавжудотга алоҳида боғланиб ҳам қолмаган, ёмон ҳам кўрмайди; Унинг на дўстлари, на қариндошлари йўқ. Моддий оламга мутлақо хайрихоҳ бўлган ҳолда Унга бахт ёки мусибат деган нарсалар таъсир қилмайди. Бахт ва мусибат деган нарсалар - нисбий тушунчалардир. Мангу фароғатга тўла бўлган Парвардигор қайғу нималигини билмайди. 23. Гарчи Парвардигор бизларнинг ўз қилмишларимизга яраша дуч келадиган қувончга ўхшаган шодликни билмаса ҳам, гарчи унинг на дўстлари, на душманлари бўлмаса ҳам, ўзининг моддий қуввати ёрдамида У яхшилик ва ёмонликни

бошлаб беради. Шу тарзда У моддий борлиқнинг мавжудлигини давом эттириш учун бизларга бахт ва мусибат, ғалаба ва мағлубият, боғланиш ва озодлик, туғилиш ва ўлишни беради. 24. Эй она, сен бекорга менадан нафратланяпсан, менинг гапларимда ёмон ниятдан асар ҳам йўқ эди. Аммо мен сендан кечирим сўраб ўтирмайман, чунки менинг шодлигу-мусибатларимнинг барчаси - ўзимнинг содир қилган қилмишларимнинг меваларидир. Сенинг бу қарғишинг менинг қалбимни сен айблаётган гуноҳлар оқибатидан покласин.

25. Шри Шукадева Госвами давом этди: - О душманларнинг додини берувчи Махараж Парикшит, шу тарзда Тангри Шива ва унинг хотини Парватини манун қилиб, Читракету йўлини давом эттириш учун ҳаво кемасига чикди. Буюк шоҳнинг ўзига қилинган дуоибад захрини ҳеч иккиланмасдан ичишга тайёр турганини кўриб, Тангри Шива ва Парвати унинг чексиз жасоратига қойил қолиб, қулиб кўйдилар. 26. Кейин, буюк донишманд Нарада Мунининг, иблисларнинг, Сиддхалока аҳолисининг ва яқин ҳамроҳларининг иштирокида Тангри Шива хотини Парватига муурожаат қилди.

27. Тангри Шива шундай деди: - "Азизим Парвати, кўрдингми, вайшнавлар қандай бўладилар! Бу буюк руҳлар ўзларини Парвардигор Харининг хизматкорларига хизмат қилишга бутунлай бахшида қилганлар, ва шу боис бу дунёнинг ҳеч бир лаззати уларни ўзига жалб этолмайди. 28. Бутун умрини Худонинг Олий Шахсига мухаббат билан хизмат қилишга бағишлаган содиқ инсонларни тақдирнинг ҳеч бир қийинчиликлари кўрқита олмайди. Улар учун жаннат, дўзах ва озодликка чиқиш орасида ҳеч қандай фарқ йўқ, чунки ҳар қандай шароитда ҳам улар Нараянга хизмат қилишдан бошқа нарсани истамайдилар. 29. Худонинг ташқи қуввати тирик мавжудотни "моддий олам" деб аталадиган қопқонга олиб келади. Модда билан қўшилиб, тирик мавжудотнинг онги бахт ва бахтсизлик, туғилиш ва ўлиш, дуо ва қарғиш сингари қарама-қарши тушунчалар асирлигига тушиб қолади. 30. Билмасдан илон деб фараз қилиб, бизлар гулчамбардан кўркиб кетамиз. Тушимизда кўрган нарсалар бизларга лаззат ёки оғриқ олиб келади. Шундай қилиб, ҳаётдаги барча қувонч ва шодликлар бизнинг ўзларимизга боғлиқ, чунки ғофиллигимиз туфайли баъзи нарсаларни яхшилик деб

ўйлаймиз, баъзи нарсаларни ёмонлик деб қабул қиламиз. 31. Парвардигор Васудевага, Кришнага иймон ва муҳаббат билан холис хизмат қилиб юрган кишилар ҳақиқий илм ва таркидунёлик соҳибидирлар. Бундай самимий, соф содиқларни ҳеч бир дунёвий шодлик ёки ташвишлар йўлдан адаштира олмайди. 32. На мен(Тангри Шива), на Тангри Брахма, на Ашвини-кумарлар, на Нарада Муни, на бошқа буюк авлиёлар бўлмиш Брахманинг ўғиллари, на энг қудратли фаришталар Худонинг азалий шахсини ва кароматларини англаб етишга кодир эмаслар. Худонинг заррача бўлаклари бўлган ҳолда, бизлар ўзимизни оламнинг мустақил, тўла ҳукмдорлари деб биламиз, ва шунинг учун ҳам Унинг ким эканини била олмаймиз. 33. У ҳеч кимга алоҳида боғланиб қолганликни ёки нафратланишни намоён қилмайди. У ҳеч кимни Ўзиники ёки бегона деб ҳисобламайди. Аслида У ҳар қандай тирик мавжудотнинг руҳидир. У барча тирик мавжудотларга ғамхўрлик қилади ва уларнинг ҳар бири учун азиз. 34-35. Бу олийжаноб Читракету - Худонинг ҳақиқий содиқ хизматкоридир. У на боғланиш, на нафратланиш сезмаган ҳолда барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўлади. У ҳам мен сингари Тангри Нараяна учун жуда азиз. Шунинг учун, Тангри Нараянанинг бундай улуғвор содиқ хизматкорининг ҳар қандай ҳаракати шубҳасиз барчага саодат келтиради - ахир у ҳасад ва боғланиш туйғуларидан озод-ку".

36. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - Эй шоҳ, эрининг насиҳатларини тинглаб, фаришта Ума (Тангри Шиванинг хотини), шоҳ Читракетунинг ҳаракатларидан ҳайрон бўлишни бас қилди, чунки унинг ақли жойига келган эди. 37. Худонинг буюк содиғи Читракету ўз навбатида Парвати онани дуои-бад қилиш учун етарли қудратга эга эди, аммо, у Тангри Шива ва унинг рафиқаси олдида бош эгиб, камтарин ҳолда унинг амрига бош эгди. Шу тарзда у ҳақиқий вайшнавларга хос иш қилди. 38. Она-дурга(Бхавани)нинг қарғиши ижобат бўлди ва бир вақтлар Читракету номи билан юрган зот, эндиликда иблис қиёфасида дунёга келди. У илоҳий илмни тўлиқ эгаллаган ва уни амалда қўллай олар эди, аммо, Твашта ўтказаётган қурбонлик маросимида ёқилган қурбонлик оловидан пайдо бўлиб, иблис ролини ўйнашга мажбур эди, ва Вритрасура шу тарзда шон-шухрат қозонди. 39. Эй шоҳ Парикшит, сен мендан бу қадар улуғ содиқ, Вритрасура қандай қилиб иблис тана-

сида туғилган деб сўраган эдинг. Мен эса имкониятим борича сенинг саволларингга жавоб беришга ҳаракат қилдим. 40. Читракету буюк содиқ инсон, махаатма эди. Бу ҳикояни соф содиқнинг оғзидан эшитган одам моддий оламнинг шартланган тутқунлигидан халос бўлади. 41. Эрта билан туриб, ақли ва нутқини жиловлаб, Худонинг Олий Шахсини бир лаҳза ҳам эсидан чиқармасдан шоҳ Читракету ҳақидаги бу ҳикояни ўқиган киши, қийналмасдан мангу даргоҳга эришади.

Ўн саккизинчи боб

Дитининг шоҳ Индрани ўлдиришга қасд қилиши

1. Шри Шукадева Госвами шундай деди: Адитининг ўн икки фарзандидан бешинчиси бўлган Савитанинг хотини Пришни уч қиз ва ўғил фарзандлар туғди. У қизлар Савитри, Вьяхитри ва Трайи, шунингдек ўғиллар: Агнихотра, Рава, Сома, Чатурмасья, ва бешта Махаяджналар эди. 2. Эй шоҳ, Адитининг олтинчи ўғли Вхагининг хотини Сиддхи уч ўғил: Махима, Вибху ва Прабхуни, шунингдек гўзалликда тенги йўқ қизи Ашини туғди. 3-4. Адитининг еттинчи ўғли Дхатанинг тўрт хотини бор эди: Куху, Синивавали, Рака ва Анумати. Уларнинг ҳар бири биттадан ўғил туғиб берди. Уларнинг исмлари мос равишда Саям, Дарва, Пратас ва Пумамаса бўлди. Адитининг саккизинчи ўғли Видхатанинг хотинининг исми Крия. Видхата ундан беш куёш фариштаси Пуришяларни кўрди. Адитининг тўққизинчи ўғли Варунанинг хотини Чарвани эди. Брахманинг ўғли Бхригу унинг қорнидан иккинчи бор қайта туғилди. 5. Варунанинг хонадони чумоли уясидан пайдо бўлган буюк сеҳргар Валмикига хаёт ато этди. Вхригу ва Валмики Варунанинг алоҳида ўғиллари эди. Агастья ва Васиштха ришилар Варунанинг ва Адитининг ўнинчи ўғли Митрининг оддий фарзандлари эди. 6. Ғайритабиий гўзалликка эга бўлган енгилтак аёл Урвашини кўриб, Митра ва Варуна иккови ҳам уруғлик оқизиб юбордилар, кейин уруғликни сопол кўзада сақлаб қўйдилар. Мана шу кўзадан, вақт ўтиши билан уларнинг ўғиллари Агастья ва Васиштха пайдо бўлди, шунинг учун уларни Митра ва Варунанинг оддий ўғиллари деб атайдилар. Митра хотини Реватидан уч ўғил: Утсарга, Аришта ва Пишпалани кўрди.

7. Эй шоҳ Парикшит, Индра, самовий сай-ёралар шоҳи ва Адитининг ўн биринчи ўғли хотини Пауломадан уч ўғил кўрди: Дхаянти, Ришабху ва Мидхушу. Бизлар шундай деб эшитганмиз. 8. Ички қуввати ёрдамида ҳар нарсага қодир бўлган Парвардигор Адитининг ўн иккинчи фарзанди - пакана Урукрама қиёфасида дунёга келди. Хотини Киртидан У Брихатшлока деган ўғил кўрди. Унинг кўп ўғиллари бор эди ва тўнғич ўғлининг исми Саубхага эди. 9. Кейинроқ(саккизинчи кўшиқда) мен сенга донишманд Кашьяпанинг Урукрама деган ўғли, Тангри Ваманадева қандай туғилганини, У уч қадам билан бутун коинотни қандай забт этганини, унинг ҳайратли кароматларини, сифатларини ва жасоратини, шунингдек унинг Адитидан қандай туғилганини гапириб бераман. 10. Энди мен сенга гарчи отаси Кашьяпа бўлса ҳам, Дитининг иблис бўлиб туғилган ўғиллари ҳақида гапириб бераман. Аммо, бу иблислар хонадонни дунёга Прахлада Махараж ва Бали Махараж сингари буюк содиқларни келтирди. Барча иблислар Дитининг қорнидан дунёга келганлари учун уларнинг умумий номи Адитийлар деб аталади. 11. Дитининг қорнидан биринчи бўлиб икки ўғил: Хираньякашипу ва Хираньякша дунёга келди. Мислсиз қудрати билан улар Дайтья ва Данавалар ичида шуҳрат қозондилар. 12-13. Хираньякашипунинг хотини Каядху эди. У Данавалар хонадонидан чиққан бўлиб, Дхамбхининг қизи эди. Биринкетин у тўрт ўғил туғди: Самхлада, Анухлада, Хлада ва Прахлада. Уларнинг Симхика деган опалари Випрачита деган иблисга тегди, уларнинг никоҳидан Раху деган яна бир иблис дунёга келди. 14. Қиёфасини ўзгартириб олган Раху фаришталар орасида туриб мангулик шарбатини ичаётганида Олий Худо унинг калласини танидан жудо қилди. Самхладанинг хотини Крити Паньчаджана деган ўғил туғди. 15. Хладанинг хотини Дхамани икки ўғил туғди: Ватапи ва Ивала. Агастья муни Иваланикига ташриф буюрганида у қатта зиёфат уюштирмоқчи бўлди ва кўзичоқ ўрнига меҳмонга акасини қовуриб берди. 16. Анухладанинг хотинини Сурья деб атардилар. У Башкала ва Махиша деган икки ўғил туғди. Прахладанинг Вирочана деган ёлғиз ўғли бор эди. Унинг хотини Бали Махаражни дунёга келтирди. 17. Кейин, Бали Махараж хотини Ашанадан юз ўғил кўрди. Уларнинг тўнғичи Вана бўлди. Ҳар қандай олқишларга муносиб бўлган Бали Махаражнинг каароматларини

кейинроқ айтиб бераман(саккизинчи кўшиқда).

18. Тангри Шивага чарчамасдан сажда қилиб сиғиниб, шоҳ Бана унинг яқин ҳамроҳларидан бири бўлди. Тангри Шива ҳаммиша Вани шоҳининг ёнида юради ва ҳозир ҳам унинг пойтахт шаҳрини химоя қилади. 19. Қирқ тўққиз фаришта марутлар ҳам Дитининг қорнидан дунёга келганлар. Уларнинг ҳеч бирининг ўғли бўлмади. Уларнинг онаси ҳам Дити бўлишига қарамай шоҳ Индра уларни фаришталар мартабасига кўтарди.

20. Шоҳ Парикшит сўради: - Эй устоз, бу Марутлар ўзларининг иблисона сифатларини онасининг сугидан олган бўлсалар керак. Нимага Индра, осмон шоҳи уларни фаришталар даражасига кўтарди. Уларнинг қандайдир маросимлар ўтказгани ва хайрли ишлар қилгани ростми? 21. Эй браҳман, бизларнинг барчамиз - мен, бу ерга тўпланган донишмандларнинг ҳаммаси - ҳақиқатни билиб олишни истаймиз. Шунинг учун, эй буюк зот, бизларга бунинг сабабини тушунтириб бер.

22. Шри Сута Госвами шундай деди: - Эй буюк донишманд Шаунака, Махараж Парикшитнинг эҳтиром билан айтилган мазмунли нутқини тинглаб туриб, ҳар бир масаладан тўла воқиф бўлган Шри Шукадева Госвами шоҳнинг қизиқувчанлигини олқишлаб, унинг саволларига мамнуният билан жавоб бера бошлади.

23. Шри Шукадева Госвами деди: - Индрага ёрдам бериш ниятида Худованд Вишну ака-ука Хираньякашипу ва Хираньякшани ўлдирди. Икки ўғлидан айрилиб, Дити мусибат ва нафрат оловида қаттиқ азобланди ва бирдан унинг ақлига шундай фикр келди. 24. Худованд Вишнунинг ёрдамидан фойдаланиб, менинг ўғилларимни ёвузларча ўлдирган Индра шубҳасиз ўлимга маҳкумдир. Мол-дунёга кўмилиб яшаётган ана шу тошбағир гуноҳқорни ўлдиргандан кейингина мен енгил нафас ола биламан. 25. Хоҳ шоҳ бўлсин, хоҳ ижтимоий раҳбар бўлсин, ҳар қандай ҳукмдорнинг танаси, унинг ажалидан сўнг қурт кумурсқаларга ем бўлиб тупроққа айланади. Ўзининг ўткинчи танасини химоя қилиш ниятида, ҳасад оловида ёниб, бошқаларни аёвсиз ўлдирадиган зотлар ҳаётнинг ҳақиқий маъноси, асосий мақсадини билармикан? Албатта билмайдилар, чунки бошқаларга ҳасад қиладиганлар албатта дўзахга равона бўладилар.

26. Дити шундай деб ўйлади: ўзини мангу ўлмас ҳисоблаб, Индра умуман ақлдан озган. Шунинг учун мен осмон шохини бу иллатдан даволашга қодир бўлган ўғил туғишни истайман. Шу ўғлим мени муродимга етирсин!

28. Индрани ўлдиришга қодир бўлган ўғилни дунёга келтириш истаги билан ёниб, Дити ҳар хил йўллар билан эрининг кўнглини овлай бошлади. Эй шох, Дити буюк садоқат билан Кашьяпанинг истақларини бажо келтирарди. Ўзининг хизмати, муҳаббати, сабртоқати ва итоати, ширин сўзлари, майин табассумлари ва ширин нигоҳлари билан у эрининг қалбини биратўла ўзига ром этди. 29. Ҳатто Кашьяпа Мунидек машҳур донишманд ҳам Дитининг моҳирона қўйган муҳаббат қармоқлари чангалига илинди. Эрини ўзига бутунлай ром қилиб олгандан кейин у эридан ўзининг ҳар қандай истагини бажаришга ваъда олди. 30. Яратиш аввалида ҳамманинг таркидунёликка ружу қўяётганини кўрган коинотдаги барча тирик мавжудотнинг бобокалони Тангри Браҳма, олам аҳолисини кўпайтириш ниятида аёлни яратганди. У аёл эркакнинг ақлини ўғирлаб ўзига ром қила олиши учун, эркакда бор нарсаларнинг энг яхшисини аёлга ато этди.

31....

27.08.2002

"Шримад-Бхагаватам" Еттинчи кўшиқ

Мундарижа

1. Худои Таоло барчага бир хил муносабатда. 2. Хираньякашипу - иблислар шоҳи. 3. Хираньякашипу ҳеч қачон ўлмайдиган бўлишга қарор қилади. 4. Хираньякашипу бутун коинот ақлини даҳшатга солади. 5. Хираньякашипунинг авлиё ўғли Прахлад Махараж. 6. Прахладанинг иблисларнинг ўғилларига берган насиҳатлари. 7. Прахладанинг онаси қорнида пайтида олган илми. 8. Худованд Нрисимхадева иблислар шоҳини ўлдиради.

Биринчи боб.

Худои Таоло барчага бир хил муносабатда.

1. Махараж Парикшит шундай деди: - О браҳман! Худонинг Олий Шаҳси, барчага яхшиликни раво

кўрадиган ва ҳамма учун азиз бўлган Худованд Вишну барчага бир хил муносабатда бўлади. Худди оддий одамлар сингари, У қандай қилиб адолатсизлик қилишга, Индранинг тарафини олиб, унинг душманларини ўлдиришга журъат қилди? Барчани тенг кўрадиган Зотнинг бировга дўстлик, бировга душманлик қилиши мумкинми? 2. Худованд Вишну, Олий Шаҳс - барча лаззатлар манбаи. Қандай манфаат кўзлаб у фаришталарнинг тарафини олиши мумкин? Бу унга нима олиб келди? Илоҳий Парвардигор иблислардан кўрқиши ёки уларни кўролмаслиги мумкинми? 3. Эй билимдон браҳманлар ичида энг бахтлиси, менда Нараянанинг ҳаммага бир хил муносабатда эканлиги шубҳа уйғотяпти. Сендан илтимос, шу гумонларимни тарқатиб юбор, Нараянанинг ҳар қандай боғланишлардан холи ва барчага бир хил муносабатда эканини исботлаб бер!

4-5. Донишманд Шукадева Госвами шундай деди: - Эй шох, сен ажойиб савол бердинг. Содиклар Худога холис хизмат қилаётганларнинг ҳам улуғворлигини кўрсатувчи Парвардигорнинг шавкатли қароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглашни яхши кўрадилар. Шундай улуғвор мавзулар ҳақида суҳбат қураб экан, одам ҳаётда ҳар қандай қийинчиликларни ҳам осонлик билан енга олади. Шунинг учун ҳам Нарада Муни сингари буюк донишмандлар "Шримад Бхагаватам"дан олинган мавзуларни тинмасдан гапириб юрадилар. Бу билан улар барчага Худои Таолонинг ғаройиб қароматлари ҳақида тинглаш ва бошқаларга ҳам гапириб бериш имконини беради. Энди, Шрила Вьясадевага чуқур таъзим қилган ҳолда Парвардигор Хари ҳақида бир ҳикоя гапириб беришга киришаман.

6. Худованд Вишну, ҳар қандай моддий сифатлардан устун турувчи Худо Шаҳсидир, шунинг учун уни *ниргуна*, яъни "сифатларга эга бўлмаган" деб атайдилар. У туғилмаган, демак, Унинг боғланиш ва нафрат туйғусини келтириб чиқарадиган моддий танаси йўқ. Гарчи Худои Таоло ўзгармас, илоҳий бўлса ҳам, Ўзининг руҳий қуввати ёрдамида бу дунёда пайдо бўлиб, оддий шартланган руҳ сингари, у ёки бу вазифаларни бажариб, оддий одам ролини ўйнайди. 7. Азизим Махараж Парикшит, барча моддий сифатлар - саттва-гуна, раджо-гуна ва тамо-гуна - моддий оламга тегишли. Худонинг Олий Шаҳсига улар ҳеч қандай таъсир кўрсатолмайди. Бунинг устига бир вақтнинг ўзида барча уч гунанинг таъсири кучайиши ёки камайиши мумкин эмас. 8. Дунёда эзгулик гунаси ҳукмрон бўлганида, Худои Таоло саховат билан шу сифатларни ато этган донишманд ва фаришталар гуллаб яшнайдилар. Эҳтирос гунаси устивор бўлганда эса, иблислар гуллаб яшнайдилар, ғафлат гунаси ҳукмрон бўлганда эса, яқша ва рақшаслар қутурадилар. Худонинг Олий Шаҳси ҳар кимнинг қалбида ҳам мавжуд ва барча тирик мавжудотларга саттва-гуна, раджо-гуна ва тамо-гуна таъсири натижаларидан баҳраманд бўлишга ёрдам беради. 9. Ҳар ерда мавжуд Худо Шаҳси ҳар кимнинг қалбида ҳам мавжуд. Ҳақиқий билимга эга донишманд Парвардигорнинг у ёки бу мавжудотда Ўзини қанчалик намоён этиб туришини кўришга қодир. Қайси ўтинда қанча олов мавжудлигини, кўзада қанча сув борлигини ёки бўш идишда қанча ҳаво борлигини ҳамма аниқлай олади: худди шунингдек, тирик мавжудотнинг Худога холис хизмат қилиш билан қанчалик банд эканига қараб, унинг фаришта ёки иблис тоифасига мансуб эканини

аниқласа бўлади. Одамнинг қилаётган ишларига қараб донишмандлар Худои Таолонинг унга қанчалик яқин эканини кўра оладилар. 10. Тирик мавжудотларнинг кармаси ва табиатига мос равишда ҳар хил таналарни яратиш учун Олий Шахс-Худо моддий табиатнинг барча гуналарини - саттва-гуна, раджо-гуна ва тамо-гуналарни ҳаракатга келтиради. Кейин, Олий Рух кўринишида ҳар бир тана ичига киради ва уларга яратиш, мавжудлигини таъминлаш ва яқсон қилиш қобилятини ато этади; У Ўзининг бу ишида яратиш учун раджа-гунадан, мавжудликни таъминлаб туриш учун - саттва-гунадан, яқсон қилиш учун эса - тамо-гунадан фойдаланади. 11. Эй буюк шоҳ! Худои Таоло - барча оламларни яратган Зот. У - ҳам моддий, ҳам рухий қувватлар ҳукмдоридир; шунингдек У Замонни яратади, тирик мавжудотлар ва моддий табиат Замон чегарасидан чиқмай ҳаракат қиладилар. Шунинг учун, на Замон, на моддий табиат Олий Шахс-Худого таъсир қилолмайди. 12. Эй шоҳ, Замон саттва-гуна таъсирини кучайтиради. Шунинг учун, гарчи Худои Таоло ҳамма нарсага бирдай ҳукмдор бўлса ҳам, У ҳаммиша саттва-гуна таъсири остида бўлган фаришталарга ён босади. Раджо-гуна ва тамо-гуна таъсири остида бўлган иблислар эса, ҳаммиша ҳалокатга учрайдилар. Худои Таоло замонни ҳар хил ҳаракат қилишга ундайди. Бу - У кимгадир адолатсизлик қилади дегани эмас. Парвардигор Ўзининг кароматлари билан шавкаатли, шунинг учун, Уни Урушрава деб атайдилар. 13. Ҳали яқин ўтмишда, Махараж Юдхиштхира раджасуя-ягья маросими ўтказганида, буюк донишманд Нарада Муни Юдхиштхиранинг илтимоси билан, ҳатто Парвардигор иблисларни ўлдираётган бўлса ҳам, У ҳаммиша барчага бир хил муносабатда бўлиб қолишини исботловчи ҳикояларни гапириб берганди. Мана шу ҳақиқатни тасдиқлаш учун Нарада Муни бир ёрқин далил келтирганди. 14-15. Эй шоҳ, раджасуя-ягья маросимида Махараж Пандунинг ўғли Махараж Юдхиштхира Шишупаланинг Парвардигор Шри Кришнанинг илоҳий танасига кириб кетганини ўз кўзи билан кўрди. Бундан ҳайратга тушиб, у буюк донишманд Нарада Мунидан бу ҳодисани тушунтириб беришни илтимос қилди. Ўша маросимда Нарада Мунидан бошқа жуда кўп донишмандлар ҳам бор эди. Уларнинг ҳаммаси Махараж Юдхиштхиранинг берган саволини эшитдилар. 16. Махараж Юдхиштхира шундай деди: - Худои Таолодан шунчалик нафратланадиган Шишупаланинг Унинг илоҳий танасига кириб кетиши одамни ҳайратга солади. Ҳатто буюк илоҳиётчи одамлар ҳам бундай озодликка - саоджя-муктига эриша олмайдилар. Худонинг душмани бундай саодатга қандай эришди? 17. Эй буюк донишманд, Худои Таоло нима сабабдан Шишупалага бундай марҳамат кўрсатганини билишни истаймиз. Эшитишимча, қадимда Вена деган шоҳ Худонинг Олий Шахсини ҳақорат қила бошлаганида, брахманлар уни дўзахга жўнатган экан. Шишупала ҳам ана шундай жазо олиши керак эди. Нима сабабдан у Худонинг Ўзига қовушди? 18. Дамагхошанинг ўғли, гуноҳларга ботган Шишупала, ёшлигидан - энди гапиришни ўрганганиданок Худованд Шри Кришнани ҳақоратлай бошлаган эди. То ажали етгунча Ундан нафратланишда давом этди. Шишупаланинг акаси Дантавакра ҳам шундай эди. 19. Шишупала билан Дантавакра Олий Шахс, Худованд Вишну(Шри Кришна)ни тинмасдан ҳақорат қилардилар. Лекин уларга ҳеч қандай мусибат

келмади. Уларнинг тилини яра босиб кетмади, ҳаётда ҳеч қандай изтироб чекмадилар. Ҳақиқатан ҳам бу ҳол бизларни ҳайратга соляпти. 20. Гарчи Худои Таолонинг табиатига эришиш жуда мушкул бўлса ҳам, шунча обрў-эътиборли одамларнинг кўзи олдида Шишупала билан Дантавакра ғайритабий осонлик билан Кришнанинг илоҳий танасига кириб кетдилар. 21. Бу ҳол мен учун жумбоқ бўлиб қолаверади. Худди шамолда ўйнаб кетган шамчиروқнинг шуъласи сингари, ақлим шошиб қолди. О Нарада Муни, сенга ҳамма нарса аён, - менга бу ғаройиб ҳодисанинг сабабини тушунтириб бер.

22. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - Ғайритабий қудрат соҳиби ва ҳамма нарсани биладиган рухий устоз Нарада Муни Махараж Юдхиштхиранинг саволидан жуда мамнун бўлди. Маросимда қатнашаётганлар иштирокида у бу саволларга жавоб бера бошлади.

23. Буюк донишманд Нарада Муни шундай деди: - Эй шоҳ, фақат ғофиллик ботқоғига ботгани сабаблигина тирик мавжудот мақтов ва мукофотлардан қувонади, аччиқ сўзлар ва жазолардан мусибатга тушади. Худонинг амри билан, ташқи қувват ёрдамида яратилган шартланган руҳнинг танаси унинг бу дунёдаги мусибатларининг манбаидир. 24. Эй буюк ҳукмдор, ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлиб, инсон шартланган танасини ўзи деб билади ва танаси билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммасини ўзиники деб билади. Ана шундай адашиш оқибатида у моддий оламнинг баъзан мақтов ва ҳақоратлар кўринишида намоён бўладиган қарама-қаршиликлари таъсирига тушиб қолади. 25. Ҳаёт ҳақида тана нуқтаи-назаридеги тасаввурга эга бўлиб, шартланган руҳ "тана ўлганда руҳ ҳам ўлади" деб ўйлайди. Худованд Вишну, Худо Шахси - барча тирик мавжудотларнинг Олий Рухи, олий ҳукмдордир. Худои Таолонинг моддий танаси бўлмагани учун, Унда "мен" ва "меники" деган сохта тасаввурлар ҳам йўқ. Демак, олқишлаганда Худои Таоло қувонади, Уни ҳақорат қилганда эса, қийналади деб ўйлаш ноўғри. Худо ҳеч қачон ундай ҳолатларга тушмайди. Парвардигорнинг дўсти ҳам душмани ҳам йўқ. У иблисларни жазолаганида ҳам, содиқларининг илтижоларини тинглаганида ҳам - уларнинг барчасига Ўз марҳаматини ато этади. Худои Таолога на илтижолар, на ҳақоратлар таъсир қилмайди. 26. Шунинг учун, шартланган руҳ Худои Таоло ҳақида қандай муносабатда ўйламасин - душманлик муносабатидами, садоқат биланми, кўрқув биланми, боғланиш ёки эҳтирос биланми - агар қандай қилиб бўлса ҳам фикру-хаёли Парвардигорда мужассам бўлса, руҳ бундан фақат яхшиликка, бахт-саодатга эришади. Чунки мангу лаззатга тўла Худои Таоло ҳеч қачон бировларнинг душманлик ёки дўстлик ҳиссиёти таъсирига берилмайди. 27. Худои Таолога садоқат билан хизмат қила туриб, инсон Худо ҳақидаги ўйларга, душманлик муносабатида бўлган одамдай чуккур ғарк бўла олмайди. Менинг фикрим шундай. 28-29. Қовоғари тирқишга тикиб, устини лой билан бекитиб ташлаган қурт даҳшатга тушиб қовоғари ҳақида нафрат билан тинмай ўйлайди, шунинг учун, кейинги ҳаётида ўзи қовоғари бўлиб туғилади. Худди шунингдек, агар шартланган руҳ ҳам, ҳаммиша *сач-чид-ананда-виграха* - Кришна ҳақида ўйлаб юрса, - у қилган гуноҳлари оқибатидан бутунлай халос бўлади. Худога сиғиниб сажда қиладими, ёки Уни ашаддий душман деб билиб, тинмасдан ўйлаб юрадими, - барибир, фикру-хаёли

хамиша Кришнада мужассам бўлгани натижасида рух яна ўзининг рухий, илохий танасига эга бўлади. 30. Жуда кўп одамлар гуноҳ ишларни тарк этиб, шунчаки Кришна ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга берилиш натижасида озодликка эришганлар. Ақлнинг Худои Таоло ҳақидаги ўйларга ғарк бўлиши эҳтирос, душманлик, кўркув, ижобий боғланиш ёки садоқат билан хизмат қилиш натижасида юзага келиши мумкин. Шу боис, Кришнанинг марҳаматига эришиш учун инсон ўзининг бутун ақлу-хаёлини Унда мужассам қилиши кифоя. Мен ҳозир буни исботловчи бир неча мисоллар келтираман. 31. О шоҳ Юдхиштхира, гопилар Кришнага бўлган эҳтиросли муҳаббатлари натижасида Унинг марҳаматига эришдилар, Камса - Ундан қаттиқ кўрккани натижасида, Шишупала сингари шоҳлар Кришнага ҳасад қилгани, Ядавлар эса - Кришнани ўзларининг қариндошлари деб билганлари сабабли Унинг марҳаматига эришдилар; сиз пандузодалар эса, Унга қаттиқ боғланиб қолганингиз натижасида, биз - оддий содиқлар - садоқат билан хизмат қилиш билан Кришнанинг марҳаматига сазовор бўлдик. 32. Нима бўлганда ҳам, рух Кришна шахсида чуқур мужассам бўлиши лозим. Бу жуда муҳим. Мен юқорида кўрсатиб ўтган беш хил муносабат туйғуларидан бири ёрдамида Худои Таоло ҳақидаги ўйларга берилган киши албатта уйига, Худонинг даргоҳига қайтади. Лекин, Кришнанинг илохий қиёфасини ҳеч қачон фикру-хаёлига келтира олмайдиган, шоҳ Вена сингари худобехабар кишилар, ҳеч қачон нажот топа олмайдилар. Шунинг учун, муҳаббат биланми ёки нафрат биланми, инсон хамиша Кришна ҳақида ўйлаши лозим. 33. Эй Пандулар аълоси, холангнинг ўғиллари, жиянларинг Шишупала ва Дантавакра, аввал Худованд Вишнунинг энг яқин ҳамроҳлари эдилар. Лекин, брахманларнинг қарғишига учраб, улар Вайкунтҳадан моддий оламга тушгандилар. 34. Махараж Юдхиштхира шундай деб савол берди: - Ҳатто озод руҳлар, вишну-бхактиларга шундай таъсир кўрсата оладиган у қандай даҳшатли қарғиш эди? Ҳатто Парвардигорнинг ҳамроҳларини дуои-бад қилиш кучига эга бўлган қудратли зот ким эди? Худои Таолога ихтиёрини бутунлай топширган содиқларнинг яна моддий оламга тушишлари мумкин эмас. Мен бунга ишона олмайман. 35. Вайкунтҳада яшайдиганларнинг танаси бутунлай илохий, рухий табиатга эга ва уларнинг моддий тана, ҳиссиётлар ёки ҳаёт нафасига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Худо Шахсининг ҳамроҳлари бўлган зотларнинг қандай қилиб қарғишга учраб, худди оддий одамлар сингари моддий таналарга эга бўлганини менга тушунтириб бер.

36. Буюк донишманд авлиё Нарада Муни шундай деди: - Бир куни Тангри Браҳманинг тўрт ўғли - Санака-, Санандана-, Санатана- ва Санат-кумарлар - бутун уч олам бўйлаб сайр қилиб юриб, Вишнулокага бориб қолдилар. 37. Гарчи бу тўрт буюк донишманд Тангри Браҳманинг тўнгич ўғиллари бўлса ҳам, улар худди беш-олти яшар болалардай кўринар, яланғоч юрардилар. Оддий болалар деб ўйлаб, икки дарвозабон, Джай ва Виджай, уларни Вайкунтхалока дарвозасидан ичкарига киритмадилар. 38. Джай ва Виджай Санатана ва бошқа Кумарлар олдида Вайкунтхалока дарвозасини бекитганида, улар қаттиқ ғазабланиб, уларни дуои бад қилдилар. "Сизлар, икки дарвозабон, ҳақиқий аҳмоқсизлар, - деди Кумарлар. - Сизлар моддий эҳтирос ва ғофиллик таъсирига берилгансизлар. Шу

боис сизлар бундай сифатлардан бутунлай пок бўлган Махудвишаларнинг нилуфар қадамлари пойида яшашга муносиб эмассизлар. Шунинг учун, ҳозирок моддий оламга йўл олиб, у ерда энг гуноҳкор осий асурлар хонадониди туғилганингиз яхши". 39. Шу тариқа донишмандлар қарғишига учраган Джая ва Виджая моддий оламга тушдилар. Донишмандларнинг дарвозабонларга раҳми келиб, шундай деб қўшиб қўйдилар: - "Сизлар у ерда уч марта туғилгандан сўнг, қарғиш муддати тугайди ва яна Вайкунтҳада ўз ўрнингизга эга бўласизлар". 40. Моддий оламга тушиб, Худо Шахсининг икки ҳамроҳи Джая ва Виджая, Дитининг ўғиллари бўлдилар: уларнинг каттаси Хираньякашипу, кичиги - Хираньякша. Дайтья ва Данаваларнинг барчаси уларни жуда хурмат қилардилар. 41. Худои Таоло Шри Хари, Нрисимхадева қиёфасида келиб, Хираньякашипуни ўлдирди. Хираньякша эса, Гарбходака океанига ғарк бўлган Ер сайёрасини қутқармоқчи бўлган Парвардигорга халақит бергани сабабли Худованд Вараха кўлидан ҳалок бўлди. 42. Хираньякашипу ўғли Прахладани - Худованд Вишнунинг буюк содиғини ўлдиришни ният қилганди, шу боис уни ҳар хил азоб-уқубатларга дучор қилиб азоблади. 43. Худои Таоло, барча тирик мавжудотларнинг олий руҳи, хамиша осойишта, мулоҳазали ва барчага бир хил муносабатда бўлади. Буюк содиқ Прахлада Парвардигор қудратининг ҳимояси остида эди, шу боис Хираньякашипу, ҳар қанча уринса ҳам уни ўлдира олмади. 44. Кейин, Худованд Вишнунинг икки дарвозабони Джая ва Виджая Вишрава ва Кешиниларнинг ўғиллари - Равана ва Кумбхакарна бўлиб туғилдилар. Бу икки иблис ҳам моддий оламда яшаётганларга катта мусибатлар келтиргандилар. 45. Эй шоҳ, Джая ва Виджаяни брахманларнинг қарғишидан тезроқ халос қилиш ниятида, Парвардигор бу оламга Рамачандра қиёфасида ташриф буюрди ва Равана билан Кумбхакарнани ўлдирди. Худованд Рамачандранинг кўрсатган кароматлари ҳақида Маркандеядан билиб олсанг бўлади. 46. Учинчи бор келганида, Джая ва Виджая қшатрийлар хонадониди сенинг холангнинг ўғли бўлиб туғилдилар. Кришна уларни Ўзининг халқаси билан ўлдиргани учун, улар барча гуноҳлари оқибатидан қутулдилар. Энди улар брахманларнинг қарғишидан биратўла қутулдилар. 47. Худованд Вишнунинг икки ҳамроҳи, Джая ва Виджая узоқ вақт Унга душман кўзи билан қараб келдилар. Кришнани ўзига душман деб билиб, хамиша Уни ўйлаб, улар яна Унинг паноҳига эришдилар ва уйига, Худонинг даргоҳига қайтдилар.

48. Шри Юдхиштхира шундай деди: - Эй буюк Нарада Муни, ўғли Прахлад Махаражни қаттиқ севадиган Хираньякашипу нима сабабдан уни ёмон кўриб қолди? Қандай қилиб Прахлад Махараж Худо Шахси Шри Кришнага нисбатан шундай буюк садоқат ва муҳаббатга эга бўлди? Илтимос, менга шуларни тушунтириб бер.

Иккинчи боб.

Хираньякашипу - иблислар шоҳи.

1. Шри Нарада Муни шундай деди: - О шоҳ Юдхиштхира, Худованд Вишну тўнгич Вараха қиёфасида Хираньякшани ўлдирганида, унинг акаси Хираньякашипу бундан қаттиқ ғазабланди. 2. Ғазаб ва нафрат

ўтида ёниб, лабини тишлаб, Хираньякашипу ғазаб тўла кўзларини самога тикди. Унинг бу нигоҳидан бутун осмон тутунга тўлди. 3. Унинг ғичирлаган дахшатли тишлари кўриниб, ковоғи уйилган, ғазабдан кўрқинчли тусга кириб буришган башарасига қараб бўлмасди. У кўлига баҳайбат санчқисини олиб, атрофида турган иблисларга қараб гапира бошлади.

4-5. О данавалар ва Дайтьялар! О Двимурдха, Триакша, Шамбара ва Шатабаху! О Хаягрива, Намучи, Пака ва Илвала! О Випрачитти, Пулома, Шакуна ва бошқа иблислар! Илтимос, гапларимга диққат билан кулоқ солинглар! Мен айтган ишларни пайсалга солмасдан амалга оширинглар! 6. Арзимас душманларим бўлган фаришталар суюкли укам ва содиқ дўстим Хираньякшанинг жонига қасд қилишга қарор қилибдилар. Худои Таоло, хамиша барчани - иблисларни ҳам, фаришталарни ҳам баробар кўрадиган Вишну, - бу гал ўзига ихлос билан сажда қилаётган фаришталар томонига ўтибди ва Хираньякшани ўлдиришда уларга ёрдам берибди. 7-8. Худои Таоло иблислар ва фаришталарга нисбатан бир хил муносабатда бўлиш қобилиятдан маҳрум бўлибди. Гарчи У - Олий Шахс бўлса ҳам, майя ундан устун келибди. Содиқ хизматкорлари - фаришталарни мамнун қилиш учун У тўнғиз қиёфасига кириб олибди; У ҳар гал ўзига янги дўстлар топиб оладиган ёш болалардай иш қилибди. Бу иши учун санчқим билан Худованд Вишнунинг бошини танасидан жудо қиламан. Танасидан бурқираб оққан қон билан қон ичишни жуда яхши кўрадиган акам Хираньякшани меҳмон қиламан. Шундагина қалбим тинчийди. 9. Томири қирқилиб ерга қулаган дарахтнинг шохалари кўп ўтмай куриб қолади. Худди шунингдек, агар фаришталар учун жонидан ҳам азиз бўлган ўша заҳарли Вишнуни ўлдирсам, қудратининг манбаидан маҳрум бўлиб, кўп ўтмай улар ҳам адо бўладилар. 10. Мен Худованд Вишнуни ўлдириш учун қўлимдан келган барча чорани қўллайман, сизлар эса, ҳозир браҳманлар маданияти ва эзгу ниятли кшатрийлар ҳукмронлиги шарофати билан гуллаб яшнаётган Ер сайёрасига отландинглар. У ерда одамлар риёзат чекиб, қурбонлик маросими ўтказадилар, Ведаларни ўрганиб, диний урф-одатларга амал қиладилар, хайр-эҳсон қиладилар. Шундай одамларнинг барчасини яқсон қилинглар! 11. Браҳманлар маданиятининг асл маъноси - барча қурбонликлар ва диний маросимларнинг олий мақсади бўлган Худованд Вишнуни мамнун қилиш. Худованд Вишну ҳақиқий дин қонунларининг олий мақсади ва фаришталар, буюк питалар ва оддий одамларнинг нажоткоридир. Агар браҳманларни яқсон қилсак, ҳеч ким кшатрийларни қурбонлик маросими ўтказишга ундамайди. Шунда фаришталар, қурбонликдан олинадиган улушдан маҳрум бўлиб, тез вақт ичида ҳаётдан кўз юмадилар. 12. Қаерда одамлар браҳманлар ва сигирларни ҳимоя қилаётган бўлса, қаерда варнашрама-дҳарма қонунлари асосида Ведаларни ўрганаётган бўлса, ўша жойга йўл олинглар. У ерларда ҳар хил ёнғинларни юзага келтиринглар, инсонларга ҳаёт бағишловчи дарахтларни томири билан кўпориб ташланглар. 13. Табиатан зулм қилишга мойил бўлган иблислар Хираньякашипунинг олдида кўрқинчли эҳтирос билан бош эгиб, унинг кўрсатмаларини диққат билан тингладилар. Кейин унга чуқур эҳтиром кўрсатдилар ва барча тирик мавжудотларга мусибат келтириб, амрини бажаришга киришдилар. 14. Иблислар шаҳар ва қишлоқларга, ўрмон ва

боғларга, молхоналарга, кимматбаҳо маъданлар казиб олинадиган конларга, ўтлоқ ва далаларга ўт кўя бошладилар. Улар табаррук авлиё одамларнинг, ер эгаларининг уйларига ўт кўйиб, тоғдаги қишлоқларни ва сигир бокиб юнган подачиларнинг уйларини ёндириб юбордилар. Давлатларнинг пойтахтлари ҳам олов ичида қолди. 15. Баъзи бир иблислар лом ва киркалар билан кўприкларни, кўрғонларнинг деворларини ва шаҳар дарвозаларини буза бошладилар. Бошқалари кўлига болта олиб, манго, нон дарахти ва бошқа мевали дарахтларни чопа бошладилар. Баъзи бир иблислар эса, одамларнинг уйига ўт кўя бошлади. 16. Хираньякашипунинг ҳамтовоқлари қилаётган дахшатли зolimликлар натижасида одамлар Ведаларда кўрсатилган маросимларни ўтказиш имкониятидан маҳрум бўлдилар. Қурбонлик маҳсулларида маҳрум бўлган фаришталар ҳам ташвишга туша бошладилар. Самовий даргоҳларини тарк этиб, улар ҳам ерга тушдилар ва иблисларнинг кўзига кўринмаган ҳолда жаҳон айланиб, бу ерда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни кузата бошладилар. 17. Укасининг ўлик танаси устида дафн маросимини ўтказиб, мусибатга тушган Хираньякашипу жиянларини овутишга ҳаракат қилди.

18-19. Эй шох, Хираньякашипу қаттиқ ғазабланган эди, лекин у, буюк сиёсатчи сифатида замон ва макон шароитига қараб ўзини қандай тутишни биларди. Ширин сўзлари билан у жиянлари Шакуни, Шамбара, Дхришти, Бхугасантапана, Врика, Каланабха, Маханабха, Харишмашра ва Уткачаларни овута бошлади. Хираньякашипу уларнинг онаси, ўзининг келини бўлган Рушабханани ҳам, ўзининг онаси Дитини ҳам овутди. Уларнинг барчасига у шундай сўзлар билан мурожаат қилди.

20. Хираньякашипу шундай деди: - Эй азиз она, келин ва жиянларим! Хираньякшанинг ҳалокати учун қайғурманглар, чунки у буюк қаҳрамон эди. Қаҳрамон учун душман билан жангда ҳалок бўлиш - ўзи орзу қилиб юрган шавкатли ўлимдир. 21. Эй она, худди карвонсаройда, ёки муздай суви бор қудуқ ёнида учрашиб, чанқоғини қондириб, ҳордиқ чиқаргандан кейин, яна ҳар ким ўз йўлига кетадиган йўловчиларга ўхшаб, тирик мавжудотлар ҳам бир жойга тўпланадилар, оила курадилар, кейин эса, аввалги ҳаётларида қилган ишлари оқибатида ҳар ким ўз йўлига равона бўлади. 22. Рух(тирик мавжудот) ҳеч қачон ўлмайди - мангу тирик ва ўчмас. У моддий унсурларга боғлиқ эмас ва моддий ёки руҳий оламнинг хоҳлаган жойига бора олади. Рух мукамал илмга тўла ва моддий танадан бутунлай фарқ қилади, аммо, қачонки ўзининг озгина мустақиллигини суистеъмол қилиб, нотўғри йўлга кирса, у моддий қувват яратадиган нафис ва кўпол тана олишга ва моддий оламда ўткинчи бахт ва мусибат деган нарсалардан тотиб кўришга мажбур бўлади. Шунинг учун, рух танани тарк этиб кетгани сабабли мусибатга тушишининг ҳожати йўқ. 23. Дарё сувлари бир жойда турмагани сабабли унинг қирғоғидаги дарахтлар ҳам оқим бўйлаб юраётгандай бўлиб кўринади. Акли жойида бўлмаган маст кишининг кўзлари ўйнаб кетганида, унга оёғи ос-тидаги ер ҳам кўзгалаётгандай бўлиб туюлади. 24. Худди шунингдек, эй онажоним, шартланган руҳнинг акли моддий табиат гуналари таъсирида ҳаловатини йўқотганида, гарчи рух, нафис ва кўпол танадаги ўзгаришларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаса ҳам, ўзини худди бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтаётгандай ҳис

килади. 25-26. Шу тариқа адашган тирик мавжудот танаси ва аклини ўзига қиёслаб, бировларни ўзининг қариндоши, бошқа бировларни эса бегона деб ҳисоблайди. Шунга ўхшаган адашишлар бизларни мусибатга тушишга мажбур қилади. Шартланган руҳнинг бу моддий оламда бошидан кечирадиган барча мусибатларнинг ва ўткинчи шодликларнинг сабаби - унинг ўзи ўйлаб чиқарган ҳар хил моддий тасаввурларга берилиб кетганидир. Шундай ҳолатда руҳ ҳар хил ҳаёт турлари ичида туғилишга ва ўзига турли тана яратиб, ҳар хил онг билан ҳаракат қилишга мажбур бўлади. Моддий тирикликнинг мана шу чархпалаги самсара деб аталади. Туғилиш, ўлим, мусибат, нодонлик, ҳар хил ташвишга тушишлар - буларнинг барчаси ҳаёт ҳақида моддий тана тасаввурда бўлиш оқибатидир. Баъзида биз ҳаёт ҳақида ҳақиқий тасаввурга эга бўламиз, баъзида эса, яна адашишлар уммонига ғарқ бўламиз. 27. Ана шу ҳолатга боғлиқ бўлган қадимий бир ҳикояда, ўлган одамнинг қариндошларига Яиараджа қандай насиҳатлар бергани ҳикоя қилинади. Шу ҳикояни диққат билан тингланглар.

28. Бир замонларда Ушинара давлатига Суягья деган машҳур шоҳ ҳукмронлик қилган экан. Жангда душманлари шоҳни ўлдиргандан кейин, Суягьянинг қариндошлари, унинг ўлик танаси атрофига тўпланиб, ўзлари учун азиз бўлган киши учун аза тутиб, йиғлай бошладилар. 29-30. Шоҳнинг қимматбаҳо тошлар билан безатилган олтин безаклари чил-парчин бўлиб синдирилганди; ундаги барча тақинчоқлар ва гулчамбарлар сочилиб, ерга тушиб кетганди; шоҳнинг сочлари тўзғиб, кўзларининг нури сўниб қолганди. Душман пайқонлари юрагига чуқур санчилган шоҳ жанг майдонида қонга беланиб ётарди. Шоҳ жангда жасорат кўрсатиш учун лабларини қаттиқ тишлаб турган пайтида ўлган ва шу ҳолати юзида акс этиб турарди. Аввал Суягьянинг сиймоси гўзаллиги билан нилуфар гулини эслатарди, аммо жанг пайтида унинг юзи чангдан қорайиб кетганди. Қалқон ва бошқа қуроллар ушлаган қўллари чопилган ёки синдириб ташланганди. Эрининг мажруҳ танасини кўрган шоҳнинг хотинлари аюҳаннос солиб йиғлай бошладилар: -"Вой бегим, сени олиб кетган ажал бизни ҳам олиб кетсин!" Кўксини муштраб, бу сўзларни бир неча бор такрорлаб, улар ўлик шоҳнинг оёқларига йиқилдилар. 32. Суягьянинг хотинлари йиғлаб нола қилар, уларнинг кўз ёшлари кўксига томиб, қизил куркума билан бўялиб, шоҳнинг нилуфар қадамлари пойига томарди; уларнинг сочлари тўзғиб кетди, тақинчоқлари сирпаниб ерга тушди. Эрининг ўлимини шундай изтиробли сўзлар билан ифодалаётган маликаларнинг бу аҳволига ҳеч ким лоқайд қараб туролмасди.

33. "Эй ҳукмдор, бешафқат тақдир сени бизларнинг кўзимизга кўринмайдиган қилиб қўйди. Аввал сен Ушинара аҳолисига ғамхўрлик қилардинг ва улар бундан бахтиёр эдилар, аммо энди, сен кетгандан сўнг, улар чуқур мусибатга тушяптилар. 34. Эй шоҳ, сен бизларнинг ҳар биримиз учун энг яхши дўст эдинг ва ҳамиша бизлардан миннатдор эдинг. Энди сенсиз бизлар қандай кун кечирамиз? Сен қаерга кетсанг ҳам, эй қахрамон шаҳаншоҳ, бизни ҳам ўзинг билан олиб кет. Биз сенга садоқат билан хизмат қилишда давом этамиз. Бизларни ташлаб кетма, ўзинг билан бирга олиб кет!"

35. Суягьянинг танасини дафн қилиш вақти келган, аммо маликалар уни қўйиб юбормасдилар. Улар ўлик танани кучганларича, дод-вой солишда давом этарди-

лар, айна пайтда куёш ўзининг кундузги йўлини адо этиб, горизонт ортига яширинишга ҳозирланаётган эди. 36. Эрининг жасади устида йиғлаётган маликаларнинг баланд овозлари ҳатто Ямараж даргоҳида ҳам эшитилиб турарди. Шунда Ямаражнинг ўзи ёш бола қиёфасига кириб, ўлган шоҳнинг қариндошлари олдида пайдо бўлди ва уларга насиҳатлар берди.

37. Шри Ямараджа шундай деди: - Қандай ғалати ҳол! Улар мендан анча катта ва жаҳонда минглаб тирик мавжудотлар ҳар куни тинмасдан туғилиб, ўлиб туришини жуда яхши билдилар. Шунга қараганда, бу одамлар ўзлари ҳам бир куни албатта ҳалок бўлишини яхши билишлари керак. Аммо, алданиш, ғофиллик домига тушган бу зотлар буниман тушунмайдилар шекилли. Шартланган руҳнинг қаердан келганини ва танаси ўлганда қаерга кетишини ҳеч ким билмайди. Бу - моддий табиатнинг ўзгармас қонуни, ва уни ҳеч ким ўзгартира олмайди. Шундай экан, нимага улар ўлган эрининг устида дод-вой солиб йиғлаб ўтирибдилар. 38. Мен тушунган ана шу нарсаларни ёшлари анча жойга бориб қолган бу аёлларнинг билмаслигига ҳайронман. Демак, менинг юлдузим бахтли экан: ахир ота-онаси ташлаб кетган бир ожиз, нотавон, ҳимоясиз ёш бола бўла туриб, ҳаётда барча қийинчиликларни ўзим енгилга мажбур бўлсам ҳам, мен ўлмай қолдим, йиртқич ҳайвон домига тушмадим. Шунинг учун, мени ҳали онамнинг қорнида пайтимда ҳимоя қилган Худои Таоло, бундан кейин ҳам ҳамиша, ҳамма жойда ҳимоя қилиб юради.

39. Кейин, маликаларга юзланиб, болакай шундай деди: - Ҳой ожиза аёллар! Бутун олам фақат Худои Таолонинг амри билан яратилади, мавжуд бўлиб туради ва емирилади, лекин Унинг Ўзи ҳеч қачон ўзгармайди. Ведалар бизга шундай таълим беради. Ичидаги барча кўзгалувчан ва кўзгалмас мавжудотлар билан бирга бутун олам Худои Таолонинг қўлидаги қўғирчоққа ўхшайди. Худои Таоло Ўз хоҳиши билан оламни бузиши ҳам мумкин, ҳимоя қилиши ҳам. 40. Баъзан одам кўчада, ҳамма кўрадиган жойда пулини тушириб қўяди, аммо, тақдир тақозоси билан унинг пулини ҳеч ким кўрмаслиги мумкин, орадан анча вақт ўтгандан кейин пулини туширган жойидан яна топиб олади. Аксинча, Худонинг ҳимоясидан маҳрум бўлган киши, баъзида ҳатто пулларини уйида маҳкам сақласа ҳам, бир тийинсиз қолади. Худонинг Ўзи ҳимоя қилиб юрган киши, ёлғизлигига қарамай, ҳатто қалин ўрмонда ҳам соппа-соғ юриши мумкин. Аксинча, уйида, қариндош ва яқинларининг ҳимоясида юрган киши ҳам бирдан ўлиб қолиши мумкин. Уни ҳеч ким ажал домидан қутқара олмайди. 41. Ҳар бир тирик мавжудот ўзининг қармасига яраша маълум танага эга бўлади. Унинг шу танада бўлиш вақти тугаганида, танаси ҳалок бўлади. Гарчи мангу руҳ ҳаётнинг қайсидир турига мансуб бўлган қўпол ва нафис моддий тана ичида жойлашган бўлса ҳам, бу тана унга таъсир қилмайди, чунки руҳнинг танага ҳеч қандай алоқаси йўқ. 42. Уй эгаси, гарчи уйи билан ўзи бир-бирига умуман алоқадор бўлмаса ҳам, уйини ўзига қиёслайди. Шунга ўхшаб, барча шартланган руҳлар ҳам, танаси руҳга нисбатан умуман бошқа нарса бўлишига қарамай, танасини ўзига қиёслайдилар. Тана ер, сув ва оловдан таркиб топган, ҳар турга ўзгариб туради ва бироз вақт ўтгандан кейин, яна шу таркибий қисмларга ажралиб кетади. Тана яратилади ва йўқолиб кетади, аммо бу ўзгаришларнинг

мангу рухга ҳеч қандай алоқаси йўқ. 43. Олов ўтин ичига яширинган, аммо ўтиндан фарқ қилади; оғиз ва буруннинг ичиди ҳаво борлигини сезиш мумкин, лекин ҳаво уларга боғлиқ эмас; эфир ҳамма нарсалар ичидан сингиб, ўтиб кетади, аммо ҳеч бир нарсага аралашиб кетмайди - худди шунингдек, рух ҳам, гарчи у моддий тана ичига қамалган бўлиб, унинг ҳаёт манбаи бўлса ҳам, ундан бутунлай фарқ қилади. 44. Агар сизлар шунчалик аҳмоқ бўлмасанглар, бундай дод-вой солиб йиғлаб ўтирмаган бўлардинглар. Ажалига сизлар мотам тутиб ўтирган шоҳ Суягья ҳеч қаерга кетгани йўқ: мана у, олдингизда ётибди. Сизлар нимага йиғлаясизлар? Шоҳ аввал сизларнинг гапларингизга кулоқ солиб, уларга жавоб бериб юргани, энди эса у бундай қилмаётгани учун сизлар ташвишга тушяспизлар. Ахир сизларнинг гапингизни тинглаб, уларга жавоб бериб юрган зот тананинг ичиди эди-ку, сизлар уни ҳеч қачон ҳам кўрмаган эдинглар-ку. Шунча йиллар давомида сизлар кўриб юрган тана эса, ҳозир ҳам олдингизда ётибди. Шундай экан, нимага бунчалик йиғлаясизлар? 45. Танадаги энг асосий нарса - ҳаёт нафасидир, аммо у ҳам на гапиришни, на тинглашни биллади. Бунинг устига, нафақат ҳаёт нафаси, ҳатто рух ҳам ўз ҳолича мустақил ҳаракат қила олмайди, чунки аслида ҳар бир алоҳида рухнинг истакларига яраша, ҳамма нарсани Олий Рух бошқариб туради. Гарчи Олий Рух тананинг фаолиятини бошқариб турса ҳам, У танадан ҳам, ҳаёт нафасидан ҳам фарқ қилади. 46. Кўпол ва нафис тананинг ҳар хил қисмларини яратиш учун беш унсур, ўн сезги ва ақл ўзаро бирикадилар. Ўз қудратига яраша тирик мавжудот юқори ривожланган ёки оддий моддий таналарнинг бири билан боғланади ва вақт ўтиши билан уни тарк этади. Тирик мавжудотнинг қай даражада қудратли экани унинг қайси тана билан боғланишига қараб аниқланади. 47. Токи рух ақл, интеллект ва сохта ўзликдан таркиб топган нафис тана билан қопланган экан, у ўзининг аввалги қилмишлари оқибатини тотишга мажбур. Нафис тана рухни моддий қувват билан боғлаб туради, ва шунинг учун рух, ўзи умрлар оша қайта-қайта тушаверадиган, бетиним ўзгариб турадиган моддий тирикчилик шароитларидан азоб чекишга мажбур. 48. Табиат гуналари келтириб чиқарадиган бахт ва мусибатларни ҳақиқатан ҳам мавжуд, муҳим нарсалар деб қабул қилиб, моддий табиат гуналари ҳаракатини кузатиш ва муҳокама қилишдан ҳеч қандай фойда йўқ. Баъзида одам кундуз куни ўзини жуда катта амалдор ҳис қилиши мумкин, кечаси эса, тушида уни чиройли аёл қучоқлаётган бўлиши мумкин. Униси ҳам, буниси ҳам алдамчи, сароб нарсалардир. Худди шунингдек, бизлар моддий сезгиларимиз билан ҳис қиладиган ҳар қандай бахт ва мусибатни ҳом хаёлдан бошқа нарса деб қабул қилмаслик керак. 49. Ўзининг руҳий табиатини тўлиқ англаб етган, рух мангу, тана эса ўткинчи нарса эканини чуқур англаб етган киши ҳеч қачон мусибатга тушмайди. Руҳий илмга эга бўлмаган кишилар эса, ҳамиша мусибат чекишга маҳкумдирлар. Алданиш домига тушган ғофил одамларга бирор нарсани тушунтириш жуда қийин. 50. Бир пайтлар "қушларни эса бўлади" деб ўйлаган бир овчи яшаб ўтган экан. Шу тушунчаси асосида у ов қуриб қушларни тутаркан. Худди ажалнинг ўзи унга қушларни ўлдиришни буюргандай кўринарди. 51. Бир куни, ўрмонда айланиб юриб, у бир жуфт кулингга қушларини кўриб қолибди. Уларнинг биттаси, мода

қуш, унинг тўрига илинибди. 52. Эй шоҳ Суягьянинг хотинлари, жуфти ҳалоли даҳшатли ҳалокат келтирадиган тўрига тушиб қолганини кўриб, эркак кулингга қаттиқ изтироб чекибди. Жуфтига қаттиқ боғланиб қолган, лекин уни қутқариб қолиш кўлидан келмайдиган, ночор кулингга оҳ-нола чека бошлабди. 53. "Э-воҳ, тақдир қанчалар маъшум, бешафқат! Жуфти-ҳалолим даҳшатли ҳалокат домига тушиб қолди, унга ҳеч ким ёрдам бера олмайди, ва у мендан жуда ташвишланыпти. Нимага бешафқат тақдир мендан мана шу бахтиқаро қушни айириб олмоқчи бўлди экан? Бундан ким бирор яхшилик кўраркин? 54. Тақдир ёвузларча менинг хотинимни, танамнинг ярмисини олиб кетмоқчи бўлган экан, нимага энди у мени ҳам бирга олиб кетмайди? Танамнинг ярмисидан айрилиб, ҳижрон ўтида куйиб яшашдан нима фойда? Бундай ҳаётнинг кимга кераги бор? 55. Онасидан айрилган полапонлар, уяда қолиб онасининг бирор егулик олиб келишини куत्याптилар. Улар ҳали жуда ёш, уларнинг ҳатто қанотлари ҳам ўсиб чиққани йўқ. Мен уларни қандай қилиб оёққа турғазаман?"

56. Шу тариқа кулингга жуфтнинг ҳалокатидан қаттиқ нола қиларди. Айни пайтда овчи яқин жойда яшириниб туриб, камонидан ўқ отиб, бу қушни ҳам ўлдирибди. 57. Ўзимизни ҳам ажал кутиб турганини кўрмай туриб, ҳалок бўлган шоҳни қайғуриб йиғлаш нодонлик эмасми? Сизлар ғофиллигингиз туфайли, агар ҳатто юз йил йиғласанглар ҳам эрингизни ҳаётга қайтара олмаслигингизни, кўп ўтмай ўзларингиз ҳам ўлиб кетишингизни тушунмаяспизлар.

58. Хираньякашипу шундай деди: - Шоҳ Суягьянинг жасади устида тўпланиб, мотам тутиб йиғлаётганларга ёш бола қиёфасидаги Ямараджа насиҳат берар экан, улар унинг фалсафий мулоҳазаларини диққат билан тингладилар. Шу тариқа улар моддий нарсаларнинг барчаси ўткинчи эканини, эртами-кечми бу дунёда ҳамма нарса албатта яксон бўлишини тушуниб олдилар. 59. Суягьянинг ғофил қариндошларига насиҳат қилиб, Ямаражнинг ўзи бўлган болақай, уларнинг кўзидан ғойиб бўлди. Ниҳоят шундан кейин шоҳ Суягьянинг танасини дафн қилдилар. 60. Шундай экан, хоҳ ўзингизнинг, хоҳ ўзганинг танаси ҳалок бўлишидан ҳеч қачон мусибатга тушиб, изтироб чекманглар. Фақат гафлат ботқоғига ботган одамларгина таналарнинг хилма-хиллигига катта эътибор беради ва "бу - мен, бу эса - улар, бу меники, бу уларники" деб ўйлайди.

61. Шри Нарара Муни давом этди: - Хираньякашипу ва Хираньякшанинг онаси Дити, келини, Хираньякшанинг бева қолган хотини Рушабхану билан бирга Хираньякашипунинг насиҳатларига диққат билан кулоқ солдилар. Шундан сўнг, у ўғлининг ҳалокати учун изтироб чекишни тарк этиб, бутун фикру-хаёли билан ҳақиқат илмини англаб олишга киришди.

Еттинчи қўшиқ.

Хираньякашипу ҳеч қачон ўлмайдиган бўлишга қарор қилади.

1. Шри Нарара Муни шундай деди: - Иблислар шоҳи Хираньякашипу душманлардан енгилмайдиган, кекса-

лик ва тана касалликларига дучор бўлмасликни ният қилди. У анима, лагхима ва ҳоказо сингари барча сеҳр қудратларига, шунингдек мангу яшаб, коинотнинг барча сайёраларига, ҳатто Брахмалокага ҳам ҳукмронлик қилишга қарор қилди. 2. Мандара тоғи этагида Хираньякашипу фақат оёғининг бош бармоқларида тик туриб, қўлларини осмонга кўтариб, нигоҳини самога тикиб турган ҳолда риёзат чека бошлади. Бундай ҳолатда туриш жуда қийин, аммо ўзининг мақсадига эришиш учун у шундай ҳолатда турарди. 3. Хираньякашипунинг сочларидан, худди охир-замон пайтида куёшдан чиқадиган нурдай кўзни камаштирувчи ёрқин ёғду чиқа бошлади. Хираньякашипунинг қаттиқ риёзатларга берилганини кўриб, ҳар хил сайёраларда сайр қилиб юрган фаришталар ўз даргоҳига қайтдилар. 4. Шундай қаттиқ риёзат оқибатида Хираньякашипунинг калласидан тутун аралаш кучли олов бутун коинотга таралиб, олий ва куйи сайёраларни куйдира бошлади. 5. Хираньякашипунинг даҳшатли риёзати дастидан дарё ва океанлар, қутура бошлади, тоғ ва ороллари билан бирга ер титрай бошлади, юлдуз ва сайёралар туша бошлади. Ҳар тарафдан ёнгин ловуллаб бошлади. 6. Хираньякашипунинг риёзатидан ташвишга тушиб, иссиққа чидамаган фаришталар ўз даргоҳларини тарк этиб, коинотни яратган Тангри Брахма сайёрасига йўл олдилар.

Тангри Брахма олдига бориб, улар шундай дедилар: - "Эй фаришталар аълоси, эй коинот султони! Даҳшатли риёзати туфайли Хираньякашипунинг бошидан чиқаётган олов бизларни шунчалик қийноққа соляптики, ўз даргоҳимизда қолишга қудратимиз етмаяпти. Шунинг учун сенинг олдинга келдик. 7. Эй коинотнинг шавкатли ҳукмдори, агар сен бизларнинг илтижоларимизга қулоқ солсанг, илтимос, сенга содиқ барча фуқароларинг ҳалок бўлмасдан аввал, барчага ҳалокат олиб келадиган бу офатни бартараф қил. 8. Хираньякашипу жуда даҳшатли риёзатларга берилган. Гарчи унинг нияти сенга маълум бўлса ҳам, бизларнинг гапимизга қулоқ сол.

9-10. "Коинотдаги энг буюк шахс Тангри Брахма, қаттиқ риёзатларга берилиб, ўзининг сеҳр қудратини ривожлантириб, транс ҳолатига тушиб ҳозирги мартабасига эришди. Шу тарзда у бу коинотни яратиш имконига эга бўлиб, унда энг юқори лавозимдаги фаришта бўлишга эришди. Мен мангуман, вақт ҳам мангу, шунинг учун, жуда кўп умрлар давомида мен ҳам ана шундай риёзатга, сеҳр қудратига ва чуқур муроқабига интиламан. Охир-оқибатда мен Тангри Брахманинги ўрнини эгаллайман! 11. Риёзат чекиб шундай қиламанки, одамлар гуноҳ ишлари учун мукофот олиб қувонадиган, савоб ишлари учун эса жазо олиб, азобланадиган бўлади. Мен оламда ўрнатилган барча тартибларни остин-устун қиламан. Ахир ҳатто Дхрувалока ҳам калпа охирида яқсон бўлади-ку. Унинг нима кераги бор? Мен эса барибир Тангри Брахманинги ўрнини эгаллайман" 12. Эй ҳукмдор, бизга аниқ маълумки, Хираньякашипу сенинги ўрнини эгаллаш ниятида қаттиқ риёзатга бериляпти. Сен - бутун уч олам ҳукмдорисан. Илтимос, дарҳол зарур бўлган чораларни кўр! 13. О Тангри Брахма, бутун оламни бошқариш билан сен шубҳасиз барчага, айниқса сигир ва браҳманларга катта саодат келтиряпсан. Браҳманлар маданияти ва сигирларни ҳимоя қилиш ҳақида тинмасдан жуда кўп гапириш мумкин, чунки браҳман ва сигирларнинг

равнаки - моддий бахт, бойлик ва муваффақиятлар гаровидир. Лекин, Худо кўрсатмасин, агар сенинги ўрнини Хираньякашипу эгалласа, ҳар қандай тараккиёт йўққа чиқади.

14. Эй шох, фаришталарнинг гапларини тинглаб туриб, ғайритабиий қудрат эгаси бўлган Тангри Брахма Бхригу, Дакша ва бошқа буюк донишмандлар ҳамроҳлигида Хираньякашипу риёзат чекаётган жойга йўл олди. 15-16. Баҳайбат оққуш елкасида учиб юрадиган Тангри Брахма Хираньякашипуни дарров топа олмади, чунки, иблиснинг танаси устига майсалар, бамбуқлар кўкариб, чумолилар ин қуриб ташлаган эди. Хираньякашипу бу ерда узоқ вақтдан бери турган, шу вақт ичида чумолилар унинг бутун танасини - терисини, гўшт ва ёғларини, конини еб ташлаган эди. Ниҳоят, риёзати билан бутун оламни қиздириб ва булутларни тарқатиб юборадиган куёшга ўхшаган Хираньякашипуни Тангри Брахма ва бошқа фаришталар топиб олдилар. Қаттиқ хайратга тушганидан Тангри Брахма кулиб кўйди ва Хираньякашипуга мурожат қилди.

17. Тангри Брахма шундай деди: - Тур, уйғон, о Кашьяпа Мунининг ўғли! Барча саодатлар сенга ёр бўлсин! Сен риёзат бобида камолот чўққисига эришдинг. Сенга фотиҳа бериб дуо қилишга тайёрман. Мендан истаган нарсангни сўра, сенинги истагингни амалга оширишга ҳаракат қиламан. 18. Мен сенинги шижоатингдан хайратга тушдим. Сени ҳар хил курт-қумурсқалар чақиб, еб илма-тешиқ қилиб юборибди, аммо сен ҳаёт нафасингни суяқларингда сақлаган ҳолда, риёзат чекишда давом этяпсан. Бу ҳақиқатан ҳам хайратланарли ҳол. 19. Ҳатто сендан аввал туғилган Бхригу сингари авлиёлар ҳам бунчалик қаттиқ риёзат чека олмаган, келажакда ҳам ҳеч ким бундай қахрамонликка қодир бўлолмайди. Бутун уч оламда яшовчиларнинг қайси бири бир томчи сув ичмасдан самовий юз йил мобайнида ҳаётини танасида сақлаб тура олади? 20. О Дитининг ўғли, ғайритабиий қатъиятинг ва тенгсиз риёзатинг туфайли сен ҳатто буюк авлиёлар қила олмайдиган ишни қилдинг, демак сен мени ҳам мағлуб қилдинг. 21. Шунинг учун, эй иблислар аълоси, мен сени ўзинг истагандай дуои-фотиҳа қилишга тайёрман. Оддий тирик мавжудотлардан фарқли равишда, олий сайёраларда яшайдиган биз фаришталар ўлимга маҳқум эмасмиз. Гарчи сен ўлимга маҳқум бўлсанг ҳам, мен билан учрашганинг бекорга кетмайди.

22. Шри Нарада Муни давом этди: - Шундай деб, коинотдаги биринчи жонзот, ғайритабиий қудрат эгаси бўлган Тангри Брахма Хираньякашипунинг танасига кўзасидан сув сепди. Гарчи танасини курт қумурсқалар деярли еб битирган бўлса ҳам, ана шу илоҳий сув унга яна ҳаёт бахш этди. 23. Тангри Брахма кўзасидаги сув Хираньякашипунинг танасига тегиши билан у дарров ўз ҳолига келди ва танаси ҳатто яшин кучини ҳам қайтарадиган даражада мустаҳкам бўлди. Худди ўтин ичидан пайдо бўладиган олов сингари, Хираньякашипу чумоли уяси ичидан ёш навқирон йигит танасида пайдо бўлди, унинг қудратли танаси эриган олтиндай ярқираб турарди. 24. Осмонда олдига оққуш елкасида учиб келган Тангри Брахмани кўриб, Хираньякашипу жуда хурсанд бўлди. У Брахмага таъзим қилишга шошилди ва унинг олдида узала тушди. 25. Ўрнидан туриб Дайтъялар сардори кўз олдида яна Тангри Брахмани кўрди. У қувончдан яйраб кетди, танаси титраб, кўзлари ёшга

тўлди, у қўлларини ковуштириб, тутила-тутила Тангри Брахмага илтижо қила бошлади.

26-27. Хираньякашипу шундай деди: - Мен бу олам ҳукмдори олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман. Унинг ҳаётининг ҳар бир куни ниҳоясида, вақт таъсири остида бутун оламни чуқур зулмат қоплаб олади. Кейинги кун келганида, бу порлаган ҳукмдор, танасидан таралаётган ёғду билан бутун моддий оламни намоён қилади, мавжудлигини таъминлаб туради ва яқсон қилади. У бу ишларни уч гунадан иборат моддий қувват ёрдамида амалга оширади. Тангри Брахма - моддий табиат гуналари - саттва-гуна, раджа-гуна ва тамогуналар маконидир. 28. Мен бу коинотдаги биринчи тирик мавжудот Тангри Брахма олдида чуқур таъзим қиламан. У мукамал илмга эга. Ақли ва қудратли тафаккури ёрдамида у моддий оламни яратади. Айнан у оламдаги ҳамма нарсани бизнинг кўзимизга кўринадиган қилиб қўйибди. Шунинг учун, Тангри Брахма - барча намоён бўлган нарсаларнинг сабабчидир. 29. Эй Ёруғ сиймоли зот, сен бу оламга ҳаёт бағишлайсан, демак, барча - кўзгалмас ва кўзгалувчан тирик мавжудотларнинг ҳукмдорисан, сен уларнинг онгини уйғотасан. Фақат сен туфайлигина ақл, ҳаракат қилиш ва сезиш органлари мавжуд. Барча моддий унсурлар ва уларнинг хусусиятлари сенга боғлиқ, барча орзу-истакларни, ниятларни сен ўзинг бошқариб турасан. 30. Эй ҳукмдор, - сен Ведалар тимсолисан, қурбонлик маросимларини ўтказадиган брахманларга сен илм берасан. Шу тарзда сен ҳар ерда ведавий қурбонлик маросимларининг етти турини ўрнатиб юрасан, улардан энг асосийси - агништома. Айнан сен ведавий рухонийларни уч ведаларда кўрсатилган маросимларни ўтказишга ундайсан. Сен - барча тирик мавжудотлар қалбида мавжуд бўлган Олий Рухсан, сенинг аввалинг ҳам, охириг ҳам мавжуд эмас. Сен ҳамма нарсдан воқифсан, замон ва макон чегаралари сенга таъсир қилмайди. 31. Эй буюк зот, сен ҳамшиша сергаксан, ва ҳеч нарса сенинг нигоҳингдан четда қололмайди. Сен - мангу замонсан, ва унинг ҳар хил бўлаклари - лаҳзалари, сониялари, дақиқалари ва соатлари билан барча тирик мавжудотларнинг умрини қисқартирасан. Ўзинг эса ўзгармай, олий рух сифатида гувоҳ бўлиб, туғилмаган ва ҳар ерда мавжуд Худои Таоло - бутун борлиқнинг ҳаёт манбаи бўлиб бир жойда қолаверасан. 32. Барча кўзгалувчан ва кўзгалмас, олий ва қуйи мавжудотлар ичида ҳеч нарса сендан ажралган ҳолда мавжуд бўлолмайди. Сенинг тананг Упанишада ва азалий ведаларга қўшимча қилиб ёзилган муқаддас китоблардан олинган илмдан таркиб топган. О Хираньягарбха, сен бутун оламни ўзингда мужассам қилгансан, шунга қарамай, моддий табиатнинг уч гунаси яратган моддий олам сенга ҳукмини ўтказа олмайди, чунки сен - унинг олий ҳукмдорисан. 33. Эй ҳар нарсага қодир зот! Ўз даргоҳингда ўзгармай қолган ҳолда, худди бу дунёда лаззатланишни истаётгандай, моддий оламда фазовий қиёфангни намоён қиласан. Сен - Брахмансан, Олий Рухсан ва энг қадимий тирик мавжудот - Худо Шахсисан. 34. Мен Ўзининг намоён бўлмаган бекиёс сиймосидан моддий коинотни, бутун борлиқни яратган Парвардигор олдида чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. Худои Таолонинг ички ва ташқи қувватлари, шунингдек, оралиқ қувват деб аталувчи ва барча тирик мавжудотлардан таркиб топган аралаш қуввати бор. 35. Эй ҳукмдор, эй дуо қилувчилар ичида

аълоси, агар менинг истақларимни бажаришга рози бўлсанг, шундай қилгинки, сен яратган мавжудотларнинг бироргаси менинг ажалимга сабабчи бўлмасин. 36. Шундай қилгинки, на бирор даргоҳнинг ичида, на унинг ташқарисида, на кундузи, на кечаси, на ерда, на ҳавода ажалим етмасин. Мени ҳар қандай қуроллардан ҳимоя қил ва на инсон, на ҳайвон, ва ҳатто на сен яратмаган бирор тирик мавжудотнинг мени ўлдиришига йўл қўйма. 37-38. Мени на жонли, на жонсиз бирор нарса ўлдира олмасин. Мени на фаришта, на иблис, на қуйи сайёралардан бирор аждар ўлдирмасин. Жангда сенга тенг келадиган зот йўқ; ҳеч ким сени мағлуб қилишга қодир эмас. Шундай фотиҳа бергинки, менга ҳам куч-қудратда ҳеч ким тенг келолмасин. Сайёраларни бошқараётган илоҳлар билан бирга бутун тирик мавжудотлар устидан ҳукмрон бўлай, ва ана шу мартабага лойиқ бутун шон-шухратга эга бўлай. Ундан ташқари, менга узоқ вақт риёзат ва йога давомида эришиладиган ва ҳеч қачон сўнмайдиган барча сеҳр қудратларини ато қил.

Тўртинчи боб.

Хираньякашипу бутун коинот аҳлини даҳшатга солади.

1. Шри Нарада Муни давом этди: - Тангри Брахма Хираньякашипунинг риёзатидан жуда мамнун бўлди, чунки бундай риёзат чекиш осон иш эмасди. Бундай синовдан ўтгани учун муқофот сифатида у Хираньякашипу сўраган ҳамма нарсани ато этди ва камдан кам зотларга насиб қиладиган дуои-фотиҳа қилди.

2. Тангри Брахма шундай деди: - О Хираньякашипу, сен сўраётган нарсаларга эга бўлиш жуда мушкул. Шунга қарамай, эй ўғлим, улар қанчалик нодир бўлса ҳам, мен сенга шу дуои-фотиҳаларни ато этаман.

3. Иблислар аълоси Хираньякашипунинг саждаларига шу тарика жавоб бериб, дуолари ижобатсиз қолмайдиган Тангри Брахма буюк донишмандлар ва авлиёларнинг олқишлари остида ўз даргоҳига қайтиб кетди. 4. Гарчи Хираньякашипу Тангри Брахмадан ўзи истаган барча дуоларни олган ва олгиндай ярқираб турган танага эга бўлса ҳам, укасининг ўлимини эслаб қолган, шу сабабли Худованд Вишнудан нафрратланарди. 5-7. Хираньякашипу бутун оламни забт этди. Бу буюк иблис олий, ўрта ва қуйи сайёраларни, уларда яшайдиган одамлар, гандхарвалар, гарудалар, баҳайбат аждарлар, сиддхалар, чараналар ва видьядхаралар, буюк авлиёлар, Ямараджа, Ману, яқшалар, рақшаслар, пишачилар ва уларнинг ҳукмдорлари, шунингдек асосий арвоҳ ва бхуталари билан бирга бутун уч оламни ўзига бўйсундириб олди. Шу тарзда барча сайёраларни забт қилиб, у коинотнинг ягона ҳукмдори бўлиб олди. 8. Чексиз мол-дунёга эга бўлиб, Хираньякашипу жаннатга, фаришталарга лаззатланиш учун совға қилинган Нандана боғида ўрнашиб олди. У жаннат ҳукмдори Индранинг ҳашаматли саройида яшарди. Фаришталарнинг меъмори Вишвакарманинг ўзи қурган бу сарой шу қадар ажойиб эдики, худди унинг ичида оламнинг равнақ фаришгаси яшаётгандай туюларди. 9-12. Индранинг даргоҳидаги зинаполяр коралллардан, пол - бебаҳо зумрад тошларидан, деворлар - хрусталдан, ус-

тунлар - вайдурья тошидан қилинган эди. У ерда рубинлар билан безатилган ғаройиб қошоналар, ўтиргичлар, марваридлар билан безатилган сугдай оппоқ ётоқлар бор эди. Бу саройда яшаётган, юзлари таърифлаб бўлмас даражада чиройли, табассуми оппоқ тишларини ошкор этадиган гўзал аёллар, қимматбаҳо тошларда ўз аксларини томоша қилиб, оёқларидаги кўнғироқчаларини ёқимли жаранглатиб сайр қилиб юрардилар. Аммо фаришталар, шунча ҳашаматли саройда турсалар ҳам, тушкунликда яшардилар, чунки улар Хираньякашипунинг оёғига бош эгишга мажбур эдилар. Хираньякашипу уларни ҳеч қандай сабабсиз, бетиним ҳақорат қилиб, жазоларди. Индранинг саройида яшар экан, Хираньякашипу ҳар бир зотга нисбатан жуда беаёв, бешафқат муносабатда бўларди. 13. Эй шох, Хираньякашипу ўткир ҳидли маст қиладиган шаробларни ёқтирарди, шу боис у ҳамиша маст-аласт юрар, мис ранг кизғиш кўзлари ҳар тарафга олазарак алангларди. Атрофидагилар ундан жирканар, лекин, Хираньякашипу сеҳрли йога билан шуғулланиб, қаттиқ риёзат чекиб буюк куч-қудратга эга бўлгани учун, уч асосий фаришта - Тангри Браҳма, Тангри Шива ва Худованд Вишнудан бошқа ҳамма ўз қўллари билан унга ҳар хил совғалар инъом қилиб, унинг кўнглини овлашга ҳаракат қиларди. 14. О Пандунинг ўғли, Индранинг тахтида ўтириб, ғайритабиий қудратга эга Хираньякашипу барча сайёралар аҳолисини ўзига бўйсундириб олди. Икки гандҳарва - Вишлавасу ва Тумбуру - шунингдек барча видьядхаралар, апсаралар ва донишмандлар тинмасдан уни олқишлаб, илтижо қилардилар. 15. Ўз варна-ашрами қоидаларига биноан вазифаларини изчил бажариб юрганлар Хираньякашипуга қурбонлик маросимларидан кўплаб инъом-эҳсонлар келтирарди. У эса, бу эҳсонларни фаришталарга тенг бўлиб бериш ўрнига, ҳаммасини ўзи олиб қўярди. 16. Худди Хираньякашипудан кўркқандай, етти оролдан иборат Ер ўзини ҳайдаб, чопиқ қилишларини кутиб ўтирмасдан мўл ҳосил берарди. Бу билан у руҳий оламдаги сурабхи сигирларига ёки жаннат сайёраларидаги кама-дугха сигирларига ўхшаб кетарди. Ер барчани ғалла билан таъминлар, сигирлар мўл-кўл сут берар, осмон эса чиройли булутлар билан кўзни қувонтирарди. 17. Коинотдаги барча океанлар, шунингдек уларнинг хотинлари - океанга қуйиладиган дарёлар - тўлқинларида Хираньякашипуга атаб қимматбаҳо тошлар олиб келарди. Коинотда шўр сув, шакарқамиш шираси, сариеғ, сут, қатиқ ва чучук сув тўла океанлар бор. 18. Тоғлар орасида жойлашган водийлар Хираньякашипунинг ҳордиқ чиқарадиган жойларига айланди. У бу ерларда йилнинг ҳамма фаслида дарахт ва бошқа ўсимликлар гуллаб мўл-кўл мева берадиган қилди. Суғориш, қуритиш ёки ёқиш сингари одатда Индра, Ваю ва Агни амалга оширадиган барча жараёнларни Хираньякашипу ўзининг қўлига олиб, фаришталар хизматини рад этди. 19. Гарчи Хираньякашипу бутун ҳокимиятни ва олам тарафларини ўзига бўйсундирган, натижада ўзи истаганча лаззатланиш имкониятига эга бўлса ҳам, у бунга қаноат қилмасди. Чунки, ўз ҳиссиётларини жиловлаш ўрнига у ҳамиша уларнинг қули бўлиб қолган эди. 20. Бойлиги билан жуда мағрурланиб кетган Хираньякашипу узоқ вақтгача муқаддас китобларда кўрсатилган қонун ва кўрсатмаларни бузиб юрди. Буюк браҳманлар - тўрт кумарлар дуои-бад қилгандан кейин унинг ҳаёти шу тариқа ўта бошлади. 21. Ҳар хил сайёраларнинг

хукмдорлари ва бошқалар Хираньякашипу бераётган дахшатли жазоларидан қаттиқ изтироб чекарди. Кўркүв ва ҳаяжон ичида, бошқа бирор чора тополмасдан, улар бутун ихтиёрларини Худонинг Олий Шаҳси, Худованд Вишнуга топшириб қўйдилар. 22-23. "Бизлар горизонтнинг Худонинг Олий Шаҳси жойлашган тарафига, пок руҳлар, таркидунё қилган буюк авлиёлар йўл оладиган ва ҳеч қачон қайтиб келмайдиган тарафга чуқур эҳтиром билан сажда қиламиз".

Шу тарзда муруқбага берилиб, бир лаҳза ҳам уйкуга кетмасдан, ақлини тўла назорат қилиб, фақат ҳаво билангина озиқланиб, ҳар хил сайёраларга хукмронлик қилувчи фаришталар Хришикешага сажда қила бошладилар. 24. Шунда фаришталар момақалдирикнинг гумбурлашига ўхшаб, ҳар қандай кўркүвлардан халос этувчи илоҳий овоз эшитдилар. Моддий кўзларга кўринмайдиган Парвардигор фаришталарга шундай сўзлар билан муружаат қилди.

25-26. Эй донишмандларнинг аълолари, ҳеч нарсадан кўркманглар! Ҳар бир ишда омад сизларга ёр бўлсин! Мен ҳақимдаги ҳикояларни тинглаш, гапириб бериш ва Менга илтижо қилиш билан Менга содиқ бўлинглар. Шундай фаолият барча тирик мавжудотлар учун энг яхши саодатлар манбаидир. Хираньякашипунинг ёвузликларидан Мен хабардорман ва тез орада бунга барҳам бераман. Ҳозирча сабр-тоқат қилиб туuringлар. 27. Худонинг Олий Шаҳсининг вакиллари бўлган фаришталарни, вайшнавларни, браҳманларни, сигирларни, ведавий илмни ва диний кўрсатмаларни, охир-оқибат Мени - Худои Таолони ёмон кўрадиган, нафратланадиган кишилар ўзлари яратган маданияти билан бирга яқсон бўладилар. 28. Хираньякашипу ўғли Прахладани - буюк содиқ, вазмин, мулоҳазали, ҳеч кимга душманлик қилмайдиган зотни қийнай бошлаганида, Браҳмадан олган шунча дуоларига қарамай Хираньякашипуни ўлдираман.

29. Буюк донишманд Нарада Муни давом этди: - Ҳар бир тирик мавжудотнинг руҳий устози, Худои Таоло шундай сўзлар билан жаннатда яшаётган фаришталарни овуганида, фаришталар Унга чуқур эҳтиром кўрсатдилар ва аслида иблис Хираньякашипунинг аллақачон ўлиб бўлганига ишонган ҳолда ўзларининг даргоҳига қайтдилар. 30. Хираньякашипунинг жуда кўп фазилатларга эга бўлган тўрт ўғли бўлиб, уларнинг энг аълоси Прахлада эди. Прахлада барча илоҳий фазилатлар тимсоли эди, чунки Худои Таолонинг соф содиғи эди. 31-32. Ҳақиқий браҳманларнинг барча фазилатларига эга бўлган ҳолда у хушхулқи билан ажралиб турар, Мутлақ Ҳақиқатга эришишга қатъий шижоат билан интиларди. У ақлини, ҳиссиётларини тўла назорат қилиб, жиловлаб олганди. Олий Руҳ сингари у ҳар бир тирик мавжудотнинг энг яхши дўсти, ҳаммага фақат яхшиликни раво кўрарди. У ҳар бир хурматга сазовор кишига хизмат қилишга тайёр эди, камбағал гадоларга худди отаси фарзандига қарагандай, ғамхўрлик қиларди. Тенгдошларини у севимли ака, укадай, руҳий устозлари, мактабдаги ўқитувчилари, руҳан юксак катталарни эса Худонинг Олий Шаҳси баробарида ҳурмат қиларди. У ўзининг билимдонлиги, бойлиги, гўзаллиги ёки мартабали келиб-чиқиши билан мағрурланса арзирди, лекин унинг қалбида мағрурликдан асар ҳам йўқ эди. 33. Гарчи Махараж Прахлада асурлар хонадонида туғилган бўлса ҳам, унинг ўзи Худованд Вишнунинг буюк содиғи эди. Қариндошларидан фарқли равишда

унинг қалбида вайшнавларга нисбатан душманлик туйғуси йўқ эди. У хатто энг катта хавф-хатар олдида ҳам ўзини вазмин, хотиржам тутар, Ведаларда кўрсатилган кармали фаолият билан умуман кизикмасди. Моддий нарсаларнинг ҳаммасини у мутлақо фойдасиз нарсалар деб ҳисоблар, шу боис ҳар қандай дунёвий орзу-истакларлардан пок эди. У ҳамиша ўз ҳиссиётини ва ҳаёт нафасини назорат қилар, уларни тўла жиловлаб олган эди, мустаҳкам тафаккур ва қатъияти ёрдамида эҳтиросига эрк бермай яшарди. 34. Эй шоҳ, буюк эзгу кароматлари учун авлиё донишмандлар ва вайшнавлар ҳали ҳозиргача Прахлад Махаражни олқишлайдилар. Барча ажойиб фазилатлар Худонинг Шахсида мангу мужассам бўлгани сингари, Унинг содиги Прахлад Махаражда ҳам улар албатта мужассам эди. 35. О Махараж Юдхитхира, қаерда авлиёларнинг сифатлари ва кароматлари ҳақида гап борса, оддий одамлар эмас, хатто иблисларнинг душмани фаришталар ҳам, Прахлад Махаражни буюк содик сифатида тилга оладилар. 36. Прахлад Махаражнинг барча илоҳий эзгуликларини ким санаб, саноғига ета оларди? У Парвардигор Васудевага, Кришнага қатъий иймон келтирган, Унинг соф содиги эди. У туғилганиданок Худованд Кришнага боғланган эди, чунки аввал ҳам Унга садоқатли холис хизмат қилган эди. Гарчи Прахлад Махаражнинг эзгу ишларини санаб ниҳоясига етиб бўлмаса ҳам, ҳамма уни махатма, буюк рух деб тан олади. 37. Ёшлигиданок Прахлад Махараж ўйинчоқларга умуман кизикмасди. У болалар эрмак қиладиган барча ўйинлардан юз ўгиргани, Кришна ҳақидаги ўйларга бутунлай ғарқ бўлган ҳолда ҳамиша жим ва осойишта юрарди. Фикру-хаёли ҳамиша Кришна билан банд бўлгани учун у бошқаларнинг қандай қилиб ҳиссий лаззатларга берилиб яшашини сира тушунмасди. 38. Прахлад Махараж Кришна ҳақидаги ўйларга бутунлай ғарқ эди, ва ҳамиша Парвардигорнинг қалбида бўлган ҳолда хатто ўзининг қандай юрганни, ўтирганини, ётганини, еб-ичганини ёки гапираётганини ҳам сезмасди; унинг танасига зарур бўлган барча эҳтиёжлар ўз-ўзидан амалга ошарди. 39. Бутунлай Кришна онгида бўлган ҳолда у гоҳ йиғлар, гоҳида кулар, баъзида эса, яйраганидан лаззатга тушиб, бор овози билан кўшиқ куйларди. 40. Баъзан кўз олдида Худои Таолони кўриб, Прахлад Махараж қаттиқ ҳаяжонга тушар, баланд овоз билан Унга мурожаат қила бошларди. Гоҳида яйраганидан, ҳеч кимдан уялмай рақсга тушар, гоҳо Кришна ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб, ўзини Унга қиёслар ва Унинг ўйинларига тақлид қилиб юрарди. 41. Баъзида Прахлад Махараж Парвардигорнинг нилуфар қўллари текканини ҳис қиларди. Шундай пайтларда уни илоҳий лаззат қамраб олар, тили калимага келмай қоларди. Қалбини тўлдирган Парвардигорга бўлган муҳаббат нашъасидан туқлари хурпайиб, ярим юмук кўзларидан тирқираб ёш оқарди. 42. Прахлад Махараж ҳеч қандай моддий нарсалар билан кизикмайдиган мукамал соф содиклар билан ҳамсўхбат бўлиб юргани туфайли, у ҳамиша Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилиш билан банд эди. Ундаги чуқур илоҳий лаззатли ҳолатларни кўриб, руҳий жиҳатдан энг ғофил одамлар ҳам покланарди. Бошқача қилиб айтганда, Прахлад Махараж уларга илоҳий лаззат улашарди. 43. О шоҳ Юдхитхира, иблис Хираньякашипу ўз ўғли бўлган

ана шу улуғвор ва ғайритабиий бахтга эга содикни ҳар хил азоблар билан қийнади.

44. Махараж Юдхитхира шундай деди: - Эй руҳий устозлар аълоси ва фаришталар ичида буюк авлиё, нима сабабдан Хираньякашипу ўзининг ўғли Прахлад Махаражга шунча азоб бергани, ахир у пок, улуғвор, ҳақиқий авлиё зот эди-ку? Илтимос, шуни менга тушунтириб бер. 45. Ота-она ҳамиша ўз фарзандларига нисбатан меҳр-муҳаббатга тўла бўлади. Агар болалари уларга кулоқ осмаса, улар жазолайдилар, лекин, буни улар ўғлини ёмон кўрганидан эмас, унинг саодати учун қиладилар. Прахлад Махаражнинг отаси Хираньякашипу шундай улуғвор фарзандини қандай қилиб шундай қийноқларга мубтало қилди? Мен шуни тушуниб олишни жуда истардим. 46. Ота ҳам хушхулқли, итоаткор ва ўзини ҳурмат қиладиган ўғлига нисбатан шу қадар бешафқат бўладими? Эй ҳукмдор, фарзандини севадиган ота ўзининг одобли ўғлини ўлдириш ниятида жазолаши - кулоқ эшитмаган, ишониш қийин бўлган гап. О браҳман, нимага шундай бўлганини гапириб бер, бизларнинг гумонимизни тарқатиб юбор.

Бешинчи боб.

Хираньякашипунинг авлиё ўғли Прахлад Махараж.

1. Буюк донишманд Нарада Муни шундай деди: - Хираньякашипу бошлиқ иблислар Шукрачарьяни ўзларининг руҳий устози қилиб танладилар. Шукрачарья уларнинг саодати учун ҳар хил қурбонлик маросимларини ўткази бошлади. Шукрачарьянинг икки ўғли, Шанда ва Амарка, Хираньякашипу саройига яқин жойда яшарди. 2. Прахлад Махаражнинг мактабда таълим олишининг ҳожати йўқ эди, чунки у садоқатли хизмат қилиш илмини тўлиқ эгаллаган эди. Аммо, Хираньякашипу уни Шукрачарьянинг ўғиллари олдида таълим олиш учун жўнатди. Улар бошқа иблисларнинг болалари билан бирга Прахлад Махаражни ҳам мактабга қабул қилдилар. 3. Гарчи Прахлад Махараж мактабдаги устозларининг гапларини диққат билан тинглаб, уларнинг талаби билан сиёсат ва иқтисод қоидаларини ўргана бошласа ҳам, кўнглида тушунардики, бу қоидаларга асосланиб яшаш - атрофингдагиларни дўст ва душманларга ажратиш демакдир, ва шу боис бу дунёвий илм-фан унга сира ёқмасди.

4. О шоҳ Юдхитхира, бир гал иблислар султони Хираньякашипу Прахладани тиззасига ўтказиб, меҳр билан унга савол бера бошлади: - "Ўғлим, менга айтчи, сен мактабда эшитган насиҳатларингдан қайси бирини энг яхши деб ҳисоблайсан?"

5. Прахлад Махараж шундай деб жавоб берди: - О асуралар ичида аълоси, о иблислар шоҳи, руҳий устозим менга ўргатганки, ўткинчи танага эга бўла туриб, ўткинчи оила ташвишларига ғарқ бўлиб кетган киши ҳамиша хавотирда юради, чунки у ичида суви йўқ, аммо фақат мусибатлар тўла қудукка йиқилиб тушган бўлади. Инсон дунёвий ҳаётни тарк этиши ва ўрмонга кетиши лозим. Бу демак, у ҳамиша, ҳар ерда Худо билан боғлиқ бўлган, Кришна онгидаги фаолият ҳукм сурган Вриндаванга йўл олиши керак. Шунда у Худои Таолонинг паноҳи остига қира олади.

6. Нарада Муни давом этди: - Прахлад Махараждан ўзликни англаш ва Худого садоқат билан хизмат қилиш

хақидаги, ўз ўғли душманлари тарафида эканини тасдиқловчи гапларни эшитиб, иблислар шоҳи Хираньякашипу кулиб юборди ва шундай деди: - "Қаранг, душманларнинг гаплари ёшларнинг ақлини қандай чалғитади?"

7. Хираньякашипу ёрдамчиларини чақириб сўради: - "Азиз иблислар, илтимос, бу болани диққат билан кузатиб юринглар ва уни гурукулага оддий одамлар киёфасида кириб олиши мумкин бўлган вайшнавларнинг номаъқул таъсиридан ҳимоя қилинглар!"

8. Хираньякашипунинг хизматкорлари Прахлад Махаражни гурукулага қайтариб олиб келганида, иблисларнинг руҳонийлари, Шанда ва Амарка, унга мулойимлик билан мурожаат қила бошладилар. Иложи бори-ча хотиржам ва мулойим бўлишга ҳаракат қилиб, улар Прахлад Махаражга савол бера бошладилар:

9. - Прахлада, ўғлим, умринг ҳамиша тинч ва бахтиёр бўлсин! Илтимос, бизларга тўғри жавоб бер. Сендан бошқа болалар сенга ўхшаб ғалати фикрларга бормайдилар. Сен бу насиҳатларни кимдан олгансан? Сенинг ақлинг қандай қилиб бундай ҳалокатли фикрларга булғаниб қолди? 10. Эй оиласининг аълоси, ақлингни ўзинг булғаб юрибсанми ёки бу бирор душманнинг ишимми? Устозинг сифатида бизлар сенинг жавобингни эшитишга мунтазирмиз. Илтимос, тўғриси айт!

11. Шри Прахлад Махараж шундай деб жавоб берди: - Мен Худо Шахси олдида чуқур эҳтиром билан таъзим қиламан. Унинг ташқи қуввати одамларнинг ақлини адаштиради, уларни атрофидагиларни дўст ва душманларга ажратишга мажбур қилади. Бу қувватнинг қандай ҳаракат қилишини мен ишонarli манбалардан эшитганман, мана энди унинг ҳаммани қандай адаштириб қўйганини ўз кўзим билан кўриб турибман. 12. Худо Шахсини Унга садоқатли хизмат қилиш билан мамнун қилган киши пандит даражасига кўтарилади ва дўст, душман ва ўзи орасида ҳеч қандай фарқ кўрмайди. Ҳақиқий соф тафаккурга эга бўлган шундай руҳ бошқача фикр юритади: "Бизлар барчамиз - Худои Таолонинг мангу хизматкорларимиз, шунинг учун, бир тирик мавжудот билан бошқа тирик мавжудот орасида ҳеч қандай фарқ йўқ". 13. Атрофидагиларни дўст ва душманларга ажратишга ўрганиб қолган киши қалбида мавжуд бўлган Олий Руҳни кўришга қодир эмас. Ундай одамлар ҳақида нима ҳам дейиш мумкин, - ахир ҳатто Тангри Браҳма ва Ведалар илмининг бошқа билимдонлари ҳам баъзида садоқатли хизмат қилиш йўлидан қандай бориш кераклигини охиригача тушуниб ета олмайдилар. Буларнинг ҳаммаси Худои Таолонинг амри билан рўй беради, ва фақат Унинг Ўзи пок тафаккур ато этгани шарофати билангина мен, сизлар ўзингизга душман деб ҳисоблайдиган зот тарафига ўтиб олдим. 14. О браҳманлар, худди темир магнит тарафга интилгани сингари, қўлида халқа ушлаган Худованд Вишнунинг амри билан ўзгарган менинг онгим ҳам, ҳамиша Парвардигорга талпинади. Шу боис мен У ҳақида ўйламасдан туролмайман.

15. Нарада Муни давом этди: - Устозлари Шанда ва Амаркага, Шукрачарьянинг ўғилларига шу гапларни айтиб, буюк Прахлад Махараж жим қолди. Браҳман аталмиш у зотлар эса, унга ғазаб ва нафрат ўтини соча бошладилар. Улар Хираньякашипунинг хизматкорлари бўлгани учун, Прахлад Махаражнинг гаплари уларнинг жаҳлини чиқарди ва улар Прахладани сўка бошладилар. 16. "Қани, бу ерга қалтак олиб келинглар! Бу

Прахлада бизнинг берган таълимимизга иснод келтирди. Ўзининг ғаразли эътиқоди билан у иблислар сулоласига ёниб турган чўғдай хавф соляпти. Унга бўйсунмайдиганларни бўйсундириш учун қўлланадиган охириги, тўртинчи чорани қўллаш керак. 17. Бу ярамас Прахлада - сандал дарахтлари ўсиб ётган ўрмонда пайдо бўлган чақиртиканака ўхшайди. Сандал дарахтларини одатда дастаси тиканакли дарахтдан ясалган болта билан чопадилар. Худди шунингдек, Худованд Вишну - иблислар сулоласини таг томири билан чопадиган болта бўлса, Прахлад Махараж унинг дастаси.

18. Прахлад Махаражни қаттиқ сўкиб, уни ҳар хил жазолар билан кўрқиздилар. Прахладанинг устозлари Шанда ва Амарка унга қандай қилиб қурбонлик маросимини ўтказишни, моддий фаровонликка эришишни ва хиссиётларнинг талабини қандай қондириш йўллариини ўргата бошладилар. Улар Прахладани фақат мана шуларга ўргатардилар. 19. Орадан анча вақт ўтгандан кейин устозлари, "энди Прахлад Махараж кўзғолончиларни қандай бостириш, яхши лавозимлар ваъда қилиб, уларни қандай тартибга чақириб, "бўлиб ол ва ҳукмронлик қил!" қондасини ҳаётда қандай қўллаш ва бўйсунмайдиганларни қандай жазолашни ўрганди" - деган қарорга келдилар. Бир куни, онаси Прахладани ювинтириб, янги кийим кийинтириб, ҳар хил тақинчоқлар тақиб бўлгандан кейин, устозлари уни отасининг олдида олиб келдилар. 20. Прахлад Махараж отасининг оёқларига эгилиб бош қўйди, мурғак болакайнинг эҳтиром билан оёқларига бош қўйганини кўриб, Хираньякашипу меҳр билан уни бағрига босиб, дуо қила бошлади. Ўғлини бағрига босишдан ҳар қандай отанинг қалби чексиз қувончга тўлади, Хираньякашипу ҳам ўзини жуда бахтиёр ҳис қилди.

21. О шоҳ Юдхитхира, Хираньякашипу Прахлад Махаражни тиззасига ўтқазди ва унинг сочларидан таралаётган муаттар хидларни хидлай бошлади. Кўзларидан оқаётган оталик меҳри тўлган ёш билан Прахладанинг табассум қилиб турган юзларини ювиб, Хираньякашипу ўғлига мурожаат қила бошлади. 22. Хираньякашипу шундай савол берди: - "Прахлада, ўғлим, илоё умринг узоқ бўлсин! Сен кўп вақтдан бери мактабда устозларингдан таълим олиб юрибсан. Улардан ўрганган энг яхши нарсаларинг ҳақида менга гапириб бер-чи?"

23-24. Прахлад Махараж шундай деди: - Худованд Вишнунинг илохий муқаддас номини ва Унинг киёфасининг таърифини, сифатларини, атрофидагиларни ва қароматларини тинглаш, гапириб бериш ва эслаб юриш, Худонинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилиш, Унга ўн олти хил анжом билан сажда қилиш, Унга илтижо қилиш, Унинг хизматкори бўлиш, Худони энг яқин дўст деб билиш ва ўз ихтиёрингни бутунлай Унга топшириш(ақл, тил ва тана билан Унга хизмат қилиш) - Худого соф садоқат билан хизмат қилишнинг тўққиз тури мана шулардан иборат. Бутун умрини шу усулларни қўллаб Кришнага хизмат қилишга бағишлаган одам - энг олий маълумотли одамдир, чунки у тўлиқ илмга эга.

25. Ўғли Прахлада Худого садоқат билан хизмат қилиш ҳақида гапираётганини эшитиб, Хираньякашипу қаттиқ нафратланди. Унинг лаблари титраб кетди, ва устозининг ўғли Шандунини сўка бошлади.

26. - "Ҳой ярамас, браҳманнинг жирканч ўғли, сен менинг гапларимга қулоқ солмай, душманларим томо-

нига ўтиб олибсан. Сен бу бечора болани Худога садоқатли хизмат қилишга ўргатибсан! Шундай жирканч ишга қандай қўлинг борди? 27. Қачонлардир бир гуноҳ содир қилган одам, вақти келиб албатта касалга чалинади. Худди шунингдек, бу дунёда ҳам иккиюзламачи алдоқчилар кўп. Улар тилида ўзини бизга дўст қилиб кўрсатадилар, аммо уларнинг қилиб юрган ишларидан маълум бўладики, аслида улар дўст эмас - душман бўлиб чиқади.

28. Хираньякашипунинг руҳий устозининг ўғли шундай деб жавоб берди: - О шоҳ Индранинг душмани, эй ҳукмдор! Сенинг ўғлинг айтган гапларни унга на мен ва на бошқалар ўргатгани йўқ. Худога садоқат билан хизмат қилишга мойиллик унда ўз-ўзидан пайдо бўлган. Шу боис бекорга биздан нафратланма. Брахманларни ҳақоратлаш яхши эмас.

29. Шри Нарада Муни давом этди: - Устозидан бундай жавобни эшитиб, Хираньякашипу яна ўғли Прахладага мурожаат қилди. У шундай савол берди: - "Ҳой ярамас, хонадонимизнинг энг пасткаши, устозинг сенга бу нарсаларни айтмаган бўлса, бундай жирканч фикрларни қаердан олдинг?"

30. Прахлад Махараж шундай деб жавоб берди: - Ҳаётий дунёга қаттиқ боғланиб қолган кишилар ҳиссиётини бошқара олмагани сабабли аста-секин дўзахга қараб кетаверадилар ва қайта-қайта "чайналган нарсани яна чайнайверадилар". Ҳеч нарса - на бошқаларнинг насиҳатлари, на ўзининг интилишлари ва на иккови биргаликда уларнинг қалбида Кришнага холис хизмат қилиш истагини уйғотмайди. 31. Дунёвий лаззат ҳақидаги фикрларга ғарқ бўлган одамлар ўзларига йўлбошчи ёки устоз қилиб ўзлари сингари, - фақат моддий сезги органлари сеза оладиган ташқи нарсаларга боғланиб қолган кўр одамларни танлайдилар. Ундай одамлар яшашдан мақсад битта - ҳақиқий уйга, Худонинг даргоҳига қайтиш, ва бутунлай Унга хизмат қилиш билан банд бўлиш эканини тушунишга қодир эмаслар. Худди, кўр одамга эргашган кўр ҳам адашиб, чуқурга йиқилиши муқаррар бўлгани сингари, ўзига ўхшаган дунёвий одамни устоз ёки йўлбошчи қилиб олган дунёвий одамлар ҳам кармали фаолиятнинг жуда қаттиқ сиртмоқларига ўралиб қоладилар ва моддий тирикчиликнинг тубсиз чуқурига тушиб кетадилар. У ерда улар уч хил азоб-уқубатларга дучор бўлиб, такрор ва такрор мусибат чекаверадилар. 32. Дунёвий одам то дунёвий тирикчилик иллатидан муғлақо пок бўлган вайшнавнинг нилуфар қадамлари пойидаги чангни бошига сўртмагунча, ўзининг қалбида Худои Таолонинг нилуфар қадамлари пойига боғланиш туйғусини ривожлантира олмайди. Парвардигорни содиқлар ғайритабиий ишларини айтиб олқишлайдилар. Фақат Кришна онгига эга бўлиб, Худонинг Олий Шахсининг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топган кишигина ўз умрини поклашга қодир бўлади.

33. Шу гапларни айтиб, Прахлад Махараж жим қолди. Нафратдан ғазаби қайнаган Хираньякашипу уни тиззасидан ерга улоқтирди. 34. Ғазаб ўтидан Хираньякашипунинг кўзлари қиздирилган мисдай қизариб кетди. У хизматкорларига шундай деди:

- Ҳой иблислар, бу болани кўзимдан йўқотинглар! Уни дарров ўлдириш керак. Ҳозирок уни ўлдириш керак! 35. Бу бола, Прахлада, укамнинг қотили бўлади, чунки у бизнинг душманамиз Худованд Вишнуга худди оддий

хизматкордай садоқат билан хизмат қилиш учун ўз оиласидан юз ўгирди. 36. Прахлада ҳали эндигина беш ёшга тўлди, лекин у аллақачон ўзини ота-онаси билан боғлаб турган муҳаббат ришталарини узиб ташлаган. Шундай одамга ишониб бўладими? Вақти келиб у ҳали ўзининг Вишнусига ҳам соқинлик қилмайди, деб айта олмайман. 37. Ўрмондаги ўсимликлар - одам эмас. Лекин улар доривор хусусиятга эга бўлса, одамлар уларни жуда эъзозлайдилар. Худди шунингдек, бошқа бир хонадонда туғилган одам сенга дўст бўлса, унга худди ўз ўғлингдай меҳрибон бўлиш керак. Аксинча, агар тананинг бир қисми хавfli касалга чалинган бўлса, тананинг қолган қисмини асраб қолиш учун уни кесиб ташлаш керак. Агар томирларида қонинг оқаётган ўз ўғлинг сенга нисбатан душманларча муносабатда бўлса, ҳатто ундан ҳам воз кечиш керак. 38. Жилланмаган ҳиссиётлар - руҳий юксалиш йўлидан бораётган ҳар қандай йогнинг душманидир. Шунга ўхшаб Прахлада, - гарчи дўст бўлиб кўринса ҳам, аслида ашаддий душманам бўлади, чунки мен уни ўзимга бўйсундира олмаяпман. Модомики, у душман экан, - уни ўлдириш керак. Ухлаётганидами, овқатланаётганидами ёки шунчаки ўтирганидами ҳар қачон ва ҳар қандай йўл билан уни йўқ қилиш керак.

39-40. Шундан сўнг Хираньякашипунинг хизматкорлари Прахлад Махаражнинг нозик танасига ўтқир санчқи санча бошладилар. У иблисларнинг юз кўринишининг ўзиёқ одамни даҳшатга соларди; уларнинг тишлари бўртиб чиққан башаралари даҳшатли, қиғзиш-мисранг соқоллари ва сочлари кўрқинчли эди. "Чоп! Ўлдири! Санч!" - деган хайқириклар билан улар жим, ҳаракатсиз Худои Таоло ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб ўтирган Прахлад Махаражга ташландилар. 41. Агар одам ҳеч қачон яхши иш қилмаган бўлса, унинг биргина қилган яхшилиги унга сезиларли фойда бермайди. Худди шунингдек, Прахлад Махаражни ўлдириш учун иблислар қўллаётган қуроллар ҳам унга ҳеч қандай таъсир қилмади. Чунки Прахлад Махараж Худонинг соф содиқ хизматкори бўлиб, моддий шартшароитларга боғланмаган, ҳамиша Худои Таоло ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юрарди. У фақат бутун оламнинг Руҳи,- ўзгармас ва моддий сезгилар сеза олмайдиган Худога хизмат қилиш ҳақида ўйларди. 42. О шоҳ Юдхитхира, Прахлад Махаражни ўлдириш учун қилган барча ҳаракатлари иш бермаганини кўрган Хираньякашипу жуда кўрқиб кетди. Иблислар шоҳи уни йўқотишнинг бошқа усулларини ўйлай бошлади. 43-44. Хираньякашипу ўғлини кутурган баҳайбат филларнинг оёғи остига ҳам, даҳшатли катта заҳарли илонлар орасига ҳам, баланд тоғдан пастга, жарликка ҳам ташлаб кўрди; у Прахладани ҳар хил сеҳр-жоду йўли билан ҳам, қоронғи зиндонга ташлаб ҳам, заҳар ичириб ҳам, оч қолдириб ҳам, совуқ ва шамолга чиқариб қўйиб ҳам, оловга ва сувга ташлаб ҳам, катта-катта тошлар остида янчиб ҳам ўлдиришга уриниб кўрди. Лекин барибир уни ўлдира олмади. Бегуноҳ Прахлад Махаражга ҳеч қандай зарар етказа олмаганидан қаттиқ хайратга тушган Хираньякашипу энди нима қилишини билмай чуқур ўйга толди.

45. Хираньякашипу шундай ўйларди: -"Прахладани ўлдиришга қанча уриндим. Уни ўлдириш учун шунча усулларни қўлладим, лекин унга заррача ҳам заҳмат етказа олмадим. У ўз қудрати билан ўзини ҳимоя қилиб, мен берган азоб-уқубатлардан ҳечам қийналгани

йўқ. 46. Гарчи Прахлада ҳали ёш бола бўлса ҳам, ҳатто менинг ёнимда туриб ҳам ҳеч нарсадан кўрқмайди. У ўзининг ҳукмдори, Худованд Вишнуга садоқатли хизмат қилишни бир лаҳза ҳам эсидан чиқармайди ва унга нисбатан қилган номуносиб ишларимни эсида сақлайди; у худди ўралиб турган итнинг куйруғига ўхшайди - уни ҳеч қандай йўл билан тўғрилаб бўлмайди. 47. Кўриниб турибдики, бу бола чексиз қудратга эга: мен қўллаган шунча усуллардан бирортаси унинг жасоратини синдириб, шижоатини қайтара олмади. У ҳеч қачон ўлмайдиганга ўхшайди. Аксинча, унга қилган душманликларим сабабли мен албатта ўлсам керак. Балки ундай бўлмас.

48. Бундай фикрлардан Дайтъяларнинг шоҳи тушкунликка тушди, унинг танаси ўзининг аввалги нурафшонлигини йўқотди; у бошини кўтармай жим ўтирарди. Шунда Шанда ва Амарка, Шукрачарьянинг ўғиллари, Хираньякашипуни хилват жойга қақириб, унга насиҳат бера бошладилар.

49. - "Эй ҳукмдор, бизга маълумки, сен қовоғингни бир уйишинг билан бошқа сайёраларнинг ҳукмдорлари даҳшатга тушадилар. Бошқа бирор зотнинг ёрдамисиз, сен бир ўзинг бутун уч оламни забт этдинг. Шу боис бизлар сенинг бундай тушкунликка тушишингга ҳожат йўқ деб ўйлаймиз. Прахлада - шунчаки ёш бола, сенга ҳеч қандай зарар етказмайди. Охир оқибатда ундаги фазилатлар ва камчиликлар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. 50. Кўрққанидан қочиб кетмаслиги учун, руҳий устоз Шкрачарья қайтиб келгунча, бу болани Варунанинг иплари билан боғлаб қўй. Ҳар ҳолда, у қаттайганида бизларнинг насиҳатимизга қулоқ соладиган бўлади, руҳий устозимизга хизмат қилиб, ақли жойига тушади. Шу боис сен ҳеч нарсадан хавотирланма.

51. Хираньякашипу руҳий устозининг ўғиллари Шанда ва Амарканинг таклифига рози бўлди, ва улардан Прахлад Махаражни шоҳ хонадонининг аъзолари билиши керак бўлган нарсаларга ўргатишни илтимос қилди. 52. Шундан сўнг Шанда ва Амарка итоаткор ва камтар Прахлад Махаражга дунёвий дин амалларини, шунингдек, моддий бойликларни кўпайтириш ва ҳиссиётларни лаззатлантириш йўллари ўргата бошладилар. 53. Шанда ва Амарка Прахлад Махаражни моддий фаолиятнинг уч турига ўргатдилар: - диний маросимларни ўтказиш, моддий фаровонликни ошириш ва ҳиссиётларни лаззатлантириш. Лекин Прахлад Махаражнинг онги бундай насиҳатлардан устун эди, ва у буларни бирор аҳамиятга эга деб ҳисобламасди. Чунки ундай насиҳатлар моддий борлиқнинг қарама-қарши тушукнчаларига асосланган бўлиб, одамни туғилиш, ўлиш, касаллик ва қарилик азобларига мубтало қиладиган дунёвий ҳаёт кечиришга ундар эди. 54. Устозлари уйига овқатлангани кетганида, Прахлад Махаражга тенгдош бўлган бошқа шогирдлар танаффусда бирга ўйнашга уни ҳам таклиф қилишарди. 55. Шунда энг олий илмга эга бўлган Прахлад Махараж тенгдошларига мулойимлик билан мурожаат қиларди. Юзида табассум билан у моддий тушунчаларга асосланган ҳаётнинг бемаъни эканини тушунтирар, уларга ачинганидан насиҳатлар берарди. 56-57. Эё шоҳ Юдхистхира, Прахлад Махаражнинг барча синфдошлари уни севиб ҳурмат қиларди; ҳали улар ёш бола бўлгани сабабли, қарама-қаршиликларга тўла моддий дунёга боғланиб қолган ва арзимас ҳиссий лаззатларга берилган устозларининг насиҳатлари билан уларнинг онги

ҳали унчалик булганмаган эди. Ўйинчоқларини эсидан чиқариб, улар давра куриб Прахлад Махаражнинг атрофини ўраб олиб, унинг гапларини эшитардилар. Бутун қалби ва нигоҳлари унга тикилган, унинг сўзларини бутун қалби билан тинглардилар. Гарчи Прахлад Махараж иблислар оиласида туғилган бўлса ҳам, буюк содик эди ва бу болаларга фақат яхшилик қилишни истарди. Шунинг учун ҳам у дўстларига моддий ҳаётнинг алдамчи, арзимас мато эканини тушунтира бошлади.

Олтинчи боб.

Прахладанинг иблисларнинг ўғилларига берган насиҳатлари.

1. Прахлад Махараж шундай деди: - Етарли ақл-фаросати бор одам ёшлигиданоқ ўзининг инсон танасида ўтадиган умрини бошқа нарсаларга сарфламасдан Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш учун фойдаланиши лозим. Инсон бўлиб туғилиш - тирик мавжудот учун жуда нодир омад: инсон танаси, гарчи бошқа таналар сингари ўткинчи бўлса ҳам, жуда нодир хусусиятга эга, чунки у Худо Шахсига садоқат билан холис хизмат қилиш имконини беради. Худо учун чин юракдан самимий қилинган бир лаҳзалик холис хизмат ҳам инсонни энг олий камолот чўққисига кўтариши мумкин. 2. Инсон танасида дунёга келган тирик мавжудот ўз уйига, Худонинг даргоҳига қайтиш имкониятига эга бўлади. Шунинг учун ҳамма, айниқса одамлар Худованд Вишнунинг нилуфар қадамлари пойига сажда қилишлари ва Унга садоқат билан хизмат қилишлари лозим. Садоқатли хизмат билан машғул бўлиш ҳар бир руҳнинг табиий машғулоти, чунки Худованд Вишну, Олий Шахс-Худо барча тирик мавжудотлар учун жуда азиз, уларнинг ҳукмдори ва саодатмандидир. 3. Эй дўстларим, эй иблисларнинг ўғиллари! Моддий сезги органларимиз орқали ҳис қиладиган моддий бахтни қандай ҳаёт шаклида бўлишига қарамай ҳар қандай танада ҳам ҳис қилиш мумкин. Бундай бахт - аввалги қилган кармали ишларимиз натижасидир, унга эришиш учун бизнинг уринишимизга ҳожат йўқ: бахт ҳам, худди мусибатлардай бизга ўз ўзидан келаверади. 4. Ҳиссий лаззатланиш имкониятини яратишга уринишинг ва моддий фаровонлик келтирадиган бахтга интилишнинг ҳожати йўқ. Буларнинг барчаси вақтни ва кучни бекорга сарфлашдир; бундай фаолият билан машғул бўла туриб, биз ҳеч қачон ҳақиқий бахтга эриша олмаймиз. Лекин одам ўзида Кришна онгини ривожлантиришга, Худони англашга ҳаракат қилса, у албатта ҳақиқий ўзлигини, "Мен"ини англаб етади ва руҳий даражага эришади. Фақат моддий фаровонликка интилаётган кишилар бундай саодатга эриша олмайдилар. 5. Шунинг учун, агар моддий оламда яшаётган киши ҳақиқий ва сохта бахтнинг фарқини англаб етишга қодир бўлса, ҳали ёш ва кучга тўла, танаси ҳали касал ва яроқсиз кекса бўлиб қолмасдан аввал ҳаётнинг энг олий мақсадига интилиши лозим. 6. Ҳар бир одам юз йилгача умр кўриши мумкин, аммо ҳиссиётини жиловлай олмаган киши умрининг ярмисини бекорга йўқотади, чунки, туни билан, ғофиллик таъсирига берилиб ўн икки соатлаб ухлайди. Ундай одамнинг фақат эллик йил умри қолади. 7. Ёшлигида, умрининг биринчи ўн йилида, одамнинг ақли ҳали тўлишмаган, иккинчи ўн йилини эса, ҳар хил ўйин ва эрмаклар билан

ўтказди. Шу тарзда инсон яна йигирма йил умрини ўтказди. Бундан ташқари, одам қариганида, кексалиги ва ҳар хил касалликлар инсонни ҳатто моддий ишлар билан шуғулланиш имконидан ҳам маҳрум қилади, у яна йигирма йилини бекорга сарфлайди. 8. Ақли ва ҳиссиётларини жиловлай олмаган киши, тўймас эҳтироси ва енгиб бўлмас алданиши туфайли оилавий ҳаётга қаттиқ боғланиб қолади. Ана шундай ақлсиз нодоннинг қолган умри ҳам бекор кетади, чунки ҳатто қолган озгина умрида ҳам у Худога садоқат билан хизмат қила олмайди. 9. Ҳиссиётини жиловлай олмайдиган ва шу сабабдан оилавий ҳаётга боғланиб қолган киши моддий тутқунликдан қутула оладими? Ундай одам ўзининг оиласига(болаларига, хотинига ва қариндошларига) узилмас иплар билан қаттиқ боғланиб қолган. 10. Пул дунёда ҳамма нарсадан ҳам қадрли. Ким ҳам бойлик орттириш истагидан қутула олади, айниқса оилали киши. Ўғрилар, ёлланган жангчилар ва савдогарлар пул топиш учун ҳатто ҳаётини ҳам гаровга қўйишга тайёр. 11-13. Яқинларига меҳр билан боғланган, уларни қалбининг тўрида асраб юрган қайси бир киши улар билан, айниқса хотини билан бирга бўлишдан воз кеча олади? Хотини эрига шунчалик меҳрибон ва ғамхўр; эри билан ёлғиз қолиб, у эрига жуда кўп лаззат келтиради. Суюкли ва севадиган хотиндан воз кечишга кимнинг кучи етади? Кичкина болалар шу қадар ширин чулдираб гапирадиларки, отаси уларнинг ширин тил билан айтганларини тез-тез эслаб юради. Қандай қилиб одам уларни унуга олади? Кекса ота-онаси, катта ўғил-қизлари ҳам унинг учун жуда азиз. Айниқса қиз бола отаси учун жуда азиз бўлади, шунинг учун у турмушга чиқиб кетгандан кейин ҳам, отаси ҳамшиша уни ўйлаб юради. Одам ўзига азиз бўлган шундай одамлардан қандай айрила олади? Бундан ташқари унинг хизматкорлари ва уй ҳайвонлари, шинам безатилган уйи бор. Одам шуларнинг ҳаммасини тарк эта оладими? Оилавий ҳаётга боғланиб қолган киши - ўзи тўқиган пилланинг ичига қамалиб, ундан чиқолмай қоладиган пилла қуртига ўхшайди. Ундай одамлар жинсий органларининг ва тили(нафси)нинг талабини қондириш учун моддий олам тутқунлигида мангу қолиб кетишга тайёр. Улар қандай озодликка чиқиши мумкин? 14. Оиласига қаттиқ боғланиб қолган киши, уни таъминлаш учун ўзининг нодир, бебаҳо ИНСОН танасидаги ҳаётини бекорга сарфлаётганини тушуна олмайди. Инсон ҳаёти унга Мутлақ Ҳақиқатни англаш учун ато этилганини билмасдан, ўзи билмаган ҳолда умрини хазон этади. Лекин у, ўз бойлигининг бир тийини ҳам бекорга сарфланмаслигини қаттиқ назорат қилади. Гарчи дунёвий ҳаётга боғланиб қолган одам ҳамшиша уч хил азоб укубатларга дучор бўлиб яшаса ҳам, бундай ҳаётдан у нафратланмайди. 15. Оиласини боқиш ташвишига ботиб кетган одам ҳиссиётини жиловлаб олмаса, фақат кўпроқ пул тўплаш ҳақида бош қотиради. Гарчи бошқаларнинг бойлигига кўз олайтирган киши бу ҳаётда давлат қонунлари асосида, кейинги ҳаётида эса, Ямараж қонунлари асосида жазоланишини билса ҳам, у барибир пул топиш учун бошқаларни алдайди, ўғирлик қилади. 16. Эй дўстларим, эй иблис болалари! Моддий оламда ҳатто зиёли билимдон саналган кишилар ҳам одамларни ўзиники ва бегоналарга ажратадилар. Фақат оилавий ҳаёт тасаввуридан келиб чиқиб, улар оила аъзоларини ҳаёт учун зарур нарсалар билан таъминлаш билангина

ҳаёт кечирадилар, демак, уларнинг ақли худди шундай ишлар билан машғул бўлган, ғафлат ботқоғига ботган ит ва мушукларникидан ортиқ эмас. Ундай одамлар рухий илмга кизиқишга қодир эмаслар, шу боис адашган ҳолда ғафлат ботқоғига ботиб яшайдилар. 17-18. Дўстларим, Олий Шахс-Худо ҳақидаги илмга эга бўлмай туриб хали ҳеч қачон, ҳеч бир юртда, ҳеч ким моддий олам тутқунлигидан халос бўлган эмас. Худои Таоло ҳақида ҳеч нарса билмайдиган зотлар моддий табиат қонунлари ҳукми остида бўлади. Ундай одамлар фақат ҳиссий лаззатларга берилиб яшайдилар, уларнинг ҳаётдаги ягона интилиш объекти - аёллар. Шахвоний эҳтиросга тўла эркаклар - чиройли аёллар қўлида қўғирчоқ бўлиб қоладилар. Уларнинг ўғиллари, неvara-чеваралари дунёга келади; шу тариқа, дунёвий лаззатларга боғланганлиги туфайли, ундай одамлар моддий тириклик асирлигига тушиб қоладилар. Оилавий ҳаётга қаттиқ боғланиб қолган кишиларни демонлар, иблислар деб атайдилар. Гарчи сизлар иблислар хонадонидан дунёга келган бўлсангиз ҳам, улардан узқокрок юринглар ва барча фаришталарнинг манбаи, Олий Шахс, Худованд Нараянадан паноҳ изланглар. Фақат Худованд Нараянанинг содик хизматкорларигина инсон ҳаётининг олий мақсадига эриша оладилар - моддий тутқунликдан халос бўла оладилар. 19. Эй иблис болалари, Олий Шахс-Худо, Худованд Нараяна - барча тирик мавжудотларнинг Олий Рухи, уларнинг азалий, бошланғич отаси. Демак, ёш болами, кекса чолми, ҳеч ким Худога сажда қилиб Уни мамнун қилиш учун ҳеч кимга халақит бера олмайди; бундан қандай шароитда ҳам амалга ошириш мумкин. Тирик мавжудотлар ва Худои Таоло бир бири билан мангу муносабатлар билан боғланган, шу сабабли Худони рози қилиш қийин эмас. 20-23. Олий ҳукмдор, бегуноҳ ва чарчаш нималигини билмайдиган Парвардигор ўсимлик ва шунга ўхшаш кўзғалмас нарсалардан тортиб, то яралган энг буюк зот Браҳмагача барча тирик мавжудотларда мавжуд. Бунинг устига Худои Таоло моддий оламнинг ҳар ерида, моддий унсурларда, мужассам моддий қувватда, моддий табиат гуналарида ҳам мавжуд; у намоён бўлмаган моддий унсурда ҳам, сохта ўзликда ҳам мавжуд. Гарчи Худои Таоло ягона бўлса ҳам, У ҳар ерда мавжуд; У - барча сабабларнинг сабабчиси ва ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўла туриб, тирик мавжудотларнинг фаолиятини назорат қилиб туради. Уни "Ўзига ҳамма нарсани, бутун борлиқни сифдира оладиган Зот" ва "ҳар ерда мавжуд Олий Рух кўринишида ҳар нарсанинг ичида бор Зот" деб таърифлайдилар; лекин Парвардигорни тўлиқ таърифлашнинг иложи йўқ. У ўзгармас ва бўлинмас. Уни сач-чидананда(мангулик, илм ва лаззат)нинг энг олий тимсоли деб қабул қилдилар. Ташқи қувват пардаси Уни худосизлар кўзидан яшириб туради, шунинг учун улар Худони йўқ деб ўйлайдилар. 24. Шу боис, эй дўстларим, иблисларнинг ўғиллари, ҳамшиша барча моддий тасаввурлардан устун бўлган Худои Таолони мамнун қилишга ҳаракат қилиб яшанглар. Иблисларга хос бўлган қилиқларингизни тарк этинглар, атрофингиздагиларни дўст, душман деб ажратманглар. Барча тирик мавжудотларга баробар равишда меҳрибон ва раҳмдил бўлинглар; уларга Худога холис хизмат қилишни ўргатиш билан марҳамат кўрсатинглар. 25. Барча сабабларнинг сабабчиси, бутун борлиқнинг манбаи бўлган Олий Шахс-Худони мамнун қилган киши эриша

олмайдиган орзу йўқ. Парвардигор сон-саноксиз илоҳий бахт-саодатга, лаззатга тўла. Шунинг учун моддий табиат гуналаридан устун бўлган солиҳ инсонлар учун дунёвий эзгуликларга, бойликка, ҳиссий лаззатларга ва озодликка чиқишга интилишнинг нима ҳожати бор, - ахир буларнинг барчаси инсонга уч гунанинг ўзаро фаолияти натижасида ўз-ўзидан келавради-ку? Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини ҳамиша шарафлаб юрган биз содиқларнинг Ундан дхарма, арта, кама ёки мокша келтирадиган саодатларни сўрашимизнинг ҳожати йўқ. 26. Диний фаолият, моддий фаровонлик ва ҳиссиёт талабларини қондириш Ведаларда три-варга, яъни "халос бўлишнинг уч йўли" деб аталган. Улар ўз ичига таълим олиш ва ҳақиқий ўзлиги("мен")ни англаб етиш, ведавий маросимларни ўтказиш, мантиқ санъати, қонун ва вазифаларни ўрганиш, шунингдек тирикчилик учун пул топишнинг ҳар хил йўллари олади. Бу фаолият турларининг барчаси ведавий илмнинг ташқи бўлимини ташкил этади, шу боис мен уларни моддий нарсалар деб ҳисоблайман. Фақат Худованд Вишнунинг нилуфар қадамлари пойига садоқат билан хизмат қилишгина руҳий фаолиятдир. 27. Барча тирик мавжудотларнинг дўсти ва саодатманди Худои Таоло Нараяна мана шу руҳий ҳақиқатларни буюк донишманд Нарара Мунига аён қилди. Нарара сингари авлиё зотнинг марҳаматисиз бу маҳфий илмнинг сирларини тушуниб етиш жуда мушкул, аммо, Нараранинг издошларидан бўлган бирор руҳий устознинг паноҳи остига кирган ҳар қандай киши бу ҳақиқатни англаб ета олади.

28. Прахлад Махараж давом этди: - Мен руҳий илми буюк донишманд авлиё Нарара Мунидан ўргандим. У Парвардигорга бетиним хизмат қилиш билан машғул. Бхагавата-дхарма деб аталадиган бу билим - мутлақо илмий. У мантиқ ва фалсафага асосланган, моддий иллатлардан бутунлай пок илм.

29-30. Иблисларнинг ўғиллари шундай деди: - Азим Прахлада, бизлар ҳам, сен ҳам Шукрачарьянинг ўғиллари Шанда ва Амаркадан бошқа бирор руҳий устозни танимаймиз. Бунинг устига бизлар ҳали ёш болалармиз ва бутунлай уларнинг қўли остидамиз. Сен учун буюк руҳлар билан учрашиб ҳамсуҳбат бўлиш жуда ҳам мушкул, чунки сен отангнинг саройида яшайсан. Шунинг учун, тушунтириб берчи, сен қандай қилиб Нарара Муни билан учрашдинг? Бизларнинг гумонимизни таркат!

Еттинчи боб.

Прахладанинг онаси қорнида пайтида олган илми

1. Нарара Муни шундай деди: - Гарчи Прахлад Махараж асурлар хонадонига туғилган бўлса ҳам, у буюк содиқлардан эди. Иблисларнинг ўғиллари бўлган синфдошларининг саволига жавобан у менинг гапларимни эсига олиб жавоб бера бошлади.

2. Шри Прахлад Махараж шундай деди: - Отам Хираньякашипу каттиқ риёзатга берилиш учун Мандарачала тоғига кетганида, Индра бошлиқ фаришталар Хираньякашипунинг йўқлигидан фойдаланиб, иблисларни тор-мор қилиш ниятида уруш билан бостириб келдилар. 3. "Худди илонни қумурсқалар еб ташлагани сингари, барчага мусибат келтириб юрган Хираньякашипу ҳам

ўзининг гуноҳлари оқибатида халокатга учрайди!" Шундай сўзлар билан Индра бошлиқ фаришталар иблислар билан жангга кирдилар. 4-5. Иблисларни биринкетин ўлдираётган фаришталарнинг каттиқ хужумини кўриб, иблисларнинг йўлбошчилари ҳар ким ҳар тарафга қоча бошладилар. Уларнинг ҳар бири ўзининг жонини сақлаб қолишигина ўйлар, аросатда қолиб, хотинларини, бола-чақаларини, уйини, молу-дунёсини ҳам эсидан чиқарган эдилар. Жаҳонда ҳамма нарсани унутиб, иблислар тум-тарақай қочиб қолдилар. 6. Иблислар устидан ғалаба қозонган фаришталар Хираньякашипунинг шоҳона саройини талон-тарож қилдилар. Менинг онам - маликани эса, шоҳ Индра қамоққа олишни буюрди. 7. Фаришталар онамни ўзлари билан олиб кетаётганида у кўрққанидан, худди бургут панжасига тушган курари куши сингари дод-вой солиб қичқира бошлади. Шунда фаришталар олдида бирдан, шу ердан ўтиб бораётган буюк донишманд Нарара Муни пайдо бўлди ва бу воқеанинг гувоҳи бўлди.

8. Нарара Муни шундай деди: - О Индра, эй фаришталар шоҳи, у - бегуноҳ аёл. Уни ўзинг билан олиб кетишга, унга бунчалик шафқатсиз азоб беришга ҳаққинг йўқ. Эй бахтиёр зот, у покдомон аёл ва бошқа бировнинг ҳалол хотини; сен уни дарров озод қилишинг лозим.

9. Шоҳ Индра шундай деди: - У Хираньякашипунинг хотини, унинг қорнида ўша буюк иблисларнинг боласи бор. Шунинг учун у боласини тукқанча бизларникида қамоққа қолсин, кейин уни қўйиб юборамиз.

10. Нарара Муни шундай деб жавоб берди: - Унинг қорнидаги фарзанд гуноҳлардан холи ва мутлақо пок зот. У - буюк содиқ, Олий Шахс-Худонинг қудратли хизматкори. Шунинг учун, сен уни ўлдира олмайсан.

11. Нарара Мунининг гапларига қулоқ солиб, бу буюк донишмандга бўлган чуқур ҳурмати юзасидан, шоҳ Индра онамни қўйиб юборди. Фаришталар менинг Худонинг содиқ хизматкори эканимни билганларида, ҳурмат билан унинг атрофини айланиб ўтдилар ва самовий даргоҳига йўл олдилар. 12. Буюк донишманд Нарара Муни онамни ўзининг ашрамига олиб борди, бу ерда унга ҳеч ким тажовуз қилмаслигига ишонтириб, "Қизим, эринг қайтиб келгунча шу ерда яша!" - деди.

13. Деварши Нараранинг гапига қулоқ солиб, онам барча хавф хатарлардан холи бўлиб, отам, Дайтъяларнинг шоҳи риёзатини тамомлаб қайтиб келганча унинг паноҳида яшади. 14. Ҳомиладор онам қорнидаги боласи хавф-хатардан омон бўлишини ва фақат эри келгандан кейингина туғилишини истади. Шу ерда қолиб у Нарара Мунига садоқат билан хизмат қилди. 15. Нарара Муни ўзига хизмат қилаётган онамга ҳам, унинг қорнида ётган менга ҳам кўп насиҳатлар қилди. Нарара Муни табиатан адашган бандаларга жуда меҳрибон бўлгани учун, ҳамиша илоҳий даражада юрган ҳолда, бизларга дин ва руҳий илм сирларини очиб берди. Унинг насиҳатлари моддий иллатлардан бутунлай пок эди. 16. Ундан бери кўп замонлар ўтди, аёл танасида бўлган онам чуқур ақл-заковатга эга бўлмагани учун, Нарара Муни айтган гапларнинг ҳаммасини унутиб юборди; лекин, буюк донишманднинг кўрсатган алоҳида марҳамати билан унинг гаплари ҳалигача менинг эсимда. 17. Эй дўстлар, агар гапларимга ишонсанглар, гарчи ҳали ёш бола бўлсанглар ҳам, чуқур иймон ва ишончингиз шарофати билан сизлар ҳам, худди мендай руҳий илмга эга бўласизлар. Руҳ ҳақидаги илми аёл-

лар ҳам англай оладилар: улар ҳам модда нима, рух нима эканини тушуна оладилар. 18. Дарахтдаги мева ёки гул вақт ўтиши билан олти хил ўзгаришга учрайди - пайдо бўлади, ўсади, мавжуд бўлиб туради, кўпаяди, сўла бошлайди ва ўлади. Ичига қандайдир сабаблар билан мангу руҳ кирган моддий тана ҳам ана шундай ўзгаришлар орқали ўтади. Мангу руҳнинг ўзи эса ўзгармай қолади. 19-20. "Атма" сўзи Худои Таолога ҳам, оддий алоҳида "руҳ"га, "жон"га ҳам тааллуқли. Улар иккови ҳам руҳий, туғилиш, сўлиш ва ўлиш қонунига бўйсунмайди ва моддий иллатлардан пок. Уларнинг ҳар бири тана ҳақидаги илмга эга бўлган шахсдир, ва бутун борлиқнинг асоси ва маконидир. Улар моддий ўзгаришларга маҳкум эмас ва барча сабабларнинг ҳар ерда мавжуд нурли сабабчисидир. Уларнинг моддий танага ҳеч қандай алоқаси йўқ, ва шу боис уларни ҳеч қандай парда яшира олмайди. Атманинг мана шу руҳий хусусиятларини англаб етган ҳақиқий билимдон киши ҳаёт ҳақидаги сохта тасаввурлардан халос бўлиши керак. Сохта тасаввурлар таъсири остида рух: -"Мен - моддий танаман, тана билан боғлиқ ҳамма нарса меники!" - деб ўйлайди. 21. Тажрибали олтин изловчи қаердан олтин излаш кераклигини ва уни қандай ажратиб олишни билади. Рухий илмга эга бўлган киши ҳам руҳнинг танада қандай жойлашганини тушуниб олишга ва ўзининг руҳий илмини юксалтириб, ҳақиқий камолотга эришишга қодир. Аксинча, худди олтинни қаердан излашни билмайдиган, ҳеч қачон олтин тополмайдиган одам сингари, руҳий илмдан маҳрум бўлган нодон ҳам, тананинг ичида қандай қилиб руҳ мавжуд бўлишини тушуна олмайди. 22. Худои Таолонинг саккиз ажралган қуввати, моддий табиатнинг уч гунаси ва улар қабул қиладиган ўн олти шакл(ўн бир сезги, беш кўпол унсур) "жон", "руҳ" кирадиган танани ташкил этади. Мангу, бўлинмас "жон" шу тана ичига кириб, уларнинг ўзаро ҳаракатини кузатади. Шунинг учун, барча буюк устозлар айтадиларки, шундай шароитга тушган алоҳида руҳ моддий унсурлар билан "шартланган". 23. Ҳар бир "шартланган руҳ" икки турли танага эга бўлади: беш кўпол унсурдан таркиб топган тана ва уч нафис унсурдан таркиб топган тана. Рух мана шу таналарнинг ичида жойлашган. Рухни топиш, англаб олиш учун, -"Бу руҳ эмас, бу руҳ эмас!"- деб, бирин-кетин уни ўраб олган нарсаларни таҳлил қилиш керак. Киши шу тариқа моддадан руҳни ажрата билишни ўрганиши керак. 24. Чуқур мулоҳазали ва доғнишманд кишилар яратилдиган, мавжуд бўлиб турадиган ва яқсон қилинадиган нарсалар билан мангу руҳ орасидаги фарқ ва боғланишларни чуқур ўрганиш ёрдамида ақлини поклаб, руҳни излаши лозим. 25. Тафаккурнинг фаолияти уч ҳолатда намоён бўлади: сергаклик ҳолати, туш кўришлар рўй берадиган уйку ҳолати ва чуқур уйку. Ана шу ҳолатларни англай оладиган, уларнинг гувоҳи бўлган Зотни азалий хўжайин, ҳукмдор, Олий Шахс-Худо деб атайдилар. 26. Ҳавони у олиб келган ҳидлар орқали сезиш мумкин; худди шунингдек, ўз ихтиёрини Олий Шахс-Худога топширган киши ҳам, тафаккурининг уч ҳолатини таҳлил қилиш билан руҳни англаб етиши мумкин. Лекин, аслида бу ҳолатлар руҳнинг ўзидан фарқ қилади: улар уч гунадан таркиб топган ва у ёки бу фаолият натижасида юзага келади. 27. Тафаккури булғаниши натижасида руҳ табиат гуналари асирлигига тушади ва моддий ҳаёт кечирришга мажбур бўлади. Ғофилликка асосланган ана

шундай ҳаётни киши ҳар хил мусибатларга дучор бўладиган босинкираш, аҳмоқона тушдан ҳам бадтаррок ҳол деб ҳисоблаши керак. 28. Шунинг учун, эй дўстларим, иблисларнинг ўғиллари, сизлар ўзингизда Кришна онгини ривожлантиришингиз лозим, чунки шундай онг моддий табиатнинг уч гунаси таъсири остида руҳ мубтало бўлган кармали фаолият уруғини ёкиб юборишга ва тафаккурнинг бетиним алмашиб турадиган уч ҳолатига(сергак, туш кўрадиган уйку ва чуқур уйку) чек қўйишга қодир. Бошқача қилиб айтганда Кришнани англаш йўлига кирган киши ғофиллик иллатидан дарров қутулади. 29. Рухга моддий ҳаёт чангалидан қутулиш имконини берадиган йўллар ичида Худои Таолонинг ўзи тан олган ва тушунтириб берган йўл мукамалдир. Бу усулдан фойдаланиш - инсонга қалбида Худонинг Олий Шахсига нисбатан муҳаббат уйғотадиган фаолият билан шуғулланиш демакдир. 30-31. Рухий устоз қабул қилиш ва унга чуқур иймон ва садоқат билан хизмат қилиш керак. Инсон ўзида бор нарсаларнинг ҳаммасини устозига тақдим қилиши, авлиё одамлар ва содиқлар билан мулоқотда бўлиши, улар билан биргаликда Худои Таолога сажда қилиши, Парвардигор шарафига айтилган ҳамду-саноларга диққат билан қулоқ солиши, Унинг илоҳий сифат ва кароматларини олқишлаши, бутун ўй-фикрларини Унинг нилуфар қадамлари пойига қаратиши ва муқаддас китобларнинг ва руҳий устознинг кўрсатмаларига қатъий амал қилган ҳолда Илоҳга - Худонинг қиёфасига сажда қилиши лозим. 32. Олий Шахс-Худо Параматма кўринишида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд эканини ҳаммиша эса сақлаш керак. Шунинг учун, моддий оламдаги тутган ўрнига қараб, ҳар бир тирик мавжудотга ҳурмат кўрсатиш керак. 33. Ҳаётда шу тарзда ҳаракат қила туриб, инсон эҳтирос, ғазаб, очкўзлик, алданиш, ақлсизлик ва рашк кўринишидаги ўз душманлари яқсон қила олади. Уларни енгандан сўнг, у Худои Таолога хизмат қилиш имкониятига эга бўлади. Шундай одам Худонинг Олий Шахсига илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш даражасига албатта кўтарилади. 34. Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши, шубҳасиз ўз ҳиссиётларини жиловлай олади, шу боис у озод руҳдир. Ана шундай киши, соф содиқ инсон ўзининг эрмакларини намоён қилиш учун ҳар хил қиёфаларга кирадиган Парвардигорнинг илоҳий сифатлари ва кароматлари ҳақида тинглаганида, танасидаги туклари хурпайиб, кўзларидан ёш оқа бошлайди, руҳий кечинмалари таъсиридан овози титрай бошлайди. Баъзида у ҳеч тортинмасдан раксга тушади, баъзида - баланд овозда қуйлай бошлайди, баъзида эса - йиғлашга тушади. Шу тарзда у ўзининг илоҳий кечинмаларини ошкор этади. 35. Баъзида ақдан озган кишидай қаҳ-қаҳа отиб қулиб, Парвардигорнинг эзгу ишларини ҳаммага эшиттириб шарафлай бошлайди. Баъзида у мувоқабатга берилиш учун ўтириб олади, ва ҳар бир зотни Худонинг содиғи деб, барчага эҳтиром кўрсата бошлайди. У одоб қоидаларига риоя қилишни ўйламай кўяди, ва ақдан озган кишидай, оғир-оғир хўрсиниб: "Харе Кришна!, Харе Кришна! Эй Худойим, эй Парвардигор!" - деб хитоб қила бошлайди. 36. Шундай ҳолатда содиқ моддий иллатлардан биратўла покланади, чунки у Парвардигорнинг кароматлари ҳақида ўйлашни тарк этмайди, унинг ақли ва танаси руҳий сифатларга эга бўлади. У бутун вужуди билан садоқатли хизмат қилишга берил-

ган бўлади, шунинг учун, унинг ғофиллиги, моддий онги ва шахсий истакларининг барчаси ёниб кул бўлиб кетади. Ана шундай даражага етишиб, инсон Парвардигорнинг нилуфар кадамлари пойидан паноҳ топади. 37. Барча шартланган рухларнинг асосий мусибати шундан иборатки, улар, худди уларни гоҳида баланд кўтарадиган, гоҳида пастга қулатадиган чархпалак ғилдирагига бўйсунгандай, қайта-қайта туғилиб-ўлишга мажбур. Лекин, тирик мавжудот ўз ҳаётини Худонинг Олий Шахси билан боғлаганида, унинг учун, ана шу чархпалак ғилдираги айланишдан тўхтайд. Бошқача қилиб айтганда, Худога садоқатли хизмат қилиш билан банд бўлган киши, ҳамиша руҳий лаззатга ғарқ бўлиб юради ва шу лаззат уни моддий тириклик чангалидан бирагўла озод этади. Бу ҳолат барча билимдон кишиларга яхши маълум. Шунинг учун, эй дўстларим, фикру-хаёлингизни ҳамиша Худои Таолода мужассам қилинган ва Унга - ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган Олий Рухга сажда қилинган. 38. О асурларнинг ўғиллари, Олий Шахс-Худо Олий Рух кўринишида ҳар кимнинг қалбида ҳамиша мавжуд. Парвардигор - барча тирик мавжудотларнинг дўсти ва саодатманди, Унга сиғиниш ҳеч қийин эмас. Нимага одамлар умрини Худога хизмат қилишга бағишламайдилар? Нимага уларга бемаъни ҳиссий лаззатларнинг янгидан-янги турларини ўйлаб топиш шунчалик ёқади? 39. Бойлик, чиройли хотин ва дугоналар, ўғиллар, қизлар, уй, сигирлар, филлар, отлар ва бошқа уй ҳайвонлари, хазина, моддий фаровонлик, ҳиссий лаззатлар, ҳатто шулар билан бутун умр давомида лаззатланиш имкони бўлган ҳаётнинг ўзи ҳам - ҳаммаси вақтинчалик, алдамчи нарсалардир. Инсон танаси бизга вақтинчалик, жуда оз вақтга берилган, шундай экан, ўзининг мангу руҳ эканига аниқ ишонган, ақли тўлиқ киши бу дунёнинг ўткинчи нарсаларига эътибор бериб ўтирадимиз? 40. Ведавий битиклардан маълумки, буюк қурбонлик маросимларини ўтказиш шарофати билан жаннатий сайёраларга кўтарилиш мумкин. Лекин, гарчи жаннатда яшаш ерда яшайдан кўра минг марта яхшироқ бўлса ҳам, улар ҳам пок, моддий борлиқ иллатлардан мутлақо холи эмас. Жаннат сайёралари ҳам, Ер сайёраси сингари вақтинчалик мавжуд, ва шунинг учун, уларга эришиш ҳам инсон ҳаётининг ҳақиқий олий мақсади бўла олмайди. Парвардигор, Худо Шахси эса, ҳар қандай номукамалликдан бутунлай пок: ҳеч ким, ҳеч қачон Унинг номаъқул ишлар қилганини кўрган ёки эшитган эмас. Шу боис, ўзингизнинг саодатингиз ва руҳий ўзлингизни англаш учун, муқаддас китобларда кўрсатилгандай чуқур иймон ва садоқат билан Худога сиғининглар. 41. Дунёвий одам ўзини жуда ақли деб билиб, ҳар бир ишни ўзининг дунёвий манфаати учун қилади. Аммо, ведаларда тушунтирилганки, дунёвий фаолият унга ҳозирги ҳаётида, ёки кейинги ҳаётида фақат пушаймонлик келтиради. Унинг барча фаолиятининг оқибатлари ҳар гал ўзи кутган натижага тескари бўлиб чиқаверади. 42. Бу дунёдаги барча дунёвий одамларнинг бутун фаолияти моддий бахтга эришишга ва мусибатлардан қутулишга қаратилган. Лекин, аслида инсон бахтли бўлишга интилмайд турганидагина бахтлидир: бахтнинг кетидан қувишга тушган захоти у дарров бахтсизликка дучор бўлади. 43. Тирик мавжудот ўзининг танасини ҳар турли қулайликлар билан таъминлашга интилади ва бунинг учун ҳар хил режалар тузади, лекин аслида унинг ўткинчи танаси

бошқаларнинг мулкидир. У тирик мавжудотни вақтинча ўраб туради, кейин эса уни тарк этади. 44. Агар, тананинг ўзи вақти келиб ахлат ёки ерга айланиб кетадиган бўлса, у билан боғлиқ бўлган - хотин, уй, мол-мулк, болалар, қариндошлар, хизматкорлар, дўстлар, салтанат, хазина, уй ҳайвонлари, вазирлар каби нарсаларнинг холи нима кечади? Уларнинг барчаси ўткинчи нарсалар. Улар ҳақида нима ҳам дейиш мумкин? 45. Тана мавжуд бўлиб турганида у билан боғлиқ нарсаларнинг барчаси инсон учун қадрли, аммо, тана ҳалокатга учраганида, у шунча қадрлаган нарсадан маҳрум бўлади. Демак, дунёвий нарсалар аслида инсонга керак эмас: инсон фақат ўзининг ғофиллиги сабабли уларни қадрлайди, зарур, муҳим нарсалар деб ўйлайди. Мангу бахт океани олдида бундай нарсалар шунчаки арзимас матолардир. Мангу тирик мавжудот учун бундай ўткинчи бойлик ва муносабатларнинг нима кераги бор? 46. Эй азиз дўстларим, иблисларнинг ўғиллари, руҳ ўзининг аввалги ишлари натижасига қараб у ёки бу танага эга бўлади. Ҳар бир танада у она қорнига тушган пайтдан бошлаб азоб-уқубатларга гирифтор бўлади. Шундай экан, ўйлаиб туриб жавоб беринглар-чи: агар шунча қийинчиликлар ва бахтсизликлар келтирадиган бўлса, тирик мавжудотнинг қармали фаолият билан шугулланишидан нима фойда? 47. Тирик мавжудотлар ўзининг аввалги қармали фаолияти натижасида маълум танага эга бўлади, ва у энди шу оқибатлардан қутулиши мумкин, лекин бу ҳали, у бошқа таналарда туғилмайди, дегани эмас. Тирик мавжудотлар ҳозирги танасида қилган ҳаракатлари билан ўзига навбатдаги тана ҳозирлайди. Шундай қилиб, ўзининг чуқур ғофиллиги туфайли у бир танадан иккинчи танага кўчиб, такрор ва такрор туғилиш ва ўлишга мажбур бўлади. 48. Руҳий юксалишнинг дхарма, артха, кама, мокша деб аталадиган тўрт йўлидаги одамнинг муваффақияти Худонинг Олий Шахсининг марҳаматига боғлиқ бўлади. Шунинг учун, эй дўстларим, содиқлар йўлидан боринглар. Ҳеч қандай истакларсиз Парвардигорга, Олий Рухга таваккал қилинган ва Унга садоқат билан хизмат қилиб сажда қилинган. 49. Олий Шахс-Худо, Хари - барча тирик мавжудотларнинг ҳам руҳи, ҳам Олий Рухдир. Ҳар бир тирик мавжудот Худонинг қувватининг тирик руҳ ва моддий тана кўринишида намоён бўладиган бир заррасидир. Шу боис, тирик мавжудотлар учун Худои Таолодан қадрлироқ Зот йўқ ва ҳамма Унинг ҳукми остида. 50. Оздликка чиқаришга қодир бўлган Муқунданнинг нилуфар кадамлари пойига хизмат қилиш билан коинотда яшайдиган ҳар қандай зот - хоҳ фаришта, хоҳ иблис, одам, яқша ёки гандҳарва бўлсин, ҳаётида биз(махаджанлар)лар ҳис қилаётган ҳақиқий бахтга эришади.

51-52. О иблис ўғиллари, мукамал браҳман бўлиб, фаришта ёки буюк авлиё бўлиб, бенуқсон хулқ одобга эга бўлиб ёки чуқур илмга эга бўлиб, Худонинг Олий Шахсини мамнун қилиб бўлмайди. Бу нарсаларнинг ҳеч бири Худони мамнун қила олмайди. Сизлар хайрсадақа бериш билан, қаттиқ риёзат чекиш билан, қурбонликлар билан, поклик ёки қасамларга риоя қилиш билан Уни мамнун қила олмайсизлар. Парвардигор қалбимиздаги пок, самимий, ўзгармас садоқатни кўрганидагина биздан миннатдор бўлади. Агар одам Худога самимий садоқат билан хизмат қилиш билан машғул бўлмаса, унинг барча эзгу фазилятлари, -

кўзбўямачиликдан, ясама такводорликдан бошқа нарса эмас. 53. Азиз дўстларим, иблисларнинг ўғиллари, худди ўзингизга хизмат қилаётгандай самимийлик ва ғамхўрлик билан Худои Таолога хизмат қилинглр ва Уни мамнун қилишга ҳаракат қилинглр. У барча тирик мавжудотларнинг Олий Руҳи сифатида ҳар ерда мавжуд. 54. Эй дўстларим, сиз(якша ва рақшас)лар ҳам, бефаросат аёллар ҳам, шудралар ҳам, подачилар ҳам, қушлар ҳам, қуйи турга мансуб ҳайвонлар ҳам, ва ҳатто энг гуноҳқор осий зотлар ҳам - ҳамма ўзининг азалий мангу руҳий ҳаётини қайта тиклай олади; бунинг учун фақат бхакти-його йўлига кириш лозим. 55. Барча сабаблар сабабчиси Говинданнинг нилуфар кадамлари пойига хизмат қилиш, Уни ҳар ерда ва ҳар бир нарсада кўра билиш - моддий оламдаги ҳар бир тирик мавжудот интилиши лозим бўлган мақсад мана шундан иборат. Муқаддас китоблар хулосасига кўра инсон ҳаётининг энг олий мақсади мана шундан иборат.

Саккизинчи боб.

Худованд Нрисимхадева иблислар шохини ўлдиради.

1. Шри Нарада Муни шундай деди: - Иблисларнинг ўғиллари Прахлад Махаражнинг руҳий насиҳатларини муносиб баҳоладилар ва уларни чин юракдан қабул қилдилар. Улар руҳий устозлари Шанда ва Амарка ўргатаётган дунёвий илм-фанлардан юз ўгирдилар. 2. Шукрачарьянинг ўғиллари, Шанда ва Амарка, Прахлад Махаражнинг гапларини тинглаб, ҳамма шогирдлари қалбида Кришна онгини ривожлантираётганини кўрганида, қаттиқ даҳшатга тушиб кўрқиб кетдилар. Улар шохнинг олдига келиб, бўлган гапларни очик ойдин гапириб бердилар. 34. Нима воқеалар содир бўлаётганини англаб етган Хираньякашипунинг ғазабдан фиғони фалакка чиқиб кетди. У ўғли Прахладни биратўла ўлдириб кутулишга қарор қилди. Хираньякашипу табиатан жуда бешафқат, золим эди, ҳозир ўзининг қаттиқ ҳақоратланганини ҳис қилиб, у худди биров босиб олган илондай кутурарди. Унинг ҳамиша хотиржам, осойишта ва итоаткор, хушхулкли ва ўзини тута биладиган вазмин ўғли, Прахлад Махараж эса, Хираньякашипу олдида эҳтиром билан қўл ковуштириб турарди. Прахлада ҳали жуда ёш бола, бунинг устига бенуксон одобли эди, шу боис уни сўкиб қойишининг ҳеч қандай ҳожати йўқ эди. Лекин Хираньякашипу Прахладага қаҳр тўла кўзини тикиб, ҳақоратли сўзлар билан уни қойий бошлади.

5. Хираньякашипу шундай деди: - Ҳой оиламизни бузувчи ярамас тирранча, ҳой инсонлар ичида энг ёмони, сен менга бўйсуннишдан бош тортяпсанми? Мен шу бугуноқ сендай ўжар нодонни Ямаражнинг даргоҳига жўнатаман! 6. Прахлада, ҳой ярамас, ахир сен, ғазабим келганида бутун уч олам сайёралари титраб, уларнинг ҳукмдорлари ҳам, кўрққанидан даҳшатга тушиб қалтирашини яхши биласанку. Ҳеч нарсадан

кўрқмасдан, менинг амримга итоат этмасликка журъат этишга қодир бўлган кучни сенга ким бериб турибди?

7. Прахлад Махараж шундай деди: - Эй шох, мендаги сен сўраётган кучнинг манбаи сендаги кучнинг ҳам манбаидир. Мавжуд ҳар қандай куч-қудрат Унинг ўзидан чиқади. Унинг бир ўзи нафақат сен ва мени, балки бошқа барча тирик мавжудотларга ҳам куч-қудрат бериб қўйибди. Агар У бўлмаса ҳеч ким ҳеч қандай кучга эга бўлмасди. Кўзгалувчан ва кўзгалмас, олий ва қуйи тирик мавжудотларни, шу жумладан Тангри Брахмани ҳам Олий Шахс-Худонинг қудрати бошқариб туради. 8. Худои Таоло - олий ҳукмдор ва замондир, у барча ҳиссиётлар кучи, ақлий ва жисмоний кучдир. У тана фаолиятининг манбаи. Унинг қудрати чексиз. У барча тирик мавжудотлар ичида энг аълоси, У моддий табиатнинг уч гунасини бошқариб туради. Ўз қудрати билан У моддий борлиқни яратиб, мавжудлигини таъминлаб туради ва вақти келганда яқсон қилади. 9. Отажон, илтимос, иблисона фикрларингни тарк эт. Атрофингдагиларни дўст ва душманларга ажратма; ҳаммага бир хил муносабатда бўлишни ўрган. Руҳни нотўғри йўлдан олиб бораётган, жиловланмаган ақлдан бошқа бу дунёда бизнинг ҳеч қандай душманимиз йўқ. Киши барча тирик мавжудотларнинг баробар эканини англай бошлаганида Худого сифинишда камолотга эришади. 10. Жаҳонда инсоннинг барча эзгу фазилатларини тортиб олувчи олти душмани билан курашмайдиган сенга ўхшаган аҳмоқлар жуда кўп бўлган. Бу нодонлар манманлик билан -"Мен оламнинг барча ўн тарафидаги ҳамма душманларимни енгдим!" -деб ўйлайдилар. Аслини олганда, агар одам ўзининг олти душманини енгиб, барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўлишни ўрганса, унинг бошқа ҳеч қандай душмани қолмайди.

11. Хираньякашипу шундай деди: - Ҳой ифлос, сен мени ўзининг ҳиссиётларини сендан ҳам ёмонроқ бошқарадиган аҳмоққа чиқардингми? Ўзингни жуда осмонда кўряпсанми? Кўриниб турибдики, сен тезроқ менинг қўлимдан ўлишни истаяпсан: ажали етиб турган одамгина шундай аҳмоқона гапларни айта бошлайди. 12. Ҳой бахтиқаро Прахлада, сен мендан бошқа қандайдир олий зот ҳақида, ҳар ерда мавжуд бўлиб ҳар кимни бошқариб турадиган олий ҳукмдор ҳақида шунча гапларни айтаяпсан. Қани У? Агар У ҳақиқатан ҳам ҳар ерда мавжуд бўлса нимага Уни мана бу устунда кўрмайпман? 13. Қаердаги йўқ бемаъни гапларни валдираётганинг учун ҳозир мен сенинг каллангни оламан. Кўрамиз, сен ишониб юрган Худонинг сенга қандай ёрдамга келаркан? Мен шуни кўришни жуда истардим!

14. Жаҳли кўзиган қудратли Хираньякашипу шу тарзда ўғли - буюк содиқ Прахлад Махаражни ҳақоратларди. Ўғлини аччиқ гаплар билан ҳақоратлашда давом этиб, Хираньякашипу қўлига қиличини олди, шохона тахтидан сакраб турди ва ғазаб билан устунга мушт туширди. 15. Шу пайт устундан гулдурос овоз эшитилди, гўё бу овоз дастидан коинотнинг қобиғи ёрилиб кетгандай бўлди. Ҳурматли Юдхиштхира, бу гулдурос овоз ҳатто Тангри Брахма ва бошқа фаришталарнинг даргоҳидагиларга ҳам бориб етди. Бу шовқинни эшитиб, улар "Коинотимизнинг қуни битди!" - деб ўйладилар. 16. Аввал ҳеч ким, ҳеч қачон эшитмаган бу қудратли гулдурос овоз, ўз ўғлини ўлдиришга интилаётган Хираньякашипу, мажлислар залида ўзининг ғайритабиий қудратини намойиш

килмоқчи бўлган вақтда янграган эди. Бундай кўркинчли гулдурос овозни эшитиб, иблисларнинг сардорлари кўркиб кетдилар. Бу товуш қаердан чиққанини уларнинг ҳеч бири тушуна олмай турарди. 17. Ўзининг содиқ хизматкори Прахлад Махаражнинг сўзларини тасдиқлаш ва Олий Шахс-Худо ҳамма ерда - ҳатто мажлислар залининг устунда ҳам мавжуд эканини исботлаш учун, Худои Таоло, Хари жаҳонга ҳеч ким кўрмаган, ҳайратли қиёфасини намоён этди. У ярим одам, ярим арслон кўринишида эди. Шундай ғайритабиий қиёфада Худои Таоло Хираньякашипу олдида пайдо бўлди. 18. Бу даҳшатли товуш қаердан чиқаётганини тушунишга ҳаракат қилиб, Хираньякашипу ҳар тарафга аланглаб турганида, ҳам одам, ҳам арслонга ўхшаган ғайритабиий қиёфада Худои Таоло устун ичидан чиқди. Хираньякашипу ҳайратга тушди: - "Ким бу? Ярим-одам, ярим-арслон..."

19-22. Хираньякашипу олдида турган ярим-одам - ярим-арслон Худованд Нрисимхадеванинг ким эканини тушунишга уриниб, диққат билан Уни кузата бошлади. Худои Таоло бу қиёфада жуда кўркинчли эди: Унинг ғазабга тўлган кўзлари эритилган олтин рангида эди; баҳайбат ва ва даҳшатли сиймоси уни ўраб турган яркироқ жунлар ичида яна ҳам даҳшатли кўринарди; кўриниб турган ўткир тишлари ўлгудай кўркинчли, жангчининг қўлидаги ўткир қиличдай тили, тинмай уёқдан бу ёққа ҳаракат қиларди. Унинг кўзгалмас кулоқлари тикка, бурунлари ва очик оғзи катта ғорни эслатарди, очилган жағлари эса, кишини даҳшатга соларди. Худованд Нрисимхадеванинг танаси осмонга тегиб турарди. Унинг бўйни калта ва йўғон, кўкраги кенг, бели ингичка, бутун танасини ой нуридай кумуш-ранг юнг қоплаган эди. Жасур жангчилар тўдасини эслатадиган қўллари ҳар тарафга чўзилиб турарди, чунки У Ўзининг - халқа, гурзи, сур, нилуфар ва бошқа қуроллари билан барча иблис ва бошқа худобехабар ярамасларни яксон қиларди.

23. Хираньякашипу шундай деб ғўлдиради: - "Менимча, катта сеҳр кучига эга бўлган Худованд Вишну мени ўлдириш учун бу нарсаларни ўйлаб топганга ўхшайди. Унинг бу уринишидан нима фойда? Жангда менга ким ҳам бас кела оларди?" Ўзининг қудратига қаттиқ ишонган Хираньякашипу гурзисини олиб, арслонга ташланган филдай, Парвардигорга ҳамла қилди. 24. Оловга тушганда кўринмай қоладиган майда ҳашарот сингари, Хираньякашипу қуёшдай порлаб турган Парвардигорга ташланганида кўзга кўринмай қолди. Бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ, чунки Парвардигор ҳамиша пок эзгуликда мавжуддир. Моддий олам яратилишдан аввал, У зулмат қоплаган коинотга кириб, уни Ўзининг руҳий нури билан ёритган эди. 25. Кейин буюк иблис Хираньякашипу шиддат билан Худованд Нрисимхадевага ташланиб, Унга гурзиси билан зарба бера бошлади. Лекин Худованд Нрисимхадева, худди катта илонни тутиб олган Гаруда сингари, гурзи билан қуролланган ҳайбатли иблисни ушлаб олди. 26. О Бхаратларнинг шавкатли авлоди (Махараж Юдхистхира), худди тутган илони билан ўйнашиб, Гаруда унга чангалидан қочиш имконини бергани сингари, Худованд Нрисимхадева бир лаҳзага Хираньякашипуга чангалидан қутулиш имконини берди. Аммо, Хираньякашипудан кўрққанидан ўз даргоҳларидан айрилган фаришталар булутлар орасида яшириниб, жангни томоша қилар экан, бу ҳолатдан қувонолмасдилар.

Улар аксинча қаттиқ ҳаяжонга тушдилар. 27. Худованд Нрисимхадеванинг қўлидан қутулган Хираньякашипу, Парвардигор унинг жасоратидан кўрқди шекилли, деб ўйлади. Шунинг учун, у бироз нафасини ростлаб олди, кейин қилич ва қалқонини олиб, яна Парвардигорга ташланди. 28. Хираньякашипу гоҳ осмонда, гоҳ ерда худди бургутдай тез ҳаракат қилиб, қилич ва қалқонини моҳирлик билан ишга солиб, ўзига берилган зарбалардан ҳимояланарди. Аммо чексиз қудратга эга Худованд Нараяна қаҳ-қаҳа уриб қулиб юборди ва Хираньякашипуни ушлаб олди. Хираньякашипу Худованд Нрисимхадеванинг қулгисидан кўрққанидан кўзларини юмиб олди. 29. Худди сичқонни тутган илондай ёки захарли илонни ушлаган Гаруда сингари, Худованд Нрисимхадева ҳам, ҳатто шох Индранинг яшин қуроли бас келолмайдиган Хираньякашипуни ушлаб олди. Қўлга тушганидан ташвишга тушиб, Хираньякашипу ҳар тарафга талпинарди, аммо Худованд Нрисимхадева уни тиззаларига қўйди, мажлислар залининг бўсағасида тирноқлари билан иблиснинг танасини эрмак қилиб тилка-пора қила бошлади. 30. Худованд Нрисимхадеванинг оғзи ва тукларига қон сацраган, кўзлари ғазаб ўтида шу қадар қизарган эдики, уларга қараб бўлмасди. Хираньякашипунинг ичак-човоғидан ўзига гулчамбар таққан, яланиб турган Худованд Нрисимхадева, худди эндигина бир филни ўлдириб турган арслонга ўхшарди. 31. Худои Таоло, сон-саноксиз қўлларга эга Шри Нрисимхадева Хираньякашипунинг юрагини суғуриб олди ва улқтириб ташлади, кейин бу иблиснинг жангчиларига юзланди. Хираньякашипуга чексиз содиқ бўлган минглаб қуролланган жангчилар Парвардигор билан жангга кирдилар. Аммо Парвардигор уларнинг барчасини Ўзининг тирноқлари учидан ўлдириб ташлади. 32. Ёлини ўйнатиб, Худованд Нрисимхадева булутларни ҳар тарафга тарқатиб юборди; унинг чакнаган кўзлари самодаги порлаган ёритгичларни хиралаштириб қўйди, олаётган нафаси эса, денгиз ва океанларни чайқатди. Унинг наърасини эшитиб, жаҳондаги барча филлар даҳшат ичида бўкириб юбордилар. 33. Худованд Нрисимхадеванинг сочлари ҳаракатидан барча ҳаво кемалари фазонинг ҳар чеккасига, юқори сайёраларга учиб кетди. Унинг нилуфар қадамларининг оғирлигидан Ер ўзининг орбитасидан чиқиб кетгандай бўлди, унинг юзасида жуда кўп янги тоғлар пайдо бўлди. Парвардигорнинг танасидан чиқаётган ёғду дастидан осмонни ҳар тарафдан ёритиб турган нур ғиралашиб қолди. 34. Худованд Нрисимхадеванинг ғазабга тўла юзига қараб бўлмасди, Парвардигор кучли ёғду таратар, мажлислар залида куч ва ғаройибликда ўзига тенг келадиган бошқа зотни тополмай, У ажойиб безатилган шоҳона тахтга ўтирди. Тўпланганларнинг барчаси Парвардигорнинг олдида кўркинчли ҳаяжон ичида, Унга эҳтиром кўрсатишга ботинолмай кўркиб турардилар. 35. Хираньякашипу бутун уч оламнинг бошини оғритиб, ўтга солиб турган даҳшатли бош оғриғига ўхшарди. Шунинг учун, жаннат сайёраларидаги фаришталарнинг хотинлари Парвардигор Ўз қўли билан бу буюк иблисни ўлдирганини кўрганида, уларнинг юзи қувончдан яйраб кетди. Улар Худованд Нрисимхадевани осмондан ёғилаётган гуллар ёмғирига қўмиб ташладилар. 36. Бу пайтга келиб, Худои Таоло Нараянанинг кароматини томоша қилишга келган фаришталарнинг ҳаво кемалари бутун осмонни тўлдирган эди. Фаришталар барабан ва литавраларни чалиб юбордилар; бу овозни эшитган

само аҳолиси рақсга туша бошлади, асосий гандҳарвалар ширин овоз билан куйлай бошладилар. 37-39. О шоҳ Юджиштира, шундан кейин Худованд Нрисимхадеванинг олдиға фаришталар якин кела бошладилар. Уларни Тангри Браҳма, шоҳ Индра ва Тангри Шива бошлаб борарди; улар орасида буюк авлиёлар ва донишмандлар, Питрилока, Сиддхалока, Видьядхаралока ва илонлар сайёраси вакиллари бор эди. Парвардигорнинг олдиға Ману ва ҳар хил сайёраларнинг ҳукмдорлари келдилар. Улардан кейин парилардай гўзал раққосалар, гандҳарвалар, чараналар, яқшалар, веталалар, киннаралока ва кимпурушалок вакиллари, шунингдек Сунанда ва Кумуда билан бирга Вишнунинг шахсий хизматкорлари бор эди. Уларнинг барчаси бирма-бир, куёшдай порлаб турган Парвардигорнинг олдиға келиб, қўлларини пешонасига қўйиб, сажда билан илтижо қилдилар.

40. Тангри Браҳма шундай илтижо қилди: -Эй Парвардигор, Сен бениҳоясан ва Сенинг қудратингнинг чегараси йўқ. Сенинг жасоратингни ва ғаройиб қудратингни ҳеч ким ўлчамай ёки баҳолай олмайди, чунки Сенинг қароматларинг ҳеч қачон моддий иллатлар билан булганмайди. Моддий табиат гуналаридан фойдаланиб, Сен осонлик билан бутун борлиқни яратасан, мавжудлигини сақлаб турасан ва яқсон қиласан, лекин Ўзинг ҳамиша ўзгармай қолаверасан. Мен чуқур эҳтиром билан Сенинг олдинда бош эгаман.

41. Тангри Шива шундай деди: - Сен қалпа ниҳоясида бутун қаҳр-ғазабингни ишга соласан. Ҳозир эса, бу арзимас иблис ҳалок бўлгани сабабли, илтимос, шу ерда Сенинг олдинда турган унинг ўғли Прахлад Махаражга ғамхўрлик қил! Прахлада бутун қалби билан Сенга содиқ, ўз ихтиёрини бутунлай Сенга топширган. Сен ахир ҳамиша содиқ хизматкорларингга ғамхўрлик қиласанку.

42. Шоҳ Индра шундай деди: - Эй Худои Таоло, Сен бизларнинг ҳимоячимиз ва посбонимизсан. Сен Хираньякашипудан тортиб олиб, аслида Ўзингни бўлган қурбонлик эҳсонларини яна бизларга қайтариб бердинг. Бизларнинг қалбимиз - Сенинг маконинг, аммо иблисларнинг ҳайбатли ҳукмдори Хираньякашипу, уларни тортиб олган эди. Сен бизларнинг олдимизда пайдо бўлиб, қалбимизни қамраб олган зулмат ва хафалиқни тарқатиб юбординг. Эй Парвардигор, Сенга садоқатли хизмат қилиш моддий тутқунликдан озод бўлишдан устун туради. Шунинг учун, Сенга чарчамасдан садоқат билан хизмат қилиб юрганлар учун ҳар қандай дунёвий бойликлар арзимас нарса бўлиб кўринади. Шундай буюк руҳлар қама, артха ва дхарма у ёқда турсин, ҳатто озодликка чиқишга ҳам интилмайдилар.

43. Шу ерда тўпланган муқаддас авлиёлар шундай дедилар: - Эй Парвардигор, О азалий Худо Шаҳси, нилуфар қадамларинг пойидан паноҳ топган барча зотларнинг нажоткори! Аввал Сен Ўзинг бизларга ўргатган риёзат - Сенинг руҳий қудратингдир. Айнан риёзат кучи билан Сен ичинда кўринмай турган моддий оламни намоён этасан. Хираньякашипунинг дастидан одамлар деярли риёзат нималигини билмай қолган эдилар, аммо энди, Сен бизларни ҳимоя қилиш учун Худованд Нрисимхадева киёфасида намоён бўлиб, уни яқсон қилганидан кейин, Сен риёзатнинг муҳим эканини яна тасдиқладинг.

44. Питрилока аҳолиси шундай илтижо қилдилар: - Биз бутун оламда дин қонунларининг ҳимоячиси бўлган

Худованд Нрисимхадева олдида чуқур эҳтиром билан сажда қиламиз. У, бизларга ўлган кунимизни нишонлаб, шраддха маросимида ўғил ва невараларимиз тақдим этиб юрган ҳамма нарсани тортиб олиб юрган иблис Хираньякашипуни ўлдирди; Хираньякашипу зиёратгоҳларда покланган кунжут қўшилган барча муқаддас сувларни ўзи ичиб қўярди. Эй Парвардигор, бу иблисни ўлдириб, унинг қорнини ёриб, Сен у ердан барча ўғирланган нарсаларни чиқардинг. Шунинг учун, биз Сенинг олдинда қайта-қайта сажда қиламиз.

45. Сиддхалока аҳолиси шундай дедилар: - О Худованд Нрисимхадева, сиддхалока аҳолиси бўлган бизларда ўз-ўзидан барча саккиз хил сеҳр қудрати ривожланади. Лекин уятсиз Хираньякашипу риёзат чекиш билан буюк қудратга эришгандан сўнг, бизлардан ана шу қобилиятларни тортиб олганди. У сеҳр қудратига эга бўлганидан жуда мағрур эди. Энди Сен панжаларинг билан шу иблисни ўлдирдинг, биз Сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан сажда қиламиз.

46. Видьядхара аҳолиси шундай деди: - Ҳар хил муруқабаларга берилиб, бизлар истаган пайтда кўздан йўқолишни ва яна кўринадиган ҳолатга келишни ўрганган эдик, аҳмоқ Хираньякашипу эса, ўзининг қудратли жисмоний кучи ва бошқаларни мағлуб қилиш қобилиятидан мағрурланиб, бизларга бундай ишларни таъқиқлаб қўйди. Энди эса, у иблис эмас, худди оддий ҳайвондай, Парвардигор уни осонлик билан ўлдирди. Биз Худованд Нрисимхадева киёфасида Ўзининг эрмакларини намоён этган Парвардигор олдида мангу сажда қилиб бош эгамиз.

47. Нағалока аҳолиси шундай деди: - Буюк гуноҳкор Хираньякашипу бизларнинг бошимиздаги қимматбаҳо гавҳарларни ва чиройли хотинларимизни тортиб олди. Шу боис, унинг кўкрагини тирноқларинг билан тилкапора қилиб, Сен хотинларимизга катта қувонч келтирдинг. Энди бизлар улар билан биргаликда Сенга чуқур таъзим қиламиз.

48. Манулар шундай деди: - Эй Парвардигор, Сенинг амрингни бажариб, биз Манулар инсонлар жамиятининг қонунларини ўрнатамиз, аммо, иблис Хираньякашипу бутун оламдан ҳукмронликни вақтинча ўз қўлига олгани сабабли, шу қонунларга асосланган варнашарама тизими бузилиб кетган эди. Энди, Сен бу даҳшатли иблисни ўлдирганидан кейин ҳамма нарса яна ўз жойига келди. Илтимос, энди айтчи, Сенинг мангу хизматкоринг бўлган бизлар нима билан машғул бўлайлик?

49. Пражапатилар шундай илтижо қилдилар: - Ҳатто Тангри Браҳма ва Шива устидан ҳам ҳукмронлик қилувчи эй Парвардигор! Биз Пражапатиларни Сенинг амрингни бажариш учун Ўзинг яратган эдинг, лекин, Хираньякашипу бизга тақводор авлод қолдиришни таъқиқлаб қўйган эди. Мана энди ўша иблис жонсиз ётибди, чунки Сен унинг кўксини тилкапора қилиб ташладинг. Бутун олам аҳолисининг саодати учун Сен бу ерга соф эзгуликдан таркиб топган танада намоён бўлдинг, биз Сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан сажда қиламиз.

50. Гандҳарвалока аҳолиси шундай илтижо қилдилар: - Эй Парвардигор, ҳар хил рақсларга тушиб, қўшиқ куйлаб, биз ҳамиша сенга хизмат қиламиз, лекин иблис Хираньякашипу қўпол жисмоний кучи билан бизларни ўзига бўйсундириб қўйди. Энди Сенинг илоҳий амринг билан унинг ўзи ачинарли ҳолатга ту-

шиб қолди. Ҳеч қачон Хираньякашипуга ўхшаган ғаламисларнинг ишлари бирор яхшиликка олиб келадими?

51. Чараналока аҳолиси шундай деди: - Эй Парвардигор, Сен барча эзгу ниятли одамлар қалбига санчилган тиконга ўхшаган иблис Хираньякашипуни ўлдирганинда, бизлар жуда енгил тортиб кетдик. Шу боис, биз ҳамиша шартланган руҳларни дунёвий иллатлардан халос этувчи Сенинг нилуфар қадамларинг пойида мангу паноҳ топишга тайёрмиз.

52. Яқшалока аҳолиси шундай деди: - Эй моддий оламнинг йигирма тўрт унсурига ҳукмронлик қилувчи Зот, бизларни Сенинг энг яхши хизматкорларинг деб атайдилар, чунки ҳар хил хизмат қилиб, биз Сени жуда мамнун қиламиз; лекин Дитининг ўғли Хираньякашипунинг амри билан бизлар унинг паланкинини кўтариб юришга мажбур бўлдик. О Худованд Нрисимхадева, Хираньякашипу барчага азоб бераётганини билиб, Сен уни ўлдирдинг, энди унинг танаси беш моддий унсурларга қўшилиб кетади.

53. Кимпурушалока аҳолиси шундай деди: - Бизлар арзимас тирик мавжудотлармиз, Сен эса - Худонинг Олий Шахси, олий ҳукмдорсан. Бизлар Сенга муносиб илтижо қила олармидик? Хираньякашипунинг золим қилмишларидан озор чеккан содиқлар бу иблисни қоралаганида, Сен уни ҳалокатга учратдинг.

54. Вайталикалока аҳолиси шундай деди: - Эй азиз Парвардигор, қурбонлик майдончаларида ва катта мажлисларда Сенинг бенуқсон улуғворлигини шарафлаб куйлаш билан бизлар катта обрў қозонган эдик. Аммо Хираньякашипу, фақат унинг ўзини олқишлашни буюрган эди. Энди, бизларнинг бахтимизга худди тажрибали врач касал одамни сурункали касалликдан даволагани сингари, Сен бизларни шу буюк иблисдан халос этдинг.

55. Киннарлар шундай деди: - Эй олий ҳукмдор, бизлар Сенинг мангу хизматкорларингмиз, аммо, Сенга хизмат қилиш ўрнига, бизлар тинмасдан, ҳеч қандай мукофотларсиз Хираньякашипу учун хизмат қилишга мажбур эдик. Мана ниҳоят Сен шу гуноҳкорни ўлдирдинг. Эй Парвардигор Нрисимхадева, биз мангу ҳукмдоримиз бўлган Сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан сажда қиламиз. Илтимос, бундан кейин ҳам бизларнинг мангу ишончли ҳимоячимиз бўл!

56. Вайкунтхада Худованд Вишну билан бирга яшайдиган Унинг ҳамроҳлари шундай деди: - Бизларга энг олий паноҳ берувчи эй Парвардигор, бугун Сени бутун оламга бахт келтирадиган ғаройиб Нрисимхадева қиёфасида кўрдик. Эй Парвардигор, бизга маълумки, Хираньякашипу - браҳманларнинг қарғишига учраб, иблис танасида туғилган Сенинг хизматкоринг, Джаянинг ўзи бўлади. Сен Хираньякашипуни ўлдириб, унга алоҳида марҳамат кўрсатдинг, деб ҳисоблаймиз.

2 9.08.2002

Еттинчи қўшиқ тамом